

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI

**Sirdaryo viloyati xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va
ularning malakasini oshirish hududiy markazi**

**TA'LIM SIFATI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA
XALQARO TAJRIBALARDAN FOYDALANISH:
MUAMMO VA YECHIMLAR**

Respublika ilmiy-amaliy konferensiya

MATERIALLARI

2020 yil 28-29 aprel

МАТЕРИАЛЫ

**Республиканской научно-практической
конференции:**

**ИСПОЛЗОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА В
ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ:
ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XALQ TA'LIMI
VAZIRLIGI**

**Sirdaryo viloyati xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va
ularning malakasini oshirish hududiy markazi**

**TA'LIM SIFATI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA
XALQARO TAJRIBALARDAN FOYDALANISH:
MUAMMO VA YECHIMLAR**

Respublika ilmiy-amaliy konferensiya

MATERIALLARI

2020 yil 28-29 aprel

МАТЕРИАЛЫ

**Республиканской научно-практической
конференции:**

**ИСПОЛЗОВАНИЕ МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА В
ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ:
ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ**

Ta'lim sifati samaradorligini oshirishda xalqaro tajribalardan foydalanish: muammo va yechimlar. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. – Guliston, Sirdaryo viloyat XTXQTMOHM, 491 bet.

Ushbu to'plamda Sirdaryo viloyat xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi tomonidan tashkil etilgan "Ta'lim sifati samaradorligini oshirishda xalqaro tajribalardan foydalanish: muammo va yechimlar" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasiga kelib tushgan tezis va maqolalar o'rin olgan. Mazkur ilmiy-amaliy konferensiyada Respublikamiz maktabgacha va boshlang'ich ta'limining ilg'or milliy hamda xorijiy tajribalar bilan qiyosiy tahlili, ta'lim tizimida o'qish, matematika, tabiiy yo'nalishdagi fanlardan savodxonlik darajasini rivojlantirishning innovatsion metodlarini ishlab chiqish va amaliyotga joriy etish, xalqaro baholash dasturlarini ta'lim jarayoniga joriy etish bo'yicha ilg'or tajribalarini ommalashtirish va uning asosida ta'lim muassasalari uchun tavsiyalar ishlab chiqish, ta'lim oluvchilarni xalqaro baholash dasturlarida samarali ishtirok etishlariga psixologik tayyorlash masalalari mavzulari bo'yicha bir qancha ishlarni amalga oshirish maqsad sifatida olingan. Ilmiy-amaliy konferensiya materiallaridan umumta'lim maktab o'qituvchilari, barcha tadqiqotchilar, oliy ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilari foydalanishlari mumkin.

Mas'ul muharrir: pedagogika fanlari nomzodi, dotsent **B.Nazarova**

Tahrir hay'ati: pedagogika fanlari doktori, professor **B. Rahimov**

biologiya fanlari nomzodi, dotsent **A.Jonibekov**

tarix fanlari nomzodi **U. Qlichev**

(PhD) falsafa doktori **A. Uralov**

(PhD) falsafa doktori **G.Berdaliyeva**

katta o'qituvchi **Sh.Boychayeva**

Taqrizchilar:

A.Uralov - SVXTXQTMOHM "Tillarni o'qitish metodikasi" kafedrasini mudiri, (PhD) falsafa doktori

G.Berdaliyeva - SVXTXQTMOHM "Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim metodikalari" kafedrasini mudiri, (PhD) falsafa doktori

Sh.Boychayeva - SVXTXQTMOHM "Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim metodikalari" kafedrasini katta o'qituvchisi

Sirdaryo viloyat xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi Ilmiy-metodik kengashining 2020-yil 1-aprelda o'tkazilgan navbatdan tashqari 6-sonli yig'ilishining qarori bilan nashrga tavsiya etilgan.

ISBN 978-9943-45-75 To'plamdan o'rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas'uldir.

© SVXTXQTMOHM, 2020

SO‘Z BOSHI

“Bizning maqsadimiz – O‘zbekistonni jadal islohotlar, ilm-fan, ta‘lim va innovatsiyalar orqali erishish mumkin bo‘lgan rivojlangan davlatga aylantirish”.

Shavkat Mirziyoyev

Xalqaro baholash dasturlari – PIRLS, TIMSS, PISA, TALIS yurtimizda olib borilayotgan yoshlar siyosatiga ham sezilarli darajada o‘z ta‘sirini ko‘rsatadi. Chunonchi, yoshlarimizni ko‘proq o‘qib-o‘rganishga, erkin va ijodiy fikrlashga o‘rgatadi. Bugungi kun ta‘labi bilan aytadigan bo‘lsak, yoshlarga bo‘lgan e‘tibor dunyo miqyosidagi talablar bilan tenglashtiriladi. 2020-yil 25-yanvar kuni O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasida ham “Biz bu yil ayollar va yoshlarni qo‘llab-quvvatlash masalasini yangi bosqichga olib chiqamiz” degan tantanavor fikri ham biz ayollar va yoshlarga o‘zgacha ruh, o‘zgacha shijoat berdi.

XXI asr fan-texnika, axborotlashtirish asri bo‘lishligi bilan bugungi jadallashib borayotgan ilm-fan yutuqlari kechagi oldimizga qo‘yilgan rejalarning natijasi sifatida namoyon bo‘lmoqda. Bugungi kunda butun dunyoda ro‘y berayotgan globallashuv sharoitida mamlakatimiz barqaror taraqqiy yetib borish uchun har tomonlama modernizasiyalashgan tizimli yondashuvni taqozo qilayotganligi munosabati bilan olib borilayotgan islohotlar samarasini yanada oshirish, davlat va jamiyatning har tomonlama va jadal rivojlanishi uchun shart-sharoitlar yaratish, mamlakatimizni modernizasiya qilish hamda hayotning barcha sohalarini liberallashtirish bo‘yicha ustuvor yo‘nalishlarni amalga oshirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2017-yil 7-fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni qabul qilinib, Harakatlar strategiyasining to‘rtinchi “Ijtimoiy sohani rivojlantirishning ustuvor yo‘nalishi”ning to‘rtinchi “Ta‘lim va fan sohasini rivojlantirish” bandidan kelib chiqqan holda uzluksiz malaka oshirish tizimiga alohida e‘tibor qaratildi. Shu asosda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 26-sentyabrda «Pedagog kadrlarni tayyorlash, xalq ta‘limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi qarori qabul qilindi. Unda uzluksiz malaka oshirish tizimi samaradorligini yanada takomillashtirish, o‘qituvchilarning kasbiy kompetentligini doimiy rivojlantirish masalasiga alohida e‘tibor qaratildi.

“2020-yil – Ilm-ma‘rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili” Davlat dasturini amalga oshirishga oid ishlar tizimi va ularni amalga oshirish yuzasidan ishlab chiqilgan chora-tadbirlarda ko‘rsatilgan ishlarni amalga oshirish kunning dolzarb masalasi bo‘lmog‘i muqarrar. Istiqloq sharofati bilan amalga oshirilayotgan ishlar tizimi birmuncha jadallashib borayotgan davrda jahon tajribaini o‘rganish va ularning ilm-fan borasidagi yutuqlarini qiyosiy tahlil qilgan holda islohatlarni amalga oshirish, ta‘lim sohasidagi ishlarni jadallahtirishga bo‘layotgan e‘tibor hech kimni befarq qoldirmaydi.

Davr talabidan kelib chiqqan holda bugun o‘quvchilarning yoshi va aqliy va ruhiy xususiyatlari, kompetentligiga mos umumiy o‘rta va o‘rta maxsus kasb-hunar ta‘limining umumiyevropa Davlat ta‘lim standartlari ishlab chiqildi. Yurtboshimiz fikrlariga asosan, har bir o‘quv bosqichi, ta‘limda o‘quvchilar bilishi lozim bo‘lgan bilim, ko‘nikma, malaka va kompetensiyalar standart darajasida rasmiylashtirilib, hayotga tatbiq etildi.

Bugungi kun yoshlarimizning iste‘dodini ro‘yobga chiqarish va kamol toptirish, yoshlarning madaniy saviyasini yuksaltirish, ular qalbiga milliy hamda umuminsoniy qadriyatlarni singdirish maqsadida Davlat dasturlarilari ishlab chiqildi va shu bilan bir qatorda, malaka oshirish tizimi ham tubdan isloh etildi.

Uzluksiz ta‘limni modernizasiyalash orqali o‘quv-tarbiya jarayoni sifati va samaradorligini oshirishga qaratilgan Farmon va qarorlar ana shu dolzarb masalalarga yechim topishimizga ko‘mak beradi. Ushbu dolzarb masalalarni yechishda soha rahbarlari, metodistlar oldida qator vazifalar turibdi. Bular:

- o‘quv-tarbiya jarayoniga o‘qitishning zamonaviy ilg‘or shakllarini, yangi pedagogik va axborot texnologiyalarini, ma‘naviy-ma‘rifiy tarbiyalashning samarali shakllari va usullarini joriy etish;
- o‘qitishning mazmuni, ta‘lim-tarbiya jarayoni, dars mashg‘ulotlarining sifatli tashkil etilishini ta‘minlashda o‘qituvchining kasb mahoratini oshirish;
- dars jarayonida ilg‘or pedagogik va axborot-kommunikasiya texnologiyalari asosida yaratilgan metodik qo‘llanmalar, ularning multimedia ilovalaridan samarali foydalanish hamda har bir o‘quvchi tomonidan o‘zlashtirilishini nazorat qilib borishga oid ilg‘or tajribalarni o‘rganish hamda targ‘ib etish;
- muntazam ravishda boshlang‘ich ta‘lim fan metod birlashmalari tomonidan o‘qituvchilarning ilg‘or pedagogik va axborot-kommunikasiya texnologiyalaridan foydalanish samaradorligini ustamalar, rag‘batlantirishlar belgilash jarayonida inobatga olinishini ta‘minlash;
- o‘qituvchilarning kasbiy kompetentligini, bolalar psixologiyasi, hozirgi zamon ta‘lim pedagogikasi va bu sohadagi ilg‘or tajribalar, shaxsga yo‘naltirilgan ta‘lim konsepsiyasi va kompetensiyaviy yondashuv asoslarini egallashlariga erishish;
- yangi avlod darsliklarining mazmuni kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan davlat ta‘lim standarti va o‘quv dasturiga mos bo‘lishini ta‘minlash;
- darsliklar o‘quv jarayonining axborotli modelga aylanishiga, o‘quv materiallarining o‘quvchilarni muloqotga undashiga erishish;
- joylarda oliy ta‘lim muassasalari hamda pedagogik kadrlarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish hududiy markazlarining kafedralari professor-o‘qituvchilarini birlashtirgan holda umumiy o‘rta ta‘lim maktablari negizida boshlang‘ich ta‘lim sifat-samaradorligini oshirishga qaratilgan **“Yosh o‘qituvchilar maktabi”**, **“Mahorat maktabi”** va **“Metodistlar maktabi”** ishlarini takomillashtirishdir.

Malaka oshirish tizimi malakali, salohiyatli, zamonaviy o‘qituvchini shakllantirishi, har bir o‘qituvchi o‘z ustida muntazam ishlab, malakasini oshirib, o‘z tajribalarini o‘quvchilar ta‘lim-tarbiyasiga qaratishi lozim. Buning uchun:

- o‘quvchilarni ma‘naviy-axloqiy tarbiyalashning eng samarali shakl va usullarini qo‘llay olish;
- o‘quvchilarni ijodiy va erkin fikrlashga, mantiqiy tafakkurini o‘stirishga, iqtidorli shaxs sifatida kamol topishiga erishish;
- o‘quvchilarning har bir o‘quv fanidan kompetensiyaviy yondashuvga asoslangan bilim, ko‘nikma, malaka va kompetensiyalarga ega bo‘lishlarini ta‘minlash, buning uchun muallim har bir o‘quvchining o‘quv topshiriqlarini qanday holatda o‘zlashtirayotganini tahlil etishi, nazorat qilishi, o‘quvchining o‘zlashtira olmagan o‘quv topshiriqlariga qaytib, har bir o‘quvchi bilan alohida ishlashi;
- o‘quvchilarini bilish faoliyatiga bo‘lgan qiziqishlari va intilishlarini kuchaytirish hamda o‘z-o‘zini obyektiv baholash ko‘nikmasini shakllantirib borish;
- o‘qituvchi o‘quvchilarni sevishi, o‘z ishiga qiziqishi, o‘z bilim va tajribasiga asoslangan holda kasbiy faoliyat modellarini tanlay olishi, o‘quvchilarning ehtiyojlarini bilishi, o‘z o‘quvchilari va atrofdegilar bilan samarali hamkorlik o‘rnata olishi, zarur vaziyatlarda o‘quvchilarni qo‘llab-quvvatlashi, o‘quvchilar bilan muloqotga kirishish yo‘llarini yaxshi bilishi, o‘quvchilarga va atrofdegilarga mehribon bo‘lishi, ularni qadrlay olishi, o‘ziga ishonishi va faoliyati natijalarini yuqori darajada baholay olishi, ijtimoiy mas‘uliyatga ega bo‘lishiga erishish talab etiladi.

Ta‘limning mazmuni, samaradorligiga ta‘sir etuvchi omillarning asosiylaridan biri bu – ilmiy asoslangan, zamonaviy boshqaruv texnologiyalari bilan qurollangan, mazkur texnologiyalarni amalda qo‘llay oladigan salohiyatli kadrlar potentsialiga ega boshqaruv tizimini yaratish hisoblanadi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev rahbarlarga ikkita asosiy talabni qo‘ydilar: birinchi talab – har bir mutasaddi rahbarning o‘z ishiga bo‘lgan mas‘uliyatini tubdan o‘zgartirish, shaxsiy javobgarligini oshirish, ularning ongidan "hech kim menga tegmasa bas, tinchgina kunim o‘tsa bo‘ldi" degan fikrni chiqarib tashlashi lozimligi bo‘lsa, ikkinchi talab – rahbarning o‘z sohasida kompetentli, ya‘ni o‘z ishining ustasi bo‘lishi, o‘z sohasining sirlarini har tomonlama chuqur bilishi zarurligidir.

Shunday ekan, bizning Markazimizda ham ta‘lim jarayonini mazmunli tashkil etish uchun zamonaviy texnik vositalaridan samarali foydalanish yo‘lga qo‘yilgan. Jumladan, axborot texnologiyalari, kompyuter, multimedia, internet, masofali o‘qitish, yagona axborot muhiti va shunga o‘xshash axborot-kommunikatsion texnologiyalari tinglovchilar uchun tashkil etilgan.

Xalq ta‘limi xodimlarini axborot-kommunikasiya texnologiyalaridan foydalanishi (malaka ishi va dars ishlanmalarini tayyorlash, axborot olish va ularni qayta ishlash asosida yangi bilimlarni yaratish) uchun bugungi kunda markaz internet saytlariga ulangan, kompleks ravishda kompyuterlashtirilgan 8 ta o‘quv xonalari mavjud. Markaz professor-o‘qituvchilari 14 ta videoproektor va 5 ta elektron monitordan

foydalanilgan holda tinglovchilar uchun mazmunli amaliy va nazariy mashg'ulotlar tashkil etmoqda. Shu o'rinda tinglovchilarning o'zlashtirish darajasini oshirish, berilayotgan bilimlarni tushunish, xotirada saqlash va uni qo'llash imkoniyatlarini yuksaltirish maqsadida interfaol elektron doskalardan foydalanish yo'lga qo'yilgan.

Xulosa qilib aytganda, ta'lim sifat va samaradorligini oshirishda innovatsion yondoshuv borasidagi ishlarni amalga oshirishda barcha fanlarning o'rni muhim ahamiyatga ega bo'lib, o'sib kelayotgan yosh avlodni har tomonlama barkamol shaxs qilib tarbiyalashda o'ziga xos kompetensiyaviy vazifani bajaradi. Bu esa, o'z navbatida o'quv-tarbiya jarayonining sifat va samaradorligini oshirishga xizmat qiladigan zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishga yordam beradi. Darslarning sifat va samaradorligini oshirish borasida amalga oshayotgan ishlar tizimini jadallashtirish ham innovatsion yondoshishni ta'lab etadi.

Markaz direktori: B.Nazarova

ЎҚУВЧИЛАРДА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”ГА ҚАРШИ КУРАШЧАНЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР

Р.Г.Сафарова,

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти,

E-mail: safarova_goxat@mail.ru

педагогика фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “...ёшлар таълим-тарбияси учун кўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш” каби устивор йўналишлар белгиланган[1]. Бундай вазифани самарали ечишда ўқитувчилар, шу жумладан, синф раҳбарларининг маънавий-тарбияга оид фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Синф раҳбарлари ўқувчиларнинг билимларини ривожлантириш билан бир қаторда уларнинг маданий савиясини ошириш, ёт ғояларга берилишининг олдини олиш каби педагогик фаолиятни амалга оширувчи асосий шахс ҳисобланади.

Жамиятда “оммавий маданият” хуружлари тобора кучаяётган бугунги кунда педагогларнинг чуқур ўйланган ҳолда ўқувчиларнинг маданий савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишлари алоҳида долзарблик касб этмоқда. Маълумки, ўқув жараёни кун сайин такомиллашиб, мураккаблашмоқда. Унинг мазмунини модернизациялашга йўналтирилган педагогик фаолият кўлами кенгаймоқда. Бугунги кунга келиб, ўқувчиларни ривожлантиришга йўналтирилган дастурлар, танловлар, лойиҳалар сони ортмоқда. Мазкур инновацияларнинг аксарият қисми халқаро тажрибаларга таянган ҳолда вужудга келмоқда. Халқаро тажрибалар доирасига функционал саводхонлик, компетентлилик ва пировард мақсад, муваффақиятга асосланган ишчанлик кабиларни киритиш мумкин. Кўриниб турибдики, ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантириш, уларда тобора кенг қамровга эга бўлаётган “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш иккинчи ўринга тушиб қолмоқда. Бу шундан далолат берадики, Ўзбекистон таълим тизимида ўқитиш ва тарбиялаш орасидаги мутаносибликка путур етмоқда.

Биз бугун таълимнинг катта аҳамиятини инкор этмаган ҳолда ўқувчиларни маданиятли, етук шахс сифатида шакллантиришда аждодларимиз меросидан фойдаланишнинг бекиёс аҳамиятини эътироф этишимиз лозим. “Оммавий маданият” ўз табиатида кўра миллий маданий кадриятларни четга суришга ҳаракат қилади. У ўзининг шоу-бизнесга йўналтирилган мақсадлари орқали ёшлар онгини забт этишга тобора кўпроқ ҳаракат қилмоқда.

Бугунги кунда жамиятнинг аксарият аъзоларида маданий кадриятларни эгаллашга бўлган интилиш сусайиб, “оммавий маданият”ни тарғиб қилувчи воситаларга бўлган қизиқиш кучаймоқда. Натижада, бугунги ёшлар азалий кадриятлар, маданий бойликлар, аждодларимиз меросидан узоқлашиб, унинг мазмун моҳиятини тушунмаяптилар. “Оммавий маданият” тарғиботчилари бўлган шоу бизнес вакиллари эса бундан самарали фойдаланмоқдалар. Натижада жамият аъзоларининг маданий савияси пасайиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мураккаблашмоқда. Ёшлар онгида моддий манфаатдорликка бўлган интилиш кучайиб, маънавий-ахлоқий, маданий кадриятларнинг моҳияти пасаймоқда.

Йўқотилган маънавий кадриятлар ўрнида бўшлиқ вужудга келмоқда. Худди мана шу бўшлиқни тўлдириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати аждодларимиз меросини ўрганишга қаратилган сиёсатни илгари сурмоқда. Маълумки, шахснинг маданий савияси пасайганда, жамиятнинг барча соҳалари ривожланишида қийинчиликлар вужудга келади. Бу эса жамиятнинг маънавий соҳасини ривожлантиришга нисбатан ижобий таъсирнинг пасайишига олиб келади. Ўзбекистон ёшларининг онгини ўзгартириш учун уларда ўзликни англаш ҳиссини кучайтириш талаб қилинади. Ўзликни англаш эса узоқ асрлар давомида яратилган маданий-маънавий бойликларни ўзлаштириш негизида вужудга келади. Шунинг учун ҳам ёш авлоднинг маънавиятини ривожлантиришнинг педагогик чора-тадбирларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инсон маънавиятининг асосини ўз халқи ва ватанининг буюк ўтмиши билан фахрланиш ташкил этади. Бу эса ёшларни яратувчилик ва ўз халқининг ютуқларини мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилишга ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида баён этилган қуйидаги фикрлар ёшлар маънавиятини юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга: “...Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, “Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!” Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак” [2].

Ушбу фикрлардан келиб чиққан ҳолда ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни жамият ҳаёти билан интеграциялаш йўналишидаги ишларни янада кучайтириш тақозо қилинмоқда. Бугунги ўқувчи-ёшлар мустақил Ўзбекистоннинг ҳақиқий фуқароларига айланишлари учун таълим-тарбия жараёнида қулай педагогик муҳит яратилиши керак. Ўқувчи-ёшларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, улар онгига ўзбек халқининг кўп асрлик маданий бойликларини сингдириш таълим-тарбия жараёнининг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари сирасига киради. Таълим тизими олдида қўйилган ижтимоий буюртманинг асосини ҳам ёш авлодни маънавий, маданий жиҳатдан ривожлантириш ташкил қилади.

Мамлакатнинг тарихий ривожланиш даврида маданият миллатнинг маънавий тажрибасини сақлаб, тўплаб ва авлодларга етказиб келганлиги, халқимизнинг бирдамлигини, ватанпарварлик ва миллий гуруҳ ҳиссини тарбиялаганлигини эътироф этган ҳолда, маданиятнинг устуворлигига урғу бериш, жамият ҳаёти сифатининг янада юқори даражасини таъминлаш, унда фуқароларнинг ҳамжиҳат бўлишига эришиш, маънавиятли, масъулиятли, мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарори қабул қилинди [3].

Компетенциявий ёндашувга асосланган умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларида ҳам ўқувчиларда умуммаданий компетенцияларни шакллантириш масаласи устивор қилиб қўйилган [4]. Замонавий таълим-тарбия баркамол шахс сифатида юксак ахлоққа эга бўлган, ижодкор, зарур компетенцияларни эгаллаган, ватан ва халқ тақдирига дахлдор, кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг маънавий маданий бойликлари, асрий анъаналарини ўзлаштирган шахсни тарбиялашни назарда тутаяди.

Юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган, ижодкор, ташаббускор, компетентли Ўзбекистон фуқаросини тарбиялаш, уни педагогик жиҳатдан узлуксиз қўллаб-қувватлаш, маънавий-ахлоқий кадриятлар тизимига таянади. Бу тизим ўзида:

- фидойилик – ўзбек халқи ва ватанига мухаббат, халққа хизмат қилиш;
- ижтимоий дахлдорлик – шахсий ва миллий мустақиллик, ўзаро ишонч, давлат ва фуқаролар манфаатлари йўлида хизмат қилиш, ҳақўйлик, раҳмдиллик, фахрланиш ва етуклик;
- фуқаролик – Ватанга хизмат қилиш, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, ҳуқуқ ва қонунчилик асослари, кўпмаданиятчилик, виждон эркинлиги ва эътиқодчилик;
- оила – севги ва ишонч, саломатлик, фаровонлик, ота-онага ҳурмат, катталар ва кичикларга ғамхўрлик, ҳаёт давомийлиги ҳақида қайғуриш;
- меҳнат ва ижод – меҳнатсеварлик, ижодкорлик ва яратувчилик, мақсадга интилиш ва қатъиятчилик;
- фан – билимни қадрлаш, табиийликка интилиш, оламнинг илмий манзараси;
- диний кадриятлар – эътиқод ҳақидаги тасаввурлар, маънавиятчилик, диний дунёқараш, толерантлик ҳамда динлараро мулоқотнинг шаклланиши;
- санъат ва адабиёт – гўзаллик, уйғунлик, инсоннинг маънавий олами, ахлоқий танлов, эстетик, ахлоқий ривожланиш,
- табиат – тадрижий ривожланиш, она замин, табиатни асраб авайлаш, экологик онг;
- инсонийлик – олам ичидаги олам, халқлар ва маданиятларнинг ранг-баранглиги, инсониятнинг тараққиёти, халқаро ҳамкорлик қабилар.

Ушбу муаммолар синф раҳбарининг маънавий тарбия соҳасидаги фаолияти асосини ташкил этади. Худди шундай туйғуларни шакллантириш асосида ўқувчи-ёшларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмалари шакллантирилади.

Синф раҳбари ўзининг педагогик фаолиятида инсонпарварлик, ҳамкорлик, кўпчилик ҳақида ғамхўрлик қилиш ғояларига таяниши керак. Бунда муайян тарбиявий мақсадлар назарда тутилади:

- 1) Ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий соғломлигини сақлаш, уларни ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий кадриятлари билан яқиндан таништириш.
- 2) Ўзбек халқининг маданияти, тарихи, республикамизнинг табиий-экологик ўзига хослигини ўқувчилар онгига сингдириш.

3) Оилавий тарбиянинг имкониятларини кенгайтириш.

Маънавий-ахлоқий тарбия жараёнида бир қатор вазибаларни ҳал қилишни ҳам синф раҳбари назарда тутиши керак:

- ўқувчиларни эзгулик ва ёвузликни фарқлаш, эзгу амалларни бажаришга интилиш ҳиссини шакллантириш;
- ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва интилишларида ахлоқсизлик, “оммавий маданият” кўринишларига мойиллик кузатилганда унга қарши курашиш методларини қўллаш;
- ўзбек халқининг миллий маданий анъаналарини қадриятларини ўргатиш асосида ўқувчиларда ватанга мухаббат, халқпарварлик, эзгуликка интилиш каби сифатларни шакллантириш;
- ўзбек халқининг кўп асрлик оилавий қадриятлари негизида ота-оналарни бола тарбиясига оид педагогик-психологик билимлар билан қуроллантириш.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун синф раҳбарлари ташхисловчи, ўқув-билув, меҳнат, эстетик, ижтимоий фойдали, қадриятларни ўзлаштиришга йўналтирилган, бадиий-ижодий, жисмоний-соғломлаштирувчи фаолият турларидан фойдаланиш мумкин. Бунда синф раҳбари бир қатор принципларга таянади:

- тарбияланувчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда диалектик билиш ва шахснинг шаклланиши қонуниятларига асосланиб тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш принципи;
- тарбиянинг табиийлиги ва табиатшуносликка асосланганлиги принципи;
- педагогнинг ўқувчиларга ишонч билан ёндошиши принципи.

Тарбиявий фаолият жараёнига мактабдаги педагогик жамоанинг барча аъзолари иштирок этадилар. Маънавий-ахлоқий тарбия юксак қадриятлар ва аждодларимиз мероси негизида амалга ошади. Шундан келиб чиққан ҳолда, маънавий-ахлоқий тарбиянинг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: ўз ватани ва хулқ-атворига нисбатан бурч ва масъулият ҳиссининг пайдо бўлиши, меҳнат қилиш эҳтиёжининг вужудга келиши, атрофдагиларга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш; табиатга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, қонунларга итоат этиш, оилавий ҳаётга нисбатан ижтимоий жиҳатдан маъқулланган нуқтаи назар ва муносабатларнинг шаклланиши, мулоқот маданиятига оид коммуникатив кўникмаларнинг шаклланилиги, ўз-ўзини англаш ва тарбиялаш эҳтиёжининг вужудга келганлиги.

Умуман олганда, ўқувчиларда “оммавий маданият”га қарши курашчанлик кўникмаларини шаклланиши учун улар ватанга мухаббат, оилага ҳурмат, соғлом турмуш тарзига нисбатан эҳтиёж, гўзалликни ҳис этиш, меҳнатсеварлик, она заминга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, мулоқот маданияти кўникмаларини эгаллашлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сонли Фармони. <https://lex.uz>
2. 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси матни. <http://uza.uz>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарори. <https://lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори. <https://lex.uz>

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

*Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич, ГулДУ. профессори, педагогика фанлари доктори
Рахимова Дилбар Қувонмова, СВПКМОҚТ институти ходими
Худойбердиев Фиёсиддин Бахтиёр ўғли, ГулДУ 4 курс талабаси
1967.baxtiyor@mail.ru*

Давлатимизда иқтидорли ёшларга эътибор таълим соҳасидаги давлат сиёсати даражасида эканлиги бежиз эмас. Чунки, мазкур педагогик муаммо дунёнинг турли мамалкатларида мазкур масалани тадқиқ этишга, иқтидорли ёшларни танлаш, уларни тарбиялаш ва ривожлантиришга доир ўзига хос тажриба тўпланганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш ўринлидир. [1].

XX аср бошларида Америкада педагогик-психологик адабиётларда одатдаги тарбияланувчилардан баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қиладиган болалар турли номлар билан аталган. Психология фанлари доктори Г. Уилли юксак қобилиятларга эга болалар учун “иқтидорли болалар” атамасини қўллашни таклиф этган. Адабиётлар таҳлили Америкада

иктидорли болаларни юқори интеллект ва аъло даражада ўзлаштирувчилар деб ҳисоблашганлигини кўрсатади.

Европа давлатларидан бири – Германияда ҳам иқтидорли ёшлар билан ишлашда ўзига хос тажриба тўпланган. Германияда иқтидорли ёшларни аниқлаш махсус методикалар ёрдамида 10 – 12 ёшда амалга оширилади. Мазкур давлатда иқтидорли ёшлар учун алоҳида ихтисослаштирилган гимназияларни ташкил этишга катта эътибор қаратилади. Масалан, Берлиндаги “Anna-Lindh-Schule” да 80 нафар “Европа иқтисодининг келажаги” таҳсил олади. [4].

1988 йилда Германияда иқтидорли ёшлар учун “Немис мактаб академияси” (Deutsche Schuler Akademie) ёзги дастури ишлаб чиқилган. Ҳар йили мазкур дастурда Германиянинг турли ҳудудларидан 90 нафар юқори иқтидорга эга ёшлар жалб этилади. 16 кун давомида юқори малакали мутахассислар иштирокида улар биттадан олтигача академик фанлар билан шуғулланишади. Масалан, 2009 йилда мазкур дастур доирасида ёшларга “Гиперболик геометрия”, “Молекуляр генетика”, “Биология ва юқумли касалликлар социологияси”, “Неврология”, “Жамиятда авлодлар ўзаро муносабатлари муаммоси”, “Кинофильмларда мусиқа” каби ўқув курслари ташкил этилган. Академиянинг бош мақсади болаларнинг қобилиятини янада ривожлантириш учун интеллектуал атмосферани яратиш ҳамда юқори интеллект ва мотивацияга эга тенгдошлари билан ўзаро мулоқотни ташкил этишдан иборат. [4].

2000 йилда Франкфуртда алоҳида истеъдод ва қобилиятли болалар, ота-оналари, ўқитувчилар ва ёшларга ёрдам бериш мақсадида иқтидорли болалар учун Марказ (Hochbegabtenzentrum der Stadt Frankfurt am Main) очилди. Марказнинг мақсадига иқтидорлиликни ташхис этиш усуллари ва натижалари, болаларни ривожлантириш имкониятлари, бошқа муассасалар билан алоқалар тўғрисида ота-оналарни хабардор қилиш; ота-оналар учун болалар иқтидорлилиги бўйича очиқ маърузалар ва семинарлар ташкил этиш; ўқув ва ўқув жараёнидан ташқарида иқтидорли болалар ва ўсмирлар учун тадбирлар, курслар ташкил этиш; мактаб ўқитувчиларига маслаҳатлар бериш; педагог ва ота-оналар учун махсус адабиётлар тақдим этиш кабилар қиради.

Буюк Британияда ҳам иқтидорли ёшлар билан ишлашга доир катта амалий тажриба тўпланган. Мазкур жараёнга Буюк Британия таълим вазирлиги, кўплаб университетлар, коллежлар ва жамоатчилик ташкилотлари фаол иштирок этишади. Мамлакатда иқтидорли ёшларга ёрдам кўрсатиш Миллий Ассоциацияси фаолият юритади, 1982 йилдан “Халқаро иқтидорлилар таълими” (Gifted Educational International) махсус журнали нашр этириб келинади. [2].

Англия педагогикасида ижодий иқтидорлиликка алоҳида эътибор қаратилади. Британиялик мутахассисларнинг фикрича, “ижод (креативлик) – иқтидорлиликнинг энг муҳим унсури ҳисобланади ва иқтидорлиликнинг барча турлари ижодий компонентдан алоҳида қаралиши мумкин эмас” [5; 212-б].

Англия мактабларида таълимни табақалаштиришнинг иккита – ички ва ташқи тури мавжуд. Улар ўзаро уйғунликда ўқув жараёнининг юқори самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади [3; 6-б]. Ташқи табақалаш-тириш ўқув жараёнини ташкил этишнинг хилма-хил махсус шаклларида ўз аксини топади: тест ва суҳбат асосида қобилиятларини даражаси бўйича ёшларни йўналишга тақсимлаш; таълимнинг маълум бир босқичида ёшларни қобилияти ва қизиқишларига кўра гуруҳларга тақсимлаш; “аралаш” қобилиятли гуруҳларда ўқитиш ва ҳк.

Россияда ҳам иқтидорли ёшларга таълим-тарбия беришга алоҳида эътибор қаратилади. 2000 йилда мазкур давлат ҳукумати томонидан “Иқтидорли болалар” дастури қабул қилинган. Мазкур дастурнинг асосий мақсади иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини яратишдан иборат. Шу билан бир қаторда, мамлакатнинг интеллектуал, ижодий қувватларини ривожлантириш, иқтидорли болаларни танлов асосида аниқлаш механизмларини вужудга келтириш назарда тутилган.

Хитойда иқтидорли ёшлар қоидага мувофиқ таълимнинг кейинги босқичларини давом эттиришда турли имтиёзлар – давлат стипендиялари, ишлаб чиқариш корхонлари ва ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган ёрдам пулларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлишади. Хитойда иқтидорли ёшлар учун махсус мактаблар мавжуд эмас, бироқ университетлар қошида очилган ўрта мактабларнинг имконияларидан самарали фойдаланилади. Ҳар бир университет қошида кадрлар ва юқори даражада таълим беришни таъминлайдиган мактаблар мавжуд. [4].

Корея Республикасида ҳам иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилади. Иқтидорли ёшлар билан ишлашнинг асосий йўналиши сифатида махсус мактабларни яратиш ва қўшимча таълимни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Иқтидорли болалар учун Бусан шаҳрида “супер мактаб” ташкил этилган. Мактаб “Бусан Фан академияси”

(“Bussan Science Academy”), 2006 йилдан “Корея Фан Академияси” (“Korean Science Academy”) номини олган. Мазкур мактаб Хитойдаги “супер мактаблар”дан тубдан фарқ қилади. Энг аввало, у университетдаги қатъий тартиб-қоидаларни ўзида акс эттирмайди, бироқ ўз-ўзидан “болалар университети” функциясини бажаради. Мактабда иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва ривожлантиришга доир методлар ишлаб чиқилган. Мактабда бутун жаҳонда иқтидорли ёшлар билан амалга оширилаётган ишларни таҳлил этиш билан шуғулланадиган “Иқтидор таълими ва тараққиёт” (Institute For Gifted Education &Promotion) институти фаолият юритади. Институт ўқитувчиларни тайёрлашга доир АҚШ, Исроил, Россия ва Сингапурда халқаро ҳамкорлик дастурларини амалга оширади. Институт ходимлари Бусан шаҳридаги иқтидорли ёшлар билан ишлайдиган барча ўқитувчиларнинг малакасини ошириш билан ҳам шуғулланади. Барча курсларнинг натижалари мунтазам таҳлил этиб борилади ва қўлланма сифатида нашр этирилади. Барча ўқитувчилар рефлексив танловда иштирок этишади. Курсларнинг самарадорлиги асосида ўқитувчиларнинг рефлексив имкониятлари баҳоланади. [5].

Юқоридаги таҳлиллардан шуларни эътироф этиш мумкинки, мамлакатимиздаги иқтидорли ёшларнинг интеллектуал имкониятларини ривожланган давлатлар тажрибаларига таянган ҳолда ташкил этиш мамлакат тараққиётини таъминлашга мустаҳкам замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар – кжагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5466-сон Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.08.2018 й., 07/18/3907/1706-сон.
2. Габдулхаков В. Ф. Одаренность и ее развитие в условиях взаимодействия общеобразовательной школы и университета. Учебно-метод. пособие. – Казань: РИЦ «Школа», 2012. – С. 64 –65, 87–88.
3. Образовательные модели и технологии работы с одаренными детьми. / Сост. Башева Е. И. и др. – Красноярск: ККИПКППРО, 2011. – С. 6, 12.
4. Рахматова Ф. Иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш технологиясини такомиллаштириш. Пед.фан.б/ча (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. СамДУ . 2020 й. 170 б.
5. Содержание и методика обучения одаренных детей в начальной и неполной средней школе Англии и США. Дисс. канд. пед. наук. – Москва, 2000. – С. 212.

МОРФЕМАЛАР ТИЗИМИДА АГГЛЮТИНАЦИЯ ВА ФУЗИЯ МУНОСАБАТИ

*Мирзақулов Турсунали Ўтаевич
Филология фанлари доктори, профессор*

Кўшимчалар ҳосил бўлишининг фузия усули бир неча аффиксал морфемаларнинг ўзаро зич бирикиб кетишини англатади, бунда кўшма аффикс таркибидаги элементларнинг сингишиб кетиши, тўғридан-тўғри қисмларга ажратишнинг мумкин эмаслиги, орадаги чегара сигналларининг йўқолиши каби ҳолатлар уқилиб туради.

Фузия – янги морфем бирикмалар ҳосил қилувчи жараён, алоҳида усул. *Фузия* терминини фанга олиб кирган америка олими Э.Сепир (1921) уни аффикслар, янги ўзаклар ҳосил қилувчи алоҳида усул сифатида ажратиб кўрсатмаган бўлса-да, унда фузия икки элементнинг ўзаро сингишиб, бири ёки ҳар иккиси ўзгаришга учраши ва дастлабки маънолардаги изохлашиш юз беришини таъкидлайди. Айни талқин Ж.Марузонинг “Тилшунослик терминлари луғати” (М.1960. 331-бети)да тўлиғича ўз ифодасини топган. О.С.Ахманованинг луғатида “Ўзгарувчан ўзак билан ностандарт кўшимчани морфемалар ўртасидаги чегаранинг йўқолишига олиб келувчи зич бирикуви фузиядир (соддалашиш ҳодисаси билан солиштиринг)”¹ дейилади.

Туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида сўзнинг морфем таркиби ўзгармас, турғун ҳолатда тургандек кўринса-да, аслида, у мураккаб ўзгарувчан табиатга эга. Умумий тилшуносликка доир асарларда тез-тез учраб турадиган куйидаги фикр, яъни агглютинация тамойили асосида тузилган сўзда морфемалараро чегара, туташув нуқталари ҳамиша аниқ кўриниб туради (А.А.Реформатский) тарзидаги фикр ниҳоятда нисбий тавсифдир. А.А.Реформатскийнинг фикрича, асос паровоз бўлса, вагонлар аффикслар ҳисобланади. У агглютинация асосга бирин-кетин қўшиладиган, маъно-вазифаси ҳар бириники аниқ бўлган,

¹ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1966. – Б. 505.

оралари очик кўриниб турадиган ҳодиса деб қарайди². Бу фикрларнинг нисбий эканлигини фузия ҳодисаси ҳам исботлайди. Нисбий тавсиф деганда шуни айтиб ўтиш керакки, лексема ва морфемаларнинг ораси ҳамиша ҳам очик кўриниб турмайди. Вақтлар ўтиши билан фузион жараёнлар содир бўлиши эвазига товуш ўзгариши, бирикиб кетиши, соддаланиши, қайта бўлиниш жараёнлари содир бўлади ва улар орасидаги “очик кўриниб туриш” ҳолати ўзгаради. *Ога+ини – огайни, бор+а+мен – бараман* сўзларида ҳам фузияга учраб агглютинацияни юзага келтирган.

Морфемалар сўз доирасида занжирсимон тизмалар, “суффиксларнинг ҳалқалари” (Б.А.Серебренников)ни ҳосил қилади. Айрим ҳисобларга кўра, бу ҳалқаларнинг сони бир ўзак доирасида то ўн тўрттагача етиши мумкин. Ана шу ҳалқаларда турли хил тарихий жараёнлар билан боғланувчи омиллар таъсирида тарихий-генетик ҳамда функционал ўзгаришлар узлуксиз содир бўлиб туради. Бош (ўзак) морфема ва эргаш морфема – кўшимчаларнинг ўзаро семантик-фонетик чатишиши, бошқача айтганда, морфем материалнинг қайта бирикиши ва тақсимланиши ҳам тўхтовсиз давом этади. Натижада тил янги морфологик бирликлар – ўзақлар ва кўшимчалар билан бойиб боради. Айни шу хусусиятга кўра, “агглютинатив тиллар кўшимчалар ҳосил қилиш бўйича ҳайронқолашлиқ қобилятга эга”³. Қайд қилинган жараёнларга кенг қамровда ёндашиш кераклигини таъкидлаб, И.А.Бодуэн де Куртенэ В.В.Радловнинг асарларига ёзган тақризида шундай деган эди: “Тил тафаккурининг ҳамма морфологик бирликларига бир хилликда қотиб қолмаган, доимо ўзгариб турадиган, шу билан бирга, жонли, реал бирликлар сифатида қараш керак”⁴.

Узоқ вақтларгача О.Н.Бётлингк ва В.В.Радловнинг морфемаларнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлари далилларга мос тарзда татбиқ қилинмади: улар туркий тилларда санокли кўшимчаларгина мустақил сўзларга бориб тақалади, деб кўрсатган эдилар. Тарихий-типологик текширишларнинг кенг қамровда олиб борилиши натижасида агглютинатив тиллар, шу жумладан, ўзбек тилининг морфем бойлиги – ҳам ўзак қисми, ҳам кўшимчалар қисми икки етакчи усулда бойиб бориши аниқланди:

1) агглютинация (ёндошлик) усули – мустақил сўзларнинг аффиксал морфемаларга айланиши натижасида;

2) фузия усули – морфемаларнинг ўзаро бирикишидан янги ўзак ва кўшимчаларнинг ҳосил бўлиши натижасида.

Агглютинация (лот. *agglutinare* – ёпиштирмоқ). 1. Сўз ясалиш ёки шакл ясалиш асоси ўзгармаган ҳолда янги сўз ёки сўз шакли ҳосил бўлиши). Бунда ҳар бир аффикс маълум бир маъно, вазифа билан қатнашади. Мас., туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ясама сўзлар ва сўз шакллари асосга маълум изчиллик билан аффикслар кўшиш орқали ҳосил қилинади ва бу аффиксларнинг ҳар бири ўз маъноси билан қатнашади: тер-им-чи-лар-имиз-га.

2. Икки сўз (асос)нинг бир сўзга, бир сўз шаклига айланишидан иборат морфологик жараён. Мас., эчкини эмар>эчки эмар>эчкэмар⁵.

Агглютинация жараёни тилларда сўз асослари, грамматик ва деривациявий маъноларга эга бўлган кўшимчалар ёрдамида янги сўз ёки грамматик шакл ҳосил қилади.

Агглютинация туркий тиллардаги грамматик шаклларни ҳосил қилишнинг қадимий усули ҳисобланади. Икки сўзнинг бирикувидан янги бирлик пайдо бўлади, ҳосил бўлган бирлик аналитик ёки синтетик ҳолатда бўлиши мумкин. Ўзбек тилида ҳам шунга ўхшаш мураккаб морфологик бирликларнинг ясалиш жараёни мавжуд. Бу ҳодиса бир вақтнинг ўзида содир бўлмай вақтлар ўтиши билан юзага келади. Агглютинация ҳодисасида сўзларнинг бошқа сўзлардан ёки бирикмалардан ҳосил бўлиши, аффиксга айланиши тилларнинг ўзига хос кўринишини ифодалайди. Туркий тилларга хос жиҳатлар шуни кўрсатадики, бу жараён феъл сўз туркуми доирасида кўпроқ амал қилади. Бу ҳолат одатда кесимнинг ривожланишида кўринади. Шунинг учун феълларнинг аналитик шакллари содда ва қўшма аффикслар микдорини бойитувчи манба ҳисобланади. Бу усул билан ҳосил бўлган аффикслар таркиби фонетик, фонеморфологик ҳамда синтактик редукцияга учрайди (тушиб қолади: *тўққиз+ўн – тўқсон, сариқ+а+й – саргай*) ва у тилда ўзига хос янги бир вазифани бажаради: *келтирмакда турур мен – келтирмактатурмен* –

² Реформатский А.А. Агглютинация и фузия / Морфологическая типология и проблема классификации языков. – М., 1965. – С. 321.

³ Серебренников Б.А. Вероятностные обоснования в компаративистике. – М., 1974. – С. 9.

⁴ Серебренников В.А. О некоторых фонетических особенностях конечных формативов. // Современные проблемы литературоведения и языкознания. – М.: Наука, 1974. – С. 401.

⁵ Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т., 1985. –Б. 9.

келтирмактадурмен – келтирмакдамен – келтирмақдаман. Келтирилган мисолдан кўринадики, агглютинация ҳодисаси феъл сўз туркумида кўпроқ учрайди.

Тил далилларининг табиати, айниқса, фузия усулининг бош ва асосий усул эканлигини кўрсатади. Ўз навбатида, ҳар иккала усул бошқа усуллар учун келиб чиқиш манбаи вазифасини бажаради.

Фузия термини лотинча бўлиб, “эриб кетиш, сингиш” маъноларини англатади. Тил ички қурилишидаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган бу жараён тилшунослик тарихида гипперагглютинация (В.В.Радлов), морфологик абсорбация ҳамда переинтеграция (Н.В.Крушевский), содаланиш ҳамда морфологик қайта бўлиниш (В.А.Богородицкий), контаминация (Г.Пауль), фузия (Э.Сепир, А.Н. Кононов) деб аталади. Булар орасида *фузия* термини ҳодисанинг моҳиятини анча яхши акс эттиради: бунда қисмларнинг янги бирлик таркибига зич бирикиб кетиши, тўғридан-тўғри қисмларга ажратишнинг мумкин эмаслиги, орадаги чегара сигналлари (пауза, урғу)нинг йўқолиши каби ҳолатлар англашилиб туради.

Фузия ҳодисасининг юз бериш сабаблари тилшуносликка доир адабиётларда турлича изоҳланади. Олтойшунослик асосчиларидан бири, фин олими Г.И.Рамстедт фузияни морфемаларнинг қўшилиш ўрни – фонологик ҳодиса сифатида баҳолайди⁶. Ҳинд-европа тилларидаги фузион ҳодисалар И.А. Бодуэн де Куртенэ, В.А. Богородицкий асарларида дастлаб фонетик сабаблар билан боғлиқ, деб кўрсатилди. Кейинчалик Н.В. Крушевский асарлари таъсирида бу олимлар фузия замирида маъно ўзгаришлари ётишини, фонетик-фонологик ўзгаришлар эса бу ўзгаришларни мустақамловчи жараён эканлигини эътироф этдилар.

Булар аффиксларнинг умумий таснифи нуктаи назаридан ҳам бошқа-бошқа гурпуага мансуб, ҳурмат шакли морфологик табиатга, эгалик аффикси таркибидаги *-лар* эса синтактик табиатга эга. Шу асосда биринчисини морфологик шакл (шакл ясовчи) деб, иккинчисини эса (эгалик аффиксининг таркибий қисми сифатида) синтактик шакл (шакл ўзгартувчи) деб белгилаш лозим. Кейинги пайтларда шу ҳолатда қараш оммалашиб борапти, дейиш мумкин.

РЕШЕНИЕ ЭКСТРЕМАЛЬНЫХ ЗАДАЧ С ПОМОЩЬЮ КВАДРАТИЧНОЙ ФУНКЦИИ

Дж.Х.Хусанов, Ж.И.Буранов, А.Бердияров

Тошкентский государственный технический университет, кандидат физико-математических наук, профессор

Академический лицей Ташкентского государственного технического университета, преподаватель математики, juvenus88.60.94@mail.ru

Джиззакский политехнический институт, кандидат физико-математических наук, доцент

Технический прогресс человечества всегда подчинён задаче не просто выполнения поставленной цели, а выполнению её с наименьшими затратами и наибольшим результатом, то есть рациональному, оптимальному выполнению задачи. Современный этап развития – не исключение. Мало предложить к внедрению тот или иной процесс, или алгоритм, важнее обосновать его целесообразность и эффективность по сравнению с уже имеющимися процессами. Математический анализ является одним из инструментов такого строгого обоснования.

Основы навыков поиска оптимального решения закладываются уже в школьном курсе математики. В учебниках алгебры для 9 класса общеобразовательной школы нередко встречаются занимательные задачи по нахождению экстремальных (наибольших или наименьших) значений функции [1]. Надо подчеркнуть, что ученики этого, значительного уже, возраста только начинают знакомиться с ними. С полным набором инструментов они встречаются лишь в выпускных классах при изучении основ дифференциального исчисления. В учебнике для 11-класса [2] производная вводится в 1 полугодии. К этому времени мотивация к изучению математики бывает безвозвратно утрачена, так как выпускникам предстоят важные события, такие как подготовка к государственным выпускным экзаменам в школе и вступительным в университете.

Между тем, решение экстремальных задач может стать эффективным инструментом формирования и развития творческих математических умений учащихся. Разумеется, школьников следует «вооружить» математическими инструментами для решения оптимизационных задач различного уровня без преждевременного использования производной. Именно в 9 классе вводится понятие квадратичной функции. Использование её экстремальных свойств бывает,

⁶ Рамстедт Г.И. Введение в алтайское языкознание. – М., 1957. – С. 111 – 112.


зачастую, вполне достаточным для решения оптимизационных задач, предлагаемых в курсе дифференциального исчисления.

Напомним основные факты, связанные с использованием квадратичной функции как инструмента решения задач на экстремум [3].

Функция называется квадратичной, в случае, если ее можно задать формулой $y = ax^2 + bx + c$, где x - независимая переменная, a , b и c - некоторые действительные числа (коэффициенты), причем $a \neq 0$. Областью определения D квадратичной функции является вся числовая ось: $D = (-\infty; +\infty)$; множество значений E - луч: либо $E = (-\infty; y_{\max}]$, либо $E = [y_{\min}; +\infty)$. Квадратичную функцию удобно исследовать в виде, содержащем выделенный

полный квадрат: $y = a\left(x + \frac{b}{2a}\right)^2 + c - \frac{b^2}{4a}$. Возможны два случая:

- 1) Если $a > 0$, то слагаемое $a\left(x + \frac{b}{2a}\right)^2$ всюду положительно и лишь при $x_0 = -\frac{b}{2a}$ обращается в нуль. Поэтому функция y имеет наименьшее значение $y_{\min} = c - \frac{b^2}{4a}$ и не имеет наибольшего, причем, $x_0 = -\frac{b}{2a}$ - единственная точка минимума.
- 2) Если $a < 0$, то уже наибольшее значение функции $y_{\max} = c - \frac{b^2}{4a}$ достигается при $x_0 = -\frac{b}{2a}$, а наименьшего значения не существует. Тогда $x_0 = -\frac{b}{2a}$ - единственная точка максимума.



Описанное выше можно обосновать графически. Графиком квадратичной функции является квадратичная парабола с ветвями, направленными вверх или вниз, в зависимости от знака старшего коэффициента. Очевидно, что наименьшим (при $a > 0$) или наибольшим (при $a < 0$) значением функции будут значения на вершине параболы.

Обобщенно наименьшее и наибольшее значения называются экстремальными значениями функции. Сказанное выше можно выразить в форме теоремы, являющейся основной для решения экстремальных задач с использованием свойств квадратичной функции без использования производной.

Теорема (об экстремуме квадратичной функции). Экстремальное значение квадратного трёхчлена $y = ax^2 + bx + c$ достигается в точке $x_0 = -\frac{b}{2a}$. Значение является наименьшим, если $a > 0$ и наибольшим, если $a < 0$.

Проиллюстрируем на примерах возможности применения экстремальных свойств квадратичной функции для решения оптимизационных задач.

Задача 1. Найдите наименьшее значение функции $y = 3x^2 - 6x + 7$ [4].

Решение. В нашем случае данный пример можно решить двумя методами.

1-метод: выделим полный квадрат. Для этого запишем функцию в виде $y = 3x^2 - 6x + 7 = 3(x^2 - 2x + 1) + 4 = 3(x-1)^2 + 4$. Ясно, что функция будет иметь минимальное значение только тогда, когда $x-1=0$. В результате функция в точке $x=1$ имеет минимальное значение, равное 4.

2-метод: по вышесказанному относительно квадратичной функции, если $a=3 > 0$ то, функция y имеет наименьшее значение $y_{\min} = c - \frac{b^2}{4a} = 7 - \frac{6^2}{4 \cdot 3} = 7 - 3 = 4$.

Ответ: 4.

Следует отметить, что значительная часть задач на оптимизацию, представленных в 15 главе (начало математического анализа) сборника задач по математике для поступающих в вузы под редакцией М.И.Сканави [5], допускает решение без применения производной. Для нахождения ответа достаточно задать функцию от искомой величины.

Задача 2. (15.176) Число 18 разбить на такие два слагаемых, чтобы сумма их квадратов была наименьшей.

Решение. Обозначим искомые числа как m и n и составим условие:

$$\begin{cases} m+n=18 \\ m^2+n^2 \rightarrow \min \end{cases}$$
 . Выразим одну переменную через другую, составим целевую функцию и исследуем её на экстремальность: $m+n=18 \Rightarrow m=18-n$

$$y = n^2 + (18-n)^2 = n^2 + 324 - 36n + n^2 = 2n^2 - 36n + 324 \rightarrow \min$$

Составленная целевая функция – квадратичная. Первый коэффициент положительный, поэтому её наименьшее значение будет приниматься при $x_0 = -\frac{b}{2a} = \frac{36}{4} = 9 \Rightarrow y_{\min} = 2 \cdot 81 - 36 \cdot 9 + 324 = 162$.

Предполагаемый ответ: искомые числа равны 9 и наименьшая сумма квадратов равна 162.

Предположим, что задача решена неверно и рассмотрим отклонение от найденных значений. Пусть $n = 9 + \Delta$ и $m = 9 - \Delta$, соответственно. Тогда:

$$n^2 + m^2 = 81 + 18\Delta + \Delta^2 + 81 - 18\Delta + \Delta^2 = 162 + 2\Delta^2 > 162 \quad \forall \Delta \neq 0$$

Значит, при любом отклонении от найденных значений сумма квадратов будет больше исходно найденной.

Ответ: $m = n = 9$

Задача 3. (15.178) Найти число, которое превышало бы свой квадрат на максимальное значение.

Решение. Пусть искомое число - n . Составим целевую функцию: $y = n - n^2 \rightarrow \max$. Полученная функция – квадратичная, старший коэффициент имеет отрицательное значение, поэтому своё наибольшее значение будет принимать при $x_0 = -\frac{b}{2a} = \frac{1}{2}$ и $y_{\max} = \frac{1}{2} - \frac{1}{4} = \frac{1}{4}$.

Снова рассмотрим отклонение от полученного значения $n = \frac{1}{2} + \Delta$,

$$\text{тогда: } n - n^2 = \frac{1}{2} + \Delta - \left(\frac{1}{2} + \Delta\right)^2 = \frac{1}{2} + \Delta - \frac{1}{4} - \Delta - \Delta^2 = \frac{1}{4} - \Delta^2 < \frac{1}{4}.$$

Очевидно, что при любом отклонении от найденного значения, значение целевой функции станет уменьшаться.

Ответ: $n = \frac{1}{2}$

Применение оптимальных методов возможно не только к задачам алгебры.

Задача 4. Длина проволоки равна m . Её надо согнуть так, чтобы она приняла форму прямоугольника, ограничивающего наибольшую возможную площадь.

Решение. Пусть x и $\frac{1}{2}m - x$ будут сторонами прямоугольника. Следовательно,

$$2\left(x + \left(\frac{1}{2}m - x\right)\right) = m. \text{ Площадь прямоугольника равна } S = x\left(\frac{1}{2}m - x\right) \text{ или } S = -x^2 + \frac{m}{2}x. \text{ Эта}$$

функция является квадратичной относительно x и принимает своё наибольшее значение при $x_0 = -\frac{b}{2a} = \frac{m}{4}$. Значит, значение длины одной из сторон будет равно $x = \frac{m}{4}$. Тогда другая

сторона данного прямоугольника будет равна $\frac{m}{2} - x_0 = \frac{m}{4}$. Оказалось, что прямоугольник наибольшей площади при заданном периметре есть ни что иное, как квадрат.

Ответ: прямоугольником, обладающим наибольшей площадью при заданном периметре является квадрат со стороной $x = \frac{m}{4}$.

Таким образом видно, что для решения оптимизационных задач определённого уровня вполне достаточно знаний, получаемых в 9-классе средней школы, задолго до изучения основ дифференцирования. Считается целесообразным уделять больше времени на изучение оптимизационных задач в школьной программе, так как они способствуют развитию аналитического и логического мышления учащихся, и выработке внутреннего стремления решать задачи не только верно, но и наиболее быстро, эффективно. Как отметил Президент нашей страны: «Математика – основа всех точных наук. Ребенок, хорошо знающий математику, будет расти благоразумным, сможет успешно работать в любой сфере». Эти слова должны служить опорой для воспитания достойных умов нашей страны.

Литература:

1. Ш.А.Алимов, А.Р.Холмухамедов, М.А.Мирзаахмедов, Алгебра 9 класс, «Ўқитувчи» Т.2019
2. М.А.Мирзаахмедов, Ш.Н.Исмаилов, А.К.Аманов, «Алгебра и начала анализа» 11 класс Т. ISBN:978-9943-5127-7-1, ООО “ZAMIN NASHR” 2018
3. Готман Э.Г. Поиск рационального решения задачи на экстремум // Математика в школе. 1997. № 6. С. 40-43.
4. Matematika, 2019-test topshiriqlari to'plami, dtm “Davr press nmu” t.2019, 75-b.
5. «Сборник задач по математике для поступающих в вузы» под ред. М.И.Сканави. М. ISBN 5-488-00462-9, ООО «Издательство Оникс» 2006

O'QUVCHILARNI MATEMATIK SAVODXONLIK BO'YICHA PISA TADQIQOTLARIGA TAYYORLASHGA DOIR USLUBIY TAVSIYALAR

B.Xaydarov - f.-m.f.n., Toshkent shahar XTXQTUMO hududiy markazi Aniq va tabiiy fanlar metodikasi kafedrasida dotsenti,

N. Tashtemirova – Sirdaryo viloyati XTXQTUMO hududiy markazi Aniq va tabiiy fanlar metodikasi kafedrasida kata o'qituvchisi

PISA – o'quvchilar yutuqlarini xalqaro baholash dasturi doirasida ko'p yillar davomida olib borilgan tadqiqotlar natijasi o'laroq, quyidagi xulosalarga kelingan:

- Dunyoning aksariyat o'quvchi yoshlari XXI asrda yashashga tayyor emaslar, ya'ni zamonaviy jamiyat ehtiyojlaridan kelib chiqqan kompetentsiyalariga to'liq ega emaslar;
- maktab ta'limi ko'p jihatdan bu kompetentsiyalarni shakllantirishga yo'naltiril-magan;
- o'quvchilar egallagan bilim va ko'nikmalarini qayerda ishlatilishini bilishmaydi;
- hali ham ko'p maktablarda eskicha usullarda ta'lim berilayapti, ya'ni tayyor bilimlar berilayapti. Aslida maktab o'quvchilarni “o'rganishga o'rgatish” ya'ni mustaqil bilim olishga o'rgatishi kerak bo'ladi;
- darsliklar va undagi o'quv topshiriqlari mazmuni ham bunday vazifani bajarish-ga mo'ljallanmagan.

Yuqoridagi bu xulosalardan kelib chiqib, mamlakatimizda 2021-yilda o'tkazilishi mo'ljallanayotgan PISA tadqiqotlari doirasida matematik savodxonlikni baholashda quyidagi muammolarga duch kelishimiz mumkin:

- darsliklarda PISA topshiriqlariga o'xshash masalalarning yo'qligi yoki kamligi sababli, o'quvchilarda bunday amaliy faoliyatlarni amalga oshirish tajribasining yetishmasligi oqibatida PISA tadqiqotlarida ularning natijalari past bo'lishi mumkin;
- PISA topshiriqlari odatda uzundan-uzun matnlar yordamida tasvirlanib, ulardagi real vaziyat va muammolarni hal qilish usulini tanlash uchun matematikaning qaysi bo'limiga murojaat qilish haqida ko'rsatmalar yo'q;
- PISA topshiriqlari (matnli, rasmlil, diagramma va jadvallar, real bog'lanishlar grafiklari kabi) turli shakllarda taklif qilinadi. Ularni matematik tilga o'girish va yechim topilgandan so'ng uni yana real sharoit bilan bog'lab baholash va talqin qilish talab qilinadi.
- odatda matematika darsliklarida standart masalalar beriladi va ular standart usullar yordamida yechiladi, ya'ni o'quvchilar muayyan turdagi masalalarni ma'lum algoritmlar asosida yechishga o'rgatiladi. PISA topshiriqlarida esa unday emas. Odatda matematika darsliklaridagi masalalar muayyan bobda beriladi va bu bilan ularni yechish usullari ham shu bobda ko'rilgan usullarga bog'langan holda beriladi, ya'ni muayyan bo'limining masalalari qanday yechilishi haqida ko'rsatma beriladi;
- bundan tashqari, darslikdagi masalalar sof matematik masalaning tavsifidan iborat bo'lib, odatda ularning mazmuni hayotdagi real vaziyatlardan ancha uzoqda bo'ladi;
- darsliklarimizda PISA topshiriqlariga o'xshash masalalar juda kam yoki umuman yo'q. Masalalarda ko'rilayotgan vaziyatni tavsiflovchi juda katta hajmdagi axborot berilib, ularda juda ko'p yangi matnli ma'lumotlarning borligi – masalani tushunish va uni yechishni yanada og'irlashtiradi;
- ma'lumot turli: matn, raqam va tasvirli shakllarda taqdim etiladi. Masalani yechish uchun zarur bo'lgan ma'lumotlar matnning turli qismlaridan olinishi kerak bo'ladi. Ba'zi masalalarda “aylana” so'zi topshiriq matnida qayd etilmasada, o'quvchilarning o'zlari ob'ektning aylana shaklida ekanligini topishlari kerak bo'ladi.
- mamlakatimiz maktablari matematika fani o'quv dasturi PISA tadqiqotlarining matematik savodxonlikni baholash dasturi mazmuni va ketma-ketligidan farq qiladi. PISA sinovlarida hali o'tilmagan mavzular bo'yicha topshiriqlar ham berilishi mumkin;
- PISA topshiriqlarining berilishi va unga javob berishning o'zgachaligi ham o'quvchilarda ma'lum qiyinchiliklarni tug'diradi. Sinovning kompyuter asosida o'tkazilishi esa kompyuterda ishlash va ba'zi maxsus ilovalardan foydalanish ko'nikmalarini ham talab etadi. Ba'zi intraktiv topshiriqlarni bajarish oldindan bunday topshiriqlar bilan tanish bo'lish va ularda ishlash dasturidan foydalanish ko'nikmalarining shakllanganligiga ham bog'liq bo'ladi.

Bu va shunga o'xshash muammolar borki, PISA tadqiqotlarida ilk bor qatnashayotgan mamlakatimiz ta'lim tizimi oldida bir qator qo'shimcha vazifalarni ko'ndalang qilib qo'yadi. Bu muammolarni oldindan

bilish va ularni hal qilish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar grafigi va rejasini ishlab chiqish lozim bo'ladi.

Shundan kelib chiqib, sinovlarga tayyorlanish ishlarini tashkil qilishda quyidagi jihatlarga e'tibor qaratilishini tavsiya qilamiz:

- barcha tadqiqot yo'nalishlari doirasidagi umumta'lim fanlari o'qituvchilarning maqsadli malakasini oshirish, PISA tadqiqotlari bilan tanishtirish, topshiriqlar mazmuni va tuzilishi haqida ma'lumot berish, ularni tahlil qilishga qaratilgan seminar-treninglar tashkil qilish;
- Seminar qatnashchilarini tegishli o'quv materiallari bilan ta'minlash, turli o'quv-uslubiy adabiyotlarni chop ettirib, joylarga yetkazish;
- Matematika fani o'qituvchilarini nafaqat matematik savodxonlik bo'yicha, balki kreativ fikrlash bo'yicha ham tadqiqotlarni o'tkazishga tayyorlash;
- Malaka oshirishdan o'tgan o'qituvchilar maktabda to'garak soatlari hisobidan "PISA-2021 tadqiqotlariga tayyorlanamiz" deb nomlangan fakultativ kurslarni 7-, 8- va 9- sinf o'quvchilari uchun haftasiga 2 soat hajmida tashkil qilish tavsiya etiladi. Asosiy e'tiborni 2021-yilda sinovdan o'tadigan 8-sinf o'quvchilariga qaratish;
- Respublikadagi matematikani o'qitishga tayanch maktab sifatida belgilangan maktablarning PISA-2021 tadqiqotlariga tayyorlanishga mas'ul markaz sifatidagi faoliyatini tashkil qilish va ularga har tomonlama uslubiy yordam ko'rsatish;
- Televideniye va boshqa ommaviy axborot vositalarida keng targ'ibot ishlarini olib borish, "Ma'naviyat va ma'rifat" kanalida har haftada berib boriladigan turkum ko'rsatuvini tashkil qilish. Bu ko'rsatuv orqali ochiq PISA topshiriqlarini tahlil qilish va o'qituvchilarga yil bo'yi tegishli uslubiy tavsiyalarni berib borish;
- Xalq talimi vazirligi portalida va Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazi veb-saytida "PISA-2021 tadqiqotlariga tayyorlanamiz" deb nomlangan alohida interaktiv rukn tashkil qilish va ularga tadqiqotlar bilan bog'liq barcha ma'lumot, xabar va materiallarni joylashtirib borish. Onlayn maslahat olish imkoniyatlarini yaratish.

Ma'lumki, PISA topshiriqlari matematika fanining quyidagi mazmun sohalari (bo'limlari) ga doir tuziladi: Miqdorlar (arifmetika); O'zgarishlar va munosabatlar (algebra); Fazo va shakl (geometriya); Ma'lumotlar va aniqmasliklar (ehtimollar nazariyasi va matematik statistika elementlari).

Shundan kelib chiqib, o'quvchilarni PISA tadqiqotlariga 5- sinfdan boshlab tayyorlab borish lozim bo'ladi. Chunki, aynan 5-6- sinflarda matematikaning asosiy hisob-kitob, ya'ni arifmetik ko'nikmalarini tizimli ravishda shakllantirish boshlanadi. Shuningdek, PISA topshiriqlarining ko'pchiligi aynan sonlar ustida arifmetik amallarni bajarish, hisoblash texnikalaridan foydalanishni taqozo qiladi. 7- 9- sinflarda esa algebra va geometriya fanlarini tizimli o'rganish boshlanadi.

O'rta umumiy ta'lim maktablari uchun matematika fanidan yangilangan o'quv dasturi aynan PISA tadqiqotlarida matematik savodxonlik mazmunidan kelib chiqib qayta tuzilgan. Undagi ba'zi mavzularning oldingi sinflarga surilgani, dasturga kombinatorika, ehtimollar nazariyasi va matematik statistika elementlarining 5-sinfdan boshlab erta qo'shilganining boisi ham shu bilan bog'liq. Shuningdek, 5-6- sinflarda planimetriya elementlari va fazoviy shakllarni o'rganishga ko'proq e'tibor berilgani, hamda 7-9- sinf geometriya kursida stereometriyaning boshlang'ich tushunchalarining ham kiritilishi PISA topshiriqlari bilan bog'liq amalga oshirilgan. Shu bilan birga, boshqa umumta'lim fanlarida bu mavzularga ehtiyoj bo'lgani uchun ham bunday qarorga kelingan. Dasturni yangilash jahonda matematika fanini o'qitishga bo'layotgan innovatsion yondashunlarga javoban amalga oshirildi. Shu bilan birga, dasturni yaratishda matematika fanini o'qitishning ming yillar davomida shakllanib kelgan jahon va yurtimizdagi ilg'or an'analar va fanning nazariy asoslangan mazmuni, hajmi, ketma-ketligi va uzviyligini ta'minlagan holda va unga putur yetkazmagan holda ish tutildi.

Shuni alohida ta'kidlash lozimki, PISA topshiriqlarini yechish uchun matematikada chuqur bilim va ko'nikmalarni talab qilinmaydi. Lekin, o'zlashtirilgan muayyan bilim va ko'nikmalarni hayotiy vaziyatlarga qo'llashga juda katta e'tibor beriladi. Ularni fakultativ kurs (to'garak) mashg'ulotlarida ham muhokama qilish tavsiya etiladi. Shuningdek, matematika o'quv dasturiga yangi kiritilgan loyiha ishlariga ham alohida e'tibor qaratish lozim. Bu loyiha ishlariga mavzu sifatida PISA topshiriqlari yoki ularga o'xshash kichik ilmiy ishlanishlarni talab qiladigan topshiriqlarni berish tavsiya etiladi.

І-ШҰҒБА. РЕСПУБЛИКАМИЗ МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМИНИНГ ИЛҒОР МИЛЛИЙ ҲАМДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.

ТАЪЛИМ САМАРАДАОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ВА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ

*Назарова Барно Алижоновна,
педагогика фанлари номзоди, Сирдарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази директори*

Бугунги кунда инсоният жамияти, шунингдек, мустикал республикамиз халқи олдида турган ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-сиёсий, таълимий-тарбиявий муаммоларнинг ечимини топиш табиий, ижтимоий, техник фанларни ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро муносабатларига боғлиқ. Чунки, уларнинг барчаси моҳияти, мазмуни, табиати, шакли ва қўламига кўра тизимлилик характериға эға бўлиб, уларға айнан мос ёндашув ёрдамида тадқиқ этилиб, ечими топилади. Бу ўз навбатида таълим-тарбия ишида ҳам тизимли ёндашувдан фойдаланишни кўзда тутуди.

Дифференциал таълимнинг асосий йўналиши иқтидорли, қобилиятли болалар ва ўсмирларни ўқитишдир. Ҳозирги кунда жаҳон педагогикасида бу масалаға кизиқиш янада кучайди. Масалан, юкори қобилиятлар бўйича Европа ассоциацияси мавжуд бўлиб, унинг мақсади – иқтидорлилар таълимини тадқиқ қилиш ва рағбатлантиришдир. Шунингдек, болалар иқтидорини аниқлаш мезонлари, қобилиятли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш имкониятлари ўрганилади. Иқтидорли болаларни ўқитиш бўйича Европа комитети олимлари “иқтидорли бола” тушунчасига интеллектуал ва бадиий соҳада энг юкори натижаларға эришиши қобилиятини ёки ажойиб психомотор ва ижтимоий қобилиятни киритадилар.

Ривожланган мамлакатларда оммавий ўрта мактабларнинг яратилиши таълим-тарбия дифференцияси муаммосини янада кескинлаштирди. Бундай ҳолат умумий таълим диверсификациясининг сифат даражаси бошқача тизим заруратини келтириб чикарди. Ўқувчиларнинг иқтидори, кизиқиши, ўзлаштиришиға кўра дифференциал тайёргарликни кучайтириш ва мураккаблаштириш - замонавий мактабнинг глобал йўналишиға айланди.

Дифференциянинг асосий шакллари - ўқув муассасаларини турли типларға бўлиш, бир мактаб ичида поток ва профилларға, вариатив синф, гуруҳларға ажратиш назарда тугилади. Дифференциал таълим муаммоси бир хил хал бўлмайди ва қарама-қаршилиқларға эға. Ижтимоий томондан дифференция ижтимоий танлов усулиға айланади. Одатда табақаланиш (дифференция) бошланғич мактабни битиргандан кейин бошланиши зарур. У турли типдаги таълим муассасаларида амалға оширилади

Интеграциянинг асосини эса илмийлик нуқтаи назардан олиб қараганда оламнинг яхлитлиги ва уни ташкил этувчи қисм (элемент)ларнинг ўзаро алоқадорлиги, муносабатлари ташкил этади. Таниқли рус психологик олими Г.С. Костюкнинг фикрича: "Табақаланиш дифференциация - рухий жараёнлар ва ҳолат (хусусият)ларни қўпайишиға олиб келса, интеграция -тартибға келтириш, субординация ва унинг натижаларини маълум кетма-кетликда жойлаштиришға олиб келади. Интеграциялаш йўли билан эса янги психологик жараён, янги фаолият тузилмаси ҳосил бўлади. Бу янги тузилма илгари алоҳида-алоҳида бўлган элементлардан синтезлаш йўли билан ҳосил қилинади". Генетик жихатдан интеграция - узвийлик, предметларо алоқадорлик, ўзаро алоқадорлик ва ниҳоят ўзаро бир-бирини тўлдирувчи, кенгайтирувчи ҳамда чуқурлаштирувчи ўқув предметлари мазмунини энг камида таълим стандартлари даражасида синтезлаб, мантқан тугалланган мазмун шакли ва олий даражасидир. Чунки фанларо алоқадорликнинг ҳар қайси қуйи даражаси, ўрганилаётган ўқув фанлари доирасида маълум дидактик бирликлар орасида ўрнатилиб, уларни ўрганиш мазмунини ва муддатларини мувофиқлаштиришни кўзда тутуди, бундан фарқли ўларок интегротив алоқадорлик асосида ташкил этилган ўқув предмети ёки интеграциялаб ўрганилаётган фан, ҳодиса ёки жараёнларни яхлит тизим шаклида ҳар томонлама алоқадорлик ва муносабатлар нуқтаи назардан талқин этишни талаб этади. Бу ўз навбатида ҳозирги ва истиқбол талабларига жавоб берадиган. мустикал фикр юритувчи ва ижодий фаолият кўрсатувчи. малакали мутахассис шахсини шакллантиришға имкон беради. Чунки у таълим олувчилардан фақатгина таҳлил қилиш ва синтезлаш операцияларини талаб қилиш билан чегараланиб қолмасдан, балки мавҳумлаштириш, алгоритмлаштириш, туркумлаш, шартли белгилар ёрдамида ифодалаш, моделлаштириш каби юксак даражали тафаккурлаш операцияларини талаб этади. Бу операциялар ўрганилаётган объектни барча муҳим жихат ва хусусиятларини ажратиб олиб (табақалаштириб), моҳияти ва мазмунини аниқлаб этиш ва уларни умумлаштириш орқали амалға оширилади. Демак, интеграция ҳар доим ҳам унинг иккинчи томони бўлган табақалаштириш (дифференциация)ға таянган ҳолда ривожланиб боради ёки аксинча.

Интеграция масаласини педагог олимлар ва амалиётчилар қуйидаги йўналишларда тадқиқ этишни тавсия этадилар:

- а) ўқув фанлар туркуми доирасидаги мазмунни интеграциялаб ўрганиш;

- б) турли ўқув фанларидан таҳсил берувчи шахсларнинг фаолиятларини интеграциялаш;
- в) таълим-тарбия ишини ташкил этиш шаклларини интеграциялаш ва шу кабилар.

Бу йўналишларнинг ҳар бирининг аниқ ўз мақсади бўлиб, уни амалга ошириш учун мос шакл, метод, восита ва шарт-шароитларни талаб этади. Амалиётда улардан уйғун ҳолда фойдаланилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини ҳам шу ўринда эслатиб ўтиш лозим.

Педагогика фанида XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб интеграция, "ўзаро алоқадорлик", "ўзаро таъсир", "синтез" каби тушунчалар қўлланилган илмий ишлар пайдо бўлиб, таълим-тарбия ишида интеграция муаммосининг долзарблиги сезила бошланган. Ҳозирги пайтга келиб таълим-тарбия ишига интегротив ёндашув ғояси хусусий фанлар доирасида чегараланиб қолмасдан, умумпедагогик аҳамиятга эга масалага айланган.

Интеграция (лот. Integeration-тиклаш, тўлдириш, бирлаштириш, Integer-яхлит) синтезлаб бир бутун қилиб бирлаштирмак, мантиқий яхлит ҳолга келтирмак маъносида тушунилади. Таълим мазмунини интеграциялаш деганда ўзаро узвий алоқадор, бир-бирини такозо этадиган, кенгайтирадиган, чуқурлаштирадиган ўқув предметлари мазмунини синтезлаш, яъни мантиқий бирлаштириб бир бутун (яхлит) ҳолга келтиришни тушунамиз.

Интеграция (муассамлаштириш) ва дифференциация (табақалаштириш) бир-биридан ажралган ҳолда мавжуд бўлмайди, бири иккинчисидан келиб ҳам чиқмайди, балки улар ҳар доим бир вақтни ўзида ўрганилаётган объектнинг икки томони сифатида намоён бўлади. Илмий билишда улардан бири вақтинчалик маълум устунликка эга бўлиши ҳам мумкин. Масалани икки томонини фан-техника тараққиёти натижасида қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришида турли касбларнинг пайдо бўлиши, яъни табақаланишини, механизация, автоматизация ва яна қўшма касблар ёки кенг ихтисосли мутахассисларнинг диалектик ривожланиши эканлигини кўрсатиш мумкин.

Интеграциялаштириш жараёнлари ҳозирги замон илмий билимларининг ўзаро таъсиридан фарқли ўларок қуйидаги йўналишларда кечиши мумкин:

- алоҳида олинган фан доирасида ички илмий ривожланиш сифатида;
- фанлараро ўзаро алоқадорлик доирасида, яъни бир ёки бир неча соҳалар доирасида;
- махсус яхлит илмий билимлар доирасида кабилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишлар уйғунлигини интегротив ёндошув сифатида тасаввур этиш мумкин. Икки ва ундан ортик нисбатан мустақил қисмларда кечаётган жараёнларни бирлаштириш - интеграциялаштиришнинг натижаси бўлиши мумкин.

Яхлит тизимни тузишда интеграцияланувчи алоқадорлик муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни ички илмий алоқадорлик ҳам деб аталади.

Тизимлаштиришдан кўзланган асосий мақсад ички илмий алоқадорликни тартибга келтириш йўли билан яхлитликни юзага келтиришдан иборатдир. Бу жараёнда ҳосил бўладиган яхлитлик янги сифат кўрсаткичларига эга бўлади. Интеграциялаштиришнинг моҳияти, назарий синтез воситаси сифатида янги даражадаги билиш натижаларига эришишдир.

Мутахассисликка оид фанларни интеграциялаб ўрганиш қуйидаги масалаларни ҳал этишга қаратилган:

- мутахассисликка оид фанларни интеграциялаб ўрганишнинг моҳияти, мазмуни ва уни амалга ошириш шарт-шароитлари ва воситаларини ўрганиш;
- турли фанлар мазмунини интеграциялаштиришнинг илмий-назарий ва педагогик-услубий асослари билан танишиш;
- таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаоллиги, мустақиллиги ва билимлар даражасини интегротив оширишда билимларнинг долзарблигини исботлаш;
- ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, руҳий-педагогик, техник-технологик билимларни синтезлаш талаблари, имкониятларини аниқлаш.

Куп ҳолларда таълим-тарбия ишида интегротив, тизимли ва мажмуавий ёндошувлар синоним сифатида талкин этилади. Бу тушунчаларнинг умумий томонларини ўрганилаётган объектларнинг турли қирра, томон ва хусусиятлари ташкил этади. Лекин улар бир-биридан моҳиятига қўра ҳам фарқланади.

Таълим-тарбия жараёнида интегротив ёндошувни амалга ошириш тизим ёки мавжуд шаклдаги яхлит объектнинг ички ва ташқи алоқалари, уни ташкил этиш ва бошқариш қонуниятларини билган ҳолда олиб борилиши мумкин. Кичик мутахассисларни тайёрлашда интегротив ёндошув мутахассисликка оид билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий сифат ҳамда фазилатларни яхлитлигини таъминлаш учун қўлланилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган янги вариатив ўқув режалар ва дастурларига ўтиш даврида интегротив ва дифференциал ёндашув мазмунан туташ, алоқадор, мантиқий бир-бирини такозо этувчи ва бир-бирига сингиб чуқурлаштирувчи ўқув фанларини интеграциялаш учун қўлланилиб, яхлит мантиқий мукамал билим, иш-ҳаракат усуллари ва шахсий сифатларни таркиб топтириш ва шаклланиш масалаларида муҳим аҳамият касб этади.

ИНФОКОММУНИКАЦИОННАЯ СРЕДА КАК ФАКТОР ИЗМЕНЕНИЙ ТРАДИЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ

Д.Э. Ли

*Соискателя институт педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации
руководящих и педагогических кадров профессионального образования
Ташкент Узбекистан*

Инфокоммуникационная среда способствуют преобразованию традиционной до недавнего времени коллективно-центрической парадигмы образования в личностно-ориентированную, человеко-центрическую образовательную парадигму. По определению парадигма - это модель научно-педагогической деятельности, представляющая собой совокупность теоретических положений, методологических оснований, понятий и ценностных критериев.

Среди традиционных педагогических технологий можно перечислить обучение в сотрудничестве, проблемное обучение, модульное обучение, разноуровневое обучение, деловую игру, групповую дискуссии, метод проектов и т.д.

На сегодняшний день система профессионального образования Узбекистана приводится в соответствие с запросами общества, переходящего к новому этапу своего развития – информационному. Непрерывное развитие информационной компетентности преподавателя актуализировано развитием глобальной сети Интернет, внедрение в образовательный процесс информационных и коммуникативных технологий.

В Своем Послании к Сенату и Законодательной палате Олий Мажлиса президент Ш. Мирзиёев отметил что то в современном мире цифровые технологии играют решающую роль во всех сферах. В 2019 году в Международном индексе по развитию информационно-коммуникационных технологий Узбекистан улучшил свои позиции на восемь пунктов, однако все равно отстает от других государств. Известно, что цифровые технологии не только повышают качество продукции и услуг, снижают расходы, но и являются эффективным инструментом в борьбе с коррупцией – самой серьезной проблемой, которая меня очень беспокоит", - подчеркнул президент, напомнив, что внедрение цифровых технологий способствует эффективности государственного и общественного управления, развитию социальной сферы» что в свою очередь подчёркивает актуальность развития информационной компетентности преподавателя профессионального колледжа в условиях инфокоммуникационной среды.

Принцип доступности при компьютерном обучении реализуется благодаря ориентации процесса человеко-машинного взаимодействия на возрастные особенности пользователей, на их уровень владения языком и навыками работы с компьютером. Можно говорить о том, что уровень доступности в процессе усвоения учебного материала даже повышается за счет широких возможностей компьютера по представлению учащимися вспомогательной справочной информации и индивидуальной информационной поддержки.

Принцип активности обучающегося явно прослеживается при компьютерном обучении, поскольку пользователь инициирует работу за компьютером. Говоря о принципе активности учащегося в процессе обучения, подразумевают такое качество деятельности, которое характеризуется высоким уровнем мотивации, результативностью и осознанной потребностью в усвоении знаний и умений. Такого рода активность является следствием целенаправленных педагогических воздействий и организации педагогической среды, то есть применяемой педагогической технологии. В условиях компьютеризированного учебного процесса принцип активности обучающегося трансформируется в специфический для компьютерной формы обучения принцип интерактивности, когда взаимодействие учащегося с компьютером является обоюдно активным. Интерактивность проявляется в возможности участия в работе учащегося и компьютера в качестве равных партнеров при решении задач обучения и означает сознательную активность обучающегося, подкрепленную управляющей деятельностью компьютера. Интерактивное взаимодействие играет особую роль при обучении языкам, потому что, во-первых, активные формы взаимодействия вызывают значительно большую заинтересованность со стороны обучаемых, чем пассивные, и, во-вторых, постоянное стимулирование активности обучаемых позволяет значительно повысить объем речевой практики. Именно поэтому интерактивность рассматривают как показатель дидактической эффективности компьютерной обучающей системы и выделяют в качестве требования к компьютерным программам для обучения.

Использованная литература:

- 1.Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису-Ташкент. Узбекистан,2020 г.
2. Гудкова Т.А. Формирование информационной компетенции будущего учителя информатики в процессе обучения в ВУЗе: Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Чита, 2007. – 22 с.

АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ ФОРМЫ ОБУЧЕНИЯ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ УЗБЕКИСТАНА

*Министерство дошкольного образования Республики Узбекистан
Санжар Обидов*

В последние годы в рамках осуществляемых реформ в системе образования Республики Узбекистан, в том числе в сфере дошкольного образования происходят масштабные структурные изменения. Актуальным стоит вопрос своевременной и качественной подготовки и обеспечения детей равными возможностями для последующего их обучения в начальном образовании.

В республике важное значение в повышении качества образования приобретает обучение детей дошкольного возраста на основе вариативного подхода. Определены такие важные задачи, как “расширение сети дошкольных образовательных учреждений и создание в этих учреждениях условий для всестороннего интеллектуального, нравственного, эстетического и физического развития детей дошкольного возраста; повышение охвата, обеспечение равноправного доступа детей к качественному дошкольному образованию; повышение квалификационного уровня педагогов и специалистов”⁷. При этом важное значение имеет индивидуальный подход, исходя из особенностей психологического и физического развития, потребностей и нужд каждого ребенка, совершенствование содержания и форм работы с родителями, изучение научных, дидактических и технологических аспектов организации дошкольного образования.

За последние десятилетия международным сообществом принят ряд документов, в которых провозглашена приоритетность прав детей в обществе, обоснованы направления этой политики. Среди них - «Декларация прав ребенка». Основной ее тезис - «человечество обязано давать ребенку лучшее, что оно имеет». Декларация призвала родителей, неправительственные организации, местные власти, правительства, общественность стран стремиться обеспечить детям такие условия, которые позволяют им развиваться здоровыми людьми, свободными от любых форм насилия, с чувством собственного достоинства.

По материалам ЮНЕСКО, полученным при проведении обследования во многих регионах мира, был сделан вывод о том, что все страны оказались вовлеченными в процесс осмысления своих систем образования. Они пришли к заключению, что образование должно быть созвучно современным условиям. По состоянию на 2017 год количество детей в возрасте от 3 до 7 лет составляло 2 541 256. Из них, только 678 584 ребенка посещали дошкольные образовательные учреждения. Охват детей дошкольным образованием составлял, всего 27 %. В 2017 году всего 4 940 дошкольных образовательных учреждений осуществляли свою деятельность. В целях дальнейшего расширения сети государственных и негосударственных дошкольных образовательных учреждений, создания условий для формирования здоровой конкуренции среди государственных и негосударственных дошкольных образовательных учреждений, организации новых альтернативных форм дошкольных образовательных организациях. В настоящее время, по республике создаются альтернативные формы дошкольного образования, такие как группы кратковременного пребывания, семейные дошкольные группы и другие подобного рода виды дошкольных образовательных организаций различных организационно-правовых форм.

Так, для внедрения новых форм и методов дошкольного образования и воспитания в Узбекистане созданы все необходимые условия, в том числе создана благоприятная правовая основа и государственная поддержка альтернативных форм.

«Моделирование предметно-пространственной развивающей среды в дошкольной образовательной организации».

Автор: Ирина Владимировна Грошева – главный специалист Министерства дошкольного образования Республики Узбекистан.

В данных тезисах освещается моделирование предметно-пространственной развивающей и изучению дизайна как особой формы работы педагога дошкольной образовательной организации.

По мнению автора, содержание предметно-развивающей среды дошкольной образовательной организации в соответствии с Государственной программой должно соответствовать культурно-историческим ценностям: национальным и региональным традициям; особенностям, обусловленным природой, климатом; спецификой производственной жизни местности; содержание среды должно закладывать основы первичного мировоззрения, способствовать успешной социализации ребенка.

Ключевые слова: *содержание предметно-развивающей среды; выбор развития; вариативность развития; рационально; пространств для игр; разноразнообразие.*

Важнейшими задачами современной дошкольной педагогической науки и практики являются задачи гуманизации процесса воспитания и обучения, охраны и укрепления физического и психического здоровья детей, их всестороннего и полноценного развития.

Организация предметно-развивающей среды в дошкольной образовательной организации в настоящее время является самым актуальным, так как она служит важным критерием оценки качества дошкольного образования.

Предметно-пространственная развивающая среда должна быть содержательно-насыщенной, трансформируемой, полифункциональной, вариативной, доступной и безопасной.

В настоящее время, когда интенсивно развивается инфраструктура, включая строительство, реконструкция дошкольных образовательных организаций вопрос создания **предметно-развивающей среды очень актуален, который позволит предоставить важность наиболее эффективного развития индивидуальности каждого ребёнка с учетом его склонностей, интересов и уровня активности.**

Как показывает опыт основной проблемой, мешающей педагогам организовывать предметно-пространственную развивающую среду группы, это неправильное понимание педагогами особой эстетики дошкольной образовательной организации. Оно выражается в стремлении взрослых наполнить интерьер красивыми вещами, яркими картинками и игрушками, в создании статичных выставок и уголков. Решением данной проблемы может стать интеграция педагогики и дизайна, когда художественно-эстетический подход к оформлению и наполнению предметного пространства группы реализуется параллельно с педагогической разработкой содержательного наполнения пространства в пользу создания условий для развития ребенка и его самостоятельности в различных видах деятельности.

Содержание предметно-развивающей среды дошкольной образовательной организации в соответствии с Государственной программой должно соответствовать культурно-историческим ценностям: национальным и региональным традициям; особенностям, обусловленным природой, климатом; спецификой производственной жизни местности; содержание среды должно закладывать основы первичного мировоззрения, способствовать успешной социализации ребенка.

Предметно-развивающая среда — система материальных объектов и **средств** деятельности ребенка, функционально **моделирующая** содержание развития его духовного и физического облика в соответствии с требованиями Государственной программы дошкольного образования.

Очень важно, что психологический комфорт атмосфера уюта в группе — это **гарантия того**, что ребенок быстро освоится в новой **группе** и будет прекрасно себя чувствовать в течение всего дня.

Важно правильно подойти к вопросу создания предметно-развивающей среды. Внимательно наблюдая за воспитанниками, за каждым ребенком, педагоги группы должны вдумчиво и рационально организовать развивающее пространство своей группы. Также важно при формировании предметно-развивающей среды учитывать принципы её построения.

В дошкольной образовательной организации обстановка всех помещений служит одной задаче - воспитанию и развитию ребенка. Создание такой благоприятной обстановки - большое искусство, включающее в себя разумную и красивую организацию пространства и его элементов.

Эта проблема интересна тем, что интерьер создают архитектор, дизайнер и художник, а эстетику интерьера, красоту и порядок в помещении организует и поддерживает воспитатель. Содержательная насыщенность среды призвана обеспечить все виды детской активности, исходя из специфики образовательной программы.

При моделировании предметно-развивающей среды рекомендуется разработка минимального стандарта оснащения по областям развития ребёнка, с указанием спецификации перечня игрушек и оборудования, которые должны быть представлены в традиционной возрастной классификации.

Это позволит – облегчить педагогу выбор развития предметно-пространственной среды для своей группы, особенно если это разновозрастная группа или группа кратковременного пребывания различной направленности, из дифференцированного возрастного перечня и – максимально исключить повторяемость предметно-пространственной среды в смежных возрастах, что является реализацией принципа вариативности и сменяемости, т.к. вариативность, в соответствии с требованиями Государственной программы, предполагает периодическую частичную сменяемость игрового материала, появление новых или забытых детьми игрушек и пособий.

Вариативность развития предметно-пространственной среды одновременно проявляет себя в двух аспектах. Первый аспект представлен наличием различных пространств для игры, конструирования, уединения, а также разнообразных материалов, игр и игрушек, обеспечивающих свободный выбор детей. Кроме того, педагогу тоже предоставляется возможность выбора методического обеспечения для организации любой детской деятельности.

Второй аспект предполагает периодическую сменяемость игрового материала, появление новых предметов, стимулирующих разнообразную детскую активность. Вариативностью обеспечивается такое неотъемлемое свойство среды как разноразнообразие. Именно вариативность позволяет выстраивать вектор развития для каждого ребенка с учетом его индивидуального развития. Эта позиция делает акцент на процессуальную составляющую, то есть на педагогическую технологию. При организации развивающей предметно-пространственной среды она прослеживается в идентичных играх и пособиях, одинаковых по смысловому назначению, но разных по уровню сложности развивающих задач.

Можно отметить, что вариативность проецируется на развивающую предметно-пространственную среду и в разнообразии материалов, из которых изготовлены элементы среды. Это дерево, высококачественный пластик, резина, поролон, разные виды тканей, металл, качество и безопасность которых подтверждаются соответствующими сертификатами. Такое разнообразие исходных материалов обеспечивает, в том числе, и высокий уровень сенсорного развития.

При моделировании развивающей предметно-пространственной среды педагогам и руководителям дошкольных образовательных организаций совместно с родителями можно применять различные подходы, одним из таких подходов является проектный подход, целью которого будет являться разработка дизайн проекта. Создавая дизайн-проект предметно-развивающей среды группы, рекомендуется учитывать также инклюзивную направленность.

Интегративность образовательных областей (материалы и оборудование для одной образовательной области могут использоваться и в ходе реализации других областей); педагогическая целесообразность, позволяющая предусмотреть необходимость и достаточность наполнения предметно-развивающей среды, а также обеспечить возможность самовыражения воспитанников, индивидуальную комфортность и эмоциональное благополучие каждого ребенка.

Транспортируемость (возможность изменений предметно-развивающей среды, позволяющая, по ситуации, вынести на первый план ту или иную функцию пространства).

Стабильность и динамичность предметного окружения, обеспечивающего сочетание привычных и неординарных элементов эстетической организации среды, индивидуальную комфортность и эмоциональное благополучие каждого ребенка. Построение развивающей среды с учетом перечисленных выше принципов обеспечивает воспитанникам чувство психологической защищенности, помогает формированию личности, развитию способностей, овладению разными способами деятельности.

Созданная эстетическая среда вызывает у детей чувство радости, эмоционально положительное отношение к детскому саду, желание посещать его, обогащает новыми впечатлениями и знаниями, побуждает к активной творческой деятельности, способствует интеллектуальному развитию.

Литература:

1. Аверин С.А., Коновалова Т.Г., Маркова В.А. Реализуем ФГОС ДО: моделирование развивающей предметно-пространственной среды современной дошкольной образовательной организации. – М., 2014.
2. Граничина О.А. Статистические методы психолого-педагогических исследований (Учебное пособие) - Санкт-Петербург: Издательство РГПУ им. А.И.Герцена, 2002г.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Гаффаров Феруз Ҳасанович, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг (DcS) докторанти

Инсон фаолияти турларида назарий билим ва амалий тажрибанинг ўзаро боғлиқлиги дунёни, билим ҳақиқатини билиш муаммосини ҳал қилишда муҳим омил ҳисобланади. Назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги бирлик шаклида намоён бўлади: билиш ва амалиёт инсон ҳаракатининг ягона ҳаракатига кўшилиши биланок, билим дарҳол фаоллашади, ўзгарувчан ҳаракатларнинг иштирокчисига айланади ва яратувчига айланади. Ҳақиқий назарий билимларни шакллантириш жараёни амалиёtsiz имконсиздир. “Типотезалардан келиб чиқадиган назариялар асосли ва амалда синаб кўрилган, тушунчалар, ҳулосалар, ғоялар, блоклар, бўлимлар шаклида ишлаб чиқилган назариялар ҳақиқий илмий билимлардир” Ушбу таъриф замонавий билимлар ҳақиқатининг талқинидир.

Замонавий методология нуктаи назаридан назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги қоидалар педагогика соҳасига, таълим тўғрисидаги билимларнинг илмий тизимига нисбатан қўлланилади. Таълим амалиёти педагогиканинг шаклланишидаги биринчи босқич бўлиб, унинг бошланиши ибтидоий жамиятга тўғри келади ва у ҳозирги кунгача давом этмоқда.

Таълим тарихининг мутахассиси П. Монронинг таъкидлашича, таълим амалиёти ўқув фаолияти жараёнида ривожланиб, такомиллашмоқда. “Ҳаётий эҳтиёжларни қондириш бўйича амалий ишлар тобора аниқланиб борар экан, ишнинг биринчи босқичидаёқ барча зарур усуллари ўрганиш жараёни аниқланади.” Таълим, фаолият сифатида, назарий билимларни талаб қилади. Амалий фойдаланиш учун қонулар ва қонуларни шакллантиришга имкон берадиган назариялардан, умумлаштирилган тизимли билимлардан ташкил топган педагогика фани инсон ва унинг мавжудотининг моҳиятини фалсафий тушуниш натижасида вужудга келади.

Россия олимлари тадқиқотларида назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлили қуйидаги нуктаи назарларни очиб берди: В.В. Краевский фикрича, педагогик фан ва педагогик амалиётнинг нисбати икки турдаги фаолиятнинг нисбати сифатида намоён бўлади: илмий ва амалий. Б. М. Бим-Баднинг фикрига кўра, назария ва амалиёт аксиоматика, муаммолар ва методологиянинг бирлигидир. Бирлик иерархик кетма-кетликда ташкил этилган: аксиоматика - фанларга бўлган эҳтиёж билим ва амалиёт вазибалари билан олдиндан белгиланади; муаммолар - билимларнинг мантиғи, муаммоларни ҳал қилишда антропологик ёндашувни талаб қилади, бу эса педагогика нуктаи назаридан шахс тўғрисидаги билимларни изоҳлашни таъминлайди; методология - билим манбалари ва билиш усуллари уларнинг педагогик талқинини ҳисобга олган ҳолда танлаш принципини оп ичига олади.

Бим-Бад Б.М. педагогик билимлар инсониятнинг тарихий тажрибаси билан тасдиқланган назарий ва амалий комбинациядир, деб ҳисоблайди.

Қадимдан донишмандлар “ҳақиқат таққослаганда билинади” деб бежиз айтмаганлар. Шу маънода турли педагогик тизимларни, ўтмиш ва замонавий тажрибани, хорижий ва миллий тизимни таққослаш таълим-тарбиянинг ҳаққонийлик даражасини аниқлаш имкониятини беради. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини, таълим-тарбиясининг қиёсий таҳлили мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштириш ва инновацион таълимни ривожлантиришга андоза бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда Германия давлатидаги “дуал тизим” - касбий таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти узвийлиги, самарадорлиги юқоридаги фикрларга мисол бўлади.

Шундай қилиб, таълимда назария ва амалиётнинг ўзаро боғлиқлиги бирлик, ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсир амалга ошириладиган яхлит тизим шаклида амалга оширилади.

Интеграция (лотинча - яхлит) тизимнинг тадқиқот объектини тавсифлайди. Интеграция тушунчаси кўп босқичли. Биринчидан, бу тизимнинг алоҳида қисмлари ва функцияларининг боғлиқлик ҳолатини англатади. Иккинчидан, бу тизим таркибий қисмларининг конвергенция ҳолатига олиб келадиган жараён. Учинчи даражадаги интеграция бу табақалаштириш билан бир вақтда содир бўладиган фанларнинг яқинлашиши ва алоқаси жараёнидир. Тадқиқотларга кўра, интеграциянинг самарадорлигини профессионал таълим тизимига қўлланилиши мумкин.

Интеграция тушунчаси табақалаш тушунчаси билан боғлиқ. Дифференция (дифференция - лотинча фарқлаш) - бутунни қисмларга ва қадамларга бўлиш. Интеграция тушунчаси синтез тушунчаси билан ҳам ўзаро боғлиқдир. Синтез (синтез - лотинча уланиш) турли хил жисмларнинг яхлит бир тизимга - ақлий ёки ҳақиқий боғлиқлиги. Интеграция ва синтезни таққослашни Максимова В.Н. "Таълим тизимига интеграция" мавзусидаги ишида батафсил таърифлайди. Муаллиф интеграцияни "... билимларни ривожлантиришнинг янада умумий ва кўп қиррали усули ва синтез билан солиштирганда когнитив фаолият тури сифатида кўриб чиқади ва синтез бу фаолиятнинг махсус циклидир, интеграция жараёнини яқунлайди ва мустақил билим соҳасини шакллантириш учун замин яратади." "Ўзаро таъсирланиш замонавий фикрлашнинг умумий методологияси, универсал мантиқий усуллари туфайли турли хил тизимлардаги илмий билимларнинг мувофиқлигини таъминлайди." Шунинг учун интеграция синтезга нисбатан кенгрок тушунчадир. Максимова В.Н. фикрига кўра интеграцияга бўлган қизиқиш, фаолиятнинг бир туридан иккинчисига ўтиш қобилиятига эга бўлган, замонавий мутахассиснинг профессионаллигининг кўрсаткичи бўлган интеграциялашган турдаги мутахассисларга эҳтиёж борлиги билан изоҳланади.

Янги шароитда мутахассислар тайёрлашга қўйиладиган талаблар олимларни таълим мазмунидаги қарама-қаршиликларни бартараф этишга қаратилган воситаларни излашга ундади. Таълим интеграциясининг воситаси сифатида объектлараро алоқаларнинг дидактик назарияси яратилди.

Назариянинг асосий қоидалари касбий таълимда қўйиладиган қўлланилиши мумкин:

- фанлараро муносабатлар - бу таълим интеграцияси ва ўқувчининг яхлит ривожланиши воситаси;
- фан билимлари интеграциясининг умумлаштирилган таркибий бирликлари мураккаб муаммолар кўринишида пайдо бўлади, уларнинг таркибий элементлари (объектлараро жиҳатлар, тушунчалар таҳлили, етакчи ғоялар, мунозарали фактлар) ажратилган;

- объектлараро алоқаларнинг таснифини ишлаб чиқиш ва уларнинг турларини ўрганиш (ахборот, тезкор, тезкор, ташкилий ва услубий);

- замонамизнинг глобал муаммоларини акс эттирадиган мураккаб таълим муаммоларини ўрганишга қаратилган интеграл дидактик тизимларни яратиш учун услубий технологияни яратиш ;

- ўқишни ташкил этишнинг мураккаб шаклларини тавсифлаш (ўрнатилган дарслар, кенг қамровли экскурсиялар, кенг қамровли маъруза, топшириқ, офсет);

- жисмлараро алоқаларнинг билим тизимини шакллантиришга, фанлараро кўникмаларга, талабаларнинг кенг когнитив қизиқишларига таъсир этишини исботлашда ва ҳоказо.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда жаҳон ривожланган мамлакатларида жамиятни иқтисодий ривожлантириш учун ўз профессионал таълим тизимларини ислоҳ қилиш зарурлигини англаб етганлар. Таълимга нисбатан мазкур ёндашувнинг муҳимлигини америкалик бизнесмен Жон Грилос шундай ифодалайди: "ўқувчилар у ёки бу соҳада олаётган билимлари ҳар йили ўзгаради ва баъзан ўқувчилар уларни ўзлаштирмасдан эскиради. Бинобарин, иқтисодиётга ўз билим ва кўникмаларини мустақил такомиллаштиришга, зарур ҳолда янги билимлар ва касбларни ўзлаштиришга қодир бўлган ёшлар келиши муҳимроқдир".

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЁШ ВА ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Бердалиева Гуласал Абдуқундузовна, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), СВХТХҚТМОҲМ Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим методикалари кафедраси мудири

Мактабгача ёшдаги болалар психологияси илмида бу ёшдаги болаларда сифат ўзгаришлари тезлашганлигини инобатга олган ҳолда бу даврни уч босқичга тақсимлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб топилган: кичик мактабгача даври (3 – 4 ёш); ўрта мактабгача давр (4 – 5 ёш); катта мактабгача ёш (5 – 6 ёшгача); мактабга тайёрлов ёши (6 – 7 ёшгача).

Мактабгача ёшдаги бола ривожланиш жараёнида аждодлари томонидан яратилган нарса ва ҳодисалар, олам сир-синоатлари билан алоҳида махсус муносабатга киришади. У инсоният томонидан қўлга киритилган ютуларни фаол ўзлаштириб, эгаллаб боради. Болада нарса-ҳодисалар олами, улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар, она тили ва одамлар орасидаги муносабатларни англаш, аини замонда фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг ўсиб бориши катталарнинг бевосита ёрдами асосида амалга ошади. Бу оилада ота-она, мактабгача таълим муассасаларида эса тарбиячилар кўмагидаюз беради.

Асосан мана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Фаолиятдаги мустақиллик, ўз-ўзидан тафаккурдаги мустақиллик махсулидир. Бундан ташқари, мактабгача ёшдаги босқич уларда мураккаб ҳаракатларни такомиллаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакаларини ҳосил қилиш, нутқини ўстириш ҳамда ижтимоий аҳолқ ва эстетик диднинг дастлабки куртакларини юзага келтириш даври ҳамдир. П. Ф. Лесгафтнинг фикрича, инсон ҳаётининг аини шу босқичида унинг келгусида қандай характер-хислатлар соҳиби бўлиши белгиланади ва ахлоқий характернинг асослари юзага чиқади⁸.

⁸https://ru.wikipedia.org/wiki/Лесгафт_Пётр_Францевич

Мактабгача ёшдаги болаларнинг кўзга ташланиб турувчи хусусияти – серҳаракатлилик ва тақлидчиликдир. Бу ёшдаги бола табиатига хос бўлган асосий қонуниятни шундай ифодалаш мумкин: бола узлуксиз тарзда ҳаракатда бўлишни талаб қилади, лекин у фаолият натижасидан эмас, балки ҳаракатнинг бир хиллиги ва бир томонламалигидан чарчайди. Кўринадики, мактабгача ёшдаги болалар табиатининг асосий қонунияти бўлмиш серҳаракатлиликни чекламай, мақсадли ташкил эта билиш бу ёшдаги болалар таълим-тарбиясида қутилган самарани беради.

Катталар ва тенгдошлари билан мулоқот асносида бола ахлоқий-меърий мезонлар, атрофдагиларни англаш, шунингдек, ижобий ва салбий муносабатлар билан таниша бошлайди. Мактабгача ёшдаги бола ҳаракатлари унинг жисми билан мувофиқлаштирилган ҳолда амалга ошади. Бу даврда боланинг нутқи ҳам жадал ривожлана бошлайди. У ўзи билганларига қўшимча янгиликларни ўзлаштиришга ва уларни мустақамлашга мойил бўлади. Ўзи билган эртагини қайта-қайта эшитиш ва бундан зерикмаслик шу даврдаги болаларга хос хусусиятдир. Кўринадики, мазкур ёшдаги болани мустақил фикрлашга йўналтириш, ҳар қандай ҳаётий ёки бадиий ҳодисага диққатини тортиш, унга ўз муносабатини билдиришни талаб қилиш болада шахслик сифатларининг шаклланиши гаровидир.

Мактабгача ёшдаги болалар эҳтиёжи ва қизиқишлари жадал равишда ортиб боради. Бу, аввало, кенг даврага чиқиш, муносабатда бўлиш, ўйнаш эҳтиёжларининг мавжудлигидандир. Бу ёшдаги болалар нутқни маълум даражада ўзлаштирганликлари ва ҳаддан ташқари ҳаракатчанликлари туфайли уларда ўзларига яқин бўлган катталар ва тенгдошлари билан муносабатда бўлиш эҳтиёжи туғилади. Улар кенгрок доирадаги муносабатларга интила бошлайдилар, кўни-кўшнилари билан болалари билан ҳам жамоа бўлиб ўйнайдилар. Ҳамма нарсани билишга бўлган эҳтиёж кучаяди.

Мактабгача ёшдаги бола табиатига хос бўлган кучли эҳтиёжлардан яна бир – ҳар нарсани янгилик сифатида кўриб уни ҳар томонлама билиб олишга интилишидир. Бу ёшдаги болалар ҳаётида ва уларнинг психик жиҳатидан ўсишида қизиқишнинг роли ҳам жуда катта. Қизиқиш ҳудди эҳтиёж каби болани бирор фаолиятга ундовчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам психологлар қизиқишни билиш жараёни билан боғлиқ бўлган мураккаб психик ҳодиса дея баҳолайдилар⁹. Мактабгача таълим муассасалари нутқ ўстириш ва бадиий адабиёт билан таништириш машғулотида болаларга хос бўлган бу табиий хусусиятлар қизиқиш ва билишга интилиш сифатларидан уларнинг ўзлари учун оқилона фойдаланиш миллий тарбияшуносликнинг бош мақсади – баркамол шахсни шакллантиришга мувофиқ бўлади.

Боланинг камол топишида қизиқишнинг аҳамияти шундаки, у қизиққан нарсасини имкон қадар чуқурроқ билишга интилади ва бинобарин, узоқ вақт давомида у билан шуғулланишдан зерикмайди. Бу, ўз навбатида, боланинг диққати ҳамда иродаси каби муҳим ҳислатларни ўстиришга ҳамда мустақамлашга ёрдам беради. Шу маънода болаларни мустақил фикрлашга йўналтиришда аввал уларни эркин тафаккур объекти билан қизиқдиртиб олиш муҳим аҳамият касб этади.

Мактабгача ёшдаги болаларда ҳар соҳага доир саволларнинг туғилиши улар тафаккурининг фаоллашганидан дарак беради. Бола ўз саволига жавоб топа олмаса ёки катталар унинг саволига аҳамият бермасалар, ундаги қизиқувчанлик сусая бошлайди. Одатда ҳар қандай тафаккур жараёни бирон нарсдан таажжубланиш, хайрон қолиш ва натижада турли саволларнинг туғилиши туфайли пайдо булади. Биз ўзбекларда кўпчилик ота-оналар ва айрим тарбиячилар болалар савол бераверсалар, «кўп маҳмадона бўлма», «сен бундай гапларни қаердан ўргандинг», деб жеркиб ташлайдилар. Натижада бола ҳамма нарсани ўз билганича тушунишга ҳаракат қилади. Пассив ва тортинчоқ болалар эса ҳеч савол бермайдилар. Бундай болаларга турли машғулотлар ва саёҳатларда катталарнинг ўзлари савол беришлари, шу билан уларни фаоллаштиришлари лозим.

Ҳар қандай тафаккур, одатда бирон нарсани таққослаш, анализ ва синтез қилишдан бошланади. Саёҳатларлар, одатда болалардаги тафаккур жараёнини фаоллаштириш ва ривожланишига ёрдам беради. Болалар табиатга қилинган саёҳатларда турли нарсаларни бир-бири билан таққослайдилар ва анализ ҳамда синтез қилиб кўришга интиладилар.

Адабиётларда келтирилишича, икки яшар боланинг сўз захираситаҳминан 250тадан 400тагача, уч ёшли боланинг сўз бойлиги 1000тадан 1200тагача ва 7 яшар боланинг лексикони 4000тага етади. Демак, мактабгача ёш даврида боланинг нутқи ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан анча такомиллашади. Бу ёшдаги болалар нутқининг ўсиши оиланинг маънавий савиясига ҳам боғлиқ. Катталар болалар нутқини ўстириш билан шуғулланар эканлар, мактабгача ёшдаги болалар баъзи ҳолларда ўз нутқ сифатларини тўла идрок эта олмасликларини ҳам унутмасликлари керак бўлади.

Мактабгача даврда ахлоқий тушунчалар борган сари қатъийлаша боради. Ахлоқий тушунчалар манбаи катталар, шунингдек, тенгдошлари, бадиий асарларнинг қаҳрамонлари ҳам бўлиши мумкин.

⁹Урунтаева Г. А. Детская психология. –Москва: Академия, 2010. –С. 36.; Подьяков Н. Н. Мышление дошкольника. –Москва: Педагогика, 1977. – С. 222.

Ахлоқий тажрибалар асосан мулоқот, кузатиш, тақлид қилиш жараёнида, шу билан бирга катталарнинг, айниқса, оналарнинг мақтови ва танқидлари орқали ўтади, мустаҳкамланади. Бола доимо баҳо, айниқса мақтов олишга ҳаракат қилади. Бу баҳо ва мақтовлар бола шахсининг муваффақиятга эришуви, унинг маънавий камолоти, ҳатто жисмоний ривожланишида, шунингдек, шахсий ҳаёти ҳамда касб танлашида ҳам катта аҳамият касб этади.

Мактабгача ёш даврида болаларда мулоқотнинг янги мотивлари юзага келади. Бу шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Мактабгача ёш даврида болаларучун катталар берадиган баҳо жуда муҳим. Болалар биринчи навбатда маиший ахлоқ норма ва қоидаларини, ўз мажбуриятларига муносабат, кун тартибига риоя этиш, ҳайвон ва нарсалар билан муомала қилиш нормаларини эгалайдилар. Бундай нормаларни эгаллаш бу ёшдаги болалар учун қийин ҳисобланади. Боғча ёшининг охирига келиб, кўпчилик болаларда аниқ бир ахлоқий қарашлар таркиб топади, шунингдек, одамларга муносабат билан боғлиқ бўлган шахсий сифатлар ҳам шаклланади. Бу кишиларга нисбатан диққатли, меҳрибон бўлиш хусусиятидир.

Катта ёшдаги болалар кўп ҳолларда ўз хатти-ҳаракатлари сабабини тушунтириб бера оладилар. 3–3,5 ёш оралиғида болалар ўзларининг муваффақияти ва муваффақиятсизликларига муносабат билдирадилар ва бу муносабат асосан уларнинг ўзларига берадиган баҳолари асосида бўлади. 4 ёшли болалар эса ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар. Лекин 4–5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек ўзлари ҳақида маълум бир хулосани ҳам бера олмайдилар.

Ўз-ўзини англаш лаёқати катта боғча ёшидан бошлаб ривожланиб, аввал, у қандай бўлганини ва келажакда қандай бўлишини фикрлаб кўришга ҳаракат қилади. Бу болалар катталарга берадиган «Мен кичкина пайгимда қандай бўлган эдим?», «Мен катта бўлганимда қандай бўламан?» сингари саволларида кўринади. Келажак ҳақида фикр юритиб, болалар келгусида кучли, жасур, ақлли ва бошқа шу сингари қимматли инсоний фазилатларга эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Кичик ва ўрта боғча ёшида ҳам бола характерининг шаклланиши давом этади. У асосан болаларнинг катталар характерини кузатишлари асосида таркиб топади. Шу йиллардан бошлаб болада аҳамиятли ҳисобланган – ирода, мустақиллик ва ташаббускорлик каби шахсий хусусиятлар ривожлана бошлайди. 5–6 ёшида бола атрофдаги одамлар билан турли фаолиятларда мулоқот ва муносабатга киришишга ўргана бошлайди. Бу унга келажакда одамлар билан тил топишида, иш бўйича ва шахсий муносабатларни нормал равишда ўрната олишида фойда келтиради.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳаёллари турли хил машғулотларда ҳам ўсади. Масалан, мактабгача ёшдаги болалар лой ўйнашни, яъни лойдан турли нарсалар ясашни, қумдан турли нарсалар қуриб ўйнашни ва расм солишни яхши кўрадилар. Ана шундай машғулотлар болалар ҳаёлининг ўсшига фаол таъсир қилади. Мактабгача ёшдаги болалар ҳаёлининг ўсишига фаол таъсир қилувчи омиллардан яна бири эртақлардир. Болалар ҳайвонлар ҳақидаги турли эртақларни эшитганларида шу эртақлардаги образларга нисбатан маълум муносабат юзага келади.

Мактабгача ёшдаги болаларда ёқимли ва ёқимсиз ҳис-туйғулар ғоят кучли ва жуда тез намоён бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳис-туйғулари органик эҳтиёжларининг қондирилиш-қондирилмаслиги билан боғлиқдир. Эҳтиёжлар қондирилмаслиги сабабли болада нохушлик, норозилик, изтиробланиш ҳислари кўзғалади. Катта мактабгача ёшдаги болаларда бурч ҳисси – нима яхши-ю, нима ёмонлигини англаш билан ахлоқий тасаввур ўртасида боғлиқлик бор.

Катталар томонидан буюрилган бирон топшириқ бажарилгандаги мамнунлик, шодлик туйғулари бирон тартиб қондани бузиб қўйгандаги хафалик, таъби хиралик ҳисси билан тез-тез алмашиб туради. Шунингдек, мактабгача ёшдаги болаларда маънавий ҳиссиётлардан ўртоқлик, дўстлик ва жамоа ҳисси ҳам юзага кела бошлайди. Боланинг бу даврида эстетик ҳиссиётлар ҳам анча тез ўсади. Мактабгача ёшдаги болаларда эстетик ҳиссларнинг намоён бўлишини улар бирон чиройли, янги кийим кийганларида жуда яққол кўриш мумкин.

Мактабга тайёрлаш гуруҳи дастурларида болалардан таққослай олиш, таҳлил эта билиш, умумлаштира олиш, маълум бир хулоса чиқара билиш, шунингдек етарли даражада ривожланган билиш жараёнларини талаб этилади. 6–7 ёшли бола табиат ҳақида айрим ходисаларнигина эмас, балки организмнинг табиат билан боғлиқлиги ва ўзаро таъсирини ҳам тушуниши ва ўзлаштириши мумкин. 6–7 ёшли болалар ақлий ривожланишнинг юқори даражасига эришади ва кўргазмали-образли тафаккури орқали атроф оламдаги предметлар хусусиятларини ва улар орасидаги алоқадорликни ажрата олади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кўргазмали-ҳаракатли ва кўргазмали-образли тафаккур нафақат 6–7 ёшли болалар, балки кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ақлий ривожланишида ҳам асосий функцияни бажаради. Бу борада болада маълум бир кўникмаларнинг таркиб топганлиги ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мустақил мулоҳаза юритишга йўналтиришда уларга хос бўлган психологик, педагогик ва табиий-руҳий хусусиятларни инобатга олиш бу борада муваффақиятга эришиш гаровидир.

БОЛА ШАХСИ РИВОЖЛАНИШИДА ПСИХОДИАГНОСТИКАНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Абдуллаева Нафиса Шавкатовна,

Мақтабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириши институти мустақил изланувчиси, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Бугунги кунда келажагимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялаш уларни Ватан равнақига ҳисса қўша оладиган ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқан етук, руҳан соғлом, жисмонан бақувват ривожланиши учун давлатимиз раҳбарлигида кенг имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилиб берилмоқда. Бугунги кунда бола шахсининг тараққий топишида таълим–тарбия масканларининг ўрни катта. Жумладан, мактабгача таълим муассасаси ва умумтаълим мактабларидаги ўқув тарбия жараёни болаларнинг қобилияти ва лаёқатларини ҳар томонлама ривожлантиришга, улар шахсини шакллантиришга қаратилгандир.

Таълим –тарбия жараёнининг маҳсулдорлиги тарбиячи ёки ўқитувчининг ўз тарбияланувчиларини яхши билишга, таълим ва тарбиянинг хилма-хил методларини қўллашга боғлиқ. Тарбиячилар болалар психологияси бўйича билимларни жуда кам қўллайдилар, асосан ўқувчилар ўзлаштирмаганларида, тараққиётдан четлашиш ёхуд бузилишлар содир бўлгандагина фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Болаларнинг бундай ҳолатлари чегара ҳолатлари сифатида, психик тараққиёт камчилиги ўларок, шахс акцентуациясининг турли кўриниши сифатида таснифланиши мумкин. Ўқитувчи таълим ва тарбиядаги қийинчиликлар нега ва қандай пайдо бўлишини тушуниши учун, аввало бола психик тараққиётининг асосий қонуниятларини билиши ва турли психик ҳолатларнинг психологик диагностика методларни билиши зарур.

Ўқитувчи болалар билан ишлашда психодиагностик тадқиқот давомида доимий кузатиш жараёнида олинган натижалардан тўғри фойдалана олишлари ҳам муҳим ҳисобланади. Келинг, диагностика тушунчасига тўхталиб ўтсак. Тажрибага асосланган психологик диагностика фан сифатида XIX аср охирида фан сифатида вужудга келган бўлиб, психологияда ўлчаш ғоясининг кенг тарқалишига сабаб бўлиб, бу инсонлар психикасидаги индивидуал фарқларга қизиқиши асосида ривожланиб бори. Тарбиячи қанча кўп экспериментал психологик тадқиқотлар ўтказса, унинг тажрибаси шунча ортиб боради.

Бола шахси ўз даврларига хос мураккаб ва хилма-хил кўринишга эга бўлиб, уни қуйидаги 3 босқичга ажратиш мумкин:

биринчи давр – 3-4 ёш оралиғида бўлиб, эмоционал жиҳатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустақамланиши билан боғлиқ;

иккинчи давр – 4-5 ёшни ташкил қилиб, ахлоқий ўз-ўзини бошқариш шаклланади;

учинчи давр эса, шахсий ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятларининг шаклланиши билан тавсифланади.

Болаларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ айрим мураккаб жиҳатлар борки, албатта психолог ва педагог ўз фаолиятларида ушбу хусусиятларни ҳисобга олишлари лозим.

Масалан, 3-3,5 ёшлар оралиғидаги болалар ўзларининг муваффақият ва муваффақиятсизликларига муносабатларини билдирадилар ва бу муносабат асосан ўзларига берадиган баҳолар асосида шаклланади.

4 ёшли болалар эса, ўз имкониятларини реал баҳолай оладилар, лекин, 4-5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек, ўзлари ҳақида маълум бир ҳулосани бера олмайдилар.

Шунингдек, мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини тадқиқ қилиш жуда мураккаб жараён, чунки кўпгина шахс методлари катта ёшли одамларга мўлжалланган ва боланинг ўз-ўзини анализ қилиш имкониятига асосланмаган. Бундан ташқари психодиагностика ёрдамида ўрганиладиган шахс сифатлари мактабгача тарбия ёшида тўлиқ шаклланмаган ва беқарордир.

Болалар психодиагностикаси ихтиёрида фақат махсус проектив методлар, яъни боланинг ютуққа эришиш мотивлари ва хавотирланиш ҳолатларини ўрганиш методлари мавжуд шахс сифатларини баҳолашда эксперт методларидан фойдаланиш мумкин. Бунда эксперт сифатида болани яхши биладиган катталар, тарбиячилар, ота-оналар иштирок этишлари мумкин. Фақат ана шундай тарзда боланинг шахс сифатларига баҳо бера олиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Илк болалик даврнинг психодиагностикаси турли ёш даврларида бола ривожланишини баҳолаш имконини берадиган унинг психик тараққиёт меъёрларига мос ёки мос эмаслигини аниқлаш, мавжуд меъёрдан четга чиқишларини аниқлаш, уни тузатишнинг индивидуал чораларини режалаштириш ва олдини олиш бўйича воситалар ва методлар мажмуидан иборат.

Турли ёш даврдаги болалар гуруҳини текширишда психодиагностика методикалари ўз хусусиятларига эга. Масалан, чақалоқлик давридаги болаларни текширишда сенсомотор ҳаракатларни ўрганишга мўлжалланган методлар қўлланилади. Бундай методлар орқали қуйидаги ҳолатлар кузатилиш

мумкин, масалан боланинг бошини ушлаб туриши, предметларни ушлаши, ўтириши, қайрилиб қараши, предметнинг орқасидан ҳаракатли қарашлар ва бошқалар.

3-ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни текширишда эса содда ҳаракатларни оғзаки қўлланмаларни бажаришга қаратилган топшириқлар берилади. Қалам ва қоғоз, пластилин ва бошқа ўқув воситалари қўлланиладиган топшириқлар бола катта бўлган сайин қийинлаштириб борилади.

Педагог-психологлар ва тарбия берувчилар ўз фаолиятлари давомида болаларнинг шахсини ўрганишда, албатта, бола шаклланишнинг ёш жиҳатларига ва уларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб психодиагностик методларни тўғри танлаб, амалиётда улардан фойдалана олсалар самарали натижаларга эришилади. Бу эса жамиятимизнинг эртанги кунини ва ишончи бўлган ёш авлодни ҳар томонлама етук шахс бўлиб етиштиришга хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Соғинов Н.А. Таълим тизимида психологик хизматни амалга оширишда психодиагностика воситаларидан фойдаланиш.,- Т., 2001й.
2. Ғозиев Э.Ғ. Психология (Ёш даврлар психологияси). -Т.Ўқитувчи. 1994 й.
3. Бурлачук Л.Ф. Психодиагностика личности., - К. Здоровья. 1989.г
4. Нишанова З., Қурбонова З., Абдиев С. Психодиагностика ва экспериментал психология.. - Т.: Тафаккур бўстони, 2011 й

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МОДЕЛ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ ТУШУНЧАЛАРИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

*Календарова Зарафшан Калбаевна,
Ажиниёз номидаги Нукус ДПИ Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси*

Математикага ўқитиш методикасида асосий ўринни методик усуллар сифатида болаларга бериладиган саволлар эгаллайди. Улар репродуктив-мнемик, репродуктив-билиш, продуктив-билиш бўлиши мумкин. Бунда саволлар аниқ ва ихчам бўлиши лозим. Ўқитиш жараёнида болалар ёши ва ўрганиладиган материалга боғлиқ ҳолда репродуктив ва продуктив саволлар бирлиги бўлиши керак. Саволлар болалар фикрлашини ривожлантиришни таъминлайди. Болаларга бериладиган саволлар кўпинча гуруҳда назоратни қўлга олиш мақсадида қўлланиладиган саволлар бўлиши мумкин. Кўпинча қўлланиладиган саволлар, бу ёпиқ деб аталувчи саволлардир. Уларга фақат бир тўғри жавоб бўлади ва улар билимни текшириш учун қўлланилади. Мунозаралар вақтида бериладиган очик саволлар гуруҳнинг фаоллигини рағбатлантириш ва кўриб чиқиладиган муаммоларни таҳлил қилишда муҳимдир¹⁰.

Бир зумда жуда кўп савол бермаслик ва икки маънони англашувчи саволларни қўлланмаслик лозим. Саволлар болаларда қабул қилиш, хотира, фикрлаш, нутқни фаоллаштиради. Элементар математик тасаввурларни шакллантиришда асосан оддийдан бошлаб, предметларнинг аниқ белгиларини, хоссаларини, амалий ҳаракат натижаларини ёритишга йўналтирилган, боғланишларни, муносабатларни, алоқаларни, уларни тушунтириш ва асослашни, оддий исботлашдан фойдаланишни талаб этувчи мураккаб саволлардан кўпроқ фойдаланилади. Кўпроқ бундай саволлар тарбиячи томонидан намунани намойиш этгандан кейин ёки бола топшириқни бажаргандан кейин берилади. Масалан, болалар қоғоз тўғрибурчакни иккита тенг қисмга бўлганида, улардан сўралади. Сен нима қилдинг? Бу қисм қандай номланади? Нима учун ҳар бир бу иккита қисмни ярим деб номлаш мумкин? Қисмдан қандай шакл ҳосил бўлди? Квадрат ҳосил бўлганини қандай исботлаш мумкин? Тўғрибурчакни тўртта тенг қисмга бўлиш учун нима қилиш керак?

Таянч сўз ва иборалар вариантдан фойдаланиш шаклидаги топшириқларни тузишда интерфаол усулларни қўллаб ҳал қилинадиган топшириқлар миқдорига ҳам эътибор бериш лозим. Бу усулларни қўллаш болаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, материални юқори интеллектуаллик даражасида ўзлаштирилишини таъминлайди. Тарбиячи машғулот мавзусидан келиб чиққан ҳолда ушбу усулларнинг мосини танлаб олиши лозим. Бу усуллар тарбиячи билан бола ўртасидаги доимий ўзаро муносабатларни кўзда туттади. Уларни нотўғри қўллаш бу усуллар самарадорлигини пасайтириш ёки бу ҳақида нотўғри тушунча пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Мактабгача таълимда ҳар хил турдаги моделлар қўлланилади.

Аввало, предметли, унда конструктив хусусиятлари, нисбатлари, ҳар қандай объектларнинг қисмлари ўзаро боғлиқлиги акс эттирилган. Булар механизмлар тузилиши тамойилини акс эттирадиган техник ўйинчоқлар бўлиши мумкин; биологларнинг моделлари. Ҳозирги вақтда болалар учун жуда кўп адабиёт ва қўлланмалар пайдо бўлди, уларда, масалан, сезгиларни (кўз, қулоқ тузилиши), тананинг ички тузилишини (кўриш, эшитиш мия билан, мияни ҳаракатлар билан боғлаш) таништирадиган моделлар тақдим этилди. Бундай моделлардан фойдаланиш болаларни ўз имкониятларини рўёбга чиқаришга олиб келади ва уларни жисмоний ва ақлий саломатлигига эътиборли бўлишга ўргатади.

Катгароқ мактабгача ёшдаги болалар учун предметли-схематик моделлар мавжуд бўлиб, унда асосий хусусиятлар ва муносабатлар ўбекларни ўрнини босувчи (ўринбосар объектлар), график белгилар ёрдамида ифодаланади. Бундай моделнинг мисоли, жонсиз ва тирик табиатдаги ҳодисаларни кўрсатиш учун махсус белгилар пиктограммаларидан фойдаланиб, болалар томонидан сақланадиган табиат таквими. Ўқитувчи болаларга режани (хонани, боғни, кўғирчоқ бурчагини), маршрут схемасини (уйдан болалар боғчасига олиб борадиган йўл) тузишда қандай қилиб моделлашни ўргатади. Умумий предметли-схематик моделлар - бу чизмалар, нақшлар ҳисобланади. Масалан, ўқитувчи кўғирчоқлар учун костюмлар ясашни ва болаларда иш жараёнида шаклларни ўлчаш, кийимларни моделлаштириш ғояларини таклиф қилади. Бадий асар мазмунини таҳлил қилганда, О.М.Дяченко таклиф қилган болаларни эртақларни моделлаштиришга ўргатиш методикасига мурожаат қилиш тавсия этилади. Эртақнинг мазмуни манتيқий тугаган қисмларга бўлинади, уларнинг ҳар бири учун болалар схематик равишда расм (пиктограмма) чизади.

Натижада апперцептив схема - иш мазмунининг тўлиқ тасвири олинади. Бунга асосланиб, мактабгача ёшдаги болалар эртақ ёки ҳикояни муваффақият билан қайтариб олишади, уни фланелографда кўрсатишади ва ҳк.

“Шуни ёдда тутиш керакки, моделлардан фойдаланиш мактабгача ёшдаги болалар ушбу предмет (буюм) бўйича билимларни аҳамиятсиз белгиларидан таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш ва мавҳумлаштириш имкониятига эга бўлишлари мумкин. Моделни ўзлаштириш фаол когнитив тадқиқот фаолияти билан боғлиқ бўлиб, объектларни анъанавий белгилар, символ (рамз)лар орқали алмаштириш қобилиятига эга”.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

4. Бикбаева Н.У “Болалар боғчасида математика машғулотларини ривожлантириш” Т 1998.

5. Мавлянов А. ва б. Ўқув машғулотларини ташкил этишда таълим технологиялари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013. – 142 б.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА КАСБГА ОИД ДАСТЛАБКИ ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Маҳкамов Фуломжон Нурмамадович,

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мустақил тадқиқотчиси

Мустақил Ўзбекистон Давлат сиёсати даражасига кўтарилган таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида асосий фаолиятнинг муҳим вазибаларидан бири болаларни ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашга йўналтиришдан иборатдир. Касбга йўналтириш (касбга тайёрлаш) – шахснинг бўлғуси касбий фаолият субъекти сифатида ўзига нисбатан шаклланиш жараёнини ўтайди, яъни келажакда ҳаётини иқтисодиёт муносабатларига мослашиб боради.

Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни касбга оид тасаввурларини шакллантириш жараёни уларнинг дастлабки билимларини, меҳнат кўникма ва малакаларини, меҳнат маданияти ва касбга доир тушунчаларини ошириш, методик жиҳатдан тўғри ва ижодий ёндашиб ташкил қилинишни тақозо этади. Шу ўринда касб танлашга йўллашнинг тарихий тараққиётига бир назар солиш ўринлидир.

Меҳнат ва касбий тайёргарлик тизими бевосита болаларнинг меҳнат ва касб тарбиясини, таълимини касбий ахборотлар, касб танлаш, касбга йўналтириш ишларини амалга оширадиган улкан ишлардан бири булиб, ўтмиш тараққиётига эгадир. Халқимизнинг миллат, халқ, элат бўлиб шаклланишини меҳнатсиз, касбларсиз, ҳунарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Одамзод пайдо бўлгандан бошлаб меҳнат билан шуғулланган, турмуш буюмлари ясаган, юмушлар бажарган. Дастлаб фақат кун кечириш учун қилинган меҳнат кейинчалик, катгароқ мақсадни, бойлик орттириш учун амалга оширилиб ҳатто, Х асрларда йирик ҳарбий кўшинларни, миллионлаб халқларни буюмлар, анжомлар билан таъминлай оладиган ишлаб чиқариш соҳалари даражасигача тараққий этди.

ХII-ХV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳунар илми, кўлами ривожланиши энг юкори поғонага кўтарилди. Ҳар бир халқ ота-бобосидан мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзининг тарихий-маданий бирлиги билан ажралиб, ўзига хос хусусиятларни сақлаб келган. Ўзбеклар ҳам шулар жумласидандир. Республикамиз ҳудудида ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳунармандчилик бу ерларда икки минг йиллар олдин

ривожланган. Бу даврда синфий жамият пайдо булиб, йирик меҳнат тақсимоли негизида ҳунармандчилик мустақил соҳа бўлиб ажралиб чиққан.

Х асрда яшаб ижод этган, улуғ бобоколонимиз Абу Носир Ал-Фаробий ҳам кишиларни ҳалол меҳнат қилишга ва касб-ҳунар эгаллашга чақиради. Фаробийнинг фикрича, инсон “оғиз банди”, “ҳеч нарсага қодир бўлмаган мавжудот” эмас, балки у энг олий камолот бўлиб, “ақл-идрок зиёсига эга, ўзи учун зарар бўлган ҳамма нарсани яратишга қодир борлиқдир”. Фаробий меҳнат ва касб-ҳунар қўникмаларини ва ахлоқий фазилатларни ҳосил қилиш лозимлигини таъкидлаб: “Агар касб-ҳунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиият талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолади эди. Касб-ҳунар фазилати туғма бўлмас экан, халқлар ва шаҳар аҳлларида, ахлоқ-одоб, расм-рўсм, касб-ҳунар, одат ва иродани ҳосил қилиши учун инсондаги зўр куч ва қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл билан: яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарлар ўртасида назарий фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир” деган эди.

Мактабгача ёшдаги болаларни касбга йўналтиришдан асосий мақсад уларни меҳнат, касб турлари, йўналишлари билан таништириб бориш ва касб фаолиятига қизиқишни шакллантиришдан иборат. Бунга эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

- билиш компетенциясини ривожлантириш;
- интеллектуал ва ҳиссий-иродавий ҳислатларини ривожлантириш;
- ўзига ишонч ҳиссини тарбиялаш

Мактабгача ёшдаги болалар учун аҳамиятга эга бўлган, яъни касбга йўналтиришда қуйидаги когнитив йўналиш курсаткичларини шакллантириш керак:

- машғулотларда турли ривожланиш марказлари қондаларини билиш;
- меҳнат воситалари ва предметларини иш ўрнида жойлаштириш;
- ўқув ёзув қуролларини қўлланилиши ва улардан фойдаланиш қондаларини;
- меҳнат операцияларини бажарилиш кетма-кетлигини тушуниш;
- ўз-ўзини текширишни, ўз меҳнатини ва бошқалар меҳнатини баҳолашни билиши керак.

5-7 ёшли болаларини касблар билан таништириш мазмуни, улардаги қизиқиш, лаёқат , касбларнинг жамиятда тутган ўрни тўғрисидаги тушунчалар ва касб танлаш қоникмасини шакллантириш зарурати билан белгиланади. Бўлғуси касбий фаолиятлар бу ёшдаги болалар учун ҳаётда ўз ўрнини топишда туртки, касб танлаши учун зарур бўлади.

Мактабгача ёшдаги болаларни турли касблар билан таништиришда касбга йўналтириш хоналари бўлиши катта аҳамиятга эга. Зеро, болаларга таълим- тарбия беришдан мақсад – уларни келажакда ўз қизиқиш ва имкониятларига мос касб эгалари этиб тайёрлашдир. Касблар билан таништириш хоналарини ташкил этишдан мақсад, амалий ишлар учун ахборот материалларини йиғиб бориш ва сақлаш; болалар билан касб танлаш бўйича машғулотлар ўтказиш, ўзларига ёққан касбларда ўзларини синаб кўриш, касбларга оид фильмларни томоша қилиш, шунингдек ота-оналар, тарбиячилар билан амалий иш олиб бориш учун қулай шароит яратишдир. Жиҳозланган хона касблар билан таништириш бўйича турли хил тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш учун моддий техника, ташкилий санитария гигиена шароитларини яратиш ва ахборотлар билан таъминлаш вазифасини ўтайди.

Хорижий тажрибалардан мисол келтирадиган бўлсак, Москва шаҳридаги “Кидзания” истироҳат боғи болаларни айнан касб оламига саёҳат қилишлари учун мўлжалланган. Ушбу истироҳат боғи халқаро таълим лойиҳаси бўлиб, унинг мақсади болаларни турли касблар билан таништириш, зарур билимларни бериш, маълум амалий ва фойдали ижтимоий қўникмаларни эгаллаш, болаларнинг мустақиллиги ва молиявий саводхонлигини оширишдир.

Хулоса ўрнида касб-ҳунар эгаллаш аҳамияти тўғрисида қомусий олим Абу Али Ибн Синонинг фикрини келтириш жоиз: “Болага ёшлигидан бирор касб-ҳунарни ўргатиш лозим. Бола касб-ҳунарни маълум даражада ўзлаштириб бўлгандан сўнг уни ўз касб-ҳунаридан ҳаётда фойдаланиш, яъни ҳалол меҳнат билан мустақил ҳаёт кечиришга ўргатиш керак. Ёшларга илм бера бориб, уларга ҳунар ўргатмоқ муҳим маъсулиятли ишдир. Ҳунар ўрганиш бирла ёшлар ҳар қандай ноҳуя хатти-ҳаракатлардан холи бўладилар”. Болаларни гўдаклигидан касб-ҳунарга қорланган насихатлари ҳозирги кунда ҳам муҳим қимматга эга.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ЎҚУВ РЕЖА, ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Турдиева М.Ж. – Бухоро МТИ.

Жамиятимиздаги ҳозирги муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ўзгаришлар малакали мутахассислар меҳнати мазмуни ва характерига сифат жиҳатдан мураккаб янги талаблар қўймоқда. Бу ҳолат малакали мутахассисларни тайёрлаш муаммосига мажмуавий ёндашувни тақозо этмоқда. Малакали мутахассисларни тайёрлашга мажмуавий ёндашув эса ўз ўрнида олий таълим муассасаси олдида ўқув-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш ва етук мутахассис тайёрлаш мазмунини ривожлантириш, такомиллаштириш ва интеграциялаш талабини қўймоқда.

Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинган сўнг таълим мазмуни сезиларли даражада янгиланди деб айтиш мумкин. Давлат таълим стандарти талаблари асосида янги ўқув қўлланма ва дарсликлар ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқилмоқда. Бироқ кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқув режасида ўқув предметларининг сони ортиб кетган. Ўқув фанлари миқдорини кўпайтириш билан талабалар билимини оширишга ҳаракат қилинган. Лекин бу ҳаракатлар ўзини оқлаётган деб айтолмаймиз. Чунки:

- 1) ўқув фанлари кўпайган сари талабаларга бериладиган билимлар майдаланиб, кўпайиб бормоқда;
- 2) ўқув қўлланма ва дарсликларда такрор берилаётган материаллар миқдори ортмоқда;
- 3) талабанинг ижтимоий тажрибасига кирмай қолган билим ва тушунчалар кўпаймоқда;
- 4) ДТСлари билан ўқув режа, ўқув дастурлари орасидаги номувофиқлик вужудга келмоқда.

Таълим жараёнида муайян ўқув фанларга оид билимлар билан бир қаторда халқнинг ижтимоий тажрибаси, тил бойлиги, миллий, маънавий, маданий қадриятлари, ахлоқий меъёрлар билим ва тушунчалар шаклида ўргатиб борилиши зарур[1]. Амалдаги таълим жараёнини таҳлил қилиш натижаларига кўра, ихтисослик фанларининг мазмунида талабаларнинг ижтимоий тажрибасига кирмай қолган билим ва тушунчалар мавжуд. Бунинг асосий сабаби ўқув фанининг мазмуни ўта мураккаб ёки ҳаддан ташқари содда эканлигидадир. Агар ўқув материали ўта мураккаб бўлса, талаба уни тўлиқ ўзлаштиришга қийналади. Агар содда ва такрорланса, бундай ўқув материални ўзлаштиришга қизиқмайди, талабада ўқув предметдан зериктиш юзага келади[2].

Ҳозирги вақтга келиб жаҳондаги мамлакатларнинг 70 фоизи таълим тизимида интегротив характердаги ўқув дастурлари ва дарсликлардан фойдаланмоқда. Ҳар бир мамлакат айнан шу давлатнинг таълим тизимига қўйилган буюртманинг табиатидан келиб чиқиб, интеграциянинг турли даражаларини ишлаб чиққан ва таълим тизимида жорий этган. Масалан, Буюк Британия таълим тизимида асосан интегротив фанлар жорий қилинган бўлса, Корея ва Швацарияда интеграциялашган фанлар ёки алоҳида ўқув предметлари, Австралияда интеграциялаштирилган фанлар, Япония, Ирландия, Гонг-Конг ва Германияда ҳам алоҳида фанлар, Венгрияда маданият йўналишидаги ўқув предметлари, инсон ва табиат интегротив фанлари, Нидерландияда алоҳида ўқув предметлари, Ирландияда фан ва техника каби блокларда барча ўқув фанлари мужассамлаштирилган ҳолда ўқитилади[3].

Мамлакатимизда бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Таълим жараёнини интегротив дастурлар ва дарсликлар асосида ташкил этиш назарда тутилган экан, бунда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

1. Мавзуларни кетма-кет тақдим этиш асосида интеграция, бунда ўқув материалларини баён қилишда концентризм принципига амал қилинади. Яъни олдинги ўқув материали кейингисини тўлдиради. Лекин ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди. Бундай интегротив ёндашув натижасида талабанинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда ижодий фаолиятлари мунтазам равишда ривожланиб, бойиб боради.
2. Ўқув дастурларида ўзаро уйғунлашган нуқталарни вужудга келтиришга асосланган интеграция; бунда ҳам такрор тарзда бериладиган тафталогия асосидаги ўқув материалларининг олдини олиш учун дастурларда мавзулараро уйғунликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг афзаллиги шундаки, талабанинг вақти ва кучи тежалани, дарсликларнинг ҳажми ихчамлашади ва таннархи арзонлашади[3].
3. Модуллашган интеграция: бундай интеграция доирасида турдош ўқув фанларига оид билим ва тушунчалар бир тизимга солинган ҳолда, узвий тарзда талабаларга тақдим этилади.
4. Интегротив дастурлар: ушбу типдаги дастурлар бир неча ўқув предмети ёки ўқув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштирилган ҳолда тақдим этишни назарда тутлади. Бугунги кунда ўқув режасида ўқув предметларининг сони максимум кўпайиб кетганлигини инобатга олсак, бундай типдаги дастурларни яратишга кучли эҳтиёж сезилмоқда.
5. Мавзулараро интеграция: бунда айни бир курс доирасида бериладиган ўқув материаллари бошқа бир курс доирасидаги моҳиятан яқин бўлган ўқув материаллари билан интеграциялаштирилади.

Таълимни интеграциялаш ҳам иқтисодий, ҳам педагогик, гигиеник ва физиологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга[3]. Шунингдек, бунда талабанинг вақти, кучи ва пули тежалани, ортиқча руҳий зўриқишларнинг олди олинади. Таълим жараёнининг самарадорлик даражаси ортади.

Интеграциялашган ўқув дастурларида ДТС асосида талабанинг билими ҳамда тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимум талаблар ўз ифодасини топиши лозим. Амалга оширилиши назарда тутиладиган интеграция даражаси айни бир ўқув фани мазмунида чуқур, ҳар томонлама алоқадан бошлаб, ўқув фанлариаро боғланиш, уйғунлаштириш даражасида таъминланиши керак.

Бунда биринчи навбатда ўқув материалларини мазмун жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бундай мақсадга эришиш учун таълим мазмунида ўқув фанларини интеграциялашнинг илмий ва педагогик асосларини ишлаб чиқиш, таълим жараёнини либераллаштириш талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув режасини такомиллаштириш; интегратив мазмундаги ўқув дастурлари ва дарсликларнинг янги авлодини яратиш, таълим мазмуни интеграциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ санадади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, интеграциянинг у ёки бу даражасини таълим жараёнида жорий этиш натижасида талабанинг вақти ва кучи тежалади; унинг билиш имкониятлари кенгайди; мавзулараро интеграция асосида ўқув-билиш жараёни натижаларини истиқболлаш механизмлари яратилади; интеграциялаштирилган таълим жараёнини бошқарадиган ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини оширишни йўлга қўйиш учун ҳуқуқий методик имкониятлар яратилади; интегратив дастурлар асосида ўқув-билиш жараёнининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлик даражаси аниқланади; ўқув-билиш жараёнини интеграл дастурлар асосида ташкил этиш соҳасидаги халқаро тажрибалардан кенг фойдаланиш учун қулай имкониятлар туғилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдураимов Ш.С. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро интеграциянинг педагогик имкониятларини такомиллаштириш. П.ф.б.д.дис. Тошкент-2017 й.
2. Абдуқуддусов О. Касб таълими ўқитувчилари тайёрлашга интегратив ёндашув. –Тошкент. Фан, 2005 й. -157 б.
3. Абдураимов Ш.С. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлашда тармоқлараро амалий интеграция. Монография. –Тошкент. Наврўз, 2014. – 120б

БОЛАНИНГ СОҒЛОМ РИВОЖЛАНИШИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Л.Романова, Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси

Маълумки, бола унга катталарнинг бевосита таъсири натижасида, мустақил фаолият жараёнида, шунингдек, атроф-муҳитдан олаётган ахборотлари таъсирида ривожланади. Болалар кўп ўйинчоқ ўйнайдилар, ҳаракатланадилар ва шу билан бирга атрофдаги воқеаларни қизиқиш билан кузатадилар, суратларни томоша қиладилар, турли сабаблар юзасидан ота-оналарига мурожаат қилиб, уларнинг топшириқларини бажарадилар. 3 ёшдан 6 ёшгача – мактабгача бўлган давр ривожланишга онтогенетик имкониятларнинг тўхтовсизлиги орқали амалга ошириладиган умумий сенситивлик нуқтаи назаридан илк гўдаклик даврининг тўғридан-тўғри давоми ҳисобланади. Бу даврда болада барча ҳаракат кўникмалари ривожланиб, такомиллашишда давом этади, бироқ унинг теварагини ўраб турган олам билан мулоқоти ҳозирча чекланган. Аста-секин болалар мустақил бўла борадилар, уларнинг организми мустаҳкамланади, ҳаракатлари анча аниқ, ишончли, тезкор бўлади. Уй рўзгор буюмлари, ўйинчоқлар билан бажариладиган ҳаракатларнинг такомиллашуви ҳаётини тажрибанинг бойишига ёрдам беради. Ҳаракатлар янада аниқ, онгли, мақсадли бўлиб қолади.

Тўғри ташкил этилган жисмоний тарбия мактабгача ёшдаги болаларда тафаккур, хотира, ташаббус, тасаввур, мустақилликнинг ривожланишига асосий гигиеник кўникмаларнинг пайдо бўлишига кўмаклашади. Худди илк гўдаклик давридаги каби мактабгача ёшда ҳам атрофдаги олам тўғрисида ёрқин тасаввурларнинг шаклланишида болаларнинг ҳиссий тажрибалари катта аҳамиятга эга бўлади. Бу даврда ўйин фаолиятнинг етакчи турига айланади, лекин бу одатда бола кўп вақтини қизиқарли ўйинлар билан ўтказгани учун эмас, - ўйин бола психикасида сифат ўзгаришларини юзага келтиради. Мактабгача ёшдаги боланинг ўйини анча мураккаблашади: унда ҳаётини тажриба қўлга киритилади, муайян мақсад аниқроқ намоён бўлади, ижодий тасаввур кўзга ташланади ва ривожланади. Йилдан йилга боланинг ақлий ривожланишида катталарнинг оғзаки тушунтиришлари ва топшириқлари каттароқ аҳамият касб этиб боради. Соғлом болани тарбиялашда энг муҳим воситалардан бири жисмоний машқлар, ҳаракатли ўйинлар ва спорт эрмак ўйинлари саналади. Болалар билан жисмоний машқларни бажарганда, уларнинг саломатлигини кузатиб бориш, ташқи кўринишига, кайфиятига, чарчаши, иштаҳаси, уйқусига эътибор бериш жуда муҳим. Ҳар бир ҳатто мутлақо соғлом бола ҳам йилда 2-3 марта тиббий кўриқдан ўтказилиши керак. Бунда боланинг бўйи, оғирлиги, кўкрак қафасининг айланаси кўрсаткичларини ёзиб бориш тавсия этилади, бу унинг тўғри ривожланишини кузатиб бориш имконини беради. Шартли равишда болалик қуйидаги даврлардан иборат деб қабул қилинган: Янги туғилганлик (чақалоқлик) даври - ҳаётнинг дастлабки 3-4 ҳафтаси. Бола янги шароитга мослашади (у ўпкаси билан нафас олади, овқат ҳазм қилиш

тизими ишлай бошлайди, танада иссиқлик бошқаруви йўлга қўйилади); унинг асаб тизими ҳали етилмаган - бош мия пўстлогининг такомиллашмаганлиги туфайли фақат шартсиз рефлекслар намоён бўлади. Эмиш даври - бир ёшгача бўлган давр. Марказий асаб тизими фаолияти такомиллаша бошлайди; шартли рефлекслар ишга тушади, ҳаракатлар шаклланади, бўй ва оғирлик тез орта боради. Мактабгача ёшдан олдинги давр - 1 ёшдан 3 ёшгача. Бўй ўсиши бир оз секинлашади, ҳаракат қўникмалари такомиллашади; нутқ шаклланади; бола айрим гигиеник қўникмаларни эгаллайди.

Мактабгача бўлган давр - 3 дан 7 ёшгача ундан аввалги даврдаги каби у бўй ўсишининг бир оз секинлашуви билан тавсифланади. Бола ортиқча оғирликни йўқотади, унинг мушаклари мустаҳкамланиб, скелети кучли ривожланади. Мактабгача давр охирига келиб сут тишларининг алмашилиши бошланади. Бола катталар ейдиган овқатга ўтади, касалликларга тез чалинмайдиган бўлади.

Мактабгача даврда гўё соғломлик ва тўлақонли жисмоний ривожланишнинг пойдевори қўйилади. Мактабгача ёшдаги болаларда тана ҳали етарлича турғун эмас, ҳаракат имкониятлари ҳам чекланган. Уларнинг асаб тизими тез ривожланади, скелети ўсиб, мушак тизими мустаҳкамланади, ҳаракатлар такомиллашади. Диққат анча барқарорлашиб, болалар энг содда меҳнат қўникмаларини эгаллай борадилар. Гавданинг умумий статик беқарорлиги ҳамда динамик имкониятлари чекланганлиги 3-4 ёшли болаларга хос бўлиб, бу ёшдаги болаларда гавданинг юқори қисми, елка сатҳи мушаклари ва буқувчи мушаклар нисбатан яхши ривожланган, 3-4 ёшли болаларда ҳаракатлар етарлича мувофиқ бўлмагани ҳолда ҳаракат фаоллиги юқори даражада бўлиб, бу ҳаракатларда йирик мушак гуруҳлари иштирок этади. Мазкур даврда узоқ муддат бир хил вазият сақлаб турилса ёки бир турли ҳаракатлар бажарилверса, тез толиқиш кузатилади.

7 ёшгача ўпка тўқимасининг тузилиши ҳали тўла ривожланмаган ҳолда бўлади; бурун йўллари, трахея ва бронхлар нисбатан тор, шу сабабли ўпкага ҳавонинг келиши бир оз қийинроқ; ковурағалар бирмунча қияроқ, диафрагма юқорироқ жойлашган, шунинг учун нафас олиш ҳаракатлари амплитудаси катта эмас. Бола катталарга нисбатан юзаки ва анча тез-тез нафас олади: 3-4 ёшли боланинг нафас олиш суръати - бир дақиқада 30 марта, 5-6 ёшда - 25 марта, катталарда 16-18 марта. Болаларнинг юзаки нафас олиши ўпкада ҳаво айланишининг нисбатан ёмон бўлиши, ҳавонинг ўпкада бир оз туриб қолишига олиб келади, ўсаётган организм эса тўқималарнинг кислород билан етарлича таъминланишини талаб қилади. Айнан шунинг учун ҳам очиқ ҳавода ўтказиладиган жисмоний машқлар жуда муҳим бўлиб, улар ҳаво алмашилишини фаоллаштиради. Мактабгача ёшдаги болаларнинг юрак-қон томир тизими фаолияти ўсаётган организмнинг талабларига яхши мослашган, тўқималарнинг қон билан таъминланишига бўлган кучли эҳтиёж осонлик билан қондирилади, чунки боланинг томирлари катталарникига нисбатан кенгрок бўлиб, улардан қон эркинроқ оқиб ўтади.

Адабиётлар рўйхати

1. Бойбобоев Б.Ғ Жисмоний тарбия дарсларида 11-14 ёшли ўғил болалар учун нагрукани меъёрлаш.: Дис... пед.фан.ном. – Т., 1999. – 152 б.
2. Маҳкамжанов К.М., Насриддинов Ф.Н. Мактабгача ва мактаб ёшдаги болаларнинг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлигини такомиллаштириш. – Т., 1995. – 74 б.

БОЛАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНИШИДА ҲАМКОРЛИК АСОСИЙ ОМИЛ СИФАТИДА

*Джумаева Барно Давроновна
Сирдарё вилояти мактабгача таълим бошқармаси Таълим тарбия сифатини таъминлаш ва методик хизматни ташкил этиш бўлими бошлиғи*

Ҳар қандай мамлакатнинг тақдирини унда яшайдиган фуқаролар белгилаши маълум. Уни ёрқин келажак сари етаклаш, том маънода, одамнинг қўлида. Мамлакат фуқароларининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий камолоти, дунёқароши, савияси, шу маънода, ўта долзарб масаладир. Яъни бунда одам омили, таълимнинг инсонпарварлашуви ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Бизнинг фарзандларимиз XXI асрда яшайдилар. Уларнинг ҳаётларида улкан ўзгаришлар кутмоқда. Ҳаётнинг барча жабхалари тезлик билан ўзгармоқдаки, фарзандларимизни келажакда кутаётган муаммоларнинг ечимини топишга тайёрлаш учун, уларни бутун ҳаёти давомида тинмай ўқиш ва ўқишга ўргатиб бормоғимиз лозим. Жадал суъратлар билан ривожланиб бораётган бугунги жамиятда ота-оналар, педагог - тарбиячи мураббийлар олдида турган вазифалар бола тарбиясида муҳим педагогик омил хисобланади.

Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Бу таълим олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклида катъий назар бошқа таълим муассасаларида мактаб ва маҳалла ҳамкорлигида олиб борилади.

Болаларни мактабга тайёрлашда оилада тарбияланишнинг ташкилий, психологик ва услубий жиҳатдан таъминлаш зарур. Ватанимизни келажак буюк давлат даражасида кўтарадиган ижодкор шахсни яратишда мактабгача таълим, оила ва маҳалла ҳамкорлиги мустаҳкам пойдевор ролини ўйнайди.

Мактабгача таълим ва мактабнинг ҳамкорлиги биринчидан, болалар боғчаси ва мактаб изчиллигини, тарбиявий ишнинг болаларга улар умумий ривожланишнинг зарур даражасига эришишлари

учун мактабда кўйиладиган талабларга йўлланганда, иккинчидан, ўқитувчининг катта мактабгача тарбия ёшидаги болалар эришган ривожланиш даражаси, болаларнинг билим, малака ва кўникмаларига таяниш, ҳамда бундан таълим-тарбия жараёнида фаол фойдаланишга йўланганликни назарда тутувчи мазмунли, икки томонлама алоқа, деб қараш мумкин. Болаларни мактабда ўқитишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг тайёргарлик даражаларига боғлиқ бўлади.

Мактабда ўқишга тайёрлик-болалар боғчаси оила ва маҳалла ҳамкорлиги мактабгача тарбия ёшидаги болага берилган таълим ва тарбиянинг муҳим якунидир. Мактабда ўқиш ҳар бир бола ҳатидаги адатий турмуш тарзи. Замонамизнинг ўзига хос хусусияти мактаб таълими мазмунини доимо такомиллаштириб борилишидир. Замонавий мактаб 1-синфга келувчи ўқувчидан қандайдир махсус бўлиш ва кўникмаларни эмас балки илгарига йилларга нисбатан ақлий фаолиятнинг мураккаброқ шаклларини, ахлоқий-иродавий сифатларнинг юксакроқ ривожланган даражасини, ўз –хатти ҳаракатини бошқариш қобилиятини катта ишчанлик қобилиятини талаб қилади.

Мактабгача таълимнинг вазифаси таълим-тарбиявий ишнинг бутун тизими билан болаларга замонавий мактаб таълимни талабларига тўлиқроқ мувофиқ келувчи мактабда ўқишга тайёргарликни таркиб топтиришидир.

Мактабгача таълим ташкилоти ва мактаб ёшидаги изчилликни амалий рўёбга чиқаришнинг муҳим шартларидан тайёрлов гуруҳлари тарбиячилари ҳамда биринчи синфлар ўқитувчилари шртасида ишга оид ҳамкорликнинг ўрнатишидир. Ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусиятлари болалар боғчасининг мактаб, оила ва маҳалла билан оилавий яқинлашуви болалар боғчаси, мактаб ўртасидаги изчилликни амалга ошириш ҳамда боғча ва мактаблар, ота-оналарнинг педагогик жамоааларининг самарали ҳамкорликларининг топиши учун мавжуд ижтимоий асосини яратади.

Ўқитувчилар, мактабгача таълим тарбиячилари, оила, маҳалла ҳамкорлигининг асосий вазифаси болаларни мактабга тайёрлашда еқдилликнинг юқорий даражасини таъминлаш бўлиб, бу кейинчалик мактабда муваффақиятли ўқишга олиб келади.

Оила энг муҳим тарбия макони, она ва ота ўз болаларининг табиий тарбиячилари бўлган ва шундай бўлиб қолади. Тарбиячининг исталган вазифаси бир йўналишда, ҳамкорликда ҳаракат қиладиган мактаб ва оиланинг умумий интилишлари билан ҳал этилиши керак.

Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбияси билан шуғулланувчилар 6- 7 ёшли боланинг мактаб таълимига тайёргарлик даражасини аниқлашда асосий шарт ҳисобланган мактабгача бўлган ҳаёт тарзи унинг мактабда кечадиган кундалик фаолиятга ўтишида бир кўприк вазифасини ўташи ҳамда оила ёки боғчада таълим–тарбия шароитларидан умумий ўрта таълим мактабгаларида бериладиган таълим-тарбия муҳитига силлиқ ўтишини таъминлаши зарурлигини ҳам ҳисобга олишлари лозим.

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳаёти, хулқи, кизиқиши ва кундалик муносабатларида анчагина жиддий ўзгаришларни юзага келтиради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани боғчада ёки уйдаёқ мактаб таълимига тайёрлаш жараёнида унча қийин бўлмаган билим, тушунча, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади. Бундай таништириш, ўз навбатида болада кечадиган молашув даври жиддий қийинчиликларсиз ўтишга ёрдам беради.

Етакчи мутахассисларнинг фикрича “мактабга тайёргарлик тушунчаси болани мактабга тайёрлашнинг жисмоний, шахсий руҳий, ақлий ва махсус тайёргарлик йўналишларини ўз ичига олар экан, ушбу муаммо педагогика соҳасида олимлар ва педагоглар томонидан яхлит тизим сифатида кўрилиши лозим.

ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ ҲАҚИДА

Мавлонов Нурали Шерали ўғли,

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти 1-курс таянч докторанти

Жамиятнинг ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ. Бугунги кунда таълим сифат самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Инсон ҳаётига кириб келадиган ҳар қандай янгилик унда сергакликни, ҳаттоки норозиликни уйғотади. Шунга кўра узоқ йиллар давомида анъанавий усуллар билан ишлаб келган педагоглар, бугунги куннинг ўзидаёқ такомиллаштирилган Давлат таълим стандартлари асосида дарсларни ташкил этиш талаб этилмоқда. Бунинг учун аввал ўқитувчининг касбий онгини тубдан ўзгартириш керак. Таълимнинг глобаллашуви, инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани, айти пайтда кенг кўламли ахборотлар оқими таълим мазмунини мунтазам янгилаб, такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Мамлакатимиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг маъруза ва чиқишларини диққат билан таҳлил қилсак, рақобатбардошликни ошириш масаласи Ўзбекистон Республикасида миллий ғоя даражасига кўтарилганини англаш мумкин. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими модернизация қилинаётган айти пайтда бу жараённинг объектив методологик асосларини аниқлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда замон талабларидан келиб чиқадиган бўлсак ҳар бир педагог ўз фанининг устаси ўзининг касбий компетентлигига эга бўлиши керак.

Бугунги глобаллашув жараёни на фақат жамиятга, балки ёшларга ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Бугун замонавий билимлар ва маълумотларни ўзлаштирмаган ўқитувчи рақобатбардош мутахассис, тан олинган ўқитувчи ёки мураббий бўлиши мушкул. Шу ўринда мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш тизимининг роли ва аҳамияти янада ортиб бораётганини англаш мушкул эмас. Ушбу курсларга энди ташкилот раҳбарлари фақат янги билимларни олиш учунгина эмас, балки касбий маҳорати ва компетентлигини ошириш учун келаётганини унутмаслигимиз зарур.

Илмий асарларда ва диссертация тадқиқотларда компетентлик тўғрисида кўп фикрлар юритилган.

“Компетенция” деганда у маълум бир доирадаги предметлар ва жараёнларга нисбатан маҳсулдор (натижадор) ҳаракат қилиш учун зарур бўладиган ва уларга нисбатан муносабатлар бўйича бериладиган шахснинг ўзаро боғланган сифатлари (билим, маҳорат, кўникма ва фаолият усуллари)нинг жамланмасини тушунади. “Компетентлилик” эса – бу киши томонидан унинг фаолият предметига шахсий муносабатларини ўз ичига оладиган мос ҳолдаги компетенцияларни эгаллаганлигидир. Яъни, “компетенция” деганда ўқувчининг таълимий тайёргарлигига берилган талаб (меъёр), “компетентлилик” деганда эса эндиликда унинг юзага келтирилган шахсий сифатлари (сифатлар жамланмаси) ва берилган соҳадаги фаолиятга муносабатлари бўйича минимал тажрибалари тушунади. Шу ўринда рус педагог олими А.В. Хуторский “компетентлик” ва “компетенция” тушунчаларини ўзига хос тарзда талқин қилади ва ўқитувчининг компетенциясини қуйидаги қисмларга ажратади.¹¹

1. *Ўз-ўзини англаш компетенцияси*- ўқитувчининг дунёқараши, тасавури ва билан боғлиқ равишда намоён бўлади. У педагог сифатида атроф-муҳитдаги воқеа ва ҳодисаларни моҳиятини кўради ва тушунади, бунга ўзини йўналтиради, ўз фикрини асослай олади, вазиятга қараб муаммо ечимини топа олади. Бу компетенция- ўқитувчининг ўқув ва бошқа фаолиятларидаги ўз-ўзини англаш механизмини таъминлайди.

2. *Умуммаданий*- миллий ва умуминсоний кадриятларга эга бўлиш компетенцияси - мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида иштирок этиши, миллий урф-одатларга ҳурмат, ижтимоий кўнималарга эга бўлиши, илм фаннинг янгиликларини инсон ҳаётидаги ўрни ва ўқувчи ёшларга бу маълумотларни тушунтира олиши.

3. *Ўқув, билув жараёни компетенцияси* - ўқитувчининг мустақил билиш фаолияти, мантикий фикрлаши, ўқув-билув фаолиятини баҳолаши, билим ва кўникмаларни таҳлил қила олиши.

4. *Маълумотга эга бўлиш компетенцияси* - педагогик фаолияти, ўз фанига доир маълумотларни эгаллаш кўникмаси.

5. *Мулоқотчанлик компетенцияси* - тил билиши, турли хил инсонлар билан мулоқотда бўлиши, жамоада ўзига хос ўринда туриши.

6. *Ижтимоий- фойдали меҳнат компетенцияси* - оилавий муносабатлар ва маъсулият, жамият ривожига иштироки, ижтимоий фойдали меҳнат қилиши, иқтисодий ва ҳуқуқий кўникмаларга эга бўлиши.

7. *Ўз устида ишлаш компетенцияси* - жисмоний, маънавий, интеллектуал жиҳатдан ўз-ўзини ривожлантириб бориши. Ҳиссиётини бошқара олиши.

Бундан ташқари педагог олим М.Бершадский “компетенция” ва “компетентлилик” тушунчалари педагогик лексикада унинг ўз ривожланиши натижасида пайдо бўлиб эмас, балки бошқа кўплаб “инновация”лар сингари хорижий педагогик адабиётлардан ўзлаштириб олинган деб ҳисоблайди. Миллий педагогикада янги ўзлаштирилган тушунчаларнинг пайдо бўлиш ва кенг тарқалиши сабабларини таҳлил қила туриб, муаллиф одатдаги ва аниқ таърифланадиган “маҳорат” тушунчасининг ўрнига кўп фойдали “компетентлилик” тушунчасидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига қўяди.¹²

Ўзбек педагог олимларидан Н.А. Муслимов педагогнинг касбий компетенцияси мазмунига ўқитувчи, тарбиячи, педагогнинг, унга мустақил равишда ва етарли даражада самарали тарзда педагогик вазифаларни ечишга имкон берадиган шахсий имкониятларини киритади. У ёки бу педагогик масалаларни ечиш учун педагогик назарияни билиши, унинг кўрсатмаларини амалиётда қўллаш маҳорати зарурлигини таҳмин қилади.¹³

Олимларнинг “компетенция”, “касбий компетентлилик” тушунчалари тўғрисидаги нуқтаи назарларини кўриб чиқаётиб, биз шундай хулосага келдик-ки, унинг асосий элементларидан бири ўқитувчи ўзининг мустақил билим олиш фаолиятини фаоллаштириш ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак фақат бизнинг давлатимиздагина ўқитувчиларга жуда катта эътибор қаратилган. Бугун ўқитувчи эътиборда ва ҳурматда. Ана шу ҳурматни йўқотмаслик ўқитувчининг ўзини қўлида. Компетенция ҳам, компетентлик ҳам мутахассиснинг касбий педагогик фаолиятга тайёрлик даражаси, сифатининг интеграл тавсифлари бўлиб ҳисобланади.

¹¹ Хуторской А.В., Хуторская Л.Н. Статья “Компетентность как дидактическое понятие: содержание, структура и модели конструирования” 2004 г.

¹³ Муслимов Н.А. Қўйсенов О.Э “Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этишнинг назарияси ва методикаси” Т.”Фан нашрети”2009й.

Компетенция ўқитувчининг меҳнатга тайёрлик даражаси меъёрини, компетентлик эса мутахассисда, аввалданок, шакллантирилган, билимларга асосланган, мактабдаги ҳақиқий таълимий ва тарбиявий фаолияти ва иш тажрибаси билан мустаҳкамланган, амалий жиҳатдан тайёргарлигини белгилайди.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ПЕДАГОГ МУТАХАССИСЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОРЕЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИННОВАЦИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ.

Мамадалиева Марҳобо Холмаматовна
СВХТХҚТ ва УМОҲМ ўқитувчиси
mamadaliyeva markhobo@mail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада интеллектуал салоҳиятга эга мактабгача таълим ташкилоти тарбиячи-педагогларида касбий компетентликни ривожлантиришда хориж инновациялардан фойдаланишнинг самарадорлиги ҳамда хориж инновацияларининг соҳа тараққиётига ижобий таъсири ҳақида ёндашувлар баён этилган.

Калит сўзлар: *модернизациялаш, узлуксиз таълим, компетентлик, касбий компетентлик, инновация, ривожланиш соҳалари:*

Мустақилликни мустаҳкамлаш ва белгиланган мақсадларга эришиш, яъни жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ислохотлар, қисқа муддат ичида яратилаётган ва амалиётга татбиқ этилаётган янгиликлар халқимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi ва фаол ижодий меҳнат қилиши учун зарурий ва етарли шарт-шароитларни яратиб бериш билан бир қаторда, узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш ва янгилаш, тарбиячи, педагог ходимларнинг ўз устида ишлаши, билими, кўникма ва малакаларини мунтазам ошириб бориш йўналишларида ҳам ўзига хос талабларни белгилаб берди. Бу муҳим мақсад ва вазифаларни амалга оширишда юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, яъни таълим-тарбия жараёни инновацияларни тadbик этиш орқали тарбиячи, педагог ва ходимларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, инновацион фаоллигини ошириш ҳамда инновацион жараёнларга қизиқишини ва илмий изланиш кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шунга кўра ривожланган мамлакатлар таълим тизимини ўрганиш ва соҳани ислоҳ қелиш давр талабидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида Мактабгача таълим вазирлиги томонидан 20 га яқин учрашувлар ўтказилиб, тажриба алмашинуви, Ўзбекистонда экспериментал тарзда болалар боғчаларини очиш, биргаликда кадрлар тайёрлаш ва илмий изланишлар олиб бориш имкониятларини ўрганиб чиқиш бўйича келишувларга эришиши ҳам соҳани ривожланишида муҳим ижтимоий-сиёсий жараёндир. Сафар доирасида Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан Кореянинг қатор мактабгача таълим ва бошқа турдаги муассасаларига ташрифлар уюштирилди ва уларнинг фаолияти ўрганилди, жумладан боғчаларнинг ўзига хос жиҳатлари, қўлланилаётган таълим бериш услублари, молиялаштириш ва тўлов тизимлари, педагогик ходимларнинг малака даражаси ва хизмат шароитлари, озиқ-овқат ва моддий-техник таъминот ҳамда соҳаларига тегишли дастурлар ва услублар атрофлича ўрганилди.

Корея давлатида мактабгача таълимда қизиқарли ўйинлардан кенг фойдаланилади. Мамлакатда мактабгача таълим муассасалари икки турда бўлиб, биринчиси 3 ёшгача болаларни қамраб олади, иккинчиси 3 ёшдан 5 ёшгача бўлган болаларни мактаб таълимига тайёрлайди. 3 ёшгача бўлган болаларни қабул қилувчи ривожлантирувчи марказлар Соғлиқни сақлаш органлари тасарруфида, мактабга тайёрлов муассасалари Таълим вазирлиги тасарруфида фаолият кўрсатади. Мавжуд муассасаларнинг 27 фоизи давлат, 73 фоизи нодавлат мактабгача таълим даргоҳларидир. Бугунги кунда давлат мактабгача таълим муассасалари кўрсаткичини 40 фоизга ошириш режалаштирилмоқда.

Корея давлатида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда ягона дастурдан фойдаланилади. Тарбиячи-педагоглар дастур асосида болаларни ривожлантириш ва *мактаб таълимига тайёрлашда 5 та асосий ривожланиш соҳалари бўйича машғулот ва ўйинларни ўтказилади*. Мактабгача таълим муассасаларига қабул онлайн тизимда амалга оширилади, Ота-оналар махсус сайт орқали МТМлар билан танишиб, фарзандини ўзи хоҳлаган муассасага навбатга кўяди. Онлайн тизимда навбатда турган боланинг исм-фамилияси сайтда кўришиб туради. Яна бир жиҳат, ота-она фарзандини бир вақтнинг ўзида бир нечта боғчага навбатга кўйиши мумкин. Ота-она боланинг боғчага қабул қилинганидан сайт орқали хабардор бўлади. Мактабгача таълим муассасаси раҳбари боғчага қабул қилинган ота-оналар билан сайт орқали мулоқотга киришади. Ота-она бола тарбияси учун зарур маълумот, факт ёки мақолалар билан ҳам сайт орқали танишиши мумкин. Болани ҳар томонлама мукамал тарбиялаш учун МТМ ва оила ҳамкорликда иш олиб боради. Фарзандини МТМга илк бор олиб келган барча ота-онага ҳиссиётларни жиловлай билиш, энг аввало, болани уришмай, урмай, яхши гапириб тарбиялаш зарурлиги тушунтирилади. Давлат мактабгача таълим муассасалари ўртасида

рақобат кучли. Мактабгача таълим ташкилотига бакалавр, магистратура даражасидаги олий маълумотга эга кадрлар жалб этилади. Тарбиячилар босқичма-босқич синовлардан ўтказилиб, кейин ишга қабул қилинади. Дастлабки талаб ҳар бир педагогнинг болага меҳр-муҳаббатли бўлишидир. Педагоглар “Иқтидорсиз бола йўқ!” шиорига амал қилиб, тарбияланувчиларнинг ақлий, жисмоний, ижодий қобилиятини ривожлантириши белгиланган.

Корея Республикаси Таълим вазирлиги электрон таълим бўлими мутахассиси Ким Мин Су фикрига кўра: электрон таълим ресурслари педагогика йўналишида илмий-тадқиқот олиб бораётган изланувчилар томонидан бойитиб борилади. Ҳар бир тадқиқот иши давлат томонидан молиялаштирилади. Амалиёт давомида уларнинг иши ўқитувчилар томонидан таҳлил қилиниб, баҳолаб борилади. Юқори балл тўплаган тадқиқот ишларигина таълим жараёнига тўлиқ татбиқ қилинади. Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг фаолиятини электрон тарзда ички ва ташқи баҳолаш тизими мавжуд. Таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган талаблар, ДТС бажарилиши ҳам мутахассислар томонидан таҳлил қилиниб, баҳоланади. Яхши натижа қайд этган педагогларга устамалар тайинланади. Агар ўқитувчининг кўрсаткичи паст бўлса, мажбурий малака оширишга жалб қилинади. Бу уларни мунтазам равишда ўз устида ишлашга, илғор методларни қўллаган ҳолда дарсларни маҳорат билан ўтишга ундайди. Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш мақсадида ҳам 2017-2021 йилларга мўлжалланган Дастур асосида боғчалар қуриш ва реконструкция қилиш ишлари давом эттирилади. 2018 йилда давлат бюджетидан 427 боғчада қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 771 миллиард сўм маблағ ажратилгани ҳам соҳага бўлган эътибор ва талабнинг намоёнасидир. Президент Шавкат Мирзиёев айтганидек, давлат-хусусий шериклик асосида янги турдаги мактабгача таълим муассасалар фаол ташкил этилади. Боғчаларда болаларни соғлом овқатлантириш ва уларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатли бўлишини таъминлаш учун бир болани овқатлантириш учун ажратилаётган маблағ миқдори оширилади, ҳар бир мактабгача таълим муассасасига фермер ва тадбиркорлик субъектларини бириктирилади. 2018 йилда Жанубий Корея тажрибаси асосида мактабгача таълим муассасаларини услубий ва дидактик ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан таъминлаш меъёрларини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Мактабгача таълим тизими олдига қўйиладиган давлат талаблари, таълим-тарбия дастурлари илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштирилади. Ушбу дастурлар болаларга ўқиш ва ёзишни турли ўйинлар орқали ўргатиш, уларнинг зерикмаслиги, безор бўлмаслиги, аксинча, боғчага хурсанд бўлиб борадиган бўлишига хизмат қилади. Болани боғчага йиғлаб келиши иммунитет тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, бу дастурларда юқори малакали тарбиячи ва мураббий кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Мактабгача таълим учун кадрлар тайёрлайдиган институтларнинг қабул квоталарини табиий эҳтиёждан келиб чиқиб белгиланади. Мактабгача таълим соҳасини такомиллаштириш мақсадида хорижий инвестициялар кенг жалб қилинади ва тизимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси тубдан такомиллаштирилади. Янги Ўзбекистон авлодини тарбиялаш вазифасини шаклланиши мактабгача таълим педагог-тарбиячиларининг касбий компетентлигини ривожлантиришдан бошланади, бунда эса жаҳон инновацион тажрибаларидан фойдаланиш аҳамиятли эканлигини билдиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.
4. Ўзбекистон Республикаси давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги Низом. –Т., 2007.
5. Ўзбекистон Республикаси нодавлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги Низом. –Т., 2007.
6. Ш.С.Шодмонова Мактабгача таълим педагогикаси. (ўқув услубий қўлланма) Фан технология. –Т.: ТДПУ, 2004.

Электрон таълим ресурслари

1. <http://www.kun.uz>– Ўзбекистон ва жаҳон янгиликлари, энг сўнгги хабарлари сайти.
2. Манба: president.uz

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТГА ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ

*Мамирова Замира Ўрақбоевна, ГулДУ ўқитувчиси,
Эргашева Зухра Болабек қизи*

Мактабгача таълим ташкилотларининг бирламчи йўналиши мактабгача ёшдаги болаларни бадий-эстетик тарбиялаш ҳисобланади. Бу йўналишнинг самараси эстетик йўналишнинг барча воситаларини (театр, мусиқа, бадий адабиёт, расм чизиш, аппликация ва бошқ.) комплекс тарзда қўлланилгандагина аниқ

бўлади. Мактабгача таълим ташкилотларида ўтиладиган «Тасвирий фаолият» машғулоти болаларга бериладиган эстетик тарбия масалаларини ечишда катта аҳамиятга эга. Чунки тасвирий фаолият ўз хусусиятига кўра бадий фаолият ҳисобланади. Бадий фаолият машғулотларининг барча турлари болаларда гўзалликни билиш учун, борлиққа эмоционал-эстетик муносабатни ривожлантириш учун кенг имкониятларни очиб беради.

Тасвирий фаолият машғулоти жараёнида:

1. Бадий дидни тарбиялаш;
2. Амалий бадий фаолият ва малакаларни ривожлантириш;
3. Фантазия, ижодий фикрлаш ва тасаввур қилиш, идрок қилишни ривожлантириш;
4. Қўлнинг аниқ ҳаракатлари ва бармоқларнинг майда моторикасини ривожлантириш;
5. Касбий бадий-ижодий фаолият куртакларини намоён бўлиши учун имкон яратиш каби таълимий ва тарбиявий масалалар ҳал этиб борилади.

Тасвирий фаолият интегратив мазмун касб этувчи энг катта бўлим ҳисобланади ва фаолиятнинг бошқа турлари билан мантиқий ва дидактик боғлиқликда амалга оширилади. Бу омил тасвирий фаолият машғулоти мазмуни ва методикасини фаолиятнинг бошқа турларига ҳамоҳанг тарзда такомиллаштириб бориш лозимлигини англатади.

Расм чизиш болаларни тасвирий фаолиятга ўргатишда асосий ўрин эгаллайди ва учта турни ўз ичига олади:

- алоҳида предметларни чизиш.
- сюжетли расм чизиш.
- декоратив расм чизиш.

Тасвирий фаолиятга ўргатишнинг асосий вазифаси-теварак-атрофдаги борлиқни тасаввур қилишда болаларга ёрдам бериш. Уларда кузатувчанликни ривожлантириш, эстетик гўзаллик ҳиссини тарбиялаш ҳамда тасвирлаб бериш усулларини ўргатиш тушунилади. Бу билан бирга тасвирий фаолиятнинг асосий вазифаси-маълум бир ёш учун мос тасвирий материаллари билан турли хил предметларнинг турли тимсолларини яратиш каби ижодий болаларда шакллантириш амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотсида ҳар бир ўтказиладиган машғулотларда болаларни мустақил ишлашга, қўл мускулларини ривожлантиришга ўргатиб бориш зарур. Тарбиячи ҳар бир ўтказиладиган машғулотига ижодий ёндашган ҳолда ва ўз маҳоратини ишга солган ҳолда янгилик ярата олишлари лозим. Болалар илк ёш гуруҳидан бошлаб, тайёрлов гуруҳигача иш жараёнлари оддийдан мураккабга қараб боради. Бунинг учун ўтказиладиган машғулотларда айниқса тасвирий фаолият, расм, аппликация, лой ишларини яратишда амалий иш фанининг аҳамияти каттадир.

Мактабгача таълим ташкилотларида қуриш-ясаш машғулотини ташкил этиш. Қуриш-ясаш лотин тилидан олинган бўлиб, турли предметларни, қисм ва элементларни маълум бир ҳолатга келтириш, маъносини билдиради. Қуриш-ясаш фаолияти-амалий фаолият бўлиб, олдиндан белгиланган, бирор мақсадга қаратилган реал воқеалиқдир. Мактабгача таълим ташкилотларида болаларга қуриш-ясаш фаолиятини ўргатишда қурилиш материали, турли конструкторлар, қоғоздан, табиат, ташландик материалларидан фойдаланилади. Материални тури- қуриш ясаш турини аниқлаб беради. Қурилиш материали-майда ва йирикгеометрик фигуралардан (куб, цилиндр, призма ва ҳоказо) иборат. Машғулотларда қурилиш материалларидан турли хил тўпламлардан фойдаланилади: М.П.Агаповнинг 2, 3, 4, 5, 6, 7-сонли мазмунли тўпламлари. Кичик қурилиш материаллари: «Космодром», «Темир йўл вокзали» ва бошқалар. Мактабгача таълим ташкилотларда конструкторлардан (тахтали, пластмасса, металл ва керамика) фойдаланадилар. Бу тўпламлар орқали турли конструкциялар ясаш мумкин. Тарбиячи раҳбарлигида болалар оддийбирлаштириш усулидан суратлар бўйича турли хил ҳаракатли конструкциялар ясайдилар.

Асосий диққат болаларни маълум қисмларини бирлаштириш малакаларини шакллантиришга қаратилади. Бунда болаларни қўлларини мускуллари иштирок этади, қўл мускуллари ҳали яхши ривожланмаган бўлади. Тарбиячи раҳбарлиги остида болалар янги бирлаштириш йўлларини ва турли хил характердаги конструкцияларни расмга, чизмага қараб яратишга ўрганадилар. Бу ишларни болаларга таклиф этишдан олдин, тарбиячи ўзи бу конструкторлар, уларга берметодик кўрсатмалар билан яхшилаб танишиб, ўрганиб чиқиши зарур. Болаларга қурилиш материаллари ва конструкторлар тўплами ҳаммаси бирданига берилмайди, балки аста-секин, кетма-кет болаларнинг ўзлаштиришларига қараб берилади. Лего, мозаика, “Танграм”, “Тухум” булар стол ўйинлари ҳисобланиб, болаларни конструкторлик, дизайнерлик, яратувчанлик ҳислатларини шакллантиради ва ривожлантиради. Оригами. Бу қоғозни буклаш йўли билан нарса ясаш маъносини билдиради. Киригами. Бу қоғозни йиртиш ёки симметрик қирқиш йўли билан ясаш йўли билан нарса ясаш маъносини билдиради. Кусудама. Бу қоғозни буклаш йўли билан гул ясаш маъносини билдиради. Цукудама. Бу кусудама модулларидан қўғирчоқ ясаш маъносини билдиради. Барчаси битта сўз билан “оригами” деб юритилади.

Хулоса қилиб айтганда, мактабгача таълим муассасаларида тасвирий фаолиятга доир машғулотларни ўтказишда тасвирий фаолият турлари ва уни ўргатиш усул ҳамда воситаларидан, расм чизишга (предметлар расми, мазмунли расм, декоратив расм) ўргатиш. Турли ёш гуруҳларида аппликация машғулотларини ташкил этиш. Аппликация турлари бўйича машғулотларни ўтказиш (ясси аппликация,

хажмли аппликация). Қоғоз ва картон билан ишлашда трафарет, шаблон ва муҳр асосида ишлаш техникаси. Мактабгача таълим муассасаларида лой иши (пластилин билан ишлаш, лой билан ишлаш, тузли ҳамда чинни хамир билан ишлаш). Табиий ва ташландиқ материаллар билан ишлаш. Тасвирий фаолият машғулотларида ноъананавий усуллардан фойдаланиш.

BOSHLANG'ICH SINIF MATEMATIKA DARSLARIDA INNOVATSION USULLARDAN FOYDALANISH

*Boychayeva Sharifa Saidkulovna
Sirdaryo VXTXQTMOHM
Katta o`qituvchisi*

Mamlakatimizda olib borilayotgan keng ko'lamli islohotlar faqatgina xalq manfaatlari uchun, uning baxt-saodati uchun xizmat qilayotganining guvohi bo'lib turibmiz. Ta'lim jarayonida ilg'or texnologiyalarning yangi-yangi usullarining qo'llanilishi darslarning rang-barang qiziqarli tarzda o'tishiga olib keladi, o'quv materiallarining chuqur o'zlashtirilishiga ham keng imkoniyatlar yaratadi.

Pedagogik qarashlarda "Oddiy o'qituvchi - gapiradi, yaxshi o'qituvchi - ko'rsatadi, juda yaxshi o'qituvchi-motivatsiya qiladi", degan gap bor. Zamon talabiga muvofiq holda har bir fan o'qituvchisi o'zining mutaxassisligini, chuqur o'zlashtirgan, pedagogik-psixologik hamda metodik bilim, ko'nikma va malakalarni puxta egallagan, ta'lim-tarbiya jarayonini samaradorligini oshiradigan zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalaridan xabardor va ularni ta'lim jarayonida qo'llay olish malakasiga ega bo'lishi bilan birga innovatsion faoliyat egasi bo'lishi lozim. Ayni paytda o'qituvchi har bir darsning muallifi hisoblanadi. Chunki o'qituvchi ushbu darsni tayyorlashda ilg'or o'qituvchilar tajribasiga tayanadi, uslubiy qo'llanmalarni o'rganadi va uni amalda qo'llaydi.

Matematika darsida o'quv tarbiya jarayonining barcha elementlari o'zaro uyg'unlikda bo'ladi. Bular maqsad va mazmun, vositalar, metodlar, ta'limni tashkil kilish shakllari bilan uzviy bog'liq. Boshlang'ich sinflarda ishlaydigan o'qituvchi vatanparvarlik burchini to'g'ri anglaydigan, o'z ixtisosligiga doir bilimlarni chuqur biladigan, milliy va umuminsoniy qadriyatlardan, dunyoviy, diniy ilmlardan ham xabardor, ma'naviy barkamol bo'lmog'i lozim. Boshlang'ich ta'lim asosiy poydevor hisoblanadi. Bolaning o'qishga bo'lgan munosabatining zarur bo'lgan o'qish savodxonligi, turli ma'lumotlar bilan ishlash, asosiy matematik amallarni bilish va ularni kundalik hayotda qo'llay olish, mantiqiy va ijodiy fikrlash, o'z-o'zini boshqarish, jamoada o'zini tuta bilish, yozma va og'zaki muloqot madaniyati qoidalarini egallash, ta'limiy faoliyatni tashkil etish kabi ko'nikmalarni shakllantirishdan iborat.

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborotkommunikatsiya texnologiyalarini o'quv jarayonida keng qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan - kunga kuchayib bormoqda. Buning asosiy sabablaridan biri an'anaviy ta'limda o'quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, boshlang'ich ta'limda zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi. O'qituvchi bu jarayonda shaxsning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi.

Boshlang'ich sinf o'qituvchisining kasbiy salohiyati va ma'lumot darajasi, bolalar psixologiyasi, hozirgi zamon boshlang'ich ta'lim metodikasini bilishi hamda o'qituvchi tinmay o'z ustida mustaqil ishlashi faning yangiliklardan xabardor bo'lishi ilg'or metodikalarga ega bo'lgan tajribali metodist-o'qituvchilar bilan o'z tajribalari to'g'risida o'rtoqlasha olishi, samarali o'qitish metodikalarini namoyish eta olishi lozim. Barcha umumta'lim maktablarining boshlang'ich ta'lim sifat va samaradorligini oshirish zamonaviy pedagogik, innovatsion va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini ta'lim jarayoniga keng tatbiq etish, ilg'or ish tajribalarini o'rganishni taqozo etadi.

Shuningdek hozirgi kunda matematika fanidan juda ko'p misol va masalalar to'plamlari, qiziqarli matematika o'quv adabiyotlari nashr etilgan. Ushbu fanga taalluqli qoshimcha adabiyotlardan foydalanib, darslarni mustahkamlash qismida foydalanib o'tish ham ijobiy samara beradi.

Bugungi kunda darslarni turli xil metodlar bilan boyitib borishimiz mumkin. Bugungi kunda eng dolzarb bo'lib borayotgan Xalqaro baholash dasturi TIMSS ga tayyorlash ayni davr talabi desak adashmagan bo'lamiz. Topshiriqlarni esa o'zimiz tayyorlab borishimizga to'g'ri keladi.

Bunda "Tushunchalar tahlili" degan metodimizni bir eslaylik. Bu metod orqali otilgan mavzularni eslab qolishda, yangi mavzuni mustahkamlashda va olgan bilimlarimizni eslab qolishida ayni muddao bo'ladi desak adashmagan bo'lamiz. Masalan: o'quvchilarga quyidagi topshiriqlar beriladi, ular bu topshiriqlarga o'zlarining javoblarini yozishlari kerak.

Tushunchalar	Tahlil
Kub	Hamma yoqlari kvadratdan iborat to'g'ri burchakli parallelepiped kub deb ataladi.
Uchburchak	Uchburchak geometrik figuralardan biri bo'lib, bir to'g'ri chiziqda yotmaydigan uchta nuqta va shu nuqtalarni ketma-ket tutashtirishdan hosil

	bo'lgan figura. Nuqtalar uchburchakning uchlari, <u>kesmalar</u> esa uning tomonlari hisoblanadi. Uchburchak uning uchlari ko'rsatish bilan belgilanadi.
Kvadrat	Qarama-qarshi tomonlari o'zaro teng bolgan to'g'ri burchakli to'rtburchak yoki burchaklari to'g'ri burchaklardan iborat bo'lgan <u>romb</u> kvadrat deb ataladi
Aylana	Aylana – muayyan <u>nuqtadan</u> teng uzoqlikda yotgan nuqtalar <u>to'plami</u> . Aylana — faqat chiziq. Oq qog'oz ustiga dumaloq stakanni qo'yib, atrofidan qalam yurgizib chiqsak, hosil bo'lgan ingichka dumaloq chiziq aylana bo'ladi Aylana chizish uchun sirkuldan ham foydalanish mumkin. Agar sirkul bo'lmasa, qog'oz varag'ini yog'och taxtacha ustiga qo'yib, o'rtasiga bitta knopka qadang, tagiga pishiq ip bog'lab qo'ying, ipning ikkinchi uchiga qalam bog'lang. Qalamning ip bog'langan joyidan ushlab, tarang torting-da, aylanma chiziq chizib chiqing, shunda aylana hosil bo'ladi.
Doira	Doira — yassi shakl, uni qirqib tayyorlash mumkin. Hali chizgan aylanangizni atrofidan qaychi bilan qirqib chiqsangiz, doira hosil bo'ladi. Doira va aylana «egizaklar», «opa-singillar»dir. Ular har doim birga «yurishadi»: aylana chizdingizmi — doira hosil bo'ladi, doira qirqib oldingizmi — qaychi yurgan yo'l aylanani bildiradi. Sirkul qo'yiladigan yoki haligi knopka qadaladigan nuqta aylana va doira markazi hisoblanadi. Limon bo'lagi va velosiped g'ildiragi markazini topish oson.

Bu metodni nafaqat matematikada balki boshqa fanlarda ham ishlatsak bo'ladi. Bolalarni fanga bo'lgan qiziqishlarini oshirishda, mavzularni eslab qolishda bu metodlarni dars davomida foydalanish ularda fanga bo'lgan qiziqishlarini oshirishga xizmat qilgan bo'lamiz. Har bir metodning o'ziga xos tomonlari bor, biz undan darslar jarayonida oqilona foydalanishimiz kerak. Bu esa fanimizni yanad qiziqali o'tishimizga o'quvchilarni fanga bo'lgan qiziqishlarini oshirishga sabab bo'ladi deb o'ylayman.

Fikrimni Rudakiyning ushbu gaplari bilan tugatmoqchiman " Bilim odamiing ijodiy maqsadlariga xizmat etmog'i lozim. Bilim orttirishning o'zi kifoya emas, uni iloji boricha keng yoymoq va hayotga tatbiq etmoq zarur".

3-SINF O`QUVCHILARIDA TABIAT DARSLARIDA SHAKLLANTIRILADIGAN TAYANCH KOMPETENSIYA ELEMENTLARI

*Azizova Dilnoz, Yo`ldashevna
Qashqadaryo viloyati xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazio`qituvchisi*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 6-apreldagi "Umumiy o'rta ta'lim va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 187-son qaroriga ko'ra davlat ta'lim standartlarini kompetensiyaviy yondashuv asosida takomillashtirishni maqsad qilib qo'yilgan.

Kompetensiyalarni shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lim sifati o'quvchilar tomonidan akademik bilimlarni o'zlashtirganlik darajasi bilan emas, balki hayotiy faoliyatning turli sohalari bo'yicha kompetensiyalarning shakllanligi, bir umr o'qib-o'rganishga tayyorgarlik, shaxsiy va kasbiy rivojlanish kabi motivatsiyalarning turg'unlanish darajasi bilan o'lchanadi.

Umumiy o'rta ta'lim tizimida o'quvchilarda fanga oid umumiy kompetensiyalar bilan birgalikda tayanch kompetensiyalar shakllantirilishi belgilab berilgan. Tabiat fannini o'qitish jarayonida o'quvchilarda tayanch kompetensiyalar shakllantirilib boriladi.

3-sinf o'quvchilarda shakllantiriladigan tayanch kompetensiya elementlari:

Kommunikativ kompetensiya:

A1 standart darajasiga ko'ra muloqotga kirishish uchun zarur bo'ladigan og'zaki nutqni o'zlashtirish, jonli va jonsiz tabiat, tabiat hodisalariga oid tayanch so'z va atamalarning ma'nosini aytib bera olish.

A1+ standart darajasiga ko'ra mavzuga doir tayanch so'z va atamalarni xorijiy tilda ayta olish.

Axborotlar bilan ishlash kompetensiyasi:

A1 standart darajasiga ko'ra mavzuga doir ma'lumotlarni kompyuter va boshqa manbalardan izlab topib, ulardan samarali foydalana olish.

A1+ standart darajasiga ko'ra manbalar asosida mavzuga doir kichik referatlar tayyorlash.

O'zini o'zi rivojlantirish kompetensiyasi:

A1 standart darajasiga ko`ra manbalar asosida mavzuga doir kichik referatlar tayyorlash. Dunyoqarash va tafakkurini mustaqil ravishda o`stirib borish, atrofidagi tabiat manzaralarini estetik his etish, sportning yoshiga mos turi bilan shug`ullanish, o`zini tuta olish, to`g`riso`z bo`lish, o`zining xatosini tushunish.

A1+ standart darajasiga ko`ra maktabda tabiatni muhofaza qilishga doir tadbirlarda ishtirok etish.

Ijtimoiy faol fuqarolik kompetensiyasi:

A1 standart darajasiga ko`ra davlat ramzlariga hurmat bilan munosabatda bo`lish; farzandlik va o`quvchilik burchini bilish, unga rioya qilish, sinfdagi jihozlar, o`quv qurollarini asrab-avaylash.

A1+ standart darajasiga ko`ra o`zidan kattalarga, o`rtoqlariga va o`zidan kichiklarga yordam berish, Vatanga sadoqatli, insonlarga mehr-oqibatli bo`lib ulg`ayib borish.

Milliy va umummadaniy kompetensiya:

A1 standart darajasiga ko`ra o`zi yashaydigan o`lkaning tabiati, tarixiy obidalari haqida bilish; uyi, maktabi, turar joyini qadrlash; do`stlari, yaqinlari va atrofdagilarga mehribon bo`lish.

A1+ standart darajasiga ko`ra o`zi yashaydigan joyning tabiiy boyliklari haqida kichik referatlar tayyorlay olish.

Matematik savodxonlik, fan va texnika yangiliklaridan xabardor bo`lish hamda foydalanish kompetensiyasi:

A1 standart darajasiga ko`ra tabiiy boyliklarni, suvni isrof qilmaslik va tejankorlikning ma`nosini tushunish, unga amal qilish, jihozlardan foydalana olish, ehtiyotkorlik va xavfsizlik qoidalariga rioya etish.

A1+ standart darajasiga ko`ra o`z ehtiyoji uchun kerak bo`lgan narsalardan (suv, yoqilg`i boyliklari) tejab foydalanish; bir kunlik xarajatlarini hisoblashni bilish kompetensiyalarini shakllantirish masalalari qamrab olingan.

Bularni amalga oshirish jarayonida mavzudan kelib chiqib, eng past o`zlashtiruvchi o`quvchilarni inobatga olgan holda belgilanishini nazarda tutishimiz lozim. Masalan; "Manadiy o`simliklar" mavzusida quyidagi axborot bilan ishlash kompetensiyasi elementini qo`llashimiz mumkin: *multimediadan mozaika yasay oladi va o`z-o`zini rivojlantirish kompetensiya elementi: madaniy o`simliklarga oid qo`shimcha ma`lumotlar topa oladi.*

"Tut daraxti. Ipak qurti" mavzusida quyidagi milliy va umummadaniy kompetensiya elementini, ya`ni *insonlar mehnatiga va o`simliklarga oqilona munosabatda bo`lish lozimligini biladi.*

Xulosa qilib aytganda, tayanch kompetensiyalarni belgilash asosida o`quvchining o`zlashtirish darajalari inobatga olgan holda belgilanishi muhim omil ekanligini unutmashimiz lozim.

BO`LAJAK TARBİYACHILARDA INNOVATSION FIKRLASH KO`NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH YO`LLARI

CHORIYEVA DURDONA ANVAROVNA

*Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Maktabgacha ta`lim fakulteti Maktabgacha ta`lim psixologiyasi va pedagogikasi kafedrasida o`qituvchisi
choriyevadurdona@mail.ru*

Ta`limga e`tibor – kelajakka e`tibor. Ta`lim – taraqqiyot bosqichidagi eng muhim tizimdir. Jamiki o`zgarishlar, yangilanishlar bevosita ta`lim rivoji bilan bog`liq. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev iborasi bilan aytganda, «Biz ta`lim va tarbiya tizimining barcha bo`g`inlari faoliyatini bugungi zamon talablari asosida takomillashtirishni o`zimizning birinchi darajali vazifamiz deb bilamiz», deya ta`kidlab o`tgan.

Bugungi kunda biz bo`ljak tarbiyachilarda innovatsion fikrlash ko`nikmalarini shakllantirishimiz lozim. Bo`ljak tarbiyachilarda innovatsion fikrlash ko`nikmalarni shakllantirishdagi o`ziga xos xususiyatlaridan biri uning novator, sermahsul ijodiy shaxs, keng qamrovli qiziqish, ichki dunyosi boy, pedagogik yangilikka o`ch bo`lishi lozimligidadir. Shuningdek, bo`ljak tarbiyachilarda innovatsion fikrlash ko`nikmalarni shakllantirishda motivatsion, texnologik va refleksiv yondashuvlar o`ziga xos ahamiyat kasb etadi. Bo`ljak tarbiyachilarni bu faoliyatga tayyorlash ikki yo`nalishda amalga oshiriladi: yangilikni idrok qilishga innovatsion tayorgarlikni shakllantirish, yangicha yondashuv va harakat qilishga o`rgatish muhim sanaladi.

Bo`ljak tarbiyachilarning innovatsion fikrlashini rivojlantirishda ularning bilish faoliyati, intellektual ijodkorligi, kommunikativlik va kognitivlik qobiliyati alohida ahamiyatga ega. Ma`lumki, innovatsiya jarayonlari, funksiyalari, mexanizmlari va uni amalga oshirish texnologiyalari va boshqarish tamoyillarining pedagogik asoslarini o`rganish o`quv jarayonini zamonaviy pedagogika va psixologiya fanlari yutuqlari asosida tashkil etish jarayonlari bo`ljak tarbiyachilarning innovatsion fikrlash ko`nikmalarini tizimli shakllantirish va rivojlantirish imkonini beradi.

Shunday qilib, bo`ljak tarbiyachilarda innovatsion fikrlashni rivojlantirishda ularning ilmiy-nazariy-amaliy tayyorgarligi, uning eng muhim yo`nalishi gumanistik yondashuvlari asosida yuqori natijalarni qo`lga kiritish imkonini beradi.

Bo`ljak tarbiyachilarning yuksak kasbiy tayyorgarlikka erishishning omillari sifatida quyidagilar ko`rsatiladi:

- iste`dod nishonalari;
- o`quvchilik;
- qobiliyat;
- iste`dod;
- oila tarbiyasi sharoiti;
- o`quv yurti;

- o'z xatti-harakati;
- qiziqishi;
- intellektual ijodkorligi;
- kommunikativligi.

Innovatsion fikrlash ko'nikmasini shakllantirishda ijodiy individuallik muhim sanalib unga quyidagilar kiradi:

- intellektual - ijodiy tashabbus;
- bilimlar kengligi va chuqurligi intellektual qobiliyati;
- ziddiyatlarga nisbatan xushyorlik, ijodga tanqidiy yondashuv;
- axborotlarga tashnalik, intiluvchanlik;
- muammolardagi g'ayriodatiylikka va yangilikka bo'lgan his-tuyg'u, bilishga bo'lgan chanqoqlik, tashabbuskorlik, tolerantlik kabilar.

V.A. Slastenin ijodiy individualizmni ro'yobga chiqarishning asosiy vazifalarini quyidagicha belgilaydi:

- ijtimoiy mohiyat kasb etgan madaniyatni boyitish;
- pedagogik jarayon va shaxs bilimlarini yangilab, boyitib borish;
- samarali va ahamiyatli me'yorlarni belgilaydigan yangi texnologiyalarni topish, shaxsning o'z taqdirini o'zi belgilash va o'zini o'zi namoyon qila olishi asosida o'z rivojlanishini ta'minlash hisoblanadi.

Shu tariqa bo'lajak tarbiyachilarning ijodiy individualligini shakllantirish shaxs rivojlanishi va yangilanishining dinamik innovatsion jarayoni sifatida tushuniladi. Ijodiy individuallikni xarakterlaydigan samarali o'z-o'zini anglash quyidagilarni qamrab oladi: o'zini boshqalarga qiyos qilish asosida o'z shaxsining betakror ekanligini anglay olishi; o'zi to'g'risidagi kreativ ko'rinishlar va tasavvurlari to'plami; individual kreativ o'ziga xosliklarning bir butunligi va uyg'unligi, ichki birligi; shaxsning o'z rivojlanishidagi dinamiklik va doimiylik jarayoni va uning ijodkor sifatida shakllanishi; shaxs o'zini namoyon qila olishi va o'zining muayyan ishlarni amalga oshirishga hozir turganligi; ijodkor sifatida o'zini baxshida qila olishi va shaxsiy hamda ijtimoiy vaziyatlarda o'zining o'rnini anglay olishi (V.A. Slastenin).

Innovatsion fikrlash tuzilmasi tahlilida bo'lajak tarbiyachining kasbiy malakalarini shakllantirish va mahoratni tarkib toptirish, yuqori cho'qqilariga erishuvida uning shaxsi rivojlanish qonuniyatlarini ochish imkonini beradi.

Bo'lajak tarbiyachilarda innovatsion fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish va rivojlantirishning eng muhim tavsifi kompetentlik va kreativlikdir.

Bo'lajak tarbiyachilarda g'oyaviy - mafkuraviy kompetentlikni, intellektual salohiyatli kadrlarni tarbiyalab jamiyatga bilim, ko'nikma va malakaga ega yosh kadrlarni yetkazib berish nazarda tutiladi.

Ijtimoiy gumanitar fanlarning bo'lajak tarbiyachi-yoshlarda g'oyaviy-mafkuraviy kompetentlikni rivojlantirishda, jamiyatga munosib intellektual salohiyatli kadrlar qilib tarbiyalashda ham muhim o'rin tutadi. O'zbekiston tarixi, Madaniyatshunoslik, Siyosatshunoslik, Dinshunoslik, Falsafa, Huquqshunoslik, Ma'naviyat asoslari, Psixologiya va boshqa fanlarning o'rni va ahamiyati katta ekanligini ta'kidlab o'tish mumkin. Ushbu fanlar misolida innovatsion fikrlovchi, intellektual yoshlar mamlakatimizning milliy mafkurasida aks etgan tamoyillarning mazmun – mohiyatini ham chuqur anglagan holda yurt tinchligi, vatan ravnaqi, xalq farovonligi, komil inson, millatlararo totuvlik, dinlararo bag'rikenglik, ijtimoiy hamkorlik g'oyalarining mazmun-mohiyatini to'laqonli tushunishi lozim.

Bugungi kunda mamlakatimizda yoshlar tarbiyasi davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan ekan, buning negizida kelajagimiz bunyodkorlari bo'lgan bo'lajak tarbiyachilarni har tamonlama innovatsion, bilimli, intellektual salohiyatga ega, mamlakatimizda olib orilayotgan ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy va ma'naviy sohalaridagi islohotlarga dahldorlik hissi bilan yashaydigan barkamol shaxs qilib tarbiyalash maqsad qilib qo'yilgan.

Jamiyatning ma'naviy yangilanishida, - deydi birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov, - "biz bir narsani yaxshi anglab olishimiz kerakki, umumiy va maxsus bilimlarga ega, ongli, tafakkuri har xil «izm»lardan ozod, zamonaviy dunyoqarash, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga voris bo'lgan insonlarga fuqarolik jamiyatini barpo etishga va uni yanada takomillashtirishga qodir bo'ladi. Ta'lim modelidan ko'zlangan bir maqsad bor. Uning vositasida biz dunyodan munosib o'rin olishga, o'zbek nomini yanada keng yoyib tarannum etishga erishamiz.

Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev ta'kidlab o'tganidek, Yoshlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimizning bor kuch va imkoniyatlarini safabar etamiz.

Xulosa qilib aytganda, innovatsion fikrlovchi bo'lajak tarbiyachilar- mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlarga o'zining ilmi, bilimi, aqli va idroki bilan qonunlarimizga hurmat ruhida tarbiyalanganligi, jamiyatimizdagi olib borilayotgan islohotlarga befarq bo'lmasdan tashabbuskor g'oyalari bilan jamiyat taraqqiyotiga ta'sir e'tuvchi yoshlar nazarda tutiladi. Ular mamlakat hayotini takomillashtirishda, sog'lom turmush tarzini qaror toptirishda, tarbiyalanuvchilarda yangicha innovatsion g'oyaviy-mafkuraviy dunyoqarashni, yuksak ma'naviyat va intellektual salohiyatni shakllantirish, ularni Vatanga sadoqat, siyosiy hushyorlik, buzg'unchi g'oyalarga qarshi jaholatga qarshi ma'rifat bilan javob bera oladigan yoshlarni tarbiyalashi nazarda tutiladi.

Adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Barkamol avlod orzusi. - T.: Sharq, 1999. - B.80.

2. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot va yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. 1-jild. – T.: «O‘zbekiston» 2017, 145-146-b.
3. Mirziyoyev Sh.M. “2017-2021 yillarda maktabgacha ta’lim tizimini yanada takomillashtirish chora tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori 2016 yil 26 dekabr.
4. Azizxodjaeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. – T.: Moliya, 2003. – 192 b.
5. Ishmuhamedov R., Abduqodirov A., Pardayev A. Ta’limda innovatsiyalar (ta’lim muassasalari pedagog-o‘qituvchilari uchun amaliy tavsiyalar). – T.: Iste’dod, 2008. – 180 b.

O‘QUVCHILARGA „OILA – MUQADDAS QO‘RG‘ON“ MAVZUSINI O‘QITISH

*Qo‘chqorova Odinaxon Farg‘ona viloyati Yozyovon tumani
16 – maktabning boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi*

“Xalqimizning aniq maqsad sari harakat qilishi, davlatmand bo‘lishi, baxtli bo‘lib izzat-hurmat topishi, jahongir bo‘lishi yoki zaif bo‘lib xorlikka tushishi, baxtsizlik yukini tortishi, e‘tibordan qolib, o‘zgalarga tobe va qul, asir bo‘lishi ularning ota-onalaridan bolalikda olgan tarbiyalariga bog‘liq”.

Shavkat Mirziyoev.

O‘zbekiston Respublikasi Kontitutsiyasining “Oila” deb nomlangan XIV bobini 63-, 64-, 65-, 66-moddalarida oila jamiyatning asosiy negizi, bo‘g‘ini ekanligi, ota-onaning bola tarbiyasidagi mas’uliyati, ota-ona keksaygach, ularga moddiy va ma’naviy tomondan g‘amxo‘rlik qilish har-bir farzandning burchi ekanligi kafolatlab qo‘yilgan.

Oila — Vatan timsoli. Negaki, oila va vatan tushunchalari bir-biriga chambarchas bog‘liq. Vatan tuygusi oiladan, ona bag‘ridan boshlanadi. Oila esa jamiyatning ijtimoiy-ma’naviy boyligi hisoblanadi.

Oiladagi muhit insonning o‘ziga xos ma’naviyati, dunyoqarashi, tasavvur va e‘tiqodining shakllanishida, yuksalishida muhim omil. Inson qalbi va ongidagi eng sof, pokiza tuyg‘ulari, ilk hayotiy tushuncha va tasvurlari, aynan oila bag‘rida shakllanadi.

Xalqimizda kishining qanday ekanligi, uning o‘zini tutishi, tarbiyasi, fe‘l-atvori oilasiga bo‘lgan munosabat bilan baholanadi. Bu esa uning jamiyatda o‘z o‘rnini topishida muhim omildir.

Oilada yozilmagan shunday qonun-qoidalar borki, ular necha asrlar davomida avlod-dan-avlodga o‘tib sayqal topib kelaveradi. Kattalarni hurmat qilish, kichiklarga nisbatan izzatda bo‘lish, kelajak avlod haqida g‘amxorlik qilish hamisha oilaning asosiy qoidalari bo‘lib kelgan.

Bu muqaddas dargohda nafaqat farzand dunyoga keladi, balki ma‘nan va axloqan go‘zal tarbiya egasi bo‘lgan inson voyaga yetadi. Oila shunday makonki, unda avlodlar kamol topadi. Ajdodlarimiz azaldan oila mustahkamligi, sog‘lom avlodning yaralishi yo‘lida doimo e‘tiborda bolgan. Bunday g‘oyalar avlodlar qalbi va ruhiyatiga singdirib borilgan.

Oila a‘zolari o‘rtasida o‘zaro hurmat, mehr-muruvvat va oqibat omillari sog‘lom muhitni yaratadi. Zero, sog‘lom tarbiya tufayli oila a‘zolari o‘rtasida o‘zaro yakkilik, fikrlar uyg‘unligi, maqsadlar musharakligi yuzaga keladi.

Farzand tarbiyasi! Qanchalik mukammal, sinoatga to‘la, insoniy muomala-munosabatlar umumlashgan ushbu kalomda. Yaxshi farzand — ota-onaning bebaho mulki, qalb gavhari, muborak siri va ulkan kashfiyoti. Uning kamolidan ota-onaning ko‘ngli nurafshon bo‘ladi, hayoti zavq-shavqqa to‘ladi. Bu sharafga ega bo‘lganlar hurmat va izzat tojini kiyadilar, dunyo donishmandlariga aylanadilar. Aksincha, noqobil farzandning nojo‘ya xatti-harakatidan ota-onaning qaddi bukiladi, dili ozor chekadi, tarbiyada yo‘l qoygan xatosi oqibatida pushaymonlik dardiga giriftor bo‘ladi.

Oila — nikohga yoki tug‘ilganlikka asoslangan kichik guruh. Uning a‘zolari ro‘zg‘orning birligi, o‘zaro yordami va ma’naviy mas’uliyati bilan bir-biriga bog‘langan. Oilaning eng muhim ijtimoiy vazifalari inson zotini davom ettirish, bolalarni tarbiyalashdan, oila a‘zolarining turmush sharoitini va bo‘sh vaqtini samarali uyushtirishdan iborat.

Oila har bir xalqning, millatning davomiyligini saqlovchi, milliy qadriyatlarining rivojini ta‘minlovchi muqaddas maskan hamdir. Oilada biz va avlodlarimiz tarbiya topib, ulg‘ayib, dunyoni anglaydi hamda barchasi turli fe‘l-atvor kasb etib boradi.

Oila jamiyatning poydevorini tashkil etadi. Jamiyat va davlatning farovonligi, gullab-yashnashi bevosita shu jamiyatdagi oilalarning moddiy va ma’naviy jihatdan mustahkamligiga bog‘liq.

Oilaviy tarbiyada ota-ona va farzandlar munosabati alohida o‘rin tutadi. Bunda ota-ona zimmasida ma’naviy yetuk, jismoniy baquvvat yosh avlodni yetkazish barobarida, jamiyat ravnaqi uchun muayyan

bir kasbning fidoyisi, iqtisodiy mustaqil, ishbilarmon, tadbirkorlik madaniyatiga ega shaxsni kamol toptirish tushuniladi. Farzandlar esa bu go'zal va maqbul tarbiyani o'zida shakllantirib, o'zlashtirib boradi.

O'zbek oilalari totuvligi, bolajonligi, yaqin birodarlar va qarindosh-urug'larga nisbatan o'zaro hurmatda bo'lish, mehr-oqibat rishtalarining mustahkamligi va boshqa oilaviy qadriyatlarining ustunligi bilan ham dunyodagi ko'pgina millat, xalqlardan ajralib turadi.

Agar oilada hamkorlik, hamjihatlik, o'zaro hurmat, bir-biriga ishonch kuchli bo'lsa, rostgoy, samimiy, mehribon, o'z yaqinlariga, qarindosh-urug'lariga, qo'ni-qo'shnilariga doimo yordam berishga tayyor bo'lgan insonlar kamol topadi. O'zida ushbu fazilatlarini mujassamlashtirgan insonlarning oilalariga doimo halovat va tinchlik hukm suradi. Agar aksincha bo'lsa-chi. Bunday oilani fayz-baraka, samimiyat, totuvlik, oqibatlilik va muhabbat tuyg'ulari butunlay tark etadi.


Shu ma'noda oilaning har bir a'zosi nafaqat o'zining shaxsiy farovonligi yo'lida, balki oilasining manfaatlarini uchun qayg'ursa, o'z yaqinlariga g'amxorlik qilishni maqsad qilib olsa, oilaning farovonligi yanada mustahkamlanadi.

Yurtimizda barkamol avlodni tarbiyalashda oila instituti va mahalla fuqarolar yiginiining ta'lim muassasalari bilan o'zaro hamkorligini yanada rivojlantirish, mustahkamlash va samaradorligini oshirish borasida qator amaliy ishlar olib borilmoqda.

Respublika «Oila» ilmiy-amaliy tadqiqot markazi va uning quyi bo'limlari tashkil etilganligi oila, onalik va bolalik manfaatlarini nafaqat huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy muhofaza etish, balki ilmiy-amaliy nuqtai nazardan o'rganish, ilg'or g'oyalar asosida oila farovonligini ta'minlash kabi hayrli ishlarga sabab bo'lmoqda.

Mamlakatimiz istiqloqlga erishgandan so'ng oila farovonligini ta'minlash davlatimiz faoliyatining ustuvor yo'nalishlaridan biriga aylandi. Zero, yosh oilani moddiy va ma'naviy jihatdan qo'llab-quvvatlash, ularga ko'maklashish, imtiyoz va imkoniyatlar yaratish, avvalo, uy-joy bilan ta'minlash bularning barchasi uchun nafaqat ota-onalar, birinchi navbatda, davlat va jamiyatimiz mas'uldir.

Shunday ekan "Oila – muqaddas qo'rg'on" ekanligini tushuntirishda turli rasmlardan foydalanish mumkin. Masalan: Quyidagi sur'atlarga qarab nimalarni ko'rayotganizi izohlang, o'z fikrlarizi bildiring.



O'quvchilar rasimga qarab o'z fikr mulohazalarini aytishadi, hikoya tuzishadi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, o'quvchilarda Pisa testi va mantiqiy fikrlashni shakllantiradigan bo'lsak biz o'quvchilarimizni yetuk mutaxassis qilib, bilimli, aqlli qilib tarbiyalash imkoniyatimiz yuksak darajada bo'ladi. Biz qo'rqmasdan butun dunyo oldiga boshimizni tik ko'tarib chiqishimiz mumkin.

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA INTEGRATSIYALASH – TA'LIM SAMARADORLIGI OMILI SIFATIDA

*Qo'ziyoyeva Zulfiya Mahmudjonovna Namangan viloyati
To'raqo'rg'on tumani 53-umumiy o'rta ta'lim maktabi
boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Ta'lim amaliyoti ko'rsatishicha, maktab ta'limida fanlararo aloqadorlikni yo'lga qo'yish fan va jamiyat hayotida bugungi kunda sodir bo'layotgan integratsion jarayonlarning yorqin ifodasidir. Ushbu aloqadorlik o'quvchilarning bilimlarni ongli o'zlashtirishi, dunyo haqidagi yaxlit tasavvurlarini rivojlantirish amaliy va ilmiy-metodik tayyorgarligini oshirishda muhim o'rinni egallaydi. Bunday tayyorgarlik umumiy o'rta ta'lim bitiruvchilarini darsda va darsdan tashqari mashg'ulotlarda, ishlab chiqarishda va umuman har qanday faoliyatda o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini erkin qo'llash imkoniyatini beradi.

Zamonaviy intellektual insonni tarbiyalashda integrativ ta'limning barcha jixatlari (aqliy, axloqiy, iqtisodiy, mehnat, estetik, gigiyenik, huquqiy, jismoniy tarbiya)ni qamrab oladi va ularning o'zaro bog'liqligini ta'minlaydi.

Integratsiyalashgan mashg'ulotlarda didaktik va psixologik talablarni hisobga olgan holda muayyan o'quv predmeti doirasida maxsus tashkil etilgan individual hamda alohida guruhlarda jamoa bo'lib, olib boriladigan ishlar orqali hamda turlicha murakkablik darajasida bo'lgan topshiriqlarning har tomonlama o'ylab ishlab chiqilgan tizimi har bir mavzuning o'zlashtirilishi muayyan pedagogik shart-sharoitlarni talab qiladi. Bunday sharoitda ta'lim rivojlanishi nisbatan ilgarilab boradi. O'quvchi odatda mustaqil bajariladigan topshiriqni kichik guruhda o'zaro yordam, hamfikrlik natijasida tez bajaradi. Kichik guruh uchun murakkablik qiladigan mashq va masalalarni

o'quvchilar jamoa bo'lib, oson va sifatli bajarishlari mumkin. Savol va topshiriqlarni tabaqalashganlik darajasidan kelib chiqqan holda hamda bir mavzu bo'yicha belgilab beriladigan topshiriqlar ularning sifati, har bir o'quvchining o'zligini namoyon qilishini talab qiladi. Shu bilan birga bunday topshiriqlarni bajarish jarayonida o'quvchi o'z rivojlanishi va bilim sifatining darajasi va individual hatti-harakatlarini ham belgilab oladi.

Ta'lim mazmunini tanlashda har bir o'quvchining o'ziga xos imkoniyat va qobiliyat darajasi, alohida hisobga olinishi kerak. Har bir bolani uzluksiz rivojlanish tamoyili o'quv materiallarini integratsiyalashni, integratsiyalashgan o'quv materiallarini qamrab olgan darsliklar yaratishni taqozo qiladi. Taqdim etiladigan bilimlarning mustahkamligi, o'quvchining umumiy rivojlantirish darajasi o'quv materialining tarkibiga (turli ranglar, ramzlar, ularning ma'nosi, hajmi bilan tanishtirilishiga) bog'liq bo'ladi. Buning natijasida o'quvchida kuzatuvchanlik faoliyati tarkib topadi. Chunki kuzatuvchanlik shaxs faoliyatining asosiy yo'nalishini tashkil qiladi. Bu esa, o'z navbatida fikrlash faoliyatini rivojlantiradi.

Boshlang'ich maktabda integratsiyani amalga oshiruvchi bo'g'in vazifasini o'qituvchining o'zi amalga oshiradi. O'quv fanlariaro aloqadorlikni ta'minlash bo'yicha o'qituvchilar tajribalarini umumlashtirib, fanlararo aloqadorlikda tashkil etiladigan darslarni uch guruhga bo'lish mumkin:

1. **Ko'rgazmalilik asosida tashkil etiladigan darsda** o'rganilayotgan mavzu yuzasidan alohida topshiriqlarni bajarish uchun qo'llaniladigan o'quv fanlariaro aloqador elementlarning turli jadval va modellarda ifodalanganligi asosida. Chunonchi, boshlang'ich sinflarda ona tili, o'qish yoki tasviriy san'at darslarida mazmunan o'xshash bo'lgan "Qish", "Bahor" kabi mavzularni o'rganish bo'yicha.

2. **Mavzularning bir-biriga o'xshashligi:** o'quv jarayonining uzviy tarkibiy qismida o'quv fanlariaro aloqadorlikdan foydalanish asosida darsning samaradorligini oshirish.

3. **Umumlashtirish**-o'quv fanlarining umumiy qonuniyatlari va tamoyillarini mukammal o'rgatish maqsadida turli o'quv fanlari bo'yicha maxsus tashkil etiladigan takrorlash-umumlashtirish darslarida o'quvchilarning egallagan bilimlarini takrorlashga imkon yaratish.

Agarda, dars jarayonida quyidagi **didaktik shartlarga** amal qilinsa, o'qitishga mujassam yondashishda samaradorlikka erishiladi:

O'rganilayotgan o'quv fanlari bo'yicha mavzularni mazmunan uyg'unlashtirish orqali o'quv rejalariga fanlararo aloqadorlik asosida tashkil topgan dars soatlarini kiritish; o'quv fanlariaro aloqadorlik asosida tashkil etilgan darslarning ta'lim sifatini ta'minlash va uning tarbiyaviy jihatlarini kuchaytirish; darslarda mazmunan bir-biriga yaqin yoki aralash o'quv fanlari tarkibidagi tushunchalar yordamida o'quvchilarning ilmiy dunyoqarashi hamda muayyan ko'nikma va malakalarini shakllantirish;

O'quv fanlariaro aloqadorlikni ta'minlashda o'quvchilar idrok etish faoliyatlarini jadallashtirishning turli vositalaridan unumli foydalanish. Chunonchi, aralash o'quv kurslari bo'yicha, muammolilik, ko'rgazmalilik, mustaqil ishlar, individual topshiriqlar tashkil etish yordamida bunday maqsadga erishish mumkin.

Ulug' didaktik Yang Amos Kamenskiy fikricha: "Bir-biri bilan bog'liq bo'lgan hamma narsa huddi shunday holda o'rganilishi kerak".

Fanlararo bog'liqlik g'oyasiga keyinchalik juda ko'p pedagoglar yondashib uni rivojlanishi va umumlashtirilishiga hissa qo'shdilar. Jumladan D.Lohk g'oyasiga ko'ra: "Ta'lim mavzuning aniqlanishida bir fan boshqa fanlar elementlari bilan va faktlari bilan to'ldirilishi kerak".

I.V.Pestalossi o'zining didaktik maqolasida shunday deydi. "Bir-biri bilan bog'liq fanlarni onginga keltir, ularni tabiatdagi uzviy bog'liqlik holatida ekanini angla"-deydi. Pestalossi bir fanning boshqa bir fandan uzoqlashuvi hatto havfliligini ta'kidlaydi.

D.Uskenskiy shunday deydi: "Har qanday fan tomonidan xabar qilinayotgan bilim va g'oya dunyo va hayotga keng nigoh va yorituvchan holatda berilishi lozim".

Bir turdagi qism yoki elementlar mavjudligi va ularning bir maqsadga tabiiy bo'ysundirish imkoni va bir qator o'quv fanlari uslubidagi yaqinlik integratsiya atamasini aniqlashga asos beradi, ya'ni o'qitish tarbiya qilish va o'quvchilarni ma'lum o'quv fanlarini o'zlashtirish uyg'unlashtirish usullari haqidagi fan. Integratsiyani uslubiy hodisa sifatida tahlil qilib bergan I.Kolovari va L.Pechnikova takidlashicha: "Integratsiyaning kelajagi porloq". Bu usul natijasida o'quvchilar ongida olamning faol va ko'p tomonli tasviri shakllanadi. O'quvchilar olgan bilimlarini amalda faol foydalanishligi boshlanadi. Chunki bilimlari osonroq amaliyotga xos xususiyatlarini aniqlaydi, yangicha fikrlay boshlaydi, fanni tez o'zlashtiradi, uning boshqa fanlarga bo'lgan munosabatini ravshanlashtiradi. O'qituvchi qachon va qanaqa fanlarni integratsiyalash mumkin yoki integralash shartlarini bilish muhim ahamiyatga ega.

E.Smirnova fikricha: "Birinci sinfda quyidagi fanlarni integrarlash mumkin: o'qish, yozuv, tasviriy san'at va mehnat". Faqat o'qish va faqat yozuv bolani juda charchatadi va unda salbiy tuyg'ularni uyg'atadi. 1-sinf o'quvchisida birinchi darslardayoq o'qishga bo'lgan istak yo'q bo'lmasligi kerak. Uning ko'zlaridagi uchqun o'chmasligi kerak. Yuqorida aytib o'tilgan fanlarni tartiblashda o'quvchining o'rganish jarayonini, qiziqishini ushlab turish, faollashtirishga e'tibor beriladi.

Bir xil sinflarda turli fanlardan dars beruvchi o'qituvchilarning bir-birlarining darslariga qatnashib turishlari hamda o'quvchilarning bilim va malakalariga qanday talablar qo'yilishi lozimligini kelishib olishlari predmetlar o'rtasidagi o'zaro bog'lanishni aniqlashda muhim vosita hisoblanadi. O'quvchilar o'qish darslarida olgan bilim va malakalaridan boshqa fanlarni o'rganishda qanday foydalanayotganliklarini va bunda qanday qiyinchiliklarga duch kelayotganliklarini muntazam ravishda kuzatib borish ham muhim ahamiyatga egadir.

Xulosa qilib aytganda, o'qish fanini o'qitishda fanlararo aloqadorlik tamoyiliga erishish ta'lim samaradorligini oshiribgina qolmasdan, uni yanada takomillashtirishda asosiy omillardan biri bo'lib xizmat qiladi.

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA O'QUVCHILAR BILIMINI BAHOLASH MUAMMOLARI

Qurbonov Sanjar

Xorazm VXTXQTMOHM, katta o'qituvchi qurbonovsanjar1975@umail.uz

Maqolada boshlang'ich ta'limda o'quvchilar bilimini baholash muammolari, baholashdagi kamchiliklar, xalqaro baholash dasturi afzalliklari haqida so'z boradi.

В статье рассматриваются проблемы оценки знаний учащихся в начальном образовании, недостатки оценки, преимущества международной оценочной программы.

The article discusses the problems of assessing students' knowledge in primary education, the shortcomings of assessment, the advantages of the international assessment program.

O'zbekiston Respublikasining 2030-yilga kelib xalqaro dastur reytingida jahonning ilg'or mamlakatlari qatoriga kirishiga erishish hamda xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish asosida o'quvchilarning bilim darajasini baholashga yo'naltirilgan - ta'lim sifatini baholashning milliy tizimini yaratish bugungi kunning dolzarb vazifasidir. [1]

Bunga esa, eski baholash tizimi bilan erishib bo'lmaydi. Rivojlangan xorijiy davlatlarda baholash tizimi biznikiga umuman o'xshamaydi, ayniqsa, boshlang'ich ta'lim. Ularning ko'pchiligida boshlang'ich sinflarda o'quvchilar baholanmaydi, faqat og'zaki rag'batlantirilib boriladi, o'quv yili yakunida test yoki yozma ish o'tkaziladi.

O'quvchining ta'lim faoliyati natijalarini baholash har doim va barcha turdagi maktablarda mavjud bo'lgan. O'quvchi faolligini baholash albatta aniq shaklda va ma'lum algoritmgga muvofiq ifoda etilishi kerak.

O'quv jarayonining tarkibiy qismlaridan biri o'quvchilarning yutuqlarini baholash va qayd etish tizimidir. Baholash tizimining ta'lim tizimini rivojlantirishdagi o'rni beqiyosdir, chunki bu maktabdagi ta'lim sohasidagi eng aniq birlashtiruvchi omil, o'quv muammolarini tashhislash va fikr-mulohazalarni bildirish vositasi. Bunday holda, baholash tizimi deganda nafaqat markalashda foydalaniladigan o'lchov va odatda belgilanadigan ballar belgilanadi, balki umuman o'qituvchi, o'quvchi va ota-onalar o'rtasidagi nazorat-dagnostik munosabatlarni amalga oshirish mexanizmi, shuningdek, o'quv jarayonining muvaffaqiyati to'g'risida tushuniladi. [2]

Bugungi kunda o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini baholash joriy va oraliq nazorat natijalari 5 ballik tizimda amalga oshirilmoqda.

Boshlang'ich ta'lim o'qituvchilari 1-sinflarda birinchi yarim yillikda raqamli bahodan voz kechishadi, chunki bu belgi bolalarning o'zini o'zi qadrlashi uchun noto'g'ri asos yaratadi: yaxshi belgi ko'pincha bola uni sevishini, yomon belgisi shikast yetkazishini anglatadi.

Bolani muvaffaqiyatli o'quv faoliyatiga undash uchun psixologik jihatdan qulay o'quv muhitini yaratish lozim:

- Baholashning sub'ektivligi, ayniqsa, past ko'rsatkich, ko'pincha bolalar, o'qituvchilar va ota-onalarning bezovtalanishi va asabiylikni kuchaytiradigan, ularni sherik emas, balki o'quv jarayonidagi raqibga aylantiradigan ishonchsizlik va nizoli vaziyatlarni keltirib chiqaradi.

- Amaliy baholash amaliyoti o'quvchilarni bilimlarni emas, balki baholar olishga undaydi. Baho, siz bilganingizdek, nafaqat baholash shakli, balki maktabdan tashqarida jazolash va rag'batlantirishning kuchli vositasidir. Shu munosabat bilan vaziyatni konstruktiv tahlil qilish va muammoli joylarni yo'q qilish usullarini izlash lozim.

- Faoliyat natijasini jarayonning yetarlicha aks etmasdan baholashga qaratish o'quvchilarning o'zini o'zi hurmatini shakllantirishga salbiy ta'sir qiladi. [3]

Xalqaro baholash dasturlari mezonlari asosida baholash faoliyatini amalga oshirishning umumiy vositalari va shakllarini ishlab chiqish. O'quvchining muvaffaqiyat darajasi o'qituvchi va o'quvchining shaxsiy munosabatlariga, shuningdek, o'qituvchining natijalarini subyektiv baholashga bog'liq bo'lmasligi kerak.

Maktab o'quvchilarining bilimlari, ko'nikmalari va qobiliyatlarining o'sishi, ular uchun yetarli qadriyatlar tizimini shakllantirish, ba'zi bir shartlar bilan o'qituvchining faoliyati natijasi deb hisoblanishi mumkin. Yuqorida biz o'quvchining bahosi o'qituvchi samaradorligining ko'rsatkichi bo'lishi mumkin emas degan xulosaga keldik, ya'ni o'quv faoliyati sifatini to'g'risidagi hisobot o'qituvchilarni attestatsiyadan o'tkazishda ob'ektiv ko'rsatkich hisoblanmaydi.

Baholash tizimidagi islohotlar, agar yangi vositalar va ish shakllarini eskilar, o'qituvchilar, bolalar va ularning ota-onalari o'zlari 5 ballidan foydalanishni rad qilsalarigina, o'zlarining pedagogik vazifalarini bajaradilar.

Masalan, o'quvchi savolga mukammal javob berdi, barcha materiallarni taqdim etdi, o'z nuqtai nazarini bildirdi. U "5" deb baholandi. Boshqa bir o'quvchi matni aniq takrorladi va bir xil "5" oldi. Bu esa noto'g'ri chunki, tekshirish uchun yetarli emas. Buni har bir ta'lim fanining yutuqlarini baholashning yanada mazmunli usuli bilan almashtirish muhimdir. Yoki bo'lmasa, xalqaro baholash dasturlari – PISA, TIMSS, PIRLS mezonlari asosida baholashni tatbiq etish, bizni baholash mezonlarimini unga moslashtirishimiz maqsadga muvofiq.

Misol uchun, PIRLSda bajarilgan ishlarni sifatli va miqdoriy baholash uchun quyidagi tizim qo'llaniladi: javobni tanlash bilan topshiriqlar 1 ball bilan baholanadi, tadbirlar ketma-ketligini belgilash uchun vazifalar 1 ball bilan

baholanadi, erkin javobga ega bo'lgan topshiriqlar vazifaning murakkabligiga qarab 1 balldan 3 ballgacha baholanadi.

Xulosa qilib aytganda, o'sib kelayotgan yosh avlodni ma'naviy-axloqiy va intellektual rivojlantirishni sifat jihatidan yangi darajaga ko'tarish, o'quv-tarbiya jarayoniga ta'limning innovatsion shakllari va usullarini joriy etishni maqsad etar ekanmiz baholash tizimini tubdan o'zgartirish kerak, deb hisoblayman.

Adabiyotlar:

1. Tashkenbayev U.N. va boshqalar. Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilarning o'qish savodxonligini baholash. – Toshkent, “Sharq”, 2019. 5-bet.
2. Boshlang'ich sinf o'quvchilari bilimlarini baholashning takomillashtirilgan reyting tizimi to'g'risidagi NIZOM (XTVning 2010 yil 20 iyuldagi 178-sonli buyrug'iga 1-ilova).
3. Башкин М. В. Формирование психологически комфортной и безопасной образовательной среды. Ярославль, ЯрГУ, 2014. 44-45 с.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHISINING TA'LIM JARAYONIDAGI PEDAGOGIK MAHORATINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI

*Razakova Zamira Boymurodovna Namangan viloyati To'raqo'rg'on tuman
53- umumta'lim maktabi 1-toifa boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

2017-2021- yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida fan va ta'lim sohasini isloh qilish, tizimni zamon talablari asosida rivojlantirish bo'yicha muhim vazifalar belgilandi.

Buning amaliy ifodasi sifatida 2019-2020 yillarda xalq ta'limi tizimida ko'plab yangiliklar hayotga tadbiiq etildi. T'lim-tarbiya sohasini takomillashtirish, fanlarni o'qitish sifati va samaradorligini oshirish, ta'lim maskanlarida zamonaviy shart-sharoitlar yaratish, pedagog kadrlar salohiyatini yuksaltirishga doir qator me'yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilinib, amaliy ishlar boshlab yuborildi.

Jamiyatimiz ma'naviy hayotini yuksaltirish bevosita yoshlarni barkamol insonlar sifatida voyaga yetkazish masalasi bilan chambarchas bog'liqdir. Maktabga ilk qadam qo'ygan o'quvchi qarshisida yangi, jozibali o'zga bir dunyo paydo bo'ladi. Bola maktabda mo'jizakor olam yangiliklari bilan tanishadi, hayot haqidagi his-tuyg'ularini boyitadi, iroda va xarakterini tarbiyalaydi, o'rtoqlari, katta yoshdagilar bilan muloqotda bo'lishga o'rganadi. O'qituvchi endigina qutlug' ostonaga qadam qo'ygan murg'ak bolaga razm solar ekan, unga alohida e'tibor, mehr, qalbiga yo'l topa bilishi lozimligini tushunib yetadi va kasbiy faoliyati davomida o'quvchilarning aqliy qobiliyatini, irodasini mustahkamlab, xarakterini tarkib toptira boradi.

O'zbekiston Respublikasining “Ta'lim to'g'risida”gi qonuni hamda Kadrlar tayyorlash milliy dasturi qilingandan so'ng mamlakatimiz ta'lim tizimida, xususan boshlang'ich ta'limda keng qamrovli ijobiy o'zgarishlar amalga oshirildi.

Boshlang'ich ta'lim konsepsiyasida “Boshlang'ich ta'lim jarayonini rivojlantirishda o'qituvchining kasbiy kompetentligi va o'qimishlilik darajasi, bolalar psixologiyasi, hozirgi zamon boshlang'ich ta'lim pedagogikasi va bu sohadagi ilg'or tajribalar, shaxsga yo'naltirilgan ta'lim konsepsiyasi va kompetensiyaviy yondashuv asoslarini bilishi boshlang'ich ta'lim sifati va samaradorligini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega” ekanligi takidlangan.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy-siyosiy va madaniy sohalaridagi islohotlarning asl maqsadi o'sib kelayotgan yosh avlodni jamiyatimiz uchun munosib – bilimli, yuksak intellektual salohiyatga ega, ma'naviy jihatdan barkamol insonlar qilib voyaga yetkazish bo'lib, bu vazifalar har tomonlama salohiyatli, boy tajribaga ega, zamon talablari asosida faoliyat yurituvchi sharaflil kasb egalari – o'qituvchilar zimmasiga yuklanadi. Shu bois ham bugungi kunda xalq ta'limi xodimlari, pedagog, tarbiyachilarning ijtimoiy yetukligi, faolligini yuksak darajaga ko'tarish mustaqil yurtimiz kelajagini hal qiluvchi muhim strategik masalalardan biri bo'lib qolmoqda.

Hozirgi zamon o'qituvchisi ta'lim maqsadlarini amalga oshirishda o'quvchilarning pedagogik-psixologik tabiatiga e'tiborini qaratishi va ta'lim jarayoniga innovatsiyani olib kirishi, hamkorlik asosidagi bahs-munozaraga imkon yaratishi, hamkorlik asosidagi iroda mustahkamligini, muomala madaniyatini, iste'dodini tarbiyalashi lozim.

Boshlang'ich ta'limning samaradorligini ta'minlashda o'qituvchining shaxsiy sifatleri va pedagogik mahorati ham muhim ahamiyat kasb etadi. O'qituvchi ko'p jihatdan o'quvchi uchun o'rnamkdir. Shuning uchun ham, u birinchi navbatda, ularni o'ziga jalb eta olishi kerak.

Shu nuqtai nazardan, o'qituvchi faoliyatida motiv tushunchasini konkretroq tushunish lozim bo'ladi.

Boshlang'ich sinf o'qituvchisi o'z kasbining mutaxassisi sifatida takomillashtirib borishi quyidagilarda namoyon bo'ladi. Aniq maqsad, intilish asosida pedagogik jarayonn samaradorligini, o'zining ishchanlik faolligini oshirish, izchil ravishda yangilanib borayotgan pedagogik bilimlarni o'zlashtirib faoliyatiga joriy etish, ilg'or texnologiyalar, metod hamda vositalardan habardor bo'lish, faoliyatiga fan-texnikaning so'ngi yangiliklarini samarali tadbiiq etish, kasbiy malakalarnitakomillashtirish, ko'nikma salbiy pedagogik nizolarning oldini olish, bartaraf etish choralari izlash yo'lida olib boriladigan amaliy harakati uning o'z ustida ishlasi va kasbiy kompetentligi takomillashtirishning asosiy omillaridanbiri hisoblanadi.

Boshlang'ich sinf o'qituvchisining pedagogik mahoratini takomillashtirishda quyidagilarga e'tibor qaratish lozim:

Pedagogika-psixologiyaga oid bilimlarini takomillashtirib borish;
 O'z ustida ishlash;
 Ta'lim jarayonida o'quvchilarda motivatsiyani shakllantirish;
 Axborot kommunikatsion texnologiyalarini bilishi, bilimlarini oshirib borishi va kasbiyfaoliyatida ulardan samarali foydalanish;

Ta'lim muhitiga yangilik kiritish;
 Hozirgi zamon ta'lablaridan kelib chiqqan holatda xorijiy tillardan birini bilish ham o'qituvchining kasbiy kompetentligini takomillashtirib borishning asosiy shartlaridan biridir.

Ma'lumki, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da ham ta'lim tizimiga ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy qilish, ularni har tomonlama o'zlashtirish zarurligi ko'p karra takrorlanadi. Pedagogik jarayonda muayyan mavzu, fan asoslaridan o'quvchilarga ko'nikma darajasida tez va qulay bilim berish ham ta'lim texnologiyasini muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. R. Choriyev fikricha, o'qituvchi mahoratiga to'rt yo'l bilan erishiladi:


Birinchidan, ijodkorlik, izlanish, o'z faoliyatini tahlil qilish, qiyoslash, yo'l qo'ygan uslubiy kamchiliklarni tanqidiy baholab, ularni bartaraf etish, o'z ish faoliyatini yanada takomillashtirishda tinimsiz ishlash, pirovard natijada o'z faoliyatining mukammal, o'ziga xos shakl va uslubini belgilab olish orqali;

Ikkinchidan, ilg'or hamkasblari ish tajribalarini qunt bilan o'rganish, o'z sharoiti va imkoniyatidan kelib chiqib, ularni amaliyotga tadbiq etish va takomillashtirib boorish orqali;

Uchinchidan, xorijiy pedagogik tajribalarni ijodiy o'rganish orqali;

To'rtinchidan, respublikamizda va xorijiy mamlakatlarda chop etilayotgan pedagogik texnologiyalar va metodik yangiliklarni uzluksiz tarzda kuzatib boorish orqali.

O'zbekistonda pedagogningkasbiy kompetentligi, uning o'ziga xos jihatlari o'rganilgan bo'lib, ular orasida B.Nazarova tomonidan olib borilgan tadqiqot o'ziga hos ahamiyat kasb etadi.Tadqiqotchining fikriga ko'ra pedagogga xos kasbiy kompetentlik negizida quyidagi tarkibiy asoslar tashkil etadi. Kasbiy-pedagogik kompetentlikka ega bo'lishda quyidagi tarkibiy asoslar tashkil etadi.



O'z ustida ishlash quyidagilarda ko'rinadi:

- kasbiy bilim, ko'nikma va malakani takomillashtirib borish;
- faoliyatga tanqidiy va ijodiy yondashish, kasbiy va ijodiy hamkorlikka erishish;
- ishchanlik qobiliyatini rivojlantirish;
- ilfor texnologiya, metod hamda vositalardan habardor bo'lish;
- keng ma'noda esa o'quv-tarbiya jarayonining yahlittarзда, mazmunli amalga oshirish texnikasi, uning pirovard natijalari samaradorligini belgilovchi omil, o'qituvchi, kadrlarni mahoratga, samarali mehnat qilishga yetaklovchi yo'ldir.

BOSHLANG'ICH SINFLARDA CHET TILI O'QITISHDAGI MUAMMOLARNI ANIQLASH VA ULARNI BARTARASH ETISH YO'LLARI.

*Niyazova Zulfiya Abdumutalibovana
O'zbekiston Respublikasi Namangan viloyati
To'raqo'rg'on tumani 51-maktab ingliz tili fani
o'qituvchisi*

Annotatsiya

Ushbu maqola “Boshlang'ich sinflarda chet tili o'qitishdagi muammolarni aniqlash va ularni bartarash etish yo'llari”.Mavzusiga ba'gishlangan. Bu maqolada boshlang'ich sinflarda ingliz tilini o'qitishga doir bir qator tavsiyalar berilgan. Ularga ingliz tili grammatikasini qay uslubda tushuntirish haqida so'z yuritilgan va bu uslub ular uchun qiziqarli va samarali ekanligi to'g'risida.

Аннотация

Статья под названием «Проблемы при обучения иностранного языка, их выявления и устранение». В статье показаны трудности обучении иностранному языку и пути их решений.

Annotation.

The Article under name "Problems when learning the foreign language, their discovery and removal. In article are shown difficulties education foreign language and way their solution.

Boshlang'ich sinflarda ingliz tilini o'rgatishda bir qator muammolarga duch kelishimiz bu albatta tabiiy hol. Bu biz uchun sir emas. Chunki ingliz tili chet tili va bundan tashqari o'zbek tiliga yaqin til ham emas, shuning uchun o'quvchilarbu tilda so'zlashda, tinglashda, talaffuz qilishda bir qator qiyinchiliklarga duch kelishlarimumkin. Ayniqsa bu holat boshlang'ich sinfda ham o'qituvchilar ham o'quvchilar qiyinchiliklarga duch kelishadi. 1- sinflarda biz biz o'quvchilarni talaffuzlari ustida ishlaymiz. Chunki bolalar hatto ona tilida ham ba'zi bir harflarni talaffuz qilish uchun qiynalayotgan bo'lishadi. Masalan: “r,g'z, s”. shu jumladan ingliz tilida ham albatta shunga o'xshash tovushlar mavjud. Th,r harf va harf birikmalarini qanday talaffuz qilinishida qiyinchilikka uchraymiz. O'quvchilarga “r” harfi o'zbek tilidagiday talaffuz qilinmasligini tushuntirishimiz zarurligi hech kimga sir emas. Hozirgi kunda chet tli o'qitish o'yin turli xil musobaqalar tarzida amalga oshirilyapti. Manshu o'yinlardan voz kechmagan holatda 1- sinf o'quvchilari talaffuz ustida ishlash borasida o'yin tashkil qilamiz. Masalan: “r” harfi uni qanday talaffuz qilinishini avval siz aytib ko'rsating so'ngra o'quvchilarga taklif kiriting. O'quvchilar sizni orqangizdan qaytarishadi va siz musobaqa tashkillang. O'quvchilarni doskaga taklif qilamiz va ularga o'yinni qoidasini tushuntiramiz. O'quvchilar navbatma navbat turishadi keyin ularni 2 guruhga bo'lamiz. Ular bir-birlariga qarama qarshi turishadi va harfni talaffuz qilib ko'rishadi. Eng yaxshi talaffuz egasini rag'batlantirasiz. Endi shu harf qatnashgan so'z berasiz va shu so'zni ham o'yin tarzda amalga oshiramiz. O'quvchilar doira shaklida 2 ta guruhda doira shaklida turishadi va ikkala doira ham teng aylana boshlaydi siz “stop” deganingizdan so'ng o'quvchilar to'xtashadi bir-biriga teng turgan o'quvchilardan so'zni talaffuz qilishini so'rang kim chiroyli talaffuz qilsa o'sha o'quvchi qarshi guruhdagi o'quvchini o'z guruhiga oladi. Bu o'quvchini talaffuzi ustida ishlash uchun bir metod.

2- sinflarda biz uchraydigan eng katta qiyinchiliklardan harflarni o'rgatish, so'zlarni yoza olish va o'qiy olish. Ko'p miqdordagi o'quvchilar hatto 1- sinfda a'lo darajada o'qigan o'quvchilar bo'lsa ham 2- sinfda ancha qiynalishadi va ingliz tili ular uchun qiyin va zerikarli fanga aylana boshlaydi. Bunda biz har bir o'quvchini harf bilan ataymiz. Masalan: Gulsevar-a, Rayhona-b, saida-c etc; o'quvchilarni 3 guruhga bo'lib olamiz va va har bir guruhga 4 tadan bir xil harflarni beramiz o'tilgan harflar yuzasidan, so'ng siz bir harfni aytasiz va har bir guruhdan o'sha harflar o'rnilaridan turishlari kerak bo'ladi noto'g'ri bajargan guhdagilar ana o'sha harfni daftarlariga 10 marta yozishalari kerak. Yana biz manshu o'yinni davom ettirgan holda o'sha harflardan so'z topishimiz va yozishimiz mumkin. Bu o'quvchini fikrlashini va ingliz harflari va so'zlarini yodlash uchun samarali usullarda biri deb o'ylayman. Biz imkon qadar darsda ingliz muhitini yaratishimiz lozim. O'quvchilar qancha ko'p tinglasa shuncha ularga so'zlar tanish bo'lib boraveradi. Avvaliga ularni tushunishi qiyin kechadi, lekin biz imo -ishoralar bilan ularni tushunishlariga yordam beramiz va asta sekinlik bilan imo-ishoralarni kamaytirib boramiz. Qisqa va aniq ko'rsatmalardan foydalanishimiz o'quvchilarni tushunishini yengillshtiradi. Masalan: come here, please – bu yerga keling, iltimos

Go there ,please – ana u yerga boring, iltimos

Open the door, please – eshikni oching, iltimos

Listen to me, please - meni tinglang, iltimos

Open your book, please- kitobni oching iltimos

Write the words, please-so'zlarni yozing, iltimos

Copy out, plrase- ko'chiring iltimos etc;

Bunday misollarni biz ko'plab keltirishimiz mumkin. Har bir darsimizda bu so'zlarni ishlataversak o'quvchilar bu so'zlarga tushunib qolishadi va endi biz so'zlarni uzaytirishimiz mumkin.

3-4-sinflarda o'quvchilarda ko'nikma shakllangan bo'ladi. Bu sinflar bilan ishlash 1-1-va 2- sinflarga qaraganda biroz osonroq kechadi. O'quvchilarni nisbatan uzaytirilgan va kengaytirilgan so'zlar va matnlarni gapirish, to'g'ri o'qiy olish, tinglash va yozish qobiliyatlarini shakllantirishda qiyinchiliklarga duch kelamiz. Fikrimcha

darsliklarga bog'lanib qolish yetarli yoki bo'lmasa darslikdagi mashqlarni bajarish bilan kifoyalanish kerak deb o'ylamayman. Albatta siz daraslikdan tashqari misollar yordamida darsni tashkil etishingiz mumkin, biroq vaqt ham draslikdagi ham o'zingingizni g'oyalaringiz uchun uchun yetarli bo'lmaydi. Biz ko'zlangan natijaga erishsak bo'lgani. Bu bosqichda biz o'quvchilar grammatikasi bilan ishlashga harakat qilamiz. O'quvchilarga grammatikani tushuntirishimizda qiyinchiliklarni bartaraf etish uchun, bunda ham o'quvchilarga grammatik nom berib olamiz. Saida-tobe va uni 3 ta bolasi bor. Ularning ismlari "am, is, are" endi ular bilan birga o'ynash uchun do'st tanlaymiz. Har qanday do'st bilan do'stlasha olmaydi shuning uchun ularga mosini topishimiz kerak. Endi Saida farzandlariga tushuntiradi: "am" sen I bilan do'stlasha olasan sening do'sting shu bo'ladi, "is" sen esa he, she it bilan o'ynashing mumkin, "are" bo'lsa you ,we, they bilang o'ynanglar deb tushuntiradi. Buni doskada sahnalashtirsak o'quvchilar xotirasida yaxshi qoladi. Zarur bo'lgan o'quvchilarni doskaga taklif qiling va ular o'z sheriklari yoniga borib turishlarini so'rang so'ngra shu tarzda gaplar yasang. O'quvchilarga ayting kim birinchi bo'lib o'z sherigini topishini, birinchi bo'lgan o'quvchini g'olib deb e'lon qiling. Bu o'yin o'quvchilarni qiziqitira oladi va samarali natija beradi. Shu tariqa grammatikani ham osonlik bilan o'quvchilarga tushuntirishimiz mumkin. O'quvchilar o'rtasida darsda imkon qadar savollarni inglizcha berish, bir-biriga inglizcha gapirishni taklif qilish. Har bir gapirilgan inglizcha so'z uchun rag'bat, har bir gapirilgan o'zbekcha so'z uchun esa jarima belgilash mumkin. O'quvchilarga gap ayting ana osha gap ichidan o'quvchilar nimani tushunganligini inglizcha ifodalab bersin albatta guruhlarda. Qaysi guruh aniq, lo'nda va uzunroq javob berishiga e'tibor bering. O'z fikrlarini yozma bayon qilib so'ng o'qib berishadi, bunda ham yozma qobiliyat ham og'zaki o'sadi. Har bir yaxshi javob uchun bolani rag'batlantirishni unutmang, zero rag'bat o'quvchini o'stiradi. Har bir darsdan hursand holda chiqsangiz demak siz ko'zlangan maqsadingizga erishdingiz.

Fodalanilgan adabiyotlar

1. Kids' English 1 S. khan, L. Jo'rayev, K. Inagomova, O.Maxsudova 2016; Toshkent, "o'zbekiston".
2. Kids' English 2 S. khan, L. Jo'rayev, K. Inagomova, O.Maxsudova 2016; Toshkent, "o'zbekiston".
3. Kids' English 3 S. khan, L. Jo'rayev, K. Inagomova, O.Maxsudova 2016; Toshkent, "o'zbekiston".
4. Kids' English4. S. khan, L. Jo'rayev, K. Inagomova, O.Maxsudova 2016; Toshkent, "o'zbekiston".

BO'LAJAK TARBIIYACHILARNING QOBILIYATINI RIVOJLANTIRUVCHI ASOSIY OMIL

*Choriyeva Durdona Anvarovna
Toshkent davlat pedagogika universiteti, o'qituvchi
choriyevadurdona@mail.ru
Omonova Mahbuba, talaba*

Hurmatli birinchi Prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich Karimov „Barkamol avlod orzusi“ asarida „Biz komil inson tarbiyasini davlat siyosatining ustuvor sohasi deb e'lon qilganmiz. Komil inson deganda, biz avvalo, ongi yuksak, mustaqil fikrlay oladigan, xulq-atvori bilan o'zgalarga ibrat bo'ladigan bilimli, ma'rifatli kishilarni tushunamiz“. Yana „Yuqori malakali, zamonaviy fikrlaydigan odamlarning yetishmasligi bizning olg'a siljishimizda hamon katta to'siq bo'lib turibdi. Bunday kadrlarni, avvalombor, yosh kadrlarni topish, o'stirish, tarbiyalash bugungi kunning eng dolzarb masalasiga aylanmoqda“, deb juda o'rinli ta'kidlangan.

Maktabgacha ta'lim me'yoriy – huquqiy hujjati bo'lgan 2008 yil ishlab chiqilgan „Maktabgacha ta'lim to'g'risida“gi Konsepsiyada ham maktabgacha ta'lim tashkilotlari taraqqiyotining ustuvor yo'nalishlari, ta'lim - tarbiya ishlarini takomillashtirish usul va uslublari belgilab berilgan bo'lib, bu borada ilgari surilgan davlat talablari har bir bolaning yoshini e'tiborga olgan holda rivojlanish darajasini aniqlash, pedagog va tarbiyachilar ish samaradorligini oshirish imkonini beradi. Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda maktabgacha ta'lim tashkilotlari bo'lajak tarbiyachilariga katta talablar qo'yilmoqda.

Bo'lajak tarbiyachining har tomonlama rivojlantirish va takomillashtirishga maqsadli yo'naltirish, uning dunyoqarashini, ehtiyojini ijtimoiy ahamiyatiga ega bo'lgan faoliyatini shakllantirish uchun maxsus kasbiy bilim va ko'nikma zarur. Bo'lajak tarbiyachi shunday universal va o'ta kuchli ommabop ta'sir vositalariga ega bo'lishi kerakki, undan quvvat olgan tarbiyalanuvchi har qanday salbiy, hatto o'ta kuchli yomon ta'sirga tushib qolganda ham uning ta'siridan chiqib keta olsin. Pedagogik qobiliyat nazariyasi va metodikasining ishlab chiqilmaganligi shunga olib keladiki, pedagog-tarbiyachilarning har biri o'zicha paypaslab ijodiy izlanish olib boradi. Ayni paytda bir necha xil savollar tug'iladi. Bo'lajak tarbiyachilar bilan bolalar jamoasi qanday qilib til topishishi mumkin? Qanday qilib yaxshi pedagogik - psixologik muhitni saqlab qolish va o'z kuch-quvvatini oqilona sarflash mumkin? Bolalarni pedagogik talablarini bajarishga qanday qilib majbur etish mumkin? kabi savollar muttasil takrorlanadi. Shu va shu kabi savollarga javob topish mazkur maqolaning asosiy muammosini belgilaydi. Pedagogik san'at vaziyat bilan bog'liq. Bu yerda har gal hamma narsa g'oya yangidan sodir bo'lganday tuyuladi. Binobarin, kishi o'zining har bir qadamini oldindan ko'rish va rejalashtirishi amalda mumkin emas. Tarbiyachining mehnati - bu behad izlanish va azob-uqubatli kechinmalar, ko'pdan - ko'p kundalik ishlar, hafsalasi pir bo'lish va bolalar bilan birgalikda boshdan kechirilgan quvonchdan qanoat hosil qilinadi. "Mutlaqo to'g'ri bo'lgan hech qanday pedagogik tadbirni yoki tizimni o'rnatish mumkin emas. Hozirgi daqiqqa hozirgi bosqich sharoitlari va talablaridan kelib

chiqmaydigan har qanday qotib qolgan aqida hamisha noto'g'ri qoida bo'ladi" - deb yozgan edi A.S.Makarenko.

Ko'rinib turibdiki, bo'lajak tarbiyachilarda pedagogik qobiliyatni shakllantirish, ta'lim - tarbiya samaradorligini oshirish asosiy omillardir. Demak, bo'lajak tarbiyachilarni tayyorlashda bolalarni qobiliyat sirlarini o'rgatishimiz, mustaqil kuzatishlar olib borishga odatlantirishimiz, ilg'or tajribalarni kuzatib malakalarini shakllantirishimiz va nihoyat tarbiyachilik kasbiga ijodiy yondashish orqali mehr munosabatini rivojlantirishdir.

Mazkur vazifalarni muvaffaqiyatli hal etishda yana bir omilning mavjudligi, ya'ni uzluksiz ta'lim tizimi xodimlari, maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyachilari tomonidan ilg'or pedagogik tajribalarni o'rganish va zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan xabardorliklari, ularni ta'lim - tarbiya jarayonlarida samarali qo'llay olishlari, shuningdek, ta'lim jarayonini tashkil etishga nisbatan ijodiy yondashuvning qaror topishi muhim ahamiyat kasb etadi. Aytish joizki, bu vazifalarning muvaffaqiyatli amalga oshishi tarbiyachiga pedagogik qobiliyatning qay darajada shakllanganligiga bevosita bog'liq.

Bo'lajak tarbiyachilar hozirgi zamon yutuqlariga asoslanib davr talabiga mos keladigan pedagogik qobiliyatning shakllanish yo'llari va uning ayrim nazariy asoslarini yaratish juda muhimdir. Barkamol avlodni rivojlantirish va shakllantirish vazifalarining serqirraligiga va murakkabligi pedagogik qobiliyat muammosi ta'lim - tarbiya nazariyasi hamda amaliyoti uchun o'ta zarurligini hisobga olgan holda eng dolzarbligini belgilaydi. Barcha maktabgacha ta'lim tashkilotlari uchun o'z kasbining ustasi bo'lgan bo'lajak tarbiyachilar nihoyatda zarur.

Hozirgi zamon pedagogikasida tarbiya tarbiyachining tarbiyalanuvchi shaxsiga oddiy shunchalik ta'sir ko'rsatish emas, balki tarbiyachilar va tarbiyalanuvchining aniq bir maqsadga qaratilgan, bir - biri bilan hamkorlikda qiladigan munosabatlari va o'zaro ta'sir ko'rsatish ekanligi alohida ta'kidlanadi. Hozirgi vaqtda amalga oshirilayotgan „Kadrlar tayyorlash milliy dasturi“, „Ta'lim to'g'risidagi“ O'zbekiston Respublikasining qonunining qoidalariga muvofiq tayyorlangan bo'lib, uning asosiy maqsadi - ta'lim sohasini tubdan isloh qilish, yuksak ma'naviy va ahloqiy talablarga javob beruvchi yuqori malakali kadrlar tayyorlash zarurligi va uzluksiz ta'lim ijodkor, ijtimoiy faol, ma'naviy boy shaxs shakllanishi uchun shart-sharoitlar yaratadi“, deb takidlanishi bejiz emas, albatta.

„Tarbiyachining darsdagi pedagogik madaniyatini o'rgatmoq bu ikki karra o'rganilmoqdir“ - degan fikr tez-tez quloqqa chalinadi. Qachonki tarbiyachi o'z fanini mukammal egallasagina va faqat shu shart bilangina u ma'lum darajada dars o'tish qobiliyatlariga, bolalarning hurmatiga o'z bolalariga yanada kuchliroq tarbiyaviy ta'sir etish imkoniyatiga ega bo'ladi. Dars har qanday ta'lim - tarbiya jarayoni kabi siyosiy elementlarni o'z ichiga oladi. Darsda tarbiyachi o'zining va bolalarning dunyoga munosabatini siyosiy mafkura bilan uyg'unlashtirib beradi. Avvalombor, tarbiyachi har bir darsning hatto bir xil mavzu turli guruhlarda o'rganilsada, ijodiy jarayon bo'lishiga intilish zarur. Buning uchun fantaziyaga erk berib dars - metod shaklini o'zgartirib, boshqa fakt va dalillarni keltirib, yangi-yangi ma'lumotlarni kiritib, ohangni o'zgartirib borish tavsiya etiladi. Tarbiyachining bolalarga talabi juda ko'plab qo'yiladi. Turli xil darslar kuzatilib, oddiy hisob-kitob qilinganda bir dars davomida 4-5 daqiqa ichida bolalarga 100 larcha talab qo'yiladi. Talab qilishni qanday o'rganish kerak? Ehtimol buning uchun tajribali tarbiyachilarning darslarini kuzatib borish lozimdir. Albatta, bu siz ishni amalga oshirib bo'lmaydi. Ammo bundan savol talab xususiyatlarini, talab xarakterlarini o'rganib olish zarur. Bolalarga nisbatan qo'yiladigan talabning turlarini aniqlashda ularning yosh xususiyatlariga e'tibor berish lozim. Bunda pedagogik vaziyat muhim omil bo'lib, maqsad va vazifa hamda natijaga erishishdir. Hissiy faollikni shakllantirish - bu bolalar dars jarayonida nafaqat o'quv predmetini faol o'zlashtiriladi, balki va o'rganilayotgan narsaga o'zining turlicha munosabatlarini bildirib boradi. Ba'zi voqealar uni hayajonga solsa, u befarq biron narsa unga yoqishi yoki yoqmasligi mumkin, ba'zi tarbiyachilarni yoqtirsa ba'zilarni yoqtirmaydi. Psixologlarning aniqlashlaricha, ijodiy tuyg'ular insonda buyuk yaratuvchanlik va ilxomlantiruvchi kuchlarni uyg'otadi. Boshqacha qilib aytganda, inson hissiyotisiz haqiqatni izlay olmaydi, bolalar esa ta'limni o'zlashtirila olmaydi.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqqan holda, bizning fikrimizcha bo'lajak tarbiyachilar pedagogik mahoratga ega bo'lishi, ya'ni ta'limiy - tarbiyaviy jarayonning barcha shakllarini eng qulay va samarali holatda tashkil etishi, tarbiyalanuvchilarni shaxs kamoloti maqsadlari tomon yo'naltirishi, bolalarda ilmiy dunyoqarashni shakllantirishi, ularda jamiyat uchun zarur bo'lgan faoliyatga moyillik uyg'otishi asosiy vazifasidir.

Adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. "O'zbekiston" 2016.
2. Sharipov Sh.S. Pedagogikheskiye usloviya formirovaniya izobretatelskogo tvorchestva studentov: Avtoref.dis.kan.ped.nauk. - T.: 2000. - 20 s.
3. Sharipov Sh.S. Kasb-hunar ta'limida o'quvchilar ijodkorlik qobiliyatlarini uzluksiz rivojlantirish. Monografiya. - Toshkent, 2005. -140 b.
4. Tolipov O'.Q., Usmonboyeva M. Pedagogik texnologiyalarning tadbqiqiy asoslari. – T.: Fan, 2006. – 247 b.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА КИЧИК ГУРУХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

*П.Давронов, Х.Худойбердиева
Самарқанд вилояти ХТХҚТМОҲМ*

Аннотация: Мазкур мақолада умумий ўрта таълим мактабларида дарсларнинг натижадорлигига эришишнинг оптимал вариантларидан бири бўлган кичик гуруҳлар шакллантириш методикаси ва ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, уларни халқаро баҳолаш ташкилотлари талабларига жавоб беришларини таъминлай оладиган сифатларини ривожлантириш каби фикрлар ёритилган.

Калит сўзлар: ўқитувчи, ўқувчи, дифференциал, сардор, команда бошлиғи, тренер, оптималлик, сифат, самарадорлик, натижадорлик, иктидор, қизиқиш, ўзлаштириш.

Annotation: This article outlines how to work in small groups, which is one of the best options for achieving success in secondary schools, and to improve students' cognitive performance, and to improve their ability to meet international standards.

Keywords: teacher, student, training, time, optimization, differentiation, integration, ability, talent, interest

Аннотация: В этой статье рассказывается, как работать в небольших группах, что является одним из лучших вариантов достижения успеха в средних школах, улучшения познавательных способностей учащихся и повышения их способности соответствовать международным стандартам.

Ключевые слова: учитель, ученик, обучение, время, оптимизация, дифференциация, интеграция, умение, талант, интерес

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида барчамизнинг асосий вазифамиз, бажараётган ишларимизнинг натижадорлигига эришишга қаратилиши зарурлигини белгилаб берди. Шундай экан, биз педагоглар таълимда сифат ва самарадорликка эришишни, аввало ҳар бир дарснинг сифати ва самарадорлигини, яъни натижадорлигини таъминлашдан бошлашимиз керак. Бунинг учун ўқитувчи ишида оптималликка эришиши зарур. Оптималлик деганда, ўқитувчининг дарсларга тайёргарлик кўриши, уни ташкил этиши ва ўтказишида кам вақт, кам куч ва кам маблағ сарфлаб, энг юқори даражадаги натижадор таълим мақсадларига эришиши тушунилади.

Дарснинг натижадорлигига эришишнинг энг оптимал вариантларидан бири дифференциал таълим, яъни ўқувчиларнинг иктидори, қизиқишлари ва ўзлаштиришларини қатъий эътиборга олган ҳолда табақалаштириб ўқитишдан иборат эканлиги, жаҳон ривожланган мамлакатлари, жумладан бизнинг илғор ўқитувчиларимиз тажрибасида ўз тасқигини топиб бўлган.

Дарсда ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратиб ўқитиш, умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфларидан бошланиб, дифференциал таълим шаклларида бири ҳисобланади. Кичик гуруҳларни ташкил этишнинг тасодифий, ихтиёрий ва мажбурий шакллари мавжуд.

Фараз қиламиз синфда 25 та ўқувчи бўлсин. Бундай ҳолда, биз таклиф этаётган, 5 синфлардан бошланиб, 11-синфларда ҳам таркиби ўзгармай давом этадиган, доимий ва мажбурий, бештадан кичик гуруҳларни шакллантириш методикаси қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал

Кичик гуруҳлар	1-кичик гуруҳ	2-кичик гуруҳ	3-кичик гуруҳ	4-кичик гуруҳ	5-кичик гуруҳ
Устун лар	1-устун	2-устун	3-устун	4-устун	5-устун
Сатрлар					
1-сатр	1-суст ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи	1-аълочи ўқувчи исми шарифи	1-ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи	1-ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи	1-аълочи ўқувчи исми шарифи
2-сатр	2-аълочи ўқувчи исми шарифи	2-суст ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи	2-аълочи ўқувчи исми шарифи	2-ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи	2-ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи
3-сатр	3-ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи исми	3-аълочи ўқувчи исми шарифи	3-суст ўзлаштирувчи ўқувчи исми	3-аълочи ўқувчи исми шарифи	3-ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи исми

	шарифи		шарифи		шарифи
4-сатр	4-ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи	4-ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи	4- аълочи ўқувчи исми шарифи	4-суст ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи	4-яхши ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи
5-сатр	5-аълочи ўқувчи исми шарифи	5-ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи	5-ўртача ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи	5-яхши ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи	5-суст ўзлаштирувчи ўқувчи исми шарифи

Жадвални ўқишга доир эслатма: 3x4 нинг маъноси: 3-устун ва 4-сатрнинг кесишган жойидаги ўқувчини билдиради. Бу ўқувчи ўзини “Мен 3-кичик гуруҳнинг 4-ўқувчисиман”, -деб гапиришга ўрганиши керак. Шунингдек, 1x5 нинг маъноси: 1-устун ва 5-сатрнинг кесишган жойидаги ўқувчини билдиради. Бу ўқувчи ўзини “Мен 1-кичик гуруҳнинг 5-ўқувчисиман”, -деб гапиришга одатланиши лозим ва ҳоказо.

Ўқитувчи ўзи ўқитадиган синфда кичик гуруҳларни шакллантириш ишини осонлаштириши учун жадвалдаги катакларга, ундаги ёзувларга мос равишда ўқувчиларнинг исми шарифларини ёзиб чиқишлари кифоя.

Кичик гуруҳлардаги ўқувчиларни ўринлаштириш комбинацияси муҳим зарурий талабларга жавоб бериши талаб этилади:

1) ҳар бир кичик гуруҳда камида 1 тадан аълочи ва 1 тадан яхши ўзлаштирувчи ўқувчилар бўлиши;
2) мавжуд 5 та кичик гуруҳлараро ўқувчиларнинг аралашуви (рамзий маънода сафарга чиқиши)дан, ҳосил қилинадиган янги кичик гуруҳлар шаклланганда ҳам, уларнинг ҳар бири таркибида яна камида 1 тадан аълочи ва 1 тадан яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг бўлиши.

3) суст ўзлаштирувчи ўқувчилар, кичик гуруҳнинг доимий стоционар ўқувчилари бўлишади. Дастлабки кичик гуруҳлар ўқувчиларидан, янги кичик гуруҳлар шакллантирилганда ҳам, суст ўзлаштирувчи ўқувчилар ўз ўрнида қолишади, Рамзий маънода айтганда, улар сафарга чиқишмайди.

Ушбу уч талаб, таклиф этилаётган жадвалда эътиборга олинган. Масалан, 5 та кичик гуруҳлардаги ўқувчилар ўзларининг рақамларига мос янги кичик гуруҳлар ҳосил қилишганда: биринчи кичик гуруҳнинг 2-аълочи ўқувчиси, янгидан шаклланган 2-кичик гуруҳга ўтса, 2-кичик гуруҳнинг 1-аълочи ўқувчиси, янгидан шаклланган 1-кичик гуруҳга ўтиб, дастлабки кичик гуруҳдаги аълочи ўқувчининг ўрнини тўлдиради. Бироқ, 1-кичик гуруҳнинг биринчи ва 2-кичик гуруҳнинг иккинчи рақамдаги суст ўзлаштирувчи ўқувчилари ўз ўринларида қолишади. Шунга ўхшаш, биринчи кичик гуруҳнинг 5-аълочи ўқувчиси, янгидан шаклланган 5-кичик гуруҳга ўтса, 5-кичик гуруҳнинг 1-аълочи ўқувчиси, янгидан шаклланган 1-кичик гуруҳга ўтиб, дастлабки кичик гуруҳдаги 5-аълочи ўқувчининг ўрнини тўлдиради. Бироқ, 1-кичик гуруҳнинг биринчи ва 5-кичик гуруҳнинг бешинчи рақамдаги суст ўзлаштирувчи ўқувчилари ўз ўринларида қолишади ва ҳақоза.

Кичик гуруҳлардаги фаол аълочи ёки яхши ўзлаштирувчи ўқувчилардан бири сардор, ўқув фани бўйича энг фаол ва аълочи бир ўқувчи команда бошлиғи, ўқитувчи эса тренер вазифасини бажаради. Дарс жараёнида кичик гуруҳлар сардорлари ва команда бошлиғининг синф бўйлаб эркин ҳаракатланишларига руҳсат этилади.

Агар синфда 28 нафар ўқувчи бўлса, уларнинг 25 нафаридан, ҳар бири 5 ўқувчидан иборат, 5 та кичик гуруҳлар шакллантирилади. Қолган 3 нафар аълочи ўқувчилардан алоҳида кичик гуруҳ ҳосил қилинади. Бу 3 нафар аълочи ўқувчи ҳисобидан, маълум сабабларга кўра дарсда иштирок эта олмаётган ўқувчиларнинг ўрнлари тўлдирилади.

Кичик гуруҳларни шакллантириш ва улар билан ишлашда 5x5x1 (5 та кичик гуруҳим бор, ҳар бирида 5 тадан ўқувчим бор, ҳаммасига бир хил топширик), 5x5x2 (5 та кичик гуруҳим бор, ҳар бирида 5 тадан ўқувчим бор, икки хил топширик, 1-, 3-, 5-кичик гуруҳларга бир хил топширик, 2-, 4-кичик гуруҳларга алоҳида топширик), 5x5x5 (5 та кичик гуруҳим бор, ҳар бирида 5 тадан ўқувчим бор, ҳар бирига алоҳида-алоҳида топширик) рақамли методлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Албатта, синф ўқувчиларининг ўқув фанидан ўзлаштириш даражаларини эътиборга олган ҳолда, 5x5x2 ва 5x5x5 вариантларда ишлашга ўтишдан олдин, ўқитувчи кўпроқ 5x5x1 рақамли методда ишлаб, ўзининг маҳоратини ошириб, ўқувчиларни ушбу методикага мослаштириб, “Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун” шиори асосида ишлашга ўргатиб олиши зарур.

Республикамиз мактабларида фаолият кўрсатаётган синфлар ўқувчилари сонидан келиб чиққан ҳолда 4x4x1, 6x6x1, 7x7x1 ва ҳақоза рақамли методлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Биз ўтказган тажрибалар, кичик гуруҳларни шакллантиришнинг 5x5x1 рақамли методининг энг оптимал вариант эканлигини кўрсатди. Бундан кўринадики, таълимда натижадорликка эришиш учун синфлардаги ўқувчилар сонининг 25 тадан ошмагани мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчининг ўқувчилари билан кичик гуруҳларда ишлаши нафақат дарсларнинг сифатли ва самарали, натижадор бўлишини, халқаро баҳолаш ташкилотлари талабларига жавоб

беришларини таъминлайди, шунинг билан биргаликда, таълимнинг бош мақсади бўлган, жамият, давлат ва оила олдида ўзининг масъулиятини чуқур англайдиган эркин фикрловчи фаол фуқароларни тарбиялаш ишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907 сонли Қарори. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимида оид фармон ва қарорлари” тўплами. – Самарқанд, 2018.
2. 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли Қарори. - Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимида оид фармон ва қарорлари” тўплами. –Самарқанд, 2018.
3. 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ -5538-сонли фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳузурида 2019 йил 23 август куни “Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва жамиятда ўқитувчи мавқеини ошириш” масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектр мажлиси Баёни. – 2019 йил 27 август. № 19750-хх.
5. 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. -Халқ сўзи газетаси. 2020 йил, 25 январь.
6. Таълим-тарбия технологиялари ва жаҳон тажрибаси модули бўйича Ўқув-услубий мажмуа //Тузувчилар Г.Елдашева, Г.Каримова. –Тошкент, 2018.
7. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси” нашриёти. 2006.
8. Г.Б.Амирова, О.У.Авлаев, У.А.Бутаева. Таълимда интерфаол методлар ва тренинглари. -Тошкент, 2018.
9. Давронов П.З. Янги педагогик технологиялар. – Самарқанд, 2008.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИДА ФАОЛИЯТ МАРКАЗЛАР ВА ТАДҚИҚОТЛИ ТАЖРИБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

М.М.Файзуева

*Гулистон давлат университети Мактабгача таълим йўналиши магистранти
Mabuda.Fayziyeva.71@Mail.ru*

XXI асрда яшаётган ёш авлодни улкан ўзгаришлар кутмоқда. Турмушнинг барча соҳаларида ўзгаришлар, ривожланишлар кузатилмоқда. Технологик ривожланиш даврида зарур бўлган билим, малака ва кўникмалар болаларга пухта ва узлуксиз таълим беришни талаб этади. Болаларни келгусида улар олдида чиқадиган муаммоларни ҳал этишга тайёрлаб бориш зарурлигини кўрсатади. Бунинг учун бутун ҳаётлари давомида тинимсиз ўқиб ўрғайишга одатлантириш, саволларига амали тажрибалар орқали жавоб олишга ўргатиб борилади.

Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама мактаб таълимига тайёрлашда ақлий жиҳатдан тарбиялаш муҳим ўрин тутди. “Илк қадам” давлат ўқув дастурида 6-7 ёшдаги мактабгача ёшдаги болаларнинг умумий компетенциялари: жисмоний ривожланиш, ижтимоий – ҳиссий ривожланиш, нутқ, мулоқат, ўқиш ва ёзиш малакалари, билиш жараёни ривожланиши, ижодий ривожланиш кабилар назарда тутилган. Билиш компетенцияси-атрофдаги оламни онгли равишда идрок қилиш ва олинган билим, кўникма ва малака, кадрятларни ўқув-амалий вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланишдир. Ақлий тафаккури ривожланган болаларда мактаб дастурларини ўзлаштириш даражаси юқори бўлади. Бунинг учун болани энг кичик ёшидан эътибор қаратиш, бола ривожланишида билиш жараёнларини ривожланиши учун зарур фаолият марказларини ва шарт-шароитларни яратиш беришни талаб этади. Билиш жараёни ўз навбатида интеллектуал-билиш малакалари, элементар математик малакалар, тадқиқий-билиш ва самарали рефлексив фаолиятларни ўз ичига олади.

Болалар туғма тадқиқотчи, ўзларини ўраб олган муҳит тўғрисида фаол маълумот йиғувчи ҳисобланади.Улар ўз дуёларини кузатиш ва тажриба ўтказиш ёрдамида англашга ҳаракат қиладилар. Болалардаги табиий қизиқувчанлик маълумот тўплаш фаолиятига айланади.

Болаларда уч ойликдан бошлаб манипуляция даври бошланади. Манипуляция –бир ёки ҳар иккала қўлнинг маълум бир вазифаларни бажариш мақсадида ҳаракатлантиришдир. Бу даврда

бола атрофдаги нарсаларни пайпаслаб кўриш орқали идрок эта бошлайди. Муҳтни қўллари ва оғзи билан ўрганади. Предметларни бир-бирига уриб ундан чиққан овозга қулоқ солади. Ўзини қизиқтирган предметларга қараб интилади ва ўз хохишларини қондиришга ҳаракат қилади. Мана шу даврни эътибордан четда қолдирмай масъулият билан ташкил этиш, болани ёшига мос интеллектуал ўйинчоқли предметлар билан таъминлашни талаб этади. Манипулятив материаллар илк ёшдаги боланинг сенсомоторикасини ривожлантиришга хизмат қилади. Секин аста боланинг ёши ўсиб бориши натижасида улар ҳақидаги билимлари кенгайиб боради.

Манипулятив материаллар деб стол устида олиб бориладиган фаолиятда қўлланиладиган майда предметларга айтилади. Бу материалларулардан нимадир ясалиши, ниманидир йиғилишини кўзда тутати ва бу жараёнда қўллари ва кўришни мувофиқлаштиришни талаб этади. Мисол учун қирқма расмлар-бошқотирмалар, буслар, лото ва лево конструкторлари ҳам улани нимагадир киргазиш, кўйиш, ўтказишни талаб этади. Бунинг натижасида болада уларни тажрибадан ўтказиши натижада, тафаккурнинг таҳлил қилиш, умумлаштириш, ҳулоса чиқариш каби жиҳатлари ривожланади.

Мактабгача ёшдаги бола учун шундай муҳтни яратишда кичик тажриба ва кичик тадқиқотлар бурчаги жиҳозланади. Бунинг учун атрофдаги, турмушдаги материаллардан унумли фойдаланиш мумкин. Қизиқарли материаллар болаларга кўриш ва синовдан ўтказиш имконини беради. Унда Тугмала, шиша пробкаси, сув чиваноқлари, тошчалардан, табиат материалларидан, сув, қумлардан, пўстлоқ, уруғлар, мўйна, газлама, турмушдаги буралувчи, бўлувчи, яхлитлаувчи жиҳозлардан фойдаланилади. Ёғоч бўлақлари ва резина ленталар санок ишлари бажариш учун фойдалидир. Бундай жиҳозлар боланинг интеллектуал ривожланишига сонларни идентификацияланишини кўзда тутувчи топшириқларга қараганда анча самарали ҳисобланади. Лекин бу жиҳозларни танлашда бола ёши ҳисобга олиниши зарур.

Мактабгача катта ёшдаги бола учун ривожлантирувчи муҳитни шундай жиҳозлаш керакки бола мустақил равишда тақдим этилган предметлардан фойдаланиб тадқиқот орқали ечимни талаб этилаётган муаммони ечади ва тажрибаларини умумлаштириб ҳулосалар чиқариш имкони бўлсин. Предметлар билан ишлаш орқали кузатиш, таққослаш, таснифлаш, гипотезларни олдинга суриш ва муҳокама қилиш имконига эга бўлсин.

Ёш болаларни катталар билан тадқиқот жараёнида бевосита иштирок этиши жуда муҳим. Болалар тадқиқотларда қатнашиб бирор нарсани эритиш, чўктириш, сув сатҳига чиқариш каби тажрибаларни бажариши орқали унинг хусусиятларини билиб олади. Бунинг натижасида кузатиш, қиёслаш, тавсифлаш, олдиндан билиш, хабардор бўлиш каби билимларга эга бўлади. Мактабгача ёшдаги 4-5 ёшли болалар билан ривожлантирувчи марказларда буюмларни қиздириш ва унинг натижалари, магнетизим, унинг тасири натижасида бажариладиган ҳаракатлар тадқиқ қилинади. Магнитларнинг тортишиши ва магнит майдони, итариш кучи ҳосил қилиши ҳақидаги тасаввурлар болаларнинг илмий кўникмаларини ривожлантириш имконини беради. Магнитлар, метал қириндилари ва металдан ясалган бошқа предметлар устида тажрибалар ўтказиш, кузатиш, қиёслаш, олдиндан айтиш ва ахборот бериш қобилиятларини шаклланишига ёрдам беради. Темир қириндилари қутичаларга солиниб, маҳкамланади ва метал қириндиларининг магнит майдони таъсиридаги ҳаракатлари кузатилади. Лекин бу тажрибалар пайтида болаларнинг ҳаёт хавфсизлиги таъминланиши зарур.

Кўпчилик кичик болалар сувни яхши кўрадилар. Болаларга ўзлари яхши кўрадиган сув ҳақидаги тасаввурларини бойитиш мақсадида тоза пластик контейнерлардан фойдаланиб энг содда тажрибаларни ўтказилади. Масалан, сувга турли рангларни аралаштириш ва ҳосил бўлган натижаларни кўриб чиқиш. Сувга сут, шарбат, асал кабилар яхши аралашади. Бу натижани шаффаф контейнерлар орқали кузатиш мумкин. Болалардан яна қандай суюқликларни аралаштиришни хошлашлари сўралади. Ўсимликлар ҳаёти учун сувнинг зарурлигини суғорилган ва суғорилмаган ўсимликларни кузатиш орқали ёки тупроққа экилган уруғларга сув қуйиш ва сув қуймасдан натижаларини кузатиш орқали сувнинг ҳаётдаги зарурати ҳақида ҳулосалар чиқаришга ўргатилади. Сувнинг буғланиши, музлаши ва эриб қайта сув ҳолига келишини хонадаги тажрибалар орқали билиб оладилар. Сув билан ўтказиладиган тажрибаларда варонкалар, қошиқлар, қувурчалар, элакчалар, чўткалар, сувда сузувчи материаллар ва сувда чўкувчи метал материаллардан фойдаланиб сузувчи ва чўкувчи материаллар билан тажрибалар ўтказиш мумкин. Айрим материалларни сувни шимиб олиш жараёнини кузатиш учун ҳар хил турдаги қоғозлардан, газламалардан ва бошқа материаллардан фойдаланилади. Аста секин болалар сувнинг физик хоссалари ҳақидаги тажрибалари бойиб боради. Бунинг натижасида эса фан бир вақтнинг ўзида ҳам натижа, ҳам жараён сифатида намоён бўлиб, иккиёқлама хусусият касб этади. Болаларда

моддий ва табиий олам тўғрисидаги жамланган билимлар тизими шаклланади. Жараён сифатида эса- тадқиқотлар, кузатишлар, тажрибалар табиат ҳодисаларини ва ундаги қонуниятларни билиб олишга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари. Тошкент 2018 йил
2. Ўзбекистон Республикаси илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари ва “Илк қадам” давлат ўқув дастурини жорий этиш бўйича тренерлар учун қўлланма. Тошкент 2019 йил
3. Х.Ахмедова. Д.Рахимова. Болаларга йўналтирилган таълим дастурларини ташкил этиш. Қўлланма. Тошкент 2012 йил

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Халматова Насиба Бозорбоевна

*Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
хузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни
илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш маркази Самарқанд филиали ўқитувчиси*

Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларни татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707- сонли қарори (29.12.2016 й.), “Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 3276-сонли қарори (15.09.2017й), “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3261-сонли қарори (09.09.2017 й.), “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3305-сонли қарори (30.09.2017 й.), “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида” ПФ-5198-сонли Фармони (30.09.2017 й.) қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М.Мирзиёевнинг ПҚ-528 “Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сонли “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилди. Ушбу тизим олдида мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагогик кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни камраб олишни кескин ошириш, таълим- тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари қўйилди. Полшада мактабгача таълимни болалар боғчасида ёки мактабдаги махсус синфларда олади. “Ноловой синф” 6 ёшдаги ҳамма болалар учун мажбурийдир. Ҳамма боғчаларда поляк болалари мактабда ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида ўргатиб борилади.

- Ҳақиқий мактабга тайёргарлик кўриш жараёнида болалар ўқишни, ёзишни ва чизишни ўрганадилар. Жисмоний тайёргарликка кўп вақт берилган. Ҳамма машғулотлар ўйин тарзида олиб борилади.
- Болалар боғчага 3 ёшдан бошлаб боради.

- Ота- оналар бола тарбиясини тажрибали педагогларга ишонишади ҳаттоки уйлари боғчадан узок бўлса икки ҳафталаб қолиши мумкин.

Юкори нархларда шахсий боғчалар фаолият юритади ҳамда улар мураккаб дастурлар асосида болаларни мактабга тайёрлайди. Хорижий тилдан бир ёки иккитаси ўргатилади. Оилада бошланғич таълим дастурини ўзлаштиришига алоҳида эътибор қаратилади. Белгияда мактабгача таълим (МТ) 2,5 ёшдан бошланади. Ушбу белгиланган ёшга етганда болаларни мактабгача таълим муассасасига беришади, шу сабабли гуруҳдаги болалар сони йил давомида ўзгариб боради. Мактабгача таълим гуруҳларининг асосий мақсади: болаларнинг билиш, билим ортириш (когнитив), коммуникатив ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳисобланади. Машғулотлар ўйин шаклида олиб борилади. Мактабгача таълим мажбурий таълим дастурига киритилмаган бўлсада, Белгияда тахминан 90% гача бўлган болалар унга қатнашади. Кўп ҳолларда мактабгача таълим муассасалари бошланғич мактабларга уйғунлашган бўлади. Болалар 6 ёшга етганда бошланғич мактабнинг биринчи синфига ўқишга киради. Мактабгача таълимга Японияда катта эътибор берилади, чунки психологларнинг таъкидлашича 7 ёшгача инсон билимларни 70%ни, қолган 30%ни бутун қолган умри давомида ўзлаштирар экан. Мактабгача тарбия одатда оиладан бошланади. Япон аёллари учун оналик биринчи ўринда туради. Кўпгина япон аёлларининг айтишларича, бола тарбияси-уларнинг ҳаётларининг мақсадларидир. Японлар боланинг эрта вояга етиши тарафдоридирлар. Турли ёшларда тарбиянинг турли муаммоларига урғу беради. Масалан, 1 ёшда-ўзига ишонч ҳиссини уйғотиш, 2 ёшда-амалий санъат қўл меҳнатини кўрсатиш, 3 ёшда-бурч ҳиссини тарбиялаш, 4 ёшда-яхшилик ва ёвузликни фарқлашга ўргатиш, 5 ёшда- лидерлик ҳислатларини тарбиялаш, мустақилликка, режа тузиш ва уларни бажаришга ўргатиш. Болалар ва қизлар турлича тарбияланадилар. Ўғилга оиланинг бўлажак таянчи сифатида қарайдилар ва қийинчиликларни енгишга ўргатадилар. Қизларни эса уй ишларига тайёрлайдилар. Япония боғчаларида болаларни 8 кишилик кичик гуруҳлар-ханларга бўлади. Бу болаларга боғчада -ўз иш ўрнини ажратилади, улар ўз ханларига ном танлайдилар. Шу тариқа энг кичик ёшдан жамоада ишлашни ўргатадилар. Бу гуруҳдаги ҳар бир ўқувчи гуруҳда ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Бундай ханлар кейинги таълим босқичида ҳам қўлланилади. Ўрта мактабда ханлар доимий эмас, улар янги шароитларга тезроқ кўникиш учун ҳар 5 ойда ўзгартириб турилади. Япония боғчаларига 3-5 ёшдаги болалар қабул қилинади. Болалар боғчаларининг мақсади болаларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик ва ички тартиб кўникмаларини тарбиялаш, жамият ҳодисаларига тўғри муносабатда бўла олишни ўргатишдан иборат. Шунингдек, оғзаки нутқ, сўзларни тўғри қўллашни ўргатишга ҳам катта эътибор берилади. Эртақлар, китоблар, мусиқа, спорт ўйинлари, рассомлик каби шахснинг ижодий хусусиятларига қизиқиш уйғотилади. Ҳозирги кунда мактабгача тарбия муассасаларига 60% болалар жалб этилган. Бошланғич таълимга эрта қабул қилишга ўтиш мақсадида 4-5 ёшдаги болаларнинг барчасини болалар боғчасига жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Болалар боғчаси Японияда ватан фуқаросини шакллантириш тизимининг 1-босқичи ҳисобланади. Мустақил фаолият, жамоавий онг, ижтимоий масъулият кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Болалар боғчасининг асосий вазифаси-болани мактабга тайёрлашдир.[9] Бу ерда расм, мусиқа, ритмика, жисмоний тарбия бўйича машғулотлар ўтилади. Индивидуаллик, у қанчалик яхши бўлмасин, ўқувчиларни ўзига жалб қилмайди, болалар жамоаси томонидан қабул қилинмайди. Жанубий Кореяда болалар боғчаси умумтаълим турига кирмайди. Ота-оналар фарзандларини хусусий мактабгача муассасаларга берадилар. Бу муассасаларда машғулотлар корейс тилида, инглиз тилида, баъзиларида фақат инглиз тилида олиб борилади. Болалар боғчасига 3 ёшдан 5 ёшгача қабул қилинади. Болалар боғчасининг асосий вазифаси оилаларни ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратишдан иборат. Боғчаларда асосан мусиқа, расм, ҳисоблаш дарслари ўтилади. Корейс боғчаларида болаларда мустақилликни шакллантиришга катта эътибор берилади. Болалар ёши орасидаги фарқ 3 йилгача бўлиши мумкин. Хитойда мактабгача таълим болалар боғчалари ва мактабгача таълим муассасалари ҳисобланади ва 3-6 ёшли болалар қабул қилинади. Мактабгача таълимининг мақсади болани мактабга ўқишига тайёрлашдан иборат боғчаси мавжуд бўлиб, улар давлат ва хусусий муассасаларга бўлинган. Хитой болаларидаги қатъийлик ва меҳнат севарлик анъанавий фазилатларга айланган.[7] Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсади ёш авлодни жисмонан соғлом, ақлан етук, маънан бой, ҳар томонлама баркамол шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига тайёрлашдан иборат. Мактабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия машғулотлари болаларнинг жисмоний ривожланишини таъминлашда ҳамда спортга булган қизиқишларини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сонли “Мақтабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига
2. Ш.М.Мирзиёев Буюк келажакимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қураимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
3. «2017 — 2021 йилларда мақтабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». 2016 йил 29 декабр ПФ - 2707 –сонли қарор.
4. “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги 2017-йил 09.09 ПФ–3261-сонли қарор.
5. “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017-йил 30-сентябрдаги ПФ–5198-сонли Фармон.
6. Абдуллаев Ё. Жаҳон олий мактаби: қиёсий таҳлил. Т., 2001
7. Исақулова Н.Ж, Қосимова З.Х. Хорижий мамлакатларда таълим Т., 2011
8. Муталипова М.Ж., Ходжаев Б.Х. Қиёсий педагогика.-Т: 2015й.
9. Ёлдошев Ғ.Ж. Хорижий мамлакатларда таълим Т., 1995
10. М.Файзуллаева. Мақтабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини режалаштириш, Т., 2011.
11. Т.С.Усмонхужаев, С.Т.Исломова, Мақтабгача таълим муассасаларида жисмоний тарбия, Т., Илм зиё- 2006.
12. С.Кобилова, Мақтабгача ёшдаги болалар билан уйналадиган миллий ўйинлар, Кумкурган — 2008.

БОЛАЛАРНИНГ САЛБИЙ ХУЛҚИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Ф.А. Чориева Қарши давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада болаларнинг салбий хулқидаги ўзгаришларни коррекциялашнинг педагогик шарт-шароитлари асослаб берилган

Калит сўзлар: коррекциялаш, маърифат, зарарқунанда, таълим-тарбия, маънавий иммунитет

Аннотация: В статье обоснованы педагогические условия коррекции изменений негативного поведения детей.

Ключевые слова: коррекция, воспитание, вредитель, воспитание, духовный иммунитет

Annotation: The article substantiates the pedagogical conditions for the correction of changes in the negative behavior of children.

Keywords: correction, education, pest, education, spiritual immunity

Мамлакатимизга турли воситалар орқали мафкуравий таҳдидлар кучаяётган ҳозирги мураккаб даврда хавфсизликни таъминлаш мақсадида аҳоли қатламлари ва ёшлар онгида одоб-ахлоқ, маърифатни кенг ёйиш, садоқат туйғусини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса ўз навбатида, аҳоли дунёқарашини кенгайтириши, ёшларда турли таҳдидларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириши имконини беради. Маърифат арабча(билиш, билим, таниш, танишиш) тушунчасига илмий адабиётларда табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги билимлар, маълумотлар, таълим-тарбия, маориф тизими мажмуини ифодаловчи тушунча сифатида таъриф берилади. «Авесто»да маърифат эзгуликнинг намоён бўлиши, эзгу фикр ва эзгу сўзнинг амалга ошиши тарзида талқин қилинган. Қадимги юнон-рим фалсафасида маърифат сўзи тафаккур ва соф билим, дея ифодаланган. Аристотель билимни инсоннинг энг лаззатли ва эзгу фаолияти, деб таърифлаган. Маънавият, одоб-ахлоқ ва маърифат орқали Имом ал-Бухорий, Имом Мотуридий, Ҳаким ат- Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби алломалар инсоният маънавий оламини бойитишга улкан ҳисса қўшганлар. Ҳаким ат-Термизий «Китоб байан-ал-илм» номли рисоласида маърифатни нур ёки ёруғликка қиёслаган. Маърифатни илм, амал, одоб тушунчалари билан ўзаро боғлиқ хислатлар сифатида Беруний, Ибн Сино, Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб буюк алломалар ўз асарларида кўрсатиб берди. Уларнинг нуқтаи назарларига кўра, кишининг одоби, хулқи маърифати, билимдонлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон қанчалик маърифатли бўлса, унинг хулқи шунчалик яхши ва мукаммал ҳисобланган. Масалан, Роғиб Исфохонийнинг фикрича, илм, амал, одоб юксак унвонга, олижаноб насабга ва бойликка тенгдир. Бу учта унсурга Шарқда ҳам, ўрбда ҳам катта эътибор қаратилганини ҳисобга олсак, маърифатнинг салоҳияти, унинг моҳиятини янада чуқурроқ ҳис қилиш мумкин. Ғарб тарихий-фалсафий фанида «маърифат» деганда инсон ақл-идрокининг куч ва билимлари тантанасига чексиз ишонч англашилган. Миллий уйғониш даври бўлиб тарихга кирган XX аср бошларида жаҳидчилик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Бу ҳаракатнинг илғор вакиллари саналган Бехбудий, Авлоний, Тавалло, Сидқий Хондайликий,

Сўфизода, Фитрат, Ҳамза, Абдулла Қодирӣ, Чўлпон сингари ёзувчи ва шоирлар халқнинг ижтимоий онгини маънавият ҳамда маърифат асосида тарбиялаш учун фидойилик кўрсатишди. Жадидларнинг олиб борган барча ишлари- матбуотнинг йўлга қўйилиши, «усули жадид» мактаби назарияси ва амалиёти, театрчилик-ҳамма ҳаммаси маърифатга хизмат қилди. Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан сўнг ҳақиқий маърифатни тиклаш ва тараккий эттириш учун кенг имкониятлар яратилди. Бугунги кунда халқимиз маънавияти, маърифатини янада ошириш, юксак маънавият тамойиллари асосида ёш авлодни тарбиялаш бу соҳадаги энг устувор вазифага айланди. Илм-фан, маориф, таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар, қарор ва фармонлар ижросини таъминлаш юртимизнинг мазкур йўналишда жаҳоннинг илғор мамлакатлари сафига қўшилишига хизмат қилмоқда. Абдулла Авлоний жисм билан руҳ, шакл билан мазмуннинг узвий бирлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ақл жисмнинг пири қомили, муршиди яғонасидир. Авлоний фазилатларни шунчаки қайд этмайди, уларнинг аниқ ҳаётӣ, амалий аҳамияти устида ҳам тўхталиб ўтади. Унинг виждон ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор. Унингча, виждон ақл ва тафаккур мезони. Инсон одобини ҳаё ва ифбатсиз тасаввур қилиш қийин. Авлоний ҳаё деганда, «ишда, сўзда адабни риоя қилмоқ»ни тушунади, уни инсонийликнинг муҳим белгиси деб билади. Дунёдаги халқларнинг ахлоқ-одоб меъёрлари, уларнинг дунёқараши, анъана ва қадриятларига қараб, бир-бириникидан тубдан фарқ қилади. Масалан, Африкада яшайдиган каннибал қабилалари орасига тушиб қолган одамлар улар ейдиган овқатни емай қўйса, одобсизлик қилган бўлади. Натижада унга «илтифот» кўрсатган жамоа аъзоларининг норозилигига сабаб бўлади, ҳатто жазога тортилиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам тақдир тақозоси билан бирон-бир миллат орасида яшаб қоладиган одам унинг урф-одат, анъана ва меъёрларига бўйсунмишга мажбур. Бу-унинг тарбиявий даражасини кўрсатувчи белгилардан бири. Мустақиллик йилларида халқимиз мустабид тузум даврида топталган асл қадриятлари қатори ота-боболаримиз минг йиллар давомида амал қилиб келган одоб-ахлоқ меъёрларига қайтиш имконига ҳам эга бўлди. Инсонда ахлоқ асосан икки йўл билан яъни, наслдан наслга ўтиш ҳамда таълим-тарбия, маърифий таъсир, ибрат ва намуна, билим, кўникма орқали шаклланади. Мавлоно Жалолиддин Румий «Ичиндаги ичиндадир» асарида «Барча билимлар ва фанларни ўзлаштириш аслида адабни ўрганишдир» дея таъкидлагани ҳам бежиз эмас. Жамиятда одоб-ахлоқ ва маърифат кенг шаклланигани сари, шахс тарбияси такомиллашиб боради. Аллома Авлоний: «... Маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат қалбнинг матонатидан, руҳнинг саломатлигидан иборатдир. Маорифдан, фунундан ва маданиятдан маҳрум бўлган халқ жаҳолат панжаларининг орасида ҳамир каби эзилгандек, аъфоли замирида ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшата олмас... Зероки, жаҳолат ва кўрқинч, фақир ва муҳтожликдан зиёда даҳшатли бир мусибатдир¹⁴», деган эди. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов: «Маърифатдан йироқ амалдор ҳеч қачон халқ дилидагини англашга қодир бўлолмайди. Қолаверса, у бунга интилмайди ҳам. Маърифатсиз раҳбар ҳамиша ўз теварагига маърифатсиз раҳбарларни йиғиш билан машғул бўлади. Чунки унинг яғона мақсади ўз амалини мустаҳкамлашдан иборат бўлиб қолади. Шу сабабдан ҳам у ғайратли, фидойи, маърифатли кишиларни ҳокимиятга яқинлаштирмасликка тиришади, уларни бадном қилади, уларнинг ютуғидан азобланади», деган эди. Бундан ташқари, «Маънавий-маърифий соҳада истиқболни фақат бу соҳа одамлари яратмайди, балки бу ишни тизим бажаради. Тизим яратилса, иқтидорли ижрочилар энг муҳим жойларга қўйилса-иш юришиб кетаверади... Бу тизим марказида маънавият, одоб-ахлоқ, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак», дея алоҳида уқтириб ўтганлари замирида ҳам катта маъно бор. Истиқлол йилларида замон, ҳаёт талабига биноан маънавий-маърифий ишларни янги, давр талаби ва манфаатларига мос такомиллашган тизими шакллантирилди. Бунда таълим тизими, музейлар, маданият уйлари ва саройлари, ахборот-ресурс марказлари, маданият ва истироҳат боғлари оммавий муассасалар сифатида миллионлаб аҳолига маънавий-маърифий хизмат кўрсатмоқда. Масалан, Республика Маънавият ва маърифат маркази (1994) ташкил этилди. Унинг вилоятлар, туман ва шаҳарлардаги бўлимлари ишга туширилди. Марказга Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раҳбарлик қила бошлади. «Болаларни жисмоний ва маънавий ривожига зарарли таъсир кўрсатувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда баркамол авлоднинг онгини бузувчи, руҳий жароҳат етказувчи ахборот таъсиридан ҳимоя қилиш, оммавий ахборот воситаларида шафқатсизлик ва зўравонлик тарғиботига йўл қўймасликнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмлари қўзда тутилади. Амалга оширилган ўзгаришлар ёш авлодни одоб-ахлоқ ва маърифат уйғунлигида тарбиялашга, миллий ўзликни асрававайлашга хизмат қилувчи омиллардир. Зероки, замон талабига тўла жавоб берадиган юқори малакали мутахассис, шу билан бирга, маънавий ва маърифий, ахлоқий, руҳий-жисмоний жиҳатдан баркамол, Ватанга, эл-юртга садоқатли кишилар қилиб тарбиялаш долзарб вазифаларимиздан биридир.

Гўзал ва олий даражада тарбия олган фарзандларгина чинакамига (жаннат райҳонлари) деб мақталади. Аксинча, баъзи бирлари эса инсонийлик фитратидан чекинган, тарбияси бузуқ болалар жамиятнинг зараркундаларига айланишади. Шу боис динимиз фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратади ва бу муҳим масалани ота-она ва жамият олдидаги энг зарур вазифалардан бирига айлантиради. Фарзандларимизга инсоний ва динимиз таълимоти асосида тарбия беришимиз учун нималар қилишимиз, қайси усул ва тажрибалардан фойдаланганимиз маъқул? Инсоннинг жисмоний, руҳий ва ақлий камолотига асосан болалиқда пойдевор қўйилади. Инсон шахсиятини

¹⁴ К. Ҳошимов ва бошқалар Педагогика тарихи Т.: 1996 йил

тарбиялаш ҳам асосан унинг ёшлигидан бошланади. Яхши, гўзал тарбия олган болалар улғайгач хуш ахлоқли, гўзал одобли инсонлар бўлиб етишади ва Аллоҳнинг ҳидоят йўлида юриб, икки дунё саодатини қўлга киритади. Тарбияси бўш ёки ёмон тарбия кўрган болалар ношукур, ахлоқсиз ва беодоб кимсалар бўлиб улғаяди ва бундайлардан жамият катта зарар кўради. Ислонда фарзанд тарбияси ҳали бола дунёга келмасидан олдин бошланади. Фарзандларини чинакам имонли, солиҳ, диёнатли қилиб тарбиялашни истаган ота энг аввало унинг учун имони бут, солиҳа, инсофли, гўзал ахлоқли она танлаб олиши керак. Бу иш бола тарбиясига илк қадамдир. Давримизнинг атоқли олимларидан бири фарзанд тарбиясига бағишланган машҳур асариди бундай ёзган эди: “Болага энг аввал ахлоқий қоидаларни ўргатиш зарур. Бунга эътибор берилмаса ўғил-қизимиз лоқайдлик, ўйламай иш қилиш, бағритошлик ва очкўзлик каби ёмон иллатларнинг қурбонига айланади. Фарзанднинг келажакда баркамол инсон бўлиб етиши аввало, унинг ёшлигида олган одоб-ахлоқи ҳамда илм маърифатга боғлиқдир. Бола ёшлик қилиб илмнинг аҳамиятини яхши тушунмаслиги мумкин, лекин, ота-оналар фарзандларининг илм эгаллашларига алоҳида эътибор беришлари лозим. Абдуллоҳ ибн Биср розияллоху анху шундай ривоят қилади: Азиз ҳамюртлар, эсимизда бўлсин, ҳар қандай фазилат ҳаддан ошса иллатга айланади. Доно халқимиз “Ер бузулса деҳқон, бола бузулса ота-она уялади” дейди. Яхши фазилат экиб, парвариш қилинмаса, ёмон сифатлар унади. **Болаларнинг салбий хулқидаги ўзгаришларни коррекциялашнинг педагогик шарт-шароитлари ҳақида тўлиқроқ тухталсак;**

- бугун айрим болаларни асабий ҳолатда кузатамиз. Кимдир буни ўткинчи деса, яна биров наслдан ўтган, дейди. Хуллас, ҳамма ўз билганича фикр билдиради.

- Онанинг ҳомиладорлик даврида бошидан кечирган касалликлари камқонлик, организмдаги турли яллиғланиш касалликлари – бўқоқ, стресс (руҳий зўриқиш), депрессия (тушқунлик) болада бир ёшгача ўтади. Шунингдек, оилавий муаммолар натижасида депрессияли муҳит, соматик касалликлар, яъни ички аъзоларнинг яллиғланиши ва қулоқ, оғиз бўшлиғи касалликларини бошидан кечираётган болаларда, тиши чиқаётган вақтида ҳам асабийлик ҳолати кўпроқ учрайди. Онанинг ҳомиладорлик даврида бошидан кечирган касалликлар ҳомила миёсига салбий таъсир этади. Бу эса гўдак туғилгандан сўнг асаб тизимига жиддий шикаст етказиб, боланинг феъл-атворида ёмон из қолдиради.

Баъзи бир хонадонларимизда турли таомларни болага едириб, унинг меъда-ичак тизими фаолиятини издан чиқишига катталар сабаб бўлади. Бундай ҳолатда ҳам бола овқатни ҳазм қила олмай асабийлашади. Асабийликка йўлиққан болаларда асосан тинимсиз йиғлаш ва овуниш жараёнининг қийин кечиш ҳолатлари рўй беради. Бир ёшдан катта болаларда эса ота-оналарининг тинимсиз жанжаллари ва боладан алам олиш ҳолатлари ҳамда кўрқинчли фильмларни бола олдида кўриш, унинг психологиясига салбий таъсири натижасида асабийлашиш, кўрқув аралаш вазваса ҳолатлари учраб туради.

- Мактаб ёшигача бўлган болаларда асосан уларга ташқи таъсирлар, яъни болага атрофдагиларнинг муомаласи ва болани ўз тенгдошлари билан бўладиган алоқалардаги аҳволнинг ёмонлиги ҳам сабаб бўлади. Баъзи ота-оналарнинг болани уриши ёхуд уни ҳаддан ортиқ тергаши ҳам руҳий ҳолатга салбий таъсир қилади. Шундай ҳолатларда болага эътибор қаратиш жуда муҳим саналади. Болага менсимаслик назари билан эмас, балки уларга худди катталарга муомала қилгандек муносабатда бўлиш жуда муҳим. Агар болада асабийлик ҳолатини сезган бўлсангиз, албатта, бу ҳолатга бефарқлик билан қарамаслик керак. Аксинча, болада асабийликни келтириб чиқараётган нарсаларни ўрганиб, унинг олдини олиш ва болани оила шифокорига ёки асаб касалликлари шифокорига кўрсатиш лозим.

- Энг аввало, бола соғлом бўлиши учун она ҳомиладорлигида ва ундан кейин ҳам соғлом муҳитда яшаши керак. Яъни ҳомиладорлигидан фарзандини тарбиялаши, бунинг учун ҳамда қизиқарли китоблар ўқиши, ёқимли мусикалар эшитиши ҳам туғилажак болани руҳан соғлом дунёга келишига сабаб бўлади. Агар она ҳомиладорлигида оддий нарсага ҳам сиқилиб юрса, у ҳолда, бола туғилганидан унда асабийлик белгилари намоён бўлади. Бола беш ёшгача ҳамма гапни илиб оладиган бўлади. Шу боис унга ҳамма гапни гапирмаслик ва боланинг тарбиясига эҳтиёткорлик билан ёндошиш зарур.

- Айниқса, ўртоқлари билан ўзаро муносабатини текшириб, оилада болани назоратсиз қолдирмаслик лозим. Ота-она ишда бўлса, бола уйда назоратсиз қолиб кетмаслиги жуда муҳим. Боланинг эътиборсиз қолиши ҳам унда асабийликни келтириб чиқаради. Сабаби унга кўрсатилаётган меҳр тўсатдан узилса, бола муҳитга мослашгунича ўзидаги балоғат пайтидаги асабийликка йўлиқади. Агар унинг олди олинмаса, бунинг оқибати яхшиликка олиб келмаслиги мумкин.

- Агар бола асабийликка йўлиққан бўлса, у ҳолда кўпроқ оилада тинч муҳитни шакллантириш, бола билан кўпроқ сайлларга чиқиш ва дилдан суҳбатлашиш орқали унинг асабини тинчлантириш ҳам мумкин.

- болага бир ёшгача эркинлик бериш керак. Агар ота-онадан бири спиртли ичимлик истеъмол қилса, улардан туғилган болада кўпинча асабийлик кузатилган. Ота агар спиртли ичимлик ичган бўлса, болага 75 фоизгача ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Шу билан бирга, озуқавий етишмовчилик ҳам боланинг ҳеч қандай нуқсонларсиз ривожланишига тўсиқ бўлиб, мия фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида бола асабийлашиши кўп кузатилган.

Она сутига тўймаган бола асабийлашишга мойилроқ бўлади. Болага шоколад ва қандни кўп миқдорда бериш ҳам асаб ҳужайраларининг зўриқишига олиб келади.

Адабиётлар

1. К. Ҳошимов ва бошқалар Педагогика тарихи Т.: 1996 йил
2. WWW.Ziyounet.uz

ТЕХНОЛОГИЯ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ МАШҒУЛОТЛАРИДА БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ВА РЕФЛЕКСИВ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАРИ

С.Н.Юлдашев. Қариш давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада технология ва уни ўқитиш методикаси машғулотларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий ва рефлексив тафаккурини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучлари кўрсатиб берилган.

Аннотация: в статье освещаются движущие силы профессионального и рефлексивного мышления будущих учителей начальных классов в области технологий и методики преподавания.

Annotation: the article highlights the driving forces of professional and reflective thinking of future primary school teachers in the field of technology and teaching methods.

Калит сўзлар: технология, таълим, метод, билим, кўникма

Ключевые слова: технология, образование, метод, знания, навыки

Key words: technology, education, method, knowledge, skills

Эртанги бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий рефлексив тафаккурини ривожлантириш учун ҳаракатлантирувчи кучлар қаторин и технология таълими методи асосида таълим-тарбия жараёнига киритиш мақсадга мувофиқдир. Ҳаракатлантирувчи кучлар деб биз Технология ва уни ўқитиш методикаси ўқув фани бўйича талабаларнинг аудиториядаги ва дам олиш вақтидаги тадбирларининг шундай сифатларини тушунамизки, ҳар доим таълим-тарбия жараёни ва ёшларнинг бошқа ривожлантирувчи фаолияти давомида мавжуд карама-қарши тенденцияларининг доимий курашида ижобий ўрин касб этади ва охир оқибат кечаги абитуриентларнинг педагогик маҳоратнинг янги ва янги чўққиларига чиқишларини таъминлайди.

Биринчи ҳаракатлантирувчи куч-Педагогика факультети Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши талабаларининг шахсий ва касбий ўз-ўзини такомиллаштиришининг юксак маънавий эҳтиёжлари ва мотивлари.

Иккинчи ҳаракатлантирувчи куч-бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг технологик таълими ва кичик ёшдаги ўқувчиларни тарбиялаш санъатини эгаллаш соҳасидаги фаол ҳаётий вазифасидир.

Учинчи ҳаракатлантирувчи куч-факультетда технология ва уни ўқитиш методикасининг ихтисослашган хонанинг замонавий характер ва мазмунда жиҳозланиши.

Тўртинчи ҳаракатлантирувчи куч-ОТМда технология ва уни ўқитиш методикаси бўйича ўқув-тарбия жараёнини тўлақонли дастурий-методик қўлланмалар билан таъминланиши.

Бешинчи ҳаракатлантирувчи куч-бу бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология ва уни ўқитиш методикаси ва шу каби уйдаги мустақил ишлари бўйича хилма-хил самарали изланиш-ижодий фаолиятлари.

Олтинчи ҳаракатлантирувчи куч-факультет талабалари томонидан умумий таълим мактаблари ва мактабдан ташқари муассасаларда педагогик амалиётда касбий маҳоратни мақсадли ўташлари ва эгаллашлари.

Еттинчи ҳаракатлантирувчи куч-бошланғич синфларда технология фани бўйича факультет ўқитувчиларининг педагогик касбий маҳорати. Факультет педагогик персоналининг нуфузли иттифоқчиларининг биз таклиф қилган тузилишини синчиклаб кўрганда, улар ўқув тизими касб-хунар таълим усулларини ишлаб чиқиш пайтида барча фаолият қисмларини ўзида акс эттирганига амин бўлиш мумкин: дастлабки ва иккинчиси-талабаларнинг ўзлари, учинчи ва тўртинчилари-ОТМ методик хизмати раҳбарлари ва факультетда ўқув-тарбия жараёни ташкилотчилари, ва бешинчи, олтинчи ҳамда еттинчи ўқитувчилар-ҳақиқий мутахассислар, умумий педагогик ва методик ғояларнинг етарлича малакали талқинчилари, ўрнатилган интизомнинг қидирув ва ижодий салоҳиятини ўз ичига олади ва қўл остидагиларнинг профессионал ва рефлексив фикрлашни ривожлантиришда педагогик амалиётни ташкил қилади.

Фронтал вакиллик бизга бўйсунадиган таълим жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучлари мажмуасининг бу тузилишини ўзига хос деб характерлайди ва унинг самарадорлиги технология ва уни ўқитиш методикаси усулларини ишлаб чиқиш ва бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида касбий-рефлексив тафаккурни шакллантиришнинг расмий кўрсаткичлари билан тасдиқланадиган педагогик маҳоратнинг энг ёрқин белгиларидан бири. Ушбу мажмуани батафсилроқ кўриб чиқайлик.

Биринчи ҳаракатлантирувчи куч-Педагогика факультети Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши талабаларининг шахсий ва касбий ўз-ўзини такомиллаштиришнинг юксак маънавий эҳтиёжлари ва мотивлари. Унинг моҳияти шундан иборатки, Педагогика факультети Бошланғич таълим ва

спорт тарбиявий иш йўналиши талабалари шахсий ва касбий ўз-ўзини такомиллаштириш учун юксак ахлоқий эҳтиёж ва мотивларни шакллантиргандагина технология ва уни ўқитиш методикаси асосида талабаларда касбий-рефлексив тафаккурни шакллантириш мумкин бўлади.

Педагогика факультети Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиши талабаларини касбий ва педагогик ўз-ўзини такомиллаштиришга тайёрлаш йўлларини излашда талабаларнинг психологик тайёргарлиги, яъни уларнинг билим олиш эҳтиёжлари ва қизиқишларининг мотивациясини касбий рефлексив фикрлашни шакллантириш учун ҳаракатлантирувчи куч сифатида белгилайдиган шахс фазилатларини шакллантириш масалаларига эътибор қаратиш керак. Замонавий шароитларда талабалар турли сабабларга кўра олий маълумот олишни истайдилар. В. Д. Шадриков, касбий фаолият мотивларининг мураккаб мотивацион жараёндаги эҳтиёжларни қондириш мумкин бўлган ўзининг касбий фаолияти билан боғланган факторлар тизимига “нусха кўчиради”, касбининг имкониятларини ўзининг эҳтиёжлари билан таққослайди ва инсон касбни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик ҳақида бир қарор қабул қилади, агар қабул қилса, қай йўсинда ёки қайси аспектда эканлигини. Касбни қабул қилиш бирор фаолиятни муайян тарзда бажаришга интилишни келтириб чиқаради, маълум детерминистик мойиллик ҳосил қилади ва фаолиятнинг психологик тизимини шакллантириш учун бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади¹⁵ Касб билан янада яқинроқ танишишда, маъруза, амалий ва семинар машғулоти жараёнида ва психологик-педагогик амалиёт жараёнида "фаолият субъектининг мотивацион структурасини ишлаб чиқиш ва ўзгартириш амалга оширилади. Бу ривожланиш икки йўналишда боради: биринчидан, шахснинг умумий мотивларининг меҳнат фаолияти мотивларига айланиши кузатилади; иккинчидан, касбий фаолият мотивларининг динамикаси кузатилиб, у куйидагиларда ифодаланади:

- бир қатор эски мотивларнинг эволюцияси ва янги мотивларнинг пайдо бўлишида;
- баъзибир мотивларнинг мураккаб ва нисбий аҳамиятини ўзгартиришда;
- мотивлар структурасининг ўзгартирилишида, профессионализация жараёнида шахс

эҳтиёжлари ўз объектини ва фаолиятини топади ва шу тарихида касбий мотивлар структурасини шакллантириш ва уларни англаш юзга келади¹⁶.

Шахс ривожланишининг энг юқори босқичини ўрганиб, С. Илқалов айтадики "ўз-ўзини такомиллаштириш учун ундовчи омил тўғридан-тўғри ташқи талаб эмас ва ҳатто, озгина мажбурлаш талаб этиладиган, иродавий интилишлар талаб этиладиган, ўзини енгилас талаб этиладиган, ўзининг тайёрмаслигини енгилас талаб этиладиган истак-эҳтиёжмандлик ҳам эмас, балки том маънода мажбурлаш талаб қилмайдиган шахсий эҳтиёжлар хизмат қилади¹⁷ Мотивацияни ўз-ўзини тарбиялашнинг етакчи таркибий қисми сифатида ҳисобга олиб, С.Илқалов касбий ўз-ўзини тарбиялаш тартибларини интериоризация қилиш жараёнининг ўзига хослигига эътибор беришни таклиф қилади. Ҳақиқий педагогик ҳаракатлар кетма-кетлиги педагогик маҳорат структурасини ташкил этганидек, ташқи омиллар таъсирида бажарилган ўз-ўзини тарбиялаш ҳаракатлари кетма-кетликлари ҳам ўз навбатида ўз ҳаракатлари ички режасининг структурасини ташкил этади. Ўз-ўзини тарбиялаш фаолиятининг ҳам мотивацион, ҳам процессуал ташкил этувчилари мана шундай ҳосил бўлади. Ташқи идеал ичкига ўтади.

Шундай қилиб, ўз-ўзини тарбиялаш мотивациясини шакллантириш жараёни ҳар қандай шахс сифатини шакллантиришнинг мунтазамлигининг алоҳида ҳолатидир. Уларнинг асосида шахснинг ўзининг ҳаракати ётади: сузишга ўрганиш учун сувга тушиш керак, ҳар қандай муносабат, ҳар қандай сабабни шакллантириш учун тегишли истаклар тажрибаси тўпланиши керак, ва ўз-ўзини такомиллаштириш ўрганиш учун ўз-ўзини тарбиялаш билан шуғулланиш керак¹⁸

Ҳаракатлантирувчи куч- бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг технология таълими ва кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини тарбиялаш санъатини эгаллаш соҳасидаги фаол муносабати. Фақат ва фақат фаол шахсгина ўз-ўзини такомиллаштириш, шу жумладан, ўзининг касбий ва рефлексив фикрлашини шакллантириш билан шуғулланади.

Ўқитувчини тарбиялаш, - мутахассисларнинг айтишича, - "камида иккита шароит туфайли қийинлашадики, уларнинг объектив мавжуд бўлишига, агар педагогика ўзининг ишида ҳақиқатга таянишни истаса, кўзларини юмишга ҳақли эмас.

Биринчидан, ўқитувчиларнинг ижтимоий мақоми нисбатан ҳали ҳам юқори эмаслиги. Бу эса энг қобилиятли ва ижодий иқтидорли шахслар ўқитувчиликка нисбатан жуда катта меҳр қўйибгина ўқитувчилик касбини эгаллашни кўрсатади.

Иккинчидан, педагогик ОТМда ҳеч бир ўқув дастури ўқитувчининг ахлоқий шахс сифатида тарбияланишини кўзда тутмайди. Фақатгина унинг турли хил билим, кўникма ва малакаларни қуроллантириши кўзда тутилган. Том маънода ўқитувчининг шаклланиши шахснинг майллари, шахсий

¹⁵ Дарсликлар, ўқув қўлланмалар" туркуми. - Р-н-Л: 1998- йил Феникс. 225: 13-15 б.

Дарсликлар, ўқув қўлланмалар" туркуми. - Р-н-Л: 1998- йил Феникс 66: 34.

¹⁸ Дарсликлар, ўқув қўлланмалар" туркуми. - Р-н-Л: 1998- йил Феникс 66: 35

тақдири ва ўқитувчи бўладиган муайян шахс ҳаётининг ҳолатларига қараб тасодифий жараён бўлиб қолмоқда.

Ўқитувчи ишончли шахс бўлиши керак, шундагина у ўзини ахлоқий шахс сифатида кўрсатади, яъни ўзини ахлоқли шахс сифатида кўрсатиб ва ахлоқлиликни тарбиялабгина маънавий жавобгар бўлиши мумкин. Айнан шу сабабли, дейди Р. В. Кнушевицкая "педагогика ОТМининг мақсади фақат олий маълумотли мутахассисни эмас, балки энг масъулиятли касб-ўқитувчи касбининг мутахассисини тайёрлашдир. Ўқитувчига давлатнинг келажаги ишониб топширилади, шунинг учун у ғоявий жиҳатдан ўзига ишонган, ўз ишига меҳр қўйган, ҳар томонлама ривожланган, юксак маънавий- ахлоқий мезонларга эга, чуқур назарий билим ва яхши амалий кўникмаларга эга, бўлажак ишга психологик жиҳатдан тайёр бўлган шахс бўлиши керак.

Шу сабабли мутахассис ўқитувчини тайёрлаш таълимнинг бошиданок аниқ йўналишга эга бўлиши ва педагогик ишга қатъий қизиқишни шакллантиришга ёрдам бериши керак".

Таълим-тарбия жараёнида маълум бир шароитларда педагогик таъсир кўрсатиш объекти таълим ва тарбия субъекти вазифасини ҳам бажаради, деб қаралади. Бу жараёнда шахс фаоллиги белгиланган мақсадларга эришиш учун энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун талабаларнинг ўқиши ва ўзини-ўзини тарбиялаши масалалари, ўқув- билим олиш ва иш фаолияти масалалари доимий равишда ўқитувчи ва психологлар эътибор марказида бўлган.

Фаоллик билан ўқитиш мотивацияси ўртасидаги ўзаро таъсир муаммосини ҳал этиш таъсирнинг фаоллик хусусиятига асосланади. А. Н. Леонтьев таъсирни акс этириш "таъсирнинг натижаси эмас, балки ўзаро таъсирнинг натижаси, яъни бир- бирига қарама-қарши жараёнларнинг натижасидир. Улардан бири- объектнинг жонли тизимга ҳаракати жараёни бўлса, иккинчиси- тизимнинг ўзининг таъсир қилинаётган объектга нисбатан фаоллигидир ¹⁹".

Агар ўқувчилар ич-ичидан ўқитувчиларнинг ҳаракатларидан ва талабалар жамоасининг ҳаракатларидан рози бўлса, уларнинг талаблари унинг ҳам талабларига мос келса, ўқитувчилар ўз мақсадларига муваффақиятли эришадилар. "Инсоннинг маънавий қиёфасини шакллантириш борасидаги ишларнинг муваффақияти шу ишга, таълимнинг қай даражада рағбатлантириши ва унга раҳбарлик қила олишига боғлиқ. Асосийси мана шунда" ёзган С. Л. Рубинштейн.

Шахснинг фаоллик манбаларидан бири ижтимоий шахсий эҳтиёжлардир. Д. Н. Узнадзе шахснинг фаоллигини эҳтиёжларни қондириш жараёни сифатида, субъектнинг ҳақиқатга бўлган муносабатининг бир кўриниши деб ҳисоблади.

Шахснинг эҳтиёжлари-"зудлик билан уларни қондиришни талаб қиладиган ҳақиқий эҳтиёжларнинг ўзига хос ҳиссий кечинмаси", - дейди А. Рудик. Эҳтиёжларнинг кучи ва барқарорлиги ижтимоий ҳаёт тажрибаси ҳамда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари билан белгиланади.

Ахлоқий эҳтиёжларнинг намоён бўлиш шаклларида бири талаба шахсининг йўналишини акс эттирувчи қизиқишдир. Эҳтиёж ва манфаатлар кишиларни фаол ҳаракат ва ишлар қилишга ундайди.

"Қизиқишни ривожлантириш жараёни-дейди И. Бака, -қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: 1) янги, ёрқин, ғайриоддий нарсаларга интилиш; 2) нафақат ташқи сифат ва хусусиятларни баҳолаш, балки таҳлил қилиш, аналоглар билан таққослаш содир бўлади; фикрлаш идрокдан устун туради; 3) мақсадлар ва ижтимоий эҳтиёжлар тушуниб етилади, ўз нуктаи назарлари ва позициялари фаолият учун мотивлар сифатида белгиланади. Қизиқишни ривожлантиришнинг босқичлилигини ҳисобга олишга бундай ёндашув ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини, яшаш шароити ва идрокини ҳисобга олишни талаб қилади".

"Технологик таълимнинг тарбиявий ва ижодий йўналтирилганлигини мустаҳкамлаш, тармоқни кенгайтириш ва техник тўғарақлар, факультетлар ва бошқа бирлашмаларнинг профиллари сонини ошириш шахснинг мотивацион соҳасига сезиларли таъсир кўрсатади. Мактаб битирувчисининг мотивлари тизимида у энг муваффақиятли ишлаётган фаолият турига йўналтирилганлиги ва мойиллигига кўпроқ ўхшаш бўлганлари устунлик қилади²⁰".

Учинчи ҳаракатлантирувчи куч - факультетда технология ва уни ўқитиш методикасига ихтисослаштирилган фан кабинетини жиҳозланишининг замонавий характери ва мазмуни. Бу вазифа ўқув ишларини моддий-техник жиҳозлар билан максимал таъминлашдан иборат.

Педагогика факультети Бошланғич таълим ўқитувчиси олдида турган энг муҳим вазифалардан бири талабаларнинг амалий тайёргарлигини такомиллаштиришдир. Амалий тайёргарликка таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири-технология ва уни ўқитиш методикаси бўйича машғулотларни ихтисослашган фан кабинетида ўтказиш зарурлигидир. Барча машғулотлар, маърузалар, амалий ва лаборатория, турли кўргазмали куруллар: жадваллар, диаграммалар, намуналар, технологик хариталар ва бошқаларни кўрсатиш билан бирга олиб борилиши керак. Таълим жараёнини ташкил этишга бундай ёндашув талабаларга машғулотда технология ва уни ўқитиш методикаси ўқитувчиси ёки технология фанидан дарс олиб боровчи бошланғич синф ўқитувчиси иши, педагогик фаолиятнинг маълум тури ҳақида тез тасаввур ҳосил қилиш

¹⁹ Дарсликлар, ўқув қўлланмалар" туркуми. - Р-н-Л: 1998- йил Феникс

20

имконини беради. Синфда ҳар хил турдаги техник ўқув воситалари иш ҳолатида бўлиши ва машғулотлар давомида ишлатилиши керак.

Тўртинчи ҳаракатлантирувчи куч - ОТМда технология ва уни ўқитиш методикасига асосланган ўқув-тарбия жараёнини тўлақонли дастурий- методик ва кутубхонавий таъминлашдир. Бу ҳаракатлантирувчи кучнинг моҳияти бошланғич синфларда "технология таълими" курсини ташкил этиш учун ҳам, олий таълимда "технология ва уни ўқитиш методикаси" курсини ташкил этиш учун ҳам ўқитувчи меҳнатини ва талабанинг ўқиш фаолиятини методик адабиётлар, дастур материали билан таъминлашдан иборат.

Қарши давлат университети Педагогика факультетида технология ва уни ўқитиш методикаси бўйича дарсларни такомиллаштириш учун захиралари қидириб, биз бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида касбий-педагогик рефлексияга қобилиятини ривожлантиришнинг таъсирчан ҳаракатлантирувчи кучи сифатида таълим-тарбиявий жараёнининг тўлақонли дастурий таъминоти ва адабиётлар билан таъминланишига катта эътибор бераймиз.

Тажриба шуни кўрсатадики, анъанавий ўқитиш усуллари юқори малакали ўқитувчилар учун тегишли таълим даражасини тўлиқ таъминлай олмайди, чунки талабалар ўрганаётган фанлар бўйича бизга етиб келаётган ахборот оқими талабалар томонидан ўқув материални ўзлаштиришнинг ҳақиқий имкониятидан ошиб кетади. Шунинг учун ҳам педагог кадрлар олдидаги долзарб вазифа тегишли дидактик принципларни, шунингдек, мунтазам фанларни ўқитиш метод ва усуллари такомиллаштиришдан иборат.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*Қодирова М.Ш. ТДПУ, талаба
Валиева М.Ҳ. ҚДПИ, талаба*

Аннотация : Ушбу мақолада мактабгача таълимда педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашнинг асосий вазифалари, мактабгача таълим соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда педагог-тарбиячиларнинг касбий маҳорати, бошқарувчилик салоҳияти алоҳида аҳамиятга эгаллиги, бўлажак педагог-тарбиячиларга ғоявий-сиёсий билимларни тақдим этиш жараёнида касбий компетенцияларнинг шаклланишига эришиш талаб қилиниши тўғрисида ёритилган.

Калит сўзлар : педагогик жараён самарадорлиги, мактабгача таълим соҳасидаги ислохотлар, самарадорликни таъминлаш, касбий маҳорат, бошқарувчилик салоҳияти .

Бўлажак педагог-тарбиячиларда касбий ривожланишни таъминлаш, уларни педагогик жараёнларни самарали бошқаришга ўргатиш учун мустақил билим олиш кўникмаларини мустаҳкамлашга эришиш лозим.

Мактабгача таълимда педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлашга интилиш муҳим аҳамиятга эга. Мактабгача таълим соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда педагог-тарбиячиларнинг касбий маҳорати, бошқарувчилик салоҳияти алоҳида аҳамиятга эга. Бўлажак педагог-тарбиячиларга ғоявий-сиёсий билимларни тақдим этиш жараёнида касбий компетенцияларнинг шаклланишига эришиш талаб қилинмоқда. Мактабгача таълимни ривожлантириш билан боғлиқ талаб ва эҳтиёжлар асосида маҳоратли педагог-тарбиячиларни тайёрлаш уларда касбий қизиқиш, эҳтиёж ва лаёқатларни шакллантириш орқали амалга ошади.

Мактабгача таълим тизимида педагогик жараёнларни инновацион педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ташкил этиш зарурлиги мактабгача таълим соҳасида қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий асосларда ўзининг аниқ ифодасини топган. Бўлажак педагог-тарбиячиларни касбий-маънавий жиҳатдан тайёрлаш учун олий педагогик таълим жараёнида маърузалар, амалий ҳамда лаборатория машғулотларини ўтказиш, улар мазмунини янги ёндашувлар асосида бойитиш, шунингдек, педагогик амалиёт, маънавият кунлари ва соатларини такомиллашган дастурлар ёрдамида ташкил этиш такозо қилинмоқда.

Мактабгача таълим самарадорлигини таъминлашда педагог-тарбиячилардан ҳар томонлама чуқур педагогик-психологик тайёргарлик, ҳар бир тарбияланувчининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш талаб этилади.

Бўлажак педагог-тарбиячи касбий маҳорати болаларни жадал ривожлантириш, мактаб таълимига самарали тайёрлаш имконини беради. Педагог-тарбиячиларнинг фаолиятини педагогик, психологик, ташкилий-методик жиҳатдан ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, тарбияланувчиларнинг ўқув фаолияти самарадорлигини оширишда педагог-тарбиячининг шахсий сифатлари ва унинг касбий тайёргарлиги катта аҳамият касб этади. Шунга кўра, педагог-тарбиячининг касбий маҳоратга эга бўлиши, билимдонлиги ва креативлиги тарбияланувчиларда онгли фаоллик ҳамда мустақилликни таркиб топтиришнинг асосий омилли хисобланади.

Педагогик амалиёт даврида бўлажак педагог-тарбиячининг мактабгача таълим ташкилотида амалга оширадиган ишлари уларда касбий маҳоратни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Педагогик амалиёт даврида бўлажак педагог-тарбиячиларда ўз касбига мойиллик, педагогик фаолиятга ижодий ёндашиш, ўзи эгаллаган замонавий билимларни амалий тажрибасида қўллаш, раҳбарлик кўникмаларини эгаллаш, тарбияланувчи шахсини педагогик-психологик жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш, маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш методларини ўзлаштириш каби кўникмалар фаоллашади ҳамда

мустаҳкамланади. Буларнинг барчаси талабаларни тарбиячилик фаолиятига тайёрлайди. Шу билан бир қаторда бўлажак педагог-тарбиячилар ўз касбий фаолиятлари давомида амал қиладиган бир қатор қоидаларни ҳам ўзлаштиришлари керак. Улар:

- тарбияланувчиларда онгли интизомни таркиб топтириш;
- болаларга нисбатан адолатли муносабатда бўлиш;
- гуруҳдаги фаол тарбияланувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш;
- тарбияланувчиларнинг мустақил фаолиятларини муносиб рағбатлантириш;
- тарбияланувчилар билан топшириқлар устида тизимли ишлаш ва бу жараёнда уларни фаоллаштириш;

- гуруҳ тарбияланувчилари орасида тарбиявий тадбирларни тизимли тарзда ташкил этиш кабилар.

Шу билан бир қаторда бўлажак педагог-тарбиячиларда педагогик маҳоратни шакллантиришда маърузалар, амалий ва лаборатория машғулотлари давомида диалогга киришиш, фанга оид янги маълумотлар устида ишлаш, мустақил билим олиш, манбалар устида ишлаш ҳамда ўрганган тажрибаларини таҳлил қилиш муҳим ўрин эгаллайди.

Мактабгача таълим ташкилотларида гуруҳ фаолиятига раҳбарлик қилиш ўзига хос хусусиятларга эга. Педагог-тарбиячилар болаларда атроф-муҳит, табиат, нутқ ва ҳисоблашга оид дастлабки қўникмаларни ҳосил қилиш билан бир қаторда уларни комплекс ривожлантиришга хизмат қиладиган миллий урф-одатларимизни ҳам сингдирадидилар. Улар болаларда жуда ёшлиқдан бошлаб, ҳақгўйлик, бағрикенглик, бирдамлик, ўзаро ёрдам каби сифатларни шакллантиришга интиладилар.

АДАБИЁТЛАР :

1. Валижонов Р., Қобулов О., Эргашев А. Менежмент асослари. – Тошкент: Шарқ, 2002. – 207 б.
2. Дерзкова Н.П. Дидактические условия формирования эффективного стиля руководства образовательными учреждениями.:Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – М., 1999. – 22с.
3. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ворис, 2006. – 264 б.
4. Зверева В.И. Организационно-педагогическая деятельность руководителя школы. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Новая школа, 1997. – 320с.
5. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Таълим менежменти. – Тошкент, 2006. – 73 б.
6. Калинин И.В. Стратегия подбора кадров как стилевая характеристика управленческой деятельности руководителя: Дисс. ... канд. психол. наук. – М., 1996. – С. 33-36.
7. Мартынов С.Д. Профессионалы в управлении. – Л., ЛГУ, 1991.–143 с.
8. Маънавият: асосий тушунчалар изохли лугати – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, - 2010.
9. Муракаев И.У., Саифназаров И.С. Менежмент асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 191 б.
10. Петровичев В.М. Региональное образование: организация, управление развитием. – Тула: Приокское изд., 1994. – С.6.
11. Питерс Т., Уотермен Р. В поисках эффективного управления / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1986. – 423 с.

UMUMTA'LIM MAKTAB PEDAGOGI LARDAGI XULQ-ATVORNING BOLALAR TARBIYASIGA AHAMIYATI

*Saltanat Qurbonova – Surxondaryo viloyati Termiz tumani 33-
umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

*Holmatova Habiba – Surxondaryo viloyati Termiz tumani 33-
umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Bugungi kunda maktabda o'qiydigan farzandi bo'lgan har bir oila, har bir shaxs umumta'lim muassalari va unda faoliyat olib boruvchilar bilan bevosita to'qnashadi. Chunki pedagogik jarayon – bu ta'lim va tarbiyaning birligini ta'minlash yo'li bilan ta'lim maqsadidan uning natijasiga tomon amalga oshiriladigan harakatdir. Pedagogik jarayonga beshta o'zaro aloqador elementlardan iborat tizim sifatida qarash mumkin:

- ta'limning maqsadi (ya'ni nimaga o'qitish);
- o'quv ma'lumotlarining mazmuni (nimaga o'qitish);
- ta'lim usul, yo'llari, pedagogik kommunikatsiya vositalari (qanday o'qitish);
- o'qituvchi;
- o'quvchilar.

Pedagogik jarayon tarbiyaviy munosabatlarning tashkil etish usuli sifatida ishtirokchilar rivojlanishining tashqi omillarini maqsadli yo'naltirilgan holda tanlash va foydalanishdan iborat. Pedagogik jarayon qayerda va qanday pedagog tomonidan amalga oshirilishidan qat'i nazar bitta tuzilmaga ega bo'ladi:

Maqsad – Tamoyillar – Mazmun – Usullar – Vositalar – Shakllar.

Pedagog kasbi odamning shu kasbiy sxemasi tavsifnomasi xislatlari bo'lgan —inson – inson tipidagi kasblarga taalluqli. Pedagog uchun kasbiy muhim bo'lgan sifatlar tuzilmasi ob'ektiv (kasbiy bilimlar, kasbiy ko'nikmalar, psixologik va pedagogik bilimlar) va sub'ektiv tavsifnomalar (psixologik pozitsiyalar, ustanovkalar, shaxsiy xususiyatlar) bloklarida aks ettirilishi mumkin. Har qanday o'quv fani pedagogining psixologik surati quyidagi tuzilmaviy komponentlar:

insonning individual sifatleri, ya'ni uning individ sifatidagi xususiyatlar (mijoz, iste'dod nishonalari va h.k.);

shaxsiy sifatlar, ya'ni uning shaxs sifatidagi xususiyatlari (insonning ijtimoiy mohiyati);

kommunikativ (interfaol) sifatlar;

maqomli-pozitsiyali, ya'ni jamoadagi o'rni, roli, munosabatlari xususiyatlari;

faoliyatli (kasbiy-predmetli);

tashqi axloqiy ko'rsatkichlarni o'z ichiga oladi.

Umumiy pedagogik qobiliyatlar tuzilmasida uchta guruhni ajratish mumkin:

O'qituvchining tarbiyaviy vazifalarini amalga oshirish bilan bog'liq bo'lgan shaxsiy qobiliyatlar (perseptiv qobiliyatlar, pedagogik tasavvur, o'z-o'zining psixik jarayonlarini, emotsional soha va axloqni boshqarish qobiliyati).

Muloqot va tashkiliy vazifalarni amalga oshirish bilan bog'liq tashkiliy-kommunikativ qobiliyatlar (kommunikativ qobiliyat, pedagogik takt, tashkiliy, suggestiv qobiliyatlar).

O'quvchilarga axborot uzatish, ularda faol, mustaqil, ijodiy tafakkurni shakllantirish bilan bog'liq didaktik qobiliyatlar (bolalarga axborot uzatish qobiliyati, ekspressiv-nutqiy qobiliyat, akademik (bilishga oid) qobiliyatlar, diqqatni taqsimlash).

Pedagog muayyan pedagogik harakatlar asosida bitta emas, balki xususiyatlar guruhini faollashtiradi. Bunda, albatta, pedagogik madaniyatning o'rni bo'lakcha. Pedagogik madaniyat tushunchasi ostida insonning pedagogni kasbiy axloqi va faoliyati usullari, pedagogik qadriyatlarining dinamik tizimi sifatida qarab chiqish mumkin bo'lgan umumiy madaniy qismi tushuniladi. Bu uning yordamida kasbiy bilimlar beriladigan ma'lumotlilik darajasidir. Pedagogik madaniyat komponentlarining to'rtta guruhi ajratiladi:

Pedagogik pozitsiya va pedagogning kasbiy-shaxsiy sifatleri – bu tegishli axloqda namoyon bo'luvchi borliqning muayyan tomonlariga shaxsiy munosabat. Pedagogik pozitsiya – bu o'qituvchi tomonidan qilinadigan muayyan axloqiy tanlovdir. Pedagogik pozitsiya uchun ikki tomon xarakterli: dunyoqarashli (pedagog tomonidan kasbning jamoatchilik ahamiyatini anglanishi, tanlovning to'g'riligiga ishonch, insonparvarlik tamoyillariga yo'nalish) va axloqiy (pedagogning qabul qilgan qarorlari uchun mas'uliyatni zimmasiga olishi, o'quvchi shaxsining o'z-o'zini ro'yobga chiqarishi uchun sharoit yaratish). Pedagogik pozitsiya pedagogni shaxsiy-kasbiy sifatleri, uning qiziqishlari va ma'naviy ehtiyojlari orqali amalga oshiriladi. U pedagogik mehnatga munosabat, ma'naviy sifatlar, shaxsning yo'nalganligini o'z ichiga oladi.

Pedagogik bilimlar va ularga munosabat, shuningdek, tafakkur. Bilimlar metodologik, nazariy, umumpedagogik, amaliy (ya'ni pedagogik jarayonning alohida sohalaridagi bilimlar), xususi-amaliy (alohida fanlar bo'yicha bilimlar) bo'ladi. Bilimlarga munosabat fikrlash darajasi bilan belgilanadi. Pedagogik tafakkur tanqidiy fikrlash (o'quvchilar bilan o'zaro harakatni tahlil qilish zaruriyati); fikrlashning ijodiy yaratuvchan yo'nalganligi; muammoli-variativ tafakkurni o'z ichiga oladi.

Kasbiy malakalar va pedagogik faoliyatning ijodiy xakteri. Malakalarning quyidagi guruhlari ajratiladi: axborotga oid malakalar (axborotni tanlash va tuzilmaga solish); maqsad qo'yish va o'quv-tarbiyaviy faoliyatni rejalashtirish malakasi; tashkilotchilik malakalari; kommunikativ malakalari; tahlil va o'z-o'zini tahlil qilish malakasi; pedagogik texnikadan foydalana olish va boshqalar.

Ijodiy faoliyat tajribasining ko'rsatkichlari, birinchidan, o'quvchilar pozitsiyasi bilan bog'liq vaziyatni tahlil qilishning yaqqol ifodalangan malakasi va ikkinchidan, pedagogik bilimlar hamda g'oyalarning yangi elementlarini yarata olish, an'anaviydan farqli bo'lgan usul va vositalarni ishlab chiqarish hisoblanadi.

Shaxsning o'z-o'zini boshqarishi va kasbiy axloq madaniyati (birinchi navbatda, pedagogik xushmuomalalik). O'z-o'zini boshqarish – bu pedagogik talablar, o'quvchilarning ehtiyojlari va qiziqishlarini qon, o'quvchilarning ehtiyojlari va qiziqishlarini qondirish yo'nalishidagi faollikka muvofiq dirish yo'nalishidagi faollikka muvofiq bo'lgan axloq. U me'yoriy (bilimlar, tushunchalar va pedagog shaxsiga talablar majmui), regulyativ (pedagog tomonidan o'z axloqida ro'yobga chiqariladigan tuyg'ular, munosabatlar, e'tiqodlar) va faoliyatli-axloqiy komponentlar (o'z axloqini nazorat qilish va korreksiyalash yo'nalishida irodaviy jarayonlarni ro'yobga chiqarish) orqali amalga oshiriladi.

Pedagogik faoliyat boshqa har qanday faoliyat kabi muayyan stil bilan xarakterlanadi. Pedagogik faoliyat stili – bu faoliyatning usullari, yo'llarini, professional tarzda ishlab chiqilgan, biroq uning idividualligi bilan qo'shilib ketgan, uning mavjud bo'lishini real sharoitlarida namoyon bo'luvchi pedagog axloqining harakat tarzining barqaror tizimidir. Stil faoliyatning o'ziga xosligi, uning sub'ektlari – o'qituvchilar va o'quvchilarning individual-psixologik xususiyatlari bilan shartlanadi.

Adabiyotlarda pedagogik faoliyatning avtoritar, demokratik, nojo'ya ishlarga beparvo qarovchi stillari ajratiladi.

Avtoritar stil uchun sinf jamoasiga bo'lganiday har bir o'quvchining hayotiy faoliyatiga taalluqli masalalarni yakka holda yechishga, qat'iy va keng qamrovchi nazoratga umumiy tendensiya xarakterlidir. Pedagog

shaxsiy ustanovkalaridan kelib chiqib, o'zaro harakatning o'rni va maqsadlarini belgilaydi, topshiriqni bajarish usullarini ko'rsatadi. Avtoritar stilda ish olib boruvchilar o'quvchilarning mustaqilligi va tashabbuskorligi ahamiyatini yetarlicha baholamaydilar. Bu stil o'z amrini o'tkazuvchi taktika va vasiylik, buyruq ohangi yordamida ro'yobga chiqariladi. Pedagogning hukmini o'tkazuvchi bosimiga qarshi o'quvchilarning harakatlari ko'pincha barqaror nizoli vaziyatlarning yuzaga kelishiga olib keladi. Bunday stil pedagog va o'quvchilar o'rtasidagi muloqot hamda munosabatlarda o'tib bo'lmas devor, mazmuniy va emotsional to'siqlarni oldinga suradi (—bundaylar bilan yaxshisi aloqa qilmal).

Garchi, umuman olganda, pedagogik muloqotning bunday stili salbiy bahoga loyiq bo'lsa-da, zamonaviy ijtimoiy psixologiya shunday sharoit va vazifalar mavjudki, qachonki avtoritar stil birmuncha adekvat bo'lishi haqqoniy ta'kidlangan.

Rahbarlikning nojo'ya ishlarga beparvo qarovchi (yoki liberal) stilning asosiy xususiyatlari shundan iboratki, pedagog eng kam darajada faoliyatga kirishishga intiladi (o'zini chetga oladi), ya'ni bu faoliyatning natijalari uchun o'zidan mas'uliyatni soqit siladi. Bunday pedagoglar o'zlarining funksional majburiyatlarini faqat dars berish bilan cheklangancha rasmiy tarzda bajaradilar. Ushbu stil asosida o'quvchilarga loqaydlik va qiziqmaslikdan iborat aralashmaslik taktikasini ko'zda tutadi. Liberal stil o'quvchilarga kerakli talablarni ifodalamaydi, o'quv jarayonida sekin-asta talablarni murakkablashtirish zaruriyatini ko'rmaydi, shuning uchun istiqbolda eng kam yutuqlardan qoniqqancha o'quvchilarning oldinga siljishiga umid qilishi mumkin emas.

Bu ish uchun birmuncha zararli va parchalovchi stil hisoblanadi. U o'quvchilar kutilmalarida noaniqlikni uyg'otadi, ularda zo'riqish va xavotirni uyg'otadi. O'qituvchilar bilan muloqot va munosabatda o'quvchilar sekin-asta yoxud inoqlik (oshna-og'aynichilik) (—Bu o'zimizning odam, baribir ikki baho qo'ymaydi!) yoxud butkul begonalashish (—Bunday o'qituvchi bilan qiziqmas, nima qilsang ham – o'tadi!!) yo'lga o'tib oladilar.

Demokratik stilda pedagog o'quvchilarning o'zaro harakatdagi roli, har birini umumiy ishni hal qilishga jalb qilishga yo'naltirilgan. Bu stilning asosiy xususiyati – o'zaro qabul qilish va o'zaro oriyentatsiya. Bunday stilga rioya qiladigan pedagoglar uchun o'quvchilarga faol-ijobiy munosabat, ularning imkoniyatlari, muvaffaqiyat va omadsizliklarini adekvat baholash, o'quvchilarni, ularning maqsadlari va axloqlari sabablarini chuqur tushunish, uning shaxsini rivojlanishini oldindan aytib bera olish xosdir. Natijada o'quvchilarda o'zi va o'z kuchlariga ishonch, muloqotchanlik, o'zaro ishonchli munosabatlar, guruhli jipslik rivojlanadi. Bunday stilga ega bo'lgan o'qituvchi o'quvchilar oldiga vazifalarni ongli tarzda qo'yadi, salbiy ustanovkalardan qochadi, u baholashda xolis, muloqotda ko'p qirrali va tashabbuskoridir.

Pedagogik vazifalarni birmuncha samarali yechishga o'qituvchining o'quvchilarni individual xususiyatlari, ularning shaxsiy tajribasi, imkoniyatlari hamda ehtiyojlarining o'ziga xosligini inobatga oladigan aynan demokratik stil imkon beradi. Bunday stilni kasbiy o'z-o'zini anglashning yuqori darajasiga ega bo'lgan, o'z axloqi va adekvat o'z-o'zini baholashni doimiy ravishda tahlil qilishga qodir insongina ishlab chiqishi mumkin.

Maqolamiz ko'p hollarda avtoritar stilni qo'llaydigan pedagoglardagi manipulyativ xulq-atvor xususida bo'lgani bois manipulyativ ta'sirning to'rtta usulini ajratib ko'rsatamiz:

Manipulyativ ta'sirning yashirin xarakteri ko'p qirrali ta'sir bilan ta'minlanadi: adresatning diqqatini chalg'itish, talab qilingan mazmunga e'tiborni cheklash, adresatning tanqidlilikini pasaytirish, uning ko'z o'ngida shaxsiy martabasini oshirish, shaxsni boshqa odamlardan ajratish va h.k.

Psixologik bosim o'tkazish uchun quyidagilardan foydalaniladi: tashabbusni qo'llab-quvvatlamaslik, o'z mavzularini kiritish, qaror qabul qilish uchun vaqtni qisqartirish, o'zining imkoniyatlariga shama qilish va h.k.

Shaxsning psixik muhitiga kirib borish "qalb torlarini chertish", ya'ni uning uchun ahamiyatli bo'lgan kechinmalar (baland bo'lmagan bo'y, kasallik, semizlik), o'zining kelib chiqishidan faxrlanishi, qandaydir tipdagi odamlarga chidamsizlik, xobbi, qiziquvchanligi orqali sodir bo'ladi.

Odamning shaxsiy sifatlaridan foydalanish uning o'zi qaror qabul qilishi jarayonini imitatsiya qilishni o'zida aks ettiradi. Birinchi qadam – motivlar raqobatini (yoki dolzarblashtirish) ni yaratish. Ikkinchi qadam – raqobatlashuvchi motivlarni manipulyatorga kerak bo'lgan motiv foydasiga o'zgartirish.

O'qituvchilardagi manipulyativ xulq-atvor o'quvchilarda himoyasiz axloq:

omadsizlikdan qochish motivining yutuqqa erishish motivlari ustidan ustunlik qilishiga;

o'z-o'zini past baholash va intilishning past darajasiga;

yuqori xavotirlanuvchanlikka;

o'z-o'ziga ishonmaslikka;

yuzaga kelgan vaziyatdan chiqish yo'llarini izlash istagining yo'qolishiga;

u yoki bu qiyinchilikni yengib o'tishda salbiy tajribaning yuzaga kelishiga ko'maklashadi.

Natijada bola himoyasiz bo'lishga ko'nikadi va o'z maqsadlariga erishish uchun bundan foydalanadi. U boshqalarda achinish, hamdardlik tuyg'usini uyg'otadi, ularni o'zi haqida qayg'urishga undaydi. Achinayotgan odam yumshoq ko'ngil bo'lib qoladi, uni boshqarish osonlashadi. Bundan kelib chiqadiki, u ham o'zida manipulyativ xulq-atvorni namoyon eta boshlaydi.

Shu o'rinda o'qituvchilarning umumta'lim maktablarida muvaffaqiyatli ish olib borishlari uchun bir qator tavsiyalarni keltiramiz:

O'qituvchi maktabda faqat ishchi kayfiyatini namoyish etishi darkor. Shaxsiy muammolari bilan bog'liq salbiy hissiyotlar ta'lim muassasalari ostonasida qolmog'i shart.

О'қитувчи har қандай турдаги низоладан қочмаслиги лозим, u низола­ринг яечиш жа­ра­yonини и­jo­бий оқимга yo'naltirishi va nizoning cho'zilib ketmasligiga intilishi kerak.

О'қитувчи barcha o'quvchilarga bir xilda adolatli munosabatda bo'lmog'i zarur.

О'қитувчининг butun faoliyati ta'lim va tarbiya jarayoniga qaratilishi darkor.

О'қитувчи o'quvchilarni kamsitmasligi, sinfdoshlari oldida uyaltirmasligi, aksincha, ularni o'z darajasigacha —ko'tarishga urinishi zarur.

Hamkasblariga nisbatan axloqning faqat assertiv shaklini namoyon etishi lozim.

Xulosa tarzida shuni aytmoqchiman, bolalarning qalbiga faqatgina yaxshilik urug'larini qadaylik – uyda ota-onalar, maktabgacha ta'lim muassasasida tarbiyachilar, umumta'lim maktablarida esa o'qituvchilar o'z faoliyatlarini doirasida bunga o'ta mas'uldirlar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Istiqlol va ma'naviyat. – Toshkent, O'zbekiston, 1994.
2. Pedagogika /O'quv qo'llanma. Munavvarov A. tahriri ostida. – T.: O'qituvchi.
3. Pedagogika /A.Q.Munavvarovanning umumiy tahriri ostida. – T.: O'qituvchi.
4. Pedagogy, Curriculum, Teaching Practices and Teacher Education in Developing Countries.
5. M.Saipova. Pedagoglardagi manipulyativ xulq-atvor. Maqola -2018 yil.

ТЕХНОЛОГИЯ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ МАШҒУЛОТЛАРИДА БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-РЕФЛЕКСИВ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗИДДИЯТЛАРИ.

С.Н.Юлдашев. Қарши давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада технология ва уни ўқитиш методикаси машғулотларида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий-рефлексив тафаккурини ривожлантиришнинг зиддиятлари кўрсатиб берилган.

Аннотация: Статья иллюстрирует противоречия в развитии профессионального и рефлексивного мышления будущих учителей начальных классов в области технологий и методов обучения.

Annotation: The article illustrates the contradictions in the development of professional and reflective thinking of future primary school teachers in the field of technology and teaching methods.

Калит сўзлар: таълим, тарбия, метод, зиддият, тафаккур

Ключевые слова: образование, воспитание, метод, противоречие, мышление

Key words: education, upbringing, method, contradiction, thinking

Технология ва уни ўқитиш методикаси бўйича машғулотларда педагогика факультети бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналиш талабаларининг касбий-рефлексив тафаккурини шакллантириш жараёни кўп қиррали ва зиддиятли. Тадқиқот бизга ушбу жараёнда бир қатор ўзига хос зиддиятларни аниқлашга ёрдам бери:

1) университетга киришдан олдин олинган кучсиз билим базаси ва олий маълумот олиш истаги ўртасида;

2) талабаларнинг ОТМга ўқишга келишдан олдинги бошланғич синф ўқитувчиси касби ҳақидаги тасавури ва ўз фикрларини мослаштириш зарурияти ўртасида;

3) турли билим соҳаларини, жумладан, бадиий-эстетик циклни эгаллаш зарурати ва бошланғич синф ўқитувчиси бу рус тили, математика ва табиатшунослик ўқитувчиси деган қотиб қолган стереотип ўртасида;

4) ўқувчиларнинг рефлексия санъатини эгаллашга интилиши ва бу масала бўйича адабиётларнинг камлиги ўртасида;

5) ўқитувчининг касбий ўсишга интилиши ва хизмат сафарларига ажратилган маблағларнинг камлиги ўртасида;

6) ўқитувчининг мавжуд тажрибасини қўл остидагиларга ўргатиш истаги билан ўтказиладиган машғулотлар учун етарли бўлмаган моддий база ўртасида;

7) талабанин­г ўқув амалиётида етишмаётган билимларни эгаллашга бўлган уринишлари ва мактабда касбий рефлексия санъатини эгаллашдаги тажрибасизлиги ўртасида.

Бўлажак ўқитувчиларнинг ҳар томонлама касбий малакасини ошириш Қарши давлат университети Педагогика факультети Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиларининг табиий эҳтиёжига айланди. Ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш муаммоси фаний-циклик бирлашмалар, кафедралар, факультетлар даражасида ва университети миқёсида доимий муҳокама мавзусига айланди. Янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ОТМ профессор-ўқитувчиларини бир умрга ўқитувчилик касбини танлаган ёшларнинг таълим ва тарбияси сифатини ошириш учун янада кучли йўлларни излашга ундайди.

Агар қўйидагилар амалга оширилса юқоридаги зарурият ва эҳтиёжлар бартараф этилади. Ўқув жараёни фаоллигини оширишга кўп жиҳатдан машғулот раҳбарининг ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини моҳирона бошқариши ёрдам беради. Унинг асосий мақсади ўқув жараёнига ижодий билиш фаолияти йўналишини бериш. Ушбу мақсадларга эришишга бир неча тамойилларнинг амалга оширилиши ёрдам беради:

1. Билимларни ўзлаштириш ва қўллаш ҳаракати орқали ижодий касбий тафаккурни ривожлантириш тамойили талаб қилади: фикрий ҳаракатларнинг мазмуний таркибий қисмларининг расмий-манتيкий ҳаракатлар олдида етакчи ролини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш мақсадлари ва методларини ўқувчилар тафаккурини фаоллаштириш зарурлигига бўйсундириш; асосан расмий-манتيкий усулларни ўзлаштиришга қаратилган вазифалар ва топшириқларни белгилашнинг мавжуд методикасидан фикрлашнинг мазмунли, ижодий томонини ривожлантирувчи метод фойдасига воз кечиш; табиий билиш усулини мақсадга мувофиқ ишлаб чиқиш ва ундан таълимда фойдаланиш-ўрганилаётган вазиятларнинг динамик тасвири моделини тузиш; ўқув машғулотларига ҳар қандай амалий мақсадларда ва ўқитиш мазмунида когнитив йўналиш бериш.

2. Билим жараёнининг онгсиз ва онгли компонентларининг бирлиги тамойили куйидагиларни ўз ичига олади: бир биридан юқориқ асосий кўникмаларни шакллантириш орқали ҳаракатларни ривожлантиришни; тизимлаштиришни ўрганилаётган объектларда муҳим хусусиятлар ва муносабатларни таҳлил қилиш асосида таълим ахборотини (мантиқ юқори самарадорлигини таъминлаш, объект ҳақида маълумот миқдорини камайтирмасдан ўқув материалларини камайтириш); кўргазмали ва тасвирий воситалардан фойдаланиш методининг таълим жараёни мақсадларига ва шаклланаётган билимлар турига бўйсунганини.

3. Ўрганилаётган объект ҳақидаги билимларни оширишнинг диалектик ижодий- кидирув услуби тамойили куйидагиларни назарда тутди: объектни ўрганиш босқичларининг муайян кетма-кетлигига риоя қилишни; объект (ҳодиса,жараён)нинг моҳиятини очишнинг зарур босқичларининг келиб чиқишини; ўрганилаётган объект моҳиятининг намоён бўлишини юқори даражадаги умумийлик ва диалектик ёндашув нуқтаи назаридан билиш асосида тушунтиришни; билимларнинг шаклланиш жараёнини (барча этап ва босқичларда) уларни қўллаш ва текшириш (ўз-ўзига баҳо бериш) билан бирлаштиришни (қисман ёки тўлиқ). Бу қондалар органик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлиб, самарали ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш бўйича методик талаблар ва тавсиялар тизимини ташкил этади. Бу тизим ўқув-билиш фаолияти вазифаларини унумли амалга оширишнинг илмий-методик асоси ҳисобланади²¹.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТАЪЛИМ МОДЕЛИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

*Ибрагимова Муҳаббат Турсуновна- Андижон вилояти Избоскан тумани 11-умумий ўрта таълим
мактаби ўқитувчиси*

*Юлдашева Одина Тожибоевна- Андижон вилояти Избоскан тумани
13-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси*

Ҳозирги пайтда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада таълим турлари тўғрисидаги мутлақо янги қондалар ҳаётга жорий этилди. Таълим тизимига янги педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини олиб кириш бугунги куннинг муҳим масалалари сирасига киради. Таълим-тарбия жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш орқали бир қанча қулайликлар яратилади. Демакки, юртимизда фан-техника ривожлангани сайин ахборот олиш имконияти ошиб бормоқда. Тарбияланувчиларга талаб доирасида маълумотларни етказиб беришда, фан-техника ютуқларидан унумли фойдаланиш зарур. Ўсиб, улгайиб келаётган ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашда янги педагогик технологиялардан ўз вақтида ва унумли фойдаланишнинг истикболли тамонлари намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республика Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 октябрь куни мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда “Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади”, деб таъкидлади³. Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига 2017 йил 22-25 ноябрь кунлари давлат ташрифи доирасида Мактабгача таълим вазирлиги томонидан 20 га яқин учрашувлар ўтказилиб, тажриба алмашинуви, Ўзбекистонда экспериментал тарзда болалар боғчаларини очиш,

биргаликда кадрлар тайёрлаш ва илмий изланишлар олиб бориш имкониятларини ўрганиб чиқиш бўйича келишувларга эришилди.

Жумладан, 2017 йилнинг 23 ноябрь куни Корея болалар парвариши ва мактабгача таълим масалаларини ўрганиш Институту (КИССЕ) билан Ҳадли келишув имзоланди. Келишув доирасида Мактабгача таълим вазирлиги ва КИССЕ ҳамкорлигида қўшма тадқиқотлар ўтказилади, педагогик кадрларни тайёрлаш орқали тажриба алмашинувига қаратилган дастурлар амалга оширилади, семинарлар ва конференциялар ташкил этилади.

“Жанубий Кореяда 750 турдаги давлат хизматлари кўрсатилар экан. Сеул шаҳри маъмурияти вакиллари келиб, Тошкент шаҳрида ҳам шундай хизматларни йўлга қўйиш бўйича ёрдам беради. Ана шундай тизимни йўлга қўйсақ, ўйлайманки, халқимизга катта енгиллик яратилади, одамлар биздан рози бўлади.”[1.]

Жанубий Корея Республикаси кўплаб тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига тортмоқда, сабаби бу давлат постиндустриал цивилизация ютуқларини эгаллаган Осиё – Тинч океани регионининг ноёб давлатларидан биридир. Кореяликлар бажарилиши шарт бўлган асосий вазифа - ўз анъанавий маданиятини сақлаш, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ўз маданий-сиёсий идентивлик, Шарқнинг анъанавий кадрятлари ва ориентирлари билан боғлашга интилиш деб ҳисоблайдилар. Бу давлатнинг 47 таълим тизими ЮНИСЕФ экспертлари хулосасига кўра саноати ривожланган давлатлар ичида “энг самаралиси” деб тан олинган. Кўпчиликнинг ягона фикрича, Жанубий Кореянинг иқтисодиёти ва техникадаги ютуқлари “инсон ресурсига инвестицияни тўғри тикканлигида” деб таъкидлашади. Конфуций даврдан сақланиб қолган зиёли одамга хизмати хозирги кунгача бор. Жанубий Кореяда 1980 йиллардан бери илмий касблар энг нуфузли ҳисобланади. Жанубий Корея таълим тизими яна битта бутунжаҳон тамойилини амалга оширади: бу таълим ва фан интеграциясидир. Дунё амалиётида ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қилади ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради.

Кореянинг замонавий таълим тизими расман Япония мустамлакасидан озод бўлган 1945 йилдан бошланган. Аммо кенгроқ қарайдиган бўлсақ, корейларда таълим тизими 1894 йилги ислохотлардан кейин юзага келган, дейиш мумкин. 1881 йили Кореядаги Чосон ҳукумати мамлакат хавфсизлигини кучайтириш мақсадида махсус армия тузади ва ғарбликлар ҳарбий санъатдан дарс бера бошладилар.

Жанубий Корея илғор педагогик технологиялари дидактик асослари ҳам Япония педагогик тизимидаги каби ўзига хос хусусиятларга эгадир:

- Жанубий Корея таълим – тарбия тизимидаги асосий устивор жиҳат бу бизнинг халқимизга хос бўлган болажонлик ва унинг тарбиясига 86 нисбатан ўта жиддий ёндошиш, яъни «бола азиз, тарбияси эса ундан азиз» тамойили буйича ёндошувидир;

- Жанубий Корея умумкорейс яхлит маданиятининг ажралмас бир қисми бўлиб, у корейс маънавий – маърифат менталитетида албатта миллий тамаддун тўлақонлилигини тақозо этади;

- Жанубий Корея таълим – тарбия тизимида хитой, япон, манжур, мўғул жиҳатларининг тарихий кўшилиб кетиши натижасида ўзига хос бир мултимаданият тизими юзага келганки, у барча даврларда бир хил яшовчанлик иммунитетини ҳосил қилган;

- Жанубий Корея таълим – тарбия анъаналарида давлат таъсирининг ҳал қилувчи кучга эга эканлиги ҳар қандай янги технология буйича ишларнинг давлат кузатиш доирасида кўплаб қувватланишида ўз аксини топади.

Корея Республикасининг тажрибаси албатта эътиборга молик ва ишонамизки, Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёнларида бу борадаги Корея модели элементлари албатта ўз аксини топади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” номли маърузаси . 2017 й 10 декабр. Халқ сўзи газетаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи” газетаси, 22 декабрь 2017 йил.
3. “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли Фармони.
4. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 48
5. Ишмухамедов Р., Абдуқародиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009 -160 б.

ТАЪЛИМ СИФАТИ – ҲАЁТ СИФАТИ

Давранова Гулсара Маматовна,

Сирдарё вилояти Халқ таълими бошқармаси бошланғич таълим йўналиши методисти

Ҳозирги кунда XXI аср юксак технологиялар замони, тафаккур асри, ялпи ахборотлашув асри, глобаллашув даври деб таъриф этилмоқда.

«Глобаллашув» атамаси дастлаб америкалик олим Т.Левиттнинг 1983 йили «Гарвард бизнес ревью» журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган. Муаллиф йирик трансмилий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган. Лекин ҳозирги даврда глобаллашув бошқача маъно ва аҳамият касб этмоқда.

Глобаллашув - инсониятнинг онгу-шуури ва тафаккури самараси сифатида вужудга келган жаҳон миқёсидаги умумий жараён. У чегара ва ҳудудларни билмайдиган, тузумларни тан олмайдиган, узлуксиз кучайиб ва ривожланиб бораётган, ахборотлашган жамиятга ўтиш жараёнидир. Бундай жамиятда фақат инсон тафаккури етакчи ўрин эгаллайди. Тафаккур – жамият тараққиёти даражасини кўрсатувчи ойна. Бу ойнада муваффақиятлар ҳам, камчиликлар ҳам аён кўринади. Сир эмаски, инсоннинг нечоғлик муқаррамлиги, комиллиги фикрлаш даражаси, тафаккури билан белгиланади. Ахборотлар инсон тафаккури ва фикрлаш қобилиятини қай даражада шаклланишига таъсир этуви асосий омилдир. Шу сабабли замонавий цивилизациялашган жамиятнинг ҳозирги даврдаги ривожини ахборотлаштириш жараёни билан характерланади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бутун дунё бўйлаб «Сифат инқилоби» юзага келди. Дунёнинг етакчи ишлаб чиқариш корхоналари асосий эътиборни сон ва миқдорга эмас, балки маҳсулот сифатига қарата бошлашди. Сифат рақобатбардошликни таъминловчи асосий омил сифатида намоён бўла бошлади.

Сифат - умумий тушунча сифатида инсонларнинг эҳтиёжлари ва талабларини қондириш билан асосланувчи маҳсулот, материал, иш тури, меҳнат, хизматлар ва шу қабиларнинг хусусиятлари ҳамда хусусий белгиларининг мажмуи бўлиб, уларни қўйилган талаблар ва ўз вазифаларига тўлиқ мос келиши билан баҳоланади. Бундай мослик асосан стандартлар, шартномалар, келишувлар, истеъмол-чиларнинг талаблари билан аниқланади.

Сифатга эътибор ва унинг ривожланиш босқичларини мантиқан куйидаги даврларга бўлиш мумкин:

1. XX асрнинг 60-йиллари - бозор рақобатбардошлиги шароитида асосий омил - маҳсулот сифати.
2. XX асрнинг 70-йиллари – маҳсулот сифатидан шлаб чиқариш технологияси сифатига ўтиш босқичи.
3. XX асрнинг 80-йиллари- сифатни бошқариш тизими босқичига ўтиш даври.
4. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб **таълим сифати**, интеллектуал ресурслар сифати, инсон ҳаёти сифати - асосий омил сифатида намоён бўла бошлади.

Таълим сифати – ижтимоий категория ҳисобланиб, жамиятда таълим жараёнининг ҳолати ва натижасини ҳамда шахснинг касбий, маиший ва фуқаролик компетентлигини шаклланиши ва ривожланишини жамият талаби ва эҳтиёжига мос келишини аниқлайди. Таълим сифати таълим муассасасининг ўқув-тарбиявий фаолиятини турли қирраларини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи орқали баҳоланади. Ушбу кўрсаткичларга таълим олувчилар компетентлигининг ривожланишини таъминловчи таълим мазмуни, ўқитиш шакли ва услублари, материал- техник база, ходимлар таркиби қабилар қиради.

Таълим сифати -инсон ҳаёт-фаолияти сифатини ошириш ва аниқ мақсадга эришишда фойдаланиш учун зарур бўладиган, аниқ шароитларда талаб этилиб олинган билимлар мажмуидир.

Олий таълимда таълим сифати - таълим моделининг контекстуал кўрсаткичлари, институционал мақсад ва вазифалари ҳамда таълим тизимининг аниқ стандартлари, таълим муассасалари, ўқув дастурлари ва фанлари билан боғлиқ бўлган кўп қиррали, кўп даражали динамик тушунчадир.

Билим сифати – ўқув жараёнини тугатгандан сўнг олинган билимларнинг фундаменталлиги, юқорилиги ва иш жараёнида қанчалик кераклилиги билан белгиланади.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия сифати ўта муҳим, муаммоли ва долзарб масала ҳисобланади. Чунки, бошқа барча ижтимоий масалалар, сиёсий муаммолар ва иқтисодий кўрсаткичлар айнан таълим сифати даражасига боғлиқ ҳолда ривожланади. Қолаверса, таълим сифати давлат ва жамият тақдирини, бутун инсоният тақдирини белгилаб беради. Шу сабабли ҳам таълим сифатини -ҳаёт сифати деб изоҳлаш хато бўлмайди.

«Таълим сифати» атамаси куйидаги омилларга боғлиқ ҳолда турлича аҳамият касб этади:

- олий таълим иштирокчиларининг манфаатлари;
- кириш маълумотлари, таълим-тарбия жараёнлари, чиқиш маълумотлари, мақсад ва вазифалар каби тушунчаларнинг ўзаро нисбати;
- баҳоланадиган академик соҳанинг хусусиятлари ёки тавсифи;
- олий таълимнинг тарихий ривожланиш даври.

Шунингдек, таълим сифати атамаси куйидаги турли даражадаги аниқланишларга ҳам эга:

- ❖ сифат – энг юқори кўрсаткич сифатида;
- ❖ сифат – мақсадга тўлиқ эришилган фаолият шаклида;

❖ сифат–яхшиланган ва такомиллаштирилган фаолият шаклида.

Юқорида келтирилган «таълим сифати» тўғрисидаги аниқланишлар таълим соҳасидаги ислохотларнинг тарихий даврига боғлиқ ҳолда ўз афзалликлари ва камчиликларига эгадир.

Таълим сифати абсолют ва нисбий тушунча сифатида қаралиши ҳам мумкин.

Таълим сифатининг абсолют тушунчасида таълим муассасасининг статуси, мавқеи ва устунлигини акс этиши назарда тутилади. Бундай идеал тушунча таълим муассасаси имиджининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига шароит яратади ва таълим сифати кўрсаткичи бўйича энг юқори даражадаги таълим стандартига интилишини ифодалайди.

Таълим сифати нисбий тушунча сифатида ҳам қаралиши мумкин. Бунда сифат таълим хизматининг асосий атрибути (ажралмас қисми, асосий хусусияти) деб ҳисобланмайди ва таълим жараёнини давлат таълим стандартига мос келиши билан баҳоланади. Шу сабабли таълим сифати нисбий тушунча сифатида икки хил маънода белгиланиши мумкин:

- таълим стандартига мослиги;
- таълим хизмати истеъмолчиларининг расмий талабларига мос келиши.

Биринчи тушунча ишлаб чиқарувчи (таълим муассасаси) нуқтаи назардан сифатни белгиласа, иккинчиси эса истеъмолчи, яъни ишлаб чиқариш корхоналари томонидан сифатни баҳолайди.

Лекин, кўпинча таълим хизмати соҳаси ва истеъмолчиларнинг манфаатлари ва сифат тушунчаси юзасидан қарашлари бир-бирига тўлиқ мос келмайди. Шу сабабли таълим муассасаларида таълим сифати муаммосига икки хил нуқтаи назардан қарашлари талаб этилади:

- таълим муассасаси нуқтаи назардан. Бунда маркетинг тадқиқотлар йўналиши – таълим жараёнини давлат таълим стандартига мослиги билан белгиланади.
- таълим хизмати истеъмолчилари нуқтаи назардан. Маркетинг тадқиқотлар йўналиши - таълим хизмати истеъмолчилари талабларини қондирилиш даражаси орқали баҳоланади.

Таълим сифатига баҳо беришда таълим самарадорлиги тушунчасини ҳам эътиборга олиш талаб этилади. Таълим сифати ва самарадорлиги тушунчаларини аниқловчи мезонлар биро-бирдан қандай фарқ қилади? Сифат – олинган натижанинг мақсадга нисбати (ёки тескарисис), самарадорлик- олинган натижанинг харажатларга нисбати билан баҳоланади.

Таълим сифати ва таълим самарадорлиги жамиятда ҳаёт сифатини кўрсатувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Давлат ва жамият умумий ва касбий таълимга қанчалик кўп маблағ сарфласа ва натижаси энг юқори халқаро стандартларга жавоб берса, ҳаёт сифати шунчалик юқори бўлади. Таълим самарадорлигини белгилашда энг оптимал харажатлар ҳисобида юқори таълим сифатига эришиш талаб этилади.

SAVODGA O`RGATISH DAVRIDA DIDAKTIK O`YINLARDAN FOYDALANISH

Boychayeva Sharifa Sirdaryo VXTXQTMOHM katta o`qituvchisi

O`yin - bola hayotining uzviy qismidir. O`yin orqali bola atrof - muhit, tabiat hodisalari, manzaralari, buyumlar, o`simliklar, hayvonlar dunyosi bilan tanishadi.


Boshlang'ich ta'lim davrida o`quvchilarning aqliy va jismoniy faoliyatini tashkil qilishda didaktik o`yinlar alohida ahamiyatga ega.

Savodga o`rgatish darslari tayyorgarlik va asosiy davrni o`z ichiga qamrab olib, mazkur bosqichda o`quvchilar bilan olib boriladigan ta'limiy tarbiyaviy ishlar turli-tumandir. Xususan, bu davrda: matn, og`zaki va yozma matn haqida, gap, matnning gaplardan tuzilishi, so`z, gaplarning so`zlardan tashkil topishi, ya'ni matn tuzish va uni bo`laklarga bo`lib matn tarkibini tashkil qiluvchi qismlarni idrok etishga o`rgatish, bo`g`in, tovush, harf haqida ma'lumot berish, unli tovushlar va undosh tovushlar haqida ma'lumot berish, tovushlarning unli va undosh tovushlarga ajralishini o`rgatish, alifbedagi rasmlar, o`qituvchi yoki o`quvchilar tomonidan tayyorlangan suratlar asosida matn tuzdirish, o`quvchilar bilgan she`r, hikoya, ertak, maqol, tez aytish va boshqalarni yoddan aytirish, ularga yangi she`r, hikoya, ertak, maqol, topishmoq kabilarni o`rgatib borish, alifbe darsligidagi so`zlar, uning ma'nolari ustida ishlash, tanish so`zlar asosida o`quvchilarni gap tuzishga o`rgatish, harf va tovush orasidagi mutanosiblik va farqni tushuntirish ishlari olib boriladi.


Mazkur Alifbe darsligiga kiritilgan jumboqli topshiriqlar ko`lami birmuncha keng bo`lib, u o`quvchilarni mustaqil fikrlashga o`rgatadi.

Darslikda 20 dan ortiq jumboqli topshiriq va krossvordlar berilgan. Jumboqli topshiriqlarni yechishda o`qituvchi o`quvchilar jamoasining imkoniyatlarini hisobga olishi, ba`zi topshiriqlarni yechish ga bolalarni oldindan tayyorlashi, ya'ni jumboqli topshiriqni kattalashtirilgan nusxasini ko`rsatib, undagi ba`zi o`rinlarni izohlashi maqsadga muvofiqdir. O`qituvchi darslik materiallari bilan cheklanib qolmay, ushbu so`zlar mazmunini to`liq izohlashda turli mazmunli rasmlardan ijodiy foydalanishi maqsadga muvofiqdir.

Misol uchun A va N harflarini o`tish jarayonida o`quvchilarga har xil rasmlar tarqtilib shulardan qaysilari ushbu harflar bilan boshlanadi shularni harflar atrofiga joylashtiring degan vazifalarni berishimiz mumkin bunda o`quvchilar fikrlash doirasi yetgunch bu vazifalarni bajarishi mumkin.



Kabi rasmlar berilgan bo`lsin bunda o`quvchilar o`tilgan harflar yoniga tegishli rasmlarni olib borib qo`yishadi.



Yoki



kabi joylashtirib chiqishunda, bunda o`quvchilar tafakkuri kengayib fikrlash doirasi kengayi boradi. Bu mashqni har dars oxirida darsni mustahkamlash uchun yoki yangi darsni boshlashdan oldin o`tilgan darsni mustahkamlash uchun foydalanib borsak maqsadga muvofiq bo`lard deb o`ylayman. Chunki maktabga kelgan bolalarimiz o`yinqaroq, ularda xali ko`p o`tirish shakllanmagan shuning uchun darslarimizda oyin shakllarini ko`proq ishlantsak menimcha yaxshui natija beradi deb o`ylayman.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki didaktik o`yinli darslar yangi mavzuni bayon qilish, mustahkamlash, bolalar bilimni sinab ko`rish va baholash jarayonida qo`llanilishi mumkin. O`qituvchi o`quvchilarni yakkama-yakka, keyinchalik guruhli o`yinlarga tayyorlashi, ular muvaffaqiyatli chiqqanidan so`ng ommaviy o`yin darslarini o`tkazishi kerak. Chunki o`quvchilar didaktik o`yin darslarda ishtirok etish uchun kerakli bilim, ko`nikma va malakalarni egallagan bo`lishlari zarur.

BOSHLANG'ICH SINFLARDA INTEGRATSION YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARNI SHAKLLANTIRISH

*Mamatkulova Nigora Sherbekovna, SVXTXQTMOHM katta o'qituvchisi
Xidirova Dildor O'ktamovna*

Xovos tumani 6-umumta'lim maktabi I-toifali boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Mamlakatimiz innovatsion taraqqiyot yo'lida shiddat bilan rivojlanib borayotgan bir davrda kelajagimiz davomchilari bo'lgan yoshlarning ijodiy g'oyalari va ijodkorligini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish hamda ilg'or xorijiy tajribalar, xalqaro mezon va talablar asosida baholash tizimini takomillashtirish, shu yo'lida xalqaro tajribalarni o'rganish, mavjud tizimni har tomonlama qiyosiy tahlil qilish, tegishli yo'nalishdagi xalqaro va xorijiy tashkilotlar, ilmiy tadqiqot muassasalari bilan yaqindan hamkorlik qilish muhim ahamiyatga egadir.

Ta'lim sifati va samaradorligini oshirish yo'lida xorijiy ilg'or tajribalarni o'rganish, xalqaro standartlar talablarining joriy etilishi muhim ahamiyatga ega. Bu borada O'zbekiston Respublikasida qo'yilayotgan amaliy qadamlarga xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarning tashkil etilishi to'g'risida hukumat qarorining qabul qilinishi Ta'lim sohasidagi yutuqlarni baholash xalqaro assotsiatsiyasidek (IEA) nufuzli tashkilot bilan hamkorlik aloqalarining yo'lga qo'yilishini misol sifatida keltirish mumkin.

Qariyb 60 yildan ko'proq vaqt mobaynida IEA tashkiloti ta'limni qiyosiy o'rganish sohasida yetakchi tashkilot bo'lib kelmoqda. Mazkur tashkilot ta'lim tizimida davlat siyosati va amaliyotning ta'sirini chuqurroq o'rganish maqsadida ta'lim sohasida keng miqyosli tadqiqotlar olib boradi. Bu tadqiqotlar ta'lim jarayonlari va natijalarini ko'rib chiqib, ta'lim sifatiga ta'sir etuvchi o'zaro bog'liq omillarni qiyosiy tahlil qiladi.

«Integratsiya» so'zi lotincha *integratio*-tiklash, to'ldirish, «integer» butun so'zidan kelib chiqqan. «Integratsiya» atamasi – lotinchadan *integration*

tiklash, to'ldirish, *integer* – yaxlit so'zidan olingan bo'lib – quyidagi ma'nolarni anglatadi:

- Ikkita tushunchaga egamiz:
- Tizim, organizmning alohida tabaqalashtirilgan qism va vazifalarning bog'liqlik xolatini bildiruvchi tushuncha va shu xolatga olib boruvchi jarayon.
- Tabaqalashtirish jarayonlari bilan birga amalga oshirilayotgan fanlarni yaqinlashtirish jarayoni.

Integratsiya, integratsiyalash jarayonlari zamonaviy maktabga kirib kelib, faqat uning mazmunini emas, balki kichik maktab o'quvchilarini ekologik ta'limining tashkiliy shakl va uslublariga ham faol kirib boryapti.

O'qituvchi bilim olish jarayonini shunday tashkil etishi kerakki, unda O'quvchilar ko'prok mustaqil izlanishlari, o'z xarakter va faoliyatlarining oqibatlarini oldindan bilishga o'rganishlari, baxs -munozaralarda ishtirok etishlari, tabiiy va ijtimoiy muhitni obodonlashtirishning amaliy ko'nikmalarini egallashlari kerak.

Boshlang'ich sinflarda fanlarni integratsiyalash dars samaradorligini oshiradi, vaqtdan unumli foydalanishga olib keladi, darsni chuqur o'zlashtirishga yordam beradi, bo'sh vaqt orttiriladi va to'garaklarga jalb etiladi. Boshlang'ich ta'limda matematika ona tili, o'qish, tabiat, matematika, tasviriy san'at darslarini integratsiyalash mumkin. Masalan, O'zbekiston mening Vatanim mavzusini o'tish uchun mavzu tushuntiriladi, tabiiy boyliklari va ularni qadriga yetish ko'rib chiqiladi va mavzu asosida rasm ham chiziladi, Respublikamizdagi viloyatlar nomlari, ularning yer maydonlari, aholisi haqida ham qo'shib tushunchalar berib boriladi. Bu esa bolani mavzuni yaxshi tushunib olishiga yordam beradi, kengroq va chuqurroq tushunishiga imkon ortadi, uzoq vaqt yodda saqlab qolishiga yordam beradi.

197	185	236	101	154	270	300	99
i	t	g	i	t	u	l	ch

O'qish darsida "Boshqotirma" beriladi,sonlarni o'sish tartibida harflar bilan almashtiring va bugungi mavzuni nomini toping.O'quvchilar sonlarni o'sish tartibida yozish orqali matematika darsiga bog'lab bugungi mavzu nima ekanligini bilib olishadi.Bu esa dars samaradorligini oshiradi.

Ona tili, o'qish, matematika, tabiatshunoslik,mehnat darslari integratsiya qilinsa ham yaxshi natijaga erishiladi. Bunda ham o'quvchi darsni yaxshi tushunadi.

Masalan, "Maktab" mavzusi o'tilsa, mavzu o'qiladi, tushuntiriladi, joylashgan o'rni haqida ma'lumot beriladi,maktab qurilishiga doir masalalar yechiladi, mehnat darslarida maktabni har bir o'quvchi o'zi xuddi muxandis kabi chizmasini chizishi yoki rangli qog'ozlardan yasashi mumkin. Shunda esa darsni mukammal o'zlashtirib olishlariga imkon yaratiladi. Masalan;

Maktab qurilishiga birinchi kuni 6 tonna qum,ikkinchi kuni 13 tonna qum keltirildi.Quruvchilar bir kunda 8 tonna qumni ishlatishdi.Qurilish maydonida necha tonna qum qolgan? Natijani kilogrammda ifodalang.

$6 + 13 = 19$ tonna qum ikki kunda keltirilgan. $19 - 8 = 11$ tonna qum qolgan.

$11 \cdot 1000 = 11000$ kg qum. Javob: Qurilish maydonida 11000 kg qum qolgan.

Bu masala asosida maktab,uy rasmini chizishlari mumkin. Bola bir darsning

o'zida maktab ilm dargohi ekani haqida o'rganadi, maktab haqida biladi va rasm chizadilar, maktab haqida masala yechadilar,maktabning o'rni ,ahamiyati haqida bilib oladilar.. Shunday qilib o'quvchi birgina integratsiya darsida juda ko'p ma'lumotlarga ega bo'ladi va uzoq vaqt esda saqlab qoladilar deb o'ylayman. Matematika, jismoniy tarbiya, tabiat, musiqa darslari mujassamlashtirilsa foydadan holi bo'lmaydi. Musiqa eshitish, mavzu yuzasidan misol yechish, narsalar yasash bular hammasi darsni yaxshi chiqishiga olib keladi deb o'ylayman.

Fanlarni integratsiya qilib dars o'tilganda quyidagilarga e'tibor berish kerak.

-har bir dars muayyan maqsadga yo'naltirilgan bo'lishi kerak.

-fanlararo aloqalarga oid tanlangan qo'shimcha material o'tiladigan mavzu bilan bog'lanishi shart.

-sinf o'quvchilari faolligini oshirishga qaratilgan bo'lishi kerak.

Har bir dars mazmuni belgilanayotganda predmet ichidagi va predmetlararo

aloqalar hisobga olinadi. Darsning mazmunini belgilangach o'qituvchi qanday tasavvur va tushunchalar unda o'z rivojini topishini, o'quvchi qanday bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishini aniqlaydi. Darsning maqsadi va mazmuniga mos ravishda o'qituvchi ta'lim metodlarini tan laydi. Darsda o'qituvchi va o'quvchining faoliyatlari bir -biri bilan uzviy bog'liq bo'lganligi sababli, bu faoliyatlarning aniq bosqichlarini belgilab olish kerak. Butun dars davomida sinfnng faol ishlashi uchun, usul va vositalarning to'g'ri almashinuvini aniqlab olish kerak.

MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARI UCHUN BULAJAK MUTAXASISLARNI TAYYORLASHDA O'YIN MODULNING AFZALLIGI

Muallif: SamDU magistranti Parmanova Nargiza

O'zbekistonda ijtimoiy-iqtisodiy, ma'naviy-marifiy sohalaridagi o'zgarishlar qatorida ta'lim-tarbiya mazmunini yangilash, uni muntazam takomillashtirib borish zaruriyatini vujudga keltiradi. Bunday yangilanish va o'zgarishlar bir qator ta'limga oid qonunlar hamda ta'lim dasturlari asosida amalga oshirilmoqda.

Darhaqiqat bugungi kunda ta'lim-tarbiya har tomonlama rivojlantirilmoqda, shu bilan birga maktabgacha ta'lim sohasiga ham katta e'tabor qaratilmoqda. Bolalarni har tamonlama yetuk qilib tarbiyalashda, barkamol avlod qilib yetishtirishda, avvalo uning jismonan baquvvat, ruhan tetik, aqliy jihatdan yetuk va ijodkor qilib tarbiyalash ko'p jihatdan MTT mutaxasislariga bog'liq bo'lib, bu borada ulardan har tamonlama bilim, kunikma, malaka va ayniqsa kompetentlilikni talab qiladi.

Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida bolaning kelajak hayotida muvoffaqiyatga erishishishiga yordam beruvchi jismoniy, aqliy va manaviy qoblyati bilish jarayonida, bizni o'rab turgan atrof muhitni o'rganish, nutq o'stirish, badiiy asarlar tinglash, rasm chizish, qurish-yasash, jismoniy mashqlar bajarish va boshqa faoliyat turlarida rivojlanadi. Bu faoliyatlarda yo'nalishlar bir-biri bilan uyg'unlashtirilib – integrallashgan rejalashtirish asosida tashkil etiladi hamda o'yin shaklida qiziqarli tarzda olib boriladi. O'yin kichkintoyning tabiiy ehtiyojlari va istaklariga mos kelganligi sababli, o'yin jarayonida o'rganayotgan mavzuni quvnoqlik bilan takrorlaydi, yengillik bilan o'zlashtiradi.

Darhaqiqat bugungi kunda ta'lim-tarbiya har tomonlama rivojlantirilmoqda, shu bilan birga maktabgacha ta'lim sohasiga ham katta e'tabor qaratilmoqda. Bolalarni har tamonlama yetuk qilib tarbiyalashda, barkamol avlod qilib yetishtirishda, avvalo uning jismonan baquvvat, ruhan tetik, aqliy jihatdan yetuk va ijodkor qilib tarbiyalash ko'p jihatdan ota-onalar va MTT mutaxasislariga bog'liq bo'lib, bu borada ulardan katta sabr, mehr va bola tarbiyasiga ilmiy asoslangan yagona yondashuvni, har tamonlama bilim, kunikma, malaka va ayniqsa kompetentlilikni talab qiladi. To'g'ri yo'sinda olib borilgan tarbiya natijasida bola mustaqil fikr yuritishga va katta hayotga dadil qadam qo'yishga hozirlik ko'radi.

Bugungi kunda aksaryat MTT mutaxasislarida bilim, kunikma, malaka va ayniqsa kompetentlilikning yetishmasligi dolzarb muammo bo'lib turibdi. Bu esa maktabgacha ta'lim tashkilotlari uchun mutaxasislar tayyorlash tizimini takomillashtirishni taqozo etadi.

Shuni unutmashimiz kerakki, kelajagimiz poydevori bilim dargohlarida yaratiladi, boshqacha aytganda, maktabgacha ta'lim tashkilotlarining ertangi kuni qanday bo'lishi oily ta'lim dargohlarida talabalarning bugun

qanday ta'lim va tarbiya olishiga bog'liq. Ana shu oddiy haqiqatdan kelib chiqqan holatda MTT uchun mutaxassislar tayyorlashning zamonaviy usullarini ishlab chiqish lozim.

Nima qilsakki, ta'lim jarayonini mushkullikdan quvonchli jarayonga aylantirsa bo'ladi? Shuni aytib o'tish lozimki, sifatli talim birinchi navbatda ta'lim beruvchi tarbiyachi, pedagogning kasbiy mahoratiga bog'liqdir. Albatta mashg'ulotlarimizga yangiliklarni kiritish, ilg'or ish uslublari va metodlardan foydalanish jarayon sifatini oshirishga olib keladi. Bu esa o'z o'rnida pedagogdan kasbiy mahorat talab etadi.

O'yin faoliyati bola hayotining asosiy mazmunini tashkil etad, u mehnat vat a'lim bilan uzviy aloqada bo'lgani holda yetakchi faoliyat sifatida nomoyon bo'ladi. Tadqiqotchilar o'yinning ahamiyati, qadri, uning shartlilikini hamda ijtimoiy xulqini shakllantirishda shaxsning jamiyatdagi o'z o'rnini belgilab olishi, uning muomala chog'idagi hatti-harakatini aniqlab olishi hamda miyaning keying o'rganiladigan mavzuga tayyorlanishida juda katta ahamiyatga ega ekanligini ta'kidlaydi.

O'yin – inson o'zligining namoyon qilishi, uning takomillashuvi usulidir. O'yinda shaxsdagi mavjud barcha jihatlar ishga tushadi: Bola harakat qiladi, gapiradi, idrok qiladi, o'ylaydi, o'yin davrida inson hayoli, xotirasi faol ishlaydi, ta'sirchanlik va iroda sifatлари namoyon bo'ladi.

Akademik muvoffaqiyatga erishish uchun qilinayotgan siquv va bugungi bolalarning o'yinga bo'lgan ehtiyoji ortib ketdi, degan ikkita xato tushuncha maktabgacha ta'lim tashkilotlarida «boshlang'ich ko'nikmalar»ga qat'iy urg'u berilishiga sabab bo'ladi. Ilk davrlardagi rivojlanishning asosiy manbai o'yin hisoblanadi (Vigotskiy, 1976). Aslini olganda Katrin bilan Alen (1999) bolaning mukammal rivojlanishini o'yin orqali amalga oshiriladi, deb ta'kidlashgan. O'yin bolaning ilk o'rganish jarayonida, ayniqsa, intellektual o'sishida bugungi kunda eng muhim vositachi bo'lib qolmoqda. Uning ustiga so'nggi ilmiy tekshiruvlar o'yin orqali o'rganilmagan bilim tez yoddan ko'tarilishini tasdiqladi. O'yin nafaqat materiallar va jihozlardan foydalanishdan tashkil topgan, balki savodxonlik va fikrlar xilma-xilligini shakllantirishda foydalaniladigan so'zlar va fikrlardan ham iborat. Bundan tashqari, o'yin muammo yechim ko'nikmasini shakllantirishga undab, ijodkorlikni rivojlantiradi. Ijtimoiy va hissiy rivojlanishlar ham o'yin orqali amalga oshiriladi. O'yin umumiy rivojlanishni talqin etadi.

«Bolalar ta'lim olish jarayonida o'zlari biladigan narsalarni barcha kategoriyalarda birlashtiradi». Lawrence Frankning klassik fikrlari bugungi kungacha o'z ahamiyatini yo'qotmagan; «Bolani mustaqillik bilan tanishtirishga undaydigan, mustaqil o'rganishga yo'naltiradigan va dunyoni faol kashf qilishga chorlaydigan o'yin konsepsiyasi bolaning umumiy rivojlanishini kafolatlaydi. Bu ta'lim tizimimizni, qadriyatlarimizni va shaxsni mukammal rivojlanishga qo'shmoqchi bo'lgan g'ayratimizning tarjimasidir».

Suransky (1983) quyidagicha ogohlantiradi: «Bolalikda olib tashlangan o'yinlar, keyingi yillarda o'zining salbiy natijasini ko'rsatadi» (29-bet). Frobelning ta'kidlashicha, «erkin o'yinda bolalar o'zlarining yangi qirralarini kashf qiladilar». Almi, Monigan, Skalva Van Xun (1984) bunday deydi: «O'zining guruhdagi holati va dunyoviy ilmiy izlanishlaridan xabardor pedagog o'yinning muhim roli mavjudligini alohida inobatga oladi. Pedagogning vazifasi va mas'uliyatlaridan biri bolaning o'rganan narsalarini qiyoslashi va mustahkamlashi uchun yangi narsalarni o'rganishi uchun ma'noli o'yinlarni uyushtirishdir» (22-bet).

Maktabgacha ta'lim muassasasi pedagoglari soha olimlarining qo'yidagi gaplariga qo'shilyaptilar: bolaga yo'naltirilgan mashg'ulotlar, bolaning har tamonlama, ya'ni to'rta kategoriyasining hammasini qamrab olishi kerak. Biz bolalarning o'yin o'ynashga bo'lgan huquqlarini himoya qilishimiz zarur (Spidell Rusher, McGrevin, va Lambiotte, 1992). Wardle (1999, 7-bet).

Shuning uchun talim dargohlarida ta'lim-tarbiya berish jarayoniga o'yin elementlarining, muammoli holatlarning kiritilishi mashg'ulot va darslarni jonlantiradi.

O'yin moduli- mashqlarni xususiy tezlikda diqqat bilan tanishish va ketma-ket o'rganish orqali individual yoki guruh mashg'ulotlarida bir yoki bir necha malakaga ega bo'lish uchun mo'ljallangan alohida o'rgatuvchi paketdir.

“Uchta farqni top” o'yini.

Maqsad: kuzatuv malakalarini shakllantirish

O'yinning borishi: o'qituvchi ko'rsatmasiga ko'ra ishtirokchilar ikki qator bo'lib qarama qarshi turadilar, bir daqiqa ichida ichida bir-birlariga diqqat bilan nazar tashlaydilar va o'z juftlarining tashqi ko'rinishini elab qolishga harakat qiladilar. So'ng birinchi qator ishtirokchilari teskari o'giriladilar, ikkinchi qator ishtirokchilari esa o'z tashqi ko'rinishlarida uchta narsani o'zgartiradilar, ikkinchi qator ishtirokchilari esa o'z tashqi ko'rinishlaridagi uchta narsalarni o'zgartiradilar (masalan sharfini yechadilar, soch turmaklarini o'zgartiradilar, kastyumini yechadilar va xakozo) Birinchi qator ishtirokchilari o'z juftlariga o'grilib, ugrilib ulardagi ozgarishni topishlari lozim bo'ladi. So'ng ishtirokchilar rollari bilan almashadilar. O'yin qiziqarli otishi uchun avvaldan biror bir atributlar tayyorlab qo'yish mumkin. O'yin so'ngida ishtirokchilar o'z taassurotlari, yuzaga kelgan qiyinchiliklar bilan o'rtoqlashadilar.

Pedagog ushbu o'yinni o'tkazgan maxsus sirtqi bo'limda ta'lim oluvchi 155, 108, 111- guruh talabalari “Bolani kuzatish va baholash” mavzusi bo'yicha amaliy ko'nikmaga 86 % erishdi.

Ammo xuddi shu mavzuni o'yin texnologiyalarisiz ma'ruza shaklida o'rgangan 106, 107, 109, 110 - guruh tinglovchilari “Kuzatish va baholash” mavzusini atiga 50 % o'zlashtirganligi aniqlandi.

Natijalardan ko'rinib turibdiki, mavzularga mos o'yinlarni har bir mashg'ulotga kiritmas ekanmiz guruhda olib borgan ta'lim-tarbiya ishlarimizning samarasi juda kam bo'lishi mumkin. Bu esa biz tayyorlayotgan mutaxassislarning kiyengi faoliyatida ham o'zining salbiy naijalarini ko'rsatishi mumkin.

Xulosa o`rnida ta`kidlash lozimki, zamonaviy mujassam o`yin texnologiyalaridan foydalanilgan holda bulajak mutaxassislarini tayyorlash va dunyoqarashini rivojlantirishning muhim manbalaridan hisoblanadi. Shu munosabat bilan ta`kidlash lozimki, mamlakatimizda maktabgacha ta`lim sohasini rivojlantirish bo`yicha oiliy pedagogik talimni modernizatsiyalash, ayniqsa maktabgacha ta`lim sifatini yaxshilash bo`yicha to`plangan va ilmiy asoslangan xulosalar bulajak pedagoglar dunyoqarashini rivojlantiruvchi omil sirasiga kiradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. O`zbekiston Respublikasi Maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qo`yiladigan Davlat talablari. – Toshkent. 2018.
2. «Ilk qadam» Maktabgacha ta`lim muassasasining davlat o`quv dasturi. –Toshkent 2018-yil.
3. «Bolajon» tayanch dasturi (Takomillashgan «Maktabgacha ta`limga qo`yiladigan Davlat talablari» asosida ishlab chiqilgan). Toshkent – 2016.
4. L.G.Evstaf`eva I. V.Grosheva, S.S.Mirjalolova, M.N.A`zamova. Bilimdon (qisqa muddatli guruhlar uchun dastur) –Toshkent. 2014 y.

INTEGRALLASHGAN DARSLARNING TURLARI VA SHAKLLARI

*Sardoba tumani 2-umumiy o`rta ta`lim maktabi boshlang`ich sinf o`qituvchisi
Gulnoza Hayitmamatova
SVXTXQTMOHM katta o`qituvchisi Kulaxmedova Mavluda*

Insoniyat yuksak rivojlangan texnika va axborot texnologiyalari asriga qadam qo`ydi. Shunga ko`ra murakkab tizimdagi texnika va texnologiyalar bilan muomala qilib, ko`p miqdordagi axborotlar oqimidan o`rinli foydalanishga, ta`limga mas`uliyat bilan yondashadigan, har tomonlama chuqur bilim va malakaga ega bo`lgan kadrlar zarur. Hozirgi vaqtda rivojlangan mamlakatlarning 70 foizi ta`lim tizimida integrativ dastur va darsliklardan foydalanmoqdalar.

Shu jihatdan kelib chiqib, zamon talabiga ko`ra, rivojlangan mamlakatlarning ish tajribalariga tayanib, ta`limning usul va shakllarini integrallashtirib o`qitish muammosini hal etishni zarur deb hisobladik. Integrallashgan ta`lim predmetlararo aloqalardan keng foydalanuvchi darslar o`tkazilishini ham ko`zda tutadi. Eksperimentator-o`qituvchilar tomonidan tatbiq etilayotgan vositalar sinovdan o`tkazish va o`quvchilarning o`zlashtirish darajalarini va shaxslararo munosabatlarini pedagogik nazorat qilish integrallashgan diagnostikasi shakllarini amalga oshirish uchun tavsiya qilingan bu darslarning turlari va shakllarini biz quyida ko`rib chiqamiz.

Yangi bilimlar hosil qilish darsi quyidagi **shakllarda** loyihalanadi:

- ma`ruza dars
- sayohat dars
- tadqiqot dars
- teatlashtirilgan dars
- o`quv konferensiyasi
- sayr dars
- multimediyalar dars
- muammoli dars.

Darslarning tuzilishi quyidagi bosqichlarni birlashtiradi: tashkiliy, maqsadning qo`yilishi, bilimlarning dolzarblashuvi, bilimlarni kiritish, dastlabki mustahkamlash va tizimlashtirishni umumlashtirish, o`qishga yakun yasash, uy vazifasi va uni bajarish bo`yicha maslahatni belgilash.

Bilimlar hosil qilish darsining **maqsadi** – o`quvchilar tomonidan o`quv dasturida ko`zda tutilgan tushunchalar va ilmiy faktlarni o`zlashtirish bo`yicha ish tashkil qilish.

Vazifalar:

- **Ta`limiy vazifalari:** tanishtirish; tasavvur uyg`otish; kartalar, sxemalarni o`qish va tahlil qilishni o`rgatish; bilim faoliyatini kuchaytirish; tipik xususiyatlarni ochish va h.k.;
- **Tarbiyaviy vazifalar:** Vatanga muhabbat hissini, o`z yurti uchun faxr tuyg`usini tarbiyalash; ekologik madaniyatni shakllantirish, estetik tarbiya va h.k.;
- **Rivojlantiruvchi vazifalar:** tahlil qilish, taqqoslash, qiyoslash, asosiy narsani ajrata olish, sabab-oqibat aloqasini belgilash, misollar keltirishni davom ettirish, adabiyot, kartalar, jadvallar, sxemalar va boshqalar bilan ishlash ko`nikmalarini hosil qilish.

An`anaviy va zamonaviy darslarni ajrata bilish kerak.

An`anaviy dars umumta`lim vazifalarini hal qiladi o`quvchilarni bilimlar bilan qurollantiradi va u tushuntirish-illyustrativ metodi asosida quriladi. Bunday darsda ko`rgazmali qurollardan keng foydalaniladi, ko`rganlarni kuzatish va tasvirlash tashkil etiladi.

Ta`limning turli metodlari va vositalari birligi asosiga qurilgan bilimlar hosil qilishning **zamonaviy darsi** kompleks vazifalarni hal qiladi. Ta`limning tushuntirish-illyustrativ metodidan ham, qisman izlanish, tadqiqot metodlaridan ham, bahs-munozara, bilimlarning turli manbalaridan, teledasturlardan, kinofragmentlar, magnit

yozuvlardan, multimediya kurslari, internet-texnologiyalar, ta'lim va nazoratning boshqa texnik vositalaridan foydalanadi. Shuningdek, turli ish shakllaridan ham keng foydalanadi: guruh, frontal, zveno, juft, individual shakllar.

Bunday darslarda bilim orttirish vazifalarini hal etish uchun ijodiy potensialni ishga solish takliflarini aytish uchun katta imkoniyat yaratiladi, bir so'z bilan aytganda, o'quvchi shaxsining to'la rivojlanishi uchun sharoitlar yaratiladi.

Shuningdek, yangi bilimlar hosil qilish darsi turlari bo'lib quyidagilar hisoblanadi: **bilimlarni hosil qilish va rivojlantirish darslari, bilimlarni mustahkamlash va takomillashtirish darslari, yangi muammoli (tasavvurni) hissiyotni shakllantirish darslari.** Unga sanab o'tilgan dars shakllaridan seminarni, yakuniy konferensiya, yakuniy sayohatni qo'shish mumkin.

Dars tuzilishi o'quvchilarga juft, guruh va individual ishning har xil turlariga qo'shilish imkonini beradiki, ular dars vaqtining katta qismini band etadi. Ta'limning individuallashtirilgan va individual-guruhlashgan shakliga murojaat qilish ham mumkin.

Bu dars juda katta tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lib, u nafaqat o'quv materiali g'oyaviy mazmunidan samarali foydalanish hisobiga, balki ratsional muloqot va jamoaviy ishni tashkil etish ham iborat bir-biriga g'amxo'rlik qilishi, yordam ko'rsatishi va qo'llab-quvvatlashining namoyon bo'lishi uchun sharoitlar yaratiladi. Bu o'rinda amalga oshirilgan o'zaro nazorat, o'z-o'zini nazorat qilishning rivojlanishiga yordam beradi. Rivojlantiruvchi vazifalar shunda hal qilinadi.

Bilimlarni mustahkamlash bo'g'inlari birlashishida, malaka va ko'nikmalar hosil qilishda bilim, ko'nikma va malakalarni takomillashtirish darsi tuziladi.

Bu darsda o'quvchilar avvalgi bilimlariga suyanib, ularni rivojlantiradi, turli vaziyatlarda ularni qo'llashni o'rganadi. Bilimlarni anglash mahorati va ko'nikmalar hosil qilish jarayoni kechadi.

Bunday darslarda ta'limning amaliy metodlari hukmronlik qiladi, bilish faoliyati xarakteriga ko'ra esa afzallik qisman izlanish, reproduktiv metodlarga beriladi.

O'qituvchining faoliyati o'ziga xos bo'ladi. O'quvchilarning ishini avvaldan rejalashtirib olib, u tezkor nazoratni amalga oshiradi, yordam ko'rsatadi, qo'llab-quvvatlaydi va ularning faoliyatiga tuzatishlar kiritadi.

Bilimlarni amalda qo'llash darsi.

Bu turdagi darslarning asosiy shakllari:

- aylanma va amaliy o'yinlar;
- praktikumlar;
- loyihalarni himoya qilish darsi;
- sayohat;
- ekspeditsiya va h.k.

Dars tuzilishi quyidagi bosqichlarni ko'zda tutadi: tashkiliy, maqsadning qo'yilishi, uy vazifasini tekshirish va bilimlarni dolzarblashtirish, amaliy vazifalarni bajarishda bilim, malaka va ko'nikmalarni ishga solish. Bu darsda o'quvchilar avval orttirgan bilimlariga asoslanib amaliy faoliyat bilan shug'ullanadi. Avval uy vazifasining bajarilishi tekshiriladi, so'ng bilimlarni dolzarblashtirish maqsadida nazariy material ko'rib chiqiladi. Shundan keyin o'quvchilar aniq ifodalangan amaliy ahamiyatga ega bo'lgan konstruktiv topshiriqlarni bajarishga kirishadilar.

Masalan, ekskursiyadan olingan materiallarga tayanib o'quvchilar maktab tomorqasiga almashlab ekishni joriy etish sxemasini tuzadi. Konkret iqtisodiyot masalalarini o'rgana borib, sanoat korxonalarini mahsulot hajmini ko'paytirish bo'yicha tadbirlar rejasini tuzadi, iqtisodiyot qonunlariga suyanib iqtisodiy rivojlanish sxemasini tuzadi. Bu yerda ta'limning hayot bilan aloqa prinsipini amalga oshirish, turli jabha va predmet sohalarni integratsiyalash uchun keng imkoniyatlar beriladi.

Bu turdagi darsning **maqsadi** – bilimlarni amalda qo'llash.

ta'limiy vazifalari: olingan bilimlarni amaliyotda qo'llashni o'rganish; mavjud imkoniyatlarni konkret vaziyatda ishga sola bilish; o'quv materiallari bilan ishlash ko'nikma va malakalarini mustahkamlash; o'z nuqtai nazarini himoya qilishni o'rgatish; muammolarni ajrata olish ko'nikma va malakasini mustahkamlash;

tarbiyaviy vazifalar: aktiv faoliyatga jalb qilish; madaniyatni shakllantirish; jumladan, ekologik madaniyatni shakllantirish, o'quvchilarda insonparvar shaxs sifatini shakllantirish; muloqot ko'nikmalarini takomillashtirish;

rivojlantiruvchi vazifalar: bilim manbalari bilan ishlash malakasini takomillashtirish, tahlil qilish, turkumlashtirish ko'nikmalarini takomillashtirish va h.k.; chiqishlar qilish va o'z nuqtai nazarini himoya qilishni bilish; ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish, guruhlarda ishlashning kommunikativ ko'nikmalarini rivojlantirish; atrofdagi hayotni bilishga qiziqishni rivojlantirish.

Bilimlarni amalda qo'llash darslari juft, frontal, guruh bo'lib va individual ishning birligi asosiga quriladi. O'quvchilarning jamoaviy ishlarning har xil turlariga kirishishi shaxsda insonparvarlik sifatlarining shakllanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Ijodiy xarakterdagi vazifalarni hal etish asosida rivojlanayotgan o'quv faoliyati ularning samarali rivojlanishiga yordam beradi.

UZLUKSIZ TA'LIM JARAYONINI ISLOH QILISHNING SAMARADORLIGI

*Sirdaryo viloyati xalq talimi boshqarmasi tasarrufidagi
1-sonli viloyat xorijiy tillarga ixtisoslashtirilgan maktab-internat
ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi Normurodova Nargiza Alijon qizi*

Har bir davlat kelajagi fuqarolarning intellektual salohiyatiga, madaniyati, bunyodkorligiga tayanadi. Zero, eski ta'lim-tarbiya asosida yangi jamiyatni qurib bo'lmaydi. Shu jihatdan mamlakatimiz kelajagi, shubhasiz kadrlar tayyorlash masalasiga bevosita bog'liq. Yangicha fikrlaydigan, zamonaviy bilimlarni egallagan barkamol, tashkilotchi va zukko kadrlarga ega bo'lish uchun ta'lim-tarbiya dargohlaridagi sharoitlarni tubdan o'zgartirish, hozirgi davr talabi darajasiga ko'tarish masalasiga jiddiy e'tibor qaratilmoqda. Bu borada O'zbekistonda mustaqillikdan so'ng barcha sohalar kabi, ta'lim tizimi ham tubdan isloh qilinmoqda. O'zbekistonda ta'lim tizimida olib borilayotgan sa'y-harakatlar, erishilayotgan natijalar xalqaro hamjamiyat tomonidan alohida e'tirof etilayotgani diqqatga sazovordir. Yosh avlodga xalqaro talablar darajasida zamonaviy bilimlarni berish, yetakchi va ilg'or o'qitish uslublaridan foydalanish, uzluksiz ta'lim jarayonining barcha sohalarida ushbu islohotlarni birdek amalga oshirish bugungi kunning dolzarb muammolaridan biridir. Ta'lim sohasida o'tkazilayotgan islohotlarning natijasi sifatida nafaqat ta'lim sohasida faoliyat yuritayotgan kishilar, balki xalqimiz ongida ham ta'lim-tarbiya tizimiga nisbatan katta o'zgarishlar paydo bo'ldi, yoshlarimiz o'rtasida esa bilim olishga bo'lgan intilish va qiziqish kuchaydi. Ta'limning rivoji va barkamol avlod tarbiyasi uchun asosiy sharoit yaratib beradigan omil sifatida uzluksiz ta'lim tizimini takomillashtirish bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan bo'lib kelmoqda. Zamonaviy dunyoda yangicha texnologiyalar bilan uyg'unlashgan ishlab chiqarish kuchlarining rivojlanib borayotganligini kuzatishimiz mumkin. Ishlab chiqarish rivojlanar ekan malakali mutaxassislariga bo'lgan ehtiyoj ham kundan-kunga ortib bormoqda. Avvallari malakali mutaxassis deganda soha yuzasidan muayyan ma'lumotga ega, shu sohada bir qancha vaqt faoliyat yuritgan tajribali kishi tushunilsa, endilikda esa butun umri davomida sohada ro'y berayotgan o'zgarishlarni o'rganib, tushunib, rivojlantirib boradigan mutaxassislariga malakali mutaxassis deb qaraladigan bo'ldi. Oldinlari sohalarda yangiliklar har 20-30 yilda bo'lgani uchun ham eski avlod bilan yangi avlod bilimlari orasida deyarli farq sezilmas edi. Biroq hozirda sohalar yuzasidan har yili yangiliklar bo'lib turgani uchun ham eski avlod vakillari yangicha bilimlarni o'zlashtirishga ulgur olmay qolishyapti. Bu muammoni bartaraf etishning yagona yo'li bu uzluksiz ta'lim jarayonini tizimli ravishda bosqichma-bosqich isloh qilib borishdir.

Uzluksiz ta'lim – o'zaro mantiqiy izchillik asosida bog'langan, hamda soddadan murakkabga qarab rivojlanib boruvchi va bir-birini taqozo etuvchi bosqichlardan iborat yaxlit ta'lim tizimi. Uzluksiz ta'lim tizimining faoliyati davlat ta'lim standartlariga asoslanadi. Uzluksiz ta'lim tizimi har taraflama mukammal va davlatimiz taraqqiyoti uchun xizmat qilishga layoqatli malakali kadrlar tayyorlash uchun zaruriy muhitni yaratib beradi.

2018-yilning 5-sentabr kuni PQ-3931-sonli qaror asosida 2018-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasi xalq ta'limi tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari dasturi qabul qilindi. Ushbu dasturning ikkinchi bo'limi "Ta'lim sifatini yaxshilash va innovatsion ta'lim texnologiyalarini joriy etish" deb nomlanib, unda uzluksiz ta'lim tizimida yangicha o'quv dasturlari va darsliklarni, hamda STEAM ta'limini xalq ta'limi tizimida bosqichma-bosqich joriy qilish va takomillashtirishning ustuvor yo'nalishlari ko'rsatib o'tilgan. Unda uzluksiz ta'lim tizimida faoliyat yuritayotgan har bir bo'g'in rivojlangan xorij tajribalarini joriy qilgan holda rivojlanishlarining nazariy asoslari belgilab berilgan. Yoshlarga bilim berishda ular olgan bilimlarini hayotda qo'llash ko'nikmasi kompetensiyaga asoslangan holda berilishi, har bir o'quv topshiriqlarini chuqur mantiqiy fikrlaydigan va qiziqarli tarzda berilishi ta'limga bo'lgan qiziqishning yanada ortib borishiga olib keladi.

Uzluksiz ta'lim tizimining asosiy maqsadi – ijtimoiy-siyosiy jarayonda mustaqil fikrlaydigan, istiqbolli maqsadlarni aniqlaydigan va ularning yechimlarini topa oladigan, ijodkor, yuksak kasbiy madaniyatga ega bo'lgan yangi avlodni shakllantirishga yo'naltirilgan. O'zining oilasiga, xalqiga va vataniga sadoqatli, barkamol shaxslarni tarbiyalash muammolari doimo davlat va jamoatchilikning diqqat markazida bo'lib kelgan. Zotan, har bir mamlakatning buguni va kelajagi, tom ma'noda, ta'lim tizimining qay darajada rivojlanganligini, yosh avlodning kelajagi uchun yaratilgan shart-sharoitlar bilan belgilanadi. Bugungi yoshlarimiz yurtimizdagi yangi, moddiy ta'minlangan, zamonaviy talablar asosida faoliyat yuritayotgan tarmoqlarda murakkab texnologiyalarni boshqarmoqda, ilm-fan, madaniyat, sport yo'nalishida turli yutuqlarni qo'lga kiritmoqda. Bu ham uzluksiz ta'lim tizimining barcha sohalariga ularga yetarli bilim va tarbiyani berayotganining yaqqol natijasidir.

Xulosa qilib shuni e'tirof etish kerakki, mamlakatimizda qabul qilingan barcha ijtimoiy dasturlar, qonun va qarorlar Vatan ravnaqi, yurt tinchligi va xalq farovonligini ta'minlashga qaratilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Abu Nasr Farobiy. "Fozil odamlar shaxri". Toshkent, 1998.
2. Yo'ldoshev J. "Ta'limimiz istiqloli yo'lida" – Toshkent:Sharq.1996.
3. Sobirov B. "Ta'lim tizimi takomillashmoqda" // O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi. – Toshkent, 2008.N6son. –B.41-43.
4. "Xalq so'zi" 2012-2019-yillar.
5. www.uza.uz-O'zbekiston Respublikasi Axborot agentligi rasmiy sayti.

O'QUVCHILARDA IJODKORLIKNI SHAKLLANTIRISHDA TA'LIMIY O'YINLAR O'RNI

Xoliqulova Mahbuba Qaysarovna

Mirzaobod tumani 4-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi.

O'yin-bola hayotining uzviy qismidir. O'yin orqali bola atrof-muhit, tabiat hodisalari, manzaralari, buyumlar, o'simliklar, hayvonlar, dunyosi bilan tanishadi.

Boshlang'ich ta'lim davrida o'quvchilarning aqliy va jismoniy faoliyatini tashkil qilishda didaktik o'yinlar alohida ahamiyatga ega. Didaktik o'yinlar o'quvchilar aqlini charxlaydi, so'z boyligining oshishi, og'zaki nutqining rivojlanishiga, mukammal inson bo'lib kamol topishida g'oyat katta tarbiyaviy ta'sir kuchiga ega.

Didaktik o'yinlar jaryonida, o'quvchilar o'yin qoidalariga qat'iy rioya qilishga o'rganadilar, inoqlik his-tuyg'ulari, dunyoqarashlari shakllanib boradi. Ayniqsa, o'yin jarayonida ularning idroki, zehni, xotirasi, bilim olish ishtiyoqi va ehtiyoji mustahkamlana boshlaydi, ziyrakligi, diqqati, topqirligi ortib boradi. O'quvchilarning istedodi, ijodiy qobiliyati namoyon bo'la boshlaydi.

Ta'lim jarayonida didaktik o'yinlar o'quvchilarning yosh xususiyatiga ko'ra tashkil etilishi kerak. Bu esa ularga bilim berishni yengillashtirishga, ko'rgazmalilikni ta'minlashga qaratilgan bo'lib, o'quvchilarni toliqtirmaslik imkoniyatini yaratadi. Didaktik o'yinlarni xilma-xil tarzlarda tashkil qilish mumkin.

Didaktik o'yinlarni tashkil etishda qo'g'irchoqlar, o'yinchoqlar, rasmlar va tarqatmalar, turli geometrik shakllardan ham foydalanish mumkin.

Har bir didaktik o'yinni boshlashdan oldin o'quvchilarga o'yinning qoidasi, mazmuni, yakuni nimadan iborat ekani o'qituvchi tomonidan tushuntiriladi. O'quvchilar uni tushunib, anglab, shu asosida harakat qiladilar.

Bolaning asosiy faoliyati o'yin davrida ham mehnat, o'qish faoliyatining ma'lum qismlari bilan shug'ullanadi, mehnat faoliyati asosiy hisoblangan katta yoshdagilar ham o'qish faoliyati bilan o'z yo'nalishlari bo'yicha shug'ullanib boradilar. shularni hisobga olgan holda boshlang'ich sinf o'quvchilarining ham asosiy faoliyati o'qish bo'lsada, lekin ularning yosh va individual psixologik xususiyatlari bolalarni o'yindan to'laqonli ajratish imkonini bermaydi. Shu bois boshlang'ich sinflarda berilayotgan materialni o'yin vositalaridan foydalangan holda berish o'quvchilarni faoliyatini samarali bo'lishiga olib keladi.

O'quvchi ta'limiy o'yin asosida o'zida erkinlikni his etadi, tushunmaganini o'yin asosida tushunish vaziyati yuzaga keladi, darsga qiziqishi ortadi.

Didaktik o'yinlar ta'lim jarayoni samaradorligini oshiradi, ta'lim jarayonida o'quvchilar faolligini, o'qish motivlarini rivojlantiradi. Didaktik o'yinlar boshlang'ich sinflarda ta'limning samarali bo'lishiga, o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyatini muvaffaqiyatli boshqarishga ham katta yordam beradi, ya'ni didaktik o'yinlar vositasida nazariy bilimlar oson egallanadi, o'quvchilarning bilim olishga qiziqishlari ortadi. Tavsiya etilayotgan didaktik materiallar va o'yinlardan har bir o'qituvchi samarali va ijodiy foydalanishlari mumkin. Bu esa o'qituvchilarning ta'lim sohasida erishadigan yutuq va muvaffaqiyatlari uchun omil bo'ladi, degan umiddamiz.

„KIM KO'P SO'Z TUZADI“ o'yini.

O'quvchilarga biror harf (tovush)ga oid so'zlar topish vazifasi yuklanadi. Bu harf (tovush) so'z boshi, so'z o'rtasi va so'z oxirida keishi lozimligi vazifasi beriladi.

Masalan, "a" tovushiga oid so'zlar toping.

So'z boshida: ayiq, asal,...

So'z o'rtasida: sariq, maktab,....

So'z oxirida: bog'cha, chana....kabi

“KIM KO'P BILADI” O'YINI.

O'rganilayotgan harf yuzasida bir guruh meva, 2-guruh, hayvon, 3-guruh gul, 4-guruh narsa, 5-guruh savzavot nomlarini topishlari so'raladi.

Masalan: "B" harfi

1-guruh: banan, behi,

2-guruh: begemot, baqa..

3-guruh: binafsha, boychechak..

4-guruh: belkurak, botinka..

5-guruh: baqlajon, bodring kabi

Bu o'yinlar asosida bolalar tovush va harf haqidagi tushunchalari kengayib boradi.

”BERILGAN BO`G`INLARDAN GAP TUZING” O`YINI.

Biror maqol, hikmatli so`z yoki mavzuga oid gapni bo`ginlar orqali hosil qilish vazifasi beriladi. Masalan: Qat-ra-qat-ra yi-g`i-lib dar-yo bo`-lur. Maqoli bo`g`inlarda aralash holda beriladi, o`quvchilar topshiriqni bajarishlari uchun bo`g`inlarni to`g`ri qo`ya bilishlari lozim.

“SO`Z ICHIDAN SO`Z TOP” O`YINI.

O`quvchilarga bir so`z beriladi, bu so`z ichidan so`zlar topish vazifasi yuklanadi, yani 1-2-sinflarga 2-3 bog`inli so`zlar. Masalan: “Mirzacho`l” so`zi ichidan so`zlar hosil qilish:

Mirza , cho`l , zira, zo`r, zar , o`ra , lim kabi...

O`zbekiston: o`z, o`zbek, bek, is, zeb , zebo kabi...

“Guliston”, “Maktabshunoslik”, “Tabiatshunoslik” so`zlarini ham shu asosda berish mumkin.

Bu o`yin aqliy hujum metodi asosida tashkil etilsa , maqsadga muvofiq bo`ladi.

“BERILGAN SO`ZLARGA BO`GIN, SO`ZLAR QO`SHISH ORQALI YANGI SO`ZLAR HOSIL QILING” O`YINI.

O`quvchilarga so`z beriladi bu so`z so`z boshida o`rtasida oxirida kelishi mumkinligi ta`kidlanib, yangi so`zlar hosil qilish so`raladi. Masalan: “Oy” so`zi Oygul, Oybek, Shirinoy, Oysanam kabi....

“Gul” so`zi asosida Gulnora, Gulchehra, guldon, gulchi kabi...

Yuqorida ko`rsatib o`tilgan o`yinlar asosida bolalarda mustaqil fikrlash o`z fikrini o`zgalar bilan muhokama qilish va o`z lug`at boyligini oshirish, og`zaki va yozma nutq malakalarini shakllantirish imkoniyatlari yuzaga keladi.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Чинниева Хамида Сардоба тумани 2-умумий урта таълим мактаби
бошлангич таълим уқитувчиси*

Кулахмедова Мавлуда СВХТХКТМОХМ катта уқитувчиси

Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бир қатор умуммиллий дастурларнинг таълим тизимиغا муваффақиятли жорий этилиши натижасида мамлакатимизда таълим-тарбия ишлари бутунлай янгича тус олди.

Таълим тизими илғор бўлган давлатлар тажрибасини ўрганиб, муаллифлар маорифга ажратилаётган маблағдан ташқари, таълим олишга бўлган истак ва имконият ҳам ушбу масалада катта ўрин тутишини аниқлашибди. Осиё китъаси вакиллари оламшумул муваффақиятига болалар ота-оналарининг билимни қанчалик кадрлашлари сабаб бўлибди.

Ҳаттоки, бошқа давлатларга кўчиб борган тақдирларида ҳам, осийлик ота-оналарнинг таълимга бўлган муносабатлари ўзгаришсиз қолиши муаллифларни, айниқса, ҳайратга солибди.

Сўнгги йилларда мамлакат ва хориж олий ўқув юрларида илм-фаннинг энг замонавий йўналишлари ва илғор технологиялар соҳасида мутахассислар тайёрлаш устувор вазифалардан бирига айланди. Ушбу чора-тадбирлар натижасида Сингапур илмий-техник ривожланиш соҳасида жаҳонда етакчи мамлакатлардан бирига айланди. Айни пайтда бу мамлакат ер шарида 10 минг киши ҳисобига олимлар кўпчиликини ташкил этадиган (47) беш мамлакат қаторидан жой олган. Сингапур ялпи ички маҳсулотга нисбатан илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига маблағ сарфлаш даражаси бўйича ўзининг собиқ мустахлақачиси Буюк Британиядан ҳам олдинда туради. Сингапурда умумий таълим тизими ҳақида тўхталганда қўйидагиларга эътибор қаратиш лозим. Сингапур умумий таълим тизими уч босқичдан иборат. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 4 та таълим ҳудудига бўлинган бўлиб, ҳар бир ҳудуд 7 та мактаб кластеридан иборат. Ҳар бир кластер ўртача 12-14 бошланғич ва ўрта мактабни ўз ичига олади.

Жумладан, 1961 йилдан 1991 йилгача Сингапур ҳукумати мактаб тизимининг мустақиллиги ва мослашувчанлигини оширишга, шунингдек, таълим сиёсатини мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасини оширишга йўналтириш, ёшларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган қатор ислохотларни амалга оширди. Ислохотларнинг яна бир мақсади, таълим жараёнининг моҳияти нафақат болалар миясини турли хил фан билимлари билан тўлдириш бўлмай балки ёшларни ҳаётий кўникмалар- масъулият, ўзаро ёрдам ҳисси, ишга муҳаббат, қизиқувчанлик, жасорат ва мослашувчанликни шакллантириш эди.

Сингапурда ўқувчиларни мактабга қабул қилиш 6 ёшдан бошланади. Бошланғич мактабда талабалар математика, инглиз тили, этика, мусиқа ва жисмоний тарбия каби фанлардан асосий билимларни олади. Ўрта умумий таълим 4 йил давом этади. Ушбу босқичда талабалар техник соҳани, бухгалтерия ҳисоби, шунингдек давлат ва хорижий тилларини ўрганишга ихтисослашган йўналишлардан бирини танлашлари мумкин. Бу босқичдан сўнг умумтаълим мактаблари битирувчилари техникумларга (3 йиллик) ёки техник институтларга (ўқиш муддати - 2 йил) ўқишга қабул қилинади. Талабалар ушбу ўқув даргоҳларида қўйидаги

соҳаларда мутахассисликларни олишлари мумкин: муҳандислик, алоқа, рақамли технологиялар, биотехнология ва бухгалтерия ҳисоби. Шу ўринда умумтаълим мактабларини молиялаштириш масаласига ҳам тўхталиб ўтсак. Сингапурда давлат томонидан ажратилган барча маблағлар, шунингдек, ўқув тўловлари мактаб фондига тушади. Кластер раҳбарлари мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали келиб тушган маблағларни ва барча ҳаражатларни нашр этадилар.

Мактабларда ўқувчиларнинг ота-оналари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. "Ота-она ва мактаб ҳамкорлиги" деб номланган махсус дастур доирасида қуйидаги ишлар амалга оширилади: а) ўқувчилар учун қулай шароит яратишда ота-оналарга ёрдам; б) мактаб ва ота-оналар ўртасида самарали маълумот алмашиш; в) турли хил тадбирларни ҳамкорликда ташкил этиш, масалан, мактаб нашрлари, ота-оналар иштирокидаги конференциялар ("мактаб-ўқувчи-ота-она" занжири); г) мунтазам равишда ота-оналарга ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштирганлиги тўғрисидаги ахборотни, ҳисоботларни тақдим этиш. Бу эса ўз навбатида ўқувчини назорат қилиш имконини беради ва унинг ўқишини яхшилаш учун таъсир ўтказди ("қайта алоқа" тизими); д) мактаб қарорларини қабул қилиш жараёнида ота-оналарни жалб қилиш. Сингапур таълим тизимининг асосий афзаллиги - ўқитувчилар таркибини танлашдир. Мамлакатда ўқитувчилар малакасини ошириш соҳасида Миллий таълим институти (МТИ) фаолият юритмоқда. Ушбу институтда ўқитувчиларни учта йўналиш бўйича қайта тайёрлаш курслари мавжуд:

- 1) профессионал ўқитувчилик;
- 2) таълим вазирлигида фаолият юритувчи мутахассис;
- 3) мактаб маъмурияти бошлиғи.

Бундан ташқари, институт дунёдаги энг яхши педагогик амалиётларни таҳлил қилиш бўйича фаол тадқиқот ишларини олиб боради. Таъкидлаш жоизки, ушбу институт мамлакатдаги малакали педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича ягона институтдир.

Таълим вазирлиги ўрта мактаб битирувчилари орасидан энг иқтидорларини ўқитувчилик касби учун танлаб олади. Улар ўқитувчи иш ҳақининг 60 фоизига тенг бўлган стипендия олишади ва камида уч йил давомида педагогик билим берилади. Бундан ташқари, Сингапурнинг мактабларида тажрибали ўқитувчилар янги келган ўқитувчиларни "шогирдликка"га олиш, мураббийлик тизими ташкил этилган.

PEDAGOGIK FAOLIYATDA MULOQOT MADANIYATI VA QOBILIYATLARNING O'RNI

*Rizanova Davlatoy, Sirdaryo viloyati Sardoba tumani
13-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Insoniyat tomonidan minglab kasb-hunar bajarib kelinadi. Har bir kasb yuhori saviyada bajarilishi, kasb mahoratining talablariga javob berishi kerak.

Pedagogik mahorat deganda pedagogik faoliyat yuritishda murabbiyning qobiliyatlarini oliy darajada namoyon etishi, butun borlig'ini ta'lim-tarbiyaga yo'naltirish tushiniladi. Pedagogik mahorat uzoq vaqt davomida o'qish-o'rganish, mashq qilish, tajribalar asosida hosil qilinadi. Pedagogik mahoratning boshqa kasb mahoratlardan farqi shundaki, u bir qancha qirralarga bo'linadi.

Pedagogik mahorat - yuksak darajada pedagogik faoliyat yuritishga o'zini yo'naltira bilish uchun zarur bo'lgan shaxsiy xususiyatlar yihindisidir.

Pedagogik mahoratni quyidagi tarkibiy qismlar tashkil etadi:

- insonparvarlik (gumanistik) yo'nalishi;

kasb bilimdonligi;

pedagogik qobiliyatlar (didaktik, tashkilotchilik, pertseptiv, sugestiv, akademik);

pedagogik texnika.

O'qituvchi shaxsining insonparvarlik (gumanistik) yo'nalishi – g'oyalari, qizihishi, qadriy yo'nalishlari;

har bir o'qituvchi shaxsining pedagogik yo'nalishi turlicha, ko'p qirrali. Uning qadriy yo'nalishini: 1) o'z-o'zida bilimdon, talabchan, haqiqiy o'qituvchini ko'rishga; 2) pedagogik ta'sir etish vositalariga (o'quv materiallari va hokazo); 3) o'quvchiga, bolalar jamoasiga 4) pedagogik faoliyat maqsadiga - faoliyat ob'ekti, vositalari.

Kasbiy bilimdonlik. Pedagogik mahoratning asosiy poydevori - kasbiy bilimlardir. O'qituvchining bilimlari, bir tomondan, o'zi o'qitadigan predmetlarga qaratilgan bo'lsa, ikkinchi tomondan, ularni o'zlashtiradigan o'quvchilarga qaratilgan. Kasbiy bilimlarning mazmunini o'zi o'qitadigan predmetni, uning metodikasini, pedagogika va psixologiyani bilishni tashkil etadi.

Pedagogning mahorati - bilimlarni "insoniy lashtirish" dadir, ularni auditoriyaga oddiy kitobdangina emas, balki o'zining dunyoqarashi sifatida bayon etadi. Pedagogning kasbiy bilimlari asosida pedagogik ong shakllanadi, uning harakatlari asosida yotuvchi printsiplari va qoidalarga amal qilinadi.

Pedagogik qobiliyatlar. Bu psixologik jarayonda kechadigan xususiyat bo'lib, pedagogik faoliyat samarasiga ta'sir etadi. Pedagogik hobiliyatlarini bir qancha yirik olimlar (Gonobolin F.N., Kuzmina N.V., Krutetskii V.N. kabi) tadqiq etganlar. Qayd etilgan mualliflarga suyanganda holda shaxsning pedagogik faoliyatiga tegishli asosiy oltita qobiliyatini ajratib olishimiz mumkin:

- 1) Muloqot qila olish, bu o'z ishiga, kishilarga bo'lgan munosabat, xayrixohlik, yaxshilikni ravo ko'rish.
- 2) Idrok eta olish qobiliyati - kasbiy xushyorlik, sezgirlik, pedagogik zehn.
- 3) Shaxs jo'shqinligi - irodaviy ta'sir ko'rsata olish va mantiqan ishonтира olish qobiliyati.
- 4) hissiy turqunlik - o'zini qo'lga olish qobiliyati.

5) Optimistik faraz, baholash qobiliyati.

6) Ijodiy qobiliyat.

Pedagogik texnika

Bu pedagogik mahoratning to'rtinchi tarkibiy qismi - o'qituvchi xatti-harakatini tashkil etish shakli. Faqat bilish, yo'nalish va qobiliyatlarga ko'nikmalarsiz yaxshi natijalar garovi emas.

Pedagogik texnika o'z ichiga ikki guruhdagi ko'nikmalarni oladi: o'z-o'zini boshqara olish ko'nikmalari va pedagogik vazifalarni hal etish jarayonida o'zaro ta'sir etish ko'nikmalari. Birinchi ko'nikmalari - bu o'z tanasi, hissiy holati, nutq texnikasini boshqarishga qaratilgan. Ikkinchisi – didaktik, tashkilotchilik ko'nikmalari, aloqali o'zaro ta'sir texnikasiga ega bo'lish.

Har qanday faoliyat kabi pedagogik faoliyat qam o'z ichiga o'ziga xos xususiyatlar bilan farq qiluvchi quyidagi komponentlar (tarkibiy qismlar) ni o'z ichiga oladi: maqsad, vosita, ob'ekt, sub'ekt. Eng avvalo pedagogik faoliyatning maqsadi o'ziga xos xususiyatga ega.

1. O'qituvchi ishining maqsadi jamiyat tomonidan belgilanadi, ya'ni o'qituvchi erkin holda o'z mehnatining natijasini tanlamaydi, uning harakatlari o'quvchi shaxsini har tomonlama rivojlantirishga qaratilmog'i lozim.

2. O'qituvchining faoliyati har doim boshqalar faoliyatini boshqarish faoliyatidir.

3. Boshqa kishi faoliyati (ta'lim-tarbiya)ni boshqarish shuning uchun ham murakkabki, pedagogning maqsadi tarbiyalanuvchining kelajagini ifodalaydi.

Pedagogik mehnatning ob'ekti - inson, shakllanayotgan shaxs ma'naviy dunyosining nozik tomonlari – aql, hissiyot, iroda, e'tiqod, o'z-o'zini anglash kabilar. Sub'yekt - tarbiyalanuvchiga ta'sir etuvchilardir, ya'ni pedagog, ota-onalar, jamoa tarbiyalanuvchiga ta'sir ko'rsatuvchi asosiy qurol - o'qituvchi shaxsi, uning bilim va ko'nikmalaridir. Tarbiyaning asosiy vositalari - bu tarbiyalanuvchilar ishtirok etadigan har xil faoliyat turlaridir: mehnat, muloqot, o'yin, o'qish, badiiy estetik va boshqa faoliyatlar.

Yuqorida aytib o'tilganidek pedagogik faoliyatning asosiy komponentlari bu maqsad, sub'ekt, vositalaridir. Pedagogning vazifasi bu elementlarni boshqarishdan iboratdir. Pedagogik mahoratni shakllantirish mumkin. Pedagogik oliy o'quv yurtlarida birinchi kunlaridan kasb tarbiyasiga alohida e'tibor berilishi zarur. Bo'lajak o'qituvchining shakllanishi ta'lim-tarbiya jarayonida amalga oshiriladi. Asosiy o'rinni psixologik-pedagogik fanlar tizimi egallaydi (pedagogika nazariyasi va tarixi, yangi pedagogik texnologiya, pedagogik mahorat, psixologiya). Mutaxassislik fanlar fundamental bilim berish bilan birgalikda bo'lajak o'qituvchini dunyoqarashini, metodologik bilimlarini shakllantiradi.

Pedagogik mahorat amaliyot davrida yanada rivojlanadi va talabalarda amaliy ko'nikma, malakalar tekshiriladi. Pedagogik mahorat rivojlanishida muhim o'rinni bo'lajak o'qituvchini ijtimoiy - pedagogik faoliyati bajaradi. Bu faoliyat qancha mazmunli va keng bo'lsa, shuncha uning samaradorligi oshadi.

Shuni alohida qayd etish lozimki, qech qanday oliy ta'lim muassasasi tayyor holdaga mahoratli pedagogni yetkazib bera olmaydi. Mahoratga erishishning eng samarali va to'g'ri yo'li o'z-o'zini tarbiyalashdir. O'z-o'zini tarbiyalash usul va vositalari nihoyatda ko'p, qolaversa o'qituvchilikning o'zi ijodiy soha hisoblanadi, izlanishni talab etadi.

BO`LAJAK BOSHLANG`ICH SINF O`QITUVCHILARIDA KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYANI SHAKLLANTIRISH.

JizPI tayanch doktoranti Azizov O.E

Zamonaviy ta'lim makonida ishning eng yaxshi natijalariga erishish, ta'lim sifatini oshirish, belgilangan maqsadlarga erishish uchun o'qituvchining vakolatlarini rivojlantirish darajasiga e'tibor berishi kerak. Ta'limda vakolatlarga asoslangan yondashuv yangi natijalarga yo'naltirilgan ta'lim paradigmasining asosiy tarkibiy qismidir.

Tadqiqotchilarning fikriga ko'ra (B. Oskarsson, A.V. Xutorskoy) kommunikativ kompetensiyani asosiy ko'nikmalarga bog'lash mumkin - "bu shaxsiy va shaxslararo fazilatlar, qobiliyatlar, ko'nikmalar va bilimlar turli xil ish va ijtimoiy hayotning turli shakllarida va turli xil vaziyatlarda namoyon bo'ladi".

Ortiqcha kasbiy ko'nikmalar (kasbiy mahoratdan tashqari) - kasbiy faoliyat samaradorligini oshirishga qodir ko'nikmalar. Kasbiy mahorat quyidagilarni o'z ichiga oladi: aniqlik va maqsadga muvofiqlik; ona tilida adabiy va ishbilarmonlik, yozma nutqni yaxshi bilish; chet tilini bilish; kompyuter texnologiyalaridan foydalanish qobiliyati; psixologiya va aloqa etikasini bilish; vaqtni boshqarish qobiliyati; jamoada ishlash (yetakchilik ko'nikmalari); aks ettirish mahorati; ijodiy fikrlash; o'zgaruvchan sharoitlarga moslashish qobiliyati; o'z-o'zini rivojlantirish va o'z-o'zini tarbiyalash qobiliyati.

Kommunikativ kompetentsiya - bu o'qituvchining ma'lum bir qator muammolarni hal qilish qobiliyatini belgilaydigan supraprofessional kompetentsiya. Sub-subyektiv kompetensiyalar - bu yuqori darajadagi professional qobiliyatlar, shaxslarning muvaffaqiyatli o'zaro munosabatlarini ta'minlaydigan shaxsiy fazilatlar. Ular faoliyatning turli sohalarida talabga ega, ular integrativlik (bir hil ko'nikma va bilimlar), ko'p funktsionallik (tegishli muammolarni hal qilish qobiliyati), fanlararo (bilimlarni bir fan sohasidan boshqasiga o'tkazish va ularni turli vaziyatlarda qo'llash qobiliyati) bilan ajralib turadi.

Adabiyotda pedagogika universitetlari talabalari o'rtasida kommunikativ kompetensiyani shakllantirish jarayoni batafsil tavsiflangan, uning miqdorini o'lchash muammosi ko'rib chiqilgan. Shuningdek, o'qituvchining kommunikativ kompetensiyasining mohiyati, tuzilishi (G.S. Trofimova) tomonidan ochib berilgan Biz uzluksiz ta'lim tizimida o'qitishning zarur tarkibiy qismi sifatida boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining kommunikativ kompetensiyasi tushunchasining mohiyatini va uning mazmunini o'rganish.

Boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining kommunikativ kompetensiyasi - bu ma'lumotni uzatish, almashish, aloqalarni o'rnatish, vaziyatni boshqarish uchun o'qituvchining aloqa jarayoniga qadriyatli munosabati, ongli samarali ijtimoiy o'zaro ta'sir o'tkazish uchun zarur bo'lgan bilim va ko'nikmalarni (jamiyatning har bir elementining o'ziga xosligini saqlab turishda) ta'minlaydigan integrativ shaxsiy fazilati, og'zaki va og'zaki bo'lmagan vositalardan foydalanish. Shaxsning integrativ sifati (falsafa nuqtai nazaridan), diqqat markaziga ega bo'lgan, o'zini o'zi rivojlantirish va ishlash qobiliyatiga ega bo'lgan shaxs substruktsiyasining elementi sifatida tushuniladi. Integrativ fazilatlar tizimida yetakchi rol asosiy fazilatlariga tegishli. Integrativ fazilatlar shaxsiy fazilatlarini shaxs yo'nalishi atrofida bog'laydi. O'qituvchining aloqa jarayoniga bo'lgan munosabati quyidagilarni o'z ichiga oladi: o'quvchining o'quv faoliyati sub'ekti sifatidagi rolini tushunish, boshlang'ich maktab o'quvchilari va ularning ota-onalari bilan kooperatsion aloqalarni o'rnatish, o'quv materialining o'quvchining shaxsini shakllantirish va rivojlantirish uchun imkoniyatlaridan foydalanish.

Boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining kommunikativ kompetensiyasining mohiyati hayotiy vaziyatlarni hal qilishning eng samarali usullarini topishga, o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi munosabatlarni buzilmasdan o'zaro amalga oshirishga, texnikalarni joriy etishga qaratilgan bilim va ko'nikmalaridagi tizimli o'zgarishlardan iborat.

Bizning fikrimizcha, boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining aloqa jarayoni - bu aloqa uchun aloqa emas, balki o'qituvchi tomonidan boshqariladigan va sinergik boshlanadigan yo'naltirilgan aloqa. Vakolat va vakolatli tushunchalarini aniqlashda olib borilgan nazariy tadqiqotlar asosida boshlang'ich umumiy ta'lim o'qituvchisining kommunikativ vakolati tarkibiga quyidagilar kiradi degan xulosaga keldik:

- amaliy tajribani hisobga olgan holda o'qituvchi faoliyatini algoritmlashtirishning kombinatsiyasi;
- o'qituvchining nazariy bilimlarni, amaliy ko'nikmalarni birlashtirishga asoslangan harakatlarga psixologik va shaxsiy tayyorgarligi;

- o'qitish usullari va ularni amalda qo'llash.

Keling, boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining kommunikativ vakolati tarkibini batafsil ko'rib chiqaylik.

Epistemologik tarkibiy qism - bu hal qilinishi kerak bo'lgan vazifalar mazmunini bilish, ma'lumot qidirish va almashish, qaror qabul qilish.

Epistemologik tarkibiy qism quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- pedagogik muloqot ko'nikmalarini takomillashtirish usullarini bilish;
- psixologik va pedagogik ta'sir usullarini bilish;
- bolalarning yoshi va individual xususiyatlarini, shu jumladan psixologik xususiyatlarini bilish;
- zamonaviy jamiyatning rivojlanish tendentsiyalari to'g'risidagi bilimlar kabilar.

Aksiologik tarkibiy qism - bu qadriyatlar va qiymat yo'nalishlari, kasbiy faoliyat motivlari, harakatga tayyorlik, o'z-o'zini tarbiyalash qobiliyati.

Aksiologik tarkibiy qism quyidagilarni o'z ichiga oladi:

- o'qituvchi tomonidan o'quv jarayonidagi har bir ishtirokchining axloqiy pozitsiyalarini tushunish va ularga hurmat;

- ijobiy tajribani tarqatish, o'qituvchini innovatsion amaliyotida qo'llash;

- o'qituvchining motivatsiyasi.

Boshlang'ich umumiy ta'lim o'qituvchisining o'ziga xos xususiyatlari boshlang'ich maktab o'quvchilariga ularning yoshini, shu jumladan psixologik xususiyatlarini hisobga olgan holda alohida munosabatda bo'lishni anglatadi. O'qituvchi uchun boshlang'ich maktabdagi aloqa jarayonini uning barcha ishtirokchilari to'laqonli sherik bo'lganda ikki tomonlama deb hisoblash juda muhimdir. Rivojlangan kommunikativ ko'nikmalarga ega bo'lgan o'qituvchi bolada qiziqish, birgalikda fikr yuritish, turli nuqtai nazarlarni ifoda etish, g'oyalarni shakllantirish va maqsad qo'yish kabi ta'lim muhitini tashkil qila oladi. O'qituvchi o'quvchilarni kelgusi yutuqlari va intellektual rivojlanishiga turki beradigan ijodkorlik ruhida tarbiyalay olishi ham juda muhimdir. Boshlang'ich umumiy ta'lim o'qituvchisining kommunikativ kompetensiyasining rivojlanish darajasi nafaqat har bir darsda ko'rinadi, u o'qituvchi sinfga kirishi bilan, og'zaki belgilarga ko'ra, hali ham juda yosh o'quvchilar intuitiv ravishda o'qituvchining munosabatida ko'rishadi. Bu yerda qo'rquv va ularning javoblariga, harakatlariga bo'lgan ishonch va o'quvchilar tomonidan o'rganishni xohlash paydo bo'ladi. Munosabatlar boshqacha bo'lishi mumkin: samarali (faoliyatdagi muvaffaqiyat uchun, o'zini oshkor qilish, o'z-o'zini tarbiyalash, bolalarga bo'lgan muhabbatni ifoda etish,) va samarasiz (moddiy farovonlik, qiyinchiliklardan qochish, boshqalar hisobidan o'zini yuqori ko'tarish, tasodifiy munosabatlar, kuchga ehtiyoj). O'qituvchi o'zining kasbiy faoliyatida o'quvchiga murojaat qilib, har doim o'zining darsini, har bir muloqot lahzasini namoyish qilishi kerak. Darsda har qanday o'qituvchining samarali muloqot qilishning o'ziga xos usullari mavjud: "Hayratlanish" - darsning qiziqarli boshlanishi, "Tinchlaning" - intellektual dam olish uchun oldindan o'ylangan imkoniyatlar, boshqa faoliyat turiga o'tish, "Eslab qolish" - siz o'quv materialini takrorlashning turli usullari bilan o'ylashingiz kerak, - uni xotiraga kiritish kabi. Har bir narsada o'lchov printsipiga rioya qilish muhimdir.

O'quvchilarning o'qituvchiga bo'lgan munosabati nafaqat aloqa natijasi, balki umumiy ko'rish (tashqi ko'rinish, imo-ishoralar, xulq-atvor, qarash, tabassum) ham muhimdir, bu orqali o'qituvchining o'zaro munosabatlarga tayyorligi "ko'rib chiqiladi". Ushbu og'zaki bo'lmagan tarkibiy qismlarning barchasi yaxshi tushunilmaydi va o'qituvchining o'zi tomonidan nazorat qilinishi qiyin, ammo bolalarga, ayniqsa boshlang'ich maktab yoshidagi bolalarga kuchli ta'sir ko'rsatadi. Kuzatishlar natijalariga ko'ra boshlang'ich maktab yosh o'quvchilar ba'zan o'qituvchining tashqi ko'rinishini, uning imo-ishoralari, odob-axloq qoidalarini va boshqalarni nusxalashlarini

bilishadi. Barkamol o'qituvchi imidjining barcha tarkibiy qismlariga e'tibor qaratishi kerak. Qoidaga ko'ra, og'zaki bo'lmagan belgilar pedagogik aloqaning og'zaki tarkibiy qismlari bilan tasdiqlanadi. O'qituvchining muloqot uslubi asosan hissiyotga, ovozga va nutqning badiiy ekspressivligiga ta'sir qiladi. Yuqorida sanab o'tilgan og'zaki tarkibiy qismlar, bilim komponenti darsning hissiy boyligini, o'quv materialining tajribasini va uni o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilishini belgilaydi. Keyin tajriba o'quvchi tomonidan shaxsan boshdan kechirilganda o'rganilgan deb hisoblanadi.

Barkamol o'qituvchi bilim tarkibini yaxshiroq o'zlashtirish, samarali aloqadan foydalanish, darsda do'stona hissiy muhitni shakllantirish va o'quvchilarni o'rganishga ijobiy rag'batlantirish vositasi sifatida ko'radi. Muloqot jarayonining samaradorligi, asosan, o'qituvchining qadriyatlar tizimi bilan belgilanadi, unga quyidagilar kiradi: o'quvchining o'quv faoliyati sub'ekti sifatida rolini tushunish, bolalar bilan hamkorlik aloqalarini o'rnatish, o'quv materialining imkoniyatlaridan o'quvchining shaxsini shakllantirish va rivojlantirish uchun foydalanish.

Praksiologik tarkibiy qism - bu ko'nikmalar, harakatlar, tajriba. Praksiologik tarkibga quyidagilar kiradi:

- o'qituvchining voqealarni rivojlantirish rejasini ko'rish qobiliyati, muloqot ishtirokchilarini bashorat qilish va ularga ta'sir qilish, maqsadga erishish, muqobil takliflar mavjudligi;

- o'qituvchining tinglash qobiliyati, bilim va buzilmas ta'sir ko'rsatishga qaratilgan texnikani muvaffaqiyatli amalga oshirish.

Shunday qilib, boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining kommunikativ kompetentsiyasining mohiyati va tuzilishi, shuningdek, o'qituvchining kommunikativ vakolatlarini rivojlantirish yo'llarini yanada to'liqroq baholash va tavsiflash imkoni, boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining kommunikativ kompetentsiyasini rivojlantirishning tarkibiy mazmunli modelini yaratish kabi bir qancha dolzarb muammolarning yechimini topish usullarini o'z ichiga oladi.

Boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining kommunikativ kompetentsiyasi darajasini oshirishga sezilarli ta'sir ko'rsatadigan zamonaviy talablarni bajarishning mumkin bo'lgan usullaridan biri bu o'qituvchilarning doimiy kasbiy rivojlanishi.

Ta'limning hozirgi rivojlanish bosqichida o'quv jarayonining barcha ishtirokchilari tomonidan yangi vakolatlarni o'zlashtirish zarurligidan iborat bo'lgan malaka oshirish tizimini tashkil etishga innovatsion yondashuv zarur. Boshlang'ich umumiy ta'lim jarayonida sinf va sinfdan tashqari mashg'ulotlarning mazmunli birligi g'oyasi me'yoriy birlashishga erishni takomillashtirishni tashkil etish va uni amaliy, ijtimoiy va shaxsan muhim mashg'ulotlarda va maktab soatlarida bilim, ko'nikmalarni amalga oshirish uchun mos maydonni yaratishda qo'llay olishga o'rgatish.

Ishirokchilarning ta'lim sohasidagi munosabatlarga bo'lgan ehtiyojlarini tahlil qilish asosida boshlang'ich ta'lim o'qituvchisini darsga tayyorlashning asosiy jihatlarini quyidagicha aniqlash mumkin.

- uzluksiz ta'lim dasturlari mazmunining yo'nalishi fan bilimlarini yangilash emas, balki yangi pedagogik maqsad va vazifalar to'g'risida mulohaza qilish va puxta ishlab chiqish hamda o'qituvchining ta'lim jarayonida yangi rolini tushunish;

- turli fan sohalari o'qituvchilarini o'qitishning o'quv rejasini, o'ziga xos pedagogik maqsad va vazifalarini kompleks tushunishga yo'naltirish;

- nazariy va amaliy mashg'ulotlar tarkibiga quyi tashkilotlarning innovatsion tajribalarini tarqatishda ishtirok etish kerak.

O'qituvchining malakasini oshirish - bu asosiy, shu jumladan kommunikativ kompetentsiyalarni rivojlantirishning doimiy jarayoni. Uzluksiz ta'lim tizimi doirasida o'qituvchining o'z imkoniyatlarini yangilash bo'yicha faoliyatini muvofiqlashtirish mumkin.

Shunday qilib, boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining kommunikativ kompetentsiyasini rivojlantirishning hozirgi holati va yo'llarini tahlil qilar ekanmiz, o'qituvchilarni tayyorlash tizimiga quyidagi tadbirlarni kiritish mumkinligini ko'ramiz.

- boshlang'ich umumiy ta'lim o'qituvchisining kommunikativ faolligini o'qituvchining ta'lim jarayonidagi yangi rolni tushunishi orqali o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish bo'yicha muvofiqlashtirish;

- o'qituvchilarning ijodiy guruhlar faoliyati orqali maktab, shahar, viloyat miqyosida (kommunikativ innovatsion tajribani faol ravishda tarqatish) o'quv mashg'ulotlarini, dizayn va tadqiqot ishlarini tashkil etish, modulli dasturlarni yaratish;

- ilmiy tadqiqotlar natijalarini o'quv jarayoniga innovatsion maktablar asosida joriy etish;

- innovatsion jarayonlar samaradorligining monitoringini tashkil etish;

- ta'lim munosabatlarining barcha ishtirokchilari uchun rivojlanayotgan o'quv muhitini yaratish.

BOSHLANG'ICH SINIF ONA TILI VA O'QISH DARSLARIDA NUTQ O'STIRISH

*Shodmonova Sojida Munavvarovna, Djumanova Nodira Shuxratjanovna
Guliston shahar 16- umumta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchilari.*

Boshlang'ich ta'lim uzluksiz ta'limning asosiy bo'g'ini idir. Undagi ona tili ta'limi bolalarning tafakkur qilish faoliyatlarini kengaytirish, erkin fikrlay olish, o'z g'ayalar fikrini anglash, o'z fikrlarini og'zaki va yozma ravishda ravon bayon qila olish, jamiyat a'zolari bilan erkin muloqotda bo'la olish ko'nikma va malakalarini rivojlantirishga xizmat qiladi. Bu o'rinda ona tili ta'limiga o'quv fani emas, balki butun ta'lim tizimini uyushtiruvchi ta'lim jarayoni sifatida qaraladi (1).

Ona tili ta'limi standarti ko'rsatkichlari bolani fikrlay olish, ifodalangan fikrni anglash va o'z fikrini savodli, mantiqiy izchillikda bayon eta olishga o'rgatish nuqtai nazaridan belgilanadi. Bu esa boshlang'ich ta'limda o'quvchilarning nutqini o'stirish asosiy va muhim vazifa ekanligini ko'rsatadi. Binobarin, boshlang'ich sinf o'quvchilarida nutq o'stirish texnologiyasi orqali o'quvchilarning og'zaki va yozma nutqini rivojlantirishga, so'zamol bo'lishga, o'z fikrini mustaqil bayon qilishga, ijodiy qobiliyatlarini o'stirishga, tafakkur dunyosini boyitishga erishiladi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida nutq o'stirish texnologiyasidan samarali foydalanish o'quvchilar faolligini oshiradi, lug'atini boyitadi, ayniqsa, ularning ona tili va o'qish darslariga bog'lan qiziqishini ta'minlaydi. Ma'lumki, nutq - kishi faoliyatining turi, til vositalari (so'z, so'z birikmasi, gap) asosida tafakkurni ishga solishdir. Nutq o'zaro aloqa va xabar, o'z fikrini his-hayajon bilan ifodalash va boshqalarga ta'sir etish vazifasini bajaradi. Metodikada nutq o'stirish ikki xil yo'nalishda tushuniladi. Ya'ni, agar o'quvchi va uning tildan bajargan ishlari ko'zda tutilsa, nutq o'stirish deganda tilni har tomonlama (talaffuzi, lug'ati, sintaktik qurilishini, bog'lanishli nutqni) faol amaliy o'zlashtirish tushuniladi. Agar o'qituvchi ko'zda tutilsa, nutq o'stirish deganda, o'quvchilar tilning talaffuzi, lug'ati, sintaktik qurilishi va bog'lanishli nutqni faol egallashlariga yordam beradigan metod va usullarni qo'llash tushuniladi (2). Maktabda o'quvchilar nutqini o'stirishga ona tili o'qitishning asosiy vazifasi deb qaraladi. Nutq o'stirish faqat ona tili va o'qish darslarininggina emas, balki o'quv rejasidagi barcha fanlar (tabiatshunoslik, matematika, mehnat, tasviriy san'at, musiqa darslari)ning, shuningdek, sinfdan tashqari o'tkaziladigan tadbirlarning ham vazifasidir.

Ona tili darslarida o'quvchilar til yordamida tabiat va kishilar hayoti haqida bilim oladilar, ular kuzatishni, o'ylashni va ko'rganlari, eshitganlari, o'qiganlari haqida to'g'ri bayon qilishni o'rganadilar. Ona tili darslari bolalar lug'atini boyitishga samarali yordam beradi, nutqni to'g'ri tuzishni o'rgatadi. O'qish darsi va u bilan bog'liq holda olib boriladigan kuzatish, ekskursiya o'quvchilarga tabiat hodisalari, kishilar hayoti va mehnati haqida, axloq qoidalari, boshqa kishilar bilan muomala qilish haqida bilim beradi. Bu darslarda bolalar nutqiga, uni shakllantirish va o'stirishga keng imkoniyat mavjud. Badiiy asarlarni o'qish, o'qilganlarni qayta hikoyalash, ekskursiyada, predmet va tabiat hodisalarini kuzatish vaqtida ko'rganlarini hikoya qilish o'quvchilar og'zaki nutqini o'stirish vositasidir. Ona tili darslarida esa yozma nutqni o'stirish uchun keng imkoniyatlar mavjud. Grammatikani o'rganish va o'qish darslarida o'quvchilar bajaradigan so'z birikmasi, gap tuzish, bayon, inshoga doir turli xil mashqlar nutqiy malakalarni egallashda yordam beradi.

Boshlang'ich sinflar o'quv dasturida «Ona tili, o'qish bolalarning lug'atini boyitish, bog'lanishli nutqni o'stirish, adabiy-estetik tafakkurini kamol toptirish, nutq madaniyatini shakllantirish, nutq ta'sirchanligini ta'minlashning muhim omilidir», deyiladi (1). Bu vazifalar grammatik mavzularni o'rganish, mashq matnlarini kuzatish va tahlil qilish, maxsus lug'aviy-grammatik mashqlar orqali bajariladi.

Ona tili fani o'quvchilarni fikr bayon qilish va uni uqib olish faoliyatiga tayyorlaydi. Fikr til vositasida ro'yobga chiqadi, shu sababli har bir kishi tilni va undan foydalanishni bilishi zarur. Til bilishning grammatik qonun-qoidalarini, ta'rifini o'zlashtirishga emas, balki ona tilining boy imkoniyatlaridan amaliy foydalana bilish hamdir, ya'ni fikrni og'zaki va yozma shaklda to'g'ri, tushunarli va savodli ifodalay bilishdir. Bunga erishish uchun ona tili darslarida lug'at ustida ishlashga alohida e'tibor qaratish lozim. Lug'at ishida so'zning ma'nosi, talaffuzi va imlosi e'tiborda tutiladi. Bular ustida ishlashdan asosiy maqsad ehtiyoj sezilgan paytda o'quvchilarning ulardan nutqda foydalanishlariga erishish, o'zgalar nutqini anglashlarini ta'minlashdir.

Buning uchun o'qituvchi ona tili darslarida qo'llangan har bir so'zning va ta'limiy jarayonlarda: ekskursiya, o'zaro suhbat, turli tadbirlarda ishlatilgan so'zlarning ma'nosiga e'tibor bilan qarashi, ularning qaysilari maxsus ishlashni taqozo etishini belgilab olishi kerak. Tilning lug'at boyligini o'quvchilar tomonidan o'zlashtirilishi uchun ona tili darslarida so'zlar va ularning ma'nolari quyidagicha tanishtiriladi:

1. O'quvchilarni notanish so'z va iboralar bilan tanishtirish.

O'quvchilar darslikdagi so'z va iboralarga birinchi marta duch kelayotgan bo'lishi mumkin. Bu so'z yangi paydo bo'lgan so'z bo'lmasa ham, o'quvchi so'zning ma'nosini bilmaydi, demak, o'quvchi uchun yangi so'z hisoblanadi. Masalan, 1-sinf «Ona tili» darsligida habib (do'st), darparda (oyna o'rni shaffof qog'oz yopishtirilgan deraza parda), mag'rur (kekkeygan, mag'rur — kamtar), kamol (har tomonlama yetuk, to'kis, kamol topmoq — xazon bo'lmoq), xaroba (qarovsiz qolgan vayrona), qardosh (do'st, birodar, qarindosh-urug'), safdosh (harbiy xizmatda birga, tashkilotda birga), sarkarda (qo'mondan, lashkarboshi), zeb (bezak, ko'rk, husn), qasr (hashamatli saroy, ko'shk) kabi so'zlarga duch keladilar. Bunday so'zlarning ma'nosini sinonimlar keltirib kengaytirish yo'li bilan, qarama-qarshi ma'noli so'zlar bilan, izoh berish yo'li bilan, gap tuzish orqali ma'nosini yechish, rasmlar orqali tushuncha hosil qilish yo'li bilan tushuntirish mumkin. Bunday ishlash o'quvchilarda so'z ma'nolariga nisbatan sezgirlikni yuzaga keltiradi.

2. O'quvchilarni so'zning yangi ma'nolari bilan tanishtirish.

O'quvchilar ko'p ma'noli so'zlarning bir ma'nosini tushunsa, boshqa ma'nosini bilmasliklari mumkin. Bolalar so'zlarning hamma ma'nolarini birdaniga o'zlashtirib ololmaydilar. Ularning ma'nosini o'zlashtirish bosqichma-bosqich amalga oshiriladi. 1-2-sinflarda o'quvchilar ko'p ma'noli so'zning bir-ikki ma'nosi bilan tanishsa, 3-4-sinflarda yana boshqa ma'nolarini bilib oladi. Bunda tasviriy ifodalar, iboralar, ma'nodosh, shakldosh, zid ma'noli so'zlarning ma'nolari turli ish turlari asosida tushuntirib boriladi. Masalan, «niyati buzuq» iborasini tushuntirishda quyidagicha savol va topshiriqlardan foydalaniladi:

- Bu iborani «soat buzuq» birikmasi bilan taqqoslang.
- Qaysi biri o'z ma'nosida qo'llanyapti? (soat buzuq)

- Qaysi birikma boshqa ma'noda qo'llanyapti? (fikri buzuv)
- «Niyati buzuv» birikmasi qanday ma'noni ifodalayapti? (O'quvchilar o'ylab, niyati yomon kishilarni «niyati buzuv» deyishadi, deb izoh beradilar).

Xususan, 1-sinf darsligida «Xiva ona tarix tilmochi», «urush yo'lini taqqa bekilik», «biz ma'nosiga zeb bersak», «rediskaga akaman», «karvon bo'lib kelamiz» («Turnalar»), «chehrasiga tabassum yugurdi», «bahor oq bulutni yetaklab ketdi», 2-sinf darsligida «dov-daraxtning soch-soqolin qirishdi», «Biz oqlagan daraxtlar oppoq paypoq kiyishdi» kabi badiiy-tasviriy til vositalari ustida ishlash o'quvchini so'z va iboralardan nutqda to'g'ri va o'rinli foydalanishga undaydi, nuqtaning emotsionalligini oshiradi.

3. O'quvchilar tilida kam qo'llanadigan so'zlar ma'nosi ustida ishlash.

Adabiy tilga oid ba'zi so'zlar o'quvchilar nutqida kam qo'llanadi. Bu so'zning ma'nosini o'quvchi yetarli darajada tushunmaydi. Uning o'rnida oddiy so'zlashuvga doir, eskirgan yoki shevaga oid so'zlarni qo'llaydi. O'qituvchi ularni kitobiy so'zlar bilan almashtirish uchun nutqda qo'llashga majbur etadigan vaziyat yaratishi, ehtiyojni yuzaga keltirishi zarur. Masalan, jim — tinch ~ osuda — osoyishta, yurakdan - dildan, soat strelkasi — soat millari, garmdori — qalampir, rayon — tuman kabi. So'zlarning qo'llanishini faollashtirish uchun yozma ishlar o'tkazilayotganda ham o'quvchilar e'tiborni ayrim so'zlarni boshqasi bilan almashtirishlariga qaratiladi. 1-sinfda rasmlar asosida og'zaki hikoya tuzayotgan o'quvchilarning nutq birliklari bir-biridan farqli bo'lishi, biri ikkinchisining so'zini qaytarmasligi talab qilinadi.

Masalan, Shirinsuxan-shirinsu'z, nasim- tonggi yel (shamol), tanbeh berdi - dashnom berdi, zilol suv- tiniq suv, kichik - mo'jaz, tik - adil, nafis - nozik kabi. Yozma bayon o'zishga tayyorlanish jarayonida ham (2-sinf) so'zlarni boshqasi bilan almashtirishga, kitobiy so'zlar tanlashga e'tibor berish lozim.

4. Yangi paydo bo'lgan so'z ma'nolari ustida ishlash.

Shunday so'zlar darslikda kam qo'llanadi. Sunday so'zlarning bolalar hayoti bilan bog'liq bo'lganlarini ajratib olib — Bilib qo'ygan yaxshi» rukni ostida ishlansa, o'quvchining nutqi zamon bilan baravar rivojlanib boradi.

5. Grammatik atamalar ma'nosi bilan tanishtirish.

Avvalo, grammatik atamalarning to'g'ri talaffuzi, imlosi o'rgatiladi. Shundan so'ng misollar asosida uning mazmuni ochiladi, so'ngra o'qitish va mashqlar bajarish orqali o'quvchilarning atama ma'nosini to'laqonli anglashlariga erishiladi.

Lug'at ustida ishlashda quyidagi metodik usullardan foydalaniladi:

1. So'z ma'nolarini taqqoslash va ularni sharhlash. Bu usul ko'chma ma'noli so'z va iboralar, paronim so'zlar, shakldosh so'zlar ma'nosi, imlosi, talaffuzini izohlashda qo'llaniladi. Masalan, ziyrak - zirak: odamning xususiyati (sezgirligi) - ziyrak; quloqqa taqiladigan taqinchoq - zirak. Bu so'zlarning talaffuzi ham ikki xil.

2. So'zlarni kuzatish usuli orqali ularning imlosini, ma'nosini va talaffuzini o'rgatish. Bu usul o'zakdosh so'zlarni o'rganish jarayonida, ko'm-ko'k, oppoq, qip-qizil kabi sifatning ma'no nozikliklari, imlosi, talaffuzini o'rgatishda qo'llaniladi. Masalan, o'quvchilar guldon, gulchi, gulli, gulsiz so'zlarining tarkibini kuzatadilar, bu so'zlar ma'nosidagi farqni izohlaydilar va tilning yangi so'zlar hisobiga boyib borishini anglay boshlaydilar. Shu o'rinda o'qituvchi so'zlarni o'z so'ziga aylantirish orqali aniq fikr yuritishga o'rganish o'quvchining burchi ekanini aytishi lozim.

3. So'zlarni belgilariga ko'ra guruhlash usuli. Guruhlash aqliy faoliyat usuli bo'lib, u ona tili mashg'ulotlarida o'quvchilarning so'z boyligini oshirishda muhimdir. Bu usul so'zlarning anglatayotgan ma'nosi, turkumi, yasalishi, imlosi, uyasi kabilarga ajratish imkonini beradi. Guruhlash kuzatish va taqqoslash usuli bilan bog'liq. So'zlarni guruhlash uchun, avvalo ular kuzatiladi, so'ng taqqoslanadi. Bu jarayonda ularning o'xshash va farqli tomonlari ajratiladi:

Masalan, qavm-qarindoshlik bo'yicha guruhlash quyidagicha bo'lishi mumkin:

1. Ota urug'i: ota, amaki, amma, dada, buvi, buva.

2. Ona urug'i: ona, xola, tog'a, buvi, buva..

Sifatlarda xususiyat bildiruvchi sifatlarda (sho'x, og'ir, bosiq, aqlli, aqlsiz, hissiz, andishali, dangasa, tanbal, ishchan, mehnatsevar va hokazl.), ta'm bildiruvchi sifatlarda (shirin, achchiq, nordon, taxir, shoir, mazali, bemaza, chuchmal va hokazo) va shu kabilar guruhlash musobaqasi tarzida uyushtirilishi mumkin. Shuningdek, so'zlarning izohli lug'atini sinf yoki maktab miqyosida tuzib, osib qo'yilib, umum iste'molga kiritish mumkin. Bunda «O'quvchilar pochta» tashkil etilishi ham mumkin. O'quvchilar qaysi so'zning ma'nosini bilib olishda qiynalsalar, shu so'zni yozib yashilikka tashlaydilar. Hafta oxiridagi darsda shu

so'zlar ma'nosi, imlosi, izohi ustida ishlanadi. Boshlang'ich sinf o'qish darslari ham nutq o'stirishda alohida o'rin tutadi. Zero, nutq tafakkur bilan bog'liq, shuning uchun u tafakkur bilan uzviy bog'liq holda o'stiriladi. O'qish darsida o'qilgan asarni o'quvchilar ongli tushunishi, asosiy mazmunini, g'oyasini anglab yetishi uchun tahlil, sintez, taqqoslash, umumlashtirish kabi mantiqiy usullar qo'llanadi. O'qilgan asarni analiz qilishda har xil usullardan foydalaniladi. Bolalar hikoyadagi asosiy qatnashuvchi shaxslarni aytadilar, o'qituvchi rahbarligida asar rejasini tuzadilar. Qatnashuvchi shaxslarni o'quvchilar har xil tartibda aytishlari mumkin, ammo o'qituvchi ularni asarda qatnashish tartibida aytishni so'raydi. Natijada o'qituvchi rahbarligida hikoyaning chizmasi tuziladi. O'qituvchi bergan savollar yordamida asarlarning mazmuni aniqlanadi. Shunday qilib, asar mazmuni bilan birinchi tanishish o'quvchilardan ongli ishlashni, ya'ni voqealarni, qatnashuvchilar tarkibini tahlil qilishni talab etadi. O'qish bilan bog'liq holda bajariladigan bunday mantiqiy ishlar asta-sekin murakkablasha boradi. Boshlang'ich sinflarning o'qish

darslarida o'quvchilar nutqining o'sish darajasi to'g'ri uyushtirilgan qayta hikoyalashdir. Maktab tajribasida to'liq qisqartirib, tanlab va ijodiy qayta hikoya qilish turlari mavjud. Boshlang'ich sinf o'quvchilari

uchun matnni to'liq yoki matnga yaqin qayta hikoyalash ancha oson, boshqa turlari esa nisbatan muhimroqdir. O'quvchilar asar mazmunini unda ishtirok etuvchi shaxslar va ularning xatti-harakati, xarakterli xustisiyatlarini tahlil qilish yordamida yaxshi anglab yetadilar. O'qituvchining savoli asar qahramonlari nima qilgani, ularning u yoki bu xatti-harakati qayerda va qanday sharoitda yuz bergani haqida so'zlab berishga, voqealarni izchil bayon qilinishga va o'zaro bog'liqligini yoritishga yo'naltirilishi lozim. O'quvchi o'qilgan asar mazmunini o'qituvchi savoli yordamida aytib berishida faqat analizdan emas, sintezdan ham foydalaniladi: ayrim lavhalar o'zaro bog'lanadi (sintezlanadi), bir-biriga taqqoslanadi, ular yuzasidan muhokama yuritiladi va xulosa chiqariladi. Ko'pincha boshlang'ich sinf o'quvchilari qatnashuvchi shaxslar xatti-harakatini yaxshi tushunmasliklari, ba'zan noto'g'ri yoki yuzaki tushunishlari natijasida asar mazmunini anglab yetmaydilar. Shuning uchun ham o'qituvchisavolni juda o'ylab tuzishi, u bolani fikrlashga, o'ylashga majbur etadigan, qatnashuvchi shaxslarning xatti-harakati, voqealarning bog'lanishi yuzasidan muhokama yuritishga undaydigan, ularni o'zaro qiyoslashga, ijobiy va salbiy tomonlarini aniqlashga yordam beradigan bo'lishi lozim. O'quvchi asarda qatnashuvchilarning xatti-harakatini qanchalik aniq ko'z oldiga keltira olsa, u hikoyaning asosiy mazmunini shunchalik chuqur tushunadi, shunchalik mustaqil qayta hikoya qilib beradi. O'qilgan asar mazmunini o'zlashtirish ustida ishlashdagi keyingi bosqich qisqartirib hikoyalash hisoblanadi. Qisqartirib hikoyalash uchun 2-3 qismga bo'linadigan, bu bo'limlar yaqqol ajralib turadigan, mazmuni sodda asarlar tanlanadi. Qisqartirib hikoyalashga o'rgatish quyidagicha uyushtiriladi: o'qituvchi hikoyaning oldindan belgilab qo'ygan qismini o'qiydi va o'quvchilar bilan birgalikda eng muhim, asosiy fikr aniqlanadi. Bunda o'quvchilar ba'zan asardagi so'zlardan foydalanadilar. Bu o'quvchilarga qiyinlik qilsa, bo'limdagi asosiy fikrni o'z so'zlari bilan aylib berishlari mumkin. Tanlab hikoyalash ham bolalarning tafakkuri va nutqini o'stirish vositalaridan biridir.

Tanlab hikoyalashda o'quvchi: - o'qilgan matndan bir qismini, uning chegarasini ongli ravishda ajratib so'zlab beradi; - hikoyadan faqat bir voqeani aytib beradi; - hikoya mazmunini faqat bir sujet yo'nalishida so'zlab beradi.

O'quvchi tanlab hikoya qilishga tayyorlanganda o'qilgan matnni tahlil qiladi. Sunday tahlil bolalar tafakkurini, ular nutqidagi mustaqillikni o'stiradi va o'qilgan matn mazmunini o'zlashtirishga yordam beradi. Hikoyani o'qish bilan bog'liq holda o'tkaziladigan ijodiy ishlar ham o'quvchilar nutqini, tafakkurini o'stiradi. Ijodiy qayta hikoyalashda o'qilgan hikoyaning sharoiti yoki shakli o'zgartirib hikoya qilinadi. Bunda hikoyani yangi epizodlar bilan to'ldirib hikoya qilish ham mumkin. Ko'rinadiki, boshlang'ich sinf ona tili va o'qish darslarida o'quvchilar nutqini o'stirishning, tafakkurini rivojlantirishning turli shakllari bo'lib, ulardan samarali foydalanish har bir boshlang'ich sinf o'qituvchisining eng muhim vazifasi sanaladi. Zero, nutq o'stirish ishlari metodik jihatdan to'g'ri tashkil qilinsagina o'zining samarasini beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Qosimova K., Matchonov S., Gulomova X., Yo'ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi. – Toshkent,—Nosir, 2009.

INTEGRALLASHGAN DARSLARNING TURLARI VA SHAKLLARI

*Sardoba tumani 2-umumiy o'rta ta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi
Gulnoza Hayitmamatova
SVXTXQTMOHM katta o'qituvchisi Kulaxmedova Mavluda*

Insoniyat yuksak rivojlangan texnika va axborot texnologiyalari asriga qadam qo'ydi. Shunga ko'ra murakkab tizimdagi texnika va texnologiyalar bilan muomala qilib, ko'p miqdordagi axborotlar oqimidan o'rinli foydalanishga, ta'limga mas'uliyat bilan yondashadigan, har tomonlama chuqur bilim va malakaga ega bo'lgan kadrlar zarur. Hozirgi vaqtda rivojlangan mamlakatlarning 70 foizi ta'lim tizimida integrativ dastur va darsliklardan foydalanmoqdalar.

Shu jihatdan kelib chiqib, zamon talabiga ko'ra, rivojlangan mamlakatlarning ish tajribalariga tayanib, ta'limning usul va shakllarini integrallashtirib o'qitish muammosini hal etishni zarur deb hisobladik. Integrallashgan ta'lim predmetlararo aloqalardan keng foydalanuvchi darslar o'tkazilishini ham ko'zda tutadi. Eksperimentator-o'qituvchilar tomonidan tatbiq etilayotgan vositalar sinovdan o'tkazish va o'quvchilarning o'zlashtirish darajalarini va shaxslararo munosabatlarini pedagogik nazorat qilish integrallashgan diagnostikasi shakllarini amalga oshirish uchun tavsiya qilingan bu darslarning turlari va shakllarini biz quyida ko'rib chiqamiz.

Yangi bilimlar hosil qilish darsi quyidagi **shakllarda** loyihalanaadi:

- ma'ruza dars
- sayohat dars
- tadqiqot dars
- teatlashtirilgan dars

- o‘quv konferensiyasi
- sayr dars
- multimediya dars
- muammoli dars.

Darslarning tuzilishi quyidagi bosqichlarni birlashtiradi: tashkiliy, maqsadning qo‘yilishi, bilimlarning dolzarblashuvi, bilimlarni kiritish, dastlabki mustahkamlash va tizimlashtirishni umumlashtirish, o‘qishga yakun yasash, uy vazifasi va uni bajarish bo‘yicha maslahatni belgilash.

Bilimlar hosil qilish darsining **maqsadi** – o‘quvchilar tomonidan o‘quv dasturida ko‘zda tutilgan tushunchalar va ilmiy faktlarni o‘zlashtirish bo‘yicha ish tashkil qilish.

Vazifalar:

- Ta‘limiy vazifalari: tanishtirish; tasavvur uyg‘otish; kartalar, sxemalarni o‘qish va tahlil qilishni o‘rgatish; bilim faoliyatini kuchaytirish; tipik xususiyatlarni ochish va h.k.;
- Tarbiyaviy vazifalar: Vatanga muhabbat hissini, o‘z yurti uchun faxr tuyg‘usini tarbiyalash; ekologik madaniyatni shakllantirish, estetik tarbiya va h.k.;
- Rivojlantiruvchi vazifalar: tahlil qilish, taqqoslash, qiyoslash, asosiy narsani ajrata olish, sabab-oqibat aloqasini belgilash, misollar keltirishni davom ettirish, adabiyot, kartalar, jadvallar, sxemalar va boshqalar bilan ishlash ko‘nikmalarini hosil qilish.

An’anaviy va zamonaviy darslarni ajrata bilish kerak.

An’anaviy dars umumta‘lim vazifalarini hal qiladi o‘quvchilarni bilimlar bilan qurollantiradi va u tushuntirish-illyustrativ metodi asosida quriladi. Bunday darsda ko‘rgazmali qurollardan keng foydalaniladi, ko‘rganlarni kuzatish va tasvirlash tashkil etiladi.

Ta‘limning turli metodlari va vositalari birligi asosiga qurilgan bilimlar hosil qilishning **zamonaviy darsi** kompleks vazifalarni hal qiladi. Ta‘limning tushuntirish-illyustrativ metodidan ham, qisman izlanish, tadqiqot metodlaridan ham, bahs-munozara, bilimlarning turli manbalaridan, teledasturlardan, kinofragmentlar, magnit yozuvlardan, multimediya kurslari, internet-texnologiyalar, ta‘lim va nazoratning boshqa texnik vositalaridan foydalanadi. Shuningdek, turli ish shakllaridan ham keng foydalanadi: guruh, frontal, zveno, juft, individual shakllar.

Bunday darslarda bilim orttirish vazifalarini hal etish uchun ijodiy potensialni ishga solish takliflarini aytish uchun katta imkoniyat yaratiladi, bir so‘z bilan aytganda, o‘quvchi shaxsining to‘la rivojlanishi uchun sharoitlar yaratiladi.

Shuningdek, yangi bilimlar hosil qilish darsi turlari bo‘lib quyidagilar hisoblanadi: **bilimlarni hosil qilish va rivojlantirish darslari, bilimlarni mustahkamlash va takomillashtirish darslari, yangi muammoli (tasavvurni) hissiyotni shakllantirish darslari.** Unga sanab o‘tilgan dars shakllaridan seminarni, yakuniy konferensiya, yakuniy sayohatni qo‘shish mumkin.

Dars tuzilishi o‘quvchilarga juft, guruh va individual ishning har xil turlariga qo‘shilish imkonini beradiki, ular dars vaqtining katta qismini band etadi. Ta‘limning individuallashtirish va individual-guruhlashgan shakliga murojaat qilish ham mumkin.

Bu dars juda katta tarbiyaviy ahamiyatga ega bo‘lib, u nafaqat o‘quv materialini g‘oyaviy mazmunidan samarali foydalanish hisobiga, balki ratsional muloqot va jamoaviy ishni tashkil etish ham iborat bir-biriga g‘amxo‘rlik qilishi, yordam ko‘rsatishi va qo‘llab-quvvatlashining namoyon bo‘lishi uchun sharoitlar yaratiladi. Bu o‘rinda amalga oshirilgan o‘zaro nazorat, o‘z-o‘zini nazorat qilishning rivojlanishiga yordam beradi. Rivojlantiruvchi vazifalar shunda hal qilinadi.

Bilimlarni mustahkamlash bo‘g‘inlari birlashishida, malaka va ko‘nikmalar hosil qilishda bilim, ko‘nikma va malakalarni takomillashtirish darsi tuziladi.

Bu darsda o‘quvchilar avvalgi bilimlariga suyanib, ularni rivojlantiradi, turli vaziyatlarda ularni qo‘llashni o‘rganadi. Bilimlarni anglash mahorati va ko‘nikmalar hosil qilish jarayoni kechadi.

Bunday darslarda ta‘limning amaliy metodlari hukmronlik qiladi, bilish faoliyati xarakteriga ko‘ra esa afzallik qisman izlanish, reproduktiv metodlarga beriladi.

O‘qituvchining faoliyati o‘ziga xos bo‘ladi. O‘quvchilarning ishini avvaldan rejalashtirib olib, u tezkor nazoratni amalga oshiradi, yordam ko‘rsatadi, qo‘llab-quvvatlaydi va ularning faoliyatiga tuzatishlar kiritadi.

Bilimlarni amalda qo‘llash darsi.

Bu turdagi darslarning asosiy shakllari:

- aylanma va amaliy o‘yinlar;
- praktikumlar;
- loyihalarni himoya qilish darsi;
- sayohat;
- ekspeditsiya va h.k.

Dars tuzilishi quyidagi bosqichlarni ko‘zda tutadi: tashkiliy, maqsadning qo‘yilishi, uy vazifasini tekshirish va bilimlarni dolzarblashtirish, amaliy vazifalarni bajarishda bilim, malaka va ko‘nikmalarni ishga solish. Bu darsda o‘quvchilar avval orttirgan bilimlariga asoslanib amaliy faoliyat bilan shug‘ullanadi. Avval uy vazifasining bajarilishi tekshiriladi, so‘ng bilimlarni dolzarblashtirish maqsadida nazariy material ko‘rib chiqiladi. Shundan keyin o‘quvchilar aniq ifodalangan amaliy ahamiyatga ega bo‘lgan konstruktiv topshiriqlarni bajarishga

kirishadilar.

Masalan, ekskursiyadan olingan materiallarga tayanib o'quvchilar maktab tomorqasiga almashlab ekishni joriy etish sxemasini tuzadi. Konkret iqtisodiyot masalalarini o'rgana borib, sanoat korxonalarini mahsulot hajmini ko'paytirish bo'yicha tadbirlar rejasini tuzadi, iqtisodiyot qonunlariga suyanib iqtisodiy rivojlanish sxemasini tuzadi. Bu yerda ta'limning hayot bilan aloqa prinsipini amalga oshirish, turli jabha va predmet sohalarini integratsiyalash uchun keng imkoniyatlar beriladi.

Bu turdagi darsning **maqsadi** – bilimlarni amalda qo'llash.

ta'limiy vazifalari: olingan bilimlarni amaliyotda qo'llashni o'rganish; mavjud imkoniyatlarni konkret vaziyatda ishga sola bilish; o'quv materiallari bilan ishlash ko'nikma va malakalarini mustahkamlash; o'z nuqtai nazarini himoya qilishni o'rgatish; muammolarni ajrata olish ko'nikma va malakasini mustahkamlash;

tarbiyaviy vazifalar: aktiv faoliyatga jalb qilish; madaniyatni shakllantirish; jumladan, ekologik madaniyatni shakllantirish, o'quvchilarda insonparvar shaxs sifatini shakllantirish; muloqot ko'nikmalarini takomillashtirish;

rivojlantiruvchi vazifalar: bilim manbalari bilan ishlash malakasini takomillashtirish, tahlil qilish, turkumlashtirish ko'nikmalarini takomillashtirish va h.k.; chiqishlar qilish va o'z nuqtai nazarini himoya qilishni bilish; ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirish, guruhlarda ishlashning kommunikativ ko'nikmalarini rivojlantirish; atrofdagi hayotni bilishga qiziqishni rivojlantirish.

Bilimlarni amalda qo'llash darslari juft, frontal, guruh bo'lib va individual ishning birligi asosiga quriladi. O'quvchilarning jamoaviy ishlarning har xil turlariga kirishishi shaxsda insonparvarlik sifatlarining shakllanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Ijodiy xarakterdagi vazifalarni hal etish asosida rivojlanayotgan o'quv faoliyati ularning samarali rivojlanishiga yordam beradi.

DARSLAR JARAYONIDA BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI MILLIY QADRIYATLAR RUHIDA TARBIYALASH

*Fayziyeva Zarxol ,
Sirdaryo viloyati Sardoba tumani 13-maktab 2-toifali boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Umuta'lim maktablarida amalga oshirilayotgan ma'naviy-ma'rifiy ishlar ham ijtimoiy siyosiy, ham ijtimoiy pedagogik jihatlariga ega.

Ma'naviy-ma'rifiy ishlarning asosiy sub'yekti o'qituvchi. Shu sababli maktab "ma'naviy-axloqiy ishlar tizimi"ni maktab tarbiyaviy ishlar tizimining boy g'oyasi sifatida tushunish mumkin.

Shu sababli yuqoridagi fazilatlarini shakllantirish uchun ma'suliyatning asosiy yuki uning zimmasiga yuklanadi. Buning uchun boshlang'ich sinf o'quvchilaridan, maktab jamoat orasida o'z bilimi, ma'naviy axloqiy fazilatlarini bilan boshqalarga o'rnatib bo'lishlari, shaxsni hurmat qilishlari, ma'naviy tarixiy, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga hurmat ruhida tarbiyalashlari; o'sib ulg'ayib kelayotgan yosh avlodni bir birini tushunish, xalqlar, millatlar va el-elatlar o'rtasida tinchlik, ahillik va inoqlik ruhida tarbiyalashlari va ularni zo'ravonlikning barcha ko'rinishlaridan himoya qilishlari va boshqalar talab etiladi.

Ajdodlarimiz davr sinovidan o'tgan ajoyib insoniy fazilatlar hamda ularni amalga oshirish usul va vositalarni yaratganlar. Shu asosda yoshlarni ijtimoiy hayot talablariga javob beradigan kishilar qilib tarbiyalab kelganlar. Bolalarda insoniy tuyg'ularni tarbiyalashning asosi- kishilarga mehr-muhabbat qo'yish, izzat-hurmat bilan muomala qilish, qadrlash, kishilar oldidagi o'z burchini anglash, odamlarga nisbatan samimiy, halol va rostgo'y bo'lish kabi odob va axloq qoidalarini o'z ichiga oladi.

Mehnatkash xalq ommasi, yuqorida qayd qilib o'tilganidek, uzoq davrlar davomida vujudga kelgan tarbiya usullari va vositalaridan foydalanadi, qo'llaydi, bunda bolalarning o'ziga xos xususiyatlari va butun sinf jamoasining sifatlarini ko'zlab biron-bir qaror qabul qilishni talab etadigan tarbiyaviy vaziyatni hisobga oladi.

O'qish va odobnoma darslarida axloqiy odatlarni hosil qilish uchun odob normalarini, ma'naviy, axloqiy jihatlarini, o'qish darslarida turli xil ertaklar, rivoyatlar, maqollar, hikmatli so'zlar bilan o'quvchilar dars jarayonida mavzuga qiziqtirish yo'llari va usullarini o'qituvchi ishlab chiqishi kerak. Jumladan 3-sinf o'qish kitobida berilgan go'zal fazilat inson husni bo'limida bir qator ma'naviy-axloqiy tarbiyani shakllantirishga qaratilgan mavzular mavjud.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalashda mazkur fikrdan kelib chiqib, shunday ma'naviy me'ros vakilidan biri bo'lgan Zahiriddin Muhammad Bobur haqida.

"Hidi, tilimi va mazasi" matnini o'rganish orqali o'quvchilarni o'zbek xalqining milliy qadriyatlari haqida ma'lumot berishga hamda matn mazmunida asoslangan materialga mos holda ko'nikma va odatlarni tarkib toptirishga harakat qildim.

Mirzo Bobur Hindiston degan yurtga borib u yerning sultoni, ya'ni podshohi bo'libdi. Bobur Hindistonga podshoh bo'lgan davrida ko'plab qurilishlar, obodonchilik va xalqqa g'amxo'rlik qilish bilan birga o'zidan yodgorlik qolsin deb Hindistonning ko'rkam joyida katta bir bog' barpo etibdi. Bu bog'ga dunyodagi turli yurtlardan nihollar keltirib ektiribdi. Hind xalqi dunyodagi eng katta bu bog'ga "Bog'i Boburiy" deb nom qo'yibdi. Bog'dagi daraxtlar hosilga kirib, biram meva beribdiki, ularni hech joyga sig'dirib bo'lmabdi.

"Bog'i Boburiy"ning bir chekkasi rezavor ekan. Unda piyoz, sabzi, bodring bitibdi. Ammo handalak bilan qovun bo'lmabdi. Shoh bir yil qovun ektiribdi, bo'lmabdi. Ikkinchi yil ham ektiribdi, bo'lmabdi, uchunchi yil ham

ektiribdi baribir qovun bitmabdi. Qovun bitishga bitibdi-yu, birinchi yili gulidanoq hosilni tashlab, ikkinchi yili palagi o'lib qolibdi, uchinchi yili pishib yetilmas, palagi so'lib qolibdi. Boburshoh bo'lsa qovun topishni talab qilaveribdi.

Keyingi yili Boburshoh bu yili qovun ekib pishirmasanglar hammangizni jazolayman,- deya g'azablanibdi. Bog'bonlar nima qilishini bilmay rosa boshlari qotibdi. Oxiri Boburshohga bildirmay uzoq Farg'onadan qovun olib kelishga ahd qilishibdi. Boburshoh bu orada bir necha oy ovga ketishibdi. Shu payt bog'bonlarning boshlig'i o'zi bilan o'n bir kishini yoniga olib, Farg'onaga boribdi. Karvon ot aravalarga qovun ortib, tezda Hindistonga qaytibdi.

Boburshoh ovdan qaytgach, bog'bondan qovun yo'qatibdi. Qovunni olib borishibdi. Boburshoh qovunni hidlab ko'rib: - Qayerda bitgan deb so'rabdi. – “Bog'i Boburiy”da bitgan, deb javob beribdi bog'bon.- yo'q, hidi boshqacha. Faqat bir o'lkada yetishadi xolos. Sen meni aldayapsan,-debdi Boburshoh. – Aldagan bo'lsam, bilganingizni qiling, shohim. Bu qovun “Bog'i Boburiy”da bitgan,- deb bog'bon so'zidan qaytmay.

Boburshoh qovunni hidlab-hidlab, uni tilmoqchi bo'libdi. Qovun pichoq tegar-tegmas tarsillab yorilib ketibdi. Boburshoh bog'bonga qarab:-Yolg'on gapiribsan, qovunni qayerdan keltirganingni ochiq aytasan. Bunday hidli, tilni yoradigan qovun faqat men bilgan o'lkadagina bitadi. Sen mening savolimga to'g'ri javob bermading, qahrim qattiqligini bilasan-a,-debdi.

Oliyhzrat, aldasam boshimni tanamdan judo qiling, mayli roziman. Siz ko'rib turgan qovun “Bog'i Boburiy”da bitgan,-debdi bog'bon yana bilmagan bo'lib. Tilda shunday debdi-yu, o'zini bilmaganga olibdi. Boburshoh qovunni so'yib, bir tilim olibdi-da uni yeya boshlabdi. Qovun shirinligidan tilni yorar emish. So'ng Boburshoh yana bog'bonga debdi:- Yo'q, sen meni aldayapsan, bunaqa shirin tilyorar qovun bu yerlarda bitmaydi. Boshqa joydan keltirgansan. To'g'risini aytsang gunohingdan kechaman. Bordi-yu, meni aldab yana yolg'on gapirgan bo'lsang, boshingni tanangdan judo etaman,- debdi.

Boburshohni aldab bo'lmasligini bilgan bog'bon rostini aytishga majbur bo'libdi. – Farg'ona viloyatidan keltirdik, -debdi ko'ziga yosh olib. Bog'bonning gapidan Boburshohning ko'ngli buzilib yig'lab yuborishiga ozgina qolibdi. Bog'bon:- Shohim, qovunni qayerdan olib kelganimni bilib oldingiz. O'limim oldidan men ham sizdan bir so'rovimga javob qaytarishingizni tilayman,- debdi. –Qovun bu yerdan emasligini qayerdan bildingiz?- debdi.

Hidi, pichoq tegar-tegmas yorilib ketishi va tilyorar shirinligidan ona yurt qovuni ekanligini angladim. Rahmatli otam bog'idagi polizda shunaqa shakarpalak ko'p bitardi. Uzoq Hindu yurtida meni qovun bilan siylaganing uchun gunohkor bo'lmay, in'om-ehsonga loyiqsan, debdi. Boburshoh bog'bonga rahmat aytib, bosh oyoq sarpo beribdi.

Mazkur dars materialini hikoya qilib bo'lgach, dars matnida ilgari surilgan mashhur shoir va davlat arbobi Mirzo Boburshoh hayoti haqida va uning amalga oshirgan ishlari haqida atroflicha ma'lumot beraman. Mirzo Boburning uzoq Hinduda o'z ona Vataniga sevgisi, mehr-muhabbati, sadoqati o'ziga xos tarzda asoslangan. Ona Vatan zaminning sahovatini birgina qovun orqali “Uning hidi, tilimi, pichoq tegar-tegmasdan tarsillab yorilib ketadigan va shirinligi tilni yorar bunday qovun men bilgan bir o'lkadagina bitadi”, degan iboralari Mirzo Boburshohning o'zi yashagan ona tabiatiga yaqinlik, uning har bir ekini, narsalari muqaddas, e'zozli, qadrli ekanligini, o'sha zaminga bo'lgan hurmati, e'tibori, sadoqati, mehr-muhabbati bog'bonning qovunni “Farg'ona viloyatidan keltirdik”, degan gapi Boburshohning butun vujudiga, hissiyotiga kuchli ta'sir ko'rsatgani, uning ko'ngli buzilib yig'lab yuborishiga ozgina qolganligi kabi satrlar Boburshohning o'z ona Vataniga bo'lgan milliy tuyg'uning shakllanganligini isbotlaydi.

Yuqoridagi Boburshohning bog'bon bilan bo'lgan muloqoti uning o'ta zehni, fahmli, axloqli, madaniyatli, hamda yuksak ma'naviyat sohibi bo'lganligini ko'rsatadi. Bog'bonning qovunni bu yerning qovuni emasligini qayerdan bildingiz deb bergan so'roviga, “Hidi pichoq tegar-tegmas yorilib ketishi va tilni yorar shirinligidan ona yurt qovuni ekanligini angladim”. “Rahmatli otam Bog'idagi polizda shunaqa shakarpalak ko'p bitardi” gaplari orqali Boburshohning o'zi yashab o'tgan ona yurtiga cheksiz muhabbat va ajdodlarga sadoqat, xotirlash kabi ma'naviy me'rosga hurmat, e'zoz, qadrlash sifatlari mujassamlashgan. Ana shunday yuksak milliy ma'naviy qadriyatlarini o'zida tarkib toptirgan Mirzo Boburshoh kabi hamyurtlarimizga hozirgi umum ta'lim maktab o'quvchilarida hurmatni, e'zozni, qadr-qimmatni rivojlantirish xullas butun o'tmish turmush tarzidan ibrat olish va uni amalda qo'llash bilan bog'liq ko'nikma va odatlarni tarbiyalash boshlang'ich sinf o'qituvchilarining asosiy vazifasi bo'lmog'i darkor.

Shu jumladan o'quvchilarga mlliy qadriyatlarimizni to'liq va to'g'ridan-to'g'ri yetkazib berishimiz uchun “Qovun sayli” didaktik o'yini o'tkaziladi.

O'yin sharti:

Qovun rasmi chizilgan maketlar magnet doskaga betartib yopishtiriladi. Bunday ko'rinish polizni ifodalaydi. Guruhlarga bo'lingan o'quvchilar jamoasi polizdan qovun terishni boshlaydi. Tashkil etilgan uchta guruhdan bittadan o'quvchi doskaga chiqib polizdan qovunlarni terib olish topshirig'ini oladi. O'yinda eng ko'p qovun tergan guruh g'olib bo'ladi.qovun terish uchun magnet doskasidagi qovunlardan bittasini oladi va orqasiga yozib qo'yilgan Mirzo Bobur hayoti, ijodi va faoliyatiga oid berilgan ta'riflarga javob beradi. Ta'rifga to'g'ri javob bergan o'quvchi qovun uzishda davom etadi. Aksincha ta'rifga noto'g'ri javob bergan o'quvchi qovunni yorib qo'ygan hisoblanadi va u o'rniga jamoasidan boshqa o'quvchi chiqib o'yinni davom ettiradi. O'yinda eng ko'p qovun uzgan guruh g'olib sanaladi. O'yin shu tariqa davom etadi va g'olib guruh a'zolari rag'batlantiriladi.

X. Yangi mavzuni mustahkamlash uchun o'quvchilarga savollar beraman.

1. Boburshoh nima uchun uzoq Hinduda bog' yaratishni ma'qul ko'rdi?

2. Nima uchun o'zga yurtida Boburshoh bunday ezgu ishni amalga oshirdi?
 3. Boburshohning bu ishi uning qanday ma'naviy tarbiyalanganligini ko'rsatadi?
 4. Boburshohning aql-farosati, zehni nima uchun bog'bonning yolg'on gapirganligini fosh qildi? Buning sababini siz nimada deb o'ylaysiz?
 5. Nima uchun Boburshoh bog'bonni jazolash o'rniga unga rahmat aytib, boshdan oyoq sarpo bilan siylaydi?
 6. Boburshohda ona vatanga, uning tabiatiga, ajdodlarga sadoqatini, va mansubligini qanday izohlaysiz?
 7. Sizlar yana Boburshohga o'xshagan qaysi ajdodlarimizni bilasizlar?
- kabi ko'plab savollar bilan o'quvchilarga ma'naviy kuchli tarbiyaviy ta'sir ko'rsataman.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ УЛУҒЛАНИШИ.

*Дўсаева Барно Исомиддиновна
Жиззах вилоят Фаллаорол туман
29-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси*

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”-, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. "Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда". "Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди", дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди", -деди муҳтарам президентимиз эътиқод, оилавий кадриятларга путур етказётган хавфларни санаб ўтар экан. Шундай экан бошланғич синф ўқувчиларининг онгига инсоний фазилатларни сингдиришда болаларга бу борлиқни борлиғича ҳис қилишни ўргатиш орқали инсоний фазилатлар таркиб топтирилади. Бошланғич синф ўқувчиларига инсонга хос бўлган амалларни ўргатишда биринчи навбатда бевосита уларнинг фаолияти ўқиш фаолиятига эътибор қаратиш керак. Уни амалга оширишда, ҳар бир бошланғич синф ўқувчиси бунёдкор ғояларни тўлиқ англаб етган бўлиши ва бу йўлда тинмай меҳнат қилиши керак бўлади. Бу ўз навбатида шахс маънавий камолоти билан боғлиқ масалалар бўлиб, у бугунги куннинг энг долзарб муамолларидан бири ҳисобланади. Ёшларни инсоний фазилатлар билан қуроллантиришда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш масаласини ишлаб чиқиш керак. Ана шундай онг фаолияти жараёнларда, инсонлар ўзлигини англаб боради ва ўзи учун қадри бўлган моддий ва маънавий оламни қалбани ҳис қилади. Шунинг учун ҳам уларни инсонлар **Қадрият** деб аташади. Қадрият ўзи нима, унга илмий адабиётларда қандай таърифлар берилган ва унинг тузилмалари нималардан иборат деган саволларга бирин-кетин жавоб бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Фалсафа қомусий луғатда кадриятга қуйидагича таъриф берилган. “Қадрият-воқелиқдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган фалсафий - социологик ва аксиологик тушунчадир. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий ҳислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланади. Қадриятлар умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий бўлиши мумкин. Қадриятлар, ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида, ўз тарихий илдизи, ривож, ворислик жиҳатларига эга тушунча бўлиб, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолият, инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар, ҳатти-ҳаракатлар мажмуаси сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ҳатти-ҳаракатини маълум йўналишга бурадиган, тегишли меъёрга соладиган маънавий ҳодисага айланади ва айланмоқда. Инсон, бутун умри давомида, сон-саноксиз кадриятлар оламида яшайди.

Инсон (араб. унутмоқ) – оламдаги бошқа биологик мавжудотлардан ажралиб турадиган муҳим хусусиятларга, яъни ақл, маънавият, маданият, ахлоқ, тафаккур, тил ва бошқа жиҳатларга эга бўлган ижтимоий вужуд Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва ҳислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала. Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзуинтилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади” инсонийлик наслига хос барча генетик хусусиятлар, ахлоқий нормалар, унинг фаолиятини бошқарувчи ҳислатлар ажодлардан авлодларга узатилади. Бошқа тирик мавжудотлардан инсонийликнинг туб фарқини кўрсатадиган хусиятлардан яна бири унинг ўз амалий фаолиятини тартибга сола билишидир. Бу ҳолат инсонийликнинг инсонийлигини белгилловчи энг муҳим хусусият, маданият белгисидир. Шунингдекдек, инсонийликнинг ўз турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш

малакасига эга экани ҳам унинг устувор хусусиятларидан бири ҳисобланади. Инсонийлик ҳаётида меҳнат асосий ўрин тутди. Меҳнат туфайли инсонийлик ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликлар яратди, ўзини такомиллаштиради. Инсонийлик — инсонлик, одамгарчилик чегарасида қилинадиган ишлар, одамга ярашадиган, унга зеб бўладиган, шахсини улуглайдиган фазилатни, ҳаётга, одамзот тақдирига муносабатни англадиган тушунча. Инсонийлик ғоялари узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ёрқин ифодаси бўлган ижод намуналари, аниқ далил ва мисоллар халқ оғзаки ижодиётида, бадиий адабиётда, диний ва фалсафий таълимотларда, турли халқларнинг тарихи, маддий меросида асрлар давомида яшаб келмоқда. Шарқнинг буюк мутафаккирларидан Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби мумтоз сиймоларнинг асарларида инсон эркинлиги, унинг кадр-қиммати, Инсонийлик ғоялари билан бирга бир бутун ҳолда илгари сурилади. Хусайн, Алишер Навоий ижодида дунёдаги энг катта бойлик – ҳазрат инсондир, деган ғоя бадиий сўз орқали асослаб берилган. Ул зотнинг фикрича, бутун мавжудот, борлик инсон учун, унинг бахт-саодати учун хизмат қилиши лозим. “Одамий эрсанг демагил одами, оники йўқ халқ ғамидин ғами”. Алишер Навоийнинг биргина шу байтида унинг ижодида **инсонийлик** нақадар етакчи ўринга чиққани яққол кўриниб турибди. Миллий тафаккуримизнинг бошқа намояналари ижодида ҳам бу анъана давом эттирилиб, юксак инсонийлик маънавий тараққиётнинг муҳим омили сифатида тараннум этилган. Шарқ фалсафаси ва ижтимоий тафаккурида инсонийлик ғоялари азалдан кенг тарқалган бўлиб, унинг кўп минг йиллик тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда ота-боболаримиз томонидан қолдирилган улкан бой маънавий меъросдан кенг фойдаланиб ёшларни маънан етук қилиб тарбиялашда миллий-маънавий кадрларнинг ролини ёритиш орқали бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашда зарур бўладиган ҳолатларни мужассамлаштирган тизим орқали тарбиялаш долзарб бўлганлиги боис “Бошланғич синф дарсларида инсоний фазилатларни сингдириш муаммолари деб номладик. Бошланғич синф ўқувчиларига инсоний фазилатларни таълим-тарбия жараёнида сингдиришда биз ўқиш фаолиятдан кенг фойдаланишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бугунги кунда илм-фан, техника ва технологиялар жадал ривожланган бир даврда яхши яшаш учун иқтисодий таъминланганлик, маънавий юксаклик билан ўзига хос аҳамият касб этади. Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини ташкил қилади. Демак, маънавият қай даражада шаклланган бўлса, у шунчалик тараққиётга хизмат қилган. Миллий кадрларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлар муваффақиятли амалга оша олади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича тафаккур қобилятига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашда одобнома ва ўқиш дарсларида миллий-маънавий кадрларга таяниш ўзига хос аҳамият касб этади.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг қарашларида инсонийликнинг мазмун-моҳиятига янгича қараш ва ёндашувлар пайдо бўлади. Бу буюк манбада муҳаббат, ўз қадрини билиш, ота-боболарнинг ўғитларидан фойдаланиш, тизими, табиатни асраш ўсиб улғайиб келаётган ёшлар дунёқарашни бойитиш ёш авлодни маънавий кадрлар асосида тарбиялаш муҳтожларга ғамхўрлик қилиш, бетоб бўлган инсонларнинг кўнглини кўтариш, инсоний фазилатларни авайлаб асраш, эъзозлаш-масалаларга батафсил тўхталиб ўтилган. Ана шундай тарбия тизимидан фойдаланган ҳолда, ёш авлод қалбини инсоний фазилатлар билан лимо-лим қилиб тўлдириш бугун таълим-тарбия тизими олдида турган вазифалардан биридир бошланғич синф ўқувчиларида инсоний фазилатларни таркиб топтиришда шак-шубҳасиз миллий-маънавий кадрлар етакчи ўринларни эгаллайди. Шунинг учун ҳам бошланғич синфларда инсоний фазилатларни таркиб топтиришнинг ижтимоий асосларига тўхталиб ўтамыз:

- ота-боболаримизнинг тарбия тизими;
- халқ оғзаки ижоди;
- қадимги ёзма манбалар;
- халқ ҳаракти ўйинлари;
- халқ хунармандчилиги саънати;
- “Авесто” асарининг қиймати;
- табиатга онгли ёндашув;
- урхун-энсой битиклари;
- ўзбек халқ оғзаки ижоди;
- сиймолар фаолияти;
- халқ хунармандчилиги;

Бошланғич синфларида ўқиётган ўқувчиларга ота-боболарининг томонидан яратилган бебаҳо маънавий бойликларни ўргатишда унинг барча томонларига эътиборни қаратиб, инсон маънавиятига хос бўлган фазилатлар босқичма босқич сингдирилиб бориса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан ўқувчиларига инсоний фазилатлар нафақат дарс жараёнида балки, ижтимоий фойдали меҳнат, тарбиявий соат, дарсдан ва мактабдан ташқари фаолият турлари жараёнида сингдириб борилса мақсадга мувофиқдир. Бошланғич синф ўқувчиларини етук шахс қилиб тарбиялашда:

- буюк сиймоларнинг ибратли ҳаёт йўли;
- муқаддас манбалар;

- эртақлар;
- топишмоқлар;
- ривоятлар;
- масаллар;
- оила тарбияси;
- синф раҳбарининг бу борадаги ишлари;
- махалла тизими;
- катталарнинг ўзаро муносабатлари;
- дўстлар давраси;
- ижтимоий реал ҳаёт муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам бу ёшдаги болаларга жиддий эътибор қаратилиши керак. Зеро улар бизнинг келажагимиздир.

МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALAR TARBIYASIDA KITOBNING АҲАМИЯТИ

Boboeva Zuhra Dilshod qizi,

GulDU maktabgacha ta'lim yo'nalishi magistri

Insoniyat yaralibdik, o'z farzandi haqida qayg'urmagan, uning uchun elib-yugurmagan, mexr ko'rsatmagan ota-ona, oila yoki millat topilmaydi. Har qaysi zamonda, har qanday makonda bo'lmasin, doimo farzandlar ardoqlanib, ko'z qorachig'idek avaylab-asrab kelingan. Ayniqsa, o'zbek xalqi o'zining tantiligi, mehnatsevarligi, bag'rikengligi, mexr-oqibatligi kabi bir qancha xech kimga o'xshamas fazilatlarini qatorida bolajonligi, serfarzandligi, "bolam" deb ertayu kech emay-ichmay, kiymay harakat qilishi, ular oldidagi burch va majburiyatlarini o'zining ota-onalik xuquqlaridan, shaxsiy yoki kasbiy (ayniqsa, onalar) orzu-umidlaridan ustun qo'yishi bilan millat va elatlar orasida ajralib turadi. Balki shuning uchun ham bugun dunyo hamjamiyati shunday globallashuv jarayonida – ma'naviy taxdidlar, ommaviy madaniyat, "demokratiya – bu faqatgina o'zing uchun yashash" degan buzg'unchi g'oyalar avj olayotgan bir davrda biz – o'zbeklarning oilaviy qadriyatlarimiz, oilaga sadoqat, ota-onaga xurmat-extirom, farzandlarga esa qilinayotgan g'amxo'rliklarning saqlanib qolinganligini va o'z qadr-qimmatini yo'qotmaganini e'tirof etib, havas ila boqmoqdadir. Oldimizga qo'ygan eng buyuk vazifalarimizdan biri kelajak avlodni sog'lom va barkamol qilib voyaga etkazish, ayniqsa ularni ma'nan etuk etib tarbiyalashdir iboratdir.

Darhaqiqat, farzandlarimizni ma'naviyatli qilib tarbiyalash tinimsiz mehnat va mashaqqatni talab qiladi. Bugungi kunda XXI asr bolalarini tarbiyalash jarayonida nafaqat insonlar, balki qo'shimcha tarbiya vositalari – kitob, gazeta va jurnallar, informatsion texnologiya vositalari va virtual o'yinlar, turli ko'rinishdagi moddiy jismlar ya'ni o'yinchoqlarning ham roli ortib bormoqda. Har bir ko'rinishdagi tarbiya vositalari o'zining muhim ajralmas o'rniga ega bo'lib, bolalarning shaxsiy sifatlarini shakllanishida, ularning ongli va zexnli, aql-idrokli, mustaqil va tez fikrlovchi bo'lishida, dunyo haqidagi tasavvurlarini boyitishda o'zining samarali natijalarini ko'rsatmoqda. Bu boradagi fikrlarimizni bugungi kunda garchi televidenie va global tarmoq o'rnini egallashga harakat qilishayotgan bo'lsa-da, lekin o'z ahamiyati va qadr-qimmatini yo'qotmagan kitob va uning birinchi galdagi ma'naviy ozuqa beruvchi tarbiyaviy vosita sifatidagi xususiyatlari haqida bayon etsak.

Inson o'z umrini mazmunli o'tkazishi uchun avvalo o'zini o'rab turgan borliqni tushuna bilishi, yuksak aql va tajriba egasi bo'lishi darkor. Bu borada kitobning o'rnini xech narsa bilan qiyoslab bo'lmaydi. Inson butun umri davomida kitob bilan hamnafas va hamkordir. Kitob hamma davr va xalqlarning eng ulkan kashfiyoti bo'lib, tarixda qabilalar, odamlar, xatto buyuk odamlar ham yo'qolib ketgan, lekin kitobda ularning hayoti saqlanib qolish barobarida kitoblar o'zining mo'jizakor va sexrli kuchi bilan necha-necha asrlardan buyon elga ma'rifat, ma'naviyat va ziyo tarqatib kelmoqda. Shuning uchun ham unisoyatda katta ta'sir kuchiga ega va qadrlidir. "Kitob tafakkurning qo'sh qanotidir" deb ta'rif berishganida uning ma'naviy olamni boyitish, yuksak ijodiy va yaratuvchanlik orzulari ichida harakat qilib yashash nazarda tutilgan bo'lsa kerak. Hayot davom etar ekan inson ana shu buyuk kashfiyot sanalgan kitoblar orqali o'zining ma'naviy olamini boyitib, ong va tafakkurni yuksaltirib, umrini mazmunli va maqsadli ishlar sari intiltirib boradi.

Hayotimiz orzusi – farzandlarimizning komil inson bo'lib voyaga etishlarida ham kitobning aynan yuqorida aytib o'tilgan sifatlarini juda ham foydali hisoblanadi. Bolalar psixologiyasiga murojaat qiladigan bo'lsak, bolalarda dastlabki orzu-umidlar, hayot to'g'risidagi optimistik yoki pessimistik kayfiyatdagi qarashlarning fundamental rivojlanishi, axloq normalari, atrofda qilargalarga nisbatan burch va mas'uliyatning ilk ko'rinishlari maktabgacha bo'lgan davrda shakllanib ulguradi. Shu sababdan aynan shu davrda bolalarda kitobga nisbatan mexr uyg'otish o'zining ijobiy natijalarini beradi. Albatta, samarali natijalarga erishish o'z-o'zidan amalga oshmaydi. Bu jarayonga bevosita va bilvosita ta'sir qiluvchi bir qator faktorlar mavjud bo'lib, ular quyidagilardan iborat:

- oilaviy muhit;
- ota-ona savodxonligi;
- oilaviy kutubxonaning mavjudligi

(bolalar yozuvchilarining kitoblari, jaxon va xalq ertaklari kitoblari, xikmatli naqlar, axloq-odobni va yuksak ma'naviyatni targ'ib qiluvchi Imom al-Buxoriy, az Zamaxshariy, Yusuf Xos Xojib kabi boshqa alloma ajdodlarimizning xadis kitoblari va dinimizning muqaddas kitobi bo'lmish "Qur'oni Karim"ning bor bo'lishi);

- turmush qurgan ikki yoshning ijtimoiy axvoli;

- ayollarning xomiladorlik davrida kitob o'qishi;
- bola tarbiyasida milliy qadriyatlarimizga murojaat qilish (alla aytish, laparlar va bolalar uchun mo'ljallangan quvnoq kayfiyatdagi ibratli voqelikka asoslangan milliy qo'shiqlarning ota-onalar tomonidan kuylab berilishi);
- kattalarning xalq va jaxon ertaklarini bolalar tilida so'zlab berishi va rasmi kitoblarni birga tomosha qilishi;
- maktabgacha ta'lim muassasalarida (MTM) ertaklar va masallarga bog'langan rolli o'yinlar o'ynash, ularni namoish etish;
- ertakdagi qaxramonlarni va voqealarni hayotdagi insonlar va voqeliklarga qiyoslash va ibrat qilib ko'rsatish;
- kitoblarning shakli, dizayni, rasmlardagi ranglar kompozitsion echimining soddaligi va o'ziga jalb qilishi, ifodaliligi va xokazolar.

Yuqoridagilar birlamchi faktorlar bo'lib, barchasi yaxlit ko'rinishga kelganda biz farzandalarimizda kitobga nisbatan qiziqish va mexr uyg'ota olamiz. Buni ularning yuragiga tashlangan bir cho'g' sifatida olsak, uni alanga oldirishimiz uchun bugungi shiddatli axborot-telekommunikatsiya asrida har birimiz mutaxassisligimiz va kasbimizdan qat'i nazar bir qator ishlarni amalga oshirishimiz kerak. Bularga birinchi navbatda quyidagi vazifalarni oldimizga maqsad qilib qo'yishimiz maqsadga muvofiqdir:

1. Bolalarga eng yaxshi sovg'a tariqasida kitob xadya qilish;
 2. Oilaviy kutubxona va unda bolalar burchagini tashkil qilish
 3. Maktabgacha ta'lim muassasalarida kutubxonalar tashkil qilish va bolalarga xos kitobxonlik kechalarini o'tkazish
 4. Uyda va MTMda kitoblarning elektron ko'rinishda bo'lishini ta'minlash
 5. Tuman, viloyat va respublika bolalar kutubxonalarining bugungi kundagi axvolini yaxshilash va modernizatsiyalash, kutubxona fondini yangi va zamonaviy kitoblar bilan to'ldirish, ularning ish faoliyatini zamonaviy talablarga moslash, bolalar va ota-onalarni jalb qilish uchun turli ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar, bolalar yozuvchi va shoirlari bilan uchrashuvlar tashkil qilish;
 6. Bolalar uchun chop etilayotgan kitoblarning shakl-shamoyili, dizayni, rasmlarning tuzilishi va joylashuvi, voqealarning ifodali va tushunarli tasvirlanishi, bolalarga xos yorqinranglardan foydalanish, kitoblarni zamonaviy innovatsion texnologiyalar asosida ishlab chiqarish (masalan, kitob ochilganda undagi rasmlarni harakatga keltirish yoki shu orqali bola o'zi ertak yoki xikoya tuzishi, musiqa yangrashi yoki yoqimli ovoz orqali kitobdagi yozuvlarning o'qilishi) orqali bolalarni jalb qilish;
 7. Televidenie va radio orqali kitoblar va bolalar gazetalarini reklamasini yo'lga qo'yish;
 8. Televidenie va radioda san'at va madaniyat, musiqa bilan kitobni bog'lagan xolatda ko'rsatuvlar tayyorlash, jonli efirida yozuvchi va shoirlar bilan uchrashuvlar tashkil qilish, unda ijodkor bolalarning qatnashishi va bunday ko'rsatuvlarni kattalar bolalar bilan birgalikda tomosha qilishi.
- Xulosa o'rinda shuni aytishimiz mumkinki, maktabgacha yoshdagi bolalarda taqlid qilish xususiyati boshqa xususiyatlariga qaraganda ancha kuchli rivojlangan bo'ladi va ular bu davrda kattalarning e'tibori va yo'l-yo'riq kursatishlariga extiyoj sezadilar. Shu sababdan ota-onalar va bolaning atrofidagi kattalar o'zlarini ularga yaxshi na'muna qilib ko'rsatishlari va ularga hayotni teranroq anglashlari uchun kitob o'qishning va uni eng yaqin do'st deb bilishning zarurligini tushuntirishlari va o'rgatishlari kerak. Yaxshi kitoblar bolalarning ma'naviyatini shakllantirish, ularga milliy mentalitetimizga mos tarbiya berishda eng katta ahamiyatga ega vositadir. Zero sog'lom bolani voyaga etkazish nafaqat moddiy ta'minotga, balki ma'naviy ozuqaning boyligiga va mukammalligiga bog'liqdir. G'ar tomonlama sog'lom va barkamol avlod esa millatning orzusi, faxri va iftixori, jaxon maydonidagi aksidir. Zero, yurtboshimiz har doimo o'z nutqlarida ta'kidlaganidek: "Vatanimizning kelajagi, xalqimizning ertangi kuni, mamlakatimizning jaxon hamjamiyatidagi obro'-e'tibori avvalambor farzandalarimizning unib-o'sib, ulg'ayib, qanday inson bo'lib hayotga kirib borishlariga bog'liqdir. Biz bunday o'tkir haqiqatni xech qachon unutmasligimiz kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. I. V. Grebennikov, Yu.F. Zmanovskiy "Nashi deti" Biblioteka molodoy semi Moskva "Molodaya gvardiya" 1987 5-8, 193 betlar
2. T. Malik "Odamiylik mulki" Toshkent "Sharq" 2008 42, 289, 372, 398 betlar
3. maqolalar.uz.
4. pedagogika-psixologiya.uz

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

Нарматова Фотима Дилиод қизи,

ГулДУ мактабгача таълим йўналиши магистри

Хар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий-маънавий ҳаёт даражасининг юксалиши таълим тизимининг рақобатбардошлиги, илм-фан тараққиёти билан белгиланади. Шу боис, Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, интеллектуал салоҳиятли, жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, аниқ фанларни чуқурлаштириб ўқитиш ва иктисодиётнинг турли соҳалари учун малакали кадрларни тайёрлаш устувор вазифалар сифатида белгиланган бўлиб, пировардида бугунги давр талабига жавоб бера оладиган таълим тизимни яратиш кўзда тутилди.

Соҳадаги ислохотлар натижасида мактабгача таълим тизимида бошқарув механизми тубдан такомиллаштирилди, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш тизими ислох қилинди, ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими қайта кўриб чиқилди, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чоралари кучайтирилди, олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими жорий этилди.

Мактабгача таълим. Узлуксиз таълим тизимининг бирламчи бўғини ҳисобланган ушбу соҳа ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Лекин, таҳлиллар шуни кўрсатдики, охириги йилларда турли омиллар таъсирида мактабгача таълим тизимида болаларни мактаб таълимига тайёрлаш борасида ривожланиш ўрнига, орқага кетиш ҳолатлари, йил давомида мактабгача ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш кўрсаткичлари ўсиши тенденцияси кузатилмади. Аксинча, сўнгги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоиздан зиёдроқ камайиб, бугунги кунда республика бўйича болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиниши 30 фоизни ташкил этди. Бунга мавжуд мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замонавий талабларга жавоб бермаслиги, тизимда вариатив дастурлар, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича муқобил шаклларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси етарли даражада ўрганилмаганлиги, фаолият юритаётган педагог кадрларнинг аксарияти олий маълумотли эмаслиги, таълим сифати мониторинги юритилмаганлиги каби омиллар сабаб бўлди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: “Мақсадимиз келгуси 3-4 йилда мамлакатимиздаги боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олишдан иборат ва биз бунга албатта эришамиз”, - деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, ўтган қисқа вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги, «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги фармон ва қарорлари, шунингдек, “Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Дастури ҳамда республикада мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» асосида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Барча соҳалар қатори тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар, фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларнинг ижроси бошқа соҳалар қатори Давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Истикболда белгиланаётган бундай улкан вазифаларнинг амалга оширилиши соҳанинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни талаб этади. Шу боис, илғор хорижий тажриба асосида “Мактабгача таълим тўғрисида”ги қонуни ишлаб чиқилди. Эътироф этиш керакки, мазкур қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ўз навбатида таълим соҳасига оид миллий қонунчилигимизнинг янада такомиллашувига, соҳага оид барча муносабатларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлашга хизмат қилади

Жумладан, илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш, мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш, мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш механизмининг такомиллаштиришдан иборат долзарб вазифалар қўйилди.

Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги боғчалар қуриш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳисобга олиниб, нодавлат таълим ташкилотлари, жумладан, нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Бу эса тизимда соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турини кўпайтиришга хизмат қилади.

ИГРОВАЯ РАБОТА ПО РАЗВИТИЮ РЕЧИ ДЕТЕЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА.

Статью написала учительница русского языка Сардобинского района Сырдарьинской области Жураева Саломат Исокуловна.

Современный учитель-это творческая личность, непрерывно работающая над собой, широко мыслящая, умеющая эффективно пользоваться передовыми и информационно-коммуникационными технологиями.

(Высокая духовность –непобедимая сила. И. Каримов)

Обучение эффективно только в том случае, если у учителя есть надежный способ достижения целей, и он требует их четкости, возможности, сопоставить достигнутое с желаемым.

(И. Я. Лернер)

Лев Толстой советовал учителям: «Хочешь наукой воспитать ученика – люби свою науку, педагогику и знай её, и ты воспитаешь их.» Кроме знания науки, педагогу необходимо знание возрастных, психологических особенностей детей для применения на уроках разнообразных форм и методов обучения.

Урок-это творческий процесс, и учитель делает его познавательным, увлекательным, живым. Умение учителя правильно организовать урок, подобрать нужный метод, преподнести материал в доступной и интересной форме, создать на уроке атмосферу вдохновения-это и есть талант и мастерство педагога. Понимая большое значение правильной организации и проведения интересной и качественной работы с учениками педагоги находятся в постоянном творческом поиске новых форм и методик.

Использование различных методов в процессе обучения приводят к взаимообогащению, ненавязчивой коррекции собственной позиции; от взаимопонимания-через взаимодействия-к взаимообогащению.

В психологии и методике разработаны специальные технологии: упражнения, приёмы в разных модификациях и вариантах для работы индивидуально, в парах, группах, коллективно. Наиболее распространённым является метод учебной игры. Игра является естественной потребностью ребёнка. В игре ребёнок чувствует себя свободно. Но и от усвоения трудных вопросов предмета игра не должна уводить и делать это усвоение прочным и интересным. Дидактическая игра, являясь игровой формой обучения, соединяет познавательные интересы с занимательными. Именно это сочетание обеспечивает переход от одной ведущей деятельности к другой и позволяет детям овладевать знаниями через призму игр.

Игра- эффективное средство воспитания познавательных интересов и активизации деятельности учащихся, один из приёмов преодоления их пассивности. Правильно организованная с учётом специфики материала игра тренирует память, помогает выработать речевые умения и навыки. Она стимулирует умственную деятельность учащихся, развивает внимание и интерес к предмету. В игре дети действуют не по принуждению, а по внутренней потребности. Цель любой игры на уроке – помочь сделать серьёзный, напряжённый труд занимательным и интересным для учащихся. На уроках русского языка, как правило, применяются дидактические игры. Игру вводят в определенный момент урока соответственно с его дидактическими задачами. Игры на уроке содержат не только развлекательный материал, но и обогащают учащихся новыми знаниями, умениями, вносят в учебную деятельность элемент состязательности. Совместная деятельность предполагает вклад каждого, обмен знаниями, идеями, способами действия. Каждый высказывает своё-наработанное личным опытом, соотносит со знаниями товарищей. Есть немало вариантов проведения урока в игровой форме, но обязательно соблюдение следующих условий: соответствие игры учебно-воспитательным целям урока, доступность для учащихся данного возраста, умеренность в использовании игр на уроках.

Наиболее распространённая и простая форма- игра со словом. Эти игры решают такие предметные задачи, как развитие орфографической зоркости, расширение словарного запаса, закрепление грамматических категорий. Занимая 5-7 минут, они могут проводиться на любом этапе урока. В качестве «речевой разминки» с них можно начинать практически каждый урок.

Для стимулирования интереса учащихся особенно важно использование игр, а также упражнений в форме игр-соревнований, где учащиеся состязаются в том, кто без ошибок и быстрее выполнит задание, данное на карточках или в устной форме. При этом следует помнить, что психологическая особенность школьников такова, что они гораздо охотнее играют в уже известные им хорошо усвоенные, привычные игры, нежели в первые правила, которые они должны усвоить и, как говорят, «войти во вкус игры». Ниже приведу примеры игр, используемых на уроках при повторении и закреплении любого материала. При этом в играх эффективнее организовать не столько индивидуальное, сколько групповое соревнование, которое способствует развитию дружбы, взаимопомощи и взаимоподдержки. К примеру игра со словами; «стрекоза», «ромашка». Внутри этих слов находится много других слов, надо выписать эти слова без ошибок. Из слова «стрекоза» можно образовать такие слова как коза, река, строка, роза, сок, кот, ток, таз, азот, озеро, рота, рот и другие; а из слова «ромашка» можно получить слова: ром, марка, мошка, шар, каша, рак, рок, комар, арка, шок, корм и другие.

Можно использовать игру «Домино» во всех классах на этапе закрепления. Правило этой игры: из рассыпанных слов надо «собрать» предложение. То есть составить предложение относящейся к новой теме. Для того, чтобы ученики познали богатство и красоту русского языка можно использовать такие игры, как «Игра с буквами», «Викторина», «Словесный мяч», «Цепочка», «Угадайка», «Эхо», «Глухой телефон», «Путаница», «Молчанка», «Упряжка», «Аукцион», «Аквариум», «Микрофон», «20-вопросов» и многие другие.

Игра с буквами. Правила игры: надо поменять одну букву в слове так, чтобы получилось новое слово. Например, врач-грач, день-тень, галка-палка, дуб-зуб, фазан-сазан, зубы-губы, мёд-лёд, газ-таз,

зверь-дверь, дом-сом. Или добавить одну букву, чтобы получилось новое слово. Например, клад-склад, стол-столб, пол-поле, кран-экран, пушка-опушка, утка-шутка, усы-бусы, роза-гроза, рот-крот, кошка-крошка, дача-сдача.

Темп урока высокий, следовательно необходимо максимально четко формулировать вопросы, ясно и точно обрисовать условия и перспективы деятельности учащихся, организовать диалог в группе, помочь распределить роли, обеспечить дидактическим и наглядно-раздаточным материалом, наблюдать их деятельность, помогать, консультировать. Направить на поиск рациональных путей обработки информации, обеспечить активное слушание в процессе социализации и наконец, грамотно и глубоко рефлексировать происходящее. Использование дидактических игр даёт результат того, как учащиеся делятся собственными наблюдениями и выводами, как правило, каждый вносит свой вклад в общую копилку. Можно интересно и продуктивно проверять домашнюю работу в парах, четверках; например пересказать домашнее задание своему товарищу. Поговоривание помогает обнаружить собственные ошибки и переводит из позиции «знаю, но сказать не могу» в позицию «знаю- понимаю- говорю».

С детских лет необходимо приучать ребёнка планировать и организовывать свой труд, работать собранно, ритмично. Хорошо работающий человек обладает способностью к организации своей деятельности. Основная цель дидактических игр – способствовать воспитанию организованности у школьников. Воспитывая организованность, воспитываем у детей самостоятельность. Основным принципом воспитания способности к организации деятельности является предоставление ребёнку возможности самому осваивать систему организации работы. Правила игры «Аукцион» таковы: учитель называет букву или слог, учащиеся называют ряд слов, начинающихся с этой буквы, с этого слога, а вторая половина класса глаголы к этим словам. Учитель говорит «ба», первая команда произносит слова «бабушка, баран, басня». Вторая команда подбирают к ним глаголы «вяжет, ест, кончается».

В современном обучении все учителя- предметники, и в том числе учителя- руссоеды стараются использовать на своих занятиях электронные и мультимедийные уроки, которые проводятся с помощью компьютеров. Использование компьютера на уроках позволяет учителю общаться с учащимися более плодотворно, сделать урок привлекательным и эффективным. Можно провести фронтальный или тестовый опрос, показывая перечень вопросов на экране. При изучении нового материала с помощью компьютера можно показывать грамотное оформление задачи или упражнения, полезный и интересный видеоматериал. При закреплении нового материала на экране можно показать слайды, при этом можно использовать разные дидактические игры, где ученики выполняя задания игр должны проявить свои знания по заранее изученным материалам.

Компьютерные технологии позволяют ученику самостоятельно овладевать информацией, обрабатывать её, тестировать качество своих знаний, умений и навыков. Задача учителя в этом процессе – направить ученика на верный путь и проверить результаты. Личность лишь тогда будет находиться в гармонии с окружающими и с самим собой, когда будет способна воплотить свои идеи, увидеть их положительный результат.

Закон Республики Узбекистан «Об образовании» даёт учителю право самому отбирать средства и способы обучения, которые не противоречат основным дидактико-педагогическим принципам. Дидактические игры способствующие развитию интеллектуального потенциала каждого ученика, вполне уместны. Надо разумно и по-доброму организовать его деятельность.

Точна китайская притча: «Скажи мне-и я забуду; покажи мне- и я запомню; дай сделать- и я пойму».

Использованная литература:

1. Сборник занимательных материалов по грамматике русского языка. Авторы: К. Д. Джураев, Д. К. Судом, Р.Д. Курбанов. Ташкент 1992 год.
2. Методическое пособие для учителя. 4класс .Ташкент.2009 год.
3. Газеты «Учитель Узбекистана»№17,2009 Г,№27,2010;№43,2009г;№35,2009г;№15 2009г;№39,2009г.
4. Журнал «Преподавания языка и литературы» 2010г №6
5. Методическое пособие для учителя. 3 класс. Авторы: Н.И. Сергеева, О.А. Корчуганова Ташкент.2014 год.
6. Методическое пособие для учителя. 5 класс. Авторы: Ю.Ю. Мусурманова. Ташкент. 2016 год.
8. Читаем и говорим по – русски. Составитель: З. Х. Абдураимов. Ташкент. 2018 год.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ҲАТТИ-ҲАРАКАТЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЭҒАЛЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Бобоҳўжаева Раъно Дилишод қизи,

Чирчиқ давлат спорт институти талабаси

Мактабда жисмоний тарбиянинг хилма-хил шакллари мавжуд. Афсуски, бошланғич синфларда фақат дарс шаклини ташкил қилиш ва ўтказиш билан чекланиб қолинмоқда. Бу эса ўқувчиларда ҳаракатга бўлган талабларини қониқтирмайди. Педагогик кузатишларнинг кўрсатишича жисмоний тарбия дарслари жараёнида ўқувчилар ҳаёт учун зарур бўлган ҳаракат фаоллигини ниҳоятда кам қисмини оладилар. Ўзбекистон халқ таълими Вазирлигининг 1989 йил 30 январ, 45- сонли буйруғига биноан ҳафтасига 3 соат

жисмоний тарбия дарсини ўтиш мўлжалланган эди. Лекин жисмоний тарбия ўқитувчилари бундан унумли фойдалана ололмадилар. Бундан ташқари дарсларни методик жиҳатдан тўғри ташкил қилинмаслиги (кўпчилик мактабларда бошланғич синф ўқувчилари билан жисмоний тарбия дарсини мутахассис бўлмаган ўқитувчилар ташкил қилади ва ўтказадилар), ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва жисмоний ривожланишини ҳисобга олмаган ҳолда машқлар танланиши натижасида ўқувчиларда жисмоний сифатларни тарбиялаш, ҳаракат малакаларини шакллантириш етарли даражада эмас.

Бошланғич синф ўқувчиларни жисмоний ривожлантириш учун зарур ва фаол дам олишига қаратилган тадбирлар: машғулотгача ўтказиладиган гимнастика, катта танаффусларда қизиқарли ҳаракатли ўйинлар, умумтаълим дарслар жараёнида ўтказиладиган қувноқ дақиқалар ва бошқа тадбирларни ташкил қилишига эътибор берилмай қолди. Натижада ўқувчиларнинг ҳаракат фаоллиги, ишчанлиги тез пасайиб борадиган бўлди.

Мустақил Ўзбекистон Ресубликасининг стратегик вазифаларидан бири – келажакдаги барча эзгу ишларни амалга оширишга қадар бўлган жисмоний соғлом ва маънавий баркамол шахсни вояга етказишдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ўқув ишларни режалаштиришда ва самарали олиб боришда янги ҳамада ижодий қарашимиз лозим, ишга ташаббускорлик билан ёндашишмоғимиз керак.

Демак, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбия тизимини ривожлантириш зарур, болаларни ҳаракат маҳоратини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш керак.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг тарбиясида, уларни жисмонан бақувват, ақлан баркамол бўлиб етишишларида жисмоний тарбия етакчи ролни ўйнайди. Бу муаммоларни ҳал этишда асосий ўрин болалар орасида, ўқитувчилар, ота-оналар ўртасида организмни чиниқтириш, гигиеник қоидалари ва талабларини ўргатиш ва тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тартиб этиш эгаллайди. Шу сабабли биринчи навбатдаги вазифа болаларни ҳар томонлама тўлиқ ривожланишига ёрдам бериш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш, етук шахс бўлишига ҳисса қўшишдир.

Ўқувчиларни жисмоний тарбиялашнинг турли хил шаклларида фойдаланиш мактабда нафақат жисмоний тарбия ўқитувчисининг вазифаси, балки бошланғич синф ўқитувчиларининг, мактаб жамоатчилигининг ва мактаб ёшлар уюшмаси фаолларининг ҳам бевосита вазифасидир. Аммо кўпгина мактабларда жисмоний тарбия давлат дастурида кўзда тутилгандек ташкил қилинмайди. Бунинг биринчи сабаби мактаб ўқитувчиларининг жисмоний тарбия масъул бўлганларнинг барчасида жисмоний тарбия назариясига ва методикасига оид билимлар етарли эмас. Бу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, методик адабиётлар ва қўлланмалар ҳам жуда кам.

Республикада мустақиллигининг халқимизга берган энг буюк неъматларидан бири ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга берилган катта эътибордир.

Кейинги йилларда болалар спортини ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга катта эътибор берилганлиги ҳаммамиз учун қувонарлидир. Аммо шунга қарамай ҳали таълим муассасаларида болаларнинг жисмоний тарбиясини тўғри ташкил этиш борасида қатор муаммолар мавжуд.

Олинган маълумотларга кўра бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний жиҳатдан соғломлик даражаси қониқарли эмаслиги кўпгина мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Илмий тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларга кўра бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг тўртдан уч қисми бирдангина ортиқча ўқув юктамалари билан банд этилганлиги оқибатида одатдаги ўқув предметларини ўзлаштиришга қийналмоқдалар. Сир эмаски, кўпинча бошланғич синф ўқитувчилари биринчи синфга келган ўқувчиларининг саводини тезроқ чиқариш, уларни ёзишга ва ўқишга, ҳисоб-китобга тезроқ ўргатиш учун ёзув, ўқиш ва математика машғулотларига асосий эътиборни қаратадилар-да, аксинча, болаларнинг қизиқиши ва эҳтиёжи кўпроқ сезиладиган жисмоний тарбия, мусика, меҳнат каби машғулотларни иккинчи ўринга суриб қўядилар. Бунинг натижасида бошланғич синф ўқувчиси ривожланишида ҳам жисмоний, ҳам психологик носозликлар вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида боланинг мактабдан, ўқишдан тез безиб қолишига сабаб бўлади. Мактаб унинг учун ўз имкониятларини намоиш этадиган, билиш, ўқиш ва ўрганиш эҳтиёжларини қондирадиган, уни такомиллаштиришга бўлган интилишини қаноатлантирадиган жой эмас, балки уни ҳар томонлама эзиб қўядиган зиндонга айланади.

Бошланғич синф ўқувчисининг жисмоний ҳатти-ҳаракатларга бўлган эҳтиёжининг юқорилиги унинг ёш ва физиологик хусусиятлари билан асосланади. Бу даврда боланинг суяк-мускул тизими шаклланишда давом этиб, унинг организмда суяклашиш даври кечаётган бўлади. Ана шу ҳолатнинг ўзи унинг жисмоний ҳатти-ҳаракатларга бўлган эҳтиёжини оширади. Кўп ақлий меҳнат талаб этадиган машғулотларда вақти-вақти билан физкультдақиқаларни ўтказиб туришнинг ўзигина боланинг юқорида айтиб ўтилган эҳтиёжларини қондириш учун етарли ҳисобланмайди. Ҳатто ҳафтада икки марта ўтказиладиган жисмоний тарбия машғулотларининг ўзи ҳам ўқувчиларда жисмоний кўникмаларни, қолаверса, жисмоний маданиятни талаб даражасида шакллантириш учун етарли эмас.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг фақат 9%и - юқори даражадаги, 57%и – ўрта даражада, 34%и – паст даражадаги жисмоний кўрсаткичларга эга.

Т.В.Корнеевнинг фикрича, 95,3% бошланғич синф ўқувчилари дарсдан ташқари пайтларда жисмоний машқлар билан шуғулланмайдилар, 87,8 %и эса эрталабки бадантарбияни бажармайди, фақат 12% болалар ота-оналари билан фаол дам оладилар.

Бу кўрсаткичлар, албатта, бизни ташвишга солади. Ўқувчиларда бошланғич синфдан, ҳатто ундан ҳам олдинроқ жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш кўникмаларини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш фақат таълим муассасаларининг эмас, балки таълим-тарбия иши билан шуғулланадиган барча ижтимоий институтлар – оила, мактаб, маҳалла, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқ-тарғибот органларининг биргаликдаги баҳамжиҳат фаолият кўрсатишларига боғлиқдир.

Аmmo барча ижтимоий институтлар ишини болаларда жисмоний маданиятни шакллантиришга оид зарур методик кўрсатмалар ва тавсиялар, зарур билимлар билан қуроллантирадиган ташкилот – бу таълим муассасаларидир. Таълим-тарбия иши билан шуғулланадиган мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини юқори даражада такомиллаштириш ҳам муаммонинг ечимини топиш учун асосий шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний кўникмалар ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий воситаси бу жисмоний тарбия машғулотларидир.

Хулоса қилиб айтганда ҳаракат малакаларини такомиллаштириш жараёнида осон тушунарли ва индивидуаллаштиришни таъминлаш билан бирга, ўрганилган ҳаракатнинг қанчалик мустаҳкамланганлигига қараб мусобақа методидан олдин ҳаракат техникасига асосан, сўнгра бутун функционал имкониятларини кўрсатиб янада кенгрок фойдаланиш зарур.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ш.Қурбонов, А.Қурбонов. Жисмоний машқларининг физиологик асослари. «ЎАЖБНТ» Маркази, 2003 й.
2. Қ.Содиқов, С.Х.Атипова. Ёш физиологияси ва гигиена. «Янги аср авлоди» Тошкент 2009 й.
3. Н.Қ.Қосимова. Ёш физиологияси ва гигиенаси. Бухоро 2005 й.
4. А.Қ.Атоев. Болалар спортини ривожлантириш. Бухоро-2007 й
5. М.Рахматхўжаев, Б.Сафаров. Жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт мактабларининг раҳбар ва мураббийлари учун қўлланма. Тошкент 2009 й.

ПЕДАГОГИК ТАЪСИРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ

*Mamatqulova Surayyo Rustamovna Sirdaryo viloyati Mirzaobod tumani
5-umumta'lim maktabining 1-toifali boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Республикамиз истиқлолга эришган ҳозирги даврда шахсга чуқур, асосли ва умумий талаблар қўйилади лекин иккинчи томондан шахсга катта ҳурмат кўрсатилади. Бу шахсга бўлган талабларни ва унга бўлган иззат-ҳурматни бирга қўшиб – икки хил шарт бўлиб, педагогнинг болаларга бўлган муносабатларининг чинакам инсонпарварлигидир. Педагогик таъсир кўрсатиш усуллари ўз ўқувчилари тақдирига берпарво бўлган кишилар қўлида соф касб-корлик воситалари эмас, балки инонлар орасидаги жонли муносабатлар мажмуидир.

Умуман педагогик таъсир кўрсатиш усуллари мукамал эгалламасдан ва ундан моҳирона фойдаланмасдан туриб таълим-тарбия соҳасида катта муваффақиятларга эришиб бўлмайди.

Ижтимоий руҳият назариясида ва педагогик амалиётда ўзаро фикр алмашишда таъсир кўрсатиш икки усулда олиб борилади: ишонтириш ва таъсир этиш. Рус педагоги Успенский «Одамни тарбиялашнинг энг асосий йўли ишонтиришдир, одамнинг эътиқодида эса фақат ишонтириш билан таъсир қилиш мумкин», деган эди. Ўқитувчи фаолияти ўз ўқитувчиларини ишонтириш ва таъсир этишни талаб қилади. Педагогнинг барча таъсирлари: ўқувчиларнинг муносабатлари, фикрлари, хис-туйғулари, ҳаракатларини ўзгартиришга ва мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, у муҳит ва табиатнинг ҳамкорлигига таъсирланади. Ўзаро ҳамкорликда таъсир кўрсатишнинг натижаси ишончдир. Ишонч асосида ўқитувчининг билимлар тизими, дунёқарашлари, муносабатлари ва хулқ-атвори шаклланади.

Ишонч – ўзаро ҳамкорликдаги таъсир этишнинг натижаси эканлигини кўраемиз. Ишонч икки хил, яъни ҳақиқий ва сохта турларга бўлинади. Ҳақиқий ишонч реал борлиқ ҳаёт талабларига мос бўлиб, у инсонни кадрли, обрўли қилади. Сохта ишонч ўзи ва бировларнинг салбий таърибаси, қарашлари асосида ҳосил бўлади. Ўқитувчилардаги сохта ишончни ўзгартириш учун ўқитувчи кўп куч сарфлайди. У уч йўналишда олиб борилади: соғлом ижтимоий фикрни шакллантириш, қимматли маҳсус индивидуал таърибани яратиш, нотўғри ишончдаги қараш, билим, тасаввур, тушунчаларни бартараф этиш.

Ишонч одамларнинг дил ришталарини боғловчи катта куч. Бунинг учун одам бошқаларга ишонмоғи ихлос қилмоғи керак. Ҳалоллик, адолат соф виждонлилик, поклик, сўз ва иш бирлиги ишончнинг мезонларидир. Иккиюзламачиларга, фирибгарларга, мунофиқларга ҳеч ким ишонмайди.

Инсонда ишонч учта таркибий қисмдан таркиб топади: билим – хиссиёт – хулқ-атвор. Ишонч куйидаги формула: тушуниш – кечинмалари – ўзига қабул қилиш – бажариш (ўз фаолияти ва атрофида) асосий амалга оширилади.

Ишонтириш ёрдамида янги қарашлар, муносабатлар шаклланади ёки ўзгаради.

Ишонтириш шакллари тубандагилар: мунозара, баҳс, суҳбат, хикоя қилиш ва намуна.

Ишонтириш ҳамкорликда таъсир кўрсатишда максимум таъсирли бўлиши учун куйидаги талабларга жавоб бериш керак.

-ишонтириш мазмуни, шаклли ўқувчининг ривожланиш даражасига мос бўлиши (кичик ўқувчилар эртақ, фантастик хикоялар ва бошқа);

-ишонтиришда ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш;

-ишонтириш умумлашган, конкрет асосларга, мисолларга. Бошланғич синфларга овозли материалларга таяниши;

-ишонтиришда ўқитувчи ўз хабар қилаётган нарсага ўзи чуқур ишониши ва ҳ.к.

ишонтиришнинг ўзаро ҳақорликдаги таъсир кўрсатиш самараси куйидаги шартларда юз беради:

-ўзаро ҳамкорлик таъсирнинг кучи ишонтиришнинг обрўсига ва воқеанинг мазмунига боғлиқ (ўқувчи ўқитувчига қанчалик ижобий муносабатда ҳўласа, шунчалик унга тез ишонади):

-ишонтиришда ўқувчининг индивидуал рухий ҳолатини ҳисобда олиш;

-ишонтиришда ишонтирувчининг интеллектуал хиссий ҳолати билан ишонувчининг ҳолати мос бўлиши керак. Масалан, бола ҳаддан ташқари ҳаяжонланганда нохуш ҳис-туйғулар унда ҳамкорлик қилганда унинг ҳулқидаги камчиликларни кўрсатиш орқали таъсир кўрсатиш самара бермайди.

Ишонтириш методи таъсирли бўлмайди қайсики, фикр, ҳиссиёт ва ирода бир бутун ҳолда мувофиқлашади. Ишонтиришнинг самараси ўқитувчининг сўз ва иш ҳаракат бирлигига боғлиқ.

Таълим ва тарбияда ўқитувчининг ишонтириш ҳақида Ибн Синонинг куйидаги иборанинг сўзларни қимматидир: «Ҳар бир сўз ҳаракат ва мимика билан тасдиқланиши, болаларда ҳиссиёт уйғотадиган бўлиши зарур».

Педагогик таъсир кўрсатишда ишонтириш методи билан бир қаторда таъсир кўрсатиш методи ҳам қўлланилади. Узоқ йиллар педагогик жараёнда таъсир этиш тан олинмас эди. Биз хоҳласак, хоҳламасак таъсир кўрсатиш элементлари ҳаётда ўзаро ҳамкорликда муҳим рол ўйнайди. Сўз ёрдамида биз ўқитувчиларга зийраклик ёки кўрқувни, ўзига ишонч ёки ишончсизликни, зерикш ишонч ёки суҳбат сингариларини ҳосил қиламиз.

Ўқитувчиларга таъсир қилиш сўзнинг фандаги маъносига қараб эмас сўз ва нутқ интонатсияси, аниқлигини ифодоловчи ҳамда буларни мустаҳкамловчи имо-ишоралар – юз, қўл ҳаракатлари билан бевосита ҳиссиётга таъсир этади. Бу ҳақида Макаренко: «... Юз ҳаракатларни яхши эгалламаган, ўз юзида зарур маъноларни бера билмайдиган ёки ўз кайфиятини ушлаб туролмайдиган киши яхши тарбиячи бўлиши мумкин эмас» - дейди ўринли таъкидлаб.

Сухомлинский сўзнинг таъсири ҳақида: ўқитувчининг сўзи – ўқувчининг қалбига таъсир ўтказадиган ягона сўз. Тарбиячилик санъати – аввало, гапириш, инсон юрагига мурожаат қила олиш санъатига боғлиқ. Мен астойдил ишонаманки, кўпинча катта жанжал билан тугайдиган, мактабда тез-тез содир бўлиб турадиган можаролар – ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан гаплашишни билмасликлари оқибатидир» деган фикрлари қимматлидир.

Умуман, педагогик таъсирнинг самарали бўлиши шартлари: ўқув материалининг мазмуни: таъсир кўрсатишдаги ҳолатига боғлиқлиги; ўқитувчининг таъсир кўрсатиш техникасига; таъсир кўрсатишнинг асосланган сифатига ва амалда қўллаш учун яратилган шароитга ва бошқаларга боғлиқ.

TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA DARSLIKLAR BILAN ISHLASHNING AHAMIYATI

Mustafayeva Nuriya Tolibjonovna

Sirdaryo viloyati Guliston tumani 13-maktab boshlang'ich sinf o'qituvchisi

О'қувчилар ilgari darsliklardan uyda bilimlarini mustahkamlash uchun foydalangan bo'lsalar, maktab rivojlanishining hozirgi bosqichida esa ulardan yangi material bayon qilinishi bilanoq foydalanishmoqda. O'quvchi kitob bilan muvaffaqiyatli ishlay olishi uchun tegishli ko'nikma va malakalarni egallashi kerak. Ta'limning hozirgi bosqichida o'quvchilarga darslik bilan mustaqil ishlashni o'rgatish o'qituvchining muhim vazifasidir. Binobarin, ular kelajakda turli bilimlarni o'zlaricha tahlil qilishga, o'rganishga va umumlashtirishga ham majbur bo'ladilar.

Kitob bilan ishlashni o'rgatishning dastlabki bosqichida izohli o'qish metodidan foydalaniladi. O'qituvchi bolalarga kitobni diqqat bilan o'qishni, undagi har bir so'z va ifodaning ma'nosini oylab ko'rish hamda butun mazmunni qamrab olishni o'rgatadi. Darslik bilan ishlashning asosiy bosqichlari - o'quvchilar sinfda va uyda o'zlari uchun yangi materialni mustaqil holda o'rganadilar. Ishning bu usuli quyi sinflardagi darslarda dastlabki ko'nikmalarni shakllantirish uchun bir oz qiyinlik qiladi. Shunday ekan, darslik va kitob bilan ishlashning o'qitish metodi sifatidagi mohiyatini qanday ta'riflash mumkin?

Bu metodning mohiyati bilimlarni o'zlashtirish va mustahkamlash, o'quvchilarning darslik va kitob bilan mustaqil ishlashi jarayonida amalga oshishidan, va ayni paytda, ularning kitob bilan ishlash malakalarini egallashidan iboratdir. Mazkur metodning o'zaro bog'liq ikkita muhim tomoni mavjud bo'lib, ular o'quvchilarning o'rganiladigan materialni mustaqil o'zlashtirish va ularda o'quv adabiyoti bilan ishlash ko'nikmasini shakllantirishdir. Dars mashg'ulotlari tizimida darslik bilan ishlashning to'g'ri yo'lga qoyilishida o'qituvchining ta'limiy ishlari bilan o'quvchilar faoliyatining o'zaro muvofiqligi masalasi g'oyat muhim ahamiyatga molikdir.

Darslikni mashg'ulotlarni tashkil qilish uchun foydalaniladigan qandaydir yordamchi vosita deb bilmaslik kerak. Darslik, avvalo, o'quvchilar uchun muhim bilim manbalaridan biridir. Lekin u bayon etilgan

materialni mustahkamlashning va o'quvchilar bajaradigan aqliy ishlarni faollashtirishning samarali vositasi sifatida ham xizmat qiladi. Ammo buning uchun o'qituvchi darslikni qo'llashda eng muhim metodik talablarga rioya qilishi zarur. U mashg'ulotlarni o'tkazishdagi muayyan holatda darslikni qay yo'sinda qo'llash maqsadga muvofiqligini aniqlab olishi, shu orqali bolalarni fikrlashga rag'batlantirishi, ularning o'rganiladigan materialni quruq yodlashi va yuzaki eslab olishiga yo'l qoymasligi kerak. Shu boisdan dars mashg'ulotlari jarayonida darslik ustida ishlashni tashkil etishga qoyiladigan ayrim umumdidaktik talablar haqida bir oz to'xtalish joizdir.

1. Avvalo, o'quvchilar darsda mustaqil o'rganishi uchun kerakli materialni to'g'ri tanlashi muhim ahamiyatga ega. Ma'lumki, o'quvchilar barcha masalalarni o'qituvchining oldindan tushuntirishsiz o'zlashtiravermaydilar. Ko'p mavzular mutlaqo yangi ma'lumotlarni o'z ichiga olgan va ular umumlashtiruvchi xarakterda bo'ladi.

2. Darslik va o'quv kitoblari bilan ishlashdan oldin doimo o'qituvchi mufassal kirish suhbatini o'tkazishi shart. Unda o'quvchilarni o'rganiladigan mavzudan xabardor qilishi, yangi materialning asosiy masalalariga e'tibor berishi (lozim bo'lsa, doskaga yozishi yoki oldindan tayyorlangan jadvalni ilib qoyishi), shuningdek, mustaqil ishning tartibini belgilashi kerak.

3. Darslik bilan ishlash butun dars mobaynida davom etmasligi kerak. Uni o'qitishning boshqa shakllari va metodlari bilan birlashtirish lozim. Masalan, darslik bilan ishlab bo'lingach, material qanday o'zlashtirilganini tekshirish, ko'nikma va malakalar hosil qilish, o'quvchilarning bilimlarini yanada chuqurlashtirish bo'yicha amaliy mashqlar o'tkazish kerak.

O'tilgan material ustida ishlash, yangi materialni bayon etish va mustahkamlashda darslikdan foydalanish yo'llarini ko'rsatamiz. Yuqorida aytilganidek, so'nggi yillarda o'tilgan material ustida ishlashda qo'llanilgan metodika uy vazifalariga o'xshash tayyorlanish mashqlari bilan bog'liq anchagina usullarni o'z ichiga oladi va bunday mashqlar darslik bilan bajariladi. O'quvchilar masalalarni yechadilar, mashqdarni ko'chiradilar, darslikdagi savollarga yozma javoblar qaytaradilar va hokazo. Lekin o'tilgan material bo'yicha darslik bilan ishlashning yana bir turi borki, uni ko'pchilik o'qituvchilar bilmaydilar. Ishning bu turi o'quvchilarning darslikdagi materialni mashg'ulotning boshida, bilimlarni tekshirish oldidan o'qishidir.

O'qitish jarayonidagi rahbarlik didaktik savollar yoki o'qituvchining savollari yordamida amalga oshiriladi. O'quvchi o'qituvchining savollariga tobe bo'lib qolmasligi uchun o'zi o'ziga mustaqil holda savollar qoyishni o'rganishi, ya'ni o'zicha fikr yuritish ko'nikmasini o'zlashtirishi kerak. Bunga o'qitish jarayonida erishiladi. Buning uchun o'qituvchi nima qilishi lozim? U avvalo zarur tushunchalar va operatsiyalarni o'rgatadi. Buni muayyan misollar orqali bajaradi. Ammo har bir o'qituvchi yangi materialni, yangi tushuncha va operatsiyalarni o'rgatganidan keyin ham o'quvchi ularni mustaqil holda qo'llashga qiynalishini biladi.

Qoida tushuntirilishi bilanoq taklif etilgan topshiriq ustida ishlashda o'quvchida avval ikkita faoliyat, ya'ni qoidani o'zlashtirish va qoidaning mazmunini tushunish faoliyatlari qo'shib ketadi. Qoidani o'zlashtirish faoliyatini nuqtai nazar yoki o'qituvchining savoli boshqaradi. Ayni paytda o'quvchi qoidaning mazmunini tushunishga ham harakat qiladi. Keyingi faoliyat muayyan misolga qaratiladi. Bularning hammasi mazkur vaziyatda qoshilib ketadi. Agar qoida faqat bitta misol yordamida ko'rsatilsa, u tushuntirilgan vaziyatga o'xshasada, boshqa vaziyatlarga o'quvchilar mustaqil holda ko'chira olmaydilar. Shuning uchun o'quvchilarga oldin bir necha misollarni o'qituvchi rahbarligida yechish imkoniyati yaratiladi. Ular qoidani yaxshi o'rgangach va mashqlar bilan mustahkamlagach, ularga asta-sekin murakkablashib boradigan misollar, topshiriqlar asosida mazkur qoidani qo'llash bo'yicha mustaqil ishlar taklif etiladi.

Boshlang'ich sinflarda o'quvchilar darsda endigina o'rganilgan mazmunning o'zini emas, balki ana shu mazmunni o'rganishda qo'llangan usullarni takrorlash yo'li bilan yangi tushunchani mustaqil holda o'zlashtirishga tayyorlanadi. Sinfidagi hamma o'quvchilar o'qituvchi rahbarligida qandaydir mavzuni o'rganganlaridan keyin o'qituvchi ularga "teskari yurish" qilishni, ya'ni darsning har bir nuqtasiga qaytishni va unda nima qilingani hamda qanday qilinganini kuzatishni tavsiya etadi. Bunda eng muhimi darsning mazmunini emas, balki o'quvchilarning ana shu mazmun ustida qanday ishlashidir. Bu esa ularga ta'limiy ishning usullarini anglashda yordam beradi. Sinfda qanday masalalar qoyilganini, hodisani tushunishga yoki muammoni yechishga qanday qilib erishilganini bilib oladilar. Bu ish o'qituvchi usullarini egallash mashqidir. Mana shu mashqning natijalarini bir o'quvchi doskaga yozadi, qolgan o'quvchilar darsning qanday o'tganini qayta tiklashda unga yordam beradilar.

Buning uchun doska ikki qismga bo'linadi va uning chap tomoniga darsdagi eng muhim faktlar hamda fikrlar qisqacha reja ko'rinishida yoziladi. O'ng tomonga masalalar, sinfda bajarilgan barcha ishlar, aytaylik, kuzatishlar, mo'ljallar, topshiriqlarning yechimlari va hokazolar yoziladi. Bu mashq orqali nimalarga erishiladi? Darsning asosidagi barcha masalalar, harakatlar va ifodalar darsning umumiy mazmunidan ajratiladi va shu tariqa o'quvchilarning tushunishi uchun moslashtiriladi. Natijada, o'quvchilar darsda nima qilish lozim bo'lganini va qanday qilinganini bilishga hamda tushunishga odatlanadilar. Vaqt o'tishi bilan bilish harakatlarini yangi hodisalarga yoki misollarga ko'chirish ko'nikmalari tarkib topadi. Lekin bilish harakatlarini ko'chirish mashqi o'quvchilar uchun darsda materialning o'zini o'zlashtirishga nisbatan ancha qiyinroqdir. Ushbu mashqdan ko'zlanadigan maqsad material va o'qitish vositalari orqali aynan bilish jarayonini anglashdan iborat bo'lishi mumkin.

Ko'rsatib o'tilgan izlanishlar topshiriqlari savollarga yodlangan darslik matnidan yoki o'qituvchining tushuntirishidan tayyor holda olingan javoblarni qaytarish emas, balki har bir savolga tegishli javob topishni tavsiya qilishdan iboratdir. Ular aslida evristik-ta'limiy savollardir. Ana shu maqsadda quyidagi topshiriqlarni tavsiya etish mumkin:

- a) kuzatish materiallarini yoki o'qituvchi bergan mavzu boyicha to'plangan faktlarni tizimlashtirish: asosiy masalalarni ajratish, reja tuzish, faktlarni guruhlashtirish;
- b) taqqoslash va umumlashtirish, xulosa chiqarish va uni asoslash;
- v) bilimlarni qo'llash: yangi faktlar va misollar bilan tasdiqlash, yangi hodisani o'rganilgan hodisa darajasida tushuntirish.

Kuzatishlar, amaliy ishlar, tajribalar, eksperimentlar davomida yaxshi o'zlashtirilgan bilimlarni emas, balki ularni qo'llashni ham talab qiladigan savollar va muammolarni o'z ichiga oladi, murakkabroq izlanishlar amalga oshiriladi.

Darsda bilishdagi mustaqillikning rivojlanishi avval o'qituvchining yordamidan, darslik, ma'lumotnoma, lug'at, shaxsiy kuzatish va tajribalardan foydalanib, savollarga mustaqil holda javob topish ko'nikmasini egallash, keyin esa hech qanday yordamsiz o'rganilgan materialga mustaqil holda savollar qo'yish ko'nikmasini egallash asosida amalga oshadi. Keyinchalik o'quvchi boshqacha sharoitda namunaga taqqoslab, topshiriqlarni hal qilish va savollarga javob berish ko'nikmasini o'zlashtiradi.

Bunda induktiv va deduktiv mushohada yuritish ko'nikmasi tarkib topadi. Umuman olganda, darsliklar bilan ishlash natijasida o'quvchi fanlar sohalari boyicha bilimlarni egallash bilan birga, milliy istiqloq g'oyasi va mafkurasining tub mohiyatini tushunib yetadilar. Bunda, ayniqsa, o'qituvchining roli kattadir.

БОШЛАНҒИЧ СИНФДА УНЛИ ВА УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ УСУЛЛАРИ

*Мусурмонова Нигора Джумаевна,
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 16-умумтаълим
мактаби бошланғич синф ўқитувчиси*

Бошланғич таълим давлат қонунини ҳаётга тадбиқ этишда муҳим босқич ҳисобланади ва унда она – тили ўқитиш асосий ўрнини эгаллайди. Бошланғич синфларда она – тили ўргатишдан асосий мақсад болаларнинг ёш хусусиятига кўра оғзаки ва ёзма нутқ тафаккурини ўстириш, уларни шахс сифатида шакллантириб боришни амалга ошириш, уларда билим олишга қизиқишни ўстириш, фаоллик, мустақиллик, меҳнатсеварлик, қийинчиликларни енга олиш қобилиятини амалга оширишга эришишдан иборат. Болаларнинг ақлий ва нутқий қобилиятларини ўстириш келгусида фанларни пухта ўзлаштиришларига имкон яратади.

Бошланғич синфлар она – тили дастури куйидагича билимларни ўз ичига олади.

1. Савод ўргатиш синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш.
2. Синфда синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш.
3. Фанетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш.

Бошланғич синфларда ўрганиш учун тилни онгли эгаллашга ва ўқувчиларда график ва орфографик малакаларни шакллантиришга замин ҳисобланган билимлар танланган. Фонетика ва графика соҳасида ўқувчилар сўзнинг товуш таркибини, унли ва ундош товушларнинг ўзига хос хусусиятларини, сўзда товушнинг маънони фарқлашдаги аҳамиятини тўғри тушунишга имкон берадиган билимларни ўзлаштирадilar, шунингдек, уларга сўзнинг товуш ва график шакли ўртасидаги нисбат (боғланиш) ни онгли аниқлаш, сўзни тўғри ёзиш имконияти яратилади.

Кичик ёшдаги ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқни эгаллашларида фонетикадан олган билимларнинг аҳамияти катта:

а) фонетик билимга асосланган ҳолда 1 синф ўқувчилари савод ўрганиш даврида ўқишни ва ёзишни билиб оладилар;

б) фонетик билим сўзни тўғри талаффуз қилиш {товушларни тўғри талаффуз қилиш, урғули бўғинни ажратиш, орфоэпик меъёрга риоя қилши) асосини ташкил этади;

в) фонетик билим морфологик ва сўз ясалишига оид билимлар билан бирга ўқувчиларда қатор орфографик малакалар (жарангсиз ва жарангли ундошларнинг ёзилиши) шакллантириш учун замин бўлади;

г) фонетик билим гапнинг оҳангига кўра тўғри айтиш, логик урғу ва гап қурилишидаги паузаларга риоя қилиш учун зарур;

д) сўзнинг товуш томонини билиш унинг маъносини тушуниш |ва нутқда онгли қўллаш учун муҳимдир; *ҳозир* ва *ҳозир, атлас* ва *атлас* сузлари маъносидаги фарқ фақат урғу орқали ажратилади. Сўзнинг товуш томонини тасаввур қилиш сўзларни талаффузда фарқлаш, айрим сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва қўллаш учун зарур.

Ўқитувчи бошланғич синфларда ўқитиладиган барча фанларга оид дарсларда сўзни аниқ, ва тўғри талаффуз қилиш устида доимий ишлаб боради, шу мақсадда кўпинча сўзни товуш томондан анализ қилишдан фойдаланади.

Мактаб дастурига мувофиқ, бошланғич синф ўқувчилари фонетик-график кўникмалар кўникмалар ҳосил қиладилар: товушлар ва ҳарфлар, унли ва ундош товушлар, жуфти бор жарангли ва жарангсиз ундошлар, жуфти йўқ жарангли ва жуфти йўқ жарангсиз ундошлар; сўзни бўғинларга бўлиш, урғули бўғинни ажратиш кўникмаларига эга бўладилар.

Болалар мактабга келгунга қадар ҳам нутқнинг товуш қурилишини амалий ўзлаштирадилар, аммо улар махсус ўқувчиларига қадар сўзни бўғинларга бўлишни, сўздаги товушларни изчил талаффуз қилишни билмайдилар. 1-синф ўқувчиларида сўзни тўғри талаффуз қилиш, бўғинларга бўлиш, ундаги ҳар бир товушни тартиби билан аниқ айтиш кўникмасини шакллантириш устида мақсадга мувофиқ, ишлаш, ўз навбатида, анализ, синтез, таққослаш, гуруҳлаш каби ақлий машқларни билиб олишга, шунингдек, товушларнинг табиати, сўз таркибида бир-бирига таъсири каби айрим элементар билимларни ўзлаштиришга имкон беради.

1- синфда фонетика ва графикани ўрганишга катта ўрин берилади, чунки ўқувчилар ўқиш ва ёзиш жараёнини шу синфда эгаллайдилар. Бу билимлар кейинги синфларда, асосан, мустақамланади, такомиллаштирилади.

Товуш мураккаб тушунча бўлгани учун бошланғич синфларда унга таъриф берилмайди. Шунга қарамай, болаларда товуш ҳақида тўғри илмий тасаввур амалий машқлар ёрдамида ҳосил қилинади. Бунда етакчи усул сўздаги товушларнинг талаффузи ҳамда сўзнинг лексик маъноси сўздаги товушларнинг таркибига боғлиқлиги устида кузатиш ҳисобланади. Масалан, *ака, ука, она, она. ота, кул, гул* каби бир унли ёки бир ундош билан фарқланадиган сўзлар ҳар хил лексик маънони ифодалайди.

Сўзнинг товуш таркиби устида ишлаш савод ўргатиш даврида бошланади. Болалар бу даврда талаффуз қилинган ёки эшитилган сўз товушлардан тузилишини билиб оладилар. Улар сўзни товуш томонидан таҳлил қилишга ўрганадилар, яъни сўзни бўғинларга бўладилар, сўздаги товушларни тартиби билан айтадилар. Бунда товуш томондан таҳлил қилиш ҳарф томондан таҳлил билан аралаштирмасликка алоҳида аҳамият берилади. Масалан, кўл сўзида к, ў, л товушлари, тинди сўзида т,и,н,д,и товушлари борлигини айтишлари зарур.

Сўзнинг товуш таркибини тўғри тасаввур этиш ундаги ҳарфларни тушуриб қолдирмай ёки ўрнини алмаштирмай ёзиш малакасини шакллантириш учун ҳам, сўзни тўғри талаффуз қилиш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун савод ўргатишдан сўнг ҳам, сўзни товуш томондан таҳлил қилиш машқлари ёрдамида сўздаги товушлар таркибини аниқлаш кўникмасини такомиллаштириш устида ишлаб бориш зарур.

Маълумки, нутқ товушлари икки катта гуруҳга бўлинади: унли товушлар ва ундош товушлар. Буни ўқувчиларга тушунтиришда қуйидаги белгилари ҳисобга олинади: 1) талаффуз қилиниш усули (унли товуш талаффуз қилинганда, ҳаво оқими оғиз бўшлиғидан эркин равишда ўтади, ундош товуш талаффуз қилинганда, ҳаво оғиз бўшлиғида тўсиққа учрайди); 2) овоз ва шовқиннинг иштироки (унли товушлар фақат овоздан иборат, ундош товушлар талаффуз қилинганда шовқин эшитилади, баъзан шовқин ва қисман овоз эшитилади); 3) бўғин ҳосил қилиш хусусияти (унли товушлар бўғин ҳосил қилади, ундош товушлар бўғин ҳосил қилмайди).

Ўқувчилар бу белгиларни ёдлаб олишларига йўл қўймаслик, аксича, 1-синфданок болаларда товушни талаффуз қилганда, овоз ёки шовқин эшитилганда нутқ органларининг вазиятини кузатиш кўникмасини ўстириб бориш лозим. Бундай кузатишлар 2-синфда давом эттирилади ва умумлаштирилади. Товушларни ўзлаштиришга бундай ёндашиш, унли ва ундош товушларни пухта ўзлаштиришга имкон бериши билан бирга, ўқувчиларнинг ақлий қобилиятини ўстириш вазифасини ҳам бажаради; хусусан, болалар кузатилган ҳодисанинг бир неча белгиларин таққослашга, умумлаштиришга ўрганадилар.

Хулоса қилиб айтганда, мактабларда она тили ўргатишнинг мазмуни жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида давлатимизнинг мактаб олдида қўйган вазифасига мосланган. Бу вазифалар кўпқиррали бўлиб, уларни бажариш ўқувчилар онгини ўстиришга, уларга гъвий-сиёсий, ахлоқий, эстетик, меҳнат тарбиясини беришга йўналтирилган. Она тилини ўргатиш натижасида ўқувчиларда ўз фикрини грамматик тўғри, услубий аниқ, мазмунли, оҳангга риоя қилиб ифода қилиш ва уни имловий тўғри ёза олиш кўникмалари шакллантирилади. Бу вазифа ўқув предмети сифатида ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти булиб, ўқувчини шахс сифатида шакллантиришга йўналтирилган умумтаълим вазифалари билан боғлиқ, ҳолда амалга оширилади.

RIVOJLANGAN XORIJIY MAMLAKATLARDA MAKTABGACHA TA'LIM TIZMIDAGI ILG'OR TAJRIBLAR TAHLILI

*M.A.Yo'ldosheva
Guliston davlat universiteti, maftun1996@mail.ru
magistrant*

Mamlakatimizda iqtisodiy va siyosiy munosabatlarning yuqori sur'atlarda rivojlanishi jamiyat a'zolarining ijtimoiy tafakkuridagi ijobiy o'zgarishlar bilan uzviy bog'liqdir. Jamiyatda yashayotgan kishilarning tafakkurida ijobiy o'zgarishlar hosil qilmoq uchun, eng avvalo ta'lim tizimida tub burilishlar bo'lishi lozim.

Mamlakatda bugungi kun talablariga javob beradigan kadrlarni tayyorlashga qaratilgan Milliy dastur barcha ta'lim tizimlari oldiga "...ta'lim sohasini tubdan isloh qilish, uni o'tmishdan qolgan mafkuraviy qarashlar sarqitlardan to'la xalos etish, rivojlangan demokratik davlatlar darajasida, yuksak ma'naviy va axloqiy talablarga javob beruvchi yuqori malakali kadrlar tayyorlash" vazifasini qo'ygan bo'lsa-da, Kadrlar tayyorlash milliy dasturi bajarilishining holatini uchala bosqichda ham to'liq amalga oshirildi deb bo'lmaydi.[1] Bu holni maktabgacha ta'lim tizimida ham

uchratish mumkin. Shunday ekan, maktabgacha ta'lim tizimining samaradorligini ta'minlashda chet mamlakatlar ilg'or tajribalaridan, xususan Buyuk Britaniya, Fransiya, Germaniya, Yaponiy, Janubiy Koreya kabi mamlakatlarning tajribalarini ta'lim tizimiga joriy qilish zarur. Quyida rivojlangan xorijiy davlatlar maktabgacha ta'lim tizimidagi bir nechta ilg'or tajribalarini tahlil qilamiz.

Bolalar bog'chasi — olmonlar boshlab bergan va ko'pgina xorijiy mamlakatlar tomonidan o'rganilib, qabul qilingan muassasadir. U davlat ta'lim tizimiga emas, balki yosh avlodni qo'llab-quvvatlash muassasalari tizimiga kiradi. Bolalar bog'chasi ta'lischilari cherkov, xayriya uyushmalari va jamoalar, ba'zi hollarda esa korxonalar va ittifoqlardir. Tarbiyaviy ishlarning eng muhim jihati — jamiyatda yashashga qobiliyatli, mustaqil insonni kamol toptirish maqsadida guruhda o'qishdir. Bolalar bog'chalari oiladagi tarbiyani qo'llab-quvvatlashga, shuningdek keyingi hayoti va ta'lim olishi uchun eng yaxshi imkoniyatlarni yaratish uchun uning rivojlanishidagi kamchiliklarning o'rnini to'ldirishga qaratilgan.[3]

Nemis pedagoglari iste'dodsiz bolaning o'zi yo'q deb, hisoblaydi. Shunga ko'ra ular o'quvchining ochilmagan qirralarini kashf etish, ularni yangilik va ixtirolar ruhida tarbiyalashga intiladi. "Fikrlayapmanmi, demak, yashayapman!" deydi mashhur faylasuf Rene Dekart.[2] Olmon bog'chalarida ana shu naql oltin qoida sifatida qabul qilingan. Pedagoglar birinchi navbatda bolaning, hatto xato bo'lsa-da, mustaqil fikri bo'lishiga erishishni maqsad qiladi. Ta'lim jarayoni esa ota-ona va pedagoglar o'rtasidagi uzviy hamkorlikka tayanadi. Maktabgacha ta'lim tizimining hali aqlini tanib ulgurmagani bolalarda o'z fikrini ifodalash, tengdoshlari va kattalar bilan muloqot qilish qobiliyatini shakllantirish, ularni boshlang'ich ta'limga tayyorlashda o'rni katta. Shu bois ham Germaniyada bu tizim "tafakkur ustaxonasi" deb ataladi.

Yaponiyadagi MTM larda tarbiyaning eng muhim vazifasi bolani gapga quloq soladigan kattalar gapini bo'lmaydigan va hushxulq etib tarbiyalashdir. Yaponlar oilasida bola tarbiyasi haddan ziyod yumshoq bo'lib bolaga kamdan-kam biror narsani ta'qiqlashadi. Ammo ko'cha-ko'ya tanimagan begona odamlar bilan iloji boricha kirishimlilik bilan gaplashish o'rgatiladi. Shuning uchun bog'chada ko'p marotaba virtual hayotdagi tanishuvlar, maner tarbiyasi o'rgatiladi. Bolalarga etiket normalari, ularni qachon va qanday sharoitda qo'llash o'rgatiladi.

Yaponiya tarbiyachilari bolalarni tarbiyalashda bolalarni o'zaro munosabatlarini hisobga oladi bolalarni "xan" nomli kichik guruhlariga bo'lib chiqadi. Bu jarayon tarbiya jarayonida muhim hisoblanadi. Kichik guruhlarning har birining o'zining stoli, o'rni, shaxsiy nomi bo'ladi. Guruh nomi bolalar tomonidan har bir guruh a'zosining fikrini hisobga olgan holda belgilanadi. Bu bolalarni o'z fikrini mustaqil bayon etish hamda qaror qabul qilishga o'rgatadi. Gruppya 6-8 boladan iborat bo'lib, ular qobiliyatlariga qarab emas, balki ularning faoliyatlarini yanada samarali bo'lishini hisobga olib taqsimlanadi. Bolalarga guruhda ishlash jarayonida tengdoshining fikrini tinglash va o'zini nazorat qilishni o'rganadi. Guruhlarning bu tarkibi doimiy emas. Har yili guruh tarkibi boshidan tuziladi. Guruh a'zolari tarkibini bunday o'zgartirish bolada sotsializatsiya jarayonini yanada samarali kechirishda yordam beradi.[5]

Isroil davlati tamoyilga ko'ra bola hech narsaga majbur emas. Ularning oilasida bola soni ko'p bo'lishi kerak. Isroilliklarning bola tarbiyasiga doir yondashuvi o'ta sabrlik bilan olib boriladi. Isroilda bolalarning sog'lom va baxtli bo'lib voyaga yetishlari uchun barcha sharoitlar yaratib qo'yilgan. Mamlakatda asosan maktabgacha yoshdagi bolalarga e'tibor katta. U yerda maktabgacha ta'lim tizimining o'ziga xos jihati ta'lim-tarbiya jarayonida turli qattiqqo'l streotiplardan xolilik, ma'lum qoida va reglamentlardan voz kechish hisoblanadi. Bu bolaning bog'chadan ishlayotgan har bir shaxsga bo'ysunishdan saqlaydi va u erkin tarbiya topadi.[4]

Xulosa qilib aytganda, ta'lim tizimining ilk bo'g'inini yanada takomillashtirishda ilg'or xorijiy tajribalarni hisobga olgan holda maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim-tarbiya berish tizim oldida turgan masalalardan biri hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining Kadrlar tayyorlash Milliy Dasturi / Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori. – T.: "Sharq" nashriyot-matbaa konserni. 1997. 20b.
2. Borisova Svetlana Petrovna. Sovremennoe doshkolnoe obrazovanie za rubejom. Moskva: 1994. 15str.
3. J.G'.Yo'ldoshev. Xorijda ta'lim. "Sharq" nashriyot matbaa konserinining bosh taxriiyati. – Toshkent: 1995. 25b.
4. Paramanov L.A. Protasova S.Y. Doshkolnoe i nachalnoe obrazovanie za rubejom: istoriya i sovremennost – M.: «Akademiya»,200.18 str.
5. Paramonova L. Za znaniyami po miru doshkolne obrazovanie v Yaponii. Moskva: 2010. 46 str.

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR VA ULARNING MOHIYATI

*M.Xaydarova - Surxondaryo VXTXQT
va UMOHM katta o'qituvchisi*

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada boshlang'ich ta'lim o'qitishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llash bo'yicha amaliy ko'rsatmalar keltirilgan.

Respublikamiz uzluksiz ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohatlar milliy ta'lim-tarbiya tizimini takomillashtirishga, zamon talablari bilan uyg'unlashtirilgan, jahon andozalari darajasiga mos «milliy modelni» hayotga tadbiiq qilishga, ma'naviyatimizni yanada yuksaltirishga qaratilgan.

Bu esa o'z navbatida o'quvchi va talabalarning darsga nisbatan qiziqishlarini orttirishga, mustaqilligi va faolligini rivojlantirishga, tanqidiy tafakkurini o'stirishga qaratilgan interaktiv ta'lim olishlariga ko'mak beruvchi innovatsion usullardan, guruhli ta'lim shakllaridan keng foydalanishimizni talab qiladi. Shu talabdan kelib chiqib umumta'lim muassasalaridagi barcha o'quv predmetlarining o'qitilishini yanada takomillashtirishni taqozo etmoqda. Bu esa yangi tartibdagi o'quv-uslubiy materiallarni yaratishni ham talab etmoqda.

Boshlang'ich sinflarda darslarni o'tishda ilg'or pedagogik texnologiyalardan foydalanishning samarali metodlarini o'rganish, uni amalda sinab ko'rish, ulardan yanada samaraliroq foydalanish yo'llarini izlash va ishlab chiqish umumta'lim muassasalari o'qituvchilarining oldida turgan eng dolzarb vazifalardan biridir.

«Bugungi kunda oldimizga qo'ygan buyuk maqsadlarimizga, ezgu niyatlarimizga erishishimiz, jamiyatimizning yangilanishi, hayotimizning taraqqiyoti va istiqboli, amalga oshirayotgan islohotlarimiz, rejalarimizning samarasi taqdiri eng avvalo, zamon talablariga javob beradigan yuqori malakali, ongli mutaxassis kadrlar tayyorlash muammosi bilan chambarchas boq'liq» birinchi prezidentimiz I.A.Karimov Bugun hayotimizning hal etuvchi muhim masalalari qatorida ta'lim-tarbiya mazmunini tubdan o'zgartirish, uni zamon talabi darajasiga ko'tarish asosiy o'rinni egallaydi. Chunki jamiyatning yangilanishi, hayotimiz taraqqiyoti va istiqboli, amalga oshirilayotgan islohotlar samarasi taqdiri, Respublika mustaqilligi va bozor iqtisodiyotiga mos ijtimoiy-iqtisodiy siyosatni shakllantirish-bularning barchasi zamon talablariga javob beradigan yuqori malakali mutaxassis kadrlar tayyorlash muammosi bilan chambarchas boq'liq. Kadrlar tayyorlash milliy dasturini amalga oshirishdagi asosiy tamoyillardan biri - bu ta'lim tizimini tuzilish va mazmun jihatidan isloh qilish uchun o'qituvchi va murabbiylarni qayta tayyorlash, yuqori malakali, raqobatga qodir mutaxassislar tayyorlash bo'yicha ta'lim muassasalarining faoliyatini uyq'unlashtirish, ilq'or pedagogik texnologiyalarni, pedagogik innovatsiyalarni ta'lim jarayoniga kiritish hisoblanadi. Ammo ilq'or pedagogik texnologiyalar va innovatsiyalar o'z-o'zidan ta'lim tizimiga kirib kelmaydi. Bu o'qituvchi faoliyati va uning motivatsiyasiga boq'liq jarayon. O'qituvchi faoliyatini o'zgartirmay turib, uning mas'uliyati va faolligini oshirmasdan ta'limda bir qadam oldinga siljib bo'lmaydi. Akademik A.N.Leontev «Dunyoni idrok qilishning birinchi sharti – faoliyat, ikkinchi sharti – tarbiyadir. Faoliyat jarayonida kishilarning qobiliyati, bilim va malakalari shakllanadi, demak, faoliyat-ijtimoiy hodisa bo'lib, hayotiy kurashning asosiy shartidir», - deb ta'kidlaydi.

Innovatsiyaning maqsadi-sarflangan mablaq` yoki kuchdan eng yuqori natija olishdan iborat. Boshqa turli-tuman o'z-o'zidan paydo bo'ladigan yangiliklardan farqli o'laroq, innovatsiya boshqariluvchi va nazorat qilinuvchi o'zgarishlar mexanizmini tashkil etadi.

Ta'lim tizimidagi har qanday yangilik innovatsiya bo'la olmaydi. Shu sababli «novatsiya» va «innovatsiya» tushunchalari o'rtasidagi asosiy farqlarni ko'rsatib o'tish zarur. Buning uchun islohot faoliyatining aniq shakli, mazmuni va ko'lami asos bo'lib xizmat qiladi. Agar faoliyat qisqa muddatli bo'lsa va yaxlit tizim xususiyatiga ega bo'lmasa, o'z oldiga muayyan tizimdagi faqat ba'zi elementlarini o'zgartirishni vazifa qilib qo'ygan bo'lsa, u holda biz novatsiya bilan muloqot qilayotgan bo'lamiz. Agar faoliyat ma'lum kontseptual yondashuv asosida amalga oshirilayotgan bo'lsa va uning natijasi o'sha tizim rivojlanishiga yoki uning printsiplial o'zgarishiga olib kelsagina innovatsiya deya olamiz. Har ikkala tushuncha mezonlari quyidagicha: inovatsiya amaldagi nazariya doirasida amalga oshiriladi, ko'lam va vaqt bo'yicha chegaralanadi, metodlar yangilanadi va natijasi avvalgi tizimni takomillashtiradi. Innovatsiya esa tizimli, yaxlit va davomli bo'ladi, ma'lum amaliyotda yangi faoliyat tizimini loyihalaydi, amaliyot sub'ektlari pozitsiyalarini to'la yangilaydi. Bunda faoliyatning yangi yo'nalishlari ochiladi, yangi texnologiyalar yaratiladi, faoliyatning yangi sifat natijalariga erishiladi, natijada amaliyotning o'zi ham yangilanadi.

Innovatsiyaning amaliyotga kiritilishi innovatsion jarayonlarda amalga oshiriladi. Innovatsion jarayon deb - innovatsion o'zgarishlarga tayyorgarlik ko'rish va uni amalga oshirish jarayoniga aytiladi. Ta'lim jarayonidagi innovatsion o'zgarishlar, ta'lim tizimiga har qanday yangilikning kiritilishi bevosita o'qituvchi faoliyatini yangilash va o'zgartirish orqali amalga oshirilishi ham muallif tomonidan qayd etilgan. Ta'lim tizimidagi innovatsiyalar, ularni amaliyotga kiritish, innovatsion jarayonlarni boshqarishni tahlil qilish orqali innovatsion faoliyat tushunchasini ta'riflash imkoniyati paydo bo'ldi. Innovatsion faoliyat - pedagogik jamoani harakatga keltiruvchi, olq'a boshlovchi, taraqqiy ettiruvchi kuchdir. «Innovatsion faoliyat – bu yangi ijtimoiy talablar bilan an'anaviy me'yorlarning mos kelmasligi, yoxud amaliyotning yangi shakllanayotgan me'yorining mavjud me'yor bilan to'qnashuvi natijasida vujudga kelgan majmual muammolarni echishga qaratilgan faoliyatdir», -deb ta'kidlaydi V.I.Slobadchikov.

Innovatsion faoliyat bu amaliyot va nazariyaning muhim qismi bo'lib, ijtimoiy-madaniy ob'ekt sifatlarini yaxshilashga qaratilgan ijtimoiy sub'ektlarning harakat tizimi bo'lib, u ma'lum doiradagi muammolarni echish qobiliyatigina emas, balki har qanday vaziyatdagi muammolarni echish uchun motivatsion tayyorgarlikka ega bo'lishdir. O'qituvchi innovatsion faoliyatining markaziy masalasi o'quv jarayonini samarali tashkil etishdan iborat.

Innovatsion faoliyat – uzluksiz ravishda yangiliklar asosida ishlash bo'lib, u uzoq vaqt davomida shakllanadi va takomillashib boradi. O'qituvchi innovatsion faoliyati xususiyatlarini o'rganib chiqqan pedagog olimlar fikrlariga tayangan holda, quyidagilarni innovatsion faoliyatning asosiy belgilari deb hisoblash mumkin:

- ijodiy faoliyat falsafasini egallashga intilish;
- pedagogik tadqiqot metodlarini egallash;
- mualliflik kontsepsiyalarini yaratish qobiliyati;
- tajriba-sinov ishlarini rejalashtirish va amalga oshira olish;
- o'zidan boshqa tadqiqotchi-pedagoglar tajribalarini qo'llay olish;
- hamkasblar bilan hamkorlik;
- fikr almashish va metodik yordam ko'rsata olishlik;
- ziddiyatlarning oldini olish va bartaraf etish;
- yangiliklarni izlab topish va ularni o'z sharoitiga moslashtirib borish.

O'qituvchilarni innovatsion faoliyatga tayyorlash muammosiga murojaat etish jamiyatda innovatsion jarayonlar dinamikasining o'sib borayotganligini tushunish natijasida vujudga keldi. Uning tahlili faqat fan va texnika erishgan zamonaviy yutuqlardan foydalanishni o'z ichiga olmasdan, balki yangiliklarni izlash, yaratish, moslashtirish, tatbiq etish va olingan natijalarni qayta tekshirish kabi jarayonlarni ham qamrab oladi.

Innovatsion faoliyatning tuzilishini o'rganib chiqqan olimlardan biri V.Slastenin uni quyidagicha tuzilishga ega deb ko'rsatib o'tadi: «Innovatsion faoliyatning tuzilishi-ijodiy yondashuv, ijodiy faollik, yangilikni kiritishga texnologik va metodologik tayyorgarlik, yangicha fikrlash, muomala madaniyati. Innovatsion faoliyatning darajalari: reproduktiv, evristik, kreativ bo'lishi mumkin». Innovatsion faoliyat davrida yangiliklar, innovatsiyalar, tom ma'noda ta'lim jarayoniga kirib keladi. Shu sababli ta'lim tizimidagi innovatsiyalarni pedagogik jarayonga kiritish 4 bosqichda amalga oshiriladi:

- Muammoni tahlil asosida aniqlash.
- Mo'ljallanayotgan ta'lim tizimini loyihalash.
- O'zgarishlar va yangiliklarni rejalashtirish.
- O'zgarishlarni amalga oshirish.

Innovatsion faoliyatga tayyorlashdan maqsad-o'qituvchining yangilikka intiluvchanligini, mustaqil o'z ustida ishlash ko'nikmasi va malakasini shakllantirish, yangi pedagogik texnologiyalar, interfaol metodlardan foydalanib, dars va darsdan tashqari mashq'ulotlarni o'tkazish malakasini takomillashtirishdan iborat.

«Innovatsion faoliyat o'qituvchining o'z faoliyatidan qoniqmasligidan kelib chiqadi. U o'qituvchi tomonidan u yoki bu pedagogik vazifani hal qilishda qandaydir to'siqqa duch kelinib, uni muvaffaqiyatli hal etishga intilish asosida yuzaga keladi». Innovatsion faoliyat yangi q'oyani izlashdan boshlanadi. Pedagogik innovatsiya ta'lim-tarbiya jarayonidagi muhim va murakkab masala echimiga yo'naltirilganligi sababli o'qituvchidan yangicha yondashuvni talab qiladi.

O'qituvchi innovatsion faoliyati tuzilishini taqtil qilishga turli xil yondashuvlar mavjud. Masalan, A.Nikolskayaning fikricha, faoliyatni yangilash 3 bosqichda, ya'ni tayyorgarlik, rejalashtirish va joriy etish bosqichlarida amalga oshiriladi. O'qituvchini innovatsion faoliyatga tayyorlashda bir qator psixologik to'siqlar mavjud. Bularning birinchisi o'qituvchining o'zi ko'nikkan faoliyat chegarasidan tashqariga chiqishi juda qiyinligi, ya'ni o'qituvchilarda ijodkorlikning etarli emasligi bo'lsa, yana bir sabab yangi va noma'lum narsalar qar doim odamlarda cho'chish va xavfsirashni keltirib chiqarishidir.

Yuqorida bildirilgan fikrlarga tayangan holda shunday xulosaga kelish mumkin. O'rganib chiqilgan ilmiy ishlarning aksariyatida «innovatsion faoliyat» tushunchasiga ta'rif berilgan bo'lsada, bu sohada hammaga ma'qul keladigan va innovatsion faoliyatning to'liq mazmunini ochib beradigan yagona ta'rif yaratilmagan, shuningdek, bu faoliyatni shakllantirish jarayoniga nisbatan yagona yondashuv mavjud emas.

Xulosa qilib aytganimizda, innovatsion faoliyat – bu ilmiy izlanishlar, ishlanmalar yaratish, tajriba – sinov ishlari olib borish yoki boshqa fan-texnika yutuqlaridan foydalangan holda yangi texnologik jarayon yoki yangi takomillashtirilgan mahsulot yaratish bo'lib, uning pragmatik xususiyati shundaki, u q'oyalar maydonida ham va alohida bir sub'ektning harakat maydonida ham amalga oshirilmaydi, balki bu faoliyatni amalga oshirish tajribasi kishilar hayotida hammabop bo'ladigan holdagina haqiqiy innovatsion hisoblanadi.

Innovatsion faoliyatning asl mazmuni amalda yangi texnologiyaning shakllanishi bo'lib, uning natijasi innovatsiya sifatida yuzaga kelgan ixtironi-loyihaga, loyihani – texnologiyaga aylantirishga yo'naltirilgan faoliyatdir. Innovatsion faoliyatda ilmiy tasavvurlar akademik ilm mantiqi bo'yicha tuq ilmaydi, balki rivojlanish jarayonining modifikatsiyalari qo'llab-quvatlanishi natijasida rivojlanayotgan amaliyot mulohazasidan paydo bo'ladi.

ЭТАПЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ WEB-КВЕСТА ТЕХНОЛОГИИ

Тагаева Д.М.

преподаватель *Гулистанский государственный университет*
факультет «Естественный науки», кафедра «Лекарственные растения и ботаника»

Реформирование системы образования в Узбекистане, ориентированного на вхождение в мировое информационно-образовательное пространство, поставило перед всеми педагогами ряд задач, связанных с внедрением инновационных методов обучения, направленных на реализацию новых педагогических и информационно-коммуникационных технологий обучения.

Перед системой переподготовки и повышения квалификации педагогических кадров стоит важная задача развития личности педагога, способного не просто обучать, а креативно мыслить, генерировать профессиональные идеи, уметь находить решения в нестандартных ситуациях, творчески относиться к действительности и быстро адаптироваться к изменениям XXI века. Одним из путей решения этой непростой задачи является внедрение креативного обучения, построенного на основе инновационных образовательных технологий.

Преподаватели должны так организовать занятия, чтобы вовлечь всех слушателей в активный учебный процесс. Для этого нужно разнообразить формы занятий, широко внедрять в учебный процесс инновационные технологии, которые можно разыграть со слушателями в форме уроков-деловых игр, мастер-классов, чтобы они сами увидели, апробировали с коллегами и потом только внедряли эти технологии в школе.

Технология Web-квест является эффективным средством формирования компетенций в процессе обучения в общеобразовательной школе.

Впервые Web-квест был представлен Б.Доджем и Т. Марчем в 1995 году, поэтому назвать её новой было бы не совсем верно. Другое дело, что в образовательных целях в нашей стране она используется не так давно. Для подготовки и проведения Web-квеста необходим высокий уровень информационной компетентности педагога. Возможно, одной из причин явилось и отсутствие доступа к высокоскоростному Интернету во многих образовательных учреждениях. Но в последнее время ситуация меняется, и учителя все чаще используют эту технологию в учебных целях.

Одним из разработчиков Web-квеста как учебного задания был Б.Додж, профессор образовательных технологий Университета Сан-Диего (США). Б.Додж определил следующие виды заданий для Web-квестов:

- Пересказ – демонстрация понимания темы на основе представления материалов из разных источников в новом формате: создание презентации, плаката, рассказа.

- Разработка плана или проекта на основе заданных условий.
- Самопознание – любые аспекты исследования личности.
- Компиляция – трансформация формата информации, полученной из разных источников: создание книги кулинарных рецептов, виртуальной выставки, капсулы времени, капсулы культуры.
- Творческое задание – творческая работа в определенном жанре: видеоролика и др.
- Аналитическая задача – поиск и систематизация информации.
- Выводы на основе противоречивых фактов.
- Достижение консенсуса – выработка решения по острой проблеме.
- Оценка – обоснование определенной точки зрения.
- Журналистское расследование – объективное изложение информации.
- Убеждение – склонение на свою сторону оппонентов или нейтрально настроенных лиц.
- Научные исследования – изучение различных явлений, открытий, фактов на основе уникальных онлайн источников.

Образовательный Web-квест – это сайт в Интернете, с которым работают учащиеся, выполняя ту или иную учебную задачу. Разрабатываются такие Web-квесты для максимальной интеграции Интернета в различные учебные предметы на разных уровнях обучения в учебном процессе.

Они охватывают отдельную проблему, учебный предмет, тему, могут быть и межпредметными. Исследователи отмечают, что во втором случае данная работа эффективнее.

Web-квест бывает двух типов: для кратковременной работы, цель которого углубление знаний и их интеграция, рассчитан на одно-три занятия и длительной работы, цель которого углубление и преобразование знаний учащихся, рассчитаны на длительный срок – на месяц или учебный год.

Образовательный Web-квест характеризуется расположением части или всей информации для самостоятельной или групповой работы учащихся на различных Web-сайтах. Web-квест направлен на развитие у учеников навыков аналитического и творческого мышления; преподаватель, создающий Web-квест, должен обладать высоким уровнем предметной, методической и инфокоммуникационной компетенции.

Поэтому работа учащихся в таком варианте деятельности, как Web-квест, разнообразит учебный процесс, сделает его живым и интересным. Четко определен итоговый результат самостоятельной работы (например, заданы серии вопросов, на которые нужно найти ответы, прописана проблема, которую нужно решить, определена позиция, которая должна быть защищена, и указана другая деятельность, которая направлена на переработку и представление результатов, исходя из собранной информации).

Итоговая диагностика Web-квеста становится важным этапом использования Web-квеста. Технологии являются оценкой самостоятельной работы. Описание критериев и параметров оценки Web-квеста лучше давать с момента объявления задания, учитывая в формулировках и подробностях возраст и психологические особенности исполнителей. Это мотивирует деятельность на конкретный результат, стимулирует достижение успеха. Оценке подлежат как групповая самостоятельная работа, так и индивидуальные вклады в нее. Оценка результатов выполнения Web-квеста осуществляется по пяти критериям: понимание задания, исполнение ролей, использование интернет-ресурсов, обработка информации, оформление результатов.

V. Dodge рекомендует использовать от 4 до 8 критериев, которые могут включать оценку: – исследовательской и творческой работы; качества аргументации, оригинальности работы; навыков работы в микрогруппе; устного выступления; мультимедийной презентации; письменного текста и т.п.

Таким образом использование педагогической технологии Web-квест требует от обучающихся высокого уровня владения навыками работы с ресурсами Интернета.

В ходе выполнения Web-квеста ученики работают в индивидуальном темпе, возвращаясь к материалу, который вызывает затруднения. Реализация такого подхода к обучению обогащает возможности преподавателя, позволяя ему индивидуализировать учебный процесс.

Следует отметить, что обучение с помощью метода Web-квестов направлено на повышение интереса к изучаемой теме, усиление учебной мотивации. Использование Web-квестов делает учащегося самостоятельным, приспособленным к жизни, умеющим ориентироваться в разнообразных ситуациях, способствует развитию познавательных, творческих навыков школьников, умений самостоятельно конструировать свои знания, умений ориентироваться в информационном пространстве; развитию критического мышления, навыков информационной деятельности.

Важнейшей частью создания Web-квеста является отбор Интернет-ресурсов. Дидактические возможности технологии Web-квестов заключаются в создании привлекательного и интенсивного учебного информационно-коммуникативного пространства. Посредством Web-квестов в этом пространстве удастся развернуть виртуальный (распределенный) учебный процесс путем объединения участников одного web-проекта в единую микросоциальную учебную сеть.

Список использованной литературы и источников.

1. Андреева М. В. Технологии Web-квестов в формировании коммуникативной и социокультурной компетенции // Информационно– коммуникационные технологии в обучении иностранным языкам. Тезисы докладов I Международной научно–практической конференции. – М.: 2004.
2. Бим И.Л. Личностно-ориентированный подход основная стратегия обновления школы. - М.: 2002.
3. Пахомова Н.Ю. Метод учебного проекта в образовательном учреждении. – М.; «Аркти», – 2003. – 112 с.
4. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: 1995.
5. Якиманская И.С. Личностно ориентированное обучение в современной школе. – М: Сентябрь, 1996.

USE OF ELECTRONIC LEARNING MATERIALS IN THE EDUCATIONAL PROCESS

S.G'. Abdukhalilov

*Tashkent regional center for retraining and advanced training of public education workers,
soxibabdulilov4@gmail.com*

Methodist regional coordination department of distance learning

Electronic textbooks are beginning to take an increasing place in our lives. Today, there is an active process of creating electronic textbooks in hypertext form and their implementation in the educational process. For example, an electronic textbook can be defined as a collection of graphic, text, digital, speech, music, video, photo, and other information, as well as printed user documentation[1]. The electronic edition can be performed on any electronic

medium, as well as published on a computer network. Basic forms of an electronic textbook as in the creation of any complex systems, when preparing an electronic textbook, the talent and skill of the authors is crucial for success. However, there are well-established forms of electronic textbooks, or rather, structural elements that can be used to build a textbook. Test. Externally, this is the simplest form of electronic textbook. The main difficulty is the selection and formulation of questions, as well as the interpretation of answers to questions. A good test allows you to get an objective picture of the knowledge, skills and abilities that the student has in a particular subject area. Encyclopedia. This is the basic form of an electronic textbook. At the content level, the term encyclopedia means that the information concentrated in an electronic textbook must be complete and even redundant in relation to educational standards. Problem book. The task book in an electronic textbook most naturally performs the function of learning. The student receives educational information that is necessary for solving a specific task. The main problem is the selection of problems that overlap the entire theoretical material. Creative environment. Modern electronic textbooks should provide creative work of the student with the objects of study and with models of systems of interacting objects. It is the creative work carried out within the framework of the project formulated by the teacher that contributes to the formation and consolidation of a set of skills and abilities in the student. The creative environment allows students to work together on a project. Author's environment. The electronic textbook must be adaptable to the educational process. That is, it allows you to take into account the features of a particular OU, a specific specialty, or a specific student. This requires an appropriate authoring environment. Such an environment, for example, provides the inclusion of additional materials in the electronic encyclopedia, allows you to add tasks, prepare handouts and manuals on the subject. In fact, this is a kind of tool that creates the electronic textbook itself. Non-verbal environment[2]. Traditionally, electronic textbooks are verbal in nature. They present the theory in text or graphic form. This is the legacy of printing publications. But in an electronic textbook, it is possible to implement the "do as I do" method. This environment gives the electronic textbook the characteristics of a living teacher. The main stages of developing an electronic textbook – Selection of sources – Development of the table of contents and list of concepts-Processing of texts into modules by sections – Implementation of hypertext in electronic form – Development of computer support – Selection of material for multimedia implementation – implementation of audio accompaniment-Visualization of the material[3].

Book readers are one of the modern learning tools that can be used with equal success both for learning new material and for independent work of students. This textbook contains the entire training course. Another device undergoing testing is the netbook transformer, which can also be used as a tablet computer. With it, the teacher will be able to give their students additional information on the topic of the lesson, conduct surveys and tests, set homework, monitor their performance, evaluate results, etc. Electronic textbooks are very mobile in terms of adding and updating content, because their cumulative capabilities are limited only by the size of the memory card. They allow you to quickly and easily find the information you need, make bookmarks and notes to what you read, and combine information into logical blocks. In addition, modern book readers make it possible to use not only text and illustrations, but also multimedia content in the educational material. However, from the point of view of parents and teachers, the main advantage of electronic textbooks over traditional analogues is their light weight and compact size. In their opinion, the ability to save children from having to carry heavy satchels with a full set of paper books every day is an undeniable advantage of electronic textbooks. In the conditions of insufficient number of textbooks in various disciplines, the importance of manuals made by students themselves is even more increasing. For a student, the process of creating a textbook is primarily related to awareness and understanding of the subject of the educational material covered by this textbook. Thus, by engaging in the design process, the student will be able to more thoroughly study the subject material for which the electronic textbook is created. The use of electronic textbooks in the educational process of the University allows you to study the material more deeply, get acquainted in more detail with interesting or difficult topics. The rich and colorful illustrative material in the electronic manual allows you to demonstrate the theoretical information in all its diversity and complexity. When using electronic textbooks, not only the reproductive activity of students takes place, but also abstract and logical, which contributes to a better understanding and assimilation of educational material. It is very important that the student has the opportunity to use the same electronic resource at lectures, at practical classes, and in the process of independent work, the use of which in the educational process forms an integral image of the subject being studied[4]. Of course, new electronic products are difficult to fit into the narrow channel of the existing class-lesson system, in addition, there are a number of other problems. Unfortunately, not many specialists are involved in the development and use of new forms of training, although they talk about the problem approach, the method of projects, creative training, etc. many have already heard it. It is necessary to state that EUS developed by programming teams often do not fit into new forms of training, since programmers are familiar with them only by hearsay. The result is a contradiction: the latest (technology-based) products are developed by programmers who know only the old forms of learning from their own experience and try to adapt the electronic product being developed to this outdated form. Most developers of so-called EUS offer a ready-made product and can not simultaneously offer an effective way to use this product, because they do not know the basics of psychological and pedagogical knowledge. Such a product can be very nice, contain all sorts of programming innovations, for example: isomorphing, spinning 3D models or flashing flash images, but be absolutely unsuitable for use in school[5].

To understand some of the new features of EC, let's try to give examples when using conventional textbooks is ineffective.

- the EC should provide close-to-reality opportunities. For example, you can use an order of magnitude more illustrations than in a normal textbook, fragments of video films, and you can use virtual reality panoramas, which can be used on a computer screen to get a complete picture of the surrounding environment, including the sources of sound, to examine certain items in detail and even read their description or listen to the same information. This method of presenting information can be widely used in academic disciplines where descriptive information is present: geography, history, to a certain extent – literature, representation of various experimental installations (physics and chemistry), etc.

- Huge opportunities are provided by EU in teaching foreign languages. The ability to learn the correct pronunciation, facial expressions of the lips, the sound of the studied sounds. It can be concluded that an electronic textbook should, while retaining all the features of conventional textbooks, have fundamentally new qualities in comparison with them, including elements of hypermedia and virtual reality, providing a high level of visibility, illustrativeness and a high degree of interactivity, providing new forms of structured representation of large amounts of information and knowledge, and the ability to effectively search for the required information. Thus, we really have to take a very important step: to conduct mass development of EUS for various subjects. At the same time, I would like to remind you that even the successful creation of EUS in many subjects is not capable of radically improving the quality of education in itself. Much depends on the availability of appropriate infrastructure, and even more on the quality of training and retraining of teachers, their ability to successfully use the developed tools.

LIST OF REFERENCES

1. Demikhov, K. E. On the way to an electronic textbook: System training module: a new form of creating educational material // University book. - 2000. - No. 8.
2. Ibragimov, Kh. I. Tailakov, N. I. didactic collections of creating textbooks of a new generation // self-education. -2004. - No. 1.
3. Alimov, K. T. educational literature on special subjects theoretical and service bases of the new generation of the Russian Academy of Sciences. PED. I went to see my doctor of science. dissertation. abstract I.-T: 2005.
4. Taylakov, N. I. Educational literature on computer science for the system of continuous education is a scientific and pedagogical basis for creating a new generation. Monograph. - T.: State publishing house "national encyclopedia of Uzbekistan", 2005.
5. Taylakov, N. I. Rustamov, N. creating electronic textbooks-the requirement of time // education and upbringing. -2003.

MATNLI MASALALARNI TENGLAMALAR YORDAMIDA VA ARIFMETIK USULDA YECHISH

*Ahmadaliyev Athamjon Abdumalikovich
Namangan viloyati Mingbuloq tumani
13sonli maktab-internati 1-toifali matematika
fani o'qituvchisi*

Annotatsiya

Ushbu” Matnli masalalarni Tenglamalar yordamida va arifmetik usulda yechish” nomli maqola 7-sinf o`quvchilariga turli masalalarni yechishda kompetensiyaviylik bilan yangicha yondashishga yordam beradi.

Аннотация

Настоящая статья названная “Решение текстовых задач составлением уравнений и арифметическим способом” помогает ученикам 7 классов подойти к решению размыных задач с компентностью,поновому

Annotation

This article is about.” How to solve the textual tasks wiht the help of equations” for the pupils of 7th grade, in new conseptual way

Bugungi rivojlanib borayotgan ta’lim tizimi biz ustoz va murabbiylardan katta ma’suliyat, iqidor va yangi innovatsion g’oyalar bilan faoliyatni olib borishni talab etmoqda.

Matematika fani qadimdan rivojlanib, takomillashib kelayotgan fanlardan biridir. Xususan bu fanni rivoji uchun Al-Xorazmiyning xizmatlari beqiyosdir.Al-Xorazmiyning “Kitob al-muxtasar fi hisob al-jabr val-muqobala” asaridagi al-jabr musbat hadlarni tiklash,ya’ni manfiy hadlarni tenglamaning birqismidan ikkinchi qismiga musbat qilib o’tkazishni, val-muqobala esa tenglamaning ikkala qismidan teng hadlarni tashlab yuborishni bildirgan.

Tenglamalarni qo’llash ko’pgina masalalarni yechishda osonlashtiradi.Bunda masalani yechish ikki bosqichdan iborat bo’ladi:

- 1) masalani sharti bo’yicha tenglama tuzish;
- 2) hosil bo’lgan tenglamani yechish.

Quyidagi ba'zi masalarni yechish usullarini ko'rib chiqaylik.

1-masala. Ikki sonning yig'indisi 24 ga, ularning ayirmasi esa 4 ga teng. Shu shartlarni qanoatlantiruvchi sonlarni toping.

Yechish: 1-usul.

1-bosqich. (Masala shartiga mos tenglama tuzish)

Ikki sondan birini x bilan belgilaymiz, u holda ularning yig'indisi 24 ligidan

ikkinchisini $24-x$ olishimiz mumkin. Bu yerda $x > 24-x$ deb qabul qilamiz. Shartga ko'ra ularning ayirmasi $x - (24-x) = 4$

2-bosqich. Endi hosil bo'gan tenglamani yechamiz: $x - (24-x) = 4$


$$x - 24 + x = 4, 2x = 28, x = 14.$$

Demak birinchi son 14 ga ikkinchisi esa $24 - 14 = 10$ ga teng ekan.

Javob: Izlanoyotgan sonlar 14 va 10.

2-usul.

Masalaga quyidagicha yondashamiz: bu sonlar qandaydir uzunlikdagi ikkita ustunlar bo'lsin.



Bu sonlarning yig'indisini va ayirmasini ifodalovchi ustunlarni hosil qilamiz:

ko'k, qizil va sariq ustunchalar yig'indisi ma'lum

ko'k va qizil rangli ustunchalardan sariq'ini ayirsak

ko'k rangdagi ustunchani uzunligi kelib chiqadi:


Barchasini yig'indisidan ko'k ayirilsa, ikkita sariq

(sariq va qizil teng) kelib chiqadi: $24 - 4 = 20$

$20 : 2 = 10$ bu son sariq yoki qizil rangdagi ustunchalarning uzunligi.

$10 + 4 = 14$ qizil va ko'k ustunchalarning uzunligi.

Javob: 1-son 14 ga, 2-son 10 ga teng.



2-masala. Fermerning fermadagi tovuqlari va otlarining soni 25 tani tashkil etib, ularning jami oyoqlari soni esa 64 ta

ekani ma'lum. Fermerning nechta to-

vug'i va nechta oti borligini aniqlang.

Yechish:



1-rasm



2-rasm

1-usul: 1-bosqich. Tovuvlarning soni x ta bo'lsin, u holda otlarning soni $25-x$ tani tashkil etadi. Malumki tovuqlarning har birining oyoqlari soni ikkitadan, otlarniki esa to'rtttadan. Shunga ko'ra tenglamani hosil qilamiz: $2x + 4(25-x) = 64$.

2-bosqich. Hosil bo'lgan tenglamani yechamiz: $2x + 100 - 4x = 64$

$$2x = 36, x = 18.$$

Demak, fermerning tovuqlari 18 ta, otlari esa 7 ta ekan.

2-usul

Bu usul o'quvchining dunyoqarashini, mantiqiy fikrlashini kengaytirishga hizmat qiladi. Faraz qilaylik, otlarning hammasi ikki

oyoqda turibdi ya'ni tovuqlar va otlarning yerdagi



oyoqlari shu vaziyatda ikkitadan deb hisoblasa bo'ladi.

(3-rasm). Jami otlar va tovuqlarning soni 25 ta bo'lganligi

uchun Yerdagi turgan oyoqlar soni $25 \cdot 2 = 50$ taga teng 3-rasm

bo'ladi. Lekin masalani shartida oyoqlarning jami soni 64 ta edi. Demak, otlarning $64 - 50 = 14$ ta oyog'i havoda turibdi. Bundan ma'lumki $14 : 2 = 7$ ta ot bor ekan. Javob: 18 ta tovuq, 7 ta ot.

3-masala. Idishning $\frac{1}{5}$ qismi bo'sh. Idishdagi suvning qancha qismi qadar suv quyilsa idish to'ladi?

Yechish: 1-usul (Algebraik usul)

Idishning hajmini x deb belgilasak, $\frac{1}{5}x$ - idishning bo'sh qismi, $\frac{4}{5}x$ - idishdagi mavjud suv miqdori. y shunday son bo'lsinki, idishga idishdagi suvning y qismini quysak idish to'lsin. U holda, $\frac{4}{5}x + (\frac{4}{5}x)y = x$ tenglikdan

$$\frac{4}{5} + \frac{4}{5}y = 1,$$

$$\frac{4}{5}y = \frac{1}{5} \quad y = \frac{1}{4}.$$

Javob: Idishdagi suvning $\frac{1}{4}$ qismicha suv quyilsa.

Bu masalada noma'lumlar ikkita bo'lsa ham ulardan biri qisqarib ketyapdi. Lekin o'quvchilarga ikki noma'lumli tenglamalarni yechish qiyin tuyiladi. Shuning uchun quyida soddarroq usulni kiritamiz.

2-usul (Arifmetik usul). Suv to'ldirilgan idishni beshta

teng bo'laklarga bo'lingan deb faraz qilaylik. (4-rasm)

Ko'rinib turibiki idishning beshdan bir qismi bo'sh.

Bu bo'sh qismi qolgan to'rtta bo'laklar bilan teng. Shu 4-rasm



teng bo'laklardan birini idishga quysak idish to'ladi. Demak, idishda bor suvning $\frac{1}{4}$ qismini suv quyilsa idish to'ladi.

Yuqorida ko'rilgan masalalar va yechish usullari o'quvchilarning

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. A. Azamov, B. Xaydarov, A. Kuchkarov, Ye. Sariqov
Umumiy o'rta ta'lim maktablari 7-sinfi uchun darslik. -T.:
«Yangiyo'poligrafservis», 2017.
2. M.A. Mirzaahmedov, Algebradan masalalar va testlar to'plami. 7-sinf, to'ldirilgan 2-nashr. G'ofur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, Toshkent-2018

BOSHLANG'ICH SINFLARDA IMLOVIY SEZGIRLIKNI O'STIRISH

Niyazova Dilafuz Shavqiyevna, Guliston shahar 16- maktab boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Yusufaliyeva Gulnora Abdurahmonovna,

GDU Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi boshlang'ich ta'lim yo'nalishi 2- kurs magistranti

O'quvchilarda to'g'ri yozuv malakasini shakllantirish grammatik nazariyani va imlo qoidasini o'zlashtirishga asoslanadi. Imlo qoidalari bir so'zning emas, balki umumiylik mavjud bo'lgan butun so'zlar guruhining yozilishini tartibga soladi. Bu xususiyati bilan u qoida xat yozuvchini har bir so'zni yodda saqlash, xotirlashdan qutqaradi va qoidaga amal qilib, belgilangan qoidaga muvofiq butun so'zlar guruhini yozish imkonini yaratadi. Imlo qoidasi grammatik umumiylik asosida birlashgan so'zlarning yozilishini bir xillashtiradi. Bu yozma ravishdagi aloqani yengillashtiradi va imlo qoidalarining ijtimoiy ahamiyatini ta'qidlaydi. Imlo qoidalarini grammatik, fonetik, so'z yasashga oid materiallarni ma'lum darajada bilmasdan turib o'zlashtirish mumkin emas. Grammatik nazariya imlo qoidalari uchun poydevor hisoblanadi. Shuning uchun boshlang'ich sinflarda imlo qoidasi shu qoidaga asos bo'ladigan grammatik nazariyaga bog'liq xolda o'rganiladi. Masalan, shakl yasovchi qo'shimchalarning yozilishi haqidagi qoidalar «Ot», «Sifat», «Son»,

«Kishlik olmoshlari», «Fe'l» mavzulari ichiga qiritilgan. Materialning bunday joylashtirilishi grammatika bilan orfografiyani bir-biriga bog'liq holda o'rganishni ta'minlaydi. Imlo qoidasi bevosita grammatik nazariya elementlaridan sung
o'rganiladi.

Masalan, otlarning kelishiklar bilan turlanishi o'rganilgach, kelishik qo'shimchalarining yozilishi haqidagi ko'nikma shakllantiriladi. «Sifat» mavzusini o'rganish -roq qo'shimchasining va qip-qizil, yum-yumaloq kabi sifatlarning yozilishiga, «Fe'l» mavzusini o'rganish bo'lishsizlik (~ma) va utgan zamon (-di) qo'shimchalarining yozilishiga zamin yaratadi. Imlo qoidalarini o'rgatishga bunday yondashish boshlangich sinflarda barcha orfografik materiallarni o'rganishda tipik qisoblanadi. Imlo qoidalari ustida ishlash - murakkab jarayon, qoidaning mohiyatini ochish, o'quvchilarning qoida ifodasini o'rganib olishlari, qoidani yozuv tajribasiga tadbiiq etish uning asosiy komponentlari hisoblanadi.

I qoida mohiyatini ochish qoida so'zning qaysi qismini, qaysi so'z turkumi yoki grammatik shaklni yozishni boshqarishini, bunda qaysi belgilar etakchi ekanini tushuntirish demakdir. O'quvchilarni qoida bilan tanishtirish uchun material tanlashda o'qituvchi bu etakchi belgilarni albatta hisobga oladi.

O'quvchilar o'rganilgan qoidani misol aytish va xilma-xil mashqlarni bajarish yo'li bilan uni yangi til materialiga, ya'ni yozuv tajribasiga tadbiiq etadilar. Qoida ustida ishlash metodikasidagi shu qoidaning xarakteriga qarab tanlanadi. Masalan, bo'lishsizlik qo'shimchasi (~ma) ning yozilishini deduktiv yo'l bilan o'rgatish mumkin. Jo'nalish kelishigi qo'shimchasi (-ga) ning oxiri -q bilan tugagan otlarga -qa shaklida qo'shilishi haqida qoidani induktiv yo'l bilan tushuntirish maqsadga muvofiq. O'quvchilar qoidadagi asosiy fikrni ajratishga yordam beradigan vazifalarni bajarsalar, uni o'zlashtirish xiyla qulay bo'ladi. Chunki bolalar aniq material bilan ishlaydilar va uni tahlil qilish vaqtida qoidaning muhim tomonlarini ajratadilar, qoidani ongli o'zlashtiradilar. Nimanidir, masalan, so'zlarning talaffuzi va yozilishini, so'z turkumlarini, so'z qismlarini bir-biriga taqqoslash o'quvchilarning aqliy aktivligini oshiradi. Bunda yana qoidaning ajratilgan belgisini aniq yozib ko'rsatish ham ahamiyatli hisoblanadi. qoidada aks ettirilgan muhim fikrni ajratishga o'qituvchining savollari yordam beradi. Bu savollar, o'z navbatida, qoidani shakllantirish rejasi ham qisoblanadi. Qoida ustida kollektiv ishlash bilan birga darslikdan foydalanib, mustaqil ishlash usulini qullash ham mumkin. Yangi qoidani o'zlashtirishda o'rganilgan bilimlarga suyaniladi.

Buning uchun yangi qoida ilgari o'rganilgan qoidalar bilan bog'lanadi. Bunda qarshi quyish yoki taqqoslash usulidan foydalaniladi va o'xshash tomonlari aniqlanadi. Masalan, tushum kelishigi qo'shimchasining yozilishini o'zlashtirishda u ilgari o'rganilgan qaratqich kelishigi qo'shimchasining yozilishi bilan taqqoslanadi va tushum kelishigi qo'shimchasi otning fe'l tomonidan boshqarilishini bildirishi aniqlanadi. Qoidani bilib olish o'quvchilarda u xaqdagi aniq tasavvurning mavjudligiga bog'liq.

Qoida asosida xosil bo'lgan aniq tasavvur so'zlarda ifodalanadi. Shuning uchun o'quvchilardan qoidani quruq yodlab berish talab etilmasligi, balki so'zni to'g'ri yozishdagi xususiyatlar aniq material misolida qayta tushuntirilishi lozim.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ

*Файзуллаев Абдумухаммад Юлдош ўғли
Гулистон давлат университети*

Республикамизда олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилди[1] ва бунда “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилганлиги олий таълим тизимига модулли технологияни жорий қилиш усулларини ишлаб чиқиш” [1] долзарб аҳамиятга эғалигини белгилайди.

Бошланғич таълим туркумига кирувчи ўқув фанларини ўқитишнинг методик тизими, шу фанларни ўқитишнинг мақсади, мазмуни, усули, шакллари ва воситалари ва технологиялари мужассамлашган мажмуаси тушунилади.

Бошланғич таълим фанларини ўқитишнинг методик методик тизими дидактик қонуниятлар асосида унинг компонентларининг ўзаро алоқадоллиги бўлиб, олий таълим тизимига қўйилган асосий дидактик талабларга асосланган мураккаб динамик таълимий жараёндир. Бошланғич таълим фанларини ўқитишнинг методик тизимининг педагогик моделини тўла ишлаб чиқиш лозим. Бунда, бошланғич таълим туркумига кирувчи фанларни узлуксизликна таъминлаш асосида ўзлаштириш босқичларига ажратиб лойиҳалаштириш лозим бўлади.

Бошланғич таълим туркумига кирувчи фанларни ўқитишнинг дидактик мақсадларини белгиламасдан моделни яратиш мумкин эмас. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, ўқув фанларини босқичларга ажратиб лойиҳалашда дидактик мақсадларни белгилашда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:

фанларни ўқитишда дидактик мақсадларни аниқ белгилаш;

дидактик ўқув мақсадлари асосида фанлардан ўқув материалларини яратишга эътибор қаратиш;

ўқув материалларида мавжуд бўлган таянч тушунча ва ибораларни ўзлаштиришга имконият яратиш;
талабаларни ўқув фанига бўлган қизиқишларини оширишга йўналтирилган усулларни ишлаб чиқиш;
талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашга эътибор қаратиш;
талабаларнинг мустақил таълим олишига имконият яратиш;
ҳамкорликда таълим олиш методи воситаларидан фойдаланиш;
фанлардан табақалаштирилган ўқув материаллари ва топшириқлар ишлаб чиқиш;
муаммоли таълим методининг педагогик имкониятларидан фойдаланиш;
бошланғич таълим фанларига ижобий ёндашишни шакллантириш;
ўқитишда фанлараро алоқадорликни таъминлаш.

Бошланғич таълим тизимида модулли технологияни қўллаш учун профессор-ўқитувчи ўқув фани бўйича дарс лойиҳаси шакллантиради.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълимнинг бошланғич таълим тизимида замонавий таълим технологияларини жорий қилиш, жумладан таълим жараёнига модулли таълим технологиясини жорий қилиш ва бунда бошланғич таълим фанларидан ўқув материалларини ишлаб чиқишда ҳамда дидактик ўқув мақсадларини белгилашда мавзу бўйича мавжуд таянч тушунча ва ибораларни ўзлаштиришга имконият яратиш, талабаларни ўқув фанига бўлган қизиқишларини оширишга йўналтирилган усулларни ишлаб чиқиш, талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашга эътибор қаратиш, талабаларнинг мустақил таълим олишига имконият яратиш, ҳамкорликда таълим олиш методи воситаларидан фойдаланиш, фанлардан табақалаштирилган ўқув материаллари ва топшириқлар ишлаб чиқиш, муаммоли таълим методининг педагогик имкониятларидан фойдаланиш ва ўқитишда фанлараро алоқадорликни таъминлаш каби педагогик омииларга эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси –Т.: 2019 йил 8 октябрь.

2. Тожиёв М., Баракаев М., Изетаева Г., Турдибоев Д. Узлуксиз таълим тизимида ўқув фанларининг модулли ўқитиш методикаси ва амалиёти // Монография . – Т.: «TURON-IQBOL» 2016. – 180 б.

МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ ТАШКИЛОТИ ВА OILANING BOLALARNI МАКТАБ ТА’ЛИМИГА ТАЙЙORLASHDAGI O’RNI

*Narzulloeva Gulmira Shokirjonovna,
GulDU maktabgacha ta'lim sirtqi bo'lim 2-bosqich talabasi*

Mustaqillikni ko'lgga kiritilishi bilan oila va MTTning tarbiyaviy maqsadlari uyg'unlashdi. Bu esa ular orasida ma'naviy-tarbiyaviy hamkorlikni yangi, samarali bosqichiga ko'tarishga zamin yaratdi. Maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyalanuvchilariga quyiluvchi ma'naviy talablarning birligi, hatti-harakatlarning o'zaro mosligi, bir-birini to'ldirishi, erishilgan ma'naviy-tarbiyaviy yutuqlarni mustahkamlash va uchraydigan muammolarni birgalikda, hamjihatlikda hal qilish va boshqalar pirovard natijada maktabgacha ta'lim yoshdagi bolalar ma'naviy madaniyatida namoyon bo'ladi.

Ijtimoiy maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyachilarining zimmasiga yuklatilgan vazifalaridan biri – maktabgacha ta'lim yoshdagi bolalarning ota-onalari bilan doimiy aloqa o'rnatish, ularning turmush sharoiti, oilaviy ma'naviy muhiti bilan tanisha borish, bola shaxsini, ma'naviyatini o'rganish va takomillashtirishda ota-ona bilan hamkorlik qila borish sifatida belgilangan. Bolaning bilim saviyasi, hulqi, uyda, maktabgacha ta'lim tashkilotida, ko'chada, mahalla-kuyda, jamoat joylarida o'zini tutishi tug'risidagi ma'lumotlarni ayirboshlash tarbiyachining ham, ota-onaning ham tarbiyalanuvchining shaxsi, ma'naviyati to'g'risida ob'ektiv ma'lumotlar bilan ta'minlab turadi.

O'z hamkori – ota-onalarining pedagogik madaniyatini ko'tarishga doimiy g'amho'rlik qilish maktabgacha ta'lim tashkilotining pedagogik vazifalaridan biri. Ana shu maqsadda MTTda ota-onalarning pedagogik bilimlarini oshirishga qaratilgan ma'ruzalar, suhbatlar, maslahatlar tashkil qilib turilishi muhimdir. Bu MTT va oilaning ma'naviy-ma'rifiy hamkorligida MTT tashabbusi bilan amalga oshiriladi.

Oila, ota-onalar ham o'z navbatida maktabgacha ta'lim muassasi hayotiga o'z hissalarini qushib bormoqdalar. Amaliyotda bu hamkorlik ishlarini jihozlash, kurgazmali qurollar, asbob-uskunalar yasash, say, sayyohatlar tashkil qilish, suhbatlar o'tkazish, mashg'ulot jarayonlarida qatnashish, guruhdan tashqari tarbiyaviy tadbirlarda ishtirok etish, yordam va maslahatlar bilan ko'maklashmoqdalar.

MTT va oilalar hamkorligi ota-onalar qumitalari tomonidan tartibga solinib, yo'naltirilib turilmoqda. Ota onalar qo'mitalari MTTning umumiy yig'ilishida bir o'quv yili muddatiga, yig'ilish ma'qul topgan sonda aylanadi. Qo'mitaga har bir guruhdan bolalarning ota-onalari vakil bo'lishga erishilmoqda. Qo'mita a'zolari ichidan rais va kotib saylanadi. Rais MTT pedagogik kengashining a'zosi bo'lib hisoblanadi.

Ota-onalar qo'mitasi oilalar bilan ma'naviy-tarbiyaviy hamkorlikni yo'lga quyishda:

- oilalarning bola tarbiyasi uchun javobgarligini oshirish va bu ishda ota-onalarga yordam ko'rsatish;

- oilalarning bola tarbiyasi uchun javobgarligini oshirish va bu ishda ota-onalarga yordam ko'rsatish;
- ota-onalarning MTT hayotida ishtirokini faollashtirish;
- ota-onalarning pedagogik madaniyatini oshirish;
- bolalarda salbiy odat, sifatlar shakllanishining oldini olish;
- ularni qarovsiz qoldirish, huquqbuzarlik holatlari paydo bo'lishining oldini olish kabi vazifalarni bajaradilar.

Ota-onalar qumitalari u yoki bu tashkilotlarga MTT ma'muriyati bilan birgalikda ta'lim-tarbiya jarayonini takomillashtirishga qaratilgan murojaatlar bilan chiqish; MTTda tarbiyaviy ishlarni takomillashtirish maksadida mudira yoki pedagogik kengash kun tartibiga takliflar kiritish; ota-onalarni qiziqtirgan savollar bo'yicha mudira va tarbiyachilarning chiqishlarini tashkil qilish; bolalari namuna bo'layotgan ota-onalariga ta'sir o'tkazish kabi huquqlarga ega. MTT va oilaning bolalarga qo'yadigan yagona ma'naviy tarbiyaviy talablariga erishish uchun maktabgacha ta'lim tashkiloti, keyinchalik maktab va oilalarda «Bola nima qilishga ruhsat bergan ma'qul-u, nima noma'qul?», «Qanday odat yaxshi, qaysi yomon?» kabi o'nlab savollarga birgalashib javob berishlari kerak bo'ladi. Aks holda biri ma'qullangan odat, hulq-atvor ko'rinishining ikkinchisi «noma'qul» deb topsa, bola eng to'g'ri echimni topa olmay qiynaladi va bu uni ortiqcha asabiy qilib, yomon yo'lga kirib ketishiga sababchi bo'ladi. Nojo'ya qilmishlarning juda ko'pchiligi, yuqorida aytganimizdek, oiladagi noto'g'ri talablar, noto'g'ri munosabatlar va bolaning noto'g'ri hayot kechirishidan kelib chiqadi. Avvalo bolaning turmushi, ma'naviy muhiti qanday bo'lganligi to'g'risida tarbiyachi ota-onalar bilan gaplashib olishlari kerak. Agar oilada hamma amal qilgan umumiy ma'naviy qoidalar, tartib bo'lmasa, yoki bo'lsa ham kattalarning o'zlari bu qoidalarga rioya qilmasalar, bolalar bu qoidalarni buzganlarida e'tiborsiz qoldiriladigan bo'lsa, kattalar bolalardan talab qilsalar-u, bunga o'zlari amal qilmasalar, u taqdirda bunday oilalar bolalarining belgilangan qoidalarga rioya qilmasliklari, nojo'ya hatti-harakatlar qilishlari muqarrar. Shuningdek, kattalar bolaning bola ekanligini nazarda tutmay, kata kishilardan talab qilganlarini undan ham talab qiladigan bo'lsalar, o'zlarining ulug'liklaridan foydalanib, bolani bot-bot hafa qilsalar, uning hissiyoti va fazilatlarini haqorat qilishga botinsalar, u taqdirda bolaning dag'al, odobsiz, dilozor bo'lib etishishiga ko'maklashgan bo'ladilar.

O'zbek xarakterining shakllanishida oila muhim rol o'ynaydi. Ayrim ota-onalar farzandlariga mehrini, g'amho'rlikni bolalarini «paxtaga o'rab», ya'ni o'ta avaylab, qo'lini sovuq suvga urdirmasdan o'stirishadi deb bilishadi. Ota-onalar buni «men bolaligimda qiynalganman, bolalarim rohat – farog'atda o'ssin-da» degan noto'g'ri «muxabbat» bilan oqlamoqchi bo'ladilar. Natijada bola hayotining o'ziga xos muammolarini ko'rmay, bilmay o'sadi. U ota-onasining o'ziga «ojiz», «nozik», «kuchsiz» deb qarayotganliklarini har kuni ko'rib, his qiladi. Bunga ishonib qoladi. U men «nozikman, ojizman, kuchsizman, men suyib ardoqlanishim kerak» degan xulosa o'sa boshlaydi. Bola o'saveradi. Unga qushilib «Men ojizman» degan zararli e'tiqod ham o'saveradi. natijada bola maktabga ilk qadamini bosgan vaqtda, unga uchrovchi birinchi qiyinchiliklarga to'qnashgandayoq taslim bo'ladi. Qiyinchilikni engishga harakat qilmaydi. Nima uchun guruhdagi bolalar, tarbiyachi faqat uni suyib, ardoqlamayotganligini tushunmay siqiladi. U tushkunlikka tushadi. Injiqligi orta boradi. Guruhdagi bolalar bilan kelishmaydi. yuqorida aytganimizdek, bu injiqlik, anglanmagan norozilik takrorlanaverib, o'zak sifatga aylanadi va eng yomoni – bolaning o'smirligida, yoshligida, hayotida, kelajagida unga faqat pand beradi.

Aksincha, milliy pedagogika madaniyati yuqori ota-onalar bolasi hayotiy qiyinchiliklarga duch kelganida uning yonida bo'ladilar. Bolasining muammosini o'zlari echib bermaydilar, balki uni o'z muammolarini echishga o'rgata boradilar. O'z ishi masalan, botinkasi ipini o'zi echishga, begonalar bilan muomala qilishga, uyga berilgan vazifalarni o'zi echishga, o'zi hal etishga o'rgatadilar. Ana shunda bola ota-onasi uning qiyinchiligini zarar berayotgan yana bir noto'g'ri yondashuv bor. Bu – bolalarga ko'p zarda qilish, siltab tashlash, qarg'ashdir. Afsuski ayrim onalarimiz bu usullarni ko'proq qo'llab yuborishayapti. Buning sababi nimada? Sabab – ota-onalarning pedagogik mantiqqa emas, balki tuyg'ulariga asoslanib ish ko'rishida. Bola adashishi, xato kilishi mumkin. Adashish, yiqilish, surinish, uyalish natijasida bola eng to'g'ri yo'lni topadi. Ana shunday vaziyatda onalar bardoshli bo'lishlari, tuyg'ularini aqlga bo'sundira olishlari kerak. Chunki bolaning har bir kunidagi ijobiy yoki salbiy vaziyat, voqea uning xarakteridagi u yoki bu sifatning muhrlanishiga xizmat qiladi. Urish, so'kish, qarg'ish, jizzaki vaziyatlar kancha ko'p bo'lar ekan, bu bola xarakteriga shuncha ko'p singayotgan bo'ladi. lekin keyinchalik bu salbiy sifatlar tang vaziyatlarda ota-onalarining o'zlariga qaratilishi mumkin.

Bola xarakterida mustaqillik, faollik, tashabbuskorlik, hozirjavoblik, mehribonlik sifatlarining shakllanishi uchun uni qulidan keladigan ishlarga qiziqtirish, ishonch bildirish, qiyinchiliklarni engishga o'rgatish kerak. Ota-onalarni bolalarida ayrim fazilatlarini shakllantirishda me'yorga rioya qilishga o'rgatish zarur. Masalan, me'yordan ortiq qo'li ochiqlik – isrofgarchilikka, uning aksi – xassislikka olib keladi. Haddan tashqari xushmuomalalik – hushomadgo'ylikka, haddan ziyoda g'urur – kibrikka olib keladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarda milliy xarakterni tarbiyalashda ibrat, o'git, namuna, talab, iltimos, koyish, maqtash va boshqa uslublardan o'rinli foydalanish yaxshi natijalar beradi. Ota-onalarning milliy pedagogik madaniyati avvalo o'zlari uchun baxtli keksalikni (solih farzandlarni) beradi, undan keyin milliy tarakqiyotimizga buyuk kelajak fidoiylarini etishtirishga zamin yaratadi.

Xulosa qilib aytganda, maktabgacha ta'lim yoshdagi bolalarni ma'naviy tarbiyalashda maktabgacha ta'lim tashkiloti va oila hamkorligi – ma'naviy ma'rifiy ishlarning uzluksizligini ta'minlashga qaratilishi zarur. Shu sababli bu jarayonning tashabbuskori tarbiyachi va ota-onalarning dastavval ikki tashkiliy – pedagogik masalaning hal qilinishiga borib taqaladi.

MAKTABGACHA TA'LIM TIZMIDA JANUBIY KOREYA ILG'OR TAJRIBALARINING QO'LLANISHI

M.A.Yo'ldosheva
Guliston davlat universiteti, maftun1996@mail.ru
magistrant

Chet mamlakatlarda o'sayotgan avlodning qay tarzda tarbiyalanishga qiziqish qadim davrlardayoq mavjud edi. Yunon tarixchisi Gerodot Bobil va Misrda yoshlar tarbiyasiga oid hikoyalar aytgan bo'lsa, Rim tarixchisi Tastit qadimgi german qabilalariga oid o'ziga xos xususiyatlarni qayd etib o'tgan edi. O'sha davrlardayoq, mamlakatlarning yosh avlodni tarbiyalash ishlarini yaxshilashda qo'shni mamlakatlar tajribasidan foydalanish maqsadi tez-tez ko'rib turgan. [2]

Vatanimiz ta'lim tizimi, ayniqsa maktabgacha ta'lim sohasida keng qamrovli islohotlarni hamda qayta qurish ishlarini amalga oshirishdek murakkab jarayonni boshidan kechirmoqda. Ulardan ko'zda tutilgan maqsad – maktabgacha ta'lim faoliyatini tubdan yaxshilash, uning insonparvarlik tamoyillarini rivojlantirish, shu asosda o'quv-tarbiya ishlari mazmunini, uning shakl va uslubini kompleks yangilash va yanada takomillashtirishdan iboratdir. Bu vazifalarni muvaffaqiyatli hal qilishning muhim shartlaridan biri rivojlangan mamlakatlar maktabgacha ta'lim tajribalariga munosabatni tubdan o'zgartirishdan iborat ekanligini hayotning o'zi ko'rsatmoqda. Bu tajribalarni sinchkovlik va qunt bilan o'rganish orqali biz ta'limda xato va yanglishishlardan, shubhali xulosalardan o'zimizni saqlashimizdan tashqari, ta'lim-tarbiyada qotib qolgan, eskirgan, o'z dolzarbligini yo'qotib borayotgan ish shakli va uslublaridan tezroq xalos bo'lish bilan birga, uni munosib tarzda yangilashda qo'shimcha boy manbalarga ham ega bo'lamiz.

Ko'plab dunyo davlatlarida o'ziga xos madaniyati va rivojlanish yo'li bo'lishiga qaramay deyarli o'xshash bo'lgan ta'lim tizimidagi muammolarni hal qilib kelmoqdalar. Jumladan, maktabgacha ta'limda amalga oshirilayotgan ta'lim va tarbiya jarayonida samarali hamda innovatsion metodlarni ishlab chiqish, bolani garmonal, psixofiziologik va sotsiologik rivojlanishi, bolani madaniy-etnik tarbiyalanishini takomillashtirish, bolani salomatligi va yashash sharoitlarida sog'lom muhitni yaratish shular jumlasidandir. Rivojlangan mamlakatlarning maktabgacha ta'lim tizimlari ham o'ziga xos ravishda tuzilgan. Yaqin yillarda rivojlangan xorijiy davlatlarning ilg'or tajribalarini mamlakatimiz maktabgacha ta'lim tizimiga tadbiq etilishi natijasida tizimda ko'plab yangilanishlar bo'lishiga olib keldi. Jumladan, birgina Janubiy Koreya tajribalariga asoslanib bog'chalarning ta'lim dasturlari va ish shakllari tubdan o'zgaradi. Ayni vaqtda maktabgacha ta'lim tashkilotlarimizda asosiy dastur hisoblangan "Ilk qadam" Davlat o'quv dasturi Koreya hukumatining "Nuri" (koreys tilida "dunyo" degan ma'noni anglatadi) ta'lim dasturi asosida tuzildi. Nuri ta'lim dasturi 3-5 yosh oralig'idagi bolalarning har tomonlama rivojlanishini qo'llab-quvvatlash va ularda jamiyatning mas'uliyatli fuqarosi bo'lishga yetaklovchi tamoyillarni shakllantirishga qaratilgan.[3] "Ilk qadam" davlat o'quv dasturi esa 3 yoshdan 7 yoshgacha bo'lgan davrni o'z ichiga qamrab oldi. Har ikkala o'quv dasturlarini maqsad va vazifalarida o'xshash jihatlar ko'p uchraydi. Jumladan quyidagi yo'nalishlarda ularni yaqqol ko'rish mumkin:

- Bolalarni jismoniy qobiliyatlarini rivojlantirish va ularda hayot davomida sog'lom turmush tarziga rioya qilish odatini shakllantirish;

- O'zgalalar bilan muloqot qila olish va munosabatlar o'rnatish;
- O'zini va o'zgalarni hurmat qilishni o'rgatish;
- Bolalarning estetik qiziqishini rag'batlantirish hamda ularda san'atkorlik qobiliyatini uyg'otish;
- Bolalarni ularni o'rab turgan atrof-muhitni, borliqni ilmiy tomondan tushinishga qiziqishini uyg'otish;
- Ta'lim va tarbiyaning bola shaxsiga yo'naltirilganligi va o'yinli metodlarga asoslanganligi. [4]

Nuri ta'lim dasturi 5 ta asosiy jabhani qamrab oladi, bular: jismoniy tarbiya va sog'lom turmush tarzi, nutq va muloqot, san'at, ijtimoiy munosabatlar, tabiat va kashfiyotlar. Janubiy Koreyaning "Nuri" dasturida qamrab olingan bu 5 yo'nalishning maktabgacha ta'lim tashkilotlarimizda 5 ta faoliyat markazlari asosida mashg'ulotlarni olib borilishiga olib keldi.

Koreya bog'chalarning o'ziga xos jihatlari qo'llanilayotgan ta'lim berish uslublari, moliyalashtirish va to'lov tizimlari, pedagogik xodimlarning malaka darajasi va xizmat sharoitlari, oziq-ovqat va moddiy-texnik ta'minot hamda sohalariga tegishli dasturlar va uslublari hisoblanadi. Pedagoglar faoliyati uchun maksimal qulay sharoitlarning yaratilgani, pedagogning ijodiy erkinligi, katta hajmdagi hisobotlarning yo'qligi, davlat bog'chalari pedagoglari ijtimoiy statusining yuqoriligi, bolalar o'zlarini namoyon qilishlari uchun yaratilgan ijodiy muhit, jumladan xonalarning hatto kichik detallarigacha qulay dizayni va jihozlangani, ular uchun boy adabiyotlar va rivojlantiruvchi o'yinlarning mavjudligi, erta bolalikdan jamiyatda o'zini tutish va shaxsiy gigiena ko'nikmalarini tarbiya qilish kabi alohida jihatlar Koreya maktabgacha ta'lim tizimi muvaffaqiyatining asosini tashkil etadi.[5] Tajriba sifatida milliy maktabgacha ta'lim tizimimizda yuqoridagi ta'lim printsiplari ijobiy natijalar berayotgani tahsinga sazovordir.

Adabiyotlar:

1. Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 32-61 sonli qarori.

– T.: 2017-yil 9-sentabr.

2. O'. Qurbonova. Qiyosiy pedagogika. Buxoro 2013y. 12-13b.

3. Nadeeva E. B. *Idei trudnogo narodnogo vospitaniya v usloviya sovremennogo obucheniya*// Molodoy uchyonniy. – Moskva: 2009. 80-81str.
4. The change and structure of Korean Education Policy in History. Kaeunghun Yoon/2014. 18-20str.
5. M.B. Vodemilova. *Zarubejniye sistemi doskolnogo obrazovanie i ix osobennosti*. – Moskva: 2010. 59 str.

IQTIDORLI O'QUVCHILARNI TANLASH VA ULAR BILAN OLIB BORILADIGAN ISHLAR

*Parmonqulova Zamira Raimqulovna Sirdaryo viloyati
Sirdaryo XTB ga qarashli 70-maktab internat 1-toifali boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Мамлакатимиз таълим тизимида иқтидорли болалар билан иш олиб боришнинг талаби эрта ёшдан бошлаб, болаларнинг истеъдод, қобилият, қизиқиш, лаёқат, мойиллик ва изланувчанликларини аниқлаш ҳамда педагогик кузатиш ва психологик изланишларни ривожлантиришдан иборат.

Иқтидорлилик - бу ҳар қандай фаолиятда аниқ, кутилмаган натижаларга эришишнинг ички имкониятлари ва юқори даражада ривожланган ақлий, жисмоний, бадий ижодий, коммуникатив ҳамда туғма қобилиятлар мажмуасидир.

Интеллектуал етук, жисмонан соғлом ҳамда ижодкор ўқувчи ёшларни танлаган йўналишлари бўйича аниқлаш, танлаш ва улар иқтидорини ривожлантириш мақсадида, иқтидорли болалар билан ишлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Қобилиятли ўқувчиларнинг иқтидорлилик типлари, иқтидорли болалар билан ишлаш дастури, босқичлари ва кутиладиган натижалар, ўқувчиларнинг билиш психик жараёнлари ва кўникмаларини ривожлантириш бўйича, иқтидорли болалар билан ишлаш бўйича мактаб директори, директор ўринбосарлари, психологлар, фан ўқитувчилари, шўба, тўғарак ҳамда синф раҳбарларининг фаолияти режалаштирилган. Шунингдек, иқтидорли болалар билан ишлашнинг мақсади, дарс ва дарсдан ташқари фаолиятларда болалар иқтидорини аниқлаш, ўқувчилар қобилиятларини ривожлантирувчи турли хил синфдан ташқари ишлар (конкурслар, интеллектуал ўйинлар олимпиадалар ўтказиш х.к.зо) ни ташкил қилиш, иқтидорлилик қобилиятлари мавжуд бўлган болалар иқтидорини ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратиш, синф соатлари ва тарбиявий соатларда иқтидорли болалар қобилиятларини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшадиган иқтидорли боалаларни миллий кадриятлар асосида тарбиялаш каби масалаларни ўз ичига олади.

Қобилиятли ўқувчиларни қуйидаги иқтидорлилик типлари асосида ўрганиш мумкин:

1. Юқори интеллектуал иқтидорлилар -бу типга мансуб ўқувчиларни ўқитувчилар тез англай олади ва уларга юқори баҳо беради. Бундай ўқувчиларни мактабда “ақлли”, “эпчил”, “зеҳни ўткир” деб атайдилар, уларни “мактаб умиди” мисолида кўрсатадилар. Бундай ўқувчилар билимлари билан алоҳида кўзга ташланади, кўшимча адабиётлардан фойдаланиш, ўз устида ишлаш орқали билим олишга интилади, баъзида ҳар хил манбаларга танқидий ёндаша олади. Дарс ва дарсдан ташқари материалларни аниқ ва теран таҳлил қила олади, баъзида материалга фалсафий ёндашади.

Интеллектуал типининг ўзига хослиги шундаки, мустақил танқидий фикрлаш, тез ва аниқ фикрлаш, фалсафий тўғри ёндашиш хусусиятларига эга. Бу типга мансуб бўлган ўқувчилар билан ишлаш, ўқитувчидан катта маҳорат, билим ва тажрибани талаб этади.

2. Академик иқтидорлилар – ўқишдаги генийлар, меҳнатда ва мактабдаги ишларнинг ёрқин профессионаллари, тез, мустаҳкам ва сифатли ўзлаштиришнинг моҳир уста-намоёндалари. Аниқ ва гуманитар фанларни ўрганишга мойиллик даражаси юқори.

Диққат, хотира, тафаккур, билиш жараёнлари, мотивациялар яхши ривожланган бўлиб, пухта ўзлаштириш имкониятига эга, яъни ўрганиш улар учун осон, ҳатто ёқимли, билим олиш уларга завқ бахш этади

3. Бадий-ижодий иқтидорлилик- у бадий фаолият ҳисобланган мусика, хореография, рассомлик санъати, ҳайкалтарошлик ва сахнага оид фаолиятларда намоён бўлади, муваффақиятлар келтиради. Ўқитувчи шундай қобилиятга эга бўлган ўқувчилар фаолиятини ривожлантириш учун астойдил шуғулланиши лозим.

4. Фаолиятдаги ижодий иқтидорлилик. Мактабда бу тип вакилларининг алоҳида ижодий қобилиятларини кўриш қийин, баъзилари унчалик яхши ўқимаслиги мумкин, бунда бир қатор сабаблар: ўзлаштириш мотивларининг (яъни, улар учун тайёр материални ўзлаштиришдан кўра, ўйлаб топиш осонроқ туюлади) пастлиги кузатилади

Бундай ўқувчиларда чинакам ижодий қобилиятларини кўриш, ижод этиш учун ўзгача мавзулар, алоҳида ижодий топшириқлар ёки тадқиқот лойиҳаларини ўзига хослигини намоён этувчи алоҳида фаолият турларини таклиф этиш лозим. Бажарилган ишларни аниқ баҳолаш учун бир хилликка йўл қўймаслик керак, бунда албатта, ўқитувчининг ўзи кучли билим, малака ва тажрибага эга бўлиши зарур.

5. Ташкилотчилик қобилияти - бу типга мансуб ўқувчиларда лидерликка интилиш кучли бўлади. Лидерлик қобилияти бор ўқувчиларда ички сезгирлик яхши ривожланган бўлиб, бошқалар талаб ва эҳтиёжларини ҳис этиш, ҳар хил вазиятларни бартараф этиш хусусиятларига эга.

Лидерлик қобилияти мавжуд ўқувчилар кўпчилик учун лозим бўлган қарорлар қабул қилиш, мақсадли ишларни амалга ошириш, мустақил иш юритиш қобилиятига эга. Афсуски, лидерлик қобилиятига

эга ўқувчиларда ўқиш, ўрганишга иштиёқ кам бўлади, одатий лидерлик имкониятлари уларнинг фаолиятида кўринади.

Лидерларда мактабдаги ўқув фаолияти туртки бўла олмайди, эркинлик ҳисларининг устунлиги сабабли мактаб ҳаётига кўникиши кийин, шунинг учун бундай болаларга ўқитувчилар эътиборли бўлиб, ўз вақтида фойдали ишларга жалб қилиши лозим. Акс ҳолда, лидерлик ҳолатини эгаллай олмаса, жамият учун фойдасиз гуруҳларга бошчилик қилиш учун мактабдан ташқарига чиқишга ҳаракат қилади.

6. Спортга оид иқтидорлилар- кичик мактаб ёшидан бошлаб болаларни спортга бўлган қизиқишларини аниқлаб маслаҳат ва тавсиялар ишлаб чиқиш лозим. Бу тип вакилларини баъзилари ўқишга қизиқиши паст бўлиши мумкин, лекин улардаги ўқишга бўлган мойилликларини таркиб топтириш учун ўқитувчилар астойдил шуғулланишлари зарур.

Иқтидорли болаларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин:

- тенг шароитларда оддий бўлмаган, юқори ақлий даражада ривожланган болалар;
- фаннинг қайсидир бир соҳасида махсус ақлий қобилият белгилари бор болалар;
- қайсидир бир сабаб билан ўқишда муваффақиятга эришмаган, лекин ёрқин билиш психик жараёнлари билан беҳисоб ақлий заҳирага эга бўлган болалар.

Хулоса қилиб айтганда, кўзланган мақсадга эришиш учун узлуксиз таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниши, таълим жараёнига табақалаштирилган ёндашув, ўқувчиларни турли қобилиятларини ривожлантиришни таъминлаш замонавий педагогика фани олдига юксак вазифаларни қўймоқда

BOSHLANG'ICH SINFLARDA GAP BO'LAKLARINI O'RGANISHDA TUSHUNCHALAR TAHLILI METODIDAN FOYDALANISH TEXNOLOGIYASI.

*Qarshiyeva Feruza Berdiqulovna Mirzaobod tumani
5-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Gapning bosh bo'laklarini kuzatish bilan o'quvchilar o'z fikrlarini aniq ifodalashga o'rganadilar, ularda nutqdan gapni ajratish ko'nikmasi shakllanadi. Gapni o'rganish me'yoriga qarab uning tarkibiy qismlari, xususan, so'z birikmasi haqidagi tasavur aniqlanadi. Boshlang'ich sinflarda o'rganiladigan sintaktik material kam bo'lsa ham, butun o'quv yili davomida, boshqa mavzularga singdirilgan holda gap ustida ishlab boriladi. Dasturga ko'ra, 1-sinfda o'quvchilarga gap haqida elementar tushunchalar beriladi. Gap tugallangan fikr bildirishi, gap so'zlardan tashkil topishi, uning oxiriga ma'lum tinish belgilari qo'yilishi haqida amaliy ma'lumotlar beriladi.

2-sinfda esa o'quvchilar gap haqida nazariy tushunchalar oladilar. Ular gapdan shu gap kim yoki nima haqida aytilganini va u haqda nima deyilganini bildirgan so'zni ajratishga o'rganadilar. Aslida gapning grammatik asosi ustida ishlash mana shundan boshlanadi va bu bosh bo'laklarni o'rganishga muqaddima bo'ladi. 3-sinf gap ustida ishlashda yangi bosqichdir. O'quvchilar gapni amaliy o'rganishdan tushuncha sifatida o'rganishga o'tadilar. Ular gapning muhim belgilarni bilib oladilar. Bu bosqichda bosh va ikkinchi darajali bo'laklarning ta'rifi, ega va kesim atamallari kiritiladi. Bu sinfda gapda so'zlarning bog'lanishiga katta e'tibor beriladi. O'quvchilar gapning asosi (ega va kesim)ni ajratadilar, ikkinchi darajali bo'laklarni farqlaydilar va gapdagi ikki so'z (hokim va tobe so'z)ni, so'zlarning grammatik jihatdan, ya'ni qo'shimchalar orqali bog'lanishini bilib oladilar. 4-sinfda gapning uyushiq bo'laklarini o'rganish bilan gap bo'laklari haqidagi bilim kengaytiriladi. Shunday qilib, o'quvchilarda gap bo'laklari haqidagi tasavvurni o'stirish gapni o'zlashtirishda yetakchi hisoblanadi. Birinchidan, boshlang'ich sinf o'quvchilari gap bo'laklarini ikkita katta guruhga (bosh va ikkinchi darajali bo'laklarga) bo'linishini o'zlashtiradilar. Bu sinflarda ikkinchi darajali bo'laklar turlarga ajratilmaydi. Gapni o'zlashtirish uchun bosh va ikkinchi darajali bo'laklarning mohiyati ochiladi: bosh bo'laklar gapning grammatik asosini tashkil qiladi, fikr, asosan, gapning grammatik asosi orqali ifodalanadi; ikkinchi darajali bo'laklar esa bosh bo'laklarni aniqlovchilik va to'ldiruvchilik vazifasini bajaradi. Ikkinchi darajali bo'laklarning mohiyatini ochish uchun o'quvchilar gapni tahlil qiladilar va ular qaysi gap bo'lagiga bog'lanib, uni izohlab kelayotganini aniqlaydilar. Ikkinchi darajali bo'laklarni xususiyatlari gapni yoyish (yig'iq gapni yoyiq gapga aylantirish) jarayonida yaqqol ko'rinadi. Masalan, o'quvchilar „*Qaldirg'ochlar uchib keldi*“ gapini yozadilar. Fikrni to'liq ifodalash uchun gapga *qayerga?* Va *qachon?* so'roqlariga javob bo'lgan so'zlarni qo'yish topshiriladi. O'quvchilar bu vazifani bajarib, qaysi gap bo'lagi (ikkinchi darajali bo'lak) fikrni yana aniqroq ifodalaganiga ishonch hosil qiladilar. O'quvchilarda gapda so'zlarning bog'lanishini aniqlash ko'nikmasini shakllantirish muhim sintaktik va nutqiy ko'nikmalar qatoriga kiradi.

“Tushunchalar tahlili” metodi. Ushbu uslub o'tilgan (chorak yoki o'quv yili tugagan) o'quv predmeti yoki bo'lim barcha mavzularini o'quvchilar tomonidan yodga olish, biron-bir mavzu bo'yicha o'qituvchi tomonidan berilgan tushunchalarga mustaqil ravishda o'z izohlarini berish orqali o'z bilimlarini tekshirib, baholashga imkoniyat yaratish va o'qituvchi tomonidan qisqa vaqt ichida barcha o'quvchilarni baholay olishga yo'naltirilgan. Masalan, „*Daraxtlar gullaydi*“ gapini tahlil qilish uchun berilgan ega va kesim (gapning asosi) ajratiladi.

— Daraxtlar qachon gullashini aytish uchun gapga qaysi so'zni qo'shish kerak?

— Qachon gullaydi? (bahorda gullaydi)

— Bu so'z gapning qaysi bo'lagi bo'ladi? (Ikkinchi darajali bo'lak)

— U gapning qaysi bo'lagiga bog'lanadi, ya'ni tobelanadi? (Kesimga bog'lanadi)

— Gapga egani izohlaydigan yana bitta so'z qo'ying. Qanday gap hosil bo'ldi? (Mevali daraxtlar bahorda gullaydi).

Tushunchalar	Mazmuni
daraxtlar	ega
gullaydi	kesim
Mevali ,bahorda	Ikkinchi darajali bo'lak
O'quvchi	
O'qidi	
kitobni	
qiziqarli	

Mashg'ulotni o'tish tartibi: o'quvchilar guruhlariga ajratiladi. O'quvchilar mashg'ulotni o'tkazishga qo'yilgan talab va qoidalar bilan tanishtiriladi. O'quvchilar yakka tartibda o'tilgan mavzu yoki yangi mavzu bo'yicha tarqatma materiallarda berilgan tushunchalar bilan tanishadilar. O'quvchilar tarqatma materialda mavzu bo'yicha berilgan tushunchalar yoniga egallagan bilimlari asosida (tushunchalarni qanday tushungan bo'lsalar shunday) izoh yozadilar. O'qituvchi tarqatma materialda mavzu bo'yicha berilgan tushunchalarni o'qiydi va jamoa bilan birgalikda har bir tushunchaga to'g'ri izohni belgilaydi yoki ekranda har bir tushunchaning izohi berilgan slayd orqali tanishtiriladi. Har bir o'quvchi to'g'ri javob bilan belgilangan javoblarning farqini aniqlaydilar. Kerakli tushunchaga ega bo'ladilar, o'z-o'zlarini tekshiradilar, baholaydilar, shuningdek, bilimlarini yana bir bor mustahkamlaydilar. O'qituvchi dars loyihasini tayyorlar ekan, maqsadni oydinlashtirishi va shu maqsad asosida o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyatlarini shunday tashkil etishi lozimki, belgilangan maqsad to'liq amalga oshsin. Masalan, yangi dars boshlanishida yoki o'tgan darsni so'rash va mustahkamlash paytida interfaol metodlardan foydalanish, o'quvchilarning darsga qiziqishlarini oshiradi. Motiv hosil bo'lgach, dars davomida o'quvchilarning qiziqishlari saqlanib turgan holda o'rganilayotgan mavzuning ijtimoiy ahamiyatiga e'tibor qaratiladi. Boshlang'ich sinfda dars jarayonida motivlarni rivojlantirish muhim ahamiyatga ega. O'qituvchi o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyatlarini tashkil etishda interfaol metodlarga ko'proq e'tibor berishi o'quvchilarning bilim egallash jarayonining samaradorligini ta'minlaydi.

FIZIK MASALALARNI YECHISH USULLARI.

*Navoiy DPI akademik litseyi fizika fani o'qituvchisi B.I.Xojiyev ,
A.A.Xo'jayev, D.D.Rajabova.*

Gorizontga nisbatan burchak ostida otilgan jismning harakati bilan bog'liq masalalarni yechishda bir nechta kattaliklarni topish talab qilinadi. Bunday masalalar ikki xil usulda yechish mumkin: algebraik va geometrik.

Bir jinsli gravitasion maydonda, og'irlik kuchi ta'sirida, Yer sirti yaqinida harakatlanayotgan moddiy nuqtaning harakatini ko'rib chiqaylik va uning harakat traektoriyasi tenglamasini topamiz. Moddiy nuqta radius vektorining t vaqtga bog'liq tenglamasi:

$$\vec{r} = \vec{r}_0 + \vec{g} \frac{t^2}{2} \quad (1)$$

Radius vektorining koordinata o'qlaridagi proektsiyasi, $x_0=0$ va $y_0=0$ dagi ko'rinishi quyidagicha:

$$x = v_0 t \cos \alpha \quad (2) \quad \text{va} \quad y = v_0 t \sin \alpha - \frac{g t^2}{2} \quad (3)$$

Moddiy nuqtaning harakat trayektoriyasi uchun, x ning ifodasidan t ni topib y ning ifodasiga qo'ysak u:

$$y = x \operatorname{tg} \alpha - \frac{g x^2}{2 v_0^2 \cos^2 \alpha} \quad (4)$$

ko'rinishga ega bo'ladi. Tenglamani $1 + \operatorname{tg}^2 \alpha = \frac{1}{\cos^2 \alpha}$ tenglikni hisobga olib quyidagicha yozamiz.

$$y = y(x) = x \operatorname{tg} \alpha - (1 + \operatorname{tg}^2 \alpha) \frac{g x^2}{2 v_0^2} = x \operatorname{tg} \alpha - \frac{g x^2}{2 v_0^2} \operatorname{tg}^2 \alpha - \frac{g x^2}{2 v_0^2} \quad (5)$$


Bu tenglamaning grafigi paraboladan iborat bo'lib ikkita parametrga v_0 boshlang'ich tezlikka va α burchakka bog'liq.

Muayan masalani yechishda bu tenglamaning yechimidan foydalanib ko'ramiz.

Masala: Moddiy nuqta gorizontga nisbatan burchak ostida qanday minimal tezlik bilan otilganda, u gorizonttal yo'nalishda s masofada, vertikal yo'nalishda h balandlikda joylashgan nuqtaga yetib boradi.

Yechish: 1-usul. Bu masalani yechishda $x=s, y=h$ kooordinatadan o'tuvchi parabola tenglamasi $y=y(x)$ (5) tenglamadan foydalanamiz.

$h = s \operatorname{tg} \alpha - \frac{g s^2}{2\theta_0^2} \operatorname{tg}^2 \alpha - \frac{g s^2}{2\theta_0^2}$ bu ifodani $\operatorname{tg} \alpha$ ga bog'liq holda quyidagi kvadratik tenglama keltirib olamiz.



$$\frac{g s^2}{2\theta_0^2} \operatorname{tg}^2 \alpha - s \operatorname{tg} \alpha + \frac{g s^2}{2\theta_0^2} + h = 0 \quad \text{yoki}$$

$$\operatorname{tg}^2 \alpha - \frac{2\theta_0^2}{g s} \operatorname{tg} \alpha + \frac{2\theta_0^2 h}{g s^2} + 1 = 0$$

Tenglama diskriminanti $D = \left(\frac{b}{2}\right)^2 - c = \frac{\theta_0^4}{g^2 s^2} - \frac{2\theta_0^2 g h}{g^2 s^2} - 1$ nolga teng bo'lganda

$\theta_0^4 - 2\theta_0^2 g h - g^2 s^2 = 0$ tenglama ildizi masalaning yechimi bilan mos tushadi.

$$\theta_0^2 = g h \pm \sqrt{(g h)^2 + g^2 s^2} = g(h \pm \sqrt{h^2 + s^2}) \quad \text{va} \quad \theta_{0 \min} = \sqrt{g(h + \sqrt{h^2 + s^2})}$$

2-usul. Masalani yechishda (5) tenglamani quyidagi ko'rinishda yozamiz.

$$h = S \operatorname{tg} \alpha - \frac{g S^2 (\operatorname{tg}^2 \alpha + 1)}{2\theta_0^2} \quad \text{va} \quad \frac{g S^2 (\operatorname{tg}^2 \alpha + 1)}{2\theta_0^2} = S \operatorname{tg} \alpha - h; \quad \text{bundan } \theta_0 \text{ ni topamiz va uning hosilasini}$$

nolga tenglashtirib $\operatorname{tg} \alpha$ ning qiymatini topamiz.

$$\theta_0 = \sqrt{\frac{g S^2 (\operatorname{tg}^2 \alpha + 1)}{2(S \operatorname{tg} \alpha + h)}};$$

$$\left(\sqrt{\frac{g S^2}{2}} \cdot \sqrt{\frac{(\operatorname{tg}^2 \alpha + 1)}{(S \operatorname{tg} \alpha + h)}} \right)' = 0 \quad \text{yoki} \quad \left(\sqrt{\frac{\operatorname{tg}^2 \alpha + 1}{S \operatorname{tg} \alpha - h}} \right)' = 0$$

$$\left(\frac{2 \operatorname{tg} \alpha \cdot \frac{1}{\cos^2 \alpha}}{2S \operatorname{tg}^2 \alpha} \cdot \frac{1}{2h \operatorname{tg} \alpha} \right) (S \operatorname{tg} \alpha - h) - (1 + \operatorname{tg}^2 \alpha) \left(S \cdot \frac{1}{\cos^2 \alpha} \right) = 0$$

$$\frac{2S \operatorname{tg}^2 \alpha}{\cos^2 \alpha} - \frac{2h \operatorname{tg} \alpha}{\cos^2 \alpha} - \frac{S}{\cos^2 \alpha} - \frac{S \operatorname{tg}^2 \alpha}{\cos^2 \alpha} = 0$$

$$\operatorname{tg}^2 \alpha - \frac{2h}{S} \operatorname{tg} \alpha - 1 = 0$$

$$\operatorname{tg} \alpha = \frac{h}{S} \pm \sqrt{\frac{h^2 + S^2}{S^2}} = \frac{1}{S} (h \pm \sqrt{h^2 + S^2}) \quad \operatorname{tg} \alpha \text{ ning bu qiymatini } \theta_0 \text{ qo'yib, uning minimal qiymatiga ega}$$

bo'lamiz.

$$\theta_{0 \min} = \sqrt{\frac{g S^2 (1 + \operatorname{tg}^2 \alpha)}{2(S \operatorname{tg} \alpha - h)}} = \sqrt{\frac{g S^2 \left(1 + \left(\frac{1}{S} (h \pm \sqrt{h^2 + S^2}) \right)^2 \right)}{2 \left(S \frac{1}{S} (h \pm \sqrt{h^2 + S^2}) - h \right)}} \quad \text{bu ifodani soddalashtirib}$$

$$\theta_{0 \min} = \sqrt{g(h + \sqrt{h^2 + S^2})} \quad \text{yechimga ega bo'lamiz}$$

3-usul; Endi masalani geometrik usulda yechamiz. h balandlikdagi oniy $\vartheta = \sqrt{\theta_0^2 - 2gh}$ tezlik, boshlang'ich θ_0 minimal tezlikka perpendikulyar bo'ladi. ABC tezlik uchburchagi ADE uchburchakka o'xshash. Bu uchburchaklardan quyidagi tengliklarni yozamiz.

$$\sin \alpha = \frac{s}{\theta_0 t} \quad \text{va} \quad \sin \alpha = \frac{g}{g t}$$

$$\frac{s}{\theta_0} = \frac{g}{g} \quad \text{yoki} \quad \frac{s}{\theta_0} = \sqrt{\theta_0^2 - 2gh}$$


$$\left(\frac{S g}{\theta_0} \right)^2 = \theta_0^2 - 2gh \quad \text{tenglamani } \theta_0 \text{ ga nisbatan yechamiz.}$$

$$\theta_0^4 - 2gh\theta_0^2 - S^2 g^2 = 0 \quad \text{bu tenglama yechimi}$$

$$\theta_0^2 = gh \pm \sqrt{g^2 h^2 + S^2 g^2}$$

$$\text{Demak minimal tezlik; } \theta_{0 \min} = \sqrt{g(h + \sqrt{h^2 + S^2})}$$

Biz bu masalani yechishda uch xil usuldan foydalandik.



BOSHLANG`ICH SINIF O`QUVCHILARINI MEHNATGA AXLOQIY JIHATDAN TAYYORLASH

*Qarshiyeva Go`zal Tashkentboyevna Mirzaobod tumani
5-umumta`lim maktabi boshlang`ich sinf o`qituvchisi*

Mehnatga axloqiy tayyorlash deganda eng avvalo, mehnatga ongli munosabatni shakllantirish tushuniladi. Shu o`rinda buyuk allomalarning hadislariyu, ilm, mehnat va hunar haqidagi fikrlaridan foydalanamiz:

1. Ey o`g`il! Qaysi fan bo`lmasin, to uni mukammal egallamaguningcha harakatni to`xtatma, bir ilm ikkinchi ilmni egallashga yordam beradi. Bir ilmni egallashga aqling yo`l berdimi, uni oxirigacha egallamay turib, chala tashlab q o`yma!

A. Sheroziy.

2. Hunarni asrabon ketgumdir oxir,
Olib tuproqqamu ketgumdir oxir.

Alisher Navoiy.

3. Aziz do`stlar oltin va kumushi bo`lmagan odam kambag`al emas, balki es-xushi va kasb-hunari bo`lmagan kishi kambag`aldir.

Abdulla Avloniy.

4. Mehnat inson hayotini farovon qiluvchi davlatdir.
Rayxon Beruniy.

Abu

5. Mehnat qilmoq insonga xosdur. Agar sen inson bo`lsang, o`z xulqingni mehnat tumori bilan beza.
Alisher Navoiy.

6. Sen avvalo mehnatni qadrla va o`zgarar qilgan mehnatni ham qadriga yet, shunda sen o`zingni haqiqiy mehnatsevar deb bilursan. Imom al-Buxoriy.

7. O`z mehnating bo`lsin doim yo`ldoshing,
O`zga minnatidan og`ritma boshing.
Kunlaring o`tarkan terib dur-hikmat,
Kunlaring to`liqdir bo`lsa hur mehnat.

Abdurahmon Jomiy.

Agarda boshlang`ich sinflar o`quvchilariga tadbiquan gapiradigan bo`lsak, ularning bu yoshidan mehnatni sevish, shu mehnat natijalariga hurmat bilan yondashishlari nazarda tutiladi. Mehnatga munosabat shu mehnatning muhimligi va zarurligini tushunish, bunday mehnatda jonbozlik ko`rsatish, ishga shax- san mas`uliyatni his qilgan holda yondashish ijtimoiy mulkka tejamkorlik bilan munosabatda bo`lishni anglatadi.

Mehnatga axloqiy tayyorlash — bolalarga jamoada ishlashni, do`stona o`zaro yordamni, ijodiy tashabbusni, tashkilot- chilik qobiliyatlarini namoyish qilish va mehnatda xatti-harakat normalarini o`rgatishdan iborat.

Mehnatga ruhiy jihatdan tayyorlash. Mehnatga ruhiy jihatdan tayyorlash murakkab, uzoq davom etuvchi va ko`p qirrali jarayon bo`lib, u butun mehnat ta`limi va tarbiyasiga singib ketgandir. U garchi o`ziga xos xususiyatlarga ega bo`lsada, mehnatga axloqiy tayyorlashga juda yaqindir.

Bolani mehnatga ruhiy jihatdan tayyorlash — bu unda mehnatga nisbatan uning yoshiga muvofiq keluvchi ongli va ijobiy munosabatlarni tarkib toptirish, unda amaliy malaka va ko`nikmalarni egallashga qiziqishni shakllantirish demakdir. O`qituvchining vazifasi o`quvchilarga yoshligidan boshlab mehnat — bu har bir kishining vijdoni va burchi ekanligini, inson o`z mehnati bilan sharaflanishini, faqat Vatan farovonligi yo`lida qilingan mehnatdagina insonning eng yaxshi sifatleri rivojlanishi hamda takomillashishi mumkinligini anglashlariga yordam berishdir. Bolalarning mehnatga qobiliyati har bir kishi jamiyat- ning hayoti va faoliyati, uning farovonligi uchun zarur bo`lgan vositalarni ishlab chiqarishda qatnashishi zarurligini anglash- lari juda muhimdir. Shuningdek, bolalar jamiyatda kishi meh- natsiz yashay olmasligini ham uqib olishlari kerak.

Mehnatga ruhiy jihatdan tayyorlash turli psixologik jarayonlarni rivojlantirish va takomillashtirishni nazarda tutadi. Bular sezib anglash, emotsional idrok, diqqat, xotira, tafakkur va shu kabi jarayonlardir. Boshqacha qilib aytganda, ular mehnatning psixologik tarkiblari deyiladi.

Mehnatga o`rgatishda bolaning imkoniyatlarini nazarda tutib, hissiy bilish jarayonini takomillashtirish zarur. Ma`lum- ki, mehnat faoliyati, mehnat ta`limi uchun ham turli sezgilar yig`indisining (ko`rish, eshitish, his etish, ta`m bilish, teri, muskul harakati) namoyon bo`lishi xarakterlidir. Shuning uchun o`qituvchilar quyi sinf o`quvchilariga yangi materialni yoki asbobni tanishtirayotganlarida bolalardagi sezgining barcha turlarini faollashtiradilar: bolalar qog`ozni ushlaydilar, silaydi- lar, aylantirib ko`rib chiqadilar, uning qanday shitirlashiga quloq soladilar. Sezgilarning bunday faollashuvi ma`lumot haqida to`liqroq tasavvurga ega bo`lishga yordam beribgina qolmay, balki bu psixologik jarayonni rivojlantiradi, takomillashtiradi.

Mehnatga tayyorlashning yanada muvaffaqiyatliroq bo`lishi uchun bolalarning xotiralarini o`stirish vazifasi ham albatta amalga oshiriladi. Mehnat bo`yicha o`quv materiallarini eslab qolish boshqa buyumlarga nisbatan o`ziga xos xususiyatga ega.

Barcha yangi asboblari, materiallari, jarayonlarning nomini boshlang`ich sinf o`quvchilari buyumni ko`rib idrok etish bilan fikran birlashtirib, tinglab fahmlaydilar. O`qituvchi mehnat darsida faqat tushuntiribgina qolmay, balki asosan material va buyumlar namunasini, asboblarni, materialga ishlov berish usullarini, jarayonlarning izchilligini ko`rsatadi. Shuning uchun mehnat ta`limida eshitish, ko`rish xotirasi va xarakatlantiruvchi xotira ham muhim o`rin

egallaydi. O`quvchilarda mehnat darsidan mehnat darsigacha yangidan yangi bilim va ko`nik- malar mujassamlashib boradi, ularni esa anglash hamda xotirlab qolish kerak.

Boshlang`ich sinf o`quvchilariga mehnat malaka va ko`nikmalarini o`rgatish natijalari ko`p jihatdan psixologik jarayonlarining rivojlanganligiga, bosh miya nazorati ostidagi mushak harakat apparatining takomillashganligiga bog`liqdir.

Mehnat ta`limining to`g`ri borishida emotsional jarayonlar ham xarakterlidir. Bolalarni qiyinchiliklarni yengishga, qo`yilgan maqsadga yerishish yo`lida matonat va qat`iyat bilan kirishishga, boshlagan ishni chala tashlab ketmay, balki oxiriga yetkazishga o`rgatish lozim. Bu o`rinda ijobiy emotsiyalar: mehnatdan quvonish, lazzatlanish va qoniqish hissiyotlarining namoyon bo`lishi juda muhimdir. Mehnatda turli psixologik holatlar: faollik, diqqatning jamlanishi, qiziqish, mustaqil fikr yuritish, qoniqmaslik kabi tuyg`ular namoyon bo`ladi.

Mehnatda shaxsning qiziqish, qobiliyat, temperament kabi individual psixologik xususiyatlari shakllanadi.

Mehnatga ruhiy jihatdan va axloqiy jihatdan tayyorlash jarayoni murakkab va uzoq davom etuvchi jarayondir.

Mehnatga ma`naviy va psixologik tayyorlash o`zining real bazasiga — texnikaga oid bilim, amaliy malaka va ko`nikmalarning ma`lum zaxirasiga ega bo`lishi kerak. Agarda bola mehnat qilishga o`rgatilmagan bo`lsa, uning uchun mehnat faoliyati maqbul mashg`ulotga aylanmaydi, unda kerakli ijobiy emotsiyalarni va boshqa psixologik ko`rinishlarni keltirib chiqara olmaydi. Bunday hollarda mehnatga munosabatni ifodalovchi mehnatga muhabbat ham boshqa axloqiy sifatlar ham namoyon bo`lmaydi

БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ –ТАРБИЯЧИЛАРДА КАСБИЙ СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

М.Н.Хушназарова

Қўқон давлат педагогика институти, Маъмура 1980 @ mail. Ru

Бўлажак педагог-тарбиячилар касбий ривожланишларини таъминлашга йўналтирилган педагогик жараёни ташкил этишда талабаларнинг мавжуд билимлари, касбий майллари, эҳтиёжларини ўрганиш лозим.

Педагог-тарбиячилар ўз фаолиятлари давомида ҳамкасблари ва болалар жамоаси орасида соғлом муҳитни вужудга келтира олишлари, жамоада обрў қозонишлари керак.

Бўлажак педагог-тарбиячилар, биринчи навбатда, ижодкор, кенг тасаввур, дунёқараш ва тафаккур, кучли хотира, юқори даражада ҳиссий ўз-ўзини бошқариш лаёқатига эга бўлишлари зарур. Бўлажак мактабгача таълим ташкилотлари педагогларида бундай сифатларнинг ҳосил бўлишида аудиториядаги ўқув жараёни билан бир қаторда педагогик амалиёт ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Талабаларнинг педагогик амалиётда фаол иштирок этишлари, тажрибали методистлар ва тарбиячиларнинг иш фаолиятлари билан таништишлари, улардан касбий маҳорат сирларини ўрганишлари истикболда ўз педагогик фаолиятларини самарали ташкил этишлари учун зарур ҳисобланади. Бўлажак педагог-тарбиячиларнинг илғор тажрибаларни ўрганишлари уларнинг ўз касбий ривожланиш даражаларини объектив баҳолашлари, мавжуд бўшлиқларни ўз вақтида кўра олишларига кўмаклашади.

Бўлажак педагог-тарбиячилар касбий ривожланишларини таъминлашга йўналтирилган педагогик жараёни ташкил этишда талабаларнинг мавжуд билимлари, касбий майллари, эҳтиёжларини ўрганиш лозим.

Бўлажак педагог-тарбиячиларда куйидаги касбий сифатлар шаклланган бўлиши лозим:

1. Билимдонлик, вазиятни ўз вақтида ва тўғри баҳолай олиш, ижодкорлик, мулоҳазалилик, кучли хотира ва мустақил фикрлаш лаёқатига эгаллик тезлиги, мантикий хулоса чиқара олиш, диққатнинг барқарорлиги каби интеллектуал сифатлар.

2. Фикрни тўғри ва таъсирчан баён қила олиш, назокат билан сўзлаш, хушмуомалалилик, ҳозиржавоблик, самимийлик, ўзгалар фикрини тинглай олиш, мустақил фикрга эга бўлиш, болалар билан диалог ўрната олиш каби коммуникатив сифатлар.

3. Қатъиятлилик, журъатлилик, шижоатлилик, мардлик, жасурлик, тартиб-интизомлилик, вазиятни тўғри баҳолаш ҳамда оқилона қарорлар қабул қила олиш, вазминлик, инсонпарварлик, меҳрибонлик, меҳр-шафқатлилик, мустақиллик, шижоатлилик, жисмоний баркамоллик, фаоллик, сабр-тоқатлилик, бардошлилик, чидамлилик, ҳаракатчанлик каби иродавий сифатлар.

4. Нафосат ҳиссига эгаллик, озодалик, саранжом-саришталик, жозибадорлик, қадди-қоматни тўғри тута билиш, нутқнинг таъсирчан бўлишига эришиш, эмоционаллик, ижодкорлик, импровизация ва фантазияга мойиллик каби эстетик сифатлар.

Шу билан бир қаторда олий педагогик таълим жараёнида таҳсил олаётган бўлажак педагог-тарбиячилар ижтимоий-ғоявий жиҳатдан етуклик, ижтимоий фаоллик, фаол фуқаролик позицияси каби сифатларга ҳам эга бўлишлари керак.

Бўлажак педагог-тарбиячиларда касбий шаклланиш жараёни коммуникатив кўникмалар ва педагогик маҳоратни эгаллашдан бошланади. Бўлажак педагог-тарбиячиларнинг касбий тайёргарлигини таъминлашга хизмат қиладиган билимларни уларга тақдим этишда замонавий ёндашувлар, концепцияларга таяниш лозим. Шунга кўра, бўлажак педагог-тарбиячиларга замонавий касбий билимларни тақдим этишда халқаро тажрибаларни ҳам алоҳида ҳисобга олиш керак. Чунки мактабгача таълимнинг бугунги кунги

тараққийёт даражаси, уни таъминловчи педагогик-психологик билимларни ўзлаштирмасдан туриб, етук мутахассис бўлиш мумкин эмас.

Абу Райҳон Беруний инсонни табиатнинг узвий ажралмас қисми сифатида талқин қилади. Шунга кўра, у ўзининг педагогик қарашларида инсон, унинг бахт-саодати, таълим-тарбияси ва камолоти касбий фаолиятнинг асосини белгилашини таъкидлайди.

Алишер Навоий эса ўзининг бир қатор “Ҳайрат-ул Аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий” каби асарларида инсон муайян бир касбни эгаллаши лозимлиги, унинг устаси бўлиши зарурлигини ижтимоий эҳтиёж маҳсули эканлигини эътироф этади.

Кўриниб турибдики, бўлажак педагог-тарбиячиларни касбий фаолиятга тайёрлашда дастлаб касбий эҳтиёжни шакллантириш, уларнинг қизиқиш ва майлларини аниқлаш асосида уларга педагогик маҳорат сирларини ўргатиш, босқичма-босқич касбий тайёргарлик даражасини таҳлил этиш асосида ўқув жараёнига тузатишлар киритиши талаб қилинади.

Қобилият шахснинг муайян фаолиятни эгаллашга лаёқатлилик даражасини ифодалайди. Лаёқат-бу наслдан-наслга ўтадиган ирсий хусусият бўлиб, инсонда барча турдаги фаолиятга нисбатан лаёқат куртаклари мавжуд. Лекин бу лаёқатлар ўз-ўзидан қобилият даражасига кўтарилмайди. Бунинг учун қулай ижтимоий-педагогик муҳит, шароит ва шахснинг фаоллиги зарур. Буларнинг барчаси касбий фаолиятни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Касбий-педагогик қобилият тадрижий тарзда ривожланади.

Бўлажак педагог-тарбиячи ўз касбини чуқур ўзлаштириши, педагогик жараёнларни самарали бошқариш санъатини эгаллаши лозим. Бунинг учун у болаларда янги билимлар ва кўникмалар ҳосил қилиши, уларнинг ранг-баранг фаолиятлари, билиш жараёнларини самарали бошқариш маҳоратини эгаллаши керак. У, биринчи навбатда, тарбияланувчилар орасида жамоани шакллантириши, уларни машғулотларга жалб қила билиши, касбий кўникмаларидан ўз ўрнида фойдалана олиши талаб қилинади.

Педагог-тарбиячининг муҳим сифатларидан бири болаларни севишдир. Болаларни севиш тарбиячиларга уларда муайян кўникмаларни осонгина шакллантириш имконини беради. Бола қалбига йўл топиш, у билан самимий мулоқотга киришиш, уни ҳар томонлама ривожлантириш таълим жараёнига тайёрлашда тарбиячиларга қулайлик туғдиради.

Педагогик амалиёт жараёнида бўлажак педагог-тарбиячилар машғулотлар мазмунини болаларга тушунарли тарзда баён этиши, уларни мустақил фикрлаш, фаолликка ўргатиши, қийин топшириқларни осон баён қилиш усулларини топиши, болалар билан осонгина мулоқот ўрната олиши, мактабгача таълим педагогикаси ва психологиясига оид манбалар билан танишиши, улар устида ишлай олиши, ўзининг касбий ривожланиши йўлида мустақил билим олиши, тарбияланувчиларнинг психологик ҳолатини ҳис эта олиши, уларнинг қалбини забт эта олиши, эртак ва топишмоқларни болаларга жонли, образли ўқиб бера олиши лозим. Шу билан бир қаторда, тарбияланувчиларга педагогик таъсир кўрсатиш воситалари, усуллари ва методларини пухта эгаллаган бўлиши зарур.

Адабиётлар :

1. Аҳмадхўжаев Х. Т., Мирдадаев К.М., Қозоқов О.С. Менежмент ва стратегияни бошқариш. – Тошкент: Илм Зиё, 2004. – 36-39-б.
2. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Ворис, 2006. – 264 б.
3. Зверева В.И. Организационно-педагогическая деятельность руководителя школы. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Новая школа, 1997. – 320с.
4. Йўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Таълим менежменти. – Тошкент, 2006. – 73 б.
5. Калинин И.В. Стратегия подбора кадров как стилевая характеристика управленческой деятельности руководителя: Дисс. ... канд. психол. наук. – М., 1996. – С. 33-36.
6. Комилов Н., Бегматов А., Қуронов М. Раҳбар ва ходим. – Тошкент: Академия, 1998. – 170 б.
7. Муракаев И.У., Саифназаров И.С. Менежмент асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 191 б.
8. Петровичев В.М. Региональное образование: организация, управление развитием. – Тула: Приокское изд., 1994. – С.6.

TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA MAKTAB VA OILA HAMKORLIGINING O'RNI

Tadjiboyeva Ma'rifat Muminovna

Sirdaryo viloyati Guliston shahri 16-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

O'sib kelayotgan yosh avlodni barkamol etib tarbiyalash xalqimizning azaliy orzusi bo'lib, farzandlarni ma'naviy-axloqiy milliy madaniy, tarixiy an'analariga hamda umumbashariy qadriyatlarga asoslanib, zamonaviy shaxsni shakllantirish ota-onalar, maktab, mahallalarning oldida turgan eng asosiy ma'suliyatli vazifalardan sanaladi.

Inson bolasi dunyoga kelar ekan u tashqi olam bilan doimiy ravishda, tashqi olam ta'siri asosida kamol topadi, o'sadi, ta'lim tarbiya oladi. Kelajak vorislari bolalarni to'g'ri o'sib ulg'ayishida eng muhim omillardan biri oila tarbiyasi bo'lsa, yana muhim omillardan biri ta'lim-tarbiya beruvchi muassasalar hisoblanadi.

Insoniyat tamonidan o'nlab ming yilliklar davomida yaratilgan o'zgarmas qadriyatlar orasida oila eng buyugi hisoblanadi. Hech bir millat, hech bir madaniy jamiyat oilani chetlab o'tmaydi.

Oila insonning rivojlanishi va takomillashuvi uchun eng yaxshi muhit hisoblanadi. Oila shaxsning ijtimoiylashuvida muhim instituti hamdir. Aynan oilada ijtimoiy o'zaro muloqatning dastkabki tajribasini oladi. Ma'lum bir vaqt davomida oila bola uchun shunday tajriba olishning yagona joyi hisoblanadi. Shundan keyin inson hayotiga bolalar bog'chasi, maktab, ko'cha singari ijtimoiy institutlar kirib keladi. Biroq bu vaqtda ham oila va ota-ona rivojlanishida muhim omillardan biri, ba'zida esa eng muhim omillardan biri bo'lib qoladi. Aynan oilada bolalar oddiy va tabiiy hayotga o'rganadi, shuningdek har kuni ertalabdan kechgacha, ba'zan tuni kun oila yoki ota-ona shaxsi aka-uka, opa-singillar, buvi va buvalar tamonida o'z o'rnida namuna bo'lib xizmat qiladigan turli tuman xulq atvor shakllari, so'z, shuningdek mehnatga o'rganadi.

Bolalikdagi tajriba asosida oilada insonning muhimroq ijtimoiy tavsifi shakllanadi. Bunday shaxsiy qirralar, ishonch o'z-o'zini baholash, "Men"konsepsiyasi ota-ona va aka-opalarning bolaga qaratilgan munosabatlar asosida yuzaga keladi.

Bola faqatgina oilada qanday yashashni va nimani his qilishni, nimani bilish kerakligini tinglash his etish asosida emas, balki hayot haqiqatdan qandayligini, aslida odamlar o'zini qanday tutishi kerakligini ularning bir-biriga va boshqalar nisbatan munosabatini baholash va fikrlash orqali o'rganadi.

Oilaviy tarbiya uzluksiz, davom etadi. Bunda hech bir institut oila bilan tenglasha olmaydi. Haqiqatan, inson tug'ilgandan boshlab to umrining oxirigacha oilaning ta'siri ostida bo'ladi. Oilaning bolaga noyob ta'sirini oilaviy tarbiya jarayonining o'ziga xosligi ham belgilaydi. Ota va ona shaxsiy namunasi, qarindoshlik tuygulari, o'qituvchi va o'quvchining o'zaro hissiy munosabatlarining bolani har tamonlama rivojlanishida roli katta, bularga oiladan tashqarida erishib bo'lmaydi.

Hech bir mubolag'asiz aytish mumkinki, shaxs oilada shakllanadi. Aynan oilada shunday qimmatbaho sifatlar- borlig'ni diqqat bilan kuzatish, tabiat va san'atdagi go'zallikni his qilish, bilimga serhavas bo'lmoqlik, intizomlilik, vijdonli, o'z mehnat majburiyatlariga ma'suliyat bilan yondashish, boshqalarning extiyojlariga hamdardlik bilan qarash va zarur bo'lgan holarda yordam ko'rsatish kabi xislatlar shakllanadiki, xuddi shu sifatlar yetuk insoniy shaxsning fazilatlar hisoblanadi.

Oila bilan maktabgacha ta'lim muassasasi hamkorligi juda dolzarb masala hisoblanadi. Chunki oilada ota-ona boshlagan ta'lim tarbiya ishini ta'lim muassasasida o'qituvchi pedagoglar davom ettiradi. Shunday ekan ota-onalar oilani tashkil etuvchi a'zolar kelajak davomchilarini ta'lim muassasalarda erishayotgan yutuqlari bilan nega qiziqmay qo'yishmoqdalar. Ko'pchilik ota-onalar har chorakda ota-onalar yig'ilishlarida ishtirok etsa bayramlarida tomoshabin sifatida ishtirok etish bilan chegaralanadi. Shuni o'zi yetarlimikin. Yo'q albatta. Ota-onalar hozirgi kunda faqat pul topish bilan band bolib, bolani qornini to'yg'azish ustini kiyintirish bilan chegaralanib qolmadikmikan?

Bugungi kunda mamlakatimizdagi har bir oilada mobil telefoni, kompyuter, planshet kabi vositalar mavjud bo'lib, ularni kimdir asosan muloqot qilishda qo'llasa, kimdir mustaqil bilim oshirish maqsadida foydalanadi. Mazkur vositalar taqdim etadigan imkoniyatlardan biri internet xizmatidan keng foydalanish ham odatiy hol bo'lib qoldi. Hozirgi davrda ko'plab mahallalarda bolalar va yoshlar uchun turli to'garaklardan tashqari, Internet kafe, kompyuter o'yinxonalari ham mavjud. Mazkur maskanlar doim bolajonlar bilan gavjum bo'ladi. Shu boisdan ham Internet tarmog'idan yoshlar ongiga kirib kelayotgan zararli g'oya va ta'sirlardan samarali va ishonchli himoyalash tobora dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Hozirgi davrimizning mo'jizalari bo'lgan kompyuter va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari juda qulay imkoniyatlarni taqdim etishi bilan birga, talay jiddiy muammolarni ham yuzaga keltirmoqda. Mazkur muammolarning oldini olish va ularni hal etish uchun esa ota-onalar, o'qituvchilardan farzandlariga yanada hushyor va e'tiborli bo'lishni, yosh avlodning g'oyaviy-mafkuraviy immunitetini mustahkamlash borasidagi ishlar ko'lamini yanada kengaytirishni talab etadi.

Shu maqsadda mahallalar qoshidagi yoshlar va voyaga yetmaganlar bilan ishlash komissiyasi, ota-onalar va pedagog xodimlar bilan har oyda tuman ichki ishlar bo'limi xodimlari ishtirokida davra suhbatlari tashkil etilishi ham yaxshi samara beradi. Bundan tashqari, komissiya a'zolari Internet kafe va kompyuter o'yinxonalari va vaqt o'tkazib, dars qoldirayotgan o'quvchilarning ota-onalari bilan suhbatlashishlari ham muhim ahamiyatga molik.

Mahalla guzarlarida o'smir bolalarning bo'sh vaqtlarini turli to'garaklar bilan band etish ham yaxshi samara beradi. Mahallalarda olib boriladigan mazkur tadbirlardan ko'zlangan asosiy maqsad o'sib kelayotgan avlodni kamolga yetkazish, oila-mahalla-maktab hamkorligini ta'minlash va yanada kuchaytirishdan iborat.

Bundan xulasa shu kelajak vorislari bolalarimiz ta'lim tarbiya olishiga xar tamonlama sog'lom va etuk bo'lishi biz ota-onalar va jamoachilik qo'lida. Kelajakni qanday ko'rmoqchi bo'lsangiz ung poydevorini hozirdan mustahkamlang.

QISQA KO'PAYTIRISH FORMULALARINI GEOMETRIK TADBIQI

*Insopova Lobar Fahriddinovna
Namangan viloyati To'raqo'rg'on tumani
51-maktab matematika fan o'qituvchisi*

Annotatsiya

Ushbu "Qisqa ko'paytirish formulalarini geometrik tadbiqi" nomli maqola 7-sinf o'quvchilariga qisqa ko'paytirish formulalarini, ularning kelib chiqish holatlarini geometrik shakillar orqali tushunishga yordam beradi.

Аннотация

Эта статья под названием "Геометрическая презентация формулы краткого умножения" помогает ученикам седьмых классов понять формулы краткого умножения и их появления при помощи геометрических фигур.

Annotation

This article under name "Geometric presentation of the formula of the short multiplying" helps the pupil of the seventh classes to understand the formulas of the short multiplying and their appearances with the help of geometric figures.

O'rta Osiyo xalqlari madaniyatini o'rta asrlardadunyo madaniyatining oldingi qatoriga olib chiqqan buyuk mutaffakkirlardan biri Abu Ali ibn Sinoning matematikaga oid ishlarida sonlarni kvadrat va kubga ko'tarish amallari o'rganilgan.


Al-Koshiyning „Arifmetika kaliti“ asarida ikkihadni ixtiyoriy natural darajaga ko'tarish qoidalarini berilgan.

Turli algebraik formulalarni isbotlashda tenglamalarni yechishda geometrik mulohazalardan foydalanish qadimgi Xitoy, Yunoniston, Hindiston, O'rta Osiyo matematiklari asarlarida uchraydi.

To'g'ri burchakli uchburchakning tomonlari butun sonlarda yoki ratsional sonlarda ifodalash uchun Xitoy matematiklari miloddan avvalgi birinchi mingyillikdoyoq turli tengliklardan fodalanganlar.

Ikkita son yigindisining kvadrati $(a+b)^2$ ni qaraymiz. Ko'phadni ko'phadga ko'paytirish qoidasidan foydalanib, hosil qilamiz: (1) formulani geometrik manosini quyidagi kvadratni yuzini topish orqali tushunish mumkin

$$(a+b)^2 = (a+b)(a+b) = a^2 + b^2 + ab + ab,$$




$$(a+b)^2 = a^2 + 2ab + b^2 \quad (1)$$

Ikkihad ayirmasining kvadratini quyidagicha ko'rinishda tushintirish mumkin:

$$a^2 = (a-b)^2 + b^2 + 2b(a-b) \quad (a-b)^2 = a^2 - b^2 - 2b(a-b)$$

$$(a-b)^2 = a^2 - 2ab + b^2 \quad (2)$$



Ko'phad yig'indisining kvadrati, har bir had kvadratlarining yig'indisiga qo'shiluvchilardan har birining o'zidan keyingi hadlar bilan ikkilangan ko'paytmalarining qo'shilganiga teng. Masalan, uchhad yig'indisining kvadrati:

$$(a+b+c)^2 = a^2 + b^2 + c^2 + 2ab + 2ac + 2bc$$

Uchhad yig'indisining kubi, har bir had kublari yig'indisiga har bir had kvadratini

boshqa hadlarga uchlangan ko'paytmalarini qo'shish va hosil bo'lgan yig'indiga uchchala hadning oltirilgan ko'paytmasini qo'shish

natijasig teng


$$(a+b+c)^3 = (a+b+c)^2(a+b+c) = (a^2+b^2+c^2+2ab+2ac+2bc)(a+b+c) = a^3+b^3+c^3+3a^2b+3a^2c+3ab^2+3b^2c+3ac^2+3bc^2+6abc \quad (4)$$

Ikkihad yig'indisining kubi har bir had kublari yig'indisiga har bir had kvadratini

keyingi hadning uchlangan ko'paytmalarini qo'shish va hosil bo'lgan yig'indisiga teng.

$$(a+b)^3 = (a+b)^2(a+b) = (a^2+2ab+b^2)(a+b)$$

Ikki son kvadratlarining ayirmasi $a^2 - b^2 = (a-b)(a+b)$ ining ko'paytmasiga teng.



$$a^2 - b^2 = (a-b)(a+b) \quad (4)$$

(4) formulani kvadratlar ayirmasi formulasi deyiladi. U ko'phadni ko'paytuvchilarga ajratishda qo'llaniladi. O'quvchilarga ushbu formulani tushuntirishda quydagi muammoli vaziyatlardan foydalanamiz:

1) Formuladagi harflarni o'zgartirib berib ko'ramiz: $x^2 - y^2$

- 2) Ikkinchi hadini o'zgartiramiz: x^2-4
- 3) Birinchi hadini o'zgartiramiz: $9-x^2$
- 4) Ikkala hadini ham o'zgartiramiz: $16a^2-25b^2$
- 5) Endi ifodalarni ko'pxadlarga aylantiramiz: $(2a-b)^2-(3b+a)^2$
- 6) Quyidagi ifodani berib ko'ramiz: $a-b$

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Azamov A., Xaydarov B., Kuchkarov A., Sariqov Ye., Sag'diev U. Geometriya. Umumiy o'rta ta'lim maktablari 7- sinfi uchun darslik. –T.: «Yangiyo'lpoligrafservis», 2017.
2. Alimov SH.A., Xolmuhamedov O.R., Mirzaahmedov M. Algebra. Umumiy o'rta ta'lim maktablari 7-sinflari uchun darslik.–T.: «O'qituvchi», 2017

BIOLOGIYA DARSLARIDA MODULLI TA'LIM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISHNING O'RNI.

U. Bekmatova Sirdaryo VXTXQTMOHM Aniqa va tabiiy fanlar metodikasi kafedrasida katta o'qituvchisi

Modulli ta'limning asosiy mohiyati o'quvchilar modul dasturlari yordamida mustaqil ishlashga asoslangan o'quv-bilish faoliyati orqali belgilangan maqsadga erishadilar.

Modul dasturlarini tuzishda o'qituvchi e'tiborini quyidagilarga qaratishi zarur:

1. Modul dasturidan ko'zda tutilgan didaktik maqsadni aniq yoritish.
Modul dasturining didaktik maqsadi darsning yuqorida qayd etilgan maqsadlariga uyg'un holda o'quvchilarning zimmasiga yuklatiladi. Shuni qayd etish kerakki, maqsad aniq bo'lsa, unga muvofiq holda tadbirlar qo'llaniladi va unga erishish oson bo'ladi.
2. O'quv materialini o'rganishning mantiqiy yo'nalishi (induktiv yoki deduktiv tarzda berilganligi)ni aniqlash. Modulli ta'lim tamoyillari hisobga olingan holda o'quv materialini mazmunan tugallangan mantiqiy ketma-ketlikdagi kichik qism (modul)larga taqsimlash.
3. O'quvchilar tomonidan o'quv materiallarining har bir moduli yoki qismini o'zlashtirishi uchun tashkil etiladigan o'quv faoliyati usullarini belgilash.
4. O'quv faoliyati usullariga bog'liq holda modul dasturidan o'rin olishi lozim bo'lgan o'quv elementlarini va ularning ketma-ketligini aniqlash.
5. O'quvchilar bilimni aniqlash va nazorat qilish bo'yicha dastlabki joriy nazorat, axborot to'plami, o'qitish mazmunini qayta ishlash, yakuniy nazorat va o'quvchilar bilimidagi tipik kamchiliklar hamda xatolarni bartaraf etish yo'llarini belgilash.
6. O'quvchilar uchun asosiy va qo'shimcha adabiyotlarni tanlash.
O'quvchilarning modul dasturi yordamida o'quv materialini mustaqil va ijodiy o'rganish jarayoni mazkur mavzuni o'zlashtirish uchun dasturda belgilangan vaqt doirasida amalga oshirilishiga erishishi lozim. Modul dasturini muvaffaqiyatli qo'llashning muhim sharti unda o'quvchilar o'quv bilish faoliyatining o'quv elementlarini to'g'ri tanlanishidir, chunki o'quvchilar modul dasturi bilan ishlaganda, aynan shu o'quv elementlarini bajaradilar. Quyida o'quv faoliyati elementlarining turlari haqida fikr yuritiladi. Modulli dasturda juda ko'p axborot manbalaridan foydalaniladi, shu sababli o'quv faoliyati elementlarini axborot manbalariga ko'ra tavsiflash maqsadga muvofiq. Modulli ta'lim texnologiyasidan foydalanishda o'qituvchi quyidagi mezonlarga amal qilishi lozim:
o'quvchilarga mustaqil o'zlashtirish uchun tavsiya etiladigan o'quv materialini o'quvchilarning o'quv imkoniyatlarini hisobga olgan holda, ular uddalay oladigan va shu bilan birga maksimal darajada qiyin bo'lmasligi kerak;
o'quvchilar o'quv materialini dasturda belgilangan vaqt doirasida egallashlari kerak; o'qituvchi o'quvchilarni o'quv materiallarini mustaqil va ijodiy o'zlashtirish ko'nikmasiga ega bo'lishiga erishishi lozim. Bunda dastlab o'qituvchi darsga olib kiradigan axborotni ikki qismga ajratadi. Birinchi qismini o'quvchilar o'qituvchi yordamida, ikkinchi qismini ijodiy va mustaqil o'zlashtirishlari lozim. Masalan: 10-sinflarda "Ontogenez – tirik organizmlarning individual rivojlanishi" mavzusini o'qitishda quyidagi usuldan foydalanishimiz mumkin.

Kichik konsultantlar usuli. O'qituvchi o'quvchilarni teng sonli kichik guruhlariga ajratib, modul dasturi vositasida mustaqil ishlarni tashkil etadi. Har bir guruhga kichik konsultantlar tayinlanadi. Kichik konsultantlar guruh ishini boshqaradi, o'quvchilarning faoliyatini nazorat qiladi, tegishli hollarda yordam uyushtiradi. Har bir modul yakunida savol- javob, o'quv bahsi o'tkaziladi. O'quvchilar o'zaro nazorat orqali baholanadi.

Modul dasturining turlari va ularning mohiyati didaktik maqsadlarni amalga oshirish imkoniyatlarini taqqoslaganda yaqqol ko'rinadi.

Modulli ta'lim texnologiyasiga asoslangan darslarda o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyati modul dasturlari asosida tashkil etiladi. O'quvchilar o'quv materialini modul dasturidan o'rin olgan o'quv topshiriqlarini


sifatli bajarish orqali mustaqil o'zlashtiradilar va o'z o'quv faoliyatining sub'ektiga aylanadilar. SHu tariqa yagona ta'lim-tarbiya jarayonining ikkita sub'ekti — o'qituvchi va o'quvchi o'quv jarayonidan ko'zlangan maqsadga erishadi. O'qituvchi o'quv materiallarini modularga ajratadi va modul dasturini yaratadi. Har bir modulning xususiy didaktik maqsadi va o'quv topshiriqlarini aniqlaydi. Mashg'ulot yuzasidan nazorat test topshiriqlari va mustaqil ish topshiriqlarini tuzadi. O'quvchilarning mustaqil o'quv bilish faoliyatini tashkil etadi. Modul dasturining didaktik maqsadi va o'quv topshiriqlari bilan tanishtiradi. O'quvchilarning modul dasturi yordamida mustaqil ishlarini tashkil etadi. Muammoli vaziyatlarni vujudga keltiradi, tegishli hollarda yordam uyushtiradi. Modul dasturidan o'rin olgan har bir modul yakunida o'quv bahsi, savol-javob, munozara, aqliy hujum o'tkazadi. Modul dasturini yakunlaydi.

I-guruh. 1-o'quv faoliyati topshirig'i (O'FT)

Mavzu:ontogenez – tirik organizmlarning individual rivojlanishi

I.Ontogenez davrlarini tushuntiring

1. Ontogenez nima?
2. Lichinkali rivojlanish davrni tushuntiring
3. Tuxumda rivojlanish davrni tushuntiring
4. Bachadonda rivojlanish davrni tushuntiring
- 5.Rasmni izohlab bering




II- guruh. 2-o'quv faoliyati topshirig'i (O'FT)Mavzu:ontogenez – tirik organizmlarning individual rivojlanishi

II. Embrional rivojlanish davri.

1. Maydalanish jarayonini tushuntiring.
2. Gastrulatsiya jarayonini tushuntiring.
3. Organogenez jarayonini tushuntiring.
4. Mezodermadan qaysi organlar rivojlanadi?

5.Rasmni izonlab bering.



3,4-guruhlarga ham shunday savollar beriladi.

Xulosa qilib aytganda modul dasturlari o'quvchilarning individual tarzda ishlashiga mo'ljallangan. Modul dasturlaridan darslarda foydalanilganda har bir o'quvchining iqtidori, qiziqishi, bilim saviyasi, o'zlashtirish darajasini aniqlash va orttirish, darslik ustida mustaqil va ijodiy ishlash, o'z-o'zini baholash ko'nikmalarini rivojlantiradi

TRIGONOMETRIYADA UCHLANGAN BURCHAK FORMULALARI YORDAMIDA SHAKL ALMASHTIRISH

Esanova Gulcheyra Esanovna
 Navoiy viloyati Nav DPI akademik litsey suxrob_200787@inbox.uz
 matematika fani o'qituvchisi. "Shuhrat" medali sohibasi

Kalit so'zlar: Masala, burchak, ikkilangan burchak, uchlangan burchak, sinus, kosinus, tangens, kotangens, formula, tenglik, ayniyat, isbot, tengsizlik, almashtirish tenglama, funksiya.

Annotatsiya: Mazkur maqolada maktabning yuqori sinflarida va akademik litseylarda trigonometrik almashtirishlar, tenglama va tengsizliklarni yechishda uchlangan burchak formulalaridan unumli foydalanish haqida, bu formulalarni keltirib chiqarish haqida, yuqori sinflarda trigonometriyadan misollar yechish orqali o'quvchilarning bilim va ko'nikmalarini shakllantirish haqida, uchlangan burchak formulalarini amalda qo'llash haqidagi tushunchalarni takomillashtirish haqida fikr yuritilgan.

Trigonometriya fani o'zining qiziqarli va jozibali formulalari bilan o'quvchini o'ziga rom qiladi. Ikkilangan burchak formulalari bilan o'quvchilar 9-sinf darsligida va akademik litsey darsliklarida tanishadilar. Ammo uchlangan burchakning trigonometrik funksiyalari formulalari haqida darsliklarda deyarli hech narsa aytilmagan. O'quvchi misol va masalalarni yechish jarayonida uchlangan burchak formulalarini qo'llashga duch keladi va bu haqda ma'lumotning kamligi muammo tug'diradi. Mazkur maqolada uchlangan burchak trigonometrik funksiyalari formulalari va ularni ba'zi masalalarning yechilishidagi tadbirlari haqida fikr yuritimiz.

Istalgan x haqiqiy son uchun $\sin 3x = 3 \sin x - 4 \sin^3 x$ (1), $\cos 3x = 4 \cos^3 x - 3 \cos x$ (2) formulalar o'rinlidir. (1) formulani isbotlaymiz.

$$\sin 3x = \sin(2x + x) = \sin 2x \cos x + \cos 2x \sin x = 2 \sin x \cos x \cos x + (1 - 2 \sin^2 x) \sin x = 2 \sin x (1 - \sin^2 x) + \sin x - 2 \sin^3 x = 2 \sin x - 2 \sin^3 x + \sin x - 2 \sin^3 x = 3 \sin x - 4 \sin^3 x$$

Demak, (1) formula to'g'ri ekan. (2) formula ham shunday isbotlanadi. (1)-(2)- formulalardan quyidagi daraja pasaytirish formulalari kelib chiqadi. $\sin^3 x = \frac{3 \sin x - \sin 3x}{4}$ (1.1), $\cos^3 x = \frac{3 \cos x + \cos 3x}{4}$ (2.1)

Uchlangan burchak tangensi va kotangensi uchun quyidagilar o'rinli.

$$\operatorname{tg} 3x = \frac{3 \operatorname{tg} x - \operatorname{tg}^3 x}{1 - 3 \operatorname{tg}^2 x}, x \neq \frac{\pi}{6} (2n + 1), n \in Z. (3)$$

$$\operatorname{ctg} 3x = \frac{c \operatorname{tg}^3 x - 3 \operatorname{ctg} x}{3 \operatorname{ctg}^2 x - 1}, x \neq \frac{\pi n}{3}, n \in Z. (4)$$

(3) formulani isbotlaylik. $\operatorname{tg} 3x = \operatorname{tg}(2x + x) = \frac{\operatorname{tg} 2x + \operatorname{tg} x}{1 - \operatorname{tg} 2x \operatorname{tg} x} = \frac{\frac{2 \operatorname{tg} x}{1 - \operatorname{tg}^2 x} + \operatorname{tg} x}{1 - \frac{2 \operatorname{tg} x}{1 - \operatorname{tg}^2 x} \operatorname{tg} x} = \frac{3 \operatorname{tg} x - \operatorname{tg}^3 x}{1 - 3 \operatorname{tg}^2 x}$ Demak, (3) formula o'rinli ekan.

1-misol. $\sin 18^\circ$ ni hisoblang.

Yechish. $\sin 36^\circ = \cos 54^\circ$ tenglik o'rinli. Ikkilangan burchak sinusi, uchlangan burchak kosinusi formulasidan foydalanib bu tenglikka shakl almashtirish bajaramiz. $\sin(2 \cdot 18^\circ) = \cos(3 \cdot 18^\circ)$, $2 \sin 18^\circ \cdot \cos 18^\circ = 4 \cos^3 18^\circ - 3 \cos 18^\circ$. Oxirgi tenglikning ikkala qismini $\cos 18^\circ \neq 0$ ga bo'lib yuborsak, $4 \cos^2 18^\circ - 2 \sin 18^\circ - 3 = 0$, yoki $4 \cdot (1 - \sin^2 18^\circ) - 2 \sin 18^\circ - 3 = 0$, $4 \sin^2 18^\circ + 2 \sin 18^\circ - 1 = 0$, $\sin 18^\circ = \frac{\sqrt{5}-1}{4}$

2-misol. $\sin^3 \alpha \cos 3\alpha + \cos^3 \alpha \sin 3\alpha$ ifodani soddalashtiring.

Yechish. Bu ifodani soddalashtirish uchun uchlangan burchak formulalaridan foydalanish kerak. $\sin^3 \alpha \cos 3\alpha + \cos^3 \alpha \sin 3\alpha = \sin^3 \alpha (4 \cos^3 \alpha - 3 \cos \alpha) + \cos^3 \alpha (3 \sin \alpha - 4 \sin^3 \alpha) = 4 \sin^3 \alpha \cos^3 \alpha - 3 \sin^3 \alpha \cos \alpha + 3 \cos^3 \alpha \sin \alpha - 4 \sin^3 \alpha \cos^3 \alpha = 3 \sin \alpha \cos \alpha (\cos^2 \alpha - \sin^2 \alpha) = \frac{3}{2} \sin 2\alpha \cos 2\alpha = \frac{3}{4} \sin 4\alpha$

3-misol. Quyidagi ayniyatlarni isbotlang.

$$4 \sin \alpha \sin(60^\circ - \alpha) \sin(60^\circ + \alpha) = \sin 3\alpha, (5)$$

$$4 \cos \alpha \cos(60^\circ - \alpha) \cos(60^\circ + \alpha) = \cos 3\alpha, (6)$$

$$\operatorname{tg} \alpha \operatorname{tg}(60^\circ - \alpha) \operatorname{tg}(60^\circ + \alpha) = \operatorname{tg} 3\alpha, (7)$$

$$\operatorname{ctg} \alpha \operatorname{ctg}(60^\circ - \alpha) \operatorname{ctg}(60^\circ + \alpha) = \operatorname{ctg} 3\alpha, (8)$$

Yechish. (6) ayniyatni isbotlaylik. $\cos x \cos y = \frac{1}{2}(\cos(x + y) + \cos(x - y))$ formulaga asosan: $4 \cos \alpha \cos(60^\circ - \alpha) \cos(60^\circ + \alpha) = 4 \cos \alpha \frac{1}{2}(\cos(60^\circ - \alpha + 60^\circ + \alpha) + \cos(60^\circ - \alpha - 60^\circ - \alpha)) = 2 \cos \alpha (\cos 120^\circ + \cos 2\alpha) = 2 \cos \alpha \left(-\frac{1}{2} + 2 \cos^2 \alpha - 1\right) = 2 \cos \alpha \left(2 \cos^2 \alpha - \frac{1}{2}\right) = 4 \cos^3 \alpha - 3 \cos \alpha = \cos 3\alpha$

(5) formulani (6) formulaga, (6) formulani (5) formulaga hadma- had bo'lsak, (7) va (8) formulalar kelib chiqadi. Bu formulalardan foydalanib, DTM tomonidan taklif etilayotgan testlarni oson va qisqa muddatda yechish mumkin.

4-misol. Hisoblang. $\sin 20^\circ \cdot \sin 40^\circ \cdot \sin 80^\circ$ A) $\frac{1}{2}$ B) $\frac{1}{3}$ C) $\frac{1}{4}$ D) $\frac{\sqrt{3}}{8}$

Yechish. $\sin 20^\circ \cdot \sin 40^\circ \cdot \sin 80^\circ = \sin 20^\circ \cdot \sin(60^\circ - 20^\circ) \cdot \sin(60^\circ + 20^\circ) = \frac{1}{4} \sin(3 \cdot 20^\circ) = \frac{\sqrt{3}}{8}$ Javob. D

5-misol. Hisoblang. $\cos 5^\circ \cdot \cos 55^\circ \cdot \cos 65^\circ$ A) $\frac{\sqrt{6} + \sqrt{2}}{16}$ B) $\frac{\sqrt{6} - \sqrt{2}}{16}$ C) $\frac{\sqrt{2} + 1}{8}$ D) $\frac{\sqrt{3}}{2}$

Yechish. (6)-ayniyatga asosan:
 $\cos 5^{\circ} \cdot \cos 55^{\circ} \cdot \cos 65^{\circ} = \cos 5^{\circ} \cdot \cos(60^{\circ} - 5^{\circ}) \cos(60^{\circ} + 5^{\circ}) = \frac{1}{4} \cos(3 \cdot 5^{\circ}) =$
 $\frac{1}{4} \cos 15^{\circ} = \frac{1}{4} \cos(45^{\circ} - 30^{\circ}) = \frac{1}{4} (\cos 45^{\circ} \cos 30^{\circ} + \sin 45^{\circ} \sin 30^{\circ}) = \frac{1}{4} \left(\frac{\sqrt{6}}{4} + \frac{\sqrt{2}}{4} \right) = \frac{\sqrt{6} + \sqrt{2}}{16}$ Javob. A

6-misol. Hisoblang. $\operatorname{tg} 10^{\circ} \cdot \operatorname{tg} 50^{\circ} \cdot \operatorname{tg} 70^{\circ}$ A) $\frac{1}{\sqrt{3}}$ B) $\sqrt{3}$ C) 0 D) 1

Yechish. (7) -formulaga asosan :
 $\operatorname{tg} 10^{\circ} \cdot \operatorname{tg} 50^{\circ} \cdot \operatorname{tg} 70^{\circ} = \operatorname{tg} 10^{\circ} \cdot \operatorname{tg}(60^{\circ} - 10^{\circ}) \cdot \operatorname{tg}(60^{\circ} + 10^{\circ}) = \operatorname{tg}(3 \cdot 10^{\circ}) = \operatorname{tg} 30^{\circ} = \frac{1}{\sqrt{3}}$ Javob A)

Aynan shu uchlangan burchakning trigonometrik funksiyalari formulasidan ba'zi trigonometrik tengsizliklarni yechishda ham qo'llaniladi.

7-misol. $\sin 9x - 4 \sin 3x > 0$ tengsizlikni yeching. A) $\left(\frac{2\pi}{3}k; \frac{\pi}{3} + \frac{2\pi}{3}k \right), k \in \mathbb{Z}$ B)
 $\left(\frac{\pi}{6} + \frac{2\pi}{3}k; \frac{\pi}{2} + \frac{2\pi}{3}k \right), k \in \mathbb{Z}$ C) $\left(-\frac{\pi}{6} + \frac{2\pi}{3}k; \frac{\pi}{6} + \frac{2\pi}{3}k \right), k \in \mathbb{Z}$ D)
 $\left(-\frac{\pi}{3} + \frac{2\pi}{3}k; \frac{2\pi}{3}k \right), k \in \mathbb{Z}$

Yechish. (1) -formuladan foydalanib, tengsizlikning chap qismida shakl almashtirish bajaraylik.
 $\sin 9x - 4 \sin 3x = \sin(3 \cdot 3x) - 4 \sin 3x = 3 \sin 3x - 4 \sin^2 3x - 4 \sin 3x = -4 \sin^3 3x - \sin 3x =$
 $\sin 3x(-4 \sin^2 3x - 1)$
 Demak, $\sin 3x(-4 \sin^2 3x - 1) > 0$

Bizga ma'lumki, istalgan $x \in \mathbb{R}$ uchun $-4 \sin^2 3x - 1 < 0$ bo'ladi. U holda tengsizlik $\sin 3x < 0$ tengsizlikka teng kuchli, $y = \sin x$ funksiyaning davriyligi III va IV choraklarda manfiyligidan $-\pi + 2\pi k < 3x < 2\pi k, k \in \mathbb{Z}$,

$$-\frac{\pi}{3} + \frac{2\pi k}{3} < x < \frac{2\pi k}{3}, k \in \mathbb{Z} \text{ Javob. D)}$$

8-misol. $x^3 - 3x + 1 = 0$ tenglamaning x_1, x_2, x_3 ildizlari haqiqiy sonlar ekanligini ko'rsating. Agar $x_2 < x_3 < x_1$ bo'lsa, bu ildizlar $x_3^2 - x_2 = x_1^2 - x_3 = 2$ munosabatni qanoatlantirishini isbotlang.

Yechish. Tenglamani $x^3 = 3x - 1$ ko'rinishda yozib, $y = x^3$ va $y = 3x - 1$ funksiya grafigini bitta koordinata tekisligida yasab, tenglama ildizlarini $[-2; 2]$ kesmada yotishini aniqlaymiz. $x = 2 \cos \alpha, \alpha \in [0; \pi]$ almashtirish olaylik. Natijada

$$x^3 - 3x + 1 = 8 \cos^3 \alpha - 6 \cos \alpha + 1 = 2(4 \cos^3 \alpha - 3 \cos \alpha) + 1 = 2 \cos 3\alpha + 1 = 0 \text{ bo'ladi. Bundan,}$$

$$\cos 3\alpha = -\frac{1}{2}, \alpha = \mp \frac{2\pi}{9} + \frac{2\pi k}{3}, k \in \mathbb{Z}.$$

Bu ildizlardan $\alpha_1 = \frac{2\pi}{9}, \alpha_2 = \frac{8\pi}{9}, \alpha_3 = \frac{4\pi}{9} \in [0; \pi]$, U holda $x_1 = 2 \cos \frac{2\pi}{9}$,

$$x_2 = 2 \cos \frac{8\pi}{9} = -2 \cos \frac{\pi}{9}, x_3 = 2 \cos \frac{4\pi}{9},$$

$$x_3^2 - x_2 = 4 \cos^2 \frac{4\pi}{9} + 2 \cos \frac{\pi}{9} = 4 \cdot \frac{1 + \cos \frac{8\pi}{9}}{2} + 2 \cos \frac{\pi}{9} = 2 \left(1 + \cos \left(\pi - \frac{\pi}{9} \right) + \cos \frac{\pi}{9} \right) = 2 \left(1 - \cos \frac{\pi}{9} + \cos \frac{\pi}{9} \right) = 2$$

$$x_1^2 - x_3 = 4 \cos^2 \frac{2\pi}{9} - 2 \cos \frac{4\pi}{9} = 4 \cdot \frac{1 + \cos \frac{4\pi}{9}}{2} - 2 \cos \frac{4\pi}{9} = 2 \left(1 - \cos \frac{4\pi}{9} + \cos \frac{4\pi}{9} \right) = 2$$

$$\text{Demak, } x_3^2 - x_2 = x_1^2 - x_3 = 2$$

Tenglik o'rinli ekan.

Xulosa qilib aytganda ancha murakkab ayniyatlar, tenglama va tengsizliklarni yechishda uchlangan burchakning trigonometrik funksiyalaridan foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar:

1. Matematikadan mavzular bo'yicha testlar to'plami (1996-2003). Toshkent, 2004-yil. 366-bet.
2. Matematika 2009-yil variantlari. Toshkent . 2009-yil. 56-bet.
3. Fizika, matematika va informatika (ilmiy-uslubiy jurnal) 2011 yil 2-son.

O'QUVCHILARDA MORFOFUNKSIONAL O'ZGARISHLARNI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O'RNI.

F.Batirova. O'zbekiston Respublikasi jismoniy tarbiya vazirligi huzuridagi jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarini ilmiy-metodik ta'minlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish markazi Samarqand filial o'qituvchisi

D.Ashurova. Urgut tuman 121- umumta'lim maktab biologiya o'qituvchisi

Hozirgi kunda dars jarayonida o'quvchilarni diqqatini jalb qilish, darslikdan to'g'ri va maqsadli foydalanish, har bir o'tilayotgan yangi mavzu yuzasidan berilgan tushuncha va ta'riflarni o'zlashtirish maqsadida pedagogik texnologiyalardan keng foydalanish o'qituvchidan ta'limga ijodiy yondoshuvni ta'lab etadi Bugungi kunda yoshlarga nisbatan davlat siyosati ham, keng fikrli, jamiyat ravnaqi uchun munosib hissasini qo'sha oladigan, har tomonlama kuchli, bilimli bo'lib kamol topishni vazifa qilib qo'ymoqda.

Ig'or pedagogik texnologiyalar asosida o'tilgan dars an'anaviy darslardan ko'ra yaxshi samara beradi. O'quvchilar ongida saqlanib qoladi, hamda ularning mustaqil fikrlashga undaydi. Dars samaradorligini oshirish uchun tayyorlangan topshiriqlarning tekshirish uchun qisqa vaqt talab qiladigan javob variantlarini tayyorlash, tayyor javob varaqasi yordamida bajarilgan ishlarni tekshirishda iqtidorli o'quvchilar yordamidan foydalanish darsning yanada samarali bo'lishini ta'minlaydi. Quyida "Odam va uning salomatligi" fanidan o'quvchilarda morfofunktsional o'zgarishlarga doir tushunchalarni shakllantirishga doir ilg'or pedagogik texnologiyalar asosida tayyorlangan mantiqiy fikrlashga asoslangan didaktik tarqatma namunalari tavsifiya etamiz.

"Jumboq ko'chasi" o'yin metodi.

Mio... d – eshitish a'zosida nuqson bo'lgan odamlarga nisbatan qo'llaniladigan atama, yurakning o'rtaqavati. Javob: (Miokard – "kar").

En... rd – bog'lov materiali, yurakning ichki epiteliy qavati.

Javob: (Endokard – "doka")

Qor...cha – jonivorlarning, qushlarning yashash joyi, yurak kamerasi.

Javob: (qorincha – "in")

Dias... a – yuksak o'simliklarni nomlashda ishlatiladi, yurakning kengayishi Javob: (Diastola – "tol")

Av... iyasi – pomidordan tayyorlanadigan quyuq ozuqa, yurakning ma'lum vaqt davomida kengayib ishlab turishi. Javob: (Avtomatiyasi – "tomat")

To'g'ri- noto'g'ri "metodi.

N	Savollar.	To'g'ri	Noto'g'ri
1.	Yurakorqali 1 minutda 5 l qonoqibo'tadi		
2.	Yurakqorinchasibirmartaqisqarganda 65-70 ml qonnaortagachiqaradi.		
3.	Tinchholatdayurak 80 martaqisqaradi.		
4.	Yurakningvazniayollarda 180-220 g gacha.		
5.	Bo`lmachalarningdevoriqalin ,qorinchalarnikiyupqaroq.		
6.	Birkechakunduzdayurak 100000 martaqisqarqdi.		
7.	Yurak chap tomondajoylashgan.		
8.	Yurakda 4 ta klapan bor.		
9.	Yurako`zidanbioelektriktokhosilqilmaydi.		

10.	Yuraknasosingariishlaydi.		
-----	---------------------------	--	--

Javobi:

N	Savollar.	To`g`ri	Noto`g`ri
1.	Yurakorqali 1 minutda 5 l qonoqibo`tadi	+	
2.	Yurakqorinchasibirmartaqisqarganda 65-70 ml qonnaortagachiqaradi.	+	
3.	Tinchholatdayurak 80 martaqisqaradi.		+
4.	Yurakningvazniayollarda 180-220 g gacha.	+	
5.	Bo`lmachalarningdevoriqalin ,qorinchalarnikiyupqaroq		+
6.	Birkechakunduzdayurak 100000 martaqisqarqdi.	+	
7.	Jismoniy mashq bajargandayurakmusullariga 200-250ml qonboradi.		+
8.	Yurakda 4 ta klapan bor.	+	
9	Yurako`zidanbioelektriktokhosilqilmaydi.		+
10.	Yuraknasosingariishlaydi.	+	

“ Atamalarbilanishlash” metodi.

N	Tushunchalar	Izoh
1.	Endokard	
2	Miokard	
3	Perikard.	
4	Sistola.	
5	Diastola.	
6	Yurakavtomatiyasi	
7	Sistolikhajm.	
8	Epikard.	

Javobi:

N	Tushunchalar	Izoh
1.	Endokard	Yurakningichkiepiteliyqavati.
2	Miokard	Yurakningo`rtamuskulqavati.
3	Perikard.	Yurakningtashqiqavati.
4	Sistola.	Yurakbo`lmachalarivaqorinchalariningqisqarishi.

5	Diastola.	Yurakbo`lmachavaqorinchalariningkengayishi.
6	Yurakavtomatiyasi	Yurakningo`zmuskullaridapaydobo`ladiganqo`zg`alishlar.
7	Sistolikhajm.	Yurakqorinchalariningbirmartaqisqarishida 65-70 ml qonniaortagachiqarishi.
8	Epikard.	Perikardningichkiqavati.

“Fikrlartesti” metodi.

1. Qon xujayra ichi suyuqligi hisoblanadi.
2. Qon kislorod toshishida ishtirok etadi.
3. Qon plazmasi faqat suvdan tuzilgan.
4. Kamqonlik gemofiliya kasalligi deb ataladi.
5. Qonda 3 xil shaklli elementlar bo`ladi.
6. Dunyo bo`yicha eng ko`p 3-qon guruhi tarqalgan.
7. Antitoksin mikroblarni n eritib yuboradi, antitelo-mikroblar ajratadigan zaharli moddalarni neytrallaydi
8. 1-gruppa qon universal donor, 4-gruppa qoni universal retsipient hisoblanadi. **Javobi:**
1. Yo`q hujayra tashqarisidagi suyuqlik.
2. Ha.
3. Yuq. plazmada oqsil uglevod, yo`q, mineral tuzlar garmonlar, fermentlar, antitelalar bo`ladi.
4. Yo`q kamqonlik anemiya deyiladi.
5. Ha, eritrosit, leykosit va trombositlar deyiladi.
6. Yo`q, 1-qon guruhi eng ko`ptarqalgan.
7. Yo`q, antitoksin zaharli moddalarni netrallaydi, antitelalar mikroblarni eritib yuboradi.
8. Ha.

“Biologik mashq”metodi. .

1. Muskullarni harakatga keltiruvchi nerv hujayralari, ya`ni motoneyronlarning har biri o`z tolalari orqali va..... muskul tolalari bilan tutashadi.
2. Skelet muskullarining ishi ikki xil bo`ladi:..... va
3. Ma`lum vaqt davomida ish bajarish natijasida muskullar..... .
4. Jismoniy mehnat, jismoniy tarbiya va sport bilan muntazam ravishda shug`ullanuvchi odam yaxshi.....boladi. .

Javobi:

1. Muskullarni harakatga keltiruvchi nerv hujayralari, ya`ni moto neyronlarning har biri o`z tolalari orqali onlab va yuzlab muskultolalari bilan tutashadi.
2. Skelet muskullarining ishi ikki xil bo`ladi: static va dinamik
3. Ma`lum vaqt davomida ish bajarish natijasida muskullar charchaydi.
4. Jismoniy mehnat, jismoniy tarbiyava sport bilan muntazam ravishda shug`ullanuvchi odam organizmi yaxshi chiniqqan boladi.

”Mantiqiy masala ”metodi.

14 yoshli bolada 4ta suttishi, 8ta kesuvchi, 4ta qo`ziq, 8ta kichik oziqva 12ta kata oziq tishlari chiqqan bo`lsa, bolaning jami tishlari soni qancha?

Javob:14 yoshli bolada suttishlari bo`lmaydi. Yuqori va pastki jag`lardagi oxirgi kata oziqtishlar ya`ni aqltishlar 18 yoshdan keyin chiqadi. Demak, bolada 28ta doimiy tishlar bo`ladi.

“Raqamlidiktant” metodi.

№	Suyaknomi	№	Suyaknomi	Suyakningshakllari
1	Yelka	16	Bosh tepa	Naysimonsuyaklar
2	Ensa	17	O`mrov	
3	Son	18	Yuqori jag`	
4	Qo`l	19	Dumg`aza	

5	Kaftusti	20	Peshona		
6	Yuzsuyagi	21	Ponasimon		
7	Oyoqkafti	22	Miya qutisi		
8	Boldir	23	G`alvirsimon		Yassisuyaklar
9	Bilak	24	Yetimqovurg`a		
10	Kurak	25	Bilaguzuk		
11	Umurtqa	26	Tirsak		
12	Barmoq	27	Oyoqpanjasi	G`alvirsimonsuyaklar	
13	Qovurg`a	28	Chakkasuyak		
14	Chanoq	29	Burunsuyakgi		
15	To`sh	30	Qilichsimon		

Javobi:

№	Suyaknomi	№	Suyaknomi	Suyakningshakillari
1	Yelka	16	Bosh tepa	Naysimonsuyaklar
2	Ensa	17	O`mrov	
3	Son	18	Yuqori jag`	
4	Qo`l	19	Dumg`aza	G`ovaksuyaklar
5	Kaftusti	20	Peshona	
6	Yuzsuyagi	21	Ponasimon	
7	Oyoqkafti	22	Miya qutisi	
8	Boldir	23	G`alvirsimon	Yassisuyaklar
9	Bilak	24	Yetimqovurg`a	
10	Kurak	25	Bilaguzuk	
11	Umurtqa	26	Tirsak	
12	Barmoq	27	Oyoqpanjasi	G`alvirsimonsuyaklar
13	Qovurg`a	28	Chakkasuyak	

14	Chanoq	29	Burunsuyakgi	
15	To`sh	30	Qilichsimon	

Xulosa qilib aytganda, tayyorlangan topshiriqlarning mantiqiy fikrlashga yo'naltirilishi, o'quvchilarni fikrlashga o'rgatadi, ta'lim samaradorligini oshiradi. Javob varaqasining ham tayyorlanishitopshiriqning tekshirilishi uchun vaqtning kam sarflanishiga dars jarayonida vaqtdan samarali foydalanilishiga olib keladi. Bu esa darsda yana boshqa bir so'rash xarakteriga ega bo'lgan nazorat topshirig'ini joriy qilish uchun sharoit yaratadi va ko'p sonli o'quvchilar bilimni nazorat qilish imkoniyatini yaratadi. O'quvchi har darsda bilimi nazorat qilinishini bilsa, darsga tayyorlanib keladi, javob berishga harakat qiladi, fanga qiziqishi ortadi. Eng muhimi ularning anatomic, morfofunktsional tushunchalari mustahkamlanadi. Tabiiyki erishilgan yuqori natija o'qituvchini yanada ijodiy faoliyatga yonaltiradi.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БОЛАЛАРНИ БАДИИЙ АДАБИЁТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

*Абдуллаева Гулбаҳор Норқуловна,
Янгиер шаҳар 3-сонли МТТ раҳбари*

Бадий адабиёт болаларни ақлан, ахлоқан ва эстетик тарбиялашнинг қудратли, таъсирчан қуроли сифатида хизмат қилади, у бола нутқини ривожлантириш ва бойитишга улкан таъсир кўрсатади.

Шеърлий образларда бадий адабиёт жамият ва табиат ҳаётини, инсоний хис-туйғулар ва ўзаро муносабатлар оламини очиб беради ҳамда тушунтиради. Бу намуналар ўз тасвир кучига кўра турлича бўлади: ҳикояларда болалар сўзларнинг лўндалиги ва аниқлигини билиб оладилар; шеърларда ўзбекча нутқнинг мусиқийлигини, оҳангдорлигини илғайдилар; халқ эртаклари улар олдида тилнинг аниқлиги ва ифодалилигини намоён қилади, она тилидаги нутқнинг юмор, жонли ва образли таққослашлар, ифодаларга қанчалик бойлигини кўрсатади.

Болалар бадий эртаклар қаҳрамонларига қайғуришни ўрганганларидан сўнг улар яқинлари ва атрофдаги одамлар қайфиятини пайқай бошлайдилар. Уларда инсонпарварлик хис-туйғулари - бировнинг дардига шерик бўлиш, яхшилик қилиш, адолатсизликка нисбатан қаршилик кўрсатиш қобилияти уйғона бошлайди. Бу принципиаллик, ҳалоллик, ҳақиқий фуқаролик хислари тарбияланадиган пойдевордир. Хис-туйғулар билимдан олдин келади; кимки ҳақиқатни хис қилмаган бўлса, у буни тушунмаган ва танимагандир.

Ҳикоялар оламига саёҳат болалар тасаввурини, уларнинг ҳаёлот оламини, фантазиясини ривожлантиради. Энг яхши адабий намуналар асосида инсонпарварлик руҳида тарбияланган болалар ўз ҳикояларида ва эртакларида мазлумлар ва заифларни ҳимоя қилиш, ёмонларни жазолаш орқали ўзларининг адолатпарварлигини намоён қиладилар. Ва албатта болалар эстетик, айниқса ахлоқий тасаввурларни катталарни ўқиб чиқилган эртаклар бўйича насихатнамо мулоҳазаларидан, тайёрланган саволларга жавоб беришдан эмас, балки айнан бадий эртаклардан олишлари лозим. Ўқиб чиқилган эртак бўйича хаддан ташқари кўп насихат қилиш катта, кўпинча эса тўзатиб бўлмас зиён етказди: майда-чуйда саволлар билан «сочиб ташланган» эртак болалар кўз ўнгида ўзининг барча жозибдорлигини йўқотади, оқибатда унга нисбатан болаларнинг ҳам қизиқиши йўқолади. Шунинг учун бадий матнинг тарбия имкониятларига тўлиқ таяниш зарур.

Агарда эртак мазмуни унчалик катта бўлмаса, уни икки-уч марта ҳикоя қилиш ёки энг ёрқин жойларини такрорлаш мумкин. Уни айтиб бўлгандан сўнг болаларга шундай шароитни вужудга келтириш тавсия қилинадики, токи улар энг қизиқарли жиҳатларни эсга олиш ва уларнинг эртакдаги сўзлар билан такрорлашга мажбур бўлсин.

Педагог вазият ёрдамида болалар билан халқ ҳикоя ва дostonларини қаҳрамонларининг кўшиқларини, қаҳрамонлар исmlарини такрорлаш, образли сўзларни болалар онгида мустаҳкамлашни амалга оширади, ва улар буни ўз нутқларида қўллай бошлайдилар.

Мактабгача босқичдаги болаларга ўқиб бериш учун унчалик катта бўлмаган ҳикоя ва шеърлар тавсия қилинади, булар кичик тингловчиларда ижобий эмотсияларни тарбиялашга ёрдам беради. Уларнинг боланинг шахсий тажрибасига яқин бўлган осон мазмуни оддий ва содда шаклда ифодаланган: қофиялар ўхшаш, шеър қаторлари қисқа. Болалар уларни такрорлар экан, қаторларнинг жарангдорлигини, шеърнинг мусиқийлигини илғаб оладилар, уларни осон қабул қиладилар. Сўнгра эса бутун шеърни эсда сақлаб қоладилар.

Болаларни кичик ёшда кўпроқ шеърлар ўзига жалб қилади, чунки улар аниқ қофиялари, оҳангдорлиги ва мусиқийлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Такрор ўқишда болалар шеър мазмунини ўзлаштириб оладилар, қофия ва ритми хис қиладилар, айрим сўзлар ва ифодаларни эсда сақлаб қоладилар ҳамда шу билан ўз нутқларини бойитадилар.

Ушбу ёшда нутқнинг товуш маданиятини тарбиялаш катта аҳамиятга эгадир: шеър ўқишда кичкинтойларга ҳар бир сўзни аниқ айтган ҳолда уларни шошмасдан талаффуз қилишни ўргатиш зарур. Болаларда қофияланаётган сўзларга урғу бериш одати мавжуд, шунинг учун тарбиячи мантикий урғуларни тўғри қўйиши ва болаларнинг ҳам шеърни тўғри айтишларига эришиши лозим.

Болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳар бир ёш босқичида болалар бадиий адабиёти билан таништириб бориш масалаларини кўриб чиқамиз.

Бола катталар билан биргаликда маталлар ва санок шеърлар сюжетлари асосида иштиёқ билан ўйинлар ташкил қилади, у товуш тақлидига ва фолклор йўналишидаги бир маромдаги такрорлашларга қулоқ тутади ҳамда уларга тақлид қилади.

Бола адабий эртакларда баён қилинган воқеаларни жуда жиддий қабул қилади. Ўзига ёқиб қолган эртакни бир неча марта эшитишга ҳам тайёр. Унинг қаҳрамонларини иллюстрациялар ва ўйинчоқларда хурсанд бўлиб таниб олади, ҳар гал эртакнинг бахтли якунини берилиб кутгани ҳолда сюжет ҳаракатларининг одатдаги кетма-кетлигини синчковлик билан кўзатиб боради.

Кичкинтойларга мўлжалланган бадиий эртаклар сони унчалик кўп эмас. Шунинг учун улар кўп марта такрор жаранглаши, боланинг кундалик ҳаётига кириб бориши ва унда бадиий эртакни ҳис қилишнинг бирламчи асосларини ривожлантириши лозим.

Кичик ёшдаги болаларга ўқиб бериладиган эртаклар доирасини асосан ўзбек фолклори эртаклари ташкил қилади. Улар энг яхши тарзда кичик ёшдаги болалар эҳтиёжларига мос келади, чунки, у сўз, оҳанг, мусиқа ва ҳаракатни ўзида жамлагандир. Болалар ҳайвонлар ҳақидаги халқ эртаклари билан танишадилар: «Шолғом», «Бўғирсоқ», «Уйча», «Чипор товук» ва бошқ.

Боланинг адабий эртакни ёки ўзи тўқиган эртакни ижро этиши (гуруҳда қайта хикоя қилиш, яқка тартибда ифодали ўқиш ва катталар билан диалогда ўқиш) учун эмоционал бойитилган ижро муҳитини яратиш. Бироқ, бадиий эртак фақат сўз билан айтилмасдан, балки унинг айрим ёрқин жиҳатлари болалар ва педагогларнинг биргаликдаги ҳаракатлари натижасида сахналаштирилиши, унга мусикий ишлов берилиши, ҳаракатлар, суратлар, конструктив моделлар билан кўрсатилиши мумкин.

Тарбиячи болаларга яхши маълум бўлган анъанавий (ҳайвонлар ва сеҳргарлар ҳақида) халқ эртаклари ва ноанъанавий (болалар, табиат ходисалари, предметлар ҳақида) замонавий муаллифлик эртаклари руҳида ўз эртакларини тўқишлари учун шароит яратиш бериши лозим; болаларни уларнинг ўз ҳаётларида юз берган қизиқарли воқеалар ҳақида хикоялар тўзишга ундаш зарур.

Болаларнинг адабий эртакларнинг ўзига хос тўзилмаси ва типик персонажлари ҳақидаги тасаввурларидан фойдаланган ҳолда педагог ушбу элементлар асосида «Агарда бўлса, нима бўлар эди» тоифасидаги ижодий ўйинларни уюштириши лозим. Бундай ўйинларда типик қаҳрамонлар, сюжет элементлари эркин қўшилади, натижада ғайриоддий ва қутилмаган бирикмалар вужудга келади.

Шунингдек, образга қутилмаган ва қарама-қарши йўналиш берувчи алоҳида сўзлар ва жаранглашлар билан ўтказиладиган ўйинлар ҳам муҳимдир. Педагог болаларнинг қофия билан ўйинлари, сўз ижодкорлиги, шеърни давом эттириш ва шеър тўқиш, ташбехлар ва таққослашлар ўйлаб топишларига асосланган ўйинли ҳамда қулгили вазиятларини рағбатлантиради. Масалан, адабий эртаклар персонажларининг характерини акс эттирувчи янги ифодали исмларни, ёки эртакда образли тасвирланган нарсалар ва ходисалар учун янги номларни ўйлаб топиш.

Тарбиячи болаларнинг нисбатан йирик ҳажмдаги адабий хикоялар сюжетлари асосида ўйинли «хаёлотдаги оламни» яратишларига қўмаклашиши лозим. Масалан, йирик ҳажмдаги адабий хикоя (муаллифлик хикояси) билан таништиришда у гуруҳга ушбу хикоянинг «хаёлотдаги оламини» олиб кириши ва бир неча кун мобайнида (сайрда, ўйинларда) болалар билан биргаликда унинг ичида «яшаши» мумкин.

Эстетик қабул қилиш ва ижодкорликни ривожлантириш учун хикояларни мавзусига қараб гуруҳлашдан фойдаланиш самаралидир. Бу болаларга турли хикояларда тасвирланган образнинг вариативлигини ва унинг бир хикоя доирасида ривожланишини; айнан бир хил мавзу йўналишларини кўриб чиқишда контекстларни ўзгартириш, образли ифодалар турли шакллариининг ўзаро боғлиқлигини (сўз, ҳаракат, товуш, тасвир) намоён қилиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, тарбиячи болаларнинг энг қизиқ фикрларини, уларнинг шахсий тажрибасига оид хикояларини, болалар томонидан ўйлаб топилган шеърлар ва эртакларни тўплаши лозим. Ушбу материаллар асосида болаларнинг ўзлари томонидан «китоб» яратиш ишларини уюштириш зарур. Бу болалар томонидан тўқилган эртаклар, шахсий тажрибага оид хикоялар, қўшиқлар, санок шеърларнинг болалар расмлари билан безатилган тўплами, қўлёзма журнали ва комикслари бўлиши мумкин. Гуруҳда ўқиб чиқилган, болалар суратлари, вариант сюжетлар, импровизациялар ва тўқиб, охирига етказишдан иборат бўлган у ёки бу адабий эртаклар мотивларига оид «китоблар» ҳам айнан шундай тарзда яратилиши мумкин.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALAR RUHIY RIVOJLANISHIDA O'YIN VA MEHNAT FAOLIYATINING AHAMIYATI

*Mustafaeva Zulfiya Achilovna, Sirdaryo viloyati
Yangier shahar 11-sonli MTT rahbari*

Maktabgacha yoshdagi bolalarning etakchi faoliyati bu o'yindir. Maktabgacha ta'lim tashkiloti yoshdagi bolalarning o'yin faoliyatlari masalasi asrlar davomida juda ko'p olimlarning diqqatini o'ziga jalb qilib qelmoqda.

Ma'lumki, bolaning yoshi ulg'ayib mustaqil xarakter qilish imkoniyati oshgan sari uning atrofidagi narsa va xodisalar bo'yicha dunyoqarashi kengayib boradi. Maktabgacha yoshdagi bolaatrofidagi narsalar dunyosini bilish jarayonida shu narsalar bilan bevosita amaliy munosabatda bo'lishiga intiladi. Bu o'rinda shu narsa xarakterliki bola bilishga tashnalgidan atrofidagi o'zining xaddi sig'adigan narsalari bilangina emas, balki kattalar uchun mansub bo'lgan o'zining kuchi ham etmayligan, haddi sig'maydigan narsalar bilan ham amaliy munosabatda bo'lishga intiladi. Biroq tabiiyki bola o'zidagi bunday extiyojlarning birontasini ham haqiqiy yo'l bilan qondira olmaydi. Bu o'rinda savol tug'iladi, bolalarning tobora ortib borayotgan turli ehtiyojlari bilan ularning tor imkoniyatlari o'rtasidagi qarama - qarshilik qanday yo'l bilan hal qilinadi? Bu qarama qarshilik faqatgina birgina faoliyat orqali ya'ni bolaning o'yin faoliyati orqaligina hal qilinishi mumkin. Buni shu bilan izoxlab berish mumkinki, birinchidan, bolalarning o'yin faoliyati qandaydir moddiy mahsulot ishlab chiqarishga qaratilgan faoliyat emas.

Shuning uchun bolalarni o'yinga undovchi sabab (motiv) kelib chiqadigan natija bilan emas balki shu o'yin jarayonidagi turli harakatlarning mazmuni bilan bog'liqdir. Ikkinchidan esa, bolalar o'yin jarayonida o'z ixtiyorlaridagi narsalarni, o'zlarini qiziqtirgan, ammo kattalargagina mansub bo'lgan narsalarga aylantirib, hohlaganlaricha erkin faoliyatda bo'ladilar. Bolalarning o'yin faoliyatlari ularning jismoniy va psixik jihatdan uyg'un ravishda rivojlantirish uchun birdan bir vositadir. O'yin bolalar xayotida shunday ko'p qirrali faoliyatki, unda kattalarga mansub bo'lgan mehnat ham, turli narsalar haqida tafakkur qilish, xom xayol, dam olish va xushchaqchaqlik manbalari ham mujjasmalangandir, ya'ni mana shu jarayonlarning barchasi o'yin faoliyatida aniq bo'ladi. Shuni ham ta'kidlab o'tish kerakki o'yin faqat tashqi muhitdagi narsa hodisalarini bilish vositasigina emas, balki qudratli tarbiya vositasi hamdir. Ijodiy va syujetli o'yinlarda bolalarning barcha psixik jarayonlari bilan birgalikda ularning individual hislatlari ham shakllanadi. Demak, maktabgacha ta'lim tashkilotidagi ta'lim tarbiya ishlarining muvaffaqiyati ko'p jihatdan bolalarning o'yin faoliyatlarini maqsadga muvofiq tashkil eta olishga bog'liqdir.

Shunday qilib, o'yin bolalar xayoli tomonidan yaratilgan narsa emas, aksincha bolalar xayolining o'zi o'yin jarayonida yuzaga kelib rivojlanadigan narsadir.

Maktabgacha ta'lim tashkiloti yoshdagi bolalarning o'yin faoliyatlari haqida gapirar ekanmiz, albatta ularning o'yinchog'i masalasiga ham to'xtab o'tish lozim.

Bolalarga o'yinchoqlarni berishda ularning yosh xususiyatlarini, tarqqiyot darajalarini va ayni paytda ularni ko'proq nimalar qiziqtirishini hisobga olish kerak.

Ma'lumki, 1-3 yosh bolalar hali tashqi muhitni juda oz o'zlashtirganlar. Ular hali xattoki narsalarning rangini, xajmini ham yaxshi ajrata olmaydilar. Shuning uchun ularga qo'g'irchoq bilan birga har xil rangli qiyqim, laxtak matolar ham berish kerak. Ayniqsa, qiz bolalar o'z qo'g'irchoqlarini har xil rangli matolarga o'rab, ro'mol qilib o'ratib mashq qiladilar. O'g'il bolalarga esa, har xil rangli, bir-birining ichiga sig'adigan quticha o'yinchoqlarni berish foydalidir.

O'yin faoliyati bolalarni insoniyatning ijtimoiy tajribasini egallashning faol shakli bo'lgan ta'lim faoliyatiga tayyorlaydi. Odam birdaniga ijtimoiy tajribani o'zlashtirishga kirisha olmaydi. Ijtimoiy tajribalarni faol egallash uchun shaxs avvalo yetarli darajada nutqni egallagan bo'lishi, ma'lum malakalar, uquvlar va elementar tushunchalarga ega bo'lishi kerak. Bularga bola o'yin faoliyati orqali erishadi.

O'yin faqat bilish jarayonlarini takomillashtiribgina qolmay balki bolaning xulq-atvoriga ham ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Maktabgacha ta'lim tashkiloti yoshdagi bolalarda o'z xulqini boshqarish, ko'nikmalarini tarkib toptirishga bog'liq psixologik muammoni o'rgangan olimlar fikricha, biror maqsadga yo'naltirilgan mashg'ulotga nisbatan o'yinda xulq ko'nikmalarini oldinroq va osonroq egallash mumkin. Ayniqsa, bu omil maktabgacha ta'lim tashkiloti yoshi davrining xususiyati sifatida o'zining yorqin ifodasini topadi. Katta maktabgacha yoshdagi bolalarda o'z xulqini o'zi boshqarish ko'nikmasi o'yin faoliyatida ham, boshqa sharoitlarda ham qariyb baravarlashadi. Ba'zida ular ayrim vaziyatlarda, masalan, musobaqa paytida o'yindagiga qapaganda yuqoriroq ko'rsatkichga ham erishishlari mumkin. Yuqoridagi mulohazalar asosida umuman aytganda, o'yin va o'yin faoliyati bolada o'z xulqini boshqarish ko'nikmalarini shakllantirish uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

Rolli o'yin faqat alohida olingan psixik jarayon uchun ahamiyatli emas, balki bolada shaxs xususiyat va fazilatlarini shakllantirishda ham zarurdir. Binobarin, katta yoshdagi odamlar rolini tanlab, uni bajarish bolaning hissiy-tuyg'ularini qo'zgatuvchilar bilan uzviy bog'liq holda namoyon bo'ladi. Chunki o'yin davomida bolada har xil hohish va istaklar tug'ila boradi, bular boshqa narsalarning tashqi alomatlari o'ziga rom etishi sababli hamda bolaning ixtiyoridan tashqari, tengdoshlarining ta'siri ostida tug'iladi.

Rolli o'yin - maktabgacha ta'lim tashkiloti yoshidagi bolalarning etakchi faoliyatidir. Rolli o'yin mazkur yosh davridagi bolalarning eng muxim faoliyati bo'lib, ular bunday o'yinda go'yo katta yoshdagi odamlarning barcha vazifalari va ishlarini amalda bevosita bajaradilar. Shu boisdan o'yin faoliyati uchun maxsus yaratiladigan sharoitlarda ijtimoiy muhit voqealari, oilaviy turmush xodisalari, shaxslararo munosabatlarini umumlashtirgan xolda aks ettirishga harakat qiladilar. Bolalar kattalarning turmush tarzi, his-tyyg'usi, o'zaro muomala va muloqotlarining xususiyatlarini, o'ziga va o'zgalarga, atrof- muhitga munosabatlarini yaqqol voqelik tarzida ijro etish uchun turli o'yinchoqlardan, shuningdek, ularning vazifasini o'tovchi narsalardan ham foydalanadilar. Ammo shuni ham alohida ta'kidlash joizki, ijtimoiy va maishiy voqelikning barcha jabhalarini qamrab oladigan rolli o'yin ularda birdaniga emas, balki turmush tajribasining ortishi, tasavvur obrazlarining kengayishi natijasida vujudga keladi, mohiyati va mazmuni jihatidan oddiydan murakkabga qarab takomillashib boradi.

Rolli o'yin faoliyatini vujudga keltiruvchi eng zarur omillardan biri - bolada o'z hatti-harakatlarini kattalar xatti-harakati bilan solishtirish, undan nusxa olish, aynan unga o'xshatish tuyg'usining mavjudligidir. Xuddi shu sababli kattalar va ularning xatti-harakatlari bolaning ham tashqi, ham ichki ibrat namunasi bo'ladi va kattalarning xulq-atvori, yurish-turishining ham ob'ekti, ham sub'ekti hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, o'yin faoliyati orqali bolalarda harakatning yangi ko'rinishi, ya'ni uning fikriy, aqliy jihati namoyon bo'ladi va shuning uchun o'yin harakatlarini shakllantirish jarayonida bolada fikrlash faoliyatining dastlabki ko'rinishi vujudga keladi. Bolaning aqliy kamol topishida yoki uning umumiy kamolotida o'yinning muxim ahamiyat kasb etishi xuddi mana shu dalil orqali o'z ifodasini topadi. Bola o'yin faoliyatida maktab ta'limiga tayyorlanib boradi, shu boisdan, unda aqliy harakatlarning yaqqol shakllari tarkib topa boshlaydi.

КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ЛИДЕРЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мустафоева Нилуфар Кубаевна

Мирзаобод тумани 4-умумтаълим мактаби 2-тоифали бошлангич синф ўқитувчиси

Бошлангич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда уларнинг ёш, психологик ва физиологик хусусиятлари, шунингдек, лаёқат, қизиқиш ва қобилиятларини инобатга олиш кутилган натижанинг қўлга киритилишига ёрдам беради.

Ташкилотчилик лаёқатига эгаллик шахснинг жамоа фаолияти ни уюштириш, ижтимоий, шу жумладан, маънавиймаърифий тадбирларни ташкил этишда ташкилий масалаларни муваффақиятли ҳал қилиш, тадбирларни методик жиҳатдан мақсадга мувофиқ ўтказилишини таъминлаш ҳамда тадбирлар жараёнида ҳар бир иштирокчи томонидан муайян вазифаларнинг бажарилишга раҳбарлик қилиш эҳтиёжининг мавжудлигини ифодалайди. Жамоа фаолиятини уюштиришда ташкилотчи шахс ўз зиммасига муайян мажбуриятларни олиш, масъулиятни чуқур ҳис этиш, дадил ҳаракатланиш, берилган сўз (ваъда)да қатъий туриш, ҳар бир аъзога нисбатан талабчан бўлиш, жараён натижаси учун жавобгарлик ҳиссини туйиш каби сифатларни ўзида намоён эта олиши лозим.

Бошлангич таълим ёши психологик нуқтаи назардан мустақиллик, ўз имкониятларини баҳолаш ва ўз-ўзини бошқариш каби сифатлар шаклланидиган давр саналади. Мазкур ёш даври болаларининг турли фаолият кўринишлари ўйин, меҳнат ва таълим жараёнларидаги иштироклари уларда фаоллик, ҳаракатчанлик, мустақил қарор қабул қилиш, ўз имкониятларини баҳолаш ҳамда ўзлари мансуб бўлган микроғуруҳда тенгдошларининг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш лаёқатларининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунингдек, бошлангич таълим даврида синф раҳбарлари ҳамда фан ўқитувчилари томонидан ўқувчиларнинг турли кўринишдаги фаолиятларини тизимли, доимий кузатиб боришлари ўқувчиларни ўз хаттиҳаракатларига баҳо беришга ўргатади.

Синф раҳбарлари ва фан ўқитувчиларининг бошлангич синф ўқувчиларини ўйин, меҳнат ва ўқув фаолиятида эришадиган энг оддий муваффақиятлари учун ҳам рағбатлатириб боришлари уларда ўз имкониятини муносиб баҳолаш, ўз кучига ишониш, мустақиллик, ташаббускорлик ва мақсадга интилувчанлик каби сифатларни шаянлаштиришга сезиларли таъсир кўрсатади.

Мактабдаги фаолиятлари даврида ўқитувчилар томонидан бошлангич синф ўқувчиларини ўз атрофида тенгдошларини эргаштира олиш, топширилган вазифани бажаришда масъулиятли бўлиш, бажарилган ишлар натижаси ҳақида масъул субъектларга ўз вақтида ҳисобот бериб бориш, йўл қўйилган камчиликларни тез англаш, хатоларни тан ола билиш ва уни бартараф этишда ташаббус кўрсатиш ва бу йўлда мустақил ҳаракат қилишга изчил равишда ўргатиб бориш педагогик жиҳатдан самарали ҳисобланади.

Назарий таҳлил натижасида маълум бўлишича, манбатарда "ташкilotчилик" тушунчасининг муқобиллари сифатида "етакчилик", "лидерлик", "сардорлик" ва "йўлбошчилик" каби атамалар ҳам қўлланилади. Мазкур тушунчалар ўртасида ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик мавжуд бўлиб, жамоанинг уюшган ҳолда фаолият кўрсатишида индивидуал шахсларнинг устувор ролини ифодалашга хизмат қилади. Шу билан бирга юқорида тилга олинган тушунчаларнинг ҳар бир ўзига хос мазмунни ифодалаш билан бирга шахс фаолиятининг муайян даражаларини белгилайди. Қуйидаги мазкур тушунчаларнинг луғавий маъноларини баён этиш орқали улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқ ҳамда фарқлар хусусида тўхталиб ўтилади. Тушунчаларнинг луғавий маъноларини ёритишда беш жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да берилган маълумотлар асос қилиб олинди.

Ташкилотчилик (арабча "ташкил" сўздан олинган) муайян иш ҳаракатни бошлаб бериш, ташкил этиш, уюштириш ёки уюштиришни оқилона режаташтириш хислати.

Лидерлик (инглизча "Шег" сардор, раҳбар) жамоа фаолиятини ташкил этишда асосий ўрин тутиш ёки бош вазифани бажариш, жамоа аъзоларини ягона мақсад атрофида бирлаштира олиши қобилияти.

Сардорлик (форсча боши бор) жамоа фаолиятини ташкил этишда йўл -йўриқ кўрсатиш, зарбдорлик, илғорлик.

Йўлбошчилик (йўл бошловчилик) жамоа ижтимоий ҳаракатига ғоявий ва сиёсий раҳбарлик қилиш. "Ташкилотчилик", "етакчилик", "лидерлик", "сардорлик" ва "йўлбошчилик" тушунчатарнинг луғавий маънолари билан танишиш улар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқ жамоа фаолиятининг ташкил этилиши, аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг ягона мақсад, умумжамоа манфаатлари сари йўнаттирилиши, шунингдек, жамоа фаолияти мазмунини ғоявий жиҳатдан бойитилиши ҳамда такомиллаштирилиши кабиларда акс этишига ишонч ҳосил қилинди. Тушунчатар ўртасидаги фарқ эса улар ёрдамида ифодаланган сифатларга эга шахс томонидан жамоа фаолиятига турлича таъсир ўтказилиши (ташкил этиш, уюштириш, режалаштириш (дастлабки босқич); жамоа фаолиятини йўнаштириш, йўл-йўриқ кўрсатиш, ғоявий раҳбарлик қилиш (жараёни тартибга солиш, бошқариш (асосий босқич))да яққол намоён бўлади. Ташкилотчилик замонавий, ишбилармон шахсга хос сифатлар мажмуи саналади. Инглиз олими Ф.Тейлорнинг фикрига кўра, замонавий шахс қиёфасида ақл-идрок, маҳсус маълумот ҳамда техникавий билимларга эгалик, чидамлилиқ, бардошлилик, хушмуомалачилиқ, таъсирчанлик, қатъиятлилик, ҳақиқатгўйлик, мулоҳазақорлик каби сифатлар намоён бўлади.

Бошқарув соҳасида фаолият юритаётган олим А.Файоль ташкилотчи шахс, энг аввало, узоқни кўра олиш қобилиятига эга бўлиши зарурлигини уқтиради. Узоқни кўра олиш қобилияти негизида жамоа ижтимоий фаолиятини ташкил этиш лаёқати, мустақкам соғлиқ, интеллектуал салоҳият, жисмоний баркамоллик, юксак маданиятлилик ва ахлоқиялик. Муаллифнинг фикрича, ташкилотчилик сифатлари жамоани уюштира олиш, мутахассис (кадр)ларни жой-жойига қўйиш, истиқболда ҳал этилувчи вазифалар (уюштирилувчи тадбирлар)ни режалаштириш, қатъий назоратни йўлга қўйиш билан характерланади. Шахсда ташкилотчилик сифатлари муайян психологик хусусиятларнинг намоён бўлиш жараёнида шаклланади.

Бир қатор манбаларда "етакчи" ва "етакчилик" тушунчапарининг моҳияти очиқ берилган. Яъни: етакчи йўл кўрсатувчи маъносини англатади. Бу хусусиятга эга инсон бошқаларга таъсир эта олиши, муайян мақсадларга эришиш учун уларнинг биргаликда фаолиятини ташкил эта олиш қобилиятига эга; етакчилик бу бошқа кишиларга таъсир этиш демакдир. Етакчи ва унинг издошлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар мавжуд бўлиб, у етакчидан гуруҳ аъзоларига қараб ҳар доим бир томонлама йўначтирилган бўлади; етакчилик-бу бошқарувчанлик мақоми, қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий позициядир.

Бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатлари ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди. Бунинг учун ана шу мақсадга йўналтирилган педагогик фаолиятни ташкил этиш тақозо этилади. Педагогик фаолиятни ташкил қилиш жараёнида эса муайян шартларга амал қилингандагина қўлланган натижани қўлга киритиш мумкин. Қуйидаги шартларга амал қилингандагина бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини самарали шакллантиришга эришилиши аниқланди:

1. Дарс жараёнида:

" ўқувчининг ёши, индивидуалпсихологик хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш, билим савиясини муносиб баҳрлаш;

" дарс жараёнида замонавий технологиялар, илғор тажрибалардан фойдаланиш учун қулай шартшароитларғшнг яратилиши;

- педагог ҳамда ўқувчилар ўртасида объектив ва субъектив муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши;
- * дарс жараёнида ўқувчиларни турли муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини топиш орқали ижтимоий ҳаёт соҳаларида фаол ташкилотчи сифатида қобилиятини намоён қилишга замин яратиш;
- * дарс жараёнида ўтиладиган мавзуларнинг мазмунига мос равишда уларда ташкилотчилик сифатларини шакллантиришга ундовчи ўқув топшириқлари тизимини ишлаб чиқиш.

2. Синфдан ташқари ишлар жараёнида:

- * ўқувчилар жамоаси, ўқувчининг жамоадаги иштироки, ўзаро муносабатга киришувчанлиги;
- ўқитувчи томонидан муайян ижтимоий вазият, педагогик шартшароит, мавжуд ҳолатнинг ўрганилиши;
- соғлом ижтимоий муҳит, кадриятлар, жамоада риоя қилинадиган тартибқоида, интизомни ўқувчилар томонидан англаб етилиши;
- бажарилган ва бажарилиши лозим бўлган фаолият турига кўра ўқувчиларни ўз вақтида рағбатлантирилиб борилиши.

3. Оилада: оиланинг ижтимоий мавқеи, соғлом муҳит, отаона ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар;

- фарзандининг хоҳишистаклари, қизиқишлари ва эҳтиёжлари даражасини ҳисобга олиш;
- ота-оналар ва кагга ёшли оила аъзоларининг оилада ташкилотчилик қобилияти, уни боланинг онгига таъсири, шахсан ибрат, намуна бўлишлари;
- оилалада мақсаднинг ягоналиги ҳамда дуч келган муаммоларнинг биргаликда ҳал этилиши;
- * отаона ва фарзанд ўртасида ўзаро психологик бирликнинг қарор топганлиги.

Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқувчиларида ташкилотчилик сифатларини шакллантиришда ўқувчилар жамоаси етакчи ўрин тутди. Зеро, ўқувчилар жамоаси ўз-ўзини бошқариш хусусиятига эга бўлиб, у мақсаднинг бирлиги, ягоналиги ва ташкил қилиш хусусиятлари орқали умумжамоа билан боғланади. Бу борада Абу Наср Фаробийнинг қуйидаги фикрларини келтириб ўтиш фойдаланарди: "ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита алмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж тугилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради". Ўқувчилар жамоасидан фаолини, ташкилотчисини шакллантириш жамоанинг у ёки бу фаолиятга нисбатан эҳтиёжи мазмундан келиб чиқади.

ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА.

*Каримова Гулнора Ҳайдаркуловна
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 16-умумтаълим
мактаби бошланғич синф ўқитувчиси*

Бугунги кун талаби ёш авлодга бериладиган таълим-тарбияни келажакка, ижодий кучларни ривожлантиришга, фан-техника тараққиётининг истиқболига мувофиқлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Бошланғич синф дарсларини ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштиришлари учун таълим жараёнида дидактик ўйинлардан самарали фойдаланишимиз зарурдир.

Таълим ва ўқитиш мазмунининг назарий масалаларини, унинг шакли ва услубларини педагогиканинг бир қисми бўлган дидактика ўрганади. Умуман педагогика сингари дидактика ҳам ривожланади. Унинг риворланишига Ян Амос Каменский ҳисса қўшди. Унинг "Буюк дидактика" асари ўқитишни ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Бошланғич таълим дидактикасининг асослари Швеция педагоги И.Г.Песталоци асарларида ишлаб чиқилган. Булардан ташқари рус дидактикасининг атоқли намоёниси К.Д.Ушинский бўлган. У ҳам ўқитиш масалаларини чуқур психологик асосини яратди. Ўзбек халқи орасида ҳам Ҳ.Ҳ.Ниёзий, А.Авлоний каби педагоглар етишиб чиқди. Улар ҳам ўзбек халқ мактабларини очиш, ўқувчиларга дарсликлар ёзиш каби ишларни давом эттирдилар.

Дидактикага асосланган ҳолда биз ўқувчиларга билим берамиз. Таълим жараёнида турли усуллардан фойдаланамиз. Дарс турини тўғри ва муваффақиятли ўтиш услубини ҳам тўғри танласак дарс яхши натижа беради. Ҳар бир дарсни кўргазмалли ва техника воситалари билан ўтказиш жоиздир. Шундагина дарс билимга бой ўтади. Ўқитувчи изланувчан бўлиши, дарсларни ранг-баранг усулда ўтиши керак. Дарс кизиқарли ўтиши учун фақат кўргазма қуроллардан фойдаланиб қолмай, ўйин элементларидан, дарс давомида ҳаракатли дақиқалардан фойдаланиш лозим.

Ўйин элементларидан нафақат дарсда, балки дарсдан ташқари ишларда конференция дарсларида фойдаланиш мумкин. Бу албатта бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган. Улар бу ёшда ўйинқароқ, тез зерикувчан, диққати тарқоқ бўлади. Ўйин орқали уларни дарсга, мавзуга жалб қила олишимиз мумкин.

Бошланғич синф ўқувчилари ёш бўлгани учун уларга содда тилда тушунарли ҳолда билим бериш ва дарсларда ўйин элементларидан фойдаланиш лозим. Бола ҳаётининг асосий қисми ўйин билан ўтади. Ўйинлар фақат дидактик восита бўлмай, бола ҳаётининг асосий шаклидир. Шунинг учун биз ўйиннинг нозик томонларини егалламай туриб, ўйин фаолиятини бошқаришини ўрганмай туриб олдимизда турган масъулиятли воситаларни ҳал қила олмаймиз.

Ўйин орқали бола фаолияти мукамаллашади, уларни жисмонан ривожланишига ёрдам беради. Ўйин жараёнида кийинчиликларни, тўсиқларни енгишга ўргатиб боради. Ўйин болалар фаолиятининг асосий тури. Бола ўйин орқали материалларнинг кўриниши, ранги, тузилиши турли ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги ўзгаришларни англайдилар.

Ўйин- бу болалар учун ўқиш, меҳнат қилиш ва тарбия воситаларидир. Бироқ, дарснинг асосий қисмини ўйин дарсига айлантириб қўймаслик лозим. Бола ҳаётининг асосий тури ўйиндир. "Бола учун ўйин воқелик"- деб ёзган эди К.Д.Ушинский, бинобарин, теварак атрофдаги воқеликдир. У болага хусусан тушунарли бўлгани учун кизиқдир, ўйин болага шунинг учун тушунарлики, унда қисман боланинг ўзи яратган нарсаси бор. Болаларнинг ўйин фаолияти мактабгача ёшда пайдо бўлиб, ўз тараққиётида оддий тақлид қилишдан мураккаб ролли ўйинга қадар бўлган йўлни босиб ўтади, бу ўйин дастлаб кишиларнинг предметлар билан боғлиқ фаолиятини, сўнгра ўзига хос хусусиятларни акс эттиради. Ўйин ўсиб бораётган бола организмнинг зарурий эҳтиёжидир ва у орқали болаларда ташкилотчилик кўникмалари тарбияланади. Аммо ўйин ҳар қандай шароитда ҳам ўйиндир. Шундай ўйинлар ҳам борки, улар болаларга мустақилликни, оддийликни, бир- бирига ёрдам бериш ҳиссини тарбиялайди.

Ян Амос Каменский Грамматик ўйинлардан системали фойдаланишнинг аҳамияти хусусида гапириб, бундай деб ёзган эди: "Бола соғлом бўлиши учун у доимий ҳаракатда бўлиши зарур, шундагина ўйин кизиқарли ўтади. Ўйинга раҳбарлик қилиш ва болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини доимо кузатиб туриши керак. Чунки болалар ўйин жараёнида ҳар томонлама тарбияланадилар.

Психологик олимлар ўйинларни тўрт гуруҳга бўладилар:

1. Функционал ўйинлар.

Бу ўйинлар бола организмнинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Бу кичик ёшдаги болалар учун ҳарактерли бўлиб, унда болалар нима биландир шуғулланидилар, турли предметлар билан танишадилар.

2. Қоидали ўйинлар.

Бу ўйинларда болалар теварак-атроф ва муҳитдаги воқеалардан ҳабар топиб, идрок этиш билан кифояланади. Бунда кўриш, эшитиш, ҳис қилиш каби сезги органлари идрок қилади.

3. Ролли ўйинлар.

Бу ўйинда болалар ўзларини маълум бир ролини, қандайдир касб эгаси (шифокор, ўқитувчи, курувчи каби) вазифасини бажараётгандек ҳис этадилар. Ҳар бир бола ўзига тегишли ролни мувофақиятли бажаришга ҳаракат қиладилар.

4. Конструкторли ўйинлар.

Бу ўйиннинг асосий мазмуни қурилиши комплекслари, тахта, қум, қоғоз материалларининг парчаларини қирқиш, тахлаш сингари меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш кабилардан иборатдир. Конструкторли ўйинлар асосан иккига бўлинади.

Ижодий ўйинлар болалар ўзлари ўйиннинг мазмунини, мақсадини, қоидасини топадилар. Ижодий ўйинларнинг асосий қисмини сюжетли расмли ўйинлар ташкил қилади. Ижодий ўйинлардан яна бири драматик ўйиндир. Ўйиннинг моҳияти хикоя ва ертаклардаги воқеаларнинг мазмунини тасвирлашдан иборат бўлиб, уларда бадиий адабиётлардаги персонажлар тасвирланади.

Қоидали ўйин. Худди халқ ўйинлари сингари қизиқарли бўлиб, унда болалар ҳаёти, ўз тенгқурлари ва катталарнинг меҳнат фаолиятини тасвирлашга ҳаракат қиладилар. Демак, барча турдаги ўйинлар болаларнинг катталар фаолиятига қизиқишларига, уларга тақлид қилишига интилишларининг меҳнати ва оилавий ҳаётини, учувчилар, космонавтлар, денгизчилар ҳамда бошқаларнинг қаҳрамонликларини акс эттиради. Кўпчилик ўйинларда дидактик ўйинчоқлар ва бунга бевосита аълоқадор бўлган бошқа қўлланмалар фойдаланилади. Дидактик ўйин жараёнида шундай ҳолатлар ҳам тез-тез бўлиб турадики болалардаги энг яхши кайфият бирдан шўхлик, нотинчлик ва интизомсизлик билан ҳам алмашиб қолади. Бундай пайтларда ўқитувчи айрим болаларга танбех беришга мажбур бўлади ва бу бошқарнинг ўйин кайфиятини шубҳасиз туширади. Агар шундай вазият содир бўлса ҳам ўйин қоидаси билан бирга кўшиб тушунтирса методик жиҳатдан тўғри бўлади.

Демак, ўқув жараёнида олиб бориладиган машғулотларда биз фақат оғзаки усул билан тушунтириш билан кифояланмасдан, барча турдаги ўқув ахборотларидан ҳам фойдаланишимиз зарур. Булар сонли ва ёзма кўринишда, овозли ва тасвирий кўринишда, ҳажмий ва ҳаракатли кўринишда, электрон ва бошқа кўрнишларда бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда биз ҳар бир дидактик ўйин ва воситанинг имкониятларини билиб олсак, уларнинг қай биридан қайси вазифани, қандай амалга оширишда фойдаланиш самаралироқ эканини билиб оламиз.

BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QUVCHILARNING OG'ZAKI NUTQINI O'STIRISHDA YUQORI SAMARADORLIKKA ERISHISH USULLARI

*Nizamova Nargiza Botirboyevna
Sirdaryo viloyati Guliston shahar 10-maktab
Boshlang'ich sinf o'qituvchi*

Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgaryapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan.

SH.M.Mirziyoyev

Insonda yaxshi fazilatlar, ya'ni odob-ahloq, muomala madaniyati kabi fazilatlar ta'lim-tarbiya bosqichlarida yillar osha shakllanadi. Bu borada boshlang'ich ta'lim muhim bosqich sanaladi.

Nutq va uning turlari gapirganimizda quyidagi natija orqali fikr yuritimiz. Kishilar tildan fikr bayon qilish quroli sifatida foydalanadilar. Ular o'z fikrlarini ovoz bilan eshittirib bayon qilishdan oldin u haqda o'ylab oladilar. Bu **ichki nutq** hisoblanadi. Ichki nutq eshittirilmagan va yozilmagan, «o'ylangan» (fikrlangan) nutqdir, bu nutq fikrlovchi kishining o'ziga qaratiladi. **tashqi nutq** tovushlar yordamida eshittirilib yoki grafik belgilar bilan yozilib, boshqalarga qaratilgan nutqdir. Ichki va tashqi nutqning fiziologik tabiati bir xil; farqi – tashqi nutqda nutq a'zolarining harakati natijasida tovush chiqariladi yoki yozib bayon etiladi; ichki nutqda nutq a'zolarining harakati tovushsiz yuzaga keladi.

Ichki nutq materialni tushunish va yodda saqlashga yordam beradi, tashqi nutqni o'stirishda birdan-bir zaruriy vosita hisoblanadi. O'ylash, fikr yuritish ichki nutq asosida bo'ladi. Ichki nutq o'quvchini tashqi nutqqa,

javobgarlikni his qilib gapirishga o'rgatadi. Ichki nutq jarayonida o'ylash o'quvchining nutqi va tafakkurining o'sishida muhim vositadir.

Maktabda o'quvchilarning tashqi nutqigina emas, balki ichki nutqi ham o'stiriladi. Bolalar ichda o'qishga o'rganadilar va ichki nutqda materialni o'zlashtiradilar, turli vazifalarni o'zlari hal qiladilar, asosiysi – o'zlarining og'zaki va yozma fikrlarini tayyorlab oladilar.

Fikrni ifodalash usuliga ko'ra nutq **og'zaki** va **yozma** bo'ladi. Og'zaki nutq yozma nutqdan quyidagicha farqlanadi: og'zaki nutq tovush nutqi, yozma nutq esa grafik nutqdir. Og'zaki nutqda eshitish sezgisi, yozma nutqda esa ko'rish va motor-harakat (qo'l harakati) sezgisi asosiy o'rin tutadi. Og'zaki nutq ham, yozma nutq ham kishilarning o'zaro aloqa quroli sifatida xizmat qiladi, ammo og'zaki nutq aniq hayotiy sharoitda, bevosita aloqa jarayonida yuzaga keladi; yozma nutqdan bevosita, aniq sharoitdan ajratilgan holda ham, kishi ishtirokisiz ham foydalaniladi.

Og'zaki nutq ko'pincha dialog tarzida, yozma nutq esa monolog tarzida bo'ladi. Yozma nutq logik izchillikka rioya qilgan holda, ayrim til shakllarini tushirib qoldirmay, ortiqcha takrorga yo'l qo'ymay bayon qilishni talab etadi. SHuning uchun yozma nutq ancha murakkab va mavhum hisoblanadi.

Boshlang'ich sinf darslar jarayonida o'quvchilarni og'zaki nutqini o'stirish uchun ko'proq hikoya va ertak o'qitilishi lozim.

Nutq - kishi faoliyatining turi, til vositalari (so'z, so'z birikmasi, gap) asosida tafakkurni ishga solishdir. Nutq o'zaro aloqa va xabar, o'z fikrini his-hayajon bilan ifodalash va boshqalarga ta'sir etish vazifasini bajaradi.

Yaxshi rivojlangan nutq jamiyatda kishi faoliyatining muhim vositalaridan biri sifatida xizmat qiladi. O'quvchi uchun esa nutq maktabda muvaffaqiyatli ta'lim olish qurolidir.

Nutq o'stirish nima? Agar o'quvchi va uning tildan bajargan ishlari ko'zda tutilsa, nutq o'stirish deganda tilni har tomonlama (talaffuzi, lug'ati, sintaktik qurilishini, bog'lanishli nutqni) faol amaliy o'zlashtirish tushuniladi. Agar o'qituvchi ko'zda tutilsa, nutq o'stirish deganda, o'quvchilarning tilning talaffuzi, lug'ati, sintaktik qurilishi va bog'lanishli nutqni faol egallashlariga yordam beradigan metod va usullarni qo'llash tushuniladi. SHuning uchun ham grammatika va imlo dasturi tovushlar va harflar, so'z, gap, bog'lanishli nutq kabi qismlarni o'z ichiga olgan. Ona tili dasturining bo'limlari «*Xat-savod o'rgatish va nutq o'stirish*», «*O'qish va nutq o'stirish*», «*Grammatika, imlo va nutq o'stirish*» deb nomlangan.

Ma'lumki, nutq tafakkur bilan bog'liq, shuning uchun u tafakkur bilan uzviy o'stiriladi. Darsda o'qilgan asarni o'quvchilar ongli tushunishi, asosiy mazmunini, g'oyasini anglab yetishi uchun analiz, sintez, taqqoslash, umumlashtirish kabi mantiqiy usullar qo'llanadi. O'qilgan asarni analiz qilishda har xil ish uslublaridan foydalaniladi. Bolalar hikoyadagi asosiy qatnashuvchi shaxslarni aytadilar, o'qituvchi rahbarligida asar rejasini tuzadilar. Qatnashuvchi shaxslarni o'quvchilar har xil tartibda aytishlari mumkin, ammo o'qituvchi ularni asarda qatnashish tartibida aytishni so'raydi. Natijada o'qituvchi rahbarligida hikoyaning chizmasi tuziladi. O'qituvchi bergan savollar yordamida asarlarning mazmuni aniqlanadi.

SHunday qilib, asar mazmuni bilan birinchi tanishish o'quvchilardan ongli ishlashni, ya'ni voqealarni, qatnashuvchilar tarkibini analiz qilishni talab etadi. O'qish bilan bog'liq holda bajariladigan bunday mantiqiy ishlar asta-sekin murakkablasha boradi.

Boshlang'ich sinflarning o'qish darslarida o'quvchilar nutqini o'stirish vositalaridan biri turli uyushtirilgan qayta hikoyalashdir. Maktab tajribasida to'liq, qisqartirib, tanlab va ijodiy qayta hikoya qilish turlari mavjud. Boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun matnni to'liq yoki matnga yaqin qayta hikoyalash ancha oson, boshqa turlari esa nisbatan qiyinroqdir. Qayta hikoyalashda o'qilgan hikoya mazmuni yuzasidan o'qituvchining savoli, o'quvchilarni hikoyaning detallari haqida, ayrim voqealar o'rtasidagi bog'lanishning sabab-natijalari haqida fikrlashga qaratilishi lozim. Asar syujetining rivojlanishida qatnashuvchi shaxslar, ularning xatti-harakati asosiy rol o'ynaydi. O'quvchilar asar mazmunini unda ishtirok etuvchi shaxslar va ularning xatti-harakati, xarakterli xususiyatlarini tahlil qilish yordamida yaxshi anglab yetadilar. O'qituvchining savoli asar qahramonlari nima qilgani, ularning u yoki bu xatti-harakati qayerda va qanday sharoitda yuz bergani haqida so'zlab berishga, voqealarni izchil bayon qilinishiga va o'zaro bog'liqligini yoritishga yunaltirilishi lozim.

O'quvchi o'qilgan asar mazmunini o'qituvchi savoli yordamida aytib berishida faqat analizdan emas, sintezdan ham foydalaniladi: ayrim lavhalar o'zaro bog'lanadi (sintezlanadi), bir-biriga taqqoslanadi, ular yuzasidan muhokama yuritiladi va xulosa chiqariladi.

Ko'pincha boshlang'ich sinf o'quvchilari qatnashuvchi shaxslar xatti-harakatini yaxshi tushunmasliklari, ba'zan noto'g'ri yoki yuzaki tushunishlari natijasida asar mazmunini anglab yetmaydilar. SHuning uchun ham o'qituvchi savolni juda o'ylab tuzishi, u bolani fikrlashga, o'ylashga majbur etadigan, qatnashuvchi shaxslarning xatti-harakati, voqealarning bog'lanishi yuzasidan muhokama yuritishga undaydigan, ularni o'zaro qiyoslashga, ijobiy va salbiy tomonlarini aniqlashga yordam beradigan bo'lishi lozim. O'quvchi asarda qatnashuvchilarning xatti-harakatini qanchalik aniq ko'z oldiga keltira olsa, u hikoyaning asosiy mazmunini shunchalik chuqur tushunadi, shunchalik mustaqil qayta hikoya qilish beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Otaqulova G. "Vatanni sevmoq iymondandir" Boshlang'ich ta'lim jurnali 2001- yil №2 mart-aprel 12-13-bet
2. Azimova "O'zbekistonim mening" Boshlang'ich ta'lim jurnali 2003-yil №15 mart-aprel 4-5-bet
3. Q.Rahimboyeva vatanim –yorug` maskanim Boshlang'ich ta'lim jurnali 2001- yil №1 mart-aprel 6-7-bet
4. Azimova Istiqbolim – istiqbolim Boshlang'ich ta'lim jurnali 2003-yil №5 martaprel 6-9-bet

TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING ROLI

*Abdullayeva Nazira Payzullayevna,
Mirzaobod tumani 5-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Inson tomonidan borliqni bilishning turli yo'llari, vaqtlari mavjud bo'lishiga qaramasdan, bu o'rinda ko'rgazmalilik, yaqqol alohida ahamiyat kasb etadi. Ma'lumki, tevarak-atrofni, umuman olganda borliqni bilish insonlar to'g'risida muayyan ma'lumotlarni egallash va tasavvurlarni hosil qilish dastavval yaqqol ko'zga tashlanadigan, tashqi ko'rinishi bilan o'ziga tortuvchi, jozibador, maftunkor ko'rgazmali hissiy yo'l bilan o'ziga tortuvchi obrazlarni idrok qilish ulardagi yangiliklarni yangi ko'rinishi, alomati, rang-barangligi singari unsurlarga ahamiyat berishda namoyon bo'ladi. Tuzilishi jihatdan murakkab, mazmun va mohiyatan mavhum bilimlarni ilmiy tushunchalar va atamalar ma'nosini yengilroq tushunish maqsadida odamlar ularni o'zlashtirish uchun yaqqollashtirish uslubini tadbiiq etishga odatlanganlar. Ushbu ijtimoiy voqelik (realiya) hodisa bir tomondan ularni tasavvur qilish yoki anglashni tezlashtiradi, ikkinchi tomondan esa aqliy zo'r berishlikni shaxsiy faollik darajasini susaytiradi.

Hozirgi davr pedagogika fani ma'lum bir yuksalish bosqichiga ko'tarilmoqda. Buning albatta, ob'ektiv sabablari mavjud. Tarbiya maqsadining har bir davrda turlicha bo'lishi ijtimoiy tuzum, mafkuraviy qarashlarning o'zgarishi bilan bog'liq. Ijtimoiy-iqtisodiy, ilmiy-texnikaviy rivojlanish davomida tarbiya maqsadiga erishish jarayoniga nisbatan pedagogik yondashuvlar ham turlicha bo'lgan. Demak ta'lim-tarbiyaning maqsadi, uning amalga oshirish jarayoni nazariy va amaliy jihatdan takomillashib borishi bilan pedagogika fani zamonaviy tus ola boshlaydi. Zamonaviy pedagogika bugungi kunda aynan shunday holatni boshdan kechirmoqda.

Ko'zlangan maqsadga erishish uchun uzluksiz ta'lim tizimi tubdan isloh qilinmoqda. Ta'lim jarayoniga tabaqalashtirilgan yondashuv zamonaviy pedagogika fani oldiga yuksak vazifalarni qo'yimoqda. Masalan, ushbu o'quv muassasalari uchun davlat ta'lim standartiga muvofiq keluvchi kompetentsiyaviy yondashuvga asoslangan o'quv dasturlari va darsliklar, o'quv qo'llanmalar bugungi kun talablariga javob bermog'i lozim.

O'quv –tarbiya jarayonlarini tashkil etishda ham an'anaviy usullardan farqli o'laroq, yangicha pedagogik yondashuvlarni o'zlashtirish va ta'lim jarayonida qo'llash zamon talabidir. Milliy dasturda bu masalaga alohida e'tibor berilgan. Albatta, ilg'or pedagogik texnologiyalar bizning fanimizga endigina kirib kelmoqda. Aslida esa ta'limga texnologik yondashuv masalasi rivojlangan horijiy davlatlarda bundan 30-yillar muqaddam paydo bo'lgan va ular bu sohada katta yutuqlarni qo'lga kiritganlar.

Bugungi kunda ta'lim sohasidagi ilg'or texnologiyalarni kengroq va chuqurroq o'zlashtirish, ularni o'z mintaqamizga mos holda qayta ishlab chiqish zarur muammoga aylandi. Bu muammoni hal etish hozirgi kungacha shakllanib kelgan ta'lim-tarbiya sohasidagi nazariy va amaliy tajribalarni o'rganishni taqozo etadi.

Pedagogik texnologiyaning ta'lim sohasidagi mexanizmlari quyidagilardir:

- ta'lim muassasalarida ijodiy muhit yaratish, pedagoglar orasida tashabbuskorlik va yangilikka bo'lgan qiziqishni orttirish;
- ta'lim sohasidagi ijodkorlikni, yangiliklarni qabul qilish va keng yoyish uchun ijtimoiy va iqtisodiy sharoitlarni yaratish;
- izlanuvchanlik faoliyatini rag'batlantirish, uni har tomonlama qo'llab-quvvatlash mexanizmlarini ishga solish;

- nisbatan istiqbolli yangiliklarni, samarali loyihalarni amalda harakatdagi ta'lim tizimiga joriy etish, to'plangan yangilik va tajribalarni doimiy harakatdagi umumta'lim tizimi rejimiga singdirish.⁵

Shu bois mamlakatimizda ta'lim tizimini takomillashtirish va uni hozirgi zamon talablariga moslashtirish, zamonaviy informatsion texnologiyalarga asoslangan jahon andozalari darajasidagi tizimni yaratish umumdavlat siyosatining muhim tarkibiy qismlaridan biri hisoblanmoqda. "O'zbekiston respublikasi xalq ta'limini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi"da uzluksiz ta'lim tizimini isloh etish asosida, jamiyatning rivojlanishi talablarini hisobga olish, yetuk mutaxassislarni tayyorlash, ularning malakasini oshirish va qayta tayyorlash masalalariga katta e'tibor berilgan. Bu vazifalarni hal qilish uchun esa birinchi navbatda o'quv jarayonini tubdan isloh qilish, unga jahonning rivojlangan davlatlarida keng qo'llanilayotgan zamonaviy pedagogik texnologiyalarni izchillik bilan tadbiiq etish zarur.

Ta'lim – insonlar faolligini belgilaydigan muhim bir tarmoqqa aylanmoqda. Shuning uchun ta'lim tizimida inson faoliyati bilan bog'liq ko'pgina muammolarni hal etish zarur.

Ta'limning mazmuni darsliklarda konkretlashtiriladi. Darslik ma'lum predmet buyicha dasturda ko'zda to'tilgan o'quv materialini o'z ichiga olgan, ta'lim mazmunini o'zlashtirishga imkon beradigan vositadir. Darsliklar o'quvchilarni bilim, ko'nikma va malakalarni egallashlarida bosh manba, o'qituvchining o'quv jarayoniga raxbarlik qilishining muhim qo'llanmasi, o'quvchilarda ilmiy dunyoqarashni shakllantirish, bilimga qiziqishni rivojlantirishi, mustaqil ishlash malakasi, xotira, tafakkur, nutk va til estetik tarbiya kabilarning muhim vositasi hisoblanadi.

O'zbekiston Respublikasining mustaqilligi sharofati bilan maktab iste'dodli olimlar tomonidan yozilgan, muqobil darsliklarga ega bo'lmoqda. Fan va texnikaning tez sur'atlar bilan rivojlanishi darsliklarning mazmuniga, so'zsiz ta'sir etadi, darsliklar to'ldiriladi, qaytadan ishlanadi, yangidan yaratiladi. Lekin darsliklarning stabillik printsipi saqlanib koladi. Darsliklarga qo'yiladigan pedagogik talablar quyidagilardan iborat:

1. Material bayonining qat'iy ilmiyligi va hozirgi zamon fan va texnika rivojiga mosligi.
2. Yuksak g'oyaviylik va o'quvchilarni axloqiy tarbiyalash vazifalariga bo'ysunishi.
3. Darslik mazmunining hayot bilan bog'liqligi har bir nazariy masalalar yetarlicha asosli misollar, ko'rsatmalar bilan bo'lishi va ularning hayotiy ahamiyati ko'rsatilgan bo'lishi lozim.
4. O'quvchilarning yosh va bilish xususiyatlarini hisobga olib, materialni izchil va tizimli joylashtirilishi.
5. O'quvchilarning mustaqil ishlash malakasiga muvofiq ko'rsatma va ma'lumotlarning mavjudligi, darslik mazmuniga kuzatish va mashq uchun topshiriqlar, o'z-o'zini tekshirish uchun savollar, takrorlash uchun savollar bo'lishi.
6. Materialni o'zlashtirishni yengillashtirish uchun bayonning oddiy, badiiy va obrazli bulishi.
7. Materialni o'zlashtirishni yengillashtirish uchun chizma, diagramma, rasm va illustratsiyalarning mavjudligi.

8. Darsning tashkiliy ko'rinishi yaxshi bo'lishi.

Boshlang'ich ta'lim sharoitida darsliklar tuzishda o'ziga xosliklar va qiyinchiliklar bo'ladi. Kichik yoshdagi o'quvchilarning, ayniqsa 1-sinf o'quvchilarining darsliklarida boshlang'ich ilmiy bilimlar beriladi, ular Bolaning hayotiy tajribasi bilan, unga odat bo'lib qolgan fikr yuritish mantiqi bilan uzviy bog'langan bo'lishi kerak. Shuning uchun darslikda tushuntirishlar, misollar, topshiriqlar, mashqlar, rasm va suratlar ko'p bo'ladi, unga mumkin bo'lgan o'yin vaziyatlari, topshiriqlar kiritiladi. O'quvchining nazariy bog'liqliklarni topishi va o'zlashtirishi mashqlarning harakteri va sismavzusiga bog'liqdir. Bir fanning o'zi turli sismavzuda muxokama, dalil, isbot va mashqlar yordamida bayon qilinishi mumkin.

Hozirgi maktablarda yangi pedagogik texnologiya asosida yaratilgan darsliklardan ham keng foydalanilmokda. Bu darsliklarning asosiy xususiyati shundaki, har bir informatsion materialdan keyin o'z-o'zini tekshirish uchun savollar va topshiriqlar beriladiki, bo'lar o'quvchilarni bilim, ko'nikmalarini mustaqil egallashlariga yordam beradi. O'quv darsliklariga yordamchi o'quv qo'llanmalari chiqariladi. Bular darslik materiallarini kengaytiradi, o'zlashtirishni yengillashtiradi. O'quv qo'llanmalariga ham darsliklarga qo'yilgan talablar qo'yiladi. Bunday o'quv qo'llanmalari o'quvchilarda mustaqil ishlash malakasini hosil qilishda muhim o'rin tutadi.

O'z-o'zidan ko'rinib turibdiki, bu vazifalarni ilmiy-texnik jarayonning o'zgarishi bilan bog'liq holda ta'lim nazariyasini yaratish, ya'ni fanni jamiyatning faol, samarali ishlab chiqarish kuchiga aylantirish orqali amalga oshirish mumkin.

Pedagogik texnologiyaning ta'limdagi amaliylik hamda tashkiliy-uslubiy imkoniyatlarini amalga oshirishga yo'naltirilganligi, uning aniq vositalar yordamida hayotga tadbiq etilishi butun jahon pedagoglarining unga e'tiborini kuchaytirmoqda. Bu yo'nalishga turlicha qarashlar mavjud, ba'zi pedagoglar pedagogik texnologiyada ta'limni tabaqalashtirish vositasini ko'rmoqdalar, boshqalari undan kam mehnat sarflab yuqori natijalarga erishish imkoniyatlari, pedagogik texnologiyada barcha ta'lim oluvchilarni oldindan belgilangan bilim, ko'nikma va malakalar darajasiga etkazish mumkinligi qiziqirmoqda. Ba'zi pedagoglar ta'limni "texnologiya" lashtirish yordamida ommaviy ta'lim amaliyotida tub burilish yasashga umid bog'lagan edilar.

Ta'limni "texnologik" yo'nalishda ko'rishning umumiy mezoni uning aniq va batafsil belgilangan **maqsadga yo'naltirilganligidadir**. Bu holada har bir maqsadni amalga oshirish uchun alohida qonuniyat, jarayon, ketma-ketlik va unga mos amallar majmui mavjud bo'lishi asos sifatida olinadi. "Pedagogik texnologiya" ning vositaviy yo'naltirilganligi uning turli uslublar asosida turli ta'lim tizimlarini ko'rishdagi keng imkoniyatlarini belgilab beradi. Bunda ta'limning tashkiliy jihatlari olinadi. Faqatgina "pedagogik texnologiya" doirasida aniqlab olinadigan maqsadlar-ning empirik (amaliy) tahlili beriladi.

O'quv jarayonining har qanday qismi uning loyihalashiga texnologik jihatdan yondashilganda quyidagi asosiy bosqichlarga ega bo'ladi:

- ta'lim bosqichining umumiy maqsadini belgilab olish;
- umumiy maqsadni shakllantirishdan uni ixtisoslashtirishga o'tish;
- o'quvchilarning bilim darajasini tashxis qilish;

Bosqichlar ketma-ketligi tavsifi o'qituvchi harakatlarining davriy takrorlanuvchi ketma-ketligi bo'lib, u ko'p marotaba mos ravishda maqsadlar, aniq nazorat usullari va ta'lim jaaryoni turlari bilan takrorlanib, ta'lim jarayonini nihoyasiga yetkazadi.

Pedagogik texnologiyaning o'ziga xos xususiyatidan kelib chiqadigan uning metodikasiga qo'yiladigan talablar, printsiplar mavjud. Ayrim tadqiqotchilar, "pedagogik texnologiyaning tamoyillari: kafolatlangan yakuniy natija, ta'limning mahsuldorligi, teskari aloqaning mavjudligi, ta'lim maqsadining aniq shakllanganligi" kabilar deb talqin qilinadi. Pedagogik texnologiyaning printsiplari:

- pedagogik jarayonni loyihalashda pedagogik tizimning optimalligi, maqbulligi;
- ta'lim-tarbiya natijasining kafolatligi;
- pedagogik jarayonning bir butunligi va tarkibiy qismlarning o'zaro bog'liqligi;
- o'qituvchi va o'quvchi faolligining uyg'unligi, tarbiyalanuvchi faoliyatini tashkil qilish;
- inson va texnika resurslari, optimal vositalarni qo'llash;
- pedagogik jarayonni modellashtirish kabilar.

Ta`limning mazmuni uning maqsadidan kelib chiqadi. Ta`limning mazmuni deganda, o`quvchilarni o`qish jarayonida egallab olishi lozim bo`lgan hamda tizimga solingan bilim, malaka va ko`nikmalarni aniq doirasi tushuniladi.

БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА СИНФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР

Абдурахмонова Сайёра

Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани 4-умумтаълим мактаби биринчи тоифали бошланғич синф ўқитувчиси

Сифатли таълим пойдевори бошланғич синфларда мустаҳкамланади. Кўп йиллик тажрибалар асосида исботланиб, таълимда аксиома мақомини олган бу ибора замирида энг аввало, ўқитувчи маҳорати ва педагогик салоҳияти, касбий малакаси ҳам муҳим ўрин тутиши сир эмас. Устоз қанчалар билимдон ва маҳоратли бўлса, ўқувчилар пухта билим ва тарбия олишаверади. Таълим сифатини оширишда синфдан ташқари тарбиявий ишлар алоҳида ўрин тутди.

Ўқувчилар ўқув материалнинг асосий мазмунини синфда дарс давомида ўзлаштириб оладилар, албатта. Бироқ, ўқувчиларнинг фан дастури юзасидан ўрганиши зарур бўлган билим ва малакаларнинг ҳаммасини ҳам синф-дарс машғулоти доирасига сиғдириб бўлмайди. Бунинг устига тарихий билимлар, илмий ва сиёсий маълумотлар ҳажми тез кенгайиб, муттасил ошиб бораётган шароитда ўқувчилар ўз билимларини тинмай тўлдирга боришлари учун синфдан ташқари ишларни яхши йўлга қўйиш гоят зарурдир.

Методист В.Н. Бернадский синфдан ташқари ишлар туркумига билиш манбаларини асос қилиб олиб, уларни қуйидаги турларга бўлади. Маълумки, ўқувчилар фақат дарсликни ўқиш билангина чегараланиб қолса, уларнинг билим доираси ва тасавурлари тор бўлиб қолади. Шуни эътиборга олиб В.Н.Бернадский синфдан ташқари ишларнинг асосий қўриниши сифатида қўшимча ўқишни тавсия этади.

1. Қўшимча китоб ўқиш. У ўқиладиган китобларни уч гуруҳга бўлади: а) илмий-оммабоп китоблар, б) тарихий беллетристика, в) бадий адабиёт.

2. Қўшимча суратлар кўриш.

3. Жамоа бўлиб театр ва киноларга бориш ҳамда уларни биргаликда муҳокама қилиш.

4. Ижодий кечалар уюштириш.

5. Саҳна кўринишлари ёки пьесалар қўйиш.

6. Мактаб тарихий кўргазмаларини ташкил этиш.

7. Олисдаги тарихий жойларга экскурсиялар уюштириш. В.Н.Бернадский фикрича, ўқувчилар синфдан ташқари қўшимча китоб ўқиб, фильмлар кўриб, радио, маърузалар эшитиб олган билимлари ва тасавурларини амалий фаолият билан қўшиб олиб боргандагина кўзланган мақсадга эришади — мустақилликни, ташаббус ва ижодий ишлаш қобилиятини ўстира олади. Кейинги 10–15 йил ичида синфдан ташқари ишлар кўлами кенгайди, мазмунан бойиди, қўринишлари кўпайди. Бу ишларнинг назарий томонлари ҳам ишлаб чиқилди.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўзига хос хусусиятлари билан машғулотлардан фарқ қилади. Бу иш ихтиёрий характерга эга бўлиб, ўқувчилар ўз қизиқишларига ва лаёқатларига қараб турли хил тўғарақларга қатнашадилар, дарсдан ташқари вақтда ўтказиладиган оилавий ва индивидуал ишларга ҳам ўз истаклари билан иштирок этадилар. Синфдан ташқари ишларнинг турлари ва шакллари хилма-хил бўлиб, ҳар бир мактаб бу ишга истисносив, ҳамма ўқувчиларни тортиши талаб этилади. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг мазмуни ва формаси асосан ўқувчиларнинг қизиқишларига, талабларига ҳамда уларнинг шахсий хоҳишларига ва маҳаллий шароитларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг асосий вазифасидан бири - ўқувчилар ҳаётини завқли, сермазмун ва маданий қилиш, уларни жамоа бўлиб яшашга ва ишлашга ўргатишдан иборат. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг шакллари:

а) оғзаки иш усуллари маърузалар, докладлар, мунозаралар, учрашувлар, савол-жавоб кечалари, баҳслар ва х.к.);

б) амалий иш усуллари: экскурсиялар, спорт мусобақалари, олимпиадалар, танловлар ва ўқувчилар фаоллари билан олиб бориладиган ишлар, моҳир қўллар, техника ижоди, ёш техниклар тўғарақлари ва бошқалар;

в) кўргазмали иш усуллари: мактаб музейлари, меҳнат қаҳрамонлари галереяси, бадий ижод кўргазмалари ва бошқалар.

Синфдан ташқари ишларнинг қуйидаги турлари бўлиб, улар қуйидагиларга бўлинади:

- жамовий ишлар-ўқувчилар орасида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишлари билан боғлиқ бўлган, суҳбатлар, учрашувлар, маърузаларга бағишланган адабий-бадий йиғилишлар.

- Мадааний-бадий тадбирлар: – адабий кечалар, спектакллар, бадий ҳаваскорлик кечалари, ўткир зеҳнлилар тортишувлари ва бошқалар

- Гуруҳли ишлар: Бунда ўқитувчи синфдан ташқари ўқувчиларнинг маълум бир гуруҳи билан тарбиявий ишлар ва тадбирларни ўтказиши мумкин.

- Индивидуал якка тартибдаги ишлар: бунда ўқитувчи ёки тарбиячи ўқувчининг индивидуал ёш хусусиятларига қараб иш тутади. Масалан: тортинчоқ, пассив ўқувчилар ҳар бир синфда ҳам учрайди.

Синфдан ташқари ишлар — **умумий ўрта таълим мактаби** ўқув тарбиявий ишининг таркибий қисми, ўқувчиларнинг бўш вақтини ташкил этиш шаклларида бири. Синфдан ташқари ишлар ўқувчиларни баркамол **шахс** сифатида шакллантириш ва уларни ҳаётга тайёрлашда кенг имкониятлар яратади. Синфдан ташқари ишларга ўқувчилар билан ўтказиладиган ва уларга **тарбия** ҳамда **билим** беришга қаратилган турли хил машғулотлар тизими киради. Бундай машғулотлар педагогик жамоа, **синф** раҳбари, ёшлар ташкилотлари раҳбарлиги ва болаларнинг ўз-ўзини **бошқариш** ташкилотлари томонидан дарсдан **ташқари** вақтда уюштирилади. Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишларни ташкил этишда ўқувчилар саройлари, ёш техниклар, ёш габиатшунослар, ёш сайёҳлар клуби ва мактабдан ташқари бошқа муассасалар катта ёрдам беради. Тарбиявий ишлар системасида мактаб ва мактабдан ташқари муассасалари, жамоатчилик, маҳалла кўмиталари ва оқсоқоллари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши ижтимоий ва педагогик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир.

Кўриниб турибдики, синфдан ташқари ишларнинг кўринишлари турли-туман, мазмуни бой, ҳатто мактаб тарих курсининг мавзусидан четга чиқиши ҳам мумкин. Шунини айтиш керакки, синфдан ташқари ишларнинг мазмуни қанчалик бой ва турли-туман кўринишларда олиб борилмасин, улар бир мақсадга: таълим-тарбия вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Тарбиявий ишларни ташкил этишда ва уларни комплекс ҳал этишда мактаблардаги, гимназия, коллеж ва лицейлардаги маънавий ва маърифий ишлар ташкилотчиси ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг болалар таълим-тарбия муассасалари, синф раҳбарлари, ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Синфдан ташқари ишнинг асосий мақсади ўқувчилардаги фанга бўлган қизиқишни ривожлантириш, уларни дарсда олган билимларини тўлдирувчи ва чуқурлаштирувчи, малака, кўникма ва компетенциялар билан қуроллантиришдан иборат.

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA O'QUVCHILAR IJODIY FAOLIYATINI SHAKLLANTIRISH

Boltaeva Barno Xudoyberdievna

Sardoba tumani 13-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Jamiyat taraqqiyotining hozirgi bosqichida mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar shu jamiyatda yashayotgan har bir insonni o'z imkoniyatlarini ro'yobga chiqara oladigan erkin, ijodkor shaxs sifatida tarbiyalashga yo'naltirilgan.

O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni hamda "Kadrlash tayyorlash milliy dasturi"da ham barkamol shaxs tarbiyasiga asosiy e'tibor qaratilgan. Chunki, o'z bilimi, salohiyati, imkoniyatlarini jamiyat taraqqiyotiga to'liq sarflab, mustaqil fikrlay oladigan ijodkor shaxslarni shakllantirish, jamiyatda tub o'zgarishlar bo'lishiga zamin yaratadi.

Hozirgi davrda zamonaviy texnika va texnologiyalarning hayotga kirib kelishi inson faoliyatida, ijtimoiy ongida katta o'zgarishlar bo'lishini taqozo etmoqda. Zero, olam to'g'risida va insonning hayotda tutgan o'rni to'g'risidagi tasavvurlari o'zgarimoqda, tafakkuri va olamni tushinishning yangi usullari shakllanmoqda, ma'naviy-amaliy o'zlashtirishning yangi vositalari va usullariga o'tish yuz bermoqda.

Boshlang'ich sinf o'quvchisining faoliyatida ijodkorlik uning samarali ta'lim faoliyatini belgilab beruvchi ilmiy tasavvurlari evristik ta'limning pedagogik asosi sanaladi. O'quvchidagi bilish jarayoni ijodkorlik natijasida yuz beradi. Izlanishlar jarayonida ijodkorlik faoliyati namoyon bo'lishi uchun aniq maqsadga yo'naltirilgan, rejalashtirilgan, me'yorga ega bo'lgan, o'z-o'zini anglagan faoliyat zaruriyati seziladi. Bu esa o'quvchida atrof-olam ob'ektlari va ular haqidagi bilimlarni o'zlashtirish; ta'lim samaradorligini vujudga keltirish, faoliyatning avvalgi turlariga tayanishni taqozo etadi.

O'quvchi shaxsini rivojlantirishga yo'naltirilgan ta'lim jarayonida uning aqliy- intellektual, ijodiy xususiyatlari namoyon bo'ladi. Bu borada, ayniqsa, boshlang'ich sinf o'quvchilarining ta'lim jarayonida ijodiy faoliyatini shakllantirish imkoniyatlari kengroq bo'lib hisoblanadi. Chunki boshlang'ich ta'limda o'quvchilarning aqliy qobiliyati, diqqati fikrlash darajasi faol rivojlanadi. Bir qator psixolog va pedagog olimlar: A.V. Petrovskiy, B.M.Teplov, V.A. Krutetskiy, E. G'oziev, G'.Shoumarov, O. Roziqov, B. Adizov [ta'kidlashlaricha, - bu davrda o'quv faoliyati ta'sirida bolalarning ruhiy faoliyati, diqqati, xotirasi, idrok etish darajasi, tafakkuri, his-tuyg'usi kabi jarayonlar rivojlanadi. Mazkur yoshdagi bolalarning ijodiy faoliyatlari bir-biridan farq qilar ekan, ularning iste'dodi ham turlicha namoyon bo'ladi. Shuning uchun ham boshlang'ich sinf o'quvchilarining mayl va intilishlari bilish va ijodiy faoliyatlari, iste'dodlarini shakllantirish muhim ahamiyat kasb etadi. Bugungi kunda mustaqillik tufayli amalga oshirilayotgan ta'lim islohotlari o'z ishiga ijodiy yondashuvchi, fan, texnika, san'at, ishlab chiqarishning jadal rivojlanishiga o'z hissasini qo'shadigan yuksak malakali kadrlar tayyorlashga bog'liq. Shunga ko'ra, jamiyat taraqqiyoti talablaridan kelib chiqqan holda har bir o'quvchini ijodkorlik ruhida tarbiyalash muhim va zarurdir.

Ijodkorlik - faoliyatning turli holatlarida paydo bo'ladi. Qiziqish ilhom, intilish va boshqalar ijodkorlikning inson ongida eng oliy tarzda paydo bo'lishidan tortib, to namoyon bo'lishigacha jarayonini o'z ichiga

oladi. Shaxsning **ijodiy faoliyat** ehtiyoji faoliyatda yangi, ilgari maqsad qilib qo'yilmagan bunyodkorlik intilishini bildiradi.

Yuqorida ta'kidlaganimizdek, har bir shaxsning ijodkorlik fazilatlarining shakllanishi aynan maktabda boshlanadi. Zero, maktabda turli salohiyat va qobiliyatga ega bolalar ta'lim oladi va bolalardagi ana shu layoqatni va salohiyatni rivojlantirish maktab o'qituvchilarining birinchi galdagi vazifasidir. Bolalardagi ijodiy faoliyatning har qanday kurtaklari ta'lim-tarbiyadan tashqarida, faoliyatdan tashqarida kamol topa olmaydi.

Ta'lim-tarbiya jarayonida bolalardagi yashirin iste'dodlarni yuzaga chiqarish, kichik maktab yoshidan boshlab o'z faoliyatini namoyon qilishi uchun imkoniyat yaratish, ulardagi ijodkorlik qobiliyatini rivojlantirish - kelajakda yuksak salohiyatli, ijtimoiy faol, o'tkir zehni, kashfiyotchilik qobiliyatini namoyon eta oladigan raqobatbardosh kadrlarni voyaga etkazish garovi bo'lib hisoblanadi. Bu davlatimizning ustuvor yo'nalishlaridan biri – har tomonlama barkamol insonni voyaga etkazish g'oyasiga mos keladi.

O'quvchilar ijodiy faoliyatini rivojlantirishda ularga o'ziga xos yondashuv ham katta ahamiyat kasb etadi. Ma'lumki, har bir bola o'ziga xos, betakroridir. Shaxsning o'ziga xosligi uning turli xil individual va ijtimoiy rivojlanish omillari ta'sirida shakllanadigan psixikasining xususiyatlari bilan belgilanadi.

Hozirgi paytda ijodkor, ijtimoiy faol shaxsni tarbiyalash, ijodiy faoliyatini shakllantirish muhim vazifa bo'lib qolmoqda. Ta'lim shaxsni shakllantirish va rivojlantirishning asosiy vositasi sifatida qaralmoqda. Hozirgi davrda ayniqsa, Ta'limni insonparvarlashtirish o'quvchilarning bilim olishga bo'lgan intilishidagi shaxsiy faolligini oshirishga qaratilgan. U bilim olish uchun shaxsiy ijodiy izlanish qobiliyati va imkoniyatini shakllantiradi. Hozirgi talablarga ko'ra, o'qituvchi bilim berishda passiv ob'ekt bo'lib qolmaydi, balki o'quvchining mustaqil va ijodkor bo'lishiga intiladi. Insonparvarlik yondashuvi maktabni bolaning shaxsiyatiga, uning ichki oamiga, hali namoyon bo'lmagan qobiliyat va imkoniyatlariga e'tibor qaratadi.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Жураева Мухаббат Пиримқуловна,

Мирзаобод тумани 5-умумтаълим мактаби 1-тоифали бошлангич синф ўқитувчиси

Мактабда жисмоний тарбиянинг хилма-хил шакллари mavjud. Афсуски, бошлангич синфларда фақат дарс шаклини ташкил қилиш ва ўтказиш билан чекланиб қолинмоқда. Бу эса ўқувчиларда ҳаракатга бўлган талабларини қониқтирмайди. Педагогик кузатишларнинг кўрсатишича жисмоний тарбия дарслари жараёнида ўқувчилар ҳаёт учун зарур бўлган ҳаракат фаоллигини ниҳоятда кам қисмини оладилар. Ўзбекистон халқ таълими Вазирлигининг 1989 йил 30 январ, 45- сонли буйруғига биноан ҳафтасига 3 соат жисмоний тарбия дарсини ўтиш мўлжалланган эди. Лекин жисмоний тарбия ўқитувчилари бундан унумли фойдалана ололмадилар. Бундан ташқари дарсларни методик жиҳатдан тўғри ташкил қилинмаслиги (кўпчилик мактабларда бошлангич синф ўқувчилари билан жисмоний тарбия дарсини мутахассис бўлмаган ўқитувчилар ташкил қилади ва ўтказадилар), ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва жисмоний ривожланишини ҳисобга олмаган ҳолда машқлар танланиши натижасида ўқувчиларда жисмоний сифатларни тарбиялаш, ҳаракат малакаларини шакллантириш етарли даражада эмас.

Бошлангич синф ўқувчиларни жисмоний ривожлантириш учун зарур ва фаол дам олишига қаратилган тадбирлар: машғулотга ўтказиладиган гимнастика, катта танаффусларда қизиқарли ҳаракатли ўйинлар, умумтаълим дарслар жараёнида ўтказиладиган қувноқ дақиқалар ва бошқа тадбирларни ташкил қилишига эътибор берилмай қолди. Натижада ўқувчиларнинг ҳаракат фаоллиги, ишчанлиги тез пасайиб борадиган бўлди.

Мустақил Ўзбекистон Ресубликасининг стратегик вазифаларидан бири – келажакдаги барча эзгу ишларни амалга оширишга қадар бўлган жисмоний соғлом ва маънавий баркамол шахсни вояга етказишдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун ўқув ишларни режалаштиришда ва самарали олиб боришда янги хамда ижодий қарашимиз лозим, ишга ташаббускорлик билан ёндашишмоғимиз керак.

Демак, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар жисмоний тарбия тизимини ривожлантириш зарур, болаларни ҳаракат маҳоратини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш керак.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг тарбиясида, уларни жисмонан бақувват, ақлан баркамол бўлиб етишишларида жисмоний тарбия етакчи ролни ўйнайди. Бу муаммоларни ҳал этишда асосий ўрин болалар орасида, ўқитувчилар, ота-оналар ўртасида организмни чиниқтириш, гигиеник қоидалари ва талабларини ўргатиш ва тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тартиб этиш эгаллайди. Шу сабабли биринчи навбатдаги вазифа болаларни ҳар томонлама тўлиқ ривожланишига ёрдам бериш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш, етук шахс бўлишига ҳисса қўшишдир.

Ўқувчиларни жисмоний тарбиялашнинг турли хил шаклларида фойдаланиш мактабда нафақат жисмоний тарбия ўқитувчисининг вазифаси, балки бошлангич синф ўқитувчиларининг, мактаб жамоатчилигининг ва мактаб ёшлар уюшмаси фаолларининг ҳам бевосита вазифасидир. Аммо кўпгина мактабларда жисмоний тарбия давлат дастурида кўзда тутилгандек ташкил қилинмайди. Бунинг биринчи сабаби мактаб ўқитувчиларининг жисмоний тарбия масъул бўлганларнинг барчасида жисмоний тарбия

назариясига ва методикасига оид билимлар етарли эмас. Бу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган, методик адабиётлар ва қўлланмалар ҳам жуда кам.

Республикаимиз мустақиллигининг халқимизга берган энг буюк неъматларидан бири ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга берилаётган катта эътибордир. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» номли маърузасида ҳар томонлама ривожланган етук ва баркамол авлодни вояга етказиш, жисмоний камолотни шакллантиришга ва тараққий эттиришга алоҳида аҳамият бериш, омма орасида жисмоний тарбия ва спорт маданиятини юқори савияга кўтариш лозимлигини алоҳида уқтириб ўтган.

Кейинги йилларда болалар спорти ва жисмоний тарбияни ривожлантиришга катта эътибор берилаётгани ҳаммамиз учун қувонарлидир. Аммо шунга қарамай ҳали таълим муассасаларида болаларнинг жисмоний тарбиясини тўғри ташкил этиш борасида қатор муаммолар мавжуд.

Олинган маълумотларга кўра бошланғич синф ўқувчиларининг жисмоний жиҳатдан соғломлик даражаси қониқарли эмаслиги кўпгина мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Илмий тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларга кўра бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг тўртдан уч қисми бирданига ортиқча ўқув юктамалари билан банд этилганлиги оқибатида одатдаги ўқув предметларини ўзлаштиришга қийналмоқдалар.

Сир эмаски, кўпинча бошланғич синф ўқитувчилари биринчи синфга келган ўқувчиларининг саводини тезроқ чиқариш, уларни ёзишга ва ўқишга, ҳисоб-китобга тезроқ ўргатиш учун ёзув, ўқиш ва математика машғулотларига асосий эътиборни қаратадилар-да, аксинча, болаларнинг қизиқиши ва эҳтиёжи кўпроқ сезиладиган жисмоний тарбия, мусиқа, меҳнат каби машғулотларни иккинчи ўринга суриб қўядилар. Бунинг натижасида бошланғич синф ўқувчиси ривожланишида ҳам жисмоний, ҳам психологик носозликлар вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида боланинг мактабдан, ўқишдан тез бешиб қолишига сабаб бўлади. Мактаб унинг учун ўз имкониятларини намоиш этадиган, билиш, ўқиш ва ўрганиш эҳтиёжларини қондирадиган, уни такомиллаштиришга бўлган интилишини қаноатлантирадиган жой эмас, балки уни ҳар томонлама эзиб қўядиган зиндонга айланади.

Бошланғич синф ўқувчисининг жисмоний хатти-ҳаракатларга бўлган эҳтиёжининг юқорилиги унинг ёш ва физиологик хусусиятлари билан асосланади. Бу даврда боланинг суяк-мускул тизими шаклланишда давом этиб, унинг организмида суяклашиш даври кечаётган бўлади. Ана шу ҳолатнинг ўзи унинг жисмоний хатти-ҳаракатларга бўлган эҳтиёжини оширади. Кўп ақлий меҳнат талаб этадиган машғулотларда вақти-вақти билан физкультурдақиқаларни ўтказиб туришнинг ўзигина боланинг юқорида айтиб ўтилган эҳтиёжларини қондириш учун етарли ҳисобланмайди. Ҳатто ҳафтада икки марта ўтказиладиган жисмоний тарбия машғулотларининг ўзи ҳам ўқувчиларда жисмоний кўникмаларни, қолаверса, жисмоний маданиятни талаб даражасида шакллантириш учун етарли эмас.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, бугунги кунда бошланғич синф ўқувчиларининг фақат 9%и - юқори даражадаги, 57%и – ўрта даражада, 34%и – паст даражадаги жисмоний кўрсаткичларга эга.

Т.В.Корнееванинг фикрича, 95,3% бошланғич синф ўқувчилари дарсдан ташқари пайтларда жисмоний машқлар билан шуғулланмайдилар, 87,8 %и эса эргалабки бадантарбияни бажармайди, фақат 12% болалар ота-оналари билан фаол дам оладилар.

Бу кўрсаткичлар, албатта, бизни ташвишга солади. Ўқувчиларда бошланғич синфдан, ҳатто ундан ҳам олдинроқ жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш кўникмаларини шакллантириш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш фақат таълим муассасаларининг эмас, балки таълим-тарбия иши билан шуғулланадиган барча ижтимоий институтлар – оила, мактаб, маҳалла, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқ-тарғибот органларининг биргаликдаги баҳамжиҳат фаолият кўрсатишларига боғлиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, барча ижтимоий институтлар ишини болаларда жисмоний маданиятни шакллантиришга оид зарур методик кўрсатмалар ва тавсиялар, зарур билимлар билан қуроллантирадиган ташкилот – бу таълим муассасаларидир. Таълим-тарбия иши билан шуғулланадиган мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги ва малакасини юқори даражада такомиллаштириш ҳам муаммонинг ечимини топиш учун асосий шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларида жисмоний кўникмалар ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий воситаси бу жисмоний тарбия машғулотларидир.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Абдурахманова Дилфуза Бахрамовна
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 16- умумтаълим
мактаби бошланғич таълим ўқитувчиси*

Хозирги даврда мамлакатимизда таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлиқ янги имкониятлар яратиб берилмоқда. Таълимни анънавий усуллари урнида интерфаол усулларни қўллаш орқали уни самарадорлигига эришиш долзарб булиб турибди.

Инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Бундай бўлишини сабабларидан бири, шу вақтгача

анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий педагогик технологиялар дарс жараёнига тадбиқ этишда эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерфаол усуллар ўқувчиларни билимли, кўникма ва малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган кизикиш, кундан-кунга ривожланиб бормокда. Бундай бўлишини сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий педагогик технологиялар дарс жараёнига тадбиқ этишда эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерфаол усуллар ўқувчиларни билимли, кўникма ва малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Интерфаол методлар бу-жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари узига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва бошлагич синф ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлиб, биргаликда фаолият курсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни узига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга куйидагилар қиради:

- ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- ўқувчиларни ўқув жараёнида фанга ва билим олишга бўлган кизикишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- ўқувчининг билимга бўлган кизикишини мустақил равишда бажариши ва ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;

Педагог ва ўқувчиларнинг ҳаммиса ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилиниши назарга тутилади..

Жамият таракқиёти ҳеч қачон тухтаб қолмайди, унинг Гилдираги доимо олдинга қараб айланаверади, бу албатта табиий, тарихий жараёндир. Шунинг учун ҳам биз ўқитувчилар бу борада илғор педагогик таҳнологияларни дарс жараёнига кенг тадбиқ этишимиз даркор. Дарс жараёнида ўқувчиларга таълим- тарбияни биргаликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи ўқувчиларни маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятларини шакллантириши, уларда миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишини таъминлаши зарур.

Биз биламизки «Педагогика» таълим - тарбия ҳақидаги фан сифатида тарбиянинг моҳиятини тушунишини ва унинг қонуниятларини очиқ бериши ҳамда шу орқали инсон манфаатлари тарбия жараёнига таъсир этишини назарда тутати. Бу албатта қўпгина муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради. Илғор педагог мураббийлар тажрибаси билан бир қаторда оддий ўқитувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўрганиб борилади. Чунки тажрибаларни ўрганиш жараёнидаги муаммо: ютуқ ва камчиликлар аниқланади. Бунда қўзатиш, интервью олиш, анкеталаштириш, ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки ҳамда амалий ва ижодий ишлари, педагогик ҳужжатларни ўрганиш методларидан унумли фойдаланилади.

Ўқитувчи-ўқувчи дарснинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган, бунда ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан: натижага эришиш учун балким фильм, тарқатма материал, қизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, бўлар ўқитувчи ва ўқувчига боғлиқ.

Ўқитувчи ўқитиш жараёни олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнида педагог ўқув предметининг узига хос томонини, жой ва шароитини, энг асосийси, ўқувчининг имқонияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина, керакли қарор қабулланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ўқувчини таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда қилма - қилдир. Булар янги интерфаол усуллар ва таълим методлари ҳамда ҳозирда дарс жараёнида қўлланиладиган янги педагогик технологиялар шулар жумласидандир. Шу билан биргаликда айтиш лозим-ки, юқорида келтирилган замонавий методлар, ёки ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглardan кенг фойдаланилса, ўқувчиларда манткий, ақлий, ижодий, танқидий ва мустақил фикрлаш шаклланади. Айниқса, ўқувчиларни қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардор, етуқ мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга қаракли бўлган қасбий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради.

SIFATLI TA'LIM-TARBIYA – BOSH MAQSADIMIZ.

Ataboyeva Gulnoza Botirovna Sirdaryo viloyati

Guliston shahar 13- umumiy o'rta ta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Ayni paytda o'qitish samaradorligini oshirish, o'quvchilarning davlat ta'lim standartlarida belgilangan bilim, ko'nikma va malakalarni to'la egallashlariga erishish, mustaqil bilim olishlarini ta'minlash, iqtidorli, iste'dodli hamda ayrim fanlarni o'zlashtirishi qiyin bo'lgan o'quvchilarga individual yondashish, bolalarning eng

yaxshi fazilatlarini rivojlantirish, yoshlarning qiziqishi, ehtiyoji, qobiliyati, intellektual xususiyati va shaxsiy sifatlarini aniqlagan holda darslarni tashkil etishga jiddiy e'tibor qaratish dolzarb vazifalardandir.

Ta'kidlash joizki, bugungi kunda ta'lim mazmunini yangilash, takomillashtirish, o'qitish samaradorligini va o'qituvchilarning kasbiy mahoratini oshirish, ilg'or tajribalarni keng ommalashtirish bo'yicha muayyan ishlar amalga oshirilayapti

Xususan, mustaqillikning dastlabki yillaridan boshlab ta'lim jarayonini ilmiy-metodik jihatdan ta'minlash, yangi avlod darsliklarini yaratish, DTS va o'quv dasturlarini takomillashtirish davlat siyosati darajasiga ko'tarildi va Kadrlar tayyorlash milliy dasturi orqali qonuniy asosga ega bo'ldi. Barcha fanlardan yangidan-yangi ta'lim texnologiyalari va interfaol usullar ishlab chiqilib, muntazam modernizatsiyalashtirilmoqda.

Iqtidorli bolalarning qobiliyatini erta aniqlash va rivojlantirish, iste'dodli, izlanuvchan, ijodkor pedagoglarni qo'llab-quvvatlash, ularning ilg'or tajribalarini ommalashtirish, ta'lim muassasalarida o'quv-tarbiya jarayonining zamonaviy talablar darajasida tashkil etilishini ta'minlash, o'qituvchilarning pedagogik mahoratini oshirish maqsadida fan olimpiadalari, bilimlar bellashuvi, "Ingliz tili bilimdonlari", "Prezident asarlarini o'rganamiz", "Huquq bilimdonlari", "Soliq bilimlari — bolalarga", "Yilning eng yaxshi fan o'qituvchisi" kabi ko'rik-tanlovlar va fan oyliklari o'tkazilib, o'qituvchi va o'quvchilarning ijodiy izlanishi uchun keng imkoniyat yaratilmoqda.

Boshlang'ich ta'lim sifatini oshirish, sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish, yurtimizda amalga oshirilgan keng ko'lamli islohotlarning mazmun-mohiyatini pedagoglarga yetkazish maqsadida joriy yilning 13–14-iyul kunlari "Boshlang'ich ta'limni modernizatsiyalash orqali o'quv-tarbiya jarayonining sifati va samaradorligini oshirish" mavzusida boshlang'ich ta'lim o'qituvchilari uchun respublika forumi o'tkaziladi.

Boshlang'ich ta'lim bolalarga beriladigan umumiy ta'limning dastlabki bosqichidir. Bu jarayonda bolalar atrof-dunyo haqidagi ilk bilimlarni egallaydilar, o'zlarida muloqot va amaliy masalalar borasidagi ko'nikmalarini shakllantiradilar. Aynan shu bosqichda bola shaxs sifatida shakllana boshlaydi, bu esa o'z navbatida boshlang'ich ta'limning davlat va jamiyat taqdirida ham qanchalik muhimligini belgilaydi. Bejizga emas, 2013-yilning noyabr oyida xalq ta'limi vaziri U.I. Inoyatovning "Boshlang'ich ta'lim samaradorligini oshirish" bo'yicha qarorlari chiqdi. Bu o'z navbatida boshlang'ich ta'lim o'qituvchilari oldiga katta bir mas'uliyat, o'z ishiga sidqidildan yondoshish va o'zidagi bor bilim, salohiyat, ijodiy potensialni turli qulay yo'llar, usullar orqali yosh avlodga yetkazishni taqazo etadi. Boshlang'ich ta'lim o'qituvchisi bolalarning yoshi va psixologik xususiyatlarini puxta o'rgangan holda ta'lim-tarbiya samaradorligini oshirish ustida tinimsiz izlanishi, bor mahoratini ishga solishi lozim.

Mahorat- o'qituvchining ijodkorlik darajasidir. Mahorat 4 turga bo'linadi:

1. O'qituvchining o'quvchilar bilan o'zaro ta'sirni tashkil etish darajasi. Ya'ni, o'qituvchining o'quvchilar jamoasi bilan qulay, pozitiv hamkorlik muhitini, psixologik aurani yaratish darajasi. Masalan, darsni ochiq chehra bilan, bolajonlarim barchangiz sog'lommisiz? Omonmisiz? Bilim olishga, yangidan-yangi qiziqarli ma'lumotlarni olishga tayyormisiz?... kabi rag'batomuz tashbehlar bilan boshlash.

2. Optimallashtirish darajasi. Ya'ni, bilim olishni turli metod, texnologiyalardan unumli, sinf o'quvchilarining intellektual salohiyatidan kelib chiqqan holda qulaylashtirish, ulardan mohirlik bilan foydalanishdir. Masalan, matematikada 10 likdan o'tib ayirishni o'rgatishda "qo'shnikkiga yordam so'rab chiqamiz, ya'ni qarz so'raymiz" deb tushuntiramiz. Ayni vaqtda tarbiyaviy daqiqa o'tkazib, matematikada qarz olib qaytarmaslik mumkin, hayotda esa olgan qarzlarni o'z vaqtida qaytarish insonning ibratli fazilatlaridan ekanligini tushuntirib o'tishimiz lozim. Mana shunday hayotiy misollar, solishtirishlar orqali mavzuni yaxshiroq anglashga erishishimiz mumkin.

3. Evristik daraja. Ya'ni, o'quvchilar bilan jonli muloqot sharoitida ular uchun qulay ijodiy imkoniyatlar yaratiladi. Buni "Pushti bodring" misolida tushuntiraman. Tasviriy san'at darsi edi, o'quvchilar sabzavotlardan bodring tasvirini ishlayotgan edilar. Qator oralab bolalarni ishlarini kuzatib yurganimda orqa parta tomondan qattiq kulgu eshitildi. Sababini surishtirsam, o'quvchilarimdan biri Rasul chizgan bodringini pushti rangga bo'yab qo'yganiga guvoh bo'ldim. Avvaliga kulgim keldi, ammo Rasulni ko'ngli cho'kib qolishidan qo'rqdim va bu o'quvchimning boshqalarga o'xshamasligini his qildim. Hali ham kulishdan to'xtamayoygan bolalarga qarata esa: bunday ajoyibotlar hayotda uchrab turishini, balki sinfdosh o'rtoqlari kelajakda bodringning aynan shunday turini yaratuvchi selliksioner, yoki biolog olim bo'lishi mumkinligini atganimda o'quvchilar Rasulga masxara emas, balki havas nazari bilan qarayotganlarini payqadam.

4. Shaxsiy-mustaqil daraja. Bunda o'qituvchi o'z sinfining intellektual darajasidan kelib chiqqan holda o'zi yaratgan yangiliklar, uslublardan unumli foydalanadi. Ya'ni o'quvchilar mustaqil ravishda turli axborot vositalaridan olgan yangiliklari, xabarlar to'g'risida o'z sinfdoshlariga so'zlab beradilar, bu orqali jamiyat hayotida va dunyoda bo'layotgan o'zgarishlardan bohabar bo'lib, o'z dunyoqarashlarini kengaytirib borishga erishadilar.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISHNING DIDAKTIK SHART-SHAROITLARI

Bekboyeva Nafiza Jaxongirovna

Sirdaryo viloyati Bovovut tumani 34-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi.

Ma'lumki, maktab bu o'quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatini shakllantirish o'chog'idir. Ammo, o'quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish jarayonlari asosan odobnoma darslari yoki darsdan tashqari sharoitlarga mo'ljallab amalga oshiriladi, to'g'ri, bu pedagogik shart-sharoitlar sifatida o'quvchilarning

ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish vositalari sifatida muhim ahamiyatga ega jarayondir. Vaholanki, o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirishning maqsad va vazifalarini hal etishda asosiy tashkiliy shakl – bu darsdir.

Ko`zlangan maqsadni faqat odobnoma darslarida emas, har qanday fanni o`tish jarayonida ham amalga oshirish mumkin. Boshqacha qilib aytganda, ta`lim va o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish bu yaxlit, bir butun pedagogik jarayondir.

3-4-sinflarda barcha fanlarni o`qitishda didaktik maqsadlar bilan bir qatorda o`qituvchi o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish maqsadini ham aniq belgilab olishi va ularni hal etishi lozim. Masalan, matematika-o`quvchilarning aqliy jihatdan ijodiy fikrlash qobiliyatlarini, o`qish, ona tili-boshlang`ich sinf o`quvchilarida ijodiy fikrlash qobiliyatlarini aniqlashning, tabiatshunoslik-o`quvchilarning ekologik jihatdan, texnologiya darsi-o`quvchilarning iqtisodiy va mehnatga oid ijodiy fikrlash qobiliyatlarining, musiqa-estetik tasviriy san`at-o`quvchilarning badiiy jihatdan ijodiy fikrlash qobiliyatlarining asosiy vositalari bo`lib xizmat qiladi. Amaliyotda ko`pchilik 3-4-sinf o`qituvchilari nafaqat o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish, hattoki ta`limiy maqsadlarni ham oldindan aniq belgilay olmaydilar. Ularning dars-reja ishlanmalarida o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish maqsadlari qo`yilmaydigan hollar ham uchrab turadi. Ular belgilab olingan taqdirda ham umumiy xarakterga ega bo`ladi. Masalan, darsning o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish maqsadida «boshlang`ich sinf o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini aniqlash», «o`quvchilarning ekologik ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish» kabi umumiy tushunchalar bilan cheklanadi. Bir soatlik dars davomida bu borada ko`zlangan maqsadga erishish mumkin emasligini har qanday pedagog tushunadi. Demak, o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirishdan ko`zlangan maqsad aniq qo`yilishi, u darsning o`quv materialini mazmunidan kelib chiqib oldindan aniq belgilanishi lozim.

O`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish maqsadi dars jarayonida qanchalik aniq bo`lsa, unga erishish yo`llarini tanlash ham shunchalik qulay bo`ladi. Yuqorida o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish maqsadlariga erishish uchun 3-4-sinf o`qituvchisi suhbat, hikoya, namuna, uyaltirish, topshiriq, mashq, rag`batlantirish kabi o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlari usullaridan foydalanishi mumkin. Masalan, «Sen ham o`rtog`ingga yoki ukangga sumkangandan, qo`lingdagi shirinliklardan berasanmi yoki bermaysanmi?», degan savol bilan murojaat qilib, o`qituvchi ayrim boshlang`ich sinf o`quvchilaridan aniq javob olishi, ayrimlarini uyaltirishi mumkin.

Ma`lumki, o`qish, ona tili darslari o`z mazmun va mohiyatiga ko`ra kuchli boshlang`ich sinf o`quvchilarida ijodiy fikrlash qobiliyatlari aniqlash vositalaridan sanaladi. Ushbu fanlar dars mavzulari, Vatanni madh etuvchi, do`stlik, to`g`rilik, halollik, jasurlik, mardlik, ezgulik singari g`oyalarni ilgari suruvchi o`quv materiallariga bo`ydir. Undagi ertak, doston, hikoya, rivoyat, maqol, topshiriq, she`r, badiiy asar matnlarida kishining insoniy fazilatlari yuksaklarga ko`tarilib, salbiy fazilatlar esa qoralanadi. O`qituvchi bolalarning badiiy qahramonlarining ijodiy fazilatlaridan namuna olishlari, salbiy fazilatlaridan esa nafratlanishlari, ularning qarashlarini chuqur tushunib etishlari uchun o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirishning milliy usullaridan ham foydalanish kerak.

Kichik yoshdagi maktab o`quvchilarini o`quv jarayoniga moslashtirish, ularning fanlarni yaxshi o`zlashtirishlarini ta`minlash uchun maktab psixologlari o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish borasidagi ishlarni hamda yakka holda yondashuv uslublarini amalga oshirishsa ma`qul bo`lardi. Kichik yoshdagi bolalarning oila a`zolari bilan bo`ladigan o`zaro munosabatlarini maqsadga muvofiq tashkil qilish uchun ayniqsa, qishloq oilalaridagi o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirishga o`g`il bolalarning ham otasiga, ham onasiga nisbatan bo`ladigan munosabatlariga alohida e`tibor berish, o`z navbatida ota-onalarning o`g`illariga nisbatan hissiy munosabatini oshirish, ular bilan ko`proq amaliy muloqotda bo`lishliklarini ta`minlash zarur.

Demak, ta`lim mazmunida kichik yoshdagi maktab o`quvchilari ongiga milliy g`urur, inson sha`ni, insonga mehr-muhabbat, vatanparvarlik, odamiylik, to`g`rilik, mardlik kabi insonparvarlik g`oyalarini singdirish muhim ahamiyatga ega. Ma`lumki vatanparvarlik iymon, e`tiquod va vijdon amri bilan vatan oldidagi mas`uliyat hissini, muqaddas burchni anglashdir. Vatanparvarlik, Vatanga hurmat va muhabbat bilan bog`langan tuyg`u sifatida shakllanadi. Kichik yoshdagi o`quvchilarning ijodiy fikrlash qobiliyatlarini tarbiyalashda o`zbek xalq maqollari va she`riyat ham muhim o`rin tutadi. Birinchi sinfga kelgan o`quvchi savod o`rgatish davridayoq, dastur talabiga muvofiq atrof-muhitni kuzatishi va sayohatlar vaqtida tevarak-atrof haqida jonli taassurotlar olishi kerak. Bu bolalar tasavvurini kengaytiradi, so`z boyligini oshiradi, nutqini o`stiradi.

BOSHLANG`ICH SINIF O`QISH DARSLARIDA INTELEKTUAL O`YINLARNING O`QUVCHILAR KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISHDAGI O`RNI

*Bekboyeva Onabibi Jaxongirovna
Sirdaryo viloyati Bovovut tumani 34-umumta`lim maktabi boshlang`ich sinf o`qituvchisi.*

Yosh avlodni hozirli zamon fani asoslari bilan qurollantirish orqali ularni aqliy, ma`naviy, g`oyaviy jihatdan maksimal darajada rivojlantirishda erishish umumta`lim muassasalari oldida turgan eng muhim vazifalardan biridir.

Intelektual o`yinlar orqali bolalar bilim oladilar, topqirlik va hishyorlikka o`rganadilar. Ayniqsa o`yinlarni hayotga bog`lab musobaqa tarzida tashkil qilish bolalar faolligini va qiziquvchanligini yanada oshiradi.

Ta'limning o'yinli faol texnologiyalar zamirida o'quvchining maktab ta'lim-tarbiyasiga majburiylik, hadiksirab qarashdan, o'qituvchi ko'rsatmalarini aynan takrorlashdan xalos etish, uni ta'lim jarayonining faol subyektiga aylantirish g'oyasi yotadi.

Ta'lim jarayonida uyushtiriladigan intellektual o'yinlar ham o'quvchilar tafakkurini rivojlantirishga asosiy vosita sanaladi. Unga dam olish yoki vaqt o'tkazish vositasi emas, balki ta'lim beruvchi faoliyat sifatida qarash lozimdir. E'tiboringizga intellektual o'yinlarning ayrimlarini havola etamiz:

“Meni tushun” o'yini.

Sinf kichik guruhlariga birlashtiriladi. O'qituvchi har bir guruhning bir a'zosi qulog'iga biror mavzuga oid so'z aytadi. Buni eshitgan o'quvchi sherigi qulog'iga nima tushungan bo'lsa shuni aniq tasvirlab uning xususiyatlarini to'la bayon qilishi lozim. Masalan:”Bo' rining tabib bo'lgani haqida ertak” mavzusi asosida o'qituvchi “Bo'ri”:

1. Yirtqich hayvon, itga o'xshaydi.
2. Quyvon va qo'y go'shtini yaxshi ko'radigan yirtqich hayvon
3. “Senimi shoshmay tur” multfilmining katta qahramoni.....

Guruhdagi oxirgi o'quvchidan eshitgan ta'rifdan nimani tushungani so'raladi: „Bo'ri” deb javob bersa to'g'ri, boshqacha bo'lsa, qaysi guruh ishtirokchilari bir-birlarini tushunishda xatoga yo'l qo'yanligi aniqlanadi.



2-guruhga quyvon, 3-guruhga tulki, 4-guruhga she'r so'zlari beriladi.



Bular ham yuqoridagidek davom etib yakunida to'g'ri va noto'g'riligi aniqlanadi.

“Gapni davom ettir” o'yini

Bu o'yinning qoidasiga ko'ra o'qituvchi bitta qisqa gap aytadi. Boshqa o'quvchilar aynan shu gapga so'z qo'shib boraveradi.

Masalan :

Bahor keldi.

O'lkamizga bahor keldi.

O'lkamizga go'zal bahor keldi

O'lkamizga zumrad, go'zal bahor keldi.

O'lkamizga zumrad, go'zal bahor erta keldi



“Maqollar zanjiri” o'yini

Guruhlarga turli yo'nalishlarda belgilangan vaqt oralig'ida maqollar topishlari so'raldi. Qaysi guruh ko'p maqol topsa, g'olib sanalishi aytili.

Yo'nalishlar:

1. Mehnat haqida

Mehnat baxt keltirar.

Mehnat qilsang rohat ko'rasan.....

2. Vatan haqida

Vataning tinch sen tinch.

Vatanni sevmog imondandir....

3. Odob-axloq haqida

Odobli bola elga manzur.

Bola aziz, odobi undan aziz.....

4. O`qish , bilim haqida.

Bilimdan ortiq boylik yo`q.

Bilimli ming yashar, bilimsiz bir yashar.....

Bu o`yinlar bolalarni fikrlash qobiliyatlarini rivojlantiradi, fanga oid va tayanch kompetensiyalarini shakllantirishda muhim jihatlardan biri sanaladi.

BOSHLANG`ICH SINIF ONA TILI DARSLARINI O`YINLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA TASHKIL ETISH

Bo`ranova Nilufar Xamroqul qizi Mirzaobod tumani

5-umumta`lim maktabi boshlang`ich sinf o`qituvchisi

Yoshlarni mustaqil bilim olishga o`rgatish bugungi kunning eng muhim va dolzarb vazifalaridan biridir . Bu, albatta, barcha sohalarida erishayotgan turli islohotlar kabi uzluksiz ta`lim tizimi mazmunini sifat jihatidan yangilash, ta`lim muassasalarida jahon ta`lim standartlari asosida o`qitish, savodxonlikni oshirish yuzasidan keng ko`lamli ishlar amalga oshirildi.

Ta`lim jarayonida uyushtiriladigan didaktik o`yinlar o`quvchilarda bilimlarini hayotda qo`llay olish hamda to`g`ri qaror qabul qilish ko`nikmalarini shakllantirish, hamda o`quvchilar tafakkurini rivojlantirish vositasi sanaladi. Didaktik o`yinlarga dam olish yoki vaqt o`tkazish vositasi emas, balki ta`lim beruvchi faoliyat deb qarash lozimdir. Quyida boshlang`ich sinf ona tili darslarida uyushtiriladigan didaktik o`yinlar va ularning mustaqil fikrlash bilan bog`liq o`ziga xos xususiyatlari haqida fikr yuritamiz.

Tinch o`yinlar

«O`zim tekshiraman». Bunday o`yinlarni o`tkazishda kichik hajmdagi diktant matni tanlanadi va u darsning kirish qismida uyushtiriladi. O`qituvchi o`quvchilarga kichik hajmdagi diktant yozdiradi. Barcha o`quvchilar yozib bo`lishgach, o`qituvchi xattaxtaga diktantni yozib ko`rsatadi. Mabodo diktant oldin xattaxtaga yozilib, usti yopib qo`yilgan bo`lsa, o`qituvchi pardani ochadi. O`quvchilar esa unga qarab o`zlari yozgan diktantni tekshiradilar. Bunday diktantlarni alifbe davrida ham qo`llash mumkin bo`lib, o`qituvchi avvaliga faqat harflardan, so`ngra (undosh harflar bilan tanishtirilgach) bo`g`inlardan iborat quyidagicha turli variantlarda diktant yozdirsa, o`quvchilarning o`quv-biluv malakalari shakllana boradi.

1-variant: O,o, I,i, U,u, A,a, O`,o`.

2-variant: -Lo, -no, -to, -mi, -un, -in.

3-variant: Bola, lola, ona, zar, par.

4-variant: Bugun havo issiq.

«Hikoya». O`qituvchi xattaxtaga bir nechta so`z yozib qo`yadi. O`quvchilar mustaqil ravishda shu so`zlar ishtirokida hikoya tuzadilar. Shu jarayonda ularning lug`at boyligi oshishi bilan birga, gaplarni to`g`ri tuzish, tovushlarni to`g`ri talaffuz qilish, ijodiy va mustaqil fikrlash qobiliyati shakllanadi.

O`qituvchining vaqti-vaqti bilan rag`batlantirishi o`quvchilarning o`ziga bo`lgan ishonchini orttiradi. Bu o`yindan darsdan tashqari mashg`ulotlarda, to`garaklarda ham bimalol foydalanish mumkin. Masalan: Nafisa, soat, yomg`ir, kitob.

«U kim? Bu nima?». Stol ustiga bir qancha predmetlar terib qo`yiladi. O`qituvchi shu predmetlardan birortasini ta`riflaydi. O`quvchilar shu belgilar asosida gap nima haqida borayotganligini topadilar.

Bu o`yinning afzallik tomoni shundaki, uni dars davomida o`quvchilar diqqatini jamlash, qo`llariga dam berish maqsadida yoki yangi tovushlar bilan tanishtirish, yangi mavzuni bayon qilish jarayonida foydalanish mumkin.

Bu o`yin o`quvchilarda ziyraklik, sinchkovlik sifatlarini va mustaqil fikrlash qobiliyatlarini shakllantirishga imkon beradi.

Masalan: U shar shaklida. Uni mashhur sportchilarimiz ham stadionlarda o`ynaydilar. U yosh bolalarning ham sevimli o`yinchog`i. (javob: koptok).

«Bo`lishi mumkin emas». O`yin davomida o`qituvchi matnni o`qiydi. O`quvchilar bo`lishi mumkin bo`lmagan voqealar ifodalangan jumla yoki gapni topishlari lozim.

Hazil-mutoyiba bilan o`tdigan bu o`yin ziyraklik, sinchkovlik va kuzatuvchanlikni talab qilishi bilan birga, hikoya tinglash ko`nikmasini shakllantirishga ham yordam beradi. Bu o`yin bir necha marta o`tkazilgach, keyinchalik o`quvchilarga mustaqil ravishda shunday hikoyachalar tuzishni ham topshirish mumkin.

Namuna: Dushanba dam olish kuni bo`lgani uchun Olim maktabga bormadi. U singlisi Vazira bilan hayvonot bog`iga bordi. Ular hayvonot bog`ida suvda suzib yurgan sherni, qafasda sayrayotgan baliqlarni va kattakon vahshiy bulbulni ko`rdilar.

«Davom ettir». Bu o`yinda o`qituvchi hikoya boshlaydi. O`quvchilar uni mustaqil davom ettiradilar. Bunda o`quvchilarda ijodkorlik, mustaqil fikrlash qobiliyati rivojlanib, bayon yoki insho kabi ijodiy ishlar yozish ko`nikmasi rivojlanadi va so`z boyligi ortadi. Bundan tashqari, ularda o`ziga ishonch hissi shakllanib boradi.

«Davom ettir» o`yinidan ona tili, o`qish darslarida yoki darsdan tashqari mashg`ulotlarda foydalanish mumkin.

Masalan: «Bugun men barvaqt maktabga kelayotganimda ... ».

«O'yin-topishmoq». Bu o'yindan darsning ma'lum bir qismida kichik hajmda yoki darsdan tashqari mashg'ulotlarda katta hajmda foydalanish mumkin. U quyidagi tartibda o'tkaziladi. O'qituvchi biror bir narsani topishmoqlar yoki so'zlar vositasida uch marta ta'riflaydi. Birinchi ta'rif murakkab, ikkinchi ta'rif engilroq, uchinchi ta'rif esa juda engil bo'ladi. Birinchi ta'rifdanoq to'g'ri javobni topgan o'quvchiga «3» ball, ikkinchi ta'rifda to'g'ri javobni topgan o'quvchiga «2» ball, uchinchi ta'rifda to'g'ri javobni topgan o'quvchiga esa «1» ball beriladi. Bu o'yinni bir o'quvchi bilan og'zaki yoki ko'pchilik o'quvchilar bilan yozma ravishda o'tkazish mumkin. Bunday o'yinlar o'quvchilar uchun qiziqarli bo'lib, ularning fikrlash darajasini aniqlash va rivojlantirishga yordam beradi.

Masalan:

1-ta'rif: Aytishlaricha, u shunaqa oq ko'ngil ekanki, mabodo biror kishini chaqib qo'ysa, xafa bo'lganidan, o'zi halok bo'lar ekan.

2-ta'rif: U hashorotning nomiga shirinlik nomi ham qatnashgan.

3-ta'rif: Guldan-gulga qo'nar u,

Sharbat yig'ib jo'nar u.

Yig'ib o'zi yemaydi,

Uyasiga to'playdi.

Hosili men-u senga,

Kim nomin aytar menga?

(Asalari)

Demak, didaktik o'yinlar o'quvchilarning darsga bo'lgan qiziqishlarini oshirishga yordam beradi. Shu orqali o'tilayotgan mavzuni oson va tez tushunib oladilar. To'g'ri tashkil qilingan didaktik o'yin o'quvchini dars jarayonining faol ishtirokchisiga aylantiradi, uni zerikishdan va toliqishdan asraydi. Didaktik o'yinlar o'quvchilarda mustaqil fikrlash ko'nikmalarini rivojlantiradi, ularda adabiy talaffuz ko'nikmasini shakllantiradi.

INTEGRATSION TA'LIMNING SAMARADORLIGI VA RIVOJLANTIRISH YO'LLARI

Boymatova Moxira Qo'chqorovna Sirdaryo viloyati Guliston shahar 13-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Integratsiya atamasi lotincha “butun, bog'lam” degan ma'noni bildiradi. Integratsion ta'lim esa bir dars jarayoniga bir nechta fanni qamrab olgan holda darslarni tashkil qilish hisoblanadi. Ta'lim jarayonida integratsiyaning ahamiyati shundaki, yosh maktab o'quvchilari bizni o'rab turgan olamni bir butunlikda deb qabul qilinishiga erishish, fanga doir bilimlarni umumiy jihatlarini yaqinlashtirishdir.

Ta'lim integratsiyasining bosh maqsadi- shaxsni har tomonlama kamol topishini ta'minlash hisoblanib, bolani intellektual va ma'daniy rivojlantirishning muhim omili hisoblanadi. Boshlang'ich sinflarda integratsiya asosan tabiat, mehnat, o'qish fanlarini yaxlitlikda qarash, tabiat va matematika fanlarini uzviy aloqadorligi kabi yaxlitlash mumkin. Bu albatta o'qituvchining mahoratiga bog'liq. Integratsiyaning mazmun mohiyati quyidagi Farididdin Attorning fikrlarida aks etgan “Bu ro'yi zaminda mayda narsaning o'zi yo'q hamma narsa bir-biriga bog'liq va bir- birini to'ldiradi.”

Integratsiya o'quvchi bilan individual ishlash va uni faollashtirishning muhim vositasidir. Fanlararo aloqani darslarda tashkil qilish natijasida o'quv fanlarining soni kamayib, samarasi puxta bo'ladi, tahsil oluvchilarni mustaqil ishlashga jalb etish oson kechadi.

Integratsiyalashgan darslarni tashkil qilish orqali bahs-munozara qildirish, mustaqil tarzda ijodiy mulohaza yuritishga o'rgatish, guruhlararo musobaqa, savol- javoblar tashkil qilish mumkin. Bunday zamonaviy dars turlarini tashkil qilishdan maqsad o'quv jarayonida o'quvchilar faoliyatini faollashtirish o'quv materialini o'zlashtirishning yuqori darajaga chiqarishdan iborat.

Ayniqsa boshlang'ich sinflarda integratsiyalashgan darslarni tashkil qilish imkoniyati ko'proq bo'lib, o'qituvchi buni har bir darsida ma'lum darajada qo'llaydi. Masalan o'qish darsini misol sifatida oladigan bo'lsak: mavzu “serquyosh o'lka” she'ri. O'qituvchi avvalo o'zbekiston haqida, bu yurtning tabiati, quyoshli o'lkada pishib yetilgan mevalar ularning go'zalligi haqida savol-javob o'tkazishi, suhbat uyushtirishi, o'qilgan she'rning ot, fe'llarni topib uni sinonimlarini topib tahlil qildirish mumkin. O'qish darslarini ona tili, odobnoma, shuningdek rasm, tabiatshunoslik mehnat fanlari bilan bog'lab o'qitish uchun modulli dars texnologiyalariga amal qilish kerak. Chunki bunday darslar o'quvchilarni ijod qilishga mustaqil fikrlashga o'rgatadi.

Dars o'tishdagi asosiy shartlardan biri- sinfda o'qituvchi va o'quvchilar mutanosib muhitini yaratish zarur. Yil va chorak mavzusi “Devorlardagi sur'atlar” Hayvonot va o'simliklar dunyosi” paydo bo'ladi, bularni o'quvchilar o'ylab topishadi. Buning uchun turli badiiy va texnik vositalar, ma'lumot beruvchi nashrlar, ensiklopediyalar kerak bo'ladi.

Fanlar integratsiya qilib dars o'tilganda quyidagilarga e'tibor berish kerak

-har bir dars muayyan maqsadga yo'naltirilgan bo'lishi kerak

-fanlararo aloqalarga oid tanlangan qo'shimcha ma'lumot o'tiladigan mavzu bilan bog'lanishi shart.

-sinf o'quvchilari faolligini oshirish maqsadida ular bilan ishlash yo'llarini aniqlash zarur.

Integratsiyalashgan dars maqsadi yuqoridagilarga qamrab olingan jarayon nazorat qilinadi. Qo'yilgan fikrlarni shakllantirish o'quvchining talabiga, qi ziqishiga, intilishiga ko'ra rivojlantiriladi.

O'qituvchi qachon va qanaqa fanlarni integratsiyalashni bilishi zarur. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini o'qitishda dars samaradorligiga erishishda integratsiyaga e'tibor berish zarur. Har bir sinfda fanlarni integratsiyalash har xil bo'ladi.

1-sinfda quyidagi fanlarni integratsiyalash mumkin: o'qish, yozuv, tasviriy san'at va mehnat. 1-sinfda integratsiyalash alohida ahamiyatga ega, chunki maktabda o'qish jarayoniga endi kirishgan o'quvchi faqat o'qish va yozishdan zerikadi. Bu esa o'quvchini maktabdan bezishiga va o'qishga qiziqishi pasayishiga olib keladi. 1 - sinf o'quvchisida birinchi darslardayoq o'qishga bo'lgan istak yo'q bo'lmasligi kerak. Uning ko'zlaridagi uchqun so'nmasligi lozim. Yuqorida aytib o'tilgan fanlarni mahorat bilan integratsiyalashtirgan o'qituvchining darsida bolaning hech qachon darsga qiziqishi so'nmaydi.

2-sinfda o'qish, ona tili, tabiatshunoslik, tasviriy san'at fanlarini integratsiyalash mumkin. 3-4-sinflarda esa bu fan doiralari yanada kengayishi va ko'p tarmoqli shaklda darslar tashkil qilinishiga erishiladi.

Hozirgi kun talabidan kelib chiqqan holda darslarni integratsiyalash juda muhim hisoblanadi. Bunda vaqtdan yutish va bir necha fan doiralarini qisqartirish ya'ni odobnoma fanini o'qish tarkibiga, tarbiyaviy soat tarkibiga kiritish mumkin. Tabiatshunoslik fani ona tilida mashqlar tarkibida, o'qish darslari va albatta matematika darslari tarkibida o'rgatish mumkin. Integratsiyani rivojlantirish va keng tadbiiq qilish uchun integratsiya tushunchasi darsning maqsadi kabi har bir darsga kiritish qo'llash usullari, qaysi fan doirasida qo'llanilishi ko'rsatib o'tilishi lozim. Masalan o'qish darsida

“Ola buzoq” sheri

Darsning maqsadi

a) ta'limiy: o'quvchilarni ola buzoq she'ri bilan tanishtirish, FK1

b) tarbiyaviy: o'quvchilar qalbida tabiatga mehr uyg'otish, tabiatni asrash ruhida tarbiyalash FK2

d) rivojlantiruvchi: o'quvchilarda ifodali o'qish ko'nikmasini rivojlantirish

Fanlar integratsiyasi (FI)-ona tili fani she'rdagi fe'llarni topish, tabiatshunoslik fani uy hayvonlari va yovvoyi hayvonlar va ular haqida ma'lumot berish, matematika fani integratsiyasi she'r necha qator va nechta so'zdan iborat.

Bundan xulosa shuki, dars integratsiyalashgan dars sifatida tashkil qilinib, turli didaktik o'yinlar va musobaqalar tashkil qilgan holda o'tilsa yanada samaraliroq bo'ladi va o'zlashtirmovchi o'quvchilarning ham darsda faol qatnashishiga va fanga qiziqishi ortishiga sabab bo'ladi. Bir darsga qiziqmaydigan o'quvchi integratsiyalashgan darsda boshqa fanga qiziqishi natijasida albatta darsga e'tibori kuchayadi va bu fanga ham qiziqishi ortadi. Integratsiyalashgan darsda asosan noan'anaviy dars o'tish uslubidan foydalaniladi. Bu esa o'quvchilar qiziqishini oshirib darsda faollikni yanada kuchaytiradi.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ УЛУҒЛАНИШИ

Дўсаева Барно Исомиддиновна

Жиззах вилоят Фаллаорол туман 29-мактаб бошлангич синф ўқитувчиси

Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. “Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”-, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. "Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатдан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда". "Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди", дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди", -деди муҳтарам президентимиз эътиқод, оилавий кадриятларга путур етказётган хавфларни санаб ўтар экан. Шундай экан бошлангич синф ўқувчиларининг онгига инсоний фазилатларни сингдиришда болаларга бу борлиқни борлиғича ҳис қилишни ўргатиш орқали инсоний фазилатлар таркиб топтирилади. Бошлангич синф ўқувчиларига инсонга хос бўлган амалларни ўргатишда биринчи навбатда бевосита уларнинг фаолияти ўқиш фаолиятига эътибор қаратиш керак. Уни амалга оширишда, ҳар бир бошлангич синф ўқувчиси бунёдкор ғояларни тўлиқ англаб етган бўлиши ва бу йўлда тинмай меҳнат қилиши керак бўлади. Бу ўз навбатида шахс маънавий камолоти билан боғлиқ масалалар бўлиб, у бугунги куннинг энг долзарб муамолларидан бири ҳисобланади. Ёшларни инсоний фазилатлар билан қуроллантиришда умумбашарий кадриятларга асосланган самарали ташкилий педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш масаласини ишлаб чиқиш керак. Ана шундай онг фаолияти жараёнларда, инсонлар ўзлигини англаб боради ва ўзи учун қадри бўлган моддий ва маънавий оламни қалбан ҳис қилади. Шунинг учун ҳам уларни инсонлар **Қадрият** деб аташади. Қадрият ўзи нима, унга илмий адабиётларда қандай таърифлар берилган ва унинг тузилмалари нималардан иборат деган саволларга бирин-кетин жавоб бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Фалсафа қомусий луғатда кадриятга

куйидагича таъриф берилга. “Қадрият-воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган фалсафий - социологик ва аксиологик тушунчадир. Жамият, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланади. Қадриятлар умумбашарий, умуминсоний, миллий, минтақавий, шахсий бўлиши мумкин. Қадриятлар, ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида, ўз тарихий илдизи, ривожи, ворислик жиҳатларига эга тушунча бўлиб, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолият, инсонлар ўртасидаги муносабатлар учун фойда келтирадиган нарсалар, ҳодисалар, ҳатти-ҳаракатлар мажмуаси сифатида юзага келиб, айрим кишилар, ҳатти-ҳаракатини маълум йўналишга бурадиган, тегишли меъёрга соладиган маънавий ҳодисага айланади ва айланмоқда. Инсон, бутун умри давомида, сон-саноксиз қадриятлар оламида яшайди.

Инсон (араб. унутмоқ) – оламдаги бошқа биологик мавжудотлардан ажралиб турадиган муҳим хусусиятларга, яъни ақл, маънавият, маданият, ахлоқ, тафаккур, тил ва бошқа жиҳатларга эга бўлган ижтимоий вужуд Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала. Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзуинтилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади. Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади” инсонийлик наслига хос барча генетик хусусиятлар, ахлоқий нормалар, унинг фаолиятини бошқарувчи хислатлар аجدодлардан авлодларга узатилади. Бошқа тирик мавжудотлардан инсонийликнинг туб фарқини кўрсатадиган хусиятлардан яна бири унинг ўз амалий фаолиятини тартибга сола билишидир. Бу ҳолат инсонийликнинг инсонийлигини белгиловчи энг муҳим хусусият, маданият белгисидир. Шунингдек, инсонийликнинг ўз турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эга экани ҳам унинг устувор хусусиятларидан бири ҳисобланади. Инсонийлик ҳаётида меҳнат асосий ўрин тутди. Меҳнат туфайли инсонийлик ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликлар яратади, ўзини такомиллаштиради. Инсонийлик — инсонлик, одамгарчилик чегарасида қилинадиган ишлар, одамга ярашадиган, унга зеб бўладиган, шахсини улугълайдиган фазилатни, ҳаётга, одамзот тақдирига муносабатни англадиган тушунча. Инсонийлик ғоялари узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ёрқин ифодаси бўлган ижод намуналари, аниқ далил ва мисоллар халқ оғзаки ижодиётида, бадиий адабиётда, диний ва фалсафий таълимотларда, турли халқларнинг тарихи, маддий меросида асрлар давомида яшаб келмоқда. Шарқнинг буюк мутафаккирларидан Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби мумтоз сиймоларнинг асарларида инсон эркинлиги, унинг қадр-қиммати, Инсонийлик ғоялари билан бирга бир бутун ҳолда илгари сурилади. Хусайн, Алишер Навоий ижодида дунёдаги энг катта бойлик – ҳазрат инсондир, деган ғоя бадиий сўз орқали асослаб берилган. Ул зотнинг фикрича, бутун мавжудот, борлик инсон учун, унинг бахт-саодати учун хизмат қилиши лозим. “Одавий эрсанг демагил одами, оники йўқ халқ ғамидин ғами”. Алишер Навоийнинг биргина шу байтида унинг ижодида **инсонийлик** нақадар етакчи ўринга чиққани яққол кўриниб турибди. Миллий тафаккуримизнинг бошқа намояндалари ижодида ҳам бу анъана давом эттирилиб, юксак инсонийлик маънавий тараққиётнинг муҳим омили сифатида тараннум этилган. Шарқ фалсафаси ва ижтимоий тафаккурида инсонийлик ғоялари азалдан кенг тарқалган бўлиб, унинг кўп минг йиллик тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда ота-боболаримиз томонидан қолдирилган улкан бой маънавий меъросдан кенг фойдаланиб ёшларни маънан етук қилиб тарбиялашда миллий-маънавий қадриятларнинг ролини ёритиш орқали бошланғич синф ўқувчиларини тарбиялашда зарур бўладиган ҳолатларни мужассамлаштирган тизим орқали тарбиялаш долзарб бўлганлиги боис “Бошланғич синф дарсларида инсоний фазилатларни сингдириш муаммолари деб номладик. Бошланғич синф ўқувчиларига инсоний фазилатларни таълим-тарбия жараёнида сингдиришда биз ўқиш фаолиятдан кенг фойдаланишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бугунги кунда илм-фан, техника ва технологиялар жадал ривожланган бир даврда яхши яшаш учун иқтисодий таъминланганлик, маънавий юксаклик билан ўзига хос аҳамият касб этади. Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини ташкил қилади. Демак, маънавият қай даражада шаклланган бўлса, у шунчалик тараққиётга хизмат қилган. Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлар муваффақиятли амалга оша олади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича тафаккур қобилиятига эга бўлган ёш авлодни тарбиялашда одобнома ва ўқиш дарсларида миллий-маънавий қадриятларга таяниш ўзига хос аҳамият касб этади.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби мутафаккирларнинг қарашларида инсонийликнинг мазмун-моҳиятига янгича қараш ва ёндашувлар пайдо бўлади. Бу буюк манбада муҳаббат, ўз қадрини билиш, ота-боболарнинг ўғитларидан фойдаланиш, тизими, табиатни асраш ўсиб улғайиб келаётган ёшлар дунёқарашни бойитиш ёш авлодни маънавий қадриятлар асосида тарбиялаш муҳтожларга ғамхўрлик қилиш, бетоб бўлган инсонларнинг қўнглини кўтариш, инсоний

фазилатларни авайлаб асраш, эъозлаш-масалаларга батафсил тўхталиб ўтилган. Ана шундай тарбия тизимидан фойдаланган ҳолда, ёш авлод қалбини инсоний фазилатлар билан лимо-лим қилиб тўлдириш бугун таълим-тарбия тизими олдида турган вазифалардан биридир бошланғич синф ўқувчиларида инсоний фазилатларни таркиб топтиришда шак-шубҳасиз миллий-маънавий кадрлар етакчи ўринларни эгаллайди. Шунинг учун ҳам бошланғич синфларда инсоний фазилатларни таркиб топтиришнинг ижтимоий асосларига тўхталиб ўтамиз:

- ота-боболаримизнинг тарбия тизими;
- халқ оғзаки ижоди;
- қадимги ёзма манбалар;
- халқ ҳаракати ўйинлари;
- халқ хунармандчилиги саънати;
- “Авесто” асарининг қиймати;
- табиатга онгли ёндашув;
- урхун-энсой битиклари;
- ўзбек халқ оғзаки ижоди;
- сиймолар фаолияти;
- халқ хунармандчилиги;

Бошланғич синфларида ўқитилган ўқувчиларга ота-боболарининг томонидан яратилган бебаҳо маънавий бойликларни ўргатишда унинг барча томонларига эътиборни қаратиб, инсон маънавиятига хос бўлган фазилатлар босқичма босқич сингдирилиб бориса мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан ўқувчиларига инсоний фазилатлар нафақат дарс жараёнларида балки, ижтимоий фойдали меҳнат, тарбиявий соат, дардан ва мактабдан ташқари фаолият турлари жараёнларида сингдириб борилса мақсадга мувофиқдир. Бошланғич синф ўқувчиларини етук шахс қилиб тарбиялашда:

- буюк сиймоларнинг ибратли ҳаёт йўли;
- муқаддас манбалар;
- эртақлар;
- топишмоқлар;
- ривоятлар;
- масаллар;
- оила тарбияси;
- синф раҳбарининг бу борадаги ишлари;
- маҳалла тизими;
- катталарнинг ўзаро муносабатлари;
- дўстлар давраси;
- ижтимоий реал ҳаёт муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам бу ёшдаги болаларга жиддий эътибор қаратилиши керак. Зеро улар бизнинг келажакимиздир.

TABIAT DARSLARIDA TA'LIMIY O'YINLAR ASOSIDA O'QUVCHILARNI IJODIY FIKRLASHGA YO'NALTIRISH

*Erbutayeva Soxiba Maxamatovna Sirdaryo viloyati Bovovut tumani
34-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi.
+998972186505*

O'yinlar o'quv samaradorligini oshirishning asosiy va qulay usullaridan biri hisoblanadi. Chunki, maktabga yangi kelgan bolalarga o'yin faoliyati asosiy, yetakchi o'rinlarni egallaydi. Bola 40-45 daqiqalik dars davomida zerikadi, ko'ngli ko'proq o'yinga moyil bo'ladi. Shuning uchun harakatli o'yinlar bolaning darsga bo'lgan qiziqishini oshiradi, ongli munosabatini tarbiyalaydi.

O'yinlar ikki xil ahamiyatga egadir: ta'limiy va tarbiyaviy.

Ta'limiy ahamiyati shundan iboratki, bolalarda o'qituvchi tomonidan bilim, ko'nikma, malakalar o'yin orqali o'zlashtiriladi va o'yinda bolalarga berilayotgan bilim, ko'nikma, malakalar orqali ularda axloqiy, hamkorlik, mustaqillik, o'ziga ishonch sifatleri shakllanadi. Bu esa muhim tarbiyaviy ahamiyat kasb etadi.

Hozirgi vaqtda ijodkor, tajribali o'qituvchilar o'quv va bilish faoliyati takomillashtirishda ta'lim jarayonini didaktik o'yinlar bilan uyg'unlashtirib samarali natijalarga erishmoqdalar. Mashg'ulotlar jarayonida qo'llaniladigan didaktik o'yinlar aslida mavzularni o'zlashtirish jarayonini yengillashtirish va o'quv orqali samarali bilim berish maqsadida yuritilgan bo'lib, o'quvchi faolligini oshirishda o'ziga xos o'ringa egadir.

Quyida tabiatshunoslik faniga oid ta'limiy o'yinlaridan namunalar keltiramiz.

“Rasmda ifodala“ mashqi

Guruh a'zolari dars jarayonida tushungan tushunchalari asosida rasmlar chizadilar.



“Ob-havo” o`yini.

Barcha bolalar partalaridan turishib bir qadam yonlariga surilib turub oladilar. Bolalar ikkala kaftlarini bir-biriga ishqab shamolning shuvillashini o`xshatadilar. Barmoqlarini qisirlatib yomg`ir tomchilariga taqlid qiladilar. Bolalar ikki qo`llarini yelkalariga urib yomg`irni tezlashtiradilar. Yomg`ir quydi-bu jarayonda bolalar ikkala qo`llarini sonlariga urishib hosil qiladi. Oxirhi jarayon momaqaldiroq gumbirladi, bolalar ikkala oyoqlarini yerga urishib momaqaldiroqni hosil qiladilar.



“Meva salati” o`yini.

Sinf o`quvchilari besh turdagi mevalar nomlari asosida guruhlarga birlashtiriladilar, ya`ni “olma”, ”nok”, ”shaftoli”, ”behi”, ”anor”. Boshlovchi qaysi mevalardan salat tayyorlashini aytsa, o`quvchilar belgilangan meva nomlariga ko`ra joylarini almashadilar, boshlovchi bo`sh o`rinlardan biriga tez o`tirib olishi kerak o`tirolmay qolgan o`quvchi boshlovchi vazifasi bajaradi. O`yin shu zaylda 1-2 daqiqa davom etadi. Masalan: boshlovchi: “Men barcha mevalardan salat tayyorlamoqchiman“ deb aytsa, barcha “mevalar o`rinlarini almashtiradilar, yoki “Men olma va nokdan salat tayyorlamoqchiman” deb aytsa faqat boshlovchi aytgan mevalar o`rinlarini almashtiradilar.



“Rasmlarga umumiy nom toping” o`yini.



Javoblar: yuz, qish.

“So`z voleyboli” o`yini.

O`quvchilar davra bo`lib turadilar. O`qituvchi davra o`rtasida turib, biror o`quvchiga koptokni otib, biror narsaning nomini aytadi, koptokni olgan o`quvchi ushbu narsaga xos xususiyat yoki mansublik jihatini aytadi. Masalan: “Ayiq” deyilsa yovvoyi hayvon, “Paxta”- madaniy o`simlik.....



Xulosa qilib aytganda tabiat darslarida o'quvchilarni ijodkorlikka undovchi o'yinlar orqali integratsiya jarayonini, mantiqiy fikrlash, o'rganilgan mavzular asosida kompetensiyalarini namoyon qilish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

XORIJIY DAVLATLARDA BOSHLANG'ICH TA'LIM TIZIMI

*Ergasheva Xursanoy G'ulomjonovna-Namangan shahar To'raqo'rgon tumani
53-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev 2020 yil 24 yanvar kuni Oliy Majlisga Murojaatnomasida "Mamlakatimiz uchun ilm-fan sohasidagi ustuvor yo'nalishlarni aniq belgilab olishimiz kerak. Hech bir davlat ilm-fanning barcha sohalarini bir yo'la taraqqiy ettira olmaydi. Shuning uchun biz ham har yili ilm-fanning bir nechta ustuvor yo'nalishini rivojlantirish tarafdorimiz.

2017-yil 6-aprelda 187-sonli qarorga ko'ra umumta'lim fanlarini o'qitishning uzluksizligi va izchilligini ta'minlash, zamonaviy metodologiyasini yaratish, umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi davlat ta'lim standartlarini kompetensiyaviy yondashuv asosida takomillashtirish, kompetensiyaviy yondashuvda asoslangan dars ishlanmalar yaratish va amaliyotga joriy etish muhimdir.

Umumiy o'rta ta'lim tizimini mamlakatda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ilg'or tajribalari hamda ilm-fan va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan holda tashkil etish, ma'naviy barkamol va intellektual shaxsni tarbiyalashdan iborat.

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ta'lim tizimini o'rganish, ularning ilg'or tajribalarini milliy xususiyatlarni hisobga olgan holda amalga qo'llash dolzarb vazifa sanaladi.

Quyida bir qator rivojlangan xorijiy davlatlarning talim tizimi, xususan, boshlang'ich ta'limi mazmuni yoritilgan.

Xorijiy mutaxassislar pedagogik texnologiyalarning rivojlanishini uch bosqichga bo'lib o'rganish lozim deb hisoblaydilar.

Birinchi bosqichda, o'qitish jarayonini faqat o'qituvchining o'zi olib borar edi. N.F.Talizina ta'kidlaganidek, «Inson ajribasi o'qitish texnologiyasi funksiyasini bajargan».

Ikkinchi bosqichda esa, darslik va qo'llanmalar cho' etila boshlagandan so'ng - o'qitish texnologiyasi mazmunida tub o'zgarishlar sodir bo'ldi. O'qituvchiga yordam beruvchi turli didaktik materiallar vujudga kela boshladi.

Uchinchi bosqichda esa, o'qitish texnologiyasi mazmun jihatdan yanada boyidi, o'qituvchi va o'quvchilar uchun texnik vositalar, ya'ni o'rgatuvchi mashinalar ham qo'shildi.

Texnologiya taraqqiyotida inson psixologiyasi katta o'rin tutadi. Tarixan pedagogik texnologiya taktik (strategik emas) jihatdan faoliyat ko'rsatgan va rivojlangan. Hozirgi kunda pedagogik texnologiyalarni amalga qo'llash masalalari dolzarb bo'lib qolmoqda.

Yaxshi dars - bu savollar va gumonlar, umid chiroqlari va ixtirolar darsi.

Yuqori unumli, natijali dars texnologiyasining asosiy qirralari esa quyidagilardir:

- o'rganuvchilarning bilishga qiziqishi va mustaqil aqliy faolligini oshirish;
- dars vaqtini tejamkorlik bilan va maqsadli sarflash;
- o'qitishning usul va vositalar arsenali turli xillarini qo'llash;
- o'rganuvchilarning aqliy harakatlari usullarini shakllantirish treninglari;
- o'rganuvchining shaxsiy sifatlarini shakllantirish va rivojlantirishga ulush qo'shish, birinchi galda, shaxsni o'qitishga ko'maklashuvi, o'z-o'zini boshqarish mexanizmlari;
- o'qituvchi va o'rganuvchilar shaxsi o'rtasidagi ijobiy hamkorlik;
- o'rganuvchilar tomonidan darsda olingan bilim, o'quv va ko'nikmalar hajmi va mustahkamligi.

Boshlang'ich ta'lim tizimi. Germaniya Federativ Respublikasi 16 ta mustaqil Federativ yerlar (viloyatlar)dan iborat bo'lib, har biri shakliga ko'ra turlicha bo'lgan ta'lim tizimiga ega. Ta'lim muassasalari asosan davlat tasarrufida bo'lib, ular uchun ta'lim dasturiga tegishli bo'lgan davlat ko'rsatmalari mavjud.

Ta'limni joriy qilish va boshqarish Federal yerlar (FE) xuqumatining kompetentsiyasiga kiradi, lekin markaz tomonidan umumiy xabarlik ham bor: ta'lim vazirligi ta'lim siyosati kontseptsiyasini ishlab chiqadi, OO'Yularini kengaytirishga mablag' ajratadi. GFR konstitutsiyasiga ko'ra har bir Federal yer o'z hududidagi maktab va oliy ta'limni rejalashtirish va amaliyotga tadbiiq etish bo'yicha o'zi javob berishga qaramay, barcha Federal Yerlar va Federal xukumat umumta'lim va oliy ta'lim muassasalarida o'qitish kurslarida birlikni ta'minlash maqsadida hamkorlik qiladilar.

Federal organlar va Federal Yerlarning ta'lim sohasi bo'yicha siyosati kelishilgan: ta'limning davomiyligi, ta'tillar, o'quv dasturi, imtixonlarni o'zaro tan olish, attestatlar, maktabni tugatganligi xaqida guvohnoma, diplomlar, unvonlar shular jumlasidandir.

Federal hukumatning xuquqlari asosiy qonunlarni qabul qilishda, jumladan moliyalashtirish masalalarida chegaralangan. Ta'limdagi xarajatlar haqida quyidagilarni aytish mumkin:

- birorta Federal Yerlar davlat umumta'lim, kasbiy o'quv yurtlarida o'qish uchun pul olmaydi;
- barcha Federal yerlarda o'quvchilarni uydan maktabga, maktabdan uyga tashuvchi avtobuslarni o'z hisobidan beradi;
- deyarli barcha o'quvchilarga darslik va o'quv qo'llanmalarni qiymatining ozgina qismiga beriladi;
- ma'lum toifadagi o'quvchilar va talabalarga mavjud federal qonunlarga ko'ra davlat moddiy yordam ko'rsatadi.

Germaniyada xususiy maktablarga ruxsat berilgan, ular orasida diniy maktablar ham bor. Bu maktablarda taxminan 8% o'quvchilar tahsil oladilar. Xususiy maktablar o'quv dasturlarini tanlashda davlat maktablariga nisbatan erkin bo'lganligi bois turli pedagogik muqobillarning aprobatsiyasi o'tkazilib turiladi.

Sekin asta differentsiyalashgan ta'lim tizimi, ya'ni har bir o'quvchiga uning qobiliyati va o'qishdagi turlicha yo'nalishiga ko'ra moslashuvchan yondashuv kiritilmoqda. Umuman olganda Germaniya ta'lim tizimi bir necha bosqichni o'z ichiga oladi:

1. Elementar ta'lim: maktab ta'limining 1-bosqichiga tegishli bo'lib, maktabgacha muassasalar kiradi. Asosan bular bolalar bog'chalari, tayyorlov sinflari va kirish guruhlari bo'lib, bu yerlarga bolalarning qatnashishi 3 yil davomida ota-onalar xohishiga ko'ra ixtiyoriydir.

2. Ta'limning birinchi bosqichi. (rimastufe) boshlang'ich maktab, unga 6 yoshdan qatnay boshlaydi. O'qish muddati 4 yil, Berlin va Brandenburgda 6 yil. Bu bosqichdagi ta'limning maqsadi – bolalarga ta'limning ikkinchi bosqichidagi u yoki bu maktabda ta'limni davom ettirishga imkon beruvchi asosiy bilimlarni berishdan iborat

3. Ta'limning ikkinchi bosqichi (Sekundastufe I) “yo'nalishli bosqich” deb nomlanuvchi bosqichdir, unda bolalarni ularning iqtidoriga ko'ra o'quv muassasalarining kerakli turiga yo'naltiradi: asosiy maktablar, real maktablar, gimnaziya, kompleks maktablar. O'quvchilar ta'lim xaqidagi attestatni real va asosiy maktablarni bitirgachgina olishadi.

4. Ta'limning to'rtinchi bosqichi (Sekundastufe II) ga gimnaziyaning yuqori sinflari, shuningdek kasbiy ta'lim va muassasalarda kasbiy ta'lim kiradi. Muassasalarda kasbiy ta'lim “dual tizim” deb ham ataladi, unda ta'lim va ishlab chiqarishda amaliyot 2 yil davomida olib boriladi, bu o'qishni tugatish o'rta ta'limni tugatish bilan teng bo'lib, yakunida faqat kasbiy sohada o'qishni davom ettirish mumkin. Gimnaziya 3 yil o'qib, o'quvchilar umumiy shahodatnoma “etuklik attestati” – abitur oladilar, bu ularga istagan oliy o'quv yurtiga kirishga imkon beradi.

5. Ta'limning beshinchi bosqichi oliy ma'lumot haqida diplom beruvchi oliy o'quv yurtlari va malaka oshirish o'quv muassasalari. GFR ta'lim tizimi umumevropa ta'lim tizimiga integratsiyalashgan: o'quv muassasalarining barcha turlari Yevropa Ittifoqi (EI) dasturini amalga oshirishga mo'ljallangan, YEI davlatlari ta'lim standartlari unifikatsiya (bir xillashtirish) qilingan, diplomlar bu davlatlarda kuchga ega.

Germaniya uzoq davrlardan beri fan va madaniyat markazi sifatida mashhurdir. SHiller, Gyote, SHneger, Gumbolg'dt, Kant, Gegelg' va boshqalar kabi buyuk shoirlar, yozuvchilar, filosoflar va jamoat arboblari hammaga tanish. Germaniyada o'rta asrlarda tashkil topgan 1-universitet mavjud. Eng qadimiy universitet bu Geydelg'berg universiteti bo'lib, 1386 yil tashkil topgan.

1388 yil tashkil topgan Kyolg'n universiteti qadimiy universitetlardan sanaladi. Bu o'quv muassasalari qadimiy an'analari va klassik ta'limi bilan mashhurdir. Germaniya Federativ Respublikasining “Ta'lim to'g'risidagi asosiy qonuniga” ko'ra har bir o'quvchi o'z shaxsini erkin rivojlantirish, o'z iqtidori, moyilligi va qobiliyatiga qarab maktab, o'qish joyi va kasb tanlash xuquqiga ega.

Ta'lim sohasidagi bunday siyosatning maqsadi har bir shaxsning qiziqishi va talablarga javob beradigan malakali tayyorgarlikni olish imkonini berishda imkon qadar ko'proq yordam berishdan iboratdir.

Germaniyaning har bir o'quvchisi butun hayoti davomida umumiy, oliy va kasbiy ta'lim olish imkoniyatiga ega. Chunki Germaniya yuqori rivojlangan sanoat davlatlaridan biri bo'lib, yuqori malakali mutaxassislariga ehtiyoj katta. Germaniya xukumati turli sohalarda sifatli mutaxassis kadrlarni tayyorlashga manfaatdor. Shu bois nemis ta'lim tizimining rivojlanishiga katta miqdorda mablag' ajratiladi.

TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING AQLIY RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI.

*Hayitbayeva Barno Axmedovna,
Mirzaobod tumani 5-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Maktabga kelish arafasida bolaning so'z boyligi o'z fikrini bayon eta oladigan darajada ortadi. Agar bu yoshdagi normal rivojlanayotgan bola o'z nutqida 500-600 so'zni ishlatasa, olti yoshli bola 3000-7000 so'zni ishlatadi. Boshlang'ich sinf yoshidagi bolalar nutqi asosan ot, fe'l, sifat, son va bog'lovchilardan iborat bo'ladi. Bu yoshdagi bolalar o'z nutqlarida qaysi so'zlarni ishlatgani afzalu, qaysilarini ishlatish mumkin emasligini farqlay oladilar. 6-7 yoshli bola o'z jumllarini murakkab grammatik tizimda tuza oladi. Bola butun bolalik davrida nutqni jadal ravishda egallab borib, nutqni o'zlashtirishi ma'lum bir faoliyatga aylana boradi. 7-9 yoshli bolalarning o'ziga xos yana bir xususiyati bola nutqida o'z fikrini bayon etibgina qolmay, balki o'z suhbatdoshining diqqatini o'ziga jalb qilish uchun ham gapiradilar.

Bu davrda yozma nutq ham shakllana boshlaydi. Yozma nutq jumllarni to'g'ri tuzish va so'zlarni to'g'ri yozishga ma'lum talablar qo'yilganligi bilan xarakterlanadi. Bola so'zlarni qanday eshitgan bo'lsa, shundayligicha yozilmasligini bilishi, ularni to'g'ri talaffuz etishga va yozishga o'rganishi zarur. Yozma nutqni egallashi asosida bolalarda turli matnlar haqidagi ma'lumotlar yuzaga keladi. Bu davrda yozma nutq endigina shakllana boshlaganligi bois, bolada hali o'zi yozgan fikrlarni, so'z va harflarni nazorat etish malakasi hali rivojlanmagan bo'ladi. Lekin unga ijod qilish imkoniyati beriladi. Ushbu mustaqil ijodiy ish maktab yoshidagi o'quvchilarda berilgan mavzuni anglash, uning mazmunini aniqlash, fikrini bayon etish uchun ma'lumot to'plash, muhim jihatlarini ajratib olish, uni ma'lum ketma-ketlikda bayon etish, reja tuzish malakasini yuzaga keltiradi. Jumllarni to'g'ri tuzish, aynan shu mazmunga mos so'zlarni topish va ularni to'g'ri yozish, tinish belgilarini to'g'ri qo'yish, o'z holatlarini topa olish va to'g'rilash aqliy rivojlanishning ko'rsatkichlaridan hisoblanadi.

O'qish faoliyati kichik maktab yoshidagi o'quvchining aql-idroki, sezgirligi, kuzatuvchanligi, eslab qolish va esga tushirish imkoniyatlarining rivojlanishi uchun muhim shart-sharoitlar yaratadi, hisoblash malakalarini shakllantiradi. Ta'lim jarayonida ularning bilimlar ko'lamini kengayadi, qiziqishlari ortadi, ijodiy izlanish qobiliyati rivojlanadi, ularda tafakkurning faolligi, mustaqilligi ortadi, aqliy imkoniyatini ishga solish vujudga keladi. Mazkur yoshdagi bolalar o'z idroklarining aniqligi, ravonligi, o'tkirligi bilan boshqa yosh davrdagi insonlardan keskin farq qiladi. Ular har bir narsaga berilib, o'ta sinchkovlik bilan qarashlari sababli idrokning muhim xususiyatlarini o'zlashtirish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

7-10 yoshdagi o'quvchining idroki, uning xatti-harakati, o'yini va mehnat faoliyati bilan bevosita bog'liqdir o'quvchi o'zining ehtiyoji, mayli, qiziqish va intilishi turmush sharoitiga mos, shuningdek o'qituvchi tavsiya etgan narsalarni idrok qiladi.

Birinchi sinfga kelgan bola predmetlarning rangi, shakli va kattaligini, ularni makonda joylashishini bilish bilan, birga ularni taqqoslay oladi. Maktabda muvaffaqiyatli o'qish uchun bola sensor rivojlanganlik darajasini yuqori bo'lishi juda muhim. Maktab yoshiga kelib, normal rivojlanayotgan bola rasm va suratlar real hayotni aks ettirayotganligini yaxshi tushunadilar. Shuning uchun ham surat va rasmlarda nimalar aks etganini real hayotga taqqoslagan holda bilishga harakat qiladilar. Bola rasmlarda atrof-hayotdagi narsalarni kichiklashtirib tasvirlanganligini anglay biladilar. Bu tasvirlar bolalarda estetik va badiiy didni rivojlantiradi. Chunki, bola shu rasmlar orqali olam go'zalligini, uning turfa ranglardan iborat ekanligini anglaydi, ajratadi va o'z munosabatini bildira oladi.

Tafakkurning rivojlanishini kichik maktab yoshidagi bola psixikasining sog'lomligida, uning bilish faolligida ko'rish mumkin. Bolaning qiziquvchanligi, asosan, atrof-olamni bilish, o'rganishga qaratilgan bo'ladi. Bola o'ynab turib, olam sir-sinoatlari, sabab-hodisalari va bog'liqlaridan xabardor bo'lishga intiladi. Masalan, bola o'zi mustaqil ravishda qanday predmetlar suvda cho'kish, qaysilari esa suzishini tadqiq qila oladi. Bola aqliy munosabatlarda faol bo'lsa, u shunchalik ko'p savol beradi va bu savollar, asosan, xilma-xil bo'ladi. Bolani qor, yomgir qanday yogishi, quyosh kechasi qaerda bo'lishi, mashina qanday qilib yurishi, yerdan osmongacha bo'lgan masafoni bilishi juda qiziqtiradi. Bu ularning «Nima uchun?», qanday qilib?», «nima orqali?» kabi savollariga javob olishga qaratilgan bo'ladi. Bu yoshdagi bolalar asosan o'zlari ko'rib turgan narsa haqida chuqurroq fikr yurita oladilar. Bu yoshdagi bolalar tafakkurining asosiy turi obrazli tafakkurdir.

6-10 yoshli bola mantiqiy fikrlay oladi, lekin, bu yosh asosan ko'rganlariga tayanib, ta'lim olishga sensitiv bo'lgan davr hisoblanadi, So'zsiz bugungi jamiyatimizda bolalarning aqliy rivojlanishi yangi bilimlarni tuzilish tipiga ham bog'liq bo'lib, ular ma'lum darajada shakllangan kattalar tomonidan tuziladi. Chunki, aqliy rivojlanish ijtimoiy omillar bilan belgilanadi -indivud ijtimoiy munosabatlar bilan o'zgaradi. Bolaning maktabda muntazam ravishda o'qishga o'tishi uning atrof-hayotdagi narsa-hodisalarga nisbatan fikrini va munosabatlarini o'zgarishiga olib keladi. Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning tafakkuri mantiqiy fikrlash, mulohaza yuritish, hukm va xulosa chiqarish, taqqoslash tahlil qilishning turli usullarini qo'llashdek o'ziga xos xususiyatlari bilan maktabgacha yoshdagi bolalar va o'smirlardan farq qiladi. Ta'lim jarayonida tafakkur operatsiyalariga, mustaqil fikrlashga o'rgatish kichik maktab yoshdagi o'quvchilarni kamol toptirishning garovidir.

O'quv faoliyati psixik funksiyalarni yuqori rivojlanganlik darajasini talab etadi. Bolaning diqqati, xotira va tasavvuri mustaqil tus ola boshlaydi. Lekin, odatdagi holat va vaziyatlarda bolaga o'z psixik funksiyalarini yuqori darajada tashkil etish hali birmuncha murakkabdir.

6-7, 10-11 yoshli bolalar bilish jarayonlaridagi ixtiyoriylik, irodaviy zo'riqish asosidagina, bola o'zini atrof-dagilarning talabi yoki shaxsiy harakatga intilgandagina yuzaga kelishni mumkin.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarida diqqatni irodaviy zo'r berish bilan boshqarish va vaziyatga moslash imkoniyati yaxshi bo'lmaydi. Buning asosiy sababi, ularda ixtiyoriy diqqatning kuchsizligi va beqarorligidir. Bolalarda ixtiyorsiz diqqat ko'proq rivojlangan bo'ladi. Boshlang'ich sinf o'quv materiallarining yaqqolliigi, yorqinliigi, jozibadorliigi, o'quvchida beixtiyor his-tuyg'ular uyg'otadi, irodaviy zo'riqishsiz, osongina fan asoslarini egallash imkonini beradi. 1-2 sinf o'quvchilari diqqatining o'ziga xos xususiyatlaridan biri - uning yetarlicha barqaror emasligidir. Shuning uchun ham ular o'z diqqatlarini muayyan narsalarga qarata olmaydilar va diqqat ob'ektlar ustida uzoq tura olmaydi.

Ta'lim jarayoni kichik maktab yoshidagi o'quvchilarning ixtiyoriy, barqaror, mustahkam, kuchli, faol ongli diqqatni rivojlantirishga qulay sharg-sharoit yaratadi. Bilim olish jarayonida mustaqil aqliy mehnat qilish, misol-masalalar yechish, mashqlar bajarish, takrorlash irodaviy zo'r berish jarayonida ixtiyoriy, ongli diqqat tarkib topadi.

Bu yoshdaga bolada ixtiyoriy diqqatni to'plash, tashkil qilish, uni taqsimlash, ongli ravishda boshqarish uquvi shakllana boshlaydi, Kichik maktab yoshidagi bola ma'lum darajada o'z faoliyatini o'zi mustaqil rivojlantira oladi. U o'z rejasini, u yoki bu ishni qanday ketma-ketlikda bajarishini so'z bilan ifodalab bera oladi. Rejalashtirish so'zsiz bolaning diqqatini tashkil eta oladi va rivojlantiradi. Ularda ixtiyorsiz diqqat ustunlik qiladi. Kichik maktab yoshidagi bolalar so'zsiz o'z diqqatlarini aqliy masalalarga qarata oladilar, lekin bu juda katta irodaviy kuchni va yuqori motivatsiyalarni tashkil etilishini talab qiladi.

Bolaning xayoli tevarak-atrof taassurotlari, tasviriy san'at asarlarini yetarli darajada aks ettirishda vujudga keladi. Siymolar, shartli belgilar, tabiat manzaralari jamlanib, o'quvchilarda xayol paydo bo'ladi.

O'quv faoliyati boladan berilgan o'quv materiallarini esda saqlab qolishni talab etadi. o'qituvchi o'quvchisiga nimalarni eslab qolishi zarurligi haqida ko'rsatmalar beradi. O'quvchi nimani eslab qolishi kerakligini takrorlaydi, uni tushunib olishga harakat qiladi. Lekin bu yoshda ixtiyorsiz xotira, shubhasiz, ustunlik qiladi. Bolaning xotirasida saqlab qolishini asosan uning ishga bo'lgan qiziqishi belgilab beradi. O'quv materialini tushunish, eslab qolishning asosiy sharti hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, boshlang'ich sinf o'quvchilarining bilish jarayonlarini rivojlantirish har bir pedagogdan kasbiy psixologik bilim va mahoratni talab etadi

TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI PSIXOLOGIK SHAKLLANTIRISHNING AHAMIYATI

*Istamqulova Feruza Xusanova,
Sirdaryo viloyati Guliston shahar
16-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

O'zbekistonimizda mustaqillik sharofati bilan barcha sohalarda tub islohotlar amalga oshirildi, iqtisodiy rivojlantirishning o'zbek modeli, kadrlar tayyorlashning milliy dasturi ishlab chiqildi va bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Mamlakatimizda ta'lim sohasiga alohida e'tibor qaratilib, kelajak avlodni tarbiyalash borasida zarur shart-sharoitlar, imkoniyatlar yaratilmoqda

Ta'lim-tarbiya tizimini tubdan o'zgartirish va barkamol insonni shakllantirish, ertangi taqdirimizni belgilab beruvchi dolzarb masalalardan biriga aylandi. Hayotga ziyrak ko'z bilan qaraydigan, teran fikrlovchi, mustaqil dunyoqarashga ega iqtidorli shaxslarni kamol toptirish va tarbiyalash davlatimiz

siyosatining ustuvor yo`nalishlaridan biridir. Shuning uchun biz boshlang`ich sinf o`quvchilarini mustaqil fikrlovchi aqliy jihatdan kamol toptirish lozimligini o`rganishga ahamiyat qaratdik.

Maktabda ta`lim tarbiya ishlarini tashkil qilishda boshlang`ich sinf bolalrning anamotik fiziologik xususiyatlari jismoniy kamolot darajasini xisobga olish muvaffaqiyat garovidir.

Boshlang`ich sinf o`quvchisi biologik jihatdan nisbatan uyg'un o`sadi. Uning bo`yi va og`irligi o`pkasining xajmi mutanosib rivojlanadi. Biroq bolaning suyaklari ko`krak qafasi , tos, qo`l suyaklari umurtqa pog`onasida xali tag`aysimon to`qmolar uchraydi. Bu esa uning suyak takomillashib bo`lmaganini ko`rsatadi. Yurak muskullari tez o`sadi qon tomirlarining deamtri sal kattaroq bo`ladi. Miyaning og`irligi boshlangich sinflarda 1250-1400 grammni tashkil etadi. Miya po`stining anamotik - sintetik faoliyati takomilashadi qo`zg`alish bilan tormozlanish o`rtasidagi munosabat o`zgaradi, lekin qo`zg`alish nisbatan ustunlikka ega bo`ladi. Shuning uchun bolaning to`g`ri oshishiga g`amxo`rlik ilish toliqishining oldini olish, o`qish va dam o`tish rejimga qat`iy rioya etish zarur.

Maktab ta`limi o`quvchining turmush tarzini ijtimoiy mavjudini , sinf jamoasi va oila muhitidagi ahvolini o`zgartiradi, uning asosiy vazifasi o`qishdan bilim olish ko`nikma va malakalarini egallash tabiat va jamiyat tog`risda qonuniyatlarni o`zlashtirishdan iborat bo`lib qoladi. Ta`lim muayyan darajada shoshqoqlik intilish, idoraviy zo`r berish faollik va maqsadga muvofiq faoliyatni talab iladi. Ixtiyorsiz xatti-xarakat o`rnini aniqlashilgan , rejali, aqliy mehnat egallay boshlaydi. O`quvchi doimo tengdoshlari bilan birga muayyan sinf jamoasida bo`ladi. Demak uning oldida hamma vaqt sinf jamoasining manfaatini himoya qilish shaxsiy, istaklarini umumjamoat intilishiga bo`ysundirish o`zaro yordam o`zaro talabchanlik, ijtimoiy javobgarlik va burch masalalarini egallash vazifasi turadi. Ta`lim jarayonida esa o`quvchi oldida qo`yiladigan talablar tobora ko`payib va murakkablashib boraveradi.

O`qishning dastlabki kunidanoq kichik maktab yoshdagi bolaning o`shishini qarama-qarshiliklar ichki ixtiloflar vujudga keladi. Ana shular zamirida boladagi psixik kamolotning darajasi va ijobiy xislatlar bilan talablar o`rtasidagi qarama qarshiliklar yotadi. Talablarning tobora ortishi bolaning psixik jihatdan to`xtovsiz o`shishi toqazo etadi va shu berk zanjirning uzluksiz harakati natijasida insonning kamoloti amalga oshadi.

Boshlang`ich sinf o`quvchisining muhim xususiyatlardan biri unda o`ziga xos ehtiyojlar o`z mohiyati bilan muayyan bilim ko`nikma atrofidagi voqealikni o`zlashtirishga qaratilmay, balki faqat o`quvchilik istagini aks ettirishdan iboratdir. Bundan tashqari bilimlar, kunidagi shodiyona ayyom, o`quvchilik safiga qabul payti, maktab ma`muriyati va o`qituvchilarning unga bildirgan samiyimiy tilaklar yuqori sinf o`quvchilarining tabriklari bolaning his-tuyg`usiga ijobiy ta`sir etadi. Sinfidagi o`rtoqlari bilan qatorlashib saf tortib yurishlar, birgalashib o`ynash, oshxonaga borish o`quvchilarning o`gitlari ham bolani o`ziga rom etadi. Umuman boshlang`ich sinf bolalar o`qishning tub mohiyati va vazifasini tushunib yetmaydi. Balki hamma maktabga borishi kerak deb tushunadi. Ammo u kattalarning ko`rsatmalariga amal qilib tirishqoqlik bilan mashg`ulotlarga kirishib ketadi.

Oradan ma`lum vaqt o`tgach shodiyona lahzalarning taassuroti namoyishi bilan maktabning tashqi belgilari o`z ahamiyatini yo`qota boradi va o`qishning kundalik qat`iy mehnat irodaviy zo`r berish, yoqtirmagan narsa bilan shug`ullanish, diqqatini taqsimlash o`z xulqini idora qilish ekanligini aniqlaydi. Shunday aqliy mehnat ko`nikmasiga ega bo`lmasa uning o`qishdan ko`ngli soviydi, unda umidsizlik xissi vujudga keladi. O`qituvchi esa bunday holatni oldini olish uchun bolaga ta`limning o`yindan farqi qiziqarliligi haiqda ma`lumotlar berish va uni shu faoliyatga tayyorlash kerak. O`qish faoliyatiga qiziqish uning mazmuniga ham qiziqishini vujudga keltiradi. Bilim olish ehtiyojini tug`diradi va o`qish motivlarini tarkib topadi.

Ta`limning mazmuniga bilimni egallashga qiziqish o`quvchilarning o`z aqliy mehnati natijasidan qanoatlanish hissi bilan uzviy boqliqdir. Bu his o`qituvchining rag`batlantirishi bilan namoyon bo`ladi. Va o`quvchida samaraliroq ishlash mayli eslatadi, ishtiyoji shakllantiradi Bolada paydo bo`lgan faxrlanish va malakalarni mustahkamlash uchun xizmat qiladi. Raqobatlashtirish va jazolash meyorida bo`lsgina, ularning tarbiyaviy ta`siri ortadi.

Boshlang`ich sinf o`quvchilari faoliyatini baholash unda o`qishga ijobiy munosabatni shakllantirishda muhim ahamiyatga egadir.

Ma`lumki maktablarda bolalarni og`zaki baholash odat tusiga kirib qolgan chunki birinchi sinf o`quvchisi ana shu baho ta`sirida o`z faoliyatini kuchaytiradi. Ijodiy izlanishga harakat qiladi. Hatto o`quvchi dastlabki paytlarda "yaxshi" yoki "yomon" bahoning farqiga ham bormaydi. Ko`proq nechta baho olgani qiziqtiradi. O`qituvchining rag`batlantirishi uning uchun eng muhim rol o`ynaydi.

Boshlang`ich sinf o`quvchilarning muhim xususiyatlaridan biri ulardagi o`qituvchi shaxsiga ishonch xissi va yuksak ehtiromdir. Shuning uchun ham o`quvchilarning bolaga tarbiyaviy ta`sir ko`rsatish imkoniyati juda kattadir.

Shunday qilib, boshlang'ich sinf o'quvchilarini tarbiyalashda yangicha yondoshuvlar jarayonida bolalar ma'naviyatini yanada rivojlantirishda psixologik metodlardan foydalanish yo'llarini ta'lim-tarbiya jarayonida keng targ'ib qilish, ma'suliyatli ishlarni amalga oshirish davr talabidir.

Modomiki, aqliy zakovat va ruhiy-ma'naviy salohiyat-ma'rifatli insonning ikki qanotini tashkil etar ekan, biz pedagoglar bu sohada o'z fidoiyligimizni amalda isbot qilishga intilmog'imiz shart.

BOSHLANG'ICH TA'LIM O'QUVCHILARI TAFAKKURI RIVOJLANISHINING O'ZIGA XOSLIGI

Kadirkulova Xurbuvi

Boyovut tuman 6-umumta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi

*Mantiq sizni A nuqtadan B nuqtaga olib kelishi
mumkin, ammo faraz esa istagan joyingizga eltadi.*

Albert Eynshteyn

Bolaning ruhiy sog'lomligining o'ziga xosligi - uning bilimga nisbatan faolligidir. Bola qiziquvchanligi doimo o'rab turgan atrofimizdagi olamni va dunyo tuzilishini bilishga yo'naltirilgan. Bola o'ynab turib, tajribasida sabab-oqibat va ular o'rtasidagi bog'liqliklarni aniqlashga harakat qiladi. Masalan, uning o'zi qanday predmetlar cho'kishini, qanday predmetlar suzishini fahmlashi mumkin. Bolaning aqliy munosobatlari qanchalik faol bo'lsa, u shunchalik ko'p savollar beradi va bu savollar turlicha bo'lib boradi. Bola dunyodagi barcha narsalar bilan qiziqishi mumkin: okeanning chuqurligi qancha? Hayvonlar qanday nafas oladi? Nima uchun tog'larning tepasida qor saqlanadiyu pastda erib ketadi?

Bola har doim bilishga intiladi, bilimlarni o'zlashtirish esa ko'p sondagi "nimaga?", "qanday, "qanday qilib", "nima uchun" kabi savollarga javob olishi orqali amalga oshadi.

U o'zida bor bilimlaridan foydalanishga majbur holda, holatni tasavvur qiladi va savolga javob topish uchun mumkin bo'lgan yo'lni topishga harakat qiladi. Bola haqiqiy holatni tasavvur qilib, o'z xayolida unda harakatlanadi. Ichki obrazli harakatlar natijasida masalani yechimini amalga oshish tafakkuri ko'rgazmali-obrazli deb ataladi. Obrazli tafakkur - kichik maktab yoshida tafakkurning asosiy ko'rinishidir. Albatta, boshlang'ich ta'lim yoshida bola mantiqiy fikrlaydi, lekin bu yoshda ular ko'pincha ko'rgazmalilikka tayanadilar.

Kuzatishlar natijasida aniqlanganki, maktabda ta'lim olish jarayonida bolaning bilim olishi boshqa ko'rinishdagi tafakkur natijasida amalga oshishi mumkin va u empirika nomini olgan. Empirik tafakkur asosida bilimlarni o'zlashtirish, atrof-olamdagi predmet va hodisalarning tashqi o'xshashliklarini taqqoslash, umumiy belgilari aniqlash natijasida amalga oshiriladi.

Masalan, boshlang'ich sinflarda o'quvchilar tomonidan o'zlashtiriladigan muhim matematik amallar qo'shish, ayirish, ko'paytirish va bo'lish amallari hisoblanadi. Bu amallar o'zlashtirilganligidan so'ng, ularni mustahkamlanganligi odatda ko'p sondagi bir xil ko'rinishdagi matematik masalalarni yechish orqali tekshiriladi.

O'quvchilar tafakkurini kengaytirishda ko'roq biz mantiqiy topshiriq va savollardan foydalanishimiz mumkin.

Mantiqiy mashqlar bolalarning narsa va atrof-muhit haqidagi bilimlarini tartibga soladi va ularga to'g'ri fikrlash usullarini o'rgatadi. O'quvchi maktabga kelganda, keng lug'at boyligiga ega bo'lsa ham, odatda, tafakkurning taqqoslash, qarshi qo'yish, umumlashtirish, guruhlash usullaridan foydalanishni bilmaydi (ayniqsa, bilish faoliyatining ob'ekti aniq predmet emas, uni ifodalovchi so'zlar bo'lsa). Mantiqiy mashqlarning vazifasi u yoki bu narsa va hodisalar bilan tanishish asosida bolalarni predmet va hodisalardan muhimini, umumiyini ajratishga, so'z bilan aniq ifodalashga o'rgatish, bolalarga mantiqiy usullar tizimini o'rgatish bilan bilimini material tomondan boyitish va uni aqliy tomondan o'stirish hisoblanadi.

1-masala. Daraxtga uchta qush kelib qo'ndi. Ularga yana bitta qush kelib qo'shildi. Daraxtda nechta qush qo'nib turibdi?

2-masala. Daraxtda 17 ta qush qo'nib turibdi. 13 ta qush uchib ketdi. Daraxtda nechta qush qoldi?

3-masala. 18 ta qush 3ta teng to'daga bo'lindi. Har bir to'dada nechtdan qush bor?

4-masala. Bolaga 7 ta olma va 2 ta nok berishdi. Bolaga nechta meva berishdi? (Yechish usuli birinchi masala bilan umumiy).

Taqdim qilingan masalalar muvaffaqiyatli yechilgandan so'ng, o'quvchilarga ularni tasniflash taklif etiladi. Berilgan masalalarni yechishda o'quvchi qanday belgilarga qarab mo'ljallanganligiga e'tibor qaratadigan bo'lsak, bu yerda ikkita asosiy tasniflash varianti bo'lishi mumkin: o'quvchining masalani muhim bo'lmagan, tashqi belgilariga qarab mo'ljalni olganligi (empirik yondashuv) va o'quvchining masalaning muhim belgilariga, amallarning matematik usullariga qarab mo'ljalni olishi (nazariy yondashuv).

Mantiqiy mashqlar sermazmun bo'lishi, o'quvchilarning tajribasi bilan bog'lanishi, ularni to'g'ri fikrlashga o'rgatishi, bilimlariga aniqlik kiritishi va tartibga solishga xizmat qilishi lozim. Bunday mashqlardan o'rni bilan boshqa darslarda ham, o'qish va grammatika darslarida ham foydalaniladi.

Mantiqiy masalar ustida ishlash asosida o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlari shakllanib boradi. Mantiqiy fikrlashni rivojlanishi asosida bolada mustaqil fikr, mulohazalar paydo bo'ladi. Fikrlash yangi g'oyalar va ular ustida ishlash imkoniyatlarini yaratadi.

Agar o'quvchi har bir masalani o'zi uchun yangi masaladek, ulardagi tuzilish umumiy prinsipini ajratmasdan yechadigan bo'lsa, u holda bola tashqi, muhim bo'lmagan belgilarga e'tibor qaratganidan darak beradi.

Bu holda yechish xatolar va ularni tekshirib ko'rish metodi orqali olib borilayotganligini bildiradi. Agar bola bir yoki ikkita masalani yechish davomida uning umumiy yechish prinsipini kashf etadigan bo'lsa, demak u daslabki masalalarni yechishni tahlil qilgan va boshqalarini yechishda ulardan chiqargan xulosa hamda shartlariga tayangan bo'ladi.

Boshlang'ich ta'lim davomida o'quvchida nazariy tafakkur rivojlanadi, u yangi bilimlarga, ko'nikmalarga ega bo'ladi – o'zining keyingi ta'limi uchun zaruriy baza yaratadi

ARIFMETIK MASALALAR YECHISH JARAYONIDA O'QUVCHILARNING FIKRLASH QOBILIYATLARINI O'STIRISH.

*Narmetova Firuza Xabibullayevna
Guliston tuman 70-maktab internati boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Boshlang'ich sinflar matematika darslarida boshlang'ich sinf o'quvchilarini hayotiy masalalar yechish jarayonida fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar mavjud. Bu shu bilan asoslanadiki, birinchidan, boshlang'ich sinflar matematika darslarida ko'pgina tushunchalarni hayotiy tajribaga asoslanib o'qitishga asoslanadi, ikkinchidan, tushunchalar, qoidalar va ularni kuzatishlar, mashq va misollar asosida ko'rgazmali chiqarilishi usullari, amallar va ularning xossalari bayon etishda ularning qo'llanilishi, uchinchidan, matnli va syujetli mashq va misollar va ularni yechishda o'quvchilarda fikrlash ko'nikmalarini shakllantirish bilan birga algebraik va geometrik tushunchalar, boshqa amallar bilan o'zaro aloqadorligidan foydalanish talab etiladi. Shuning uchun o'quvchilarini hayotiy masalalar yechish jarayonida fikrlash qobiliyatlarini rivojlantirish samarali usullarini ishlab chiqish va ularni zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida qo'llash usullarini o'rganish dolzarb vazifa hisoblanadi.

Masalalar yechish matematikada o'qitishni muhim tarkibiy qismidir. Masalalar yechmasdan matematikani o'zlashtirishni tasavvur ham qilib bo'lmaydi. Masalalar yechishida nazariyani amaliyotga tadbiiq qilinishi haqida fikr yuritishida natural sonlar arifmetikasini o'rganish maqsadga muvofiq masalalar va amaliy ishlar sistemasi asosida tuzilgan. Arifmetik amallarning mazmunini amallar orasidagi bog'lanishlarni amalda qo'llanishlarni bilan natijalar orasidagi baholashlarni ochib berishda har xil miqdorlar orasidan baxolashlar bilan tanishishiga yechish va ular haqida fikr yuritish katta ahamiyatga ega bo'ladi.

Sodda va murakkab masalalarni fikrlash qobiliyatini rivojlantirishning foydali vositasi bo'lib odatda o'z ichiga yashirin ma'lumotni oladi. Masalalarni yechishda predmetga bo'lgan qiziqishni rivojlanadi. Umuman mustaqillik, erkinlik, talabchanlik, mexnatsevarlik maqsadga muvofiqdir.

Qo'shish va ayirishga o'rgatish 1 sinfda matematika o'qitishning asoslaridan biridir. Bolalar bog'chasida asosiy tayyorlov ishlari olib boriladi. Bolalar arifmetik masalalarni echib, hisoblash malakalarini egallab boradi. Bu arifmetik masalalarning ma'nosini tushunishiga hamda unga ongli ravishda yondoshishlar, xatoliklar natija hamda amallar komponenti orasidagi o'zaro bog'lanishlarni aniqlashga imkon beradi. Maktabgacha tarbiya yoshdagi bolalar bir amalli oddiy masalalarni, ya'ni narsalar ustida ish bajarishdan qo'shish ayirishdan bevosita kelib chiqadigan (qo'shdik, ko'paydi, ayirdik, kamaydi) arifmetik masalalarni yechadilar. Bular yig'indi va qoldiqni to'pishga qaratilgan masalalardir. Bolalarga katta son kichik sonlarni qo'shish hollari bilan tanishtiriladi. Ularni avval 1 soni qo'shish va ayirish keyinroq 2 va 3 sonlarni qo'shish va ayirishga o'rgatib boriladi. Masalalar yechish bolalarga avvalo mukammal matematik tushunchalarni shakllantiradi. Fikrlash qobiliyatini rivojlantiradi. O'ylash masalalarni hayotga tatbiq eta olish, har bir amaliarni ma'nosini tushunishdan iboratdir. Qo'shish amallariga doir masalalar yechishiga to'plam elementlarini birlashtirish natijasida belgilarni aniqlaydilar amaliarni noma'lum komponenti (noma'lum qo'shiluvchi, ko'payuvchi, bo'luvchi) topishga doir masalani yechayotib bolalar arifmetik amallarni komponentlari va orasidagi bog'lanishni o'zlashtiradilar. Masalalar konkret material bo'lib, ular yordamida o'quvchilar yangi bilimlar vujudga keladi va mavjud bilimlar tadbiiq qilish mobaynida mustahkamlanib boriladigan holda nazariyani amaliyot bilan o'qitish tushuntirish bilan bog'lab olib borish imkonini beradi. Arifmetik masalalar yechish o'quvchilar kundalik hayotida har kungi o'quv zarur bo'lgan amaliy fikrlarini vujudga keltiradi. Hayotdagi harid qilingan narsaning narxini ko'rishgan narxini olgan narsalarni narxini, ishga kech qolmaslik uchun uydan qachon chiqqanligi haqida fikr yuritiladi. O'quvchilarni yangi bilimlar bilan tanishtirish uchun masalalardan keng foydalaniladi. Masala tuza bilish ko'nikmasi uning tuzilishini o'zlashtirib olish uchun zamin yaratadi. Bolalar masala tuzish bilan 2 yoki 3 mashg'ulot o'tganidan so'ng tanishadilar ular masalada shart va savol borligini bilib oladilar. Masala shartini kamida 2 ta son bo'lishligi alohida ta'kidlanadi.

Masalalar yechish haqida fikr yuritish aqliy rivojlanishiga ancha ijobiy ta'sir ko'rsatadi chunki u aqliy operasiyalarni analiz va sentez, taqqoslash umumlashtirishni talab etadi. O'quvchi istalgan masalani yechayotganda analiz qiladi savolini masala shartida fikr yuritadi. O'quvchilar masala yechish orqali izlanayotgan sonlar orasidagi bog'lanishlarini aniqlash uchun fikr yuritadilar. Masalalar yechish mobaynida o'quvchilar egallashi lozim bo'lgan belgilar sonlar va izlanayotgan son orasidagi masalalar ustida ishlashga doir o'quvchilarni avval bir turdagi masalalarni yechishga so'ngra boshqa turdagi masalalarni yechishga fikr yutita olib negaki masalalar yechish jarayonida berilgan sonlar va noma'lum son orasidagi bog'lanishni aniqlash buning aloxida arifmetik masalalarni tanlashni o'rganadilar. YA'ni masalada arifmetik amalni tanlashga o'tish uchun fikr mulohaza yuritiladi. Masala yechish og'zaki yoki yozma ravishda bo'lishi haqida fikr mulohaza yuritadilar og'zaki yechishda tegishli arifmetik amallar va tushuntirishlar og'zaki bajariladi. Boshlang'ich sinflarda yechiladigan masalalarni deyarli

yarmi og'zaki bajarilishi kerakligi haqida mulohaza qiladilar. Masalalar yechish o'quvchilarda masala mazmuniga chuqurroq qarash haqida berilgan sonlar va izlanayotgan va orasidagi bog'lanishni har tomonlama fikrlash qobiliyati rivojlantiradi. O'quvchilarni mustaqil masalalar yechishiga o'rgatishning bir qancha bosqichini ko'rsatamiz.

1-bosqich masala o'quvchining yo'naltiruvchi savollar bo'yicha yechiladi va bu yechish doskada va daftarga bir vaqtda bajariladi.

2-bosqich masala shartini o'qituvchi rahbarligida analiz qiladi va yechish rejasini tuziladi. Yechishni o'z doirasiga yozilmaydi og'zaki aytilmaydi ham. O'quvchilar esa uni mustaqil fikr yuritib boradilar.

3-bosqich o'qituvchi raxbarligida masala faqat analiz qiladi. Yechish rejasi va yechishning o'zini o'quvchilar mustaqil bog'laydi.

4-bosqich masalani o'quvchining hech bir yordamisiz mustaqil yechish uchun fikr yuritadilar. O'quvchilarga masalalar yechish masalani tarkib toptirishga ijodiy harakatlari masalalar haqida fikr yuritishi maxsus ahamiyatga ega bo'ladi. Masalalar yechish mobaynida iqtisodiy tarbiya berish ham amalga oshiriladi. Iqtisodiy fikrlash va bilish o'zoro muhim aloqadorlikdadir.

Masalan: Tayyorlangan ozuqa 20 ta sigirga 60 kunga etadi. Shu ozuqa 50 ta sigirga necha kunga etadi?

Yechish: ozuqa 20 ta sigirga 60 kun 50 ta sigirga ozuqa 1 ta 20* 60 = 1200 kunga etadi. 50 ta shu sigirga 1200:50=24 kunga etadi

Javob: 24 kunga etadi

O'quvchilar o'qituvchining maxsus talab qilishiga muxtoj bo'lmasdan, o'zlari masalada nima xaqida so'zlayotganini ochiq tasavur qilishlari kerak? O'quvchilarda o'quv masalalarini mustaqil yechish mahoratini paydo qilish boshlang'ich ta'limning eng muhim maqsadlaridan biridir.

1) 1 to'p gazlamadan 30 m oldingisidan 5 marta kam gazlama qirqib olindi.

Tejamkorlik hisobida yana 4 m gazlama qoldi. To'pda necha metr gazlama bo'lgan.

Yechish: olindi -tup 5marta kam. Qoldi-?

Yechish: 1 t 30- 5=]50m 150+4= 154m

Javob: to'pda 154m gazlama bo'lgan.

Boshlang'ich sinflar matematika darslarida arifmetik amallar tushuncha o'qitilishini arifmetik amallar natijalar va komponentlari orasidagi bog'lanishning ahamiyatini hisobga olib, matematika o'qituvchilarining boshlang'ich ta'lim matematika kursini o'qitishda o'quvchilarda fikrlash ko'nikmalari, mashqlar yechishda mantiqiy asoslash va fikrlashni talab etadigan biz ishlab chiqqan tavsiyalardan foydalanishlari ularning umuman matematik tayyorgarligi, qiziqish va qobiliyatlari rivojining oshishiga xizmat qiladi.

ADABIYOTLAR

1. Jumayev M.E, Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi Toshkent. "Ilm Ziyo" 2003 yil.

2. Jumayev M.E, Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasidan praktikum. Toshkent. "O'qituvchi" 2004 yil.

BOSHLANG'ICH SINFLARDA MANTIQUIY TOPSHIRIQLAR ASOSIDA MANTIQUIY FIKRLASHGA O'RGATISH YO'LLARI

*O`rinboyeva Dilorom Alijanovna
70-maktab internatining
boshlang`ich sinf o`qituvchisi*

**Aql tarzusida tortib ko'rilmagan har qanday bilim asossizdir.
Shu bois mantiq ilmini o'rganmoq juda muhim
Abu Ali Ibn Sino**

O'quvchilar, ba'zan kattalar ham jumboqli savollarga o'ch bo'lishadi. Mantiqiy savollar kishini noodatiy fikrlashga, aqlini charxlashga, tafakkurini o'stirishga olib keladi. Mantiqiy toshiriqlar ustida ishlash asosida o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlari shakllanib boradi. Mantiqiy fikrlashni rivojlanishi asosida bolada mustaqil fikr, mulohazalar paydo bo'ladi. Fikrlash yangi g'oyalar va ular ustida ishlash imkoniyatlarini yaratadi.

Mantiqqa asoslangan xulosalar chiqarish, fanlarning qiziqarli yo'nalishini belgilaydi. O'quvchining tafakkur doirasi kengayib boradi. Mantiqiy topshiriqlar ustida ishlash imkoniyatlarini egallash borasida bolaning yosh va individual xususiyatlarini inobatga olish muhimdir. Berilgan mantiqiy topshiriqlar bolaning bilim va qabul qilish darajasida bo'lishi muhimdir. Bolalarga songa oid, miqdorga oid, o'lchov birliklariga oid, geometrik shakllarga doir mantiqiy masalar berilishi darslarda olgan bilimlarini mustahkamlaydi, ularning mustaqil ishlash imkoniyatlarini kengaytiradi. Shu bilan bir qatorda boshqa fanlardan olgan bilimlari bilan to'ldirish va bog'liqlikni ta'minlaydi.

Boshlang'ich sinflarda mantiqiy topshiriqlar yechish orqali o'quvchilarning fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish, mustaqil ishlashga, matematikaning yoki boshqa fanlarning sehrli dunyosini bilishga qiziqishlarini orttirish asosiy masalalardan biridir. Shuning uchun mantiqiy topshiriqlarni tatbiq etish imkoniyatlari: ularning integratsiyalashgan yo'nalishlarda, interfaol metodlarda, ko'rgazmalilik asosida tashkil etish yo'llari ko'rsatib

berilgan. Nafaqat dars jarayonida darsdan tashqari y`onalishlarda ham mantiqiy topshiriqlardan foydalanish imkoniyatlari ta`kidlanib o`tilgan. Misol uchun ularga quyidagi savollar bilan murojat qilishimiz mumkin:

1. Balandligi 10 metr bo`lgan narvondan sakrab, umuman jarohat olmaslik uchun nima qilish kerak?

Javob: Narvonning eng quyi pog`onasidan sakrash.

2. Qaysi talaffuz to`g`ri: «oq rangdagi tuxum sarig`ini ko`rmayapman» yoki «tuxumning oq rangli sarig`ini ko`rmayapman»?

Javob: Tuxumning sarig`i oq rangda bo`lmaydi.

3. Qanday sharoitda qora mushukka uyga kirish eng qulay bo`ladi?

Javob: Uyning eshigi ochiq bo`lganda.

4. Ikki ota va ikki o`g`il yo`lda ketayotib, 3 ta olma topib olishdi. Ularning har biriga bittadan olma tegdi. Bu qanday sodir bo`ldi?

Javob: Ular bobo, ota va farzand edilar


5. $2+2*2$ ning javobi necha bo`ladi?

Javob; 6, avval ko`paytirish bajariladi.

6. Uning balandligi ham, bo`yi ham, eni ham yo`q, lekin uni o`lchasa bo`ladi. U nima?


Javob: Harorat, vaqt.

Sanang. Har bir o`nlikni rangli qalam bilan bo`yang. Katakchaga nechta o`nlik va birlik borligini yozing.



1. Geometrik shakllarga oid mantiqiy masalalar asosida shakllarga oid olingan bilimlarni mustahkamlash imkoniyati beriladi, shakllarni bir-biridan farqlash, solishtirish, taqqoslash orqali berilgan topshiriq bajariladi;

Masalan:



1 dan 9 gacha sonlarni kvadrat kataklariga shunday joylashtiringki, kvadratning har bir qatori va ustuni bo`yicha sonlar yig`indisi 15ga teng bo`lsin.


	4		
J:			
4.			

$8+1+6=$
 $2+7+6=$

iy masalalar

1) 2 ta cno pni snunday o`zgartiringki, xo`kiz or

4	9	2
3	5	7
8	1	6



Bunday mashqlarni turli darslarga kiritish mumkin, ular ko'p vaqtni olmaydi. Lekin ularga shu darsning o'zida yoki keyingi darsga qaytish lozim bo'ladi. Bolalar nima o'ylab topganlarini eshlashlari va yana bir marta o'z javoblarini daftarlariga yozishlari kerak bo'ladi, xotira shu tarzda rivojlantiriladi.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki mantiqiy masalalar ustida ishlash assoida bolalarda darsga bo'lgan qiziqish ortib boradi va o'zlari ham yandi mantiqiy masalalar topishga harakat qiladilar.

BOSHLANG'ICH SINFGA DIDAKTIK O'YINLAR VA ULARNING AHAMIYATI.

O'sarova Muqaddas Guliston shahar 13-umumta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi

Dars ila tarbiya orasida bir oz farq bor bo'lsa ham, ikkisi bir-biridan ayrilmaydigan, birining vujudi biriga boylangan jon ila tan kabitdir.

Abdulla Avloniy

Didaktik o'yinlardan bolalarning aqliy faoliyatini rivojlantirish, nutq o'stirish, tabiat bilan tanishtirish va ekologik ta'lim jarayonini tashkil etishda keng foydalaniladi.

Odatda, o'quvchining yangi mavzuni o'zlashtirib olishi uchun turli amaliy mashqlarga murojaat qilinadi. Ammo o'yin shaklida o'tkaziladigan mashqlar bolalarning diqqatini ko'proq jalb qilishi, qiziqtirishi bilan ajralib turadi. Didaktik o'yinlarda bolalar takrorlash lozim bo'lgan so'z yoki harakatni osonlik bilan o'zlashtirib oladilar.

Didaktik o'yinning boshqa o'yin turlaridan farqi shundaki, undan boshlang'ich va maktabgacha yoshdagi bolalarga ta'lim berishda keng foydalaniladi. Bola o'yin jarayonida bilim oladi, malaka va ko'nikmalar hosil qiladi. Didaktik o'yin o'z ichiga, asosan, quyidagi to'rt omilni qamrab oladi:

- o'yinning vazifasi;
- harakati;
- qoidasi;
- yakuni.

1. Har bir didaktik o'yinda ma'lum maqsadga qaratilgan vazifa qo'yiladi. Bu vazifa bolalarga bilim va ma'lumot berishni nazarda tutadi.

Didaktik o'yinda boladan ma'lum vazifani bajarish talab qilingani bois, o'yin davomida u o'zining fikrlash qobiliyatini faollashtiradi, oldingi olgan bilimlarini eslashga harakat qiladi.

Bolalar bilan o'tkaziladigan didaktik o'yinlar ularda aniq bilimga, narsa va buyumlarga qiziqish uyg'otishi, diqqatini jalb qila olishi lozim. Agar o'quvchilar oldiga qo'yilgan vazifa ularning tushunchasiga mos bo'lmay, bolalarni qiynab qo'ysa, o'yin o'z qimmatini yo'qotadi. Chunki o'quvchi qiziqmagach, vazifa bajarilmaydi va kutilgan natijaga erishilmaydi.

Ma'lumki 1-sinfga qabul qilinib, maktab ostonasida ilk qadam qo'ygan bolaning faoliyatida o'yin asosiy o'rinni egallaydi. O'yin ularning eng sevimli mashg'uloti bo'lib, ular har qanday mashg'ulotni o'yin bilan uyg'unlashtirishga harakat qiladilar. Shunday ekan o'qituvchi o'quvchi faoliyatidan ularning sevimli mashg'uloti - o'yinni siqib chiqarmasdan, undan maqsadga muvofiq foydalanish bilan ta'lim jarayonining samaradorligini oshirishga imkon beradi.

O'yin - bola hayotining uzviy qismidir. O'yin orqali bola atrof - muhit, tabiat hodisalari, manzaralari, buyumlar, o'simliklar, hayvonlar dunyosi bilan tanishadi. Boshlang'ich ta'lim davrida o'quvchilarning aqliy va jismoniy faoliyatini tashkil qilishda didaktik o'yinlar alohida ahamiyatga ega.

Didaktik o'yinlar jarayonida o'quvchilar o'yin qoidalariga qat'iy rioya qilishga o'rganadilar, inoqlik his - tuyg'ulari, dunyoqarashlari shakllanib boradi.


Ta'lim jarayonida didaktik o'yinlar o'quvchilarning xususiyatiga ko'ra tashkil etilishi kerak. Bu esa ularga bilim berishni yengillashtirishga, ko'rgazmalilikni ta'minlashga qaratilgan bo'lib, o'quvchilarni toliqtirmaslik, zeriktirmaslik imkonini yaratadi.

Didaktik o'yinlarni xilma-xil tarzlarda tashkil qilish mumkin. Qo'g'irchoqlar, o'yinchoqlar, rasmlar va tarqatmalar, turli geometrik shakllardan ham foydalanish mumkin. Didaktik o'yinlar maqsadiga ko'ra 4 omilni o'z ichiga oladi:


1. O'yinning vazifasi. 2. O'yinning harakati. 3. O'yinning qoidasi. 4. O'yinning yakuni.

Har bir didaktik o'yinni boshlashdan oldin o'quvchilarga o'yinning qoidasi, mazmuni, yakuni nimadan

iborat ekanini o'qituvchi tomonidan tushuntiriladi. O'quvchilar uni tushunib, anglab, shu asosda harakat qiladilar. Misol uchun savodxonlik davrining oxirgi oylarida quyidagicha o'yinlardan foydalansak o'quvchilarning o'tilgan darslarini yanda mustahkamlab borishiga sabab bo'ladi.



Bunda o'quvchilar rasmlarga qarab jadvallarni to'ldirib borishadi.



Bu o'yinda o'quvchilar jadvaldagi yozuvlarga qarab rasmlarini topishdi. Bunda o'quvchilardan chaqqonlik, ziyraklik, bilimlilik va mahorat kerak bo'ladi.

Didaktik o'yin dunyoni bilish vositasidir: o'yin orqali bola bola rangi, shakli, tabiiy xususiyatlari, o'simliklar va hayvonlarni o'rganadi. O'yinda bolalar o'ynash, qiziqish doirasini kengaytirish, ta'mi va so'rovlarni aniqlash qobiliyatini rivojlantiradi. O'yinlarning vazifalari va mazmuni bilan qoidalarni o'ylab, ularni asta-sekin murakkablashtirishingiz kerak. Didaktik o'yinni standartlashtirish mumkin emas, bolalar tashabbusi va ijodiga bo'sh joy berish kerak. Bolaning hayotida didaktik o'yin kattalar uchun ish va xizmat sifatida bir xil ma'noga ega. O'yin, ishlash uchun zarur bo'lgan jismoniy va ruhiy ko'nikmalarni oshiradi: faoliyat, ijodkorlik, qiyinchiliklarni bartaraf etish qobiliyati va boshqalar. Bu xislatlar "ishning kuchi va harakati" bo'lgan yaxshi o'yinda o'stiriladi. Xulos sifatida didaktik o'yin bolaning shaxsini har tomonlama tarbiyalash vositasi sifatida ishlaydi desak mubolag'a bo'lmaydi.

BOSHLANG'ICH SINFLARDA GAP BO'LAKLARINI O'RGANISHDA TUSHUNCHALAR TAHLILI METODIDAN FOYDALANISH TEXNOLOGIYASI.

*Qarshiyeva Feruza Berdiqulovna Mirzaobod tumani
5-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Gapning bosh bo'laklarini kuzatish bilan o'quvchilar o'z fikrlarini aniq ifodalashga o'rganadilar, ularda nutqdan gapni ajratish ko'nikmasi shakllanadi. Gapni o'rganish me'yoriga qarab uning tarkibiy qismlari, xususan, so'z birikmasi haqidagi tasavur aniqlanadi. Boshlang'ich sinflarda o'rganiladigan sintaktik material kam bo'lsa ham, butun o'quv yili davomida, boshqa mavzularga singdirilgan holda gap ustida ishlab boriladi. Dasturga ko'ra, 1-sinfda o'quvchilarga gap haqida elementar tushunchalar beriladi. Gap tugallangan fikr bildirishi, gap so'zlardan tashkil topishi, uning oxiriga ma'lum tinish belgilari qo'yilishi haqida amaliy ma'lumotlar beriladi.

2-sinfda esa o'quvchilar gap haqida nazariy tushunchalar oladilar. Ular gapdan shu gap kim yoki nima haqida aytilganini va u haqda nima deyilganini bildirgan so'zni ajratishga o'rganadilar. Aslida gapning grammatik asosi ustida ishlash mana shundan boshlanadi va bu bosh bo'laklarni o'rganishga muqaddima bo'ladi. 3-sinf gap ustida ishlashda yangi bosqichdir. O'quvchilar gapni amaliy o'rganishdan tushuncha sifatida o'rganishga o'tadilar. Ular gapning muhim belgilarni bilib oladilar. Bu bosqichda bosh va ikkinchi darajali bo'laklarning ta'rifi, ega va kesim atamalarini kiritiladi. Bu sinfda gapda so'zlarning bog'lanishiga katta e'tibor beriladi. O'quvchilar gapning asosi (ega va kesim)ni ajratadilar, ikkinchi darajali bo'laklarni farqlaydilar va gapdagi ikki so'z (hokim va tobe so'z)ni, so'zlarning grammatik jihatdan, ya'ni qo'shimchalar orqali bog'lanishini bilib oladilar. 4-sinfda gapning

uyushiq bo'laklarini o'rganish bilan gap bo'laklari haqidagi bilim kengaytiriladi. Shunday qilib, o'quvchilarda gap bo'laklari haqidagi tasavvurni o'stirish gapni o'zlashtirishda yetakchi hisoblanadi. Birinchidan, boshlang'ich sinf o'quvchilari gap bo'laklarini ikkita katta guruhga (bosh va ikkinchi darajali bo'laklarga) bo'linishini o'zlashtiradilar. Bu sinflarda ikkinchi darajali bo'laklar turlarga ajratilmaydi. Gapni o'zlashtirish uchun bosh va ikkinchi darajali bo'laklarning mohiyati ochiladi: bosh bo'laklar gapning grammatik asosini tashkil qiladi, fikr, asosan, gapning grammatik asosi orqali ifodalanadi; ikkinchi darajali bo'laklar esa bosh bo'laklarni aniqlovchilik va to'ldiruvchilik vazifasini bajaradi. Ikkinchi darajali bo'laklarning mohiyatini ochish uchun o'quvchilar gapni tahlil qiladilar va ular qaysi gap bo'lagiga bog'lanib, uni izohlab kelayotganini aniqlaydilar. Ikkinchi darajali bo'laklarni xususiyatlari gapni yoyish (yig'iq gapni yoyiq gapga aylantirish) jarayonida yaqqol ko'rinadi. Masalan, o'quvchilar „*Qaldirg'ochlar uchib keldi*“ gapini yozadilar. Fikrni to'liq ifodalash uchun gapga *qayerga?* va *qachon?* so'roqlariga javob bo'lgan so'zlarni qo'yish topshiriladi. O'quvchilar bu vazifani bajarib, qaysi gap bo'lagi (ikkinchi darajali bo'lak) fikrni yana aniqroq ifodalaganiga ishonch hosil qiladilar. O'quvchilarda gapda so'zlarning bog'lanishini aniqlash ko'nikmasini shakllantirish muhim sintaktik va nutqiy ko'nikmalar qatoriga kiradi.

“Tushunchalar tahlili”metodi.

Ushbu uslub o'tilgan (chorak yoki o'quv yili tugagan) o'quv predmeti yoki bo'lim barcha mavzularini o'quvchilar tomonidan yodga olish, biron-bir mavzu bo'yicha o'qituvchi tomonidan berilgan tushunchalarga mustaqil ravishda o'z izohlarini berish orqali o'z bilimlarini

tekshirib, baholashga imkoniyat yaratish va o'qituvchi tomonidan qisqa vaqt ichida barcha o'quvchilarni baholay olishga yo'naltirilgan. Masalan, „*Daraxtlar gullaydi*“ gapini tahlil qilish uchun berilgan ega va kesim (gapning asosi) ajratiladi.

- Daraxtlar qachon gullashini aytish uchun gapga qaysi so'zni qo'shish kerak?
- Qachon gullaydi? (bahorda gullaydi)
- Bu so'z gapning qaysi bo'lagi bo'ladi? (Ikkinchi darajali bo'lak)
- U gapning qaysi bo'lagiga bog'lanadi, ya'ni tobelanadi? (Kesimga bog'lanadi)
- Gapga egani izohlaydigan yana bitta so'z qo'ying. Qanday gap hosil bo'ldi? (Mevali daraxtlar bahorda gullaydi).

Tushunchalar	Mazmuni
daraxtlar	ega
gullaydi	kesim
Mevali ,bahorda	Ikkinchi darajali bo'lak
O'quvchi	
O'qidi	
kitobni	
qiziqarli	

Mashg'ulotni o'tish tartibi: o'quvchilar guruhlarga ajratiladi. O'quvchilar mashg'ulotni o'tkazishga qo'yilgan talab va qoidalar bilan tanishtiriladi. O'quvchilar yakka tartibda o'tilgan mavzu yoki yangi mavzu bo'yicha tarqatma materiallarda berilgan tushunchalar bilan tanishadilar. O'quvchilar tarqatma materialda mavzu bo'yicha berilgan tushunchalar yoniga egallagan bilimlari asosida (tushunchalarni qanday tushungan bo'lsalar shunday) izoh yozadilar. O'qituvchi tarqatma materialda mavzu bo'yicha berilgan tushunchalarni o'qiydi va jamoa bilan birgalikda har bir tushunchaga to'g'ri izohni belgilaydi yoki ekranda har bir tushunchaning izohi berilgan slayd orqali tanishtiriladi. Har bir o'quvchi to'g'ri javob bilan belgilangan javoblarning farqini aniqlaydilar. Kerakli tushunchaga ega bo'ladilar, o'z-o'zlarini tekshiradilar, baholaydilar, shuningdek, bilimlarini yana bir bor mustahkamlaydilar.

O'qituvchi dars loyihasini tayyorlar ekan, maqsadni oydinlashtirishi va shu maqsad asosida o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyatlarini shunday tashkil etishi lozimki, belgilangan maqsad to'liq amalga oshsin. Masalan, yangi dars boshlanishida yoki o'tgan darsni so'rash va mustahkamlash paytida interfaol metodlardan foydalanish, o'quvchilarning darsga qiziqishlarini oshiradi. Motiv hosil bo'lgach, dars davomida o'quvchilarning qiziqishlari saqlanib turgan holda o'rganilayotgan mavzuning ijtimoiy ahamiyatiga e'tibor qaratiladi. Boshlang'ich sinfda dars jarayonida motivlarni rivojlantirish muhim ahamiyatga ega. O'qituvchi o'quvchilarning o'quv-bilish faoliyatlarini tashkil etishda interfaol metodlarga ko'proq e'tibor berishi o'quvchilarning bilim egallash jarayonining samaradorligini ta'minlaydi.

BOSHLANG`ICH SINFLAR O`QUVCHILARINI MEHNATGA AXLOQIY JIHATDAN TAYYORLASH

*Qarshiyeva Go`zal Tashkentboyevna Mirzaobod tumani
5-umumta`lim maktabi boshlang`ich sinf o`qituvchisi*

Mehnatga axloqiy tayyorlash deganda eng avvalo, mehnatga ongli munosabatni shakllantirish tushuniladi. Shu o`rinda buyuk allomalarning hadislarini, ilm, mehnat va hunar haqidagi fikrlaridan foydalanamiz:

8. Ey o`g`il! Qaysi fan bo`lmasin, to uni mukammal egallamaguncha harakatni to`xtatma, bir ilm ikkinchi ilmni egallashga yordam beradi. Bir ilmni egallashga aqling yo`l berdimi, uni oxirigacha egallamay turib, chala tashlab q o`yima!

A. Sheroziy.

9. Hunarni asrabon ketgumdir oxir,
Olib tuproqqamu ketgumdir oxir.

Alisher Navoiy.

10. Aziz do`stlar oltin va kumushi bo`lmagan odam kambag`al emas, balki es-xushi va kasb-hunari bo`lmagan kishi kambag`aldir.

Abdulla Avloniy.

11. Mehnat inson hayotini farovon qiluvchi davlatdir. Abu Rayxon Beruniy.

12. Mehnat qilmoq insonga xosdur. Agar sen inson bo`lsang, o`z xulqingni mehnat tumori bilan beza.
Alisher Navoiy.

13. Sen avvalo mehnatni qadrla va o`zgalar qilgan mehnatni ham qadriga yet, shunda sen o`zingni haqiqiy mehnatsevar deb bilursan. Imom al-Buxoriy.

14. O`z mehnating bo`lsin doim yo`ldoshing,
O`zga minnatidan og`ritma boshing.
Kunlaring o`tarkan terib dur-hikmat,
Kunlaring to`liqdir bo`lsa hur mehnat.

Abdurahmon Jomiy.

Agarda boshlang`ich sinflar o`quvchilariga tadbiquan gapiradigan bo`lsak, ularning bu yoshidan mehnatni sevish, shu mehnat natijalariga hurmat bilan yondashishlari nazarda tutiladi. Mehnatga munosabat shu mehnatning muhimligi va zarurligini tushunish, bunday mehnatda jonbozlik ko`rsatish, ishga shax- san mas`uliyatni his qilgan holda yondashish ijtimoiy mulkka tejamkorlik bilan munosabatda bo`lishni anglatadi.

Mehnatga axloqiy tayyorlash — bolalarga jamoada ishlashni, do`stona o`zaro yordamni, ijodiy tashabbusni, tashkilot- chilik qobiliyatlarini namoyish qilish va mehnatda xatti-harakat normalarini o`rgatishdan iborat.

Mehnatga ruhiy jihatdan tayyorlash. Mehnatga ruhiy jihatdan tayyorlash murakkab, uzoq davom etuvchi va ko`p qirrali jarayon bo`lib, u butun mehnat ta`limi va tarbiyasiga singib ketgandir. U garchi o`ziga xos xususiyatlarga ega bo`lsada, mehnatga axloqiy tayyorlashga juda yaqindir.

Bolani mehnatga ruhiy jihatdan tayyorlash — bu unda mehnatga nisbatan uning yoshiga muvofiq keluvchi ongli va ijobiy munosabatlarni tarkib toptirish, unda amaliy malaka va ko`nikmalarni egallashga qiziqishni shakllantirish demakdir. O`qituvchining vazifasi o`quvchilarga yoshligidan boshlab mehnat — bu har bir kishining vijdoni va burchi ekanligini, inson o`z mehnati bilan sharaflanishini, faqat Vatan farovonligi yo`lida qilingan mehnatdagina insonning eng yaxshi sifatleri rivojlanishi hamda takomillashishi mumkinligini anglashlariga yordam berishdir. Bolalarning mehnatga qobiliyati har bir kishi jamiyat- ning hayoti va faoliyati, uning farovonligi uchun zarur bo`lgan vositalarni ishlab chiqarishda qatnashishi zarurligini anglash- lari juda muhimdir. Shuningdek, bolalar jamiyatda kishi meh- natsiz yashay olmasligini ham uqib olishlari kerak.

Mehnatga ruhiy jihatdan tayyorlash turli psixologik jarayonlarni rivojlantirish va takomillashtirishni nazarda tutadi. Bular sezib anglash, emotsional idrok, diqqat, xotira, tafakkur va shu kabi jarayonlardir. Boshqacha qilib aytganda, ular mehnatning psixologik tarkiblari deyiladi.

Mehnatga o`rgatishda bolaning imkoniyatlarini nazarda tutib, hissiy bilish jarayonini takomillashtirish zarur. Ma`lum- ki, mehnat faoliyati, mehnat ta`limi uchun ham turli sezgilar yig`indisining (ko`rish, eshitish, his etish, ta`m bilish, teri, muskul harakati) namoyon bo`lishi xarakterlidir. Shuning uchun o`qituvchilar quyi sinf o`quvchilariga yangi materialni yoki asboblarni tanishtirayotganlarida bolalardagi sezgining barcha turlarini faollashtiradilar: bolalar qog`ozni ushlaydilar, silaydi- lar, aylantirib ko`rib chiqadilar, uning qanday shitirlashiga quloq soladilar. Sezgilarning bunday faollashuvi ma`lumot haqida to`liqroq tasavvurga ega bo`lishga yordam beribgina qolmay, balki bu psixologik jarayonni rivojlantiradi, takomillashtiradi.

Mehnatga tayyorlashning yanada muvaffaqiyatliroq bo`lishi uchun bolalarning xotiralarini o`stirish vazifasi ham albatta amalga oshiriladi. Mehnat bo`yicha o`quv materiallarini eslab qolish boshqa buyumlarga nisbatan o`ziga xos xususiyatga ega.

Barcha yangi asboblarni, materiallarni, jarayonlarning nomini boshlang`ich sinf o`quvchilari buyumni ko`rib idrok etish

bilan fikran biriktirib, tinglab fahmlaydilar. O`qituvchi mehnat darsida faqat tushuntiribgina qolmay, balki asosan material va buyumlar namunasini, asboblarni, materialga ishlov berish usullarini, jarayonlarning izchilligini ko`rsatadi. Shuning uchun mehnat ta`limida eshitish, ko`rish xotirasi va xarakatlantiruvchi xotira ham muhim o`rin egallaydi. O`quvchilarda mehnat darsidan mehnat darsigacha yangidan yangi bilim va ko`nikmalar mujassamlashib boradi, ularni esa anglash hamda xotirlab qolish kerak.

Boshlang`ich sinf o`quvchilariga mehnat malaka va ko`nikmalarini o`rgatish natijalari ko`p jihatdan psixologik jarayonlarining rivojlanganligiga, bosh miya nazorati ostidagi mushak harakat apparatining takomillashganligiga bog`liqdir.

Mehnat ta`limining to`g`ri borishida emotsional jarayonlar ham xarakterlidir. Bolalarni qiyinchiliklarni yengishga, qo`yilgan maqsadga yerishish yo`lida matonat va qat`iyat bilan kirishishga, boshlagan ishni chala tashlab ketmay, balki oxiriga yetkazishga o`rgatish lozim. Bu o`rinda ijobiy emotsiyalar: mehnatdan quvonish, lazzatlanish va qoniqish hissiyotlarining namoyon bo`lishi juda muhimdir. Mehnatda turli psixologik holatlar: faollik, diqqatning jamlanishi, qiziqish, mustaqil fikr yuritish, qoniqmaslik kabi tuyg`ular namoyon bo`ladi.

Mehnatda shaxsning qiziqish, qobiliyat, temperament kabi individual psixologik xususiyatlari shakllanadi.

Mehnatga ruhiy jihatdan va axloqiy jihatdan tayyorlash jarayoni murakkab va uzoq davom etuvchi jarayondir.

Mehnatga ma`naviy va psixologik tayyorlash o`zining real bazasiga — texnikaga oid bilim, amaliy malaka va ko`nikmalarining ma`lum zaxirasiga ega bo`lishi kerak. Agarda bola mehnat qilishga o`rgatilmagan bo`lsa, uning uchun mehnat faoliyati maqbul mashg`ulotga aylanmaydi, unda kerakli ijobiy emotsiyalarni va boshqa psixologik ko`rinishlarni keltirib chiqara olmaydi. Bunday hollarda mehnatga munosabatni ifodalovchi mehnatga muhabbat ham boshqa axloqiy sifatlar ham namoyon bo`lmaydi.

BOSHLANG`ICH SINFLARDA IFODALI O`QISH KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH YO`LLARI

Julmatova Manzura Abdulkosimovna

Boyovut tumani 34-umumta`lim maktabi boshlang`ich sinf o`qituvchisi

Ifodali o`qishning asosiy vositalaridan biri ovozdir. Ovoz nafas bilan uzviy bog`lanadi. Shuning uchun o`qituvchi bolalarning ifodali nutqi ustida ishlashni talaffuz qilayotganda o`z nafasini boshqara olish va ovozdan to`g`ri foydalanishga o`rgatishdan boshlaydi. Ovoz kuchi baland - pastlik, uzun- qisqalik, tezlik (temp), yoqimli-yoqimsizlik xususiyatlari bilan xarakterlanadi. O`quvchilar matn mazmuniga qarab, baland yoki past ovozda o`qish (gapirish)ga, nutqda tez, o`rtasha yoki sekin tempni tanlashga, biror tuyg`uni ifodalashga o`rganadilar. Ifodali o`qishga o`rgatishda o`quvchilar pauza va logik urg`u bilan ham tanishtiriladi.

Ifodali o`qishga tayyorlanish shartli ravishda uch bosqichga bo`linadi:

1. Asarning aniq mazmunini tushunish, unda qatnashgan shaxslarning xatti – harakatini tahlil qilish, asarning g`oyasini belgilash, ya`ni asarning g`oyaviy – tematik asosini, uning obrazlarini badiiy vositalari bilan yaxlit holda tushunish.
2. Matnning qayerida pauza qilishni, logik urg`uning o`rnini, o`qish tempini belgilab olish.
3. O`qishni mashq qilish. Avtor fikrini, uning tasvirlangan ovoz bilan bera olish ushun matnni qayta o`qish.

Asarning mazmuni va g`oyaviy yo`nalishini tahlil qilish ifodali o`qishga o`rgatish bilan bog`lab olib boriladi. Ifodali o`qishga o`rgatishda matnni tushunish, muallif hikoya qilgan voqealarga o`z munosabatini bildirish asosiy vazifa hisoblanadi. O`quvchilarda ifodali o`qish malakasini shakllantirish ushun asarni o`qituvchining ifodali o`qishi muhim ahamiyatga ega.

O`quvchining adabiy nutqiy kompetensiyalarini shakllantirishda ham quyidagi talablar qo`yilgan:

ixcham matn asosida yaratilgan audiomatn, videotasvirlarni tinglab tushuna oladi;
ertak, topishmoq, maqol, tez aytish, rivoyat, hikoyat, masal, xalq qo`shiqlari, hikoya, she`rlarni o`qib tushunadi va mazmunini qayta so`zlab bera oladi;
yozma va bosma harflarni, ular ifodalaydigan tovushlarni to`g`ri talaffuz eta oladi;
matnni gap ohangiga rioya qilgan holda aniq, ravon o`qiy oladi;
bir daqiqada 50 — 55 so`zni o`qiy oladi;
monologik va dialogik nutqda o`z fikrini aniq ifodalay oladi;
o`rganilgan mavzular doirasida 5-6 gapdan iborat kichik ijodiy matn yoza oladi;
maktab kutubxonasidan foydalana oladi;
kichik hajmdagi 8 — 10 ta she`rni yoddan aytib bera oladi.

Psixolog olimlarning ko`rsatishicha, badiiy asarni idrok etish uchun uni tushunishning o`zigina yetarli emas. Asarni idrok etish murakkab jarayon bo`lib, asarga, unda tasvirlangan voqelikka qandaydir munosabatning yuzaga kelishini o`z ichiga oladi. Kichik yoshdagi o`quvchilar adabiy qahramonga ikki xil munosabatda bo`ladi.

1. Adabiy qahramonga emotsional munosabat.
2. Elementar tahlil qilish.

Asarda qatnashuvchi shaxslarga baho berishda o'quvchilar o'z shaxsiy tushunchalaridan foydalanadilar. Qahramonning boshqa fazilatlarini baholash uchun ularda so'z boyligi, tajriba yetishmaydi. O'qituvchining vazifasi o'quvchilar payqay olmagan sifatlarni ko'rsatish va o'quvchilar nutqiga kiritishdir. Yana shu narsaga e'tibor berish maqsadga muvofiq:

1. O'quvchilar asar qahramoniga munosabatlarini ifodalashda u harakat qilgan sharoitni hisobga olmaydilar.
2. Qahramonning nima uchun shunday qilishi kerakligini tushunolmaydilar. Buning uchun maqsadga muvofiq ish olib borilishi zarur.

Badiiy asar ustida ishlash murakkab jarayon bo'lib, o'qituvchi o'qish darslarining ta'lim-tarbiyaviy vazifalari, badiiy asarning o'ziga xos xususiyatlari va o'quvchilarning tayyorgarligini hisobga olishni taqozo qiladi, Badiiy asarda barcha komponentlar o'zaro bog'langan bo'ladi. Asarda obrazlar rivojlanib boradi. Voqealar rivojlanib borgan sari qahramonlarning yangi - yangi tomonlari ochila boradi. Bu xususiyatlari asar ustida ishlashda uni yaxlit o'qishni, idrok etishni, ya'ni sintezni talab qiladi, so'ng yana yuqori sifatli sintezga o'tiladi. Asarni o'qishga kirishishdan oldin o'quvchilarni badiiy asarni o'qishga tayyorlash lozim bo'ladi. Demak, tayyorgarlik davri-sintez-analiz-sintez jarayoni yuz beradi.

O'quvchilar asar mazmunini to'g'ri idrok etishlari uchun hayot haqida ma'lum tasavvurga ega bo'lishlari lozim. Buning uchun tayyorgarlik ishlari o'tkaziladi.

Tayyorgarlik ishlarining vazifalari:

A) O'quvchilarning asarda aks ettirilgan voqea-hodisalar haqidagi tasavvurlarini boytish, matnni ongli idrok qilishga ta'sir etadigan yangi ma'lumotlar berish, badiiy asarda tasvirlangan faktlarni o'quvchilar o'z hayotida kuzatganlari bilan bog'lay olishlariga sharoit yaratish.

B) Yozuvchining hayoti bilan tanishtirish, yozuvchiga, uning hayotiga, ijodiga qiziqish uyg'otish.

B) O'quvchilarni asarni emotsional idrok etishga tayyorlash.

G) Asar mazmunini tushinishga xalal beradigan so'zlarning lug'aviy ma'nolarini tushuntirishdan iborat.

TAYYORLOV GURUHLARIDA ELEMENTAR MATEMATIK TASAVVURLARNI SHAKLLANTIRISH MAZMUNI

Xazratqulova Nigora Abdurashidovna Sirdaryo viloyati

Guliston shahar 13- umumiy o'rta ta'lim maktabi boshlang'ich ta'lim o'qituvchisi

Maktabgacha ta'lim tizimini takomillashtirishning asosiy yo'nalishlaridan biri bolaning xususiyatlari, imkoniyatlari, layoqati va qobiliyatlarini e'tiborga olgan holda uni shaxs sifatida mukammal rivojlantirishga qaratilgan ta'limdir. Ma'lumki, har bir inson o'zining intilishlari, qobiliyati va imkoniyatlariga ko'ra hayotda o'z o'rnini topa olgan sharoitda rivojlanuvchi jamiyatni barpo etishi mumkin

O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasida ta'lim sohasini tubdan takomillashtirish ta'lim sifatini oshirish ,intellectual salohiyatli,jismonan barkamol avlod ni shakllantirish,aniq fanlarni chuqurlashtirish o'qitish va iqtisodiyotning turli sohalari uchun malakali kadrlarni tayyorlash ustuvor vazifalar sifatida belgilangan bo'lib,pirovardida bugungi davr talabiga javob bera oladigan ta'lim tizimini yaratish ko'zda tutilgan.

Zamonaviy fanda matematik tushunchalarni rivojlantirishning bir necha yo'nalishlari belgilanadi:falsafa bilimlarining haqqoniylik muammosini ko'rib chiqadi;mantiq tushunchani rivojlantiruvchi bilim tizimi sifatida o'rganiladi ,psixologiya har bir bolaning mustaqil fikrlash jarayonini nimaga ,qaysi fikrlash jarayonlari orqali namoyon bo'lishini ,inson fikrlash jarayoni yordamida noma'lumni ,yangilikni topadi,degan farzni ko'rib chiqadi;pedagogika bolalardagi ijodiy faoliyatni shakllantirish yo'llarini,yosh avlodni ijodiy mehnatga tayyorlashni tekshiradi.

Bolalar bog'chasining turli yosh guruhlarida matematika mashg'ulotlarni o'tkazishda mashg'ulotning davomiyligi ,ularning davriyligi, dastur materialini bo'laklarga bo'lib batafsil taqdim etishning zarurligiga e'tibor qaratiladi.

Maktabgacha ta'lim massasasi oldiga quyidagi vazifalar qo'yiladi :

1. Hayotining uchinchi va to'rtinchi yilida bolalarda miqdoriy tasavvurlarni rivojlantirish .
2. Bolalarda son –sanoq haqidagi bilimlarni shakllantirish, sanashga o'rgatish .
3. Bolalarda predmetlarning o'lchami va ularni o'lchash haqidagi tasavvurlarini shakllantirish.
4. Bolalarda predmetlarning shakli haqidagi tasavvurlarni shakllantirish .
5. Bolalarda fazoviy tasavvurlarni shakllantirish
6. Bolalarda vaqt tasavvurlarni shakllantirish.
7. Bolalar bog'chasida bolalarda matematik tasavvurlarni rivojlantirish bo'yicha ishni rejalashtirish va qayd qilish.
8. Olti yoshli bolalar bilan matematikaga oid ishlarning mazmuni va metodikasi.
9. Bolalarni matematikaga o'rgatishda bolalar bog'chasi, maktab va oila hamkorligi.
10. Bolalar bog'chasida bolalarda matematik tasavvurlarni rivojlantirish ishiga metodik raxbarlik qilish.

Mashg'ulotlarni o'tkazishda didaktik materiallar va metodik usullarni almashtirish tushuntirish, namuna, namoyish qilish orqali amalga oshiriladi.

Dastur materialini o'rganishning turli bosqichlarida o'yin usullaridan foydalaniladi.

Matematik bilimlarni o'zlashtirishda amallar va mashqlarning ahamiyati bo'yicha tarbiyachining faoliyatiga qo'yiladigan talablarning bajarilishi pirovard natijaga olib keladi.

Ilk va maktabgacha yoshidagi bolalarning predmetlar miqdorini idrok qilish, esda olib qolishi va taqqoslashning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olish, to'plam haqidagi tasavvurlarni shakllantirishda o'yinlar va o'yin mashqlardan foydalaniladi.

Bolalarda miqdor haqidagi tasavvurlarni shakllantirishda "Ko'p" va "Bitta", "Ko'p" va "Kam" o'rtasidagi o'zaro munosabat bilan tanishtirish va butunni elementlarga ajratish, predmetlarni turli belgilar bo'yicha guruhlashga o'rgatish, predmetlarni gorizantal bo'ylab joylashtirishda ko'z va o'ng qo'lning chapdan o'ngga qarab harakatlanishini rivojlantirish holatlari amalga oshiriladi.

Bolalarning son –sanoq haqidagi bilimlarni shakllantirish, sanashga o'rgatish jarayoni sanash va o'lchash jarayonida "Butun sonlar qatori" haqidagi tasavvurlarini rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari hisobga olingan holda amalga oshiriladi.

Bolalarda predmetlarning o'lchami va ularni o'lchash haqidagi tasavvurlarni shakllantirish jarayoni o'lchash haqidagi tushuncha, o'chamning asosiy xususiyatlari, ilk va maktabgacha yoshda predmetlarning o'lchami, idrok qilishning o'ziga xos xususiyatlaridan kelib chiqqan bajariladi.

Geometrik figura predmetlarning shaklini idrok qilish etapi sifatida bo'lib unda bolalarning predmetlar shakli va geometrik figuralarni idrok qilishning o'ziga xos xususiyatlari, tadqiq qilish amallari va ularning shaklini bilishdagi roli, shakl haqidagi tasavvurlarni idrok qilish va shakllantirishda so'zning o'rmi, geometrik figuralarni turli belgilari bo'yicha guruhlarga ajratish, geometrik figuralarning burchaklari va tomonlarining soni bo'yicha taqqoslash, ularni o'lchash, umumlashtiruvchi tushunchalarni shakllantirish amallari bajariladi.

Matematik masalalarni echish jarayoni o'zining mohiyati bo'yicha mustaqil fikrlashni talab qiladi. Matematik tushunchalarni rivojlantirish darajasi turli insonlarda turlicha bo'ladi. Uning shakllanishi doimiy mashq qilishni talab qiladi. Bu mashqlar oila va maktabgacha ta'limda boshlanadi. Har bir mustaqil yechilgan masala, tuzilgan masala va masalani yechish jarayonida uchragan qiyinchiliklarni mustaqil yengishida matonat shakllanadi, ijodiy qobiliyatlar rivojlanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Mirziyoyev SH.M. "Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz". T.: "O'zbekiston"-2017,488-bet.
2. Mirziyoyev SH.M. "Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz". T.: "O'zbekiston"-2016,56-bet.
3. 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni.
4. Bikboyeva N.U., Ibragimova Z.I., Kosimova X.I. "Maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish" T.: "O'qituvchi"-1995.
5. Jumaev M.E. "Matematika o'qitish metodikasi".T.: "Ilm –Ziyo"-2003.

OTA-ONANING BOLA TARBIYASIDAGI O'RNI

Dehqonova Gulnora Guliston shahar

10-umumiy o'rta ta'lim maktabi boshlang'ich ta'lim o'qituvchisi

O'zbekiston istiqloлга erishgach, ajdodlar qoldirgan boy madaniy merosni tiklash va yanada rivojlantirishga alohida e'tibor qaratildi. Buyuk alloma va aziz avliyolarimiz muqaddas kadamjolarini ta'mirlash va obodonlashtirish, ularning boy ilmiy-madaniy merosni o'rganish borasida ulkan ishlar amalga oshirildi. Imom al Buxoriy, Imom at Termiziy singari benazir allomalarning muborak nomlari qayta tiklanib, ularning merosini o'rganishga e'tibor kuchaydi. "Masjidi Kalon", "Shoxi Zinda", "Ko'kgumbaz" kabi ko'plab masjid va madrasalar qayta ta'mirlandi.

Yurtboshimiz rahnamoligida vijdon erkinligini ta'minlash, diniy an'ana va udumlarni tiklash va rivojlantirish, bola tarbiyasi borasida keng ko'lamli ishlar amalga oshirilmoqda.

Bundan ko'zlangan asosiy maqsad yosh avlodimizni tarbilashda madaniy aloqalarni rivojlantirish, islom madaniyatiga oid ilmiy-ma'rifiy, tarixiy-me'moriy merosni o'rgatish, tiklashni kuchaytirish hamda rag'batlantirishdan iboratdir. Tarbiya ayniqsa, komil inson tarbiyasi bugunimiz uchungina emas, balki kelajagimizning ham hayot-momot ishidir. SHunday ekan biz tarbiyaga e'tibor berishimiz kerak.

Fikrimizcha, insonni komillikka eltuvchi psixologik sifatning poydevori oiladan va mahalladan boshlanadi va bular muhim rol o'ynaydi.

Bola tarbiyasi uchun boshlang'ich sinf o'qituvchisidan tashqari ota-onaning o'rni ham juda muhimdir. Ota bolani komillik sari etaklovchi bosh o'qituvchi bo'lib, unga xos bo'lgan barcha insoniy sifatlar farzand jismiga jo bo'lib boraveradi

Har bir oilada dunyoga kelgan va o'sayotgan har bolaga nihoyatda e'tibor bilan munosabatda bo'lish va odobli bo'lish fikri bo'lmog'i darkor. Ota-onaning o'z farzandining ichki dunyosiga kirib borishi, xatti-xarakatlarining sabablarini tushuntirish, qiziqishi, xarakter xususiyatlarini chuqur anglashi zarur. Buning uchun esa bola doimo ota-onasining kuzatuvida bo'lmog'i lozim. Bola harakatini kuzatish - uning ko'ngil qariga - yo'ldir

O'zbek oilasiga jamoasiga xos tarbiyaviy tadbirlarning mohiyati shundaki, bu oilalardagi tarbiyaviy tadbirlarning barchasi uzluksizligi, davomiyligi, serjiloligi bilan bola ongiga tez etadi, uning odob-axloqi, ma'naviy, ruhiy omilini o'zgartiradi va komillik sari etaklaydi.

Tabiiyki, qaysi oilada, jamoada, mahallada ota-ona ma'naviy boy, yuqori ahloqli, baland e'tiqodli va madaniyatli bo'lsa o'sha joyda tarbiyaviy tadbirlar yaxshi samara beradi.

Yana bir jihati shundaki, oila a'zolarining turmush tajribasi, madaniy saviyasi qanchalik boy bo'lsa, tarbiyaviy ishlari darajasi shunchalik yuqori bo'ladi.

Bolaning harakatiga tez va keskin baho berish yaxshi natijalarga olib kelmaydi. Agar bolaning o'z xatti-xarakatiga o'zi mustaqil baho bersa yuz bergan holatning (ijobiy-salbiy) mohiyatini o'zi anglab etsa, bu xol so'zsiz unda ijobiy harakatlarga moyillik qilishni o'stiradi.

Bolani komillik sari undovchi muhim vositalardan biri oiladagi kattalarning, birinchi navbatda, ota-onaning ibratidir. Biz doimo bolalarni kattalardan ibrat olishga da'vat etamiz. Darhaqiqat, ibrat olishga undagi ota-bobolarimizdan qolgan ajoyib tarbiya usuli hisoblanadi. SHuning uchun ham komil inson shakllanishining asosiy manbai oila bo'lib, farzandlarning kelajakdagi baxt-saodatiga erishish oila asosida vujudga keladi.

Bu borada buyuk allomalarimiz Yusuf Hos Hojibning quyidagi fikrlari bugunimiz uchun o'ta muhimdir. Uning fikricha, oiladagi rostlik, hayo, ezgulik va go'zal hulq, yosh avlodning baxtiyor kelajagiga mustahkam zamin yaratadi («Baxt keltiruvchi bilim», T., 1990, 38-bet).

Ko'rinib turibdiki, ulug' allomaning bu fikrlari bizning davrimiz, bugungi hayotimiz uchun g'oyat muhim ahamiyatga ega. Sog'lom avlod kelajagimiz ustuni hisoblanar ekan, sog'lom avlodni ma'naviy-ahloqiy jihatdan etuk oilagina etishtira oladi.

Shuning uchun o'qituvchi bilan ota-onalar o'rtasida bo'ladigan munosabatlar o'zaro kelishuv, hamkorlik, xurmat asosida bo'lishi maqsadga muvofiqdir. Lekin bu o'rinda o'qituvchi kishi ruhiy xolati haqida bilimli sifatida bolalarga ham, ota-onalarga ham ongli munosabatda, madaniy muomilada bo'lishi zarur.

Ayrim o'qituvchilar ota-onalar bilan faqat yig'ilishlardagina uchrashadilar. Shuning uchun bir-birlariga o'zaro obro'-etiborlari, bir-birlariga nisbatan hurmat etarlicha bo'lmaydi. Ana shunday salbiy holatlar ro'y bermasligi uchun har bir ota ona bilan yaqindan munosabatda bo'lib, o'zaro maqsadlari birligini tushintirish zarur.

Shuning uchun o'qituvchi birinchi uchrashuvga alohida tayyorgarlik ko'rib o'quvchining dars tayyorlaydigan xonasi, uydagi xo'jalik ishlariga ishtiroki, nimalarga ko'proq qiziqadi, kun tartibi singari masalalar bo'yicha fikr yuritishi zarur. Ba'zi o'qituvchilar ota-onalarni maktabga kelishi uchun tarbiyaga xilof ish tutadi. Masalan, «Bolaning papkasi, kundalik daftarini olib qo'yib, ota-onangni aytib kelsang beraman»-deydilar. Bunday muomala ota-onalar bilan o'qituvchi o'rtasidagi munosabatni yomonlashtiradi. Oilada bola tarbiyasiga salbiy ta'sir qiladigan omillar asosan ota-onalarning pedagogik bilimlari etarli emasligidan shaxsning rivojlanishi qonunlarini tushunmasligidan kelib chiqadi. Pedagogik tashviqotning barcha turlari ota-onalar tarbiya sohasidagi kamchiliklarni bartaraf etishi, o'z farzandlarini yanada yaxshiroq o'rganishlariga yordam beradi. Bu tarbiyaviy ishlarimizni talab darajisiga chiqishda muhim o'rin tutadi.

Xulosa qilib aytganda, hozirgi yosh avlod to'g'ri tarbiya topsa, mustaqillik istiqbolini to'g'ri tushunsa, shubhasiz erishgan yutuqlar istiqbolda o'z samarasini beradi.

БОШЛАНҒИЧ СИНФДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИНГ

*Хужаниязова Феруза Муродовна,
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 16-умумтаълим
мактаби бошланғич синф ўқитувчиси*

Узлуksиз таълим тизимини ривожлантириш бўйича туб ислохотлар даври бошланганлиги муносабати билан, таълимда баҳолашнинг халқаро стандартларига қўшилишимиз таълимни янги

босқичга олиб чиқди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Аҳоли ҳаёт даражаси ва сифати кўп жihatдан мамлакат рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичига айланган бугунги шароитда тараққиётнинг муҳим омили сифатида таълимнинг роли ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар, аввало, ижтимоий кадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда”, дея таъкидлаганидек, соҳаларда изчил ривожланиш бўляпти.

Ўзбекистон PIRLS-2021 баҳолаш тизимида иштирок этади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳамда Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассоциацияси (IEA — International Association for the Evaluation of Educational Achievement)нинг Амстердамдаги директори Андреа Неттон ўртасида Ўзбекистоннинг PIRLS 2021 баҳолаш тизимида иштирок этиши юзасидан 25 январь куни илк расмий учрашув ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан халқаро баҳолаш тадқиқотлар, жумладан, OECD ташкилоти билан PISA-2021 халқаро баҳолаш тадқиқотларида иштирок этиш бўйича келишув имзоланган.

PIRLS (Progress in International Reading Literacy Study — халқаро ўқиш саводхонлигини ўрганишдаги юксалиш) — бу турли мамлакатларда бошланғич синфда таҳсил олувчи ўқувчи ёшларнинг матнни ўқиш ва тушуниш даражалари сифатини баҳолаб берувчи халқаро баҳолаш тизимидир.

PIRLS тадқиқотлари 2001 йилдан бошлаб беш йил оралиғида бошланғич таълим миқёсида ўтказиб келинмоқда. У халқаро тадқиқотлар орасида юқори ўринга эга. Бу дастурга кирувчи давлатларнинг сони йилдан йилга ортиб бормоқда. 2001 йилдан бошлаб 4 марта ўтказилди. Охириги **PIRLS** тадқиқотлари 2016 йилда ўтказилди. Шу давргача 35 дан 50 гача бўлган давлатлар иштирок этишди. **PIRLS** тадқиқотлари доирасида турли таълим тизимига эга бўлган давлатларнинг 4-синф битувчиларининг ўқиш сифати ва ўқилган матнни тушуниш даражаси ўрганилади. Бу тадқиқотларга 4-синф ўқувчиларининг танланиши шу билан эътиборлики, айнан ўқишнинг тўртинчи йилида ўқувчилар ўқишнинг юқори даражасига эга бўлиши, уларнинг кейинги таълимда билимни егаллаш қобилиятини шакллантириш ва шу орқали ҳозирги замонга муваффақиятли мослашувига ёрдам беради. **PIRLS** ни ўрганиш қуйидагича олиб борилади. Ҳар бир болага иккита матн ва уларга топшириқлар берилган дафтар берилади. Биринчи матн - бу фантастика - қоида тариқасида, кулгили ҳикоя, тасвир ёки эртақ, иккинчиси - оммабоп фан (кўпинча ҳайвонлар ҳақидаги ҳикоя).

Ушбу синов тури ҳар 5 йилда бир марта ўтказишга мўлжалланган бўлиб, унинг охириги 2016 йилги тадқиқотлари натижаларига кўра Россия Федерацияси етакчилик қилмоқда.

Таълим ютуқларини баҳолаш халқаро ассоциацияси бутун дунё бўйлаб таълимни баҳолаш, тушуниш ва яхшилаш бўйича иш олиб борадиган миллий тадқиқот институтлари, тадқиқот агентликлари, олимлар ва таҳлилчиларнинг халқаро ҳамкоридир. Мазкур нотижорат ва мустақил ташкилот тармоғида 60 дан зиёд мамлакатлар ҳамда 100 дан ортиқ таълим муассасалари иштирок этмоқда. 1958 йилдан буён IEA ўқувчиларнинг математика, табиий фанлар ҳамда ўқиш салоҳияти бўйича саводхонликларини баҳолаш жараёнида таълим тизимидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ҳамда мақбул тавсиялар яратиши билан бошқа халқаро ташкилотлардан ажралиб туради.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистоннинг 70 та умумтаълим мактабларидан 2,8 минг нафар ўқувчи ўзбек-америка лойиҳаси доирасида бошланғич синфда ўқиш (EGRA) ва математика (EGMA) кўникмаларини баҳолаш бўйича тадқиқотларда иштирок этади.

EGRA ва EGMA тадқиқотлари бошланғич синфларни ўқитишда тизимли бўшлиқларни ташхислаш ва уларни ҳал этишнинг энг мақбул ечимларини аниқловчи, ўқиш ҳамда саводхонлик кўникмаларини синовчи илмий асосланган моделлар ҳисобланади.

Ушбу тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан АҚШнинг Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа 2019 йил 28 сентябрда ХТВ ва USAID ўртасида 50 миллион долларга имзоланган беш йиллик ривожланиш мақсадлари тўғрисидаги битимнинг биринчи таркибий қисмидир.

EGRA ва EGMA тадқиқотлари юртимизнинг 12 вилоятида 7 тилда ҳамда инглиз тилида олиб борилиши режалаштирилган.

Пилот тадқиқотлар икки ҳафта давомида мамлакатимизнинг 70 та мактабида ўтказилади ҳамда 1,4 мингта 2-синф ва 1,4 мингта 4-синф ўқувчиларини қамраб олади.

Синовнинг асосий мақсади ҳар бир тил учун воситаларни синаб кўриш, маълумотларни йиғиш, шунингдек ушбу тилларда имтиҳон топшириш амалиётини синаб кўришдан иборат.

Тест ўтказиш учун 5 нафар имтиҳон олувчилардан таркиб топган гуруҳлар ташкил этилди. 2020 йилнинг май ойида Ўзбекистон мактабларида тўлиқ тадқиқотлар ўтказилиши режалаштирилган. Тадқиқотлар 10 кун давомида тасодифий танланган 940 та мактабда ўтказилади. Мазкур жараёнга 11,28 мингта 2-синф ва 4-синф ўқувчилари қамраб олинади. Синовларда ҳар бир синфдан 12 нафар ўқувчи иштирок этади.

EGRA ва EGMA тадқиқотларининг якуний натижалари 2020 йилнинг август ойида эълон қилинади.

Ҳозирда Халқ таълими вазирлиги халқаро тажриба ва тадқиқотлар асосида бу каби тизимларни жорий этиш устида ишламоқда. Илк бора халқаро тизим асосида ўқувчилар билими баҳоляпти. Ушбу тадқиқотлар Ўзбекистон натижаларини бошқа давлат маълумотлари билан таққослаш ва уларни ҳал этишнинг энг яхши усулларини топиш имконини беради. Шу муносабат билан директор ва ўқитувчиларни баҳолашнинг ҳолислигини таъминлашга чақираман. Чунки маълумотлар таълим тизимидаги муаммоларни аниқлашга ёрдам беради.

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Дениел Розенблумнинг таъкидлашича, EGRA ва EGMA бошланғич синф ўқувчиларнинг саводхонлиги ва математика бўйича кўникмаларини баҳоловчи оддий, арзон ва кучли воситадир. Бу восита боланинг билими, ўқитувчининг дарс бериши ёки директорнинг мактабни бошқарув кўникмаларини текширмайди. Шунингдек, жараёнда ўтиш ёки ёмон баҳо бўлмайди. Тиббиёт ходимлари беморга муолажа белгилаш, кўриқдан ўтказишдан аввал уни текширади. EGRA ва EGMA эса бошланғич синфларда ўқиш ҳамда математика бўйича кўникмаларига баҳо беради. Баҳолаш натижаларига кўра янги ўқув дастурлари, ўқитиш услуби ва ёндошувлар Ўзбекистон ёшларининг яхши натижа кўрсатиши учун мослаштирилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугун таълим тизимида алоҳида эътибор қаратилаётганини кўпчилик эътироф этмоқда. Албатта, ёш авлодни баркамол авлод руҳида тарбиялаш орқали юртимиз эртаси ва унинг истиқболини таъминлашимиз мумкин. Шу боис ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA ILMIY DUNYOQARASH ELEMENTLARINI SHAKLLANTIRISHDA ONA TILINI O'RGANISHNING O'RNI

Inoyatova Dilfuza Hakimovna

Sirdaryo viloyati Guliston shahri 16-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi

O'quvchilarga ta'lim-tarbiya berish vazifalaridan biri ularda ilmiy dunyoqarash elementlarini shakllantirishdir. Bu vazifani hal qilishda maqsadga muvofiq ishlashning yetakchi sharti – o'quvchini shaxs sifatida muvaffaqiyatli kamol toptirishdir. Quyida ko'rsatilgan omillar tilni o'rgatish bilan bog'liq holda o'quvchilarda ilmiy dunyoqarash elementlarini shakllantirish usulini belgilaydi:

1. Tilning ijtimoiy hodisa sifatidagi mohiyati uning aloqa (kommunikativ) vazifasini ifodalashdan iboratdir. Maktabda, shu jumladan, boshlang'ich sinflarda tilni o'rgatishning yetakchi yo'nalishi o'quvchilar tomonidan tilning aloqa vazifasini bajarishini tushunishlariga erishish hisoblanadi.

2. Til bilan tafakkur uzviy bog'liq bo'lib, tafakkur so'z vositasida yuzaga chiqadi. Til tafakkurning mahsuli hisoblanib, ondan tashqarida o'zicha yashamaydi.

Maktabda tilning barcha tomonlari (talaffuzi, fonetikasi, leksikasi, grammatikasi, so'z yasalishi)ni o'zaro bog'liq holda o'rganish ona tilini o'rgatishdagi yetakchi tamoyil bo'lib, uni amalga oshirish o'quvchilarning tilni murakkab, rivojlanuvchan, o'zaro bog'langan muhim tomonlarga ega bo'lgan hodisa sifatida anglab yetishlari uchun ilmiy asos yaratadi. Tilning mohiyatini bunday idrok etish hodisalarning rivojlanuvchanligi va o'zaro bog'langan qismlardan tuzilishini tushunishga zamin hozirlaydi.

Maktab tajribasi va maxsus tekshirishlar shuni ko'rsatadiki, yuqorida qayd etilgan dastlabki qoidalarni o'quv jarayonida amalga oshirishda ijtimoiy hodisa sifatida til haqidagi bilimlar majmuasini to'g'ri tanlash, asosiy til hodisalarini va turlarini tushuntirishda o'qituvchining tutgan metodologik yo'lining aniqligi, o'quvchilar fikrlashini faollashtirish, til nazariyasini o'rgatishga asos bo'ladigan til materialining yuqori sifatli bo'lishi kabi dalillar hal qiluvchi ta'sir etadi. SHubhasiz, har bir omil maktab tajribasida bir-biridan ajralgan holda bo'lmaydi. Aksincha, ularning bir-biriga to'g'ri, maqsadga muvofiq ta'siri ijobiy natija beradi.

Tilning rivojlanishi, ayrim so'zlarning ma'nolari haqidagi bilimni boshlang'ich sinf o'quvchilari ot, sifat, son, fe'lni o'rganish jarayonida asta-sekin bilib oladilar. Bu o'rinda «So'zning tarkibi» bo'limi katta imkoniyatga ega. O'quvchilar bu bo'lim materiallarini o'rganish jarayonida tilimizning yangi so'zlar bilan boyib borishi haqidagi muhim manbalar bilan, so'z yasalishi bilan tanishadilar. Ma'lumki, ko'pgina yangi so'zlar tilda mavjud bo'lgan so'zlar zaminida yaratiladi, tilda bor qoliplar kabi yasaladi: limon tipida limonzor, suvchi tipida bo'zchi kabi. Tilda yangi so'zning paydo bo'lishi o'zidan keyin bir xil o'zakli so'zlar guruhining hosil bo'lishiga sabab bo'ladi: ishli, ishsiz, ishchi kabi.

Boshlang'ich sinflarda tilning rivojlanishi haqidagi masala maxsus o'rganilmaydi. Tilga jamiyatning rivojlanishi bilan bog'liq holda rivojlanadigan hodisa sifatida ilmiy qarashga zamin yaratish muhim ahamiyatga ega. Tilning leksik tomoni boshqalariga nisbatan xarakatchan, tez rivojlanadigan bo'lgani uchun, til leksikasi misolida boshlang'ich sinf o'quvchilari saviyasiga mos ravishda jamiyatning rivojlanishi bilan bog'liq holda tilning ham rivojlanishi tushuntiriladi. Tilning leksik tarkibida yuz berayotgan o'zgarishlar yuzasidan o'qituvchi va o'quvchilarning kuzatishlari bolalarda dunyoni bilish haqidagi tasavvurini shakllantirishga mos material beradi.

Tildan bilim berishda o'quvchilarning hayotiy tajribasiga tayanish muhimdir. O'qituvchi nazariy xarakterdagi umumlashtirish zarur bo'lgan daliliy materiallarni yig'ish bosqichida ham, berilgan bilimlarni amaliyotga tatbiq etish uchun ham bolalarning hayotiy tajribasiga, nutqqa oid amaliyotiga tayanadi. Tilga oid bilimni o'rganish natijasida o'quvchilar nutk faoliyatining sifati o'zgaradi, ongilligi ortadi.

Dialektik tafakkur keng ma'noda hodisalarning boshqa hodisalar va jarayonlarga bog'liqligini hisobga olib, ularni har tomonlama mavjud belgilari yig'indisi bilan rivojlanishda ko'rish ko'nikmasini ta'riflaydi. Tafakkurning bunday sifati o'quvchilarda asta-sekin shakllana boradi va o'z navbatida, ular kuzatish jarayonida dalillarni topish, ularni tahlil qilish va o'rganiladigan hodisalarning ayrim tomonlari o'zaro bog'liqligini aniqlash, taqqoslash va umumlashtirish ko'nikmasini egallab boradilar. Keyingi yillarda o'quvchilarning o'quv faoliyati tobora izlanish xarakteriga ega bo'lmoqda. Tilni o'rganishda boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun ayrim qoida va aniqliklarni yodlab olish emas, balki atrofda hayotni kuzatish asosida o'quvchilarning o'zlari «topgan» yoki adabiy manbalardan tayyor olingan til materialini maqsadga muvofiq analiz va sintez qilish yetakchi hisoblanadi.

Maktabda o'quv predmeti sifatida tilni o'rganish tizimi tilning barcha tomonlarini, yani fonetikasi, leksikasi, so'z yaslashi va grammatikasi (morfologiya va sintaksis)ning o'zaro ichki bog'lanishlariga asoslanadi.

Tilning barcha tomonlari o'zaro bog'lanishining ko'p qirraliligi va murakkabligi, ularning dialektik birligi, avvalo, uning aloqa vositasidagi vazifasida namoyon bo'ladi. Aloqa vositaligi tilning muhim xususiyati, asosidir. Bu vazifani tilning har bir qismi boshqa qismlar bilan o'zaro bog'lanishda bajaradi. Har bir so'zga xos bo'lgan tovush shakli kishilarga aloqa uchun imkoniyat yaratadi. Ammo so'zning tovush qurilishi, shakli mazmunsiz aqlga to'g'ri kelmaganidek, o'zicha yashamaydi. Istalgan tovushlar yig'indisi emas, balki ma'lum ma'no bildiradigan tovushlar yig'indisigina aloqa maqsadiga xizmat qilishi mumkin.

Ma'lumki, ma'no bildiradigan tovushlar yig'indisi so'zdir. Tilning lug'at boyligi, leksikasi fikr ifodalash uchun xizmat qiladigan o'ziga xos qurilish materialidir.

Tilning lug'ati qanchalik boy bo'lsa ham grammatikasiz u o'lik hisoblanadi. Tilning lug'at boyligi o'z-o'zicha aloqa vazifasini bajarmaydi. Aloqa maqsadida xizmat qilish uchun lug'at boyligidagi so'zlar bir-biri bilan grammatik jihatdan o'zaro bog'lanib, gap tuziladi. Mana shu tuzilgan gap orqali fikr ifodalanadi.

Tilning har bir tomonining xususiyati undagi til birliklarining o'ziga xosligida namoyon bo'ladi. Fonetika uchun bunday til birligi nutq tovushlari, fonemalar; leksikologiya uchun ma'nosi va qo'llanishi nuqtai nazardan so'z; grammatika uchun so'z shakllari, shuningdek, so'z birikmasi va gap; so'z yaslashi uchun morfema, tuzilishi va yaslashi jihatdan so'z hisoblanadi.

So'z, so'z birikmasi va gap grammatik tomondan ko'pgina xususiyatlarga ega. So'zning o'z morfemik qurilishi, o'zining so'z yaslash turi, biror grammatik kategoriyasi (shaxs, son, egalik, kelishik va boshq.), ma'lum sintaktik vazifasi bor. So'z birikmasi ham so'z kabi so'z o'zgarishi (ko'proq ergash so'z o'zgaradi) shakllariga ega. Gap o'z qurilishiga ko'ra so'zdan sifat jihatdan farqlanadi: so'z o'zi alohida kelganda mustaqil ma'no anglatmaydigan morfemalardan tuziladi, gapni tashkil etuvchi qismlar esa gapdan tashqarida ham mustaqil leksik ma'no bildiradi, gap tarkibida esa uning ma'nosi yana oydinlashadi. Gap va so'z birikmasi "qurilish materiali" sifatida xilma-xil tuzilgan so'zdan foydalanadi. Gap uchun qator sintaktik xususiyatlar, shuningdek, tugallangan ohang ham xarakterlidir.

Ona tilini o'rganish jarayonida o'quvchilarda ilmiy dunyoqarash asoslarini shakllantirish masalasini hal qilishda maktabda ona tilini o'rgatishga asos bo'ladigan material alohida qimmatga ega. Materialning haqiqiy tomoni, uning g'oyaviy yo'nalishi va badiiy ifodaliligi o'quvchilarning fikrlash faoliyatiga, his-tuyg'ulariga ta'sir etadi, atrof-muhit haqidagi bilimlarini kengaytiradi, tilga va uni yaratgan xalqqa qiziqishini tarbiyalaydi, o'quvchilarning umumiy taraqqiyoti darajasini o'stiradi va ularning shaxsiy sifatlarining, dunyoqarashlarining shakllanishiga ta'sir ko'rsatadi. Keyingi yillarda maktab ona tili darsliklari va o'qituvchilar uchun nashr qilingan qo'llanmalar materiali mazmuniga qo'yilgan talablar anchagina ortdi. Materialning asosiy mezon matn va alohida gaplarning bilimni boyituvchi qimmat, leksik-uslubiy aniqligi, mavzu jihatdan xilma-xilligi, hayotning turli tomonlari bilan bog'lanishi, matnlarning g'oyaviy-mavzuviy yo'naltirilganligi, kichik yoshdagi o'quvchilarga mosligidir.

SHunday qilib, tilni o'rganish jarayonida kichik yoshdagi o'quvchilarda ilmiy dunyoqarash asoslarini shakllantirishga o'qituvchining metodologik yondashuvi, o'quvchilar o'zlashtiradigan ijtimoiy hodisa sifatida rivojlanib boruvchi til haqidagi bilimlar majmuasi, o'quvchilar o'rganib oladigan bilish usuli, tilni o'rganishga asos bo'ladigan materialning bilim berishdagi, g'oyaviy-siyosiy va badiiy qimmatini hal qiluvchi ta'sir ko'rsatadi. O'quvchilarda dunyoqarash asoslarini shakllantirish ko'p qirrali jarayon bo'lib, u maktabda va maktabdan tashqarida olib boriladigan o'quv-tarbiyaviy ishlarning barcha tizimida hal qilinadi. Tilning har bir jihatining o'ziga xos xususiyatini ko'rib chiqishning o'zi ularning o'zaro munosabatini, bir-biriga o'tishining murakkabligini ta'kidlaydi. Tilshunoslik fani bo'limlari o'rtasidagi munosabatlar ham shunga o'xshash murakkabdirlar.

XORIJIY DAVLATLARDA BOSHLANG'ICH TA'LIM TIZIMI

*Ergasheva Xursanoy G'ulomjonovna-Namangan shahar
To'raqo'rgon tumani 53-umumta'lim maktabi
boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev 2020 yil 24 yanvar kuni Oliy Majlisga Murojaatnomasida "Mamlakatimiz uchun ilm-fan sohasidagi ustuvor yo'nalishlarni aniq belgilab olishimiz kerak. Hech bir davlat ilm-fanning barcha sohalarini bir yo'la taraqqiy ettira olmaydi. Shuning uchun biz ham har yili ilm-fanning bir nechta ustuvor yo'nalishini rivojlantirish tarafdorimiz.

2017-yil 6-aprelda 187-sonli qarorga ko'ra umumta'lim fanlarini o'qitishning uzluksizligi va izchilligini ta'minlash, zamonaviy metodologiyasini yaratish, umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi davlat ta'lim standartlarini kompetensiyaviy yondashuv asosida takomillashtirish, kompetensiyaviy yondashuvda asoslangan dars ishlanmalar yaratish va amaliyotga joriy etish muhimdir.

Umumiy o'rta ta'lim tizimini mamlakatda amalga oshirilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy islohotlar, rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ilg'or tajribalari hamda ilm-fan va zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan holda tashkil etish, ma'naviy barkamol va intellektual shaxsni tarbiyalashdan iborat.

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ta'lim tizimini o'rganish, ularning ilg'or tajribalarini milliy xususiyatlarni hisobga olgan holda amalda qo'llash dolzarb vazifa sanaladi.

Quyida bir qator rivojlangan xorijiy davlatlarning ta'lim tizimi, xususan, boshlang'ich ta'limi mazmuni yoritilgan.

Xorijiy mutaxassislar pedagogik texnologiyalarning rivojlanishini uch bosqichga bo'lib o'rganish lozim deb hisoblaydilar.

Birinchi bosqichda, o'qitish jarayonini faqat o'qituvchining o'zi olib borar edi. N.F.Talizina ta'kidlaganidek, «Inson ajribasi o'qitish texnologiyasi funktsiyasini bajargan».

Ikkinchi bosqichda esa, darslik va qo'llanmalar cho' etila boshlagandan so'ng - o'qitish texnologiyasi mazmunida tub o'zgarishlar sodir bo'ldi. O'qituvchiga yordam beruvchi turli didaktik materiallar vujudga kela boshladi.

Uchinchi bosqichda esa, o'qitish texnologiyasi mazmun jihatdan yanada boyidi, o'qituvchi va o'quvchilar uchun texnik vositalar, ya'ni o'rgatuvchi mashinalar ham qo'shildi.

Texnologiya taraqqiyotida inson psixologiyasi katta o'rin tutadi. Tarixan pedagogik texnologiya taktik (strategik emas) jihatdan faoliyat ko'rsatgan va rivojlangan. Hozirgi kunda pedagogik texnologiyalarni amalda qo'llash masalalari dolzarb bo'lib qolmoqda.

Yaxshi dars - bu savollar va gumonlar, umid chiroqlari va ixtirolar darsi.

Yuqori unumli, natijali dars texnologiyasining asosiy qirralari esa quyidagilardir:

- o'rganuvchilarning bilishga qiziqishi va mustaqil aqliy faolligini oshirish;
- dars vaqtini tejamkorlik bilan va maqsadli sarflash;
- o'qitishning usul va vositalar arsenali turli xillarini qo'llash;
- o'rganuvchilarning aqliy harakatlari usullarini shakllantirish treninglari;
- o'rganuvchining shaxsiy sifatlarini shakllantirish va rivojlantirishga ulush qo'shish, birinchi galda, shaxsni o'qitishga ko'maklashuvi, o'z-o'zini boshqarish mexanizmlari;
- o'qituvchi va o'rganuvchilar shaxsi o'rtasidagi ijobiy hamkorlik;
- o'rganuvchilar tomonidan darsda olingan bilim, o'quv va ko'nikmalar hajmi va mustahkamligi.

Boshlang'ich ta'lim tizimi. Germaniya Federativ Respublikasi 16 ta mustaqil Federativ yerlar (viloyatlar)dan iborat bo'lib, har biri shakliga ko'ra turlicha bo'lgan ta'lim tizimiga ega. Ta'lim muassasalari asosan davlat tasarrufida bo'lib, ular uchun ta'lim dasturiga tegishli bo'lgan davlat ko'rsatmalari mavjud.

Ta'limni joriy qilish va boshqarish Federal yerlar (FE) xuqumatining kompetensiyasiga kiradi, lekin markaz tomonidan umumiy xabarlik ham bor: ta'lim vazirligi ta'lim siyosati kontseptsiyasini ishlab chiqadi, OO'Yularini kengaytirishga mablag' ajratadi. GFR konstitutsiyasiga ko'ra har bir Federal yer o'z hududidagi maktab va oliy ta'limni rejalashtirish va amaliyotga tadbiq etish bo'yicha o'zi javob berishga qaramay, barcha Federal Yerlar va Federal xukumat umumta'lim va oliy ta'lim muassasalarida o'qitish kurslarida birlikni ta'minlash maqsadida hamkorlik qiladilar.

Federal organlar va Federal Yerlarning ta'lim sohasi bo'yicha siyosati kelishilgan: ta'limning davomiyligi, ta'tillar, o'quv dasturi, imtixonlarni o'zaro tan olish, attestatlar, maktabni tugatganligi xaqida guvohnoma, diplomlar, unvonlar shular jumlasidandir.

Federal hukumatning xuquqlari asosiy qonunlarni qabul qilishda, jumladan moliyalashtirish masalalarida chegaralangan. Ta'limdagi xarajatlar haqida quyidagilarni aytish mumkin:

- birorta Federal Yerlar davlat umumta'lim, kasbiy o'quv yurtlarida o'qish uchun pul olmaydi;
- barcha Federal yerlarda o'quvchilarni uydin maktabga, maktabdan uyga tashuvchi avtobuslarni o'z hisobidan beradi;
- deyarli barcha o'quvchilarga darslik va o'quv qo'llanmalarni qiymatining ozgina qismiga beriladi;
- ma'lum toifadagi o'quvchilar va talabalarga mavjud federal qonunlarga ko'ra davlat moddiy yordam ko'rsatadi.

Germaniyada xususiy maktablarga ruxsat berilgan, ular orasida diniy maktablar ham bor. Bu maktablarda taxminan 8% o'quvchilar tahsil oladilar. Xususiy maktablar o'quv dasturlarini tanlashda davlat maktablariga nisbatan erkin bo'lganligi bois turli pedagogik muqobillarning aprobatsiyasi o'tkazilib turiladi.

Sekin asta differentsiyalashgan ta'lim tizimi, ya'ni har bir o'quvchiga uning qobiliyati va o'qishdagi turlicha yo'nalishiga ko'ra moslashuvchan yondashuv kiritilmoqda. Umuman olganda Germaniya ta'lim tizimi bir necha bosqichni o'z ichiga oladi:

1. Elementar ta'lim: maktab ta'limining 1-bosqichiga tegishli bo'lib, maktabgacha muassasalar kiradi. Asosan bular bolalar bog'chalari, tayyorlov sinflari va kirish guruhlari bo'lib, bu yerlarga bolalarning qatnashishi 3 yil davomida ota-onalar xohishiga ko'ra ixtiyoriydir.

2. Ta'limning birinchi bosqichi. (rimastufe) boshlang'ich maktab, unga 6 yoshdan qatnay boshlaydi. O'qish muddati 4 yil, Berlin va Brandenburgda 6 yil. Bu bosqichdagi ta'limning maqsadi – bolalarga ta'limning ikkinchi bosqichidagi u yoki bu maktabda ta'limni davom ettirishga imkon beruvchi asosiy bilimlarni berishdan iborat

3. Ta'limning ikkinchi bosqichi (Sekundastufe I) “yo'nalishli bosqich” deb nomlanuvchi bosqichdir, unda bolalarni ularning iqtidoriga ko'ra o'quv muassasalarining kerakli turiga yo'naltiradi: asosiy maktablar, real maktablar, gimnaziyalar, kompleks maktablar. O'quvchilar ta'lim xaqidagi attestatni real va asosiy maktablarni bitirgachgina olishadi.

4. Ta'limning to'rtinchi bosqichi (Sekundastufe II) ga gimnaziyaning yuqori sinflari, shuningdek kasbiy ta'lim va muassasalarda kasbiy ta'lim kiradi. Muassasalarda kasbiy ta'lim “dual tizim” deb ham ataladi, unda ta'lim va ishlab chiqarishda amaliyot 2 yil davomida olib boriladi, bu o'qishni tugatish o'rta ta'limni tugatish bilan teng bo'lib, yakunida faqat kasbiy sohada o'qishni davom ettirish mumkin. Gimnaziya 3 yil o'qib, o'quvchilar umumiy shahodatnoma “etuklik attestati” – abitur oladilar, bu ularga istagan oliy o'quv yurtiga kirishga imkon beradi.

5. Ta'limning beshinchi bosqichi oliy ma'lumot haqida diplom beruvchi oliy o'quv yurtlari va malaka oshirish o'quv muassasalari. GFR ta'lim tizimi umumevropa ta'lim tizimiga integratsiyalashgan:

o'quv muassasalarining barcha turlari Yevropa Ittifoqi (EI) dasturini amalga oshirishga mo'ljallangan, YEI davlatlari ta'lim standartlari unifikatsiya (bir xillashtirish) qilingan, diplomlar bu davlatlarda kuchga ega.

Germaniya uzoq davrlardan beri fan va madaniyat markazi sifatida mashhurdir. SHiller, Gyote, SHneger, Gumbolg'dt, Kant, Gegelg' va boshqalar kabi buyuk shoirlar, yozuvchilar, filosoflar va jamoat arboblari hammaga tanish. Germaniyada o'rta asrlarda tashkil topgan 1-universitet mavjud. Eng qadimiy universitet bu Geydelg'berg universiteti bo'lib, 1386 yil tashkil topgan.

1388 yil tashkil topgan Kyolg'n universiteti qadimiy universitetlardan sanaladi. Bu o'quv muassasalari qadimiy an'analari va klassik ta'limi bilan mashhurdir. Germaniya Federativ Respublikasining “Ta'lim to'g'risidagi asosiy qonuniga” ko'ra har bir o'quvchi o'z shaxsini erkin rivojlantirish, o'z iqtidori, moyilligi va qobiliyatiga qarab maktab, o'qish joyi va kasb tanlash xuquqiga ega.

Ta'lim sohasidagi bunday siyosatning maqsadi har bir shaxsning qiziqishi va talablarga javob beradigan malakali tayyorgarlikni olish imkonini berishida imkon qadar ko'proq yordam berishdan iboratdir. Germaniyaning har bir o'quvchisi butun hayoti davomida umumiy, oliy va kasbiy ta'lim olish imkoniyatiga ega. CHunki Germaniya yuqori rivojlangan sanoat davlatlaridan biri bo'lib, yuqori malakali mutaxassislariga ehtiyoj katta. Germaniya xukumati turli sohalarida sifatli mutaxassis kadrlarni tayyorlashga manfaatdor. SHu bois nemis ta'lim tizimining rivojlanishiga katta miqdorda mablag' ajratiladi.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHISINING TA'LIM JARAYONIDAGI PEDAGOGIK MAHORATINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI

*Razakova Zamira Boymurodovna Namangan viloyati
To'raqo'rg'on tuman 53- umumta'lim maktabi
1-toifa boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

2017-2021- yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida fan va ta'lim sohasini isloh qilish, tizimni zamon talablari asosida rivojlantirish bo'yicha muhim vazifalar belgilandi.

Buning amaliy ifodasi sifatida 2019-2020 yillarda xalq ta'limi tizimida ko'plab yangiliklar hayotga tadbiiq etildi. T'lim-tarbiya sohasini takomillashtirish, fanlarni o'qitish sifati va samaradorligini oshirish, ta'lim maskanlarida zamonaviy shart-sharoitlar yaratish, pedagog kadrlar salohiyatini yuksaltirishga doir qator me'yoriy-huquqiy hujjatlar qabul qilindi, amaliy ishlar boshlab yuborildi.

Jamiyatimiz ma'naviy hayotini yuksaltirish bevosita yoshlarni barkamol insonlar sifatida voyaga yetkazish masalasi bilan chambarchas bog'liqdir. Maktabga ilk qadam qo'ygan o'quvchi qarshisida yangi, jozibali o'zga bir dunyo paydo bo'ladi. Bola maktabda mo'jizakor olam yangiliklari bilan tanishadi, hayot haqidagi his-tuyg'ularini boyitadi, iroda va xarakterini tarbiyalaydi, o'rtoqlari, katta yoshdagilar bilan muloqotda bo'lishga o'rganadi. O'qituvchi endigina qutlug' ostonaga qadam qo'ygan murg'ak bolaga razm solar ekan, unga alohida e'tibor, mehr, qalbiga yo'l topa bilishi lozimligini tushunib yetadi va kasbiy faoliyati davomida o'quvchilarning aqliy qobiliyatini, irodasini mustahkamlab, xarakterini tarkib toptira boradi.

O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi qonuni hamda Kadrlar tayyorlash milliy dasturi qilingandan so'ng mamlakatimiz ta'lim tizimida, xususan boshlang'ich ta'limda keng qamrovli ijobiy o'zgarishlar amalga oshirildi.

Boshlang'ich ta'lim konsepsiyasida "Boshlang'ich ta'lim jarayonini rivojlantirishda o'qituvchining kasbiy kompetentligi va o'qimishlilik darajasi, bolalar psixologiyasi, hozirgi zamon boshlang'ich ta'lim pedagogikasi va bu sohada ilg'or tajribalar, shaxsga yo'naltirilgan ta'lim konsepsiyasi va kompetensiyaviy yondashuv asoslarini bilishi boshlang'ich ta'lim sifati va samaradorligini ta'minlashda muhim ahamiyatga ega" ekanligi ta'kidlangan.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan iqtisodiy-siyosiy va madaniy sohalaridagi islohotlarning asl maqsadi o'sib kelayotgan yosh avlodni jamiyatimiz uchun munosib – bilimli, yuksak intellektual salohiyatga ega, ma'naviy jihatdan barkamol insonlar qilib voyaga yetkazish bo'lib, bu vazifalar har tomonlama salohiyatli, boy tajribaga ega, zamon talablari asosida faoliyat yurituvchi sharafligini kasb egalari – o'qituvchilar zimmasiga yuklanadi. Shu bois ham bugungi kunda xalq ta'limi xodimlari, pedagog, tarbiyachilarning ijtimoiy yetukligi, faolligini yuksak darajaga ko'tarish mustaqil yurtimiz kelajagini hal qiluvchi muhim strategik masalalardan biri bo'lib qolmoqda.

Hozirgi zamon o'qituvchisi ta'lim maqsadlarini amalga oshirishda o'qituvchilarning pedagogik-psixologik tabiatiga e'tiborini qaratishi va ta'lim jarayoniga innovatsiyani olib kirishi, hamkorlik asosidagi bahs-munozaraga imkon yaratishi, hamkorlik asosidagi iroda mustahkamligini, muomala madaniyatini, iste'dodini tarbiyalashi lozim.

Boshlang'ich ta'limning samaradorligini ta'minlashda o'qituvchining shaxsiy sifatleri va pedagogik mahorati ham muhim ahamiyat kasb etadi. O'qituvchi ko'p jihatdan o'quvchi uchun o'rnatqidir. Shuning uchun ham, u birinchi navbatda, ularni o'ziga jalb eta olishi kerak.

Shu nuqtai nazardan, o'qituvchi faoliyatida motiv tushunchasini konkretroq tushunish lozim bo'ladi.

Boshlang'ich sinf o'qituvchisi o'z kasbining mutaxassisi sifatida takomillashib borishi quyidagilarda namoyon bo'ladi. Aniq maqsad, intilish asosida pedagogik jarayonni samaradorligini, o'zining ishchanlik faolligini oshirish, izchil ravishda yangilanib borayotgan pedagogik bilimlarni o'zlashtirib faoliyatiga joriy etish, ilg'or texnologiyalar, metod hamda vositalardan habardor bo'lish, faoliyatiga fan-texnikaning so'ngi yangiliklarini samarali tadbiiq etish, kasbiy malakalarni takomillashtirish, ko'nikma salbiy pedagogik nizolarning oldini olish, bartaraf etish choralarini izlash yo'lida olib boriladigan amaliy harakati uning o'z ustida ishlasi va kasbiy kompetentligi takomillashtirishning asosiy omillaridan biri hisoblanadi.

Boshlang'ich sinf o'qituvchisining pedagogik mahoratini takomillashtirishda quyidagilarga e'tibor qaratish lozim:

Pedagogika-psixologiyaga oid bilimlarini takomillashtirib borish;

O'z ustida ishlash;

Ta'lim jarayonida o'quvchilarda motivatsiyani shakllantirish;

Axborot kommunikatsion texnologiyalarini bilishi, bilimlarini oshirib borishi va kasbiy faoliyatida ulardan samarali foydalanish;

Ta'lim muhitiga yangilik kiritish;

Hozirgi zamon ta'lablaridan kelib chiqqan holatda xorijiy tillardan birini bilish ham o'qituvchining kasbiy kompetentligini takomillashtirib borishning asosiy shartlaridan biridir.

Ma'lumki, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da ham ta'lim tizimiga ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy qilish, ularni har tomonlama o'zlashtirish zarurligi ko'p karra takrorlanadi. Pedagogik jarayonda muayyan mavzu, fan asoslaridan o'quvchilarga ko'nikma darajasida tez va qulay bilim berish ham ta'lim texnologiyasini muhim tarkibiy qismi hisoblanadi. R. Choriyev fikricha, o'qituvchi mahoratiga to'rt yo'l bilan erishiladi:


Birinchidan, ijodkorlik, izlanish, o'z faoliyatini tahlil qilish, qiyoslash, yo'l qo'ygan uslubiy kamchiliklarni tanqidiy baholab, ularni bartaraf etish, o'z ish faoliyatini yanada takomillashtirishda tinimsiz ishlash, pirovard natijada o'z faoliyatining mukammal, o'ziga xos shakl va uslubini belgilab olish orqali;

Ikkinchidan, ilg'or hamkasblari ish tajribalarini qunt bilan o'rganish, o'z sharoiti va imkoniyatidan kelib chiqib, ularni amaliyotga tadbiiq etish va takomillashtirib boorish orqali;

Uchinchidan, xorijiy pedagogik tajribalarni ijodiy o'rganish orqali;

To'rtinchidan, respublikamizda va xorijiy mamlakatlarda chop etilayotgan pedagogik texnologiyalar va metodik yangiliklarni uzluksiz tarzda kuzatib boorish orqali.

O'zbekistonda pedagogning kasbiy kompetentligi, uning o'ziga xos jihatlari o'rganilgan bo'lib, ular orasida B.Nazarova tomonidan olib borilgan tadqiqot o'ziga hos ahamiyat kasb etadi. Tadqiqotchining fikriga ko'ra pedagogga xos kasbiy kompetentlik negizida quyidagi tarkibiy asoslar tashkil etadi. Kasbiy-pedagogik kompetentlikka ega bo'lishda quyidagi tarkibiy asoslar tashkil etadi.



O'z ustida ishlash quyidagilarda ko'rinadi:

- kasbiy bilim, ko'nikma va malakani takomillashtirib borish;
- faoliyatga tanqidiy va ijodiy yondashish, kasbiy va ijodiy hamkorlikka erishish;
- ishchanlik qobiliyatini rivojlantirish;
- ilfor texnologiya, metod hamda vositalardan habardor bo'lish;
- keng ma'noda esa o'quv-tarbiya jarayonining yahlittarзда, mazmunli amalga oshirish texnikasi, uning pirovard natijalari samaradorligini belgilovchi omil, o'qituvchi, kadrlarni mahoratga, samarali mehnat qilishga yetaklovchi yo'ldir.

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA INTEGRATSIYALASH – TA'LIM SAMARADORLIGI OMILI SIFATIDA

*Qo'ziboyeva Zulfiya Mahmudjonovna Namangan viloyati
To'raqo'rg'on tumani 53-umumiy o'rta ta'lim
maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Ta'lim amaliyoti ko'rsatishicha, maktab ta'limida fanlararo aloqadorlikni yo'lga qo'yish fan va jamiyat hayotida bugungi kunda sodir bo'layotgan integratsion jarayonlarning yorqin ifodasidir. Ushbu aloqadorlik o'quvchilarning bilimlarni ongli o'zlashtirishi, dunyo haqidagi yaxlit tasavvurlarini rivojlantirish amaliy va ilmiy-metodik tayyorgarligini oshirishda muhim o'rinni egallaydi. Bunday tayyorgarlik umumiy o'rta ta'lim bitiruvchilarini darsda va darsdan tashqari mashg'ulotlarda, ishlab chiqarishda va umuman har qanday faoliyatda o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini erkin qo'llash imkoniyatini beradi.

Zamonaviy intellektual insonni tarbiyalashda integrativ ta'limning barcha jixatlari (aqliy, axloqiy, iqtisodiy, mehnat, estetik, gigiyenik, huquqiy, jismoniy tarbiya)ni qamrab oladi va ularning o'zaro bog'liqligini ta'minlaydi.

Integratsiyalashgan mashg'ulotlarda didaktik va psixologik talablarni hisobga olgan holda muayyan o'quv predmeti doirasida maxsus tashkil etilgan individual hamda alohida guruhlarda jamoa bo'lib, olib boriladigan ishlar orqali hamda turlicha murakkablik darajasida bo'lgan topshiriqlarning har tomonlama o'ylab ishlab chiqilgan tizimi har bir mavzuning o'zlashtirilishi muayyan pedagogik shart-sharoitlarni talab qiladi. Bunday sharoitda ta'lim rivojlanishi nisbatan ilgarilab boradi. O'quvchi odatda mustaqil bajariladigan topshiriqni kichik guruhda o'zaro yordam, hamfikrlik natijasida tez bajaradi. Kichik guruh uchun murakkablik qiladigan mashq va masalalarni o'quvchilar jamoa bo'lib, oson va sifatli bajarishlari mumkin. Savol va topshiriqlarni tabaqalashganlik darajasidan kelib chiqqan holda hamda bir mavzu bo'yicha belgilab beriladigan topshiriqlar ularning sifati, har bir o'quvchining o'zligini namoyon qilishini talab qiladi. Shu bilan birga bunday topshiriqlarni bajarish jarayonida o'quvchi o'z rivojlanishi va bilim sifatining darajasi va individual hatti-harakatlarini ham belgilab oladi.

Ta'lim mazmunini tanlashda har bir o'quvchining o'ziga xos imkoniyat va qobiliyat darajasi, alohida hisobga olinishi kerak. Har bir bolani uzluksiz rivojlanish tamoyili o'quv materiallarini integratsiyalashni, integratsiyalashgan o'quv materiallarini qamrab olgan darsliklar yaratishni taqozo qiladi. Taqdim etiladigan bilimlarning mustahkamligi, o'quvchining umumiy rivojlantirish darajasi o'quv materialining tarkibiga (turli ranglar, ramzlar, ularning ma'nosi, hajmi bilan tanishtirilishiga) bog'liq bo'ladi. Buning natijasida o'quvchida

kuzatuvchanlik faoliyati tarkib topadi. Chunki kuzatuvchanlik shaxs faoliyatining asosiy yo'nalishini tashkil qiladi. Bu esa, o'z navbatida fikrlash faoliyatini rivojlantiradi.

Boshlang'ich maktabda integratsiyani amalga oshiruvchi bo'g'in vazifasini o'qituvchining o'zi amalga oshiradi. O'quv fanlariaro aloqadorlikni ta'minlash bo'yicha o'qituvchilar tajribalarini umumlashtirib, fanlararo aloqadorlikda tashkil etiladigan darslarni uch guruhga bo'lish mumkin:

1. **Ko'rgazmalilik asosida tashkil etiladigan dars**da o'rganilayotgan mavzu yuzasidan alohida topshiriqlarni bajarish uchun qo'llaniladigan o'quv fanlariaro aloqador elementlarning turli jadval va modellarda ifodalanganligi asosida. Chunonchi, boshlang'ich sinflarda ona tili, o'qish yoki tasviriy san'at darslarida mazmunan o'xshash bo'lgan "Qish", "Bahor" kabi mavzularni o'rganish bo'yicha.
2. **Mavzularning bir-biriga o'xshashligi**: o'quv jarayonining uzviy tarkibiy qismida o'quv fanlariaro aloqadorlikdan foydalanish asosida darsning samaradorligini oshirish.
3. **Umumlashtirish**-o'quv fanlarining umumiy qonuniyatlari va tamoyillarini mukammal o'rgatish maqsadida turli o'quv fanlari bo'yicha maxsus tashkil etiladigan takrorlash-umumlashtirish darslarida o'quvchilarning egallagan bilimlarini takrorlashga imkon yaratish.

Agarda, dars jarayonida quyidagi **didaktik shartlarga** amal qilinsa, o'qitishga mujassam yondashishda samaradorlikka erishiladi:

O'rganilayotgan o'quv fanlari bo'yicha mavzularni mazmunan uyg'unlashtirish orqali o'quv rejalariga fanlararo aloqadorlik asosida tashkil topgan dars soatlarini kiritish; o'quv fanlariaro aloqadorlik asosida tashkil etilgan darslarning ta'lim sifatini ta'minlash va uning tarbiyaviy jihatlari kuchaytirish; darslarda mazmunan bir-biriga yaqin yoki aralash o'quv fanlari tarkibidagi tushunchalar yordamida o'quvchilarning ilmiy dunyoqarashi hamda muayyan ko'nikma va malakalarini shakllantirish;

O'quv fanlariaro aloqadorlikni ta'minlashda o'quvchilar idrok etish faoliyatlarini jadallashtirishning turli vositalaridan unumli foydalanish. Chunonchi, aralash o'quv kurslari bo'yicha, muammolilik, ko'rgazmalilik, mustaqil ishlar, individual topshiriqlar tashkil etish yordamida bunday maqsadga erishish mumkin.

Ulug' didaktik Yang Amos Kamenskiy fikricha: "Bir-biri bilan bog'liq bo'lgan hamma narsa huddi shunday holda o'rganilishi kerak".

Fanlararo bog'liqlik g'oyasiga keyinchalik juda ko'p pedagoglar yondashib uni rivojlanishi va umumlashtirilishiga hissa qo'shdilar. Jumladan D.Lohk g'oyasiga ko'ra: "Ta'lim mavzuning aniqlanishida bir fan boshqa fanlar elementlari bilan va faktlari bilan to'ldirilishi kerak".

I.V.Pestalossi o'zining didaktik maqolasida shunday deydi. "Bir-biri bilan bog'liq fanlarni onginga keltir, ularni tabiatdagi uzviy bog'liqlik holatida ekanini angla"-deydi. Pestalossi bir fanning boshqa bir fandan uzoqlashuvi hatto havfliligini ta'kidlaydi.

D.Uskenskiy shunday deydi: "Har qanday fan tomonidan xabar qilinayotgan bilim va g'oya dunyo va hayotga keng nigoh va yorituvchan holatda berilishi lozim".

Bir turdagi qism yoki elementlar mavjudligi va ularning bir maqsadga tabiiy bo'ysundirish imkoni va bir qator o'quv fanlari uslubidagi yaqinlik integratsiya atamasini aniqlashga asos beradi, ya'ni o'qitish tarbiya qilish va o'quvchilarni ma'lum o'quv fanlarini o'zlashtirish uyg'unlashtirish usullari haqidagi fan. Integratsiyani uslubiy hodisa sifatida tahlil qilib bergan I.Kolojvari va L.Pechnikova takidlashicha: "Integratsiyaning kelajagi porloq". Bu usul natijasida o'quvchilar ongida olamning faol va ko'p tomonli tasviri shakllanadi. O'quvchilar olgan bilimlarini amalda faol foydalanishligi boshlanadi. Chunki bilimlari osonroq amaliyotga xos xususiyatlarini aniqlaydi, yangicha fikrlay boshlaydi, fanni tez o'zlashtiradi, uning boshqa fanlarga bo'lgan munosabatini ravshanlashtiradi.

O'qituvchi qachon va qanaqa fanlarni integratsiyalash mumkin yoki integralash shartlarini bilish muhim ahamiyatga ega.

E.Smirnova fikricha: "Birinci sinfda quyidagi fanlarni integrarlash mumkin: o'qish, yozuv, tasviriy san'at va mehnat". Faqat o'qish va faqat yozuv bolani juda charchatadi va unda salbiy tuyg'ularni uyg'atadi. 1-sinf o'quvchisida birinchi darslardayoq o'qishga bo'lgan istak yo'q bo'lmasligi kerak. Uning ko'zlaridagi uchqun o'chmasligi kerak. Yuqorida aytib o'tilgan fanlarni tartiblashda o'quvchining o'rganish jarayonini, qiziqishini ushlab turish, faollashtirishga e'tibor beriladi.

Bir xil sinflarda turli fanlardan dars beruvchi o'qituvchilarning bir-birlarining darslariga qatnashib turishlari hamda o'quvchilarning bilim va malakalariga qanday talablar qo'yilishi lozimligini kelishib olishlari predmetlar o'rtasidagi o'zaro bog'lanishni aniqlashda muhim vosita hisoblanadi. O'quvchilar o'qish darslarida olgan bilim va malakalaridan boshqa fanlarni o'rganishda qanday foydalanayotganliklarini va bunda qanday qiyinchiliklarga duch kelayotganliklarini muntazam ravishda kuzatib borish ham muhim ahamiyatga egadir.

Xulosa qilib aytganda, o'qish fanini o'qitishda fanlararo aloqadorlik tamoyiliga erishish ta'lim samaradorligini oshiribgina qolmasdan, uni yanada takomillashtirishda asosiy omillardan biri bo'lib xizmat qiladi.

BOSHLANG'ICH TA'LIM SAVODXONLIGINI OSHIRISHDA O'QUV-TARBIYA JARAYONINI AKT ORQALI TASHKIL ETISH

*Andijon viloyati, Andijon tumani 44-umumta'lim
maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi Abdurahmonova Dilafuz Muxtarovna*

O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonun va «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi»ning amaldagi tadbiri bugungi kunda ta'lim tizimini yanada takomillashtirish va jahon andozalariga mos ravishda rivojlantira borishni taqozo etmoqda. Tabiiyki, ushbu vazifani muvaffaqiyatli amalga oshirish ko'p jihatdan barcha turdagi ta'lim muassasalarida ta'limni zamonaviy axborot texnologiyalarining tadbiri etilishi va ulardan samarali foydalanishi bilan bog'liq.

Umumta'lim maktablari o'quv-tarbiya jarayonini kompyuterlashtirish, axborot texnologiyalarini rivojlantirish bo'yicha vazifalarni hal etish uchun 2019- yil 9-sentabrdagi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Prezident, ijod va ixtisoslashtirilgan maktablarni rivojlantirish agentligini tashkil etish to'g'risida PF-5815 farmonida, shu bilan birga, iqtidorli yoshlar bilan ishlashning yagona va samarali tizimini yaratish, yosh avlodning iqtidori va salohiyatini ro'yobga chiqarish uchun bunday yoshlarning tashabbuslarni qo'llab-quvvatlash, yuqori darajada munosib ifoda eta oladigan talab yuqori bo'lgan yosh mutaxassislarni tayyorlash asosiy vazifamiz ekanligini ta'kidlab o'tdi.

Demak, Prezident, ijod va ixtisoslashtirilgan maktablarning o'quv-tarbiyaviy jarayoniga ilg'or ta'lim shakllari, pedagogik texnologiyalar va axborot yangiliklarini joriy etish keng yo'lga qo'yildi. Shu qatorda umumiy o'rta ta'lim maktablarida ham ta'lim sifatini yaxshilash, uni zamonaviy pedagogik texnologiyalardan unumli foydalangan holatda tashkil etishga hozirgi kunda asoydil e'tibor qaratilmoqda. O'quv-tarbiya jarayoniga elektron vositalarini tadbiri etish, kompyuter imkoniyatlaridan foydalanish ishlari respublikamizning umumiy o'rta ta'lim maktablarida sezilarli darajada ommalashib bormoqda. Chunki boshlang'ich sinflarning o'quv-tarbiya jarayonida zamonaviy texnologiyalarning tadbiri etilishi o'quvchilarning o'qish savodxonligi bilan birga mantiqiy fikrlashini, faol bilim olishini ta'minlaydi, ularning individual va intellektual salohiyatini rivojlantirishga imkon yaratadi. Buning uchun fan o'qituvchilari va har bir o'quvchiga barilgan vazifani bajarish uchun kompyuterdan foydalanilsa o'quvchi o'qiydi, ko'radi, eshitadi va matn bilan ishlashni uddalay olishi va o'quv predmetlarini kompyuter yordamida o'zlashtirish imkoniyatlariga ega bo'lishi talab etiladi.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida ko'pgina fanlarni o'qitish jarayonida ko'rgazmali vositalarga asosiy e'tibor qaratiladi. Chunki o'quv materiallarining tabiiy, jonli va eng muhimi qiziqarli namoyish etilishi o'quvchining bilim olishini yengillashtiradi, o'rganilgan bilimni uzoq muddat xotirada saqlab qolish va amaliyotda foydalanishga imkon yaratadi.

Xalqaro baholash tizimiga faol qatnashish uchun bolaning matematik savodxonligini oshirishda elektron vositalardan unumli foydalanish ayniqsa boshlang'ich ta'lim dasrlarining samarasini oshirishning dolzarb muammosi hisoblanadi. Chunki darslardagi barcha mavzularni to'liqroq yoritish uchun bir qancha, rasmi jadvallar, yoki slaydlar ega bo'lish talab etiladi. Lekin umumiy o'rta ta'lim maktablari boshlang'ich ta'lim o'qituvchilarining bu borada imkoniyatlari cheklangan. Bundan tashqari har bir mashg'ulot uchun o'quv materiallari tayyorlash va ulardan dars jarayonida foydalanish ko'p mehnat va vaqtni talab etadi. O'quv jarayoni zamonaviy axborot vositalari yordamida tashkil etilishi o'quvchilarning o'quv predmetiga qiziqishini, ta'lim samarasini oshiradi. Bunday intilish o'qib, o'rganayotgan o'quvchi yoshlarni yetuk, intellektual salohiyatli bo'lib yetishishini ta'minlaydi.

Boshlang'ich ta'lim fanlarni o'qitish jarayonida texnik vositalar ancha ilgari foydalanib kelingan. Respublikamizning ko'pgina umumiy o'rta ta'lim maktablarida tajribali o'qituvchilar tomonidan texnik vositalarni tadbiri etishi orqali ta'limning samaradorligini oshirishga erishayotganligini ta'kidlab o'tish lozim. Lekin zamonaviy axborot texnologiyalarining shiddat bilan rivojlanishi va texnik vositalarga talab va ehtiyojning ortib borishi bilan mazkur texnologik vositalarni ishlab chiqish va ulardan dars jarayonida foydalanish sifat jihatidan ancha orqada qolmoqda.

Ta'lim jarayonida elektron vositalardan foydalanish muammolarini tadbiri etish, ta'limning zamonaviy vositalarini yaratish, ularni ilmiy asoslab berish borasida bir qancha olimlarimiz muvaffaqiyatli ish olib borishmoqda. Nufuzli olimlarning tadqiqot ishlarida ta'limni yangi uslub va vositalar yordamida tashkil etish, uni texnologiyalashtirish va didaktik asoslarini ishlab chiqish to'g'risidagi fikr va mulohazalari o'z aksini topgan.

So'nggi yillarda fan texnikaning yanada rivojlanishi ta'sirida ta'lim tizimiga kompyuterlashgan texnologik vositalarni tadbiri etish, o'quv fanlarini bevosita informatika va axborot texnologiyasi elementlari bilan bog'lashga intilish tobora kuchayib bormoqda.

So'nggi yillarda yangi axborot texnologiyalarini ishlab chiqish borasidagi ko'pchilik ilmiy izlanishlarning asosiy maqsadi ta'lim jarayonida kompyuter imkoniyatlaridan foydalanish orqali o'quv mashg'ulotlarining samaradorligini oshirishdan iborat.

Respublikamizdagi umumiy o'rta ta'lim maktablarining tajribali o'qituvchilari tomonidan ham o'quvchilar bilimni baholash va rag'batlantirishni kompyuter yordamida amalga oshirish borasida bir qancha materiallar tayyorlangan. Bu kabi materiallar o'quv mashg'ulotlarining samarasini oshirishi tabiiy albatta. Boshlang'ich ta'lim fanlarini kompyuter yordamida o'rganish, elektron vositalar orqali o'quvchilar bilimni baholash va rag'batlantirish ishlari to'g'ri yo'lga qo'yilmagan. Ishlab chiqilgan ko'pchilik elektron vositalar zamonaviy talablarga javob bermaydi. Bundan tashqari umumiy o'rta maktablarining ko'pchilik boshlang'ich ta'lim o'qituvchilari yetarli

kompyuter savodxonligiga ega emaslar. Boshlang'ich ta'lim darslarida foydalanish uchun mo'ljallangan ko'pchilik elektron vositalar tizimga solinmagan, ularni yaratishda o'quvchilarning yoshi, tayyorgarlik darajasi, ta'limning uzviylik va boshqa psixologik va pedagogik omillar hisobga olinmagan, ulardan foydalanishning pedagogik va psixologik jihatlarini ochib berilmagan.

Xulosa qilib aytganda, boshlang'ich sinflarda o'qish, matematika savodxonligini oshirish va xalqaro baholash darajasiga yetkazish uchun o'quv-tarbiya jarayonini kompyuterlash o'quvchilarning bilish faoliyatini, ta'limning samarasini oshirish mumkin, agarda quyidagilarga amal qilinsa:

- mashg'ulotlarni rejalashtirish va ularga tayyorgarlik ko'rish davomida boshlang'ich ta'limda o'rganiladigan mavzularning mazmuni va xususiyatlarini bola mantiqiy fikirlashini e'tiborga olinsa;
- o'qitishning barcha pog'onasida boshlang'ich ta'lim darslari mavzulari mazmuniga mos keladigan fanlar bilan integratsiyalashtirilsa o'qitishning texnik vositalardan foydalanilsa;
- fundamental mavzular bo'yicha kompyuterlashgan o'quv dasturlari yaratilsa;
- o'quv dasturlaridan foydalanishning eng maqbul metodlari, shakllari va usullari tajriba sinov orqali asoslab berilsa. Biz ko'zlagan maqsadga erishishimiz mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

- 1). O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2019-yil 9- sentabrdagi PF-5815-son farmoni.
- 2). O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 8-dekabrda "Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 997-sonli qarori.
- 2). N.Egamberdiyeva "Tarbiya texnologiyasi" Fan va texnologiyalar. 2016-yil
- 3). "Maktab va hayot" 2018-iyul 4-son.
- 4). Mavlonova R., Abdurahimova D. "Pedagogik mahorat". T.: Fan va texnologiyalar. 2012-yil.

II-ШЎБА. ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИШ, МАТЕМАТИКА, ТАБИИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ ФАНЛАРДАН САВОДХОНЛИК ДАРАЖАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ.

ADABIYOT FANINI O'QITISHDA VIDIO LAVHALARDAN FOYDALANISH

*Uralov Azamat Begnarovich
Sirdaryo viloyat XTXQTMOHM
Tillarni o'qitish metodikasi kafedrasini mudiri, filologiya f.b.f.dok.*

Barcha insoniyatning bilimlari, tafakkuri, izlanishlari jamlanib borayotgan bu tarmoq kun sayin jadallashib bormoqda. Internetdan olinayotgan ma'lumotlarning aksariyati ta'lim sohasida, biroq qolgan bazalar bilan hech kimning ishi yo'q desak yanglishamiz. Internet o'z o'rnini bilan ishlatilgandagina samara beradi. Ko'p holatlarda yoshlarimizni bu o'rganmchak to'ri domiga ilinib qolayotgani ham sir emas. Vaholangki, har bir insonning o'z tafakkuri bor. Bu texnologiyaning ravnaqi kun sayin ildamlab borayotgan bo'lsada, undan oqilona foydalanayotgan kishilar afsuski ozchilikni tashkil etadi. Nimaniki taqiqlasak, unga bo'lgan qiziqish ortib borishi aniq bo'lsada, biz bu tarmoqni cheklashga intilamiz. Bizning fikrimizcha, bu borada erkinlashuv muhim. Chunki erkinlikda bo'lgan gul ham boshqacha o'sadi. Faqat yoshlarni bu borada taqiqlashimiz o'rinli emas. Avvalambor taqiq emas, tushuntirish olib borish lozim. Shundagina bolalar bunday ba'zadan oqilona foydalanishni tushunib yetishadi. Davr rivojlanib borsada, biz buning imkoniyatlarini cheklab qo'ysak, natijada bu rivojning hech kimga keragi bo'lmay qoladi.

Ildamlab borayotgan dunyo ma'lumotlar omboridan ma'lumot olishni bilmaydigan kishilar kam qoldi. Faqat undan oqilona foydalanish lozim. Aytaylik, bir inson kerakli ma'lumotlarni izlab topish va uni kompyuterga yuklashni bilmasa, undan foydalana olmasa bu tizim nimaga kerak? Internetdan olingan ma'lumotlarni qay tarzda va qanday qilib ishlatish lozim? Olinajak har qanday ma'lumotlarni keragini kerakli joyda ishlata olgan kishi mahoratli hisoblanadi. Biz sizga internetdan olingan ma'lumotni qanday qilib bolalarga berishimiz mumkinligi yoki undan balalar qanday qilib foydalanishi haqida to'xtalib o'tmoqchimiz:

Darslarni tashkil etishda video lavhalarni o'rnini juda katta. Agar darslarni qiziqarli va shiddatli tashkil etish lozim bo'lsa, o'quvchilar eshitganlaridan ko'ra ko'rganlariga ko'proq ishonishi nazarda tutilib video lavhalarni taqdim etilishi maqsadli bo'ladi. Deylik, O'tkir Hoshimov hayoti va ijodi o'tilishi lozim. Bunda adib hayotiga mos video lavhalar, asarlari haqidagi video lavhalar, kino qilib olingan asarlarining kino lavhalarini (darsga mos ravishda kichikroq va mantiqiy bo'lishi lozim) o'quvchilarga taqdim qilib, shu jarayonning o'ziga munosabat bildirishi topshirilsa, dars anchagina qiziqarli va "jonli" bo'lishi kutiladi. Bu ma'lumotlarni internetdan topish va uni yuklab olishni ko'rsatish ham mumkin. Shu bilan birgalikda o'qituvchi ham bularni bilishi lozim.

Dars qanchalik qiziqarli o'tayotgan bo'lsa ham, o'quvchilar bir xillikdan zerikishadi. Mashg'ulotlar paytida turli o'yinlar ham yaxshi samara beradi, ayniqsa, dars metodi to'g'ri tanlangan bo'lsa, guruhning faollashuvi oshadi. Bunda pedagog oldiga qo'ygan maqsadiga erishishi osonlashadi. Dars nafaqat qiziqarli, balki samarali, mavzuni to'liq o'zlashtirishi, o'quvchilarning bilimini oshirishi, yangiliklarga boy bo'lishi, tarbiyaviy ahamiyatning bo'lishi

lozim. Yuqoridagi bazani internetdan topish oson, biroq buning uchun ham bu tizimni qayerdan toppish, qanday toppish lozimligi haqida ham tushuncha bo'lishi kerak.

Dars jarayonlarida video lavhalarni taqdim qilish o'quvchilarni darsga qiziqishlarini kuchaytirish bilan birgalikda e'tiborini ham tortadi. Shunday vaziyatlarda bu ba'za qayerdan olinganligi, qanday olinishi haqida to'xtalib ketish zarur. O'quvchilar aksar hollarda ko'rgan narsalarini eslab qolishadilar va ularni shunday talqin etishadilar. Bunda o'qituvchi juda ehtiyotkor bo'lmog'i lozim. Aks holatda noto'g'ri ko'rsatilgan video lavhalar o'quvchilar dunyoqarashini boshqa tomonga yo'naltirib qo'yishlari mumkin. Har bir darsda qo'llanayotgan video lavhalarni qayta-qayta ko'rib chiqib, keyin taqdim etilishi ham nazardan chetda qolmasin. Bola ongi, ayniqsa, yuqori sinflarda jadal rivojlanishda bo'ladi. Shu boisdan ehtiyotkorlikni ko'proq talab etadi. Video lavhalarni yuklab olish jarayonida boshqa ma'lumotlarda ham duch kelib qolish mumkin. Bu borada bolaga to'g'ri tanlov tushunchasini berib o'tish maqsadli.

Bulardan tashqari o'quv mashg'ulotlarida bunday lavhalarni, masalan, M.Yusuf ijodini o'tish jarayonidagi shoirning shaxsan o'zi tomonidan aytilgan she'rlari va fikrlari ko'rsatilib berilganda o'quvchilarni shu shoirga o'xshashni yoki qahramonga o'xshashni istab qolish qolatlarni ham ko'rish mumkin. Bu esa o'qituvchi darsning qaysi sifatini berayotganligi bilan bog'liq. Ijodkorning o'zidan eshitgan she'ri o'zinikidan, nafaqat o'zinikidan, balki o'qituvchisidan ham yaxshiroq ta'sir etadi. Bunda o'quvchilar, birinchidan, she'rlarini shoirlarga xos o'qishga harakat qilsa, ikkinchidan, shoirlarning o'zlari haqidagi munosabatini va ularning ijodlari haqidagi haqiqatlarni ijodkorning o'zidan eshitgani ma'qil. Yana shuni ham hisobga olish kerakki, ijodkorning o'zidan eshitilgan fakrlar "jonli" muloqotga yaqin turadi. Shu bois o'quvchilarni darsga qiziqishlari ortadi va kelgusi darslarni ham intiqlik bilan kutishadi. Faqat, o'qituvchi mashg'ulot jarayonida o'quvchilar bilimni oshirishga qaratilgan maqsadlarni to'g'ri belgilagan bo'lsa bas. Ko'rinib turibdiki, o'quvchilarning bilim va ko'nikmalarini shakllantirishda ham bunday texnologiyaning imkoniyatlari va u bergan ma'lumotlar bazasi o'z samarasini beradi. Internet tizimida o'tiladigan darslar, va aloqalar ham jadallashib bormoqda.

Xulosa qilib aytganda, adabiyot fanini o'rgatishda video lavhalardan oqilona foydalanish, uning dars samaradorligiga ko'tarish uchun asos bo'ladi. Dars samaradorligini oshirish uchun har bir ijodkor va uning asariga qo'yiladigan video lavha o'rinni va mazmunli, qisqa hajmda bo'lishi maqsadga muvofiqdir.

TA'LIM JARAYONIDA INNAVATSION YONDASHUV DARS SAMARADORLIGINING OMILI

Kozim Eshquvvatov

Sirdaryo viloyati XTXQTMOHM fizika, matematika fanlari nomzodi, dotsent

Barkamol shaxs tarbiyasini tashkil etish barcha davrlarda xam jamiyatning muxim talabi va asosiy maqsadi bo'lib kelgan.

Ta'lim va tarbiya katta e'tibor berilishi barkamol shaxsni kamol toptirishga asoslanadi. O'zbekiston Respublikasining "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" da: Kadrlar tayyorlash sohasidagi davlat siyosiy insonni intellektual va ma'naviy –axloqiy jixatdan tarbiyalash bilan ilmiy uzluksiz ta'lim berish orqali xar tomonlama barkamol shaxs- fuqoroni shakllantirishni nazarda tutadi" deb takidlanadi.

Bugungi kunda innavatsiyalarni o'quv jarayoniga tatbiq etishning maqsadimizda qo'la kiritilgan ilg'or pedagogic tajribalarni, bunyodkorlik va ijodkorlik namunalarni pedagogic texnologiya talablariga mos xolda axborot texnologiya vositalari asosida ta'lim-tarbiya jarayoniga tatbiq etishdan iborat.

Bu jarayonda texnologik, tizimli va ijodiy yondashuv uyg'un xolda amalga oshirilib, vaqt meyorini tejiladi, tinglovchi (o'quvchi) ortiqcha zo'riqmaydi, eng asosiysi mustaqil fikr, ijodiy izlanish tinglovchining kundalik faoliyatiga aylaniib boradi.

Pedagogic texnologiyalarni amaliyotga tatbiq jarayonida ta'limning shakllari jarayonida ta'limning, metodlari, usullari xamda vositalari takomillashib boradi. Bu albatta o'qituvchilarning kasbiy pedagogic maxorati bilan bog'liq bo'lib xar doim tinglovchini izlanishga o'z o'rnida izchil ishlashga va ijodkorlikka afarbar etadi.

Masalan: "Men munozarada" metodga o'quvchilar to'rtburchak dastol atrofida uyushtiriladi bu aynan baxs munozaralar o'tkazish uchun qulay, bunda o'quvchi o'z fikrini dadil aytish uchun imkoniyatni xis qiladi.

"Men – xamkorlikdaman" metodda: o'quvchilar kattaroq guruxlar tarkibida tashkil etiladi. Bunda to'rt besh kishidan bo'lib, aloxida stellar atrofida o'tirib, xar bir gurux o'z qarorini chiqaradi.

Xozirgi kunda zamonaviy darslarni tashkil etishda quyidagi interfaol metodlardan: "Video topishmoq", "Aqliy xujum", "Beshinchisi ortiqcha", "Zig-zag", "Veni diagrammasi", "O'zaro ta'lim" foydalanilmoqda.

Bu usullarning barchasida o'quvchidan o'ylashga, izlanishga, aqliy qobiliyat va imkoniyatlarni ishga solishga moslashtirilgan muommoli savol vazifa va vaziyatlar xosil qiladi.

Bunday metodlar o'quv jarayonida kerak bo'luvchi malaka, xotira, fikrlash diqqat va tasavvur kabi qobiliyatlarni shakllantiruvchi o'qitish usullari hisoblanadi va o'quvchilarni bilim ko'nikma va malakalarini sifat jixatdan tubdan oshirishga erishiladi.

TO THE QUESTION OF IMPLEMENTING INDEPENDENT WORK IN A FOREIGN LANGUAGE

Natalya D. Kim

Tashkent State Institute of Oriental Studies, kimnd69@gmail.com

Doctor of Philology (DSc), Acting Professor

The problem under consideration in this article is obvious, since profound changes in social, political, and economic life have a great influence on the development of the educational system in the Republic of Uzbekistan. One of the most important manifestations of this process is a steady tendency to use pedagogical technologies in teaching a foreign language. The education system is faced with the task of preparing students for cultural, professional and personal communication with representatives of countries with different social traditions, social structure and linguistic culture.

The correct organization of educational activities is carried out taking into account the needs of students themselves in mastering the spiritual wealth of people with the formulation of a learning task in front of them, the solution of which requires experimentation with the material. The task of the teacher is to help students become subjects of educational activities, i.e. to determine goals yourself, choose means, adjust, evaluate, bear responsibility for your actions and results. In this, the teacher will be supported by reliance on the student's activities individually. In accordance with this approach, the student as a subject of activity is at the center of training. From this it follows that the purpose of the classes and the ways to achieve it should be determined from the perspective of the student himself, based on the consideration of his interests, needs, individual characteristics.

The educational process should be based on joint educational, productive activity, in the process of which there is a gradual increase in the functions of students in all levels of activity. This provides the student with a more active position in learning.

As experience shows, thanks to the special organization of collective educational activities in a group of three or more people, students get the opportunity to repeatedly include new language material in their statements, transform and combine them with previously learned material in various communication situations. In the course of active cooperation with group members with their help and support, as well as with targeted management by the teacher, the speed and intensity of acquiring foreign language experience increases, as well as the confident and faultless performance of speech actions.

Interesting experience of E.A. Ivashchuk on the organization of joint educational activities in homework [3]. The author offers the following methodology for joint homework:

joint homework is organized as a collaboration of students and teachers aimed at homework; a teacher is a participant, not a leader;

joint activity of schoolchildren under the guidance of a leading student (this is a student with a high level of training, showing interest in the subject, willingness to help classmates);

Actually group work without the appointment of an official leader; planning of joint educational activities is carried out by the guys themselves [4].

The following structure of the lesson is proposed:

introductory part: determining the purpose of joint educational activities, briefing on the sequence of solving the problem, including a short list of tasks;

joint educational activities;

final part: a collective discussion of the results of the assignment.

A typical task of the type "Read the text and complete the following tasks ..." E.A. Ivashchuk replaces this option: Read the text, compose an oral journal together on its basis and comment on its pages. In the lesson, compare your spoken content journal with the output of another group.

Students are offered the following tasks:

1) an individual job of searching words in a word (a list of words from the text is given; the work can be limited in time); 2) pair work on reading the text in order to understand its content; 3) frontal work on the compilation of headings to paragraphs of the text; 4) pair work on the compilation of the contents of one of the pages of the oral journal (one paragraph of the plan). (Working notes are made); 5) collective work on the compilation of the final version of the journal in the process of oral commenting by pairs of students of its pages [5].

In addition, you can use project training, which also involves joint training activities, independent transfer of knowledge and skills to new situations. The project as a special form of organizing communicative and cognitive activity is a self-planned and implemented school work in which speech communication is integrated into the intellectual and emotional context of another activity [2].

2. On how the concept of “independent work” is defined, its organization and implementation depends.

We consider independent work precisely as cognitive activity, which includes not only actions for performing various types of exercises, but also actions of independent regulation and management of educational activities in general. The problem of organizing independent work is especially relevant today.

The first thing that a teacher should start with is to identify the student's ideas about independent work in mastering the IJ, to determine the learning activities that the student owns, to identify his strengths and weaknesses, and to draw up individual self-improvement programs. Research methods include questioning, testing, observation. Students are sure to get acquainted with the results of testing and questionnaires, which will be the source data for determining the goals of independent activity.

What educational skills should a student have in order to successfully work independently? Methodists highlight a variety of skills: training skills to properly organize the mode of work; make notebooks and dictionaries; perform written homework; work with textbooks, dictionaries; the ability to work on a new sound, on intonation; independently replenish vocabulary; Be the desired voice partner work on a new grammatical phenomenon at home and in the classroom, on the development of dialogical, monologic speech, on reading, etc.

But if we consider independent work as an activity, then in addition to the skills mentioned above, students should be able to motivate their activity, plan it, define goals, content, choose educational actions, outline a rational sequence of their actions, carry out self-control, self-assessment. Further work should be carried out after the student has learned to be aware of his actions and learning activities in general, and then teach him to define goals, to be aware of the motives of his actions.

Having identified the problem, students first, under the guidance of a teacher, and then independently, begin to look for ways to solve it, methods of action that would personally help them successfully carry out educational activities and achieve the desired result.

In further work, the teacher's task is to acquaint students with rational techniques and teach them how to special educational activities (when working on lexical, grammatical, phonetic material; while improving the skills to carry out all types of speech activity), as well as general educational skills.

Enrichment with rational methods of independent activity can also be carried out through discussion, exchange of experience that students already own, with the subsequent compilation of a memo by the students themselves or by providing him with a finished memo. If a ready-made memo is used, then you can adhere to the following sequence of work with it:

- 1) the provision of a memo; 2) the organization of assimilation of its content;
- 3) control over the assimilation of the operating part; 4) the organization of the implementation of a series of exercises aimed at mastering this mode of action; 5) independent performance by schoolchildren of such exercises in the new conditions; explanation of the sequence of their operations [4].

For the formation of educational activities, skills, it is necessary to explain the content of educational activities (communicating finished knowledge or in a problematic way), so that students understand them; organize the development of these actions and control their assimilation.

Learning actions are actions with language material and communicative actions proper, such as transforming, structuring, replacing by analogy, joining / rearranging, etc. Communicative actions include: building a statement, expressing a certain impact on a communication partner, etc. Educational-subjective are also aspectual actions (lexical, grammatical, phonetic) with the material being studied. This is the design of the thought itself, the use or operation of linguistic means. If the student does not know the methods of performing educational activities, then he often does not fulfill the task proposed to him.

Since independent work is individual in nature (each student uses a source of information depending on their needs and capabilities in order to achieve the desired result), it is advisable to create individual self-improvement programs that allow you to choose one or another specific path and pace of work depending on individual characteristics and student opportunities.

Both in theoretical and practical terms, individual independent work is given little attention. If it, although not often, is carried out in schools, then its option in groups is an extremely rare phenomenon. The ability to work independently in a group is very important, as a person lives in society and somehow encounters a team, carries out joint activities, and his inability to work together will negatively affect the results of the team as a whole.

There is no need to note that independent work should be included in all types of curricula, evenly distributed across all types of speech activity. At the initial stage (copying, reproducing and reconstructively-variative type of independent work), the teacher selects the material, works with it, designates the goal of assimilation, supplies the necessary tools as the independence is formed (heuristic, creative type of independent

work), all these actions are carried out by the student. When planning independent activity, it is necessary to rely on the principle of individualization, take into account the individual, subjective and personal characteristics of each student. It is also important to note what type of independent work is carried out, to determine the succession of each of them. It is very important to devote more time to the organization and implementation of group, independent work, since the group is the environment that motivates, stimulates the student. Group interaction enriches with knowledge and skills, both special and general educational activities; serves the formation of focus, self-control and self-esteem.

Willingness to carry out any activity is formed through the same activity in the process of its implementation. In this case, it is necessary to formulate all three components of preparedness (psychological, communicative, methodological) in their relationship. Independent work as an independent cognitive activity consists of the same structural components as self-learning activities. Therefore, it is natural that the formation of readiness for self-education should be carried out through the inclusion of independent work in the educational process, the purpose of which is the formation of an independent personality. At the same time, the teacher needs to prepare students for joint activities through the special organization of educational activities. Teaching independence and providing it, we will help students become the subject of educational activity, realize it and manage it, and, therefore, independently implement it, which is the key to the success of lifelong education.

References

1. Boyko V.P. A professionally oriented methodology for the formation of educational skills in first-year students of the faculty of foreign languages: Dis. ... cand. Ped. Science. - Lipetsk, 1993.
2. Winter I.A. Some psychological prerequisites for modeling speech activity. M.: Higher School, 1968.
3. Ivashchuk EA Independent extracurricular educational work of students as a means of improving the educational process in foreign languages in high school: Dis Cand. ped sciences. -M., 1989.
4. Tuchinskaya E.I. Audio-visual method of teaching foreign languages // Foreign languages. -M.: Higher school, 1964.
5. Lyakhovitsky M.V. Methods of teaching a foreign language at school. -M.: Education, 1981.

ЎҚУВЧИЛАРДА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»ГА ҚАРШИ ОБЪЕКТИВ НУҚТАИ НАЗАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЛФОР ТАЖРИБАЛАР

Х.М.Тожибоева,

Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти,

E-mail: hilol0311@mail.ru

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим

Бугунги кунга келиб жаҳонда “оммавий маданият” хуружлари ёшларга сезиларли таъсир кўрсатиб, уларда мустақил фикрлаш ва ҳаётий нуқтаи назарнинг етарлича шаклланмаслигига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам компетенций ёндашувга асосланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сонли қарори билан тасдиқланган «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорда ўқувчиларда умумаданий компетенцияни шакллантириш устивор мақсадлардан бири сифатида эътироф этилган[1].

XXI асрнинг иккинчи ўн йиллиги Ўзбекистон таълим тизими учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда ёшларни маънавий-маданий, ахлоқий ривожлантириш устивор мақсадга айланди. Ушбу мақсадни амалга ошириш учун аждоқларимизнинг кўп асрлик маънавий меросига мурожаат қила бошланди. Чунки бугунги кунга келиб оммавий маданиятнинг хуружлари кўлами кенгайди. Инсоннинг кадриятлари, эътиқодлари, дунёқараши, шоу-бизнес вакилларининг мақсадларига тобеъ бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида ўз-ўзини мустақил ривожлантириш ва нуқтаи назарини баён қилиш имкониятига эга бўлган шахсни шакллантириш заруриятини келтириб чиқармоқда. Ўқитувчилар олдига ўзлигини англаган, ўз-ўзини ривожлантира оладиган, ижодкор, ташаббускор, мустақил нуқтаи назарига эга бўлаган шахсни шакллантириш вазифаси кўйилмоқда. Худди шундай сифатларга эга бўлган жамият аъзоларигина ижтимоий иқтисодий маданий тараққиётни таъминлай олади. Шу билан бир қаторда инсон шахс сифатида фақатгина муайян жамиятда

шакллана олади. Шунинг учун ҳам фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлган шахсни шакллантиришга педагогик жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш лозим.

Ўқувчиларда соғлом маънавий, маданий дунёқарашнинг шаклланишида аждодларнинг кўп асрлик тажрибаси, педагогларнинг фаолияти, маънавий-ахлоқий қадриятлар, оилавий анъаналар, таълим мазмуни, шахслараро ижтимоий муносабатлар, ижтимоий муҳит, глобал ахборот оқимлари, оммавий ахборот воситалари, адабиёт ва санъат таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ўқувчилар билан ишлайдиган педагоглар уларда соғлом маънавий маданий дунёқарашнинг шаклланишига асос яратадилар.

Ўқитувчининг шахс маънавияти шаклланишига кўрсатадиган таъсири беқиёсдир. Бу соҳада муваффақият қозонишлари учун педагогларнинг ўзлари ҳам шахсни шакллантириш асосларини миллий маънавий қадриятларни билишлари, маънавий соғлом шахс сифатида фаолият кўрсатишлари керак. Ўқитувчиларнинг касбий-маънавий савиясига юксак талаблар қўйиш билан бир қаторда уларнинг мустақил билим олишлари ва касбий маданий савияларини оширишлари учун қулай шароит яратиш талаб қилинади. Чунки ўқитувчиларда касбий билимлар билан бир қаторда маънавий, маданий, сиёсий, ахлоқий, медиадунёқараш ҳам ривожланган бўлиши лозим [2; 17-б.].

Жаҳон тажрибаларининг кўрсатишича, ижодкор ўқитувчилар ҳар доим таълим жараёнида 2 та муҳим масалани ечишга ҳаракат қиладилар: ўқув жараёнида ўқув предмети доирасида сифатли материалларни қўллаш, ушбу материални ўқувчиларга осон етказиш методларидан фойдаланиш; тарбиявий жараённи самарали ташкил этиш учун уни мақсадга мувофиқ тарзда лойиҳалаш. Бундай иш ўқитувчидан ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш жараёнига ижодий ёндашишни тақозо этади [3].

Бугунги кунда ўқитувчининг маънавий-ахлоқий тарбияга оид фаолияти ўта масъулиятли бўлиб, биринчи навбатда ўқувчиларда оммавий маданиятга қарши объектив нуқтаи назарни шакллантиришни талаб қилади. Шу маънода ўқитувчи санъат ва маданият аҳли билан ҳамкорликда фаолият кўрсатиши, бу соҳадаги янгиликларни ўзлаштирган бўлиши, вужудга келган вазиятларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қила олиши лозим. Кўриниб турибдики, ўқитувчи олдида қўйиладиган вазифалар ниҳоятда мураккаб. Ўқитувчи маълум маънода актёр бўлиши керак, лекин педагог томонидан амалга ошириладиган импровизация жараёнида хатоларга йўл қўйиш мумкин эмас.

Ҳозирги вақтга келиб, санъат, маданият, фан-техника, иктисодиёт каби турли соҳаларда жадал ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шунинг учун ҳам ўқувчи-ёшларни янги ҳақиқатларни қабул қилишга ўргатиш педагогнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун ўқувчиларда янги воқеликларга оид билимлар ва улардан фойдаланиш компетенциясини шакллантириш лозим. Таълим олдида қўйиладиган янги талаблар сирасига: ўқувчини билим олишга ўргатиш, янги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш ва улардан ҳаётий вазиятларда фойдаланиш компетенциясини ҳосил қилиш.

Маълумки, ҳаётнинг барча соҳаларида рақобатбардошликни таъминлаш учун ҳар бир шахс ўз-ўзини такомиллаштириши керак. Шундагина бундай шахслар олдинга интилиб, кўпроқ муваффақиятга эришадилар ва маънавий жиҳатдан юксаладилар. Бунинг учун эса ҳар бир шахс мунтазам тарзда янги билимларни ўзлаштириши зарур. Бу ўринда ўқитувчининг тутган ўрни беқиёс. Чунки у ўз лаёқатларини намоён қилган ҳолда таълим-тарбия жараёнига ижодий ёндаша олиши лозим. Бунинг учун ўқитувчи таълим муассасида ўзаро мувофиқ келадиган муҳитни ярата олиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчиларни юксак даражада маънавий-ахлоқий принципларга таянган ҳолда тарбиялаш икки ёқлама характерга эга бўлган педагогик жараён ҳисобланади. Бир томондан, ўқитувчи ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, уларда оммавий маданиятнинг салбий хуружларига нисбатан курашчанлик кўникмаларини шакллантириш учун ўзининг барча имкониятларини сафарбар қилиши, иккинчи томондан, ўз касбига содиқ мутахассис сифатида мустақил билим олишга интилиши, ўқувчилари, ҳамкасбларини ҳам шунга ундаши

керак. Шу билан бир қаторда ўқувчиларни мужассамлаштирган ижтимоий муҳит таълимни унга мувофиқ келадиган ходиса сифатида қабул қила олиши лозим [4; 165-6.].

Бу шунинг асосида, ўқувчилар жамоаси таълимни қадрият сифатида қабул қилиши, юксак даражада ривожланган жамоа эса таълим жараёнининг махсули эканлигини тушуниб етиши муҳим аҳамиятга эга. Ўқитувчи ўқувчиларда оммавий маданиятга нисбатан объектив нуқтаи назарни шакллантириш учун юксак ахлоқ меъёрларини аждодларимиз мероси воситасида сингдира олиши давлат ва жамиятнинг таълим олдига қўяётган асосий вазифаси ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳамкорлик педагогикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Инсонлар орасидаги ҳамкорлик жамият аъзолари орасида ишчан мулоқот, бир-бирининг хис-туйғуларини ҳурмат қилиш, қўмаклашиш, жамият раънақи йўлида биргаликда ҳаракат қилиш туйғусини шакллантиради. Унинг асосини инсонпарварлик ташкил этади. Инсонпарварлик деганда, умуминсоний қадриятлар, инсоннинг чексиз имкониятларини тушуниш, унинг лаёқатлари ва ўз-ўзини такомиллаштиришига ишониш, шахснинг ғурур ва етуқлигига ҳурмат билан қараш, унга танлов эркинлигини беришда намоён бўлади [5; 75-79-б.].

Ҳаётнинг барча соҳаларида инсон фаолиятига нисбатан кучли эҳтиёж мавжуд. Бу эҳтиёж ижтимоий муносабатлар, таълим-тарбия жараёнида шаклланади. Ўқувчи шахсини ўқитувчи фаолияти орқали шакллантириш мумкин. Бу ўринда ўқитувчи маърифат тарқатувчи устоз, маънавият тарғиботчиси, дўст, ҳамкор сифатида намоён бўлади. Ўқитувчи ўзининг шундай сифатлари билан юксак маънавиятли шахсни шакллантиришга хисса қўша олади.

Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларда оммавий маданиятга нисбатан объектив нуқтаи назарни шакллантириш жараёни кўпқиррали, мураккаб педагогик ходиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўқувчи шахсини шакллантиришда педагог хизматини бўрттириб юбориш ҳам камайтириш ҳам мумкин эмас. Ўқитувчиларда ёш авлод онгига миллий ва умминсоний қадриятларни сингдириш, аждодларимиз меросидан уларни баҳраманд қилиш орқали маданий бойликларимиз ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишларини таъминлаш, оммавий маданиятнинг умуминсоний аҳамиятга эга бўлган жиҳатлари ва салбий хусусиятларини улар онгига етказиш имконияти мавжуд. Худди мана шу имкониятдан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш педагоглар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори. <https://lex.uz>
2. Зуннунов А., Толипов Ў. Миллий қадриятлар асосида ўқувчи шахсини шакллантириш. Т.: Шарқ. – 2006.
3. Богомаз М.В. Педагогические условия формирования гражданской позиции учащихся / М.В.Богомаз // Методический портал «Гражданином быть обязан» [Электронный ресурс] - Режим доступа: <http://www.smolpedagog.ru>
4. Маслоу А. Мотивация и личность. Питер: СПб., 2003. – 352 с.
5. Тожибоева Х.М. Ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш жараёнида мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлиги // Узлуксиз таълим. – Тошкент, 2017. - №4. – Б.75-79.

МАТЕМАТИКА DARSLARIDA INTERFAOL TA'LIM VA UNI AMALIYOTDA QO'LLASH

*Abdunazar Salomov
Surxondaryo viloyati XTXQT va UMOHMda kafedra muduri,
pedagogika fanlari nomzodi, dosent.*

Bugungi davr faol harakatlar, izlanishlar, tezkor axborotlar, ilg'or texnologiyalar zamonidir. Ayniqsa, aniq fanlar muallimi bo'lish o'qituvchidan alohida mas'uliyat, kuchli bilim, tinimsiz izlanishni talab qiladi. Bu sohada muvaffaqiyat qozonish, tilga tushish o'z-o'zidan bo'lmaydi. Ammo tinimsiz mehnat o'z samarasini bermasdan qo'ymaydi.

Tafakkur — bu inson ijodiy faolligining yuksak shakli. Shuning uchun o'quvchilarda ijodiy faollik zaminida yotuvchi mustaqil fikrlash qobiliyatini shakllantirish umumta'lim maktablari oldida turgan eng dolzarb vazifalardan

biri sanaladi. Zero, mustaqil ijodiy fikr yurituvchi yoshlarga mamlakatimiz kelajagining porloq bo'lishiga o'zlarining munosib hissalarini qo'sha oladilar.

Ma'lumki, o'quvchi faoliyati butun ta'lim-tarbiya jarayonining asosi hisoblanib, o'qituvchi turli-tuman usullardan foydalangan holda o'quvchi faoliyatini aniq maqsadlar tomon yo'naltirib turadi. Umumta'lim maktablarining asosiy maqsadi yoshlarni fan asoslari bilan qurollantirish, ularni bilim olishga, mustaqil va erkin fikrlashga o'rgatishdan iboratdir.

Prezidentimiz alohida ta'kidlaganlaridek, **«Agar bolalar erkin fikrlashga o'rganmasa, berilgan ta'lim samarasi past bo'lishi muqarrar. Albatta, bilim kerak. Ammo bilim o'z yo'liga. Mustaqil fikrlash esa katta boylikdir. O'qituvchining bosh vazifasi o'quvchilarda mustaqil fikr yuritish ko'nikmalarini hosil qilishdan iboratligini ko'pincha yaxshi tushunamiz, lekin afsuski, amalda, tajribamizda unga rioya qilmaymiz.»**

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interfaol metodlar, innovastion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish kundan-kunga kuchayib bormokda. Innovastion texnologiyalar, pedagogik jarayon hamda o'qituvchi va talaba faoliyatiga yangilik, o'zgartirishlar kiritish bo'lib, uni amalga oshirishda asosan interfaol metodlardan to'liq foydalaniladi. Interfaol metodlar pedagogik ta'sir etish usullari bo'lib, ta'lim mazmunining tarkibiy qismi hisoblanadi. Bu metodlarning o'ziga xosligi — ular faqat pedagog, o'quvchi va talabalarning birgalikda faoliyat ko'rsatishi orqali amalga oshiriladi. Bunday pedagogik hamkorlik jarayoni o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lib, ularga quyidagilar kiradi:

- ***o'quvchini dars davomida befarq bo'lmaslikka, mustaqil fikrlash, ijod etish va izlanishga yo'llash;***
- ***o'quvchilarning o'quv jarayonida bilimga bo'lgan qiziqishlarining doimiy ravishda bo'lishini ta'minlash;***
- ***o'quvchining bilimga bo'lgan qiziqishini mustaqil ravishda har bir masalaga ijodiy yondashgan holda kuchaytirish;***

pedagog va o'quvchining hamisha hamkorlikdagi faoliyatining tashkil etilishi.

Pedagogik texnologiyaning maqsadi — o'qituvchi va o'quvchi o'rtasida hamkorlik faoliyatini tashkil etib natijaga erishish, o'quv jarayonida o'quvchining mustaqil fikrlay olishi, ijodiy ishlay olishi, izlanishi, tahlil eta olishi va xulosa chiqara olishi, shuningdek, o'ziga, guruhga, guruh esa unga baho bera olishi kerak. O'qituvchining esa bunday faoliyat uchun imkoniyat va sharoit yarata bilishi o'qitish jarayonining asosi hisoblanadi. Har bir darsning mavzusi, o'quv predmetining o'ziga xos texnologiyasi bor. Pedagogik texnologiya yakka tartibdagi jarayon bo'lib, o'quvchi ehtiyojidan kelib chiqqan holda bir maqsadga yo'naltirilgan, oldindan loyihalashtirilgan va kafolatlangan natija berishga qaratilgan pedagogik jarayondir.

Interfaol degani bu — o'qituvchi va o'quvchining o'zaro hamkorligi asosida dars samaradorligini oshirish, o'quvchida mustaqil fikrlash. ko'nikmalarini shakllantirishning fikr-mulohaza, bahs orqali amalga oshirilishidir.

O'quvchi qo'yilgan maqsadga mustaqil, o'zi faol ishtirok etgan holda yakka, juftlikda, guruhlarda javob topishga harakat qiladi, fikrlaydi, yozadi, so'zga chiqadi. Dalil va asoslar orqali fikrini yoritib berishga harakat qiladi. Har qanday matematik tushuncha yoki nazariy mavzu o'quvchilarga ma'lum bir metodlar asosida tushuntiriladi. Ana shunday metodlar ikki yo'nalishda bo'lib, ulardan biri o'qituvchining tushuntirish metodlari, ikkinchisi esa o'quvchilarning qabul qilish metodlaridir O'qituvchining tushuntirish metodlari ma'ruza, suhbat va mustaqil ishlardan iborat. O'qituvchi bir soatlik darsi jarayonida ana shu uchta metoddan foydalanib dars jarayonini olib boradi. O'qituvchi tomonidan tushuntirilgan mavzuni o'quvchilar reproduktiv, evristik va izlanish metodlari yordamida qabul qiladilar.

Agar o'qituvchi dars jarayonida mavzuni ma'ruza metodi bilan tushuntirsa, o'quvchilar reproduktiv metod bilan qabul qiladilar. Bunda mavzu materialining mazmuni mantiqiy tahlil qilinmaydi, ma'ruza metodi bilan dars o'tishda o'qituvchining o'zi juda faol bo'lib, talabalar esa faol bo'lmaydi. Agar o'qituvchi mavzuni suhbat metodi bilan tushuntirsa, o'quvchilar evristik metod bilan qabul qiladilar. Bunda talabalarning tushuntirilayotgan mavzu materialiga nisbatan faolligi oshadi, chunki o'qituvchi mavzu mazmunini mantiqiy ketma-ketlikka ega bo'lgan savollar asosida o'quvchilar bilan birgalikda ochib beradi, bunda bevosita o'quvchilar ham savollarga javob berish orqali dars jarayonida faol ishtirok etadilar. Umuman olganda suhbat metodi bilan dars o'tishning mohiyati shundan iboratki, o'qituvchi tomonidan sinf o'quvchilari uchun o'tiladigan mavzu materialining mazmuni muammo qilib qo'yiladi, so'ngra maqsadga tomon yo'naltiruvchi savollarni o'quvchilarga berish orqali qo'yilgan muammo hal qilinadi.

Agar o'qituvchi mavzuga doir misol yoki masala echmoqchi bo'lib dars jarayonini rivojlantirgan bo'lsa, u mustaqil ishlash metodi bilan dars o'tadi, bunda o'quvchilar qo'yilgan masala yoki misolni echish uchun fikrlaydilar, izlanish metodi bilan mavzuni o'zlashtiradilar. Bunday dars jarayonida o'quvchilar juda faol bo'ladi, chunki ular echish uchun doskaga o'qituvchi tomonidan yozib qo'yilgan misol yoki masala yuzasidan mustaqil holda fikrlaydilar, o'ylaydilar va mantiqiy xulosa qiladilar, bu bilan ularda mantiqiy fikrlash rivojlanadi.

O'qituvchining tushuntirish va o'quvchining qabul qilib olish metodlari asosida ular ongida bilish deb ataluvchi psixologik jarayon hosil bo'ladi. Bugun ta'lim-tarbiya jarayonini davr talablariga mos ravishda amalga oshirishning eng zarur omili bo'lgan zamonaviy darsning har biri o'quvchi-yoshlar uchun o'ziga xos quvonch doirasiga, har bir ta'lim dargohi esa shodlik maskaniga aylanishi lozim. Xususan, darsga ishonch bilan kelib, o'z o'qituvchisini alohida hurmat va e'zoz bilan kutib olish tuyg'usini shakllantirish bugungi kun ta'lim-tarbiya jarayonining asosiy

mezonlaridandir. Uqituvchi dars paytida o'quvchilarga to'g'ri yo'l-yo'riq berib tursa, o'zlashtirishi qiyin bo'lgan bolalar faol ishtirokchiga aylanganini o'zlari bilmay qoladilar.

Ma'lumki, o'quvchi faoliyati butun ta'lim-tarbiya jarayonining asosi hisoblanib, o'qituvchi turli-tuman usullardan foydalangan holda o'quvchi faoliyatini aniq maqsadlar tomon yo'naltirib turadi. Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov aytganidek - «Ta'lim-tarbiya—ong mahsuli, lekin ayni vaqtda ong darajasi va uning rivojini ham belgilaydigan omildir. Binobarin, ta'lim-tarbiya tizimini o'zgartirmasdan turib, ongni o'zgartirib bo'lmaydi. Ongni, tafakkurni o'zgartirmasdan turib esa biz ko'zlagan oliy maqsad — ozod yurt, bo'lmaydi»

Adabiyotlar:

1. N.N. Azizxo'jaeva Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat.
2. И. Каримов Узбекистан, устремленный в XXI век – Т.: Узбекистан.
3. 5-sinf matematikasi dars qo'llanmasi.
4. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi.

МЕТОДЫ ОРГАНИЗАЦИИ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

Ниязов Ф. проректор Гул ГУ

Саидкулов С. студент Гул ГУ

Осуществляемое в нашей стране коренное реформирование системы образования требует пересмотра и обновления содержания преподавания русского языка в группах с узбекским языком. Требуются новые подходы к обучению русскому языку, направленные на выработку у учащихся навыков общения, навыков практического использования языка в своей жизни.

Успешное овладение учащимися неродным (русским) языком требует от преподавателя комплексного использования современных типов уроков, методов преподавания, наглядно-технических средств обучения, а также глубокого знания психологических и дидактических требований, предъявляемых к развитию познавательной активности учащихся, способности к самостоятельному мышлению, применению индивидуального подхода к учащимся.

В настоящее время индивидуализация обучения стала объектом оживленной дискуссии. Для студентов полезнее, если аудитория состоит из студентов с различным уровнем способностей и подготовленности: сильные студенты служат ориентиром для слабых, помогают в повышении общего уровня аудитории, благодаря их эрудиции работа в аудитории проходит более интересно.

Осознание того факта, что попал в слабую группу, ущемляет студента, у сильных студентов при этом возникает чувство превосходства над другими, а у слабых наблюдается снижение интереса к учебе. Приемлемой формой обучения является дифференцированно групповой подход к каждому студенту.

Применение специально подобранных заданий с учетом индивидуальных возможностей студентов способствует развитию речи студентов. Итог всей практической деятельности преподавателей, как известно – это предметная олимпиада. Надо отметить, что олимпиада выявляет не только качество знаний студентов, но и уровень сформированности у них и таких нравственных качеств, как честность, порядочность, умение с достоинством побеждать и проигрывать.

Тестирование тоже, бесспорно, позволяет объективно оценить уровень языковых и частично речевых знаний, умений и навыков, но, на наш взгляд, с целью более точного определения уровня речевых умений необходимо разнообразить виды текстов: тест-интервью, тест-беседу и т.п.

Метод дистанционного обучения известен достаточно давно. Развивается дистанционное обучение и в Узбекистане. Дистанционное обучение – более прогрессивная организация заочного обучения.

Характерными чертами дистанционного обучения являются гибкость, модульность, экономическая эффективность, использование печатных материалов, телевизионных передач, аудио и видеокассет, компьютерных материалов. При дистанционном обучении на преподавателя возлагаются новые функции, такие, как консультирование, координирование учебного процесса, корректировка преподаваемого курса.

При дистанционном обучении большое значение имеют тренировочные и проверочные задания, учебные задачи самых разных уровней, рассчитанные как тренинг, так и на развитие мыслительного аппарата и т.д. Следует помнить, что дистанционное обучение – это возможность быстрого решения задач, поставленных «Национальной программой по подготовке кадров».

При обучении русскому языку студентов неязыковых групп следует учитывать и культурно-языковую общность, так называемую лингвокультурологическую ауру. Большую роль в этом процессе играют фразеологизмы, афоризмы, крылатые слова, изречения знаменитых исторических лиц, пословицы и поговорки, однословные идиомы.

При изучении русского языка как неродного особое место отводится работе с учебными словарями. Преподаватель русского языка, используя словари, может интересно и эффективно проводить разнообразные виды упражнений и заданий по развитию речи.

Обучающие игры помогают сделать процесс обучения русскому языку более интересным и творческим. Они дают возможность создать атмосферу увлеченности и снимают усталость у студентов. В

мировой педагогике игра рассматривается как любое соревнование или состязание между играющими, действия которых ограничены определенными условиями (правилами) и направлены на достижение определенной цели (выигрыш, победа, приз). Прежде всего следует учитывать, что игра как средство общения, обучения и накопления жизненного опыта является сложным социокультурным феноменом.

Значение игры невозможно исчерпать и оценить развлекательно-рекреативными возможностями. В том и состоит ее феномен, что, являясь развлечением, отдыхом, она способна перерасти в обучение, в творчество, в терапию, в модель типа человеческих отношений и проявлений в труде. Следовательно, при совершенствовании речевых умений и навыков студентов нужно стремиться к максимальному приближению условий протекания учебной речи к условиям естественной коммуникации.

Использованные литературы;

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии в подготовке учителя. Ташкент, 2000
2. Юдин В.В. Педагогическая технология. – Ярославль, 1997.
3. WWW.Pedagogika.uz

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА МАГИСТРСКОЙ ПОДГОТОВКИ НА ОСНОВЕ КОМПЕТЕНТНОСТНОГО ПОДХОДА

А.Х.Махмудов

*Узбекский научно-исследовательский институт педагогических наук
имени Т.Н. Кари Ниязи, abdu_hm@mail.ru*

Доктор педагогических наук

М.Х. Абелкасимова

преподаватель кафедры “Инженерные коммуникации и монтажи”

Наманганского инженерно-строительного института

E-mail: oyba.81@mail.ru

В последние годы в республике происходят коренные преобразования во всех отраслях экономики, направленные на улучшение благосостояния общества, на дальнейшее развитие страны. Ключевым факторам в эффективной реализации проводимых реформ является кадровый вопрос, иными словами профессионализм каждого специалиста при решении экономических и социальных проблем. Это особенно сказывается в подготовке магистров, потому что именно выпускники магистратуры занимают ключевые позиции во многих отраслях республики. Это в свою очередь ставит перед магистратурой задачу подготовку магистров, способных решать сложные, нестандартные задачи в условиях дефицита экономических, технологических и временных ресурсов[1]. Выпускники магистратуры должны быть готовы:

- самостоятельно овладевать новыми комплексными стратегиями;
- повышать квалификацию во время своей профессиональной деятельности;
- быстро воспринимать новые идеи;
- отличаться компетентностью и ответственностью;
- быть открытыми для новых контактов и культурных связей.

Надо отметить, что подготовка требуемых магистров в отечественных вузах достаточно проблематично, отчасти невозможно, потому что в наших вузах учебно-воспитательный процесс основан на изжившей себя «знаниевой» парадигме. Вы можете возразить, а как же инновации в образовании? Кредитно-модульная, рейтинговая система, самофинансирование, разработка государственных образовательных стандартов и учебников на основе мировых образцов и т.д. Да, инновации внедряются. Но структура и содержание обучения остается на «знаниевой» парадигме[1,4].

Следовательно, речь идет о том, какие изменения в обществе обусловили поиск новой концепции образования и почему сложившийся подход к определению целей, и содержания образования не позволяет провести его модернизацию. Модернизация магистерской подготовки т.е. обеспечение его соответствия запросам и возможностям общества, осуществлялась всегда - в той или иной мере. Эта мера зависит от способности системы образования к изменениям, а сама эта способность во многом определяется подходом к постановке целей, отбору содержания, организации образовательного процесса, оценке достигнутых результатов[2,3].

Главное изменение в обществе, влияющее на ситуацию в сфере образования, - ускорение темпов развития общества. В результате этого требования к выпускникам магистратуры повышаются, а система подготовки отстает от этих тенденций в силу инертности существующих положений «знаниевой» парадигмы. Отметим отдельные положения «знаниевой» парадигмы, которые еще прочно обосновались в учебно-воспитательном процессе магистратуры и не способствуют повышению качества образования.

Во-первых, у нас по-прежнему технология обучения основана на передаче от педагога к студентам большого количества «готовых» знаний, порой не актуальной, уже устаревшей информации. Лекционные занятия характеризуются информационно-иллюстративным содержанием с большим количеством текстового материала. Это в свою очередь приводит к быстрому уставанию и обучаемого и вследствие этого потери интереса к лекциям;

во-вторых, в магистратуре большое количество учебных дисциплин, что естественно ведет к увеличению аудиторных часов и разрозненности знаний в данной предметной области. Магистранты порой владеют знаниями по отдельным дисциплинам, но когда требуется их (знаний по отдельным предметам) интегративное применение для решения той или иной задачи, обучаемые оказываются в затруднении;

в-третьих, задания выполняемые магистрами во многом носят репродуктивный характер, не требующих творческого подхода и решений. Многие задания постановочного, перестановочного, поискового иллюстративного, информационного характера;

в четвертых, в недостаточной степени осуществляется одно из самых эффективных приемов в образовании - индивидуализированное обучение. Причинами является не разработанность методик и эффективных форм проведения, а также количество индивидуализированных заданий.

Многие передовые вузы мира достаточно успешно проводят реформы по переводу учебно-воспитательного процесса на компетентностную основу, где содержание обучения, диагностика, методы обучения и учения направлены не на передачу знаний и проверку усвоенного знания, а на умение студентом находить знания и эффективно их применять в решение проблемных задач.

Компетентностный подход - это подход, при котором результаты образования признаются значимыми за пределами системы образования.

Компетентностный подход можно рассматривать как совокупность общих дидактических требований к [5]:

- определению целей образования;
- отбору содержания образования;
- организации образовательного процесса и оценке образовательных результатов.

Выделим следующие принципы компетентностного подхода:

- смысл образования заключается в развитии, у обучаемых способности самостоятельно решать проблемы в различных сферах и видах деятельности на основе использования социального опыта, элементом которого является и собственный опыт учащихся;

- содержание образования представляет собой дидактически адаптированный социальный опыт решения познавательных, мировоззренческих, нравственных, политических и иных проблем;

- смысл организации учебно-воспитательного процесса заключается в создании условий для формирования у обучаемых опыта самостоятельного решения познавательных, коммуникативных, организационных, нравственных и иных проблем, составляющих содержание образования;

- оценка образовательных результатов основывается на анализе уровней образованности, достигнутых учащимися на определенном этапе обучения.

Таким образом, можно резюмировать, что:

а) «знаниевый» подход в образовании стремится к тому, чтобы магистр получил как можно больше знаний. Однако уровень образованности, а тем более в современных условиях, нельзя определить через объем знаний. Компетентностный подход в образовании требует от магистра умения решать проблемы разной сложности, основываясь на имеющихся знаниях. Этот подход ценит не сами знания, а способность использовать их;

б) традиционный подход стремится к результату, который показывает, что нового узнает магистрант, а компетентностный подход дает понять, чему научился магистрант за период обучения в магистратуре. Оба подхода стремятся развить у магистранта определенные качества личности, сформировать систему ценностей. Различия связаны с разными представлениями о способах достижения желаемого. При традиционном подходе считается, что всего этого можно достичь путем приобретения новых знаний. Компетентностный подход в обучении рассматривает получение опыта при самостоятельном решении проблем.

Следовательно, решение проблем в «знаниевой» системе как способ закрепления знаний, а в компетентностном – это смысл всей образовательной деятельности.

Литература:

1. Махмудов А.Х. Совершенствование дидактического обеспечения компетентностной подготовки будущих магистров., дисс.:... д-ра. пед. наук.-Ташкент.-2017.- 226 с.

2. Закревская Н.Г. Образование в магистратуре как фактор подготовки научных кадров// Ученые записки, 2008.-№11.-С.29-32.

3. Компетентностный подход в образовательном процессе. Монография / А.Э. Федоров, С.Е. Метелев А.А. Соловьев, Е.В. Шлякова – Омск: Изд-во ООО «Омскбланкиздат», 2012. – 210 с.

4. Джураев Р.Х., Махмудов А.Х. Олий инновацион таълим тизимида мутахассисларни компетентли тайёрлаш.-Тошкент, 2013.-78 б.

5. Хуторской А.В. Компетентностный подход в обучении. Научно-методическое пособие.- М.: Издательство «Эйдос»; Издательство Института образования человека, 2013. -73 с.

ТИЛ ПОРТФОЛИОСИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ СИФАТИДА ВА УНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Ҳ.И.Уразбаев

Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети, kurazbaev@wiut.uz

Глобал англиз тили кафедраси ўқитувчиси

Инсоният тарихида таълим ва тарбияга оид илмий қарашлар ҳилма-хил ёндашувлар асосида шаклланиб, ривожланиб келган. Таълим ва тарбия, ўқитиш жараёнини ташкил қилиш, унинг таркибий қисмлари ва асосий функцияларига аниқлик киритиш мақсадида унга турли таърифлар ва тавсифлар берилган ва бериб келинмоқда. Таълим жараёнига ва ушбу жараён ўз ичига олувчи таркибий қисмларни умумлаштирувчи таъриф сифатида маълум бир даврда яратилган илғор технологиялар, ҳамда ушбу даврнинг ўзига хос хусусиятларини таълим методларига бериладиган таърифларда ҳам акс эттиришга уринишлар бўлган. Шу тариқа, 20 аср юксак технологиялар, ривожланишга тизимли, структуравий ёндашувлар асри бўлгани каби, таълим жараёнига ҳам технологик-тизимли ёндашув шаклланиган ва 20 асрда педагогика соҳасига “педагогик технология” тушунчаси кириб келган. Педагогик технология тушунчаси билан бир қаторда шунингдек, “таълим технологияси”, “ўқитиш технологияси” тушунчалари ҳам кенг қўлланилиб келинади, бироқ ушбу тушунчалар ўртасидаги фарқли жиҳатлар ҳалигача аниқ тавсифланмаган.

ЮНЕСКО томонидан педагогик технологияга қуйидагича таъриф берилди: “педагогик технология – бу янада самарали ўқитишни ташкил қилиш мақсадида инсон ва техник ресурсларни бирлаштириб, маълум бир мақсадларни кўзлаган ҳолда ўқитиш ва ўрганиш жараёнини тизимли равишда лойиҳалаш, баҳолаш ва ташкил қилишдир” [3].

Мамлакатимиз педагог олимлари Ў.Қ.Толипов, М.Усмонбоевалар [2] ҳам ўз илмий изланишларида педагогик технология тушунчасига таъриф бериб ўтишган. Хусусан, Ў.Қ.Толиповга кўра педагогик технология – бу маълум бир лойиҳа асосида ташкил этилувчи, аниқ мақсадга эришишни кўзловчи ва ушбу мақсаддан ижобий натижа олинишини кафолатловчи педагогик фаолиятдир [2, 22-б].

Педагог олим Б.М.Бим-Бад [1, 12-б] таъкидлашича педагогик технология илмий лойиҳалашни талаб этиб, дидактик жараёни бошқариш учун таълим олувчи шахсиятини диагностик таҳлил қилишни, шу билан бирга таълим мақсадларини англаш ва йўналтиришни талаб этади.

Портфолионинг педагогик технология сифатида шаклланишига нисбатан узоқ вақт бўлмаганига қарамадан, ҳозирга келиб жаҳон педагогик тажрибасида портфолионинг қўлланилиш қўламлари тобора кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда олиб борилган педагогик илмий тадқиқотларда портфолио технологияси кенг ёритилмаган бўлмасада, хорижий адабиётларда, портфолиони таълим жараёнида қўлашнинг турли усуллари келтирилган [5, 32-б].

Портфолио тушунчаси, америкалик олим Бердга [6] кўра таълимга бошқа соҳалардан, хусусан, санъат, меъморчилик ва фотографикдан кириб келган бўлиб, портфолио сўзи биринчи навбатда ушбу соҳаларда қўлланилиши билан боғлиқ маънони англатади.

Хорижий илмий адабиётларда портфолионинг турли тавсифларини учратиш мумкин. Берд таърифича, портфолио маълум бир шахснинг билим, кўникма ва малакаларга эгаллигини исботловчи турли ҳужжатлар мажмуидир. Паулсон, Паулсон ва Меер [8] портфолио талабанинг бир нечта жабҳалардаги сайи-ҳаракатлари, интилишлари ва эришган ютуқларини жамловчи восита ҳисобланади. Уинсон ва Эллефсон [8, 28-б] таърифлашича, портфолио бу жараён ва маҳсулот қоришмаси бўлиб, портфолио рефлексия, саралаш, оқилона ташкил этиш ва ушбу жараёнларни акс эттирувчи маҳсулотлар орқали шаклланади.

Ғарб мамлакатларида, хусусан АҚШда, таълимда портфолио технологиясини қўллашга бўлган қизиқиш 1980 йилларда уйғонди ва ундан таълимда фойдаланишнинг юқори нуқтаси 1990 йиллар ўртасига тўғри келди. Ҳозирда портфолиодан турли манфаатдор томонлар (талабалар, ўқитувчилар, таълим муассасалари) фаол фойдаланиб келмоқда.

Портфолио технологиясидан фойдаланиш талабаларни баҳолаш билан боғлиқ турли муаммоларни, хусусан, бажарилаётган топшириқларнинг ҳаётийлигини кафолатлаш, эгалланган билимни амалда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида, баҳолашнинг муқобил усули сифатида қўлланилган бўлса, кейинчалик портфолио технологиясининг қўлланилиш жабҳалари кенгайиб бошлади. Бунга сабаб биринчи навбатда портфолионинг таълим технологияси сифатида ўзида ўқиш ва ўрганишга бўлган замонавий назарий ёндашувлар, конструктивизм, скаффолдинг ва ҳамкорликда ўрганиш назарияларини акс эттира олишида бўлди [7, 23-б]. Айни дамда кўпчилик Ғарб мамлакатлари таълим муассасаларида портфолио тушунчасига замонавий педагогиканинг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда.

Йигirmanчи аср охирига келиб АҚШда портфолио технологиясига нафақат бўлажак мутахассисларни тайёрлаш ва баҳолашнинг муқобил усули сифатида, балки касбий фаолият самарадорлигини оширувчи ва кафолатловчи восита сифатида қарала бошланди. АҚШнинг “Профессонал ўқитиш стандартлари миллий кенгаши” нодавлат ноижорат ташкилоти таълим соҳасида юксак натижаларга эришган ўқитувчиларни сертификациядан ўтказиш мақсадида портфолио технологиясидан фойдалана бошлади.

Педагогик фаолият билан шуғулланаётган ўқитувчилар фаолиятини тизимлаштириш ва самарадорлигини оширишда портфолиони қўллаш билан параллел равишда АҚШдаги кўпчилик

Ўқитувчиларни тайёрлаш курслари портфолиодан таълим жараёнида фойдалана бошлади. Бундан кўзланган мақсад бўлажак ўқитувчиларда рефлексия, амалий топшириқлар бажарилишини ҳужжатлаштириш ва касбий омилкорлик ҳиссини шакллантириш бўлди [4, 12-6]. Шунингдек, кўпчилик педагог олимлар, жумладан Дэвид Колб ҳам, портфолионинг назария билан амалиётни боғлаш, мустақил таълим олиш жараёнини тизимлаштириш ва қўллаб қувватлаш, ўрганилган билимлар ҳақида умумий хулосалар ясаш (рефлексия), ясалган хулосалардан билимлар мажмуини шакллантирган ҳолда ушбу билимни келгуси фаолиятда қўллаш имкониятини алоҳида таъкидлаб ўтишган.

Буюк Британияда конекстида ҳам портфолио технологиясидан фойдаланиш кенг тус олиб, бунинг асосий сабаби ўрганишга компетенциявий ёндашувга кўп урғу берилиши ва ўқувчиларнинг ўқиш ва ўрганиш жараёнига бўлган маъсулият ҳиссини ошириш, ҳамда ушбу жараённи регулятив йўналтириш, режалаштириш ва баҳолашда ўқувчиларнинг марказий ўринни эгаллашларини кафолатлаш ҳисобланади. 2007 йилга келиб Буюк Британия Таълим департаменти барча мактабларни электрон портфолио билан таъминлаган бўлса, 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб барча олий таълим муассасалари талабалар эришган ютуқларни қайд қилувчи портфолио тизимини ўз электрон тизимига интеграция қилган. Натижада ўқувчиларда билим олишда эришган ютуқларини аниқлаш ва ҳужжатлаштириш; шахс сифатида ривожланиш, билим олишга иштиёқини ошириш, ўзининг кучли ва кучсиз томонларини, имкониятларини аниқлаш имконияти пайдо бўлган. Бу эса ўз навбатида таълим сифатининг сезиларли даражада оширилишига олиб келган.

Адабиётлар:

1. Бим-Бад Б. М. Педагогические течения в начале двадцатого века //М.: РОУ. – 1994. – 144 Б.
2. Толипов Ў.Қ, Усмонбоева М. Педагогик технологиянинг татбиқий асослари - Т.“Фан”- 2006. –286 Б.
3. Educational Technology Definition // <https://unevoc.unesco.org/go.php?q=tvetipedia+glossary+az&filt=all&id=647>
4. Anderson J., Du Mez J., Peter M. G. Portfolio presentations in teacher education: Rites of passage for the emerging professional //Professional portfolio models: Applications in education. – 1998. – С. 77-156.
5. Barton J., Collins A. Portfolios in teacher education //Journal of teacher education. – 1993. – Т. 44. – №. 3. – С. 200-210.
6. Bird T. The schoolteacher's portfolio: An essay on possibilities. – School of Education, Stanford University, 1988. – С. 232.
7. McLaughlin M. W., Vogt M. E. Portfolio assessment for in-service teachers: a collaborative model //Professional portfolio models: Applications in education. – 1998.
8. Paulson F. L., Paulson P. R., Meyer C. A. What makes a portfolio a portfolio //Educational leadership. – 1991. – Т. 48. – №. 5.

MALAKA OSHIRISH JARAYONIDA O`QITUVCHILARNI O`QUVCHILARNING O`QISH SAVODXONLIGINI BAHOLASH SOHASIDAGI XALQARO LOYIHALARNI AMALGA OSHIRISHGA YO`NALTIRISH


*Shodiyeva M.J.- pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
Qashqadaryo viloyat XTXQTMOHM
Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim kafedراسи mudiri,*

O`qituvchilarning pedagogik faoliyatini rivojlantirish, ularda mustaqil malaka oshirish istagini tarkib toptirish eng dolzarb muammolardan biridir. Chunki o`qituvchilarning ongli faolligi, yangi bilimlarni o`zlashtirish va yangilashga mustaqil hamda ijodiy yondashuvi ularning o`quv-bilish faoliyati natijasining sifatini xarakterlaydi. Turli ilmiy adabiyotlar va ilmiy-tadqiqot ishi ta'lim oluvchilarning pedagogik faoliyatini faollashtirishga bag'ishlangan, natijada, juda ko'plab faollashtirish usullari va omillari qayd etilgan.

Biz quyida malaka oshirish tizimida o`qituvchining intellektual, ijodiy, tadqiqotchilik imkoniyatlarini, kasbiy kompetensiyalarini rivojlantirish orqali ularni xalqaro baholash tadqiqotlariga tayyorlashga yo`naltirilgan ijodiy loyiha topshiriqlari haqida batafsil bayon etamiz.

Ijodiy loyiha topshiriqlari – o`qituvchi tomonidan loyihalash ko`rinishiga ega, ta'lim muammolarini izlash, uni tadqiq etish va yechimini topish, muayyan ijtimoiy ahamiyatga ega natijaga erishish, uni taqdim etish hamda amaliyotga joriy etishni anglatuvchi mustaqil o`quv faoliyatidir.

Malaka oshirish jarayonida ijodiy loyiha topshiriqlarini qo'llash tinglovchilarga o`z faoliyatiga umumta'lim muassasasidagi o`quv jarayonini tashkil etishga doir kompetensiyaviy yondashuv asosidagi topshiriqlarni bajarganliklari sababli mashg'ulotlarga muntazam va to'liq ishtirok etish, o`z faoliyatini innovatsion yondashuv asosida tashkil qilishga doir axborot manbalari bilan mustaqil ishlash, o`quv materialini mukammal o`zlashtirish uchun xohish-istak va qiziqish hosil bo'lishi kabi imkoniyatlarni beradi.



1-rasm. Ijodiy loyiha topshirig'ining tuzilishi

Ijodiy loyiha topshiriqlari tizimi tinglovchilarning muayyan soha bo'yicha nazariy ma'lumotlar bilan bir qatorda yangi bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishi uchun turli xildagi, hajmdagi va murakkablikdagi topshiriqlarni qamrab olishi kerak. Ijodiy loyiha topshiriqlari mustaqil o'rganish va o'rganganlarini amaliyotga tatbiq etishga yo'naltirilishi muhim ahamiyatga ega. Bu orqali tinglovchilarning pedagogik faoliyati faollashadi va o'z navbatida malaka oshirish jarayonining sifat va samaradorligi oshib boradi.

Boshlang'ich ta'lim kurs tinglovchilari uchun ijodiy loyiha topshiriqlarini tuzishning talablari quyidagicha:

- topshiriqlar mazmunining umumta'lim muassasalarining davlat ta'lim standarti talablari, o'quv dasturi hamda maktab darsliklariga muvofiqligi;
- ijodiy loyiha topshiriqlari mazmunida o'quvchilarda fanga oid xususiy kompetensiyalarni shakllantirishga doir usul va metodlarni amaliy yondashuv asosida o'rganish, tizimlashtirish imkoniyatining mavjudligi;
- maktab darsliklari mazmuni bilan aloqadorlik.


Ijodiy loyiha topshiriqlarini tanlash, tuzish va tizimlashtirish metodikasi quyidagi bosqichlardan iborat:


- oliy pedagogika o'quv yurtlaridagi ona tilini o'qitish metodikasining o'quv dasturlarini tahlil qilish;
- malaka oshirish va qayta tayyorlash hududiy markazlarining ona tilini o'qitish metodikasi fani va maktab ona tili fanining o'quv dasturlarini tahlil qilish;
- tinglovchilarning ona tili fanini o'qitish jarayonini tashkil qilish amaliyotidagi qiyinchilik va muammolarni o'rganish, umumlashtirish, topshiriqlar tuzishda hisobga olish.

A.Z.Artikbayeva "... o'quv-tadqiqot ishlari bir-biriga bog'liq bo'lgan ikkita masalani hal qilishga yordam beradi. Tinglovchining bilish faoliyatini jadallashtirish (o'quv masalasi), tinglovchini maktabda tadqiqotni tashkillashtirish va o'quvchilarning ijodiy tafakkurini rivojlantirishga tayyorlash (kasbiy masala)"ini ta'kidlaydi [1; 49-b.].

Ijodiy loyiha topshiriqlarini tinglovchilarga taqdim etish uchun o'qituvchi:

- tinglovchilarning tayyorgarlik darajasini aniqlab olish;
 - ijodiy loyiha topshiriqlarini bajarish metodikasi va bosqichlarini ishlab chiqish, mantiqiy ketma-ketlikka keltirish;
 - topshiriqlarni tinglovchilarga tushunarli holda yetkazish usuli hamda vositalarini tanlash;
 - umumta'lim muassasalarining ona tili fani o'quv dasturlari, shu asosdagi mavzularning mazmuni, maqsadidan kelib chiqib topshiriqlar tayyorlash;
 - umumta'lim muassasasidagi mavjud ta'limiy muammolarni hal qilishga yo'naltirish, turli vaziyat va holatlar tahliliga qaratish;
 - tinglovchilarni yangiliklarni izlash va topishga yo'naltirish kabi vazifalarni bajarishi zarur.
- Ijodiy loyiha topshiriqlarini bajarish bosqichlari quyidagicha:





2-rasm. Ijodiy loyiha topshiriqlarini bajarish bosqichlari

Quyida umumta'lim muassasalarining boshlang'ich sinf o'qituvchilarida fanni o'qitishni takomillashtirishning nazariy asoslarini, o'zlashtirganlarini amaliyotda tatbiq etish ko'nikmalarini shakllantirish, kasbiy kompetentligini rivojlantirishga yo'naltirilgan ijodiy loyiha topshiriqlarini bajarish metodikasi mazmuni keltiriladi.

Ijodiy loyiha topshirig'i:

Blok: Mutaxassislik fanlar bloki.

Modul: Fanni o'qitish metodikasi.

Mavzu: O'qish darslarida matn ustida ishlash orqali badiiy asarni tahlil qilish metodikasi. Matnni o'qish va uni tushunish darajasini aniqlash bo'yicha Xalqaro tadqiqot metodlari (PIRLS) (2 soat amaliy).

Maqsad: O'quvchilar lug'atini boyitish, nutqining hissiy ta'sirini kuchaytirish, badiiy vositalardan foydalanish ko'nikmasini shakllantirish. O'qish darslarida matn ustida ishlash orqali badiiy asarni tahlil qilish kompetensiyasini shakllantirish.

Beriladigan bilim va topshiriqlarni o'quvchilar yosh xususiyati va sinflariga qarab tuzish, o'quvchilarning o'qish savodxonligini aniqlash bo'yicha PIRLS xalqaro baholash tadqiqoti talablari asosidagi topshiriqlar loyihasini ishlab chiqish.

Loyiha topshirig'i: o'quvchilarning o'qish savodxonligini aniqlash bo'yicha PIRLS xalqaro baholash tadqiqoti talablariga muvofiq o'qish darslarida foydalanishga doir o'quv topshiriqlarini ishlab chiqing. Tinglovchilarga mazkur topshiriqni bajarish uchun majmuaviy vazifalar ketma-ketligi taqdim etiladi.

Natijalar taqdimotini tayyorlash. Tinglovchilarga tayyorlagan topshiriqlarni ketma-ketlikka olib kelish va taqdimotga tayyorlash uchun vaqt belgilanadi.

Natijalarning kelajakdagi o'rnini belgilash. Tinglovchilar tayyorlagan taqdimotlarining natijasidan pedagogik faoliyatlarida qachon, qanday tartibda foydalanishlarini (fan, mavzu, darsning qaysi bosqichida) belgilab oladilar.

Taqdimot. Tinglovchilar tomonidan taqdimot o'tkaziladi.

Bahs-munozara. Taqdimot asosida tinglovchilar o'rtasida bahs-munozara tashkil qilinadi.

Baholash. Tinglovchilarning taqdimoti ishlab chiqilgan mezonlar asosida baholanadi.

Ijodiy loyiha topshiriqlari tinglovchilarda quyidagi kompetensiyalarni shakllantiradi va rivojlantiradi:

- ilmiy-tadqiqotchilik kompetensiyasi: ma'lumotlarni izlash, uni baholash, tahlil qilish, taqqoslash, hodisalarni o'zaro bog'lab tekshirish, fikriy tadqiqot qilish;

- kasbiy kompetensiya: pedagogik faoliyati davomida o'quv jarayonida innovatsion texnologiyalarni samarali qo'llash metodikasiga ega bo'lish;

- kommunikativ kompetensiya: o'z fikrini aytish, taqdimot qilish, isbotlash, o'z g'alar fikrini tinglash, tahlil qilish, munosabat bildirish;

- ijtimoiy kompetensiya: jamoada ishlash, birgalikdagi faoliyatni tashkil etish, kichik guruhlarda ishlash.

Xulosa shuki, agar o'qituvchida shaxs sifatida yangiliklarni yaratishga ichki moslashuv va fikrlash usullari shakllangan bo'lsa, u barcha o'zgarishlarga o'z munosabatini oson bildiradi, ularni to'g'ri baholaydi, boshqaradi va o'z kasbiy sohasida ularni amalga oshiradi. Bu borada olib borilgan tadqiqot natijalariga ko'ra, yuqoridagi kabi vazifalarni amalga oshirish malaka oshirish tizimida pedagog kadrlarni innovatsion faoliyatga tayyorlash bilan belgilanadi. Ta'lim muassasasi o'qituvchilarini innovatsion faoliyatga jalb etuvchi omillar innovatsion faoliyatga ularni motivlashtirish (undash) vositalari sifatida xizmat qiladi. Bunda o'qituvchining pedagogik imkoniyatlarini to'liq qamrab olgan, kasbiy salohiyatini namoyon eta oladigan, psixologik va individual imkoniyatlari hisobga olingan amaliy mashg'ulotlarni tashkil qilish va o'tkazish o'ziga xos ahamiyat kasb etadi. Shunga ko'ra, tinglovchilarning malaka oshirish jarayonida egallagan nazariy ma'lumotlari asosida ularning amaliy tayyorgarlikka ega bo'lishlariga e'tibor qaratish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Artikboyeva Z.A. Malaka oshirish tizimida maktab matematika o'qituvchilarining kasbiy-metodik ko'nikmalarini takomillashtirish: Ped. fan. nom. ... diss. –T, 2004. –163 b.

2. Shodiyeva M.J. Boshlang'ich sinf o'qituvchilari malakasini oshirish tizimining o'quv-metodik ta'minotini takomillashtirish: ped. fan. bo'yicha fals. dok. (PhD) ...diss. – T.: 2019. – 162 b.

3. Xalqaro tadqiqotlarda boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini baholash / U.N.Tashkenbayevning umumiy tahriri ostida. –T.: Sarq, 2019. –91 b.

4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi veb-sayti: www.tdi.uz.

5. Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazi veb-sayti: www.markaz.tdi.uz.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

У.К.Сотволдиев

*АВХТХҚТУМОХМ худудий марказ Ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси кафедраси мудири ,
иқтисод фанлари номзоди*

Мамлакатимизда кенг қўламли ислохотлар жараёнида давлатимиз томонидан таълим –тарбия тизимига алоҳида эътибор берилмоқда. Жамиятда бозор иқтисодиёти механизмларини такомиллашуви натижасида барча фуқаролар онги ва фикрлашида янгича қарашлар ва муносабатлар тизими вужудга келдики, бу олиб борилаётган кенг қўламли ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг таъсиридир. Бунда эса таълим мазмунини такомиллаштириш масалалари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб бугунги кунда ҳар бир киши ўз ахлоқи ва қарашларида янги жамият барпо этаётган келажакка мос келадиган сифатларни, фазилатларни шакллантириши, ҳар соҳада фаоллик билан иш юрита олиш имконига эга бўлиши зарур. Бу эса кишиларда ижодий меҳнат имкониятларини кенг очишга, боқимандалик кайфиятини енгишга, йўқолиб кетган ҳўжайинлик ҳиссини қайта тиклашга қодир бўлган жараён ҳисобланади.

Бу борада ёшлар энг фаол изланувчилар ва янгиликларни зўр қанқоклик билан ўзлаштирувчилар бўлиб ҳисобланадилар. Зеро Президентимиз жамиятнинг катта қатлами ҳисобланган ёшларни жамиятдаги ислохотларда фаол бўлишларига алоҳида эътибор қаратмоқдалар: “...биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни ҳолисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ўзгариб бораётган ҳаёт талабларига жавоб беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт”²².

Бугун замонавий билимга, интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни тарбиялашимиз учун биз педагоглар ҳам ана шундай талабларга мос бўлишимиз даркор. Бу ҳусусида Президентимиз ўз чиқишларидаги маърузаларида ва асарларида ҳақли фикрни қайд этганлар: “ биз таълим –тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, муаллимлар, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, хориждаги етакчи таълим марказлари билан илмий-педагогик ҳамкорликни кучайтириш, ўқув-тарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларни , янги ўқув методикаларини жорий этиш бўйича ҳали олдимизда қўлаб долзарб вазифалар турганини яхши англаймиз ”²³. Ушбу фикрлардан келиб чиқиб бугунги кун педагоги таълимда ўз ўрнига эга бўлиши учун замонавий педагогик технологиялар ва инновациялардан фойдаланган ҳолда ўз методикасини яратмоғи зарур. Бу методика 3 талабга жавоб берадигани самаралидир; истиқболли, ишончли, қафолатланган.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш ва ўқувчиларда иқтисодий тафаккурни ривожлантириш самарадорлигини ошириш мақсадида ўз тажрибамизда самара берган айрим мулоҳазаларга тўхталиб ўтамиз.

Бунда педагогик амалиёт кўрсатмоқдаки ўқувчиларнинг иқтисодий тафаккурини ривожлантиришда ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш фаолиятidir. Педагогика соҳасидаги олим И.Г Пестолоцци таъкидлаганидек “Менинг ўқувчиларим янгиликни мендан эмас, ўзларининг изланишлари ва ҳаракатлари орқали ўзлаштиради. Менинг асосий вазифам уларни ижодий изланишларига, ўз ғояларини тараққий этиришига йўналтириш”³. Олимнинг ушбу сўзларини амалиётда қўллашга ҳаракат қилмоқчи бўлсак, мустақил топшириқларни беришда шунчаки одатий ҳолат сифатида ёндашмаймиз. Чунки бу жараён ўқув фаолияти давомида олинган билимни амалиётда қўллашнинг энг самарали жиҳатидир. Шундай экан, бу борада ҳар бир ўқитувчи ўқувчининг фанга бўлган қизиқишини ошириш ва изланиш учун имкон берувчи фаолият турларини аниқ белгилаб олиши зарур. Кўпчилик ҳамкасбларимиз мустақил ишлаш учун турли мавзуларда реферат тайёрлаш сингари топшириқни берадилар. Замонавий ўқувчиларнинг жуда кўпи интернет тармоқларидаги тайёр рефератларни тақдим этиб қўядилар. Ҳеч қандай изланиш жараёни рўй бермайди. Шунинг учун мустақил ишлаш учун топшириқни бераётганимизда ўқувчининг индивидуал билим салоҳиятини инобатга олиш зарурдир. Топшириқ аниқ, муаммоли вазият ва шу вазиятга ечим кўрсатиш, иқтисодий масалаларни ишлаш ва изоҳлаш сингари муҳим босқичларни қамраб олади. Масалан;

²² Ш.Мирзиёев.Халқимизни розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир., тўла асарлар тўплами 2 жилд, Т.: Ўзбекистон, 2018. – 459 б.

³ И.В.Новожилова., Интерактивные методы обучение экономики, статья, интернет goole.uz. 2009г.

маҳаллангиздаги истеъмолчиларни кунлик сут маҳсулотига бўлган талабини ҳисобланг, сут маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондириш объектларини аниқланг, агар сиз сут маҳсулотларини қайта тайёрлаш ва ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркор бўлишни истасангиз қандай ҳаракатларни амалга оширасиз?, каби саволлар орқали топшириқлар берилса, ўқувчи топшириқни бажаришда мустақил изланади таҳлил қилади ва ҳулоса чиқаради. Бундай ҳолатда ўқитувчи консультант вазифасини бажаради. Мустақил ишлаш жараёни ўқувчига дарсда олган билимларини амалиётда қўллаш олиш имконини беради.

Ўқувчи иқтисодий тафаккурини ривожлантиришнинг яна бир омили бу янги мавзунини тушунтириш усуллари дур. Янги мавзунини баён қилиш бу ўқув жараёнидаги асосий билим бериш манбаи. Дарс жараёнида ўқитувчи ҳар доим янги мавзунини баён қилиш масаласига алоҳида ёндашиб энг таъсирчан усуллардан фойдаланиш билан бирга оддий ҳаётини таъсирчанлигини ошириш мақсадида халқ оғзаки ижоди намуналари, мақоллар, шеърлар, хикматли сўзлар ва ривоятлардан унумли фойдаланиши керак. Мавзуга доир маълумотларни ёритиш мақсадида қўшимча манбалардан ва интернет сайтлари, оммавий ахборот воситаларидаги нашрлар ва турли кўрсатувларни мунтазам кузатиб бормоғи зарур. Ҳозирги давр ўқувчиси учун маълумот манбаларини қўплигини инобатга олсак (олдин ўқитувчи маълумотни ўқитувчи газета-журнал, радиодан олган бўлса, атига 3 та маълумот манбаи бўлган бўлса, бугунги кунда биргина қўл телефони орқали имконияти янада кенгайди). Шундай экан бугун ўқитувчи ягона маълумот берувчи эмас унинг вазифаси янада мураккаблашди. Биргина маълумотни ёритиб қўйиш энди камлик қилади. Эндиликда ўқитувчи изланиши, олган маълумотларни турли манбаларга солиштириши ҳамда уларни таҳлил қилиш, ҳулосалаш сингари муҳим босқичларни ўз ичига олган усуллардан фойдаланиш керак.

Ўқувчиларни билими олиш самарадорлигини ошириш ва мустаҳкамлашда уйга вазифа бериш ва уни баҳолаш муҳим омиллардан ҳисобланади. Одатда жуда кўп ҳамкасбларимиз уйга вазифа беришда янги мавзунини ўқиб келиш, дарсликдаги бирон машқни бажариш сингари бир хил турдаги ҳамма учун бажарилиши лозим бўлган анъанавий усуллардан уйга вазифаларни бериб борадилар. Аълочи ўқувчи учун одатий уйга вазифа осон бўлиб изланишга рағбат уйғотмайди. Бу жараёни мунтазам давом этиши ўқувчини дарсга бўлган қизиқишини аста-секин сусайтиради. Одатий уйга вазифалар натижасида “мен буни биламан” деган тушунча ўқувчида шаклланиб боради. Уйга вазифа ўқувчини дарсда олган билимларини янада мустаҳкамлаши мавзу юзасидан изланишга қўшимча маълумот манбалари билан ишлашга ундаши лозим. Паст ўзлаштирувчи ўқувчи учун мураккаб уйга вазифа берилса уни дарсга бўлган бор қизиқишини ҳам йўқ қилиши мумкин. Шундай экан тажрибадан келиб чиқиб ана шу вазиятга ечим сифатида уйга вазифа бериш жараёнини оддийдан мураккабгача ёки табақалашган тизимда амалга оширишни йўлга қўйиш тавсия этилади. Масалан: “Маркетинг” мавзусидаги уйга вазифа мисолида юқоридаги ҳолатни амалиётда қандай рўй беришини кўриб чиқамиз.

Уйга вазифа:

1. **3** балл учун Т-схемаси тузиш рекламанинг ижобий ва салбий жиҳати мавзусида (т-схемасида бирор масалани ижобий ва салбий жиҳатини жадвал асосида таҳлили қилинади) .
2. **4** балл учун 1 топшириқ+ товарни сотиш йўллари ва нархлар хақида маълумотларга асосланиб, расмлар орқали ифодалаш. Яъни расм чизиш ва расм мазмунини ёритиш.
3. **5** балл учун 1+2 топшириқ+ Замоनावий ахборот технологияларининг ривожланиб бориши, маркетинг тизимига қандай таъсир қилмоқда? саволига қўшимчи манбалардан фойдаланиб жавоб топиш .

Ушбу уйга вазифа топшириғининг табақалашган модели ўқувчиларни билим ва дунёқарашига ижобий таъсир этиб, бир томондан билимдон ўқувчиларни ўз имкониятларини тўлароқ ишга солишга рағбат уйғотса, иккинчи томондан қийин ўзлаштирадиган ва ўрта ўзлаштирадиган ўқувчиларни билим олишга ва дунёқарашини кенгайтиришга ижобий таъсир этади.

Дейдиларки шифокор хато қилишга ҳаққи йўқ, сабаби унинг фаолияти инсон саломатлиги ва унинг тақдири билан боғлиқ. Шу жиҳатдан келиб чиқиб айтиш жоизки ўқитувчи хато қилишга 2 қарра ҳақли эмас.

Ўқитувчи фаолиятининг натижаси бу келажак ва эртанги қунимиз билан бевосита боғлиқ. Ўқитувчилик касбининг сабаби “тирикчилик” учун қилиб бўлмайди! Ўқитувчи бундай онг билан баркамол авлодни тарбия қила олмайди. Хақиқий ўқитувчида аввало кучли хоҳиш, рағбат ва ҳавас бўлиши лозим. Ўқитувчининг фикр-ёди таълим-тарбия устида бўлган ҳолдагини қутилган самарага эришади.

ПЕДАГОГЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МОДЕЛИ

*Низамов А.Б., Юлдашев Ш.Ш.
ГулДУ катта ўқитувчилари
Рўзиматов Ж. – ГулДУ талабаси.*

Педагогларнинг инновацион фаолият самарадорлигини ошириш қуйидаги йўналишларда амалга ошириши лозим:

1. Педагог шахсининг инсонпарварликка йўналганлиги (унинг қизиқишлари, кадриятлари, идеаллари).
2. Касбий билимлар (ўз фанини, унинг методикасини ҳамда педагогика ва психологияни билиш).

3. Педагогик қобилиятлар:

- коммуникатив (самимийлик, мулоқотчанлик);
- перцептив қобилиятлар (педагогик интуиция, эмпатия);
- шахс динамизми (иродалилик ва ишончга эғалик);
- эмоционал барқарорлик (ўз-ўзини назорат қила олиш);
- келажакни ёрқин тасаввур эта олиш;
- ижодкорлик (ижод қилишга қобилиятлилик).

4. Педагогик техника:

- ўз-ўзини бошқара олиш;
- педагогик вазифаларни ҳал этишда биргаликдаги ўзаро ҳаракат кўникмасига эғалик .

Мазкур тизимнинг муҳим омилларидан бири сифатида педагог-кадрларнинг шахсий сифатлари юзага чиқади. Билим ва қонуниятларга асосланган техника барча воситаларнинг ягона мақсад йўлида таъсир кўрсатишига имкон беради.

Юқоридагилардан маълум бўладики, илмий-педагогик билим, илмий-педагогик тажриба ва шахсий сифатлар педагогик маҳоратнинг асосини ташкил этади.

Илмий салоҳиятнинг моҳияти аниқ ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда зарурий натижаларга эришишга имкон берувчи таркибий қисм ва асосларни ижодий бирлашувига асосланган илмий-педагогик фаолиятни амалга оширишда намоён бўлади. Педагог-кадрларнинг инновацион фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг тўрт даражасини ажратиб кўрсатиш мумкин:

I. Бошланғич – репродуктив:

- 1) касбий фаолият асосларини амалий ўзлаштириш;
- 2) илмий-педагогик вазифаларни ностандарт тарзда ҳал этиш;
- 3) илмий-педагогик фаолиятнинг барқарор бўлмаган сифат натижалари.

Етакчи фаолият – репродуктив.

II. Ўрта – продуктив:

- 1) касбий кўникма ва малакаларни эғаллаш;
- 2) ўз илмий-педагогик фаолиятида амалиётда мавжуд тадқиқот усулларидан фойдаланиш;
- 3) илмий-педагогик вазифаларни қисман ностандарт тарзда ҳал этиш;
- 4) илмий-педагогик фаолиятнинг алоҳида турларидаги самарали кўрсаткичлар.

Етакчи фаолият – продуктив.

III. Ўртача юқори – продуктив-ижодий:

- 1) бир қатор юқори даражада ривожланган кўникма ва малакалар;
- 2) фанда маълум ва илғор тажрибадаги фаолият усулларидан фойдаланиш, янги шакл ва методларини излаб топиш;
- 3) илмий-педагогик фаолиятнинг барқарор сифат натижалари.

Етакчи фаолият – продуктив-ижодий.

IV. Юқори – ижодий даража:

- 1) юқори даражада ривожланган касбий кўникмалар тизими;
- 2) фан доирасида ва яхлит тарздаги ижодий фаолият;
- 3) илмий-педагогик фаолиятнинг ностандарт ва сифат кўрсаткич-лари;
- 4) янгиликларни излаб топишдаги самарадорлик.

Етакчи фаолият – ижодийлик.

Мазкур даражаларга асосланган ҳолда, педагог-кадрларнинг инновацион фаолият самарадорлигини оширишнинг қуйида уч босқичли моделини таклиф этамиз.

Педагогнинг инновацион фаолият самарадорлигини ошириш модели

Фаолият босқичлари	Фаолият мазмуни	Фаолиятни ташкил этиш шакллари
Тайёрлов	Педагогик фаолият, илмий-педагогик фаолият, илмий ижод, илмий изланиш тушунчалари моҳиятини англаш, методологик маданият билан боғлиқ назарий билим-ларни эғаллаш	Олий таълим муас-сасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари, давра суҳбатлари, дебатлар, илмий конференция ва семинарлар
Асосий	Илмий-педагогик фаолиятни шакл лантириш ва такомиллаштириш, илмий-педагогик фаолиятни таш-кил этиш жараёнига янгиликни киритиш билан боғлиқ бўлган шарт-шароитларларни яратиш борасидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, изла ниш, тажриба-синов дастурларини ишлаб чиқиш,	Муаммоли ва мақсадли курслар, очиқ, кўргазмали машғулотлар, семинар-тренинглар

	янгилик киритиш жараёнида қўлланиладиган воси талар, методлар шакллари танлаш малакасини такомиллаш - тириш	
Яқунловчи	Педагогикнинг инновацион фао- лияти самардорлигини аниқлаш, лойиҳа яратиш малакасини эгаллаш, янгиликларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш	Мутахассислик бўйича индивидуал малака ошириш дастурлари, лойиҳалар, кейс- стадилар

Фойдаланилган адабиёт:

Н.А.Муслимов ва бошқалар. Педагогик компитентлик ва креативлик асослари. Ўқув қўлланма. ТДПУ. –Т.: 2015 йил.

ПЕДАГОГЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

*М.А.Сотволдиева Андижон вилоят Асака тумани
53-умумий таълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси*

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш, уни модернизация ва инновация қилиш борасида кенг қўламли ислохатлар олиб борилмоқда. Мазкур ислохатларни олиб боришда давлатимиз томонидан таълим тизимини барча бўғинларини танқидий таҳлил қилиниб уни ҳозирги замон талаблари бўйича, хорижий тажрибалардан келиб чиқиб амалга оширишимиз керак.

Бу борада хурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев “Фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган , замонавий билим ва касб-хунарларни чуқур эгаллайдиган , мустақкам ҳаётий позицияга эга чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида тарбиялаш биз учун ҳамиша долизарб масала ҳисобланади. Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз”²⁴ таъкидлаган.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда педагоглар олдида масъулиятли вазифалар турмоқда. Уларни ҳал этишда педагогик фаолиятимизда муаммоларни инновацион усуллар орқали ҳал этишимиз зарур.

Инновацион фаолият ўқитувчининг ҳамма муваффақиятини белгиловчи асосий фаолият бўлиб, у шахснинг касбий, методик маҳоратини сифатли қайта куриш демақдир.

Инновацион фаолиятда дидактик ўйинлардан фойдаланиш орқали болаларнинг ёш хусусиятлари ва тайёргарликларига қараб самарали ташкил қилишга, уларга билим ва маълумот беришни енгиллаштиришга, таълимда кўргазмалиликни таъминлашга қаратилган бўлиб, болаларни ўқув материаллари билан ортиқча банд қилиб қўймаслик имкониятини яратади.

Дастур материалларини ўзлаштиришда бир қатор қулайликлар туғдиради.

Дидактик ўйинлар болаларнинг ақлий фаолиятини, онгини ўстиришга, уларнинг фикрий ташаббускорлигини оширишга хизмат қилувчи ўйинлар сирасига киради. Ўқувчиларни ҳис-туйғуларини шакллантиришга, айниқса уларнинг сезги аъзолари (сезиш, кўриш, тинглаш ва бошқалар) фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Бола миясини “машқ” қилишга, тафакқурини теранлаштиришга ўргатади. Унинг идроки, зехни, фаҳм-фаросати, хотираси, иродаси, билим олиш иштиёқи ва эҳтиёжи мустақкамланади. Зийраклиги, ихтиёрий дикқати, топқирлиги, ташаббускорлиги ошиб боради. Боланинг истеъдоди, ижодий қобилияти намоён бўла бошлайди ва олган билимларини ўз фаолиятида, меҳнат ва ўйинда синаб кўриш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бунинг учун ўйинларни таълим-тарбия ишларида кенг қўлланилишини дастур амал қилинмоғи лозим.

²⁴Ш.М.Мирзиёев., “Мллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз” номли асари. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102 б.

“Саёҳат” ўйини. Ўйиндан биров олдин ҳакам тайинланиб, бир неча гуруҳлар шаклланади ва ҳар бир гуруҳда 5-6 тадан ўқувчи, гуруҳлар сардор тайинлайди. Ўйин иштирокчиларидан шаҳарлар қуруш талаб этилади, маълум изчилликда масалан шаҳар 1, эрудит 1 қутилмаган саволлар очилмаган сир-синаотдан ташкил топган. Ҳар бир шаҳарда сардорлар маҳсул конвертларда топшириқлар оладилар ва уларда 1 та асосий ва 2 та қўшимча саволлар мавжуд. Гуруҳ фақат шу вазифани бажариб текширгандан сўнг гуруҳ кейинги босқичга ўта олади. Ҳар бир гуруҳнинг мақсади иложи борица барча шаҳарга етиб бориш. Жавоблар маълум тизимда қабул қилинади: бунда жавоблар сони, ижод, муаммо ечими ва аниқлиги ҳисобга олинади.

“Қисқа муддатли ёзма иш” ўйини. Бу турдаги ёзма ишнинг дарс охирида ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда ўқувчилар ўрганилаётган мавзу бўйича олган билимларини умумлаштириш имкониятига эга бўладилар. Ўқитувчи эса ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси қандай бўлаётганлигини билиб олади. Бунда ўқувчиларга икки йўналишдаги ишни бажариш таклиф этилади:

1. Ушбу мавзу юзасидан нималарни билиб олдилар?
2. Қайси саволга улар қониқарли жавоб ололмадилар?

Ўқувчилар томонидан ёзилган иншооларни ўқитувчи йиғиштириб олади ва уларни кейинги дарсни режалаштиришда ёки ўқувчилар билимини тегишли йўналишларда янада чуқурлаштириш мақсадида ишлатилиши мумкин.

"Юмалоқланган қор ўйини". Ушбу метод ҳам мавзунини муайян қисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини беради ҳамда ўқувчиларда гуруҳ ва жуфтликда ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- тасвирли карточкалар тайёрланади;
- уларни орқа томонига мавзунини ўзлаштиришга оид ўн-беш вариантдан иборат топшириқлар ёзилади;
- синф ўқувчилари икки ёки уч гуруҳга бўлинадилар;
- (гуруҳларни ҳосил қилишда тасвирли карточкалардан фойдаланилади);
- ҳар бир гуруҳ аъзолари бир неча жуфтликларга бириктириладилар;
- ҳар бир жуфтлик бир вариантдаги топшириқни бажаради; жараён якунида умумий хулосалар чиқарилади.

"Юмалоқланган қор ўйини" методидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш низоҳатда қулай.

“Заковатли зукко” ўйини. Мавжуд билимларни пухта ўзлаштиришда ўқувчиларнинг фикрлаш, тафаккур юритиш лаёқатларига эгалликларини муҳим аҳамиятга эга. “Заковатли зукко” ўйини ўқувчиларда тезкор фикрлаш зукколикка, шунингдек уларнинг тафаккур тезликларини аниқлашга ёрдам беради. Ўйин ўз хоҳишларига кўра шахсий имкониятларини синаб кўриш истагида бўлган ўқувчилар учун қулай имкониятни яратади. Улар ўқитувчи томонидан берилган саволларга қисқа муддатларда тўғри ва аниқ жавоб қайтара олишлари зарур. Саволларнинг мураккаблик даражасига кўра ҳар бир саволга қайтарилган тўғри жавоб учун баллар белгиланади. Якуний балларнинг ўртача арифметик қийматини топиш асосида ўқувчиларнинг тафаккур тезлиги аниқланади.

Балларнинг белгиланиши ўқувчиларнинг шахсий имкониятлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишларини таъминлайди.

Ушбу дидактик ўйин ўқувчилар билан яқка тартибда, гуруҳли ва оммавий ишлашда бирдек қўлланилиши мумкин.

Шундай қилиб, ўйинлардан материалларни, янги билимларни эгаллаш, ўтилганларни мустаҳкамлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш, умумий малакани шакллантириш, мантиқий, танқидий, мустақил фикр ва тафаккурини ошириш каби бир қатор вазифаларни ечишда фойдаланилади.

Ўйин жараёнида тортишиш, мусобақаланиш, баҳс-мунозара юритиш руҳиятининг бўлишини таъминлаш зарур. Бу эса ўқувчида муаммоларни қўя билиш, уни ечиш, ҳал қила олиш, мустақил фикрлаш, мантиқийлик, объективликка нисбатан қизиқишни шакллантиради, муаммони ечишда ўзини тута билиш кўникмаларини ҳам шакллантиради ва ҳосил қилади.

Адабиётлар:

1 Ш.М.Мирзиёев., “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз” номли асари. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102 б.

КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-МЕТОДИК МАЖМУА ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*С.Э Нигматова., У.Нурумбетова., Г.Б. Абдиева
Тошкент шаҳар №116 –сонли мактаб ўқитувчиси
ТВХТХҚТМОХМ катта ўқитувчи*

ТВХТХҚТМОХМ, Gulim_1969@mail.ru техника фанлари номзоди, доцент

Замонавий ўқув-методик мажмуалар ўқув материалларнинг турли шакллари (электрон, қоғоз ва х.) мажмуаси бўлиб, улар фанларнинг касбий таълим дастурларига мос келувчи, аудитория машғулотларининг барча турлари ва мустақил таълимни ўқув-методик таъминотини ўзида мужассамлаштиради. Ахборот технологиялари [2] муҳитида ўқитишнинг муаммоли усули ахборот-рецептив ва репродуктив методлари билан биргаликда кенг қўлланилади. Бу муҳитда электрон ўқув-методик мажмуалар таълим этиш, талабанинг билиш фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш воситалари сифатида ишлатилади. Айнан бир ўқув материали бир қанча воситалар, масалан, нашр, аудио-видео, СД-дисклар кўринишида тақдим этилиши мумкин. Ўқитишнинг ҳар бир воситаси ўзига хос дидактик масалалар ечимига қаратилган ўқув ахборотларини узатиш тизими сифатида фойдалиниши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, таълимнинг электрон воситалари замонавий ахборот технологиялари орқали жорий этилади. Анъанавий дарсликлар, ўқув-методик мажмуалар яратишда ишлатилади.

Электрон дидактик материалларни яратишда дастлаб қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратмоқ керак:

- электрон ўқув кўлланимлари таркидан асосий мазмунни ёритиши ва уни изохлаш учун қўшимча ўқув ахборотларини олиш бўйича гипермувожатлар берилганлиги;
- ўқув материалларини таркибий тузилмасини шакллантиришда модул тизимидан фойдалиниши;
- мустақил таълимни ташкил этиш ва ўқув материалларини ўрганиш бўйича батафсил йўриқноманинг келтирилиши;
- назорат топшириқлари, ўз-ўзини текшириш саволлари, тест топшириқларининг бўлиши.

Электрон ўқув-методик мажмуалар ташкилий-методик, ахборот-ўргатувчи ва назорат қилувчи дидактик функционал блокларидан ташкил топади. Мажмуанинг педагогик-психологик [3] вазибалари ўқув материалларини гипермедиа муҳитида тақдим этиш, ўқувчилар билан ўқувчилар орасидаги дидактик мулоқот ва таълим воситалари орқали амалга оширилади.

Электрон ўқув-методик мажмуанинг объекти маълум ўқув фанини ўқитиш бўйича қонуниятлар, илмий асосланган алгоритмларни, технологик ёндашувларни, шунингдек, маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотлари, мустақилишнинг таълим ресурсларини ўз ичига олади. Мажмуадан фойдаланиб, [6] ўқув жараёнини ташкиллаштириш, унда келтирилган таълим ресурсларидан фойдаланиш, педагог билан талабаларнинг ўзаро мулоқотлари компьютер ва коммуникация воситалари асосида амалга оширилади.

Фикримизга кўра, электрон ўқув-методик мажмуа воситалари ва таълимнинг ахборот-коммуникация муҳити куйидаги асосий талаб ва вазибаларни бажарилишини таъминлайди:

- талабаларни ва уларнинг ахборот муҳитидан фойдаланиш фаолиятларини қайд этиш;
- педагоглар томонидан талабаларнинг мустақил фаолиятини маслаҳат йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш;
- талабаларга зарурий ўқув материалларини мустақил ўзлаштириш учун тавсия этиш;
- ўқув жараёнида, талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни тест синовлари ёрдамидан ташкил қилиш;
- электрон ўқув-методик мажмуа базасида талабаларга тавсия қилинган ўқув материалларидан, қўшимча адабиёт ва бошқа воситалардан фойдаланиши учун таълим муассасаси ахборот ресурсларидан масофадан фойдаланиш имкониятини яратиш;
- виртуал лаборатория машғулотлари ва индивидуал амалий топшириқларни бажаришда масофадан туриб кафедра ўқитувчиларининг маслаҳати, шунингдек, бошқа ёрдамларни уюштириш.

Бу талабларни амалиётга жорий қилиш-ахборот-таълим муҳитини яратишни ва фан бўйича ўқув-методик мажмуанинг шаклланиши даражасига кўра, уни босқичма-босқич амалга ошириш имкониятини беради. Тадқиқотишларимиз натижасида электрон ўқув-методик мажмуани шакллантириш ва амалиётга жорий этишнинг куйидаги тўртта босқичи тақлиф этилди. Электрон ўқув-методик мажмуани шакллантиришни биринчи босқичда ўқув дастурлари, [5] маърузаларнинг матнлари, назорат учун мўлжалланган саволлар, фаннинг мазмунини қамраб олувчи якуний назорат топшириқлари, лаборатория машғулотларининг рўйхати, баёни ва улар бўйича назорат саволлари, ўқув фани бўйича курс лойиҳалари, уларни бажариш бўйича индивидуал топшириқларга оид методик тавсияномаларнинг электрон версиялари ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда яратилган ўқув-методик материалларни жойлаштириш учун дастурий платформа ишлаб чиқилади. Учинчи босқичда фанлар бўйича электрон ўқув-методик мажмуа яратилиб, уни ўқитишнинг масофали ёки аралаш-анъанавий ва замонавий технологиялари бўйича ўзлаштириш имкониятлари таъминланади. Тўртинчи босқичда талабанинг билиш фаолиятига мос бошқариш элементлари киритилади ҳамда ўқув жараёнининг якуни бўйича талаба билим, кўникма ва

малакаларининг Давлат таълим стандартларига мослиги аниқловчи дастурий таъминот орқали назорат ва мониторинг тизими яратилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги Умумий ўрта таълим тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 140-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 167-модда.
3. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.- Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.-279 б.
4. Иноятгов У.И., Муслимов Н.А., ва бошқ. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб. - Т.: “Илм-Зиё” нашриёти, 2012 й. 12 б.т.
5. Муслимов Н., ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. - Т.: “Фан ва технологиялар”. 2013 й. 8 б.т.
6. www.edu.uz.
7. www. Ziyonet. uz.
8. www.texnologiya.zn.uz

ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТНИ ЎСТИРИШ ОРҚАЛИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ РОЛИ

Б.Арзымбетова

*Қорақалпоғистон Республикаси ХТХҚТ ва УМОХ Маркази «Аниқ ва табиий фанлар методикаси»
кафедраси катта ўқитувчиси.*

Мамлакатимиз инновацион ривожланиш йўлида шиддат билан ривожланиб бораётган бир даврда келажагимиз давомчилари бўлмиш ёшларни, уларнинг билим ва кўникмаларини хорижий таълим стандартлари асосида шакллантириш, замонавий аниқ мезон ва талаблар асосида баҳолаш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги РҒ-5712-сонли фармонинда белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда, замонавий талаблар асосида фан ўқитувчилари малакасини ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий компетентлигини оширишини назарда тутди.

Бу кўрсатилган талабларни амалга оширишда фан ўқитувчилари белгиланган вазифаларни ҳал этишда ўқитиш жараёнига инновацияларни қўллаш орқали ўқувчиларда ижодий қобилиятларини шаклланишини амалга оширишга хизмат қилмоқда. Мактаб ўқувчиларининг ижодий қобилиятларини устириш ўқитишнинг бош масалаларидан биридир. Турли-туман, чуқур ва мустаҳкам билимлар, маҳорат ва малакалар, билишга қизиқтириш, қизиқувчанлик, ташаббускорлик, жонбозлик, мустақиллик масалаларини ҳал этишда аниқ бир мақсадга интилувчанлик ва талабчанлик ижодий қобилиятларининг заминидир, ижодий қобилиятнинг ўзи эса инсон руҳий кучининг кўрсаткичидир.

Ижодкорлик – инсон фаолияти ва мустаҳкамлигининг олий шаклидир. Ижодий қобилиятлар бу янгилик яратиш зарурлиги, мумкинлигини тушунтириш, муаммони ифодадай олиш, гипотезани илгари суриш учун керак бўлган билимларни амалиётда фойдалана олиш қобилиятлари, гипотезани назарий ва амалий тасдиқлаш (ёки ундан воз кечиш) муаммони ҳал этиш йўлини излаш ҳамда топиш натижасида янги ўзига ҳос ечим яратиш қобилиятидир.

Ижодий фаолият ҳамма руҳий кучларнинг зуриқиш ишлари, инсоннинг олий даражада аниқ бир мақсадга интилувчанлиги, махсус ҳиссий ҳолати-илҳомланиш, шунингдек руҳий кечинмаси, ҳурсандчилик ҳислари муаммони жон-жаҳди билан ҳал этиш истаклари билан олиб борилади. Ижодий қобилиятнинг ўстиришнинг бошқа ўзига ҳос хусусияти шундан иборатки, улар бошқа қобилиятлар сингари фаолият даврида ривожланади. Демак, бу муаммони ҳал этишда ўқитувчиларнинг асосий вазифаси физика ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этиш усуллари ва воситаларини қидиришдан иборат.

Назарий текширишлардан хулоса чиқаришда мантиқ муҳим аҳамиятга эга бўлади. Гипотезаларни илгари суришда, шунингдек назариядан текширишга ўтишда ёки назарий башоратни қўллашда ички ҳиссиёти биринчи ўринга ўтади. Кузатилаётган ҳодисанинг сабаби нимадан иборатлигини унинг ички тузилиши қандайлигини ва бошқаларни тахминлаш талаб этилади.

Бу эса назарий башоратнинг тўғрилигини амалда қандай текшириш мумкинлигини ёки зарурлигини техник эффектнинг қандай қилиб ошириш мумкинлигини тахминлаш керак бўлади. Ижодий қобилиятларни ривожлантириш ўқитишни ижобий асослашдан ва билимга қизиқиш ҳамда қобилиятларни шакллантиришдан, чуқур ва мустаҳкам билимлардан ва уларни ҳодисаларни тушунтириш

учун қўллаш билишдан, умумлашган ўқув ва амалий билим ҳам да малакалардан, ўқувчилар мустақиллигининг самарали ривожланишидан ажралмасдир. Ижодий қобилиятларнинг асосий қисми назарий фикрлаш ва билим фаоллиги ҳисобланади. Ишни режалашда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятлари қаёрда ва қачон, қандай қилиб амалга оширилишини олдини ўйлаб қўйиш зарур. Бунда ўқувчиларнинг ижодиётга тайёргарлиги, уларнинг мотивациясини билим маҳорат ва малакаларнинг даражасини, тахминларини назарий ва экспериментал текшириш имкониятини эътиборга олиш керак.

Ижодий масалаларни ҳал этишдан олдин зарурий билимлар эгалланган бўлиши керак. Янгилик кашф этиш учун шароитлар қанчалик яхши яратилган бўлса, ижодий активлик шунчалик юқори бўлади. Демак, ўқувчи субъектив кашфиёт амалга оширишга қанчалик яхши тайёргарлик кўрган бўлса, унинг ижодий фаолияти шунчалик қисқа бўлади. Ижодий қобилиятларнинг ривожланишига ўқитиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг педагогик муомаласини характери ҳам таъсир этади. Дарсга янги материални баён этишда савол-жавобли суҳбат ва муаммоли метод ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади. Бундай суҳбатларди ўқувчилар орасида ўқитувчи ташкил этган тортишув вужудга келиб, турли қарашлар бир-бири билан дуч келади. Ижодий қобилиятни ривожлантиришга ёрдам берадиган бошқа ўқув муаммоли шакли бўлиб, ўқувчилар жамоаси ҳисобланади. Бунда ўқитувчи бир гуруҳ ўқувчилар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Ўрта мактабнинг юқори синфларидаги ўқув семинарлари умумий кизиқиш, тортишув пайдо бўладиган пайтларда жамоа бўлиб ишлашнинг энг яхши шакллардан биридир. Ҳар бир ўқувчи фикрлар тўқнашувини кўзатади, ўзининг нуқтай назарини аниқлашга (ҳатто ичида бўлса ҳам) ҳаракат қилади. Масалалар ва ижодий характердаги лаборатория ишлари ҳам амалда қўлланилмоқда. Ижодий лаборатория ишларига мисоллар келтирамиз: арабачани маълум тезланиш билан ҳаракатга келтириш, пружинали тўпдан снарядни маълум баландликка отиш, жисмларнинг зичлигини аниқлаш, жисмларнинг ишқаланиш коэффицентини топиш. Бунга ўхшаш лаборатория ишларининг муҳим афзалликлари шундан иборатки, бунда ўқувчи тўғри ҳал этилганини жавобга қараб эмас, балки ўзининг ўтказган тажрибасига асосланиб ишонч ҳосил қилади.

Ўқитувчи шуни эсдан чиқармослиги керакки, ўқитиш жараёнида ўқувчилар ижодий қобилиятларини ўстира бориш билан ҳозирги замоннинг энг муҳим муаммоларидан бири бўлган юқори даражали қобилиятларга эга бўлган ижодий фаол шахсларни тайёрлаш муаммосини ҳал этишга ёрдам берган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ишмуҳаммедов Р. Тарбияда инновацион технологиялар – Т: —Фан ва технологиялари нашриёти. 2010.
2. Ишмуҳаммедов Р. Таълимда инновация. – Т: — Фан ва технологиялар нашриёти. 2010.
3. Йўлдошев Ж. Ҳасанов С. Педагогик технологиялар. – Т: —Молия-иктисод нашриёти. 2009.
4. Мирзахмедов Б. Гофуров Н. ва бошқалар. Физика ўқитиш назарияси ва методикаси Тошкент 2010

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН - ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

*Қодиров Рахмон Каримович
Сурхондарё вилояти ХТХҚТУМОҲМ Мактабгача, бошланғич ва
маҳсул таълим, методикалари кафедраси катта ўқитувчиси.*

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири, ортикча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Шу нуқтаи назардан ноанъанавий дарслар ўйин дарс, театрлаштирилган дарс, мусобақа дарсларини ташкил этиш, шахс фаолиятига ёндашув концепцияси ва тамойилларига мос келиб улар ўқувчи ички дунёси, тафаккури ва шахсий ҳаётини тажрибасини максимал даражада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Бугунги ўқитувчи, шулардан келиб чиққан ҳолда ўтаётган дарсини самарали чиқиши учун изланиши, ўз устида ишлаши лозим.

Жумладан, инновацияларни яратиш ва тарқатишнинг ягона пухта ишланган механизми ҳозирги вақтда таълимни ривожлантиришнинг асосий курали бўлиб қолмоқда. Таълим соҳасининг долзарб вазифаларидан бири - давлат таълим стандартларини ўзлаштиришдир. Давлат таълим стандартларини ўзлаштириш кафолати инновацион асосда иш юритишни тақозо этади. Ушбу масаланинг ечимини топишда таълим жараёнига педагогик технологияларни олиб кириш энг долзарб вазифалардан бўлиб хизмат қилади.

Бунинг учун ўқитувчига қуйидаги талаблар қўйилади:

- Инновация, инновацион технология тушунчасини, унинг мазмун ва моҳиятини билиш.
- Киририлаётган инновацияларнинг таълим мақсадини амалга оширишдаги ўрни ва ролини англаб етиш.
- Инновацион технологияларни бошланғич таълим тизимида қўллаш методларини пухта ўзлаштириш.

- Дарснинг аниқ режаси ёки лойиҳасини ишлаб чиқиш.
- Таълимий ва ишчанлик ўйинларини билиш.
- Ўқувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этиш ва таъминлаш, педагогик технологияларни қўллаб, намунавий ўқув машғулотларини ўтиш.

Дарс жараёнида турли методлар билан ишлаш дарс самарадорлигини оширишга ёрдам беради ва ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайди. Бунинг учун синф кичик гуруҳларга ажратилади. Унинг ишлаш тартиби қуйидагича бўлса, мақсадга мувофиқдир.

1.	Ўқитувчи қисман дарснинг мавзуси, мазмуни бўйича ўқувчиларга тушунча беради.
2.	Ўқувчилар 3-7 тадан 4-6 гуруҳга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ алоҳида стол атрофида жойлашади.
3.	Ўқитувчи вазифани белгилаб, гуруҳ ишларини тақдим қилишни, қандай баҳолашни тушунтиради.
4.	Вақтни белгилайди.
5.	Гуруҳ ишлари натижаларини муҳокама этади ва таққослайди.

Ўқувчилар гуруҳда бир-бирларига саволлар берадилар, эгаллаган билимлари бўйича ўзаро фикр алмашадилар. Улар иш билан банд бўлган вақтда ўқитувчи синф бўйлаб барчани кузатиб, топшириқни изоҳлаб юради, қийналаётган ўқувчиларга ёрдам кўрсатади. Вақт тугагандан сўнг ҳар бир гуруҳдан биттадан вакил доскага чиқиб, бажарилган ишни бутун синф олдида тақдим этади. Ўқитувчи ҳамма гуруҳ ишларини яқунлаб, уларга изоҳ беради, хатолари бўлса, тўғрилайди ва хулосалайди, баҳолайди.

Илғор педагогик технология асосида ташкил этилган дарсларда ўқувчи шахсида бир қанча ижобий сифатлар шаклланади. Ўқувчиларнинг ўзларига бўлган ишончлари ортади, келажакда бошқа масалани муҳокама қилишда ўз фикрларини билдиришга ўрганадилар.

Бошланғич таълим жараёнида қўллаш мумкин бўлган бир неча интерфаол усуллар ва уларнинг дарс жараёнидаги ўтказилиш тартиблари ҳақида фикр юритамиз.

«Балиқ скелети» технологияси

Ушбу технология балиқ модели чизмаси орқали намоёниш этилиб, бунда ўқувчилар ўртага ташланган муаммони ҳар томонлама очиб беришга ҳаракат қиладилар. Балиқ скелети чизмаси ватманга чизишиб, унинг тепа қисмига ечилиши керак бўлган муаммо ёзилади. Пастки қисмига муаммони ҳал этилиш йўллари ёзиб борилади. Бу усул орқали биз ўқувчиларни мустақил, ижодий, танқидий фикрлашга ўргатамиз. Ҳар қандай муаммоларни ечишнинг бир қанча вариантларини топиш мумкинлиги ҳақидаги билим, кўникма ва малакага эришишларини таъминлаймиз. Масалан, йўл ҳаракати қоидалари дарсларида «Светофор нима учун керак?» муаммоси қўйилса, болалар ўз фикрлари билан скелетни бойитиб борадилар.

Ўқувчилар балиқнинг ҳар бир скелетига светофор нима учун кераклигини ёзиб борадилар.

Светофор нима учун керак?	
1.	Йўловчиларга йўлдан ўтиб олишлари учун
2.	Ҳалокатларни олдини олиш учун
3.	Йўл патрул хизматчиларининг ишини бирмунча осонлаштириш учун
4.	Йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш учун
5.	Катта кўчаларда машиналар тартибини бошқариш учун ва ҳоказо.

Ушбу технологияни табиатшунослик, она тили, математика, одобнома, умуман, бошланғич синфларнинг барча дарсларида қўллаш мумкин. Масалан, ўқиш дарсларида мавзу матнида воқеа ривожини бўйича болаларга шундай вазифа берилса, болалар матндаги воқеаларнинг учта кетма-кетлигини ва бўлмаган воқеанинг бир кўриниши бўйича ўз фикрларини ёзишлари мумкин. Болаларнинг бу технология орқали ижодий фикрлаш кўникма ва малакалари ривожланади.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНING МАХСУС СИРТҚИ ТАЪЛИМИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ.

*Мамарахимов Шухрат Уралович, Абдурасулова Шоира Кушаковна, Мансурова Дилфуза Бакировна
Гулистон давлат университети ўқитувчилари*

Ҳозирги кунда республикамиз олий таълим муассасаларининг махсус сиртки таълимда ўқитишни инновацион ёндашув асосида амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бошланғич таълим йўналишининг махсус сиртки таълими жараёнининг асосий мазмуни сессиялараро (ҳар ҳафтада график асосида топшириқлар бериш ва уларни топшириш) режалаштирилган ишлар ёрдамида амалга оширилади. Талабаларга ўқув фани бўйича ўқув материали мазмунини ўзлаштиришга ёрдам берувчи маъруза матнлари, ўқув-услубий мажмуалар ва электрон педагогик воситалар яратиш орқали таълим жараёни амалга оширилади. Оралиқ баҳолаш учун тайёрланган топшириқлар мажмуасига жавобни реферат кўринишда ёзма ҳолда топшириш ҳам мумкин бўлади. Махсус сиртки таълимида оралиқ баҳолаш ишларини бажариш борасидаги тажрибаларимиз ўқув фани мазмуни билан боғланган ўзига хос усулларини ишлаб чиқишга илмий ёндашиш ҳозирги кунда долзарбдир.

Бошланғич таълим фанларини ўқитиш методикаси мазмуни ва таълим мазмунига инновацион ёндашишнинг ўзига хос хусусиятларини математика фани мисолида келтириб ўтамыз. Масалан, бошланғич таълимда математика фани нега ўқитилади? Бошланғич таълимда математика фани қандай ўқитилади? Бошланғич таълим ўқитувчисига математика фани қандай ва қайси ҳажмда ўргатилиши лозим? Бошланғич таълим ўқитувчисининг илмий дунёқараши ривожланишида математика фанининг ўрни қандай белгиланади? Бошланғич таълим математика фани мазмуни ва унинг ўқитиш усуллари қандай хусусиятларга эга? Бу каби долзарб саволларга жавоб топиш борасида изланишларимиз билан боғлиқ хулосаларимизни келтирамыз. Бошланғич синф математика фани умумтаълим математика курсидан мазмуни, ҳажми ва ўқитиш методлари билан тубдан фарқ қилади. Бошланғич синфларда ўқитиладиган математика фани бошланғич синфда ўқитиладиган бошқа фанлар жумладан, табиат фанини ўрганишга ёрдам беради. Бошланғич синфлардаги фанлар мазмуни интегралланган (синтезлашган) яъни бир неча фаннинг йиғиндисини ўзида ифодалайди. Бошланғич синф математика ўқитиш методикаси индуктив характерда берилган. Бошланғич таълим ўқитувчиси фанларни ўқитишнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиши лозим бўлади. Жумладан, таълим мазмунини дифференциаллаш, индивидуаллаштириш билан бир қаторда таълим мазмунига интегратив ёндашувни амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Таълим мазмунини ўрганиш ўқитувчи-талаба-ўқитувчи ва талаба-ўқитувчи-талаба каби икки схема асосида олиб борилади. Математика таълими учун сессиялараро топшириқлар ёки вазифалар (машқ, мисол, масала, ўқув материалининг назарий қисми) қуйидаги аломатлар асосида тайёрланади:

- топшириқ билим, кўникма ҳосил қилувчи ва уларни ўзлаштириш воситаси;
- топшириқ талабаларнинг билиш фаолиятини ташкил этувчи ва бошқарувчи усул;
- топшириқ талабаларни ўқув билув фаолиятини рағбатлантирувчи ва мотивация ҳосил қилувчи усул;
- топшириқ таълим методларини намоён бўлиш шаклларида бири;
- топшириқ назария ва амалиётни боғловчи восита.

Тажрибаларимизда талабаларга сессиялараро ишлар учун бериладиган топшириқлар ўқув материални келтирилган аломатлардан бирини ўзида ифодалаган ва уларни маълум кетма-кетликда мақсадли йўналишда тайёрланиши самара келтириши тасдиқланди. Талабалар учун ўқув материални замонавий ахборот ва педагогик технологиялар асосида тайёрланган, масофавий таълим ва автоматлаштирилган тизимга мослаштирилган ҳолдаги топшириқларнинг янги вариантлари устида изланишлар олиб борилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Ч.МИРЗАЕВ, Д.ТУРДИБОЕВ “МАХСУС СИРТҚИ ТАЪЛИМДА МАТЕМАТИКА ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ” ГУЛИСТОН-2005 Й.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА ИННОВАЦИОН ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Юлдашев Ш.Ш. – ГулДУ катта ўқитувчиси
Тўрабекова Н., Атаева З. – талабалар*

Тежамкорлик моддий ва инновацион фаровонлик манбаларидан биридир. Тежамкорликда хикмат кўп. Бу хикмат оила ҳаётида ҳам, давлат хазинасини бойитиб, халқ фаровонлигини оширишда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Демак ёшларда тежамкорлик одобини тарбиялаш, уни таркиб топшириш инновацион аҳамият касб этади. Тарбиянинг бу соҳаси келажаги буюк давлатнинг равнақи ва тарақиётига замин хозирлайди.

Шунингдек меҳнат, тежамкорлик тўғрисидаги ҳалқ мақоллари, шарқ мутафаккирларининг хикматли сўзлари болалар онгига сингдирилиб борилади. Умуман олганда, ўзбек тарбияшунослигида тежамкорликка ўргатиш бола камолотини бош омили сифатида талқин этилган, улар орқали жамоа меҳнатини кадрлашга ўргатилган. Масалан: “Дўланани кўрганда тоғ қисмдан чиқмасин” мақолида машаққатли меҳнат орқасидан бунёдга келган нарсанин қадр қимматини бил, уни ардоқла, тежа нес нобуд қилма деган фикир мужассам.

Кичик ёшдаги ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, ижодий меҳнатга, мустақил фикрлашга ўргатиш, касб-хунарга йўналтириш, илмий дунёкарашини кенгайтириш, мантиқий фикрлашга ўргатиш муҳим муоммолардан биридир.

Шундай экан бошланғич синфларда ўқувчиларни ижодий меҳнатга ўргатиш, ижодий қобилиятларини шакллантиришда меҳнат дарсларининг ўрни жуда каттадир. Ўқувчиларни меҳнатга ижодий тайёрлаш меҳнат таълимининг муҳим вазифаларидан биридир. Меҳнат ўқувчиларни чуқур ва мустақкам билимлар билан курулантиради. Ўқувчиларни танлаган касбига қизиқтириш, меҳнаткаш кишиларга хурматда бўлишга тарбиялайди.

Ўқувчилар иш унумини ошириш, чуқур билим эгаллаш, ижодий қобилиятларини ўстириш масалалари меҳнат таълими дарсларида ҳал этилади. Ҳар бир дарс ўқувчилар диққатини, хотирасини, қиёслаш билишини, фикр юритишни, асосий нарсани ажратишни, хулоса ва умумлаштиришни, ўз ишини режалаштиришни, уни керакли суръатда амалга оширишни, ўз-ўзини назорат қилиш вазифаларини ўз ичига олади.

Меҳнат дарсларида иш унумини ошириш икки босқичда олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчи босқич - меҳнат машғулотларининг аниқлиги, асослилиги, унинг бола қизиқишига, истеъдодига ва қобилиятига мос келиши. Бунда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, қизиқишлари, имкониятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларни меҳнатнинг маълум турига бўлган майл ва қизиқишини ўз вақтида аниқлаш ва уларга меҳнат малакаларини севган машғулотларида такомиллаштиришга ёрдам бериш жуда муҳимдир. Меҳнат таълимида ўқувчиларнинг диққат-этиборини:

- асбоб-материалларни сақлаш қоидаси ҳамда жойлаштириш тартибига;
- иш жойини тўғри жиҳозлашга;
- материаллардан тежамкорлик билан фойдаланиш усулларига;
- иш ҳаракати меъёри ва суръатига;
- иш сифатини таъминловчи омилларга;
- буюмни чиройли қилиб безатишга жалб қилиб бориш керак.

Иккинчи босқич - ўқувчиларга жамоатчилик, ижодий ташаббускор-ликга, меҳнат кишиларини ва меҳнат натижаларини хурмат қилишга, меҳнатга жавобгарликни ҳис этиш хусусиятларини сингдириб бориш зарур.

Меҳнат дарсларида иш унумини ошириш учун ўқувчилар онгига, ички дунёсига меҳнат орқали таъсир этишимиз муҳим ўрин эгаллайди. Бунда меҳнатнинг тарбиявий кучи ўқувчининг меҳнатга муносабатига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Иштиёқ ва қизиқиш билан қилинаётган меҳнат мажбуран қилдирилаётган меҳнатга нисбатан болаларнинг онгига, ҳиссиёти ва иродасига кучлироқ таъсир этади. Шунинг учун ўқувчилар бирор ижодий меҳнатга киришишларидан олдин педагог уқитувчилар зиммасига қуйидаги шартларни амалга ошириш талаблар қўйилади:

- ясаётган буюм ёки предметнинг зарурлигини тушунтириш;
- уни куллаш ўрни ва мақсадини тушунтириш;
- ясаш усуллари ва жараёнини тушунтириш;

Болалар тайёрлаган нарсалар ўз ўрнида қўлланилиши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Улар ўз меҳнатларининг фойдалилигини хурганларида, уларда уз меҳнатларининг натижасидан қониқиш, яна қандайдир фойдали, яхшироқ нарсани ҳосил қилишга интилиш пайдо булади. Уларда ўз қобилиятларини ишонч, нарсаларга эҳтиёткорлик билан муносабатда булиш ҳиссиёти уйғотади, чунки болалар атрофдаги нарсаларни қандай меҳнат эвазига яратилганлигини англайдилар.

Дарс мазмунига қўйиладиган муҳим талаблардан бири дарсларни ҳаёт билан чамбарчас алоқадор бўлмоғи лозим. Ўқувчиларни фаоллаштириш айниқса ўқитишнинг замонавий босқичи шароитларида анчагина мураккабдир. Шунинг учун ўқувчиларнинг ўқув фаолиятларини фаоллаштиришга ёрдам берувчи восита ва усулларини танлаш ўқитувчининг доимо диққат марказида бўлиши шарт. Ўқувчиларнинг иш унумини ошириш ва ижодий фаолиятларини бир қатор усуллар воситасида фаоллаштириш мумкин, бу усулларни баъзилари билан таништирамиз:

1. Бутун синфга таклиф этилган муайян ижодий ишда ўқувчининг иложи борича мустақил ишлаш ҳиссасини таъминлаш.
2. Бир мақсадда ўқитишнинг алоҳида ва умумий шакллари бириктириш усуллари билан бирга махсус таркатма материалларидан фойдаланиш.
3. Фаолият турлари ўрганилаётган материал билан тўғри муносабатни таъминлаш.

Фойдаланилган адабиёт:

Ҳ.Санақулов ва бошқалар. Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. ТДПУ. –Т.: 2015 йил.

GEOGRAFIYA FANINI O'QITISHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH AVFZALLIKLARI

S.Xo'janazarova- *Surxondaryo viloyati XTXQT va UMOHM "Aniq va tabiiy fanlar metodikasi" kafedra kata o'qituvchisi*

Har bir qo'llanilgan texnologiya o'quv jarayonining samarali va o'tilayotgan mashg'ulot bilan mos kelishligi ta'lim metodikasining diqqat markazida bo'lishi lozim. Hozirgi kunda zamonaviy pedagogik texnologiyalarning qo'llanilish turlari bir nechta bo'lib, hammasi ham mashg'ulotlar (ma'ruza, seminar, amaliy, laboratoriya)ga mos kelishi, yoki moslashtirilganda qanday natijaga erishish mumkinligi muhim ahamiyat kasb etadi.

Zamonaviy o'qituvchi qanday bo'lishi kerak? Hozirgi kundagi global o'zgarishlar, fan-texnika va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining kun sayin rivojlanib borishi XXI asr o'qituvchisidan pedagogik mahoratni, o'tkir irodani, pedagogikpsixologik bilimlarni, o'z fanini chuqur bilishni va yuksak tafakkurni, siyosiy savodxonlikni, fikrlash doirasi keng va mulohazali bo'lishni talab qiladi.

Bugungi kun o'qituvchisi ko'rgazmali qurollar, turli o'yin, mashg'ulotlari, zamonaviy interfaol usullardan, texnik vositalar va kompyuterdan faoliyati davomida o'rinli foydalana turib, mul'timedia darslarini qo'llash orqali sifat va samaradorlikka erishishi mumkin. Demak, zamonaviy o'qituvchi hozirgi kunda zamonaviy axborotkommunikatsion texnologiyalar va interfaol usullarni dars jarayoniga tatbiq eta olishib bilan ajralib turadi.

Ayniqsa, tabiiy fanlar ya'ni geografiya fanining ma'ruza, amaliy, laboratoriya mashg'ulotlarida zamonaviy pedagogik texnologiyalarning qo'llanilishi izlanuvchan pedagoglarga qay darajada qulaylik keltirayotganligi, katta sinf xonalarlarga (o'quvchilar soni 30 tadan ortiq) ham moslashtirilganda o'quvchilar faoliyatini nazorat qilish mumkin ekanligini keltirib o'tmoqchimiz. Gap yutuqlar haqida ketganda mashg'ulotga interfaol usullarni kiritish orqali erishiladigan muvofaqiyotlarni ko'rib chiqish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz. Masalan: AQSh Milliy trenning markazining ma'lumotiga ko'ra;

Birinchidan, interfaol usul o'quvchining ongiga, tuyg'usiga, irodasiga ta'sir ko'rsatib, tafakkurini oshiradi.

Ikkinchidan, dars usullarida o'zlashtirish quyidagicha: Ma'ruza usulida 5%, o'zicha o'qish 10%, audio-video orqali o'qish 20%, ko'rgazma-namoyishlar orqali o'qish 30%, bahs-munozara orqali o'qish 50%, Kichik guruhlariga bo'lib o'qish 60%, o'quv jarayonini amaliyot bilan bog'lash 75%, bir-biri, bola-bolani yakka tartibda o'qitish 90% ekanligini bilgan holda pedagogik texnologiyalarning avfzalik jihatlari keltirib o'tmoqchimiz.

Har-bir mashg'ulotlarida axborot texnologiyalari va kompyuter dasturlari, didaktik materiallarini qo'llash bilan birga mavzularga mos holda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan: Aqliy hujum, Bir-biridan so'rash, B/BX/B jadvali - Bilaman/ Bilishni ho'xlayman/ Bilib oldim, Venn diagrammasi, Insert va boshqa pedagogik texnologiyalarni qo'llash ta'lim samaradorligini oshirishga hizmat qilmoqda. O'qituvchiga, yuqoridagi texnologiyalarning darslarda qo'llanilishi, katta auditoriyalarda o'quvchilarni kichik guruhlariga bo'lib faoliyat ko'rsatishlarini nazorat qilish imkonini bersa, o'quvchilarga esa kichik guruhlarda ishlash jarayonida muloqot madaniyatini rivojlanishi, o'zaro fikr almashinish, bir-birini tinglash ko'nikmasini shakllantirmoqda.

Biz quyida umumta'lim maktablarida geografiya darsida foydalanish mumkin bo'lgan zamonaviy interfaol usullarning tatbig'i bilan tanishamiz.

"Blits-so'rov" usuli. Mashg'ulotni o'tkazish tartibi. Ushbu usul bir necha bosqichda o'tkaziladi:

- o'qituvchi hamma o'quvchilarga alohida-alohida tarqatma material beradi va ulardan ushbu materialni sinchiklab o'rganishlarini so'raydi;

- o'qituvchi tarqatma material mazmuni va bajariladigan vazifa (tarqatma materialda berilgan harakatlar ketma-ketligini to'g'ri belgilash, belgini qog'ozda alohida ajratilgan bo'limga raqamlar bilan qo'yish kerakligi)ni tushuntiradi;

- tarqatma materialda berilgan vazifa dastlab yakka tartibda bajarilishini ta'kidlaydi;

- har bir o'quvchi o'zining shaxsiy fikri asosida tarqatma materialdagi - yakka baho bo'limiga berilgan harakatlarning mantiqiy ketma-ketligini raqamlar bilan belgilab chiqadi;

- barcha kichik guruhlar o'z ishlarini tugatgach, o'qituvchi harakatlar ketmaketligi bo'yicha to'g'ri javobni beradi, ya'ni o'quvchilardan ularga tarqatilgan qog'ozlardagi - to'g'ri javob bo'limiga u tomonidan aytilgan harakatlar ketmaketligi raqamlarini yozishni so'raydi;

- o'qiyuvchi - to'g'ri javob bo'limida raqamlar bilan - yakka baho hamda-guruh bahosi bo'limidagi raqamlarni solishtirish va kattasidan kichigini ayirish, ayirmalarni mos holda - yakka xato va - guruh xatosi bo'limlariga yozishlarini so'raydi;

- o'qituvchi -to'g'ri javob bo'limida berilgan raqamlar bilan -yakka baho hamda -guruh bahosi bo'limidagi raqamlarni solishtirish va kattasidan kichigini ayirish, ayirmalarni mos holda - yakka xato va - guruh xatosi bo'limlariga yozishlarini so'raydi;

- o'qituvchi yakka va guruh xatolarining umumiy soni bo'yicha tushuncha beradi va ularni har birini alohida-alohida sharhlab beradi;

- o'qituvchi mashg'ulotni yakunlab, ba'zi guruhlarning mashg'ulot mobaynidagi ish faoliyatlariga o'z fikrini bildiradi va o'quvchilarning bilimini ilovadagi mezonlar asosida baholaydi yoki mos kelgan to'g'ri javoblar soniga qarab har bir o'quvchi o'z bahosini ilovada ko'rsatilgandek aniqlaydi.

- Zilzilalar mavzusini mustahkamlash uchun Blits-so'rov (Ekspert varag'i)

Ballar	Guruh bahosi	Guruh xatosi	To'g'ri javob	Yakka xato	Yakka baho	Qisqacha ta'rif	Zilzila kuchi
1	Faqat seysmik asboblardan bilan qayd etiladi	Sezilarli					
2	Ko'pchilik sezmaydi. Sokin vaziyatdagi odamlargina sezadi	Juda kuchsiz					
3	Bino ichidagi ayrim odamlargina sezadi	Kuchsiz					
4	Bino ichidagi odamlarning ko'pchiligi sezadi. Uydagi jihozlar harakatga keladi	Sezil maydi					
5	Bino va mebel tebranadi. Uyqudagilar iug'onib ketadi	Kuchli					
6	Hamma sezadi, ba'zi uylarda suvoqlar ko'chadi	Kuchsiz					
7	Imoratlar shikastlanadi, g'ishtli devorlar yoriladi	Juda kuchli					
8	Imoratlar kuchli shikastlanadi, tog'larda surilmalar yuz beradi	Vayron qiluvchi					
9	Uylar butunlay buzuladi yoki qisman buziladi	O'ta halokatli					
10	Yer yuzida yoriqlar paydo bo'ladi	Yakson et.					

11	Jarliklar hosil bo'ladi	Halokatli					
12	Yer ko'rinishi - relyefi o'zgaradi	O'ta vayron q.					

7-8 ta tog'ri javob – “Qoniqarli”

9-10 ta to'g'ri javob –“Yaxshi”

11-12 ta to'g'ri javob –“A'lo”

Javoblar varianti

Ballar	Guruh bahosi	Guruh xatosi	To'g'ri javob	Yakka xato	Yakka baho	Qisqacha ta'rif	Zilzila kuchi
1	4	Faqat seysmik asboblar bilan qayd etiladi	Sezi larli				
2	2	Ko'pchilik sezmaydi. Sokin vaziyatdagi odamlargina sezadi	Juda kuch siz				
3	3	Bino ichidagi ayrim odamlargina sezadi	Kuch siz				
4	1	Bino ichidagi odamlarning ko'pchiligi sezadi. Uydagi jihozlar harakatga keladi	Sezil maydi				
5	6	Bino va mebel tebranadi. Uyuqdagilar iug'onib ketadi	Kuchli				
6	5	Hamma sezadi, ba'zi uylarda suvoqlar ko'chadi	Kuch siz				
7	7	Imoratlar shikastlanadi, g'ishtli devorlar yoriladi	Juda kuchli				
8	8	Imoratlar kuchli shikastlanadi, tog'larda surilmalar yuz	Vay ron qiluv				

		beradi	chi				
9	12	Uylar butunlay buziladi yoki qisman buziladi	O'ta halo katli				
10	10	Yer yuzida yoriqlar paydo bo'ladi	Yak son et.				
11	11	Jarliklar hosil bo'ladi	Halo katli				
12	9	Yer ko'rinishi – relyefi o'zgaradi	O'ta vay ron q.				

Ushbu usul dars jarayoniga tatbiq etilsa, albatta o'zining samarali natijasini beradi.

Yuqoridagi ta'lim jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalar qo'llanilishi natijasida o'quvchilar mustaqil izlanuvchan, fikrlarini qo'rqmasdan mazmunli ifodalashni, o'zlariga bo'lgan ishonchni ortiribgina qolmasdan ba'liki ilmiy ijodiyot olib borish ko'nikmasiga tayyorlanadilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Nishonov A.X. va boshqalar. Ta'limda erkin va ochiq kodli dasturiy ta'minotlar, Axborot texnologiyalari va telekommunikasiya muammolari, respublika ilmiy-texnik konferensiyasi, Toshkent 2012 y.121-123 b.
2. R.Ishmuhamedov., M.YUldashev. Ta'lim va tarbiyada innovasion pedagogik texnologiyalar.-T.: "Nihol nashryoti, 2013 yil 278 bet.

Elektron ta'lim resurslari

1. www.uzedu.uz – O'zbekiston Respublika Xalq ta'lim vazirligi rasmiy sayti.
2. www.ziyounet.uz - Ziyonet axborot ta'lim portali.

UCHBURCHAK ICHIDAGI IXTIYORIY NUQTADAN UCHBURCHAK UCHLARIGACHA BO'LGAN MASOFAGA KO'RA ELEMENTLARINI TOPISH

*N.Shamsiddinov, O.Yusopov,
TDTU akademik litsey o'qituvchisi, shnb1974@mail.ru*

Bizga ma'lumki muntazam uchburchakning ichidan olingan ixtiyoriy nuqtadan uchburchak tomonlarigacha yoki muntazam uchburchakning burchak uchlarigacha bo'lgan masofalar orqali mutazam uchburchakning qolgan elementlarini topish masalasi ko'


rpchilikka muammo tug'diradi.

1-masala. Agar muntazam uchburchakning ichidan olingan ixtiyoriy nuqtadan uning tomonlarigacha bo'lgan masofalar mos ravichda n , m va k sonlarga teng bo'lsa, u holda muntazam uchburchakning balandligi shu sonlar yig'indisiga teng bo'ladi, ya'ni (bu yerda O – berilgan nuqta)

$$NO = n, MO = m \text{ va } KO = k$$

$$h = n + m + k.$$

Isbotlash uchun uchburchakning yuzini S , tomonini a va balandligini h deb belgilasan, u holda $S = \frac{a \cdot h}{2}$ ga tengligi ma'lum.




Berilgan O – nuqtani uchburchak uchlari bilan tutashtirib, ΔAOB , ΔAOC va ΔBOC uchburchaklarni hosil qilamiz. Bu uchburchaklarning yuzalari yig'indisi S ga teng. $S = S_{AOB} + S_{AOC} + S_{BOC}$.

$$\text{Bu yerda } S_{AOB} = \frac{AB \cdot n}{2}, S_{BOC} = \frac{BC \cdot m}{2} \text{ va } S_{AOC} = \frac{AC \cdot k}{2}.$$

$$S = \frac{AB \cdot n}{2} + \frac{BC \cdot m}{2} + \frac{AC \cdot k}{2} = \frac{AB}{2}(n + m + k) = \frac{a \cdot h}{2}.$$

Muntazam uchburchakda $AB = AC = CB = a$ bo'lgani uchun, $\frac{a}{2}(n + m + k) = \frac{a \cdot h}{2}$ va natijada $n + m + k = h$ hosil bo'ladi. Bundan muntazam uchburchakning tomoni $BC = \frac{2\sqrt{3}}{3}(n + m + k)$ ga teng ekani kelib chiqadi.

2-masala. Agar muntazam uchburchakning ichidan olingan ixtiyoriy nuqtadan uning uchlarigacha bo'lgan masofalar mos ravichda n , m va k sonlarga teng bo'lsa, u holda muntazam uchburchakning tomonini topish masalasini ko'rib chiqaylik. Berilgan O – nuqtani uchburchak uchlarigacha masofalar $AO = n$, $BO = m$ va $CO = k$ bo'lsin.




Uchburchakning C uchini o'zgartirmasdan uchburchakni 60° ga buramiz. Uchburchak ichidan olingan O nuqta O_1 nuqtaga o'tadi va $\angle OCO_1 = 60^\circ$ ga teng, bundan ΔOCO_1 tomoni k ga teng

muntazam uchburchak hosil bo'ladi. $\angle BO_1O = \alpha$ deb belgilasak, ΔBO_1C uchun kosinuslar teoremasi

$$BC^2 = n^2 + k^2 - 2nk \cos(60^\circ + \alpha) \quad (1)$$

hosil bo'ladi.



$$\cos(60^\circ + \alpha) = \cos 60^\circ \cos \alpha - \sin 60^\circ \sin \alpha = \frac{1}{2} \cos \alpha - \frac{\sqrt{3}}{2} \sin \alpha.$$

(1) tenglikda α noma'lum bo'lganligi uchun uni ΔOBO_1 dan foydalanib topamiz:

$$m^2 = n^2 + k^2 - 2nk \cos \alpha, \quad \cos \alpha = \frac{n^2 + k^2 - m^2}{2nk}. \quad (2)$$

$$\text{Bundan } \sin \alpha = \sqrt{1 - \left(\frac{n^2 + k^2 - m^2}{2nk} \right)^2} = \sqrt{\frac{(2kn - n^2 - k^2 + m^2)(2kn + n^2 + k^2 - m^2)}{(2kn)^2}},$$

$$\sin \alpha = \frac{\sqrt{(m^2 - (k - n)^2)((k + n)^2 - m^2)}}{2nk}. \quad (3)$$

(2) va (3) tenglikni (1) ga keltirib qo'ysak

$$BC^2 = n^2 + k^2 - 2nk \left(\frac{1}{2} \frac{k^2 + n^2 - m^2}{2kn} - \frac{\sqrt{3}}{2} \frac{\sqrt{(m^2 - (k - n)^2)((k + n)^2 - m^2)}}{2nk} \right),$$


$$BC^2 = \frac{1}{2} \left(\sqrt{3(m^2 - (k - n)^2)((k + n)^2 - m^2)} + k^2 + n^2 + m^2 \right) \quad (4)$$

tenglik hosil bo'ladi. Bu esa berilgan muntazam uchburchakning tomonini topish formulasi.

Endi bizga berilgan n , m va k sonlar Pifagor teoremasini qanoatlantiradigan sonlar bo'lsa, keltirgan formulamiz quyidagi ko'rinishga keladi:

$$\sin \alpha = \frac{m}{k}, \quad \cos \alpha = \frac{n}{k} \quad \text{va} \quad \cos(60^\circ + \alpha) = \frac{1}{2} \cos \alpha - \frac{\sqrt{3}}{2} \sin \alpha = \frac{1}{2} \frac{n}{k} - \frac{\sqrt{3}}{2} \frac{m}{k}.$$

$$BC^2 = n^2 + k^2 - 2kn \left(\frac{n}{2k} - \frac{\sqrt{3}m}{2k} \right) = n^2 + k^2 - n^2 + \sqrt{3}nm.$$



Bundan berilgan uchburchakning tomoni $BC^2 = k^2 + \sqrt{3}nm$ ga teng bo'ladi. Berilgan muntazam uchburchakning balandligi

$$h = \frac{\sqrt{3}}{2} \sqrt{k^2 + \sqrt{3}nm}, \quad \text{yuzasi}$$

$$S = \frac{\sqrt{3}}{4} BC^2 = \frac{\sqrt{3}}{4} (k^2 + \sqrt{3}nm) \quad \text{ga teng bo'ladi.}$$

3-masala. Muntazam uchburachak ichidan olinga O nuqtadan uchburchakning uchlarigacha bo'lgan masofalar mos ravishda 3, 4 va 5 ga teng bo'lsa, uchburchak perimetrini toping.

Yechish: Berilgan masofalarni $k = 5$, $n = 4$, va $m = 3$ deb belgilash kiritsak, u holda $a^2 = k^2 + \sqrt{3}nm$ formulaga ko'ra muntazam uchburachak tomonining uzunligi $a = \sqrt{25 + 12\sqrt{3}}$ ga teng bo'ladi. Bundan muntazam uchburachakning perimetri $P = 3a = 3\sqrt{25 + 12\sqrt{3}}$ ga teng.

4-masala. Muntazam uchburachak ichidan olinga O nuqtadan uchburchakning uchlarigacha bo'lgan masofalar mos ravishda $2\sqrt{21}$, 3 va $5\sqrt{3}$ ga teng bo'lsa, uchburchakka ishki chizilgan aylana radiusini toping.

Yechish: Berilgan masofalarni $k = 2\sqrt{21}$, $n = 3$, va $m = 5\sqrt{3}$ deb belgilash kiritsak, u holda $a^2 = k^2 + \sqrt{3}nm$ formulaga ko'ra muntazam uchburachak tomonining uzunligi $a = \sqrt{84 + 45} = \sqrt{129}$ ga teng bo'ladi. Bundan muntazam uchburachakka ichki chizilgan aylananing radiusi $r = \frac{\sqrt{3}}{6}a = \frac{\sqrt{3}}{6}\sqrt{9 + 20\sqrt{3}}$ ga teng.

5-masala. Muntazam uchburachak ichidan olinga O nuqtadan uchburchakning uchlarigacha bo'lgan masofalar mos ravishda 7, 8 va 13 ga teng bo'lsa, uchburchakning yuzini toping.

Yechish: Berilgan masofalarni $k = 7$, $n = 8$, va $m = 13$ deb belgilash kiritsak, u holda bu sonlar Pifagor teoremasini qanoatlantirmaganligi uchun (4) formuladan foydalanamiz. Bunda muntazam uchburachakning tomoni $a = 15$ ga teng bo'ladi. U holda uchburchakning yuzasi $S = \frac{\sqrt{3}}{4}a^2 = \frac{\sqrt{3}}{4}225$ ga teng.

Adabiyotlar:

1.Понарин Я.П. Элементарная геометрия в 2т. Т.1. Планиметрия_2004 -312с

2.Alixonov S. Matematika o'qitish metodikasi.T.:TAFAKKUR-BO'STONI 2011.385 b.
3.Saparboyev J., Davletov D. Geometriya o'qitishda o'quvchilarning fazoviy tasavvurlarini rivojlantirish// PEDAGOGIKA ilmiy-nazariy va metodik jurnal 3/2018 (82-88 betlar)

BOSHLANGICH SINF O'QUVCHILARINING NAZORAT ISHLARIDA UCHRAYDIGAN IMLOVIY XATOLARNING TURLARI VA ULARNI BARTARAF ETISH YO'LLARI

Mamataliyeva Gulnoza - Surxondaryo viloyati XTXQT va UMOHM "Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim" kafedra katta o'qituvchisi

Orfografiya o'qitishda o'quvchilarning savodxonlik darajasini o'rganish, ularning orfografik va punktasion xatolarini tuzatish, ularni hisobga olish va baholash, xatolarni tugatish usullari alohida o'rin tutadi.

Maktabda o'tkaziladigan barcha turdagi yozma ishlar o'quvchilarning savodxonligini aniqlash vositasi hamdir. Binobarin o'quvchilarning savodxonligini aniqlashda yozma ishlarning hamma turlaridan foydalanish mumkin.

O'quvchilarning orfografik malakasi haqida tasavvur ta'sir qilish uchun ko'proq nazorat diktant, hamda insho va bayonlardan foydalanish tavsiya etiladi.

O'qituvchi o'quvchilarning yozgan ishini tekshirib, xatolarini tuzatib bormasa, o'quvchi keyingi mashqlarni bajarishga qiziqmaydi, bajarsa ham, xatolarga beparvo qaraydi. O'quvchi o'zining har qanday yozma ishi o'qituvchining e'tiborida bo'lishini sezib turishi kerak. Bu o'quvchiga ilmiy oziq beradi.

Xatolarni tuzatishga o'quvchilarning o'zini ham jalb qilish mumkin. Lekin bu yozma ishning harakteriga bog'liq. Sinfda bajariladigan mashqlar ko'pincha sinfning o'zida o'qituvchi rahbarligida tekshiriladi. Bunda o'quvchi o'z yozganlarini tekshiradi, xatolarini tuzatadi, yoki partada o'tirgan ikki o'quvchi daftarlarini almashtirib, bir-birlarining yozganlarini kuchlari yetganicha tekshiradilar. Bunda o'quvchilarning savodxonlik darajasi inobatga olinadi.

Nazorat harakteridagi ishlar o'qituvchi tomonidan tekshiriladi.

Uyda bajariladigan mashqlar ham tekshirilishi mumkin. Bu quyidagicha bo'ladi:

- A) parta ustiga qo'yilgan daftarni tekshirib chiqish;
- B) biror o'quvchini doskaga chiqarib, unga yozganini o'qitib izohlatish;
- V) har bir gapni navbat bilan o'qitish, yozilishini so'zlatish.

Ko'chirib yozilgan mashqlar, grammatik-orfografik tahlillar mana shu usul bilan tekshirilishi mumkin. Lekin bu o'quvchilar daftarini to'liq tekshirish imkonini bermaydi, shuning uchun daftarlar har ikki uch soat dars o'tilganidan so'ng yig'ishtirib olinib, darsdan so'ng yoki uyga olib ketib tekshirib chiqilishi kerak.

Xatolarni qanday tuzatish kerak?

Xato tuzatish ham ijobiy harakterdagi ishlar jumlasiga kiradi. Maktabda xatolarni tuzatishning xato yozilgan harflar ustidan qizil siyoh bilan chizib, tepasiga to'g'risini yozib qo'yish usuli keng tarqalgan. Lekin bu usulni

hamma vaqt ham samarador deb bo'lmaydi. Agar o'quvchi o'zbekcha so'zlarda (tala-dala) yoki faol lug'atda o'tib ketgan ruscha, forscha va arabcha so'zlarda (maktab-maktab), (g'isht-g'ish), (ruchka-ro'chka), (stol-istol) xato qilsa va bu xatolarni tez payqab olish uquviga ega bo'lsa, harfni o'chirib, to'g'risini ustiga yozib qo'yish usulidan foydalanish mumkin. Imlosi qiyin so'zlarda (vzvod-vzvot; muzaffar-muzafar kabi) xatoga yo'l qo'yilgan bo'lsa va psixologik tomondan ana shu so'zlarning fotokopiyasini o'quvchi o'z ongida aks ettirish kerakligi e'tiborga olinsa, xato yozilgan so'zni qizil rang bilan o'chirib, ustiga to'g'ri shakli yoziladi.

Xato grammatik formada bo'lsa, harf emas, forma o'chiriladi yoki uning ostiga chiziladi: qurildi-quruldi, kulib-kulub. Chunki o'quvchi qaysi formada xato qilganini o'zi aniqlashi kerak. Ba'zi uslubchilar xatolarni o'qituvchi tuzatsa, o'quvchilar mustaqil ishlardan xoli qilib qo'yiladi deb, bu usulni qoralaydilar. Bu fikr to'g'ri deb bo'lmaydi, chunki tuzatishning bu usuli ham o'quvchilarni mustaqil ishlashga undaydi: o'quvchi maktab degan so'zda b o'rninga p yozgan bo'lsa, o'qituvchi uni tuzatib, o'quvchida shu qoidaga mos keladigan bir qancha so'zlar (kitob, bob, to'lib, o'qib, ayab, boylab) topishni vazifa qilib beradi. Lekin xato tuzatishning bu usulini yagona usul deb ham bo'lmaydi. Ayrim xollarda xato tuzatishning ko'proq mustaqil ishlashini talab qiladigan usullaridan ham foydalanish mumkin. Xatoni to'g'irlamasdan chizib qo'yish, xato yozilgan harfning yoki shu harfni o'z ichiga bo'g'in yoki so'zning tagiga chizib qo'yish, qaysi qatorda xato qilingan bo'lsa, o'sha qator hoshiyasiga belgi qo'yish ham xato tuzatish usullaridir. Lekin xato tuzatishda bu usullar aralash qo'llanmasligi kerak. Bunda o'quvchilarning yosh xususiyati, qoidaning sodda yoki murakkabligi, o'quvchilarga o'zlashish, ularni mustaqil ishlashga yo'llash darajasi hisobga olinishi kerak.

Orfografiya o'qitish tizimi butunicha imlo xatolarining oldini olishga qaratilgan. Yozilishi qoida bilan izohlanadigan orfogrammalarda bo'ladigan xatolarning oldini olish uchun bunday so'zlarni doskaga yozib, ularning yozilishiga o'quvchilarning diqqatini jalb qilinadi: Masalan, b tovushining yozilishida xato bo'lmasligi uchun, o'qituvchi b va p tovushli bir qancha so'zlarni doskaga yozib, ularning imlosini esda saqlab qolish kerakligini ogohlantiradi. Xatolarning oldini olishda turli ko'rgazma va jadvallardan ham foydalaniladi. Ko'rgazmalar mavzuga doir yoki umumiy bo'lishi mumkin. Mavzuga doir ko'rgazmani ma'lum qoida, masalan b undoshi, jarangli-jarangsiz tovushlar, x va h undoshlari bo'yicha tayyorlab, sinf devorida osib qo'yiladi. Ko'rgazma umumiy bo'lganda, unga o'quvchilar ko'p xato qiladigan va har xil qoidaga xos so'zlar kiritiladi. Ko'rgazma o'z vazifasini o'tab bo'lguncha, ya'ni undosh tovushlarning yozilishida o'quvchilar xato qilmaydigan bo'lgunga qadar sinf devorida osig'liq turishi mumkin.

Xatolarni oldini olishda «Lug'at doskasi» dan ham keng foydalanish mumkin. Orfografik xatolarni oldini olish talaffuzni kamsitish hisobiga bo'lmasligi kerak: imlosi qiyin so'zlarni bo'g'inma-bo'g'in, harfma-harf aytib berishga aslo yo'l qo'yimaslik lozim. Maktabda ona tilidan olib boriladigan ishlarning hammasi deyarli orfografiya o'qitishni yaxshilashga bo'ysundiriladi.

Xatolar ustida o'quvchining o'zi ham ishlaydi. Bunda o'quvchilarni o'zlariga xatolarining sabablarini yozma va og'zaki izohlatish, qaysi qoidada xato qilingan bo'lsa, unga mos so'zlar toptirish qoidani takrorlatish usulidan keng foydalanish mumkin. Ba'zi o'quvchilar xato yozilgan so'zlarni bir necha bor yozdirish usulidan ham foydalanadilar. Lekin bu hamma vaqt ham samarali natijani beravermaydi. Bu usuldan yozilishi ma'lum qoida bilan izohlanmaydigan so'zlarni to'g'ri yozishga o'rgatishda foydalanish mumkin. O'quvchilardan vaqti-vaqti bilan qaysi qoidalarda xatoga yo'l qo'yganini, buni tuzatish sohasida nimalar qilinganligini so'rab turish mumkin. Ba'zan bir o'quvchining daftarini ikkinchi o'quvchiga tekshirtirish usulidan ham foydalaniladi. Bu o'quvchilarning qiziqishini ortiradi. Shunday hollar ham bo'ladiki, o'quvchi o'zi ma'lum so'zni xato yozadi-yu, lekin o'rtoq'ining daftarida shunday yozilgan so'zning xato ekanligini topadi. Shunga extiyot bo'lishi kerakki, o'quvchilar o'rtoqlarining xatolarini tuzutaman deb, boshqa xatoga yo'l qo'ymasinlar, daftarlarni bekorga bo'yamasinlar. O'quvchi u yoki bu so'zning xato yozilganligiga to'la ishonsagina, uni to'g'irlash kerakligini anglasin.

O'quvchilar daftar tekshirayotganda, o'qituvchi sinfda aylanib yurib ayrim o'quvchilarga maslahat beradi. Tekshirish uchun berilgan muddat tugagach, o'quvchilar topgan xatolarini aytadilar. O'quvchi xato yozilgan deb hisoblagan so'zini, alohida qog'ozga yozadi, oxirida o'qituvchi ishtirokida buni aniqlab, keyin uni tuzatadi.

Xatolarni tuzatishda o'quvchining uyida mustaqil ishlashi juda katta ahamiyatga molikdir. Yo'l qo'yilgan xato bilan bog'liq qoidani o'qib kelish, unga mos mashqni bajarish, lug'at ustida ishlashning natijasi beqiyos kattadir.

O'quvchi ko'p xato qilib, past baho olaversa, ruhiy tushkunlikka tushib savodlilikka bo'lgan ishonchini yo'qotib qo'yishi mumkin. Bunday xol yuz bermasligi uchun o'qituvchi o'quvchining ruhini ko'tarishi, savodli bo'lib ketishga ishonch hosil qilishi, uning irodasini tarbiyalashi, unda orfografik mashg'ulotlarga qiziqish uyg'otishi kerak. Ko'p xato qiladigan o'quvchilar bilan ishlash tizimi bunday o'quvchilarning orfografik malakasiga bog'liq bo'lib, yakka yondashuvni talab qiladi. Ko'p xato qiladigan o'quvchilar bilan ishlashni ayrim qoidalarni so'rashdan boshlagan ma'qul. Ma'lum bir qoidaning mustahkam o'zlashganligi haqida ishonch hosil qilgach, navbatdaxisiga o'tiladi. Shu asosda mashg'ulot asta- sekin murakkablashib boradi.

Mana shu yo'l bilan ko'p xato qiladigan o'quvchilar orfografiyani puxta o'zlashtirib boruvchi o'quvchilar bilan tenglashtiriladi. Ish jarayonida o'quvchining bu sohada erishgan yutuqlarini uni o'ziga sezdirish, buning sabablarini birga muhokama qilish ham muhimdir.

Odatda, yosh bola oilada ota-ona tili (dialekti) da so'zlashni o'rganadi. Maktabda esa adabiy tilni egallay boshlaydi. Adabiy til unga odatdagi tilidan boshqacharoq tuyuladi. Shu bilan birga o'quvchilar maktabda mahalliy shevada ham gaplashadilar. Hatto shunday hollar ham bo'ladiki, o'quvchilar maktabda, o'qituvchi oldida adabiy tilda gaplashishga harakat qilsa ham, boshqa sharoitda o'z mahalliy shevasida gaplashishini davom ettiradi, bu hol oqibatda o'quvchilarni yozma ishlarga ta'sir etadi. Ayrim dialektal xatolarni tugatish uchun maxsus mashqlar

o'tkazish ham tavsiya qilinadi. Bunda yozma ishlarning ijodiy diktant turidan yoki ko'chirib yozish usulidan foydalaniladi. Masalan, ko'pchilik qaysi qoidada dialektal xato qilgan bo'lsa, uni orfografik jihatdan to'g'rilab doskaga yoziladi. Buning talaffuzi bilan yozilishi qiyos qilinadi. Keyin bu to'g'irlangan so'z ishtirokida matnlar, jumlar tuzdiriladi. Umuman, dialektal xatolarni tugatish o'qituvchidan turli usullardan foydalanishni talab qiladi. Boshlang'ich sinf o'qituvchisi har darsda o'tilayotgan mavzuni o'qichilarni dialektal xatolarini yo'qotish, ularni to'g'ri talaffuz qilishga o'rgatish bilan bog'laydilar. Talaffuzi qiyin bo'lgan so'zlarning dialektal shakli bilan adabiy talaffuzdagi shakli qiyoslangan jadvallar tuzish muhim ahamiyatga egadir.

Punktasion xatolar va ularni bartaraf etish yo'llari. Tinish bulgilarini qo'llashda turli xil usullar bor:

1. Tinish belgilarining qo'yilishi ohang usuli asosida belgilanadi.
2. Tinish belgilarining qo'yilishi faqat mantiq va sintaktik asosda belgilanadi.

Xato yozishdagi asosiy muammolar: Diktantda yo'l qo'yilgan xato o'quvchi yoshi va sinfidan kelib chiqib, u bilishi zarur deb qaralgan biror mavzuni yaxshi o'zlashtirmagan yoki tushunmaganini bildiradi. Qolaversa, o'quvchi yo'l qo'yayotgan xatoga qarab, uning nutqiy rivojlanish darajasi va muammoli jihatlari haqida xulosa chiqarish mumkin. Tovushlarni almashtirib yoki xato gapiradigan bola, albatta, diktantda ham o'sha so'zlarni xato yozadi. Tazyiq ostida bo'lib, kimdandir yoki nimadandir muntazam qo'rqib yurgan o'quvchi ham so'zlarning oxiridagi harflarni qoldirib ketadi. Xullas, imlo masalasi doimo dolzarb va jiddiy bo'lib kelgan. Shu bois, u pedagogikada hal etilishi shart bo'lgan muhim masalalardan biri hisoblanadi. Mutaxassislar imloviy savodxonlikni shakllantirish uchun imlo qoidalari ustida muntazam ishlab, bir qator ta'limiy diktantlarni o'tkazishni va o'quvchilarning imloviy savodxonlik darajasini muntazam tekshirib, tahlil qilib borishni maslahat beradi. Ammo ular ustida ishlashdan oldin o'qituvchi o'quvchilar yo'l qo'yayotgan xatolarni guruhlashtirib olishi zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ismoilov T.J. O'quvchilarning ijodkorlik qobiliyatlarini rivojlantirish texnologiyasi // "Uzluksiz ta'lim" jurnali. № 1 son.
2. Qo'shinova R. O'quvchilarning ijodkorlik qobiliyatlarini o'stirishida mustaqil fikrlashning o'rni. // "Xalq ta'limi" jurnali № 3 son.
3. Rajabboyeva I. Ta'lim samaradorligini oshirishda interfaol metodlarning o'rni. // "Til va adabiyot ta'limi" jurnali. № 1 son.
4. Turg'unov S. O'quvchilarning mustaqil fikrlash tafakkurini shakllantirish va rivojlantirish vositalari // "Uzluksiz ta'lim" jurnali. № 2 son.
5. Qilichiyev E. Yozma ishlardagi hatolarni aniqlash va ularning tasnifi haqida. // "Til va adabiyot ta'limi" jurnali, № 4 son.

Internet ma'lumotlari:

1. WWW.referet.uz
2. WWW.pedagog.uz
3. WWW.ziyoNET.uz

BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA ADABIY NUTQIY KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

*Mamatkulova Nigora Sherbekovna
Sirdaryo VXTHQTMOHM katta o'qituvchisi
Erbekova Gulchehra Sherbekovna
Boyovut tuman 46-umumta'lim maktabining
boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Darslarda ilg'or pedagogik texnologiyalaridan foydalanish orqali o'qituvchi nazariy ma'lumotlarni berish bilan bir qatorda, o'quv materiallarini zamonaviy texnika vositasida namoyish etish imkoniyatiga ega bo'ladi. Ilg'or pedagogik texnologiyalar individual ta'sir etadigan usul sifatida boshlang'ich sinf o'quvchilarining har tomonlama rivojlanishi, ma'naviy-axloqiy sifatlarining shakllanishi, mustaqil fikr yuritish, ijodkorlik faoliyatining rivojlanishi va o'zlashtirishda yuqori samaradorlikka erishishini belgilab beradi.


«Sinkveyn» so'zi beshlik degan ma'noni anglatadi, ba'zan «oq she'r» - qofiyasiz she'r deb ham nomlanadi. Biror so'zning beshta sifat xususiyati tavsiflanishi zarur. O'quvchilarga mavzuning kalit so'zlari beriladi. Har bir o'quvchi alohida qog'oz varag'iga ushbu so'zning xususiyatlarini yozaadi. Ular shaxs va narsa nomi, belgisi, harakatini bildirgan so'zlar ham bo'lishi, shuningdek, ijobiy yoki salbiy jihatini aks ettirishi mumkin. Har bir qatorga yozilgan so'zlar bitta gap hisoblanib, u keng ma'noni o'ziga qamrab oladi.

“Tinchlik” soʻziga sinkveyn tuzish.

- Tinchlik
- Farovon,barhayot.
- Rivojlanadi,oʻsadi,taniladi.
- Tinchlik uchun kurashish kerak.
- Osoyishtalik.

Natija: berilgan soʻzning maʼnosi 5 qatorda ochib beriladi va oʻquvchilar toʻliq maʼlumotga ega boʻladilar, maʼnodosh soʻzlar oʻrganiladi hamda «Ona tili» fani bilan oʻzaro bogʻliqliligi taʼminlanadi. Venn diagrammasi grafik koʻrinishda boʻlib, ikki va undan ortiq aylananing kesishmasidan hosil boʻladi. Ikki va undan ortiq predmet (koʻrinish, fakt, tushuncha) tahlil qilinadi va oʻrganiladi. Olingan natijalarni umumlashtirib, ulardan bir butun xulosa chiqariladi.

Mavzu: “Toshbaqa va quyon”



Natija: bilimlarni mustahkamlashda qoʻllaniladi. Doiralarda ikkita xususiyat yoki farqlarni taqqoslash orqali oʻquvchilarning bilimlari shakllanadi va aniq maʼlumotga ega boʻladilar.

Yozuv taxtasi uch ustunga ajratiladi. Birinchi ustunga - «Bilaman», ikkinchisiga - «Bilib oldim», uchinchi ustunga esa «Bilishni xohlayman» degan soʻzlar yoziladi. Soʻngra oʻqituvchi oʻquvchilardan mavzu yuzasidan qanday maʼlumotlarga ega ekanliklarini soʻraydi va bildirilgan fikrlarni «Bilaman» nomli ustunga yozib qoʻyiladi. Keyingi bosqichda oʻquvchilar mavzuga oid matn bilan tanishib chiqqandan soʻng, fikr yuritishadi hamda mavzuga oid yana qanday maʼlumotlarni oʻzlashtirganliklarini «Bilib oldim» nomli ustunga yozib boriladi. Soʻnggi bosqichda oʻqituvchi oʻquvchilardan yangi mavzu boʻyicha qanday maʼlumotlarni oʻzlashtirish istagida ekanliklarini soʻraydi va bildirilgan fikrlar «Bilishni xohlayman» ustuniga yoziladi.

Natija: oʻquvchilarning oʻtilgan mavzularm yodga olishiga, mantiqan fikrlab, berilgan savollarga mustaqil ravishda toʻgʻri javob berishiga va oʻz-oʻzini baholashiga erishiladi.

«T-chizma» usuli. T-chizma munozara vaqtida qoʻshaloq javoblar (haGʻyoʻq, tarafdorGʻqarshi) yoki taqqoslash, zid javoblarni yozish uchun universal grafik-organayzer hisoblanadi. Masalan, qish fasli haqidagi matn oʻqilganidan soʻng, oʻquvchilar T-chizmani chizib, uning chap tomoniga qish faslining afzalliklarini berilgan vaqt davomida koʻrsatib berishadi. Soʻngra shuncha vaqt ichida bu fikrga qarshi boʻlgan fikrlarni, yaʼni qish faslining salbiy tomonlarini koʻrsatib oʻtishadi.

Kim?	Nima?
Oʻqituvchi Ishchi Oʻquvchi Shifokor Quruvchi Haydovchi	yogʻ Soat Suv Daraxt Bolta gul

Natija: oʻquvchilarda tanqidiy mushohada rivojlanadi, shaxs, narsa yoki hodisalarning ijobiy hamda salbiy tomonlari yoritiladi, munosabat shakllanadi, bilimlar mustahkamlanadi.

GRAFIK OBYEKTLAR VA ULARNI KOMPYUTERDA TASVIRLASH USULLARI

Djumoboyeva Yanglish Egamnazarovna
SVQTHQTMOHM
“Tabiiy va aniq fanlar metodikasi” kafedrasida
katta o‘qituvchisi

“Bilimli avlod-buyuk kelajakning, tadbirkor xalq-faravon hayotning, do‘stona hamkorlik esa taraqqiyotning kafolaridir”

Shavkat Mirziyoyev

Inson tashqi dunyo haqidagi axborotning asosiy qismini ko‘zlari yordamida qabul qiladi. Ko‘rish tizimi turli obyektlarning tasvirini qabul qilib oladi. Ular yordamida insonda tashqi muhit va undagi obyektlar haqida tasavur paydo bo‘ladi.

Obyektlarning tasvirini yaratish, ularni saqlash, qayta ishlash va tasvirlash qurilmalarida tasvirlab berish kompyutering eng qiyin va asosiy masalalaridan biridir. Kompyuterga hech qanday topshiriq berilmaganda, ya‘ni bekor turganida ham ekranida ko‘rinishi kerak bo‘lgan tasvimi sekundiga o‘nlab marta qayta ishlab ko‘rsatadi.

Kompyutering ekranida paydo bo‘ladigan tasvirlar uning **videokarta** deb ataluvchi qurilmasi yordamida yaratiladi va ekranga chiqariladi. Videokartalar uchun maxsus **videoprotssessorlar** ishlab chiqariladi. Videoprotssessorlar kompyutering asosiy protssessorini murakkabligi va hisoblash ishlarini bajarish tezligi bo‘yicha ortda qoldirib ketgan.

Kompyuter ekranida tasvir qanday yaratilishi bilan tanishib chiqamiz. Kompyutering ma‘lumotlarni elektron ko‘rinishda tasvirlash qurilmasi **monitor** (monitor – kuzatish, nazorat) deb ataladi.

Kompyuterda bo‘layotgan jarayonlarni monitor orqali kuzatish mumkin. Monitorning tasvirlar ko‘rsatiladigan qismi, ya‘ni ekрани **displey** (display – tasvirlamoq) deb ataladi. Hozirgi paytda alohida korpusda yig‘ilgan tasvirlash qurilmalari kompyuter monitori, kompyuter bilan birga joylangan tasvirlash qurilmalari (masalan, noutbuk, planshet hamda telefonlarda) displey deb atalmoqda.

Displey to‘g‘ri to‘rtburchak ko‘rinishida bo‘lib, uning tomonlari nisbati odatda 16 ga 9 kabi bo‘ladi. Bundan tashqari, displey tomonlari nisbati 16 ga 10, 4 ga 3, 5 ga 4 kabi bo‘lishi ham mumkin. So‘nggi paytda 21 ga 9 nisbatdagi displeylar ishlab chiqarila boshlandi. 16×9 va 16×10 nisbatli displeylar keng, 21×9 nisbatlilari o‘ta keng, 5×4 nisbatlilari kvadrat displeylar deb ataladi.

Piksellar soni bo‘yicha displeylardan keng tarqalganlari va ularning nomlari quyida keltirilgan:

320×240 CGA (**Color Graphic Adapter** – rangli grafik qurilma);

640×480 VGA (**Video Graphic Adapter** – video grafik qurilma);

800×600 SVGA (**Super VGA**);

1024×768 XVGA (**extended VGA** – kengaytirilgan VGA);

1280×720 HD (**High Definition** – yuqori aniqlik);

1280×800 HD+ (**HD** dan ko‘proq);

1366×768 WXVGA (**Wide XVGA** – keng XVGA);

1440×900 HD++ (**HD** dan yanada ko‘proq);


1600×900 HD+++ (**HD** dan yanada ko‘proq);

1920×1080 FHD (**Full HD** – to‘liq HD);

2560×1440 QHD (**Quadra HD** – to‘rtlangan HD);

3840×2160 4K (4 kilo – to‘rt ming ustun) yoki UHD (**Ultra HD** – o‘ta HD).

Displey ekрани satrlarga va ustunlarga ajratib chiqilgan bo‘lib, har bir qator va ustun kesishgan joyda **piksel** deb ataluvchi juda kichik tasvir bo‘laklari joylashgan. Piksellarning har biri alohida manzilga ega va mustaqil boshqarilishi mumkin. Har bir piksel uchun xotirada bir baytdan to‘rt baytgacha joy ajratilishi mumkin. Demak, har bir piksel 256 tadan 4 milliard gacha bo‘lgan ranglardan birida bo‘lishi mumkin.



Компьютер графикаси faoliyatning shunday turiki, unda kompyuter va maxsus yaratilgan dasturlardan foydalanib, tasvirlar yaratiladi, mavjudlari raqamli ko‘rinishga o‘tkaziladi, qayta ishlanadi, saqlanadi va qulay ko‘rinish- da tasvirlanadi.

Компьютер графикаси o‘tgan asming 70 – 80-yillaridan boshlab ommaviylasha boshladi. Hozirgi kunda kompyuter grafikasi shu qadar rivojlanganki, uning ehtiyojlarini qondirish kompyuter texnikasining jadal rivojlanishining asosiy sabablaridan biri bo‘lib qolmoqda.

Компьютер графикаси ilm-fanga, tijoratga, san‘at va sportga ham tegishli bo‘lib, barcha sohalarda keng qo‘llaniladi. Компьютер графикаси bo‘yicha har yili ko‘plab konferensiyalar o‘tkaziladi, ilmiy jumallar va o‘quv qo‘llanmalar chop etiladi, dissertatsiyalar himoya qilinadi.

Tasvir imkoniyati – bu tasvirning xususiyati bo‘lib, bird yum uzunlikdagi kesmada nechta nuqta tasvirlanganligi (dpi) bilan o‘lchanadi. Bu birlik grafik muharrir yoki skaner yordamida tasvir hosil qilish vaqtida belgilab olinadi. Tasvir imkoniyatining qiymati tasvir faylida saqlanib, tasvirning yana bir xususiyati – haqiqiy o‘lchami bilan bog‘liq bo‘ladi. Tasvirning haqiqiy o‘lchami piksellarda yoki uzunlik o‘lchov birliklari (millimeter, santimetr, dyum)da o‘lchanadi. U tasvir hosil qilish vaqtida belgilanadi va tasvir fayli bilan birga saqlanadi. Agar tasvirni ekranda ko‘rish kerak bo‘lsa, uning o‘lchamini piksellarda ifodalash qulay. Chunki bu holda tasvir ekranning qanday qismini egallashini aniqlash oson bo‘ladi.

Har yili bir necha yuz milliard dollarlik kompyuter grafikasi mahsulotlari ishlab chiqariladi va sotiladi. San‘at durdonalari yaratiladi. Компьютер графикаси asosida yaratilgan elektron o‘yinlar bo‘yicha jahon birinchiliklari o‘tkaziladi va ularda millionlab qatnashchilar ishtirok etadilar.

Компьютер графикаси nimaning tasviri yaratilishiga qarab quyidagi sinflarga ajratiladi: 1) **statsionar** (o‘zgarmas) yoki oddiy grafika; 2) **kompyuter animatsiyasi**; 3) **multimedia**.

Oddiy grafika vaqt o‘tishi bilan o‘zgarmaydigan tasvirlarni yaratish bilan shug‘ullanadi. Ularga misol sifatida rasmlar, fotosuratlar, chizmalarni keltirish mumkin. Компьютер animatsiyasi vaqt o‘tishi bilan o‘zgaradigan tasvirlar yaratadi. Masalan, multafilmlar, videoklip va videoroliklar.

Multimedia mahsulotlari rasmlar va animatsiya bilan birga boshqa turdagi axborotlarni, masalan, ovoz va matnni ham o‘z ichiga oladi. Multimedaning o‘ziga xos jihati uning interfaolligi bo‘lib, unda bir joy dan ikkinchi joyga o‘tish imkoniyati ko‘zda tutilgan bo‘ladi. Multimediyaga yorqin misol sifatida butun olam to‘ri – www ni, undagi www-saytlar va www-sahifalarni keltirish mumkin.

Qaysi sohada ishlatilishiga qarab, grafika quyidagi turlarga ajratiladi:

1. **Ilmiy grafika.** Ilmiy izlanishlar va ularning natijalarini tasvirlash uchun.
2. **Tijorat grafikasi.** Iqtisodiy ko‘rsatkichlar va jarayonlarni yaqqol ko‘rsata bilish uchun xizmat qiladi.
3. **Konstruktorlik grafikasi.** Iqtisodiyot, texnika, qurilish va boshqa sohalarda loyihalash ishlarini osonlashtirish, yaxshilash, jadallashtirish va avtomatlashtirishni ta‘minlaydi.
4. **Ilyustrativ grafika.** Xizmat ko‘rsatishning turli sohalarida bezatish ishlarida foydalaniladi.
5. **Badiiy grafika.** San‘at asarlarini yaratishda keng qo‘llaniladi.

Har bir pikselning rangi qizil, yashil va ko‘k ranglarning turli nisbatdagi aralashmasidir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati

1. N.I.Tayloqov, va boshqalar “Informatika va fchicckce texnologiyalari” 11-sinf darslik “Extpremmum press” Toshkent-2018 yil 4-5 bet.
2. S.I. Raxmonqulova «IBM PC shaxsiy kompyuterlarida ishlash». T.: NMK «Sharq-instar» 1996
3. Ливингстон Б. “Еще о Секретах WINDOWS» 1995
4. A. Axmedov, N. Toyloqov . «Informatika». T. «O‘zbekiston». 2001 y.
5. Sattarov, B. Kurbonboev «Informatika va hisoblash texnikasi asoslari». T.: «O‘qituvchi» 1996
6. Asadulina R. Kuvasoy «Informatika». 2000 y.
7. Polvonov F.Farg‘ona. «Informatika». 2002 y
8. Holmatov T. «Informatika» Toshkent. 2000 y.

ТЕКСТОВАЯ ЗАДАЧА В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ И ПРОЦЕСС ЕЕ РЕШЕНИЯ

А.Б.Низамов

*Гулистанский государственный университет, a.nizamov@mail.ru
старший преподаватель*

Кроме различных понятий, предложений, доказательств в любом математическом курсе есть задачи. В обучении математике младших школьников преобладают такие, которые называют арифметическими, текстовыми, сюжетными. Эти задачи сформулированы на естественном языке (их называют *текстовыми*): в них обычно описывается количественная сторона каких-то явлений, событий (поэтому их часто называют *арифметическими* или *сюжетными*); они представляют собой задачи на разыскание искомого и сводятся к вычислению неизвестного значения некоторой величины (поэтому их иногда называют *вычислительными*).

Решению текстовых задач при начальном обучении уделяется огромное внимание. Связано это с тем, что такие задачи часто являются не только средством формирования многих математических понятий, но и главное - средством формирования умений строить математические модели реальных явлений, а также средством развития мышления детей.

Существуют различные методические подходы к обучению детей решению текстовых задач. Но какую бы методику обучения ни выbral учитель, ему надо знать, как устроены такие задачи, и уметь их решать различными методами и способами.

Любая текстовая задача представляет собой описание какого-либо явления (ситуации, процесса). С этой точки зрения текстовая задача есть словесная модель явления (ситуации, процесса). И, как во всякой модели, в текстовой задаче описывается не все явление в целом, а лишь некоторые его стороны, главным образом, его количественные характеристики. Рассмотрим, например, такую задачу: «Автомобиль выехал из пункта А со скоростью 60 км/ч. Через 2 ч вслед за ним выехал второй автомобиль со скоростью 90 км/ч. На каком расстоянии от А второй автомобиль догонит первый?»

В задаче описывается движение двух автомобилей. Как известно, любое движение характеризуется тремя величинами: пройденным расстоянием, скоростью и временем движения. В данной задаче известны скорости первого и второго автомобилей (60 км/ч и 90 км/ч), известно, что они прошли одно и то же расстояние от пункта А до места встречи, количественную характеристику которого и надо найти. Кроме того, известно, что первый автомобиль был в пути на 2 ч больше, чем второй.

Обобщая, можно сказать, что текстовая задача есть описание на естественном языке некоторого явления (ситуации, процесса) с требованием дать количественную характеристику какого-либо компонента этого явления, установить наличие или отсутствие некоторого отношения между компонентами или определить вид этого отношения.

Рассмотрим еще одну задачу из начального курса математики: «Свитер, шапку и шарф связали из 1 кг 200 г шерсти. На шарф потребовалась на 100 г шерсти больше, чем на шапку, и на 400 г меньше, чем на свитер. Сколько шерсти израсходовали на каждую вещь?»

В задаче речь идет о расходовании шерсти на свитер, шапку и шарф. Относительно этих объектов имеются определенные *утверждения* и *требования*.

Утверждения:

1. Свитер, шапка и шарф связаны из 1200 г шерсти.
2. На шарф израсходовали на 100 г больше, чем на шапку.
3. На шарф израсходовали на 400 г меньше, чем на свитер.

Требования:

1. Сколько шерсти израсходовали на свитер?
2. Сколько шерсти израсходовали на шапку?
3. Сколько шерсти израсходовали на шарф?

Утверждения задачи называют *условиями* (или условием, как в начальной школе). В задаче обычно не одно условие, а несколько элементарных условий. Они представляют собой количественные или качественные характеристики объектов задачи и отношений между ними. Требований в задаче может быть несколько. Они могут быть сформулированы как в вопросительной, так и утвердительной форме. Условия и требования взаимосвязаны.

Систему взаимосвязанных условий и требований называют высказывательной моделью задачи.

Таким образом, чтобы понять, какова структура задачи, надо выявить ее условия и требования, отбросив все лишнее, второстепенное, не влияющее на ее структуру. Иными словами, надо построить высказывательную модель задачи.

Чтобы получить эту модель, надо текст задачи развернуть (сделать это можно письменно или устно), так как текст задачи, как правило, дается в сокращенном, свернутом виде. Для этого можно перефразировать задачу, построить ее графическую модель, ввести какие-либо обозначения и т.д.

Кроме того, вычленение условий задачи можно производить с разной глубиной. Глубина анализа условий и требований задачи зависит главным образом от того, знакомы ли мы с видом задач, к которому принадлежит заданная, и знаем ли мы способ решения таких задач.

Пример. Сформулируйте условия и требования задачи:

Две девочки одновременно побежали навстречу друг другу по спортивной дорожке, длина которой 420 м. Когда они встретились, первая пробежала на 60 м больше, чем вторая. С какой скоростью бежала каждая девочка, если они встретились через 30 с?

В задаче речь идет о движении двух девочек навстречу друг другу. Как известно, движение характеризуется тремя величинами: расстоянием, скоростью и временем.

Условия задачи:

Две девочки бегут навстречу друг другу.

Движение они начали одновременно.

Расстояние, которое они пробежали, - 420 м.

Одна девочка пробежала на 60 м больше, чем другая.

Девочки встретились через 30 с.
Скорость движения одной девочки больше скорости движения другой.

Требования задачи:

С какой скоростью бежала 1-я девочка?

С какой скоростью бежала 2-я девочка?

По отношению между условиями и требованиями различают:

а) определенные задачи - в них заданных условий столько, сколько необходимо и достаточно для выполнения требований;

б) недоопределенные задачи - в них условий недостаточно для получения ответа;

в) переопределенные задачи - в них имеются лишние условия.

В начальной школе недоопределенные задачи считают задачами с недостающими данными, а переопределенные - задачами с избыточными данными.

Большую помощь в осмыслении задачи оказывает другой прием - перефразировка текста задачи. Он заключается в замене данного в задаче описания некоторой ситуации другим, сохраняющим все отношения, связи, качественные характеристики, но более явно их выражающим. Это достигается в результате отбрасывания несущественной, излишней информации, замены описания некоторых понятий соответствующими терминами и, наоборот, замены некоторых терминов описанием содержания соответствующих понятий; преобразование текста задачи в форму, удобную для поиска плана решения.

Литература:

1. Закон республики Узбекистан: «Национальная программа по подготовке кадров» Т., 1997.
2. Аппликационные работы в начальных классах. - М.: Просвещение, 1990. - 192 с.
3. Давыдкина, Л. М. Математика. 3 класс. Тренажер.
4. Математика. 4 класс. Сборник текстовых задач. - М.: ВАКО
5. Родин, И. Задачи по математике. 4 класс / И. Родин. - М.: Книга по Требованию, 2005. - 230 с.

TEKNOLOGIYA DARSLARINI TASHKIL ETISHDA INNOVATSION TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

*Yuldashev Shuxrat Shakirovich - GulDU katta o'qituvchisi
Elabatova Shoxsanam, Qo'shnazarova Nozima - GulDU talabalari*

Mehnat darslarida turli mehnat faoliyat turlaridan foydalanish jarayonida o'quvchilar tomonidan to'planuvchi tajribalarning texnologik operatsiyalarni bajarish sohasidagi bilim va malakalarining muhim asosini tashkil etadi.

Mehnat darslarida o'quvchilar faoliyatining muhim natijasi bu ularning o'rganilayotgan ob'ekt va hodisalarning yangi belgi va xususiyatlarini yanada mustaqil aniqlash, darsdan darsga yanada ham aniqroq va tizimlashtirilib boruvchi xulosalarning chiqarilishidir. Masalan, darslarning birida o'qituvchi o'quvchilar oldiga qog'oz turlarini aniqlash, qog'ozning ko'pgina vazifasiga ega bo'lgan material sifatida umumiy xususiyatlarni hamda qo'llanish va foydalanishning cheksiz miqdordagi shartlarini ta'riflash vazifasini qo'yadi.

O'quvchilar tomonidan bajariluvchi kuzatishlar va tajribalarning muhim natijasi - hayot bilan bog'liqlik, bunda olingan bilim va malakalarning joriy o'quv ishlarida, mehnat darslarida turli buyumlarni tayyorlashda amaliy qo'llanishidir.

Kichik maktab bolalarini nafaqat ko'ra olishga, balki o'tkaziluvchi kuzatishlar maqsadini qo'ya olish, eng oddiy, amalga oshirish mumkin bo'lgan tajribalarni tashkil eta olish, o'z kuzatishlaridan xulosalar chiqara olish va bu xulosalardan mehnat jarayonida foydalana olishga o'rgatish juda muhim.

O'qituvchi tomonidan tashkil etiluvchi ko'rsatishlar, kuzatishlar va tajribalarning ko'p qismi odatda o'quvchilar oldin mashg'ulotlar, suhbatlar, ekran qo'llanmalarini ko'rib chiqish jarayonida o'zlashtirgan o'quv materialini takrorlash, mustahkamlash va umumlashtirish maqsadlariga xizmat qiladi. Bu holda maxsus topshiriqlar va rejalar bo'yicha bajariluvchi kuzatishlar va tajribalar kichik maktab o'quvchilariga ularning bilimlarini tizimlashtirish, ularni to'ldirish va aniqlashtirish, boshqa o'quv fanlari bo'yicha olingan bilimlar bilan bog'lash, bilimlarning amaliy ishini bajarish uchun ahamiyatini aniqlash uchun xizmat qiladi.

Turli materiallarning bir turdagi xususiyatlarini aniqlash va taqqoslash uchun o'tkaziluvchi kuzatishlar va tajribalar katta foyda beradi, masalan, qog'oz va gazlamani, loy va plastilinni, iplar va qog'oz shpagati, qog'oz va plastmassa plyonkalarini. Bunda bajariluvchi taqqoslashlar muhim politexnik ahamiyatga ega bo'lib, bolalarga materiallarning farqli xususiyatlari, sifatlarini yaxshiroq o'zlashtirishga yordam beradi.

Qaychidan foydalanish qoidalari.

1. Qaychini belgilangan joyda, belgilangan holatda qakla.
2. Qaychini uchini yuqoriga qilib ushlama.
3. Qaychini ochiq holda qoldirma.

4. Qaychini yurib turganingda ishlatma.
5. Qaychini faqat yopilgan holda uchidan ushlab o'rtog'ingga uzat.
6. Qaychini shlatayotganda kesilishning yo'nalishi va materialni ushlab turgan chap qo'l barmoqlarini kuzatib tur.
7. Yaroqsiz qaychini ishlatma, o'qituvchiga topshir.



Applikatsiya – badiiy asar yaratishning eng sodda va oson usulidir. Bu applikatsiyadan faqat bezash maqsadlaridagina ko'rgazmali qurollar, turli o'yin uchun qo'llanmalar, o'yinchoqlar, bayroqchalar, bezaklar, shu kabilarni yaratishdan keng qo'llash imkonini beradi.

Applikatsiya tushunchasi xususiyatlari va materiallariga ko'ra xilma-xil bajarilishi texnikasining o'xshashligi bilan birlashgan badiiy asarlarni yaratish usullarini o'z ichiga oladi. Har bir material applikatsiyasi bajarilish texnikasiga jiddiy ta'sir ko'rsatuvchi xususiyatlarga ega, masalan, qogoz, limon, daraxlar po'stlog'lari, fonga turli yelimlar bilan yopishtiriladi.



Mehnat darslarida loy, plastilin, mum kabi materiallardan foydalanib, ulardan turli uyinchoqlar, jonivorlar, qushlar, ertak qahramonlari yasaladi. O'yinchoq – dekorativ san'atning eng qadimiy turlaridan biri bo'lib, qadim asarlarda loydan yasalgan narsalar bizgacha yetib kelgan. Mamlakatimizda sanoat va madaniyatning rivojlanib borishiga ko'ra uyinchoqlarni assortimenti, ularning obrazlari yildan-yilga boyib bormoqda. O'yinchoqlar yasaladigan materiallar xilma-xildir. Biroq afzallik loyga beriladi. Loy narsalar yasashda asosiy material hisoblanadi.

Plastilin va loydan tashqari narsalar yasashda mumdan foydalaniladi. Mumning tabiiy va suhniy (neftdan olingan) turlari mavjud. Mum ancha qimmat turadi va undan mayda narsalar yasaladi. Mum bilan ishlash qulay, u qurimaydi, suv bilan namlanishni talab qilmaydi, darz ketmaydi va undan yasaladigan narsalar uzoq saqlanadi.

O'qituvchi tomonidan tashkil etiluvchi kuzatishlar va tajribalar, ko'rsatib berishlar kabi odatda ikki birini to'ldirib turuvchi maqsadni ko'zlaydi: bir tomondan, u yoki bu hodisa yoki natijalarni kuzatishda, o'quvchilar ma'lum xulosalarga kelishadi, ular bajaradigan amaliy ishlari uchun bevosita ahamiyatga ega bo'lgan xulosalar chiqaradilar; ikkinchi tomondan oldindan xulosalarni bilib, o'quvchilar o'z bilimlariga maxsus kuzatishlar va tajribalarda tasdiqlanishlar topadilar, ularning bilimlari mustahkamroq, ongliroq bo'ladi, bu esa amaliy ishlar sifatida o'z aksini topadi.

Foydalanilgan adabiyotalar:

1. X.Sanaqulov, M.Haydarov. "Boshlang'ich sinflarda qog'ozdan amaliy ishlar". 1996 yil.

МАКТАБ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ - АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

*Чориева Наргиза Анваровна
Қашқадарё вилояти Қариш шаҳри 15-умумий ўрта таълим мактаби
Маънавий - маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари*

Миллий истиқлол таълим муассасаларида ёшларни маънавий - ахлоқий тарбиялашда муайян талабларни келтириб чиқармоқда. Бу талаблар педагог раҳбарлар олдида бола тарбиясида янги муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Бу янги муаммолар эса бола тарбиясини амалга оширишда янгича мезонларни ишлаб чиқаришни тақозо этади.

Мактаб ва оила ҳамкорлиги тарбиядаги янги мезонлар, яъни миллий онг, миллий тафаккур, миллий тушунча, миллий тарбия, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш, ватанпарварлик, инсонпарварлик кабилар бугунги мустақиллик моҳиятини, замон руҳи, истиқлол истиқболини ифодалайди. Бу мезонлар юқорида таъкидлаганимиз каби, И.А.Каримовнинг барча асарларида, нутқларида ўз ифодасини топган бўлиб, ота-боболаримизнинг комил инсон ҳақидаги фалсафий таълимотига асосланган ҳолда янада такомиллаштирилиши лозимлиги алоҳида уқтирилади.

Маълумки, тасаввуф оламида маънавий ютуқ - инсон, инсон такомилли муҳим ўрин эгаллайди.

Инсон ҳар томонлама камолга эришган, маънавий-ахлоқий тарбияланган инсон бўлиб, у шундай инсонки, унда тўрт нарса камолга етган бўлади, яъни яхши сўз, яхши хулқ ва маърифат. Унинг дили - тили пок, иши ва ниятлари ҳам покдир. Педагогларнинг вазифаси ана шу тўрт нарсани камолга етказишдан иборатдир. Кимки, бу тўрт нарсани камолга етказса, ўзи ҳам камолга етади. Кўриниб турибдики, маънавий-ахлоқий тарбияланган инсон ҳақидаги таълимот бугунги кунда ақлан етук, ахлоқан пок, жисмонан бақувват, руҳан соф, маънан баркамол авлодни шакллантириш ҳақидаги мақсадимиз билан муштаракдир. Бинобарин, ҳар томонлама инсон ҳақидаги авлод-аждодаларимизнинг орзу-умидларини ота-боболаримиз ўз фарзандлари онгига сингдириб, улардан болалари тарбияси сифатида фойдаланиб келишган. Зеро, маънавий - ахлоқий тарбияланган инсон ҳақидаги ғоя улар учун олий қадрият бўлиб хизмат қилган. Чунки, унинг замирида одам боласига бўлган ҳурмат ва эътибор, меҳр ва муҳаббат ётган. Шунинг учун, Мустақиллик шароитида мактабда болани баркамол инсон сифатида тарбиялашда маънавий - ахлоқий ғоя юксак қадрият - сифатида асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Инсон ўз ҳаёти давомида икки умрни яшайди: бири ўз умри бўлса, иккинчиси ўтмиш авлодлари умридир. Шу тарзда инсоният абадийлиги ҳосил бўлади. Чунки, у аждодлар қолдирган меросни ўзлаштиради, ўз идроки, қобиляти, замон талаби билан уни ҳаётга татбиқ этади. Бу билан оилавий тарбия билан ижтимоий тарбия ўртасидаги муштараклик ҳосил бўлиб, жамиятимиз талабидаги маънавий - ахлоқий етук фарзандлар етишиб чиқади.

Мактабда болаларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш бутунги кунда долзарб муаммо сифатида қаралар экан, бу борада мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ҳамкорликдаги ишига аҳамият бермаслик асло мумкин эмас.

Мустақил республикаимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий юксалишининг муҳим омилларидан бири - мактаб, оила ва жамоатчилик асосида олиб борадиган тарбиявий жараён амалга оширилган ҳамкорликдаги фаолияти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида мактабнинг жамият, давлат олдидаги масъулиятни англаб етадиган комил инсонни тарбиялашдаги ролига алоҳида эътибор берилади.

Ўрта таълим педагогларининг вазифаси болаларни дунёқарашини ўстириш, нутки, фикрлаш доираси, жисмоний чиниқиши ва ривожланишини миллий ўз - ўзини англашга, миллий анъаналарни тиклашга, шахсий ва ижтимоий камолотга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида шахс камолотидан республиканинг барча ижтимоий ташкилотлар ва меҳнат жамоалари, шунингдек, аҳолининг барча табақалари, оила муштараклигини кучайтиради ва уларнинг болалар таълим-тарбиясига янгича ёндошувига кўмаклашади, пировард оқибатда таълим ва тарбия мазмунини халқаро меъёрга кўтарилишига олиб келади. Бунда асосан халқ таълимининг энг асосий қонуниятларидан бири ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда мактаб, оила, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоаларининг ҳамкорлиги муҳим ва ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда баркамол ёшларни таркиб топишида кўпгина тарбиявий омиллар яъни: ўрта таълим муассасаси, оила ва жамоатчиликнинг ўзаро келишилган ҳамкорлигига муҳтожлик тобора кучаймоқда. Чунончи, ўрта таълим муассасалари тарбиявий таъсир кўрсатишининг педагогик жиҳатдан малакали, мақсадга мувофиқ омилларига, ҳамда кенг имкониятларига эга.

Дарҳақиқат, энг муҳими ёшлар онги шуурига катталарга ҳурмат, ишда, ўқишда, одамлар билан муомала-муносабатда ота-боболаримиз бошлаган ишни давом эттиришдек олийжаноб туйғуларни сингдириш бутунги кунда ижтимоий эҳтиёжга айланиб бормоқда. Бунинг учун эса таълим ва тарбиядаги услубларни янгидан ислоҳ қилмоқ, такомиллаштирмоқ ва мустаҳкамламоқ лозим. Бунда асосан, давлат ҳам ижтимоий ташкилотлар, янги пайдо бўлаётган бирлашмалар ва жамғармалар кучларини бирлаштириб, маҳалла – мактаб таълим муассасаси - оила ҳамкорлик ҳаракатларини амалга оширмоқлари лозим. Шундагина биз халқ тили билан айтганда, “Ўзбеккона” меҳру-оқибат, ўзаро чидам ва ҳурмат, ўзгаларнинг

дардига ҳамдард бўлиш каби олийжаноб фазилатларни қарор топтира оламиз. Бу улуг ақидаларнинг ёшлар калбидан тобора чуқур жой олишида мактаб - оила ҳамкорлиги муҳим тарбиявий рол ўйнайди.

Бу педагогик муаммонинг бугунги кундаги педагогика фанида илмий изланиш даражаси талабга жавоб бера олмайди. Бу борада ёзилган озми -кўпми тадқиқотларда масала бир томонлама ҳал этилган. Уларда мафқуранинг яккаҳоқимлиги таъсирида умумий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ёзилган бўлиб, ҳар бир халқнинг миллий, диний ва тарихий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари етарлича ҳисобга олинмаган. Бу даврда яратилган илмий ишлар собиқ тузумнинг тарбиявий кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда тарбия тамойилларини тарғиб қилиш мақсадида халққа мос ва хос сифатларни шакллантиришга қаратилган. Шу маънода ишлаб чиқилган кўплаб услубий қўлланмалар, тавсиялар, режа ва дастурлар, амалий қўлланмалар ўз қийматини йўқотган. Шунинг учун мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ёшлар тарбияси борасидаги фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида замон талабидан келиб чиққан зарурий услубиятни ишлаб чиқиш, улар ҳамкорлигининг мазмунини аниқлаш - мақсад ва вазифаларни белгилаш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Республикамиз мустақил бўлганидан кейин барча соҳадаги каби мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлик ишига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам мазмунан ўзгарди. Таълим - тарбия жараёнига миллийлик руҳи сингдирилди.

Кейинги пайтларда ўсмирлар ўртасида жинойatchиликни олдини олиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятида мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигида вояга етмаган болалар содир этаётган жинойatchларнинг олдини олиш борасида катта ишлар қилинмоқда.

Хулоса қилиб айтганимизда, ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ўрни бекиёс бўлиб, бунда ўқитувчининг вазифаси ўқувчини психологиясини ва оилавий шароитини чуқур ўрганган ҳолда таълим - тарбия беришдир. Ёшларнинг кўнглига кулоқ тутиш, руҳий ҳолатини англаш, келажак ҳақидаги тасаввурлари билан қизиқиш, кўпинча эътиборимиздан четда қолади. Боқувчисини йўқотган ёки тарбияси ўта оғир болаларнинг оиласини чуқур ўрганган ҳолда боланинг кўнглига йўл топиб, уни бепарволик ва лаёқатликдан халос этиб, меҳр-оқибатлиликка, ростгуйликка ўргатиш, меҳнатга бўлган иштиёқини ўқишга бўлган қизиқишини уйғотиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. -Т.: Ўзбекистон, 1993 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги Қонуни” Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.:1997 йил
3. Дадажонов М. Оилада бола тарбиясининг психологик хусусиятлари –Т.:Ўзбекистон, 1980 йил
4. Иномова М.О. Болаларни ахлоқий тарбиялашда ота-оналарнинг роли. Т.: 1989 йил
5. Маҳқамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. –Т.: Фан, 1994.-б.76.

UMUMTA'LIM MUASSASALARINING MILLIY REYTINGINI ANIQLASH METODIKASI HAMDA REYTING DOIRASIDA MATEMATIKA FANI BO'YICHA NATIJALAR TAHLILI

Sirojiddin Abdukarimov

*O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi
Nazorat materiallari bankini shakllantirish va sinovlarni tashkil etish bo'limi bosh mutaxassisi,
ss.abdukrimov@gmail.com*

Аннотатсия: *Ushbu maqola Umumta'lim muassasalari Milliy reytingini aniqlashning metodikasi hamda Respublika bo'yicha matematika fanidan qaysi mavzular qanday o'zlashtirishga ega ekanligi tahlil qilingan.*

Калит со'злар: *milliy reyting, metodika, matematika, indikator, Davlat inspeksiyasi, Davlat test markazi.*

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 5 sentyabrdagi “Xalq ta'limini boshqarish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” PF-5538-sonli farmoni asosida 2019-yil 1-yanvardan boshlab O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi tomonidan tumanlar va shaharlar kesimida tanlash asosida umumta'lim muassasalari faoliyati samaradorligi bo'yicha reytingi tuzilish vazifasi yuklatildi. Respublikamizda 2019-yil birinchi marta umumta'lim muassasalari milliy reytingi tuzildi.

Birinchi navbatda umumta'lim muassasalarining faoliyati samaradorligini baholash mezonlari ko'rib chiqiladi. Milliy reyting 100 ballik baholash sistemasiga asoslangan bo'lib u to'rtta indikatorni o'z ichiga oladi.

1. Bitiruvchilarning umumta'lim fanlari bo'yicha tayyorgarligi va ta'lim sifat darajasi 35 ball. Davlat inspeksiyasi har yili 31-dekabrga qadar 11-sinfni bitirib, O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirish imtihonlarida qatnashgan o'quvchilar soni va ular to'plagan ballar yig'indisi hamda talabalikka qabul qilinganlar soni haqidagi ma'lumotlarni tumanlar (shaharlar) va umumta'lim muassasalari kesimida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Davlat test markazidan va O'zbekiston Respublikasida faoliyat olib borayotgan xorijiy oliy o'quv yurtlarining filiallaridan so'rov asosida oladi.

Bu indikator o'z navbatida ikkita qismga bo'linadi.

a) Bitiruvchilarning ta'lim tayyorgarlik darajasi ko'rsatkichi (11-sinf bitiruvchilari tomonidan oliy ta'lim muassasalariga kirishda to'plagan ballari) – 20 ball;

b) Bitiruvchilarning ta'lim sifati darajasi (11-sinf bitiruvchilari orasidan oliy ta'lim muassasalariga o'qishga kirganlar salmog'i asosida) – 15 ball.

2. Umumta'lim muassasasi 9-sinf o'quvchilarining bilim darajasi ko'rsatkichi – 25 ball. Umumta'lim muassasasi 9-sinf o'quvchilarining bilim darajasi Davlat inspeksiyasi va uning hududiy bo'limlari tomonidan o'tkaziladigan nazorat ishlari orqali aniqlanadi;

3. Umumta'lim muassasasining oliy va birinchi toifali pedagog xodimlari ulushi (oliy va birinchi malaka toifali pedagog xodimlar sonini aniqlash asosida) – 20 ball. Umumta'lim muassasasidagi oliy va birinchi malaka toifali pedagog xodimlar soni tegishligiga ko'ra tasarrufida umumta'lim muassasasi bo'lgan vazirlik va idora yoki ularning hududiy bo'linmalari tomonidan Davlat inspeksiyasiga taqdim etiladi;

4. Ijtimoiy so'rov natijalari – 20 ball. Umumta'lim muassasasining rahbar va pedagog xodimlari faoliyati hamda pedagog xodimlar uchun yaratilgan sharoitlar va u yerdagi o'qitish muhitining holati Davlat inspeksiyasi va uning hududiy bo'limlari tomonidan o'quvchilar va pedagog xodimlar o'rtasida ijtimoiy so'rovnomalar o'tkazish orqali aniqlanadi.

Umumiy reytingni aniqlash quyidagi hisoblash metodikasi asosida amalga oshiriladi:

- tegishli formula asosida reytingda ishtirok etayotgan barcha umumta'lim muassasalarining ballari har bir ko'rsatkich bo'yicha alohida hisoblanadi;
- har bir ko'rsatkich bo'yicha eng katta ballga ega bo'lgan umumta'lim muassasasiga mazkur ko'rsatkich uchun belgilangan eng yuqori ball beriladi;
- qolgan barcha umumta'lim muassasalarining ballari eng yuqori ballga ega bo'lgan umumta'lim muassasasining balliga nisbatan hisoblab chiqariladi;
- har bir ko'rsatkich bo'yicha hisoblangan ballar yig'indisi asosida umumta'lim muassasasining reytingi belgilanadi.

Ikkinchi indikatora 9-sinf o'quvchilari bilim darajasi ko'rsatkichi uchun ona tili fanidan diktant va matematika fanidan yozma ish o'tkaziladi.

Matematika fanidan o'tkaziladigan yozma ish savollari Davlat ta'lim standartlariga mos, matematika darsligining nazorat ishi o'tkaziladigan kunga qadar o'tilgan mavzular kesimida turli qiyinlikdagi 5 ta masaladan iborat bo'ladi.

2019-yil umumta'lim muassasalari milliy reytingi doirasida matematika fani bo'yicha savollar bazasi ma'lum bir mavzularni o'z ichiga oldi.

Matematika fanining geometriya bo'limiga oid parallelogramm mavzusi.

Savol. Parallelogrammning diagonallari 8 va 22 bo'lsa, qo'shni tomonlari kvadratlari yig'indisini toping.

Bu savolga taqriban Respublika 2019-yil umumta'lim muassasalari milliy reytingida ishtirok etgan umumta'lim muassasalari o'quvchilarining **50.85** foizi to'g'ri javob berishgan.

Matematika fanining algebra bo'limiga oid algebraik ifodaning qiymatini hisoblash mavzusi.

Savol. Ifodaning berilgan b uchun qiymatini hisoblang. Bu yerda $b = -1$

$$\left(\frac{b+5}{b+2} - \frac{3}{b^2-4} - \frac{b+1}{b-2}\right)(b+2)$$

Ushbu mavzuga oid savollarga taqriban Respublika 2019-yil umumta'lim muassasalari milliy reytingida ishtirok etgan umumta'lim muassasalari o'quvchilarining **42.3** foizi to'g'ri javob berishgan.

Trigonometriya bo'limiga oid trigonometrik funksiya qiymatini hisoblash mavzusi.

Savol. Hisoblang.

$$-4 \cos \frac{8\pi}{3}$$

Ushbu mavzuga oid savollarga taqriban Respublika 2019-yil umumta'lim muassasalari milliy reytingida ishtirok etgan umumta'lim muassasalari o'quvchilarining **56.59** foizi to'g'ri javob berishgan.

Chiziq va kvadrat tenglamalarni yechish mavzusi.

Savol. Tenglamaning ildizlarini kvadratlari yig'indisini toping.

$$x^2 - 3x = 0$$

Ushbu mavzuga oid savollarga taqriban Respublika 2019-yil umumta'lim muassasalari milliy reytingida ishtirok etgan umumta'lim muassasalari o'quvchilarining **50.29** foizi to'g'ri javob berishgan.

Kvadrat funksiyalarning eng katta va eng kichik qiymatlarini aniqlash mavzusi kiradi.

Savol. Funksiyaning eng katta qiymatini toping.

$$y = -x^2 - 16x + 1$$

Ushbu mavzuga oid savollarga taqriban Respublika 2019-yil umumta'lim muassasalari milliy reytingida ishtirok etgan umumta'lim muassasalari o'quvchilarining **40.04** foizi to'g'ri javob berishgan.

Matematika fani bo'yicha yuqorida keltirilgan statistikada o'quvchilarning javoblar varaqasini belgilashda yo'l qo'yilgan kamchiliklari inobatga olinmagan.

Ushbu maqolada umumta'lim muassasalari matematika fani o'qituvchilari o'quvchilar bilan qaysi mavzuda ko'proq ishlashlari kerakligi yoritib berildi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 5 sentyabrdagi "Xalq ta'limini boshqarish tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida" PF-5538-sonli farmoni.
2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi va Xalq ta'limi vazirligining 2018 yil 17 dekabrdagi 9-mh va 14-mh-son qarori Umumta'lim muassasalarining faoliyati samaradorligini baholash mezonlari.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi rasmiy veb-sayti. <http://tdi.uz>.
4. B. Xaydarov, E. Sariqov, A. Qo'chqorov. Geometriya 9. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9- sinfi uchun darslik. Toshkent — 2019.
5. Sh.A. Alimov, O.R. Xolmuhamedov, M.A. Mirzaahmedov. Algebra 9. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9- sinfi uchun darslik. Toshkent — 2019.

BIOLOGIYA DARSLARIDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH

Yunusova Navbahor, Pulatova Zulfiya

Samarqand VXTXQTMO hududiy markaz o'qituvchilari

Annotatsiya: Ushbu maqolada interfaol metodlar va ulardan biologiya darslarini o'tishda SWOT-tahlil metodidan foydalanish usullaridan yoritib berilgan.

Kalit so'zlar: Innovatsion texnologiya, ilg'or pedagogik texnologiya, pedagogik jarayon, interfaol usullar, model, SWOT-tahlil metodi.

Darslarda interfaol usullardan foydalanishning asosini o'qituvchi bilan o'quvchining hamkorlikdagi faoliyati tashkil etadi. Bu o'z navbatida, ta'limning sifatini va samaradorligini tubdan yaxshilashga xizmat qiladi. Hozirgi kunda zamonaviy pedagogikada shunday ta'lim modellari yaratildiki, ular ta'limga texnologik jarayon sifatida yondashib, ma'lum sharoitlarda va belgilangan vaqt ichida ko'zlangan maqsadlarga erishishni kafolatlamogda.

Ilg'or pedagogik texnologiya-tafakkurning faollashishiga, tanqidiy mushohada qilishga, so'z boyligining rivojlanishiga zamin yaratadi. Pedagogik texnologiya ta'lim usuli, ma'lum ma'noda ta'lim-tarbiya jarayonlari, vositalari, shakli va uslublari majmuyi bo'lib, ta'lim-tarbiya jarayonini optimal tashkil etishdir. O'quv matreallarini tanlash, qayta ishlash, ularni o'quvchilarning kuchiga, o'zlashtirish xususiyatlariga moslab, shakl va hajmini o'zgartirish ham ta'lim texnologiyasiga daxldor. Zamonaviy pedagogik texnologiya-bu aniq ketma-ketlikdagi yaxlit pedagogik jarayon bo'lib, o'quvchining ehtiyojidan va texnik imkoniyatlardan kelib chiqqan holda bir maqsadga yo'naltirilgan, oldindan puxta loyihalashtirilgan va kafolatlangan natija berishiga qaratilgan pedagogik jarayondir.

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari rivoji bilan interaktiv usullar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayonida qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan-kunga kuchayib bormogda.

Innovatsion texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o'qituvchi va o'quvchi faoliyatiga yangilik, o'zgarishlar kiritish, uni amalga oshirish bo'lib, bunda asosan interaktiv usullardan to'liq foydalaniladi. Interaktiv usullar bu-o'quvchi va o'quvchi hamda o'quvchilararo o'zaro birgalikdagi harakatdir. "Ineraktiv" ingliz tilidan kelib chiqqan bo'lib, "interact" so'zidan olingan. "Inter" bu o'zaro, "akt"-harakatdir. Interfaol usullarda o'qitish o'quvchilardan yuqori faollikni, olingan ma'lumotlarni to'la anglashda ijodiy yondashuvni talab etadi. interfaol o'qitishning asosiy mezonlari bu-norasmiy munozaralar o'tkazish, o'quv matreallarni erkin ifodalash, ma'ruzalar sonini kamaytirish, o'quvchilarni tashabbuskorlikka chorlash, jamoaviy izlanuvchanlini talab qiladigan guruhviy vazifalar va yozma ishlarni bajarishdir. O'zaro faollashish individual, juft-juft yoki jamoa bo'lib fikrlash deb yuritiladi, ya'ni pedagogik ta'siretish usullari bo'lib, ta'lim mazmunining tarkibiy qismi hisoblanadi. bu usullarning o'ziga xosligi shundaki, ular faqat pedagog va o'quvchilarning birgalikda faoliyat ko'rsatishi orqali amalga oshiriladi.

Intefaol dars jarayoni shunday tashkil etilishi kerakki, bunda sinfdagi barcha o'quvchilar faollashishi zarur, ya'ni dars o'tish jarayonida o'quv matreallarining ma'lum bir qismi o'quvchilar tomonidan mustaqil o'rganiladi, so'ngra bu matreal sinfdan har tomonlama muhokama etiladi.

O'qituvchi o'quv jarayonining tashkilotchisi, rahbari, nazoratchisi hamdir. O'quvchi sinfdan o'zini erkin his qilishi, o'quv faoliyati uni emotsional jihatdan qoniqtirishi lozim, ana shundagina u o'zining fikrlarini erkin bayon qila oladi. Bundan tashqari o'qituvchi o'quvchining bilimini sinashi, ko'nikma va malakalarini aniqlashi, uning shaxsiy fikrini bilishi uchun albatta to'g'ri savol qo'ya bilishi kerak. Savol berishda quyodagilarni inobatga olish lozim:

- savollar qisqa va aniq bo'lishi;
- bitta savol bilan bir narsani so'rashi;

- savol aynan mavzuga oid bo'lishi;
- savoldagi so'zlar o'quvchiga tushunarli bo'lishi;
- oddiydan murakkabga, soddadan umumiyga borishi;
- "yopiq" savollardan foydalanmaslik, ya'ni "ha", "yo'q" yoki "to'g'ri", "noto'g'ri" deb javob beriladigan yoxud darslikda javob to'liq aks etgan, o'quvchini takrorlashga majbur qiladigan savollarni ishlatmaslik;
- o'quvchiga shaxsiy tajribasiga asoslanib javob beradigan savollarni berish;
- o'quvchiga fikr-mulohazalarini, o'z munosabatini bildira oladigan savollarni berish;
- sinf javob bermaydigan savollarni bermaslik;
- biror-bir savolga javob olinganda "nima uchun?", "nega sen bunday deb o'ylaysan?" degan savollar bilan tez-tez murojaat qilib turish kerak.

Biz quyida "SWOT-tahlil"- metodining tuzilishi va undah foydalanish usuli bilan tanishib chiqamiz:

"SWOT-tahlil" metodi.

Metodning maqsadi: mavjud nazariy bilimlar va amaliy tajribalarni tahlil qilish, taqqoslash orqali muammoni hal etish yo'llarni topishga, bilimlarni mustahkamlash, takrorlash, baholashga, mustaqil, tanqidiy fikrlashni, nostandart tafakkurni shakllantirishga xizmat qiladi.

S-(strength)	• kuchli tomonlari
W-(weakness)	• zaif, kuchsiz tomonlar
O-(opportunity)	• imkoniyatlar
T-(threat)	• to'siqlar

Parazit chuvalchaglarning tuzilishi va hayot kechirishini SWOT-tahlil metodi jadvaliga tushiring

S	• Parazit chuvalchaglarning kuchli tomonlari. Tanasi kutikula bilan qoplangan. Tez ko'payadi va serpusht. Yopishuv organlari, so'rg'ichlarining mavjudligi;
W	• Parazit chuvalchaglarning kuchsiz tomonlari. Harakatlanish va sezgi organlari rivojlanmaganligi;
O	• Parazit chuvalchaglarning imkoniyatlari (ichki). Asosiy va oraliq xo'jayinda yashashi. Tuxumlari va lichikalarining noqulay sharoitda qalin po'st hosil qilishi;
T	• Parazit chuvalchaglarning oziq zanjiridagi to'siqlar (tashqi). Kimyoviy vositalar, iqlim omillari;

Sinfga (yoki o'quvchiga) savol berilganda, albatta javobni ma'lum bir muddat kutish lozim. Ba'zida yordam berish maqsadida, savolni boshqacharoq talqinda takrorlash mumkin. lekin imkon qadar, o'zingiz javobni aytib qo'ymang. O'qituvchi o'quvchilarga metodda berilgan topshiriqlarni topishlariga ko'maklashishi va eng asosiysi o'quvchiga bilim berish emas bilim olishni o'rgatmog'i lozim.

Xulosa qilib aytganda, interfaol usullar xilma-xil bo'lib, qaysi usulni tanlash o'tilayotgan mavzu, darsning maqsadi va vazifalariga bog'liq. Biologiya darslarini qiziqarli va samarali o'tishda o'qituvchilarga turli xil metodlardan foydalanishlarini tavsiya qilshi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Kompetensiyaviy yondasuvga asoslangan Davlat ta'lim standarti va oquv dasturi; Biologiya, Toshkent-2017 y
2. O.Mavlonov Biologiya (Zoologiya) 7-sinf darsligi. "O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi, Toshkent, 2017 y
3. Shaxmurova G., Yunusova N., Po'latova Z.. "Biologiya o'qitish metodikasi" moduli, 2019 yil

BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKA DARSLARIDA GEOMETRIYA ELEMENTLARINING O'ZIGA XOS JOZIBASI

Ne'matova Nozik Ismoilovna ,

Navoiy viloyat Qiziltepa tumani. suxrob_200787@inbox.uz

1-sonli maktab matematika fani o'qituvchisi.

Ashurova Orzigul Shuhrat qizi

Navoiy viloyat Qiziltepa tumani "Barkamol avlod" bolalar maktabi

"Mental arifmetika" to'garagi rahbari

Kalit so'zlar: Masala, geometrik figura, uchburchak, to'rtburchak, kvadrat, doira, natural son, raqam, yi'gindi, ayirma, ko'paytma, qiziqarli matematika, yechim, tenglama, standart usul, natija.

Annotatsiya: Mazkur maqolada boshlang'ich sinflarda matematikadan geometrik tafakkurni rivojlantirish uchun ayrim nostandart masalalar haqida, boshlang'ich sinflarda matematikadan masalalar yechish orqali o'quvchilarning bilim va ko'nikmalarini shakllantirish haqida, geometrik shakllar haqidagi tushunchalarni takomillashtirish haqida fikr yuritilgan.

Nuqta haqida tasavvurga ega bo'lish, to'g'ri chiziq va kesmani farqi, kvadrat va to'g'ri to'rtburchaklarni farqlash, ularning eng umumiy xossalarini aniqlashda kompyuter texnologiyalardan foydalangan holda tushuntirish o'qituvchiga ham oson, o'quvchilar ham kengroq tassavurga ega bo'ladi. Bizning maqsadimiz geometrik shakllarni, ularning xossalarini o'rgatishda zamonaviy axborot texnologiyalardan foydalanish uslubini ishlab chiqish. Bunda Power Point dasturida geometriya elementlarini o'rgatish uchun turli effekt va animatsiyalardan iborat taqdimotlar yaratishdir. Boshlang'ich ta'limning har bir sinf matematika darslarida o'tiladigan geometriya elementlarini kompyuter texnologiyalari asosida tushuntirish bolalarga geometriya elementlari haqida to'laroq tassavurga ega bo'lishi, sodda va rangli figuralarni ko'rib fanga bo'lgan qiziqishlari ortishiga olib keladi.

Boshlang'ish sinflar o'quvchilarning geometrik figuralar haqidagi tasavvurlarni shakllantirish metodikasi quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi.

I bosqich – Bolalarda bo'lgan geometrik figuralar haqidagi umumiy tushunchalarni aniqlash.

II bosqich – O'quvchilar bilan amaliy ishlash asosida ularda geometrik figuralar haqidagi tasavvurlarni shakllantirish.

III bosqich – O'rganilgan materiallarni xotirada mustahkam saqlab qolish uchun figuralar yasashga oid maxsus tanlangan mashq va masalalarni bajarish o'quvchilarda geometrik figuralar haqidagi umumiy tasavvurlari 10 gacha bo'lgan sonlarni o'rganish mavzusini o'tish davomida yana bir bor aniqlanadi.

Boshlang'ich sinflarda geometrik materiallar bilan ishlashdan asosiy maqsad o'quvchilarga to'g'ri chiziq, kesmali burchaklar, shakllar: uchburchak to'rtburchak, ko'pburchaklarning aniq ko'rsatmali tasavvurini berish shakllarning ba'zi xossalarini ko'rib chiqish va bu bilimlardan bolalarning uzunlik va yuzalarni o'lchay olish malakalarini egallashda foydalana olishini ta'minlashdan iboratdir. Geometrik materialni o'zlashtirish jarayoni boshidan oxirigacha faol aniq va ko'rgazmali bo'lishi, amaliy mashqlardan keng foydalanishi kerak. Bunda o'quvchilar tayyor geometrik shakllar bilan ish olib bormay, balki, qirqish, yelimplash, cho'plar bilan ishlash, modellahtirish, chizmachilik, qog'oz varag'ini buklash orqali shakllar hosil qilish kabilardan foydalangan holda o'zlari ham shakllarni chizmalardan va atrof – borliqdan taniy olishlari, yasay bilishlari ham kerak. Bunda o'quvchilarga namoyish etilgan taqdimotlar katta axamiyatga ega bo'ladi. Boshlang'ich sinfda geometriya darslarida o'quvchilarga asosan nuqta, kesma, sinq chiziq, to'g'ri chiziq, ko'pburchak, kvadrat, to'g'ri to'rtburchak, uchburchak, aylana, doira, shar, kub kabi tushunchalar o'rganiladi.

Quyida boshlang'ich sinflarda pedagogik texnologiyalarga yondoshgan holda matematikadan "Uchburchakning turlari" mavzusida dars ishlanmani keltiramiz.

Mavzu: Uchburchakning turlari. Masala va misol yechish

Darsning maqsadi: a) Ta'limiy: Geometrik shakllar haqida tushunchalarni takomillashtirish, uchburchakning turlari haqida tushuncha berish. b) Tarbiyaviy: Mantiqiy fikrlashga o'rgatish, geometrik shakllar ko'rinishidagi buyum, narsalar xususiyatini badiiy idrok qilish, shu asosda bolalarning axloqiy, ekologik, nafasot tarbiyasini takomillashtirish. c) Rivojlantiruvchi: Uchburchak tomonlarini o'lchash, uzunlik o'lchovlari haqida muntazam va maqsadga muvofiq ravishda ishlar bajarishga o'rgatish, og'irlik o'lchov birliklariga oid masalalar

yechishni o'rgatish.

Dars turi: Yangi bilim, ko'nikma va malakalar hosil qilish.

Dars uslubi: amaliy o'lash, chizish, hisoblash, taqqoslash, chamalash.


Dars jihozi: geometrik shakllar, uchburchak, rangli iplar, metr, bo'r, qalam, chizg'ich.

Dars rejasi:


1. Tashkiliy ishlar (2 daqiqa)
2. O'tilgan mavzuni takrorlash, eslash, baholash (7 daqiqa)
3. Og'zaki mashqlar, hisoblashlar (3 daqiqa)
4. Yangi mavzu bayoni (15 daqiqa)
5. Yangi mavzu bo'yicha amaliy ishlar (9 daqiqa)
6. Yangi mavzuga oid turli geometrik shakllar, kartochkalar, tarqatma materillar bilan ishlash. (7 daqiqa)
7. Uyga vazifa berish (2 daqiqa)

Darsning borishi:


1. Tashkiliy qism: Dars boshlangunga qadar dars uchun zarur bo'lgan materillar mavjudligini aniqlash, geometrik zarur shakllarni tayyorlash, sinf tayyorgarligini aniqlash. Sana, yil, fasl haqida suhbat o'tkazish. Sinf o'quvchilarini uchta guruhga bo'lish va nomlash. 1-guruh-"Bilimdonlar", 2-guruh-"Topag'onlar", 3-guruh-"Zukkolar"
2. O'tilgan mavzu burchak turlari haqida savollar, shakllar asosida va sinf taxtasidagi shakllardan burchak turlarini aniqlash, topshiriqlar va raqamlar bo'yicha burchaklarning turlarini aniqlash.




Guruhlar rag'batlantirib boriladi. Ularga avvaldan tayyorlab qo'yilgan (doira -5 baho, kvadrat-4baho, uchburchak-3 baho) shakllar tarqatiladi. Og'zaki mashqlar, hisoblashlar beriladi. Quyidagi shaklda nechta kvadrat bor?



3. Yangi mavzuning bayoni: Tomonlarning uzunliklari turlicha bo'lgan uchburchak turli tomonli uchburchak deyiladi. Agar uchburchakning ikki tomoni o'zaro teng bo'lsa, bunday uchburchak teng yonli uchburchak deyiladi. Uchburchakning uchala tomoni o'zaro teng bo'lsa, bunday uchburchak teng tomonli uchburchak deyiladi.



Darslikdagi 378-masala bajariladi. Uchburchaklarning tartib raqamlarini mos turlar bo'yicha yozing.



1. Turli tomonli uchburchaklar: 1,3,5,7,8,4


2. Teng yonli uchburchaklar: 2,6,10

3. Teng tomonli uchburchaklar: 9,11

Uchta guruhdan 3 ta o'quvchi chiqib bu uchburchaklarni aniqlaydilar. Ulardan g'olib guruh aniqlanadi. 379-masala og'zaki yechiladi. Sotuvchi 1 kg pishloq tortishi kerak edi. U kesgan bo'lakning massasi 900gr chiqdi. Yana nechta gramm pishloq qo'shish kerak?

Guruhlar sardorlari musobaqasi o'tkaziladi, g'olib sardor aniqlanib, kartochka beriladi. 380-masala yozma

bajariladi. 1 yashik olxo'ri-12kg, 3 yashik uzum-27kg. Olxo'ri solingan yashik uzum solingan yashikdan necha kg og'ir? Yechish: 1) $27:3=9\text{kg}$, 2) $12-9=3\text{kg}$. Demak, olxo'ri solingan yashikdan 3kg og'ir. 381-misol mustaqil bajartiriladi. $9:8=1(1\text{qol})$. $20:7=2(6\text{qol})$



Guruhlarda mashqni tez bajargan o'quvchilar baholanadi. Guruhlarga tarqatilgan kartochkalar sanaladi va qaysi guruh g'olibligi aytiladi. Uyg'a vazifa qilib 382-misol va 383-masala beriladi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, masala yechish matematika o'qitish jarayonida o'quvchi faoliyatining asosiy turi bo'lib, bilim va ko'nikmalarni shakllantirishga, o'quv-biluv faoliyatini faollashtirishga hamda ta'lim sifatini oshirishga imkon yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Xalillayev A, Xudoynazarov E. Boshlang'ich sinflarda masala yechishga o'rgatish metodikasi -U.: 2010.
2. Saitov.Y, Matematika va matematiklar haqida T: "O'qituvchi", 1992.55-b.
3. "Kasb-hunar ta'limi" jurnali 2007-yil. №1
4. Bigbayeva N.U, Sidelnikova R. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi. - T:"O'qituvchi", 1986. -269-b

БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ДАРСЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ

*Юлдашев Ш.Ш. – ГулДУ катта ўқитувчиси
Абдухамидов А., Хайитбоев З. -
ГулДУ талабалари*

Тарбия мазмуни ва маданиятини англаш ҳамда тушуниш борасида талабаларга кўйилган мақсад вазибаларда иқтисодий тарбиянинг бош мақсади жамиятимиз ҳаётидан хал этилувчи масалалар ичида малумот олишда тарбия тизимини кардинал тарзда қайта қуриш бўйича қонун лойиҳалари янги давр талаб даражасига кўтариш имкониятларини бериш билан бирга яхши ривожланаётган келгуси авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Бешта асосий қоида Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурларининг ўзагидир. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

биринчидан, иқтисодий ислохатлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керакки бирор мафкурага бўйсиндириши керак эмас. Бунинг маъноси шуки иқтисодиёт сиёсатдан устун туриши керак. Ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодиёт муносабатларини мафкурадан холи қилиш керак;

иккинчидан, давлат боши ислохатчи бўлиши лозим. У ислохатларнинг устивор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчилик билан ўтқизиши, жаҳолатпараслар ва консерваторлар қаршилигини бартараф этиш шарт;

учинчидан, қонун-қоидаларга риоя этиш устивор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки демократик йўл билан қабул қилинган янги конституция ва қонунларни ҳеч итисносиз ҳамда ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиш лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтқизиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақта холини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдини таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу бозор иқтисодиёти йўлидаги энг долзарб вазифа бўлиб, келди ва бундан кейин ҳам шундай вазифа бўлиб қолади;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш энг объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги "иқтисодий сакрашлар", сиз яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма – босқич амалга оширилиши керак. Шу ислохотлар беш тамойилнинг таълимий ва тарбиявий асосида иқтисодий маънавият, маънавият бошқаруви, маънавий-ҳуқуқий, ижтимоий-маънавий бозор муносабати маънавияти турадики, улар ёш авлодни мустақилликнинг келажаги учун ҳар томонлама барқамол тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ислохотларнинг беш тамойили таълим-тарбия, диалектик бирликда, яни уйғун ҳолда олиб бормоқда. Ислохотларнинг иккинчи босқичида миллий маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган тарихий ишлар шу фикримизнинг яққол далилидир. Аждодларимиз энг аввало маблағни яъни ҳалол ва пок йўл билан топиш тўғрисида ўғит беришган. Шунингдек шу маблағни тўғри сарфлаш ҳақида сабоқ беришган. Иқтисодий тарбия асосида қуйидаги фикрлар мавжуд.

Дарҳақиқат, пешона тери билан жамғарилган пул нотўғри харж этилса, ортиқча исроф қилинса, бу моддий қашшоқликка етаклайди.

1. Тарбия мақсадининг реал ёки воқелиги. Бугунги кунда реал мақсад- бу инсонни ҳар томонлама камол топиши, унинг қобилияти ва ундаги талан-оллоҳберган илоҳий куч.
2. Иқтисодиётда ходимларнинг биргаликдаги фаолияти.
Иқтисодиётда ходимларнинг биргаликдаги, ҳамкорликдаги фаолияти натижасида кўзланган мақсадга эришиш шубҳасиздир. Шунингдек иқтисодиётда инсонларнинг биргаликдаги фаолияти туфайли тажрибалар ортади ва такомиллашади.
3. Ўзини-ўзи англаш. Инсон ҳаётининг турли-туман мўжизалари, чексиз ҳолатларига, этиқодли иқтисодчи, демократик нуқтаи назардан қатъий ишонган ҳолда қараши, шахс тарбиясини шакллантиришнинг юксалишини ифода этади. Иқтисодий тарбия назариясида инсоннинг ўзини-ўзи англаши билан бирга фуқаролик бурчини ҳис этган ҳолда профессионал ҳамда ахлоқий томондан ўзини тутиши зарур.
4. Тарбиянинг шахсий йўналиши. Бутун тарбия касб-ҳунар коллежининг марказида дастурий тадбирлар эмас, балки инсоннинг ўзи ва унинг олий мақсади туради. Ҳаётда ёшларнинг нималарга қизиқиши.
5. Ихтиёрийлик. Инсон ўзининг ихтиёрий эркин тарбия ҳолатлари ва намуналари моҳиятини англаб етиши лозим. Масалан: Чингиз Айтматовнинг асли касби врач. Аслида уни ёзувчи сифатида бутун жаҳон танийди.
6. Жамоатчилик йўналиши. Қаерда ва қачон тарбия яхши йўлга қўйилган бўлса, инсоннинг ҳаётидаги энг муҳим ва бош бўлган учта йўналишни белгилайди: ҳаётда фуқаролик, ишчи-ходим, оилага меҳрибон бўлиши керак.
7. Фуқаролик. Фуқаролик маъсулияти ва мажбурияти – бу биринчидан, Ватан олдида маъсулиятни ҳис этиши ва уни амалда кўрсатиши, иккинчидан жамият олдидаги муқаддас бурчи, учинчидан ота-оналар олдидаги маъсулиятни ҳис эта билиш - бу ҳам қарз ҳам фарзидир.

Фойдаланилган адабиёт:

1. Ҳ. Санақулов ва бошқалар. Меҳнат ва уни ўқитиш методикаси. Ўқув қўлланма. ТДПУ. –Т.: 2015 йил.

ПОНЯТИЕ АЛГОРИТМА

А.Б.Низамов

*Гулистанский государственный университет, a.nizamov@mail.ru
старший преподаватель*

Происхождение термина «алгоритм» связано с математикой. История его возникновения такова. В IX веке в Центральной Азии жил ученый ал(аль)-Хорезми (полное имя Мухаммед Бен Мусса ал-Хорезми, т.е. Мухаммед сын Мусы из Хорезма), математик, астроном, географ. В одном из своих трудов он описал десятичную систему счисления и впервые сформулировал правила выполнения арифметических действий над целыми числами и обыкновенными дробями. Арабский оригинал этой книги был утерян, но остался латинский перевод XII в., по которому Западная Европа ознакомилась с десятичной системой счисления и правилами выполнения арифметических действий.

Ал-Хорезми стремился к тому, чтобы сформулированные им правила были понятными. Достичь этого в IX в., когда еще не была разработана математическая символика (знаки операций, скобки, буквенные обозначения и т.д.), было трудно. Однако ему удалось выработать четкий стиль строгого словесного предписания, который не давал читателю возможность уклониться от предписанного или пропустить какие-нибудь действия.

Правила в книгах ал-Хорезми в латинском переводе начинались словами «Алгоризми сказал». В других латинских переводах автор именовался как Алгоритмус. Со временем было забыто, что Алгоризми (Алгоритмус) – это автор правил, и эти правила стали называть алгоритмами. Многие столетия разрабатывались алгоритмы для решения все новых и новых классов задач, но само понятие алгоритма не имело точного математического определения.

Большинство действий, совершаемых человеком, выполняются по определенным правилам. Их эффективность во многом зависит от того, насколько он представляет, что делать в каждый момент времени, в какой последовательности, каким должен быть итог его действий. Другими словами, результат деятельности человека непосредственно зависит от того, насколько он представляет алгоритмическую сущность своих действий.

Кроме того, применение в производстве и быту различных автоматов, компьютеров требует от человека строгого соблюдения определенной последовательности действий при их использовании, что, в свою очередь, невозможно без предварительного составления алгоритмов.

Таким образом, осмысление и разработка алгоритмов выполняемых действий становится существенным компонентом деятельности человека, составной частью его культуры мышления и поведения. Алгоритм – одно из фундаментальных понятий, которое используется в различных областях знания, но изучается оно в математике и информатике. Его освоение начинается уже в начальной школе на уроках математики, где ученики овладевают алгоритмами арифметических действий, знакомятся с правилами вычитания числа из суммы, суммы из числа и др.

Вообще формирование алгоритмического мышления у младших школьников в настоящее время является одной из важнейших задач учителя, и поэтому ему требуются определенные знания об алгоритмах, а также некоторые умения в их построении.

В настоящее время понятие алгоритма уточнено, и сделано это в XX веке в рамках науки, называемой теорией алгоритмов.

Будем рассматривать **алгоритм как программу действий для решения задач определенного типа.**

Чтобы какую-либо программу действий можно было назвать алгоритмом, она должна удовлетворять ряду требований. Эти требования называют свойствами алгоритма.

1. Каждая программа, задающая алгоритм, должна состоять из конечного числа шагов, а каждый шаг должен быть точно и однозначно определен. Это свойство алгоритмов называется свойством *определенности (или детерминированности)*.

Согласно этому свойству в алгоритмах не может быть таких, например, предписаний, как «сложить x с одним из данных чисел a или b », «привести два-три примера истинных и ложных высказываний» и т.д.

2. Шаги в алгоритме должны идти в определенной последовательности. Это означает, что в любом алгоритме для каждого шага (кроме последнего) можно указать единственный непосредственно следующий за ним шаг, т.е. такой, что между ними нет других шагов. Это свойство *дискретности* алгоритмов.

Дискретная структура алгоритмов хорошо видна в алгоритмах выполнения арифметических действий. Например, алгоритм нахождения суммы чисел $34 + 23$ формулируется так:

- 1) Пишу десятки под десятками, а единицы под единицами.
- 2) Складываю единицы: $4 + 3 = 7$, пишу 7 под единицами.
- 3) Складываю десятки: $3 + 2 = 5$, пишу 5 под десятками.
- 4) Читаю ответ: сумма равна 57.

3. Каждый шаг программы, задающей алгоритм, должен состоять из выполнимых действий. Это означает, что предусмотренные действия были выполнимы теми исполнителями, которым она адресована. Так, например, задание «решить уравнение $x + 9 = 17$ » один ученик уверенно выполняет и получает искомое значение переменной x , так как владеет всеми действиями, необходимыми для решения простейших уравнений.

- 1) прочитай уравнение;
- 2) вспомни правило, как найти значение неизвестного;
- 3) реши уравнение;
- 4) сделай проверку;
- 5) запиши ответ.

Другой не справляется с заданием или получает неверный ответ, так как не владеет хотя бы одним из действий, которые требуются для выполнения данного задания.

Как видно из примера, под словом «действие» понимаются не только математические операции, но оно имеет и более широкий смысл.

Кроме того, в алгоритмах недопустимы также ситуации, когда после выполнения очередного действия исполнителю неясно, какое из них должно выполняться на следующем этапе.

Все сказанное характеризует свойство алгоритма, называемое свойством *понятности*.

4. Программа, задающая алгоритм, должна быть направлена на получение определенного результата. Получение результата за конечное число шагов составляет свойство *результативности* алгоритма.

5. Программа, задающая алгоритм, должна быть применима к любой задаче рассматриваемого типа. Другими словами, каждый алгоритм решения линейного уравнения первой степени применяется для решения всех уравнений вида $ax + b = 0$. В этом состоит свойство *массовости* алгоритма.

Задачи, для которых может быть составлен алгоритм, и в результате выполнения этого алгоритма получен ответ на вопрос (даже если ответ, что задача не имеет решения), называются *алгоритмически разрешимыми*.

Литература:

1. Ўзбекистон Республикасининг: «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни. Т., 1997.
2. Ўзбекистан Республикаси қонуни. «Ахборотлаштириш тўғрисида»// «Халқ сўзи», 11 февраль 2004 й.
3. Учебник для студ. учреждений сред. проф. образования / И.Г. Семакин, А.П. Шестаков. - М.: ИЦ Академия, 2013. - 304 с.
4. Трофимов, В. В. Алгоритмизация и программирование : учебник для академического бакалавриата / В. В. Трофимов, Т. А. Павловская ; под редакцией В. В. Трофимова. — Москва : Издательство Юрайт, 2019. — 137 с.
5. Черняк А. А. Методы оптимизации: теория и алгоритмы : учебное пособие для академического бакалавриата / А. А. Черняк, Ж. А. Черняк, Ю. М. Метельский, С. А. Богданович. — 2-е изд., испр. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, 2019. — 357 с.

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРЕПОДАВАНИИ БИОЛОГИИ

Турсунова Ж.А.

Преподаватель ГулГУ

Так как компьютеры стремительно вошли в различные сферы нашей повседневной деятельности, внедрение компьютерной техники в процессе обучения биологии являются инновационными технологиями. Урок с применением ИКТ и мультимедийных технологий – это качественно новый тип урока. Учебные презентации, интерактивные рисунки, видеофильмы, анимации, компьютерные тесты позволяют учащимся быстро и непринужденно усвоить материал, способствуют развитию самостоятельности и творческих способностей учащихся.

Применение информационных и коммуникационных технологий на уроках биологии помогает учителю обеспечить проведение качественно нового, динамичного и информативного, типа урока; широкий спектр наглядных пособий; повышение интереса к предмету; качественную проверку знаний при помощи тренажеров; ускорение учебного процесса благодаря более тесному взаимодействию педагога с учащимися.

Сегодня появилось большое количество новых цифровых образовательных ресурсов, применение которых позволяет сэкономить время подготовки к уроку, выбрать тот материал, который позволит учащимся в полной мере усвоить новые знания, разнообразить проверку и закрепление усвоенного материала. Цифровые образовательные ресурсы предоставляют возможность показать те процессы и явления, которые отдалены от нас во времени и пространстве.

Все объекты могут быть скомпонованы в различные презентации к урокам в зависимости от типа урока, задач, поставленных педагогом, уровня подготовки школьников. Также цифровые образовательные ресурсы позволяют подготовить материал для самостоятельных и лабораторных работ, отобрать информационные объекты в нужной последовательности.

Одной из эффективных форм представления материала по биологии относится мультимедийная презентация. Мультимедийные презентации как средство обучения – особая группа средств обучения на основе современных информационных технологий предоставления информации, сочетающих в себе различные программные и технические средства (текст, речь, фото, видео, графику, анимацию, звук) для наиболее эффективного воздействия на обучаемого, который одновременно является и читателем, и слушателем, и зрителем. Одним из достоинств применения мультимедийных презентаций в обучении является повышение качества обучения за счет новизны деятельности, интереса к работе с компьютером. Применение мультимедийных презентаций на уроках биологии является новым методом организации активной и осмысленной работы учащихся, делает занятия более наглядными и интересными. Уроки с применением мультимедийных презентаций не заменяют учителя, а способствуют содержательному, индивидуальному и деятельному общению с учеником. Комплекты педагогических программных средств позволяют довести до учащихся огромный поток информации. При этом у школьников развивается зрительная память, акцентируется внимание на важных объектах за счет фрагментарной подачи материала. При работе используются преимущества информационных технологий, заключающиеся в сочетании сразу нескольких компонентов: текста, рисунка, анимации, звукового сопровождения и других элементов. Мультимедийные презентации являются эффективными средствами представления материала по биологии. Их использование целесообразно на любом этапе изучения темы и на любом этапе урока.

Презентация дает возможность учителю проявить творчество, индивидуальность, избежать формального подхода к проведению уроков. Она позволяет представить учебный материал как систему ярких опорных образов, наполненных структурированной информацией в алгоритмическом порядке. Программный материал представленный в виде учебных фильмов, слайдов с анимацией и звуковым сопровождением облегчает процесс усвоения и запоминания новой темы. Например, при изучении темы «Генетика. Законы Менделя» (9 класс) использую анимации, которые дают возможность наглядно разобраться в закономерностях наследования признаков. Электронные справочники, энциклопедии являются неоценимым помощником для поиска и отбора материалов при подготовке рефератов, проектов. Информационные технологии позволяют учителю познакомить учащихся со сложными биологическими процессами, которые протекают в живой природе. Например, в природе мы не можем наблюдать явления фотосинтеза, что становится доступно с применением элементов ИКТ. Благодаря использованию информационных технологий удастся значительно повысить качество знаний учащихся, сделать процесс обучения более интересным, рационально использовать учебное время. Очень большие возможности открываются при использовании ИКТ при проведении лабораторных работ. Ведь не всегда есть возможность использовать живые объекты. Например, при проведении лабораторной работы «Строение и способы передвижения инфузории - туфельки» компьютер дает возможность рассмотреть строение инфузории - туфельки, фрагмент фильма демонстрирует волнообразное движение ресничек, раздражимость организма.

Использованная литература:

1. Селевко Г.К. «Современные образовательные технологии»: учебное пособие- М: народное образование, 1998.

2. Якиманская И.С. «Технология личности ориентированного образования»- М 2000.
3. Некрасова А. Н. , Семчук Н. М. Применения средств мультимедиа на уроках биологии. Ярославский педагогический вестник – 2011 – No 2 – Том II

BIOLOGIYA FANINI O'QITISHDA ILG'OR XORIJIY TAJRIBALAR

*Ubaydullayeva Nafisa Olimovna – Namangan viloyati
Namangan tumani 1-umumta'lim maktabi biologiya fani o'qituvchisi*

Davlat ta'lim standartining vazifalaridan biri davlat ta'lim standartlari talablarining ta'lim sifati va kadrlar tayyorlashga qo'yiladigan xalqaro talablarga muvofiqligini ta'minlash etib belgilangan.

Umumiy o'rta ta'lim davlat ta'lim standartining asosiy prinsiplaridan biri rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ta'lim sohasida me'yorlarni belgilash tajribasidan milliy xususiyatlarni hisobga olgan holda foydalanishdir.

Rivojlangan xorijiy mamlakatlarning ta'lim tizimini o'rganish, ularning ilg'or tajribalarini milliy xususiyatlarni hisobga olgan holda amalda qo'llash dolzarb vazifa sanaladi.

Quyida bir qator rivojlangan xorijiy davlatlarning ta'lim tizimi, xususan, biologiya ta'limi mazmuni yoritilgan.

Buyuk Britaniyada 5 yoshdan 16 yoshgacha ta'lim olish majburiy hisoblanadi. Ammo, chet ellik oila farzandlari 7 yoshdan maktabga qabul qilinadi.

Ta'lim bosqichlari:

- 1) maktabgacha ta'lim (3-5 yosh);
- 2) boshlang'ich ta'lim (5-11 yosh);
- 3) o'rta ta'lim (11-16 yosh);
- 4) oliy ta'lim.

Ta'lim tizimi 2 tarmoqqa ajratilgan: davlat byudjeti hisobidan bepul ta'lim (state school), unda bolalarning 93% i o'qiydi hamda xususiy, pullik ta'lim (private school)da bolalarning 7% i o'qiydi.

7-11 yoshli bolalar boshlang'ich maktab (junior school yoki preporatory school) da o'qishadi. Maktabda matematika, ingliz tili, geografiya, tarix, musiqa va san'at o'qitiladi.

Asosiy o'qitilayotgan fanlardan Common Entrance Examination (CEE) – umumiy kirish imtihonini test sinovlari ko'rinishida va IQ topshiriladi.

11 yoshdan 16 yoshgacha davlat yoki xususiy maktablarda o'qitish o'quvchilarning GCSE (*General Certificate of Secondary Education*) – o'rta ma'lumot haqidagi shahodatnoma yoki GNVQ (*General National Vocational Qualification*) — kasbiy malaka haqidagi milliy guvohnomani olishga qaratilgan. 14 yoshdan 16 yoshgacha o'quvchilar, odatda, 7-9 ta fandan imtihon topshirishga va o'rta ma'lumot haqidagi sertifikat GCSE ni olishga tayyorlanishadi.

Britaniya maktablarining asosiy vazifalaridan biri ijodiy, o'ziga ishongan, mustaqil insonni tarbiyalashdir. O'quvchilar ta'limning maxsus umumiy siklini o'tib bo'lgach, imtihon (*Common Entrance Examination*) topshirishadi. Imtihondan muvaffaqiyatli o'tish yuqori maktabga o'tishning majburiy sharti sanaladi.

Majburiy ta'limdan so'ng 16 yoshli o'smirlar ish boshlashlari yoki universitetga o'qishga kirish uchun o'qishni davom ettirishlari mumkin.

Maktabda biologik ta'limning maqsadi o'quvchilar biologiya fanidan egallagan bilim, malakalarini maktab ta'limining oxirgi bosqichida namoyish eta olishidir. Barcha fanlardan o'quv maqsadlari ortib boruvchi qiyinlik darajasi bilan ifodalanadi.

Buyuk Britaniya biologik ta'lim tizimida o'qitish natijasining muhim jihatlaridan biri fanni o'zlashtirganlik darajasi sanaladi. Bu o'quvchilarning fanni nafaqat o'qish jarayonida, balki biologiya kursini tugatganlaridan so'ng ham ilmiy tadqiqotlarni o'tkazishda tadqiqot metodlarini to'g'ri tanlash muhimligini anglaydilar. O'quvchilar maktab davrida o'z o'quv tadqiqotlarining kuzatish natijalari yuzasidan hisobot tayyorlaydilar, maktab biologiya kursidan o'rin olgan biologik hodisalarning dalillariga tanqidiy fikr bildiradilar, mazkur dalillarga qo'shimcha dalillarni mustaqil topish imkonini beradigan usullarni tushuntirishga harakat qiladilar. Shuningdek, Buyuk Britaniyada biologiya kursini o'qitishda interfaol o'qitish shakllari va metodlardan foydalaniladi. Zoologiya va botanikadan laboratoriya ishlarini o'tkazishda kompyuter texnologiyalari qo'llaniladi, chunki tajribalar o'tkazishda tirik preparatlardan foydalanish qonun tomonidan ta'qiqlangan.

Finlyandiya. 15 yoshli maktab o'quvchilarining tabiiy fanlardan savodxonligini o'rganuvchi PISA xalqaro dasturining 2012 yilgi natijalariga ko'ra, Finlyandiya Xitoy, Singapur, Yaponiyadan keyin 4-o'rinni egallagan.

Finlyandiya Konstitutsiyasida mamlakatning har bir fuqarosi 7 yoshdan 17 yoshgacha majburiy ta'lim olishi belgilangan.

Fin ta'limining asosiy jihatlari:

- ✓ o'rta maktabda tabaqalashtirilgan sinflarning ta'qiqlanganligi;
- ✓ teng yoshdagi barcha o'quvchilarga fanlar bir xil o'qitiladi, ixtisoslashtirilgan, maxsus sinflar yo'q;

- ✓ individual yondashuv (Finlyandiyada har uchta o'quvchining bittasi alohida fanlardan u yoki bu shaklda maxsus yordam oladi), bu esa kuchli va kuchsiz o'quvchilar o'rtasidagi tafovutlarni qisqartirishga imkon beradi;
- ✓ o'qitishning umumiy maqsadi – jamiyatning ma'naviy javobgar a'zosini shakllantirish. Kundalik hayotda zarur bo'lgan bilim, ko'nikmalarga alohida e'tibor qaratiladi;
- ✓ ta'limning milliy maqsadlarini va har bir fanni o'qitishga ajratilgan soatlarni hukumat belgilab beradi. Barcha pedagoglar yagona milliy dasturni amalga oshiradilar. Ammo o'qitish metodlari, usullari, vositalari, o'quv qo'llanmalarini tanlashda ularga chegara qo'yilmagan.

Finlyandiyada majburiy ta'lim ikkita bosqichda amalga oshiriladi:

1. Boshlang'ich maktab (*elementary school*) 1-6-sinflar.
2. Asosiy umumiy ta'lim (*lower secondary school*) 7-9 sinflar.

Asosiy maktabni tamomlagach, o'quvchilar tugallangan umumiy o'rta ta'lim beradigan gimnaziyada (3 yil) yoki kasbiy-texnik o'quv yurtida o'qishlari mumkin. (1-4 yil). Maktab ta'limi o'rtacha o'quvchiga, gimnaziyada esa o'quv dasturi murakkab bo'lib, kuchli o'quvchilarga mo'ljallangan.

Gimnaziyani tamomlashda o'quvchilar ona tilidan (fin yoki shved tili), davlatning ikkinchi tili chet tili, shuningdek, matematika yoki ijtimoiy fanlardan davlat imtihonlarini yozma holda topshiradilar.

Fin o'qitish tizimining yutuqlarini neyropedagogika prinsiplariga mos kelishi bilan ham bog'lash mumkin.

Bolalarni turli manbalar (internet, kitoblar)dan bilimlarni "egallash"ga o'rgatiladi, shuningdek, tadqiqot va loyihalash ta'limining turli shakl va metodlaridan foydalaniladi.

Asosiy maktabda biologiyani o'qitish quyidagicha amalga oshiriladi:

- 1-4-sinflarda biologiya fani asoslari "**Atrof olam va tabiiy fanlar**" ("**Environmental and Natural Studies**") doirasida o'qitiladi. Bu integrativ kurs bo'lib, geografiya, fizika, kimyo fanidan tushunchalarni va sog'liqni saqlash yuzasidan tavsiyalarni o'z ichiga olgan. Kurs inson va tabiatning barqaror taraqqiyoti asoslarini o'rganishga yo'naltirilgan. Muammoli va tadqiqot darslarini o'tkazish tavsiya etiladi. Kurs va uning modullarining maqsadi o'quvchilarni ularni o'rab turgan olam bilan tanishtirish, tabiat va inson o'rtasidagi munosabatlarni tushunishdir. O'quvchilarning atrof-muhit, o'zlarining salomatliklari haqida egallagan bilimlarini kundalik hayotda qo'llay olishlariga alohida e'tibor qaratiladi. O'quvchilar baholanmaydi;
- 5-6-sinflarda biologiya alohida fan sifatida o'qitiladi (haftasiga 1 soat). Hayot va uning hodisalari o'rganiladi. O'quvchilar tomonidan tadqiqot loyihasining bajarilishi sifatiga ko'ra baholanadi;
- 7-9-sinflarda biologiya va geografiya fanlari har yarim yilda navbat bilan o'qitiladi. 7- va 9-sinflarda haftasiga 2 soat, 8-sinfda esa 3 soat. Fakultativ sifatida haftasiga qo'shimcha 2 soatdan o'tilishi ham mumkin. Fanning mazmuni modul tuzilishga ega. Fanni o'qitish o'rganish va pragmatik modellarning xususiyatlarini o'zida mujassamlashtirgan. Mazkur modelga ko'ra, o'qituvchi ta'lim oluvchilarni ilmiy faktlar (ba'zan turli ilmiy soha ma'lumotlari)dan tashkil topgan darslarda qatnashishga chorlaydi, savollar beradi va bu savollarga javob oladi, shuningdek, laboratoriya ishlari o'tkaziladi.

Yuqori sinflarda alohida fanlar o'qitilmaydi. Tabiiy-ilmiy fanlar bloki bir-biri bilan bog'liq modullar ko'rinishiga ega. O'quvchilar biologiyani o'rganishda ikkita majburiy va ikkita ixtiyoriy modullarni o'zlashtirishlari zarur. Bitta modulni o'rganish 5 haftani tashkil etadi.

Maktabdan tashqarida o'qitishga katta e'tibor qaratiladi. Bolalar ilmiy-ko'ngilochar markazlarga, masalan, Xelsinkidagi "**Evrika**"ga boradilar. "Evrika"dagi barcha ekskursiyalar va maxsus loyihalar umumiy ta'lim dasturlarini to'ldiradi.

Buning uchun pedagoglar "Evrika" xodimlari bilan hamkorlikda ishlaydilar: sinfdan tashqari mashg'ulotlarning rejasini birgalikda tuzadilar va mavjudlariga tuzatishlar kiritishadi.

Ta'lim amaliy yo'naltirilgan: bolalar qiziqarli o'yin shaklida chiqindilarni saralashni o'rganishadi, muzliklarning erishi qanday oqibatlarini keltirib chiqarishini ko'rishadi, hayvonlarda shartli reflekslarning hosil bo'lishini kuzatishadi va h.k.

AQSH ta'lim tizimlari. AQSHda "**strategik fanlar**" (matematika, kimyo, fizika, kompyuter texnikasi)ni o'qitishga alohida e'tibor qaratiladi. Maktablarda yagona dastur mavjud emas. Boshlang'ich maktab 6 yillik, unda fizika, kimyo, geografiya, astronomiya, botanika, fiziologiya fanlarining ma'lumotlarini qamrab olgan tabiatshunoslik haftasiga 2 soatdan o'qitiladi.

Boshlang'ich maktabning o'ziga xosligi o'quv materialining kompleks tuzilganligidir. Pedagogikada bilimlarning integratsiyasi markaziy o'rinni egallaydi. O'quv materialining fan ko'rinishidagi tuzilmasi mavzular majmuasi yoki amaliy vazifalar ko'rinishida dastur bilan uyg'unlashgan. Dasturlar spiral tuzilishiga ega, ya'ni bir xil mavzular har bir sinfda murakkablashgan holda o'qitiladi.

Barcha sinflarda tabiatshunoslik kursining mavzulari ro'yxati:

- tirik tabiat (o'simliklar, hayvonlar);
- yer (havo, suv, ob-havo);
- osmon (quyosh, oy, yulduzlar);
- energiya shakllari va mashinalar (issiqlik, tovush, yorug'lik va rang, magnitlar, elektr toki, mashinalar);
- odam (salomatlik, xavfsizlik).

Gigiena va jismoniy tarbiyaga katta e'tibor qaratiladi: tanani parvarishlash, to'g'ri ovqatlanish, yuqumli kasalliklar, sanitariya, dam olish va uyqu, qad-qomat, kiyim, xavfsizlik. Umuman olganda, o'quv materialining tor amaliy yo'nalganligi va yengilligini qayd etish mumkin.

Xorijiy davlatlar ta'limida biologiya fanini o'qitishning ilg'or tajribalari sifatida shuni qayd etish mumkinki, fanni o'qitishda o'quvchilarga "tayyor" bilimlarni "berish"dan ko'ra, o'quvchilarning bilimlarni "egallashlari", o'qitishning reproduktiv metodlaridan ko'ra, amaliy, muammoli, tadqiqotchilik metodlari ustunlik qiladi. Fanni o'qitishga bunday yondashuv esa zamon talabi bo'lgan intellektual salohiyati yuqori shaxsni tarbiyalash imkonini yanada oshiradi.

SO'Z TURKUMLARI HAQIDA FIKRLAR

*Uralova Gavhar
Guliston shahar 16-maktabning
Ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi*

So'zlar lug'aviy ma'nolari morfologik belgilari va gapda bajaradigan sintaktik vazifalariga ko'ra o'zaro farqlanuvchi turli guruhlarini tashkil etadi.

So'zlarning lug'aviy va grammatik jihatdan farqlanishiga ko'ra bunday guruhlariga bo'linishi so'z **turkumlari** deyiladi. Shunga ko'ra, so'zlarni turkumlarga ajratishda quyidagi uch muhim belgi asos bo'ladi.

1. So'zlar ifodalaydigan lug'aviy ma'no turkumlarga ajratishdagi muhim belgidir. Masalan, **uy, yer, daraxt, kitob, tosh** so'zlari borliqdagi predmetlarni anglatadi. Ularning nomi ekanligi bilan xarakterlanadi. Bir qator so'zlar shu predmetlarning biror belgisini: rangini, shakl-ko'rinishini, mazasini, hajm-o'lchamini ifodalaydi: **oq, ko'k, katta, yumaloq, keng, uzun** kabi. Shuningdek, bir qator so'zlar predmetning ish- harakatini anglatadi: **bordi, yozdi, o'qidi**, so'zlar ish-harakat yoki belgining belgisini bildiradi: **darrov, sekin, oz, ko'p** va boshqalar.

So'z ma'nolaridagi mavjud bu xususiyatlar ulami turkumlarga ajratishdagi asosiy belgidir. Turkumlarga ajratishdagi ikkinchi va uchinchi xususiyat so'zning shu ma'no tomoniga bog'liq ravishda yuzaga keladi. So'z turkumlarini ajratishda morfologik belgi ham muhimdir. Bu xususiyat muayyan so'z turkumlarida maxsus qo'shimchalar tizimi mavjudligini, ularni asosan shu turkumga xoslanganini ko'rsatadi. Masalan, ot turkumi ko'plik, kelishik. egalik, shakllariga ega bo'lganidek, boshqa turkumlardan farqli ravishda ularda kichraytish -erkalash shakllari ham bor. Shunga ko'ra otlar ko'plikda keladi predmetning kimga, nimaga qarashligini bildiradi, turlanadi. Shuningdek, maxsus ot yasovchi qo'shimchalarning mavjudligi, ot turkumi morfologik jihatdan to'la shakllangan turkum ekanligini ko'rsatadi.

Fe'l turkumida morfologik ko'rsatkichlar boshqacha — zamon, may, nisbat, shaxs-son kabi shakllar fe'lning o'ziga xosligini ta'minlaydi. Fe'llartuslanadi, shaxs va sonni ifodalaydi. Maxsus fe'l yasovchi qo'shimchalarning mavjudligi bu turkumdagi so'zlarning ham turkumlanishi uchun to'la shakllanganligini ko'rsatsa fe'lning xoslangan shakllarini hosil qiluvchi qo'shimchalar mavjudligi fe'lning sintaktik vazifasini yana ham kengaytiradi.

So'z turkumlariga ajratishdagi belgilardan bin so'zning gapdagi sintaktik vazifasi bilan bog'liq. Masalan, bosh kelishikdagi ot ega vazifasini bajarsa, qaratqich kelishikdagi ot—aniqlovchi, boshqa kelishikdagi otlar to'ldiruvchi va hoi vazifalarida keladi. Sintaktik jihatdan biror gap bo'lagi vazifasida kelish muayyan so'z turkumi uchun qotib qolgan holat emas.

Chunonchi, sifat gapda aniqlovchi vazifasida keladi. Bu sifaming boshqa sintaktik vazifa bajarmasligini ko'rsatmaydi. Binobarin, sifatlar ham gapda to'ldiruvchi: kattani katta deydilar (Maqol), otlashganda ega: yaxshi yeydi oshini, yomon yeydi boshini(Maqol) vazifalarida qo'llaniladi.

Ko'rinadiki, so'z turkumlarining sintaktik vazifalari shu turkumdagi so'zlarning lug'aviy ma'nosiga mos holda bo'ladi. Xullas, so'z turkumlarini ajratishda shu uch belgigataylaniladi. Biroq bu belgilar barcha so'zlarda bir xil emas. Masalan, ot, fe'l turkumlari uchun bar uchala belgi yetakchi bo'lsa, olmosh va son uchun bu belgilar o'ta past darajada yoki sifat ravishda sintaktik belgi kuchli bo'lganidek, morfologik belgi u darajada emas.

O'zbek tilida so'z turkumlari 12 ta bo'lib ular quyidagi guruhlariga bo'linadi:

1. Mustaqil so'zlar.
2. Yordamchi so'zlar.
3. Modal so'zlar.
4. Undov so'zlar.
5. Taqlidiy so'zlar.

So'z turkumlarining barchasi grammatik shaklga ega, biroq lug'aviy, grammatik ma'nosi va vazifasiga ko'ra turlichadir.

1. So'z turkumlari ma'no ifodalashiga ko'ra quyidagicha:

- a) **nomlovchi so'zlar:** *ot, sifat, son, fe'l, ravish.*
- b) **ifodalovchi so'zlar:** *undov, modal so'z, yuklama, taqlidiy so'z.*
- c) **ko'rsatuvchi so'zlar:** *olmosh, bog'lovchi, ko'makchi.*

2. Morfologik jihatidan o'zgarishiga ko'ra quyidagicha:

- a) **morfologik jihatdan o'zgaradigan so'zlar :** *ot, sifat, son, olmosh, fe'l.*
- b) **morfologik jihatdan o'zgarmaydigan so'zlar:** *ravish, bog'lovchi, ko'makchi, yuklama.*

3. Gapda sintaktik vazifa bajarishiga ko'ra quyidagicha:

a) **sintaktik vazifa bajaradigan so'zlar:** *ot, sifat, son, olmosh, fe'l, ravish, taqlidiy so'z.*

b) **sintaktik vazifa bajarmaydigan so'zlar:** *ko'makchi, bog'lovchi, yuklama, undov so'z.* Modal so'zlar garchand gap bo'lagi bo'lmasada, gapda kirish so'z vazifasini bajaradi.

Lug'aviy va grammatik ma'noga ega bo'lib, gapda biror gap bo'lagi vazifasini bajaradigan so'zlar **mustaqil so'zlar deyiladi.**

Mustaqil so'zlarda yuqorida sanab o'tilgan har uch xususiyat u yoki bu darajada mavjud. Masalan, **ot va fe'llarda** barcha turdagi (so'z yasovchi, shakl yasovchi, so'z o'zgartiruvchi) qo'shimchalarni olgan holda qo'llanish xususiyati mavjud bo'lganidek, **olmosh va sonda** bu xususiyatlar deyarli yo'q, yoki mustaqil so'zlardan **olmosh** lug'aviy jihatdan atama bo'la olmasligi bilan ham ajralib turadi. Ular gapda ot, sifat, son o'rnida qo'llanib, narsa-hodisaning nomi, miqdori belgisi bo'lmaydi.

Yordamchi so'zlar lug'aviy ma'no anglatmaydi. Masalan, **uchun, ammo, sayin, bilan, va** deganda hech narsani tushunmaymiz. Biroq, til tizimida bu so'zlarning ham o'ziga xos o'rni bor. Binobarin, ular so'z va gaplarni o'zaro munosabatlarini uyushtiradi (ko'makchi), so'z va gaplarni o'zaro bog'laydi (bog'lovchi), so'zlarga, ba'zan gapga qo'shimcha ma'no beradi (yuklama).

Shunga ko'ra yordamchi so'zlar ham til tizimidagi o'ziga xos xususiyatlari mavjud bo'lgan so'zlardir.

TABIIY VA ANIQ FANLARINI O'QITISHDA FANLARARO INTEGRATSIYADAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI

*Andijon viloyati, Andijon tumani
16-umumta'lim maktabi matematika
o'qituvchisi Usmanova Adina Abdulahatovna*

Respublikamizda tarbiya mazmuni, shakli tubdan o'zgardi, tarbiyaviy ishlar aniq maqsad tomon yo'naltirildi, bu jarayonda sub'ektlarning o'zaro samarali hamkorlikda bo'lishlari uchun uzviylikda bo'lgan tarbiya shakli, vosita va usullari ishlab chiqilib, amaliyotga tatbiq etilmoqda. O'quvchilarni ma'naviy-axloqiy jihatdan barkamol shaxs qilib yetishtirishda milliy madaniy, ma'naviy, ilg'or milliy an'ana, urf-odat va umumbashariy qadriyatlar asos bo'ldi.

Integratsiya - bu, ayrim, bo'lak, qismlarning birlashib, bir butun bo'lishidir. Ta'lim jarayonida o'quv fanlarini integratsiyalashda asosiy masala vazifalarning o'zaro birligini ta'minlashda, avvalo, maqsad, metod, shakl, vositalar va kuzatilgan natijalarni belgilab olishdir.

Hozirgi davrda o'quv fanlarini integratsiyalash mazmunini, rivojlanish tarixini, fanlarni integratsiyalashning shakli usul va vositalarini aniqlash, uning kelajak istiqbolini belgilash - asosiy vazifa bo'lib turibdi.

Ma'lumki, "Fan" so'zi lotincha "bilm" demakdir. Shu ma'noda fan o'tmishda ham, hozirda ham, bir tizimga solingan bilimlar birligi deb tushuniladi.

Fan - ma'naviy madaniyatning muhim bir bo'lagi, insoniyatning eng yuqori shakli, maqul metodlar vositasida erishilgan, aniq bayon qilingan, haqiqiylikni ijtimoiy soha tajribasida isbotlangan bilimlar tizimi hisoblanadi. Demak, integratsiya, bu - ayrim bo'laklarning qo'shib bir butun bo'lishidir.

O'quv fanlarini integratsiyalash, bu - turli o'quv fanlarini sun'iy ravishda bir biri bilan birlashtirish degan (fanlarini) gap emas. Ularni o'zaro uyg'unlik, uzviylikda o'rganish, fanlar o'rtasidagi umumiy o'xshashlikni, har biriga xos xususiyatini va har birini hayotga tatbiq etish usullarini puxta, aniq bilib olgan taqdiridagina samarali bo'ladi. Shundagina o'quvchilarda ilmiy dunyoqarash shakllanadi, ular mehnat jarayonida ijtimoiy hayot, tabiatda sodir bo'layotgan voqea va hodisalar o'rtasidagi uyg'unlik, uzviylikni chuqur anglab oladilar.

"Ta'lim to'g'risida"gi qonunda ham, "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"da ham o'quv fanlarini uzviylikda, izchillikda o'rganish aniq ifodalangan.

Ta'limni integratsiyalashtirish o'quvchilarda jo'shqinlik fanlarni o'rganishga qiziqish hissini kuchaytiradi, o'quv fanlari bo'yicha bilim darajasini oshiradi, ularning aqliy faoliyatini rivojlantiradi, o'quv materiallarining o'zaro, tabiiy ravishda uzviylikda bo'lishini ta'minlaydi.

Darsda o'quvchilarda ongli qiziqish faoliyati, mustaqil fikrlash qobiliyati rivojlanadi, ularda o'quv faniga nisbatan shaxsiy munosabatda bo'lish, ijodkorlik hissi shakllanadi. Integratsiyalashtirilgan darsda ta'lim tarbiya uzviyligi ham bir butun holda amalga oshadi. O'quv fanlarni uzviylikda o'rganish o'quvchilar bilimini mustahkamlashning muhim omillaridan biri sifatida o'quv tarbiya jarayonining ham uyg'unlikda bo'lishini taqozo etadi.

Akademik I.P.Pavlov ta'kidlaganidek, ta'lim - aloqa, fikr, tafakkur va bilimlardan iborat. Fanlar o'rtasidagi o'zaro uzviylik tabiat va jamiyat voqealari o'rtasidagi mavjud uzviylikning obyektiv inikosidir. Binobarin, o'zaro uzviylik tabiat va jamiyatdagi narsa va hodisalarga xos umumiy va muhim xususiyat sanaladi. Har bir narsa, voqeaning mohiyatini bilish uning boshqa narsa va hodisalar bilan bo'lgan munosabatini bilishga bog'liq.

Insoniyatning olamni bilish doirasida ikki tendensiyani ajratib ko'rsatish mumkin: biri borliqning, dunyoning yaxlit, butun manzarasini ifodalash bo'lsa, ikkinchisi materiyaning turli ko'rinishlarini xususiy holda, chuqurlashtirilib o'rganishdan iborat.

Ta'limda integratsiyani amalga oshirishda uning nazariy asoslarini o'rganib, ishlab chiqarishgina yetarli bo'lmay, shuningdek tashkiliy pedagogik shart-sharoitlari kompleksi ta'minlangandagina o'z samarasini beradi. O'zbekistonda bu sohada olib borilayotgan ishlar tahlili natijasi sifatida quyidagi ayrim yo'nalishlarni ajratib ko'rsatish maqsadga muvofiqdir:

- ta'lim mazmunini integratsiyalash, xususan integrativ darsliklar yaratish (R. Safarova, F. Musaev U. Musaev, A. Bahromov va boshqalarning ilmiy ishlari). "Integratsiya" atamasining turli talqinlari mavjud bo'lib, ularning asosida umumiy bir g'oya yotadi. "Integratsiya" so'zi matematika bag'rida XVII asrda vujudga kelgan matematik analizning asosiy tushunchalaridan biri - integral tushunchasi sifatida vujudga keldi. Integral hisobining ijodkorlaridan biri I.Nyuton, G.B.Leybnis egri chiziqli trapetsiya yuzasini shartli ravishda asosi dx va balandligi y bo'lgan cheksiz ko'p ensiz qirqimlar yig'indisi shaklida tasvirlash mumkinligini tasvirladi, uni belgilovchi matematik simvol (j) - lotincha summa-yig'indi so'zining bosh harfini bildiradi. Keyinchalik bu so'z siyosat va fanda keng ma'noda asl mohiyatini saqlagan holda ishlatila boshlandi.

Integratsiyaning komponentlari, ya'ni tarkibiy elementlari mavjud bo'lib, ularning o'zaro aloqasi, ta'siri natijasida muayyan integratsiya vujudga kelishi haqida gapirish joizdir. Ilmiy integratsiyaning komponentlari bilim va uning tarkibiy qismlaridan iborat bo'ladi.

Biz matematika ta'limida integratsiya masalalarini tatqiq etar ekanmiz, integratsiya muammosini ikki yo'nalishda:

- 1) ta'lim(fanlar) mazmuni;
- 2) o'qitish texnologiyalari asosida hal qilishni maqsad qilib qo'ydik.

Ta'lim mazmunini integratsiya etish - fanlararo aloqadorlik vositasida amalga oshirilib, fanlararo darajadagi aloqalarda tayanch predmet maqomi turli variantdan iborat bo'lishi mumkin. Ikki o'quv predmeti orasidagi aloqalarni o'rnatishda, ularni integratsiyalashda vaqti vaqti bilan u yoki bu predmet tayanch bo'lib xizmat qiladi. Lekin shuni ta'kidlash joizki, matematika fanining mohiyati, uning muayyan hodisalarni abstraklashtirib o'rganishdan iborat, ya'ni matematikalashtirish bilimlar integratsiyasini amalga oshirishning ko'rinishlaridan biridir.

Darhaqiqat, matematikalashtirish bilimlarni sintez qiladigan qadimgi metodlardan biri. Matematik tushunchalarning umumiyligi asosida ilmiy mulohaza, qonun va prinsiplarning umumiyligi ta'minlanadi.

BIOLOGIYA FANINI O'QITISHDA VIRTUAL LABORATORIYALARDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI

Sh.I.IBRAGIMOVA

Jizzax shahridagi 12-maktabning biologiya fani o'qituvchisi

Zamonaviy usulda dars o'tishning muhim talablaridan biri – kompyuter tizimini ta'lim sohasiga kengroq olib kirish, uning imkoniyatlaridan samarali foydalanish orqali o'quvchilarni bilim, malaka va ko'nikmalarni yuksak darajada shakllantirish hamda u orqali jamiyatimizga yetuk mutaxassis kadrlarni yetkazib berishdir. Bu masalani hal qilishda o'qituvchilarimizdan tinimsiz izlanish, yangiliklarga intilish talab etiladi.

Ta'lim sohasida respublikamizda amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy maqsadi hozirgi ilmiy-texnika taraqqiyoti davrida va erkin demokratik jamiyatga moslashgan, ijtimoiy munosabatlarga kirisha oladigan, faol, ma'naviy yetuk va har tomonlama bilimdon komil insonni tarbiyalashdan iborat. Ushbu maqsadlarni amalga oshirish uchun ta'lim- tarbiya jarayonida hozirgi zamon talablariga mos keluvchi yangi mashg'ulotlardan foydalanish lozim. Umumta'lim maktablarida tabiiy fanlarni o'qitishda o'quvchilar uchun belgilangan bilim, ko'nikma va malakalarni egallashlarida amaliy ish va laboratoriya mashg'ulotlarini bajarish muhim ahamiyatga ega.

Hozirda avvalgidek, sinf taxtasida bo'r bilan yozish va ko'rgazma rasmlardan foydalanish vaqti o'tdi. O'qituvchilar yanada samarali o'qitish uchun proektorlar va AKT dan foydalanib jonli o'quv sinflarini tashkil etishlari lozim.

AKT dan foydalanish kundalik hayotimizning dolzarb talabi hisoblanib, jamiyatni globalashtirishda muhim rol o'ynaydi. O'quvchilar yangi tushunchalar haqida rasmiy bilimlarni to'plamasdan, balki ularni tushunib olishlari juda muhim. Biologiya fanini o'qitish yanada samarali bo'lishi uchun o'quv mashg'ulotlari davomida o'qituvchilar AKT ni ishlab chiqishlari va undan foydalanishni ragbatlantirishlari zarur.

Umumiy o'rta maktablarida o'tkaziladigan laboratoriya va amaliy mashg'ulotlarini bajarishda biologiya fani o'qituvchilari bir qator qiyinchilik va muammolarga duch kelishmoqdaki, bu muammolarning yechimini topish hozirgi kunning dolzarb masalalaridan hisoblanadi.

- Laboratoriya asbob- uskuna va jihozlarining to'laqonli yetishmasligi;
- Aniqlagich kitoblarining yetishmasligi (ayrim maktablarda umuman aniqlagichlar yo'q);
- Ba'zi hollarda sinf o'quvchilari sonining haddan tashqari ko'pligi ham laboratoriya va amaliy mashg'ulotlarni o'tkazishda ko'pgina qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi.

Virtual laboratoriyalarning yaratilishi natijasida laboratoriya sharoitida o'tkazilishi mumkin bo'lmagan (zaharli moddalar, kamyob moddalar, ko'zga ko'rinmaydigan obyektlar ustida olib borilayotgan tajribalar) ishlarni bajarib ko'rsatish va ular yordamida o'tkazilayotgan ishlarni ekologik toza muhitda bajarish imkoniyatini beradi.

Laboratoriya ishlarini virtual laboratoriyalar ko'rinishida kompyuter imitatsion modelini yaratish quyidagi:

- virtual laboratoriyalar uchun maxsus jihozlangan xonalar talab qilinmasligi;

- laboratoriya mashg'ulotlarida ro'y berayotgan jarayonlarni kompyuter imitatsion modeli orqali obyektning ichki va tashqi xossalarni kuzatish hamda namoyish qilinishi;
- laboratoriya sharoitida o'tkazish mumkin bo'lmagan jarayonlarni virtual namoyish qilish;
- virtual laboratoriyalardan mustaqil o'qitish soatlarida keng foydalanish;
- laboratoriya ishlarida ko'zda tutilgan parametrlar (moddalar, elementlar va x.k.) ni o'zgartirib borishi;
- masofadan o'qitish ta'lim turi uchun o'quv materiallari bazasi sifatida foydalanish;
- o'quv jarayonining samaradorligini oshirish va laboratoriya mashg'ulotlarini bajarishda tejamkorlikka erishish kabi imkoniyatlarni paydo qiladi.

Virtual laboratoriyalarning imkoniyatlari

- Qimmat laboratoriya asboblari sotib olishga ehtiyojning yo'qligi,
- Laboratoriya shart-sharoitlarida bajarilishi printsiplial mumkin bo'lmagan jarayonlarni modellashtirish imkoniyati,
- Xavfsizlik,
- Vaqt va resurslarning tejilishi,
- Bajarilgan laboratoriya natijalarining avtomatik tarzda hisoblanishi,
- Virtual laboratoriyalarni masofaviy ta'limda qo'llash imkoniyatining mavjudligi
- Virtual jarayonni boshqarish kompyuterning zimmasiga tushishini hisobga olib, kiritilayotgan parametrlarni o'zgartirib, tajribalar seriyasini o'tkazish imkoniyati mavjudligi,
- O'tkazilayotgan laboratoriya tajribasini vaqtning boshqa masshtablarida kuzatish mumkinligi.

Rivojlangan davlatlardan Buyuk Britaniya ta'limini oladigan bo'lsak, unda biologiya kursini o'qitishda interfaol o'qitish shakllari va metodlaridan foydalaniladi. Zoologiya va botanikadan laboratoriya ishlarini o'tkazishda kompyuter texnologiyalari qo'llaniladi, chunki tajribalar o'tkazishda tirik preparatlardan foydalanish qonun tomonidan ta'qiqlangan.

Yuqoridagi muammolarning yechimini topish uchun umumta'lim maktablarida virtual laboratoriya mashg'ulotlaridan foydalanishni yo'lga qo'yish maqsadga muvofiqdir. Maktab o'quvchilari uchun soddalashtirilgan aniqlagich kitoblari nashr etilishi zaruriyati ham tug'ilgan. Bu o'quvchilarda nafaqat biologiya fanidan egallashi zarur bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarni, balki, ularda biologik kompetensiyalarni ham shakllantirish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "AKT yordamida biologiyani o'qitish" O'qituvchilar uchun qo'llanma, Toshkent, 2010
2. Respublika ta'lim markazi "Kimyo, biologiya va fizika fanlarida o'quv-laboratoriya jihozlaridan samarali foydalanish" uslubiy qo'llanma, Toshkent, 2016

СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ ИСТОРИИ И ОБЩЕСТВОЗНАНИЯ КАК СПОСОБ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБУЧЕНИЯ

*Юнусметова Насиба - старший преподаватель
кафедры Педагогики и психологии, технологии обучения*

Одной из актуальных проблем современной методики является использование активных форм обучения, развивающих и исследовательских методов, позволяющих наиболее полно раскрыть способности обучающихся

Представляется важным применение с этой целью таких методов активного обучения, как ролевая игра. Ролевая игра обозначает метод симуляции отрезка реальной действительности. Ролевые игры применяются в учебных целях, где игрокам дается возможность подготовиться к комплексным реальным социологическим и техническим системам в процессе общения на уроке.

Рассматривая исследовательские, проблемные, развивающие методы и формы обучения, можно отметить, что ролевая игра в процессе обучения пробуждает у обучающихся познавательный интерес, творческие способности, обеспечивает стимулирование изучения предмета.

Профессионализм учителя во многом определяется требовательностью к себе. Не к ученикам, а именно к себе. Ученики могут казаться и невнимательными, и ленивыми, и слабыми, но учительская задача состоит в том, чтобы вооружить их умениями и навыками добывать знания, отзывчиво и инициативно сотрудничать с другими и развивать то лучшее, что делает человека человеком.

Изменения, происходящие в нашей стране и в мире, активно воздействуют на образование. Современные условия заставляют учителя применять инновации, без которых урок стал бы простым повторением пройденного. Ведь чтобы завладеть вниманием современных обучающихся и развить познавательный интерес к предмету, надо прежде всего, удивить, заинтересовать, научить видеть необычное в обычном.

Особое значение в школьном возрасте имеет познавательная деятельность, направленная на изучение системы знаний в различных научных областях, раскрывающих общую картину мира, происхождение, развитие, закономерности и особенности изучения.

Поэтому для меня, как учителя истории и обществознания огромную помощь в работе оказывают информационно-коммуникационные технологии, потому что это новые дополнительные источники информации, красочные наглядные пособия, возможность разнообразить формы и методы преподавания.

На своих уроках активно применяю мультимедийные презентации, которые позволяют представить учебный материал как систему ярких опорных образов: иллюстраций, фотографий, карт, схем, таблиц, диаграмм, кроссвордов, тестов, сопровождаться звуками, музыкой и речью. Это даёт возможность эмоционально воздействовать на обучающихся, ближе и лучше рассмотреть конкретные события, факты, явления, значительно повысить интерес к предмету.

Сегодня основные методические инновации по существу связаны и с применением интерактивных технологий обучения. Они наиболее всего соответствуют личностно-ориентированному подходу, так как предполагают со-обучение (коллективное, обучение в сотрудничестве). При организации познавательной деятельности каждый участник вносит свой особый индивидуальный вклад, идет обмен знаниями, идеями, способами деятельности в атмосфере доброжелательности и взаимной поддержки, открытости, равенством аргументов, возможности взаимной оценки и контроля.

Интересно наблюдать динамику развития выполнения творческих и познавательных заданий через проводимые мною уроки-практикумы: «Начало первой мировой войны в Туркестане»; «Резюме»; «Создание Туркестанского генерал - губернаторства»; «Восстания в Туркестане в 1961 г»; тренинг «Я голосую за тебя», развивающий способность отстаивать свое мнение; ролевые игры «Справедливое наказание»; «ПСУ (преследовать, спорить и убеждать)»; «Консенсус и конфронтация», в которых предлагается сыграть роль другого человека (или разыграть ситуацию).

Таким образом, применяя современные технологии в своей педагогической деятельности, я вижу положительный результат взаимодействия с обучающимися, так как предоставляю каждому ребенку оптимальные возможности в личностном становлении и развитии, в расширении возможностей самоопределения и самореализации.

Ролевые игре должны использоваться в учебной ситуации, подбором которых занимается преподаватель. При создании учебных ситуаций преподавателю рекомендуется лишь смоделировать определенные завязки или конфликтные сцены, где обучающиеся смогли бы принять эмоциональное участие и активизировать свой творческий потенциал с целью развития языковых способностей.

Ролевые игры дают возможность участникам игры безо всякого вреда попробовать себя в различных ситуациях общения и являются испытанным методом активного обучения. Целенаправленное применение ролевых игр на уроках истории, проведения приводит к положительным результатам в овладении обучающимися фактическим знанием предмета и более глубокому пониманию общественных процессов. Одновременно они могут способствовать осмыслению собственных взглядов в различных жизненных ситуациях, а также пониманию другой культуры. Ролевые игры используются как средство воспитания демократического, толерантного отношения к чужой культуре.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАТЕМАТИКА ФАНИДАН САВОДХОНЛИК ДАРАЖАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Шодмоналиева Мухайё Баҳодировна – Андижон вилояти Избоскан тумани

15-ДИМИ директори

Қўшақова Гўзалой Зокировна- Андижон вилояти Избоскан тумани

15-ДИМИ математика фани ўқитувчиси

*“Ўртача ўқитувчи баён қилади, яхши ўқитувчи тушунтиради,
машхур ўқитувчи намойиш қилади, буюк ўқитувчи руҳлантиради”*

И.В. Гёте

Ҳар бир дарсда турли хил дидактик мақсадлар кўзланади, улар орасида биттаси бош мақсад бўлиб ҳисобланади, уни дарснинг асосий дидактик мақсади дейилади. Ҳар бир алоҳида дарснинг мақсади дарслар системасининг мақсадини аниқлаб, унинг ёрдамида ўқитилаётган мавзунинг мазмунини ўқувчиларга очиб беради. Бу ҳолда янги тушунчалар билан ўқувчиларни таништириш бўлса, иккинчи ҳолда таништирилган тушунчани кенгайтириш ва чуқурлаштириш, учинчиси эса, бирор малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш, тўртинчиси эса, билим, малака ва кўникмаларни текшириш бажарилади. Ҳар бир дарсда юқорида айтилганларнинг бир нечаси ёритилиши мумкин. Ўтилганларни тақрорлаш олдин ўтилган билимларни янги системага солиш, шу билан билимларни текширишни ўз ичига олади. Янги материални баён қилиш ҳар доим машқлар бажариш билан давом эттирилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори билан халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш, халқаро алоқаларни ўрнатиш, ўқувчи-ёшларнинг илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини, энг аввало, ёш авлоднинг ижодий ғоялари ва ижодкорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси

хузурида Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ташкил этилди. Бу эса ўқувчилар билим бўшлиғини тўлдиришга хизмат қилади.

Ўқувчиларига тақдим этилган топшириқларидан намуна

1. Фуджи тоғига кўтарилди. Япониядаги Фуджи тоғи “уйқудаги” вулкани билан машҳур тоғ ҳисобланади. Фуджи тоғи фақат 1 июлдан 27 августгача бўлган даврда одамлар учун очиқ. Тахминан 200 минг киши ҳозирги вақтда Фуджи тоғига чиқмоқда. Ўртача ҳар куни Фуджи тоғига қанча одам кўтарилди?

2.2-масала (дунё бўйича ўртача 73%, Сингапур 95%, Россия 14%).

Том ноннинг $\frac{1}{2}$ қисмини, Янна эса $\frac{1}{4}$ қисмини еди. Иккаласи ҳам ноннинг қайси қисмини ейишди?

3.3-масала (дунё бўйича ўртача 45%, Сингапур 78%, Россия 47%). Халтада 5 та қизил ва 5 та кўк шар бор. Мурод ихтиёрий равишда битта шарни олди. У қизил экан. Бундан кейин у бу шарни сумкага солди. Кейинги олинган шар қизил бўлишининг эҳтимолигини топинг.

Математика имтиҳонларида ўқувчилар қандай муаммоларга дуч келиши мумкин?

1. Дарсликларда PISA топшириқларига ўхшаш масалаларнинг йўқлиги ёки камлиги ва шунинг учун ўқувчиларда бундай амалий фаолиятларни амалга ошириш тажрибасининг етишмаслиги оқибатида уларнинг натижалари паст бўлиши мумкин.

2. PISA топшириқлари одатда узундан-узун матнлар ёрдамида тасвирланиб, улардаги реал вазият ва муаммоларни ҳал қилиш усулини танлаш учун математиканинг қайси бўлимига мурожаат қилиш ҳақида кўрсатмалар йўқ.

3. PISA топшириқлари (матнли, расмли, диаграмма ва жадваллар, реал боғланишлар графиклари) турли шаклларда тақдир қилинади. Уларни математик тилга ўгириш ва ечим топилгандан сўнг уни яна реал шароит билан боғлаб баҳолаш ва шарҳлаш талаб қилинади.

4. Одатда математика дарсликларида стандарт масалалар берилди ва улар стандарт усуллар ёрдамида ечилади, яъни ўқувчилар муайян турдаги масалаларни маълум алгоритмлар асосида ечишга ўргатилади.

PISAда ўқувчиларнинг билим сифати мониторинги 5 та йўналиш бўйича аниқланади.

- Ўқиш саводхонлиги
- Математик саводхонлик
- Молиявий саводхонлик
- Компютер саводхонлиги
- Табиий-илмий саводхонлик

Ўзбекистон 2021-йилда 3 та (ўқиш саводхонлиги, математик саводхонлик, табиий-илмий саводхонлик) йўналиш бўйича иштирок этиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда истиқболли ёшларни қўллаб-қувватлаш, улғайиб келаётган ёш авлодни илмга кенг жалб қилиш ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, математика фани учун бўлғуси кадрлар тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимизнинг нуфузини янада юксалтириш учун иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро вилояти Қорақўл туманида “Халқаро математика мактаби”ни ташкил этиш тўғрисида”ги 2019 йил 9 август, 654-сонли қарори қабул қилинди.

Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда аниқ ва табиий фанлар, шунингдек, чет тилларини чуқур ўқитиш, ўқувчиларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш ҳамда уларни республика ва халқаро фан олимпиадаларига қатнашишга тайёрлаш халқаро мактабнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Халқаро Математика Олимпиадаси дунёнинг ёш математиклари учун энг катта ва энг муҳим форум ҳисобланади. У спорт Олимпиадаси каби нуфузли бўлиб, унда иштирок этиш ҳар бир мамлакат учун катта шарафдир. Ҳар йили июль ойида, дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатидан келган 500-600 нафар иқтидорли ёшлар ўзаро беллашадилар, мулоқотда бўлишади ва тажриба алмашишади. Биринчи халқаро Математика Олимпиадаси Брашовда 1959 йилда бўлиб ўтган ва унда Болгария, Венгрия, Шарқий Германия, Польша, Румыния, СССР, Чехословакия терма жамоалари иштирок этган. Ўзбекистон жамоаси биринчи бор 1997 йили Аргентинада бўлиб ўтган Халқаро Математика Олимпиадасида 3 нафар иштирокчи ва 1 нафар раҳбар билан фаол қатнашган. Бу ерда амалий тажрибаларни алмашиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси, 2020 йил 25 январь, №19 (7521)
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги 997-сон “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бухоро вилояти Қорақўл туманида “Халқаро математика мактаби”ни ташкил этиш тўғрисида”ги 2019 йил 9 август, 654-сонли қарори

РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ҚЎЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Адилова Маъмурахон Сотволдиевна- Андижон вилояти Избоскан тумани 34-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Мамажоновна Наргиза Ариповна - Андижон вилояти Избоскан тумани 2-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси

Инновацион технологиялар - педагогик жараёнда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиши бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади. Фаол ўқитиш методлари, илғор педагогик технологиялар инновацион ғояларнинг маҳсулидир. Мактабларнинг тажрибаси дарснинг маълум тизимини яратдики, кўпчилик ўқитувчилар бу тизимга риоя қилиб, маълум яхши натижаларга эришмоқда. Одатда дарснинг бошида уй вазифаси текширилади ёки ўтган мавзу такрорланади, сўнгра ўтган мавзу юзасидан савол-жавоб ўтказилади. Шундан кейин янги материал баён этилади ва уни мустақамлаш учун ўқувчиларга мисол ва масалалар ечдирилади ёки назорат саволлари берилади. Дарс охирида уйга вазифа ва унга қўрғазмалар берилади. Баъзан, бу мақсадлардан биттасига бағишланиши мумкин. Ана шу битта мақсадни дарснинг асосий дидактик мақсади дейилади ва бошқалар унга амал қилади. Энди хорижий таълимга эътибор қаратсак, хорижий таълимда сўнгги йилларда бир қатор атамалар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари қиради.

ТБЮТОР - (Tutorem-лотинча) устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради. Бунда маърузачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.

ЭДВАЙЗЕР (advisor)-французча “avisen”“ўйламоқ”) талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.

ФАСИЛИТАТОР - (инглиз тилида .facilitator, латинча facilis–енгил, қулай)- гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги комуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.

МОДЕРАТОР - Қабул қилинган қоидаларга амал қилиш текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради. Маълумотни, семинарни, тренинглар ва давра суҳбатларини бошқаради, фикрларни умумлаштиради.

Бизнинг таълимда ушбу фаолиятларнинг ҳаммасини ўқитувчи бажаради ва педагог ёки ўқитувчи деб юритилади.

Бугунги кунда таълим жараёнида қўллаб кўрилиб яхши самара бераётган илғор таълим тажрибаларига ривожланган давлатларнинг илғор педагогик технологияларини Мисол тариқасида олишимиз мумкин. Япония давлатини олишимиз мумкин. Япония таълимнинг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдига икки вазифани: биринчи — бойиш, иккинчи - Ғарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айтилди. 1872 йили «Таълим ҳақидаги қонун» қабул қилинди. Японияда бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди. 1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари белгилаб қўйилган. Японияда ҳозирги замон таълим тизимларини таркиби қуйидагича: болалар боғчалари, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртларидан иборат. Мажбурий таълим. Таълимнинг бу поғонасига 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар жалб қилиниб улар шу муддат ичида 6 йиллик бошланғич мактаб ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб курсини ўтайдилар. 9 йиллик бу таълим мажбурий бўлиб барча болалар бепул ўқитиладилар ва текин дарсликлардан фойдаланадилар.

Америка Қўшма штатларида таълим тизимининг тузилиши қуйидагича: - болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари; - 1- 8 - синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар); - 9 – 12 - синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат. Бошланғич мактаб 6 ёшдан то 13- 15 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади. Синфдан-синфга кўчиш ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Бошланғич таълим турли штатларда турлича белгиланган (4, 5, 6, 8 йил). Мактабларда турли хил тўғарақлар, учрашувлар, шоулар ва саёҳатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим.

Франция бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш ҳисоблаш малакасини беришдир. Ўқув машғулоти эрталаб соат 9 дан 12 гача ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади.

Мактабда овқатланиш пуллик лекин жуда арзонлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи;
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);

3. Чуқурлаштирилган босқич. Тайёрлов босқичи - 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга ўқиш ва ёзишга, қуйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга жисмоний машқлар билан машғул бўлишга мактабнинг турли спорт тадбирларида иштирок этишга мусиқа ва меҳнатга ўргатилади. - Навбатдаги босқич — элементар курс бўлиб бу босқичда ўқиш 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклида предметлар бўйича олинган билимларни янада такомиллаштирилади. - Бошланғич мактабнинг 3 - босқичи — чуқурлаштириш босқичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади

Бугунки кунда бир қатор мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим тарбия жараёнини самарадорлигини кафолатловчи интерфаол методларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан киритилмоқда. Қуйида таълим амалиётида фойдаланилаётган интерфаол методлардан бир нечасининг моҳияти ва улардан фойдаланиш борасида сўз юритамиз:

Интерфаол асосида дарс жараёнини ташкил этилганда:

1. Ўқувчининг ўзаро фаоллиги ошади, ҳамкорлик, ижодкорликда ишлаш қўникмалари шаклланади.
2. Таълим мазмунини, маърузасини мустақил мутоола қилиш, ишлаш, ўзлаштириш кундалик шахсий ишларига айланади.
3. Ўқувчи эркин фикр билдириш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, исботлай олиш, тасдиқлай олишга одатланади ва ўқувчининг эҳтиёжи, ҳошиш-истаги қондирилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики Ривожланган давлатларнинг илғор педагогик технологияларини таълим тизими ҳам шаклан ҳам мазмунан юксак уйғунлик касб этган. Ибрат олса ўрганса арзийдиган жиҳатлари кўп. Эътиборли яна бир томони - Японияда фақат миллий анъаналар билан чекланиб қолмай жаҳондаги Америка, Франция каби тараққий этган мамлакатларнинг илғор педагогик иш тажрибалари ҳам ижодий ўзлаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.- Т.:Молия,2003.-192 б
3. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А.,Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: “Истеъдод” жамғармаси,2008 - 180 б.
- 3.Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А.,Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009 -160 б.
4. Усмонов Н., Японияда бола тарбияси . Маъруза. 2002-13 март.

ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКА ОШИРИШДАН КЕЙИНГИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ ОМИЛЛАРИ

*Қ.Зулунов,
Андижон вилояти ХТХҚТМОХМ
ижтимоий иқтисодий фанлар методикаси
кафедраси катта ўқитувчиси*

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан бошлаб таълим соҳасига катта эътибор қарата бошлади. Хусусан бугунги кунга келиб таълим соҳасини ислох қилиш юзасидан Президентимизнинг 2017 мил 26-сентябрдаги “ Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ -3289 -сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил 15- мартдаги “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140 –сонли қарорида белгилаб берилган.

Малака ошириш тизими самарадорлигини кўрсатувчи асосий омиллардан бири – бу ўқитувчиларнинг малакасини ошириш курсидан кейинги фаолиятини ўрганиш ва унинг мониторингини амалга оширишдан иборатдир.

Малака ошириш курсларидан ўтган ўқитувчилар фаолиятининг курсдан кейинги самарадорлигини ошириш борасидаги ташкилий методик ишларни тўғри йўлга қўйиш таълим – тарбия жараёни мазмунини бойитиш омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчи бунинг учун малака ошириш даврида умумқасбий фанлар билан бирга ажратилган модуллар бўйича узлуксиз таълим тизимини ислох қилишни, таълим тизимида ҳуқуқий меърий ҳужжатларни, ахборот технологияларини мутахассислик йўналишлари бўйича алоҳида ва улар асосида олган назарий методик янгиликлари тўғрисида фанлар бўйича метод бирлашма йиғинларида курс давомида ўрганган янгиликлари асосида ахборот бериши лозим.

Бунинг учун малака ошириш курсининг якунида, курсни муваффақиятли якунлаган тингловчиларга кафедралар томонидан курсдан кейинги топшириқ, ижодий ишлар учун истиқбол режа тузиши керак. Ўқитувчи яна шу истиқбол режа асосида курсдан кейин келгуси курсларга ўз иш фаолиятини такомиллаштириши мумкин. Курсдан кейинги самарадорлик юқори бўлиши учун ўқитувчи фаолиятини назорат қилиш, унга тегишли кўрсатма ва методик ёрдам бериб бориш истиқбол режага киритилган

мавзуларнинг ўз вақтида юқори савияда бажарилишини таъминлашга эришиш вазифалари умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари ва метод бирлашма раҳбарлари зиммасига юкланиши лозим. Ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари малака ошириш курсидан ўтган ўқитувчининг;

- тақвимий иш режасига янгиликлар киритилганлигини;
- ўқув жараёнига янги замонавий технологияларни жорий этиш услубларини такомиллаштирган;
- методик маҳоратини такомиллаштирган;
- ўқувчилар билим сифатидаги ўсиш кўрсаткичини;
- фан хоналарини безаш бўйича янги ғоялар киритилганлиги;
- тарих дарсларини ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш даражасининг ортиши;
- мутахассислик йўналиши фанлари бўйича назарий билим, кўникма ва методик малакаларининг такомиллашганини ўрганиб бориши лозим.

Мактаблардаги фанлар бўйича метод бирлашма раҳбари:

- фан ўқитувчисига малака ошириш маркази томонидан берилган курсдан курсга бўлган даврда бажариладиган ижодий истиқбол режада белгиланган вазифаларни босқичма – босқич амалга ошириш учун аниқ дастур тузиб, тасдиқдан ўтказиши керак бўлади.
- Фан ўқитувчисининг ишини ҳар чоракда бир мартаба диагностик таҳлилдан ўтказиш ва якуний мониторингини шакллантириши лозим.
- Энг ижодий илғор ғоя ва янгиликларни умумлаштириб, мактаб жамоаси ўртасида тарғиб қилиш ва туман (шаҳар) ХТБ методика марказига ўрганиш учун тавсия этиш вазифаларини амалга ошириш зарур.

Бунда туман методика марказининг асосий вазифалари қуйидагича бўлиши мумкин:

- таълим муассасалари раҳбар ходимлари ўқитувчилари ва бошқа педагогларнинг курсдан кейинги самарадорлигини аниқлаш ва яхши йўлга қўйишнинг алоҳида йўналишларига оид тадбирлар режасини туман (шаҳар) миқёсида ишлаб чиқиш, унинг бажарилишини назорат қилиб бориш;
- малака ошириш курсларидан ўтган ўқитувчиларнинг курсдан кейинги даражаларини мактаблар, фанлар кесимида таҳлилларини ўтказиб, мониторинг натижаларини метод марказ йўналишларида туманнинг барча мактаб раҳбарларига етказиб бориш;
- энг яхши натижаларга эришган ўқитувчилар фаолиятини чуқур ўрганиб, оммалаштириш зарур ҳолларда рағбатлантириб бориш;
- мактаб директори ўринбосарлари ва метод бирлашма раҳбарларига мазкур йўналиш бўйича методик ва амалий ёрдам бериб бориш.

Худудий марказда олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижаси шуни кўрсатадики, тингловчининг фаолияти самарадорлигини аниқлаш мониторинги уч йўналиш бўйича ўрганилса, мақсадга мувофиқ бўлади:

- фан ўқитувчисининг малака ошириш арафасидаги фаолияти ва унинг таҳлили;
- ўқитувчининг малака ошириш давридаги фаолиятининг таҳлили;
- фан ўқитувчисининг малака ошириш курсидан кейинги фаолияти самарадорлигининг таҳлили.

Ҳар бир йўналиш бўйича саволлар қуйидаги баллар асосида белгиланиши лозим.

1. Ўқитувчининг малака ошириш арафасидаги фаолиятининг таҳлили қуйидагича антқланади:

- ўқитувчи ўтган дарсларининг самарадорлиги таҳлили;
- ўқитувчининг ижодкорлиги ва изланувчанлиги;
- дарс ўтиш услубининг таҳлили;
- жамоадаги фаоллиги таҳлили;
- туман (шаҳар) миқёсидаги фаоллигининг таҳлили.

2. Ўқитувчининг малака ошириш курси давридаги фаолиятининг таҳлили.

Тингловчи малака ошириш курси давомида ўзининг шахсий дастурини тайёрлайди. Фани бўйича кўрсатилган давлат талабларини ҳамда ўқитувчига қўйилган умумий талаблар билан таништирилди.

Тингловчилардаги курсгача билимларини аниқлаш мақсадида тезкор диагностика ўтказилади. Анкета саволлари берилиб уларнинг билимларидаги бўшлиқларни аниқлаш, уларни ўрганиб чиқиш ва шунга асосан ўз иш режасига ўзгартиришлар киритиш лозим. Шу асосда курс тингловчилари билан қўшимча машғулотлар ўтказилади, уларга давлат талаблари асосида тузилган ўзлаштиришлари доимий назоратда бўлади. Курс давомида ҳар бир тингловчидаги бўшлиқлар аниқланиб, уларни тўлдириш, бартараф этиш, такомиллаштириш эътиборга олинади. Жумладан,

- ўқув жараёнини ташкил этишда профессор ўқитувчилар томонидан ахборот технологиялари, инновацион, замонавий педагогик сифати, тингловчининг фаол иштироки, малакавий ишларининг сифати

- ўқув жараёни машғулот сифати, тингловчининг фаол иштироки, малакавий ишларининг сифати тест якунлари таҳлили асосида.

3. Ўқитувчининг малака ошириш курсидан кейинги фаолиятлари самарадорлигининг таҳлили қуйидаги йўналишда аниқлаш мақсадга мувофиқ:

- Ўқитувчининг ўтган дарсларининг самарасидаги ўзгариши;
- Ўқитувчининг ижодкорлиги ва изланувчанлигидаги ўзгариши;

- Ўқитувчининг дарс ўтиш методикасида юз берган ўзгаришлар;
- Жамоадаги фаоллигидаги ўзгаришлар;
- Туман (шаҳар) ва вилоят миқёсидаги фаоллигидаги ўзгаришлар;
- Ўқитувчининг ахборот коммуникация технологияларини ўзлаштиришдаги ўзгаришлари;

Ўқитувчининг курсдан кейинги фаолияти самарадорлиги билан асосан таълим муссафасида фан методбирлашма рахбари ва педагог кадрлари қайта таёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказ кафедра профессор ўқитувчилари томонидан педагог кадрларга узлуксиз илмий ва амалий метод ёрдам кўрсатилмоқда.

Бундан ташқари турли семинар анжуманлар ўтказиш орқали ўқитувчиларни ҳаракатга келтириш дарсга таёргарлик қўришга қизиқишини орттиришга ўқитувчининг курсгача, курс давомида курсдан кейинги узлуксиз таълимни йўлга қўйиш орқали, таълим ходимларининг бутун педагогик фаолиятида ўзларини ривожлантириш асосида фаолият юритишлари орқали таълим сифати ва самарадорлигини таъминлашга эришишдан иборатдир.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ КИТОБ ЎҚИШГА ҚИЗИҚТИРИШ ОРҚАЛИ НУТҚ РАВОНЛИГИНИ ЎСТИРИШДА ОТА-ОНАЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ ОШИРИШ

*Азаматова Башират Тўлагановна
Зангиота тумани 42-мактаб ўқитувчиси
Муродова Феруза Қаҳҳоровна
Зангиота тумани 42-мактаб ўқитувчиси*

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу кадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” қарори ишлаб чиқилиши ҳам ўқувчи ёшларимизнинг китобга меҳр қўйиши, теран фикрлаши, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашлари ва келажақда баркамол авлод бўлиб камол топишида хизмат қилади, яъни илк бор мактаб кучоғига отланаётган боланинг янги муҳитга мослашиши кўп омилларга боғлиқ. Бунда ота-онанинг ҳам ўзига яраша бурчи ва масъулияти бор, албатта. Оилада фарзанднинг эрталаб ўз вақтида туриши, нонушта қилиши, мактабга бориши учун шароит бўлиши керак. Қолаверса, уйдагилари унинг фанларни қанчалик ўзлаштираётгани, тарбияси ва хулқ-атвори хусусида муаллимдан доимо сўраб-суриштириши ҳам жуда муҳим. Уйда она қайсидир маънода ўқитувчига айланиши лозим. Боланинг дарс тайёрлаши, ўз вақтида дам олиши, ўйнашини назорат қилиш, керак пайтда кўмак кўрсатиш талаб қилинади. Бундай эътиборни фақат 1-синфда эмас, балки бола 4-синфни тугатгунига қадар ва ҳатто ундан кейин ҳам сусайтирмаслик мақсадга мувофиқ.

Кўлига бирор марта китоб олмаган одамнинг болага: “китоб ўқи”, деб маслаҳат ёки буйруқ беришга ҳеч қандай ҳаққи ҳам, асоси ҳам йўқ! “Болаларни бизнинг гап-сўзларимиз эмас, балки хатти-ҳаракатларимиз тарбиялайди”, деган Макаренко аини ҳақиқатни сўзлаган эди. Китоб ўқиладиган хонадонларда мутолаага меҳр қўйган болалар камолга етади. Албатта, бу мутлақ ҳақиқат эмас. Китоби йўқ уйларда ҳам китобхонлар бор. Аммо ҳамма жойда, ҳар доим ҳам эмас. Аксарият оилаларда вазият тахминан куйидагича: она куни бўйича уй-рўзғор ишлари билан банд, озгина бўш вақт топди дегунча қўшни аёллар билан ҳасратлашишга ошиқади. Телевизор, сериал кўриш, тўй-маъракаларда қатнашиш ва бошқаларга ажратилган вақт китоб ўқишга етмайди. Ота эса куни бўйи ишда бўлиб, кечқурун келиб овқатланадию, бир оз телевизор кўргандек бўлиб, сўнгра ухлашга кириб кетади. Ўқилган китобларни муҳокама қилиш, қандай китобларни ўқиш бўйича маслаҳатлар бериш, афсуски, оилаларда жуда кам учрайдиган ҳолат. Оммавий равишда: хиёбонларда, транспорт воситалари, кутиш заллари, бекатлар, шифохоналарда китоб ўқилиши ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Қанийди бундай жойларда шундоққина қўл узатсанг етадиган ерда китоблар турсаю, бўш вақтингда мутолаага берилсанг. Бу сўзлар асло шахсий тасаввурим маҳсули эмас. Кўплаб мамлакатларда шу каби ижтимоий лойиҳалар йўлга қўйилганки, одамлар ўқиб бўлган китобларини ҳамма учун очиқ ва бепул бўлган махсус жавонларга келтириб қўяди. У ердаги истаган асарини олиб кетиши мумкин.

Марҳум адибимиз Асқад Мухтор айтганидек, китоб – бойлик, сотиб олингани эмас, балки ўқилгани. Масалага мана шу нуқтадан қарасак, бу бебаҳо бойликни ҳамма билан бўлишиш мумкин. Болаларни китобга қизиқтиришда катталарнинг хабардорлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда юқорида кутубхоначилар мисолида мушоҳада юритгандек бўлдик. Бироқ педагоглардан ташқари ота-оналар ҳам болага қандай китоб

олиб беришни билиши керак. Бундан бир неча йиллар аввал тоғам фарзандларига қанча китоб олиб берса ҳам ўқишга қизиқмаслигидан нолиган эди. Ундан ўзи қандай китоблар олиб бердингиз, деб сўрадим. Бир неча китоб номларини эшитиб, тоғамга бу китоблар болаларининг ёшига мос эмаслигини айтиб, ундан кўра “Сариқ девни миниб”, “Ширин қовунлар мамлакати” кабиларни сотиб олишни маслаҳат бердим. Кейинчалик тоғам айтганларимни қилиб, болалари китобларни севиб ўқиганини сўзлаб берди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ота-оналар мажлисларида фақат молиявий масалалар эмас, китобхонликни тарғиб қилиш, синфлар кесимида болалар ёшига мос асарлар рўйхати тузилиб, ота-оналарга тарқатилса бўлади. Шу билан бирга, болаларни китоб ўқишга қизиқтириш ва бу қизиқишларни тўғри ва самарали қондириш бўйича ҳам маслаҳат, тавсиялар берилиши мақсадга мувофиқ. [1]

Ўқувчиларнинг ўзи ўқиган китобларнинг синфдошлари олдида баланд овозда сўзлаб беришга қизиқтириш ва китобдан олган таассуротлари билан ўртоқлашиш, асар қаҳрамонларининг ижобий ва салбий ҳислатга эга эканлигини ажратиш, асар қаҳрамонларининг кейинги ҳаёти билан боғлиқ қизиқарли саваоллар ёки асарнинг давоми яна қандай давом этиши мумкинлиги билан уларни қизиқтириб асар ичига кириб бориши ва фикрлаш қобилиятларини шаклланишига ҳисса қўшиб борилиши инobatга олинади.

Бошланғич синфларда ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириши режали ташкил этилса, бу соҳадаги тадбирлар мунтазам равишда амалга ошириб борилсагина у ўқувчининг бутун вужудига, унинг ҳиссиётига, тасаввурига, ирода ва характериға, ниҳоят фикрлаш фаолияти ва қобилиятиға таъсир этиб нутқнинг равон ифодали бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Шу йўл билан нутқ малакаларини ривожлантириш орқали, уларда тўғри сўзлаш ва аниқ, мантикий фикр ифодалаш салоҳияти шаклланиб боради. Уларнинг ижодий фаолияти ва истеъодларини ривожлантириб рўёбга чиқаради. [2]

Ўқитувчи ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш учун барча машғулотларда уларнинг луғат бойликларини аниқ мақсадга йўналтирилган режа асосида сўзларни нутқда фаол қўллашга ўргатиш орқали мустаҳкамлаб бориш керак. Ўқувчилар етарли сўз бойлигига эга бўлмасдан туриб аниқ ва равон фикр юрита олмайдилар. Ўргатилган ҳар бир янги сўз ўқувчиларнинг сўз захирасини оширади, фикр ифодалаш имкониятларини кенгайтиради. Шунинг учун ҳам ўқувчилар билан сўз ва унинг маъноларини эгаллаш устида узлуксиз иш олиб бориш лозим. Бунда синоним сўзларни доимий равишда тадрижий тарзда ўқувчининг нутқиға сингдириш алоҳида аҳамиятға эға, яъни:

Юз	яшил	ихчам	думалок
Афт	зангори	кичкина	айлана
Башара	кўк	жажжи	лўнда

Ўқитувчи сўзлар матнининг зарурий элементлари эканлигини ўқувчиларға сингдириб боришни унутмаслиги керак. Ўқувчиларни оғзаки баёнға тайёрлаш юзасидан умумий нутққа хос бир қатор махсус ишлар олиб борилгандан ўнг уюштирилган амалий машғулотлар ўқувчи оғзаки нутқининг алоҳида такомиллашишиға ёрдам бериш керак. Бунда айниқса ўқувчилар ўзлаштириши лозим. Сўзларнинг маъносини тушунишлари қийин бўлса, синонимлардан фойдаланиш жуда муҳимдир. Ўқитувчиларнинг вазифаси нутқ ўстиришишларини ўқув чоракларига режалаштиришда баён ва иншо сонини аниқлаб олиш билан бирга, оғзаки ва ёзма ишларнинг характерини ҳамда тўғри ёзув машғулотлари тизимидаги ўрнини ҳам белгилаб олиш ҳисобланади. Бунда ёзма нутқ соҳасидаги кўникмаларни оғзаки нутқни ўстириш асосида хосил қилиш кўзда тутилади. Болалар оғзаки машқларни бажараётганида ўқитувчи баён(иншо)нинг мазмуни, кўриниши юзасидан кўрсатмалар беради, йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилишға ёрдам беради. Замоनावий мактабда ўқитувчининг жонли нутқиға техник воситалар ёрдамға келади. Улар нутқ ифодалилигини оширади, ҳиссий таъсирини кучайтиради. Ўқитувчи нутқи бу ҳолда гўё бирлаштирувчи бўлиб қолади: у кино, мусика, фото ишланма билан бирга идрок этилади. Ўқитувчи сўзи алоҳида тасвирий-ифодавий сифатларни ҳам акс эттиради. Токи оғзаки нутқ уни идрок этиш жараёнида зудлик билан тушунишни талаб қилар экан, ўзига хос лексик-грамматик хусусият ҳам касб этади. Оғзаки нутқ-ёркин, шаклан образли, ички эмоционал нутқ. Шу боис у тил воситалари ва услубий хусусиятлар хилма-хиллиги билан фарқ қилади. Оғзаки нутқнинг тўлқинланганлиги, эмоционаллигининг юқорилиги экспрессив (ҳиссий бўёқдор) лексикани саралаш заруратини кучайтиради. [3]

Инсон онгида шаклланиб улгурган тафаккурни, тарбия тартибларини ўзгартиришдан кўра, келажак авлоднинг, эртамик эгаларининг маънавий тафаккурини шакллантириш ва босқичма-босқич тарбиялаб бориш юқори натижалар кафолатидир. Мазкур жиҳатларни эътиборға олсак, бугун жамиятда инсон шахсини шакллантирадиган, камолотини таъминлайдиган яхлит маънавий тарбия методикасини яратиш ва унда оилани энг муҳим ва бирламчи асос сифатида белгилаш мақсадға мувофиқ. Инсон дунёға келгандан то умри поёнигача маънавий тарбияға мойил бўлиши, рухий камолотға интилиб яшаши лозимлиги боис маънавий тарбия методикасида оилавий муҳитда олинандиган тарбия мезонлари аниқ ва қатъий белгиланиши, самарадор усуллар тавсия қилиниши кўзланган натижаларға тез ва осон эришиш

кафолатидир. Зотан, баркамол шахс тарбиясида, жамият равнақида оила аталмиш кичик бир кўрғон ниҳоятда залворли қудратга, таъсирчан кучга эга.

Оиланинг маънавий дунёсини такомиллаштириш учун зарур руҳий хотиржамлик, ибратли руҳий муносабат, ўзаро тотувлик яратилган бўлиши зарур. Шу баробаринда ўқитувчи ва ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ширинсуханлик, бир-бирига ғамхўрликнинг мавжуд бўлиши боланинг маънавий дунёсига ижобий шаклланишига таъсир қилади. Оилада болани илк ёшидан китоб билан ошно қилиш, халқ оғзаки дурдоналаридан баҳраманд этиш, муомала ва меҳнатсеварликда шахсий намуна-ибрат кўрсатиш орқали маънавий комилликка эришишга ёрдам бериш лозим. Шунингдек, оилада бўш вақтни тўғри ва самарали режалаштириш, оила-аъзоларининг барчаси учун фойдали бўлган юмуш китоб мутолаа қилиш ва ёд олинган шеърларни оила даврасида қизиқиш билан ифодали айтиши аби машғулотлар билан шуғулланиш ҳам кўзланган натижаларша эришилишига ҳисса қўшади.

Хулоса қилиб айтганда, ота-оналарнинг мактаб билан ҳамкорлиги, ўқитувчи билан мунтазам ҳамфикр бўлиши ҳар доим ижобий натижаларни келтириб чиқаради. Ёш авлодни китоб ўқишга меҳр ўйғотиб бориши орқали келажакка теран фикр билан қараши, оқни қорадан қорани оқдан ажрата олиши, ёт ғояларга қарши ўзида иммунитетни шаклланишига эришиш ҳар биримизни олдимизга қўйган мақсадларимиздан биридир. Буни кеч англасак, ўзимизга ҳам, болага ҳам жабр қилган бўламиз. Навниҳолларимиз парваришига ҳозирдан киришайлик. Токи, келгусида меҳнатимизнинг тотли меваларидан роҳатланиш ҳар биримизга насиб этсин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. С.Саид. Болалар ўртасида китобхонлик муаммолари: Сабаблар ва тақлифлар. Жамият-2017
2. Ахмадждонова М. Э., Маматқулова Д. Б. - Бошланғич синф ўқувчиларини оғзаки ва ёзма нутқини ўстириш тизими. Молодой ученый-2017.
3. Ҳайдарова М. - Оила ва мактаб - узилмас ришта. Ёшлар овози -2018
4. Ташмухамедова Д.Г. - Фарзанд тарбиясида анъанавий оилавий кадрятларнинг аҳамияти. Тошкент-2018
5. Норбошева М.О. - Оила маънавияти шаклланишида ота-онанинг ўрни. Тошкент-2018

ODAMNING IJTIMOY MAVJUDOT SIFATIDA SHAXSGA AYLANISHI UCHUN IJTIMOY MUHIT SHAROITLARI VA TARBIYANING O'RNI

Mahkamova Barno Ibragimovna
Qashqadaryo viloyati Qarshi shahri 15-umumiy o'rta ta'lim maktabi
Boshlang'ich sinflarda o'quv ishlari bo'yicha direktor o'rinbosari

Odamning ijtimoiy mavjudot sifatida shaxsga aylanishi uchun ijtimoiy muhit sharoitlari va tarbiya kerak bo'ladi. Ana shular ta'sirida odam inson sifatida rivojlanib boradi va shaxsga aylanadi.

Rivojlanish shaxsning fiziologik va intellektual o'sishida namoyon bo'ladigan miqdor va sifat o'zgarishlar mohiyatini ifoda etuvchi murakkab jarayondir. Rivojlanish mohiyatan oddiydan murakkabga, quyidan yuqoriga, eski sifatlardan yangi holatlarga o'tish, yangilanish, yangining paydo bo'lishi, eskining yo'qolib borishi, miqdor o'zgarishining sifat o'zgarishiga o'tishini ifodalaydi. Rivojlanishning manbai qarama-qarshiliklarni o'rtasidagi kurashdan iboratdir.

Bola shaxsining rivojlanishi inson ijtimoiy mavjudotdir, degan falsafiy ta'limotga asoslanadi. Ayni vaqtda inson tirik, biologik mavjudot hamdir. Demak, uning rivojlanishida tabiat rivojlanishining qonuniyatlari ham muhim ahamiyatga ega. Shuningdek, shaxs bir butun mavjudot sifatida baholanar ekan, uning rivojlanishiga biologik va ijtimoiy qonuniyatlar birgalikda ta'sir etadi, ularni bir-biridan ajratib bo'lmaydi.

Chunki shaxsning faoliyati, hayot tarziga yoshi, bilimi, turmush tajribasi bilan birga boshqa fojiali holatlar, kasalliklar ham ta'sir etadi.

Inson butun umri davomida o'zgarib boradi. U ham ijtimoiy, ham psixik jihatdan kamolga etadi, bunda bolaga berilayotgan tarbiya maqsadga muvofiq bo'lsa, u jamiyat a'zosi sifatida kamol topib, murakkab ijtimoiy munosabatlar tizimida o'ziga munosib o'rin egallaydi. Chunki rivojlanish tarbiya ta'siri ostida boradi.

Shaxsning fazilatlarini to'g'ri ko'rish va bexato baholash uchun uni turli munosabatlar jarayonida kuzatish lozim.

Demak, shaxsni rivojlantirish vazifasini to'g'ri hal etish uchun uning xulqiga ta'sir etuvchi omillar hamda shaxs xususiyatlarini yaxshi bilish zarur.

Tarbiya bolaga samarali ta'sir etishi uchun o'sish va rivojlanish qonuniyatlarini bilish va hisobga olish maqsadga muvofiq. Shunday qilib, rivojlanish va tarbiya o'rtasida ikki tomonlama aloqa mavjud.

Shaxs rivojlanishiga ta'sir etuvchi omillar: Fanda, odamning shaxs sifatida rivojlanishiga biologik va ijtimoiy omillarning ta'siri o'rtasidagi munosabatni belgilashga oid munozara ko'pdan buyon davom etmoqda.

Insonning shaxs sifatida, rivojlanishida ijtimoiy hodisalarning ta'siri kuchli bo'ladimi? Yoki tabiiy omillar yetakchi o'rin tutadimi? Balki tarbiyaning ta'siri yuqoridir? Ular o'rtasidagi o'zaro munosabat qanday?

Fanda biologik yo‘nalish deb nomlangan nuqtai nazar yetakchi o‘rinlardan birini egallab, uning vakillari Aristotel, Platonlar tabiiy - biologik omillarni yuqori qo‘yadi. Ular tug‘ma imkoniyatlar, taqdir, tole har kimning hayotdagi o‘rini belgilab bergan, deydilar.

Biologik oqimga qarshi falsafiy oqim vakillari rivojlanishni ijtimoiy omil bilan belgilaydilar. Bu oqim vakillari bola shaxsining jismoniy, psixik rivojlanishi u yashaydigan muhitga bog‘liq deb ko‘rsatadilar.

Muhit deganda odam yashaydigan sharoitdagi barcha tashqi ta‘sir tushuniladi. Shu nuqtai nazardan tarbiya tufayli bolani o‘zi yashaydigan ijtimoiy sharoitga moslashtirish mumkin, degan xulosa kelib chiqadi.

Ular ijtimoiy muhitning rolini hal qiluvchi omil deb hisoblaydilar. Demak, odam bolasining shaxs sifatida rivojlanib, taraqqiy etib borishi, uning shaxs bo‘lib kamolga etishida nasl (biologik omil), ijtimoiy muhit (bola yashaydigan sharoit), shuningdek, maqsadga muvofiq amalga oshadigan tarbiya ham birdek ahamiyatga ega. Bu omillarning ta‘sirini aniqlashda ilg‘or pedagogik olimlar, psixolog va faylasuflar ta‘limotiga suyaniladi.

Falsafada shaxsni jamiyat bilan bog‘liq bo‘lgan ijtimoiy hayotdagi murakkab voqelik deb qaraladi. Ular individning ma‘naviy boyligi uning munosabatlariga bog‘liq, deb hisoblaydilar.

Falsafiy-antropologik yondashuv o‘zining tadqiqotchilik va tarbiyaviy funksiyasiga ko‘ra o‘quvchining ma‘naviy dunyosiga yo‘naltirilgan. Ana shu sababli mazkur yondashuv pedagogikadagi mavjud boshqa ilmiy yoki gnoseologik yondashuvlardan farqli ravishda muloqot va o‘zaro bir-birini tushunish asosida ta‘lim-tarbiya jarayonini tashkil etishni talab etadi.

Mazkur yondashuvning o‘ziga xosligi ta‘lim-tarbiya jarayonining barcha subyektlariga nafaqat dunyoqarash ko‘rinishida, balki mavjudlik usuli tarzida qarashni talab etadi. Mazkur mavjudlik usulini birinchi navbatda borliqni anglab etish sifatida tushunish lozim. Ikkinchidan, mazkur mavjudlik usulini uzluksiz ravishda o‘z- o‘zi, boshqalar va boshqa madaniyatlar bilan muloqot tarzi sifatida aniqlashtirish maqsadga muvofiqdir.

Shaxsga ijtimoiy muhitning ta‘siri ham muhim. Bu tarbiya orqali amalga oshiriladi.

Birinchidan, tarbiya ta‘sirida muhit bera olmagan bilim, ma‘lumot egallanadi, mehnat va texnik faoliyat bilan bog‘liq ko‘nikma va malakalar hosil bo‘ladi.

Ikkinchidan, tarbiya tufayli tug‘ma kamchiliklar ham o‘zgartirilib, shaxs kamolga etadi.

Uchinchidan, tarbiya yordamida muhitning salbiy ta‘sirini ham yo‘qotish mumkin.

To‘rtinchidan, tarbiya kelajakka qaratilgan maqsadni belgilaydi.

Demak, tarbiya bilan rivojlanish bir-biriga ta‘sir etadi, bu tarbiya doimiy va uzluksizdir.

Shunday qilib, bola shaxsining rivojlanishida tarbiya ham yetakchi o‘ringa ega bo‘lib, tarbiya tufayli nasl-nasabi, oila muhiti, ijtimoiy muhit ta‘sirida har tomonlama rivojlanishga qodir, degan xulosani chiqarish mumkin.

Zamonaviy pedagogikada shaxs shakllanishiga doir to‘rt yondashuv qaror topgan:

1. Biologik yondashuv - inson tabiiy mavjudot bo‘lib, uning butun xatti-harakatlari tug‘ma instinkt va ehtiyojlar natijasidir. Inson jamiyat talablariga bo‘ysunishga majbur, shu bilan birga tabiiy ehtiyojlarini ham namoyon qilib boradi.

2. Ijtimoiy yondashuv - inson biologik mavjudot sifatida tug‘iladi, faqat hayotiy faoliyati davomida boshqalar bilan doimiy muloqot va ijtimoiy guruhlarning ta‘siri ostida ijtimoiylashadi.

3. Psixologik yondashuv - insondagi psixik jarayonlar (sezgi, idrok, fikrlash kabilar) tabiiy tavsifga ega, insonning yo‘nalganligi - qiziqishlari, qobiliyatlari ijtimoiy hodisa sanaladi.

4. Yaxlit yondashuv - shaxs yaxlit tavsifga ega bo‘lib, uning rivojiga nafaqat uning faoliyatidagi o‘ziga xosliklar, balki turmush tarzi ham ta‘sir ko‘rsatadi. Shu bilan birga ijtimoiy hayot natijalari - motiv, maqsad, qiziqish kabilar ham uning rivojlanishida muhim rol o‘ynaydi.

Zamonaviy pedagogikada shaxs shakllanishiga doir to‘rt - biologik, ijtimoiy, psixologik va yaxlit yondashuv qaror topgan.

Muayyan bir yosh davriga xos bo‘lgan anatomik, fiziologik (jismoniy) va psixologik xususiyatlar yosh xususiyatlari deb ataladi. Ana shu yosh xususiyatlarni hisobga olgan holda ta‘lim va tarbiya ishi tashkil etiladi. Shunda bola rivojlanishiga tarbiya ta‘siri kuchli bo‘ladi.

Muayyan bir yosh davriga xos bo‘lgan anatomik, fiziologik (jismoniy) va psixologik xususiyatlar yosh xususiyatlari deb ataladi.

Xulosa qilib aytganda, bolalarning tarbiyasiga to‘g‘ri yondashish, uni muvaffaqiyatli o‘qitish uchun bola rivojlanishidagi turli yoshdagi davrlariga xos xususiyatlarni bilish va uni hisobga olish muhimdir. Chunki bola organizmining o‘sishi ham, rivojlanishi ham, psixik taraqqiy etishi ham turli yosh davrlarida turlicha bo‘ladi. Bolaning o‘ziga xos xususiyatini hisobga olish juda murakkab. Chunki bir xil yoshdagi bolalar ham psixik jihatdan turlicha bo‘lishi mumkin.

Adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-4947-son Farmoni. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y.

2. Pedagogika: ensiklopediya. 2 – jild./ tuzuvchilar: Jamoa.- Toshkent: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2015 y

3. Sharipov Sh.S. Pedagogikheskie usloviya formirovaniya izobretatelskogo tvorchestva studentov: Avtoref.dis.kan.ped.nauk. - T.: 2000 y.
4. Xasanboyeva O. "Barkamol avlod ma'naviyati" T-2010 yil
5. Shukurova Yu. "Odob. Nutq. Muomala" T. - 2006 yil

MASOFAVIY TA'LIM KURSLARINI TASHKIL ETISHDA MOODLE TIZIMINING AHAMIYATI.

*Kurbanov Abduraxmon,
SVXTXQTMOH markazi "Aniq va tabiiy fanlar metodikasi" kafedrasida katta o'qituvchisi.*

Ta'lim jarayonini takomillashtirish jarayonlari amalga oshirilayotgan bir vaqtda masofaviy o'qitish jarayoniga ham juda katta e'tobor berilmoqda, jumladan hozir masofaviy ta'lim tizimlari asosida ta'lim vazirliklari, oliy o'quv yurtlari o'zlarining virtual ta'lim tizimlarini yaratib, shu asosda ta'lim jarayonini tashkillashtirmoqda.

Moodle – bu o'qituvchilar tomonidan onlayn-kurslarni yaratish uchun maxsus ishlab chiqilgan sayt tarkibini boshqarish tizimi (Content Management System - CMS) dir. Uni ko'pincha **e-learning** tizimlarni o'qitishni boshqarish tizimlari (Learning Management Systems - LMS) yoki virtual o'qitish vositasi (Virtual Learning Environments - VLE) deb ham ataladi.

Moodle ochiq kodli platforma (GNU Public License ga asoslanib) sifatida keng tarqalgan. Moodle tizimi SCORM 1.2 standartiga mos sertifikatga ega.

Moodle – bu alohida onlayn-kurslar kabi, ta'lim veb-saytlarini ishlab chiquvchi instrumentlar sohasidir. Loyiha asosida sotsial konstruktivizm nazariyasi va uni o'qitishni ishlatish yotadi.

Moodle avtorlari - Martin Dougiamas. Universitetni Computer Science va Education mutaxassisligi kursni tugatgandan keyin, u "The use of Open Source software to support a social constructionist epistemology of teaching and learning within Internet-based communities of reflective inquiry" mavzusidagi dissertatsiyasini himoya qildi. Axborot texnologiyalarini qo'llash orqali ta'limni qo'llab – quvvatlash platformasini yaratish g'oyasi unda 1999 yilda Curtin University (Avstraliya) universitetida WebCT tijorat platformasi bilan ishlash tajribalaridan kelib chiqdi. Moodle keng tarqalgan WebCT va BlackBoard tijorat e-learning platformalarining o'rnini bosish uchun emas, balki o'qitish imkoniyatlarini kengaytirish vositasi sifatida yaratilishi kerak edi. Ammo, Moodle arxitekturasida va bu platformaga qo'yilgan prinsiplar shunchalar omadli bo'ldiki, uni jahon hamjamiyati tan oldi.

Moodle bepul tarqaladigan dasturiy majmua o'zining funksional imkoniyatlari, o'rganishdagi soddaligi va ishlatishdagi qulayligi bilan elektron o'qitish tizimlaridan foydalanuvchilarning ko'pgina talablarini qanoatlantiradi.

Moodle masofaviy sohada o'qitish jarayonini to'la qo'llab-quvvatlash uchun keng doiradagi imkoniyatlarni beradi – o'quv materiallarini turli usullarda berish, bilimlarni tekshirish va o'zlashtirish nazorati.

SCORM yoki AICC standart paketlari. Bu o'quv materiallarini boshqa dasturlarda yaratishga ruxsat beradi.

Sharable Content Object Reference Model (SCORM) – umumiy tarkibli obyektlarni yuborish modeli – masofaviy ta'lim tizimlari uchun ishlab chiqilgan standart. Standart o'quv materialini va butun masofaviy ta'lim tizimini tashkillashtirishga qaratilgan talablarni o'z ichiga oladi. SCORM komponentalarning bir – biriga to'g'ri kelishini va ularning ko'p martalab ishlatilishi ta'minlaydi. O'quv materialini turli xil o'quv kurslariga qo'shilishi va kim, qayerda va qanday vositalar yordamida yaratilganidan qat'iy nazar, masofaviy ta'lim tizimida ishlatilishi mumkin bo'lgan alohida kichik bloklar sifatida tasvirlangan. SCORM XML standartiga asoslanadi.

AICC – o'quv materiallari bilan almashinadigan halqaro standartlardan biri. Aviation Industry CBT (Computer-Based Training) Committee – aviatsiya sanoati (kompyuter ta'limi) komiteti tomonidan ishlab chiqilgan.

Moodle da 15 tipli interaktiv o'quv materiallari ko'rib chiqilgan. Bu tiplarning har biri ko'plab imkoniyat va xususiyatlarga ega.

Wiki (Wiki) – qo'shiladigan, kengaytiriladigan va o'zgartiriladigan hujjat ustida hamkorlikda ishlashga ruxsat beradi.

Anketalar – ixtiyoriy ko'rinishda ishlatish mumkin, masalan, kursni yaratishni optimallashtirish uchun.

Ma'lumotlar bazasi – formati va strukturasi cheklanmagan.

Glossariy – kursning barcha hujjatlari bo'yicha havolalarni avtomatik tashkil qiladigan ta'riflar ro'yxati. Agar ta'rif glossariyga kiritilgan bo'lsa, u holda agar u kurs matnlarida uchrasa, havola glossariyning yordamchi elementiga avtomatik ta'minlanadi.

Topshiriq (4 tipli) – o'qituvchi javobni elektron ko'rinishda olish uchun ishlatish mumkin (ixtiyoriy formatda).

Ma'ruza – har bir sahifasi talaba javob berishi lozim bo'lgan savol bilan tugaydigan sahifalar to'plami. Javobning to'g'riligiga bog'liq holda, talaba keyingi sahifaga o'tadi yoki oldingi sahifaga qaytadi. Bu ta'lim yo'nalishini aniqlashni va o'qitiladigan fan tushunarsiz bo'lib qolmasligini ta'minlaydi.

So'rovlar – talabalarning ovoz berishi.

Sharh – kurs sahifasidagi ixtiyoriy matn va grafika.

Ish daftari – berilgan mavzu bo'yicha talaba fikrini bildiradigan joy.

Resurs – avtomatik tasvirlanadigan turli fayllarni yuklash va tasvirlash vositasi. Masalan, ma’ruza audioyozuvini yuklashda u mediaproigriatel sifatida tasvirlanadi.

Seminar – qatnashchilar bir-birining ishini baholaydigan topshiriq.

Testlar – turli variantli testlar to’plami. Savollar bir nechta variantli javoblardan, to’g’ri/ noto’g’ri tanlovdan, qisqa matnli javobdan va boshqalardan iborat bo’lishi mumkin.

Forum – forumning 3 ko’rinishi mavjud (savol-javob, hammaning o’z mavzusi, standart muzokara).

Chat – real vaqtdagi muzokara.

Materiallarning ba’zilari talaba va o’qituvchi hamkorligiga, ba’zilari esa talabalarning hamkorligiga asoslangan. Yana ko’plab qo’shimcha plaginlar va modullar mavjud.

“Moodle” so’zi – bu “Modul Object - Oriented Dynamic Learning Environment” so’zining abbreviaturasidir. Moodle MO’T dunyoning 200 davlatida 70 tildagi 2 mln. ga yaqin ro’yxatdan o’tgan foydalanuvchilar, 46 mingdan ortiq ta’lim portallariga ega va 300 dan ziyod dasturchilarni birlashtiradi.

Moodle ochiq kodli dasturiy ta’minot bo’lgani uchun unga o’zgartirishlar kiritish, yaxshilash, modifikasiyalash qilish mumkin. Moodle Unix, Linux, FreeBSD, Windows, Mac OS X, Netware operasion tizimlarida ishlatish mumkin. Moodle PHP tilida yozilgan va ma’lumotlar MySQL va PostgreSQL ma’lumotlar bazasida saqlanadi, ammo ma’lumotlar bazasini boshqarishning tijorat tizimlari ham ishlatilishi mumkin. Moodle oson vositalar yaratish imkoniyatiga ega. Yangi versiyaga o’tishda qiyinchilik va yangilanishlar kelib chiqmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Мясникова Т.С., Мясников С.А., Система дистанционного обучения MOODLE.- Харьков, 2008.- 232 с.
2. Для студентов лекции, методички, учебники. Страница "Организация обучения Online в сетевой среде с использованием системы дистанционного обучения Moodle". <http://pws49.awardspace.com>
3. Документация Moodle. <http://docs.moodle.org/ru>
4. Компания "Открытые технологии". Статья "Преимущества MOODLE".
5. http://www.opentechnology.ru/info/moodle_about.mtd
6. Информационный портал Moodle. <http://moodle.org/>
7. TATU virtual ta’lim tizimi. www.etuit.uz
- 8.

O’QUVCHILAR NUTQINI BOYITISHDA MAQOLLARDAN FOYDALANISH

*Rajabova Lola Raxmatullayevna,
Qarshi davlat universitetii, “Pedagogika” kafedrasii assistenti*

Fol’klorning ommaviy janrlaridan biri maqoldir. Maqollar uzoq asrlar mobaynida og’izdan - og’izga o’tib, silliqlanib, xalqning dunyoqarashi, jamoatga munosabati, uning tarixi va psixologiyasi qisqa shaklda aks ettiriladi. Maqollar insoniyatning turmush tajribalari zaminida tug’ilgan va xalq donoligini ifodalaydigan qisqa, ko’pincha she’riy shakldagi hikmatli so’zlar, chuqur ma’noli iboralardir. Maqollarda mehnatkash xalqning orzu umidlari, vatanparvarlik, insonparvarlik xislatlari, qisqasi barcha ijobiy fazilatlar aks etgan bo’ladi.

A.M.Gor’kiy xalq maqollarining roliga yuksak baho bergan edi. «Eng ulug’ donolik so’zining soddaligidir»-deb yozadi u. Maqollar va qo’shiqlar har vaqt qisqa bo’ladi. Ularda butun-butun kitoblar mazmuniga teng keladigan fikr va sezgilar mavjud bo’ladi.

Haqiqatidan ham maqollar, matallar kishilarning ongini o’stirishda, odamlarda eng yaxshi insoniy fazilatlarini tarbiyalashda muhim rol o’ynaydi. O’zbek xalq maqollari eng qadim zamonlardan beri xalq orasida aytilib, puxtalanib, avloddan-avlodga eng yaxshi ma’naviy meros bo’lib kelmoqda. Xalq maqollarini birinchi marta to’plagan olim M.Qoshg’ariydir. U o’zining «Devonu lug’otit turk» asarida qadimiy qabila va urug’lar orasida keng tarqalgan maqollardan ko’plab namunalar keltiradiki, bu maqollar bizning davrimizda ham o’z qimmatini yo’qotgani yo’q.

Aksincha xalq orasida turli variantlarida ishlatib kelinmoqda. Masalan, «Devonu lug’atit turk»dagi: «Kishi olasi ichtin, Yilqi olasi toshтин», «Osh totug’i tuz», «Er so’zi bir»-kabi maqollar hozirgi kunda: «Odam olasi ichida, Mol olasi tashida», «Oshning ta’mi tuz bilan», «Yigit so’zi bir bo’lar» kabi shakllarda keng qo’llanib kelmoqda.

Klassik adabiyot namoyandalari o’z asarlarida xalq maqollaridan, hikmatli so’zlardan samarali foydalanganlar. Ulug’ Alisher Navoiy o’zining «Xamsa», «Mahbub-ul qulub», «Xazoyinul maoniy», «Lison ut-tayr» asarlarida ko’plab maqollar va hikmatli so’zlarni ishlatgan, ularni ijodiy qayta ishlab g’oyaviy-badiiy jihatdan yuksak darajaga ko’targan.

Gulxaniy o’z asarlari hajviy kuchini oshirish, xalq hayoti bilan bog’liq va badiiy jihatdan puxtalash maqsadida «Zarbulmasal»da 400 dan ortiq xalq maqollari, hikmatli so’zlarni keltirgan.

O’zbek maqollarining mavzusi boy va xilma - xildir. Maqollarini g’oyaviy-mavzuiy jihatdan juda ko’p turlarga ajratish mumkin. Jumladan: Vatan va vatanparvarlik, botirlik va qo’rqoqlik va mardlik, oila va tarbiya va x.k. Umuman inson hayotining, insoniy munosabatlarining biron sohasi yo’qki, maqollarda ifodalanmagan bo’lsa.

Maqol o'g'it, nasihat harakterida bo'lib, ikki qismdan tashkil topadi. Birinchi qismi voqea hodisaning obrazli ifodasi va ikkinchi qismda hikmatli yakun beriladi. Masalan: Hunari yo'q kishining, - birinchi qism, Mazasi yo'q ishing, - hikmatli xulosa.

Boshlang'ich sinflarda matn ostida berilgan maqollarni o'qish va o'rganish, tahlil qilish asar o'qilib, tahlil qilinib bo'lingach amalga oshirilishi kerak. Chunki asar mazmuni va unda yozuvchi aytmoqchi bo'lgan g'oyani tushunmay turib, maqolning ma'nosini izohlash qiyin bo'adi. Mualliflar ham maqol ma'nosini asar voqealari bilan izohlamochi bo'ladilar.

O'quvchilar nutqini boyitishda maqollar katta ahamiyat kasb etadi. Maqollar o'qish uchun ham, suhbat uchun ham, hikoya tuzish uchun ham, grammatik tahlil va yozuv uchun ham juda qulay materialdir. Ular ixcham, sermazmun va ta'sirchan bo'ladi; maqollar o'quvchilarning badiiy didini o'stiradi, nutqqa e'tibor bilan qarashga, to'g'ri, mantiqiy fikrlashga o'rgatadi, estetik tarbiyasida muhim o'rin tutadi. O'qish kitoblarida mavzuga bog'liq holda, o'zbek tili darsliklarida esa mashq matnlari ichida xilma-xil mavzularda juda ko'p maqollar beriladi. O'quvchilar maqollarni o'qib, o'qilgan asarning axloqiy muammosi bilan, hayotiy sharoit bilan bog'laydilar, ularning majoziy mazmunini, ayrim so'z va iboralarning ma'nosini tushuntiradilar. Natijada o'rni bilan maqollardan foydalana boshlaydilar.

Maqollar o'qilgan asarning xulosasi sifatida ishlatilib, ko'pgina asarlarning mazmunini tushunib olishga yordam beradi. Masalan, "Sher va sichqon" (1-sinf) ertagining xulosasi sifatida "Yaxshilik erda qolmas", "Ahillikda hikmat ko'p", "Do'stlar ahil bo'lsa, ish oson bo'lur" maqollari; "Rostg'y bola" ertagidan so'ng "Boshingga qilich kelsa ham rost so'zla", "Aql yoshdan, odob boshdan" maqollari beriladiki, bular shu asar mazmunining mag'zini ochib beradi.

O'quvchilar maqollarni yoqtiradilar, shuning uchun ham maqollar bilan berilgan topshiriqlarni jon-dildan bajaradilar. O'qituvchi shularni hisobga olib, maqollar bilan xilma-xil mashqlar ishlatish orqali o'quvchilarga so'zlarning majoziy ma'nosini, ko'p ma'no ifodalashini amaliy singdirib boradi.

Ta'lim jarayonining eng ma'suliyatli bo'lgan davri, 1-2-sinflarda sinf-dars tizimini qiziqarli, milliy an'analariga sadoqat ruhida tashkil etib borish katta ahamiyatga egaligi bilan dolzarb hisoblanadi.

Demak, xalq og'zaki ijodi materiallarini o'rganish jarayonida shunga amin bo'ldikki, boshlang'ich sinflarga xalq og'zaki ijodi namunalarini qo'llash, o'tish orqali ularning fikrlash qobiliyati, ko'rish hamda eshitish orqali hayol, ta'savvur olamini boyitishimiz mumkinligini, ularning topqirlik qobiliyatini shakllantirishimiz, taqqoslash ko'nikmasini, nutqi va mustaqil fikrlash qobiliyatini shakllantirishimiz mumkinligiga amin bo'ldik.

Xalq og'zaki ijodi materiallari orqali o'quvchilar bilmagan va ko'rmagan narsalarini o'rganishadi. Hayol olami kengayadi. Ularning fanga bo'lgan qiziqishlarini xalq og'zaki ijodi materiallari orqali yanada jonlantirishimiz mumkin bo'ladi. Sunday ekan, biz bo'lajak pedagoglar maqollardan foydalanib darslarini o'tish yo'llari va usullarini mukammal o'zlashtirishimiz va o'quvchilarni darsga qiziqitira olishimiz zarur.

Xalq og'zaki ijodi materiallari orqali ularning xotirasini mustahkamlashimiz, ziyrakligini oshirishimiz, nutq faolligini shakllantirishimiz bizning asosiy vazifamizga aylanishi lozim. Biz shunda-gina o'z ko'zlagan maqsadimizga erishishimiz va o'quvchilarda fanga oid ko'nikma, malakalarni hosil qilishimiz mumkin bo'ladi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Ochilov M. Yangi pedagogik texnologiyalar – Qarshi: Nasaf, 2000 y.
2. Azizxo'jaeva N.N. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat - T.: «O'zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamgarmasi», 2003 y.
3. Kamoldinov M., Vaxobjonov B. Innovatsion pedagogik texnologiya asoslari. – Toshkent.
4. G'afforova T. Boshlang'ich ta'limda zamonaviy pedagogik texnologiyalar. - T., 2011 yil.

MATEMATIKA DARSLARIDA INTERFAOL TA'LIM USULLARIDAN FOYDALANISH

*H.T.Qurbonova TDAU Andijon filiali
akademik litseyi matematika fani o'qituvchisi, tdauanfilar@gmail.com*

Ta'lim sohasidagi olib borilayotgan islohotlarning tub mohiyati ta'lim mazmuni va shaklini takomillashtirishga qaratilgan. Fan texnika taraqqiyoti, jamiyatning demokratlashuvi, axborot miqyosining oshib borishi kabi omillar o'quvchilarning shaxsiy xususiyatlariga, jumladan, idrok eta olish, tasavvur va tafakkur, aqliy qobiliyatlarining rivojlanishiga olib keladi. O'quvchi va talabalarning olamni bilishga bo'lgan ehtiyoji avvallgi yillarga nisbatan keskin oshganligi hech kimga sir emas.

Hurmatli prezidentimiz SH.Mirzoyev Oliy Majlisga murojatnomasida "Taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo'lidan borish imkoniyatini beradi"[1] deb takidlab otdilar. Darhaqiqat, raqamli iqtisodiyot chuqur bilimlar va tafakkur ta'lab etadi. Mana shunday bilim va tafakkurni tarbiyalashda matematika fanining o'rni beqiyosdir. Shunday ekan matematika o'qituvchisi oldida turgan vazifaga ma'suliyat bilan yondashishi kerak.

Zamonaviy ta'lim oldida turgan eng muhim vazifa o'quvchi va talaba shaxsining ilm olishga bo'lgan ehtiyojini qondirishga qaratilgan. Bir so'z bilan aytganda o'quv jarayonining markazida o'quvchi va talaba bo'lishini e'tiborga olib, ularni nimalarga o'qitish, qanday usulda o'qitish degan savollarga javob topishga to'g'ri keladi.

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim tizimini o'quvchi va talabalarning o'quv mehnatini maqsadga muvofiq tashkil etishni yangi pedagogik texnologiyalarsiz amalga oshirib bo'lmaydi.

Ta'kidlash lozimki, matematika darslarida har qanday o'qitish uslubi samara beravermasligi ko'pchilik fan o'qituvchilariga ma'lum. Lekin an'anaviy o'qitish usullarini yangi zamaonaviy usullar bilan boyitib borilishi o'quvchilarning biliish faolligini oshiradi. O'quvchi endi o'tilayotgan mavzuni shunchaki misol masalalarni yecha olish uchun emas, balki o'zi uchun yangi kashfiyotlar qilish maqsadida o'rganadi. Avvaldan ma'lum bo'lgan teoremlar va formulalarni isbotlashning yangi usullarini yoki bir necha usullarini o'zi uchun kashf qiladi. Bu mavzuga ilmiy yondashuvga olib keladi.

Zamaonaviy ta'limda darsning markazida o'qituvchi emas o'quvchi bo'lishiga erishish lozim. Shundagina mustaqil fikrlaydigan, yangiliklar qilishga intiladigan, intellektual yoshlarni tarbiyalash mumkin. Buning uchun mashg'ulot uchun tanlangan usul o'quvchilarning erkin muloqot qilishiga imkon bermog'i kerak. To'g'ri bu holatda dars suvquygandek jimlikda o'tmasligi mumkin, ammo o'quvchilarning bir nechasidan ilmiy asoslangan fikrlar chiqishi mumkin. Ana o'sha talabdan kelajakda ilm-fan rivojiga munosib xissa qo'sha oladigan insonlarni tarbiyalasa bo'ladi. Xo'sh, qanday usullarni matematika darslarida qo'llash samarali bo'lishi mumkin.

O'quv jrayonida matematika darslarida qo'llanilgan quyidagi usullarni misol qilib keltirish mumkin. Masalan, **“Birgalikda o'rganamiz”** usulida guruh kichik guruhlarga bo'linadi va mustaqil o'rganib kelishga berilgan mavzuni o'rganish talab etiladi. Bunda har bir guruhda yuqorida aytilganidek hech bo'lmaganda bitta mavzuni yaxshi tuushuna oladigan oquvchining bo'lishligi maqsadga muvofiq. Bu usulning afzalliklari shundaki, o'quvchilar hamkorlikda mehnat qilishni o'rganadilar, hamda o'zi bilmagan va tushunib etmaganlarini o'rtoqlaridan o'rganib oladilar. Darsni bunday usulda tashkil etilishi o'quvchilar o'rtasida tajribalar almashishga olib keladi. Bu usul guruhda passiv o'quvchilarni faollikka o'rgatadi. O'quvchilarni darsda bekor qolishga vaqti bo'lmaydi. Har bir guruhga toifalangan topshiriqlarni berishi usulning yanada samarali bo'lishini kafolatlaydi.

“Bilib oldim, mendan o'rganig” usulida mavzu kichik qismlarga ajratiladi va guruhlarga tarqatiladi. Qismlarni o'rganish uchun berilgan vaqt davomida guruhdagi o'quvchilar mavzu bo'yicha hamkorlikda ish olib boradilar, bilganlarini, tushunchalarini o'rtoqlashadilar, bilmaganlarini do'stlaridan va kerak bo'lsa ustozdan so'rab bilib olishi mumkin. Dars so'ngida har bir gurux a'zosi o'z guruhi uchun ajratilgan joyga o'rganib olganlarini, o'rgata oladiganlarini qog'oz yaroqchalarga yozib yopishtirishadi. O'qituvchi usulning yakuni sifatida yozib qoldirilganlar asosida mavzu yuzasidan kim qanday bilim olganligini bilib oladi va o'quvchilarga qaysi o'rtog'idan nimani o'rganib olishi mumkinligini takidlab o'tiladi. Bu usul natijasida guruhdagi eng passiv o'quvchi ham nimanidir bilib oladi va o'zidagi tushunchalarni bayon etishni o'rganadi, darsga befarq bo'lmaydi. Usulning samaradorligi shundaki, sir emaski ba'zi o'quvchilar sekinroq fikrlaydi, shuni natijasida mavzu ustoz tamonidan umumiylikda, an'anaviy usulda tushuntirilganda u bilimlarni o'zlashtira olmaydi va natijada bilimlarida bo'shliq paydo bo'ladi. Shu bo'shliqlarni to'ldirish maqsadida **“Bilib oldim, mendan o'rganing”** usulini qo'llash mumkin. O'z ishing ustasi bo'lgan har bir ustoz shuni unutmasligi kerakki o'rganilgan ilimning bilimga aylanishida uni boshqalarga o'rgata olish ham muhim. Zero, inson boshqalarga o'rgatish jarayonida bilimning 90% ni oladi va mavzuning ochilmagan qirralarini topa oladi.

“Bilib oldim , mendan o'rganing” usulidan foydalanib **“Fazoda vektorlar”** mavzusini o'tilganda o'quvchilarning mavzuni yaxshi o'zlashtirishganliklari sezilarli bo'ldi. Boshqa fan o'qituvchilari tamonidan qo'llanilganida ham yaxshi natiga olinganligi aytilmoqda.

“Konferensiya” usuli esa guruxdagi ba'zi o'quvchilarning ilmiy izlanishlar qilish, ijodkorlik qobiliyatlarini shakillantiradi va rivojlantiradi. Bu usulda o'quvchilar avvaldan ma'lum bo'lgan biror mavzuni chuqurroq o'rganishadi va uni o'zlari uchun kashif etishadi. Matematika darslarida yuqoridagi usuldan foydalanishning afzalligi shundaki: dars qiziqarli chiqadi, o'quvchining ilmiy nutqini o'stiradi, o'quvchida ilmiy dunyoqarash paydo bo'ladi, o'tilayotgan mavzuni faqat test topshirig'ini yechishga emas boshqa masalalarni yechishga qo'llash mumkinligini tushunib yetadi, kitob bilan ishlashga o'rgatadi.

“Konferensiya” usulidan **“Tenglamalar sistemasini yechish”** mavzusini o'tishda qo'llab ko'rilganda o'quvchilar tamonidan Gaus usuli, Kramer formulalari hech qanday qiyinchiliksiz o'rganilganini kuzatildi. **“Tenglamalar sistemasini yechishning grafik usuli”**ni qo'llashda bir o'quvchi tamonidan Exel dasturidagi funksiya grafisini tuzish imkoniyatini qo'llash tavsiya qilindi va o'quvchilarga namoish etildi.

Xulosa qilib aytganda, matematika darslarida qo'llanilgan har qanday usul bolani matematikani tushunishiga, uni musiqani sevgandek sevib qolishiga, masala javobini chiqargandagi g'alaba nashidasini his qilishga o'rgata olsa bas.

Zero, “...faqat zamonaviy bilim va kasb – hunarni puxta egallagan, mustaqil fikrlaydigan, doimo el-yurt taqdiriga daxildorlik tuyg'usi bilan yashaydigan...”[2.537] yoshlar hayotning o'zi oldimizga qo'yayotgan vazifalarni hal etishga qodir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M Oliy majlisga murojatnoma.: Toshkent, 2020 yil 24 yanvar
2. Mirziyoyev Sh.M “Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz – T.: “O'zbekiston”, 2018.
3. Xasanboyev J Pedagogika – T.: “Fan”, 2006.

4. Golish.L.V “Ta’lim jarayonida intetfaol ta’lim uslublari va zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalardan foydalanish” – T.: treningning o’quv metodik materiallari. TDIU, 2013

5. “Inovatsiya: Fan, ta’lim texnologiya” Ilmiy uslubiy maqolalar to’plami. Andijon, 2016

NOTIQLIK SAN`ATI

Mohidil Nizomova ,

Farg`ona viloyati Yozyovon tumani 16- umumiy o`rta ta`lim maktabining ona tili va adabiyot fani o`qituvchisi

Bugungi kunda ta’lim sohasini rivojlantirish hamda sifat va samaradorligini oshirishga katta e’tibor qaratilmoqda. Bugungi kunda nafaqat o’qituvchilar balki, o’quvchilar ham zamon talabi hisoblangan kompyuter, internet xizmatlaridan bemalol foydalana oladi. Ular uchun elektron darsliklar yaratilmoqda. Ammo ta’limning sifat va samaradorligini ta’minlashda hech narsa o’qituvchi o’rnini bosa olmaydi.

O’qituvchining sinf xonasidagi jonli ma’ruzasi, amaliy mashg’ulot jarayonidagi bilim berish usullari u yoki bu fan asoslarini o’quvchiga singdirishda asosiy vosita hisoblanadi. Boshqa vositalar ana shu bilim va ko’nikmani yanada to’ldirishga, boyitishga xizmat qiladi.

Ulug’ allomalarimizning ustozlarimiz haqidagi fikrlari ham diqqatga sazavordir. O’zbek adabiy tilimizning asoschisi Alisher Navoiy bobomiz aytganlaridek:

Haq yo’lida kim senga bir harf o’qitmish ranj ila,

Aylamoq bo’lmas ado oning haqin yuz ganj ila.

“ O’qituvchining ishi deb yozgan edi Qori Niyoziy, - uning qaysi sinfda va nimadan dars berishidan qat’iy nazar, ijodiy bo’lishi lozim. Aks holda uning so’zi qolipga aylanib, o’qituvchining o’zi oddiy kosibga o’xshab qolishi mumkin.”

“O’qituvchi, _ deb ta’kidlagan edi Kamenskiy-sof vijdonli, ishchan sabotli, o’quvchilarga o’zi singdirishi lozim bo’lgan fazilatlarining namunasi bo’lishi, keng ma’lumotli va mahnatsevar kishi bo’lishi lozim.

O’zi namuna ko’rsatib, o’quvchilarni o’ziga ergashtirish o’qituvchining eng birinchi vazifasidir.

Ha, o’qituvchi maktabda dars berar ekan har jihatdan ibrat namunasi bo’lishi shartdir. O’quvchi kiyinishda, yurish- turishda, so’zlashda, odob –axloqda o’qituvchisiga o’xshashga harakat qilishi uning bilim olishida, tarbiyasida muhim ahamiyatga egadir.

O’qituvchining o’quvchiga bilim berishidagi asosiy vosita uning sinfda o’qiydigan ma’ruzasidir. Agar o’qituvchida ma’ruza o’qish san’ati shakllangan bo’lsa, u o’quvchilarga bilim va ko’nikmalarni to’la bera oladi. Ammo bu san’at qiyin san’at bo’lib, ko’pchilik muallimlarda buni ko’rish qiyin. Ma’ruzaching asosiy quroli so’zdir. So’zlarda ifodalangan ma’noni chuqur his qilish, uni boshqalarga yetkaza olish san’ati hammaga ham nasib etavermaydi. Bunday iste’dod egalari hamisha ardoqlanadi.

Ma’ruzaga qo’yiladigan asosiy talablardan biri bu notiqlikdir. Ba’zi bir muallimlar borki, o’z fanini chuqur biladi, ammo yaxshi ma’ruza o’qiy olmaydi. Chunki unda notiqlik san’ati yetishmaydi. Notiqlik san’ati tushunchasi notiqning o’zi bilgan bilimlari bilan cheklanib qolishi emas balki, uni o’quvchilarga tushunarli tarzda yetkazib berish bilan o’lchanadi. O’z ma’ruzasiga o’quvchilarni ishontirishi, qiziqitira olishi muallimning ulkan yutug’i hisoblanadi. Bunday yutuqqa erishishning vositalaridan biri til vositalaridan o’rinli, to’g’ri tanlay bilish, ularni o’z o’rnida to’g’ri qo’llay olishdir. Notiq o’z nutqiga qalb haroratini berishi kerak. Iste’dodli yozuvchi Abdulla Qahhor ta’kidlaganidek: “Dunyoda qalb harorati bilan jon kirgizilmagan nutq - o’lik nutqdan sovuqroq narsa bormikan?!”.

Muallim o’z ma’ruzasini o’quvchilarga mahorat bilan yetkazishda quyidagi vositalar unga yordam beradi.

Ovoz. Ma’ruzaching ovozi jaragndor, yoqimli bo’lmog’i kerak. Ovozida nuqsoni bo’lgan muallim uni tuzatishga harakat qilmog’i lozim. Hamisha ovoz chiqarib o’qish, ovoz paychalarini zo’riqtirmaslik shoshilmaslik, muntazam ravishda mashq qilish orqali ovozdagi nuqsonni yo’qotish, hach bo’lmaganda o’quvchilar sezmaydigan darajaga keltirish mumkin. Ovoz – past-baland, ingichka- yo’g’on, jaragndor-jarangsiz, yoqimli- yoqimsiz kabi xususiyatlarga ega. Ovozning bu xususiyatlaridan ijobiy ma’nodagilarini egallash, ma’ruza o’qish jarayonida ulardan mahorat bilan foydalanish zarur.

Ovozni me’yoridan ortiq baland qo’yish, birinchidan, muallimni charchatadi. Ikkinchidan esa, o’quvchilarni eshitish, qabul qilish a’zolarini toliqtiradi.

Mimika. Ma’ruza o’qilayotganda yuz ko’zlar harakati, holati mavzuni o’quvchilarga yetkazishda muhim vosita hisoblanadi. Yuz va ko’z harakati holatining qanday bo’lishi mavzuni belgilaydi. Agar mavzuda shodlik, quvonch, faxr ma’nolari ifodalansa, yuz va ko’zda shunga monand ifoda bo’lmog’i zarur. Mavzuda g’am, alam, iztirob mazmuni mavjud bo’lsa, yuz va ko’z ifodasi ana shu mazmunga monand bo’lmog’i kerak. Ana shu vositalardan unumli foydalangan muallim ma’ruzasi ta’sirli, qiziqarli bo’lib eng muhimi, mavzuni o’quvchilarga ehtirosli tarzda yetib borishiga yo’l ochadi.

Adabiyot fani o’qituvchisiga qo’yiladigan talablar yanada o’zgacha bo’ladi. Chunki adabiyot darslarida she’rlar o’qiladi. Adabiyot muallimi ma’ruza jarayonida she’rlarni yod o’qishi zarur. Shuningdek she’rlar badiiy o’qish darajasida o’qilmog’i kerak.

She’rni shunchaki yod o’qish emas, balki badiiy o’qish darajasida o’qish adabiyot muallimi ma’ruzasiga qo’yiladigan muhim talablardan biri. Chunki bu xususiyat o’zbekning qadriyatlariga bog’liq xususiyatdir. Bobomiz

Amir Temur nasr va nazmi zo'r o'qiydigan kishi bo'lgan. Bu haqida Alisher Navoiy shunday yozgan: "Agarchi nazm aytmoqqa iltifot qilmaydurlar, ammo nazm va nasrni andog' xo'b mahal va mavqida o'qib turlarkim, aningdek bir bayt o'qig'on ming yaxshi bayt aytkoncha bor".

Adabiyot muallimlari ma'ruza o'qish jarayonida barmoq, aruz, erkin she'r tizimidagi she'rlarni o'qishiga to'g'ri keladi. Ularga qiyinchilik tug'diradigan narsa bu aruz she'r tizimidagi matnlarni badiiy o'qiy olmaslikdir. Buning sabablaridan biri aruz she'r tizimi qonuniyatlarining murakkabligi bo'lsa, ikkinchisi, bu tizimdagi she'rlarni badiiy o'qish borasida nazariy va uslubiy adabiyotlarning yo'qligidir.

Aruz she'r tizimidagi matnlarni o'qishda quyidagilarga amal qilish lozim.

Aruz she'r tizimidagi materiallar o'qilayotganda, bir tuvushning o'zi misra yoki bayt tarkibida turli cho'ziqlikda o'qilishi mumkin. Masalan Muqimiyning "Navbahor" g'azalidagi matla'ni olib ko'raylik:

Navbahor ochildi gullar / sabza bo'ldi bog'lar/

Suhbat aylaylik kelinglar/jo'ralar o'rtoqlar/.

Bayt tarkibidagi "Navbhor" so'zidagi "o" unlisi odatdagidek talaffuz qilinsa, "ochildi" so'zidagi "o" unlisi avvalgisiga nisbatan bir marta ortiq cho'ziq talaffuz qilinadi. G'azal qofiyasidagi "o" unlisi unlisi esa birinchi "o" ga nisbatan ikki marta cho'ziq talaffuz qilinadi.

Vazn talabiga ko'ra faqat "bog'lar", "o'rtoqlar" so'zlaridagina emas, g'azaldagi barcha qofiya bo'layotgan so'zlardagi "o" unlisi ana shu cho'ziqlikda talaffuz qilinadi. Mazkur matla'ni vazn talabida o'qish uchun "jo'ralar" so'zidagi "o" tovushi ham, "ochildi" so'zidagi "o" unlisi darajasida cho'ziq o'qiladi.

Bayon qilingan shartlarni bajargan muallim matla'ni vazn talabiga ko'ra to'g'ri o'qigan bo'ladi. Bu endi ifodali o'qish hisoblanadi. Baytni badiiy o'qish uchun quyidagi shartlarni ham amalga oshirishi kerak.

Ovozda bahor kelganidan mamnunlik, quvonch tuyg'ulari ifodalanib, yuz va ko'zda shodlik ifodasi berilishi kerak. O'quvchilar "sabza" so'zini tushunmasliklari mumkin. Muallim bu so'z "ko'kardi", yam-yashil bo'ldi ma'nolarini berishini aytadi. "gullar", "kelinglar" so'zlaridan keyin, misralar oxirida pauza qilinadi. Muallim qo'li bilan deraza ortidagi "ochilgan gullar" ni, "sabza bo'ldigan bog'lar" ni ko'rsatadi. O'zini tinglayotgano'quvchilarni qo'li bilan, ovozi bilan suhbatga chorlaydi. Ana endi bayt o'qilishi badiiy o'qishga aylanadi.

Aruz matnlarini o'qishda so'z tarkibida ikki undosh yonma-yon kelsa, uning oldidagi unli cho'ziq o'qiladi. Navoiyda shunday bayt bor:

Jonda qo'ygach naqd ishqing qildi ko'nglumni halok,

O'lturur mahramni sulton ganji pinhon aylagach.

Baytni to'g'ri o'qish uchun "naqd", "ganj" so'zlaridagi "a" unlisi cho'ziq o'qilishi kerak.

Aruz she'r tizimiga oid matnlar o'qilayotganda, vazn talabiga ko'ra bir so'zning ma'lum bo'g'inlari avvalgi ruknda qolib, qolgan qismi keying ruknga qo'shib o'qiladi. Masalan:

Xush bu muhilda tiriklik ulfatu ahhob ila,

O'ynashib gohi tabiatni qilaylik chog'lar.

Ikkinchi misradagi "tabiatni" so'zi o'qilishida "tabi-atni" shaklida bo'ladi. Vazn talabiga ko'ra, "tabi" qismi oldidagi ruknga, "atni" qismi keying ruknga qo'shib o'qiladi.

Zulm ila qahru g'azab izhor qilmoq shunchalar,

Oshig'i bechoraga ozor bermoq shunchalar.

Mazkur bayt o'qilishida "zulm", "ila" so'zlari alohida o'qilsa, vazn buziladi. Baytni to'g'ri o'qish uchun "zulm" so'zidagi "m" undoshi "ila" so'ziga qo'shib o'qiladi: zul/mila.

Matnda tutuq belgisi bo'lsa, undan avvalgi unli cho'ziq o'qiladi. Buning sababi shuki, biz o'qiyotgan she'rlar arab yozuvida yozilgan. Arab alifbosida "ayn" harfi bor. Bugungi yozuvda bu harf yo'q. Shuning uchun "ayn" o'rniga tutuq belgisi qo'yilgan. Matnda "ng" tovushi kelsa, "n-g" tarzida bo'lib o'qish vazni buzadi. Uni bir tovush tarzida o'qimoq kerak.

Istadiim sayr aylamakni men g'azal bo'stonida,

Kulmangiz ne bor senga deb mir Alisher yonida.

Baytda "yurmangiz", "senga" so'zlaridagi "ng" harfi bir tovush tarzida o'qilmog'i lozim.

Xulosa o'rnida shuni aytish kerakki, u xoh adabiyot muallimi bo'lsin, xoh boshqa fan o'qituvchisi, qaysi soha vakili bo'lishidan qat'iy nazar notiqlik san'atini puxta egallagan bo'lsa, o'z faoliyati davomida har qanday to'siqni yangib o'ta oladi. Bundan tashqari kelajak avlodlarni o'z ortidan ergashtirib, o'z fikrini chiroyli nutq orqali ifoda eta oladigan komil inson bo'lib yetishishlarida kamarbasta bo'ladi.

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

*Ш.Ш.Юлдашев - ГулДУ катта ўқитувчиси
Хонимкулова Г., Маъмирова М., Сафоева М.
ГулДУ талабалари*

Ўзбекистон Республикасида таълим самарадорлигини оширишда замонавий педагогик-психологик сирлардан бири ўқитувчиларда мунтазам изланиш ва ўз ишининг устаси бўлишига қизиқиш уйғотишдан иборатдир. Жумладан, педагог – психологлар тарбияланувчилар билан ўзаро муносабатларда яхши ва

ёмонни фарқлашга, ютуқ ва камчиликларини ўз вақтида билишга уринса, педагогик-психологик фаолият самарадорлигининг ярим муваффақиятига эришган бўлади. Шу нуктаи назардан бугунги кунда ҳар бир педагог – психологлар мустақил равишда ўз имкониятларини аниқлаши, ўз қобилиятларини ва педагогик маҳоратини ривожлантириши керак. Ўзида кўп нарсани ижод қилиши, тавсия қилинганлардан кўпини синаб кўриши, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиши, ижодкор бўлишини ҳам ўзи белгилайди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ – 5847 – сон Фармони ҳам мазкур муаммо ечимига оид теран фикрлар билдирилган. Зеро, таълим жараёнида фаолият юритаётган педагог – психологлар ўзининг тажрибасини таҳлил қилиб, ўз диққатини тобора муваффақиятли жиҳатларга қаратади, ўзининг иш самарадорлигини пасайтираётган ўқитувчилар муаммоларни ва қийинчиликларни ҳам кўра олиб, уни бартараф этиш йўлларини топади.

Ўқитувчилар фаолиятида дастлабки қийинчиликлардан бири таълим жараёнида фаолият юритаётган ўз фаолиятига нисбатан бепарволик, сустлик, маъсулятсизлик пайдо бўлади. Шу туфайли таълим самарадорлигини оширишнинг пасайишига олиб келади.

Эндигина ўз фаолиятини бошлаётган педагог-психологлар дуч келадиган асосий қийинчиликлари, уларнинг таълим-тарбия жараёнидаги қийинчилиги шарт-шароитларга тезкорлик билан мослашмаслиги, кескинлик, бепарволик, ўз ишидан қониқмаганлиги, психологик ҳолати ёки аксинча, уни бартараф қилиш учун жадал интелекти, педагогик маҳоратнинг етишмаслиги уни такомиллаштириш, педагогик фикрлашни секинлиги, малака ва кўникмаларни ривожлантиришни таъминлайдиган тетиклик, уддабуронлик, мобилизацион тайёргарлик, эмоционал кўтаринкилик ҳолатининг мавжуд эмаслигидир. Муассасалардаги ўқитувчилар таълим сифат ва самарадорлигини оширишда замонавий инновацион жадаллик билан амалга оширадиган интерфаол усуллардан унумли ўз ўрнида ҳам мавзуга доир, ҳам мутахассисликка доир, ҳам замон талабига мослаштирган ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Таълимда ўқитувчилар фаолиятдаги қийинчиликлардан яна шунини таъкидлашимиз мумкинки, педагогик вазиятда зиддиятлар узоқ давом этиши, ўз вақтида ҳал қилинмаганлиги, муваффақиятсизликка дучор бўлиши, вазиятда нафақат психологик узилишлар, балки ўз-ўзини баҳолашнинг пастлиги, педагогик маҳоратни такомиллаштиришнинг тормозланиши салбий ҳолатга олиб келади. Шундай экан таълим самарадорлигини оширишда педагогик вазифаларга фаол муносабатнинг зарур шarti бўлган рағбатлантирувчи услублардан ўз вақтида фойдаланиш бу ижобий ҳал этилишига, унинг шахсий педагогик маҳорати заҳирасини сафарбар қилади, бу эса педагогнинг ижодий фикрлашини рағбатлантиришига манба бўлиб хизмат қилади.

Демак, таълим самарадорлигини оширишда ўз педагогик фаолиятини эндигина бошлаган ҳар бир ёш ўқитувчилар асло жисмонан ва руҳан бўшашиши, бутунлай осойишталикка берилиши мумкин эмас.

Педагогик ва психологик адабиётлар таҳлили, қийинчилик – инсоннинг субъектив психологик ҳолати эканлигини, у ҳамма вақт ҳам ташқи кузатувчи таҳлил учун қулай эмас деган хулоса қилишга имкон беришини, бу эса ҳеч ким ўқитувчининг касбий қийинчиликларини унинг ўзидан кўра яхшироқ аниқлай олмаслигини ва уларни бартараф қилиш йўлларини ҳам ўзидан бошқа киши топа олмаслигини таъкидлайди. Демак, ўқитувчилар фаолиятида касбий қийинчиликларини тадқиқ қилишнинг янада қулай йўли бу, ўз-ўзини ташхислаш ҳисобланади. Таълимда интеграцион фан ютуқларидан фойдаланиш, олимлар эришган натижаларидан, назарий билимни амалиёт билан боғлаш, илмий билимларнинг маълум бир мақсадга йўналганлигига боғлиқлигини англай олиш лозим.

Ўқитувчилар маълум бир мақсадга йўналтирилган ғоялар билан таъминлашдан аввал амалиёт асосида аниқланган эҳтиёж бўлиши керак. Ўқитувчилар меҳнатини ўрганиш жараёнида қатор шарт шароитларга риоя қилиш кўзда тутилади. Нафақат ўқитувчилар лик касбида узоқ ўтмиш тажрибаларидан фойдаланиш даркор, балки ўқитувчилар касбий ривожланишининг энг яқин ва олис истикболларини ҳам белгилаш зарур. Бу ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнида пайдо бўладиган муаммоси айнан нимадан иборатлигини ва унинг сабаби айнан нима эканлигини аниқлаш, сабаб ва оқибатларини педагогик қийинчилик оқибати билан қориштирмасликка имкон беради. Бунда педагогик ташхислашнинг педагогик-психологлар касбий фаолиятини тезкор коррекциялаш имкониятини берадиган ўзига хос жиҳатлари намоён бўлади. Ўқитувчилар фаолиятни ўз-ўзида таҳлил қилиш жараёнида ўзининг таълим-тарбиявий фаолияти натижалари ва хусусиятларининг ҳолатини ўрганади, педагогик-психологик зиддиятлар ўртасидаги сабаб ва оқибатли боғланишларни аниқлайди, ўқувчиларга таълим ва тарбия беришни янада такомиллаштириш йўлларини белгилайди.

Хулоса қилиб айтганда, таълим самарадорлигини оширишда ҳар бир ўқитувчилар фундаментал билимга эга бўлиши, касбий билим, кўникма ва малакаларини эгалаши, ўз касбий фаолияти натижаларини англаб етиши, унинг келгуси педагогик – психологик фаолиятини янада ривожлантириши учун такомиллашган усулларни излаш ва уларни ўзлаштириш заруриятини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ – 5847 – сон Фармони.
2. Холиқов А.А. Педагогик маҳорат. – Т.: Иқтисод -молия, 2011.
3. Педагогика. М.Тохтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.

ЗООЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР ҲУСУСИДА

Бекмурзаев М.Х.

Жиззах давлат педагогика институту, uralov.85@mail.ru

XXI асрнинг янги парадигмаларига мос равишда глобал миқёсда таълим мазмуни ва мақсадлари, унинг таркиби ва тузилмалари ўзгармоқда.

Анъанавий (умумий йўналтирилган, фаолиятга асосланган) таълимнинг глобал инновациялашган (индивидуал йўналтирилган, малакага асосланган) таълим парадигмаларига алмашилиши ўқувчи шахси шаклланишининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Ўқувчи шахсининг шаклланиши ўзига хос хусусиятларга эга, у келажакда глобал ахборот-таълим муҳити соҳиби сифатида тегишли инновацион модель, таълим технологияларини ишлаб чиқишни талаб қилади.

Мактаб таълим тизимида зоологиянинг роли катта, у ёш авлоднинг умумий маданиятини шакллантириш, ижодкор инсонни тарбиялаш ва Ер юзидаги ҳаётни сақлаб қолиш учун жамият олдидаги масъулиятини англашда муҳим аҳамиятга эга.

Маданиятни бойитиш ва такомиллаштириш бўйича ижтимоий институт сифатида ҳар қандай даражадаги таълим муассасасининг ҳозирги ҳолати ҳам ўқувчиларнинг янги, ўзгарувчан шароитларда ҳаракат қилиш қобилияти ва истакларини ривожлантиришга қаратилган инновацион ўзгаришларни талаб этади (А.А. Вербитский, М.В. Кларин, Л.С. Подымова, В.А. Сластенин ва бошқалар) [1, 2, 3, 4].

Замонавий таълим ва тарбиянинг асосий парадигмалари - инсонпарварлик ва шахсга йўналтирилганлик - ўқувчиларнинг таълим фаолиятида инновацияларни амалга оширишни назарда тутати, бу эса ўз навбатида субъектни ўқитиш йўллари лойиҳалаштиришда ушбу ролни кучайтиришга қаратилган. Инновациялар анъанавий таълим жараёнида мавжуд бўлган ўқувчи ва унинг шахсий таълимий тафаккури билан билимлар ҳамда унга қўйилган таълим жараёнининг ташқи компетентлари орасидаги фарқни енгиб чиқиш имконини беради.

Бироқ, биология ва зоология таълимининг замонавий амалий тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, мактаб таълими жараёнида ўқувчиларга зоологияни ўргатишда назарий билим бериш ёндашуви устуворлик қилиши давом этмоқда. Бунда ахборот-коммуникация технологияларидан кам фойдаланиш, мотивация даражасининг пастлиги, ижодий фаолиятни ташкил этиш ва шакллантиришга эътиборсизлик, танқидий тафаккур, педагогик рефлексия, ўқув жараёни методик таъминоти номукамаллиги каби камчиликлар кузатилмоқда.

Зоология бўйича мактаб ўқувчиларини таълим стандартлари талаблари асосида тайёрлаш муаммолари ҳолатининг таҳлили қуйидаги қарама-қаршиликларни аниқлади:

- умумий ўрта таълим соҳасида стратегик тизимли ўзгаришлар зарурати билан зоологияни ўрганиш инновацион модели технологик асосларининг ишлаб чиқилмаганлиги орасида;

- таълим самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион шакл ва методларни кенг жорий этган ҳолда педагог кадрларни тайёрлаш билан анъанавий педагогик технологиялар асосида педагогик жамоаларнинг имтиёзли йўналтирилиши орасида;

- зоология ўқитиш ўқув-методологик таъминотининг назарий асослар-ини ишлаб чиқиш билан ушбу фанни ўқитишнинг илмий асосланган инновацион ўқув-методик тизимининг йўқлиги орасида.

Ушбу мақоланинг долзарблиги инновацион педагогик моделлар ва технологияларни тизимлаштириш, уларнинг ўқувчилар шахсини ривожлантиришдаги ролини аниқлаш, ўқув жараёнида инновацион технологиялар ва таълим моделларини қўллаш усуллари ва услубларини намоиш қилиш зарурлиги билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан.

Инновацияларни жорий этиш масаласи, асосан, "инновация" атамаси қўлланила бошланган илмий ва техник тараққиёт бўйича олиб борилган иқтисодий тадқиқотлар доирасида йиллар давомида ишлаб чиқилмоқда. Инновацияларга бўлган қарашлар аста-секин кенгайиб, улардан фойдаланиш иқтисодиёт ва моддий ишлаб чиқариш соҳаси билан чекланиб қолмасдан, борган сари социология, бошқарувнинг умумий назарияси, шу жумладан таълим муаммоларини ўз ичига қамраб олмоқда. Бироқ, таълим инновациясининг умум қабул қилинган таснифи ҳали мавжуд эмас.

Педагогик назария фани ҳамда мактабда таълим бериш амалиётидаги мавжуд қарама-қаршиликлар мақоланинг илмий муаммосини аниқлаш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход.-М.: Высшая школа, 1991.- 207 с.

2. Кларина Л. Инновационная деятельность: становление, развитие, критерии эффективности / Л. Кларина // Директор школы. 2001. - № 10. - С. 72-79.

3. Подымова Л. С. Психолого-педагогическая инноватика: личностный аспект: Монография. М.: «Прометей», 2012. – 207с.

4. Сластенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика: инновационная деятельность -М. : ИЧП «Издательство Магистр», 2000. - 224 с.

ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ

*Ганиева.Н.Х.,
преподаватель Самаркандского филиала по научно-методическому обеспечению, переподготовке и
повышению квалификации специалистов по физической культуре и спорту при министерстве физической
культуры и спорта Республики Узбекистан*

В статье рассмотрена роль физического воспитания в развитии детей дошкольного возраста. Перечислены Общие задачи физического воспитания в дошкольном периоде.

Ключевые слова: физическое воспитание, дошкольный возраст, двигательная деятельность, физическое развитие.

Физическое воспитание детей до их поступления в общеобразовательную школу осуществляется, как известно, в семье и в специальных дошкольных учреждениях. Создание широкой сети

дошкольных учреждений, составляющих начальное звено единой государственной системы воспитания, – одного из крупных достижений советского общества. Вместе с семьей эти учреждения обеспечивают благоприятные условия для всестороннего гармонического развития человека в один из наиболее важных периодов его становления.

Дошкольный возраст – период наиболее высоких темпов физического развития. Дошкольный период в жизни человека охватывает ряд этапов возрастного развития, за время которых формы и функции организма претерпевают особенно значительные изменения. Своеобразие этого периода состоит, в частности, в том, что организм первоначально обладает относительно низкой сопротивляемостью неблагоприятным воздействиям внешней среды (отсюда обостренная опасность заболеваний) и вместе с тем быстро увеличивает свои адаптационные (приспособительные) и функциональные возможности. Физическое развитие ребенка в первые годы жизни, как известно, происходит по ряду признаков наибольшими темпами.

Так, например, за первый год жизни рост ребенка увеличивается на 50% от первоначального, к семи годам – в два с половиной раза, а за все последующие годы до периода зрелости – лишь на 40-60 см. К году утраивается вес ребенка, быстро возрастает диаметр мышечного волокна. Интенсивно развиваются все органы и системы, постепенно возрастает общая дееспособность и сопротивляемость организма.

Понятно, что в период столь бурного естественного физического развития чрезвычайно важно целенаправленно воздействовать на него, чтобы придать оптимальное направление. От того, насколько рационально в этот период проводится физическое воспитание, в большой мере зависит весь последующий ход физического совершенствования.

Это показано в ряде исследований. Так в одном из них (М.Мак –гроу) новорожденных близнецов в течение первых двух лет жизни воспитывали по-разному; в результате чего показатели их физического развития и двигательной подготовленности стали существенно различаться. Эти различия прослеживались и в зрелом возрасте, хотя в последующие 20 лет воспитание и условия жизни близнецов были практически одинаковыми.

Период от рождения до 7 лет характеризуется большой двигательной активностью ребенка. В это время происходит становление основных необходимых в жизни движений. Важно с помощью физического воспитания направить формирование моторики так, чтобы ускорить и облегчить переход от хаотичных, диффузных движений в первые месяцы жизни к относительно высокоорганизованным действиям, таким, как ходьба, бег, прыжки, метания, плавание и др.

Двигательная деятельность для маленького ребенка является одним из главных источников познания окружающего мира. Чем большим количеством разнообразных движений и действий овладеет ребенок, тем шире будут его контакты с реальной действительностью, а значит, благоприятнее условия для психического развития.

Все это говорит о том, что физическое воспитание в системе воспитания детей дошкольного возраста должно занимать одно из центральных мест.

Задачи

Общие задачи физического воспитания в дошкольном периоде конкретизируются следующим образом.

В числе первоочередных задач по укреплению здоровья и обеспечению всестороннего физического развития предусматривается:

А. Закаливание, повышение сопротивляемости детского организма воздействию условий внешней среды.

Как свидетельствует многообразный опыт физического воспитания в детских яслях, садах и семье, несмотря на первоначально слабые защитные силы детского организма, можно с помощью систематического использования адекватных средств (в частности, тщательно дозированного воздействия оздоравливающих факторов природы) обеспечить его

При этом повышается сопротивляемость не только так называемым простудным заболеваниям, но и инфекционным. Закаливание благотворно отражается и на функциях центральной нервной системы, общем самочувствии ребенка, его эмоциональном тоне.

Особое значение закаливания организма в первые годы жизни обусловлено помимо всего прочего повышенными теплопотерями (величина поверхности кожи, приходящаяся на 1 кг веса, у новорожденного в три с лишним раза больше, чем у взрослого , а стенки кровеносных сосудов тоньше, из-за чего относительные потери тепла на поддержание постоянной температуры тела увеличены).

Б.Укрепление опорно-двигательного аппарата, формирование рациональной осанки.

Первостепенная значимость данной задачи в физическом воспитании детей раннего возраста обусловлено тем, что процессы окостенения скелета в это время ещё лишь развёртываются, мышечная система относительно слаба, опорно двигательный аппарат легко поддается деформациям. Скелет маленького ребёнка, как известно, в большей своей части состоит из хрящевой ткани, а образующаяся костная ткань имеет вначале малую плотность, большую пористость и повышенное содержание воды (у новорожденных около 70% веса костей, у 4-летних –около 20%) прочность опорного аппарата поэтому еще невелика, а возможность его повреждений повышена. (Лишь к 6-7-летнему возрасту стенки костей достигают толщины, которая обеспечивает довольно высокую сопротивляемость механическим воздействиям.)

Эти свойства вместе с легкой растяжимостью связок и слабостью мускулатуры обуславливают также повышенную вероятность нарушений осанки. Так, по данным А.Г.Цейтлина, Г.В.Трентьевой, среди детей до пяти лет нарушения в осанки отмечаются в 15,1% случаев, у 5-7 летних –в 17,3%.

Активный двигательный режим у детей, как отмечал ещё П.Ф.Лесгафт, во многом содействует развитию костномышечной системы.(Сейчас в специальных экспериментах на животных показано, например, что динамические физические нагрузки содействуют интенсивному росту трубчатых костей в длину, а также увеличенную их крепости благодаря повышению общей компактности костной ткани, по данным К.А.Клебановой.)

В процессе физического воспитания дошкольников необходимо предотвратить возможные деформации позвоночника и других звеньев опорно –двигательного аппарата, обеспечив формирование правильной осанки. Решая эту задачу, надо учитывать, в частности, что в раннем детском возрасте еще нет стойких изменений в позвоночнике (до 6-7 лет все кривизны позвоночника, характерные для позы прямохождения, сохраняются лишь в часы бодрствования; когда же тело принимает горизонтальное положение, типичное для сна, кривизны сглаживаются).

Эту благоприятную предпосылку важно использовать для профилактики коррекции нарушений осанки путем фиксации соответствующих поз, а также с помощью упражнений, направленных на укрепление опорно –двигательного аппарата. Необходимо с первых же занятий создавать у ребенка представление о правильной осанке при ходьбе, в положении сидя и т.д. приучать к сохранению рациональной позы во время всех видов деятельности. Индивидуальные и общие особенности конечностей, неравномерность развития силы сгибателей и разгибателей) обязывают постоянно уделять внимание обеспечению гармонического укрепления мускулатуры, в том числе

Предусматривать параллельное воздействие на симметричные группы мышц тела, подтягивая отстающие в развитии мышцы, обычно те, которые меньше других функционируют в повседневной жизни. Во время перехода от ползания к прямохождению особенно важно укрепить основные мышечные группы, фиксирующие вертикальную позу, мышцы стопы и голени, с тем чтобы предупредить возможность появления плоскостопия .

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Алферова И.Н., Тонкова –Ямпольская Р.В., Черток С.Я., Основы медицинских знаний.-М., 1981
2. Вавилова А.Н. Развивайте у дошкольников ловкость, силу, выносливость.-М., 1981
3. Гигиенические основы воспитания детей от 3 до 7 лет /сост. В.И.Телени –М., 1987.
4. Губерт К.Д., Росс М.Г. Гимнастика и массаж в раннем возрасте,-М., 1981.
5. Кепеман А.В., Хухлаева Д.В. Теория и методика физического воспитания детей дошкольного возраста .- М., 1985
6. Крылова Е.Т., Спирина В.П. Режим дня в дошкольных учреждениях.-М., 1987.
7. Ласкова Г.П., Буцинская П.П., Васюкова В.И. Общеразвивающие упражнения в детском саду .-М., 1981.
8. Смирнова Е.Т. Гигиенические условия воспитания детей в дошкольных учреждениях сада .-Мю, 1980.
9. Спирина В.П. Закаливание детей,-М., 1987/

КИМЁ ФАНИДАН УЙ ТАЖРИБАЛАРИ – ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАБИЙ-ИЛМИЙ САВОДҲОНЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИДИР

Р.Казақов

Андижон давлат университети кимё кафедраси ўқитувчиси

Бугунги кунда таълим соҳасини ислоҳ қилиш, уни ривожланган мамлакатлар таълим тизими ютуқлари асосида такомиллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда [1, 2]. Жумладан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлис сенаторларга мурожаатномасида кимё, биология, математика, геология фанларини ривожлантириш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини кучайтириш бўйича ўзларининг таклифларини бериб ўтдилар.

Замонавий умумтаълим мактабларида кимёвий таълим мазмуни, таълим стандартлари, ўқув дастурлари такомиллаштирилмоқда. Ўқитишда янги йўналишлар белгиланмоқда. Лекин бир жиҳат – кимёвий экспериментга бўлган муносабат ўзгармасдан қолмоқда. Кимё экспериментал фан бўлиб келган ва бўлиб қолади, чунки кимёвий экспериментсиз, лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни бажармасдан кимёвий билимларнинг минимал ҳажмини ҳам эгаллаш мушкул [3].

Замонавий кимё таълими концепциясида ўқув экспериментини амалий йўналтириш борасида катта урғу берилади. Лекин ҳозирда қўлланилаётган мактаб эксперименти воситалари асосида бу фикр тўлалигича рўёбга чиқмайди. Мактаб кимёвий экспериментини такомиллаштириш бўйича фундаментал тадқиқотлар ХХ асрнинг 50-60 йилларида олиб борилган. Бу даврда ишлаб чиқилган тажрибалар бошқа ўқув мақсадлари, дастурлар, мактаб моддий базасига, кимёни ўрганишга кўпроқ вақт миқдориغا мўлжалланган эди [4].

Мактаб ўқув экспериментини амалий йўналишини кучайтириш муаммосини анъанавий мактаб эксперименти билан биргаликда уй шароитида бажарилиши мумкин бўлган кимёвий тажрибалардан фойдаланиш орқали ечиш мумкин.

Уй тажрибалари – барча ўқувчилар бажариши шарт бўлган индивидуал амалий иш, мустақил уй вазифаларидан биридир. Бу тажрибалар уй-рўзғор буюмлари ва моддаларидан фойдаланиб, ўқитувчининг билвосита раҳбарлиги ва назорати остида олиб борилади. Уй тажрибаларида катта имкониятлар мавжуд. Уй тажрибалари ўқув жараёнида алоҳида ўринни эгаллайди. Биринчидан бу – амалий машғулот бўлиб, мустақил кимёвий эксперимент турларидан биридир. Уй тажрибалари ўқитувчининг билвосита раҳбарлиги остида олиб борилганлиги сабабли кимёвий эксперимент техникаси нуктаи-назаридан ўта мураккаб бўла олмайди. Бундай тажрибаларни бажаришда асосий мақсад натижа эмас, балки тажрибани бажариш жараёнидир. Бунда умумўқув ва экспериментал кўникмалар такомиллашади. Уй тажрибаларини бажариш давомида ўқувчилар тажриба мақсадини аниқлайди, ўзининг фаолияти босқичларини белгилайди, ҳаракат усулларини танлайди, ҳулоса чиқаради, ўзини назорат қилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг бу фаолиятини зарур йўналишда боришини назорат қилади.

Ўқувчиларнинг мустақил фаолиятига уй тажрибаларини киритиш билиш мотивларини такомиллашишига, айниқса кенг билиш мотиви бўлган мазмунни билишга қизиқишни ортишига олиб келади. Уй тажрибаларини бажариш давомида ўзини иштироки даражасида ўқувчининг ўқув-билиш мотивлари – билим олиш усулларига қизиқиш ҳам такомиллашади. Ўз фаолиятларини режалаштириш, мақсадни аниқлаш усулларига доир кўникмалар ривожланади. Уй тажрибалари ижобий эмоциялар ҳам келтириб чиқаради, чунки улар “катталар учун хос” иш шаклидир. Бошқа томондан, уй тажрибалари уй вазифалари турларидан биридир. Умумий уй вазифалари системасида уй тажрибаларининг ўрни ва аҳамиятини тасаввур этиш учун, асосий (анъанавий), ўқувчилар уйда бажаришлари керак бўлган иш турларини кўриб чиқамиз. Улар қуйидагилар:

- 1) Дарслик матни билан ишлаш;
- 2) Реакция тенгламаларини ёзиш;
- 3) Масала ва машқлар ишлаш;
- 4) Амалий машғулотларга тайёрланиш;
- 5) Маълумотлар тўплаш, маъруза тайёрлаш;
- 6) Илмий-оммабоп адабиётлар ўқиш;
- 7) Маълумотномалар билан ишлаш.

Бу уй вазифалари турлари орасида маълум боғлиқликлар мавжуд. Масалан, дарслик билан ишлашда бевосита масала ва машқлар ишлаш, лаборатория иши ва амалий машғулотга тайёрланиш билан боғлиқ бўлиб, илмий-оммабоп адабиётлар ўқишга алоқаси йўқ. Уй тажрибалари эса уларнинг барчаси билан узвий алоқада бўлади.

Уй тажрибалари мустақил иш турларидан бири бўлиб, алоҳида ва бошқа мустақил ишлар билан биргаликда қўлланилиб, уни бажариш учун ўқувчиларнинг ижодий ёндашуви талаб этилади. Уй тажрибалари билан мактаб кимёвий экспериментини тўлиқ алмаштириш эмас, балки дарсларда ўрганилаётган билим ва кўникмаларни турли ҳодисалар моҳияти ва механизмининг чуқурроқ англаш учун ёрдам берадиган тажрибалар ишлаб чиқиш бизни мақсадларимиздан биридир [5].

Қуйида «Углероднинг физик ва кимёвий хоссалари» мавзуси учун шундай уй тажрибаларидан мисоллар келтирилган:

Уй шароитида адсорбция

Зарур жиҳоз ва моддалар: активланган кўмир, сиёғ ёки акварель, сув, стакан, маккажўқори қаламчалари, одеколон, 0,5 л шиша банка қопқоқи билан.

Ишнинг бориши: стаканга ярим сув қуйиб, унга сиёғ ёки рангли акварельдан солинг ва аралаштиринг. Рангли эритма ҳосил бўлганига эътибор беринг. Унга майдаланган дорихона активланган кўмиридан солиб аралаштиринг. Эритма рангининг ўзгаришига эътибор беринг.

Ярим литрли шиша банкага 1 -2 томчи одеколон ёки бошқа бирор хидга эга суюқликдан томизинг. Банкани иккала кафтингиз билан бир оз вақт ушлаб туринг. Сўнгра идиш оғзини очиб банка устидаги ҳавони елиб хидланг. Қандай бўлишидан қатъий назар, сиз хидни табиий тарзда сезасиз. Энди банка ичига 1 дона активланган кўмир солинг ва оғзини ёпиб, бир неча дақиқага қолдиринг. Сўнгра идиш оғзини очиб

хидлаб кўринг. Хид нима учун йўқолди? Бу тажрибаларни маккажўхори қаламчалари билан ҳам такрорланг. Активланган кўмир ва маккажўхори қаламчалари хоссаларини таққосланг.

Юқоридаги тажрибаларга ўхшаш уй тажрибаларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш натижасида ўқувчиларнинг кимё фани, саноати маҳсулотларини кундалик турмуш, ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини англашларида, ностандарт шароитларда ишлаш, ижодий кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги ВМ-997-сон «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

3. Иванова Р.Г. Общая методика обучения химии в школе. Химический эксперимент – основа изучения химии. – М.: Дрофа, 2008. – с.170-184.

4. Шипарева Т.А. Домашний эксперимент по химии как средство формирования мотивов к изучению учебного предмета. Дис. ... канд. пед. наук. – М.: 2001. – 160 с.

5. И.Р.Асқаров, К.Ғ.Ғопиров, Н.Х.Тўхтабоев. Кимё. 8-синфлар учун дарслик. –Тошкент, «Янгийўл полиграф сервис» нашриёти. – 2019 йил. – 156 б.

BIOLOGIYA FANINI O'QITISHDA INTERAKTIV DOSKADAN FOYDALANISH

Muyassar Alisher qizi Ochilova

Buxoro davlat universiteti, muyassar.ochilova96@gmail.com

Agronomiya va biotexnologiya fakulteti,

Tuproqshunoslik yo'nalishi 1-bosqich magistri

Mamlakatimizda ta'lim tizimini takomillashtirish va zamon talablariga moslashtirish, zamonaviy axborot texnologiyalariga asoslangan tizimni yaratish umumdavlat siyosatining muhim tarkibiy qismlaridan biriga aylanib bormoqda. Ta'lim muassasalaridagi ta'lim sifati ushbu tizimning holati va samaradorligini belgilaydigan me'zonlar hisoblanib, ta'lim jarayonida erishilgan natijalar bilan belgilanadi. Ta'lim jarayonida innovatsion texnologiyalarni tatbiq etish ta'lim samaradorligini oshirishda muhim vositadir. Shu jihatdan innovatsion texnologiyalar asosida yuqori salohiyatli shaxsni kamol toptirishga erishish hamda uni hayotga tayyorlashga yo'naltirilgan kompleks vazifalarni amalga oshirish bilan bog'liq bo'lib, ta'lim siyosatining bugungi kundagi dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi.

Shu maqsadda mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev tashabbusi bilan ishlab chiqilgan va qabul qilingan O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar Strategiyasining to'rtinchi ustuvor yo'nalishida "uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillashtirish, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining zamonaviy ehtiyojlariga mos yuqori malakali kadrlar tayyorlash siyosatini davon ettirish vazifasi qo'yilgan. [1]. Ushbu strategik vazifasini muvaffaqiyat bilan bajarish uchun ta'lim sifati va samaradorligini oshirishda xalqaro tajribalardan foydalanish, ta'limda innovatsion yondashuv va zamonaviy pedagogik texnologiyalar hamda axborot kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish zarur. Ta'lim tizimini shu talablar asosida qayta qurish-jamiyatning kelajak avlod tarbiyasi sohasidagi ehtiyojlarini qondirishga xizmat qiladi.

Mamlakatimizda bugungi kunda yangi jahon axborot muhitiga integrallashishga yo'naltirilgan ta'lim tizimi yo'lga qo'yilmoqda va bu ta'lim jarayonini tashkil etishda zamonaviy texnik imkoniyatlarga javob beradigan o'zgarishlarda kuzatilmoqda. Zamonaviy axborot texnologiyalarining ta'lim sohasiga kirib kelishi o'qitish jarayonini yangicha yondashuv asosida tashkillashtirish shakllarini qulaylashtirib, to'la va oson tushunish imkonini bermoqda.

Umumiy o'rta ta'lim fanlarini o'qitishda turli vositalardan foydalanish bugungi kun talablaridan biri sifatida dolzarb bo'lib bormoqda. Shuni hisobga olgan holda ta'lim sohasida olib borilayotgan izlanishlar anchagina keng qamrovli bo'lib qoldi.

Shunday texnologiyalardan bugungi kunda jahon ta'lim tizimida keng qo'llanilayotgan interaktiv doskalardir. Bu qurilma asosan doska vazifasini bajarsada, boshqa qulayliklari juda ko'p. Darslarning samarali tashkil etilishi uchun xizmat qiladigan bu qurilmadan biologiya darslarida foydalanish imkoniyati katta. Biologiya fani ta'lim jarayonida talabalarda turli xil umumiy ta'lim ko'nikmalari va hayotiy kompetensiyalarni shakllantiradi. Butun biologiya kursi xilma-xil vazifalarni o'z ichiga oladi- bu matn bilan ishlash, uch o'lchovli modellarni idrok etish, matematik hisoblash muammolarini hal qilish, grafiklar va diagrammalar yaratish. Biologiyada odatiy vazifalardan tashqari, nuklein kislotalar bilan oqsillarni kodlash, genetik muammolarni hal qilish, identifikatsiya kartalari yordamida o'simliklarni aniqlash, kattalashtirish moslamalari bilan ishlash va boshqalar kabi ko'plab o'ziga xos vazifalar mavjud.[2 41-b].

Interaktiv doskada ma'lum ma'lumot yozilgandan keyin uni o'chirib tashlash yoki aksincha yana tiklash imkoniyati mavjud. Qo'shimcha ko'rgazmalarni ham bir vaqtning o'zida ko'rsatib ketish mumkin. Xohlasa, slaydlar ham namoyish qilinib, yana ortga qaytib mavzu bo'yicha ma'lumotlarni ko'rsatish mumkin. Bu qurilma darslarda

doska bilan ishlash samaradorligini oshiradi. Interaktiv doskada mavzuda uchraydigan atamalarni ma'lum ranglarda belgilab ko'rsatish imkoniyati mavjud. [3].

Mana shunday doska yordamida o'qituvchi talabalarga elektron ko'rinishdagi grafiklar, diagrammalar, xaritalar va jadvallarni taqdim etishi, videoroliklar yoki o'quv filmlarini namoyish etishi mumkin. Ayniqsa, bu vazifasi sababli biologiya fanidagi mavzular animatsion va rangli tasvir va videoroliklar orqali tushunarli va qiziqarli tarzda o'tilishiga olib keladi. O'quvchilarning bevosita ko'rib, xotirada saqlab qolishida yordam beradi hamda fanga qiziqish uyg'otish va asosiysi ta'lim sifati hamda samaradorligiga erishiladi. Shuningdek, elektron doskadan dars jarayonida foydalanish ta'limni samarali olib borish uchun o'qituvchiga ham o'quvchi talabalarni darsga jalb qila olishida qulaylik va yengilliklar yaratadi. Bunday doskada internetdan olingan ma'lumotlar darhol aks ettiriladi.[2]. Elektron doskadan ayniqsa bir vaqtning o'zida bir qancha auditoriyalarda o'z prezintatsiyalarimizni namoyish qilishimiz mumkin. Elektron doska masofadagi foydalanuvchilar bilan ishlash funksiyasida masofadagi uzoqlashgan doska bilan ulanish imkoniyatiga ega. Bu ayniqsa konferensiyalar, masofaviy ta'lim jarayonida qo'l keladi. Bu doskadan nafaqat ma'ruza, balki, amaliy, seminar va laboratoriya darslarida foydalanish mumkin.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash joizki, bugungi kun innovatsion texnologiyalarini ilm-fan va ta'lim sohasida muvaffaqiyatli qo'llanilsa, yangi yosh avlod ana shu jahon tajribasi asosida saboq olib ulg'aysa, davlatimizning ertangi istiqboli, kelajagi yorqin bo'lishiga shak- shubha yo'q.

Adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M "2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning Harakatlar Strategiyasi" 2017-yil 7-fevral. PF-4947.
2. Государственное образовательное учреждение дополнительного профессионального образования. Центр повышения квалификации специалистов Санкт-Петербурга "Региональный центр оценки качества образования и информационных технологий". Использование интерактивного оборудования в образовательном процессе. Часть II. Из практики использования интерактивных досок разных типов в образовательных учреждениях Санкт-Петербурга. Методическое пособие. Санкт-Петербург. 2010. 41 с.
3. Иванова И.И. Методические рекомендации по использованию интерактивной доски в учебном процессе. Вологда. 2012. 6,14,29 с.
4. G'ulomov S. S. va boshqalar. Axborot tizimlari va texnologiyalari. "Sharq", Toshkent, 2000.
5. www.wikipedia.org.

БИОЛОГИЯ ФАНИДАН МАЪРУЗА ДАРСЛАРИ ЖАРАЁНИДА АУДИТОРИЯНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ҲАҚИДА

М.А.Турдимуродова – СамДУ Биология факультети 3 – босқич талабаси

Аннотация: Мақолада биология дарсларида аудиторияни фаоллаштириш билан боғлиқ масалаларнинг долзарблиги ва бу масалани ечишда маърузачининг шахс сифатлари ва педагогик қобилияти билан боғлиқ масалалар ёритилган. Аудиторияни фаоллаштиришда руҳий фаолиятнинг маълум объектга йўналганлиги жуда муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, маъруза давомида талабаларнинг эътиборини тортадиган турли ҳолатлар, маърузачининг ташқи кўриниши, унинг овози, айрим сўзларни талаффуз қилишдаги хатоликлар, хонанинг харорати, уяли алоқа телефонининг ишлаб кетиши ва бошқалар муҳим ҳисобланади.

Калит сўзлар: Дарс жараёни, шахс сифатлари, педагогик қобилият, эмоционал ҳолат, руҳий фаолият, биология дарслари, педагогик технология, тақлид қилиш, ахборот технологиялари, интерфаол усуллар, ишонтира билиш.

Охирги йилларда маъруза дарсларида янги ва замонавий таълим технологияларини ва интерфаол усуллардан ўқув жараёнида фойдаланиш орқали ўқув жараёни самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, дарс жараёнида аудиторияни фаоллаштириш орқали дарс сифатини оширишга қаратилган муҳим талаблар ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масалани ечишда, аynиқса, аудиторияни бошқаришда маърузачининг шахс сифатлари ва педагогик қобилиятларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Маърузачи биология дарсларида аудиторияда кўзланаётган мақсадга эришиш учун талабаларни маъруза давомида бошқара олиши лозим. Бунинг учун талабаларнинг эмоционал ҳолати муҳим ўрин тутади. Чунки, биология дарсларида турли ҳис-ҳаёжонларни келтириб чиқарувчи қатор ҳолатлар мавжуд.

Биология дарсларида ёритилаётган муаммони тўлиқ очиб бериш учун маърузачи талабаларда ушбу муаммога нисбатан, ахлокий, интеллектуал, эстетик ҳис-ҳаяжон ҳосил қила билиш лозим. Бу усул кўзланган мақсадга тез эришиш имконини беради. Демак, маърузани ўтказишдан қузланган мақсадга эришишда мақсадга мувофиқлик ва эмоционал таъсирнинг биргаликда олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга.

Дарс давомида маърузачига тингловчи – талабаларнинг қуйидаги ҳолатлар и салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу жумладан, киришимлиликнинг суствлиги - аудиторияда маърузачи билан талабалар ўртасида узвий алоқанинг ўрнатилиши, талабаларда маъруза давомида олаётган биологик ахборотларга тўсқинлик қилувчи ҳар хил ҳаёллардан тияди. Агар талабанинг киришимлиги суств бўлса, у бутун вужуди билан аудиторияни ҳис қила олмайди, бутун вужуди билан маърузачини тингламайди, ўз ҳаёлларига, ақидасига ўралашиб ўтираверади, натижада унинг маърузанинг ўзлаштириш қобилияти кескин камаяди.

Замонавий педагогик маълумотларга қараганда, инсон ўз фикрини сўз орқали баён қилишга қараганда тахминан тўрт баробар тезроқ фикрлайди. Маърузачининг гапларини эшитаётган талабаларда, ҳар доим бу сўзларни таҳлил қилиб олишдан ташқари фикр юритиш имкони ҳам мавжуд бўлади. Бу фикр эса талабани маърузадан чалғитади ва унинг фикр юритиш қобилиятини кескин камайтиради. Бу ҳолатни олдини олишга қаратилган жараён эса диққат ҳисобланади.

Диққат - бу рухий фаолиятнинг маълум объектга йўналганлигидир. Маъруза давомида талабаларнинг эътиборини турли хил ҳолатлар чалғитиши мумкин. Масалан, биология дарсларидаги турли ҳолатлар, маърузачининг ташқи кўриниши, унинг овози, айрим сўзларни талаффуз қилишдаги хатоликлар, хонанинг харорати, уяли алоқа телефонининг ишлаб кетиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Маълумки ҳар бир талаба кўпинча ўзларининг нуқтаи назарларига эга бўладилар ва бунга каттик ишонадилар. Шунинг учун ўзларининг нуқтаи назарларини «химоялайдилар» ёки химоялашга ҳаракат қиладилар. Бу талабаларда аудиторияга кириша олмаслик ёки эътироз билдириш, ёки маъруза давомида гап қистириб қўйиш тарзида намоён бўлади. Маърузачининг бу эҳтиёжни қондирмаслиги талабаларнинг маърузачига бўлган эътиборини сусайтиради. Шунинг учун бу каби ҳолатни эътиборсиз қолдириш педагогик нуқтаи назардан тавсия этилмайди.

Ҳар бир юқори малакали педагог ўз маъруза дарслари давомида аудиторияни бошқаришга, талабалар билан биргаликда фикр юритишга йўналтирилган педагогик технологиялардан унумли фойланишга ҳаракат қилиши жуда муҳим ҳисобланади. Бунда маърузачининг асосий вазифаси талабаларни жипслаштириш, уларнинг эътиборини маърузага жамлашга ҳалал берувчи барча таъсирлардан ҳалос этишдан иборат. Аудиторияни бошқаришда маърузачига ижобий кўмак берувчи юктириш, тақлид қилиш ва ишонтириш каби ижтимоий-психологик усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юктириш - кишиларни онгсизларча, ўзлари истамаган ҳолда маърузачи билан бирга ёритилаётган муаммога ҳамфикр, ҳамдард бўлиб қолишга олиб келади. Бу бир шахснинг рухий кайфиятини бошқа шахсга кўчириш орқали амалга оширилади.

Мақсадга эришиш учун маърузачи биология фанидан юқори даражали билимга эга булиши, биологиядан кўпчиликни кизиктирувчи мисоллар келтириши, кишиларни кайфиятини инобатга олиши, биологик жонли мисоллар ва экспонатлардан самарали фойдаланиши зарур.

Тарихий маълумотларда келтирилишига кўра **тақлид қилиш** усулидан қадимда ҳам кенг фойдаланиб келинган. Тақлид қилиш бу – кишилар томонидан ўзини тутиши, ташқи кўриниши, қилиқларини кимгадир ўхшатиш ҳолати ҳисобланади. Маърузачи ўзининг малакасини ҳисобга олган ҳолда бирор намунавий кимса ёки биологик мисолни ҳисобга олган ҳолда қайтариши мумкин.

Шундай қилиб, юктириш ва тақлид қилиш талаба ва маърузачи ўртасидаги ҳис-ҳаяжонни кучайтиради. Бу эса аудитория томонидан ахборотларнинг яхши ўзлаштирилишига ёрдам беради. Айниқса, аудитория ва маърузачи ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлайди ва ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади. Талабалар билан юқори даражада барқарор алоқа ўрнатиш, ишонтириш ва уларнинг онгига сингдириш орқали амалга оширилади. Чунки, булар аудиториядаги гуруҳ талабаларини бошқаришнинг рухий усули ҳамда, фикрларни шакллантиришнинг педагогик усулидир.

Шундай усуллардан бири ишонтириш ҳисобланади. **Ишонтириш** - асосан шахсга сўз орқали таъсир этиб амалга оширилади. Ундан мақсадга интилган ҳолатда аниқ бир натижа олиш мақсадида фойдаланиш лозим. Бу усул коммуникацион таъсир бўлиб, танқидга асосланмаган, исбот талаб қилмайдиган ахборот қабул қилишга асосланган.

Ишонтириш самараси икки омилга асосланади, биринчи омил ишонишга таъсирчанлик ва берилувчанлик бўлса, иккинчи омил эса - ишонтира билишдир.

Ишонтириш самараси инсонларнинг ёшига ва руҳиятига, аудиториянинг кайфиятига боғлиқ. Демак, биология дарслари жараёнида аудиторияни фаоллаштириш усуллари ахборот технологияларини ўқув жараёнига кенг жорий этилаётган бугунги кунда айниқса, долзарб бўлмоқда. Педагогик технологияларни янги ва замонавий турларидан унумли фойдаланиш, талабаларнинг шахсий қобилиятларини эътиборга олиш аудиторияни фаоллаштиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Демак, биология маъруза дарсларида аудиторияни фаоллаштириш орқали ўқув жараёнини самарадорлигини ва талабаларнинг фоллигини ошириш, янги таълим технологияларидан унумли фойдаланиш ва ахборот технологияларини кенг жорий қилиш имконияти янада оширади.

Адабиётлар

1. Муҳиддин Болиев „ Та’лимий педагогик технологиялар” Услубий қулланма. Самарканд-2018й.
2. Тахтоходжаева М., Педагогика назариси “ Тошкент-2006 й.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ ТЕХНОЛОГИИ ДЛЯ АКТИВИЗАЦИИ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ ГУМАНИТАРНЫХ ФАКУЛЬТЕТОВ

*Аминов Истам Барноевич, доцент
Рахимов Собир Зиядуллаевич, ассистент
факультет прикладной математики и информатики,
Самаркандский государственный университет*

Аннотация

Использование современных технологии обучения оказывает позитивное влияние на отношение студентов в учебном процессе, формирует положительную мотивацию, интерес к изучаемому предмету. В статье рассматриваются вопросы эффективного использования инновационных мультимедийных презентаций для активизации познавательной деятельности студентов гуманитарных факультетов.

Ключевые слова: *познавательная активность, основные характеристики познавательной активности, современные интерактивные технологии обучения, способы использования мультимедийные презентации*

В настоящее время в современном образовании наблюдается значительный рост интереса к проблемам развивающего обучения. Это связано с совершенствованием современной технологии обучения, которые инновационные методы проникают в образование. Одной из основных задач преподавателя в современном образовании становится задача заинтересовать студентов изучаемой дисциплиной, мотивировать его к изучению предмета, стимулировать его познавательную и творческую активность, научиться удивлять, интриговать.

В процессе обучения преподавателей призваны учить студентам творчеству, владеющую инструментариум саморазвития и самосовершенствования, умеющую находить эффективные способы решения проблемы, опираясь на имеющийся жизненный опыт, осуществлять поиск нужной информации, критически мыслить, вступать в дискуссию, коммуникацию. Студентам предстоит проделать трудный, но увлекательный путь познания, самосовершенствования. Потому что активность, самостоятельность, инициативность, творчество являются ведущими в определении направленности развития личности будущих специалистов в современных условиях.

Проблема развития познавательной активности является актуальной, поскольку познавательная активность рассматривается как постоянно изменяющееся глубокое и качественное свойство личности, направленное на осознание предмета деятельности и достижение конечного, значимого для него результата.

Основными характеристиками познавательной активности студентов в учебном процессе являются:

- естественное стремление студента к познанию;
- положительное отношение к изучению предмета;
- активная познавательная деятельность студентов, направленная на осознание предмета деятельности и достижение значимого результата.

В современном образовании применяются разные пути активизации познавательной деятельности, основой среди них является: разнообразие форм, методов, современных средств обучения.

Успешность обучения зависит не только от методов обучения, но и от форм организации познавательной деятельности студентов в учебном процессе. К формам организации учебно-познавательной деятельности относится система средств, с помощью которой учитель добивается включения каждого студента в активную целенаправленную учебно-познавательную деятельность на основе сочетания индивидуальной, парной и групповой работы. Необходимо применять разные способы, средства, приемы активизации мышления студентов.

В настоящее время информационные и компьютерные технологии создают большие возможности активизации познавательной деятельности студентов в учебном процессе.

Работа со средствами информационной и компьютерной технологии вызывает у студентов повышенный интерес и усиливает мотивацию обучения. В системе обучения использование информационных и компьютерных технологий создает возможность доступа к современной, новой информации, осуществления «диалога» с источником информации, к новой форме оценки знаний. Использование информационных технологий в процессе обучения оказывает позитивное влияние на отношение обучающихся к учению, формирует положительную мотивацию, интерес к изучаемому предмету.

Мультимедийные технологии - это одно из наиболее бурно развивающихся направлений новых информационных технологий в учебном процессе. Обеспечивая богатство содержания и формы обучения, сочетание различных видов текстовой, графической, речевой, музыкальной, видео-, фото- информации и разнообразие способов их извлечения, эти технологии формируют мультимедийные презентации[4].

Средства мультимедиа позволяют обеспечить наилучшую, по сравнению с другими техническими средствами обучения, реализацию принципа наглядности, которому принадлежит ведущее место в

образовательных технологиях. Кроме того, мультимедиа отводится задача обеспечения эффективной поддержки игровых форм занятий.

Мультимедийная технология позволяет высвободить время для дополнительного объяснения материала и для осуществления контроля, а также обеспечить научность обучения, что означает глубину, корректность и достоверность изложения материала с учетом последних достижений науки и практики.

Мультимедийные презентации направлены как на решение традиционных задач: усвоение знания и их систематизация, так и на выполнение на современном этапе инновационных задач: формирование мотивации и навыков самоконтроля, коммуникативных навыков и развития информационной компетентности [1].

Применение мультимедийных технологий позволяет преподавателю намного эффективнее управлять демонстрацией визуального материала, организовывать групповую работу и создавать собственные инновационные разработки, при этом не нарушая привычный ритм и стиль работы. У преподавателя появляется возможность совмещать изложение теоретических сведений с показом демонстрационного материала.

Использование мультимедийных презентаций в учебном процессе применяется для того, чтобы:

- совершенствовать систему управления обучением на различных этапах занятий;
- усилить мотивацию учения;
- улучшить качество обучения и воспитания, что повысит информационную культуру студентов;
- повысить уровень подготовки студентов в области современных информационных технологий;
- демонстрировать возможности компьютера, не только как средства для игры.

Организация учебного процесса с помощью мультимедийных технологий подразумевает использование следующих специальных программных средств: электронные учебники; обучающие и тестирующие программы; презентации.

Одним из преимуществ использования электронного учебника является повышенный интерес студентов к преподаваемой дисциплине, т. к. такой учебник обладает высокой наглядностью, в нем можно использовать анимации, видеосюжеты, звуковое сопровождение, дополнительный материал и другое. Электронный учебник позволяет работать в интерактивном и обучающем режиме. У студентов появляется возможность посмотреть при желании дополнительный материал по гиперссылкам, проверить свои ответы с разъяснениями и комментариями.

Мультимедийные программные средства реализуют следующие виды учебной работы:

- просмотр информации в аудиовизуальном варианте;
- тренаж по теории с использованием упражнений;
- контроль;
- работу со словарем терминов и понятий;
- работу с подключаемыми к локальной сети другими компонентами комплекса, тренажерами.

Интерактивные мультимедийные презентации также способствуют развитию интереса студентов в обучении к предмету. В презентациях используются картинки, анимации, гиперссылки, триггеры, можно дополнить видеосюжетами, подобрать звуковое сопровождение, что более интересно для обучения. Презентация позволяет создать модель процесса, явления, позволяет наглядно продемонстрировать решение задачи, понять сложные логические математические построения, задать алгоритм выполнения действий, последовательность ответов на вопросы, составить план ответа. Мультимедийные презентации способствуют более эффективному восприятию изучаемого материала, а также сделают лекционные и лабораторные занятия более интересными и динамичными [2].

Студенты привлекает новизна проведения мультимедийных презентаций. В аудитории во время занятий создаётся обстановка реального общения. Студенты учатся самостоятельно работать с источниками информации по изучаемому предмету. У студентов появляется готовность и желание выполнять дополнительные задания, чтобы получить более высокий результат.

Мультимедийные технологии позволяют ставить перед студентам и помогать ему решать познавательные и творческие задачи с опорой на наглядность. Сегодня интерактивные мультимедийные технологии можно считать тем новым способом передачи знаний, который соответствует качественно новому содержанию обучения. Этот способ позволяет студентам с интересом учиться, находить источники информации, воспитывает самостоятельность и ответственность при получении новых знаний, развивает дисциплину интеллектуальной деятельности. Таким образом, развитие мультимедийных технологий дает широкую возможность для изобретения новых методик в образовании, тем самым, повышая качество и эффективность активизации познавательной деятельности студентов.

Литература

1. Алексеева М.Б., Балан С.Н. Технология использования систем мультимедиа. – Учебное пособие, издательский дом “Бизнес-пресса”, Санкт-Петербург, 2002.
2. Аубакиров Г.Д. К вопросу об использовании интерактивных средств обучения в учебно-воспитательном процессе вуза. //Вестник Карагандинского университета. Сер. Педагогика. 2008.- №4(52) – С.170-175.

3. Захарова, И. Г. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. - М.: Академия, 2003. - 188
4. Козлов О.А. Информационные и коммуникационные технологии как фактор повышения эффективности образовательного процесса // Информатика и образование. — 2008. - № 10. - С. 3-9.

ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

*Саломова Раъно Вассиевна,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти,
“Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси” кафедраси мустақил изланувчиси*


Мақолада компьютер технологиялари асосида талабалар билимини баҳолашнинг бир қатор усуллари келтирилган. Бу каби усуллар янгилик бўлмасда, биз уларни ўз ғояларимиз билан янада бойитдик ва бу ғоялар бошқа ҳамкасбларимизга ҳам ёқади, деб умид қиламиз.

Бизга маълумки, ҳозирги кунда талабалар билимини компьютерда баҳолашнинг тест усули кенг тарқалган. Албатта, тестнинг ўзига ҳос афзалликлари мавжуд. Бунда талабанинг билими тезкор ҳамда ҳолисона баҳоланади. Шу билан бирга компьютер хотирасидаги талабаларнинг тест натижаларини умумлаштириш ва турли статистик маълумотларни олиш қулай бўлади.

Билимни баҳолаш ўқув жараёнининг ажратиб бўлмайдиган қисмидир. Ҳар бир ўқувчининг билимини баҳолаш ўз вақтида ва узлуксиз олиб борилиши зарур. Ўқув юртларида билимни назорат қилиш оғзаки сўраш, реферат ёзиш, тест топшириғи, ёзма иш, семинар, лаборатория-амалий машғулотларини бажариш, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёт ҳисоботи, давлат имтихони, диплом лойиҳаси орқали амалга оширилади.

Назорат турлари уларни ўтказиш вақтига қараб жорий, оралик ва якуний бўлади. Жорий назорат бирорта мавзунинг ўзлаштириш даражасини баҳолашдан иборат. Оралик назорат мақсадли бир нечта мавзуларни қанчалик ўзлаштирилганлигини баҳолайди. Якуний назорат эса фан бўйича ўзлаштиришни баҳолайди. Рейтинг тизими жорий қилингандан сўнг билимни баҳолашда тест саволларидан фойдаланиш кенг тус олди. Тест саволлари орқали жорий, оралик, якуний баҳолаш стандартлаштирилган топшириқлар орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда тест топшириқларининг бир қатор турларидан таълим жараёнида таълим олувчиларнинг назарий билими ва ақлий лаёқатини баҳолашда фойдаланилмоқда.



дастурлари ишлаб чиқилган. Уларнинг имкониятлари ҳам ўзига ҳос, албатта. Биз ҳам шу масалада бир қатор ишларни амалга оширдик. Хусусан, автоматик тестлаш жараёнининг икки ҳил намунаси (биринчи намунаси – компьютерда тест олиш, иккинчиси – қоғоз шаклида тест тайёрлаш) дастури яратилди. Шунингдек, талабалардан ёзма иш олиш учун саволлар билетларини тайёрлаш (вариациялаш) жараёни ҳам автоматлаштириш дастури яратилди. Амалий дастурлаш замонавий дастурлаш воситаларидан бири ҳисобланган Borland Delphi дастурлаш тилида яратилди.

Қуйида ушбу дастурларнинг имкониятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Компьютерда тест олиш дастури (“KomputerTest”).

Дастурда асосан қуйидаги имкониятлар мавжуд:

1) Саволларни фойдаланувчи (ўқитувчи) Microsoft Word матн муҳаррида ёзиб, осонлик билан яратиб олиши мумкин. Бунда расм ва формулалардан, шунингдек, Microsoft Wordнинг бошқа турли имкониятларидан ҳам фойдаланиш мумкин.

2) Баҳолаш ва вақт параметрларини созлаш имконияти мавжуд.
3) Тестни ҳимоялашнинг бир нечта усуллари мавжуд. Хусусан, тест файлини криптографик шифрлаш, Microsoft Word дастурини автоматик ёпиб кўйиш ва ҳ.к.

4) Тест жараёни (вақти) ҳамда талабанинг ишлаш тезлиги кўриниб туради. Шунингдек, дастурда автоматик вақт назорати мавжуд.

5) Баҳолар (натижалар) дискка сақланади ва ихтиёрий вақтда кўриш мумкин ва ҳ.к.
Таъкидлаш керакки, саволлар ва жавоблар дастур ишлаши жараёнида вариацияланади, яъни доимий алмашинади. Бу ҳам албатта тестлаш жараёнининг ҳолислигини янада оширади. Ўз навбатида, тестлаш жараёнининг ҳолислигини оширишнинг яна бир кўриниши бу – кўп миқдордаги саволлар банкидир. Яъни, ўқитувчи томонидан фан бўйича иложи борича кўпроқ ҳажмда (сонда)ги тестларни тайёрлаш тавсия этилади. Бинбарин, дастурда мавжуд тестлар банкидан фақат маълум бир *k* миқдордагисини талабага чиқариб бериш имконияти мавжуд.

2. Қоғозда тест олиш дастури (“PaperTest”). Бу дастурнинг вазифаси тестни қоғозга (Word файлга) тайёрлашдан иборат. Талабаларни билимини баҳолашда доим ҳам компьютерлардан фойдаланиш имконияти бўлмайди (масалан, барча аудиторияларда ҳам компьютер техникаларининг мавжуд эмаслиги, турли техник сабаблар ва ш.к.). Шундай ҳолларда ҳам талабаларни тестлаш жараёнини амалга ошириш мумкинки, бунда албатта қоғозларда чоп қилинган тестлар қўл келади.

Дастурни ишлатиш учун олдиндан тайёрланган файлни юклаш, керакли саволлар сони ҳамда керакли тестлар сонини кўрсатиб, “*Бошлаш*” тугмасини босиш керак.

Таъкидлаш керакки, тестлашнинг бу иккинчи варианты (“PaperTest”) ҳам ишлаш услуби жаҳатдан биринчиси (“ComputerTest”) дан деярли фарқ қилмайди. Яъни, ўқитувчи томонидан “ComputerTest” дастури учун тайёрланган саволлар банки (файли) “PaperTest” дастури учун ҳам мос тушаверади.

3. Савол билетларини автоматик вариациялаш дастури (“Variation”). Баъзан, талабалар билимини баҳолаш учун ёзма ишлар олинади. Яъни, *N* та саволдан иборат билет асосида талабалар ёзма имтиҳон топширишади.

Талабалардан ёзма имтиҳон олиш жараёнларида ҳар бир талаба учун алоҳида савол вариантлари (билетлари)ни шакллантириш зарур бўлади. Бунда ўқитувчи учун асосий муаммо – бу саволларни вариациялаш масаласидир. Қўл меҳнатида бу анчагина диққинафас ва вақт талаб қиладиган иш бўлиб, ўқитувчининг қимматли вақтини ўғирлайди. Биз яратган дастур ёрдамида бу масала осон ҳал этилади. Бу дастурда 1 тадан 5 тагача фан ёки фан блоки бўйича саволларни аралаштириб (вариациялаб) олиш имконияти мавжуд.

Шунингдек, дастурда савол билети сарлавҳаларини ҳам ўзгартириш имкониятлари мавжуд. Бу дастур учун ҳам саволлар банкини ўқитувчи Microsoft Word дастурида тайёлаб олиши керак бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқоридаги санаб ўтилган амалий компьютер дастурлари ёрдамида талабалар билимини баҳолашни сифатли амалга ошириш орқали ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш имкониятлари пайдо бўлади.

Айни кунларда яратилган амалий дастурлаш синовдан ўтмоқда ва яхши натижаларга эришилмоқда. Хусусан, бу дастурлар мамлакатимиз олий таълим муассасалари фаолиятида самарали фойдаланилмоқда ва бу ишланмалар мамлакатимиз олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан илиқ кутиб олинди ва талабалар билимини ҳолисона баҳолашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб - интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент, Ўзбекистон, 2017.-104 б
2. Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. - Т.: Фан, 2000.
3. Исмаилова З.К., Мусаев Р.С., Шаюсупова А.А. Ўқитишнинг замонавий технологиялари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТИМИ, 2008.
4. Исмаилова З.К., Мусаев Р.С. Таълимнинг техник воситалари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТИМИ, 2008.
5. Hakimova M.F., Xo'jaev N.X., Ahmedov D.Q. Pedagogik texnologiyalar. – Т.: ТДИУ, 2008.

ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ (ЭАТР)НИНГ ЎРНИ

Р.Н.Маматқулова

Жиззах вилояти Фаллаорол тумани 24-умумий ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси

XXI асрда жаҳон миқёсида таълим барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий омил сифатида эътироф этилиб, аксарият мамлакатлар томонидан 2030 йилгача белгиланган янги таълим концепциясида

“бугун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имконият яратиш” долзарб вазифа сифатида белгиланди. Бу таълим тизимида тарих фани ўқитувчиларини замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳорати ва ўқув-услубий фаолиятини сифатли ташкил этиш компетенцияларини мунтазам юксалтириш имконини берган.

Республикада ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, таълим соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “...халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш” халқ таълими тизимининг асосий мақсад ва ривожланиш йўналишларидан бири этиб белгиланди. (1, 2-б)

Айни пайтда жаҳонда таълим тизимидаги жадал ўзгаришлар натижасида тарих фани ўқитувчиларининг электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, маълумотларни намойиши таълим жараёнида табиий ва виртуал шаклда интеграциялашган ҳолда ташкил этиш ва ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш, тарих ўқитувчиларининг таълим –тарбия жараёнларини ташкил этиш мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш, тарих ўқитувчиларининг касбий фаолияти давомида даврий ва узлуксиз методик тайёргарлигини ошириш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон тарихси бўйича миллий ва умумжаҳон ютуқларини ўрганиш учун шароит яратиш долзарб ҳисобланади. Бу мактабда тарих ўқитишнинг давлат таълим стандартларида белгиланган А1, А1+, А2, А2+, В1, В1+ стандарт даражалари ҳамда тарих фанига оид умумий ва таянч компетенцияларни ўқувчиларда шакллантириб бориш вазифасининг сифатли бажарилишига эришишда долзарб аҳамият касб этади.

Компютерлар индустриясини ривожлантириши педагогик жараёнларда инқилобий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Унинг асосида эса ўқувчини индивидуал фаолиятини таъминлайдиган технологияларга ўтиш ётади. Бундай технологияларга ўтиш дастурий воситаларни яратиш билан боғлиқ яхлит компютерлаштирилган предметли курсларда одатий дастурий асосномаларнинг айрим қисмлари сақланиб қолинади, улар эса мактаб дарсликларини турли даражада қайтаришади. Шунинг учун мазкур курслар қуйидагича йўналтирилган бўлмоғи лозим;

1) ихчам қурилма (Компютер) мавжуд бўлиши, у ўқувчиларни мустақиллигини юқори даражада таъминлаши лозим;

2) турли соҳадаги билимларни юқори даражадаги интегралсияси мавжуд бўлган предметларни ўрганишда; мактабларда ўқувчиларни қисман ёки тўла компютерлар билан алмаштириш;

3) синф-дарс тизимига асосланмаган экспериментал таълимий технологияларни яратиш; г) ўқув жараёнида компютерлардан фойдаланишни янги ёндашувларини ишлаб чиқиш;

д) шахсга йўналтирилган дастурий асосларни ишлаб чиқиш.

Таълим муассасаларида компютерлардан самарали фойдаланиш қатор ташкилий-педагогик ишларни ечиш билан боғлиқ.

Таълим муассасаси ўқитувчисининг малакаси махсус ва педагогик фанлар билан ёритиладиган икки қиррага эга бўлиши лозим ва у доимо: “Нима учун ўқитиш керак?”, “Қандай ўқитиш керак?” деган саволларга жавоб топиши, шунингдек, таълим-тарбия хусусиятлари эътиборга олинган билимларга асосланган бўлиши лозим. (1, 5-б). Амалиёт шуни кўрсатдики, бугунги кунда республикада умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилаётган тарих дарсларида ЭАТРлардан фойдаланиш даражаси мақтанарли ҳолатда эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида фан ўқитувчиларининг техник саводхонлигининг, жумладан ЭАТР имкониятларидан фойдаланиш кўникмаларининг етишмаслигидадир. Шундай экан ҳар бир фан ўқитувчиси ўз устида кўпроқ ишлаган ҳолда, ЭАТРлардан самарали фойдаланиш йўлларида хабардор бўлиши, дарс жараёнларига татбиқ этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тарих дарсларида ЭАТР лардан самарали фойдаланиш натижасида ўқитувчи фаолиятида қуйидаги ижобий натижалар амалга ошади:

- мавзуларни тўлиқ ёритиб, тарихий ҳодиса ва жараёнлар, табиат қонуниятлари, инсон ва табиат ўртасидаги ижобий ва салбий муносабатлар, тарихга доир илмий-назарий маълумотлар беришга имкон яратилади;
- дарсда кўргазмалилик таъминланади;
- ўқувчилар мустақил фикрлашга, эгаллаган маълумотларини эркин баён эта олишларига ҳамда уларнинг “Тарих” ҳақидаги тасаввурларининг бойишига эришилади;
- дарсда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорликда ишлашига замин яратилади;
- ўқувчининг билим, кўникма ва малакалари тезкор назорат қилинади;
- ўқувчининг дарсда фаоллиги оширилади ва юқори самарадорликка эришиш учун имконият яратилади.

Таълим жараёнида ахборот технологиялардан фойдаланиш қуйидаги натижаларга олиб келади:

- берилаётган материални чуқур ва мукамал ўзлаштириш имконияти ва уни таълим олувчи хотирасида узоқ муддат сақланиши ва зарур бўлганда амалиётга қўллаш даражаси ортади;
- ахборотни турли шаклда (матн, видео, овоз, графика, анимация ,...) берилиши таълим олувчиларни диққатини тортади ва уларни фанга қизиқишини уйғотади;
- компьютер “назоратчи” функциясини бажариб таълим олувчининг дидактик топшириқлар, тест саволлари, муаммоли вазиятларга берган жавобларини, яъни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаб натижаларини мониторда кўрсатади;
- дарс жараёнида таълим олувчилар фаолиятини бошқарувчи восита бўлиб хизмат қилади ва бажарилиши лозим бўлган топшириқлар сони кескин ортади, бунинг натижасида эгалланиши лозим бўлган билимлар хажмининг ошишига олиб келади; (3. 24-б).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29-апрельдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. 2-б
2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар(таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).- Тошкент – 2008. 87 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Низомий номидаги ТДПУхузуридаги ХТХҚТМОХМ, “Таълимда замонавий ахборот коммуникацион технологиялар” Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент-2018. 24-б.

ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ КАК СРЕДСТВО САМОРАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ

*Машиарипова Шоира ,
старший преподаватель кафедры методики преподавания языков
Хорезмского областного ЦППКРНО*

Аннотация. В статье рассматривается роль инновационных технологий в учебном процессе, позволяющие активизировать мыслительную деятельность учащихся. Раскрыты основные цели инновационного обучения.

Ключевые слова: инновации, инновационное обучение, инновационные технологии

Annotation. The article discusses the role of innovative technologies in the educational process, allowing to activate students' mental activity. The main goals of innovative learning are revealed.

Keywords: innovation, innovative learning, innovative technologies

Реформы в области образования, происходящие в нашей стране, наряду с разработкой новых образовательных стандартов, введением новых учебных дисциплин, новых учебников и учебных пособий, вызвали потребность и в изменении методики преподавания школьных предметов.

Решению следующих задач направлены цели, намеченных в «Концепции развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года»:

- вхождение Республики Узбекистан в ряд первых 30 ведущих стран мира по рейтингу программы оценки учащихся Международного уровня PISA;
- совершенствование методики обучения, поэтапное внедрение принципов индивидуализации учебно-воспитательного процесса;
- внедрение современных информационно-коммуникационных технологий и инновационных проектов в сферу народного образования.

Из дидактики следует, что для непрерывного развития обучаемого и становления его как творческой личности все элементы содержания образования (знания, умения, навыки, опыт творческой и оценочной деятельности) должны быть им усвоены с установкой на перенос и активное использование. Поэтому цели и задачи, которые ставит перед собой образование, невозможно успешно решать только объяснительно-иллюстративными методами, ориентирующими учащихся на усвоение готовых знаний и применения их в жизни.

В настоящее время создаются инновационные технологии в образовании, построенные на исследовательском поиске ребенка, находящегося в процессе обучения.

Что же такое инновационное обучение и в чём его особенности?

«Инновация», т.е. «новшество», «новизна» как педагогический критерий в переводе с латинского означает «в новое». А это значит, что инновационный метод направлен на развитие способности ученика к самосовершенствованию, самопознанию, самостоятельному поиску решений, к совместной деятельности в новой ситуации.

Чтобы внедрить в практику технологию инноваций, необходимо владеть теоретическими основами данных методик или базовыми понятиями.

Современная наука об образовании приблизилась к тому моменту, когда возникла потребность в создании педагогических технологий, которые обеспечивают самое главное в образовательном процессе – развитие личности каждого учащегося, его активности. Необходимо создавать такие условия обучения,

чтобы учащийся стремился получить новые результаты своей работы и в дальнейшем успешно применить их в практической деятельности. В этом плане ориентация на инновационные формы обучения способствует овладению знаниями, формированию творческой личности специалиста, способного к саморазвитию, самообразованию, инновационной деятельности, переходу от формального выполнения определенных заданий при пассивной роли учащегося к познавательной активности с формированием собственного мнения при решении поставленных проблемных вопросов и задач.

Основными целями инновационного обучения являются:

- развитие интеллектуальных, коммуникативных, лингвистических и творческих способностей учащихся;
- формирование личностных качеств учащихся;
- выработка умений, влияющих на учебно-познавательную деятельность и переход на уровень продуктивного творчества;
- формирование качественных знаний, умений и навыков.

Эффективность инновационного обучения заключается в следующем:

- соответствие концепции гуманизации образования;
- преодоление формализма, авторитарного стиля в системе преподавания;
- использование личностно-ориентированного обучения;
- поиск условий для раскрытия творческого потенциала ученика;
- соответствие социокультурной потребности современного общества самостоятельной творческой деятельности.

Какие методы позволяют активизировать учебную деятельность учащегося?

В настоящее время методистами и учителями-практиками разработано немало инновационных методов и приёмов:

- неординарное начало урока литературы (эпиграф, загадка, музыкальная заставка, романс, видеофрагмент, слайд презентации с позитивным рисунком, создающим положительный настрой на работу и др.); Например, на практическом уроке, который построен на основе диалога с автором произведения, критиками, читателями, литературоведами по теме «И.С. Тургенев. Роман «Отцы и дети», решается проблемный вопрос о нигилизме. Рассуждение начинается с беседы об образе Базарова и как могут влиять убеждения на судьбы людей. Для самых активных участников беседы стремление решить проблему - стимул обращения к иным (книжным и электронным) источникам информации по проблеме, выходу в информационное пространство с целью поиска аргументов и доказательств, к расширению и углублению проблемы, к исследовательской деятельности;

- использование видеоматериалов и других компьютерных возможностей : создание презентации, составление видеороликов, иллюстрирование информационного и учебного материала), сообщения, рефераты, доклады;

- применение на занятиях схем, опорных конспектов, таблиц, которые являются хорошими помощниками при изучении нового материала;

- организация групповой деятельности (работа в парах, групповая работа постоянного и сменного состава). Так на уроках при изучении рассказов Василия Шукшина ставим цель: выявление идейно-тематического своеобразия произведения, использование художественных особенностей просторечия в языке.

- использование интерактивных форм обучения или их элементов: «Брейн-ринг», «Мозговой штурм», «Интервью с различными персонажами», метод проектов, который становится наиболее популярным в современном образовании. Например, для создания информационного проекта учащиеся собирают информацию о заданном объекте, явлении с целью анализа, обобщения и представления в классе для обсуждения. Например, «Русские имена», «SMS как современный речевой жанр», «Из истории русской письменности», «О происхождении слов» и др.

Исследовательский проект по русскому языку является научной работой, может включать социологический опрос, эксперимент, выдвижение гипотезы с последующей ее проверкой, обсуждение полученных результатов. Например, «Неологизмы в современном русском языке», «Языковые ошибки на телевидении», «Жаргонная речь на страницах газет», « Великий, могучий русский язык», «Происхождение фразеологизмов» и др.

Интерес у учащихся вызывает выполнение творческих заданий эссе, лингвистическая сказка, создание сюжета видеофильма, кроссворда, небольшой фотовыставки, урок-конкурс). Дидактические игры «Отвечай и проверяй», «Верю – не верю», «Цветик- семицветик», «Найди пару», «Кто быстрее», «Прочти предложение», «Замени словечко», «Составь рассказ» и другие ускоряют мыслительный процесс и дают наибольший эффект при усвоении материала, создают условия для развития творческих способностей учащихся, формируют такой стиль общения, когда преподаватель находится не над группой, а внутри неё

Проверка полученных знаний и умений учащихся в зачётной форме или урока с элементами соревнования, задания в виде тестирования, олимпиады, викторины, конкурсы также способствуют активизации мыслительной и творческой деятельности учащихся.

Следует отметить, что, делая выбор в пользу применения новых средств обучения, наилучших результатов можно достичь при системном подходе к выбору традиционных и инновационных

технологий, при их разумном сочетании, дополнении друг друга и при правильном и грамотном управлении учителем, который должен постоянно совершенствоваться.

Литература

1. Клименко Т. К. Инновационное образование как фактор становления будущего учителя. // Автореф. дис. – Хабаровск, 2002.
2. Тростенцова Л.А. Урок русского языка на современном этапе.- М., 2012
3. Юсуфбекова Н. Р. Общие основы педагогической инноватики. Опыт разработки теории инновационных процессов в образовании. – М., 2001.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*Намазова Манзура Ураковна
Низомий номидаги ТДПУ Шаҳрисабз филиали ўқитувчиси
Эсонова Ойбахор
Низомий номидаги ТДПУ Шаҳрисабз филиали мактабгача ва
бошланғич таълим йўналиши I-курс талабаси*

Аннотация: мазкур мақолада таълим сифатини оширишда инновацион таълим технологияларининг тутган ўрни, таълим технологияларидан унумли ва ўринли фойдаланиш, интерфаол методларнинг авзалликлари, дарс усулларида ўзлаштириш даражаси ҳақидаги фикрлар ўз аксини топган. Инновацион таълим технологияларининг мақбул ва синалган усуллари кўрсатилган.

Маълумки, узлуксиз ва узвийлик таълим тизимида ортиқча такрорийликка чек қўйиб, маънавий ва интеллектуал салоҳияти юқори бўлган, давлатни ижтимоий, илмий – техник тараққиётини таъминлай оладиган етук мутахассисларни тарбиялаб етиштиришда аҳамияти бекиёс.

Жаҳон педагогик тажрибаси замонавий педагогик технологияларининг талабаларни фанга кизиштиришга, уларни мустақил ишлашларида фаолликларини оширишга имконияти чексиз эканлигини тасдиқламоқда.

Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқлик тамойили дарсларда педагогнинг ўрганилган назарий билимларини амалиётда инновацион таълим технологияларидан ўринли ва унумли фойдаланиш асосида амалга оширилади. Ўз ўрнида илмийликни камраб олган назария амалиётда тадбиқ этилмаса у тажрибасиз билимга айланади. Ш.Пьерман айтганидек “Ҳаёт сўқмоқларида тажрибасиз билим- нотаниш йўлдан бораётган кўзи ожиз киши сингари; билимсиз тажриба эса сўқир кишининг таниш кўчадан боришига ўхшайди, бироқ ҳар қандай ўзгариш уни йўлдан адаштиради” Илғор технологиянинг талабага таъсир кўрсатувчи ижобий сифатлари талайгина. АҚШ даги Миллий тренинг марказининг маълумотларига кўра:

1. Интерфаол усул талаба онгига, туйғусига, иродасига таъсир кўрсатиб, тафаккурини оширади.
2. Дарс усулларида ўзлаштириш куйидагича:
 - а) маъруза усулида 5%
 - б) ўзича ўқиш 10%
 - в) аудио-видео орқали ўқиш 20%
 - г) кўргазма-намойишлар орқали ўқиш 30%
 - д) баҳс – мунозара орқали ўқиш 50%
 - е) кичик гуруҳларга бўлиб ўқиш 60%
 - ж) ўқув жараёнини амалиёт билан боғлаш 75%
- к) яқка тартибда ўқитишда 90%
натижаларга эришилади.

Интерфаол дарс тузилишини 100% деб олсак

1. Фокусировка (талабалар диққатини тўплаш) 5%
2. Мақсадни айтиш 5%
3. Талаба оладиган маълумот (ўқитувчининг қисқача тушунтириши) 10%
4. Интерфаол усул (ўзак) 60%
5. Дарсга яқун яшаш, тақдирлаш, уйга вазифа бериш 20% ташкил этади.

Интерфаол усулларда стратегиялар 4-қисмга бўлинади:

1. Даъват (ақлий хужум, яқка, жуфтлик, гуруҳли жамоа бўлиб ишлаш)
2. Англаш (янги ахборотни, фикр, билимни таҳлил (танқидий, қиёсий) синтез, мақсадни англаш).
3. Фикрлаш (нутқ, мотив, ўзаро мулоқот, тафаккур).
4. Инсерт (тайёрматн, онг назорати, муҳокама, тушуниш, таянч сигнал, тафаккур).

Интерфаол усулларда талаба қуйдагиларни ўрганади:

1. Билимларини тартибга солишни.
2. Билмаганини сўраб олишни

3. Хотирасини ишга туширишни
4. Фаоллигини оширишни
5. Қизиқишни кучайтиришни.
6. Ўз тушунчаларни назорат қилишни.
7. Мақсад қўя олишни
8. Мустақил ўрганишни, изланишни
9. Манбалар билан ишлашни
10. Ахборот алмашинишни

Шу ўринда ҳар бир ташкил этилган дарс ўзига хослиги, ўхшаши бўлмаслиги билан фарқланиб турмоғи лозим. Талаба ҳар бир дарсни интиқлик билан кутсинки, гуё у ҳозир янги бир асарни ўқишга чоғланыпти, уни қизиқиш билан ўқияпти.

Айтиш ўринлики, анъанавий усулда бошланган дарсинг бошланғич 10 дақиқасида тингловчи диққатини ушлаб туриш мумкин. Кейинги 15 дақиқасидан бошлаб у зерика бошлайди. Зерикарилиқдан қочишнинг мақбул ва синалган усули эса инноватцион таълимдир. Зеро Абу Ҳамид Муҳаммад ал-Ғаззолий айтганидек, “Кўрган нарсангнингина қабул эт, эшитганларингни унут: Кўёш бош кўтаргач, Зухайлни томоша қилишдан бизни маҳрум қилади”.

А.И.Герценнинг қуйидаги сўзлари эса айнан педагогларга қаратилган десак хато бўлмайди: “Янгиликни катта куч сарфлаб, терлаб - пишиб яратиш зарур, эскилик эса одатлар қўлтиқтаёғида ўзи яшайверади.

Дарс жараёнининг қизиқарли ва ҳар сафар янгича кўринишда бўлиши талабанинг қизиқишини оширади. Жумладан, Эдворд де Бононинг “олтита шляпа”, “қиёфалар”, “кубчалар”, “гамбургер”, “туғилган кун”, “қушчалар уйда”, “бурон”, “энержайзер машқлари”, “SWOT таҳлили”, “елпиғич”, “зигзак”, “ИМЕН”, “дебатлар”, “ФСМУ”, “ВЕНН диаграммаси”, “мулорқот технологияси”, “скарабей”, “блиц -сўров”, “лабиринт”, “резюме”, “БЛУМ рамашкаси” каби талай технология ва методлар таълим сифатини яхшилаб тақрорийлик ва зерикарилиқнинг олдини оладиган қизиқарли ноодатий дарсларнинг кенг ёйилишини таъминлайдиган асосий омилдир. Бу каби интерфаол таълим усуллари талабада

- мустақил фикр билдира олиш;
- ўз-ўзига, гуруҳдошларига холис баҳо бера олиш;
- ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш;
- муаммоли вазиятларда тезкор ечим топа олиш;
- муросали қарорларни топа олиш;
- ҳушмуомалаликни;
- ишга ижодий ёндошувни;
- фаолликни;
- диққатни жамлай олишни;
- ўз қобилияти ва имкониятларини текшириш;
- жамоа, гуруҳларда ишлаш маҳорати

ва шу каби сифатларнинг ривож топишини таъминлаб беради.

Илғор технологиялар ўз афзалликлари билан бирга камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Лекин шу камчиликларни таълим жараёнида ўз ўрнида мақсадли йўналтирилган ҳолда бартараф этиш педогогнинг унутилмас васифасидир.

Инноватцион технологияларни қўллашда қуйидагиларга амал қилиш талаб этилади:

- вақт, регламентга бўйсўниш;
- вақтдан унумли фойдаланиш;
- ўзгалар фикри билан ҳисоблашиш;
- бошқаларнинг тажрибаси ва мулоҳазаларига ҳурмат билдириш;
- ҳамкорлик ва ҳамжихатлик;
- кенгфёлилик ва танқид қилмаслик, танбех бермаслик;
- мулоҳазалилик;
- фикрни лўнда баён қилиш;
- ўзаро муносабатда самимийлик;

Машғулотлар турларининг ананавий кўринишлари билан бир қаторда ноананавий ташкилий тадбирларни кенг йўлга қўйиш таълим олувчиларнинг сезиларли даражадаги ривожланишига олиб боради.

Зеро, ҳозирги давр замонавий таълим технологияларининг педагог олдига қўйган мақсад ва вазифалари соғлом фикрли, ўткир салоҳиятли, исталган нутқ шароитига тайёр, тафаккури кенг мутахассисларни тарбиялашдан иборат. А.Дистервег айтганидек: “Ёмон ўқитувчи ҳақиқатни беради, яхшиси- уни топишни ўргатади”

Фойдаланилган адабиётлар

Таълимда инноватцион технологиялар.

1. Р. Ишмухаммедов, А. Абдикодиров.

2. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат . Ҳ.Т.Омонов, Н.Х.Хўжаев, С.А.Мадьярова, Э.У.Эшчонов.
3. Янги педагогик технология асослари: Б.Менглиев,С.Тошев,Ф.Бойназаров.
4. Педагогик психология Х.Ибрагимов, У.Йўлдошев, Х.Бобомирзаев
5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги “Мақтаб таълимини ривожлантириш 2-босқич” лойихаси
6. Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш. О.К. Ҳайдарова

ADABIYOT DARSLARIDA O'QUVCHILAR NUTQIY SAVODXONLIGINI OSHIRISHNING AHAMIYATI

*Surayyo Qodirova Surxondaryo
“Tillarni o'qitish metodikasi” kafedrasida katta o'qituvchisi*

Nutq madaniyati muammosi insoniyat sivilizatsiyasining barcha bosqichlarida o'rtaga qo'yib kelinganligi sir emas.

U ma'lumot sifatida qadimgi Rim va Afriqada shakllangan bo'lsa ham, shunga qadar Misr va Assuriyada, Hindiston va Xitoyda mavjud bo'lganligi notiqlik san'ati tajribasidan ma'lum. Gap shundaki, u paytlarda davlat arboblarning obro'-e'tibori va yuqori lavozimlarga ko'tarilishi ularning notiqlik mahoratiga ham bog'liq bo'lgan. Yunon notig'i Demofen va Rim notig'i Sitseronlarning hayoti bunga misol bo'la oladi.

O'rta Osiyo madaniyati tarixida nutq madaniyati bilan shug'ullanish o'ziga xos mavqega ega bo'lgan. Ulug' turkolog olimlar Mahmud Qoshg'ariyning “Devonu lug'otit turk”, Yusuf Xos Hojibning “Qutadg'u bilig” asarlari bu masalaning juda qadimdan o'rtaga qo'yib kelinganligidan dalolat beradi. U paytlar “nutq odobi” deb yuritilgan sodda va o'rinli gapirish, qisqa va mazmundor so'zlash, ezmalik va laqmalikni qoralash, keksalar va ustozlar oldida gapirganda odob saqlash, to'g'ri, rost va dadil gapirish, yolg'onchilik va tilyog'lamalikni qoralash singari bir qator qoida va ko'rsatmalar bugun biz “nutq madaniyati” deb atab kelayotgan tushunchaning aynan o'zidir.

Nutq so'zlovchi yoki yozuvchi tomonidan shakllantirilgan matnning tashqi ko'rinishi bo'lib, u faqatgina tilga bog'liq sanalmasdan, shu bilan birga, ham ruhiy, ham estetik hodisa hisoblanadi. Shuning uchun ham unga namunaviy nutq sifatida baho berilganda tinglovchi va kitobxoniga ko'zda tutilgan maqsadning, aytilmoqchi bo'lgan muddaoning to'liq borib yetishi, ularga ma'lum ta'sir o'tkazishi nazarda tutiladi hamda bu vazifalarning amalga oshirishda nutq oldiga ayrim talablar qo'yiladi. Bu o'quvchilar grammatik jihatdan nutqning to'g'ri bo'lishini, so'zlar ko'zlangan ma'noni aniq aks ettirishini, chiroyli, yorqin va ta'sirchan bo'lishini taqozo qiladiki, ular nutqning asosiy xususiyatlari sifatida qaraladi. Qadimgi davrlarda ham nutqning bu jihatlari alohida e'tibor berib kelishgan. Masalan, rimliklar namunaviy nutqning sifatlarini o'zida aks ettiruvchi qoidalar ishlab chiqishgan. Mashhur notiq Sitseron fikricha, aniqlik va tozalik nutq uchun shunchalik zarurki, ularni asoslab o'tirishning ham hojati yo'q. Ammo notiq tinglovchilarni o'ziga jalb qilishi uchun bu sifatlar hali yetarli emas. Buning uchun nutq jozibador bo'lishi ham kerak. Notiq Dionis Galikarnas esa nutqda maqsadga muvofiqlikni muhim deb hisoblagan. Agar nutq ma'lum vaziyat va shart-sharoitlarda amalga oshirilishi nazarga olinsa, bunda joy, vaqt, mavzu va muloqot jarayonining maqsadi kabi omillar katta ahamiyatga ega bo'ladi.

Namunaviy nutq hozirgi o'zbek adabiy tiliga, uning talablariga mos holda shakllangan bo'lishi, turli g'ayriadabiy va g'ayriaxloqiy til elementlaridan holi bo'lishi kerak. Chunki u boy ma'naviy-axloqiy qadriyatlarga ega bo'lgan va bugun mustaqillik davrida yashab, dunyo hamjamiyati bilan teng mavqeda muloqotda bo'layotgan o'zbek xalqining madaniy darajasiga mos bo'lishi lozim. Ijtimoiy muhitning tildan foydalanish jarayoniga ta'sir ko'rsatishi tabiiy bir holdir. Kishilar o'z nutqlarida bilib-bilmay yoki e'tiborsizlik oqibatida boshqa til elementlaridan ham foydalanadilar. Boshqa millat vakillari bilan yashash, mehnat qilish, ta'lim olish, xullas, muomala jarayonida shunday hollar yuz beradi.

Boshqa tillardan so'z o'zlashtirish nutqda zaruriyatga ko'ra ular-dan foydalanish salbiy hodisa emas. Ammo bunday so'zlar orasida varvarizm deb ataluvchi shunday bir qatlam mavjudki, ularni nutqda qo'llash-qo'llamaslik masalasiga adabiy til me'yorlari nuqtai nazaridan munosabat bildirish lozim. Gap shundaki, varvarizm sifatida qaraladigan nu, kak, vot, sovsem, voobshе, tolko, tolko tak, yestestvenno, ob'yazatelno, konech-no, uje, pochti, tak chto, znachit, kak raz, neujeli, tem bolee, dokument, oformit qilmoq, organizovat qilmoq, prinitat qilmoq, razreshene olmoq, podpis qo'yimoq, bo, akun, soni kabi so'z va birikmalarning o'zbek tilida aynan ekvivalentlari mavjud. Buning ustiga ular adabiy tilimizga kirgan emas. Demak, bu so'zlar o'zbek tili uchun me'yor emas. Imkoni boricha badiiy adabiyotda ham vulgar so'zlarni ishlatishdan qochish kerak. Chunki badiiy adabiyot kishilarga estetik ta'sir o'tkazish vositasi bo'lishi bilan birga, tarbiya manbai ekanligini ham unutmashimiz kerak. Adabiyot darslarida o'quvchilar nutqiy savodxonligi va madaniyatini oshirish uchun quyidagi ayrim usullarni tavsiya etaman.

Matn yaratish. O'quvchilar “Oilada, ishda, jamoat joylarida nutq odobini qanday saqlash kerak?” nomli mavzuga oid matn tuzadilar. Har bir o'quvchi belgilangan vaqtdan so'ng o'z matnlarini o'qib beradilar. Eng mazmunli va tez matn yaratgan o'quvchi rag'batlantiriladi.

Saylanma diktant. O'qituvchi matni o'qiydi, o'quvchilar esa nutq odobiga oid so'zlarni yozadilar.

– Aziz birodarlar, maslahatlaringiz uchun g'oyat minnatdormen. Yurtning obodonligi uchun zarur bo'lgan kori-xayrni albatta, amalga oshirishimiz kerak. Lekin hozircha andak orqaga surishga majbur bo'ldik, ne qilaylik, ba'zan yaxshi orzularimizning yo'lida to'g'anlar uchraydi.

– Janoblari, bizni qistagan edilar-ku ... – shoirga murojaat etdi soddadil bir mirob. (Oybek. “Navoiy”)

Xullas, nutqimizning tozaligi uchun kurash undan foydalanuvchi har bir kishining vazifasi bo'lishi kerak. Ana shundagina umummilliy til madaniyati haqida gapirishimiz mumkin bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ziyotova T. Ona tili-ijodiy tafakkurni oshirishning asosiy omili.- Toshkent, 2001-yil
2. “Til va adabiyot ta'limi” jurnali.-2010-2012-yil sonlari
3. “Uzluksiz ta'lim” jurnali.-2010-2012-yil sonlari.

ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ КАК СРЕДСТВО ПОВЫШЕНИЯ МОБИЛЬНОСТИ ЛИЧНОСТИ

И.В.Синкевич

учитель государственной специализированной

школы № 51 города Ташкента

e-mail: irsi51@mail.ru

Развивающемуся обществу нужны современно образованные, нравственные, предприимчивые люди, которые могут самостоятельно принимать ответственные решения в ситуации выбора, прогнозируя их возможные последствия, способные к сотрудничеству, отличающиеся мобильностью, динамизмом, конструктивностью, обладающие развитым чувством ответственности за судьбу страны.

В начале XX века была проведена реформа образования, а вместе с ней появились новые вызовы для учителей, связанные с указаниями цели обучения, наличия доминирующих знаний, а также формирования умений и навыков [1].

Инновационные технологии в образовании позволяют регулировать обучение, направлять его в нужное русло. Цель их состоит в том, чтобы организовать учебный процесс в форме диалога, что поможет учащимся научиться выражать свои мысли, анализировать проблемные ситуации и находить эффективные пути их решения. Такие методы позволяют повысить уровень образования, развивают детей, формируют навыки и умения, которые будут использоваться ими в дальнейшей профессиональной деятельности.

Увеличение умственной нагрузки на уроках математики заставляет задуматься над тем, как поддержать у учащихся интерес к изучаемому материалу, их активность на протяжении всего урока. В связи с этим ведутся поиски новых эффективных технологий и методов обучения, которые активизировали бы мысль школьников, стимулировали бы их к самостоятельному приобретению знаний.

Целью образовательной области «Математика» является формирование предметных математических и ключевых компетентностей.

Подбирая методы обучения учащихся начальных классов, педагогу следует учитывать возрастные особенности детей. У них еще не развиты внимание, мышление, им недоступны сложные наблюдения.

Основными методами обучения математике в начальных классах являются: метод устного изложения, метод упражнений, метод лабораторных и практических работ, самостоятельная работа учеников, работа с учебником, метод программированного обучения, метод проблемного обучения [2].

Рационально подобранные современные методы помогут научить школьников стремиться без помощи других получать знания, формируют заинтересованность в предмете.

Многими научными исследованиями доказано, что одними из наиболее эффективных методов являются интерактивные методы. Интерактивное обучение — это особая форма организации познавательной деятельности, которая имеет конкретные цели. Одна из таких целей состоит в создании оптимальных условий обучения, таких, при которых обучающийся чувствует свою интеллектуальную состоятельность, что делает эффективным сам процесс обучения [3]. Исходя из практики, успешно проведенной в начальных классах образовательных школ Узбекистана можно применять следующие интерактивные методы: – работа в малых группах (аквариум, большой круг, зигзаг, бумеранг); – обучающие игры (ролевые, деловые, образовательные); – графические организаторы (ЗХУ, диаграмма Венна, рыбий скелет, двухчастный дневник, кластер, Т-схема, цветок лотоса, карта разума, дерево решений, схема “Как?”, схема “Почему?”); – изучение нового информационного материала (инсерт, синквейн, кубик, мозаика); – интерактивная лекция (Ученик в роли учителя, бинарная лекция, каждый учит каждого); – проектный метод (Шкала мнений, дискуссия, дебаты, симпозиум); – мозговой штурм (мозговой штурм, обратная мозговая атака, “Зри в корень”, дерево решений) и др. Одним из условий эффективности педагогической технологии является создание оптимальных условий для возможности реализовать себя через создания обучающей среды, как культуры «школьной» организации, благоприятного психологического климата и др. [4]. При создании обучающей среды учитель должен учитывать фокусирование на ученике, ориентирование на

разные способы восприятия, направленность на взаимодействие, обращение к опыту, уже имеющемуся у ученика, содержание в себе загадок и потенциальных открытий, привлечение, побуждение учеников к поиску, исследованию, самоориентации, к обнаружению проблем и поиску их решений [5].

Таким образом, современные методы обучения математике способствуют развитию не только математических способностей, формированию интереса к предмету, но и развивают навыки творческого самовыражения. С помощью современных методов, арифметика пробуждает творческие потенции. А в данном и заключается современное предназначение математики.

Литература:

1. Доклад Президента Узбекистана на совещании по вопросам реформ в системе народного образования от 2 ноября 2018 года [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [https://upl.uzupl.uz/president/8898-news.html/\(03/11/2018\)](https://upl.uzupl.uz/president/8898-news.html/(03/11/2018))

2. Ушакова М.А., Неустроева А.В. Реализация метода проектов на уроках математики // Наука и перспективы. – 2016. – №2. – С. 37-40.

3. Андреев В.И. Педагогика. Учебный курс для творческого саморазвития. Изд. Центр инновационных технологий.- Казань, 2006. -608 с.

4. Шмелёва Н.Г. Информационная культура на современных инновационных процессах. // ООО «Ар-Консалт». 2014. – С. 131-132.

5. Маматкулова Н. Ш. Инновационные подходы при обучении в начальных классах на примере изучения величин на уроках математики // Молодой ученый. — 2016. — №25. — С. 566-569. — URL <https://moluch.ru/archive/129/35831/>

XALQARO BAHOLASH DASTURIGA TAYYORLASH BUGUNGI DAVR TALABI

FAYZIQULOVA DIYORA

*Sirdaryo viloyati Xovos tumani 19-umumiy o`rta ta'lim maktabining
boshlang'ich ta'lim o`qituvchisi*

*Ilmdan yaxshiroq xazina bo`lmas,
Qo`lingdan kelgancha tera olsang, bas.*
Abu Abdullo Rudakiy

So`nggi yillarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida ulkan iqtisodiy o`shish ko`rsatkichlariga erishilayotganligi barcha sohalarida malakali kadrlar va yetuk mutaxassilarga bo`lgan talabni yanada oshirmoqda.

Bu o`z-o`zidan o`quvchilarimizning darslarga qiziqish xususiyatini oshirish va o`qituvchilarning har tomonlama ta'lim tarbiyaga e`tiborini kuchaytirishni talab etadi.

Talablarning ta'lim tizimi uchun juda muhim ekanligi, aksariyat xorijiy davlatlardagi kabi ta'lim va fan sohaları rivojlanishini baholash va monitoring qilish orqali ta'lim sifatini oshirishga qaratilgan ilg'or tajribalarni sohaga jalb qilish kerakligini anglatadi.


Zamonaviy ta'lim nazariyasi o`qituvchini o`quv-biluv jarayonining rahbari sifatida baholaydi. Boshlang'ich sinf o`qituvchisi o`quv jarayoniga to`g`ri rahbarlik qilishi uchun birinchi navbatda chuqur bilim va yuksak kasbiy mahoratga ega bo`lishi kerak. Shu jihatdan ham o`qituchi o`quvchi uchun o`rnakdir. Uning muhim vazifalaridan biri-bolani o`ziga jalb eta olishdir. Buni men o`z darslarim ish faoliyatim jarayonida amalga oshirib borayapman desam mubolag`a bo`lmaydi.

Bugungi kunda biz xalqaro baholash dasturiga tayyorgalik ko`rish ishlarini ish jarayonimizda boshlab yubordik. Qisqach shu haqida to`xtalib o`tsak. Men ko`p ishlarimni o`quvchilarning matematik qobiliyatlarini ochishga harakat qilaman. Bu haqida matematik to`garaklar ham tashkil etganman, sabab ularni TIMSS xalqaro baholash dasturiga tayyorlash. Xo`sh u o`zi nima? TIMSS xalqaro tadqiqotining asosiy vazifasi maktabning matematika va tabiiy fanlar ta'limi sifatiga solishtirma baho berish. Har 4 yil davomida 4- va 8-sinf o`quvchilarining ta'lim yutuqlariga baho berib boriladi va shu bilan birga, nafaqat ularining bilim va ko`nikmasi, balki ularning ushbu fanlarga bo`lgan munosabati, qiziqishi, xamda ta'limga bo`lgan motivatsiyasini solishirishga imkon beradi. Tadqiqotning asosiy rejasi: 4 yil davomida 4-sinf o`quvchisi 8-sinfga etgunga qadar uning matematika va tabiiy fanlar bilimining natijalari kuzatib boriladi. Shu yo`sinda maktabning boshlang'ich va yuqori sinf o`quvchilarining bilim yutuqlarining monitoringi amalga oshiriladi.

Tadqiqot o'tkazuvchi davlatlarda maktabda matematika va tabiiy fanlar ta'limning mazmun mohiyati va o'quv jarayoni, ta'lim muassasasi, o'qituvchilar, o'quvchilar, ularning oilalari bilan bog'liq omillar qo'shimcha o'rganiladi. Xalqaro testga qo'shimcha bo'lib tadqiqotda ishtirok etuvchi maktab ma'muriyati, o'quvchilar va o'qituvchilar so'rovnomadan o'tkaziladi. Olingan ma'lumotlar test natijalariga ya'ni o'quvchilarning bilimiga ta'sir etuvchi omillarni aniqlashga, tadqiqotda ishtirok etuvchi davlatlarning matematika va tabiiy fanlarning holatini ko'rsatib berishga yordam beradi.

Misol uchun :


1. Do`konda tushgacha diagrammada ko`rsatilgan miqdordagi mahsulotlar sotildi. Tushdan keyin ham shunchadan sotilgan bo`lsa, bir kunda qaysi mahsulot ko`p va qancha sotilgan?




- A) Un 500 kg B) Un 1000 kg D) Guruch 800 kg E) Shakar 300 kg

2. Voleybol maydonining eni 18 m, bo`yi enining qismiga teng. Maydonning yuzini toping.

- A) 79cm² B) 160 cm² D) 162 cm² E) 102 cm²



3. Qaysi avtomobil 100 kmga ko`proq yoqilg'i sarflaydi?




- A) Spark B) Cobalt D) Malibu E) Tracker

4. 6 dan 2 qismi bo`yalgan shaklni toping.

A)
B)
D)

E)

5. Yashil rangda sabzi, qizil rangda pomidor ekilgan maydon tasvirlangan. Sabzi ekilgan maydonning yuzini toping.



- A) 24 m² B) 48 m² D) 96 m² E) 52 m²

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki hozirgi zamon mutaxassisida bu bilimlarni tahlil qilish, ulardan yangi ma'lumotlarni hosil qila olish, xalq tili bilan aytganda "kosa tagidagi nimkosa"ni ko'ra olish kompetensiyasi birinchi o'ringa ko'tarilayapti.

TIMSS topshiriqlarni berish jarayonida o'zgarishlarni ta'lim tizimida aks ettirish, maktab o'quvchilarining haqiqiy hayotda kerak bo'ladigan hodisalarni tahlil qilish, ulardan xulosa chiqarish va muloqotga kirishish ko'nikmalarini qay darajada egallayotganini, ta'lim tizimining bu o'zgarishlarga qanchalik moslashayotganini aniqlab olamiz.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA MUAMMOLI TA'LIM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH YO'LLARI.

*Qaraqulova Mamlakat Xudoyqulovna Mirzaobod tumani
5-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Muammoli o'qitish amerikalik faylasuf, psixolog va pedagog J.Dyuining nazariy qoidalariga asoslanadi va XX asrning 20-30-yillarida tarqala boshladi. J.Dyui o'qitish uchun quyidagilarni asos qilib belgiladi: ijtimoiy, konstruksiyalash, badiiy ifodalash, ilmiy-tadqiqiy. Bu asoslarni amalga oshirish uchun quyidagilar tavsiya etiladi: so'z, san'at asarlari, texnik qurilmalar, o'yinlar va mehnat. Bugungi kunda, muammoli o'qitish deganda mashg'ulotlarda pedagog tomonidan yaratiladigan muammoli vaziyatlar va ularni yechishga qaratilgan o'quvchilarning faol mustaqil faoliyati tushuniladi. Buning natijasida o'quvchilar kasbiy bilimlarga, ko'nikmalarga, malakalarga ega bo'ladilar va fikrlash qobiliyatlari rivojlanadi. Muammoli o'qitish, o'qitishning shaxsga yo'naltirilgan texnologiyalarga taalluqli, chunki bu yerda shaxs sub'ekt sifatida qaraladi, muammoli vaziyatlarning maqsadi - pedagogik jarayonda o'ziga xos qiziqish uyg'otishdir.

Muammoli o'qitish, o'qitishning eng tabiiy samarali usulidir, chunki ilmiy bilimlar mantiqni o'zida muammoli vaziyatlar mantiqini namoyish etadi. Muammoli vaziyatlar kiritilib, an'anaviy, bayon etish o'quv materialining eng optimal tarkibi hisoblanadi. Pedagog muammoli vaziyat yaratadi, o'quvchi uni yechishga yo'naltiradi, yechimni izlashni tashkil etadi. Muammoli o'qitishni boshqarish, pedagogik mahoratni talab etadi, chunki muammoli vaziyatning paydo bo'lishi individual holat bo'lib, tabaqalashtirilgan va individuallashtirilgan yondashuvni talab etadi.

Muammoli ta'lim mashg'ulotlarini tashkil etish va boshqarish

Muammoli ta'lim mashg'ulotlarini tashkil etish va boshqarish quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi:

- o'quv fani va darslar mavzusini o'rgatishda ular bilan bog'liq muammoli masalalarni belgilash;
- ulardan muammoli vaziyatlar hosil qilish va amalda foydalanishni oldindan rejalashtirib borish;
- o'quvchilarning tayyorgarlik darajasini hisobga olish;
- zarur o'quv vositalarini tayyorlash;
- muammoli vaziyatdagi mavjud ziddiyatni ko'rsatish;
- topshiriqni va uni yechish uchun yetarli shartlarni aniq bayon qilish;
- o'quvchilarning muammoni hal etishda yo'l qo'yayotgan xatolarini, ularning sababini va xususiyatini ko'rsatish;
- o'quvchilarning noto'g'ri taxminlari asosida chiqargan xulosalari oqibatini muhokama etib, to'g'ri yo'lni topishlariga ko'maklashish va boshqalar.

«Kim tez topadi?» o'yini

<u>Tushuncha</u>	<u>Mazmuni</u>
<u>ketmon</u>	<u>devorni suvaydilar</u>
<u>randa</u>	<u>yerni chopadilar</u>
<u>belkurak</u>	<u>daraxtlarning shoxlari kallaklanadi</u>
<u>andava</u>	<u>daraxtlarning tagi yumshatiladi</u>
<u>qo'larra</u>	<u>taxta randalanadi</u>

O'quvchilarda ijodiy izlanish, kichik tadqiqotlarni amalga oshirish, muayyan farazlarni ilgari surish, natijalarni asoslash, ma'lum xulosalarga kelish kabi ko'nikma va malakalarni shakllantirishga xizmat qiladigan ta'lim muammoli ta'lim deb ataladi.

Muammoli ta'lim texnologiyasi juda qadim zamonlardan shakllanib kelmoqda. Jumladan, qadimgi Grestiyada muammoli savol-javoblar, qadimgi Hindiston va Xitoyda muammoli bahs-munozaralardan keng foydalanilgan. Muammoli ta'limni amerikalik psixolog, faylasuf va pedagog Dj. Dyui 1894 yilda Chikagoda tashkil etgan tajriba maktabida qo'llagan. XX asrning 60-yillarida bu yo'nalishda tadqiqotlar olib borildi. 70-80-yillarga kelib, amaliyotga keng joriy etildi.

Muammoli ta'limning asosiy g'oyasi bilimlarni o'quvchilarga tayyor holda berish emas, ular tomonidan dars mavzusiga tegishli muammolar bo'yicha o'quv-tadqiqotlarini bajarish asosida o'zlashtirilishini ta'minlashdan iborat. O'zbekistonda muammoli ta'limni qo'llash bo'yicha bir necha asrlar davomida maktab va madrasalarda suqrotona savol-javob usulidan keng foydalanish asosida o'quvchilarda ziyraklik, hozirjavoblik sifatleri hamda go'zal nutq tarkib toptirilgan.

Suqrotona savol-javob usuli hozirgacha eng samarali ta'lim usullaridan biri sifatida qo'llaniladi. Bunda o'quvchi chuqur mantiqiy fikrlashga, ziyraklikka, aniq va to'g'ri so'zlashga, nutqning mantiqiyligi va ravonligiga hamda tanqidiy, ijodiy fikrlashga o'rgatilgan. Masalan, suqrotona suhbatlar deganda o'qituvchining o'quvchini mustaqil va faol fikrlash jarayoniga olib kirishi hamda uning fikrlashidagi noto'g'ri jihatlarni ziyraklik bilan aniqlagan holda ularni tuzatish yo'liga olib chiqishdan iborat usullar nazarda tutiladi. Bunday suhbat bosqichlarini quyidagicha soddalashtirib ifodalash mumkin;

1. Savol-javoblar orqali o'quvchining bilim darajasi va fikrlash qobiliyatini umumiy tarzda aniqlash.
 2. O'rganilayotgan mavzuning mazmunini o'quvchi motivlariga muvofiqlashtirish. Bu, asosan, o'quvchining qiziqish va qobiliyatlariga mos bo'lgan misollar tanlash orqali amalga oshiriladi.
 3. O'quvchini faol muloqotga olib kirish. Bunda asosan rag'batlantirish usullaridan foydalaniladi.
 4. O'qituvchi o'zini bilmaydigan odamdek, o'quvchidek tutib, savollar berib boradi.
 5. O'quvchining to'g'ri fikrlarini maqtash orqali uni yanada erkin va chuqurroq fikrlashga, so'zlashga jalb qilish.
- O'quvchining xato fikrlarini aniqlab borish.
7. O'quvchining xato fikrlariga nisbatan to'g'ri fikrni o'qituvchi tomonidan yaqqol mantiqiy asoslangan shaklda bayon qilish yoki tushuntirish orqali o'quvchi uchun muammoli vaziyat yaratiladi va o'quvchini o'z xatolarini o'zi tuzatishiga yo'naltiriladi.

Bundan ko'rinib turibdiki, ushbu usul yuqori natija berishi shubhasiz bo'lib, ammo buning jiddiy shartlari ham mavjud. Bular o'qituvchining keng bilimiga va ijodiy fikrlash qobiliyatiga, yuqori muloqot madaniyatiga, pedagogik mahoratga ega bo'lishi kabilardan iborat.

MULTIMEDIYA VOSITALARIDAN JISMONIY MADANIYAT DARSLARIDA FOYDALANISHNING AXAMIYATI

N.X.G'aniyeva, O'zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport vazirligi huzuridagi jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarni ilmiy metodik ta'minlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish markazi Samarqand filiali o'qituvchisi

J.Yaxyoyev, Navoiy viloyati Qiziltepa tumani 4-umumta'lim maktabning jismoniy tarbiya fani o'qituvchisi

Ta'lim – tarbiya jarayonining jamiyat taraqqiyotidagi roli nihoyatda beqiyosdir. O'quvchini tarbiyalash, uni bilim olishga jismoniy madaniyat bilan shug'ullanishga undash va bu hatti-harakatini sekin-asta ko'nikmaga aylantirib borish lozim. Jismoniy madaniyat o'quvchining mushohada qilish qobiliyatini tarbiyalaydi, shu tarzda o'quvchi asta-sekin takomillashib, komillikka erisha boradi. Ammo bu jarayon o'quvchi va o'qituvchidan uzoq davom etadigan ma'suliyat, sharafli mehnat, qunt va irodani talab etadi.

O'quvchilarni jismoniy –madaniy to'g'ri tarbiyalashda multimediyaviy vositalarning o'rni muhim ahamiyatga ega. O'quvchilarda jismoniy-ma'naviy, sog'lom sifatlarining shakllanishida multimediyaviy vositalari, atrofdagi jamiyatdagi jismoniy-ma'naviy mihit va ularga bo'lgan munosabat muhim rol o'ynaydi. Multimediyaviy vositalari asosida sportchilarning bir-birlariga bo'lgan munosabatlarini ko'rgan o'quvchi shunga qarab shakllana boradi. Ular avval kuchli sportchilarga taqlid qiladilar. So'ng sekin-asta shug'ullanayotgan sport turlarining mohiyatini anglaydilar.

Biz agar boy ma'naviy merosimizga nazar tashlaydigan bo'lsak, unda allomalarimiz tomonidan yaratilgan jismoniy-ma'naviy ta'limotning nihoyatda sermazmun ekanligiga amin bo'lamiz. Masalan, buyuk alloma Abu Ali Ibn Si'no o'zining (Donishnoma) asarida bola tarbiyasi xususida quyidagi fikrni bildiradi: "Bola hulqini mo'tadillikda saqlashga alohida e'tibor berish kerak". Bundan ikki manfaat bor:

Birinchisi –bolaning ruxi uchun bo'lib, u yoshligidan boshlab yaxshi xulqli bo'lib o'sadi va keyinchalik bu unga ajralmas malaka bo'lib qoladi.

Ikkinchisi-uning badani uchundir, chunki yomon xulq turli mijoz buzilishlaridan bo'ladi. Shuningdek, agar yomon xulq odatga kirib qolsa u mijoz buzilishini keltirib chiqaradi. Masalan, g'azab kuchli qizdiradi, qayg'u kuchli quritadi.

Jismoniy- madaniyat tarbiyada multimediya vositalaridan fodalanish ham o'quvchi ma'naviyatida muhim ahamiyat kasb etadi. O'quvchi ulg'aygan sari, uning ma'naviy dunyosini rivojlantirib borish zarur. Bu rivojlantirish maktabdagi muhit, tartib intizom, ahloq, sinf o'quvchilarining bir-biriga, yon atrofdagilarga, o'zi yashayotgan makonga –Vatan'ga, borliqqa bo'lgan munosabati orqali amalga oshiriladi. Bunday jismoniy-madaniy muhitning maktabda mavjudligi, kelajak hayotda o'quvchining ilm-ma'rifat olishga, o'qishga bo'lgan qiziqishini oshiradi va o'quvchining teran fikrli, ma'naviy yetuk, sog'lom shaxs bo'lib yetishishiga xizmat qiladi.

Hozirgi kunda o'sib kelayotgan yoshlarimiz orasida sportga bo'lgan munosabat ijobiy, bunga sabab bitta! Bu ham bo'lsa, maktabdagi jismoniy madaniy muhitning yaxshiligi, yoshlikda jismoniy-ma'naviyatning qondirilganligidadir. Yoshligidan jismoniy-ma'naviy ehtiyoji qondirilgan o'quvchi, keyingi davrda ilm dargohiga borganda ham sport bilan shug'ullanishga qiynalmaydi, mashqlarni o'zlashtira oladi.

Jismoniy-madaniy tarbiya milliy ta'lim-tarbiyaning asosidir. Aynan shu omil orqali o'quvchilarning ongiga, hulq-atvoriga ma'naviy ta'sir qilinadi. Ustoz murabbiylar o'quvchilar jismoniy-tarbiyasi bilan shug'ullanishar ekan, multimediya vositalari asosida milliy urf-odatlarimiz, qadimiy an'analarimiz va qadriyatlarimizga katta e'tibor berish kerak.

Sport sog'lik garovi. Sport bilan shug'ullanayotgan har bir o'g'il-qiz mukammal, yetuk, sog'lom inson sifatida tarbiya oladi. Maktabdagi jismoniy-madaniy muhit o'quvchi tarbiyasiga ham salbiy, ham ijobiy ta'sir ko'rsatishi mumkin. Ustoz – murrabiy o'quvchi jismoniy-madaniy tarbiyasi uchun ma'sul. Ular o'quvchilarning sport bilan shug'ullanishlari, ilm olishi, o'qimishli bo'lishi uchun shart-sharoit yaratib berishi lozim.

Shu nuqtai nazardan "murabbiy – o'quvchi – oila" ijodiy hamkorligini multimediya vositalari asosida jismoniy – madaniy tarbiya tizimiga yo'naltirishda murabbiylar oldiga turgan quyidagi vazifalarni keltiramiz:

- O'quvchi va murabbiy faoliyatini multimedia vositalari asosida jismoniy – madaniy tarbiya tizimi qonuniyatlariga moslashtirish;

- Jismoniy – madaniy tarbiya jarayonini amalga oshirishda har bir o'quvchini o'quv tarbiya jarayoniga jalb qiladigan va sog'lom fikrlashga o'rgatadigan interfaol usul va uslublardan foydalanish;

- Jismoniy – madaniy tarbiya jarayonida turli xil interaktiv usullarni qo'llash va sog'lom muhitga erishish uchun multimedia vositalaridan foydalanish;

- O'zbekistonda yagona jismoniy – madaniy tarbiya tizimi asosida faoliyat olib borish va hozirgi kunda bir-biri bilan uzviy bog'liq ta'lim muassasalari (boshlang'inch ta'lim, maktab, kasb hunar kolleji, oily o'quv yurtlari) uchun yaxlit jismoniy – madaniy tarbiya tizimini yo'lga qo'yish va boshqalardan iborat.

Xulosa qilib aytganda, yuqorida ta'kidlangan jismoniy – madaniy tarbiya vazifalarini "murabbiy – o'quvchi – oila" ijodiy hamkorligini multimedia vositalari asosida hal etishi o'quvchi shaxsining kelajakda sog'lom inson bo'lib yetishishida muhim ahamiyat kasb etadi deb hisoblaymiz.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАБИЙ-ИЛМИЙ САВОДҲОНЛИГИНИ ОШИРИШДА КИМЁ ЎҚУВ ФАНИДАН АМАЛИЙ МАЗМУНДАГИ, ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИНГ РОЛИ

*Ў.И.Холмирзаев Андижон давлат
университети кимё кафедраси ўқитувчиси*

Бугунги кунда Республикамиз Президенти, Хукуматимиз томонидан таълим соҳасини жаҳон талаблари асосида ислоҳ қилиш, ДТС, ўқув дастурлари, дарсликлар мазмунини такомиллаштиришга қаратилган қатор Фармон, қарорлар қабул қилиниб, амалиётга жорий этилмоқда [1, 2].

Кимё фани ва саноати ютуқлари инсонларнинг яхши яшашига имкониятлар яратиб берди. Синтетик ва сунъий материалларни, маиший кимё воситалари, янги дори препаратлари, бўёқлар ва бошқа кўплаб нарсаларнинг пайдо бўлиши нафақат сифат жиҳатдан кишилар ҳаётини ўзгартириб юборди, балки уларнинг ижтимоий онгини ҳам ўзгартирди. XX аср охирида замон талаблари асосида кимё курсида хомашёдан комплекс фойдаланиш, илғор ва чиқиндисиз технологияларни жорий этиш, атроф-муҳитни кимёвий ифлосланишдан сақлаш каби масалалар юзага келди. Кимё саноати ўсишига қарамадан, кимёга бўлган муносабат ўзгарди. Кимё фойдалими? деган саволган кўп ҳолларда қуйидаги жавоблар олинмоқда:

1) «Ўқ, чунки кимёвий моддалар захарли».

2) «Ўқ, чунки кимё табиатни ифлослантиради» ва х.к.

Лекин "кимёвий бирикмаларга" қарши оғохлантиришлар улар томонидан бўлган хавфдан кўпроқ зарар келтирмоқда. Биз кимёвий дунёда яшамокдамиз ва ҳаётни кимёсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўқувчиларга бизнинг ўзимиз ҳам кимёвий элементлардан тузилган эканлигимизни, бизда содир бўлаётган

барча жараёнлар негизда кимёвий ўзгаришлар бўлишини тушунтириш бугунги кунда кимё ўқитувчисининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Кимё ўқитишни ҳаёт билан боғлиқлиги масаласини кўриб чиқаётганда кимё фанининг ҳаёт билан боғлиқлигига катта эътибор берилган чет эл ўқув қўлланмаларини ҳам эслаш зарур.

Бу соҳада 1995 йили рус тилига таржима қилинган Америка кимё жамияти олим ва педагоглари томонидан ёзилган “Кимё ва жамият” келтириш мумкин. АҚШ да 60% дан ортиқ кимё ўқитиладиган умумтаълим мактабларида бу китобдан асосий ўқув қўлланма сифатида фойдаланилади [3].

Бу дарслиқда материал фақат амалий аспектда баён этилади.

“Кимё амалда” номли М.Фримантл дарслиги Англия коллежлари талабалари учун ёзилган бўлиб, замонавий мактаб курси учун бироз мураккаб материал сақлаб, кимёни изчил ўрганишга мўлжалланган. Шуниси диққатга сазоворки, китобга қизиқишни ошириш учун муаллиф уни Ер юзининг турли бурчакларида кимёнинг турли-туман инсон фаолияти билан боғлиқ соҳалардаги аҳамиятига доир мисоллар, расмлар билан бойитган. Бундан ташқари, китобга буюк кимёгар олимлар хақида қисқача биографик маълумотлар, кимё бўйича нобел мукофоти лауреатларининг ишларини акс эттирувчи илмий оммабоп мақолалардан лавҳалар келтирилган [4].

Республикамиз умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларнинг табиий фанлар, жумладан кимё ўқув фани мазмунини самарали ўзлаштиришларида билим ва кўникмаларни такрорлаш, мустаҳкамлашга хизмат қилувчи мустақил ишлар, турли топшириқлар муҳим таълимий вазифани бажаради. Хозирда ўқувчилар учун мўлжалланган тест топшириқлари, масала ва машқлар мазмунининг тахлили натижасида уларда берилган маълум бир тушунча фундаментал тилда, мураккаб изоҳланганлиги аниқланди. Шу билан бирга, уларнинг мазмунида турдош табиий фанлар (физика, биология, география ва бошқ.) га доир тушунчалардан жуда ҳам оз фойдаланилаётганлиги аниқланди. 2021 йилда 15 ёшли ўқувчиларнинг ўқиш, математик ва табиий-илмий саводхонлигини баҳолаш халқаро дастури (PISA) асосида синовлар ўтказилишини эътиборга олсак, бугунги кунда ўқувчилар фойдаланишлари учун ишлаб чиқиладиган мустақил ишлар мазмунини такомиллаштириш нечоғлиқ долзарб эканлигини кўрсатади.

Биз бир неча йиллар мобайнида кимё фани ўқитувчиларининг тест банклари, улар тузиб фойдаланаётган мустақил ишларини тахлил этиш натижасида масала ва машқлар мазмунига кимёнинг амалий аҳамиятини англашга ёрдам берувчи, турдош табиий фанлар тушунчаларидан унумли фойдаланиш орқали уларнинг ўзлаштираётган билим ва кўникмаларини аҳамиятини англашлари эришиш мумкин [5]. Қуйида шундай мазмунга эга топшириқлардан намуналар келтирилган:

1. Гипснинг асосий таркибий қисми бўлган кальций сульфатдан 2,5 кг олиш учун зарур бўлган сўндирилмаган оҳак ва концентранланган сульфат кислота зарур бўлишини ҳисобланг. Бу реакция қандай реакция турига мансублигини аниқланг.

2. 2 моль сульфат кислота ва 1 моль кальций ортофосфатнинг ўзаро тўлиқ таъсирлашуви натижасида оддий суперфосфат – минерал ўғит олинади. Тегишли реакция тенгламаларини ёзиб, фосфор (V) оксидига ҳисоблаганда ундаги фойдали компонент улушини ҳисобланг.

3. Қишлоқ хўжалик экинлари зараркундаларига қарши мис купороси қўлланилади. У лабораторияда мисни концентранланган сульфат кислота билан ўзаро таъсирлашуви натижасида олинади. Бунда яна сув ва олтингургурт оксиди ҳосил бўлади. Реакция тенгламасини тузинг ва уни оксидланиш – қайтарилиш реакцияси сифатида кўриб чиқинг. 10 кг (бир пақир) 16% ли мис (II) сульфат эритмасини тайёрлаш учун зарур бўлган мис купороси массасини ҳисобланг

4. Натрий гидроксид билан таъсирлашганда сизнинг дафтарингизни тайёрлаш учун (18 варақ) етарли бўлган натрий сульфат тузини олиш учун зарур бўлган 96% сульфат кислота массасини ҳисобланг. 1 варақни тайёрлаш учун 0,142 гр бу туздан сарфланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги ВМ–997-сон «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

3. Фоллмер Г. Эволюционная теория познания. К природе человеческого познания // Культура и развитие научного знания. М., 1991. С. 141

4. Фримантл М. Химия в действии. В 2-х ч. Ч. 1: Пер. с англ. - М.: Мир, 1998 - 528 с.

5. И.Р.Асқаров, К.Ғ.Ғопиров, Н.Х.Тўхтабоев. Кимё. 8-синфлар учун дарслиқ. –Тошкент, «Янгийўл полиграф сервис» нашриёти. – 2019 йил. – 208 б.

ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН ЎҚУВЧИЛАРНИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ЖАРАЁНИДА ТАЯНЧ БЕЛГИЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

S.Xakimova va D.G'aniyeva Andijon viloyati
Marxamat tumani 47 IDUM biologiya fani o'qituvchilari

Мамлакатимизда амалдаги узлуксиз таълим жараёни ва унга бўлаётган эътибор нафақат юртдошларимиз, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда. Узлуксиз таълимни амалга оширишда малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш мақсад қилиб қўйилар экан, бу борада таълимнинг барча турларига ўзига хос масъулият билан қарамоқлик ҳар бир педагогнинг бурчи саналади. Узлуксиз таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда умумий ўрта таълимга алоҳида эътибор талаб қилинади.

Узлуксиз таълимда биология фанидан таянч белгилардан фойдаланиш услубини биринчи бор донецклик новатор - ўқитувчи В.Ф.Шаталов таклиф этган. Таянч белги ўрганиладиган мавзудаги бир неча тушунча ёки айрим мазмунни қисқа, лўнда акс эттирувчи график, расм, сўз, схема шаклдаги белгилардан ташкил топади. Масалан, карбонат ангидриднинг - CO₂, сувнинг H₂O, дезоксирибонуклеин кислотанинг - ДНК шаклида берилиши ҳам ўзига хос таянч белги ҳисобланади. Аслида биз ҳаётимизда кўплаб таянч белгиларга дуч келамиз. Масалан, йўл қодалари белгилари ҳам шулар жумласидандир. Бу белгиларга қараб машина ҳайдовчилар йўлнинг қайси қисмида неча километр тезликда юриш, қайси йўлда юриш мумкин, мумкин эмаслиги, йўлда учраши мумкин бўлган емакхоналар, ёқилги - мойлаш жойлари ҳақида бир қанча ахборот олишади. Ундан ташқари, шаҳардаги турли ташкилотлар пештоқиға қўйиладиган айрим белгилар ҳам, ўзига хос ахборот манбаи вазифасини бажаради. Кейинги йилларда таълимда таянч белгилардан фойдаланиш масаласиға эътибор кучаймоқда. Шу сабабли илғор ўқитувчилар бу белгилардан кўпроқ фойдаланишға ҳаракат қилмоқдалар Улар янги ўрганиладиган мавзулар учун таянч белгилар ижод қилиш, улардан самарали фойдаланиш борасида яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Дарҳақиқат, дарсда таянч белгилардан фойдаланилганда ўқувчилар бу белгиларни маъноларини осон эслаб, дарс материалини пухта ўзлаштириб ўрганилган мавзунини мустаҳкамлаш, такрорлаш пайтларида ҳам улар бу белгиларни кўз олдиға келтирган ҳолда ўқув материалларини талаб даражасида ўрганганликларини намоён этишади. Таянч белгилардан фойдаланиш самарадорлиги, айниқса, якуний дарсларда юқори бўлади.

Мавзу мазмунини очиб берадиган, бир-бирлари билан мантиқий боғланган таянч белгилар гуруҳларидан иборат бўлган ишланма таянч концепт ҳисобланади. Таянч концепт кўпинча 300-600 типографик белгилардан (символлар, нарсаларнинг муҳим белгилари туширилган расмлар, шартли белгилар, айрим тушунчалар, схема, диаграмма в. х.) ташкил топган ишланма ҳисобланади.

Дарсда ўқитувчининг саволиға жавоб бериш учун доска олдиға чақирилган ўқувчи, ўз жавобларини қандай баён қилишғаина эмас, балки бераётган жавобларини изоҳлаш, тасдиқлаш воситасини топишға ҳам қийналади. Шу сабабли саволларға пала-партиш, мантиқан бир-бириға боғланмаган, чала жавоблар бериш ҳоллари кузатилади. Бундай пайтларда таянч белгидан фойдаланган ўқувчи энди ўз жавобларини анча системали, пухта изоҳлаган тарзда баён қилишға имкон топади.

Таянч концептлардан фойдаланиш мавзунини қисқа, лўнда тушунтиришға, мазмуннинг мантиқий таркибинини аниқ ифодалашға, автономликка, тушунарликка, мавзунинг рангли ифодаланишиға, белгиларнинг образли бўлиши каби дидактик тамойилларни ўзида акс эттиради. Таянч белгилар тузишда уларни содда, ўқувчилар осон ўзлаштириб оладиган қилиб тайёрлашға эътибор бериш керак. Таянч белгилар, одатда, ярим ватман қоғози катталигида тайёрланиб, уни доскаға илиб кўрсатишға, ёки бир расм албому катталигидаги қоғозға туширилиб, ўқувчиларға тарқатиб беришға мўлжалланган тарзда тайёрланади.

Таянч белги таълимда бир неча вазифаларни бажаради. Булар қаториға - а) ўқитувчининг мавзунини тушунтиришида кўргазма қуроли бўлиши; б) ўқувчиларнинг дарсға тайёрланишини тезлатиши, соддалаштириши; в) ўрганиладиган мавзу ҳажмини кенгайтириш имконини бериши; г) ўқувчиларнинг мавзунини ўрганишға бўлган қизиқишларини орттириши; д) ўқувчиларнинг дарсға ижодий муносабатларини ҳосил қилиш қабилар қиради. Таянч концептлардан дарсда бир неча марта фойдаланиш мумкин. Масалан: 1) ўрганиладиган янги мавзуда ўқитувчи ўзининг ҳикояси, сўхбати ёки маърузаси пайтида фойдаланади; 2) мавзунинг ўрганилган қисмини ўқувчидан таянч белги ёрдамида сўрашда; 3) таянч белгиларни ўқувчиларға тарқатиб берилиб, унинг мазмунини ўрганишда; 4) ўқувчиларға уй вазифаси тарзида дарс материални бўйича таянч белги тайёрлаш бўйича топшириқлар беришда; 5) тайёрланган таянч белгини турли қисмларига ранг бериш орқали; 6) уй топшириғи сифатида тайёрланган таянч белги воситасида ўтилган дарс материалини сўраш каби пайтларда таянч белгилардан фойдаланиш натижасида ўқувчилар дарс материалини пухта ўзлаштиришға эришадилар. Қуйида биология таълимида организмларнинг табиатда тарқалиши, тузилиш хусусиятлари ва баъзи ҳаётий жараёнларининг акс эттирувчи таянч белгилардан фойдаланишға оид баъзи намуналар берилди.

Мазкур таянч белги зоология фанидаги турли ҳайвонларни табиатда тарқалиши, уларнинг баъзи биологик хусусиятларини содда, символлар, тушунчалар воситасида ўргатишға мослаб тузилган. Дастлабки таянч белгидан ўқувчилар жониворларнинг еримизнинг турли томонларида тарқалиш ҳолатлари, уларнинг

жанубга кетган сари турлари, сонининг кўпайиб бориши, аксинча, шимол ва ғарбга томон уларнинг хилма-хиллиги камайиб бораётганлигини (стрелкалар йўналишига қараб) осонлик билан ўзлаштириб олиши тайин. Кейинги дарсда ўқувчига шу таянч белги кўрсатилиши билан у энди жониворларни турли кутбларда тарқалиш хусусиятларини бемалол айтиб бераолади.

Адабиётлар

1. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. Тошкент, «Фан ва технологиялар», 2013 й.
2. Толипова Ж.О., Ғофуров А.Т. Биология таълими технологиялари. Методик қўлланма “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент, 2002.
3. Mavlonov O. Zoologiya. “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinf o‘quvchilari uchun darslik. Toshkent, 2017.
4. Шахмурова Г., Рахматов У., Хўжаназаров Ў., Тоғаева Г. “Биология фанини ўқитиш методикаси” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент, 2017.
5. O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi: www.uzedu.uz.

BIOLOGIYA TA'LIMIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO'LLASHNING AMALIY AHAMIYATI

*Yo'ldasheva Viloyat - Namangan viloyati Uychi tuman
18-umumta'lim maktabi biologiya fani o'qituvchisi*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev 2020 yil 24 yanvar kuni Oliy Majlisga Murojaatnomasida “Mamlakatimiz uchun ilm-fan sohasidagi ustuvor yo‘nalishlarni aniq belgilab olishimiz kerak. Hech bir davlat ilm-fanning barcha sohalarini bir yo‘la taraqqiy ettira olmaydi. Shuning uchun biz ham har yili ilm-fanning bir nechta ustuvor yo‘nalishini rivojlantirish tarafdorimiz.

Joriy yilda matematika, kimyo-biologiya, geologiya kabi yo‘nalishlarda fundamental va amaliy tadqiqotlar faollashtirilib, olimlarga barcha shart-sharoitlar yaratib beriladi. Shuningdek, ilm-fan sohasida fundamental va innovatsion tadqiqotlar uchun maqsadli grant mablag‘larini ajratish mexanizmini tubdan qayta ko‘rib chiqish kerak” deb takidlagani.

O‘qituvchilarga berilayotgan bunday imkoniyatlar, yaratilgan sharoitlar, turli ko‘rik tanlovlar-u, xalqaro malaka oshirish tizimlari, ustozlarga hurmat an‘anasi, o‘qituvchi mavqeini tiklanishi, ortiqcha qog‘ozbozliklardan voz kechilishi, o‘qituvchining vakolatiga kirmaydigan turli-tuman yig‘inlardan ozod etilishi hech bir davrda bugunchalik bo‘lmagan.

Shunday ekan, bugungi jarayon o‘qituvchilardan ta’lim-tarbiya ishiga yangicha munosabatda bo‘lishni, kasbiy jihatdan yetuk, innovatsion zamonaviy texnologiyalarni ta’lim jarayoniga joriy etish usullarini bilishi va amalga qo‘llay olishni taqozo etmoqda.

Shundan kelib chiqib biologiya darslarida organilayotgan mavzular samaradorligini oshirishda o‘quvchilarning mustaqil fikrlash qobiliyatlarini o‘stirish, ijodiy fikrlashga o‘rgatish kabi fazilatlarini shakllantirish va ularni amalga oshirishda hamkorlikda o‘qitish texnologiyalarini joriy qilish maqsadga muvofiqdir.

Pedagogik texnologiya va pedagog maxoratiga oid bilim, tajriba va interaktiv metodlar o‘quvchi - o‘quvchilarni bilimli, etuk malakaga ega bo‘lishliklarini ta’minlaydi.

Innovatsiya-inglizcha so‘z bo‘lib, «yangilik kiritish» degan ma’noni anglatadi.

Zamonaviy o‘qituvchi ta’lim – tarbiya jarayonida innovatsion usullardan foydalana bilishi va amalga oshira olishi lozim.

Bu jarayonda o‘qituvchiga qo‘yiladigan talablar:

- innovatsion texnologiya tushunchasini, uning mazmun mohiyatini bilishi; - innovatsion texnologiyalarning ta’lim maqsadini amalga oshirishdagi o‘rni va rolini bilishi;
- innovatsion texnologiyalarni fanlar bo‘yicha qo‘llash printsiplarini bilishi;
- ta’limiy va ishchanlik o‘yinlarini bilishi;
- muammoli rivojlantiruvchi ta’lim metodlarini bilishi;
- o‘quvchilarning mustaqil faoliyatlarini tashkil qilish va ta’minlash yo‘llarini bilishi;
- o‘quvchilarning o‘z ustida mustaqil ishlash maxoratini oshirish usullarini egallashi;
- ko‘rgazmali o‘qitish usullarini bilishi va egallashi;
- ilg‘or pedagogik texnologiyalarni qo‘llab, na’munaviy imitatsiya o‘quv mashg‘ulotlarini o‘tishi;

Interfaol mashg‘ulot - o‘qituvchi va o‘quvchilar o‘zaro faol ishtirok etadigan mashg‘ulot; jarayon hamkorlikda kechadi.

Interfaol metodlar o‘qituvchi bilan o‘quvchining faol munosabati, bir-birini to‘liq tushuntirishga asoslanadi. Interfaol metodlarni o‘quv jarayoniga joriy etishning tub maqsadi – dars qaysi shaklda bo‘lmasin, qaerda o‘tkazilmasin darsda o‘qituvchi bilan o‘quvchining hamkorlikda ishlashini va natijada o‘zlashtirishlarini ta’minlashi lozim. Bunda o‘qituvchi faqat fasilitator (yo‘l-yo‘riq ko‘rsatuvchi, kuzatuvchi, xulosalovchi) vazifasini bajaradi. Ushbu metodlar orqali o‘quvchilarning mustaqil fikrlash qobiliyatlari rivojlantirilib, ularda erkin fikrlash,

mustaqil qaror qabul qilish, hissiyotlarni boshqara olish, tanqidiy va ijodiy fikr yuritishning rivojlanishiga zamin tayyorlanadi.

Interfaol metodlarda o'qitishning mohiyati quyidagicha:

o'rgatuvchi ham o'rganuvchi ham ma'lumotlar bilan faol ishlashi;

o'quvchilarni mustaqil fikrlashga undashi va o'rgatishi;

o'qituvchiga «o'quvchilarni fikrlashga o'rgatish uchun» xizmat qilsa, o'quvchilarga esa, «fikrlashni o'rganishlari uchun» xizmat qilishi;

- Interfaol usullardan foydalanish shakllari:

- Individuallashtirish;

- Kichik guruhlariga ajratish;

- Tabaqalashtirish;

- O'rgatish va o'rganish jarayonida demokratik, do'stona muhitni yaratish;

- O'zaro muloqot, hamkorlikni tashkil etish.

Bunda o'qituvchining asosiy vazifasi tayyor bilimlarni berishga, o'quvchilarning asosiy vazifasi esa bu bilimlarni eslab qolishga asoslanadi.

Munozarali darslar muammoli ta'lim texnologiyasiga asoslanadi. Munozara darslari dasturdagi muayyan bir mavzuni o'rganishga bag'ishlanadi.

Mazkur darsning didaktik maqsadi:

- o'quvchilarning bilish faoliyatini faollashtirish orqali tahsil olishga va fanga qiziqishlarini orttirish, bilimlarini kengaytirish;
- o'quvchilarning avval o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini odatiy, tanish va kutilmagan yangi vaziyatlarda qo'llash orqali yangi bilimlarni egallashga erishish;
- o'quvchilarning bilimidagi mavhum tushunchalarni aniqlash va ularga barham berish, bilim olishga bo'lgan intilishni rivojlantirish;
- o'quvchilarning nutqini o'stirish, o'z fikrini lo'nda va mantiqan to'g'ri bayon etish, ularni dalillash ko'nikmalarini hosil qilish.

Hozirgi zamon ta'lim tizimidagi amaliy tajriba shuni ko'rsatadiki, oldindan puxta tayyorlangan innovatsion texnologiyalardan foydalanib o'tilgan dars, albatta o'qituvchi va o'quvchiga darsni qiziqarli bo'lishi, shuningdek, ijobiy natijaga erishishlariga imkoniyat yaratadi hamda darsning samaradorligini oshiradi.

Xulosa qilib aytganda, o'qituvchi qaysi fandan dars bermasin doimo izlanishda bo'lishi, kasbiy sifatleri bilan boshqalarga o'rnak bo'lishi lozim. Yosh avlodni tarbiyalash va ularga ta'lim berish pedagoglar zimmasiga yuklatilgan ekan, o'qituvchining ma'naviy-ma'rifiy tayyorgarligi barchaga o'rnak bo'la oladigan shaxs bo'lmog'i zarur.

Foydalangan adabiyotlar

1. <http://press-service.uz/> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev 2020 yil 24 yanvar kuni Oliy Majlisga Murojaatnomasi.
2. Tolipova J.O. Biologiyani o'qitishda innovatsion texnologiyalar. Pedagogika oliy ta'lim muassasalari ta'lim oluvchilari uchun darslik. Toshkent, 2014.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АКТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.

Ф. Батирова .

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги хузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиали ўқитувчиси

Бугунги кунда, мустақил тараққиёт йўлида бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислох қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларни жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасида кўтарилди. Шу сабабли Республикамызда малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор бериб келинмоқда. Таълим сифатини оширишда таълим муассасининг моддий–техника ва ахборот базасини мустахкамлаш, юқори сифатли ўқув адабиётлар, дарсликлар, электрон ўқув қўлланмалар ва маъруза матнлари билан бойитиш, электрон кутубхоналар ташкил этиш масалани бир томони бўлса, улардан дарс жараёнида фойдаланиш учун етарли кампютер саводхонлигига эга малакали мутахасси бўлиш иккинчи томони бўлиб ҳисобланади.

Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълим тизимини такомиллаштиришда янги ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш ўқитувчи учун кенг имкониятлар эшигини очади. Маълумки;

Ms Word дастуридан матнлар, дарс ишланмалар, тасвирлар ва бошқа электрон ҳужжатлар ишлаб чиқишда фойдаланилади.

2. Ms Excel дастуридан тирик ва жонсиз органлар ўртасидаги фарқларни чизиб кўрсатиш каби устунли тақдимотлар талаб этиладиган жойларда фойдаланилади.
 3. Power Point дастуридан турли кўринишдаги тақдимотлар яратилади.
 4. Photoshop дастурида юқори сифатли тасвирлар яратилади.
 5. Flash дастури билан анимациялар яратилади.
- АКТ саводхонлигига эга бўлиш ўқитувчига ўқитиш ва ўқитишнинг янги имкониятларни очиб беради;
 АКТ ўқувчиларни рағбатлантиради ва уларнинг қизиқишини оширади;
 2. АКТ ўқувчиларни келажакдаги фаолиятга тайёрлашга кўмак беради;
 3. АКТ ўз ресурсларидан оқилона фойдаланишга имконият яратади;
 4. АКТ ўқув жараёнини оқилона бошқариш ва назорат қилиш орқали вақтни ҳамда маблағни тежайди;
 5. АКТ мослашувчан ва имконияти чексиз маълумот базаси;
 6. АКТ дарсларда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг қулай имкониятларини беради;
- Таълим жараёнига ижодий ёндашиб, Ms Word, Ms Excel, Ms Power Point, Photoshop, Flash, Movie Maker каби турли дастур имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда дарсларни қизиқарли ва самарали ташкил этиш ҳозирги куннинг талабига айланди.

Маълумки биология тирик мавжудотларнинг атроф-муҳит билан ўзаро боғлиқлигини ўрганувчи илмий тадқиқот ҳисобланади. У тасвирларга ва диаграммаларга тўла бўлиши керак. Ўқитувчилар янада самарали ўқитишлари учун биология дарсларида ҳар бир мавзунини прокторлар ва АКТ дан фойдаланиб ўқувчиларга етказиб, жонли ўқув синфларини ташкил этишлари керак. Биология фанини ўрганишда бир ўлчамли тасвирларига эга дарслик ёрдамида барча органлар қисмларини ва уларнинг функцияларини тушуниш қийин. Энди одам танасининг уч ўлчамда тасвирланган ва ҳар бир орган фаолияти акс этилган виртуал тақдимотини тасаввур қилинг. Бу ҳолат ўқувчининг хотирасида чуқур из қолдиради ва тасвирни анча вақтга эслаб қолади. Кўргазмали тасвирлардан фойдаланилса, тасаввурлар янада ёрқин ва тушунарли бўлади. Ҳатто биологияга қизиқмайдиган ўқувчилар ҳам фанга қизиқа бошлайдилар.

Юқорида тақдим этилган дастурлардан фойдаланиб яратилган анимациялар, ўқув фильмлар, виртуал лабораториялар ва тақдимотлар таълим сифатини оширувчи воситалар бўлиб улардан дарс жараёнида ўринли ва мақсадли фойдаланиш ўқитувчидан педагогик компетенция билан биргаликда кампютер саводхонлигини ҳам талаб этади. Бироқ таълим жараёнини кузатиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари шунинг кўрсатадиган ўқитувчиларнинг кампютер саводхонлиги талаб даражасида эмас. Демак дарслар ҳам эски таълим қолибида ташкил этилмоқда. Ўқувчилар - имконияти чексиз таълим ресурсларидан бебаҳра бўлиб қолмоқдалар. Таълим тизимидаги бу муаммо вилоятимиздаги деярли барча таълим муассасаларида кузатилмоқда. Шу сабабли малака ошириш институтларида кампютер саводхонлиги ва инновациялар асосида қисқа муддатли амалий машғулотлар ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

КИМЁ ФАНИДАН УЙ ТАЖРИБАЛАРИ – ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАБИИЙ-ИЛМИЙ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИДИР

*Р. Қазақов Андижон давлат университети
кимё кафедраси ўқитувчиси*

Бугунги кунда таълим соҳасини ислоҳ қилиш, уни ривожланган мамлакатлар таълим тизими ютуқлари асосида такомиллаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда [1, 2]. Жумладан, Президентимиз Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлис сенаторларга мурожаатномасида кимё, биология, математика, геология фанларини ривожлантириш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини кучайтириш бўйича ўзларининг таклифларини бериб ўтдилар.

Замонавий умумтаълим мактабларида кимёвий таълим мазмуни, таълим стандартлари, ўқув дастурлари такомиллаштирилмоқда. Ўқитишда янги йўналишлар белгиланмоқда. Лекин бир жиҳат – кимёвий экспериментга бўлган муносабат ўзгармасдан қолмоқда. Кимё экспериментал фан бўлиб келган ва бўлиб қолади, чунки кимёвий экспериментсиз, лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни бажармасдан кимёвий билимларнинг минимал ҳажмини ҳам эгаллаш мушкул [3].

Замонавий кимё таълими концепциясида ўқув экспериментини амалий йўналтириш борасида катта урғу берилади. Лекин ҳозирда қўлланилаётган мактаб экспериментини воситалари асосида бу фикр тўлалигича рўёбга чиқмайди. Мактаб кимёвий экспериментини такомиллаштириш бўйича фундаментал тадқиқотлар XX асрнинг 50-60 йилларида олиб борилган. Бу даврда ишлаб чиқилган тажрибалар бошқа ўқув мақсадлари, дастурлар, мактаб моддий базасига, кимёни ўрганишга кўпроқ вақт миқдорига мўлжалланган эди [4].

Мактаб ўқув экспериментини амалий йўналишини кучайтириш муаммосини анъанавий мактаб экспериментини билан биргаликда уй шароитида бажарилиши мумкин бўлган кимёвий тажрибалардан фойдаланиш орқали ечиш мумкин.

Уй тажрибалари – барча ўқувчилар бажариши шарт бўлган индивидуал амалий иш, мустақил уй вазифаларидан биридир. Бу тажрибалар уй-рўзгор буюмлари ва моддаларидан фойдаланиб, ўқитувчининг билвосита раҳбарлиги ва назорати остида олиб борилади. Уй тажрибаларида катта имкониятлар мавжуд. Уй тажрибалари ўқув жараёнида алоҳида ўринни эгаллайди. Биринчидан бу – амалий машғулот бўлиб, мустақил кимёвий эксперимент турларидан биридир. Уй тажрибалари ўқитувчининг билвосита раҳбарлиги остида олиб борилганлиги сабабли кимёвий эксперимент техникаси нуқтаи-назаридан ўта мураккаб бўла олмайди. Бундай тажрибаларни бажаришда асосий мақсад натижа эмас, балки тажрибани бажариш жараёнидир. Бунда умумўқув ва экспериментал кўникмалар такомиллашади. Уй тажрибаларини бажариш давомида ўқувчилар тажриба мақсадини аниқлайди, ўзининг фаолияти босқичларини белгилайди, ҳаракат усулларини танлайди, ҳулоса чиқаради, ўзини назорат қилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг бу фаолиятини зарур йўналишда боришини назорат қилади.

Ўқувчиларнинг мустақил фаолиятига уй тажрибаларини киритиш билиш мотивларини такомиллашишига, айниқса кенг билиш мотиви бўлган мазмунни билишга қизиқишни ортишига олиб келади. Уй тажрибаларини бажариш давомида ўзини иштироки даражасида ўқувчининг ўқув-билиш мотивлари – билим олиш усулларига қизиқиш ҳам такомиллашади. Ўз фаолиятларини режалаштириш, мақсадни аниқлаш усулларига доир кўникмалар ривожланади. Уй тажрибалари ижобий эмоциялар ҳам келтириб чиқаради, чунки улар “катталар учун хос” иш шаклидир. Бошқа томондан, уй тажрибалари уй вазифалари турларидан биридир. Умумий уй вазифалари системасида уй тажрибаларининг ўрни ва аҳамиятини тасаввур этиш учун, асосий (анъанавий), ўқувчилар уйда бажаришлари керак бўлган иш турларини кўриб чиқамиз. Улар қуйидагилар:

- 8) Дарслик матни билан ишлаш;
- 9) Реакция тенгламаларини ёзиш;
- 10) Масала ва машқлар ишлаш;
- 11) Амалий машғулотларга тайёрланиш;
- 12) Маълумотлар тўплаш, маъруза тайёрлаш;
- 13) Илмий-оммабоп адабиётлар ўқиш;
- 14) Маълумотномалар билан ишлаш.

Бу уй вазифалари турлари орасида маълум боғлиқликлар мавжуд. Масалан, дарслик билан ишлашда бевосита масала ва машқлар ишлаш, лаборатория иши ва амалий машғулотга тайёрланиш билан боғлиқ бўлиб, илмий-оммабоп адабиётлар ўқишга алоқаси йўқ. Уй тажрибалари эса уларнинг барчаси билан узвий алоқада бўлади.

Уй тажрибалари мустақил иш турларидан бири бўлиб, алоҳида ва бошқа мустақил ишлар билан биргаликда қўлланилиб, уни бажариш учун ўқувчиларнинг ижодий ёндашуви талаб этилади. Уй тажрибалари билан мактаб кимёвий экспериментини тўлиқ алмаштириш эмас, балки дарсларда ўрганилаётган билим ва кўникмаларни турли ҳодисалар моҳияти ва механизмни чуқурроқ англаш учун ёрдам берадиган тажрибалар ишлаб чиқиш бизни мақсадларимиздан биридир [5].

Қуйида «Углероднинг физик ва кимёвий хоссалари» мавзуси учун шундай уй тажрибаларидан мисоллар келтирилган:

Уй шаронтида адсорбция

Зарур жиҳоз ва моддалар: активланган кўмир, сиёғ ёки акварель, сув, стакан, маккажўқори қаламчалари, одеколон, 0,5 л шиша банка қопқоқи билан.

Ишнинг бориши: стаканга ярим сув қуйиб, унга сиёғ ёки рангли акварельдан солинг ва аралаштиринг. Рангли эритма ҳосил бўлганига эътибор беринг. Унга майдаланган дориҳона активланган кўмиридан солиб аралаштиринг. Эритма рангининг ўзгаришига эътибор беринг.

Ярим литрли шиша банкага 1 -2 томчи одеколон ёки бошқа бирор хидга эга суюқликдан томизинг. Банкани иккала кафтингиз билан бир оз вақт ушлаб туринг. Сўнгра идиш оғзини очиб банка устидаги ҳавони елиб хидланг. Қандай бўлишидан қатъий назар, сиз хидни табиий тарзда сезасиз. Энди банка ичига 1 дона активланган кўмир солинг ва оғзини ёпиб, бир неча дақиқага қолдиринг. Сўнгра идиш оғзини очиб хидлаб кўринг. Хид нима учун йўқолди? Бу тажрибаларни маккажўқори қаламчалари билан ҳам такрорланг. Активланган кўмир ва маккажўқори қаламчалари хоссаларини таққосланг.

Юқоридаги тажрибаларга ўхшаш уй тажрибаларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш натижасида ўқувчиларнинг кимё фани, саноати маҳсулотларини кундалик турмуш, ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини англашларида, ностандарт шароитларда ишлаш, ижодий кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги ВМ–997-сон «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

3. Иванова Р.Г. Общая методика обучения химии в школе. Химический эксперимент – основа изучения химии. – М.: Дрофа, 2008. – с.170-184.
4. Шипарева Т.А. Домашний эксперимент по химии как средство формирования мотивов к изучению учебного предмета. Дис. ... канд. пед. наук. – М.: 2001. – 160 с.
5. И.Р.Асқаров, К.Ғ.Ғопиров, Н.Х.Тўхтабоев. Кимё. 8-синфлар учун дарслик. –Тошкент, «Янгийўл полиграф сервис» нашриёти. – 2019 йил. – 156 б.

ҚУРАМА ВА ҚУРАМАЛИКЛАР ҲАҚИДА

Феруза Мирзакулова, тадқиқотчи

Бу атама “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (Тошкент, 1981, II жилд 621-бет) да “Турли қипчоқ қабилаларининг ўзаро аралашуви, чатишувчи натижасида юзага келган, Ўзбекистоннинг Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида яшовчи ўзбек элати”-деб қайд этилган.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” (Тошкент, 2005, II жилд 153-бет)да ўзбек хақи таркибига кирган этник гуруҳлардан бири. Қурама сўзи “аралашганлар” маъносини билдиради, дейилади. Ушбу манбада айтилишича, қурама қабиласи иттифоқи тахминан XVII асрда шаклланган, XIX аср охири XX аср бошларида ўзбеклар таркибига кирган қурамаликлар Тошкент, Наманган, Андижон вилоятларида яшаб келганлар. Қурамаликларнинг уруғчиқ тизимига уруғ, тўп ва ата бўлимлари кирган. Қурамаликлар таркибига қадимги ва ўрта аср туркий қабилаларининг куйдаги уруғ вакиллари бўлган. жалойир, кераит, уйшун, қанжиғали, унгут, етти уруғ, телов, мўғул, қангли, олчин, чигатой, дўрмон, қалмоқ, тама ва бошқалар. қурамаликлар, асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келишган. 1926 йил маълумотларига кўра Ўзбекистонда 50000 дан ортиқ қурама элатига мансуб кишилар рўйхатга олинган.

Қурамаликларнинг айрим гуруҳлари қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркман халқлари таркибига кирган. М. Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” (XI аср) асарига умумтуркий сўзлар билан бирга 31 қабилга оид сўзлар ҳам келтирилган. Қурама элати мансуб бўлган қипчоқ лаҳжасига тегишли сўзларга ҳам изоҳ берилган бу асарда ўзбек халқи шаклланишига асос бўлган қорлуқ, қипчоқ, ўғуз лаҳжаларининг тарқалиш ҳудуди, мавқеи, касби машғулоти ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Профессор И.Ёрматов “Саодат водийси” китоби (Тошкент, 2012 йил, 150,151 бет) да қурама атамасининг келиб чиқиш ҳақида куйидаги фикрларни ёзади “Оҳангарон водийси 16-асрдан бошлаб Шайбонийхон ва унинг авлодлари томонидан бошқарилди ва ҳар хил солиқлар воситасида феодал асоратга солинди. Айни шу даврда қипчоқ лаҳжаси минг-минглаб Даштии Қипчоқ ўзбеклари Амударё ва Сирдарё бўйлаб тоғлар оралиғидан серўт водийларга ўрнашдилар. Ўзбек халқи таркибига янги қатламнинг келиб қўшилиши натижасида Шимолда Чирчиқ дарёси, шарқ, жануб ва ғарбда Сирдарё билан чегараланган шевалари хилма хил ҳудудга Бухоро амирлари Қурама деган расмий номни ҳужжатларда ишлата бошладилар “Қурама” топоними кейинчалик рус геодезистлари ва картографларининг ҳужжатларида ҳам акс этди. Улар ҳатто илгари Хонжиғали деб атаб келинган тоғ тизмасининг номини ҳам қурама деб расмийлаштирдилар.

Профессор И.Ёрматов қурама қавмининг шаклланиши ва тугалликка эришишини ҳам кўрсатиб ўтади: “XV-XVII асрлар мобайнида қадимдан яшаб келган маҳаллий туркийлар, мўғуллар билан бирга келган туркий уруғлар ва Шайбонийлар билан Дашти Қипчоқдан келган ўзбек уруғларининг этник консолидацияси натижасида Оҳангарон водийсининг асосий аҳолиси саналган қурама элати шаклланди” (юқоридаги китоб, 157 бет).

Феодал тарқоқлик туфайли 1867 йилдан бу ҳудуд Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё области таркибидаги Қурама уездига айлантирилди.

Кейинчалик географик жиҳатдан Қурама тизма тоғлари маъносида ҳам қатъийлашди. Бу тизма тоғ ёнбағирларида яшайдиган аҳолига нисбатан қурамалик атамаси ҳам ишлатила бошланди.

Оҳангарон водийси дейилганда шу номли дарёнинг ҳавзаси, бу ҳавзанинг табиати, аҳоли яшаси масканлари-қишлоқ ва шаҳарлари тушунилади.

Рус кўшинлари таркибида келган академик В.В.Радлов Тошкент ва Хўжанд оралиғида қурама қабиласи яшашини қайд этиб, унинг беш уруғ-жалойир, тилов, тома, жағалбайли ва тарақли уруғларидан таркиб топганини кўрсатади ва ўзбек халқи таркибидаги қабил ва уруғларни куйдагича қайд этади:

1. Хитой қипчоқ. У икки гуруҳ ва уруғларга бўлинади:

а) қипчоқ: тўрт жамғали, сарикипчоқ, тўққизбой;

б) хитой: сари хитой, отарчи, қанжиғали, тароқли, болғали.

2. Қирқманюз қабиласи қирқ қабиласи уруғлари: қорақўйли, қорача, қорасийроқ, чопонашли: юз қабиласи уруғлари: қарапчи, тигирик, парчаюз, эргенекли, сўйлақли.

3. Хонхўжа хитойиси: хўжа хитойиси, куёнқулоқли, туёқли, сирғали.

Шунингдек, турли ҳудудларда яшовчи қангли, найман, минг, кенагас, манғит; мазит, ёбу, тома, (уч уруғ қабил), сарой, орлот, буркут, баҳрин, баташ қабилаларини ҳам махсус белгилайди.

Курама воҳаси этнографик жиҳатдан атрофлича ўрганилиши керак, чунки бу ерда, таниқли олим И.Ёрматовнинг қайд этишича, ўзбек-курамаларининг япалок, самарчук, кўчартўп, бойгўп, қалмоқтўп, катагон, жағалбойли, сувти, саритамғали, элтамғали, ачамайли, самирак, жалойир, уйшун, керайит, олчин, арғин, кебанак, чиликчи, чилкор, қорасийроқ, қайсар, тортувли, болғали, қайтамас, санам, шийқа, галаботир, жунбош, обиз, мўғул, бўрончи, эйвалак, керовчи, тама, телов, тарокли, дўлот (қаранг: “Илоқ тарихи”, Тошкент, 2005,81-бет), шунингдек, чамбил, қорахитой, тақали, ойтамғали, қорақўйли, яллама каби 92 бовли ўзбек уруғларига мансуб кишилар азалдан яшаб келганлар. Бу қабила ва уруғларнинг ўзбек халқи таркибидаги ўрни ва мавқеини тадқиқ этиш миллий тараққиётимиз тарихини чуқурроқ ўрганишга имкон яратади.

Профессор И.Ёрматов ўзининг “Илоқ тарихи” (Тошкент,2005,82-83-бет) китобида ўзбек миллати таркибидаги уруғларга хос тамгалардан айримларини келтириб ўтади:

Г/р	Уруғ номи	Тамғаси	Г/р	Уруғ номи	Тамғаси
1.	Қангли	☪☉☽	10.	Теракли	ЕП
2.	Уйшун	☰☷☳	11.	Арғин	○○
3.	Дуёлот	○	12.	Матай	↑
4.	Жалойир	☷	13.	Керайит	☪
5.	Курама	♀	14.	Тама	
6.	Қипчоқ		15.	Олчин	∧
7.	Қўнғирот	☯	16.	Жағалбойли	☪
8.	Манғит	☾	17.	Телов	☯☳☱
9.	Найман	∇			

ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Халматова Насиба Бозорбоевна, Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиали ўқитувчиси

Каримов Алишер, Тайлоқ тумани 32-мактаб ўқитувчиси

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалда жорий этиш йилларида Республикамиз таълим тизимида қатор муҳим ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар кўп жиҳатдан таълим беришнинг анъанавий суръати ва янги билимларнинг мунтазам ортиб бориши тенденцияси ўртасидаги жиддий зиддиятларни ҳал этиш зарурати билан боғлиқ. Бу зиддиятни ҳал этиш мақсадида инновацион технологияларни қўллашга асосланган таълим шаклларида фойдаланила бошланди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатиб ўтилганидек, «таълим жараёни барча даражада компьютерлаштирилади ва ахборотлаштирилади, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари базасида таълим жараёнининг ахборот таъминоти ривожлантирилади». Болалар ва ўсмирларга таълим беришда шахсий компьютердан фойдаланган ҳолда билим бериш самарадорлигини ошириш биринчи навбатда педагогнинг билим савияси билан унинг тайёр амалий дастурлардан фойдаланишга қай даражада ёндашганлиги муҳим аҳамият касб этади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»да баркамол шахс тарбияси давлат аҳамиятига молик муҳим масала, усивор йўналиш сифатида белгиланди. Бу мақсадга эришишнинг самарали воситаларидан бири «ўқитишнинг илғор шакллари ва янги педагогик технологияларни, таълимнинг техник ва ахборот воситаларини ўқув жараёнига жорий этиш»дан иборат. «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалда жорий этиш самарадорлигини ошириш учун таълим тизимидаги муайян зиддиятларни бартараф этиш зарурдир. Муайян зиддиятлар бу ҳозирги кунда таълим технологияларидан фаол фойдаланиш зарурати ҳамда кўплаб ўқитувчиларнинг уларни амалда қўллашга тайёр эмаслиги ўртасидаги тафовутдир. Бундай зиддиятларни бартараф қилиш омили – техника технология эришган ютуқларни ва инновацион технологияларни таълим жараёнига татбиқ этишдир. Инновацион технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш учун ўқитувчи нафақат ахборот технологияларидан фойдаланиш малакасига эга бўлиши, балки, ахборот узатиш ва қайта ишлаш маҳоратини тўла эгаллаши, айти пайтда таълим олувчиларда ахборот маданиятини шакллантира олиши лозим. Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий таълим тизимини янгилаб, янги педагогик ва инновацион технологиялар жадал ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда самарадор ўқитиш технологияси – бу муаммоли ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш

ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий, фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади.

Муаммоли ўқитиш жараёнида ўқувчининг мустақиллиги ўқитишнинг репродуктив шакллариغا нисбатан тобора ўсиб боради.

Ҳозирги педагогикага оид адабиётларда муаммоли ўқитишнинг турли таъриф ва тавсифлари бор. Бизнингча, нисбатан тўлиқ ва аниқ таъриф М.И.Махмутов томонидан берилган бўлиб, унда муаммоли ўқитиш мантикий фикрлар тадбирлари (таҳлил, умумлаштириш) ҳисобга олинган ўргатиш ва дарс бериш усулларини қўллаш қодалари ва ўқувчиларнинг тадқиқот фаолиятлари қонуниятларининг (муаммоли вазият, билишга бўлган қизиқиш ва талаб) тизими сифатида изоҳланади.

Муаммоли ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳал қилиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқариш ташкил этади. Бу эса билимларни ўзлаштиришнинг илмий-тадқиқот усулини юзага келтиради. Маълумки, ўқитишнинг ҳар қандай асосида бола фаолиятининг муайян қонуниятлари, шахс ривожига ва улар негизида шаклланган педагогик фаннинг тамойиллари ва қодалари ётади. боланинг билиш фаолияти жараёни мантикий билиш зиддиятларини ҳал қилишда объектив қонуниятлари дидактик тамойил – муаммоликка таянади.

Ўқитишнинг ҳозирги жараёни таҳлили психолог ва педагогларнинг фикрлаш муаммоли вазият, қўтилмаган хайрат ва махлиё бўлишдан бошланади, деган хулосалари ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади. Ўқитиш шароитида боланинг ўша психик, эмоционал ва ҳиссий ҳолати унга фикрлаш ва ақлий изланиш учун ўзига хос туртки вазифасини бажаради.

Муаммоли вазият муайян педагогик воситаларда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ўзига хос ўқитиш шароитида юзага келади. Шунингдек, ўрганилган мавзулар хусусиятларидан келиб чиқиб, бундай вазиятларни яратишнинг махсус усулларини ишлаб чиқиш зарур. Шундай қилиб, амалий фанларни ўқитишдан муаммоли вазият шунчаки «фикр йўлидаги қўтилмаган тўсиқ» билан боғланган ақлий машаққат ҳолати эмас. У билиш мақсадлари махсус тақозо қилган ақлий таранглик ҳолатидир. Бундай вазият негизида аввал ўзлаштирилган билим излари ва янги юзага келган вазифани ҳал қилиш учун ақлий ва амалий ҳаракат усуллари ётади. Бунда ҳар қандай машаққат муаммоли вазият билан боғлиқ бўлавермаслигини таъкидлаш ўринли бўлади. Янги билимлар аввалги билимлар билан боғланмаса, ақлий машаққат муаммоли бўлмайди. Бундай машаққат ақлий изланишни кафолатламайди.

Шундай қилиб, муаммоли вазиятнинг моҳияти шуки, у ўқувчи таниш бўлган маълумотлар ва янги фактлар, ҳодисалар (қайсики, уларни тушуниш ва тушунтириш учун аввалги билимлар камлик қилади) ўртасидаги зиддиятдир. Бу зиддият билимларни ижодий ўзлаштириш учун ҳаракатлантирувчи кучдир.

Муаммоли вазиятнинг белгилар қуйидагилар:

- Ўқувчига нотаниш фактнинг мавжуд бўлиши;
- Вазифаларни бажариш учун ўқувчига бериладиган кўрсатмалар, юзага келган билиш машаққатини ҳал қилишда уларнинг шахсий манфаатдорлиги.

Муаммоли вазиятдан чиқа олиш ҳамма вақт муаммони, яъни нима номаълум эканлигини, унинг нутқий ифодаси ва ечимини англаш билан боғланган. Амалий фанларни ўқитишда муаммоли ўқитиш машғулотларини ташкил этиш ва ўтказишнинг муҳим томони шундаки, бунда ўқитувчи унинг ҳам таълимий, ҳам тарбиявий функциясини яхши англаб олган бўлиши талаб қилинади. Ўқитувчи ҳеч қачон ўқувчиларга тайёр ҳақиқатни (ечимни) бериши керак эмас, балки уларга, билимларни олишга туртки бериши, машғулотларда ва ҳаёт фаолиятларида зарур бўлган ахборот, воқеа, вақт ва ҳодисаларни онгида қайта ишлашларига ёрдам бериши лозим бўлади.

Муаммоли ўқитиш билимларни онгли ва мустахкам ўзлаштириш, атроф-муҳитга ўзининг фаол муносабатини белгилаб олишда, ўқувчилар билиш фаолиятини жонлантиришда катта имкониятларга эга.

Муаммоли ўқитишнинг ташкил этишнинг биринчи шартини ўқув ахборотларининг такомиллашиб бориш тизимидир.

Муаммоли ўқитишнинг иккинчи шартини муаммоли ўқитиш амалга оширилади ва унда ахборотнинг ўқув вазифасига ўтказилиши вақтида уни ечиш усулини танлаш имконияти кўзда тутилади.

Муаммоли ўқитишнинг учинчи шартини таълим олувчининг субъектив мавқеи, уларнинг билиш мақсадларини англаб етиши ва қарор қабул қилиши, масалани ҳал қилиш ва натижани қўлга киритиш учун ўзларининг ихтиёрида бўлган воситаларни баҳолаб билишидир. Муаммоли ўқитишга асосланган амалий машғулотларини ўтказиш услубикаси унда қўлланиладиган услубларни асослаб беришни талаб қилади. Бунда: ижодий, қисман – ижодий ёки эвристик, ахборотларни муаммоли баён қилиш, ахборотни муаммоли бошлаш орқали баён қилиш асосий услублар ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки материални муаммоли баён қилишда ташаббус ўқитувчи томонидан амалга оширилади ва тобора фаоллаштириб борилади. Ўқитувчи янги материални баён қилишда унинг ечилишини ўзи таъминлайди. Бунда ўқитувчи зиддиятларни таъкидлайди, уни барчага эшитириб муҳокама қилади, ўз мулоҳазаларини билдиради, ҳақиқатни фактлар, мантикий исботлар тизими ёрдамида асослайди, ўқитувчи бу тадбирларни муваффақиятли амалга ошира олса, ўқувчилар унинг фикрлари боришига диққат билан қўшилиб боради, муаммоларнинг ечилиш оқимида қўшилиб кетади, бирга фикр юритади, бирга ҳаяжонланади, шу тариқа машғулотнинг қатнашчисига айланади. Бунда ўқитувчи

ўқувчининг билиш жараёнини саволлар бериш, саволга савол бериш йўли билан бошқаради ва шу орқали аудиториядаги ўрганилаётган материаллар бўйича зиддиятларга диққатни жалб қилади ва ўқувчиларни ўйлаб фикр юритишга мажбур қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бегимкулов У.Ш. Замоनावий ахборот технологиялари муҳитида педагогик таълимни ташкил этиш. // “Педагогик таълим” жур, № 1, 2004.
2. Б. Зиёмухаммедов, Ш. Абдуллаева «Илғор педагогик технология: назария ва амалиёт» «Маънавият асослари» дарси асосида ишланган услубий кўлланма Т. «Абу Али Ибн Сино» 2001 йил.
3. Н. Сайидахмедов «Янги педагогик технологиялари» «Молия» Тошкент 2013

ДАРС ЖАРАЁНИДА КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Халматова Насиба Бозорбоевна, Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва
спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиали ўқитувчиси
Д.Исломов, Тойлоқ тумани 34-мактаб ўқитувчиси*

Ҳозирги замон шароитида, юқори малакали кадрларни тайёрлашда, ўқитишнинг ҳозирги замон тизимлари ва янги педагогик технологиялари асо -сида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Янги педагогик технология -ларни хислати шундаки, унда қўйилган мақсадларга эришиш кафолатини берувчи ўқув жараёни режалаштирилади ва амалга оширилади. Дарҳақиқат, машғулотларнинг муваффақиятли ўтишининг 80-фоизи таълим жараёнини тўғри лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва уни амалга оширишга боғлиқдир.

Ўқув жараёнларини лойиҳалаштиришда таълим мазмунини, таълим мақсади, кутилаётган натижани тўғри белгилаш, таълим методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашни аниқ мезонларини олдиндан ишлаб чиқиш, машғулотга ажратилган вақт ичида уларни тўғри амалга ошириш ва бир-бири билан уйғунлашувига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар қандай фаолият мақсади - келажак фаолият натижасининг ҳаёлдаги қиёфасидир. Замоनावий ўқитиш технологияси мақсадларга изчил мўлжал олишнинг асоси бўлиб, тезда ушбу борада қайтиб келадиган алоқа манбаи ҳисобланади. Бунда ўқув мақсадлари имкони борича аниқлаштирилади.

Замоनावий педагогик технология ўзининг педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назариясига эга; у биринчи галда ўқув-тарбиявий жараёни илмий асосда қуришга йўналтирилган; ўқитишнинг ахборотли воситаларидан, дидактик материаллардан, фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади.

Келажакда таълим тараққиётининг ҳаққоний двигатели сифатида ўқитувчи фаолиятини янгилашга, таълим-тарбия жараёнини мақбул (оптимал) қуришга, ўқувчи ёшларда ҳур фикрлик, билимга чанқоқлик, Ватанга содиқлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик гуруҳларда ишлаш ўқувчиларнинг дарсда фаоллигини таъминлайди, ҳар бири учун мунозарада қатнашиш ҳуқуқини беради, бир-биридан синфда ўрганишга имкони туғилди, бошқалар фикрини кадрлашга ўргатади.

Кўлланиш усули.

1. Фаолиятни танлаш. Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада ўқувчилар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият кўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

2. Зарурий асос яратиш. Ўқувчилар кичик гуруҳ ишида қатнашишлари учун танланган фаолият бўйича баъзи билим, кўникма ва малакаларни олдиндан эгаллаган бўлишлари керак.

3. Гуруҳни шакллантириш. Одатда ҳар бир гуруҳда 3-5 ўқувчи бўлади (эхтимол, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гуруҳда ишлаш у ёки бу ёзма ҳужжат тайёрлашни талаб этса, яхшиси 2-3 кишили гуруҳ тузилгани маъқул. Гуруҳ ўлчови масаланинг муҳимлиги, синфдаги ўқувчилар сони, ўқувчиларнинг бир-бири билан конструктив ҳолатда ўзаро ҳаракатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Энг яхшиси, “гетроген” гуруҳ ташкил этишидир (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гуруҳда ишлаш ўқувчилар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга таянади (мисол учун, бир ўқувчи мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Синфни гуруҳларга ажратиш, хоши бўйича ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

4. Аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш. Ўқувчиларга фаолиятни бажариш бўйича аниқ ва ҳажм жиҳатдан кўп бўлмаган тушунтириш берилади. Ўқитувчи гуруҳларининг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган ҳолда вақт чегарасини айтади. Гуруҳлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади. Ўқувчилар гуруҳда ишни бошлашлари учун вазифаларини аниқ тушуниб етганлиги текшириб кўрилади.

5. Қўллаб қувватлаш ва йўналтириш. Ўқитувчи зарурат туғилса гу -руҳлар ёнига навбатма-навбат келиб тўғри йўналишда ишлаётганлигини қайд этади ёки уларга ёрдам беради, гуруҳларга таъзийк ўтказилмайди.

6. Муҳокама қилиш ва баҳолаш. Гуруҳларда иш якунлангач, улар натижалари бўйича ахборот берадилар. Бунинг учун хар бир гуруҳ ўз сардо -рини белгилайди. Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича билдирилган фикрлар ўқитувчи томонидан ёзилиб борилади. Муҳими, гуруҳнинг ечимининг асосланишини аниқлаштириб олишди. Агар вақт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни аргументлашда гуруҳлар бир-бирига савол ҳам беришлари мумкин. Кичик гуруҳларда ишлаш натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

Ушбу метод қўлланилганда ўқувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

Кичик гуруҳларда ишлаш методи қўлланилганда ўқитувчи бошқа ноанъанавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки ўқитувчи бир вақтнинг ўзида барча ўқувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб кела - ди;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча ўқувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методининг камчиликлари:

- кучсиз ўқувчилар бўлганлиги сабабли кучли ўқувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча ўқувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин.
- гуруҳ ичида ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методини қўллаш босқичлари:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Муаммодан бир-бирига боғлиқ бўл - ган масалалар белгиланади.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Ўқувчилар гуруҳларга 3-5 кишидан бў - линишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Ўқитувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва ўқитувчи томо - нидан йўналтириб турилади.
5. Кичик гуруҳлар тақдимоғ қиладилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

Юқорида билдирилган фикр мулоҳазалардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

1.Таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мус - таҳкам назарий билим, фаолият, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш давр тақозоси ҳамда ижтимоий зарурият сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

2.Таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадр - лар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди.

3. Янги педагогик технология назарияси гоъларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш ҳолатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади.

4. Баркамол шахс ва малакали мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқа - риш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Б.Л. Фарберман «Илғор педагогик технологиялар» Т. «ФАН», 2000 йил.
2. Н.Х. Авлияқулов «Замонавий ўқитиш технологиялари» Т. 2001 йил.
3. . А.Х Қосимов, Холиқова Ф. “Педагогик маҳорат ва Педагогик техноло - гия лар” Тошкент, ТАТУ 2004 йил.
4. Ў Толипов, М. Усмонбоева «Педагогик технология: назария ва амалиёт» «Фан» Тошкент. 2005 йил.
5. Аҳмадалиев А. М. проф., Қосимов А. Х. “Инновацион фаолият ва илғор педагогик технологиялар” Ўқув қўлланма 2006

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ЗАМОНАВИЙ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Раҳмонова Насибахон Юсуфжон қизи

Андижон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази ўқитувчиси

“Моддий ва маънавий ҳаётни уйғун ривожлантиришимиз керак. Мактаб бу борада асосий бўғин бўлиши лозим. Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур”.

Ш.Мирзиёев

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислохотлар негизида такомиллашиб бораётган, жаҳон андозаларига ҳамоҳанг таълим мазмуни ўз-ўзидан эмас, балки кўп минг сонли педагоглар тажрибаси, изланишлари ва уларнинг ижодий фаолияти орқали амалга ошади. Таълим ислохотлари янгича фикрловчи, асримизнинг шиддатли ахборот оқимида тўғри йўл топа оладиган, ахборотлардан ёш авлод таълим-тарбиясида, касб-ҳунар ўрганишида уларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда унумли фойдалана оладиган, изланувчан, креатив, замонавий ўқитувчини шакллантириш вазифасини қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль кунги ПФ-4947 сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги Фармони барча соҳаларда бўлгани каби таълим ислохотларини амалга оширишда дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрь кунги «Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қушимча чора-тадбирлар тугрисида»ги ПФ-5538 сонли Фармони, «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тугрисида»ги ПК-3931 сонли қарорларнинг қабул қилиниши бевосита Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифалар ижросини мантикий давом эттириш десак, муболаға бўлмайди.

Юқоридаги қонуности ҳужжатлардан келиб чиқиб, бугунги кунда таълимда янгича мазмун, янгича ёндашув кечаётганини қўрамиз. Сир эмаски, таълим мазмуни қанчалик янгиланмасин, мукамал ўқув дастурлари, дарсликлар яратилмасин, ўқув жараёни қанчалик жиҳозлар ва техника воситалари билан таъминланмасин, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлиги ўқитувчининг компетентлиги ва педагогик маҳоратига боғлиқ.

Шиддат билан ривожланаётган бугунги кун малака ошириш тизими олдида катта вазифаларни қўймоқда. Бу эса ўз навбатида таълим сифати ва мазмунини янги босқичга кўтариш учун ўқитувчиларнинг билими ва касбий компетентлигини, педагогик маҳоратини ривожлантириш, ҳар бир ўқитувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг малакасини оширишга бўлган эҳтиёж ва қизиқишларини ўрганиш, амалий қўмақ беришдан иборат. Ўқитувчилар малакасини ошириш учун ўқув жараёнини мақсадли ташкил этиш, таълимнинг шакли, услублари ва технологиясини танлаш йўли билан тингловчиларга таълим дастурларини ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш керак. Бунда малака ошириш жараёнини табақалаштириш, инновацион технологиялардан кенг фойдаланиш, курс тингловчиларига услубий ёрдам ва айниқса, ёш мутахассисларга алоҳида индивидуал ёндашган ҳолда таълим беришни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев: “Бизнинг фаолиятимиз энг муҳим конституциявий қоидага- ижтимоий адолат тамойилини таъминлашга қаратилиши шарт”²⁵ дея таъкидлаган. Ижтимоий адолат деганда, сиёсий қарашлари, ирки, жинси, ёши, миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъий назар, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлаш ва бу орқали фуқароларнинг таълим, тиббиёт ва бошқа соҳалардаги имкониятлар тенглиги тушунилади. Демографик жиҳатдан ёш давлат саналувчи Ўзбекистоннинг педагог кадрлари ичида ёш мутахассислар сон жиҳатидан кўпчиликни ташкил этишини алоҳида эътиборда тутишимиз шарт. Ўқитишни индивидуаллаштиришда курс тингловчиларининг қобилиятлари, истеъодлари, қизиқишлари, кадриятлари йўналиши ва шахсий тажрибасига эътибор қаратилади. Амалиётчи ўқитувчиларнинг ўзлаштиришда ва таълим олиш фаолиятида ўз-ўзини намоён эта олиш имкониятлари ҳисобга олинади.²⁶ Ёш кадрлар кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган катта ёшли ўқитувчилар олдида ўзларини тўла намоён қилишида бир қатор омиллар сабаб, ўз-ўзини ривожлантиришда бир қатор қийинчиликлар туғдиради.

Таълимни инсонпарварлаштириш – тингловчи, амалиётчи ўқитувчи учун унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий ҳамда шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш йўлларини топиш усули механизмидир. Таълим жараёнини бундай тамойил асосида ташкил этилиши тингловчи ва амалиётчи ўқитувчиларни эркин, мустақил, танқидий фикрловчи шахсга айлантиради, бу эса ўз навбатида, ўқитувчининг касбий компетентлигини оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқув машғулотида интерфаол методлар орқали тингловчиларни бир-бирлари билан очик мулоқотини таъминлаш - тажриба алмашишнинг муҳим шarti саналади. Бу усулларнинг самарадорлиги шундаки, очик мулоқот, дискуссияларда иштирок этган тингловчи ўзининг хато ва камчиликларини англаб етади ва уни тузатишга ҳаракат қилади. Ўқув машғулотида бу каби коррекцион ишларни амалга ошириш албатта, малака ошириш ҳудудий марказлари профессор-ўқитувчиларига катта масъулият юклайди.

Малака ошириш курслари тингловчиларининг тўлақонли малака оширишлари, энг аввало малака ошириш ҳудудий марказлари ўқитувчиларининг касбий компетентлиги ва малакаларига боғлиқ. Шундай экан, таълим мазмуни ва сифатини оширишда малака ошириш тизимининг вазифалари долзарб ҳамда масъулиятлигини ҳар бир профессор-ўқитувчи теран ҳис қилиши зарур. Зеро, ўзбек педагогикасининг ёрқин намоёндаси А.Авлоний таъкидлаганларидек: “Тарбия-биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, фалокат масаласидир”²⁷.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Ш.Мирзиёевнинг «Конституция –эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» номли маърузаси
2. И.Каримов.“Юксак маънавият-енгилмас куч” -Т: “Маънавият” 2008й.
3. Ш.Қ.Мардонов, В.Х.Ходжаев ва бошқалар “Ўқитувчилар малакасини оширишнинг инновацион-кадриятли йўналишлари”- Тошкент: “Фан ва технологиялар Марказининг босмаҳонаси” 2013 й.

РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА БИОЛОГИК ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Хонкелова Гулнора Амалдиқовна,

Сирдарё вилояти Сардоба тумани ...– мактаби 2-тоифали биология фани ўқитувчиси

Буюк Британия мактаб биологик таълимнинг ўзига хос жиҳатлари. Буюк Британияда 5 ёшдан 16 ёшгача таълим олиш мажбурий ҳисобланади. Аммо, чет эллик оила фарзандлари 7 ёшдан мактабга қабул қилинади. Таълим босқичлари: мактабгача таълим (3-5 ёш); бошланғич таълим (5-11 ёш); ўрта таълим (11-16 ёш); олий таълим.

Таълим тизими 2 тармоққа ажратилган: давлат бюджети ҳисобидан бепул таълим (state school) болаларнинг 93% и; хусусий, пуллик таълим (private school) - болаларнинг 7%и ўқийди.

7-11 ёшли болалар бошланғич мактаб (junior school ёки preporatory school) да ўқишади. Мактабда математика, инглиз тили, география, тарих, мусика ва санъат ўқитилади.

Асосий ўқитилаётган фанлардан Common Entrance Examination (CEE) – умумий кириш имтиҳонини тест синовлари кўринишида ва IQ топширилади.

11 ёшдан 16 ёшгача давлат ёки хусусий мактабларда ўқитиш ўқувчиларнинг GCSE (General Certificate of Secondary Education) – ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатнома ёки GNVQ (General National Vocational Qualification) — касбий малака ҳақидаги миллий гувоҳномани олишга қаратилган. 14 ёшдан 16 ёшгача ўқувчилар, одатда, 7-9 та фандан имтиҳон топширишга ва ўрта маълумот ҳақидаги сертификат GCSE ни олишга тайёрланишади.

Британия мактабларининг асосий вазифаларидан бири ижодий, ўзига ишонган, мустақил инсонни тарбиялашдир. Ўқувчилар таълимнинг махсус умумий циклини ўтиб бўлгач, имтиҳон (Common Entrance Examination) топширишади. Имтиҳондан муваффақиятли ўтиш юқори мактабга ўтишнинг мажбурий шarti саналади.

Мажбурий таълимдан сўнг 16 ёшли ўсмирлар иш бошлашлари ёки университетга ўқишга кириш учун ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Мактабда биологик таълимнинг мақсади ўқувчилар биология фанидан эгаллаган билим, малакаларини мактаб таълимнинг охириги босқичида намоён эти олишидир. Барча фанлардан ўқув мақсадлари ортиб борувчи қийинлик даражаси билан ифодаланади.

Буюк Британия биологик таълим тизимида ўқитиш натижасининг муҳим жиҳатларидан бири фанни ўзлаштирганлик даражаси саналади. Бу ўқувчиларнинг фанни нафақат ўқиш жараёнида, балки биология курсини тугатганларидан сўнг ҳам илмий тадқиқотларни ўтказишда тадқиқот методларини тўғри танлаш муҳимлигини англайдилар. Ўқувчилар мактаб даврида ўз ўқув тадқиқотларининг кузатиш натижалари юзасидан ҳисобот тайёрлайдилар, мактаб биология курсидан ўрин олган биологик ҳодисаларнинг далилларига танқидий фикр билдирадидилар, мазкур далилларга кўшимча далилларни мустақил топиш имконини берадиган усулларни тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, Буюк Британияда биология курсини ўқитишда интерфаол ўқитиш шакллари ва методлардан фойдаланилади. Зоология ва ботаникадан лаборатория ишларини ўтказишда компьютер технологиялари қўлланилади, чунки тажрибалар ўтказишда тирик препаратлардан фойдаланиш қонун томонидан таъқиқланган.

Финляндияда биологик таълим. 15 ёшли мактаб ўқувчиларининг табиий фанлардан саводхонлигини ўрганувчи PISA халқаро дастурининг 2012 йилги натижаларига кўра, Финляндия Хитой, Сингапур, Япониядан кейин 4-ўринни эгаллаган.

Финляндия Конституциясида мамлакатнинг ҳар бир фуқароси 7 ёшдан 17 ёшгача мажбурий таълим олиши белгиланган.

Фин таълимининг асосий жиҳатлари:

ўрта мактабда табақалаштирилган синфларнинг таъқиқланганлиги: тенг ёшдаги барча ўқувчиларга фанлар бир хил ўқитилади, ихтисослаштирилган, махсус синфлар йўқ.

индивидуал ёндашув (Финляндияда ҳар учта ўқувчининг биттаси алоҳида фанлардан у ёки бу шаклда махсус ёрдам олади). Бу эса кучли ва кучсиз ўқувчилар ўртасидаги тафовутларни қисқартиришга имкон беради.

ўқитишнинг умумий мақсади – жамиятнинг маънавий жавобгар аъзосини шакллантириш. Кундалик ҳаётда зарур бўлган билим, кўникмаларга алоҳида эътибор қаратилади.

таълимнинг миллий мақсадларини ва ҳар бир фанни ўқитишга ажратилган соатларни ҳукумат белгилаб беради. Барча педагоглар ягона миллий дастурни амалга оширадilar. Аммо ўқитиш методлари, усуллари, воситалари, ўқув қўлланмаларини танлашда уларга чегара қўйилмаган.

Финляндияда мажбурий таълим иккита босқичда амалга оширилади: бошланғич мактаб (Elementaryschool) 1-6-синфлар ва асосий умумий таълим (LowerSecondarySchool) 7-9 синфлар.

Асосий мактабни тамомлагач, ўқувчилар тугалланган умумий ўрта таълим берадиган гимназияда (3 йил) ёки касбий-техник ўқув юртида ўқишлари мумкин. (1-4 йил). Мактабда таълим ўртача ўқувчига, гимназияда эса ўқув дастури мураккаб бўлиб, кучли ўқувчиларга мўлжалланган.

Гимназияни тамомлашда ўқувчилар она тилидан (фин ёки швед тили), давлатнинг иккинчи тили чет тили, шунингдек, математика ёки ижтимоий фанлардан давлат имтиҳонларини ёзма ҳолда топширадilar. Фин ўқитиш тизимининг ютуқларини нейропедагогика принципларига мос келиши билан ҳам боғлаш мумкин.

Болаларни турли манбалар (интернет, китоблар)дан билимларни —эгаллашга ўргатилади, шунингдек, тадқиқот ва лойиҳалаш таълимининг турли шакл ва методларидан фойдаланилади.

Асосий мактабда биологияни ўқитиш қуйидагича амалга оширилади:

1-4-синфларда биология фани асослари —Атроф олам ва табиий фанлар (—Environmental and Natural Studies) доирасида ўқитилади. Бу интегратив курс бўлиб, география, физика, кимё фанидан тушунчаларни ва соғлиқни сақлаш юзасидан тавсияларни ўз ичига олган. Курс инсон ва табиатнинг барқарор тараққиёти асосларини ўрганишга йўналтирилган. Муаммоли ва тадқиқот дарсларини ўтказиш тавсия этилади. Курс ва унинг модулларининг мақсади ўқувчиларни уларни ўраб турган олам билан таништириш, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни тушунишдир. Ўқувчиларнинг атроф-муҳит, ўзларининг саломатликлари ҳақида эгаллаган билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишларига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар баҳоланмайди.

5-6-синфларда биология алоҳида фан сифатида ўқитилади (ҳафтасига 1 соат). Ҳаёт ва унинг ходисалари ўрганилади. Тадқиқот лойиҳасини бажарилиш сифатига кўра баҳоланади.

7-9-синфларда биология ва география фанлари ҳар ярим йилда навбат билан ўқитилади. 7- ва 9-синфларда ҳафтасига 2 соат, 8-синфда – 3 соат. Факультатив сифатида ҳафтасига қўшимча 2 соатдан ўтилиши ҳам мумкин. Фаннинг мазмуни модул тузилишга эга. Фанни ўқитиш ўрганиш ва прагматик моделларнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган.

Мазкур моделга кўра, ўқитувчи таълим олувчиларни илмий фактлар (баъзан турли илмий соҳа маълумотлари) дан ташкил топган дарсларда қатнашишга чорлайди, саволлар беради ва бу саволларга жавоб олади, шунингдек, лаборатория ишлари ўтказилади.

Юқори синфларда алоҳида фанлар ўқитилмайди. Табиий-илмий фанлар блоки бир-бири билан боғлиқ модуллар кўринишига эга. Ўқувчилар биологияни ўрганишда иккита мажбурий ва иккита ихтиёрий модулларни ўзлаштиришлари зарур. Битта модулни ўрганиш 5 ҳафтани ташкил этади.

Мактабдан ташқарида ўқитишга катта эътибор қаратилади. Болалар илмий-кўнгилочар марказларга масалан, Хелсинкидаги —Эврикага борадилар. —Эврикадаги барча экскурсиялар ва махсус лойиҳалар умумий таълим дастурларини тўлдиради. Бунинг учун педагоглар ҳамкорликда ишлайдилар: синфдан ташқари машғулотларнинг режасини биргаликда тузадилар ва мавжудларига тузатишлар киритишади. Таълим амалий йўналтирилган: болалар қизиқарли ўйин шаклида ахлатларни саралашни ўрганишади, музликларнинг эриши қандай оқибатларни келтириб чиқаришини кўришади, ҳайвонларда шартли рефлексларнинг ҳосил бўлишини кузатишади ва х.к.

АҚШ таълим тизимлари. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб АҚШда умумий ўрта таълимнинг мазмуни қайтадан кўриб чиқишмоқда, —стратегик фанлар (математика, кимё, физика, компьютер техникаси) ни ўқитишга кучли эътибор қаратилмоқда. Мактабларда ягона дастур мавжуд эмас. Бошланғич мактаб 6 йиллик, унда физика, кимё, география, астрономия, ботаника, физиология фанларининг маълумотларини қамраб олган табиатшунослик ҳафтасига 2 соатдан ўқитилади.

Бошланғич мактабнинг ўзига хослиги ўқув материалининг комплекс тузилганлигидир. Педагогикада билимларнинг интеграцияси марказий ўринни эгаллайди. Ўқув материалининг фан

кўринишидаги тузилмаси мавзулар мажмуаси ёки амалий вазифалар кўринишида дастур билан уйғунлашган. Дастурлар спирал тузилишига эга, яъни бир хил мавзулар ҳар бир синфда мураккаблашган ҳолда ўқитилади.

Барча синфларда табиатшунослик курсининг мавзулари рўйхати:

тирик табиат (ўсимликлар, ҳайвонлар);

ер (ҳаво, сув, об-ҳаво);

осмон (қуёш, ой, юлдузлар);

энергия шакллари ва машиналар (иссиқлик, товуш, ёруғлик ва ранг, магнитлар, электр токи, машиналар); одам (саломатлик, хавфсизлик).

Гигиена ва жисмоний тарбияга катта эътибор қаратилади: танани парваришлаш, тўғри овқатланиш, юқумли касалликлар, санитария, дам олиш ва уйқу, қад-қомат, кийим, хавфсизлик.

Умуман олганда, ўқув материалининг тор амалий йўналганлиги ва енгиллигини қайд этиш мумкин.

Кичик ўрта мактабда (7-9-синфлар) ягона ўқув режаси, дастурлар, дарсликлар мавжуд эмас, бироқ табиатшунослик мажбурий фанлар қаторига киради. Биология, умумий табиатшунослик 9-синфда танлов ўқув фанларига киритилган. Коллежда ўқимокчи бўлганлар 9-синфда биология ёки —Ер ҳақидаги фан, —Саломатлик ва жисмоний тарбия фанларини ўқийдилар.

Юқори ўрта мактаб (10-11-синфлар) ихтисослаштирилган, унда учта ўқитиш дастури бўлади: умумий, академик ва касбий. Умумий табиатшунослик бир йил давомида мажбурий фан сифатида ўқитилади.

Академик мактабларнинг 10-синфида умумий биология ўқитилади: систематика ва экологик муаммолар кўриб чиқилади, турли ҳайвонлар ва ўсимлик турлари, одам биологияси, шунингдек, ирсият ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳақида маълумотлар берилади. Эволюция ва ҳаётнинг пайдо бўлиши ўқитилмайди.

ТАЪЛИМГА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУРАТИ

Юлдошева Уғилой Рабимкуловна,

Гулистон шаҳар 16-мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Фан-техника асри ва жадал тараққий этаётган ҳаёт ўқувчиларда ўқув предметлари бўйича фақатгина билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишнинг ўзи етарли эмаслигини кўрсатмоқда. Бу қуйидаги ҳолатларда намоён бўлмоқда:

□ таълим муассасасини муваффақиятли битирган айрим ўқувчилар, ҳаётда кўп муваффақиятсизликларга учрайди;

□ олий таълим муассасини битириб янги ишга борган ёш мутахассис университет ёки институтда касбига оид билим ва кўникмаларни етарли даражада олган бўлса-да, иш жойига кўникиши узоқ вақт давом этади;

□ кўпинча мактаб ёки лицейда олинган билим ва кўникмалар тезда ҳал қилиниши керак бўлган ҳаётий вазиятларга тўғри келмайди ёки умуман ҳаётда керак бўлмайди.

Шунга кўра таълим жараёнига ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини бевосита кундалик ҳаётда қўллашга ўргатадиган компетенциявий ёндошувга асосланган ДТСларни яратиш ва таълим жараёнига қўллаш зарурияти юзага келди.

“Competence” сўзи “to compete” сўздан келиб чиққан бўлиб, “мусобақалашмоқ”, “рақобатлашмоқ”, “беллашмоқ” деган маънони билдиради. Сўзма-сўз таржима қилинса, “мусобақалашмоқга лаёқатлилик” маъносига келади.

Илмий педагогик, психологик манбаларда берилишича, *компетенция, компетентлилик* ўта мураккаб, кўп қисмли, кўпгина фанлар учун муштарак бўлган тушунчалардир. Шу боисдан унинг талқинлари ҳам ҳажман, ҳам таркибига кўра, ҳам маъно, мантиқ мундарижаси жиҳатидан турли-туман. Атаманинг моҳияти шунингдек "самарадорлик", "мослашувчанлик", "ютуқлилиқ", муваффақиятлилиқ", "тушунувчанлик", "натижалилик", "уқувлилиқ", "хосса", хусусият", "сифат", "миқдор" каби тушунчалар асосида ҳам тавсифланмоқда.

Компетенцияларнинг мазмуни ва моҳиятини ўрганишдан олдин, унинг фан ва турмушга кириб келишнинг қисқача тарихи билан танишайлик.

Биринчи босқич – 1960-1970 йиллар. Тилни ўрганишга доир дастлабки компетенциялар киритила бошланди. Бунда Д.Хаймс томонидан «коммуникатив компетенция» тушунчаси киритилади.

Иккинчи босқич – 1970–1990 йиллар. Компетенция/компетентлик категорияларидан тилни, айниқса иккинчи (она тилидан ташқари) тилни ўрганиш назарияси ва амалиётида, бошқаришда, раҳбарликда, менежментда профессионаллик ва мулоқотни ўрганишда фойдаланила бошланди. Бу пайтда «ижтимоий компетенция/компетентлик» тушунчасининг мазмуни ишлаб чиқилди.

Учинчи босқич –1990 ва кейинги йилларда компетенциявий ёндашув касбий таълимга, умумтаълим фанларига ва бошқа йўналишларда қўлланила бошланди .

Ўзбекистонда дастлаб Биринчи Президентимизнинг 2012 йилда имзоланган чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш тўғрисидаги фармонга мувофиқ илк бор компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ишлаб чиқилиб, 2013-2014 ўқув йилидан босқичма-босқич амалиётга жорий этила бошланди.

Компетенция бўлиши учун унинг структураси қандай бўлиши керак? Компетенциянинг структура компонентлари қуйидагилар:

- компетенциянинг номи;
- компетенция типи ва унинг умумий кетма-кетлигидаги ўрни (таянч, фанлараро, фанга оид);
- компетенциялар киритиладиган, реал фаолият кўрсатадиган объектлар доираси;
- компетенциянинг ижтимоий-амалий боғлиқлиги ва аҳамияти (у жамият учун нима сабабдан керак?);
- компетенциянинг шахсга нисбатан аҳамияти (нима сабабдан ўқувчи компетент бўлиши керак?);
- реал объектлар доирасига оид билимлари, кўникмалари ва малакалари;
- мазкур компетенция доирасида ўқувчининг фаолият кўрсатиши учун керак бўладиган минимал тажрибаси (ўқитиш босқичлари бўйича);
- индикаторлар – ўқувчи компетентлиги (ўқитиш босқичлари бўйича) даражасини аниқлаш учун ўқув ва назорат-баҳолаш топшириқлари намуналари, мисоллари.

Компетентлик – компетенцияларни қўллаш олишда инсон эга бўлиши керак бўлган минимал тажрибага эга бўлишдир. Буни ўқувчининг тайёргарлигига қўйиладиган талабларни шакллантиришда, ўқув жараёни ва дарсликларни лойиҳалашда эсдан чиқармаслик керак.

Таълимда компетенцияларнинг асосий функциялари қуйидагилар:

- ёш авлодни кундалик ҳаётга тайёрлаш бўйича талабнинг акс этиши;
- билим, кўникма ва малакаларини ҳамда фаолият усулларини комплекс ҳолда мақсадли қўллаш учун атроф-муҳитдан реал объектларни кўрсатиши;
- турли ўқув предметлари ва таълим соҳалари мазмунининг таркибий қисми бўлиши;
- конкрет масалаларни ечишда назарий билимларни амалиётда фойдаланиш билан боғлаш

Баъзи компетенциялар бошқаларига нисбатан умумий ёки аҳамиятлироқ бўлади. Шунга кўра уларни учта даражага бўлиш мумкин:

- 1) *таянч компетенциялар* – таълим мазмунининг умумий (метапредмет) қисмига тегишли;
- 2) *умумпредмет компетенциялари* – маълум доирага кирувчи ўқув предметлари ва таълим соҳаларига тегишли;
- 3) *предметга оид компетенциялар* – олдинги икки компетенцияларга нисбатан хусусий ҳисобланиб, ўқув предмети доирасида шакллантирилади.

Таянч компетенциялар ҳар сафар таълимнинг маълум бир босқичи ва белгиланган ўқув предмети учун аниқлаштирилади. Улар тўплам, меъёрий ҳужжатлар, ўқув ва методик адабиётлар, шунингдек, ўқувчиларнинг тайёргарлигини, шу билан бирга, уларнинг ижодий тайёргарлиги даражасини баҳолайдиган ҳужжатларни лойиҳалаш ва ёритиш учун характерловчи тўпламни белгилайди.

Она тилидан фанга оид компетенциялар (дастлабки лойиҳада)

- Муस्ताқил ва ижодий фикрлаш компетенцияси
- Нутқий (лингвистик) компетенция
- Социолингвистик компетенция
- Прагматик компетенция

Она тилидан фанга оид компетенциялар (тасдиқланган вариантда)

- Нутқий компетенция** (*тинглаб тушуниш, сўзлаш, ўқиш, ёзиш*):
- Лингвистик компетенция** (*фонетика, графика, орфоэпия, орфография, лексика, грамматика ва услубиятга оид*):

Адабиётдан фанга оид компетенциялар (лойиҳада)

- Адабий-нутқий компетенциялар.
- Бадиий асарни ўқиш, тушуниш ва тушунтириш компетенцияси.
- Бадиий асарни таҳлил (анализ, синтез) қилиш компетенцияси.
- Адабий билимларни амалиётда қўллаш компетенцияси.

Адабиётдан фанга оид компетенциялар (тасдиқланган вариантда)

- Адабий-нутқий компетенциялар.
- Бадиий асарни таҳлил (анализ, синтез) қилиш компетенцияси.

Хулоса қилиб айтганда, дарс машғулотларни олиб борадиган педагог ўқитувчи мазкур фандан компетентлик ёндашувига асосланган ДТС ва ўқув дастурини синчиклаб ўрганиб чиқиши керак. Бунда ҳар бир ўқув фани бўйича шакллантирилиши зарур бўлган таянч ва фанга оид компетенцияларни ўқувчилар ёши, психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда синфларга тақсимлаб чиқиши зарур.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ.

Абдуллаева Шахноза Мамарасуловна
2 – тоифали педагог

Бугунги кунда таълим жараёнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, президентимиз Ш. М. Мирзиёев 2020 йил 24 январда бўлиб ўтган маърузасида 2020 йилни “Илм – маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили деб эълон қилингани таълим жараёнига бўлган алоҳида эътиборни яққол намунаси ҳисобланади. Шу муносабат билан бугунги кунда юртимизда таълим соҳасида кўплаб ислохотлар олиб борилмоқда. Битирувчи ёшларни олий таълимга тўлиқ қамраб олиш бугунги кун педагоглари ва таълим соҳаси учун асосий мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун дарсда ўқувчи ва ўқитувчи ўзаро ҳамфикр бўлиши лозим. Нафақат дарс жараёнида, балки дарсдан ташқари машғулотларда ҳам ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши лозим. Ўқувчини кўпроқ мустақил фикрлашга ўргатиш керак. Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка хусусан, ўқувчини мустақил фикрлаши ва дунёқараши бойишига олиб келади. Бу методларни ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда уни таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирадиган турли-туман методлар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси ўсишига олиб келади.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Интерфаол таълим методлари ҳозирда энг кўп тарқалган ва барча турдаги таълим муассасаларида кенг қўлланаётган методлардан ҳисобланади. Шу билан бирга, интерфаол таълим методларининг турлари кўп бўлиб, таълим-тарбия жараёнининг деярли ҳамма вазифаларини амалга ошириш мақсадлари учун мослари ҳозирда мавжуд. Амалиётда улардан муайян мақсадлар учун мосларини ажратиб тегишлича қўллаш мумкин. Бу ҳолат ҳозирда интерфаол таълим методларини маълум мақсадларни амалга ошириш учун тўғри танлаш муаммосини келтириб чиқарган.

Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантириб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Интерфаол методлар деганда – таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади.

Ўқув жараёни сифатини оширишда мустақил таълимнинг роли сўзсиз катта. Педагогдан тайёр маълумот олгандан кўра мустақил фаолият жараёнида олган билимни ўзлаштириш нисбатан анча яхши натижа беради. Мустақил таълимнинг самарали бўлиши учун қуйидаги усул ва воситалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: кластер, суҳбат, баҳс, тоифалаш жадвали, пинборд, инсерт, «Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим» жадвали, Т-жадвал, Венн диаграммаси, Тушунчалар тахлили, “Излаб топ” “Кунгабокар”, “Тескари тест”, «Нима учун?», балиқ скелети ва бошқалар. Ўқувчилар ўқув жараёнида мустақил фаолият олиб бориш учун педагогдан қуйидаги тайёргарлик ишлари олиб бориш талаб қилинади: фан бўйича ўқув-услубий мажмуа тайёрлаш ва ўқитиш муҳитини лойиҳалаш; ўқув дастурини яхшилаш, яъни мустақил иш мавзуларини киритиш, мустақил ишни мустақил таълимга намунавий топшириқларни киритиш билан мунтазам равишда назорат қилиб бориш; ўқувчиларнинг ҳар томонлама билимдонлиги, малакавий билимини ривожлантириш; ўқувчи мустақил ишни бажараётганда қанча соат ва балл берилишини ҳисоблаш; ўқитишнинг усул ва воситаларини кўрсатган ҳолда технологик харита ишлаб чиқиш. **Интерфаол метод-бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс-мунозарада фикрлаш асносида, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишдир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлайди.**

Ҳозирги даврда таълим тизими олдида қўйилган вазифаларни бажариш, ўқувчиларнинг мустақил равишда ўқув материалларини ўзлаштириши, уларнинг касбий ўсишини рағбатлантириш, уларда ижодий фаолликни тарбиялашда педагогларнинг масъулиятини ошириш зарур. Ўқувчи ва педагог мустақил таълим уларнинг манфаати учун олиб борилишини тушуниши керак. Ўқувчи бажараётган мустақил иш педагоги учун эмас, балки ўзи учун, унинг келажакдаги муваффақиятини таъминлашининг асосий омили эканлигини тушуниши керак. Ўқувчи дарсда олаётган билими натижасига ўзи масъуллигини англаши зарур. Зеро бугунги кун таълимига ҳам қўйилган асосий талаб ҳам шудир. Педагог эса мустақил таълим фақатгина ўқувчи учун эмас, балки ўзи учун ҳам керак эканлиги, ўзини ишини осонлаштириш, мустақил фикр юрита оладиган ўқувчилар билан мулоқотда бўлиб, ўз билимини бойитиш ва келажда хизмат поғоналарида

ўсишини таъминлашини англаши лозим. Шу билан бир қаторда, педагогнинг ўқув жараёнида ўқувчилар билан ҳамкорлиги, уларнинг мустақил таълимга ишончини шакллантириши, ўқитишнинг янги педагогик технологиялардан фойдаланаётганини кўрсата олиши, маърузаларни аънанавий, яъни фақатгина маълумот бериш билан чегараланмасдан, балки муаммоли интерактив усулда олиб бориши дарс жараёнида кутилаётган ижобий натижаларга олиб келади.

Мустақил таълимни фаоллаштирмасдан мактабларда ўқувчиларни самарали ўқитишни кўз олдимизга келтириш кийин. Ҳозирги давр мутахассисдан юқори даражадаги тайёргарлик, мустақил равишда қарорлар қабул қила олиш, белгиланган вазифаларни бажариш учун кўп маълумотлар орасидан кераклигини танлаб олиш ва бу маълумотларни қайта ишлай олиш талаб қилинади. Таълим соҳасига қанча кўп эътибор қаратилса, жамиятнинг маънавий соҳасида шунчалик кўп ўзгариш бўлади. Шундай экан, ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлаш учун ўқув жараёнини ташкил этишни жиддий равишда ўзгартириш керак, яъни дарс соати, фақат маъруза машғулоти билан кифояланмасдан, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш тарзини кенгайтириш учун дарс сифати ва самарадорлиги салмоғини ошириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. “Янги педагогик технология асослари” Х.Тўраев К.Эшқувватов Ф.Бойназаров Т. 2007й
2. “Янги педагогик технологиялар” Р.Жўраев Б.Раҳимов Ш.Холматов “Фан” нашриёти 2005й
3. “Интерактив методларни қўллаш усуллари” Бекматова У.Т. Г. 2010й.
4. www.tdi/uz/
5. www/ziyonet/uz/

BIOLOGIYA FANINI O‘QITISHDA “ASSESSMENT” VA “VEEN DIAGRAMMASI” METODLARIDAN FOYDALANISH

*Raxmonov Jonibek Rustamovich
Guliston davlat universiteti
IV bosqich talabasi*

Anotatsiya Ushbu maqolada biologiya fanini o‘qitishning samarali metodlari bo‘lgan “Assesment” va “Venn diagrammasi” haqida ma‘lumotlar berilgan.

Kalit so‘zlar Assesment, amfilikatsiya, biotexnologiya, bioinformatika, Venn diagrammasi

O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini mazmunan yangilash, axborotlar globallashtirish bir davrda mazkur ta’lim tizimida pedagogik faoliyat o‘qituvchilarning ta’lim-tarbiya jarayonini tashkil etishni modernizatsiyalash, mazkur jarayonga innovatsion texnologiyalarni qo‘llashga oid metodik bilim, ko‘nikma va malakalarini yangilash bugungi kunning dolzarb muammolaridan biri sanaladi.

Biologik fanlar bo‘yicha zamon talablariga javob beradigan innovatsion texnologiyalarga asoslangan mashg‘ulotlar ishlanmasi va texnologik xaritalarni loyihalashga o‘rgatish dasturning asosiy maqsadini belgilab beradi.

SHuning uchun dars jarayonida biz turli metodlardan foydalanishimiz mumkin.

“Assesment” metodi

Metodning maqsadi: mazkur metod ta’lim oluvchilarning bilim darajasini baholash, nazorat qilish, o‘zlashtirish ko‘rsatkichi va amaliy ko‘nikmalarini tekshirishga yo‘naltirilgan. Mazkur texnika orqali ta’lim oluvchilarning bilish faoliyati turli yo‘nalishlar (test, amaliy ko‘nikmalar, muammoli vaziyatlar mashqi, qiyosiy tahlil, simptomlarni aniqlash) bo‘yicha tashhis qilinadi va baholanadi.

Metodni amalga oshirish tartibi: “Assesment” lardan ma’ruza mashg‘ulotlarida tinglovchilarning mavjud bilim darajasini o‘rganishda, yangi ma’lumotlarni bayon qilishda, seminar, amaliy mashg‘ulotlarda esa mavzu yoki ma’lumotlarni o‘zlashtirish darajasini baholash, shuningdek, o‘z-o‘zini baholash maqsadida individual shaklda foydalanish tavsiya etiladi. SHuningdek, o‘qituvchining ijodiy yondashuvi hamda o‘quv maqsadlaridan kelib chiqib, assesmentga qo‘shimcha topshiriqlarni kiritish mumkin.

Namuna. Har bir katakdagi to‘g‘ri javob 5 ball yoki 1-5 balgacha baholanishi mumkin.



Венн диаграммаси методи

Metodning maqsadi: Bu metod grafik tasvir orqali o'qitishni tashkil etish shakli bo'lib, u ikkita o'zaro kesishgan aylana tasviri orqali ifodalanadi. Mazkur metod turli tushunchalar, asoslar, tasavurlarning analiz va sintezini ikki aspekt orqali ko'rib chiqish, ularning umumiy va farqlovchi jihatlarini aniqlash, taqqoslash imkonini beradi.

Metodni amalga oshirish tartibi:

- ishtirokchilar ikki kishidan iborat juftliklarga birlashtiriladilar va ularga ko'rib chiqilayotgan tushuncha yoki asosning o'ziga xos, farqli jihatlarini (yoki aksi) doiralari ichiga yozib chiqish taklif etiladi;
- navbatdagi bosqichda ishtirokchilar to'rt kishidan iborat kichik guruhlariga birlashtiriladi va har bir juftlik o'z tahlili bilan guruh a'zolarini tanishtiradilar;
- juftliklarning tahlili eshitilgach, ular birgalashib, ko'rib chiqilayotgan muammo yohud tushunchalarning umumiy jihatlarini (yoki farqli) izlab topadilar, umumlashtiradilar va doirachalarning kesishgan qismiga yozadilar.

Намуна: Ўсимликлар биотехнологияси тушунчаси ва унинг тарихи. Фан сифатида ривожланиши



Bu metodlardan bob tugashida, organizmlarning o'xshashlik va farqlarini aniqlashda, bundan tashqari organizmlarning ichki va tashqi tuzilishini o'rganishda qo'llashimiz mumkin. Hozirgi kunda dars jarayonlarini qiziqarli va samarali o'tkazishda zamonaviy metodlardan foydalanish yuqori samara berayotganligini kuzatish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Kompetensiyaviy yondasuvga asoslangan Davlat ta'lim standarti va oquv dasturi; Biologiya, Toshkent-2017 y
2. A.G'ofurov, A. Abdulkarimov va J.Tolipova Biologiya 10-sinf darsligi. "O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi, Toshkent, 2017 y
2. A.G'ofurov, A. Abdulkarimov va J.Tolipova Biologiya 11-sinf darsligi. "O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi, Toshkent, 2018 y
2. A.G'ofurov, A. Abdulkarimov va J.Tolipova Biologiya 11-sinf darsligi. "O'zbekiston" nashriyot-matbaa ijodiy uyi, Toshkent, 2019 y
5. www.ziyounet.uz

БИОЛОГИЯ ФАНИДАН МАЪРУЗА ДАРСЛАРИ ЖАРАЁНИДА АУДИТОРИЯНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ҲАҚИДА

М.А. Турдимуродова – СамДУ Биология
факультети 3 – босқич талабаси

Аннотация: Мақолада биология дарсларида аудиторияни фаоллаштириш билан bogliq masalalarning dolzarbligi va bu masalani echişda ma'ruzachining шахс сифатлари ва педагогик қобилияти билан bogliq masalalar ёритилган. Аудиторияни фаоллаштиришда руҳий фаолиятнинг маълум объектга йўналганлиги жуда муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, маъруза давомида талабаларнинг эътиборини тортадиган турли ҳолатлар, маърузачининг ташқи кўриниши, унинг овози, айрим сўзларни талаффуз қилишдаги хатоликлар, хонанинг харорати, уяли алоқа телефониинг ишлаб кетиши ва бошқалар муҳим ҳисобланади.

Калим сўзлар: Дарс жараёни, шахс сифатлари, педагогик қобилият, эмоционал ҳолат, руҳий фаолият, биология дарслари, педагогик технология, тақлид қилиш, ахборот технологиялари, интерфаол усуллар, ишонтира билиш.

Охириги йилларда маъруза дарсларида янги ва замонавий таълим технологияларини ва интерфаол усуллардан ўқув жараёнида фойдаланиш орқали ўқув жараёни самарадорлигини оширишга эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, дарс жараёнида аудиторияни фаоллаштириш орқали дарс сифатини оширишга қаратилган муҳим талаблар ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу масалани ечишда, айниқса, аудиторияни бошқаришда маърузачининг шахс сифатлари ва педагогик қобилиятларига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Маърузачи биология дарсларида аудиторияда кўзланаётган мақсадга эришиш учун талабаларни маъруза давомида бошқара олиши лозим. Бунинг учун талабаларнинг эмоционал ҳолати муҳим ўрин тутди. Чунки, биология дарсларида турли ҳис-ҳаёжонларни келтириб чиқарувчи қатор ҳолатлар мавжуд.

Биология дарсларида ёритилаётган муаммони тўлиқ очиб бериш учун маърузачи талабаларда ушбу муаммога нисбатан, ахлокий, интеллектуал, эстетик ҳис-ҳаяжон ҳосил қила билиш лозим. Бу усул кўзланган мақсадга тез эришиш имконини беради. Демак, маърузани ўтказишдан кузланган мақсадга эришишда мақсадга мувофиқлик ва эмоционал таъсирнинг биргалиқда олиб борилиши муҳим аҳамиятга эга.

Дарс давомида маърузачига тингловчи – талабаларнинг қуйидаги ҳолатлар и салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу жумладан, киришимлилиқнинг сустлиги - аудиторияда маърузачи билан талабалар ўртасида узвий алоқанинг ўрнатилиши, талабаларда маъруза давомида олаётган биологик ахборотларга тўсқинлик қилувчи ҳар хил ҳаёллардан тияди. Агар талабанинг киришимлилиги суст бўлса, у бутун вужуди билан аудиторияни ҳис қила олмайди, бутун вужуди билан маърузачини тингламайди, ўз ҳаёлларига, ақидасига ўралашиб ўтираверади, натижада унинг маърузанинг ўзлаштириш қобилияти кескин камаяди.

Замонавий педагогик маълумотларга қараганда, инсон ўз фикрини сўз орқали баён қилишга қараганда тахминан тўрт баробар тезроқ фикрлайди. Маърузачининг гапларини эшитаётган талабаларда, ҳар доим бу сўзларни таҳлил қилиб олишдан ташқари фикр юритиш имкони ҳам мавжуд бўлади. Бу фикр эса талабани маърузадан чалғитади ва унинг фикр юритиш қобилиятини кескин камайтиради. Бу ҳолатни олдини олишга қаратилган жараён эса диққат ҳисобланади.

Диққат - бу руҳий фаолиятнинг маълум объектга йўналганлигидир. Маъруза давомида талабаларнинг эътиборини турли хил ҳолатлар чалғитиши мумкин. Масалан, биология дарсларидаги турли ҳолатлар, маърузачининг ташқи кўриниши, унинг овози, айрим сўзларни талаффуз қилишдаги хатоликлар, хонанинг харорати, уяли алоқа телефониинг ишлаб кетиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Маълумки ҳар бир талаба кўпинча ўзларининг нуқтаи назарларига эга бўладилар ва бунга каттик ишонадилар. Шунинг учун ўзларининг нуқтаи назарларини «химоялайдилар» ёки химоялашга ҳаракат қиладилар. Бу талабаларда аудиторияга кириша олмаслик ёки эътироз билдириш, ёки маъруза давомида гап

кестириб қўйиш тарзида намоён бўлади. Маърузачининг бу эҳтиёжни қондирмаслиги талабаларнинг маърузачига бўлган эътиборини сусайтиради. Шунинг учун бу каби ҳолатни эътиборсиз қолдириш педогогик нуқтаи назардан тавсия этилмайди.

Ҳар бир юқори малакали педагог ўз маъруза дарслари давомида аудиторияни бошқаришга, талабалар билан биргаликда фикр юритишга йўналтирилган педагогик технологиялардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилиши жуда муҳим ҳисобланади. Бунда маърузачининг асосий вазифаси талабаларни жипслаштириш, уларнинг эътиборини маърузага жамлашга ҳалал берувчи барча таъсирлардан ҳалос этишдан иборат. Аудиторияни бошқаришда маърузачига ижобий қўмақ берувчи юқтириш, тақлид қилиш ва ишонтириш каби ижтимоий-психологик усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Юқтириш - кишиларни онгсизларча, ўзлари истамаган ҳолда маърузачи билан бирга ёритилаётган муаммога ҳамфикр, ҳамдард бўлиб қолишга олиб келади. Бу бир шахснинг руҳий кайфиятини бошқа шахсга қўчириш орқали амалга оширилади.

Мақсадга эришиш учун маърузачи биология фанидан юқори даражали билимга эга булиши, биологиядан қўпчиликни қизиқтирувчи мисоллар келтириши, кишиларни кайфиятини инобатга олиши, биологик жонли мисоллар ва экспонатлардан самарали фойдаланиши зарур.

Тарихий маълумотларда келтирилишига қўра **тақлид қилиш** усулидан қадимда ҳам кенг фойдаланиб келинган. Тақлид қилиш бу – кишилар томонидан ўзини тутиши, ташқи қўриниши, қилиқларини кимгадир ўхшатиш ҳолати ҳисобланади. Маърузачи ўзининг малакасини ҳисобга олган ҳолда бирор намунавий кимса ёки биологик мисолни ҳисобга олган ҳолда қайтариши мумкин.

Шундай қилиб, юқтириш ва тақлид қилиш талаба ва маърузачи ўртасидаги хис-ҳаяжонни кучайтиради. Бу эса аудитория томонидан ахборотларнинг яхши ўзлаштирилишига ёрдам беради. Айниқса, аудитория ва маърузачи ўртасидаги боғлиқликни мустаҳкамлайди ва ўқув жараёнининг самарадорлигини оширади. Талабалар билан юқори даражада барқарор алоқа ўрнатиш, ишонтириш ва уларнинг онгига сингдириш орқали амалга оширилади. Чунки, булар аудиториядаги гуруҳ талабаларини бошқаришнинг руҳий усули ҳамда, фикрларни шакллантиришнинг педогогик усулидир.

Шундай усуллардан бири ишонтириш ҳисобланади. **Ишонтириш** - асосан шахсга сўз орқали таъсир этиб амалга оширилади. Ундан мақсадга интилган ҳолатда аниқ бир натижа олиш мақсадида фойдаланиш лозим. Бу усул коммуникацион таъсир бўлиб, танқидга асосланмаган, исбот талаб қилмайдиган ахборот қабул қилишга асосланган.

Ишонтириш самараси икки омилга асосланади, биринчи омил ишонишга таъсирчанлик ва берилувчанлик бўлса, иккинчи омил эса - ишонтира билишдир.

Ишонтириш самараси инсонларнинг ёшига ва руҳиятига, аудиториянинг кайфиятига боғлиқ. Демак, биология дарслари жараёнида аудиторияни фаоллаштириш усуллари ахборот технологияларини ўқув жараёнига кенг жорий этилаётган бугунги кунда айниқса, долзарб бўлмоқда. Педагогик технологияларни янги ва замонавий турларидан унумли фойдаланиш, талабаларнинг шахсий қобилиятларини эътиборга олиш аудиторияни фаоллаштиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Демак, биология маъруза дарсларида аудиторияни фаоллаштириш орқали ўқув жараёнини самарадорлигини ва талабаларнинг фоллигини ошириш, янги таълим технологияларидан унумли фойдаланиш ва ахборот технологияларини кенг жорий қилиш имконияти янада оширади.

Адабиётлар

1. Мухиддин Болиев „ Та’лимий педагогик технологиялар ” Услубий қулланма. Самарқанд-2018й.
2. Тахтоходжаева М., Педагогика назаряси “ Тошкент-2006й.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР

*Нуралиева Наргиза
СВХТХКТМОМ катта ўқитувчиси*

Бугунги кунда инсоният жамияти, шунингдек, мустақил республикамиз халқи олдида турган ижтимоий-иқтисодий, гоявий-сиёсий, таълимий-тарбиявий муаммоларнинг ечимини топиш табиий, ижтимоий, техник фанларни узаро алоқадорлиги ва узаро муносабатларига боғлиқ. Чунки, уларнинг барчаси моҳияти, мазмуни, табиати, шакли ва қуламига кура тизимлилик характериға эға бўлиб, уларға айнан мос ёндашув ёрдамида тадқиқ этилиб, ечими топилади. Бу уз навбатида таълим-тарбия ишида ҳам тизимли ёндашувдан фойдаланишни кузда тутуди.

Илмийлик нўқтаи назаридан олиб қараганда интеграциянинг асосини оламнинг яхлитлиги ва уни ташкил этувчи қисм (элемент)ларнинг узаро алоқадорлиги, муносабатлари ташкил этади. Таникли рус психологик олими Г.С. Костюкнинг фикрича: "Табақаланиш дифференциация - руҳий жараёнлар ва ҳолат (хусусият)ларни қупайишиға олиб қелса, интеграция -тартибға қелтириш, субординация ва унинг натижаларини маълум қетма-қетликда жойлаштиришға олиб қелади. Интеграциялаш йули билан янги психологик жараён, янги фаолият тузилмаси ҳосил булади. Бу янги тузилма илгари алоҳида-алоҳида булган элементлардан синтезлаш йули билан ҳосил қилинади". Генетик жихатдан интеграция-узвийлик,

предметлараро алокадорлик, узаро алокадорлик ва нихоят узаро бир-бирини тулдирувчи, кенгайтирувчи ҳамда чўқурлаштирувчи.

Дифференциал таълим. Ривожланган мамлакатларда оммавий урта мактабларнинг яратилиши таълим-тарбия дифференцияси муаммосини янада кескинлаштирди. Бундай ҳолат умумий таълим диверсификациясининг сифат даражаси бошқача тизим заруратини келтириб чиқарди. Ўқувчиларнинг икtidори, кизикиши, узлаштиришига кура дифференциал тайёргарликни кучайтириш ва мураккаблаштириш - замонавий мактабнинг глобал йуналишига айланди. Турли давлатларда масалан:

Америка Кушма штатларида таълим тизимининг тузилиши куйидагича:

- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;
- 1- 8 - синфларгача булган бошлангич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);
- 9-12 - синфлардан иборат урта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача булган болалар таълим оладилар). У куйи ва юкори боскичдан иборат.

Америка Кушма Штатларида навбатдаги таълим боскичи олий таълим булиб, у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунлардир. АКШда мажбурий таълим 16 ёшгача амал килади. Бу мамлакатдаги ўқув юртлари давлат, жамоа тасарруфида, хусусий ва диний муассасалар ихтиёрида булиши мумкин.

Америкада 3 ёшгача булган болалар тарбияси билан оналар шугулланадилар, лекин уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. 5 ёшдан эса «Киндер гарде» деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади. Бошлангич мактаб 6 ёшдан то 13- 15 ёшгача булган болаларни камраб олади. Бу бошлангич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йуналтириш вазифалари хал этилади. Синфдан-синфга кучиш ўқувчининг узлаштирганлик даражасига боғлиқ. Бошлангич таълим турли штатларда турлича белгиланган (4, 5, 6, 8 йил). Мактабларда турли хил тугараклар, учрашувлар, шоулар ва саёхатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тулаш лозим. Урта мактаблар куйи ва юкори боскичлардан иборат. 9 -синфни битирган талабалар танлов асосида урта мактабга қабул қилинади. Урта мактабларда турт йуналишда касб-хунар асослари бериб борилади.

1 - касб-хунар таълими, 2 - бизнес таълими, 3 - савдо ва саноат таълими ҳамда 4-қурилиш таълими. Олий таълим 4 асосий боскичда амалга оширилади.

1-кичик мутахассис - 2 йиллик коллежларда амалга оширилади. 2-бакалавр 4 йиллик коллежларда , 4 йиллик коллеж ёки дорифунунни тугатган 3-боскични давом эттириши мумкин. Бу 1-2 йиллик магистр мактаби. 4 -боскич эса докторантура. Олий таълимда икки йуналиш мавжуд: 1-таълимни индивидуаллаштириш; 2-талабанинг мустақил ишлашини амалга ошириш.

Канадаликларнинг энг муҳим ютўқларидан бири - бу уларнинг таълим тизимидир. Илғор университет ва коллежлардаги таълим сифати жуда юкори ва Канада дипломлари бутун дунёда тан олинади. Халқаро рейтингда Канада таълими АКШдан кейин иккинчи уринда туради.

Канаданинг турли провинциялари ўқув режаларида узига хосликлар қуринади. Масалан, Квебек, Онтарио, Манитоба мактабгача муассасада мактабга тайёрлаш 2 йил, 4 ёшдан 6 ёшгача, Алберт ва Британ Колумбиясида 1 йил. Ўқув йили сентябрнинг биринчи хафтасидан бошланади ва июннинг охириги хафтасида тугайди. Канада мактабларида таълимнинг уртача давомийлиги 12 йилни ташкил қилади.

6-7 ёшдан болалар бошлангич мактабга катнай бошлайди ва унда 6 йил таҳсил олишади. Манитоба ва Онтарио бошлангич мактабларида ўқиш бошқа провинциялардан кура 2 йил куп давом этади. 12 ёшдан болалар урта мактабга утишади ва 16-18 ёшгача ўқишади. Квебек провинциясида урта таълим 11 синф давом этади, университетда ўқишни хоҳлаганлар эса яна 2 йил коллежга тайёрлов булимида ўқишади.

10-12 синфлар HighShool -олий мактабда олиб борилади. Бу ердаги "олий мактаб" тушунчаси олий таълимга тегишли эмас, у Россиядаги урта таълимга ухшаш. Олий мактабда ўқиш урта таълим каби мажбурий эмас. Бу таълим турли учта мураккаблиқдаги дастур асосида олиб борилиб, ўқувчиларни меҳнат фаолияти билан шугулланишга, коллежга ёки университетда ўқишни давом эттиришга тайёрлайди.

Коллежлар асосан, 2 ёки 3 йиллик дастур асосида, баъзан бакалаврият дастури буйича таҳсил беради. Улар асосан урта махсус таълим тугрисида диплом ёки сертификат беради. Шу билан бирга, айрим провинцияларда ижтимоий коллежлар фаолият курсатиб, улар битирувчиларга диплом бермайди. Балки, мактаб ва университет уртасида утиш боскичи булиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: Schol Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.
2. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.
3. Муталипова М.Ж., Ходжаев Б.Х. Қиёсий педагогика.-Т: 2015й

O'QISH TURLARI VA ULARDAN FOYDALANISH TEXNOLOGIYASI

*Yaxshilikova Gulnora Berdikulovna,
Mirzaobod tumani 5-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Boshlang'ich sinflarning o'qish darslari o'z mohiyati, maqsad va vazifalariga ko'ra ta'lim tizimida alohida o'rin tutadi. Negaki uning zaminida savodxonlik va axloqiy-ta'limiy tarbiya asoslari turadi. Shuning uchun ham boshqa fanlar ta'limini o'qish ta'limisiz tasavvur qilib bo'lmaydi.

O'quvchi matni to'g'ri, tez, tushunib o'qish, mazmunini o'zlashtirish bilan ilk bor o'qish darslarida yuzlashadi. O'qish darslari orqali o'quvchilarning Davlat ta'lim standard (DTS) talablari bo'yicha o'zlashtirishlari ko'zda tutilgan o'quv-biluv ko'nikma-malakalari hamda bilimlarni egallashga yo'l ochiladi. O'qish darslarida insonning, avvalo, o'zligini, qolaversa olamni anglashga bo'lgan intilishlariga turtki beriladi.

Shu maqsadda „O'qish kitobi“ darsliklariga ona tabiat, atrofimizni o'rab turgan olam, Vatanimiz tarixi va bugungi qiyofasi, kattalar va bolalar hayoti, mehnatsevarlik, istiqloq va milliy-ma'naviy qadriyatlar, xalqlar do'stligi va linchlik kabi turli mavzular bo'yicha atroflicha tushunchalar berishga mo'ljallangan badiiy, axloqiy-ta'limiy, ilmiy- ommabop asarlar kiritiladi.

O'qish darslari savod o'rgatish davrida o'quvchilarni bo'g'in, so'z va gaplar bilan tanishtirish va ularni o'qish, rasmlar asosida hikoya qilish tarzida uyushtirilsa, o'qish texnikasi egallangandan so'ng o'qish muayyan mavzular bo'yicha tanlangan badiiy, ilmiy-ommabop matnlar yuzasidan olib boriladi.

Boshlang'ich sinf „O'qish kitobi“ darsliklariga kiritilgan muayyan mavzular o'quvchilarni badiiy adabiyotning sehrli olamiga olib kirishi, dunyoqarashlarini milliy istiqloq mafkurasi asosida to'g'ri shakllantirishga qaratilishi bilan bejilganadi. Shunga ko'ra, o'qish darslarining yetakchi xususiyati o'quvchilarning savodxonligini ta'minlash bilan birga, o'quvchilarni milliy mafkura asosida yuksak axloqiy qadriyatlar ruhida tarbiyalashga qaratiladi.

Boshlang'ich sinflarning o'qish darslarida o'rganiladigan asarlarning mavzu doirasi ancha keng bo'lib, ular ona tabiat, yil

(M.Shayxzoda), „*Xarita*“ (N.Norqobil) kabi asarlar misolida atroflicha tahlilga tortiladi.

Ijtimoiy- fasllari, xalq og'zaki ijodi, mehnatga muhabbat, asosiy bayram sanalari, milliy istiqloq va ma'naviyat kabi umumiy mavzular doirasida birlashtirilgan.

O'qish darslari uchun tanlangan mavzular o'quvchilarga kundalik hayot, mustaqillikni mustahkamlash va insoniy munosabatlar bo'yicha ham bilim va tarbiya berishni ko'zda tutadi. Bular ichida istiqloq, vatan, ma'naviyat va tabiat haqidagi mavzular alohida ajralib turadi. Ulardan ko'zlangan maqsad o'zlikni anglash, istiqloq, vatan va tabiat bilan bog'liq tuyg'ularni uyg'otishdir. Vatandarlik, atrofimizdagi olam, mehnatsevarlik kabi mavzular o'qish darsliklaridagi keng qamrovli mavzulardan bo'lib, 2-sinf „O'qish kitobi“dagi „*Ona yurtim-oltin beshigim*“ bo'limiga kiritilgan „*O'zbekistonim*“ (H.Imonberdiyev), „*Istiqloq*“ (J.Jabborov), „*Yur tog'larga*“ (U.Nosir), 3-sinfda „*Ona bitta, Vatan yagona*“ bo'limidagi „*Vatan haqida she'r*“ (A. Avloniv), „*O'zbekim*“ (E.Vohidov), „*Vatan mo'tabardir*“ (X. Davron),

„*Bilib qo'yki, seni Vatan kutadi*“ (T. Malik), 4-sinfda „*O'zbekiston—Vatanim manim*“ bo'limidagi „*Serquyusho'lka*“ (Z. Diyor), „*Iqbol buyuksan*“ (A. Oripov),

„*Toshkentnoma*“ tarixiy mazmundagi mavzu Vatanimiz o'tmishi, xalqimiz hayoti, mardonavor kurashi, ulug' siymolar tomonidan amalga oshirilgan ishlar, tarixiy sanalar to'g'risida muayyan tasavvur beradi. Beruniy, Amir Temur, Alisher Navoiy, Bobur va boshqa ajdodlarimiz haqidagi matnlar shular jumlasidandir. Bu xildagi asarlar

o'quvchilarni faqat o'tmishimiz bilan tanishtirib qolmasdan, Vatan oldidagi farzandlik burchi va mas'uliyatini teran anglashga ham yordam beradi. Ularda Vatanga muhabbat tuyg'usi shu tariqa shakllanadi. Vatanimiz o'tmishi haqida hikoya qilingan asarlar bilan tanishish va ularni tahlil qilish jarayonida o'quvchilar o'tmish bilan bugungi kunni taqqoslash imkoniga ega bo'ladi, jamiyat taraqqiyoti xususida qisqacha bo'lsa-da, tushuncha hosil qiladilar. Bu borada ayniqsa milliy istiqloq bilan bog'liq H. Imonberdiyevning „*O'zbekistonim*“,

J. Jabborovning „*Istiqloq*“ (2-sinf), A. Rustamovning „*Bayroq nima?*“, A. Obidjonning „*O'ktam avlod*“ (3-sinf), S.Barnoyevning „*Mangulikka tatigulik kun*“, E. Malikovning „*Assalom, Neksiya!*“ (4-sinf) mavzusidagi asarlari yaqindan yordam beradi.

Tabiatga oid mavzular yordamida o'quvchilar tabiatdagi o'zgarishlar, yil fasllarining almashinuvi, hayvonot olamiga doir bilimlarni egallaydilar. Bunday mavzudagi asarlar o'quvchilarni kuzatuvchanlikka, tabiatni sevishga, unga nisbatan to'g'ri munosabatda bo'lishga o'rgatadi. Tabiat tasviriga oid matnlar ustida ishlashda tabiat bag'riga sayohat uyushtirilib, bolalar kuzatuvchanliklarga o'rgatilsa, vatandarlikka oid asarlar tahlili vatanning dongdor kishilari bilan uchrashuvlar yoki mavzuga daxldor kinofilmlar namoyishi vositasida amalga oshirilsa, dars samaradorligi yanada ortadi. Umuman, „O'qish kitobi“ darsliklaridagi barcha mavzular o'quvchilarga ta'lim-tarbiya berish bilan birga, ularning lug'atini boyitishga, og'zaki va yozma nulgini to'g'ri shakllantirish va nutq madaniyatini o'stirishga ham qaratiladi. Amaldagi „O'qish kitobi“ darsliklarida materiallarning sinfdan sinfga o'tgan sari mavzu jihatidan ham, mazmun jihatidan ham

kengaya borishi hisobga olingan. Masalan, 1-sinfda o'rgatiladigan „Ajdodlarimiz -faxrimiz“, „Ilm — aql chirog'i“, „Zumrad bahor“, „Kumush qish“ kabi mavzular 2—4- sinflarda ham davom ettirilgan. Bu esa o'quvchilarning oldingi bilimlarini to'ldiradi va boyitadi. Uzluksiz ta'limning boshqa bosqichlaridan farqli o'laroq, boshlang'ich sinflarning o'qish darslarida o'quvchilarning o'qish malakalarini shakllantirish, asar matni ustida ishlash ta'limning didaktik maqsadi hisoblanadi. U turli mavzudagi matnlar ustida ishlash orqali ma'naviy-ahloqiy, adabiy-estetik tarbiya bilan chambarchas bog'liq olib boriladi.

Darsliklardagi har bir mavzu uchun tanlangan matnlarning janriy rang- barangligiga mukammalligiga, o'quvchilarning bilim darajasi va yosh xususiyatlariga mos kelishiga alohida e'tibor qaratiladi.

O'quvchilar darsliklar yordamida o'zlashtiriladigan bilim, ko'nikma va malakalarining kelajak hayotda zarur bo'lishini tushunib yetishishlariga erishish o'qituvchilar oldidagi muhim vazifalardanidir.

Boshlang'ich ta'lim bo'yicha DTS va „Ona tili“ o'quv dasturida o'qish ta'limi oldiga qo'yilgan talablarni amalga oshirish sinfda o'qishni to'g'ri tashkil qilish, o'qitish bosqichlari, tamoyillari va metodlari, birinchi navbatda, ilg'or pedagogik texnologiyalardan o'rinni foydalanishga ko'p jihatdan bog'liqdir.

Umuman olganda, o'qish darslari oldiga qo'yiladigan didaktik vaziialar quyidagilardan iborat:

1. O'quvchilarda yaxshi o'qish sifatleri: to'g'ri, tez, ongli, ifodali o'qishlarini shakllantirish.
2. O'quvchilarni kitobdan foydalanishga, undan kerakli bilimlarni olishga o'rgatish.
3. Kitobga muhabbat uyg'otish; ularni oddiy kitobxondan chuqur mulohaza yurituvchi, ijodkor kitobxon darajasiga ko'tarish.
4. O'quvchilarning atrof-muhit haqidagi bilimlarini kengaytirish va boyitish hamdailmiy dunyoqarashlarini shakllantirish.
5. O'quvchilarni axloqiy, estetik jihatdan yetuk va mehnalga muhabbat ruhida tarbiyalash.
6. O'quvchilarning bog'lanishli nutqini va adabiy-estetik tafakkurini o'stirish.
7. O'quvchilarning xayolot olamini boyitish.
8. Elementar adabiy tasavvurlarini shakllantirish.

Shuni unutmash kerakki, har bir ta'limiy vazifani bajarishning aniq va ilmiy metodik usullari mavjud bo'lib, ular zamonaviy o'qitish usullari bilan boyitib borilmoqda. Bu vaziialar boshqalari bilan o'zaro bog'liq holda va sinfdan tashqari o'qish mashg'ulotlari jarayonida hal qilinadi.

Adabiyotlar:

1. R. Ishmuhamedov va boshqalar. „Ta'limda innovatsion texnologiyalar“. T.: 2008
2. Internet saytlari:
3. www.ZiyoNet.uz
4. www.Google.uz
5. www.Bilimdon.Uz

MATEMATIKA DARSLARIDA ZAMONAVIY INNOVATSION USULLARIDAN FOYDALANISH

*Mamanazarova Soxiba Sirdaryo viloyati Guliston shahar
10-maktab Boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Ta'lim samaradorligini oshirish uchun foydalanib kelinayotgan pedagogik texnologiyalardan biri bo'lgan „Kichik guruhlarda ishlash“ metodini biologiya fanlarini o'qitishda ham qo'llanilishi orqali o'quvchilar bilim darajasining ortishi, mustaqil ravishda fikr bildira olishi, dars jarayonida barchaning faol ishtirok etishi kabi xususiyatlarni kuzatish mumkin. Bunda sinfdagi o'quvchilarni bir nechta guruhga bo'lib ular oldiga topshiriqlar va savollar asosida muammolar qo'yiladi. Topshiriqlarni yechish uchun guruhdagi barcha o'quvchilarning ishtiroki va o'zaro muloqoti zarur bo'ladi. Kichik guruhlarda ishlash usuli sinfda darsning ma'lum bir qismini yoki to'liq egallashi mumkin. Bu metodning asosiy afzalligi shundaki, o'zlashtirishi past bo'lgan o'quvchilarga faqat o'qituvchi emas, balki guruhdosh o'rtoqlari ham yordam beradi.

Matematika darslarining o'ziga xos tomoni shundaki, u – o'quv materialining abstraktligidir. Shuning uchun ko'rgazmali vositalar, o'qitishning faol metodlarini sinchiklab tanlash, o'quvchilarning faolligi, sinf o'quvchilarining o'zlashtirish darajasi, kabilarga ham bog'liq. Boshlang'ich matematika o'qitishda samaradorlikning zaruriy va muhim sharti o'quvchilarning o'rganilayotgan materialni o'zlashtirishlari ustidan nazoratdir. Didaktikada uni amalga oshirishning turli shakllari ishlab chiqilgan. Boshlang'ich maktab matematika o'qitish metodikasida mustaqil va nazorat ishlari, o'quvchilardan individual yozma va so'rov o'tkazishning samarali vositalari yaratilgan. Ba'zi didaktik materiallar dasturning chegaralangan doirdagi masalalarining o'zlashtirilishini nazorat qilish uchun, boshqalari boshlang'ich sinf matematika kursining asosiy mavzularini nazorat qilish uchun mo'ljallangan. Ayrim didaktik materiallarda o'qitish xarakteridagi materiallar, boshqalarida esa nazoratni amalga oshirish uchun materiallar ko'proqdir.

O'qituvchining o'quvchilarga tasiri tarkiban ushbu birliklardan iborat: o'qituvchining ta'lim maqsadini bolalarga anglatish uchun yo'nalgan hatti harakatlari; o'qituvchining ta'lim maqsadini amalga oshirish sohasidagi intilishlari; o'qituvchining ta'lim natijasini tahlil etishga doir ishlari. Boshlang'ich maktab matematika kursida barcha didaktik materiallar uchun umumiy narsa topshiriqlarning murakkabligi bo'yicha tabaqalashtirilishidir. Bu materiallarni tuzuvchilarning g'oyasiga ko'ra o'qituvchining ma'lum mavzu bo'yicha topshiriqning biror usulini bajarishi o'qituvchining bu mavzuni faqat o'zlashtirganligi haqidagina emas, balki uni to'la aniqlangan darajada o'zlashtirganligi haqida ham guvohlik beradi.

Matematik darslarida didaktik o'yinlardan, matematikaga oid she'rlardan foydalanish o'quvchilar zehni o'stirish, tez hisoblash ko'nikmalarini oshirishga xizmat qiladi. Quyida didaktik o'yin namunalarini havola etamiz.

“Eng yaxshi hisobchi” o'yini. Maqsad; narsalar soni bilan raqamlar orasida moslik o'rnatishni o'rgatish. Jihoz: Bittadan o'ntagacha narsalar rasmi chizilgan kartochkalar, 1 dan

10 gacha qirqma raqamlar. Mazmuni: O'qituvchi ko'rgazma taxtasiga predmetlar soni turlicha bo'lgan kartochkalarni qo'yadi. O'quvchilar ularning sonini tanlab, mos raqamli kartochkani ko'rsatishi kerak. Birinchi hisoblab to'g'ri raqamni ko'rsatgan o'quvchi – eng yaxshi hisobchi bo'ladi. O'yinni raqamga mos rasmi ko'rsat, qaysi rasmda predmetlarko'p, nechta ko'p degan savollar bilan mazmunan o'zgartirish ham mumkin.

“Poyezd tuzamiz” o'yini. Maqsad: Sonlarning o'zidan oldingi songa birni qo'shib, yoki o'zidan keyingi sondan 1ni ayirib hosil qilishini tushuntirib, sonlar ketma- ketligini mustahkamlash. Mazmuni: O'quvchilar doskaga ketma- ket chaqiriladi. 1-o'quvchi: “Men 1- vagonman”, 2-o'quvchi uning yelkasiga qo'lini qo'yadi va “Men 2- vagonman, $1+1=2$ bo'ladi”

- deydi. 3-o'quvchi uning orqasidan yelkasiga qo'lini qo'yib; “Men 3-vagonman, $2+1=3$ bo'ladi” deydi va hokazo. 10 ta vagonchaga. Misollarni qolgan o'quvchilar jo'r bo'lib aytadilar. Keyin vagonlar bittadan ajratiladi va $10-1=9$; $9-1=8$ /... $2-1=1$ misollar aytilib, o'quvchilar 1 tadan joyiga o'tiradi. Bu o'yinni har bir o'quvchi vagon ro'lini o'ynab ko'rguncha davom ettirish mumkin.

“O'z o'ringni top” o'yini. Maqsad: Sonlarning tartibi haqidagi tassavurlarni mustahkamlash. Jihoz: 1 dan 10 gacha yozilgan kartochkalar. Mazmuni: O'quvchi 10 ta o'quvchiga ixtiyoriy tartibda kartochkalarni tarqatadi va uning: o'z o'ringni top degan hitobi bilan o'quvchilar tartib raqami bo'yicha 1 qatorga turib olishi kerakligini tushuntiradi. Qolgan o'quvchilar – nazoratchi bo'ladilar. Keyingi darsda o'quvchilar ni xazifalari almashtiriladi yoki sonlarni tartib bilan ko'rgazma taxtaga terish vazifasini berish mumkin. Bunda o'tirgan o'quvchilarga kartochkalar tarqatiladi va ular doskaga bir qator turib tartib bilan kartochkalarni teradilar.

Xulosa qilib aytganda, darsni noan'anaviy tarzda tashkil etish, interfaol metodlarni o'rinli qo'llash uchun avvalo o'qituvchi bu metodlar bilan tanish bo'lishi kerak. Shunday bo'lsa, shunday metodlarga o'rin bera oladi. Agar o'qituvchi “Aqliy hujum”, “Savollar texnologiyasi”, “Klaster”, “Juftliklarni tanlash”, “Insert” kabi metodlarni darsning turli bosqichlarida darsning maqsadiga ko'ra o'rinli qo'llay olsa, bu metodlar har bir o'quvchining darsda ishtirok etishiga yordam bersa dars sifati va samaradorligi oshadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati

1. Mardonova G.I. „Matematikadan test topshiriqlari 3-sinf“- Toshkent.: O'qituvchi, 2007, 64 bet.
2. Staylova L. va boshqalar „Boshlang'ich matematika kursi asoslari“ – Toshkent.: O'qituvchi, 1991, 336 bet.
3. Boltayev J, Qodirov A ”Boshlang'ich sinflarda matematikadan sinfdan tashqari ishlar ” Toshkent, 2002, 52 bet.
4. www.ziyonet.uz
5. www.Eduportal.uz
6. www.Uzedu.uz
7. www.Pedagog.uz

SAVOD O'RGATISH DAVRIDA O'QUVCHILARNI O'QISH VA YOZISHGA O'RGATISH MASALALARI

*Джаббарова Фароғат Мангитовна,
Гулистон шаҳар 16-умумтаълим мактаби 1-тоифали бошланғич синф ўқитувчиси*

Ma'lumki, savod o'rgatish, o'qish darslarining asosiy vazifasi o'quvchilarga tovush va harfni tanishtirish, ularning to'g'ri talaffuzini o'rgatish orqali bolalarda to'g'ri, ongli, ifodali o'qish ko'nikmalarini shakllantirishdan iborat. Shuningdek, o'quvchilar lug'atini boyitish, bog'lanishli nutqini o'stirish, bilimni boyitish, mavxum tafakkorini shakllantirish, eshitish, qabul qilish sezgisini o'stirishda ham bu davr mas'uliyatligi bilan alohida o'rin tutadi.

Tayyorgarlik davri o'qishga o'rgatish uchun zamin hozirlaydi. Bu davrda bolalarda o'zgalarni nutqning eshitish, diqqatni to'plash, til birikmalarini (tovush, bo'g'in, so'z, gap) farqlash, ajratish, ularning vazifalarini anglash kabi xususiyatlar shakllanadi. Bular o'quvchilarning o'qishni muvoffaqiyatli egallashlariga yordam beradi.

O'qishga o'rgatish uchun avvalo o'quvchi tovush va harf bilan yaxshi tanishtirilishi lozim. Tovush va harf bilan tanishtirishda bo'g'indan tovushni ajratish tamoyiliga rioya qilinadi. Harf bilan tanishtirish bir necha xil yo'nalishda amalga oshirilishi mumkin:¹

1. Mazmunli rasm yuzasidan savol-javob usuli bilan bog'lanishli hikoya tuzdiriladi. Undan kerakli gap, so'ng kerakli so'z ajratib olinadi, so'ngra so'z ustida yuqoridagi kabi tahlil ishlari uyushtiriladi.

2. So'z asos qilib olinadi. Analitik mashqlar yordamida o'rganiladigan tovush ajratib olinadi: ot. O'qituvchi ot rasmini ko'rsatadi, o'quvchilar uning nomini - so'zni aytadilar. O'qituvchi o' tovushini cho'zib (o-o-o-ot) aytadi va qaysitovushni cho'zib aytayotganini o'quvchilardan so'raydi. O'quvchilar o' tovushini aytgach, uning xususiyatlari haqida savol-javob o'tkaziladi. O' tovushli so'zlar o'ylab toptiriladi. Shundan so'ng o' harfi kesma harfdan yoki rasmi alifbodan ko'rsatiladi. Bunda o' harfining shaklini esda olib qolishlariga alohida e'tibor beriladi.

3. O'rganilgan harflar ichiga bugun o'rganiladigan harf aralashtirib qo'yiladi, bolalar uning ichidan notanish harfni ajratadilar, so'ng o'qituvchi bu harf ifodalaydigan tovushni aytadilar. O'quvchilar tovushning xususiyatlarini aytadilar. Shu harfni kesma harflar ichidan topib, kitob sahifasidan, rasmi alifbodan ko'rsatadilar.

Shu tariqa tovush-harf bilan tanishtirilgach, o'qishga o'rgatish ustida ishlanadi. O'qishga o'rgatishda bo'g'in asos qilib olinadi. Buning uchun o'qituvchida bo'g'in jadvali bo'lishi lozim. Bo'g'in jadvali asosida o'qish namunasi ko'rsatiladi, ya'ni harflab emas, ichida, birinchi harfni ko'z bilan ko'rib, uning nomini dilda saqlab, ikkinchi harfni ko'rish va ikkalasini bog'lab, unini mo'ljallab ulab aytish tushuntiriladi. Bo'g'in o'qish o'qituvchining namunasi asosida doimiy ravishda har bir darsda izchil olib boriladi. Bunda quyidagi kabi jadvaldan foydalanish mumkin. Bunda «Alifbe» sahifalaridagi so'zlarni oldin bo'g'inga bo'lish, so'ng o'qishni mashq qilish yaxshi samara beradi. O'qituvchining namunali o'qishidan so'ng xor bilan o'qish, yakka-yakka o'qishdan, shivirlab o'qishdan foydalaniladi. Ayniqsa, lekin o'qiydigan o'quvchilar bo'lgan sinflarda xor bilan o'qitish o'qishni tezlashtirishga yordam beradi. Sinf o'quvchilarining o'qish ko'nikmalaridan kelib chiqib, matndagi so'zlarni harf xattaxtasiga bo'g'inlarga bo'lib yozish, o'rganilgan harflarni hisobga olgan xolda qo'shimcha so'z birikmalari, gaplar tuzib yozish va o'qitish usulidan ham foydalaniladi.

Ma'lumki, «Alifbe» sahifalarida bo'g'in tuzilishi murakkablashib boradi. Shuning uchun o'qituvchi har bir bo'g'in tuzilishining murakkabligiga qarab ish usullarni belgilab olishi zarur. Masalan, uch tovushdan tuzilgan, to'rt tovushdan tuzilgan bo'g'inlarni o'qishga o'rgatish ham o'ziga xos qiyinchiliklarni keltirib chiqaradi. Bunda o-lam, Man-non, tipidagi bo'g'inlarda — o-la:m, Ma: n- no: n tarzidagi qo'shimcha chiziqdan, bodring, do'st tipidagi bo'g'inda ring, do'st tarzidagi qo'shimcha chiziqlardan foydalaniladi. So'zlarni o'qishga o'rgatishda bilib o'qitishdan tashqari jadvallar ham yaxshi samara beradi.

Umuman olganda, har bir o'qish darsida albatta bo'g'in tuzilishi murakkab so'zlarni o'qish mashqi o'tkazilishi lozim. Bu usul o'quvchilarda o'qish malakasining takomillashuviga yordam beradi.

O'qishga o'rgatishda so'zlarni va gaplarni to'ldirib o'qish ko'nikmalarini hosil qilish o'quvchini gap tuzishga, tez fikrlashga yo'naltiriladi. O'quvchi tushirib qoldirilgan harf va so'zni rasmga qarab topadi, uning gap mazmuniga mos yoki mos emasligiga e'tibor beradi, o'rtoqlariga nisbatan tez topib, o'qituvchining raxmatiga sazovor bo'lishga intiladi.

«Alifbe» darsligidagi matnlarda turli tinish belgilari ishlatilgan. Ular shularga mos ohang tanlashni, to'xtash, pauza qilish o'rinlarini belgilab olishni taqozo etadi. Bunda ham o'qituvchining tushuntirishi (birinchi uchragan tinish belgini izohlashi) va ifodali o'qish namunasi ko'rsatishi katta ahamiyat kasb etadi. Ifodali o'qilgan matngina tushunarli tuziladi.

Har bir predmetda bo'lgani kabi o'qish darslarida ham ta'lim-tarbiya birligiga e'tibor beriladi. O'qish darslarida tarbiya o'qilgan matnning ongli o'zlashtirilishiga bog'liq. O'quvchi matnda fikr nima haqida borayotganini anglasagina, o'zida shunday xislatlarni shakllantirishga harakat qiladi. Ikkinchidan esa yaxshi inson bo'lish uchun o'qishning zarurligini anglaydi. Shuning uchun ongli o'qishni ta'minlashda matn bilan unga ishlangan mazmunli rasmlar o'rtasidagi bog'lanishlarni aniqlashtirishga, matn yuzasidan savollar berishga diqqat qaratish lozim. Masalan, rasmi kuzating, matnda nima haqida gap boradi? Rasmda nima tasvirlangan? Ular orasida bog'lanish bormi?

Matn mazmunini rasmga qarab so'zlab bering.

Yoki: Bolalar qayerga bordilar? Qizning ismi nima? Bolaning ismi-chi? Ali, Lola nima qildi? Ular qanday lolalar terdilar?

Demak, o'qish o'qiganlarni o'zlashtirishga yo'naltirilgan bo'lishi lozim, shundagina matndagi asosiy fikr, ilgari surilayotgan g'oya o'qituvchilar tomonidan o'zlashtiriladi. So'ng so'z va matnlar yod olingan taqdirda ham o'quvchilik bo'lib qoladi,

O'qishning ongliligini va ta'sirchanligini ta'minlash uchun matn mazmunini o'quvchilarning ko'rgan kechirganlarini, taassurotlari bilan bog'lash lozim. Shunda o'quvchida o'qishga, o'rganishga qiziqish ortadi.

Ongli o'zlashtirishni amalga oshirishda lug'at ustida ishlash ham muhim ahamiyat kasb etadi. She'r, tez aytish, topishmoq, qo'shiq, maqol, hikmatli so'zlardan o'qitish, yod oldirish ham o'quvchilarni o'qishga qiziqishini

osHIRADI, o'qish malakasini shakllantiradi, xotirasini mustahkamlaydi. O'qish darslarining uchdan ikki qismi o'qishni mashq qilishga ajratilishi lozim.

Demak, o'quvchilarni o'qishga o'rgatish, ularning o'qish sur'atini oshirish, ifodali va ongli o'qish elementlarini shakllantirish, tarbiyalash o'qish darslarining muhim vazifalari hisoblanadi.

Ona tilidan olib boriladigan ishlarning hammasi, shu jumladan savod o'rgatish ham, o'quvchilar nutqi va tafakkurini o'stirish bilan bog'liq xolda uyushtiriladi. Savod o'rgatish davridagi ishlarning miqyosi keng bo'lib, ekskursiyalar, bolalarning kuzatishlari, predmet darslar, rasm yuzasidan suhbat va boshqalar bilan bog'lanadi. Bu davrda o'quvchilar nutqini o'stirishning vazifalari:

- 1) bolalar nutqidagi kamchiliklarni to'g'irlash;
- 2) ularning tasavvur va tushuncha doirasini kengaytirish bilan bog'liq xolda lug'atini boyitish;
- 3) o'quvchilar nutqidagi ayrim so'zlarning ma'nosiga aniqlik kiritish;
- 4) gap va uch-to'rt gapli kichik «hikoyacha» (bog'lanishli nutq)ni og'zaki turli tuzish ko'nikmasini o'stirishdan iborat.

Bolalar bu davrda, birinchidan, kiyim-kechak, ish qurollari, mevalar kabi predmetlar bilan tanishish yordamida so'zni ongli ishlatishga; ikkinchidan, turli tipdagi sodda yirik gap (Bolalar yuguryaptilar), sodda yoyiq gap (Lola magazinga bordi), uyushiq bo'lakli gap (Anvar oyisiga yordamlashadi, ukasiga qaraydi), tuzadilar. Ular bu ko'nikmalarni amaliy -mashqlar yordamida egallaydilar.

Bolalarning shaxsiy tajribalari, kishilar hayoti va tabiati, kuzatishlari nutq o'stirish uchun asosiy manba hisoblanadi. Predmetlar, uy-ro'zg'or asboblari, o'simliklar, hayvonlar qiziqarli suhbat uchun mavzu bo'lib xizmat qiladi. Suhbat jarayonida bolalarda hosil qilingan tasavvur asosida aniq tushunchalar shakllanadi.

Birinchi sinf o'quvchilari nutqni o'stirishda bolalarning o'yin va ertaklari, rasm ko'rish va Bu nima? Bukim? Bu qanday predmet? Kim nima qilyapti? kabi savollar asosida suhbatdan ham foydalaniladi.

Savod o'rgatish davrida nutq o'stirishga oid ish turlariga atrofda jonli predmetlarning nomini, ularning belgilarini aytish, predmetlarni ma'lum belgilari asosida guruhlash kabi mashqlar kiradi. Masalan, o'qituvchining topshirig'iga muvofiq ma'lum bir temada (kuz, mevali bog', oila, sinf, maktab haqida) ikki so'zdan iborat gap tuzadilar; keyinroq esa shunday yirik gaplar tuzib, uni savollar yordamida yoyiq gapga aylantiradilar. O'rgangan harflardan so'zlar va kichik gaplar tuzib yozadilar. O'qish darslarida rasmga qarab kichik hikoyacha tuzadilar, o'qituvchi savoliga to'liq javob berishga o'rganadilar. Alifbedagi rangli chiroyli rasmlar tevarak-atrofdagi predmet va xodisalar, hayvonlar va o'simliklarning nomini idrok etishga, bilib olishga yordam beradi.

Savod o'rgatish davrida grammatik-orfografik bilimlarni amaliy o'zlashtirish. Savod o'rgatish davridayoq bolalar grammatika va imlodan ayrim materiallarni amaliy asosda o'zlashtira boradilar, ya'ni ularga mavzu tushuntirilmaydi, nazariy ma'lumot berilmaydi.

Bolalar og'zaki va yozma nutqni o'zlashtirish va yozma mashqlarni bajarish bilan o'quv yilining ikkinchi yarmida yoki keyingi sinflarda o'rganiladigan mavzularni o'zlashtirishga tayyorlaydilar.

Savod o'rgatishning birinchi oylaridayoq bolalar Ali, Omon, Olam, Naima kabi juda ko'p ismlarni o'qiydilar va kishilarning ismlari bosh harf bilan yozilishini amaliy o'zlashtira boradilar.

Bu bilan ular o'quv yilining ikkinchi yarmida o'rganiladigan kishilarning ismi bosh harflar bilan yozilishiga doir imlo qoidasini o'zlashtirishga tayyorlanadilar. Til-dil, olti-olti kabi so'zlarni o'qishni mashq qilish jarangli va jarangsiz undoshlarni o'zlashtirishga, son-sana, gul—gulchi-guldon—gulzor, bog'-bog'bon- bog'cha kabi so'zlarni o'qishni mashq qilish esa bolalarni «O'zakdosh so'zlar» mavzusini o'zlashtirishga tayyorlaydi.

Propedevtik mashqlar sistemasi boshlang'ich sinflar grammatika va imlo dasturining bosqichli izchillik tamoyili asosida tuzilishiga mos keladi. Amaliy ishlar natijasida bolalarda ma'lum nutq tajribasi, til qoidalarini, so'zni, uning tarkibi va yasalishini, boshqa so'zlar bilan bog'langanda o'zgarishini kuzatish tajribasi to'plana boradi. Mana shu tajribalar asosida o'quvchilar nazariy umumlashmalarni o'zlashtiradilar, bular asosida esa grammatik tushuncha va orfografik qoidalar shakllanadi.

TARBIYA JARAYONIDA SHAXSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIM TEXNOLOGIYASINING AFZALLIKLARI

*Rustamova Dilorom Boboqulovna,
Guliston shahar 16-umumta'lim maktabi 2-toifali boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Hozirgi pedagogikaga oid adabiyotlarda muammoli o'qitishning turli ta'rif va tavsiflar bor. Bizningcha, nisbatan to'liq va aniq ta'rif M.I.Maxmutova tomonidan berilgan bo'lib, unda muammoli o'qitish mantiqiy fikrlar tadbirlari (tahlil, umumlashtirish) hisobga olingan o'rgatish va dars berish usullarini qo'llash qoidalari va talabalarning tadqiqot faoliyatlari qonuniyatlarining (muammoli vaziyat, bilishga bo'lgan qiziqish va talab...) tizimi sifatida izohlanadi. Muammoli o'qitishning mohiyatini o'qituvchi tomonidan talabalarning o'quv ishlarida muammoli vaziyatni vujudga keltirish va o'quv vazifalarini, muammolarini va savollarini hal qilish orqali yangi bilimlarni o'zlashtirish bo'yicha ularning bilish faoliyatini boshqarish tashkil atadi. Bu esa bilimlarni o'zlashtirishning ilmiy-tadqiqot usulini yuzaga keltiradi.

Ilmiy-texnik taraqqiyot jadallashgan davrda o`qitish samaradorligi, asosan, o`quvchining o`qitish jarayonidagi o`rni, pedagogning unga bo`lgan munosabatiga bog`liq bo`ladi. Bu erda o`qitish texnologiyasining ikki turini ajratib ko`rsatish mumkin: avtoritar va shaxsga yo`naltirilgan ta`lim.

Pedagogik paradigma (yunoncha "paradeigma" – misol, namuna) pedagogika fani rivojining ma`lum bosqichida ta`limiy va tarbiyaviy muammolarni hal etish namunasi (modeli, standarti) sifatida ilmiy pedagogik hamjamiyat tomonidan e`tirof etilgan nazariy hamda metodologik ko`rsatmalar to`plami bo`lib, u ta`limning kontseptual modeli sifatida qo`llaniladi. An`anaviy-konservativ paradigma (bilim paradigmasi) (J.Majo, L.Kro, J.Kapel va boshqalar). Unga ko`ra ta`limning asosiy maqsadi –"bilim, qanchalik qiyin bo`lmasin bilim olish". An`anaviy paradigma maktabining maqsadi yosh avlodga individual rivojlanishi hamda ijtimoiy tartibni saqlab qolishga yordam beruvchi madaniy meroslarning muhim elementlari – bilim, ko`nikma va malakalar, ilg`or g`oyalar va qadriyatlarni saqlab qolish hamda ularni yoshlarga yetkazish muhim ekanligini yoritadi. Bilim olish paradigmasining asosiy maqsadi: ta`lim olish, taraqqiyot vama'daniyatning eng muhim elementlarini avloddan-avlodga yetkazish. Bunda o`qitish metodlarini to`g`ri tanlash muhim ahamiyat kasb etadi.

O`qitish metodi o`qitish jarayonida o`qitish, tarbiyalash va rivojlantirish masalalarini yechishga yo`naltirilgan ta`lim beruvchi va ta`lim oluvchilarning tartibli bir-biriga bog`langan faoliyatini anglatadi.

Ratsionalistik (bixevioristik) paradigma (P.Blum, R.Gane, B.Skinner va boshqalar). Ratsionalistik paradigma diqqat markazida ta`lim mazmuni emas, balki o`quvchilar tomonidan turli bilimlarni o`zlashtirilishini ta`minlovchi samarali usullari yotadi. Ta`limning ratsionalistik modeli asosini B.Skinerning ijtimoiy injeneriya bixevioristik (inglizcha "behavior" – xulq) kontseptsiyasi tashkil qiladi. P.Blum barcha o`quvchilar faqat o`zlashtiribgina qolmay, balki muvaffaqiyatli o`qishlari mumkin deb hisoblaydi. O`quvchining optimal qobiliyatlari ma`lum sharoitlarda, o`quvchiga ta`lim berish natijasi uning sur`ati bilan aniqlanadi. Olimning fikricha, ta`lim oluvchilarning 95 foizi ta`lim muddatlariga

O`quv maqsadlari taksonomiyasi Benjamin Blum – tomonidan ishlab chiqilgan bo`lib, u o`z ichiga bilish, tushunish, amaliyotga qo`llash, tahlil qilish, sintezlash, baholash kabilarni o`z ichiga oladi

Sinfdan va maktabdan tashqari ishlar yo`nalishiga bevosita rahbarlik qilgan holda o`qituvchilar sinf rahbarlari, ota-onalari sinf faollariga uslubiy yordam ko`rsatish; bo`lgan cheklashlar olib tashlanganda o`quv kursining butun mazmunini o`zlashtirib olishga qodir. Ana shu nuqtai nazardan o`quvchilar tomonidan bilimlarning muvaffaqiyatli o`zlashtirishini ta`minlovchi metodika ishlab chiqiladi.

Avtoritar texnologiyada, pedagog yagona sub`ekt sifatida namoyon bo`ladi, o`quvchilar esa faqatgina «obyekt» vazifasini bajaradi xolos. Bunda o`quvchining tashabbusi va mustaqilligi yo`qoladi, o`qitish majburiy tarzda amalga oshiriladi. An`anaviy o`qitish asosan bilim, ko`nikma va malakalarni o`zlashtirishga qaratilgan bo`lib, shaxsning rivojlanishini ko`zda tutmaydi. An`anaviy o`qitish quyidagi xususiyatlarga ega: zo`ravonlik pedagogikasi, o`qitishning tushuntiruv-ko`rgazmali usuli, ommaviy o`qitish.

An`anaviy o`qitishda avtoritarlik quyidagi shaklda namoyon bo`ladi: o`quvchi bu hali to`la shakllanmagan shaxs, u faqat bajarishi zarur, pedagog esa – bu sardor hakam, yagona tashabbuskor shaxs. Shaxsga yo`naltirilgan ta`limda esa o`quvchi shaxsi pedagogik jarayon markaziga qo`yiladi, uning rivojlanishiga va tabiiy imkoniyatlarini ro`yobga chiqarishga qulay shart-sharoitlar yaratiladi. Kadrlar tayyorlash milliy dasturida O`zbekiston Respublikasidagi ta`lim tizimining milliy modeliga alohida e`tibor qaratilgan. Sinfdan va maktabdan tashqari ishlarning vazifalariga quyidagilar kiradi:

Darsdan tashqari tarbiyaviy ishlarni rejalashtirish va amalgam oshirishni nazorat qilish; O`quvchilarning sinfdan va maktabdan tashqari ko`p qirrali ishlarni o`quvchilar tashkilotlari sinf faollari yordamida yo`lga qo`yish; Umummaktab va maktablararo o`tkaziladigan eng muhim tarbiyaviy tadbirlarda qatnashish; O`quvchilarning bo`sh vaqtlarini tashkil qilishda tarbiya va madaniyat muassasalari hamda jamoatchilik kuchidan keng foydalanish. Bu borada tashkilotchilar faolligini uchta asosiy tomonini ko`rish mumkin; tashkilotchilik, uslubiy va ma`muriy.

Sinf rahbari o`quvchilarni ma`naviy-ahloqiy tarbiyalar ekan, u o`z faoliyatida quyidagi talablarga rioya qilishi kerak:

- sinf rahbari o`quvchi ota-onasining mansabi, boyligiga qarab bolaga muomala qilmasligi lozim.

-sinf rahbari bolalarga ahloqiy normalarni o`rgatishi kerak.

-gerdayishi, manmanlik, ta`magirlik, nodonlik kabi illatlar o`qituvchi ahloqiga yod sifatlardir.

-xalq nazarida olim hisoblanadigan o`qituvchilar yomon ishlardan, fisku-fasoddan o`zlarini tiya bilishlari zarur. Yoshlarni ma`naviy-ahloqiy tarbiyalash tuziminitakomillashtirishda boshlang`ich maktab muhim o`rin egallaydi.

Ma`naviy ahloqiy tarbiya-ma`naviy ongni bir maqsadni ko`zlab tarkib toptirish, ahloqiy tuyg`ularni rivojlantirish hamda xulq-atvor ko`nikmalari va odatlarini hosil qilishdan iborat.

Sinf rahbari o`quvchilarni ma`naviy-ahloqiy tarbiyalashning quyidagi vazifalarini hal etishi kerak.

1) Tug`ilib o`sgan joyiga, O`zbekiston Respublikasiga yuksak muhabbat tuyg`ularini, uning tabiati va kishilar haqida, Vatanning himoyachilari va mehnat qahramonlari to`g`risida, ota-bobolarimiz, ularni dunyo sivilizatsiyasiga qo`shgan hissalarini to`g`risida ko`proq bilishga intilishni tarbiyalash.

2) O`quvchilarda Vatanimizning boy tarixi, shuningdek boshqa mamlakatlar to`g`risida, tinchlik uchun kurash haqida chet ellardagi bolalar tashkilotlari haqida dastlabki tasavvurlarni hosil qilish.

3) Bolalarda o`rtoqlik tuyg`usini, boshqalarga yordam ko`rsatish ishtiyoqini, umumiy foyda yo`lida birgalikda faoliyat ko`rsatishga intilishni tarkib toptirish. Bolalar o`rtasida, o`g`il va qiz bolalar o`rtasida do`stona munosabatlarni rag`batlantirish, sohta o`rtoqlik ko`rinishlariga qarshi kurash olib borish lozim.

4) O'z so'zi va va'dasi uchun, o'qituvchi va kollektiv topshiriqlarining bajarilishi uchun ma'suliyat tuyg'usini tarbiyalash.

5) Bolalarda kishilarga to'g'ri munosabatni, keksalar, bemorlar, invalidlarga nisbatan e'tibor va g'amhurlikni, xushfe'l va betartib, kamtar va haqgo'y bulishini tarbiyalash.

Sinf rahbari quyidagi vazifalarni bajaradi:

1. O'ziga yuklatilgan sinfdagi tarbiyaviy ishlarni amalga oshiradi. Bu vazifani bajarayotganda u yolg'iz emas, shu sinfdagi dars berayotgan turli fan o'qituvchilari bilan hamkorlikda va ularga suyangan holda o'quvchilarda milliy dunyoqarash asoslarini shakllantiradi, axloqiy tarbiyasini rivojlantiradi. O'quvchilarni darsdan tashqari tadbirlarni tashkil etadi va sinf jamoasini mustahkamlaydi.

2. O'quvchilarning bilimiga bo'lgan qiziqish va qobiliyatini o'stirish har bir o'quvchining individual-psixik xususiyatlarini hisobga olgan holda kasbga yo'naltirish va hayotiy maqsadlarini shakllantirish sinf rahbarining alohida vazifasidir. Ayni paytda har bir o'quvchining sog'ligini mustahkamlashga ham e'tibor beradi.

3. Sinf rahbarining diqqat markazida o'quvchilarning yuqori darsda o'zlashtirishini ta'minlash masalasi turadi. Buning uchun u har bir o'quvchining kundalik o'zlashtirishida voqif bo'lib turadi. Orqada qolayotganlarga o'z vaqtida, kechiktirmay yordam uyushtiradi.

4. Sinfdagi o'quvchilarning o'z-o'zini boshqarish ishlarini yo'naltiradi, ular ishtirokida sinf jamoasining ijtimoiy foydali ishlardagi ishtirokini ta'min etadi, maktab miqyosida uyushtirilayochtan muhim tadbirlarda o'z sinfining faol qatnashishini ta'minlaydi.

5. Sinf o'quvchilarining ota-onalari, o'quv kuni uzaytirilgan guruhlarining tarbiyachilari, korxonalar va muassasalardagi, turar joylardagi otaliqqa oluvchilar bilan yaqin aloqaga o'rnatadi.

6. Sinf rahbari shu sinfdagi dars berayotgan barcha fan o'qituvchilari o'rtasida o'quvchilarga nisbatan yagona talablar o'rnatilishiga erishadi, ota-onalarga pedagogik bilimlar tarqatib, oila bilan maktab o'rtasidagi aloqani mustahkamlaydi.

7. Sinf rahbari o'z sinfidagi turli hujjatlarini; sinf jurnali, o'quvchilarning kundaliklari, tabellar, shaxsiy ma'lumotlari, turli xil reja va hisobotlarni yuritadi.

Ko'rinib turibdiki, vazifa keng va murakkab, ularni muvaffaqiyatli hal qilish sinf rahbarining shaxsiy sifatlariga ham bog'liqdir. Sinf rahbarining shaxsiy sifatlariga qo'yiladigan talablar o'qituvchiga qo'yiladigan talablardan farq qilmaydi. Lekin, sinf rahbari asosiy tarbiyachi, bolalar ma'naviy jihatdan andoza oladigan shaxs bo'lganligi uchun ham, bu talablar uning shaxsiy fazilatiga aylanib ketishi bilan tarbiyada alohida rol o'ynaydi.

Tarbiyaviy ishlarning sifat va samaradorligi, avvalo tarbiyachining g'oyaviy ishonchiga va siyosiylikining darajasiga bog'liq. Buning uchun sinf rahbari fan yangiliklarini muntazam, egallab borishi bilan o'zining bilimini, ongini oshiradi.

Sinf rahbarining axloqiy obro'si g'oyat darajada yuqori bo'lishi ham bu o'rinda muhimdir. Sinf rahbari ana shundagina tarbiyaviy ta'sir ko'rsatishga ega bo'ladi.

“БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС” ТАМОЙИЛИНИНГ АСОСИ ИЛМ-МАЪРИФАТ

Нодира Файзиева

СВХТХҚТМОҲМ нинг “Умумий бўлим” ходими, ГДУ сиртқи бўлим талабаси

Таълим ва тарбия масаласи бу жуда мураккаб жараён эканлиги барчамизга маълум. Бола оилада туғилиб, илк тушунчаларини оилада шакллантиради, мактабгача таълим ташкилотларида тасаввурларини бойитади. Ундан кейинги ҳаётида эса дунё қарашларини шакллантиради. Шу боис, биз болалар қалбини тиниқ оқадиган дарё сувларига ўхшатамиз. Тиниқ сувлар инсон кўзларини қувонтиради, ором бағишлайди. Таълим тарбиядаги мукамаллик эса жамиятни юксалтиради. Бу борада биз устозлар ўқувчиларни аввало келажакка бўлган ишончини оширишимиз, уларни синфдан ташқари тўғарақларга жалб қилиш, тўғарақларни ўқувчиларни қизиқтирган даражада дарсларни олиб бориш, дарс жараёнини қизиқарли ва мазмунли ташкил этишимиз, уларни билим даражасини аниқлаб фаол қатнашган ўқувчиларни рағбатлантиришимиз керак. Бу борада Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш уларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича “Бешта муҳим ташаббус” тамойилини яратдилар.

Биринчи ташаббус - Ёшларнинг мусиқа, рассомчилик адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади. Ҳозирги кунда бу ташаббус жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳар бир шаҳар ва туман муассасаларида бу беш ташаббус амалда қўлланилмоқда.

Иккинчи ташаббус - Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларни спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган. Бу ташаббус инсон саломатлиги йўлида хизмат қилади, чунки спорт билан шуғулланган бола албатта ҳам руҳан, ҳам жисмонан бақувват бўлиб вояга етади. Бу соҳа вакиллари учун жамиятимиз жуда кўплаб имкоиятлар яратган. Спорт соҳаси учун спорт мактаблари очилган. Таълим муассасаларида спорт тўғарақлари ташкил этилган.

Учинчи ташаббус - Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилганлиги билан диққатга сазовордир. Боиси, компьютер

технологияларини яхши тушунган болалар замон талабларига тезкорлик билан жавоб беради. Уларни билим даражаси янада фаоллашади, сабаби интернет материалларидан тўғри фойдаланса жохон бўйлаб маълумотларга эга бўлади. Хозирги кунда таълим муассасаларида ўқувчилар учун алоҳида компютерлар берилган.

Тўртинчи ташаббус-Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган. Бу йўналиш асосида кўплаб жойларда алоҳида ахборот ресурс марказлари очилди. Кўплаб таълим даргоҳларидаги кутубхоналар қизиқарли китоблар билан бойитилмоқда. Кўп китоб ўқиган ўқувчилар ўртасида китобхонлик танловлари ўтказилмоқда. Президентимиз "Китоб ўқиган спарк минади"-деган иборалари билан болаларни руҳлантирдилар. Кўпчиликлар ёшлар бўш вақтларини китоб ўқиш билан ўтказмоқдалар.

Бешинчи ташаббус - Хотин қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди. Маълумки, ҳар бир соҳани ўзига ҳос хусусиятлари бор, бу ташаббус ҳам хотин қизларни вақтини мазмунли ўтказиш керак деганидир, чунки хотин-қизлар фарзанд тарбияси билан шуғулланишди. Фарзанд тарбиялаш учун албатта оналарнинг ўзлари меҳр-муҳаббатли билимдон ва тажрибали бўлишлари керак. Доимо касб-кор билан банд бўлган аёллар бўш вақтини беҳуда ўтказмайдилар, жамиятимиз равнақига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшадилар. Мазкур "Бешта муҳим ташаббус" Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан қизгин кутиб олинганлаги сабабли, унинг ижобий натижалари ҳаётда ўз аксини кўрсатди. Шунингдек, Маданият ва Халқ таълим вазирлигига ҳокимликлар билан биргаликда туман ва шаҳарларда маданият марказлари ва умумтаълим мактабларда ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, қўшимча тўғараклар ташкил этиш вазифаси қўйилди. Президентимизни ушбу ташаббусларининг моҳияти ана шундай эзгу ишлардан иборат. Шулар боис, ҳар бир муассасаларда "Беш ташаббус беш имконият" мавзуларида тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Иқтидорли ўқувчилар кўзга яқол ташланмоқда. Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг "Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттираемиз. Нафақат давом эттираемиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз"-деган сўзларини, биз ёшларнинг қалбимиздаги, диққат марказимиздаги шиоримиз деб қабул қилганмиз.

Биз ёшлар олий таълим муассасаларида таълим олиш билан биргаликда жамиятимиз тараққиётимизга ўзимизнинг билимимиз, куч ғайратимиз салоҳиятимиз билан муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Жамиятимизнинг баркамол, соф эътиқодли фуқаролари яъни халқ таълими зиёлилари билан елкама-елка туриб уларга қўмақдош бўламиз.

Бу йўлда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 5та муҳим ташаббус тамойилининг асосини ифода этувчи илм-маърифат ёрқин нур бўлиб, бизни нури келажак сари чорлайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги +онунининг узлуксиз таълим тизимида жорий этилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган "Ўзбек тили таълимини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" доимий илмий-методик анжумани 1989 йилдан буён фаолият кўрсатиб, унда фақатгина она тили таълимининг долзарб масалалари муҳокама қилиб келинади. Албатта, бу йўналишда ўтган давр мобайнида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ушбу чора-тадбирларнинг узвий давоми сифатида вилоят филология фанлари ўқитувчиларининг "Тил ва таълим: муаммолар, истиқболдаги вазифалар" мавзусидаги Форуми ташкил этилди.

Мазкур Форумда кўтарилган масалалар вилоятимиз узлуксиз таълим тизимида барча тил ва адабиёт фанларини ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини таъминлаш, дарс жараёнида юзага келадиган муаммоларни бартараф этиш каби вазифаларга бағишланганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Тараққиёт бор жойда янги билим ва янгича ёндашувларга эҳтиёж сезилиши табиий. Шу боис она тили ва хорижий тилларни, ўзбек ва жаҳон адабиётини ўқитишни замон талабига ҳамоҳанг ташкил этиш, мавжуд муаммоларни бартараф қилиш эртанги истиқболдаги ютуқларимиз кафолатидир.

Ёш авлодни комил ва етук шахс сифатида тарбиялашда барча турдаги таълим муассасаларида она тили таълими мазмуни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилди.

Мамлакатимизда бағрикенглик тамойилларига қатъий амал қилинади. Вилоятимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг таълим олиш имкониятлари ҳуқуқий жиҳатдан таъминланган. Ҳозирда вилоятимизда таълим жараёни 682 та умумий ўрта таълим мактабларидан 680 тасида таълим ўзбек тилида, 2 тасида қирғиз тилида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1875-сонли қарори асосида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб чет тилларини ўқитиш йўлга қўйилди.

Шу асосда Вазирлар Маҳкамаси томонидан узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандарти тасдиқланиб, унга мувофиқ чет (инглиз, немис ва француз) тили фанларидан ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Ушбу Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларига умум эътироф этилган Европа Кенгашининг "Чет тилни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш" тўғрисидаги халқаро ҳужжати (CEFR) меъёрлари асос қилиб олинди.

Ҳозирда вилоятимизнинг ҳар бир ҳудудида иқтидорли ва тажрибали хорижий тил ўқитувчилар гуруҳи шакллантирилиб, уларни тренерликка тайёрлаш лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бугун ўтказилаётган филология фанлари форуми ҳам рамзий маънода тиллараро ҳамжиҳатлик ва тил ўрганишдаги тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилувчи самарали қадамлардан бири, десак, хато бўлмайди.

Маълумки, фан ва техника жадал суръатлар билан ривожланаётган бугунги кунда кўплаб илмий билимлар, тушунча ва тасаввурлар ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бу, бир томондан, фан-техниканинг янги соҳа ва бўлимлари тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда. Бундай шароитда юқори малакали педагогларга бўлган талаб ортиб, баркамол авлодни асрлар давомида шаклланиб келган умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш лаёқатига эга, фаннинг фундаментал асослари, педагогика ва психология методларини мукаммал эгаллаган, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот технологияларини амалиётда қўллаш кўникма ва малакасига эга ижодкор педагогларни тайёрлаш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия жараёнида педагогик инновацияларни кенг қўламда қўллаш жаҳон тараққиётининг глобал тенденцияси ҳисобланади. Педагогик инновациялар қўламининг ортиши, мамлакатда модернизация жараёнининг тез суръатларда ривожланаётганлиги сабабли айни даврда таълим соҳасига янгиликларни тизимли равишда киритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аммо таълим жараёнларига ўқитишнинг янги мазмун, шакл, метод ва воситаларини татбиқ этиш бўйича педагогик тадқиқотларнинг жорий этиш даражасини ҳозирча етарли деб бўлмайди.

Дарҳақиқат, янгиланган таълим тизимини жорий этишда ҳар бир ўқитувчи ўз фани ва баркамол авлод таълим-тарбиясига оид янгиликларни мунтазам ўрганиб, уларни ўз меҳнат фаолиятида изчил қўллаш билиш маҳоратига эга бўлиши муҳим.

Бугун фан ва техника соҳасидаги янгиликларни ўқув дастурлари мазмунига тез киритиш талаб этилади ва бу орқали замонавий билимларни шакллантиришга замин ҳозирланади. Бундан ташқари замонавий ўқитиш технологиялари, улар билан боғлиқ методик ёндашувлар бўлажак ўқитувчиларда зарурий билимлар, муҳим қонуниятлар, кўплаб фундаментал тушунчаларни нисбатан енгил, чуқур ва мустақкам шакллантириш учун қулай шароит яратади. Тил таълимининг сифат ва самарадорлигини оширишда филология фанларидан дарс бераётган ўқитувчилар билим ва касбий маҳоратларининг замон талабларига мослиги, уларнинг мавжуд ўқув-лаборатория ва техника жиҳозларидан дарс жараёнида оқилона фойдаланиши, ташкил этилаётган амалий лаборатория машғулотлари самарадорлиги, ўқувчи юқори даражада ўзлаштириши учун ҳар бир мавзунинг илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўтилишини таъминлаш талаб этилади. Филология фанларини ўқитишда компетенциявий ёндашувга асосланган таълимни амалиётга жорий этиш, ўқувчиларда эгаллаган билимларини ҳаётда қўллаш олиш, онгли равишда касб-ҳунар танлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олиш кўникмаларини ривожлантириш кўзланган асосий устувор йўналишлардан биридир.

Зеро, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларда коммуникатив, ахборот билан ишлаш, ўзини ўзи ривожлантириш, ижтимоий фаол фуқаролик, миллий ва умуммаданий, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш каби таянч компетенцияларни таркиб топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш устувор вазифага айланган. Чунки тил ва адабиёт ўқитувчисининг энг асосий ва долзарб вазифаларидан бири ҳам шу. Бугунги кунда умумтаълим муассасалари кутубхоналари бадиий адабиётлар билан тўлиқ таъминланаётган бўлса-да, ўқувчиларнинг китоб ўқишга қизиқиши талаб даражасида эмас. Болага китоб ўқитиш учун ўқитувчининг ўзи ўрнак бўлиши керак. Мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши асосида ўқувчилар ўртасида китоб ўқиш маданиятини янада юксалтириш борасида режали тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўқувчилар ўртасида ўзаро рақобат муҳитини яратиш ва уларни китоб мутолаасига рағбатлантириш мақсадида "Энг яхши китобхон ўқувчи" ва "Китобхон мактаб" танловлари жорий этилиши лозим.

Таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ижобий ишлар, қўлга киритилган кўплаб ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўзга ташланади. Булар:

биринчидан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сон қарори билан тасдиқланган Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурларининг мазмун-моҳияти мутасаддилар, таълим муассасалари раҳбар кадрлари ҳамда фан ўқитувчилари томонидан тўлиқ тушуниб етилмаганлиги боис таълим жараёнида компетенциявий ёндашувга асосланган янги босқичга ўтишда бўшлиқлар юзага келмоқда;

иккинчидан, вилоят миқёсида "Фан ойлари", фан олимпиадалари, "Билимлар беллашуви" ва бошқа кўплаб тадбирлар ўтказилиши, таълим муассасаларидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил қилинган семинарлар ўтказилишига қарамай, ўз фикрини ёзма равишда белгиланган талаблар даражасида баён эта олмайдиган, ўзбек тилининг имло қоидаларини яхши билмайдиган ўқувчиларни учратишимиз мумкин;

учинчидан, умумтаълим мактаблари кутубхоналари бадиий адабиётлар билан таъминланаётгани ҳолда ўқувчиларнинг китоб ўқишга қизиқиши талаб даражасида эмас; тўртинчидан, чет тили фанларидан яратилаётган дарсликлар (дарслик, ўқитувчи методик қўлланмаси, машқ дафтари ва мультимедиа илова) ва ажратиладиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан мақсадли фойдаланишда лоқайдликка йўл қўйиш ҳолатлари учраб турибди; бешинчидан, таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактаблардаги ўқувчилар рус тилида ўзаро мулоқотга кириша олмайди.

Шундан келиб чиқиб, ўйлайманки, кўйидаги вазифаларни бажариш талаб этилмоқда:

биринчидан, она тили ва адабиёт, рус тили, чет тиллари ва қардош тиллардан дарс бераётган ўқитувчиларнинг барчаси ҳам ўз фанидан етарли даражадаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларга эга эмас. Уларнинг малакасини оширишда альтернатив усулларни қўллаш ҳамда тинимсиз изланишларини йўлга қўйиш;

иккинчидан, 2007 йилгача таълим қардош тилларда олиб бориладиган мактабларда "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танлови ўтказиб келинган. Кейинги йилларда ушбу кўрик-танлов ўтказилмаяпти. Кўрик-танловни қайтадан ташкил этиш орқали қардош тиллар ўқитувчилари орасидан истеъдодли ва иқтидорлилари аниқланади ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш орқали қардош тиллар ўқитилишининг сифат ва самарадорлиги оширилади;

учинчидан, таълим ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган мактабларда рус тилининг ўқитилиш сифати пасайиб кетаётганлиги сабабли ушбу фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш ҳамда фаннинг сифат ва самарадорлигига эришишга қаратилган қатор чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби масалалар ечими олдимизда турибди.

Филология фанлари ўқитувчилари Форумининг "Тил ва таълим: муаммолар, истикболдаги вазифалар" мавзуси муҳокамасига бағишланганини ҳозирги кун тил таълими олдидан турган асосий талабларга жавоб сифатида қараш мумкин. Зеро, она тили ва хорижий тилларни чуқур ўзлаштирган, адабиётга меҳрли, китобхонлик маданияти шаклланган ўқувчининг фикрлаш қобилияти теран, оғзаки ва ёзма нутқи раво, ҳар қандай янги билимни тез, пухта ва чуқур ўзлаштириб олиш, таҳлил этиш салоҳияти юқори бўлади.

Бу вазифаларни изчил равишда самарали амалга ошириш, ёш авлод таълим-тарбияси йўлида алоҳида масъулият ҳис этиб, ўқитиш сифатини такомиллаштириш педагогларнинг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим.

ЎҚУВЧИЛАР ОНГИДА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.

*Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани 5-умумтаълим мактаби
МИФ фани ўқитувчиси Абдуалимова Нафиса Маҳмудовна*

Бугунги кунда дунё буюк эврилишлар палласида. Кимдир уни ахборот” асри, кимдир “Компьютер” асри, бошқа бировлар эса “Глобаллашув” даври деб атамоқдалар.

Америкалик келажакшунос олим Э.Тофлер таъбири билан айтадиган бўлсак, келажак бугунги кун устига шитоб билан бостириб келаётган бу давр қадрият, анъана, миллий маданият, дид сингари тушунчаларни, бинобарин улар ҳақидаги тасавурларни кескин ўзгартириб юбормоқда. Бугуннинг натижасида ҳеч кимга ўхшамаган ва ҳеч қайси рисолага тўғри келмайдиган, биздан ҳаёт ва абадият, макон ва замон, одоб ва ахлоқ, ёвузлик ва эзгулик, ҳалоллик ва жумардлик ҳақидаги тасавурларни ҳам ўзгартиришни талаб қилаётган “виртуал авлод” шаклланмоқда.

“Оммавий маданият”, туб моҳиятига қўра, миллий маданиятнинг қушандаси бўлиб, у маданий хилма-хилликни ҳушламайдиган, унинг асл мақсади- бу оламни яқин қўришдадир. “Оммавий маданият” сценарийсининг асосий “муаллифи” саналган Америка Қўшма Штатларида маданиятлар уйғунлиги орқали миллатлар ўртасидаги тафовут “девори”ни йиқитиш борасида тўпланган бой тажриба шундан далолат беради. “Ягона миллат”- “америкалик” деган тушунчанинг вужудга келиши учун олиб борилган узок муддатли мафкуравий кураш алаоқибат халқни бирлаштирди. Аммо бу “муваффақият” ўнлаб-юзлаб миллат вакиллариининг ўзлигидан мосуво этилиши, туб жой аҳоли-хиндуларнинг бутунлай “ютилиб” кетиши ҳисобига юз берди.

“Оммавий маданият”нинг ёвузлиги шундаки, у одамзоднинг фикрлашига тиш-тирноғи билан қарши. Тўғри бир қарашда “оммавий маданият” ҳурфикрлилик, инсон эрки тарафдоридек кўринади, лекин барча “илму- амали”нинг негзига, асосига эътибор берилса, инсоннинг фикрлашига, тафаккур қилишига зид экани аён бўлади.

Шундай экан, инсонни комилликка элтувчи асосий омил одоб-ахлоқдир. Миллат манфаатларини ўз манфаати, ўз манфаатини эса миллат манфаатига эришиш шартли деб тушунади. Ўз вазифасини миллатнинг кунига яраш, оғирини енгил қилишда куради.

“Оммавий маданият” маънавий-ахлоқий қадриятларимизга бутунлай зид бўлиб, миллий маънавиятимизни йўқотишга қаратилгандир. Шундай экан, ҳозирги даврда мамлакатимизда яшаётган ҳар

бир инсон, айниқса ёшлар “оммавий маданият” тахдидининг маъно-мазмунини чуқур англаб олмоғи ва унга қарши турмоғи гоят муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан маънавий тарбия соҳасида бўшлиққа асло йул қўйиб бўлмайди. Зеро маънавий тарбия жараёни замоннинг бугунги талаблари ҳамда аниқ чора-тадбирлар асосида, республика таълим тизимининг барча босқичларида мунтазам ва узлуксиз олиб борилиши даркор. Шу билан бирга, педагог ходимларнинг бугунги ахборотлашув шароитида маънавий тарбия соҳасида муҳим вазифалари-ҳозирги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига ўқувчиларда онгли муносабатни, мустақил фикрлашни, қабул қилинган ахборотларни қайта ишлаш орқали муносабатларни тарбиялаш билан бир вақтда юртимизда, дунёда юз бераётган барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини шакллантиришдан иборатдир.

Фарзандларимиз чет эл “рок” кўшиқларини тушиниб тушинмай соатлаб эштиши унинг сўзларига мазмун моҳиятига тушунмай оммавий таризда рақсга бир бирларига тақлид қилишлари уларнинг маънавий оламига салбий таъсир қилиб бормоқда. Ҳозирда ёшларни маънавий оламининг шаклланишида Давлатимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг ўрни бекиёсдир жумладан ҳалқаро мақом конкурисининг ўтказилиши, 2019 йилнинг 5-8-апрел кунлари халқаро “Бахшичилик” фестивалининг бўлиб ўтиши ёшларимизни маънавий дунёсини ривожланишига, миллий кадрларимизни ўрганишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон демократик фуқаролик жамиятини маънавийли ёшлар куради. Шундай экан, биз фарзандларимиз тарбиясида ҳеч қандай лоқайдлик ва бепарволикка йул қўймасдан:

-уларнинг онгида ва қалбида аждодаримиздан бизгача етиб келган миллий мусикамизга, мақомга, бахшичилик санъатига нисбатан маънавий уруғларини сочиб, аждодаримизга муносиб фарзанд этиб тарбияламоғимиз;

-ўзлигини англамоғи;

-дунёқарабини ривожлантириш;

-мустақил-эркин фикрлашни кучайтириш;

-мулоқат маданиятини ривожлантириш;

-қабул қилинган ахборотларни таҳрир қилиш ва муносабатини билдириш;

-миллий мафқурани бош ва асосий гоёларини, миллий ва муммиллий, умуминсоний тамойилларни ҳаётга тадбиқ этишда фаол иштирок этиш;

-гурур ва ифтихор билан яшашга ўргатиш;

-умуминсоний кадрларга содиқлик;

-ўз имкониятларини эркин намойиш этиш;

- Ватанга, заминга меҳр-мухаббатли, садокатли, ватанпарварлик туйғуси билан яшаш;

-мафқуравий, гоёвий, информацион хуружларга собитлик билан тура олиши;

-иродали, фидоий ва ватанпарварлик туйғусини шакллантириш;

-жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни яратиш;

-Ватан тақдири учун масъуллик, ягона Ватан туёғусини шакллантириш ва ҳқ...

Ана шундагина биз Ватан равнақи йўлидаги олдимизга қўйган мақсадимизга эриша оламиз.

XXI ASRDA ILM-FAN TARAQQIYOTINING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI VA ULARDA INNOVATSIYALARNING TUTGAN O'RNI.

*Jamalova Shahnoza, Sirdaryo viloyti,
Guliston shahar 10- maktab ingliz tili fani
o'qituvchisi*

Bugungi kunda yoshlarni yuksak ma'naviyatli, ijtimoiy-siyosiy hayotda doimo o'z mustaqil fikriga ega, kasb-hunar mahoratini egallagan shaxs sifatida shakllantirish eng dolzarb masalalardan biri hisoblanadi. Yurtimizning bugungi va ertangi hayotini belgilab beruvchi barkamol yoshlarga kata e'tibor qaratilmoqda. Shaxsni shakllantirish keng qamrovli tushuncha hisoblanib, unda bevosita ta'lim va tarbiya masalalari ham o'rin olgan. Respublikamizda yetuk malakali mutaxassislar tayyorlashga yo'naltirilgan ta'lim tizimi ana shunday barkamol shaxsni tarbiyalashni o'z oldiga maqsad qilib qo'ygan "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi", "Ta'lim to'g'risida"gi qonun ta'limda olib borilayotgan ishlarning bosh mezonini hisoblanadi. Bu mezon asosida takomillashtirilgan, zamon talablariga javob bera oladigan dasturlar, o'quv darsliklari yaratilmoqda. Ta'lim tizimini zamon talablariga javob beradigan darajaga keltirishni o'z oldimizga ustuvor vazifa qilib qo'yganmiz. Shu vazifalarni amalga oshirishdagi ishlarda chet tili o'qitishning yangicha yo'l-usullarini ishlab chiqishni ham taqozo etadi. Negaki, butun jahon sivilizatsiyasi bilan tanishish, ular bilan hamkor hamnafas bo'lish uchun eng asosiy aloqa vositasi - chet tillarini mukammal o'rganishimiz talab etiladi. O'zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishganidan so'ng xorijiy tillarni, xususan, ingliz tilini o'qitish va o'rganish ijtimoiy ehtiyojga aylandi va davlat siyosati darajasiga ko'tarildi. Fan va texnika jadal sur'atlar bilan rivojlanayotgan, axborot oqimlari kengayib borayotgan bu davrda chet tillarini o'qitish tizimini qayta ko'rib chiqish va uni takomillashtirishga ehtiyoj tug'ildi. Chet tillarini mukammal egallash va axborot kommunikatsiya vositalaridan keng foydalanish bugungi kunning eng dolzarb vazifalaridan biriga aylandi.

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimovning 2012-yil 10-dekabrda "Chet tillarini o'rganish tizimini yanada

takomillashtirish chora- tadbirlari to'grisidagi " PQ-1875-sonli qarorida chet tillari, xususan, ingliz tilini o'qitishning sifatini oshirish va yanada samarali usullarini ta'lim jarayoniga tatbiq qilish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri ekanligiga alohida urg'u berilgan. Respublikamizda chet tillarini o'rganish tizimini yangicha va samarali dastur asosida tashkil etish maqsadida Umumyevropa kompetensiyalari (CEFR) asosida yangida Davlat Ta'lim Standard ishlab chiqildi va ta'lim jarayonida foydalanishga tatbiq etildi. CEFR (Common European Framework of Reference for Languages - Umumiy Yevropa Til Ko'nikmasi Qolipi) tizimi butun Yevropa bo'ylab ishlatiladigan tillarni o'rganish, o'rgatish va baholashga doir masalalarni o'z ichiga oladi. Bugungi kundagi globallashuv va zamonaviy texnologik vositalar yordamida odamlarning bir-birlari bilan oson aloqa o'rnatishlari natijasida CEFR tizimi nafaqat Yevropada, balki KolumbiyavaFilippin kabi davlatlarda ham keng tatbiq etilyapti. CEFR tizimiga asoslangan imtihonlar dastlab Yevropada amal qiladigan barcha tillar bo'yicha olingan bo'lsa-da, bugungi kunda CEFR tizimidan asosan ingliz tilini o'qitish, o'rganish va baholashda foydalanilyapti. CEFR tizimi Yevropa Konsulligi tomonidan 1989- 1996-yillarda amal qilgan "Language Learning for European Citizenship" ("YevropaFuqaroligi uchun Til O'rganish") dasturining tarkibiy qismi sifatida to'liq mukammallashtirilgan. 2001- yilning noyabr oyidan boshlab esa CEFR Yevropa tillarini bilish darajasini baholashda asosiy me'zon sifatida qabul qilingan.

Ingliz tilini CEFR mezoniga ko'ra bilish darajalari quyidagicha tavsiflanadi: A darajasi tilni elementar darajada o'zlashtirish darajasi hisoblanib bunda: A1 daraja - nomzod aniq vazifalarni bajarish uchun lozim bo'lgan tanish iboralarni tushunish va o'z nutqida ishlata olish, ya'ni, o'zini tanishtira olish, boshqalarni tanishtira olish, yashash manzili, tanishlari, mulki haqida savollarni bera olish va shunday savollarga javob bera olish, agarda suhbatdoshi sekinroq gapirsa va yordam berishga tayyor bo'lsa qiyin bo'lmagan suhbatda ishtirok eta olish darjasidir. A2 daraja - nomzod hayotning asosiy jarayonlari bilan bog'liq bo'lgan ayrim gaplarni va ko'p uchraydigan iboralarni tushunish (masalan, o'zi va oila a'zolari haqidagi asosiy ma'lumotlar, xaridlar, ishga joylashish va h.k.); tanish va kundalik mavzularda ma'lumot almashinuvi bilan bog'liq bo'lgan vazifalarni bajara olish; o'zi, yaqinlari va qarindoshlari, kundalik hayot jarayonlari haqida sodda iboralar bilan gapirib bera olish darajasi hisoblanadi. B daraja - tilni mustaqil o'zlashtirish va erkin qo'llay olish bo'lib, bunda: B1 daraja - nomzod ishda, o'qishda va boshqa holatlarda kelib chiqadigan mavzular bo'yicha adabiy tilda berilgan ma'lumotlarning asosiy fikrlarini tushunadi; o'rganayotgan til mamlakatida bo'lganida ro'y berishi mumkin bo'lgan vaziyatlarning aksariyatida muloqot qila oladi; tanish bo'lgan yoki o'zini qiziqtirgan mavzularda matn tuza olish; taasurotlarini, voqealarni, umidlarini, intilishlarini ta'riflab bera olish, o'z fikrini va kelajakdagi rejalarini bayon qila olish darajasidir. B2 daraja - nomzod abstrakt yoki aniq mavzularda yozilgan matnlarning umumiy mazmunini tushunish, shu jumladan, mutaxassislikka oid mavzularda matnlarni; chet tili ona tilisi bo'lgan shaxs bilan muloqotlarda ikkala tomon uchun ham qiyinchilik tug'dirmaydigan darajada tez gaplasha olish; turli mavzularga aniq, atroflicha ma'ruza qila olish, asosiy muammoga bo'lgan o'z fikrini bayon eta olish, turli fikrlarning afzalliklari va kamchiliklarini ko'rsata olish darajasidir. C daraja tilni mukammal o'zlashtirish darajasi hisoblanib, bunda: C1 daraja - nomzod turlicha mavzularga bo'lgan katta hajmdagi matnlarni tushunish, yashirin ma'nosini aniqlay olish; tez gapira olish; o'zining ilmiy va mutaxassislik faoliyatida xorijiy tildan muloqot uchun samarali foydalanish; murakkab mavzularga aniq, yaxshi tuzilgan ma'lumotni yetkazib bera olish, matnni tuzish modellaridan, bog'lanish va birlashtirish elementlaridan foydalanish qobiliyatlarini namoyon qila olish darajasidir. C2 daraja - nomzod tilni mukammal darajada biladi deyarli barcha og'zaki yoki yozma ma'lumotlarni tushunish; bir nechta og'zaki va yozma manbalarga asoslangan holda matn tuza olish, yuqori tempda va aniqlikda gapira olish, hattoki eng murakkab vaziyatlarda ham ma'no tuslarini ko'rsata olish darajasidir.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, bugungi kunda chet tilini o'rganishda CEFR ning o'rni muhimdir. Til o'rganuvchini 4 yo'nalish ya'ni o'qish, yozish, tinglash va gapirish qobiliyatlarini rivojlantirib, chet tilini o'rganishda o'ziga xos yo'nalishda bilim va ko'nikma beradi.

O'QUVCHILAR TAFAKKURINI O'STIRISHDA MANTIQUIY MASALALARDAN FOYDALANISH YO'LLARI

*O'rolova Fotima Xoliqulovna Sirdaryo viloyati
Mirzaobod tumani 5-umumta'lim maktabi matematika fani o'qituvchisi*

Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimovning " Jamiyat taraqqiyotining asosi, uni muqarrar halokatdan qutqarib qoladigan yagona kuch-ma'rifatdir",- deb ta'kidlab o'tgan so'zlari bugungi kunga kelib ko'pchilik ma'rifatparvar hamda yurtparvar insonlarning hayotiy shioriga aylandi desak mubolag'a bo'lmaydi. Har bir ongli insonni o'z bo'lsada fikrlashga, mustaqil Vatanimizning taraqqiyotiga befarq qaramaslikka, barkamol avlod tarbiyasiga hissa qo'shishga undaydi. Ana shu ma'rifat urug'ini yoshlar ongi va qalbiga sochuvchi hamda singdiruvchi insonlar bu, albatta, o'qituvchilardir.

O'quvchilarni mantiqiy fikrlashga o'rgatish pedagogok muammo deb qaraydigan bo'lsak, nima uchun? degan savol tug'iladi. Muammo deganda, ko'z oldimizga o'z yechimini kutib turgan jarayon yoki masalaning yechimi keladi .Biz yechimni izlayotgan pedagogik muammo esa tezda hal bo'lmaydi, balki ma'lum bir muddatni o'z ichiga oladi.Biz yuqorida tilga olgan muammoni hal qilish yo'lida atroflicha fikr yuritishimiz va o'quvchi uchun zarur bo'lgan ma'lumotlarni tushunarli tilda yetkazib berish mahoratiga ega bo'lishimiz zarur.O'quvchilarni erkin, mustaqil, mantiqiy, tanqidiy va ijodiy fikrlashga o'rgatishda faqatgina darslikda berilgan ma'lumotlar bilan

cheklanib qotib qololmaymiz. Chunki, an'anaviy qolipda qotib qolgan fikrlash bugungi kun talablariga javob bera olmaydi.

Jamiyat taraqqiyotida katta voqea hisoblangan "Ta'lim to'g'risidagi Qonun" va "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi"ning asosini ham intellektual qobiliyatli, zamonaviy, ma'naviyatli va ma'rifatli, mustaqil fikrlay oladigan, har bir voqea yoki hodisaga nisbatan o'z so'zini ayta oladigan yoshlarni tayyorlash ishi tashkil qiladi.

Insonning fikrga beixtiyor harakat yo'lini shartli ravishda quyidagi sxema bilan ifodalash mumkin: belgi- retseptor-miya(ong)-his-tuyg'u-aqliy jarayon. Shunday qilib, tashqi signal(axborat sifatida belgi) ong bilan aks etadi, u o'ziga xotira, diqqat tasavvur, idrok kabi psixik funksiyalarni mujassamlashtiradi, bular miyada ilgari yetiladi, u ixtiyorsiz tarzda aqliy jarayonni shundan so'ng esa insonning ongli faoliyatini vujudga keltiradi.

O'quvchi qanday masala yechishidan qat'iy nazar, albatta, fikrlaydi. Odamning aktiv faoliyati, uning mehnati hamma vaqt masalalarni yechish kaliti bo'ladi. Bola aqliy kuchlarini ishlatib, predmet va hodisalar o'rtasidagi aloqalarni aniqlashga intilib, muayyan ish qiladi. Tevarak olamda minglab masalalar bor. Ularni xalq o'ylab topgan, ular topishmoq- hikoyalar tarzida xalq ijodida yashab keladi. Masalan: Bo'ri, echki va karamni daryoning bir qirg'og'idan ikkinchisiga olib o'tish kerak. Bo'ri bilan echkini, echki bilan karamni na birga olib o'tib bo'ladi, na sohilda birga qoldirib bo'ladi. Istalgancha qirg'oqdan qirg'oqqa o'tib kelish mumkin. Hech biriga shikast yetkizmay bo'ri, echki va karamni qanday qilib olib o'tsa bo'ladi? Bu masalani yechish orqali o'quvchi mustaqil fikr yuritadi va mantiqan o'ylaydi. Chunki, masala shartida aytilganiday, bo'ri bilan echkini, echki bilan karamni birga olib o'tib bo'lmaydi. Demak, o'quvchi o'ylaydi, bo'ri karamni yemaydi shuning uchun bo'ri bilan karamni olib o'tib, so'ngra echkini olib o'tsa bo'ladi degan yechimga keladi. Yana bir o'quvchi esa, bo'ri bilan karamni birga yoki har bir "yo'lovchi"ni alohida- alohida olib o'tsa bo'ladi deb o'zlarining fikrlarini bildiradi. Ko'ryapmizki, o'quvchilar masalaning turli yechimlarini topishmoqda.

Xalq pedagogikasida bu singari yuzlab topishmoq masalalar bor. Shu tur masalalarga o'quvchilar qiziqishadi. Bu kabi masalalarni o'quvchilar zerikib va toliqib qolgan paytlarda ham berish darsni yanada qiziqarli bolishiga va o'quvchilarni mantiqiy, mustaqil, tanqidiy fikrlashga chorlaydi. Bunday masalalar yechishda bolalar nafaqat fikrlaydi, balki, bo'ri, echki va karamni hayolan yoki bo'lmasa qog'ozda tasvirlaydi. Ular bo'rini ko'rmagan bo'lmasada, o'qigan ertaklari yoki ko'rgan multfilmlarida qanday tasvirlangan bo'lsa, shunday idrok qiladi va uni nimalar bilan oziqlanishi haqida ham o'ylaydi. Masala: "Boshlar va oyoqlar", hovlida tovuqlar-u quyonlar o'ynab yuribdi. Ular hammasi bo'lib o'n bosh. Oyoqlari esa yigirma to'rtta: Quyonlar nechtau, tovuqlar nechta?

"Yaylovda": ikki bola qo'y boqib yurishardi. Agar birinchi bola bitta qo'yini ikkinchi bolaga bersa, ularda qo'ylar miqdori baravar bo'ladi. Bordi-yu, ikkinchi bola bitta qo'yini birinchi bolaga bersa, unda birinchi bolada ikkinchisidagidan ikki baravar ortiq qo'y bo'ladi. Birinchi cho'ponning qo'yi nechta-yu, ikkinchisining nechta?

Bunday topishmoq masalalar- aqlni mashq qildirishning bebaho vositasi. Agar bolaning fikri birdan uzilib qoladigan bo'lsa, shu onning o'zida bola hozir tasavvur etib turgan narsasini ham bir necha daqiqa ilgari tasavvur etgan narsasini ham fikran nazar tashlab qamrab ololmaydigan bo'lsa, u bola o'ylay bilmaydi, bir necha predmet va hodisalar orasidagi aloqalarni anglash u uchun qiyin.

Bola o'ylayotganda, uning miyasida nimalar kechayotganini o'qituvchi tasavvur qilishi kerak. Fikr qila bilishni tarbiyalash kerak, aks holda bolalar xotirani zo'riqtiradilar, yodlashga o'tib qoladilar-da, bu fikrni yanada o'tmaslashib qolishiga olib keladi. "Men tarbiyalanuvchilarim miyasida nimalar bo'layotganini tasavvur qilishga intildardim",-deb yozadi mashhur pedagoglardan biri.

Bola fikran bir tasavvurdan ikkinchisiga o'tayotganda miya hujayralarining yangi gruppasida qo'zg'olish paydo bo'ladi. Yangi qo'zg'olish o'chog'i bilan bundan ilgari tasavvur(obraz, idrok) ta'sirida paydo bo'lgan o'choq orasidagi u tomonga ham, bu tomonga ham xabarlar, signallar borib turadigan rishtalar uzilib qolmagan taqdirdagina fikr muttasil olg'a intiladi.

O'ZBEK TILI - MILLATNING BEBAHO BOYLIGI.

*Mustafaqulova Zulxumor Tajiqulovna
Mirzaobod tumani 5-umumta'lim maktabi ona tili
va adabiyoti fani o'qituvchisi*

YUNESKO ma'lumotlariga ko'ra, bugun dunyoda 6 ming 909 til mavjud bo'lib, ulardan atigi 200 ga yaqini davlat tili yoki rasmiy til maqomiga ega. Ular qatorida ona tilimiz – o'zbek tilining borligi har birimizning qalbimizni faxr-iftixorga to'ldiradi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov ta'kidlaganidek, o'zlikni anglash, milliy ong va tafakkurning ifodasi, avlodlar o'rtasidagi ruhiy-ma'naviy bog'liqlik til orqali namoyon bo'ladi. Jamiki ezgu fazilatlar inson qalbiga, avvalo, ona allasi, ona tilining betakror jozibasi bilan singadi. Ona tili – millatning ruhidir.

Tilimizning sofligi haqida qayg'urish shu millatga mansublikdan, shu muqaddas timsolga daxldorlikdan iftixor qiladigan har bir kishining burchi bo'lmog'i lozim. Nafaqat mutaxassis, balki kasbu koridan qat'i nazar, yurtning har bir fidoyi farzandi tilga e'tiborni yoddan chiqarmasligi zarur.

Bugungi globallashuv jarayonlari tufayli dunyo tillarining aytarli barchasida boshqa tildan so'z olish kuzatiladi. Hozirgi kunda o'zbek tilidagi bakalavr, bankomat, barter, birja, brifing, broker, diler, investitsiya, investor, internet, komputer, konsalting, kollej, kredit, marketing, menejer, monitoring, multimedia, parlament,

reyting, referendum, sertifikat, forum kabi o'zlashmalar yuzlab emas, balki minglab degan o'lchovlar bilan o'lchanadi, ular keng omma nutqidan deyarli joy olib bo'ldi. Bu kabi o'zlashmalarni o'zbekchalashtiraman deb, qosh qo'yish o'rniga ko'z chiqarishlar tilimizning sofliigi uchun qayg'urish emas, balki mantiqsiz yumushdir. Masalan, familiya so'zi o'zbek tiliga o'zlashib ulgurganiga ancha bo'lgan. Ammo qaysi bir "mutaxassis"ning tavsiyasi bilan unga sharif degan muqobil topilibdi. U bechora "mutaxassis" eski tilimizdagi ismi sharifi ("sharaffli, muborak ismi") tarzidagi izofali birikma tarkibidagi sharifi so'z shaklini "famiyasi" deb tushungan, chog'i. Bu mutlaqo yanglish muqobil. Yoki oliygoh (institut), o'yingoh (stadion), ro'znoma (gazeta) kabi yanglish muqobillarni hali hamon ayrim "til sofliigi tarafdorlari" qo'llab yuribdi.

O'zbek tili ta'limini yanada takomillashtirish, bu jarayonlarda zamonaviy axborot texnologiyalarining imkoniyatlaridan to'liq foydalanish kabi bir qancha muammolar borki, bular ustida tegishli mutaxassislar izlanishlar olib bormoqda. Masalan, maktablar uchun turli hajm va mazmundagi o'quv qo'llanmalarini ko'paytirish ham muhim. Aytaylik, boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun bola tasavvurini zo'riqtirmaydigan izohli lug'atlar tuzish tajribasi dunyo lug'atchiligida anchayin keng tarqalgan. Bizda bu ish endi-endi boshlanmoqda. Yaqinda "So'z sandiqchasi" degan ana shunday lug'at nashr qildirdik.

O'zbek tilining nufuzi bugungi kunda xalqaro maydonda ham ortib bormoqda. Bir qator xorij mamlakatlaridan kelib, yurtimizda o'zbek tilini o'rganib ketayotganlar ham ko'payib bormoqda. Turli mamlakatlardagi o'quv yurtlarida o'zbek tili o'rganilmoqda. Keyingi yildan boshlab universitetimizda xorijliklar uchun o'zbek tilini o'rganish, tadqiq qilish yo'nalishlarida xalqaro markazlar tashkil qilishni ham rejalashtirganmiz.

O'zbek tilining rivoji, taraqqiyoti, teran tadqiqi va tashviqi borasida hali ko'p ishlarni qilishimiz zarur. Borligimiz, davlatimiz ramzi bo'lgan bebaho boyligimizga mas'ullik hissi hech birimizni hech qachon tark etmasin.

Yangi alifbo, u asosda yangi imloning qabul qilinishi, tilshunoslikdagi yangilik va kashfiyotlarning ta'limga joriy etilishi samarali natijalar bermoqda. Oddiygina 1 soatlik dars reja-konspekti (ishlanmasi) uchun qo'yilgan talabga ko'ra, har bir mavzuning avval ta'limiy, keyin tarbiyaviy, qolaversa, rivojlantiruvchi maqsadlari yoritilishi kerakligi o'qituvchining o'z ustida ishlashi zarurligini ko'rsatadi. Bundan tashqari, o'qituvchi o'quvchi psixologiyasini, yosh xususiyatini hisobga olgan holda mavzuni singdira olish qobiliyatiga ega bo'lishi ham zarur. Demak, o'qituvchi ona tili, adabiyot darslarida yangi DTS talablariga ko'ra olingan bilim, ko'nikma, malakalarni kompetensiyaga aylantirishi uchun vositachi bo'lishi kerak. O'quvchi ona tili va adabiyotdan egallagan bilimlarini kelajakda zarur o'rinda qo'llay olsin. Ta'limga har xil yangi pedagogik texnologiyalar, innovatsion usullar joriy etilmoqda. Natijada, o'quvchi mavzuni tushunib, anglab, o'zi va guruhdoshlarining xatolarini tuzatib bormoqda.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSLARIDA MUAMMOLI TA'LIM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH YO'LLARI

*Qaraqulova Mamlakat Xudoyqulovna Mirzaobod tumani
5-umumta'lim maktabi boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

Muammoli o'qitish amerikalik faylasuf, psixolog va pedagog J.Dyuining nazariy qoidalariga asoslanadi va XX asrning 20-30-yillarida tarqala boshladi. J.Dyui o'qitish uchun quyidagilarni asos qilib belgiladi: ijtimoiy, konstruksiyalash, badiiy ifodalash, ilmiy-tadqiqiy. Bu asoslarni amalga oshirish uchun quyidagilar tavsiya etiladi: so'z, san'at asarlari, texnik qurilmalar, o'yinlar va mehnat. Bugungi kunda, muammoli o'qitish deganda mashg'ulotlarda pedagog tomonidan yaratiladigan muammoli vaziyatlar va ularni yechishga qaratilgan o'quvchilarning faol mustaqil faoliyati tushuniladi. Buning natijasida o'quvchilar kasbiy bilimlarga, ko'nikmalarga, malakalarga ega bo'ladi va fikrlash qobiliyatlari rivojlanadi. Muammoli o'qitish, o'qitishning shaxsga yo'naltirilgan texnologiyalarga taalluqli, chunki bu yerda shaxs sub'ekt sifatida qaraladi, muammoli vaziyatlarining maqsadi - pedagogik jarayonda o'ziga xos qiziqish uyg'otishdir. Muammoli o'qitish, o'qitishning eng tabiiy samarali usulidir, chunki ilmiy bilimlar mantiqni o'zida muammoli vaziyatlar mantiqini namoyish etadi. Muammoli vaziyatlar kiritilib, an'anaviy, bayon etish o'quv materialining eng optimal tarkibi hisoblanadi. Pedagog muammoli vaziyat yaratadi, o'quvchi uni yechishga yo'naltiradi, yechimni izlashni tashkil etadi. Muammoli o'qitishni boshqarish, pedagogik mahoratni talab etadi, chunki muammoli vaziyatning paydo bo'lishi individual holat bo'lib, tabaqalashtirilgan va individuallashtirilgan yondashuvni talab etadi.

Muammoli ta'lim mashg'ulotlarini tashkil etish va boshqarish

Muammoli ta'lim mashg'ulotlarini tashkil etish va boshqarish quyidagi bosqichlarni o'z ichiga oladi:

- o'quv fani va darslar mavzusini o'rgatishda ular bilan bog'liq muammoli masalalarni belgilash;
- ulardan muammoli vaziyatlar hosil qilish va amalda foydalanishni oldindan rejalashtirib borish;
- o'quvchilarning tayyorgarlik darajasini hisobga olish;
- zarur o'quv vositalarini tayyorlash;
- muammoli vaziyatdagi mavjud ziddiyatni ko'rsatish;
- topshiriqni va uni yechish uchun yetarli shartlarni aniq bayon qilish;
- o'quvchilarning muammoni hal etishda yo'l qo'yayotgan xatolarini, ularning sababini va xususiyatini ko'rsatish;
- o'quvchilarning noto'g'ri taxminlari asosida chiqargan xulosalari oqibatini muhokama etib, to'g'ri yo'lni topishlariga ko'maklashish va boshqalar.

«Kim tez topadi?» o'yini

<u>Tushuncha</u>	<u>Mazmuni</u>
<u>ketmon</u>	<u>devorni suvaydilar</u>
<u>randa</u>	<u>yerni chopadilar</u>
<u>belkurak</u>	<u>daraxtlarning shoxlari kallaklanadi</u>
<u>andava</u>	<u>daraxtlarning tagi yumshatiladi</u>
<u>qo'larra</u>	<u>taxta randalanadi</u>

O'quvchilarda ijodiy izlanish, kichik tadqiqotlarni amalga oshirish, muayyan farazlarni ilgari surish, natijalarni asoslash, ma'lum xulosalarga kelish kabi ko'nikma va malakalarni shakllantirishga xizmat qiladigan ta'lim muammoli ta'lim deb ataladi.

Muammoli ta'lim texnologiyasi juda qadim zamonlardan shakllanib kelmoqda. Jumladan, qadimgi Grestiyada muammoli savol-javoblar, qadimgi Hindiston va Xitoyda muammoli bahs-munozaralardan keng foydalanilgan. Muammoli ta'limni amerikalik psixolog, faylasuf va pedagog Dj. Dyui 1894 yilda Chikagoda tashkil etgan tajriba maktabida qo'llagan. XX asrning 60-yillarida bu yo'nalishda tadqiqotlar olib borildi. 70-80-yillarga kelib, amaliyotga keng joriy etildi.

Muammoli ta'limning asosiy g'oyasi bilimlarni o'quvchilarga tayyor holda berish emas, ular tomonidan dars mavzusiga tegishli muammolar bo'yicha o'quv-tadqiqotlarini bajarish asosida o'zlashtirilishini ta'minlashdan iborat.

O'zbekistonda muammoli ta'limni qo'llash bo'yicha bir necha asrlar davomida maktab va madrasalarda suqrotona savol-javob usulidan keng foydalanish asosida o'quvchilarda ziyraklik, hozirjavoblik sifatleri hamda go'zal nutq tarkib toptirilgan.

Suqrotona savol-javob usuli hozirgacha eng samarali ta'lim usullaridan biri sifatida qo'llaniladi. Bunda o'quvchi chuqur mantiqiy fikrlashga, ziyraklikka, aniq va to'g'ri so'zlashga, nutqning mantiqiyliigi va ravonligiga hamda tanqidiy, ijodiy fikrlashga o'rgatilgan. Masalan, suqrotona suhbatlar deganda o'qituvchining o'quvchini mustaqil va faol fikrlash jarayoniga olib kirishi hamda uning fikrlashidagi noto'g'ri jihatlarni ziyraklik bilan aniqlagan holda ularni tuzatish yo'liga olib chiqishdan iborat usullar nazarda tutiladi. Bunday suhbat bosqichlarini quyidagicha soddalashtirib ifodalash mumkin;

1. Savol-javoblar orqali o'quvchining bilim darajasi va fikrlash qobiliyatini umumiy tarzda aniqlash.
2. O'rganilayotgan mavzuning mazmunini o'quvchi motivlariga muvofiqlashtirish. Bu, asosan, o'quvchining qiziqish va qobiliyatlariga mos bo'lgan misollar tanlash orqali amalga oshiriladi.
3. O'quvchini faol muloqotga olib kirish. Bunda asosan rag'batlantirish usullaridan foydalaniladi.
4. O'qituvchi o'zini bilmaydigan odamdek, o'quvchidek tutib, savollar berib boradi.
5. O'quvchining to'g'ri fikrlarini maqtash orqali uni yanada erkin va chuqurroq fikrlashga, so'zlashga jalb qilish.

O'quvchining xato fikrlarini aniqlab borish.

7. O'quvchining xato fikrlariga nisbatan to'g'ri fikrni o'qituvchi tomonidan yaqqol mantiqiy asoslangan shaklda bayon qilish yoki tushuntirish orqali o'quvchi uchun muammoli vaziyat yaratiladi va o'quvchini o'z xatolarini o'zi tuzatishiga yo'naltiriladi.

Bundan ko'rinib turibdiki, ushbu usul yuqori natija berishi shubhasiz bo'lib, ammo buning jiddiy shartlari ham mavjud. Bular o'qituvchining keng bilimga va ijodiy fikrlash qobiliyatiga, yuqori muloqot madaniyatiga, pedagogik mahoratga ega bo'lishi kabilardan iborat.

INTERACTIVE GAMES IN TEACHING ENGLISH IN PRESCHOOL EDUCATION

*Narbutayeva Zarnigor Maxammadqulovna,
Sirdaryo viloyati Guliston shahar, 10- maktab
ingliz tili fani o'qituvchisi*

Educational games are divided into situational, competitive, rhythmic music and art. Situational games include role-playing games that simulate situations of communication on one or another occasion. Role-playing is a game activity in which children act in certain roles, various life situations are played out, for example: the seller-buyer, the doctor-patient, the actor and his admirer, etc. They, in turn, are divided into games of a reproductive nature, when children reproduce a typical, standard dialogue, applying it to a given situation and improvisational games that require the use and modification of various models.

Standard dialogs for example:

Show me (show me) - when the teacher calls the subject, and the child must go to the card with the image of the desired word and point to it.

What's this? The teacher shows the words, the children call the words.

What's missing? (which is missing)

What does not belong? (which is too much)

"Magic mirror" - the goal: the development of attention. To the mirror fit children in masks of animals. In

the magic mirror reflected several animals. Children need to tell whom they see and in what quantity. For example: I see a dog, I see five dogs.

The most competitive games include learning vocabulary and literacy. The winner is the one who is better at speaking the language material. These are all sorts of crosswords, "auctions", desktop-printed games with linguistic tasks, command execution. Crosswords can be on any topic: animals, fruits, vegetables, furniture, toys, etc. Teams are different. In the classroom, children can play the game: "Simon says" - the goal of this game is to develop cognitive interests. Children stand next to the teacher. The task of the children is to fulfill the commands of the teacher. For example: Hands up! Sit down! Jump! Run! Etc. In the process of this game uses the lexical material of various topics.

Rhythm and music games are all kinds of traditional games such as round dances, songs and dances with a choice of partners that contribute not so much to mastering communicative skills as improving the phonetic and rhythmic melodic aspects of speech and immersion into the spirit of language, for example: "Nuts and May", "What's your name", "I like my friends", "Heard, shoulders, knees and toes", etc.

Artistic, or creative, games are a kind of activity that stands on the border of the game and artistic creation, the path to which is for the child through the game. They, in turn, can be divided into

1. Dramatization (i.e. setting small scenes in English) "In the forest" - for example: in the forest there is a chanterelle and a bear, and a small dialogue is played out (Hello! I'm fox. I can run. I like fish); "Little Red Riding Hood" and others.

2. Fine games, such as graphic dictation, coloring pictures, etc. Coloring pictures, it is soothing, not always informative, but very common occupation. For example, you can show the finished picture. While the child is engaged with the contour, the teacher repeatedly repeats the word, names the details. Thus, we will lay the foundation, as in the new language is called what the child did himself. Graphic dictation - for example: in the classroom it is said to the children what color they paint, and then the resulting images are compared with what the teacher dictated.

3. Verbal creative (collective composition of little fairy tales, rhyme selection)

On the border of situational improvisational games and creative dramatizations, there is such an activity as improvisation on the theme of a famous fairy tale, which has already been lost in a well-established form. For example, the game "Turnip" or "Zumrad and Kimmat", in which, depending on the number of players and the mastering of new vocabulary, new characters and replicas appear.

When choosing or inventing a game for inclusion in a lesson, you must observe the following rules:

Before you start the game, answer the following questions: what is the goal of the game, what should the child learn in it? What speech action should he perform? Does the child know how to build such a statement, is there any additional difficulty? Having answered these questions, try yourself to become a child and think up in what interesting situation a statement could arise on such a model. Think how to describe this situation to the child in such a way that he would immediately accept it ... Enjoy playing with your child yourself! The game must be educational, and it must be a game.

Therefore, introducing a game in class, its didactic result is important for the teacher, but it cannot be an incentive for children's activities. Consequently, the game should change the very style of relationships between children and an adult teacher who cannot impose anything: a child can play only when he wants it and when it interests him, and with those who cause him sympathy. The teacher cannot be only the organizer of the game - he should play with the child, because children enjoy playing with adults with great pleasure and because the game atmosphere is destroyed under the gaze of a bystander. And so, we can say that the basis of any game is role-playing. A child in a role-playing game can play the role of himself, an English child or an adult, a fairy-tale character or an animal, a living object, etc. — the possibilities here are unlimited.

Thus, the game is an oriented game for the zone of proximal development, combining the pedagogical goal with the motive of activity that is attractive to the child.

References:

1. Einhorn, K. (2001). ESL activities and mini-books for every classroom. USA.
2. Blanka Frydrychova Klimova / Procedia - Social and Behavioral Sciences 93 (2013) 503 - 507
3. Frydrychova Klimova, B. (2011). Motivation for learning English at a university level. Procedia — Social and Behavioral Sciences, Vol. 15(1), 2599 - 2603, Elsevier Ltd.

BIOLOGIYA DARSLARIDA INTEGRALLASHGAN TA'LIMNING AHAMIYATI

*Sheraliyeva Sevara Boysunovna Sirdaryo viloyati,
Guliston shahar 10-umumta'lim maktabi
biologiya fani o'qituvchisi*

Biz bilamizki, insoniyat yuksak rivojlanish texnika va axborot texnologiyalari asriga qadam qo'ydi. Shunga ko'ra murakkab tizimdagi texnika va texnologiyalar bilan muomala qilib, ko'p miqdordagi axborotlar oqimidan o'rinli foydalanishga mas'uliyat bilan yondashadigan, har tomonlama chuqur bilim va malakaga ega bo'lgan kadrlar

zarur. Lekin har tomonlama mustahkam bilimlar tizimiga ega bo'lgan mutaxassislarni tayyorlash muhim pedagogik muammo bo'lib qolmoqda. Mazkur muammoni hal etishda ta'limning usul va shakllarini integrallashtirish asosida o'qitish muhim ahamiyat kasb etadi. Hozirgi vaqtda rivojlangan mamlakatlarning 70 foizi ta'lim tizimida integrativ dastur va darsliklardan foydalanmoqdalar. Shu jihatdan kelib chiqib, zamon talabiga ko'ra, rivojlangan mamlakatlarning ish tajribalariga tayanib, ta'limning usul va shakllarini integrallashtirib o'qitish muammosini hal etishni zarur deb hisobladik. Ushbu muammoni hal etish muhim iqtisodiy va pedagogik samaradorlikni ta'minlaydi. Muammoni ijobiy hal etishni o'quvchilarni ortiqcha yuklamadan ozod etadi, olamni yaxlit holda anglashga, undagi voqea va hodisalar mohiyatini kompleks o'rganishga, bir butun mukammal bilimlar tizimini tarkib toptirishga, barkamol shaxsning shakllanishiga imkon yaratadi. Shu bois hozirgi davrda o'quv fanlarini integrallashtirish nazariy asoslari, integrallashtirishga bo'lgan yondashuv, integrallashtirish dasturlar, integrallashtirish darsliklar modelini yaratishga oid masalalar o'z yechimini kutayotgan eng dolzarb pedagogik muammo hisoblanadi. Shunga ko'ra biz ilgari surmoqchi bo'lgan masala, bilan shug'ullanuvchi barcha mutaxassislarni integratsiyaning mohiyati, jamiyatda, fan va texnikada integratsiyaning o'rni, ta'limda integratsiyalab o'qitishning guruh va turlariga oid bilimlar bilan birga unda ta'lim shakllari, metodlari va texnologiyalarini integratsiyalash masalalari bilan qurollantirish iborat.

Rivojlanayotgan biologlar o'z ishlarining mumkin bo'lgan ijtimoiy oqibatlarini va ijtimoiy kuchlar tomonidan o'zlarining intizomini shakllantirishi haqida bilib olishlari shart. Bugungi biologiya bo'yicha talabalar oldida har qanday odam guruhiga qaraganda ko'proq jismoniy va ijtimoiy kuchga ega bo'lishlari mumkin.

Biologiya birinchi sahifa yangilikdir, shuning uchun o'quvchilar sinfida o'rgangan narsalar va kundalik hayotda ko'rgan narsalar o'rtasidagi aloqalarni rivojlantirishga o'rgatishimiz muhimdir. Biologiya tadqiqotchilari sifatida, biz mahalliy va milliy qonun chiqaruvchilar bilan samarali muloqot qilishni talab qilayotganimiz sababli, fanni salbiy oqibatlarini tan olamiz. Ammo, biologiya o'qituvchilari sifatida, biz biologiyani ijtimoiy kontekstdan mahrum qilishni o'rgatishimiz mumkin, chunki o'quvchilar o'zlarini bu aloqalarni o'zlar yaratishi mumkin. Ammo o'qituvchilarning xatti-harakatlarini modelga moslashtiradi va ularning izidan boradilar. Agar biz ijtimoiy masalalarni biologiya o'quv dasturiga qo'shsak biologiya fanlari uchun ijtimoiy mas'uliyatni modellashtirishimiz va biz biologik savodxonlik zarurligini ko'rsatamiz.

Har doim kengayib borayotgan biologiya o'quv dasturi bilan ba'zi o'qituvchilar ijtimoiy muammolarni hal qilish uchun qanday joy topishi va bu jarayonda qanday biologik tarkibni chetlab o'tishini qiziqtirgan bo'lishi mumkin. Ko'pgina biologiya kurslarida an'anaviy ravishda ko'rib chiqiladigan mavzularga strategik joylashtirish orqali biz juda kam vaqt va mazmuni qurbon qilamiz va o'quvchilarga ijtimoiy kontekstni bir necha marta o'ylab ko'rishga ruxsat beramiz.

Biologik kontseptsiyalarni ijtimoiy ahamiyatga ega masalalarga kengaytirish orqali biz har bir kontseptsiya bir nechta kirish nuqtasiga ega bo'lgan va shuning uchun ko'p qiziqish nuqtalarini axborot olish uchun yo'llar sifatida xizmat qiladi.

Fan bilimlari islohoti bo'yicha so'nggi ma'ruzalar ushbu pedagogik yondashuvni qo'llab-quvvatlaydi, chunki talabalarni yigirma birinchi asrdagi muammolarning interdisipliner xususiyatiga moslashishga tayyorlaydi (Milliy tadqiqot kengashi (NRC), 2005). Integratsiyalashgan ta'lim "Yangi global asr hisoboti"ni o'rganish bo'yicha to'rtta asosiy ta'lim natijalaridan biri sanaladi. Amerika Qo'shma Shtatlarining kollej va universitetlari assotsiatsiyasi (AAC & U 2007) va "Karnegi" jamg'armasi tomonidan tashkillashtirilgan "Integratsion o'quv loyihasi" O'qitishni rivojlantirish, ushbu maqsadlarga erishish uchun amaliy resurslarni ta'minlaydi (AAC & U va Karnegi jamg'armasi, 2007). Intizomiy ta'limdan tortib, integratsiyalashgan bilimga o'tishning bu o'zgarishi ilm-fan sohasida olib borilgan izlanishlardan kelib chiqqan holda, o'quvchilarning avvalgi bilimlari yangi ma'lumotni qanday tashkil qilish va ularga bog'lanishiga ta'sir ko'rsatishi, shaxsiy va madaniy tajribalar chuqur ildiz otgan "sxema" ni yaratib berishiga dalolat beradi (Vygotskiy, 1978 y. o'ng burchak uchburchagi, Ausubel va boshqalar, 1978 ko'k o'ng burchak uchburchagi, Lattuca va boshqalar, 2004 ko'k o'ng burchakli uchburchak). Buni yodda tutgan holda, bu xususiyat avvalo biologiya va ijtimoiy masalalar o'rtasidagi muhim bog'liqlikni namoyish etadi va keyin biologiya tarixi biologiya o'quv dasturiga aloqador bo'lishi uchun qanday qo'llanilishi mumkinligini o'rganadi.

BIOLOGIYANI IJTIMOY MASALALARGA BILAN BOG'LANISHI

Biologiya odamlariga qaratilgan hikoyalar o'quvchilarga biologik tadqiqotlar insoniy harakat ekanligini va har qanday boshqa kabi siyosat, ijtimoiy me'yorlar yoki vaqt paradigmatlaridan ajratilmaganligini eslatib turadi. Keyingi o'roqsimon hujayrali anemiya, lak operon orqali genlarni tartibga solish va energetika kabi taniqli biologik mavzular ularning ijtimoiy kontekstlarida qanday namoyon bo'lishi mumkinligini ko'rsatmoqda. Ushbu misollarni keng ko'lamli sa'y-harakatlar va jadvallarni ushbu integratsiya jarayonida o'qituvchilarga yordam berish uchun resurslar ro'yxati jadvalining sarlavhasi ko'rsatiladi.

O'roqchali hujayrali anemiya (SCA) har xil murakkab biologik kontseptsiyalarni (genetika, evolyutsiya, biokimy, fiziologiya) namoyon qilish uchun ishlatilgan bo'lsa-da, bu mavzuni keng ijtimoiy mazmunda joylashtiradi. Rivojlanish genini tartibga solish, genotip-fenotip munosabatlar, proteinlar polimerizatsiyasi, kooperativ bog'lash va muvozanatlangan polimorfizmlar, ular evolyutsiya bilan bog'liq bo'lganidek, barchasi SCA yordamida misol qilib keltirish mumkin. Lekin ijtimoiy kontekstsiz o'quvchilar sinfni allel chastotasi va taqsimotiga oid noto'g'ri tushunchalar bilan tark etishi mumkin va bu tushunchalar haqiqiy dunyoda juda kam ahamiyatga ega deb hisoblaydilar. SCA uchun molekulyar diagnostikaning rivojlanishi va undan keyingi biologik tushunchalarni o'rgatadigan vosita sifatida Qo'shma Shtatlardagi genetik tekshiruv dasturlarida qo'llanishi mumkin bo'lgan ijtimoiy tarixdan foydalanishimiz mumkin. Shunday qilib, biz ushbu turli xil biologik kontseptsiyalar o'rtasidagi aloqani

kuchaytiramiz va ijtimoiy kontekstdan olingan biologiyani keng ijtimoiy adolatsizlikka olib kelishi mumkinligini namoyish etamiz.

Biologiya o'qituvchilari SCA genetik test dasturlaridan biologik printsiplarni va kontseptsiyalarni mazmun darajasiga moslashtirish uchun qanday foydalanishi mumkinligini tushunish uchun avval ushbu dasturlarni o'rab turgan ijtimoiy masalalarga e'tibor qaratishimiz kerak. SCA genetik tekshiruvi to'g'risidagi qonun hujjatlari majburiy davlat qonunlaridan boshlab, ixtiyoriy milliy dasturga, davlat ish beruvchilarining norasmiy roziligisiz ishchilarning genetik tekshiruvlariga so'nggi 40 yil davomida o'tib ketgan (Bowman, 1977 ko'k o'ng burchakli uchburchak, Markel, 1997 ko'k o'ng- uchburchakni ko'rsatuvchi). Bu holatlarda o'rdak hujayrali allele bu irqiy aniqlangan guruh bilan chegaralanmagan (Markel, 1997 ko'k o'ng uchburchak uchburchak). Ushbu noto'g'ri tushunchani prezident Niksonning 1972 yilgi bayonotida, "Milliy tog'li hujayralarni nazorat qilish to'g'risida" qonuni, "Blacks va boshqa hech kimga ziyon keltirmaydigan" kasallikni bartaraf qilish uchun zarur deb hisoblaganida (Nixon, 1972 ko'k o'ng uchburchak uchburchagi, PL 92 -294). Qora Panter partiyasi SCA Nazorat Aktini to'liq qo'llab-quvvatlasa-da, bu ularning jamiyatlarida sog'lomroq sog'lom turmush tarzini targ'ib qilishiga ishongan bo'lsa-da, qonun Amerika Qo'shma Shtatlaridagi afro-amerikaliklarga qarshi ommaviy kamsitishlarga olib keldi, ularning aksariyati sog'liqni saqlash va hayotni sug'urtalashni yo'qotgan, davlat maktablariga kirish , va ishlar (Culliton, 1972 ko'k o'ng burchakli uchburchak, Bowman, 1977 ko'k o'ng burchakli uchburchak). Ushbu skrining dasturi, genetik testning eng yaxshi tarixiy misollaridan biri bo'lib, noto'g'ri yo'l tutdi va bugungi kunda afro-amerikaliklarni ta'qib qilishda davom etmoqda, chunki Nyu-York shtati nikohni qo'llash bo'yicha litsenziya arizasida (13aa) saqlanmoqda va genetik tekshiruvlar (Bowman, 2000 ko'k o'ng burchakli uchburchak, Carroll va Coleman, 2001 ko'k o'ng burchakli uchburchak, Louisiana State University, 1998; Norman-Bloodshaw Lawrence Berkeley Labs, 135 F3d 1260, 9th Circuit, 1998 ko'k o'ngga ishora uchburchak).

Olimlar uchun ajablanadigan narsa shundaki, SCA uchun birinchi molekulyar testni yaratishda ishtirok etgan kashshoflardan biri bo'lgan Nobel mukofoti sovrindori Linus Pauling diskriminatsiyaviy dasturlarga olib keladigan skrining dasturlarining himoyachisi edi. Ko'p olimlar, Paulingni insoniyatning azoblanishiga olib kelishi mumkin bo'lganligi sababli, yadroviy energetika tadqiqotlarini qattiq tanqid qiluvchisi sifatida eslashadi. SCA skriningi va oilani rejalashtirish masalasida Pauling bu erda ham inson qiynoqlarining oldini olish mumkinligiga ishonadi, bu quyidagi taklif bilan ko'rsatildi:

Har bir yigitning peshonasiga tatuirovka kerak, bu bir xil dozada jiddiy nuqsonli geni bir-birlariga oshiqib tushmaslik uchun ikki yoshni o'rdak hujayrasi genini egallashni ko'rsatuvchi belgidir.

- Linus Pauling (Markel, 1997 ko'k o'ng uchburchak uchburchak)

Pavlusning ta'lim berishdagi o'rnini qo'shish uchun bir nechta sabablar mavjud. Ushbu tarixni tan olish orqali biz biologik kashfiyotlar va ularning qo'llanilishi vaqtning ijtimoiy noto'g'ri qarashlari bilan qanday shakllantirilishi mumkinligini ko'rib chiqamiz (1-jadval, SCA). Shuningdek, Pavlusning olim sifatida obro'-e'tibori va shuning uchun hokimiyat vakili boshqalarni ijtimoiy adolatsizlikka olib kelgan siyosatni qo'llab-quvvatlash uchun qanday qo'llanilganini tasvirlaymiz. Talabalarga "Pauling" ning taklifini tahlil qilishni so'rab, ularni jamoatchilik ichida muloqot qilish va ularning holatini aniqlashda qanday rol o'ynashlarini ko'rib chiqishga chaqiramiz. Bu, ayniqsa, SCA ishi uchun juda muhimdir, chunki sog'liqni saqlash tizimining ko'plab xodimlari SCA diagnostikasi ortida molekulyar biologiyani noto'g'ri tushunishdan xabardor emaslar, bu esa kasallik holatini noto'g'ri talqin qilishga olib keldi. Bu chalkashlik, qisman, gemoglobulin eruvchanlik assaylari orqali sitogen tekshiruvdan molekulyar skriningga o'tishga bog'liq. Shifokorlar molekulyar va organizm darajasida fenotiplarni ko'rishga odatlanmagani uchun nomenklatura muammoli holga aylandi. Hukumat, tibbiyot hamjamiyati va keng jamoatchilik, o'roqsimon hujayra kasalligi bilan o'roqsimon hujayra kasalligining tashuvchisi maqomini (Markel, 1997 ko'k o'ng burchak uchburchagi) bilan bog'ladi.

GLOBAL ILMIY JARAYONDA INTEGRATSION TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH USULLARI

*Shodmonqulova E'tibor Sirdaryo viloyati
Guliston shahar 13-umumta'lim maktabi ona tili
va adabiyot fani o'qituvchisi*

Mustaqil O'zbekistonimizda amalga oshirilayotgan ijtimoiy - iqtisodiy islohotlar ma'naviy - axloqiy yo'nalishlarni ham keng rivojlantirishni taqozo etmoqda. Chunki bu demokratik, insonparvarlik jamiyatini qurishning muhim omillaridandir. Mamlakatimizda xalq ta'limi tizimida uzluksizlik yuzaga keldi. U zamonaviy innovatsion va integratsion texnologiyalar asosida takomillashtirilmoqda. Ayniqsa, boshlang'ich ta'limni yuqori darajaga ko'tarish muhim ahamiyat kasb etayotir. Darhaqiqat, kelajagimizning taraqqiyoti ta'limning poydevori bo'lgan boshlang'ich maktabda ilm olayotgan bolalarning ma'naviy - axloqiy jihatdan mustahkam tarbiyalanishi, barkamol avlod bo'lib yetishishiga ko'p jihatdan bog'liqdir.

Maktab yoshidagi o'quvchilarni komil inson darajasiga ko'tarishga intilish, ma'naviyat sarchashmalaridan bahramand qilish, milliy va umuminsoniy qadriyatlarimizga sodiq qilib tarbiyalash, istiqloqlarning talabidir. Buning uchun o'qituvchining o'zi ham yetuk pedagogik mahoratga ega bo'lishi, yuksak insoniy fazilatlarini o'zida mujassam etmog'i lozim.

Bugungi kunda, ya'ni ta'lim - tarbiyaning hozirgi zamonaviy bosqichida o'qituvchining ishlash tizimi

tubdan o'zgaroqda va pedagogik texnologiyalar, integratsiyalar, innovatsiyalar amaliyotda keng qo'llanilmoqda.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, mamlakatimizda mustaqillikning dastlabki yillaridanoq yosh avlodni har tomonlama barkamol insonlar qilib tarbiyalashga alohida e'tibor qaratib kelinmoqda. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining yoshlarni qo'llab - quvvatlashga doir o'ndan ortiq moddasi, «Yoshlarga oid davlat siyosatining asoslari to'g'risida», «Ta'lim to'g'risida»gi, «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» Qonunlarining mantiqiy davomi bo'lgan «Maktab ta'limini rivojlantirish Davlat umummilliy dasturi», «2008-2012 yillarda Uzluksiz ta'lim tizimi mazmunini modernizatsiyalash va ta'lim - tarbiya samaradorligini yangi sifat darajasiga ko'tarish dasturi» hamda Prezidentimizning ta'lim sohasiga tegishli qator farmonlari va hukumat qarorlari mavjud. Ular keng miqyosda hayotga tatbiq etilib ta'limning mazmun-mohiyati tubdan o'zgaroqda. Bu esa ta'lim - tarbiya jarayoniga yangicha mazmun olib kirishni, yangicha talqinlar, ilg'or tajribalarni amaliyotga tatbiq etishni talab qiladi. Ta'lim jarayonidagi ana shunday yangiliklardan biri bu integration ta'limdir.

Olimlar A.G'ulomov va H.Ne'matovlar ta'kidlashicha, integration ta'lim, ya'ni integration jarayonlar boshqa fanlardan olingan ma'lumotlardan foydalanib, o'quvchilarni har tomonlama bilimni qilish imkoniyatiga ega bo'lishdir. Bunda o'quvchilar badiiy uslubni adabiyot fanidan, ilmiy uslubni biologiyadan, kimyo, fizika, matematika, ish qog'ozlari uslubini huquq fanlaridan olingan materiallar asosida o'rganishlari nazarda tutiladi.

Integratsiyaning mazmun-mohiyati Fariddin Attorning quyidagi fikrlariga hamohangdir: «Bu ro'yi zaminda mayda narsaning o'zi yo'q, hamma narsa bir-biriga bog'liq va bir-birini to'ldiradi.»

Integratsiya - lotincha integratio - tiklash, qaytadan boshlash, to'ldirish degani bo'lib, o'zbek tilida 3 ma'noda qo'llaniladi:

1. Ayrim qismlarning, elementlarning bog'liqlik holatini, ularni qo'shib birlashtirishni ifodalovchi tushuncha.
2. Fanlarning yaqinlashishi va o'zaro bog'lanish jarayoni.
3. Ikki va undan ortiq davlatlarning iqtisodiyotini o'zaro muvofiqlashtirish va birlashtirish.

«Integratsiya» - differentsiatsiya jarayonlaridagi fanlarning o'zaro yaqinlashuvi va bog'liqligida ko'rinadi. Integratsiya jarayoni fanlararo bog'liqlikning yuqori shaklida nomoyon bo'ladi.

Integratsiyalash - lotincha «integer» - umumiylik, «integra» - umumiylikni tuldirish, yaratish, tiklash demakdir. Ta'lim mazmunidagi uyg'unliklarni ta'minlash muammolari ham integratsiyalashning shug'ullanadigan sohasi hisoblanadi. U tushunchalarni umumlashtirishni o'rgatish. Ta'lim va tarbiyada esa bilimlar, tushunchalar, ko'nikmalar va malakalarni shakllantirishlarni umumlashtirib, qonun yoki qoida ko'rinishiga keltirishni amalga oshiradi. Integratsiyalash tushunchasi muhim ilmiy termin bulib, u umumlashtirish, xulosalashlarda metodologik vosita bo'lib hisoblanadi, chunki uning yordamida jarayon va hodisalar mazmunlari orasidagi umumiy uyg'unlik algoritmlari yaratiladi. Pedagogik tadqiqotlarda tadqiqot ob'ekti va metodologiyasiga tegishli ma'lumotlar o'rtasidagi aloqadorliklarni o'rnatish (funktsional bog'lanishlarni) masalalarini hal etishda integratsiyalashdan foydalaniladi.

Tadqiqot ishlami bajarishda va turli fanlardagi ta'lim mazmunlarini umumlashtirish va to'ldirishda integratsiyalash jarayoni doimo qo'l keladi va ko'zlangan maqsadga erishishni kafolatlashga yordam beradi.

Integratsion tizim - bu to'liq dunyoqarashga ega, o'zida bor bilimlarni mustaqil tizimlash qobiliyati va turli xil muammolarni yechishda noan'anaviy yondashadigan to'liq ma'lumotga ega yosh insonni tarbiyalashga imkon beruvchi o'qitishning differentsiyasidir (turlanishidir).

- O'qitish maqsadidagi integratsiya - bu o'quvchini o'qitishni birinchi qadamlaridanoq olamni bir butunlikda va uni barcha elementlari o'zaro bog'liqligi haqida tasavvur berishdir.

- Integratsiya — an'anaviy ta'lim vositasi; oldin mavjud turlangan bilimlar kesishuvida bilmaganlarni to'ldirib olish, ular orasidagi mavjud aloqani o'rnatish; o'qitishda mavjud tor ixtisoslashuvni yangilash bilan o'quvchini bilim darajasini oshirish.

Ta'lim jarayonida integral yondoshuvni amalga oshirishga yordam beruvchi usul va vositalarga:

- Evristik suhbatlar;
- Umumiy suhbatlar;
- Ekskursiyalar;
- Ona tili, tabiatshunoslik darslarida kuzatishlar, badiiy asarlar materiallari asosida nutq o'stirish uchun yozilgan ijodiy ishlar;
- Ta'limning ko'rgazmali, metodlari;
- Mustaqil ishlar;
- O'qish, matematika darslarida og'zaki rasm chizish;
- Imo-ishorali ko'rinishlar (pantomimlar);
- Tabiatshunoslik darslarida tabiat tasvirlarini ifodali o'qish;
- Ona tili darslarida tabiatshunoslikka oid diktantlar, matnlar yozish (shu sinfga tegishli orfogrammalarni takrorlagan holda);

- O'lkashunoslik asosida matematik masalalarni hal qilish, yechish va boshqalar.

Integratsiyalashgan darslardan maqsad, o'zi ishlayotgan olam haqida narsa va hodisalar orasidagi bog'liqlik, o'zaro yordam, moddiy va madaniyatning turli - tumanligi haqida keng va eng asosiysi, insonning ichki (ma'naviy) va (ijtimoiy) dunyosi haqida, olamda hukm suruvchi qonunlar (tabiiy, ilmiy, tarixiy, axloqiy) haqida tushuncha berish. Asosiy urg'u faqat ma'lum bilimlarni egallashgagina emas, obrazli fikrlashni rivojlantirishga beriladi. Olamning umumiy ko'rinishini tovushlar, obrazlar, ranglar orqali tanishtiriladi, bola esa ham dunyosi ham o'zini o'rganuvchi, tekshiruvchi o'rniga qo'yadi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, integratsion ta'lim maqsadi sifatida olam tizimining alohida qismlari bog'likligini ko'rsatuvchi bilimlarni berishi emas, bolani barcha elementlari bir-biriga bog'liq yaxlit olamni tasavvur qilishga birinchi qadamlarida o'rgatishi kerak. Bu maqsadni boshlang'ich maktab amalga oshirishi kerak.

DIDAKTIK - TA'LIMYIY RESURLARNING AHAMIYATI VA ULARNING DARS LARGA TATBIQI

Sanaddinova Nazira

Sirdaryo viloyati Mirzaobod tumani 5-umumta'lim maktabi ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

Inson ijtimoiy munosabatlar tizimining ko'p qirrali, murakkab qismidir. U, bir tomondan, ijtimoiy-tarixiy taraqqiyotning mahsuli bo'lsa, ikkinchi tomondan, o'zi ijtimoiy taraqqiyotni ta'min etadi. Uzlüksiz ta'lim jarayonida darsni samarali tashkil etish ko'p jihatdan uning turli o'quv vositalari - tarqatmalar, axborot kommunikatsion texnika vositalari, ko'rgazma bilan boyitilganligiga bog'liq.

Pedagogik faoliyat, hayotda yuzaga keladigan har qanday vaziyatda kasbiy-shaxsiy o'sishga olib keladigan holatni yaratish, o'qituvchiga xos kreativlik, ijodkorlik, kashfiyotchilik xususiyatlarini saqlashga intilish ham zamon bilan hamnafaslikni anglatadi. Uzlüksiz ta'lim jarayonida o'qituvchiga xos bo'lgan yuqoridagi xususiyatlarni inobatga olish kutilgan natijani beradi. Shu bilan birga, ta'kidlash lozimki, bugun nafaqat o'qituvchining kasbiy mahoratini tashqi omillar ta'sirida takomillashtirish, balki uning o'zini rivojlantirish uchun sharoit va motivatsiya yaratish, ichki intilishlariga asoslanish muhim bo'lmoqda.

Ta'lim berishdan ko'zda tutilgan, olinadigan ma'lum hajmdagi bilimdan maqsad- o'quvchilarning maktabdagi faoliyati zamonaviy ta'lim talablari asosida tashkil etilishi, shaxsga yo'naltirilgan ta'limning mazmun-mohiyatini tushunishi, bunda o'quvchi shaxsini hurmat qilish, uning tabiiy imkoniyatlaridan kelib chiqqan holda didaktik-o'quv topshiriqlari yaratish, ularni izlanishga, o'quv tadqiqotlari qila olishga yo'naltirish, o'quvchining dars jarayonidagi o'z faoliyatini baholay olish, hamkorlikda ishlash ko'hikmalarini, qolaversa, bilish ehtiyojini shakllantirish, mustaqil fikrlay olishi uchun muammoli vaziyatlar yaratish, qisqasi, munosib o'quv muhiti bilan ta'minlash "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi"ning asosiy maqsadi ekanligini anglatish o'quvchini aniq va puxta bilimlar bilan qurollantirishimizga bog'liqdir. Ma'ruza darslarining an'anaviy shakllaridan voz kechib, uni qiziqarli va samarali tashkil etish, buning uchun darsni kerakli didaktik-ta'limiy resurslar, topshiriqlar bilan ta'minlash, uni tayyorlash bo'yicha tavsiyalar berish maqsadimizdir.

Inson axborotni qabul qilishiga ko'ra quyidagi toifalarga bo'linadi:

1. Abstrakt tafakkurli.
2. Konkret-obrazli tafakkurli.
3. Vizuallar.
4. Audiollar.
5. Kinestetlar.

Abstrakt tafakkurli kishilar har qanday mavhum axborotni qabul qilib, tasavvur qila oladilar.

Konkret obrazli- tafakkurli kishilar esa axborotni konkret obrazlar orqali samarali o'zlashtiradilar, mavhum tushunchalarni anglashlari qiyin kechadi.

Vizuallar (ing. "vision" -ko'rish) ko'rgan obrazlarini yaxshiroq eslab qoladilar. Bunday kishilar so'z borayotgan har bir predmetni ko'rishlari lozim. Masalan, dars jarayonida ular so'zlovchini ko'rib turishlari shart.

Audiollar (ing. "audio"-tovush) axborotni eshitish orqali samarali qabul qiladilar. Bunday kishilar musiqa tinglashni yaxshi ko'radi. Yangiliklarni gazetadan o'qish o'rniga radio va televideniye orqali tinglashni maqbul biladilar.

Kinestetlar (ing. "kinesthetia"-mushak orqali his qilish) har bir predmetni ko'rishlari, hidlashlari, ushlab ko'rishlari, ya'ni tana orqali his qilishlari kerak.

Shunday ekan, o'qituvchi/trener/fasilitator har qanday o'qitish jarayonini tashkil qilish, o'quv materialini taqdim qilishda yuqoridagi ma'lumotga asoslanishi, turli toifadagi ta'lim oluvchilarning axborotga nisbatan ehtiyojlarini qondirishi jarayon samaradorligini oshirishga yordam beradi. Demak, ta'lim jarayonida ko'rgazmali vositalarning har xil turlaridan maqsadli foydalanishi lozim. Bu plakatlar, qo'llanmalar, laboratoriya tajribalari; ovoz, animatsiya, harakat, matn yig'indisi bo'lgan multimedia bo'lishi mumkin. Zero, mutaxassislar fikricha, biz turli yo'llar bilan qabul qilgan axborotimizni turli darajada o'zlashtiramiz va eslab qolamiz. Shu o'rinda bir

ma'lumotni eslab o'tishimiz maqsadga muvofiqdir.

Bizning miyamiz yangi axborotni turli tezlikda, shuningdek, turli darajada qabul qiladi. Bu axborot manbasiga bog'liq. Bizning o'qishga nisbatan fikrlashimiz tezroq. O'z navbatida, bizda ma'lumotni og'zaki eshitishga nisbatan o'qish sur'ati tezroq.

Shu o'rinda savol paydo bo'ladi: "Unda o'zgaral nutqi nima uchun kerak?"

Bunga shunday javob beramiz: nutqning mimikasi, ovozidagi past-baland ohang, qo'l harakatlari ma'lumotni qiziqarli va tushunarli yetkazadi hamda auditoriyada iliq muomala muhitini yaratadi. Tarqatilgan materiallar esa berilgan g'oyalar haqida tasavvur va tushunchani kengaytiradi, qo'llab-quvatlaydi. Grafika, ya'ni diagramma, jadval va xaritalar o'z navbatida aytilgan axborotlarni to'ldiradi, ularni yanada yaxshiroq o'zlashtirishga yordam beradi.

Tarqatma material tayyorlash yuzasidan tavsiyalar

Har bir fanning asosiy xususiyati, mazmunining tarkibi, amaliy, nazariy qismlarining nisbatiga muvofiq ravishda eng qulay tarqatma tayyorlash dars samaradorligining kafolatidir. Tarqatma materiallar individual yoki guruh uchun mo'tjanamdi. Shunga ko'ra, ular guruhning/tinglovchlarining soniga qarab taqsimlanadi. Kartochka (matnli) va perfokartochkalar (grafikli) mavzuning maqsadidan kelib chiqib, puxta, mukammal ishlanishi lozim. Tarqatmalarni ishlab chiqishda quyidagilarga e'tibor berish kerak:

- Muammolarni hal qilishga yo'naltirish;
- Tadqiqotlar olib borishga yo'naltirish;
- Turli vaziyatlar va holatlar tahliliga qaratish;
- Tajribalar va mashqlar o'tkazishga mo'ljallash;
- Yangiliklarni izlash va topishga yo'naltirish.

Tarqatma tayyorlashda, shuningdek:

-dars maqsadini belgilash;

- dars taqdimotining ajralmas qismi ekanligini inobatga olish ;

-amaliy jihatdan auditoriya uchun foydaliligini ta'minlash;

-tarqatma ma'lumotni to'g'ri yetkazish, mavzuni tushuntirishning qulay vositasi ekanligi;

-diqqatni asosiy mavzuga yo'naltiruvchi belgilariga amal qilish muhim.

Sizning tarqatma materialingiz visual tomondan ham qulayligiga amin bo'ling. Ularni shunday tayyorlangi, mavzu maqsadiga va auditoriya xususiyatlariga mos kelsin. Tarqatma materiallar tayyorlash bo'yicha quyidagi maslahatlar ularni maksimal darajada axborot beruvchi va ko'rgazmali bo'lishini ta'minlaydi. Demak, tarqatma material tayyorlashdagi tavsiyalar quyidagicha:

-yorqin, jarangli nomlang;

-ma'lumotni ratsional taqsimlang;

-ma'lumotni tez va to'g'ri qabul etish uchun so'z bilan tasvirlash o'rniga grafikadan foydalaning;

-to'liq gaplar o'rniga tezislar (bu sizning nutqingizdagi takrordan holi bolishga yordam beradi) yozing;

-hujjatda 2 xil shriftdan foydalaning: diqqatni jamlash uchun kursiv, qalin shrift yoki ostiga chizish belgisidan foydalanish mumkin(uchlasini birgalikda qo'llamang);

-vizual idrokni osonlashtirish va kerakli ma'lumotni tezroq topish uchun asosiy g'oyalar va ma'lumotni modullarga ajrating;

-mualliflikni ta'minlash uchun ism, sharifingiz va sanani ko'rsating;

-rangli bezaklardan foydalaning, bu auditoriyaning 80% dan ortiq'ini jalb qilishga yordam beradi;

-matndan keyin grafikani joylashtiring (chunki 1-navbatda grafika ko'zga tashlanadi va ko'pchilik grafika yuqorisidagi yozuvlarga e'tibor bermaydi).

Tarqatma materiallar 2 toifaga bo'linadi:

1. Takrorlanuvchi

2. Interfaol

Siz TMning mavzuingiz maqsadiga mos keladigan turini tanlashingiz kerak. Takrorlanuvchi tarqatma materiallar darsning ayrim punktlarini o'z ichiga oladi. Bular: reja, mavjud material, misollar, diagrammalar, foydalanilgan ko'rgazmalar namunasi, bibliografiya.

Interfaol tarqatma materiallar amaliy mashgulotlar orqali mavzuni tushuntirishga yordamchi vosita sifatida taqdim etiladi. Bunday tarqatma materiallar turi quyidagi punktlarni o'z ichiga oladi: ish varaqlari, nazorat savollari, ro'yxatlar, yechimlar daraxti, blok- sxemalar, diagramma va jadvallar, algoritmlar.

Materiallarni qachon tarqatish kerak?

Tarqatma materiallarni darsning boshlang'ich qismida tarqating. Bu o'quvchilarning mavzuning foydali jihatlari bo'yicha ma'lum bir tasavvurga ega bo'lishlariga yordam beradi hamda o'quvchilarni yangi mavzu asosida yaratiladigan muammolar va g'oyalar haqida oldinroq o'ylashga majbur etadi. Sifatli tayyorlangan tarqatma material o'quvchilarda siz haqingizda notiq sifatida yaxshi taassurotlar qoldiradi. Tarqatmalar qanchalik tez auditoriyadagilar qo'lga yetsa, shuncha erta ularning ishonchsizlik ruhini yengishga va dars o'tuvchiga ma'lum bir ishonchni belgilashga yordam beradi.

Agar siz o'quvchilarning oldindan nima haqida gapirishingizni bilmasliklari uchun tarqatma materiallarni

tarqatishni xohlamasangiz, unda siz hammasini boshidan boshlang. Bu shundan darak beradiki, siz tarqatma va taqdimot tayyorlashda xatoga yo'l qo'ygansiz. Yaxshi, sifatli tarqatma material auditoriya diqqatini notiqqa va uning darsiga jalb etadi.

Yuqorida qayd etganimizdek, tarqatma materiallar darsingizning ajralmas qismi sifatida oldindan tayyorlanishi kerak. Sizning asosiy g'oya va xulosalaringiz darsning bir qismi bo'lgani holda tarqatmalar uning qiyinroq jihatlarini aks ettirsin.

MUHAMMAD YUSUF IJODIDA BADIYYAT

*Abdug'afforova Muborak
Guliston shahar 16-maktabning
Ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi*

Biz-ku uchrashdik, biroq erta ajrashdik. Umringiz qisqa ekan, lekin bizning qalbimizda abadiy yashayverasiz. She'rlaringiz zavqidan lazzat olar ekanmiz, har lahzada, har onda sizni eslayveramiz.

Muhammad Yusuf bizning qalbimizdan ana shunday joy olgan. Uning she'rlarini o'qir ekanmiz, undagi soddalik, samimiylik, vatan madhi, yurt ishq, inson qadri yangi-yangi o'xshatishlar bilan jilolanaveradi. Biz undan bahra olganimiz sari yana o'qigimiz, yana eshitgimiz kelaveradi. Shoir ijodiga nazar solib, uning she'rlaridan, aniqrog'i qalb kechinmalaridan bir nechtasini sinchiklab tahlil etsak, shoyad ijodkor ruhlari shod bo'lsa...

“**Maylida**”, deb boshlanuvchi “Biz baxtli bo'lamiz” she'ridagi dastlabki so'z haqida gap ketganda, bu so'zni adabiy tilda uchratmaymiz. Chunki shoir tomonidan adabiy tilga olib kirilgan(asosan shevalarda tasdiq ma'nosida ishlatiladi) bu so'z hech ham jumlagi g'alizlik keltirmasligi bilan bir qatorda she'rga yangi samimiylikni olib kirgan. She'rdagi 10-13 misralarga e'tibor qaratar ekanmiz:

Rayhon hidlaringni

Yo'llaringga sep,

Kut meni,

Har oqshom...

Rayhon atalmish gulga o'xshatishlar juda ko'p uchrab tursada, yoki Rayhon atalmish qizlar ham talaygina bo'lsada, ulardagi nafislik, hushbo'ylik va chiroy ijodkor berayotgan ta'rifchalik chiqmagan. Bu erda shoir bir vaqtning o'zida ham qizga, ham rayhonga urg'u berib ikki tushunchani, bir jumla bilan, bir necha ma'noda qo'llab ketmoqda. U qizga ta'rif berar ekan undan kelayotgan iforni rayhonning hidiga o'xshatadi. Yana bir qiziq tomoni ijodkor **qiz** obrazi bilan xalqiga, vataniga murojaat qilayotgandek bo'ladi. **Yo'llaringga sep**, jumlasini bilan hidning tarovatini oshirmoqda. Ammo hid yo'lga sepiladigan jihat emas. Ijodkor ma'noni kuchaytirish maqsadida qo'llagan bunday fikr asar qadrini oshirish bilan birgalikda yangi o'xshatish topmoqda va bu o'xshatish asarga boshqacha ko'rak berib turibdi.

Misralarida mashuqaga yo'naltirilgan fikr, aslida ijodkorning kutish holatini ifodalamoqda. Chunki u o'zi shunday kutib, kechasi ko'kka ko'z tikib o'tiribdiki, oy chiqqanini ko'rmoqda va mashuqani ham bu holatdan bahramand etishga undamoqda.

Bu misralarda ajoyib o'xshatish qo'llanilgan, garchi nurning tomish holati, labning sohili bo'lmasligi har kimga ham ayon. Ijodkor bu o'xshatishlar orqali insoniyatga tanish tabiat xodisalaridan o'rinni faydalana olgan. Chunonchi, nur ko'chma ma'noda qo'llanilib kulgu, tabassum izhor etishga qaratilgan. Sohil esa daryoning chekkasi, qirg'oqqa yaqin quruqlik bilan tutash qismidir. Labdagi bu joy – labning chekka qismi bo'lib, tabassum qilganda juda chiroyli ko'rinadigan-kulgich ya'ni kulguni ifodalab turuvchi tomonidir. Bu holat – kulib turgan qizning yon tomoni orqali ifodalanadi. Demak, shoir lab sohilidagi kulgu nurini tomib turish holatini ifodalamoqda. Boshqacha qilib aytganda, har doim kulib turadigan mashuqani tariflamoqda.

Bir qarashda sezish mumkin bo'lgan holat-kokilning kiprikdan kaltaligi, ya'ni kalligi. Biroq bu bayt garchi qiz kiprigiga berilgan ta'rif bo'lsada tanqidlash holati ham yo'q emas. Sabab shundaki, zamonamiz qizlarining sochlarini qirqib yurishi – kesilgan sochlik bir jihatni belgilasa, ikkinchi tomondan uzun kiprik yopishtirib yurish holati tanqid ostiga olinmoqda. Hazilomuz tarzda ifodalangan bu jumla boshqa ta'riflarga nisbatan tashbehning go'zal namunasi. Garchi bu tanqidiy fikrni ritorik so'roq tarzida mashuqaning o'ziga berayotgan bo'lsada, tarif orqali she'rga o'zgacha ritmiylik baxsh etib borgan. She'rning misradan-misraga o'tib borish holatida o'xshatishlar va ta'riflar kuchaytirib borilgan. Bu bilan she'rning kulminatsiyasini belgilab olish qiyin.

Inson oldidagi kishini izlamaydi, yonidagi kishini kutmaydi sababi aniq. Ijodkor mashuqani shu qadar sevadiki, yonida turgan bo'lsa ham rashk qiladi, kutadi, izlaydi. U his qilayotgan yana bir tuyg'u borki, yonida turgan holatda ham uni izlashi hazil qilib unga tegajoqlik qilish, uni ham rashk qilishga undash, go'yoki yonida tursa ham ko'rmay qolish holati aks ettirilgan. Misralardagi **seni** so'zlarining 4 marta ketma-ket kelish holati takrorlikni his qildirmaydi, balki kuchaytirish o'rnini bosadi. E'tibor berib qaralsa, **seni, seni, seni, seni** deyilishining o'zi ijodkorning faqat uni deyishligi nazarda tutilgan. Kengroq olib qaralganda 4 marta bir insonni aytish va tanlash unga bo'lgan cheksiz muhabbatni ifodalaydi.

Farishtalarga to'la qalb tasvirlangan bunday o'xshatish oqko'ngil inson qiyofasini ko'rsatayotgan bo'lsa, **ijarada turmoq** noziklik qiyofasini ochmoqda.

“Biz baxtli bo’lamiz” she’ridagi bunday betakror va nozik tuyg’ular ifodalangan jummalarni ko’zdan kechirar ekanmiz, ijodkorning nechog’lik zukko va topqir ekanligini guvohi bo’lamiz.

Shoir ijodini qaysi bir jihati ko’z tashlamaylik, undagi xalqchillik va so’zlardagi ohangdorlik, soddalik va shu bilan birgalikda beqiyos o’xshatishlar borki, o’quvchi mehrini, e’tiborini o’ziga tortadi. Uning asarlari yillar o’tsa ham qayta-qayta nashr qilinaveradi, she’rlari qo’shiqqa aylanib ketaveradi. Ijodkorni xalq tan olsa, uning asarlarini o’qib lazzatlansa, ta’sirlansa, ijoddagi jarayonni his qila olsa, asarning ichiga kira olsa, uni o’zi aytayotgandek bo’lolsa, u haqiqiy xalq ijodkoridir. Muhammad Yusuf ana shunday ijodkor edi.

III-ШЎБА. ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШ ВА УНИНГ АСОСИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ.

ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИДА САМАРАЛИ ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ УЧУН БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ РЕПРОДУКТИВ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Н.М.Кенжабоева

*Сурхондарё вилояти ХТХҚТ ва УМО ҳудудий маркази, nkenjaboyeva78@mail.ru
Педагогика бўйича фалсафа доктори (PhD)*

О.Б.Бердиева

*Сурхондарё вилояти ХТХҚТ ва УМО ҳудудий маркази,
Педагогика фанлари номзоди*

Мамлакатимизда бугунги кунда соғлом турмуш тарзи асосида ёшларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш масалаларига, таълим соҳасида маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш, уларда репродуктив маданиятни шакллантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада, узлуксиз таълим тизимида ёшларнинг репродуктив маданиятини шакллантириш мазмунини такомиллаштириш, бошланғич синф ўқитувчиларини бу жараёнга назарий ва методик жиҳатдан тайёрлаш имкониятлари кенгайди.

Ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзи бу –ўқитувчиларни касбий-педагогик маданиятини шакллантиришнинг асосидир. Мактаб ўқувчиларининг соғлом турмуш тарзи биринчи навбатда хусусий соғлом турмуш тарзига асосланган яъни соғлиқни сақлаш соҳасида шахсий билимларга эга бўлиш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва инсонни ўзи кундалик фаолиятида ўз соғлигини асрашга интилишидир. Дарҳақиқат соғлом турмуш тарзи бўйича билим, кўникма ва малакаларни бошланғич синфдан бошлаб шакллантириш лозим. Бунинг учун эса, даставвал бошланғич синф ўқитувчиларини ушбу жараёнга тайёрлашимиз ва уларнинг репродуктив маданиятини ривожлантиришимиз зарур. Агар ўқитувчи ўз ўқувчисининг соғлигини, сифатли билим олишини, ривожланиб ўсишини, уларнинг соғлигига таъсир этувчи зарарли одатлардан холи, маънавий ўсишини ҳимоя қила олмас экан, у шахс саломатлигини муҳофаза қила олмайди.

Педагог ўқитувчилар ўз соғлигига эътиборли бўлиши билан бирга ўз ўқувчисида ҳам соғлом турмуш тарзига ҳавас уйғота билиши даркор. Бунинг энг кераклиси педагогик ўқитувчиларнинг соғлом турмуш тарзи борасидаги қарашларни таҳлил қилиб, зарурий услубий кўрсатмалар беришдир.

Ўқувчилик– бу ўзига хос гуруҳ бўлиб, доимо бир ритмда меҳнат қилиши, ақлий меҳнат тури билан интенсив шуғулланиши билан ҳаммадан фарқ қилади. Шунингдек, ўқувчиларнинг мактабдаги таълим жараёнига мослашиш, имтиҳонлар давридаги катта юкланиш ва ҳиссий зўриқиш, турли психологик ва физиологик стресслар уларнинг асаб ва юрак тизимига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу эса ўқувчилар ўртасидаги турли асаб, юрак қон томир касалликларининг келиб чиқишига, стресслардан холи бўлиш мақсадида зарарли одатларга берилишига олиб келади.

Илмий адабиётлар таҳлиliga кўра мактаб ўқувчиларининг соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш билан боғлиқ муаммоларни охириги йилларда янада кўпроқ долзарблик касб этмоқда.

Бунга сабаб соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзига оид билимларга ва муносиб дунёқарашга эга бўлмаслиқдир. Шунинг учун, ўқувчиларга таълим тарбия бераётган ўқитувчиларнинг соғлом турмуш тарзи, репродуктив маданиятни шакллантиришни уларга шу соҳадаги зарурий билимларни бериш, дунёқарашини

қарор топтириш ва саломатлигини мустаҳкамлашга амалий фаолиятли ёндашувни вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир. Ваҳоланки, таълим тизими шахс саломатлигини шакллантирувчи ва мустаҳкамловчи муҳим бўғинлардан саналади. Шу нуқтаи назардан қараганда бошланғич синф ўқитувчиларнинг билим ва ҳаракатлари айнан шу мақсад учун йўналтирилиши, энг аввало, уларнинг ўзи ана шу соҳада зарурий билим, амалий кўникма ва малакалар билан қуролланган бўлиши лозимлигини кўрсатади.

Масалан, 1-4- синфларда “Соғломлик дарслари” ўқитилар эди. Лекин бу курсларнинг мазмунида айнан репродуктив маданиятни шакллантиришга йўналтирилган маълумотларнинг етарлича ёритилмаганлиги, хусусан, ёш даврлари сифатида бошланғич синф ўқувчилик даври хусусиятларидан келиб чиқиб репродуктив саломатлик ва репродуктив маданиятни шакллантиришга эътибор камлиги кўзга ташланарди. Ҳозирда Президентимиз ғоялари асосида бошланғич синфдан то юқори синфгача мактабларда “Тарбия” дарслари жорий этиляпти. “Тарбия” дарсларининг ичида ҳам айнан репродуктив саломатлик, репродуктив маданият масалалари кўйилган. Бунинг учун ҳам ушбу жараёнга ўқитувчи тайёр бўлиши керак

Таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларининг репродуктив маданиятини шакллантиришга қаратилган қулай муҳит ва педагогик шарт-шароитнинг йўқлиги, таълим муассасидаги педагоглар жамоаси томонидан ўқувчилардаги репродуктив маданиятни шакллантириш жараёни тўла назоратга олинмаслиги бу соҳада қатор камчиликлар борлигини кўрсатади. Келтирилган камчиликларга асосланиб, бошланғич таълимни ривожлантиришда ўқувчиларда репродуктив маданиятни шакллантиришга қаратилган қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир;

- таълим муассасасида маънавий руҳий муҳитни соғломлаштириш, моддий техник шароитини мустаҳкамлаш асосида соғлигига эътиборли, маъсулиятли шахсни тарбиялаш;
- репродуктив маданиятни шакллантиришда нафақат ўқувчиларнинг , балки ота-оналар ва ўқитувчиларнинг бу соҳадаги саводхонлигини муҳим аҳамият касб этишини назарда тутиш;
- репродуктив маданиятни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, мазмун маҳияти ҳақидаги маълумот берувчи услубий қўлланмалар, тавсиялар яратиш;
- бошланғич синф ўқувчиларида репродуктив маданиятни шакллантиришнинг мавжуд базасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.
3. Мусурмонова О. Оила маънавияти – миллий ғурур. (Ўқув қўлланма). ТТ.: Ўқитувчи, 1999. 200 б.
4. Шарипова Д, Каримова О, Ахмедходжаева Н. Ценностная ориентация подростков – важных итогов формирования ЗОЖ. Респ.жур. “Бола ва Замон” Т.; 2007й, 37-38-б.
5. Шарипова Д.Д. и др. Методическое пособие для учителей по урокам здоровья. ЮНИСЕФ. 2006г.

ДУАЛЬНАЯ СИСТЕМА ОБУЧЕНИЯ

*Чориев Рузимурот Кунгратович,
проректор, кандидат педагогических наук, доцент
Ташкентского института инженеров ирригации
и механизации сельского хозяйства*

Дуальная система обучения – комбинация профессионального обучения в учебном заведении (теоретическое обучение) и ученичества на производстве (практическое обучение).

Внедрение дуальной формы обучения позволяет решить основную проблему профессионально-технического образования - разрыв между теорией и практикой. Система технического и профессионального образования как единая общегосударственная политика впервые в мире была организована именно в бывшем Союзе. Уже начиная с 1920 г. была сформирована сеть школ фабрично-заводского ученичества, так называемые ФЗУ. Это было необходимо для обеспечения рабочими кадрами возрождающейся промышленности и нарастающей индустрии.

Школы ФЗУ действовали при крупных предприятиях для подготовки квалифицированных рабочих и являлись основным типом профессионально-технической школы в бывшем Союзе.[1]

Трудовые резервы - это была система организованной, плановой подготовки квалифицированной рабочей силы для ведущих отраслей народного хозяйства путём обучения городской и сельской молодёжи в специальных учебных заведениях. В 1954 году появились первые профтехучилища (ПТУ) и к 1963 г. уже все школы ФЗУ приняли этот статус.

По профилю профтехучилища делились на технические (ТУ), средние (СПТУ), городские (ГПТУ) и сельские (СПТУ). Характерная особенность — тесная связь с производством. Обязательное условие при обучении - прохождение практик на рабочем месте. Ведь основная часть учебных заведений была

закреплена за промышленными предприятиями и различными агрообъединениями. Ежегодно десятки тысяч выпускников ТУ, ГПТУ, СПТУ и техникумов пополняли рабочий класс. [2]

На сегодняшний день, общепризнанным лидером в деле организации дуального обучения считается Германия, где система профессионального образования отличается развитым институтом наставничества, практико-ориентированным обучением и активным участием бизнеса в подготовке кадров. Опыт этой страны служит образцом для всего Европейского Союза. [3]

По оценке Международного института мониторинга качества рабочей силы (Швейцария), Германия является одним из лидеров по уровню квалификации кадров, а ее система дуального образования во многом является образцом для всего Европейского Союза.

В то время как наши молодые люди стремятся после школы поступить в ВУЗ, более половины детей в Германии проходят через профессионально-техническое образование, предпочитая иметь в руках «реальное дело».

В настоящее время в Германии насчитывается 450 основных профессий, из которых 344 – готовят в рамках дуальной системы обучения.[4]

Высокая надежность дуальной системы обучения объясняется тем, что она отвечает интересам всех участвующих сторон - предприятий, работников, государства:

- для предприятия дуальное образование — это возможность подготовить для себя кадры точно «под заказ», обеспечив их максимальное соответствие всем своим требованиям, экономя на расходах на поиске и подборе работников, их переучивании и адаптации. К тому же есть возможность отобрать самых лучших студентов;

- для молодых людей дуальное обучение - отличный шанс рано приобрести самостоятельность и легче адаптироваться к взрослой жизни;

- в безусловном выигрыше остается и государство, которое эффективно решает задачу подготовки квалифицированных кадров для своей экономики.

- заинтересованностью руководителей соответствующих учреждений в практическом обучении своего работника;

- учебное заведение, работающее в тесном контакте с Предприятием, учитывает требования, предъявляемые к будущим специалистам в ходе обучения и т.д.

Примечательно, что прогноз потребностей в рабочей силе фирмы составляют заранее, и свой путь к профессии выпускник германской школы, желающий получить экономическое или техническое образование, начинает не с выбора ВУЗа или ССУЗа, а с поиска предприятия, которое возьмет его на обучение. Если выпускник успешно проходит собеседование, предприятие заключает с ним договор на обучение. Основы профессии закладываются в специально созданных для этого центрах компетенций, теоретический курс осваивается в профессиональных школах, практические навыки – на предприятии.

Учебная программа формируется по заказу и при участии работодателей, которые, помимо этого, имеют возможность распределять объем учебного материала по дисциплинам в рамках одной специальности. На теоретическую и практическую части отводится примерно равное количество времени. В роли преподавателей выступают сотрудники компании. Конечно, не каждый из них является прирожденным педагогом, но, по отзывам обучающихся, только такие преподаватели могут рассказать о том, чего нет ни в одном даже самом умном учебнике, и показать, как и что надо делать. Главное, что требуется от педагогов-производственников, – результативность.

Дуальная система профессионального образования, получила мировое признание, это наиболее распространенная и признанная форма подготовки кадров, которая комбинирует теоретическое обучение в учебном заведении и производственное обучение на производственном предприятии.

Опыт использования дуальной системы обучения показал следующие преимущества этой системы по сравнению с традиционной:

- дуальная система подготовки специалистов устраняет разрыв между теорией и практикой;

- дуальная система обучения работников создает высокую мотивацию получения знаний и приобретения навыков в работе, т.к. качество их знаний напрямую связано с выполнением служебных обязанностей на рабочих местах; но отметить готовность руководства предприятия оплачивать нашим студентам выполненную работу, что является в наше время большой редкостью.

Основная миссия колледжа выполняется успешно и выпускаемые специалисты отвечают всем требованиям современного мира.

Список используемой литературы

1. Батышев С.Я. , Смирнов И.П., Смирнова С.Д. Проблемы профессионального образования. – М. : Акад. проф. образования, 2004. – 32 с.

2. Беляева А.П. Дуальная система инженерно-педагогического образования. - Екатеринбург : Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2007. – 408 с.

3. Наин А.Я. Профобразование: перспективы. - Екатеринбург : Инга, 2014. – 98 с.

4. Новикова А.М. Теория и практика обучения научно-техническому творчеству. – М.: Изд-во МГУ, 1992. – 183 с.

5. Ткаченко Е.В., Кузембаев С.Б., Альжанов М.К. Специфика перехода на кредитное образование // Современное общество, образование и наука. — Тамбов: Изд-во ТРОО «Бизнес-наука-общество», 2012. — С. 85-86.

6. Андреев В.И. Система технического и профессионального образования в Германии - М. : Акад. проф. образования, 2011. – 32 с..

7. Кузембаев С.Б., Альжанов М.К., Вазин К.Яи др. Перспективы дуального образования // Техническое и профессиональное образование // bilimstat.edu.kz.

PIRLS XALQARO TADQIQOTIDA MAMLAKATIMIZNING ISHTIROKINING TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDAGI AHAMIYATI

Mirbaratov Olimjon Yaxyoyevich

Sirdaryo viloyat xalq ta'limi boshqarmasi boshlig'i birinchi o'rinbosari

PIRLS tadqiqotlari 2001-yildan boshlab besh yil oralig'ida boshlang'ich ta'lim miqyosida o'tkazib kelinmoqda. U xalqaro tadqiqotlar orasida yuqori o'ringa ega. Bu dasturga kiruvchi davlatlarning soni yildan yilga ortib bormoqda. 2001-yildan boshlab 4 marta o'tkazilgan. Oxirgi PIRLS tadqiqotlari 2016-yilda o'tkazilgan. Shu davrgacha 35 dan 50 gacha bo'lgan davlatlar ishtirok etgan.

PIRLS tadqiqotlari doirasida turli ta'lim tizimiga ega bo'lgan davlatlarning 4-sinf bituvchilarining o'qish sifati va o'qilgan matnni tushunish darajasi o'rganiladi. Bu tadqiqotlarga 4-sinf o'quvchilarining tanlanishi shu bilan e'tiborliki, aynan o'qishning to'rtinchi yilida o'quvchilar o'qishning yuqori darajasiga ega bo'lishi, ularning keyingi ta'limda bilimni egallash qobiliyatini shakllantirish va shu orqali hozirgi zamonga muvaffaqiyatli moslashuviga yordam beradi.

Ta'lim yutuqlarini baholash xalqaro assosatsiyasi (IEA-International Association for the Evaluation of Educational Achievement) tomonidan tashkil etilgan. Xalqaro tadqiqotni tashkil etish uchun barcha mas'uliyat Chestnut Hill (Massachusetts, AQSh) Bostonkollejiga yuklatilgan. Tadqiqot uchun topshiriqlarni tayyorlash Germaniya (Gamburg) ma'lumotlar markazida amalga oshiriladi. Ilk bora tadqiqot 2001-yildao'tkazilgan. Tadqiqot xar 5 yilda bir marotaba o'tkaziladi

Tadqiqotning obyekti va asosiy maqsadi dunyoning turli mamlakatlarida tahsil oluvchi boshlang'ich sinf (4-sinf) o'quvchilarini matnni o'qish va tushunish darajalarini taqqoslovchi shuningdek, mamlakatlar milliy ta'lim tizimida o'qish savodxonligi bo'yicha amalga oshirilayotgan ishlar va natijalarni taqqoslashga ixtisoslashgan xalqaro baholash loyihasi hisoblanadi.

PIRLS xalqaro tadqiqotda mamlakatimizning ishtirokining asosiy maqsadlari quyidagilarni o'zida mujassam etadi:

- boshlang'ich sinf (4-sinf) o'quvchilarimizning o'qish savodxonliklari qanday shakllanganligini bilish va taqqoslash;
- mamlakatimiz boshlang'ich sinf o'quvchilarining (4-sinf) boshqa mamlakatlardagi tengdoshlariga nisbatan matnni o'qish va tushunish darajalarini solishtirish;
- o'qish savodxonligidan dars beruvchi pedagog xodimlarimizning dars berish metodlari boshqa mamlakatlarda dars beruvchi pedagog xodimlar metodlaridan farq qilishini o'rganish;
- bugungi kunda bizning mamlakatimizda o'qish savodxonligi bo'yicha darslar maktablarda qanday tashkil etilgan;
- ota-onalar o'quvchilarning o'qish savodxonligini yaxshilashda olib borayotgan ishlarini tahlil etish;
- boshlang'ich sinf (4-sinf) o'quvchilarimizga o'qish savodxonligi yoqishini o'rganish kabilar.

PIRLS xalqaro tadqiqotda mamlakatimizning ishtirokining ta'lim samaradorligini oshirishdagi o'rni ko'rsatuvchi yuqorida ta'kidlangan masalalarga ko'ra o'quvchilarning o'qish savodxonligini taqqoslash imkoniyatiga ega bo'lgan holda o'zga davlat o'quvchilarini badiiy matnlarni o'qish va axborot matnlarini o'qish jarayonidagi ko'rsatgichlarni solishtirish imkoniyatiga ega bo'lamiz. Natijalarni solishtirish asosida natijasi yuqori bo'lgan davlat o'qituvchilarining samarali o'qitish metodlari, o'rgatish yo'llari, usullarini o'rganish va amaliyotga tatbiq etishni rejalashtirishimiz lozim. O'qish savodxonligini kompetensiyaviy yondashuv asosida tashkil etish bo'yicha darslarni tashkil etilsh yo'nalishlarini o'rganish, ilg'or, samarali faoliyat turlarini ommalashtirishni yo'lga qo'yish zarur. O'quvchilarning o'qish savodxonligini oshirishda ota-onalar bilan hamkorlikda ishlar tashkil etishni yo'lga qoyishimiz darkor. Boshlang'ich sinf o'quvchilarimizga o'qish savodxonligini tashkil etishda ularni psixologik jihatdan tayyorlagan holda o'zlari yoqtirgan holda o'zi hoxlab o'qishga yo'naltirishimiz darkor. Buning uchun ham tanlangan asarlar tadqiqot talablari asosida matnning mazmuni 9-10 yoshdagi o'quvchilarning yosh

xususiyatlari va psixofiziologik qobiliyatlariga mos kelishi kerak, Ayrim madaniyatlarga juda xos bo'lgan mavzulardan chetlanmoq kerak. Bunda bir millat yoki xalqning o'ziga xos bo'lgan madaniy jihatlari matnda ask etmagan bo'lishi lozim. Matn mazmuni shu yoshdagi maktab o'quvchilari uchun qiziqarli va zavqli bo'lishi kerak, ya'ni o'qiyotgan asari uni qiziqishlariga mos bo'lishi va voqeliklardan zavq olib o'qishi lozim. Yaxshi yozilgan va unchalik tanish bo'lmagan bo'lishi lozim. Matn mazmunidagi bog'liqlik va ketmaketlik quyidagilarni o'zida qamrashi lozim:

- Syujetning mantiqiy tuzilishiga rioya qilish muhimdir.
- Oddiy va murakkab gaplarning bir xil ishlatilishi.
- Agar dialog ustunlik qilsa ma'lumotni birlashtirib, murakkab gaplarni qo'shish kerak.
- Axborot matnda matnning strukturasi va ma'lumotning mantiqiy ketma ketligini sarlavhalar, jadvallar, grafiklar kabi vizual elementlar bilan bog'likligini kuzatish shartdir.

Xulosa qilib aytganda PIRLS xalqaro tadqiqotda mamlakatimizning ishtirokining ta'lim samaradorligini oshirishdagi o'rniga ko'ra yuqori darajalarga erishishdir, bunda o'qituvchi, o'quvchi va ota-onalar hamkorligi ham muhim o'rin tutishi asosiy omillardan biridir.

XALQ TA'LIM XODIMLARINI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI OSHIRISH HUDUDIIY MARKAZLARIDA TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHDA ILG'OR XORIJIY TAJRIHALAR: "ERASMUS+" LOYIHASINING TA'LIM TIZIMINING AHAMIYATI

*O.Berdiyeva –Surxondaryo VXTXQT va UMOHM “Aniq va tabiiy fanlar metodikasi”
kafedra mudiri, pedagogika fanlari nomzodi (O'zbekiston, Termiz)*

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada “Erasmus+” loyihasing ta'lim tizimidagi ahamiyati va bugungi kunda O'zbekiston ta'limiga kirib kelish bosqichlari haqida tushunchlar keltirilgan.

Xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirishdan maqsad - o'qituvchilarning ijodiy imkoniyatlarini shakllantirish va oshirish, ularning ilmiy saviyasini takomillashtirish, dunyoqarashini kengaytirish hamda shaxsiyatini rivojlantirishdan iboratdir. O'zbekistondagi xalq ta'limi xodimlarini malakasini oshirish kurslari tashkillanish jarayoniga e'tibor qaratadigan bo'lsak, unda turli shakllarni va ularning o'ziga xos tarixini ko'rishimiz mumkin. Ya'ni, mamlakatimizda bunday kurslarning kunduzgi, an'anaviy qisqa muddatli va masofaviy o'qitish shakllari mavjud.

Bugungi kunda amaldagi tartibga asosan xalq ta'limi muassasalari pedagoglari kamida 5 yilda bir marotaba o'z malakalarini oshiradilar. O'qituvchilar malaka oshirish davomida mamlakatimizda va jahonda pedagogika, psixologiya hamda o'quv fani bo'yicha erishilgan eng yangi yutuqlarni chuqur o'rganib, zamonaviy axborot va pedagogik texnologiyalarning imkoniyatlaridan xabardor bo'lgan holda ularni amaliyotga tatbiq etib kelmoqdalar.

Shu bilan birga, xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazlarida faoliyat yuritayotgan pedagog xodimlarning ilmiy salohiyati, dars berish sifati bugungi kun talablariga javob bermayapti. Xodimlar ilmiy izlanishlar bilan shug'ullanmaydi, ularning faoliyatini tashqi baholash tizimi samarali yo'lga qo'yilmagan.

O'tkazilgan tahlillar pedagog kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish jarayonlarida xalq ta'limi va oliy ta'lim tizimlari o'rtasida uzluksizlik va uzviylik ta'minlanmaganligini ko'rsatdi. Natijada umumiy o'rta va maktabdan tashqari ta'lim muassasalari xodimlari faoliyati davomida fanlarni o'qitish metodikasi, ta'lim va tarbiya nazariyasi yangiliklaridan, oliy ta'lim tizimida amalga oshirilayotgan islohotlardan, ilg'or xorijiy tajribalardan bexabar qolmoqdalar.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev o'z ma'ruzlarida yosh avlodga puxta bilim berish, ularni har tomonlama yetuk kadrlar etib tarbiyalashga alohida e'tibor qaratayotganini ta'kidlab kelmoqda. Bu ta'lim muassasalari rahbar va pedagoglaridan ulkan mas'uliyatni, malakasini muntazam oshirib borishni talab etadi.

Mamlakatimizda pedagoglarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimi yo'lga qo'yilgan. Bu boradagi xalqaro tajriba ham o'rganilmoqda. Professor-o'qituvchilarimiz Buyuk Britaniya, Germaniya, Avstriya, Italiya, Fransiya, Chexiya, Slovakiya, Gretsiya, Ispaniya, Belgiya, Niderlandiya kabi davlatlarda ta'lim olib, malaka oshirib kelmoqda. Yevropa Ittifoqi komissiyasining “Erasmus+”, “Texnik yordam dasturlari” kabi loyihalari oliy ta'lim tizimini modernizatsiyalash, yanada takomillashtirishda qo'l kelmoqda.

O'zga madaniyat muhitiga moslashishga to'siqlari, ta'lim standartlari xalaqit bermasligi kerak. Homo sapiensning postindustrial rivojlanish bosqichi boshidanoq dunyo mehnat bozorida raqobatga bardoshli va talabgir mutaxassis - bu tor shaxsiy, "mahalliy" manfaatlardan kelib chiqadigan tor mutaxassis emas, balki qadriyatlarini tizimi butun Yer sharini qamrab oladigan xalqaro globalist ekanini belgilab berdi.

Turgan gapki, bunday vaziyatda xalqaro ta'lim dolzarb ahamiyat kasb etadi. Gap bu yerda rezyumeni bezab turadigan nufuzli diplom yoki xorijda amaliyot o'tgani to'g'risidagi yozuvda emas. Yangi zamon yangi insonni, o'zgacha maqsad va ehtiyojlarga ega insonni talab etmoqda, o'z talabalariga xalqaro tajriba orttirish imkoniyatini taklif etadigan ta'lim dasturiga ega oliy o'quv yurtlari esa zamonaviy talabalar uchun ustuvor bo'lib bormoqda. Ta'lim tizimiga bunday yondashuvlar, ko'pincha, almashish dasturlari orqali amalga oshiriladi va ular ichida eng nufuzli bo'lgan talabalar almashish dasturi - bu ERASMUS MUNDUS.

«Erazmuslar» tarixi 1987 yilda, YEI mamlakatlari uchun mo'ljallangan talabalar almashish notijorat dasturi - ERASMUS (u paytda hali «mundus» so'zi yo'q edi) start olganda boshlangan. Yangi dastur Yevropa yoshlarini o'qishga, oliy ta'limning barcha ustun tomonlarini tushunib yetishga, maktab o'quvchilari va talabalarni o'ziga baho berish chegarasini yanada yuqoriga ko'tarishga rag'batlantirishni o'z oldiga maqsad qilgan, g'urur va salohiyatni faollashtirishga da'vat etar edi. Dastur o'qituvchilarga keng imkoniyatlar ochib berdi, endi ular chet el oliy o'quv yurtlarida pedagogik faoliyat yuritishlari mumkin bo'ldi, abituriyentlarga chet el oliy o'quv yurtlariga o'qishga kirishlarida yordam berdi, amaliyotchilar uchun Yevropa Ittifoqiga a'zo mamlakatlarga safar tashkil etdi. Butun Yevropa mintaqasini qamrab olgan bu dasturning moddiy ta'minotini Yevropa Ittifoqi va mahalliy universitetlar o'z zimmlariga oldilar. Xalqaro talabalar ularning chet elda yashash bilan bog'liq xarajatlarini qoplaydigan stipendiya olish imkoniyatiga ega edilar. Aytish lozimki, ERASMUS faoliyati prinsiplarini dasturning nomidan ham bilib olish mumkin. Bu nom XVI-asr Shimoliy Uyg'onish davrini va o'sha davrning «fikrlar hukmdori», Niderlandiya gumanisti Erazm Rotterdamskiyni eslatadi. Uni insoniyat tarixidagi birinchi globalist deb atash mumkin - faylasuf butun Yevropani aylanib chiqqan, ko'plab Yevropa universitetlarida o'qigan va dars bergan, yangi bilimlar olgan va boshqa mamlakatlarning madaniy tajribasini o'zlashtirgan.

ERASMUS dasturi bilan birga ERASMUS MUNDUS dasturi ham rivojlanib borgan. Bu strategik jihatdan ERASMUS dasturidan farq qilmaydigan yangi xalqaro ta'lim dasturi bo'lib, faqat u Yevropa globallashuv jarayonini mantiqiy yakunga yetkazishga intilgan holda, o'z faoliyati geografiasini sezilarli darajada kengaytirgan edi («mundus» - lot. «dunyo», «jahon»). Sekin-asta ERASMUS MUNDUS dasturi dunyoning yarmini, shu jumladan O'zbekistonni ham qamrab oldi. Aytish lozimki, O'zbekiston hududida dastur 2007 yildan 2014 yilgacha juda unumli faoliyat olib bordi. Pul oqimlari Yevropa Ittifoqi byudjeti tomonidan ta'minlandi, afsuski 2014 yilgi moliyaviy inqiroz dasturga yakun yasadi va xalqaro ta'lim maydonida navbatdagi, uchinchi «erazmus» - ERASMUS PLUS paydo bo'ldi.

ERASMUS PLUS - bu yangi integratsiyalashgan ta'lim dasturi bo'lib, o'sha davrda Yevropa Ittifoqi doirasida mavjud bo'lgan barcha xalqaro dasturlarni o'zida mujassam etgan. Uning faoliyati ta'lim sohasi va sportda yoshlarni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan edi. ERASMUS PLUS - bu yetti ta'lim dasturiga nisbatan integral bo'lib xizmat qilgan ko'p vazifali dastur. Ta'lim dasturlari quyidagilardir:

- oliy ta'lim sohasidagi uchta xalqaro dastur: Erazmus Mundus, Tempus, Alfa;
- kattalar uchun to'rtta kasb ta'limi dasturi: Leonardo, Gryundtvig, Komenius va 2014 yilgacha amalda bo'lgan Erazmus dasturi.

Yetakchi Yevropa ta'lim dasturlarining 25 yildan ortiq tajribasiga tayangan holda, ERASMUS PLUS ularning chegarasini kengaytirishga intiladi; u o'tmish yutuqlari va muvaffaqiyatlarini hisobga oladi, oldingilarning tajribasini konstruktiv tarzda o'zining ta'lim tizimi bilan birlashtiradi. Shuning uchun ERASMUS PLUS dasturi faoliyati shunchalik ko'p qirrali va segmentlashgan. Ushbu brend ostida quyidagi ta'lim strategiyalari amalga oshiriladi:

- ERASMUS PLUS: COMENIUS - umumiy o'rta ta'lim segmenti.
- ERASMUS PLUS: ERASMUS - oliy ta'lim segmenti.
- ERASMUS PLUS: ERASMUS MUNDUS - birgalikdagi magisterlik darajalari segmenti.
- ERASMUS PLUS: LEONARDO - kasb ta'limi va kadrlar tayyorlash segmenti.
- ERASMUS PLUS: GRUNDTVIG - kattalarni o'qitish segmenti.
- ERASMUS PLUS: YOUTH IN ACTION - yoshlarni noformal va norasmiy o'qitish segmenti;
- ERASMUS PLUS: JEAN MONNET - YEIda integratsiya jarayonlarini tadqiq qilish.
- ERASMUS PLUS: SPORTS - sport segmenti.

ERASMUS MUNDUS xaritaning qayta tuzib, o'z ma'rifiy intensiyalarining geografik chegarasini kengaytirgan bo'lsa, ERASMUS PLUS yosh senzini dolzarblashtirdi (kattalar uchun ta'lim) va ijtimoiy chegaralarni kengaytirdi.

Ijtimoiy sohadagi o'zgarishlar, iqtisodiy inqiroz, iste'dodlar uchun raqobat kurashi, yuqori darajali ishsizlik - bu omillarning hammasi yangi yondashuvni belgilab berdi:

- ta'lim dasturlari bilan siyosat o'rtasidagi aloqalar,
- YEI uchun amaliy foydaga yo'naltirilganlik,
- Oddiy oqilona tuzilma,
- yoshlar,
- sport va h.z.

Ta'lim masalalari bo'yicha Yevrokomissiyaning rasmiy vakili Dennis Ebbot yangi dastur kelajagi haqida chuqur ishonch bilan gapiradi, u yangi ERASMUS PLUS dasturi o'zini eng yaxshi tomondan ko'rsatishiga, oldingi dasturga qaraganda keng ko'lamlir oq va barkamolroq bo'lishiga umuman shubha qilmaydi. ERASMUS va ERASMUS MUNDUS doirasidagi oldingi dasturlar, birinchi navbatda, universitetlar o'rtasida xalqaro akademik almashinuvga qaratilgan edi, PLUS dasturi kengroq - bu talabalar uchun volonterlik ishi va turli malaka oshirish kurslari, yosh ishchilar uchun professional ta'lim. "Butun umr o'qiymiz" dasturi yoshligida turli sabablarga ko'ra o'qishini oxiriga yetkazolmagan kattalar uchun o'qishni davom ettirishning turli variantlarini taklif etadi. Oldin mavjud bo'lgan deyarli barcha ta'lim dasturlarini birlashtirib, ERASMUS PLUS dasturini ishlab chiquvchilar oldingi dasturlarning tajribasi va barcha muvaffaqiyatli yechimlarini jamladilar va to'qini puchidan ajratib, optimal ta'lim dasturini yaratdilar. Bu dasturni keng ko'lamli ta'lim loyihasi, deb atasak mubolag'a bo'lmaydi.

Xulosa, **Erasmus plus** bu xorijda, dunyoning eng obro'li ilmiy maktablari yaratilgan va yaratilayotgan, eng nufuzli oliy o'quv yurtlarida bilim olish imkoniyati. Siz o'zingizning individual "ta'lim yo'nalishingiz"ni tanlash imkoniyatiga ega bo'lasiz, sifatli ta'lim olish imkoniyati ehtimolli beqiyis darajada ortadi.

Pedagog va ilmiy xodimlar o'zlarining xorijdagi hamkasblari bilan hamkorlik qilish imkoniyatiga ega bo'ladilar, bu esa natijasiz qolmaydi, albatta o'z mevasini beradi.

ERASMUS PLUS dasturi orqali ta'lim muassasalari xalqaro amaliy va unumli raqobat maydonidan o'rin egallaydilar, bu esa ularni takomillashash yo'lidani yetaklaydi, albatta.

Foydalanilgan adabiyotlar va internet resurslari:

1. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasi, "Ma'rifat" gazetasi, 2016-yil 8-dekabr.

2. O'zbekiston Respublikasining "Ta'lim to'g'risida"gi Qonuni // Barkamol avlod O'zbekiston taraqqiyotining poydevori: – T.: Sharq, 1997-yil, 20-28-betlar.

3 Pedagog kadrlarni tayyorlash, xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlar to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori. "Ma'rifat" gazetasi, 2017-yil 27-sentabr.

<http://uzedu.uz>

<http://esgroup.uz>

<http://uza.uz/>

MORPHOLOGICAL PROPERTIES OF LOCAL NAMES AND THEIR TEACHING (on the example of the Korean language)

M.B.Muhiddinova

Tashkent State Institute of Oriental Studies, m.sonse@mail.ru

Lecturer

Teaching a foreign language is always interesting. Language means propose great difficulties: unfamiliar words, unusual meanings, grammatical phenomena, complexity of syntax [3,4]. Therefore, it is necessary to form mechanisms of forecasting, guessing, identification, learn to analyze, find language supports in the text, to use the dictionary if necessary. But understanding is not reducible to linguistic and logical operations, but implies addressing the inner world picture.

Linguistic competence is a necessary but not sufficient condition for speech understanding. It is necessary to have a sufficiently clear picture of reality itself. If we remember the model of speech communication, a separate group of difficulties may include facts related to unfamiliar culture, topic or situation presented in the content of the text. It is necessary to teach to remove these difficulties, using personal experience of students, familiar situations, meaningful supports of the text (realities: names, dates, geographical names), illustrations to the text, etc. The way the message is presented can also be difficult: a lot of characteristics, lack of a clear introduction, lack of a topic

formulation, etc. In the absence of such qualities of oral speech as pauses, logical emphasis, facial expressions, gestures, in the process of reading the logical and semantic plan of the text is recognized with greater difficulty than in oral speech.

This article deals with the teaching of morphological features of pronouns by the example of the Korean language. It is known that pronouns can be considered as a special part of speech. In this case pronoun is defined as a category of words with index function. But pronouns may not leave a special part of speech. In this case they are distributed to other parts of speech, forming in their composition a special group of words with index functions (for example, pronouns, adjectives, pronouns, etc.) The solution of the question in one or another direction depends on the degree of morphological and syntactic isolation of this category of words [1].

In Korean, words with index function can be singled out as an independent part of speech because they have a number of morphological and syntactic features.

Firstly, pronouns are not endowed with all those syntactic potentials that are inherent in the parts of speech to which they are related. The pronouns tend to have limited syntactic compatibility. An adjective may be combined with an adverb (아주 좋다 "very good"), but a correlated pronoun (adjective) with an adverb is not combined, e.g. the words 이렇다 "such", 어떻다 "which" cannot have an adverb in front of it. A noun may be combined with a noun definition, but a correlated pronoun (pronoun) is not combined with a noun definition. A noun may be combined with an adjective noun, but a related pronoun has this ability only in exceptional cases, in certain styles of artistic speech. Thus, syntactically pronouns clearly oppose those parts of speech which are associated with them.

Secondly, pronouns are autonomous to a large extent and morphologically. For example, a number of pronouns (이, 그, 저 in the meaning of "this one, that one") acting as definitions are devoid of attributes, as opposed to words with a name function (names, adjectives, verbs), which these attributes have or may have optional. Other pronouns (나 "I", 너 "you") have significant declension deviations that oppose their names to nouns. A number of features are also found in plural formation. A number of pronouns, which have the ability to decline, do not have all cases. Thus, both morphological pronouns are largely opposed to the parts of speech to which they are related. For the above reasons, we distinguish them as a special part of speech.

All pronouns in the Korean language, from the point of view of modality, can be divided into groups: question-unspecified, affirmative-specified [1]. From the point of view of their nature (pointing to a subject, pointing to a feature, etc.), they can be divided into noun (pointing to a subject), adjective (pointing to a feature), adverbial (pointing to a feature), and numeral (pointing to a number) [1].

Of particular interest is the index pronoun in the function of the subject. The subject is known to be the syntactic function of a noun, a numeral, a verb, an adjective, and a pronoun. But for each of these parts of speech the ability to be subject is not the same. Thus the ability of pronoun to be subject is the primary syntactic function of the name [3].

The position of the subject is called the subjective position, therefore the subject should be considered as the name of the word standing as a member of the sentence in the subjective position. We hold the view that the subject's position in relation to a word that communicates something is the word on which the latter relies. In its simplest form, it can be expressed as follows:

무엇이어찌하다 "something does something".

무엇이어떠하다 "something."

무엇이무엇이다 "something is something."

Appropriate, as well as other members of the sentence, may be expressed by word-for-name.

저렇게아름다운그것이또있을까. "If there is anything more beautiful than this."

저두사람이이제도우리를도와주었다. "Those two are still helping us."

In most cases the appropriate pronoun is the Nominative Case [3], which is accompanied by a particle of the Nominative이/가.

그분이학생이아니고선생님이다. "This man is not a pupil, but a teacher."

Less frequently, the sub-nominative has less typical forms, which are accompanied by so called auxiliary particles.

여기는타슈켄트에서제일유명한대학교입니다. "This is the most famous institute in Tashkent".

그것도알아야되요. "You should know that too."

When using these auxiliary particles, the particle named이/가 is not used. Particles -만, -부터, -까지 can be used with the particle of the nominative case 이/가:

그분만그날모임에참석하지못했다. "Only that person could not attend the meeting".

여기까지읽어주세요. "Read before this paragraph."

그날부터열심히공부하기시작했다. "From that day on, I started working hard."

Thus, the relevance of studying the morphological properties of pronouns and their teaching is determined by the fact that, to date, the level and depth of study of pronouns does not correspond, firstly, to the generally accepted and general modern level of theoretical development of the Korean language as a whole, and secondly, to the systemic role that pronouns play in the general structuring of the language. In this paper, we have identified the morphological properties of pronouns, the functions of index pronouns in the Korean language and their teaching. The possibility of performing the function of subject, predicate, etc., is one of the important distinctive structural forms in the grammar of the language under study that requires special study. So far, only morphological features of pronouns in the Korean language have been determined as a result of research, leaving the issues of syntactic functioning of pronouns unsolved. Such studies are important for the development of theoretical linguistics and methods of teaching the language under study.

References:

1. 서정수. 국어문법. -서울: 한양대학교.1996.
2. E.A. Ivashchuk. Independent extracurricular educational work of pupils as a means of improving the educational process of foreign languages in secondary school: Cand. -M., 1989.
3. Kim N.D. Proper and Speakable in Korean: in the light of the theory of speech communication. - Tashkent: A. Navoi National Library, 2015. -- 112 c.
4. Tuchinskaya E.I. Audio-visual method of teaching foreign languages// Foreign languages. -M.: Higher School, 1964.
5. Lyakhovitskiy M.V. The method of teaching a foreign language at school. -M.: Enlightenment, 1981.
6. Markasova E.V., TianWantzuan. Manipulative Function Of Pronoun "We" In Russian And Chinese (The Pragmatic Aspect). Speech genres.2016. No. 2. -Peking, China. r. 79-86. (ISSN 2311-0740).
7. Shvedova N.Y. Location and meaning. - Moscow: ABC book, 1998. -- 176 c.

КОРЕЙС ТИЛИДАГИ ДИСКУРС МАРКЕРИНИНГ ХУСУСИЯТИ



Индира Рустамовна ТЕМИРБУЛАТОВА

*Ургенч давлат университети,
Факультетлараро чет тиллари кафедраси ўқитувчиси
Ургенч, Ўзбекистон
indira060387@daum.com*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола корейс тилидаги “**좀**” дискурс маркерининг функционал хусусиятлари масаласига бағишланган бўлиб, унда “**좀**” дискурс маркерининг мулоқот жараёнида инкор, таъкидлаш, кучсизлантириш, камтарлик ва мулозамат каби бир қанча маъноларни англатувчи функциялар мисоллар ёрдамида батафсил таҳлил этилган. “**좀**” дискурс маркерининг яна бир маъноси мулоқотда таъкидлашда ишлатилади. Суҳбатдошнинг мулоқотида бевосита ифодаланиб, “**좀**” ни олди ва орқасидаги сўзга нисбатан диққатни жалб қилади.

Калит сўзлар: Дискурс, мулоқот, маркер, инкор маъноси, таҳлил, алоқа ҳамда яқин муносабат, турли хил маънолар.

Мустақиллик туфайли республикамизнинг халқаро ҳамжамият билан алоқалари, жумладан, шарқ мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий, савдо-сотик алоқалари кенг йўлга қўйилди. Мазкур

алоқалар йилдан-йилга кучайиб, мустақамланиб бориши ўз навбатида хорижий тилларни ҳам назарий, ҳам амалий пухта ўрганиш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2012 йил 10 декабрь, ПҚ-1875-сон, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 20 апрел, ПҚ-2909-сон каби қарорлар шунингдек, мазкур соҳада қабул қилинган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлат бугунги кунда чет тилини эгаллашга бўлган талаб кучайиб бораётганлигини ҳамда чет тили бўйича илмий изланишлар олиб боришга бўлган талабни намоён этади.

Мулоқотни амалга ошириш воситаларининг бир неча турлари бор бўлиб, дискурс маркерлари улар жумласига киради. Мазкур мақолада дискурс маркерларидан бири “**죵**” [жом] нинг бир қатор маъноларни ифодалаш функцияси ҳақида сўз боради.

Дискурс сўзи инглизча “дискурс” сўзидан олинган бўлиб, фикр мулоҳаза, суҳбат, мулоқот маъносини ифодалайди. Дискурс маркерлари диалогик мулоқотни эркин олиб борилишида катта аҳамиятга эгадир. Корейс тилида бундай маркерлар орасида “**죵**”, “**글쎄**”, “**그냥**” кабилари кўп ишлатилади. Қўйида биз фаол дискурс маркерларидан бири “**죵**” нинг маъно ифодалаш функцияси борасида сўз юритмоқчимиз.

“**죵**” корейс тилида равиш сўз туркумига мансуб бўлиб, у гапда турли хил маъноларни ифодалаш мумкин, дискурс маркер сифатида ҳар хил вазибаларни бажаради.

Корейс олимларидан Им Ю Жонг (임유중) 1995, Ку Жонг Нам (구종남) 1998, Чун Кёнг Хве (주경희) 2000, Ан Жу Хо (안주호) 2009 лар дискурс маркер “**죵**” борасида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Биз “**죵**” дискурс маркерининг бир қатор: камтарлик ва мулозамат, мулоқотда бирор нарса таъкидлаш, мулоқотда кучсизлантириш, инкор каби маъноларни ифодалаш функцияси ҳақида фикр юритмоқчимиз.²⁸

1. Камтарлик ва мулозамат маъносини ифодалаш функцияси.

“**죵**” нинг маъноларидан бири *камтарлик ва мулозамат* маъноси бўлиб, мулоқотда суҳбатдошлардан бири иш буюрганда ёки таклиф айтганда тингловчисига нисбатан юклатилган масъулият ёки вазифани бир оз бўлсада юмшатиб, орага тушуши мумкин бўлган тушунмовчиликни бартараф этишда ишлатилади.

남자: 수진씨, 이렇게 연락을 해서 죄송해요. 발표 자료 **죵** 이메일로 보내 줄 수 있어요?

Йигит: *Сужин хоним, безовта қилганим учун узр. Илтимос презентация материалларини э-маил орқали юбора оласизми?*

여자: 아, 제가 지금 나가는 중인데요. 돌아와서 보내도록 할게요.

Қиз: *А..., мен ҳозир кетаётган эдим. Қайтиб келиб жўнатиб юбораман.*

Юқорида келтирилганлардан кўриниб турибдики, сўзловчи тингловчига муҳим иши борлиги учун презентация маълумотларини юбориб бериш талаби билан келиб, қиз боланинг шошилиб турган ҳолида илтимос қилмоқда.

2. Таъкид маъноси.

Дискурс маркер “**죵**” нинг яна бир маъноси мулоқотда таъкидлашда ишлатилади. Сўзловчининг мулоқотида бевосита ифодаланиб, “**죵**” ни олди ва орқасидаги сўзга нисбатан диққатни жалб қилади. Мулоқотда тингловчининг диққатини тортишда ёрдам беради.

여자: 어휴, 이것 **죵** 봐. 아까 지하철에서 내 앞에서 서 있던 사람 때문에 굵혔지 뭐야. 가방을 꼭 그렇게 뒤로 메야 돼?

Қиз: *Уф, буни бир қара. Бир оз олдин метрода мени олдимда тик турган одам туфайли қириб олганимни айтмисанми. Сумкасини орқа елкасига илиши шартми?*

²⁸ Ишда келтирилаётган барча мисоллар Корейс тили қобилият имтиҳони (한국어 능력 시험) ТОПИКда мавжуд бўлган диалог ҳамда матнлардан олинган.

남자: 그렇게 말이야. 배낭 가방을 메고 다니는 사람들은 조심할 필요가 있어. 대중교통을 이용할 때는 가방을 돌려서 앞으로 안는다든지 아니면 다리 밑이나 선반 위에 두면 좋잖아.

Йигит: Нимасини айтасан. Рюкзак илиб юрадиганлар бир оз эҳтиёт бўлишлари керак. Жамоат транспортдан фойдаланганда сумкани ё олдига олиши ёки оёқ тагида пол устига қўйишса яхши бўларди.

Юқоридаги мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, қиз метрога мина туриб, сумка туфайли туртилиб кетиши болани диққатини тортиб, асосий фикрга эътибор қаратиладиган вазиятдир.

3. Кучсизлантириш маъноси.

Дискурс маркер “**ж**”нинг яна бир маъноси суҳбатдош билмаган вазиятни тушунтирганда ёки сўзловчи билдираётган фикр у даражада муҳим эмаслиги вазиятини ифодалаш.

남자: 김 실장님, 신제품 설명회 준비는 잘 돼 가요?

Йигит: Ким жаноблари, янги маҳсулот намойиш кўрғазмасига тайёргарлик ишлари яхши бўлаётими?

여자: 네, 그런데 설명회 자료가 아직 도착 안 했어요. 안내를 도와줄 사람도 **ж** 부족하구요.

Қиз: Ҳа, лекин кўрғазма материаллари ҳали етиб келмади. Бошлашга ёрдам берадиган одамлар ҳам.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, янги маҳсулот намойиш кўрғазмаси учун тайёргарлик қилаётган қиз ҳали тайёргарлик тўлиқ бажарилмаганлиги тўғрисида суҳбат қилаётган ҳолатда сўзловчи тингловчига вазиятни ўта жиддийлигини кўрсатмасдан дискурс маркер “**ж**” дан фойдаланган ҳолда вазиятни юмшатишга уринган.

4. Инкор маъносини ифодалаш функцияси.

Мулоқотда сўзловчи тингловчига ёки вазиятга нисбатан негатив фикр билдирганда, бирор нарсани инкор қилганда дискурс маркери “**ж**” нинг инкорни маъносини ифодалаш функциясидан фойдаланилади.

판매원: 이 바지는 어떠세요?

Сотувчи: Бу шимга нима дейсиз?

고객: **ж**...

Мижоз: бир оз.....

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, сотувчи мижозни фикрини сўраш пайтида мижознинг жавобида “**ж**” нинг ишлатилганлигидан кўнглига ёқмаганлигини билиб олса бўлади. Яъни бу вазиятда дискурс маркер “**ж**” инкор маъносини ифодалашда қўлланилапти.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, корейс тилида “**ж**” дискурс маркери камтарлик ва мулозамат, таъкидлаш, кучсизлантириш, инкор каби турли хил маъноларни ифодалашда мулоқот жараёнида фаол қўлланар экан.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ким Н.Д. О модели предложения в коммуникации (на материале современного корейского языка) // Материалы 31-й международной заочной научно-практической конференции «Научная дискуссия: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии», 15 декабря 2014. – Москва: Международный центр науки и образования, 2014. – № 12 (30). – С. 124-127.

2. 고산(2015), 「한국어 담화표지 ‘그냥, 막, 참’ 교육방안 연구 – 중국어 표현과의 대조를 중심으로」, 인천대학교 석사학위논문. kosan(2015), 「khangugo damkhvapedzhi ‘gynyan’, mak, chkham’ keyukban’an engu – dzhun’gugo pekhengvayi de dzhoryl’ dzhunsimyro」, indzhkhondekhakke soksakhakvinonmun, pp. 23-78.(A Study on the Education Plan of 'Just, Actually, True' Korean Discourse Focusing on the Comparison with Chinese Expression)

3. 구종남(1998), 「화용표지 ‘**ж**’에 대하여」, 한국언어문학 41권, 한국언어문학회. kudzhonnam(1998), 「khvaen’pedzhi ‘dzhom’e dekhae」, khangugonomunkhak 41gvon, khangugonomunkhakkhve, pp. 12-69.(About the cover)

4. 구지민(2005), 「한국목적 한국어를 위한 강의 담화표지 학습연구」, 한국어교육 16 호, 국제한국어교육학회. kudzhimin(2005), 「khangunmokdzhok khangugoryl' vikhan kan"yi damkhvapedzhi khaksypengu」, khangugogeyuk 16 kho, kukdzhekhanguogeyukkhakkhve, pp. 10-21.(Lecture Discourse Cover Study for Korean Purpose)

КОРЕЙС ТИЛИДА КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАРНИНГ РАВИШЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ

*Мустақил тадқиқотчи Г.Д. Юнусова (Тошкент давлат шарвинуослик институти)
(Педагогика шўъбаси, тел: +998993909228)*

Ҳозирги кунда мамлакатимизда чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Бу албатта республикамизнинг бошқа мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларнинг ривожланиб бораётганлиги сабаблидир. Кўпгина мамлакатлар қатори Жанубий Корея республикаси билан ҳам таълим соҳасидаги амалга оширилаётган ишлар корейс тилини янада чуқур ўрганишни талаб қилади. Айниқса корейс тили грамматикасини тўғри ўргатиш ва ўрганиш айниқса муҳимдир. Корейс тили грамматикасини талабаларга тушунарли, осон ва мукамал ўргатишда хорижий тажрибалардан унумли фойдаланиш ўринлидир. Масалан, корейс тилида кўмакчи феъллар мавзусини ўргатиш жараёнида кўмакчи феъллар қандай феъллар эканлигини, кўмакчи феъллар мустақил феъллардан қайси жиҳатлари билан фарқланишини қиёслаб тушунтириш, семантик жиҳати ўхшаш кўмакчи феълларни мисоллар орқали ўзаро фарқини тушунтиришда тавсифий-таҳлилий, қиёсий, диаграмма-Венна, кластер усуллари билан фойдаланиш айниқса унумдор натижани беради. Ушбу мақола корейс тилидаги кўмакчи феълли бирикларнинг ўзига хос жиҳатларни гапда равишларни ўз ўрнида қўллаш мисолида тушунтирилади.

Корейс тилида кўмакчи феъллар ўзбек тилидаги кўмакчи феъллар каби асосий феълга бирикиб ўзининг мустақил маъносини қисман ёки бутунлай йўқотиб, асосий феълга қўшимча маъно юклайди. Кўмакчи феълларни гапда фарқлашнинг асосий мезонларидан бири уларнинг мустақил феъл ўрнида кела олмаслиги ҳисобланади. Чунки, мустақил феълнинг гапдаги асосий функцияси кесим вазифасида келишидир. Кўмакчи феъл эса алоҳида ўзи кесим функциясини бажара олмайди. Шу жиҳатдан улар асосий феъллардан фарқланади.

나 혼자 집으로 와 버렸어. [1] Мен бир ўзим уйга кела қолдим.

Ушбу жумлада 와 버렸어 «кела қолдим» кўмакчи феълли бирикмада 버리다 [reorida] феълли кўмакчи феъл вазифасида қўлланилган.

나 혼자 집으로 버렸어. [2]* Мен бир ўзим уй томон ташладим

Бу жумлада эса, 버리다 [reorida] феълнинг асосий феъл сифатида қўлланилгани жумланинг семантик жиҳатдан маънога эга эмаслиги кўриш мумкин. Бундан 버리다 [reorida] кўмакчи феълли гап мазмунини аниқ ифодалаши учун айнан асосий феълга қўшилиб келиши кераклиги намоён бўлган. Кўмакчи феъл асосий феълга тобе бўлганлиги сабабли, гапнинг бош бўлақларига боғлиқ бўлмайди. Кўмакчи феълли бирикма ўзига хос ички структурага эга бўлиб, яхлит бўлинмас қўшилмани ташкил қилади. Шунинг учун бу структура таркибига бошқа лексик бирикларни қўшиб бўлмайди. Бундай қўшилмада кўмакчи феъл фақат боғловчи аффикслар -아/어/여 [-a/eo/yeo] ва -고 [-go] воситасида асосий феълга боғланади. [3] Маълумки, равишлар феълнинг ҳолатини аниқлаб келиб, гапда маълум синтактик вазифани бажаради. Уларнинг ноўрин ишлатилиши эса гап структураси ва семантикасининг бузилишига олиб келади. Хусусан, 나중에 내가 결석계를 써 주마. [4]. Кейинроқ йўқлама рўйхатини ёзиб бераман, жумласида 써 주마 – “ёзиб бераман” кўмакчи феълли бирикма ҳисобланади. Агар кўмакчи феълли бирикмадан олдин равишни қўллаб кўрадиган бўлсак қуйидаги ҳолат кузатилади: 나중에 내가 결석계를 빨리 써 주마. Кейинроқ йўқлама рўйхатини тезда ёзиб бераман. Ушбу ҳолатларда кўриниб турибдики, равиш кўмакчи феълли бирикмадан олдин қўлланилса, гап ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. Аммо равишларни кўмакчи феълли бирикма ўртасида қўлласак қуйидаги натижага эга бўламиз: 나중에 내가 결석계를 써 빨리 주마.* Кейинроқ йўқлама рўйхатини ёзиб тезда

бераман. Ушбу гапда равишлар асосий ва кўмакчи феъллар орасидан жой олса, унда гап мазмуни бузилиши, кўшилган равишлар эса *주다* [chuda] “бермоқ” мустақил феълнинг вазифасини ифодалаши кузатилади.

Шунинг учун бу структура таркибига бошқа лексик бирикларни қўшиб бўлмайди. Ушбу ҳолатни феъллар билан бирга одатда қўлланувчи равиш лексемалар орқали кўрсатиш мумкин. Маълумки, равишлар феълнинг ҳолатини аниқлаб келиб, гапда маълум синтактик вазифани бажаради. Уларнинг ноўрин ишлатилиши эса гап структураси ва семантикасининг бузилишига олиб келади.

나중에 내가 결석계를 써 주마.

Кейинроқ йўқлама рўйхатини ёзиб бераман.

Ушбу жумлада *써 주마* ёзиб бераман – кўмакчи феълли бирикма ҳисобланади. Агар кўмакчи феълли бирикмадан олдин равишни қўлаб кўрадиган бўлсак қуйидаги ҳолат кузатилади:

1. 나중에 내가 결석계를 다 써 주마. *Кейинроқ йўқлама рўйхатининг ҳаммасини ёзиб бераман*

2. 나중에 내가 결석계를 빨리 써 주마. *Кейинроқ йўқлама рўйхатини тезда ёзиб бераман.*

Юқоридаги иккита мисолда кўриниб турибдики, равишлар кўмакчи феълли бирикмадан олдин қўлланилса, гап ҳар жиҳатдан тўғри бўлади. Аммо равишларни кўмакчи феълли бирикма ўртасида қўлласак қуйидаги натижага эга бўламиз:

3. 나중에 내가 결석계를 써 다 주마.* *Кейинроқ йўқлама рўйхатини ёзиб, ҳаммасини бераман.*

4. 나중에 내가 결석계를 써 빨리 주마.* *Кейинроқ йўқлама рўйхатини ёзиб тезда бераман.*

Учинчи ва тўртинчи мисолларда эса равишлар асосий ва кўмакчи феъллар орасидан жой олса, унда гап мазмуни бузилиши, кўшилган равишлар эса *주다* [chuda] мустақил феълнинг ҳолатини ифодалаши кузатилади. Бу ҳолат қўшма феълларга ҳам хос жиҳатдир.

Қўшма феъллар билан ҳам равиш улардан олдин қўлланади. Агар қўшма феъл орасига қўшилса, унда бирикма ва гап ҳам структура, ҳам семантик жиҳатдан бузилади. Юқоридагилардан кўринадики, кўмакчи феълли бирикмалар қатнашган гапларда равишлардан нотўғри фойдаланиш гап мазмуни бузилишига олиб келиши мумкин. Кўмакчи феълларнинг бу жиҳати қўшма феъллар билан ўхшашдир.

Фойдаланган адабиётлар:

[1] 손세 모 돌. 국어 보조용언 연구. 서울: 한국문화사, 1996. – P. 42.

[2] *белгиси гапнинг нотўғри тузилганлиги маъносини ифодалайди.

[3] - 아/어/여 [-a/eo/yeo] боғловчи аффикслар ҳисобланиб, улар полисемантик хусусиятга эга, ҳаракат, ҳолат феълларининг (하다 [hada] феъли билан тугайдиган феъллардан ташқари) ўзагига қўшилиб келади ва икки ҳаракат ёки ҳолатни боғлашга хизмат қилади. Шунингдек, асосий ва кўмакчи феълларни боғлаб келади. Юқоридаги ҳолат айнан мана шу шакл орқали бирикади. -고 [go] ҳам боғловчи аффикс бўлиб, феълларни ўзаро боғлашда хизмат қилади. Айнан мана шу қўшимча асосий ва кўмакчи феълни боғлашда хизмат қилади. Қар.: 외국인을 위한 한국어 문법 2. 서울: 커뮤니케이션북스, 2005. -P. 32-36, 510-514.

[4] 박양규. 할머니.-서울: 비룡소, 1999. – P.113.

TIMSS DASTURINI AMALDA QO'LLASH

(6-sinf Tarix fani misolida)

*Xalqanazarova Nodira Xudoyberdiyevna
Guliston shahar 16-maktabning Tarix fani o'qituvchisi*

Xalqaro baholash dasturi kun sayin o'z dolzarbligini tobora oshirib bormoqda. Bu har bir pedagog uchun o'ziga xos izlanishni taqazo etyapti. Biz quyida tarix darslarida manbalarda keltirilgan ayrim misollarni ko'rib chiqamiz.

Dastlab topshiriqlar bilan ishlanadi. 1-topshiriq: Qadimgi Italiya

«Italiya» soʻzi yunon tilidan tarjima qilganda «buqa, buzoqsha» maʼnosini bildirgan. Apennin yarim orolining barcha qabilalari italiklar deb nomlangan. Italiyaning shimoy-gʻarbiy boʻlimida etrusk qabilalari yashagan. M.avv.VII asrda etrusklar 12 ta shahar-davlatning ittifoqini tuzgan. Rim shahri dastlab yetti tepalikdan iborat boʻlgan. Rivoyatlarga qaraganda, m.avv 753-yilda Rim shahriga aka-uka Romul va Rem asos solgan. Ilgari rimliklar oʻz hukmdorlarini saylashardi. Ushbu voqeadan soʻng, bunday tartib butunlay oʻzgarib ketdi? (rasm beriladi)

1-savol: Suratda qanday voqea tasvirlanganligini aniqlang?

Qadimgi Italiya: Baholash uchun savolga javoblar

A. Qadimgi Rimda hukmdorlar hayoti shunday yakun topgan.

V. Yuliy Sezar saroyda fitnachilar tomonidan oʻldirilgan.

S. Rimliklar hokimiyatning bir odamning qoʻlida toʻplanishini hohlamaydigan edi.

D. Magʻrur Tarkviniy shahardan quvgʻin qilinib, Rimda respublika tuzumiga asos soldi.

2-savol: Ushbu suratdagi voqea qanday oʻzgarishlarga olib keldi?

Javob toʻliq qabul qilinadi.

Davlatning boshqaruv shaklida oʻzgarishlarga olib keldi.

Hokimiyatning bir odamning qoʻlida toʻplanishiga chek qoʻyildi.

Xalqning oʻzin-oʻzi boshqaruviga asos solindi.

Javob qabul qilinmaydi: Barcha fuqarolar davlat boshqaruv ishlarida qatnashish huquqini qoʻlga kiritdi.

3-savol: Ushbu suratdan qanday xulosa chiqarish mumkun?

Javob toʻliq qabul qilinadi: Shahar aholisi butun hokimiyat bir odamning qoʻlida jamlanishiga yoʻl qoʻymaydigan boshqaruv shakliga oʻtishga qaror qildi.

Javob qabul qilinmaydi: Boshqa javoblar. Javob yoʻq

2-topshiriq: Mesopotamiya sivilizatsiyalari

Mesopotamiya rivoyatlarining eng sevimli qahramoni Gilgamish Uruk shahrining podhosi boʻlgan. Hayoti soʻng keyinchalik koʻplab afsonalarga aylangan. Afsonalarga aytilishicha, Gilgamish dunyoga kelgandan soʻng mamlakat hukmdori boʻlmish bobosi nevarasi undan taxtni tortib olishidan vahimaga tushib, uni jarga tashlab yuborishga farmoyish beradi. Jarga uloqtirilgan Gilgamishni burgut tutub olib, koʻtarib ketadi va oʻni bir bogʻmonga iltib beradi. Bogʻmon Gilgamishni mehr bilan parvarishlab tarbiyalaydi. Balogʻotqa yetgan Gilgamish bobosidan hokimiyatni tortib oladi va Uruk shahrini boshqarishga kirishadi. Endi u boqiy hayotga erishish toʻgʻrisida oʻylay boshlaydi. Boqiy hayotga erishish mumkun-mi?

(Rasm beriladi) Ushbu suratning Gilgamish toʻgʻrisidagi rivoyat bilan qanday aloqasi bor? Berilgan topshiriq asosida oʻquvchilar baholanishadi.

Mesopotamiya sivilizatsiyalari. Baholash uchun savolga javoblar:

A. Ilonlar aqllilik, donolik ramzi boʻlgan

V. Qadimda odamlar ilonlarga ishonishgan

S. Ilonlar Uruk shahrining rasmiy ramzi boʻlgan.

D. Boqiy hayotga erishishga yordam beruvchi mehriyoni – gulni olib qochib borayotgan ilon tasvirlangan boʻlib, ushandan beri, afsonalarda aytilishicha, ilonlar har yili poʻstini tashlab yasharishar emish.

2-savol: Ushbu suratdagi voqeadan soʻng Gilgamish nimani tushunib etadi?

Javob toʻliq qabul qilinadi:

Boqiy hayotga erishish mumkun emasligini.

Bu hayotda ezgu ishlarning unutilmasligini.

Insonga berilgan hayotning cheklanganligini.

Javob qabul qilinmaydi: Ilonlarning doʻst emasligi

3-savol: Ushbu suratdan qanday xulosaga kelish mumkun?

Javob toʻliq qabul qilinadi. Gilgamish jonajan shahri devorlari uni himoya etishini, ezgu ishlari uni umrboqiy qilishini tushunib etadi...

Javob qabul qilinmaydi: Boshqa javoblar. Javob yoʻq...

3-topshiriq: Afinada demokratiya

Mil. avv. 621-yilda Drakont xalq boshqaruvini bekor qilgan qonunlarni yozdi va amalga kiritdi. Bu qonunlar shu qadar qattiq va ayovsiz ediki, afinaliklar ularga «siyoh qolib, qon bilan yozilgan», deya taʼrif berishgan. Qonunlarni arziyas darajada buzganlik uchun ham Drakont bitta jazo – oʻlim jazosi belgilagan. Avvaliga afinaliklar bu qonunlarga itoat etishgan, soʻngra norozi boʻla boshlashgan va Drakontni shahardan haydab yuborishgan. Drakontni qalʼadan shiqarib yuborgan.

Qonunlarsiz yashash mumkunmi?

Ushbu voqeadan so'ng Afina aholisi qanday yo'l tutdi?

Afinada demokratiya. Baholash uchun savolga javoblar:

A. islohot o'tkazildi.

V. xalq hokimiyati qayta tiklandi.

S. qat'iy tartib bilan yashash mumkun emasligini tushunib yetdi.

D. Mil. avv. 594-yilda Solon davlatni idora qilishning oldingi tizimi– aristokratiyani demokratiyaga almashtirdi.

2-savol: Ushbu voqeadan so'ng Afina aholisi hayotida qanday o'zgarish yuz berdi?

Javob to'liq qabul qilinadi.

Davlat boshqaruvida fuqoralar ishtirok etadigan bo'ldi

Xalq majlisi faoliyati qayta tiklandi va unda butun jamiyat uchun foydali qarorlar qabul qilindi

Dehqonlarning qarzlari va qulchilik bekor qilindi

Javob qabul qilinmaydi: Barcha fuqoralar davlat boshqaruv ishlarida ishtirok etadigan bo'ldi.

3-savol: O'tkazilgan islohotlardan qanday xulosaga kelish mumkun?

Javob to'liq qabul qilinadi: Solon islohotlari xalqning o'zini-o'zi boshqaruviga asos bo'ldi va xalq hokimiyatini qayta tikladi.

Javob qabul qilinmaydi: Boshqa javoblar. Javob yo'q.

Ko'rinish turibdiki, TIMSS baholash mezonlari asosida berilgan topshiriqlar o'quvchini mustaqil fikrlashga, o'z bilimini boshqa manbalar asosida mustahkamlashga qaratilgan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, Xalqaro baholash dasturlari asosida o'tkaziladigan sinov o'quvchilar mavzuni ne chog'lik tushunganligiga emas, hayotda qay darajada qo'llay olishiga qaratiladi. Topshiriqlar shu tariqa berilsa, o'quvchilar dunyoqarashi ham o'sib borishini kafolatlash mumkin.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШДА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

У.Қ.Утанов, О.Х.Қосимова

Самарқанд ХТХҚТМОХМ доценти, н.ф.ф.д, СамВМИ ўқитувчиси.

Жаҳоннинг юксак даражада тараққий этган давлатларида таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилганлигини, таълим муассасаларида қандай амалга оширилаётганлигини ўрганиш орқали биз мустақил республикамиз миллий таълим тизимини янада ривожлантиришда, таълим тарбияда, мактаб ишини ташкил этишда эскириб, ўз долзарблигини йўқотиб бораётган фаолият шакллари ва усулларидан тезроқ халос бўлиш, уни муносиб тарзда янгилашда қўшимча бой манбалардан самарали фойдаланишимизда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 8 декабрдаги 997-сонли қарорида, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичларини назорат қилиш ва баҳолашни халқаро дастурлар асосида амалга ошириш ҳамда таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларда иштирок этиш вазибалари белгиланган[2].

Халқ таълими тизимида бундай қарорларнинг қабул қилиниши ҳозирги замон таълимида давлат ва жамият талаби, миллат манфаати йўлида келажак авлоднинг интеллектуал салоҳиятни ошириш, бу орқали жамиятни ривожлантириш мақсади акс этади.

XXI аср ўз мутахассисларидан аввалгилардан бутунлай фарқ қилувчи касбий компетенцияларни талаб қилмоқда. Замонавий мутахассисларда ахборотларни таҳлил қилиш, улардан янги маълумотларни ҳосил қилиш, креатив фикрлаш каби компетенцияларни мужассам бўлиши бугунги кун талабидир.

Бунда Ўзбекистонда илғор хорижий тажрибалар асосида ўқувчиларни билим даражаларини ривожлантириш мазмуни, шакл ва методларини таълим жараёнига татбиқ этиш ва бу орқали ўқувчилар билим даражасини диагностика қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 - йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида халқ таълими тизимининг узоқ муддатли ривожланишининг асосий йўналишлари белгилаб берилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA(The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинг буйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакатлари

каторига киришига эришиш қайд қилинган[1,1] бўлиб халқаро баҳолаш орқали таълим жараёни сифатини дунё андозаларига мослаштириш назарда тутилган.

PISA – бу ўқувчиларни таълим соҳасидаги ютуқларини баҳолаш бўйича халаро дастур бўлиб, ундаги тест жаҳон давлатларидаги мактаб ўқувчиларининг билими ва уларни амалиётда қўллай олиш маҳоратини баҳолайди. Дастурнинг асосий мақсади – 15 ёшли ўқувчилар таълим даргоҳида олаётган билим ва тажрибаларини ижтимоий муносабатларда ва инсон фаолиятида учрайдиган турли хил ҳаётий вазифаларни ечишда қанчалик фойдалана олиш қобилиятини баҳолашдир. Ушбу синов ҳар уч йилда бир маротаба ўтказилиб, тест жараёнларида 15 ёшли ўқувчилар иштирок этади. Мактабдаги таълим сифатини мониторинг қилишга қаратилган PISA дастури асосий уч йўналишда ўтказилиши назарда тутилган бўлиб ўқиш, математика ва табиий-илмий фанлар саводхонлиги бўйича ўтказилади.

Ўқиш саводхонлиги ўқувчининг матн шаклида берилган маълумотларни тушуна олиш ва қайта боғлана олиш кўникмаси, жамият ҳаётида фаол қатнашиш жараёнида ўқиган маълумотлардан ўз мақсадлари йўлида фойдалана олиш, билим ва имкониятларини амалга ошира олиш лаёқатидир.

Математик саводхонлик бу ўқувчининг яшаётган дунёда математиканинг ўрнини аниқлаш ва тушиниш, асосланган математик мулоҳазалар юритиш ҳамда фикрлайдиган, қизиқувчан ва ижодкор фуқаро сифатида ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларини қондириш мақсадида математикадан фойдаланиш қобилиятидир.

Табиий-илмий фанлар саводхонлиги яъни, физика(астрономия элементлари билан бирга), биология, кимё ва география фанлари ўқитиш жараёнида ҳаётий ҳодисаларда илмий усулда ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш, кузатув ва тажрибалар асосида ҳулосалар чиқариш компетенциясини ривожлантиришдир. Бу ҳулосалар атрофимиздаги оламни тушиниш ва инсон фаолияти натижасида унда содир бўлаётган ўзгаришларни англаб етиш, шунга кўра, керакли қарорлар қабул қила олиш кўникмасини ривожлантириш ушбу синов йўналишининг асосий мақсади дир.

2015 йилдаги синовлар жараёнида 70 дан ортиқ давлатлар PISA халқаро дастурида иштирок этган. PISA дастури давлатларнинг таълим соҳасидаги ислохотларига ўз ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда. 2018 йилдаги тадқиқотларда 78 та давлатдан 600 минг нафар ўқувчи иштирок этган бўлиб, рейтинг бўйича етакчилиكنи Хитой ва Сингапур Эстония давлатлари қўлга киритган бўлса, Косово, Доминикан Республикаси ва Филиппин мамлакатлари охириги қаторлардан жой олган. Буюк Британия ўқувчиларида эса ўз ҳаётидан мамнун эмаслиги кўринди.

PISA да доимий равишда қатнашиб бориш орқали кўплаб мамлакатлар ўзларининг таълим тизимидаги ўзгаришларни кузатиш ва таҳлил қилиб бориш имкониятига эга бўлишди. Жумладан, тадқиқотларда узлуксиз равишда иштирок этиб келаётган, Португалия, Албания, Қатар, Молдавия, Перу мамлакатлари 2003-йилдан 2018-йилгача барқарор ўсиш суръатларига эришишдилар.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон 2021-йилда илк маротаба PISA халқаро тадқиқотларида иштирок этади. Ҳукуматнинг 2018-йил 8-декабрдаги қарори билан шу каби халқаро тадқиқотларга муносиб тайёргарлик кўриш мақсадида таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ташкил этилган бўлиб бугунги кунда марказ салмоқли ишларни амалга ошириб бормоқда.

Мамлакатимизда мана шундай халқаро баҳолаш дастурларини таълим тизимини баҳолаш ва мониторинг қилишнинг мақбул тизимни яратилмаганлиги, ўқувчилар томонидан у ёки бу фанни ўзлаштириш даражасининг сифати ва соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўламини белгилаб бориш ва тегишли ислохотлар ўтказиш имкониятини чеклаб қўймоқда.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда халқаро баҳолаш дастурларини таълим тизимига жорий этиш бўйича куйидаги тавсияларни амалга ошириш зарур.

1.Халқ таълими тизими педагог ходимларида PISA дастури талаблари бўйича баҳолаш кўникмаларини шакллантириш.

2.Халқаро баҳолаш дастурлари бўйича таълим тизимини баҳолаш ва мониторинг қилишнинг мақбул тизимини яратиш.

3.Халқ таълими тизими педагог ходимларида малака ошириш ва маҳорат дарслари жараёнида PISA дастури талаблари бўйича баҳолаш кўникмаларини услуксиз ривожлантириб бориш.

4.Мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим муассасаларидаги гуруҳ ва синфларда халаро тажрибада синалган шакл ва усуллардан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар сонининг максимал ва минимал даражасини белгилаш.

5.Халқаро таълим сифатини баҳолаш дастурларини таълим жараёнига татбиғини тезлаштириш.

6.Халқ таълими тизими педагог ходимларини PISA[4], PIRLS[5], TIMSS каби халқаро баҳолаш дастурлари бўйича билимларини ошириш учун методик таъминотни яратиш ва ундан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 - йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, 2019 йил 29 апрел.

2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 8 декабрдаги 997-сонли қарори.

3.Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси матбуот хизмати электрон манзили:www.tdi.uz

4.Қудратова А.И. PISA топшириқлари: математик саводхонлик. Ўқув-услубий қўлланма.Самарқанд ХТХҚТМОҲМ, 2019. 62 б.

5.Раббонаева Д. PIRLS тадқиқотлари учун топшириқлар тўплами. Ўқув-услубий қўлланма(1-қисм).Самарқанд ХТХҚТМОҲМ, 2019. 66 б.

TA'LIM JARAYONIDA VEB-XIZMATLARNING O'RNI

Niyozov Muhammad Baxronovich, Yuldashev Ulmasbek Abdubanapovich

Guliston davlat universiteti o'qituvchilari

E-mail: niyozov.info@gmail.com Tel: 99-471-76-85

Bugungi kunda o'quv jarayonini zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanmasdan tasavvur qilish qiyin. O'quv jarayonini axborotlashtirish ta'limning barcha bosqichlarini qamrab oladi va o'quv yurtini zamonaviy kompyuter uskunalari va dasturiy ta'minot bilan ta'minlaydi.

Shu bilan birga, dasturiy ta'minot va dasturiy ta'minotni ishlab chiqish va takomillashtirish shu qadar tez sur'atlar bilan olib boriladiki, ularning eng so'nggi mahsulotlaridan xabardor bo'lishning iloji yo'q. Ta'lim jarayoniga veb-xizmatlarni joriy etish ta'limni kompyuterlashtirish muammolarining eng yaxshi echimi hisoblanadi.

Veb-xizmat - bu Internet orqali boshqa dasturiy mahsulotlar uchun o'z ma'lumotlariga platformadan mustaqil ravishda kirishni ta'minlaydigan dastur.

Veb-xizmatlarning quyidagi umumiy xususiyatlarini ajratib ko'rsatish mumkin:

- kompyuterda hech qanday o'rnatish talab qilinmaydi, Internetga kirish ularga kirish uchun etarli;
- xizmatga dunyoning istalgan nuqtasidan bepul ulanish (agar ulangan bo'lsa);
- hujjatlar bilan guruhli ishlashni qo'llab-quvvatlash;
- materiallarga kirishning har xil usullarining mavjudligi (yopiq, ochiq, so'rov bo'yicha va boshqalar);
- jamiyat ichida nashr etilgan materiallarni muhokama qilish va baholash imkoniyati;
- materiallarni tematik guruhlariga birlashtirish;
- ishlab chiqilgan qidirish tizimi (mavzu bo'yicha, kalit so'z bo'yicha);
- materiallarni nashr qilish uchun ro'yxatdan o'tish zaruriyati.

Veb-xizmatlarning funktsional vazifalari quyidagilardan iborat: fayllarni saqlash, prezentatsiyalar, so'rovnomalar va so'rovlarni yaratish va saqlash, test o'tkazish, virtual sinflar va didaktik o'yinlarni yaratish bo'yicha xizmatlar, aqliy xaritalar, "so'z bulutlari", o'z saytlari va bloglari uchun platformalar va boshqalardan iborat.

Ta'lim jarayonida veb-xizmatlardan foydalanishning ahamiyati quyidagi qoidalar bilan asoslanadi:

ta'lim muassasalarida foydalaniladigan bepul dasturiy ta'minot ro'yxatiga kiritilmagan turli xil yangi axborot texnologiyalaridan foydalanish imkoniyati;


o'quvchilar va o'quv materiallari o'rtasida interfaol aloqani ta'minlaydigan turli xil axborot texnologiyalaridan foydalangan holda yuqori sifatli masofaviy o'qishni tashkil etish imkoniyati;

turli xil loyihalarni ishlab chiqish uchun o'quv jarayoni ishtirokchilarining jamoaviy ishlarini tashkil etish;

pedagogik hamjamiyat tomonidan ishlab chiqilgan turli xil mavzularda Internetning elektron ta'lim resurslarini banklar bilan to'ldirish.


Hozirgi kunda mashhur veb-xizmatlarning ba'zilariga misollar keltirib o'tamiz:

Google Docs (<https://www.google.com/intl/en/docs/about/>) - bu matn va jadval protsessorlarini, taqdimotlarni yaratish bo'yicha xizmatlarni, shuningdek fayllarni almashish funktsiyalari bilan onlayn bulutli saqlash xizmatini o'z ichiga olgan onlayn ofis. Ushbu xizmat nafaqat Microsoft Office va LibreOffice-ning mashhur ofis to'plamlariga o'xshash funktsiyalarni taqdim etadi, balki turli foydalanuvchilarning hujjatlari bilan hamkorlikni ham qo'llab-quvvatlaydi. Ta'kidlash joizki, Google o'qituvchilar va o'quvchilarga o'quv jarayoniga yanada samarali va samarali ta'sir o'tkazish uchun vositalarni taqdim etadigan ko'plab turli xil xizmatlarni ishlab chiqadi va taqdim etadi.




1-rasm. Google Docs veb-xizmatining oynasi

Crossword Factory veb-xizmati (<http://puzzlecup.com/crossword-ru/>) sizga tezkor ravishda onlayn krossvord yaratish yoki veb-saytga tashrif buyuruvchilarning krossvordlarini echishga imkon beradi.




2-rasm. Crossword Factory veb-xizmatining oynasi

LearningApps veb-xizmati (<http://learningapps.org/>) bu turli xil interfaol vazifalarni ishlab chiqish uchun a'lo xizmatdir. Ushbu xizmat interfaol mashqlarning quyidagi shakllarini yaratishni qo'llab-quvvatlaydi: "Juftlikni toppish", "Tasniflash", "Vaqt chizig'i", "Oddiy buyurtma", "Matn kiritish", "Rasmlarni saralash", "Audio-video tarkib", "Plova panjarasi", "Kim millioner bo'lishni xohlaydi?", "To'g'ri javobni tanlash bilan viktorina", "Viktorina", "Jumboq", "Guess", "Krossvord", "Xaritadan toping", "Harflardan so'zlar", "Bo'sh joylarni to'ldirish", "Qayerda? shundaymi?", "O'yin", "Juftlik", "Baholang". Bundan tashqari, ushbu xizmat turli xil mavzularda ommaga taqdim etiladigan interfaol mashqlarning jamlanmasidir.



3-rasm. LearningApps veb-xizmatining oynasi

RealtimeBoard veb-xizmati (<http://realtimeboard.com/ru/>) bu ijod qilish uchun bo'sh joyga ega cheksiz virtual doska. Siz doskaga rasmlar va PDF-fayllarni biriktirishingiz, stikerlarni yopishtirishingiz, markerlar bilan chizishingiz, har qanday elementlarga matnli izohlar va izohlar qoldirishingiz, Google Docs hujjatlarini yuklashingiz va tahrirlashingiz mumkin, xizmat shuningdek ushbu ishni mustaqil ravishda ham, taklif etilgan foydalanuvchilar guruhida ham amalga oshirishga imkon beradi.



4-rasm. RealtimeBoard veb-xizmatining oynasi

Internetda yuqorida aytilganlarga qo'shimcha ravishda, ta'lim uchun juda ko'p qiziqarli veb-xizmatlar mavjud. Albatta, ulardan o'quv mashg'ulotlarida foydalanish o'qituvchidan AKT kompetentsiyasini oshirish va darslarni loyihalashga ijodiy yondoshish ustida doimiy ishlashni talab qiladi. Biroq, quyidagi o'rganish natijasida veb-xizmatlardan oqilona foydalanish, talabalarning fanga qiziqishini shakllantirish, ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirish, o'z-o'zini o'qishga bo'lgan qiziqishni oshirish va umuman olganda, o'quv jarayonini samarali tashkil etishga imkon beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Quدراتxojayev Sh. Internet va axborot: xizmatlar, foydalanish asoslari. O'quv qo'llanma. Toshkent "Istiqlol" nahsriyoti 2013 y.
2. Ayupov R.X. Ommapob Internet. T.: TMI 2011 y
3. <https://novainfo.ru/article/>

PIRLS XALQARO BAHOLASH DASTURINING BOSHLANG'ICH SINFLARDA TUTGAN O'RNI

*D.Z.Baxritdinova Qashqadaryo VXTXQTMOHM
Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim kafedrasida katta o'qituvchisi
Asal12@gmail.com*

Аннотация

Ushbu tezis boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini aniqlashda PIRLS Xalqaro baholash dasturi xususida bo'lib, unda PIRLS xalqaro tadqiqotining mazmun-mohiyati, ushbu tadqiqotda ishtirok

etayotgan davlatlar qanday savollarga javob olishi xususida, Ta'lim sifatini baholash xalqaro tadqiqotlarida ishtirok etish O'zbekiston Respublikasiga nima berishi to'g'risida fikr-mulohazalar keltirib o'tilgan.

Annotation

This thesis is about the PIRLS International Assessment Program for Determining the Literacy of Primary School Students, which outlines the content of the PIRLS International Survey, the basic concepts and tasks for assessing reading literacy.

Аннотация

Этот тезис о Международной программе оценки PIRLS для определения грамотности учащихся начальных школ, в которой излагается содержание международного исследования PIRLS, основные концепции и задачи для оценки грамотности чтения.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev Oliy Majlisga Murojaatnomasida, davlat va jamiyat ahamiyatiga molik dolzarb masalalar qatorida ta'lim sifatini oshirishga, 2021-yildagi xalqaro baholash jarayonlariga munosib tayyorgarlik ko'rish masalasini alohida ta'kidlab o'tdi. Ma'lumki, o'zgarishlar davrida ta'lim tizimi ijtimoiy jarayonlardan kelib chiqqan holda shiddat bilan rivojlanishni taqozo etadi. Ta'lim orqali jamiyatda kelajakdagi vazifalarni bajarishga qodir bo'lgan yangi avlod shakllantiriladi. So'nggi yillarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida ulkan iqtisodiy o'sish ko'rsatkichlariga erishilayotganligi barcha sohalarda malakali kadrlar va yetuk mutaxassislariga bo'lgan talabni yanada oshirmoqda. Bu o'z-o'zidan o'quvchilarimizning darslarga qiziqish xususiyatini oshirish va o'qituvchilarning har tomonlama ta'lim tarbiyaga e'tiborini kuchaytirishni talab etadi. Yuqoridagi talablarning ta'lim tizimi uchun juda muhim ekanligi, aksariyat xorijiy davlatlardagi kabi ta'lim va fan sohalari rivojlanishini baholash va monitoring qilish orqali ta'lim sifatini oshirishga qaratilgan ilg'or tajribalarni sohaga jalb qilish kerakligini anglatadi.

Ta'lim sifati va samaradorligini oshirish yo'lida xorijiy ilg'or tajribalarni o'rganish, xalqaro standartlar talablarining joriy etilishi muhim ahamiyatga ega. Bu borada O'zbekiston Respublikasida qo'yilayotgan amaliy qadamlarga xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarning tashkil etilishi to'g'risida hukumat qarorining qabul qilinishi Ta'lim sohasidagi yutuqlarni baholash xalqaro assotsiatsiyasidek (IEA) nufuzli tashkilot bilan hamkorlik aloqalarining yo'lga qo'yilishini misol sifatida keltirish mumkin.

Qariyb 60 yildan ko'proq vaqt mobaynida IEA tashkiloti ta'limni qiyosiy o'rganish sohasida yetakchi tashkilot bo'lib kelmoqda. Mazkur tashkilot ta'lim tizimida davlat siyosati va amaliyotning ta'sirini chuqurroq o'rganish maqsadida ta'lim sohasida keng miqyosli tadqiqotlar olib boradi. Bu tadqiqotlar ta'lim jarayonlari va natijalarini ko'rib chiqib, ta'lim sifatiga ta'sir etuvchi o'zaro bog'liq omillarni qiyosiy tahlil qiladi. 1958-yildan buyon ushbu tashkilot ta'lim sohasiga oid ko'plab mavzular bo'yicha o'ttizdan ortiq qiyosiy tadqiqotlarini o'tkazdi. Jumladan, matematika va tabiiy fanlar (TIMSS), o'qish (PIRLS), fuqarolik va fuqarolik ta'limi (ICCS), kompyuter va axborot texnologiyalari bo'yicha savodxonlik (ICILS) kabi yo'nalishlarda o'quvchilarning bilim va ko'nikmalari, umuman olganda ta'lim olish jarayonida erishgan yutuqlarini baholab kelmoqda.

Ushbu xalqaro tadqiqotlardan PIRLS xususida ma'lumot beradigan bo'lsak, PIRLS - (*inglizcha –Progress in International Reading Literacy Study – matni o'qish va tushunish darajasini aniqlovchi xalqaro tadqiqot*) mazkur xalqaro tadqiqotning maqsadi turli xil ta'lim tizimidan iborat bo'lgan davlatlarni boshlang'ich maktab o'quvchilarining matni o'qish va qabul qilish bo'yicha tayyorgarligi hamda o'quvchilarning har xil yutuqlarga erishishga sabab bo'luvchi ta'lim tizimidagi o'ziga xos xususiyatlarni aniqlash va baholashdan iborat. Albatta bunday tadqiqot xalq ta'limi sohasidagi xodimlar, olimlar, metodistlar, o'qituvchilar, ota-onalar va jamoat vakillari uchun katta ahamiyatga egadir.

PIRLS tadqiqotida ishtirok etayotgan davlatlar dastlab o'z oldiga bir qator savollarga javob olishga harakat qiladi:

- boshlang'ich maktab bitiruvchilari boshqa mamlakatlardagi tengdoshlari bilan solishtirganda qanchalik yaxshi o'qiydilar?
- boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligi qanday darajalarga ega?
- o'qish holati so'nggi 5 yilga nisbatan yaxshilandimi?
- to'rtinchi sinf o'quvchilari o'qishni yoqtirishadimi?
- jamiyat asosi bo'lmish oila savodxonlikka qanday hissa qo'shadi?
- bugungi kun maktablarida "O'qish" fanini o'qitish jarayoni qanday tashkil etilgan?
- boshqa davlatlarga nisbatan "O'qish" fanini o'qitish jarayoniga ko'ra farqli xususiyatlar bormi?
- agar boshqa davlatlarga nisbatan farq qiladigan xususiyatlar bo'lsa, bu xususiyatlar qanday?
- turli davlatlarda faoliyat yuritayotgan boshlang'ich sinf o'qituvchilari tomonidan qo'llaniladigan o'qitish usullari hamda o'z mamlakatining boshlang'ich sinf o'qituvchilar tomonidan qo'llaniladigan o'qitish usullarini taqqoslash?

Bundan ko'rinib turibdiki, PIRLS - boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qib tushunish ko'nikmalarini qay darajada rivojlanganligi haqidagi ma'lumotlarni xalqaro miqyosda taqqoslash imkonini beradigan, o'qish va o'qitishni yaxshilash uchun ta'lim sohasidagi davlat siyosatiga oid ma'lumotlarni taqdim etadigan yirik xalqaro

baholash dasturi. **O'quvchilarning o'qish savodxonligi** - jamiyat tomonidan talab qilinadigan va inson tomonidan qadrlanadigan yozma tilning shakllarini idrok etish va amaliyotda qo'llay olish qobiliyatidir. Ushbu nuqtayi nazar o'quvchilarning o'qishdan olingan ma'lumotlardan foydalanish qobiliyatiga tobora ko'proq e'tibor qaratadigan zamonaviy jamiyatda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Asosiy e'tibor tushunishni namoyon qilishdan o'zlashtirilgan ma'lumotlarni qanday qilib yangi loyihalar va vaziyatlarda qo'llay olish qobiliyatlarini namoyon qilishga qaratilmoqda.

PIRLS yosh o'quvchilarning sinfdan va sinfdan tashqari o'qishining ikkita keng qamrovli maqsadiga qaratilgan. Bular badiiy tajriba orttirish hamda ma'lumot olish va ulardan foydalanish uchun o'qishdir.

O'z-o'zidan savol tug'iladi: Ta'lim sifatini baholash xalqaro tadqiqotlarida ishtirok etish O'zbekiston Respublikasiga nima beradi?

- milliy ta'lim tizimini isloh qilish, ta'lim mazmunini, pedagog kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirish dasturlarini takomillashtirish hamda mutaxassislar tomonidan darsliklarning yangi avlodini yaratishda qo'llaniladi;
- tadqiqotlarda olingan [natijalar mamlakatdagi](#) ta'lim sifati va uning xalqaro standartlarni hisobga olgan holda egallagan o'rni to'g'risida xulosalar chiqarish imkonini beradi;
- xalqaro tadqiqotlar ta'lim sohasidagi milliy tadqiqotlarni sifatli o'tkazishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi; xalqaro standartlar darajasida yuqori iqtisodiy samaraga asoslangan milliy baholash tizimini yaratish imkonini beradi;
- O'zbekistonda turli tashkilotlarning yetakchi mutaxassislarini jalb qilgan holda xalqaro tadqiqotlarda ishtirok etish orqali mahalliy mutaxassislarimizda monitoring tadqiqotlarini o'tkazish [madaniyati rivojlanadi](#), ta'lim sifatini baholashning xalqaro standartlarga moslashuviga olib keladi;
- milliy ta'lim sifatini baholashdagi nazorat materiallarini xalqaro tadqiqotlarda qo'llaniladigan nazorat materiallari sifati darajasida ishlab chiqish imkonini beradi;

Xalqaro baholash dasturlarida ishtirok etish, nafaqat O'zbekiston, balki, jahon hamjamiyatida o'quvchilarning o'quv dasturlarini yodda saqlab qolganligini baholashdan ularning kompetensiyalarini baholash, ya'ni maktabda egallagan bilimlarini real hayotiy vaziyatlarda qo'llay olishi, ijodiy va mantiqiy fikrlash ko'nikmalarini rivojlantirish va uni baholashga o'tishda muhim vosita bo'lib hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining 1997 yil 29 avgustdagi «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni.
2. O'zbekiston Respublikasining 1997 yil 29 avgustdagi «Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi to'g'risida»gi Qonuni.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 6 apreldagi «Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida»gi 187-sonli qarori
4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 8 dekabrda «Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 997-sonli qarori
5. A. Ismailov, D. Norboyeva, K. Kucharova, Z. Kosimova, N. Aminova «Xalqaro tadqiqotlarda boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini baholash» – T.: 2019

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА АМАЛИЁТ ДАВРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Исаков Азимжон Юсубжанович,

Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқаруви ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси

Ишлаб чиқариш амалиёти таълим, ўқитиш, ривожланиш жараёнларини бирлаштириш шартидир. Умуммаданий ва касбий компетенцияларни шакллантириш давлат таълим стандартига мувофиқ яқунланган ўзаро боғлиқ модуллар тизими доирасида амалга оширилади.

Касбий педагогика илмида ўқитишнинг яхлит тури сифатида ишлаб чиқариш амалиёти илмий мактаблар ва йўналишлар доирасида кўриб чиқилади (Ю.М. Живойкин, Ю.М. Орлов, И.А. Поленко ва бошқалар).

Ушбу олимлар фикрича, назарий тайёргарлик муҳим аҳамиятга эга эди. Бу ҳолат ўқув муассасасини амалиётдан ажратди, назария ва амалиёт ўртасидаги тафовут янада сезиларли бўлди. Шундай қарашлар сабабли, мутахассисларни назарий ўқитиш билан реал воқеълик ва амалий фаолият ўртасида доимо тафовут мавжуд эди.

Касб-хунар коллежларида касбий тайёргарликни ташкил этишга компетенциявий ёндашув вазиятни қуйидаги назарий тахминлар асосида такомиллаштиришга имкон беради.

Профессional таълимда касбий компетенцияларнинг шаклланиши талабаларнинг назарий ва амалий машғулотларида, амалиётлар даврида амалга оширилади.

Талабалар нафақат билимларни оширишни (бу албатта етарли эмас), балки уни амалда қўллаш қобилиятига эга бўлишлари зарурий эҳтиёждир.

Профессионал касбий таълим ишлаб чиқариш амалиётида, маҳорат дарсларида, ўқув амалиётида, ишлаб чиқариш таркибидаги технологик муаммоларни ҳал қилишда ва мураккаб ўқув ва ишлаб чиқариш вазифаларини амалга оширишда, машғулотларнинг етакчи усуллари орқали амалга оширилади. Амалий машғулотларнинг кучайиши, пост-индустрия жамиятининг талаблари билан оқланади, прагматизм назариясига таянади (юнонча - прагма - хатти-ҳаракат), "онг оқими" сифатида талқин қилинган воқеликни тажриба билан аниқлаш имкониятидан фойдаланишга имкон беради. (В.Ф. Кривошеев). Ҳақиқат объектив воқеликнинг акси сифатида эмас, балки инсоннинг субъектив кизиқишлари ва эҳтиёжларини қондирадиган амалий фойда сифатида талқин қилинадиган бўлса, ушбу назария муҳим рол ўйнайди.

Амалиёт даври давлат таълим стандартларида талабаларнинг ўқув фаолиятининг етакчи тури сифатида кўзда тутилган ўқув жараёнининг ажралмас қисми, у талабаларнинг назарий билимларини ўзлаштиришларини, уларни аниқ амалий вазиятларда, реал ишлаб чиқариш шароитида ишлатилишини белгилайди. Ишлаб чиқариш шароитида назария ва амалиёт ўртасидаги тафовутни қамайтириш, ўқитиш ва ривожланиш жараёнларини бирлаштириши мумкин. Профессионал педагогика соҳасидаги тадқиқотлар таҳлили (С.Я. Батишев ва М. Стариков, А. С. Батишев ва бошқалар) қуйидагиларни аниқлашга имкон берди:

1. Таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти самарадорлиги малакали ўқитувчиларнинг мавжудлиги, иш берувчининг таълим муассасаси олдида турган вазифаларни тушуниши ва бўлажак ишчилар ва мутахассисларни тайёрлашда фаол иштироки асосида оширилади.
2. Корхона - зарур ишлаб чиқариш кўникмаларини, компетенцияларини ривожлантиришга имкон берадиган ишлаб чиқариш амалиётининг базаси, унинг базасида махсус ўқув устахоналари, амалиётчиларнинг амалий машғулотлари учун майдонлар мавжудлиги - бу талабаларнинг касбга содиқликни ошириш. назарий билимларни амалиётда ривожлантиришнинг асосий шарти. Замонавий технологияларни ўзлаштиришга имкон берадиган ускуналар билан жиҳозланган талабалар иш жойлари амалиёт даврида муҳим рол ўйнайди.
3. Ҳақиқий ишлаб чиқариш шароитлари - бу касб малакасини, компетенциясини, касбий маҳоратни, касбий тажрибани шакллантириш воситаси ҳисобланади.
4. Ҳар бир амалиётчига нафақат корхонанинг махсус вазифаларини бажариш, балки меҳнат жамоасининг ижтимоий ҳаётида иштирок этиш ва мустақил касбий фаолият муҳитини ҳис қилиш имконияти берилиши муҳимдир.

Давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқариш амалиёти талабалари томонидан ўзлаштирилган модулларнинг якуний босқичидир. Талабалар имтиҳон шаклида керакли модулларни ўзлаштириш даражаларини баҳолаб, "ўзлаштирилди" ёки "ўзлаштирилмаган" тестни ўтказгандан сўнг, ишлаб чиқариш амалиёти ташкил этилади.

Талабалар назарий ва ишлаб чиқариш машғулотлари, ўқув амалиётида ўрганилиши керак бўлган муайян фаолият турларини бажаришга тайёр бўлишлари муҳимдир. Амалиёт даври юқорида келтирилган барча шартларга риоя қилган ҳолда олинган кўникмаларни эгаллашга, керакли касбий компетенцияларни шакллантиришга имкон беради. Касбий таълим муассасалари ҳам, корхоналар ҳам ўзаро ҳамкорликка, шерикликка қизиқиш билдиришлари жуда муҳимдир. Талаба коллежни тугатгандан сўнг у амалиёт ўтаган корхонада иш фаолиятини бошлаши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш амалиётлари мутахассисларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш динамикасини бошқариш, ўқитиш ва ривожланиш жараёнларини бирлаштиришга имкон берадиган жараёндир.

Амалиёт даврининг самарадорлиги, талабаларни касбий фаолиятга мотивациясини ошириш учун қуйидаги омиллар муҳим роль ўйнайди: ишлаб чиқариш корхоналарининг гўзаллиги, иш жойларининг талаб даражасида эканли, ўз касбининг таниқли усталари, давлат мукофотлари ва имтиёзларга эга мутахассислар.

Амалиётчилар томонидан ички меҳнат тартиби қоидаларини бажариш, стандартлар ва йўриқномаларнинг талаблари, бу ўзлаштирилган касбий билимларнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг камчиликлари тўғрисида ўз фикрларини аниқлаштириш ва тўлдириш имконини беради ва ўзини корхонанинг ишчилари билан таққослаганда рақобатдошлигини синашга имкон беради.

Амалиёт даврида таълим муассасасининг ишлаб чиқариш таълими усталари ва педагоглари муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар ҳар бир талабани ишлаб чиқариш амалиёти вазифаларини бажаришлари учун шароит яратиб, йўлланма беради. (В.А. Скакун).

Хулоса килиб айтганда, кадрларнинг рақобатбардошлиги касбий таълим ишлаб чиқариш амалиёти давомида орттирилган тажриба туфайли яхшиланади. Назарий маълумотлар амалиётда қўлланилмаса, тезда унутилиб, ноаниқ фикрларга айланиб қолади.

SINF DAN TASHQARI O'QISH DARSLARIDA PIRLS DASTURI MATERIALLARIDAN FOYDALANISH

Artikova Nargiz Shuxratovna

Toshkent viloyati Chirchiq shahar 10-sonli umumta'lim maktabi boshlang'ich ta'lim fani o'qituvchisi

Umumiy o'rta ta'limning boshlang'ich sinflarda o'qish fani o'quvchilarni ongli, to'g'ri va ifodali o'qishga o'rgatish bilan birga ularda kitobxonlik va nutq madaniyatini hamda mustaqil fikrlash qobiliyati shakllantiradi. O'quvchilarni har tomonlama rivojlantirishga xizmat qiladi.

Boshlang'ich sinflarida o'qish fanini o'qitishning asosiy maqsadi: milliy hamda jahon adabiyotining nodir namunalarini o'qitish orqali o'quvchilarning ma'naviy-axloqiy dunyosi, adabiy-estetik didini shakllantirish hamda ularda mustaqil fikrlash, obrazli tafakkurga oid bilim, ko'nikma, malakalarni hosil qilish va rivojlantirish;

o'quvchilarni badiiy adabiyotga qiziqtirish, asarlarni o'rgatish jarayonida olam va inson tabiati, milliy hamda umuminsoniy qadriyatlar, shuningdek, kitobxonlik madaniyatini shakllantirish orqali o'quvchilarning ma'naviyatini, dunyoqarashini kengaytirib, mustahkamlab borishdan iborat [1; 86-b.]. Ushbu maqsadlarni amalga oshirish uchun sinfdan tashqari o'qish mashg'ulotlarida PIRLS dasturidan foydalanish katta samara beradi. Dunyo davlatlari ta'lim tizimlari o'zaro uyg'un holda rivojlanishi uchun turli mamlakatlarning ta'lim tizimlarini baholashning umumiy dasturlaridan biri bu **PIRLS**dir.

PIRLS - (*Progress in International Reading Literacy Study — xalqaro o'qish savodxonligini o'rganishdagi yuksalish*) — bu turli mamlakatlarda boshlang'ich sinfdan tahsil oluvchi o'quvchi yoshlarning matnni o'qish va tushunish darajalari sifatini baholab beruvchi xalqaro baholash tizimidir. Ushbu sinov turi har 5 yilda bir marta o'tkazishga mo'ljallangan bo'lib, uning oxirgi **2016**-yilgi tadqiqotlari natijalariga ko'ra **Rossiya Federatsiyasi** yetakchilik qilmoqda. Sodda tilda aytganda, **PIRLS** — o'quvchilarning matnni o'qish va tushunish darajasini baholash.

PIRLS va boshqa ta'lim sifatini baholash xalqaro tadqiqotlarida ishtirok etish O'zbekistonga nima beradi, degan savolga quyidagicha javob berish mumkin:

1. Tadqiqotlarda olingan natijalar mamlakatdagi ta'lim sifati va uning xalqaro standartlarni hisobga olgan holda egallagan o'rni to'g'risida xulosalar chiqarish imkonini beradi;

2. Milliy ta'lim tizimini isloh qilish, ta'lim mazmunini, pedagog kadrlar tayyorlash va ularning malakasini oshirish dasturlarini takomillashtirish hamda mutaxassislar tomonidan darsliklarning yangi avlodini yaratishda qo'llaniladi;

3. Xalqaro tadqiqotlar ta'lim sohasidagi milliy tadqiqotlarni sifatli o'tkazishga ijobiy ta'sir ko'rsatadi;

4. Xalqaro standartlar darajasida yuqori iqtisodiy samaraga asoslangan milliy baholash tizimini yaratish imkonini beradi.

5. O'zbekistonda turli tashkilotlarning yetakchi mutaxassislarini jalb qilgan holda xalqaro tadqiqotlarda ishtirok etish orqali mahalliy mutaxassislarimizda monitoring tadqiqotlarini o'tkazish madaniyati rivojlanadi, ta'lim sifati xalqaro baholash standartlariga moslashadi;

6. Milliy ta'lim sifatini baholashdagi nazorat materiallarini xalqaro tadqiqotlarda qo'llaniladigan nazorat materiallari sifati darajasida ishlab chiqish imkonini beradi.

PIRLS tadqiqotida o'quvchilar dars vaqtida va maktabdan tashqari vaqtlarida ishlatadigan o'qishning ikki turi baholanadi:

1) o'quvchining adabiy tajribasini baholash maqsadida o'qish ;

2) ma'lumotni o'zlashtirish va undan foydalanish maqsadida o'qish.

Tadqiqotning konseptual qoidalariga muvofiq, badiiy va informatsion (ilmiy ommabop) matnlarni o'qiyotganda o'qish qobiliyatining to'rtta guruhi baholanadi:

- aniq ko'rsatilgan ma'lumotlarni topish;
- xulosalarni shakllantirish;
- ma'lumotlarni talqin va sintez qilish;
- mazmuni, til xususiyatlari va matn tuzilishini tahlil qilish va baholash.

Natijalarni baholash tartibi:

PIRLS da bajarilgan ishlarni sifatli va miqdoriy baholash uchun quyidagi tizim qo'llaniladi:

- javobni tanlash usulidagi to'g'ri javoblar 1 ball bilan baholanadi;

- mavzu ketma-ketligini belgilash borasidagi to'g'ri javoblar 1 ball bilan baholanadi;
- erkin javob berishg kerak bo'lgan topshiriqlar vazifaning murakkabligiga qarab 1 balldan 3 ballgacha baholanadi [2; 1-4-bb.].

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining matni o'qish va tushunish darajasini baholash uchun o'tkaziladigan PIRLS xalqaro tadqiqotiga tayyorgarlik ko'rishda sinfdan tashqari o'qishning ahamiyati juda kattadir. Ushbu jarayonga tayyorgarlik ishlariga qanchalik erta kirishilsa, natijasi shunchalik samarali bo'ladi. Jumladan, boshlang'ich sinflarda sinfdan tashqari o'qishga o'quvchilarni ona tilini puxta o'zlashtirishga tayyorlashning ajralmas qismi, ta'lim jarayonida ularni axloqiy-estetik tarbiyalashning muhim vositasi sifatida hamda xalqaro tadqiqotlarga tayyorgarlik uchun qulay imkoniyat, deb qaralishi lozim.

Sinfdan tashqari o'qish dasturining mazmuniga ko'ra ta'limning har bir bosqichida ikki asosiy bo'limga ajratiladi:

- birinchi bosqichda o'qish doirasi, ya'ni o'qitiladigan kitoblar va ularni qaysi tartibda o'qish bilan tanishtirish yuzasidan o'quvchilarga ko'rsatma beriladi.

- ikkinchi bosqichda shu o'quv materiallar asosida bilim, ko'nikma va malakalar shakllantiriladi [1; 87-b.].

O'quvchilar kitob va ularning mualliflari haqidagi bilimlarni bevosita amaliy faoliyatlari, ya'ni kitob ustida ishlash jaryonida egallaydilar. Ushbu holatlar ham xalqaro tadqiqotda alohida e'tiborga olingan va sinov materiallari tarkibiga savol hamda test sifatida kiritilgan[3; 3-b.].

Sinfdan tashqari o'qish mashg'ulotlari o'qish darslari bilan bog'lab olib boriladi. O'quvchilar o'qituvchi rahbarligi ostida avval mavzuga oid bir necha kitob bilan tanishsalar, keyinroq bolalar yozuvchilarning asarlari bilan tanishadilar, so'ngra bolalarning qiziqishlariga mos, ruhiyatlariga yaqin har xil mualliflarning bir mavzuga doir kitoblarini mustaqil tanlab olishga o'tadilar.

PIRLS — boshlang'ich 4-sinf o'quvchilarining matni o'qish va tushunish darajasini baholash uchun o'tkaziladigan tadqiqotlarga tayyorgarlik ko'rish uchun to'rtinchi sinfdan sinf va maktab kutubxonasiidagi mavjud badiiy, tarixiy adabiyotlar, bolalar gazetasi va jurnalida bosilgan, o'quvchilar o'qishi uchun tavsiya etilgan maqolalarning “Nimani o'qishim kerak?” sarlavhali katalogini (mavzusi yoki muallifi bir xil kitoblar va maqolalarning ma'lum tartibda tuzilgan ro'yxatini shakllantirish tavsiya etiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi Respublika ta'lim markazi “Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi boshlang'ich ta'lim ona tili o'qish matematika tabiiyot (1-4-sinf)”, — T., 2017-yil.

2. <https://telegra.ph/PIRLS-nima-foydasi-qanday-songgi-yillardagi-natijalar-03-13>.

3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi huzurida Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish Milliy markazi “O'quvchilarning matematik, tabiiy-ilmiy fanlar hamda o'qish savodxonligini baholashga mo'ljallangan topshiriqlar to'plami”, — T., 2019-yil.; elektron manba: <https://t.me/milliymarkaz>.

TIMSS DASTURIDA G'AZAL VA UNING TAHLILI

*Avalboyeva Robiya Abdusattarovna
Guliston shahar 16-maktabning
Ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi*

TIMSS xalqaro baholash dasturini qo'llashdan oldin o'quvchilarda mustaqil fikr yutirish ko'nikmasini shakllantirish kerak. Bunda mumtoz adabiyotimizning g'azallarini tahlil qilish juda qo'l keladi. Avvalo g'azal o'qituvchi tomonidan maromiga yetkazib (imkon qadar yoddan) o'qib eshittiriladi. Shuningdek, sinfdagi she'rni yaxshi o'qiy oladigan o'quvchilardan biriga yod oldirib o'qitsa ham bo'ladi. O'qishda albatta aruz vazni qoidalariga rioya qilgan holda she'rda ifodalangan mazmunga muvofiq ohang ham tanlanishi kerak. O'qish texnikasiga ko'ra birinchi misra oxirida ohang ko'tariladi, ikkinchi misra avvalida shu ohang ushlab turiladi va asta-sekin pasayib, bayt oxiri tugallanish ohangi bilan yakunlanadi.

G'azalni tinglagach, birgalikda uning qanday mavzuda yozilganligini aniqlash lozim. O'qituvchi avval boshdan g'azal mavzusini o'zi aytib qo'ymasdan, bolalardan so'rashi maqsadga muvofiq. Ular ishqiy mavzu yozilgan g'azallarni darrov ilg'ay oladilar. Lekin didaktik, falsafiy, ba'zan peyzaj g'azallar mavzusini belgilashda qiynalib qolishlari mumkin. Shunda muallim she'r mavzusini qanday aniqlash lozimligini uning belgilaridan – bosh qahramon, tasvir ob'ekti yoki kechinmalar bayonidan kelib chiqib, tushuntirmog'i kerak.

G'azalda ishtirok etayotgan asosiy obrazlar aniqlanadi. Ishq-muhabbat mavzusida asosiy uch obraz bor: oshiq, ma'shuqa (yor), raqib. Obrazilarga qarab g'azalning tasvirga ko'ra turi aniqlanadi: a) unda oshiqning ichki

kechinmalari, oshiqona tuyg'ulari ifodalangan bo'ladi (Lutfiyning "xoh inon, xoh inonma", "bu ko'nguldur, bu ko'ngul", Navoiyning "kelmadi", "bo'ldim sanga" radifli g'azallari va boshq.); b) agar ma'shuqa (yor) go'zalligi yoki uning xarakter xususiyatlari ifoda etilgan bo'lsa, ma'shuqa vasf qilingan g'azal sanaladi (Lutfiyning "Ayog'ingga tushar har lahza gisu", Ogahiyning "aylansun" radifli, Furqatning "Surmadin ko'zlar qaro..." g'azallari); v) aksar hollarda ushbu ikki xususiyat o'zaro aralashgan yoki uyg'unlashgan holda keladi (Navoiyning "qilg'il", "deyin", Boburning "mushkuldur", "topilmas", Ogahiyning "ustina" radifli g'azallari va b.).

Didaktik g'azallarda bosh obraz hayot haqiqatlari, inson hayoti mohiyati to'g'risida fikr yuritayotgan donishmand shaxs sifatida namoyon bo'ladi. Ko'p hollarda bu shoirning o'y-mulohazalari sifatida olinadi (masalan, Avaz O'tarning "Til", Zavqiyning "Jahonda kamsuxan kim bo'ldi", Furqatning "bormasmiz" g'azallari va boshq.).

Peyzaj g'azallarda bosh obraz tabiatdir. Unda biror yilning fasli (qish, bahor, kuz, yoz), tabiat hodisasi (yomg'ir, shamol), daraxt, meva kabilar tasvir ob'ekti sifatida olinadi va lirik qahramon kechinmalari ifodasi uchun vosita bo'lib xizmat qiladi (Ogahiyning "navro'z", "qish" radifli, Furqatning "Fasli navbahor o'ldi..." g'azallari). Ko'p hollarda tabiat timsoli ishqiy kechinmalar izhori yoki jamiyat voqeliklari talqini bilan uyg'unlashib ketishiga

Asosiy obrazlar aniqlab olingach, har bir bosh obraz atrofida guruhlangan ikkilamchi obrazlarni ajratib olmoq kerak. Ikkilamchi obrazlar bosh obrazning qay jihati, xarakter xususiyatining qaysi qirrasini yoritilayotganini aniq, ravshan his etish, anglash va shoir mahoratini idrok qilish vositasi bo'lib xizmat qiladi. Masalan, 8-sinf darsligidagi "ne bo'lursan" radifli g'azali maqta'siga diqqat qilaylik:

Ey odamiylar joni, parig'a ne bo'lursan?

Bu jism ila gulbargi tarig'a ne bo'lursan?

Birinchi misrada yorga qarata "ey odamiylar (oshiqlar) joni" deb murojaat qilinmoqda. Ma'lumki, jon – insonning ruhi, nafi. Ruh ko'zga ko'rinmas latif bir substansiyadir. Bu yerda "odamiylar joni" birikmasi ikki maqsadga ko'ra qo'llangan: avvalo, yorning odamlar jonidan joy olgani, ko'nglidan urgani, ikkinchidan, jon (ruh) kabi o'zi maftun etgan odamlar (oshiqlar) ko'ziga ko'rinmasligi. Ana shu tasvir mohiyatiga mos ravishda misra davomida pari poetik obrazi qo'llangan. Parilar Yaratganning g'ayb olami maxluqlari bo'lib, ular odamlar ko'ziga ko'rinmaydigan jinlar jinsidandirlar. Goh-goh ko'zga ko'rinsalar ham g'oyat go'zal, aqlni lol qilajak darajada sohibjamol qiyofada namoyon bo'ladilar. Demak, ma'shuqaning kamdan-kam ko'rinish berishi, qachondir yuz ko'rsatib, oshiqlar jonini olgach, benishon ketganligini ifodalash uchun pari poetik obrazi bu o'rinda shoirga qo'l kelgan. Ishqiy g'azallarda Yaqub poetik obrazi Yusufdek beqiyos husn sohibi bo'lmish yordan ayriliqdagi xilvatninish oshiqning ruhiy to'lg'onishlari, cheksiz qiynoqlari ifodasi uchun, Farhod poetik obrazi vasl uchun doimo intilishda, harakatda bo'lgan, ma'shuqa lutfiga qat'iy ishongan, ishq yo'lida har qanday to'siqlarni bartaraf etishga o'zida kuch topa oladigan shaxs qiyofasini gavdalantirish uchun, parvona esa muhabbat o'tida kuyishini, yonib kul bo'lishini bila turib, unga o'zini uradigan sadoqat ramzini talqin etish maqsadida bosh obraz siymosini to'ldiruvchi vosita sifatida keltiriladi va hokazo. O'qituvchi darsga tayyorlanish jarayonida g'azaldagi har bir poetik obrazning qanday badiiy vazifa bilan xoslanganligini aniqlab olishi va tahlili davomida o'quvchilarni ana shu vazifani anglashlari tomon yo'naltirmog'i g'oyat muhim didaktik yumushlardan biri sanaladi.

Agar o'qituvchi bungacha aruz vazni to'g'risida o'quvchilarga tushuncha bergan bo'lsa, bu g'azal vaznini topishni topshiriq qilib bersa bo'ladi. Agar bolalar vaznni aniqlashga qiynalishsa, o'qituvchining o'zi yordam berishi kerak. Qiyin va murakkab vaznda yozilgan g'azallarni o'qituvchi faqat qaysi o'lchovda yozilganligini qayd etib qo'yish bilan cheklanishi mumkin.

Tahlil tugagach, adabiyot muallimi o'quvchilaridan g'azaldan olgan taassurotlarini so'raydi.

Xulosa, g'azallarni tahlil qilishda davr muhiti, ijodkorning kimligi inobatga olinishi lozim. O'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatish kerak.

**XALQORA BAHOLASH TADQIQOTLARIGA MO'LJALLANGAN, O'QUVCHILARNI MANTIQUIY
FIKRLASHISHINI OSHIRISHGA DOIR TEST TOPSHIRIQLARINI TUZISHDA KOMPYUTER
AMALIY DASTURLARIDAN FOYDALANISH AHAMIYATI**

B.Xurramov – Surxondaryo viloyati XTXQT va UMOHM “Aniq va tabiiy fanlar metodikasi” kafedra kata o'qituvchisi

Z.Shukurova – Surxondaryo viloyati Termiz shahri 8-umumiy o'rta ta'lim maktabi fizika fani o'qituvchisi

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o'quvchilarni mantiqiy fikrlashishini oshirishga xizmat qiluvchi iSpring QuizMaker 6.0 test topshiriqlarini tuzishga mo'ljallangan kompyuter amaliy dasturidan foydalanishning avfzalliklari haqida amaliy tushinchalar keltirilgan.

Har bir mamlakatning iqtisodiy qudrati, ijtimoiy-ma'naviy hayot darajasining yuksalishi ta'lim tizimining raqobatbardoshligi, ilm-fan taraqqiyoti bilan belgilanadi.

Shu bois, O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasida ta'lim sohasini tubdan takomillashtirish, ta'lim sifatini oshirish, intellektual salohiyatli, jismoniy barkamol avlodni shakllantirish, aniq fanlarni chuqurlashtirib o'qitish va iqtisodiyotning turli sohalari uchun malakali kadrlarni tayyorlash ustuvor vazifalar sifatida belgilangan bo'lib, pirovardida bugungi davr talabiga javob bera oladigan ta'lim tizimini yaratish ko'zda tutildi.

Sohadagi islohotlar natijasida ta'lim tizimida boshqaruv mexanizmi tubdan takomillashtirildi, nodavlat ta'lim xizmatlari ko'rsatish tizimi isloh qilindi, o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim tizimi qayta ko'rib chiqildi, oliy ma'lumotli mutaxassislar tayyorlash sifatini oshirish choralari kuchaytirildi, oliy o'quv yurtidan keyingi ta'limning ikki pog'onali tizimi joriy etildi.

Darhaqiqat, o'tgan qisqa vaqt mobaynida barcha tizimda amalga oshirilayotgan o'zgarishlar, farmon va qarorlarda belgilangan vazifalarning ijrosi ta'minlash Davlatimiz rahbarining doimiy e'tiborida bo'layotganligini guvohi bo'lmoqdamiz.

Jumladan, ilg'or xorijiy tajribani hisobga olgan holda bolalarni har tomonlama intellektual, axloqiy, estetik va jismoniy rivojlantirish sharoitlarini yaratish, ta'lim sifatini oshirish, ta'lim-tarbiya jarayoniga jahon amaliyotida keng qo'llaniladigan zamonaviy ta'lim dasturlari va texnologiyalarini joriy etish, ta'lim muassasalariga pedagog kadrlarni tayyorlash va malakasini oshirish mexanizmini takomillashtirishdan iborat dolzarb vazifalar qo'yildi.

Ayniqsa, ta'lim sohasiga oid milliy qonunchiligimizning yanada takomillashuviga va tizim oldiga qo'yilgan vazifalarning ijrosini ta'minlash alohida etibor qaratilmoqda.

Bugungi kunda umumiy o'rta ta'lim maktablarida fanni chuqur o'rganish va zamon talablari asosida baholashni yo'lga qo'yish bo'yicha jahon tajribalari o'rganilmoqda.

Jumladan, aniq fanlar blok-modulida o'quvchilar mantiqiy fikrlashini va amaliy ko'nikmalarini shakllantirishga qaratilgan, talablarga mos keladigan topshiriqlar bilan ishlashga mo'ljallangan amaliy mashg'ulotlar hamda mustaqil va ijodiy fikrlashga undovchi amaliy topshiriqlar bilan ishlashga mo'ljallangan xalqaro baholash dasturlari (PISA, TIMSS), O'zbekiston ta'lim tizimida 2021-yilda 3 ta (o'qish savodxonligi, matematik savodxonlik, tabiiy-ilmiy savodxonlik) yo'nalish bo'yicha ishtiroki etishi ko'zda tutilmoqda.

Hozirda, o'quvchilarning fanlarni chuqur o'zlashtirishi, qiziqishlari rivojlantirish, o'zlashtirilgan bilimlarni amaliyotda qo'llash, kasbga yo'naltirishni amalga oshirish, qo'shimcha adabiyotlar ustida mustaqil ishlash ko'nikmalarini shakllantirish, internet tizimi yordamida axborot izlash, olish va qayta ishlashni o'rgatish bilan birga ularni nazorat etishning yangi mexanizmlarini amaliyotga tadbiiq etish maqsadga muvofiq bo'ladi.

O'zbekiston ta'lim sohasida islohatlarning yangi bosqichi hisoblangan PISA dasturida ishtirokiga tayyorgarlik bosqichi ustozlardan o'z ishlariga yangicha yondashishni talab etadi. Bu tizim mamlakatimizda yangi, bu borada ishlar endi boshlanganini nazarda tutsak, birinchi navbatda o'qituvchilarni bu tizim bilan tanishtirish, tizim talabi va imkoniyatlarini ularga tushintirish kerak bo'ladi.

Ushbu maqolada, nazorat ishlari olish bo'yicha test hamda PISA testlarini tuzish va ular bilan ishlash bo'yicha ko'nikma hosil qilish maqsadida iSpring QuizMaker dasturi yordamida sinov materiallari tayyorlash imkoniyati haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Tizim talablari

iSpring QuizMaker uchun tizim talablari:

- Tezkor xotira: 512 Mb yoki undan katta
- Qattiq diskdagi bo'sh joy: 100 Mb yoki undan katta
- Operatsion tizim: Microsoft® Windows® 2000/XP/2003/Vista/7™
- Adobe® Flash® Player ActiveX 9 or higher

Adobe® Flash® Player ActiveX o'rnatish uchun:

1. Quyidai elektron silkani <http://www.adobe.com/go/getflash> Internet Explorer brauzerida oching.

Eslatma: Iltimos faqat Internet Explorer brauzeri orqali oching, boshqa brauzerlar uchun boshqa tipdagi ActiveX plagini o'rnatilishi mumkin.

2. Adobe saytidagi ko'rsatmalarga rioya qilgan holda o'rnatamiz.

iSpring QuizMaker 6.0 dagi yangiliklar

✓ Anketa — tipdagi yangi test turi. Anketa turidagi savollar to'g'ri javoblarga ega va ular foydalanuvchidan ma'lumot olishga xizmat qiladi.

✓ Barcha testlarga qo'shimcha ma'lumot slaydlari qo'shimcha tushuntirishlar beruvchi savolsiz slaydlar qo'shish mumkin.

✓ Yangi tipda savol: 10 anketali savol va baxolanuvchi «Aktiv maydon» li savol.

✓ Savollarga formulalar qo'shish. Bu imkoniyatdan foydalanish uchun Microsoft Equation Editor (Microsoft Office tarkibiga kiruvchi) aktivlashtirilgan bo'lishi kerak.

✓ Rasm va formulalar javoblar variantlariga xam qo'yilishi mumkin.

✓ Xar bir savol uchun to'g'ri/noto'g'ri ma'lumotini aloxida sozlash mumkin.

✓ Shoxlanish funksiyasini qo'shish imkoniyati. Testdan o'tish yo'lini to'g'ri javoblarga qarab sozlash imkoniyati.

✓ Test natijalarini ko'rsatishni topshirilgan testlarni muaffaqiyatli yoki muaffaqiyatsiz bajarilishiga qarab sozlash imkoniyati.

✓ Testni Word eksport qilish imkoniyati.

✓ Natijalarni chop qilish imkoniyati.

✓ iSpring QuizMaker ning yangi interfeysi.

✓ Savollar matni va eslatmalar uchun matn shriftini o'lchami, stili va ranglarini o'zgartirish, matnlarni tekkislash, markerli ro'yxatlar va abzaslarni sozlash imkoniyati.

✓ Savollarga tushunchalar kiritish uchun yangi tipdagi media kontentlar– flash fayllar.

✓ Bir javobli va ko'pjavobli savollarda xar bir javob uchun olingan ballarni ko'rsatish imkoniyati.

✓ Testlarning zaxira nusxasini avtomatik yaratish imkoniyati.

✓ Testlarni natijalarini xisobotlarini shablonini sozlash imkoniyati.

✓ Masofadan o'qitish tizimlariga nashr qilishda testdan o'tish darajasini ko'rsatishni tanlash.

✓ Testdan o'tishda urinishlar sonini 1 dan 10 gacha chegaralash imkoniyati.

iSpring QuizMaker asosiy oynasi quyidagi qisimlardan iborat:

1. iSpring QuizMaker lentasi

2. Savollar ro'yxati

3. Savollarni taxrirlash paneli

4. Mediya resurslarni boshqarish paneli

Test yaratish

iSpring QuizMaker dasturini ishga tushirgach siz ekranda «Начало работы» oynasini ko'rasiz. Unda yangi test yoki anketa yaratish, yaqinda yaratilgan testni ochish mumkin.

Bundan tashqari yangi testni asosiy menyu yordamida ham yaratish mumkin:

1. Asosiy oynaning chap yuqori qismida joylashgan **QuizMaker** logotipiga cherting.

2. Xosil bo'lgan menyudan **Создать новый тест** ni tanlang.

3. Test tipini tanlang: Baxolanuvchi yoki anketa (**Оцениваемый тест** yoki **Анкета**).

Savollarni boshqarish

iSpring QuizMaker markerda tarkibiga 23 tipdagi savollar kiradi bundan: 11 baxolanuvchi savollar, 12 anketali savol va bitta qo'shimcha tipli «Информационный слайд» savollari mavjud.

- [Savollar tipi](#)

- [Savol qo'shish va o'chirish](#)

- [Savollarni nusxalash \(ko'paytirish\)](#)

- [Savolga javob berishda eslatma berish](#)

- [Shoxlantirish](#)

- [Ma'lumotlar slaydi](#)
- [Testga savollarni import qilish](#)
- [Media resurslarni boshqarish](#)
- [Savollarni dastlabki ko'rish](#)

Savollar tipi

iSpring QuizMaker 2 tipdagi savollarni o'z ichiga oladi:

- Bilimlarni tekshirish uchun [Baholanuvchi savollar](#)
- Ma'lumot yig'ish va test xaqidagi test topshiruvchi fikrlarni o'rganish uchun [Anketali savollar](#)

Baholanuvchi tipidagi savollar

Baholanuvchi tipidagi savollarni to'g'ri va noto'g'ri javoblari bor. Bunday tipdagi savol ushuncha to'g'ri yoki qisman to'g'ri javobga ball beriladi. Bu savollar bilimlarni tekshirish uchun ishlatiladi.

1. Bitta javobli test: Bu test turida javob variantlarini keraklicha "Dobavit" tugmasi yordamida ko'paytirish mumkin. Savolga tasvir, ovozli fayl va video fayl qo'shish, javob variantlariga tasvirli fayllarni ilova qilish mumkin. "Udalit" tugmasi yordamida javob variantlarini o'chirish mumkin.

2. Ko'p javobli test: Bunda savolga tegishli bir yoki bir necha javob variantini belgilash mumkin. Bu test turida ham javob variantlarini keraklicha "Dobavit" tugmasi yordamida ko'paytirish mumkin. Savolga tasvir, ovozli fayl va video fayl qo'shish, javob variantlariga tasvirli fayllarni ilova qilish mumkin. "Udalit" tugmasi yordamida javob variantlarini o'chirish mumkin.

3. "To'g'ri-noto'g'ri" ko'rinishdagi test: Bu savol turida javob faqat "to'g'ri" yoki "noto'g'ri" bo'lishi mumkin, ya'ni boshqa javob variantlarini qo'shib bo'lmaydi.

4. Yopiq test: Bu test turida javob variantini test topshiruvchi klaviaturadan kiritadi. Ammo tuzuvchi barcha kiritilishi mumkin bo'lgan javob variantlarini avvaldan kiritib qo'yishi kerak. Javob variantiga tasvir qo'shish mumkin emas.

5. O'zaro moslik o'rnatish: Juda qiziq test turi hisoblanib, bir savolning o'zida bir necha savollar banki yig'ilgan bo'ladi.

6. Javoblarni tartiblash: Tartibsiz holda berilgan javoblarni to'g'ri tartibda yozish kerak bo'lgan holda ushbu test turidan foydalaniladi.

7. Sonli kiritish: Sonli ko'rinishdagi javob berilishi kerak bo'lgan savollar uchun ushbu test turidan foydalaniladi. Bunda javobda ma'lum sondan katta, kichik, katta yoki teng, kichik yoki teng, teng emas kabi variantlardan foydalanish mumkin.

8. Bosh joylarni to'ldirish: Bunda savol tarkibidagi bo'sh joylarga kerakli javoblarni klaviatura yordamida kiritiladi. YA'ni to'g'ri javobni ko'rsatilgan joyga yozish talab etiladi. Bunda test tuzuvchi tomonidan bo'sh joylar bitta yoki bir necha joylashtirish mumkin.

9. Javoblari keltirilgan savol: savolning bo'sh qismlarida javoblar variantlari keltirilgan bo'ladi, ushbu javob variantlardan to'g'risini belgilash mumkin.

10. So'zlar banki: Bu savol turida so'zlarni kerakli joyga joylashtirish talab etiladi. Bo'sh joylar va ushbu joylar soniga teng so'zlar banki keltirilgan bo'ladi.

11. Faol hududni aniqlovchi savol: Bu savol turida rasm beriladi va ushbu rasmning kerakli qismi javob sifatida belgilanadi. Javob berish jarayonida sichqoncha yordamida kerakli qism tanlanadi.

Tuzilgan savollar aynan bir turda emas o'quvchilarda mantiqiy fikrlashni talab etadigan testlar tuzish imkoniyatini yaratadi. Albatta ushbu turdagi testlarni tuzishda o'qituvchi o'z ustida ishlashi, xalqaro baholash tadqiqotlarini o'rganishi va ushbu dasturdan foydalangan holda nazorat ishlarini tuzish talab etiladi.

Xulosa o'rnida shuni takidlash joizki, testlarni turli xil ko'rinishda tuzish va natijalarni baholash tizimi ham(foiz, ball, baho) qulayligi bilan iSpring QuizMaker dasturini umumta'lim maktablariga joriy etilishi o'quvchi hamda o'qituvchi uchun qulayliklar yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Nishonov A.X. va boshqalar. Ta'limda erkin va ochiq kodli dasturiy ta'minotlar, Axborot texnologiyalari va telekommunikasiya muammolari, respublika ilmiy-texnik konferensiyasi, Toshkent 2012 y.121-123 b.
2. R.Ishmuhamedov., M.YUIDashev. Ta'lim va tarbiyada innovation pedagogik texnologiyalar.-T.: "Nihol nashryoti, 2013 yil 278 bet.
3. S.Tursunov va boshqalar. Pedagogning shaxsiy va kasbiy maydonini loyihalash moduli bo'yich ma'ruza matn. Toshkent, 2018 yil. B. 100., 77-82 b.
4. O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2017-y., 6-son, 70-modda, 20-son, 354-modda.

Elektron ta'lim resurslari

1. www.uzedu.uz – O'zbekiston Respublika Xalq ta'lim vazirligi rasmiy sayti.
2. www.ziynet.uz - ZiyoNet axborot ta'lim portali.
3. lex.uz – O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi

BOSHLANG'ICH TA'LIMDA SINFDAN TASHQARI O'QISH DARSLARI VA PIRLS BAHOLASH DASTURINING AHAMIYATI

Safarova Mohidil Axmadovna
QVXTXQTMOHM Maktabgacha, boshlang'ich
va maxsus ta'lim kafedrasida o'qituvchisi

Kalit so'zlar: sinfdan tashqari o'qish, kixobxonlik, mustaqil o'qish, innovatsiya, PIRLS, texnologiya, monitoring, ijodkorlik

Ключевые слова: внеклассное чтение, чтение, самостоятельное чтение, инновационный, PIRLS, технология, мониторинг, креативность

Key words: extracurricular rearding, rearding, independent reading, innovation, PIRLS, technology, monitoring, creativity

XXI asrda jahon miqyosida ta'lim barqaror taraqqiyotni ta'minlaydigan asosiy omil sifatida e'tirof etilib, aksariyat mamlakatlar tomonidan 2030 yilgacha belgilangan yangi ta'lim konsepsiyasida "butun hayot davomida sifatli ta'lim olishga imkoniyat yaratish" dolzarb vazifa sifatida belgilandi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi «O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi 5712-son Farmoni ham O'zbekistonda ta'lim tizimini yanada rivojlantirish maqsadida ishlab chiqildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha harakatlar strategiyasi to'g'risida"gi 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonlifarmonibilan tasdiqlangan "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi" doirasida O'zbekistonda ta'lim sifatini baholashda yangicha monitoring tizimini xalqaro baholash dasturlari yordamida aniqlash va qiyoslashga asoslangan tizim shakllantirilmoqda. Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tajribalarni o'rganish, mavjud tizimniqiyosiy va har tomonlama tahlil qilish, tegishli yo'nalishdagi xalqaro va xorijiy tashkilotlar, agentliklar, ilmiy-tadqiqot muassasalari bilan yaqindan hamkorlik qilish, ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro loyihalarni amalga oshirish, zamon talablariga javob beradigan munosib milliy baholash tizimini takomillashtirish muhim ahamiyatga egadir. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 8 dekabrda 997-son "Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori bilan Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish, xalqaro aloqalarni o'rnatish, o'quvchi-yoshlarning ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini, eng avvalo, yosh avlodning ijodiy g'oyalari va ijodkorligini har tomonlama qo'llab-quvvatlash hamda rag'batlantirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasining Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish Milliy markazi tashkil etildi.

Mazkur qarordan maqsad respublika xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish, xalqaro aloqalarni o'rnatish, o'quvchi yoshlarning ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini, eng avvalo, yosh avlodning ijodi va ijodkorligini har tomonlama qo'llab-quvvatlash hamda rag'batlantirishdir.

PIRLS - tadqiqotida 50 dan ortiq davlatlar ishtrok etib kelmoqda. Mazkur xalqaro tadqiqotning maqsadi turli xil ta'lim tizimidan iborat bo'lgan davlatlardagi boshlang'ich maktab o'quvchilarining matnni o'qish va qabul qilish bo'yicha tayyorgarligi hamda o'quvchilarning har xil yutuqlarga erishishga sabab bo'luvchi ta'lim tizimidagi o'ziga xos xususiyatlarni aniqlash va baholashdan iborat. Albatta bunday tadqiqot xalq ta'limi sohasidagi ishchilar, olimlar, metodistlar, o'qituvchilar, ota-onalar va jamoat vakillari uchun katta ahamiyatga egadir. Endilikda boshlang'ich 4-sinf ta'lim oluvchilarining matnni o'qish va tushunish darajasini baholash uchun Progress in International Reading and Literacy Study (PIRLS) tadqiqoti joriy etiladi.

Maktab bolani o'qish malakasi bilan qurollantiradi, shuning bilan birga, kitobni mustaqil o'qiy oladigan, uni tushunadigan, muntazam o'qib borishni talab qiladigan, ma'lum bir mazmunga doir kitoblarni tanlay oladigan, faqat qiziqarli kitoblarnigina emas, balki gazeta va jurnallarni ham o'qiy oladigan aktiv kitobxonni tarbiyalashi lozim. Sinfdan tashqari o'qish tarbiyaning ajoyib quroli sifatida xizmat qiladi, o'qishga, ko'p narsani bilishga havasini orttiradi. Mavjud daturda sinfdan tashqari o'qish sohasida bolalar egallashi zarur bo'lgan bilim va

ko'nikmalar belgilab berilgan, bolalar yozuvchilarining ya'ni asarlarini bilish, mustaqil o'qigan kitoblarini to'g'ri baholay olish, kerakli materialni tanlay bilish, o'qish kundaligi yurita olish va hakoza.

Sinfdan tashqari o'qishning maqsadi-kichik yoshdagi o'quvchilarni bolalar adabiyoti va xalq og'zaki ijodining xilma-xil namunalari bilan tanishtirish, ularda kitobxonlik madaniyatini tiklab tarkib toptirishdir. Sinfdan tashqari o'qish dasturining mazmuniga ko'ra ta'limning har bir bosqichida ikki asosiy bo'lim ajratiladi:

1-bosqichda o'qish doirasi, ya'ni o'qitiladigan kitoblar va ularni qaysi tartibda o'qish bilan tanishtirish yuzasidan o'quvchilarga ko'rsatma beriladi.

2-bosqichda shu o'quv materiallari asosida bilim, ko'nikma va malakalar shakllantiriladi.

Har bir sinfdan sinfdan tashqari o'qilgan barcha asarlar o'quvchilarga mos ravishda biror voqeani sahnalashtirish mumkin. Bu boladagi nutqini rivojlantirishga, lug'at boyligini oshirishga yordam beradi. Shuningdek sahnalashtirilgan asarni tomosha qilgan o'quvchining diqqati oshib xotirada saqlash qobiliyati o'sadi. Hatto sahnalashtirish o'quvchini har tomonlama yo'naltiradi, ya'ni aktyorlik qobiliyatini rivojlantiradi, suxandonlik, rejissorlik kabi kasblarga ilk tasavvurlarni o'rgata boshlaydi. Asarni sahnalashtirish davrida albatta o'qituvchi rahbarlik qiladi. O'quvchilar ifodali, obrazli, shuningdek qahramonlar harakatini to'g'ri bajarishlari, o'qishlari o'quvchilarda zavq-shavq uyg'otib kitobga, badiiy asarga havas, uni o'qib o'rganishga intilish uyg'otadi. Sinfdan tashqari o'qish darslarida o'qituvchi o'quvchilarni bolalar yozuvchilari va shoirlari bilan tanishtirib borishi lozim.

Sinfdan tashqari o'qish darslari uchun mavzu tanlashda quyidagi tamoyillarga amal qilish zarur:

- Sinfdan tashqari o'qish darslarining mavzusi o'qish darslarining mavzusi bilan uyg'un bo'lishi;
- Mavsumiy bo'lishi, ya'ni har bir faslga mos holda tanlanishi;
- Bolalarning qiziqishlari hisobga olinishi;
- Bolalarning yosh xususiyatlariga mos bo'lishi;
- O'quvchiga ta'lim berish bilan birga tarbiya berishga yo'naltirilgan bo'lishi lozim.

Kattalar adabiyotining ajralmas bir bo'lagi bo'lgan bolalar adabiyoti o'z oldiga bolalarning yoshi, saviyasiga qarab katta ta'limiy-tarbiyaviy masalalarni qo'yadi. Bolalar uchun yoziladigan har qanday badiiy asar, ularning yosh xususiyatlariga mos bo'lishidan tashqari kichikintoylarga tushunarli va qiziqarli bo'lishi zarur. Bolalar adabiyotining maqsad va vazifasi yosh avlodga chinakam aqliy, axloqiy, estetik tarbiya berib, ularni davrimizning munosib farzandlari qilib yetishtirishdir.

Kishilar o'z orzu havaslarini yosh avlodlarda ko'rishni istaydilar. Shu sababdan ham o'quvchilarga ertaklarni o'qishga tavsiya qilinadi. Ertak o'qigan bolalar qiyinchilikni yengishga, botir, jasur bo'lishga intiladilar. Ertaklar yosh avlodni ana shunday ruhda tarbiyalaydigan baynalminal badiiy quroldir. "Uch og'ayni botirlar", "Zumrad va qimmat", "Egri va To'g'ri" kabi bir qator ertaklar o'quvchilarning sevimli ertaklaridir. O'quvchilar bu ertaklardan kishi o'z mehnatiga ishonib yashashni kerakligini, bironing boyligiga hasad bilan qaramaslik kerak degan hayotiy xulosalarni o'qituvchi yordamida tushinib yetadilar.

Sinfdan tashqari o'qish mashg'ulotlari o'qish darslari bilan bog'lab olib boriladi. O'quvchilar o'qituvchi rahbarligi ostida avval mavzuga oid bir necha kitob bilan tanishsalar, so'ngra bolalarning qiziqishlariga yaqin har xil mualliflarning bir mavzuga doir kitoblarini mustaqil tanlab olishga o'tadilar. Bunga asosan o'qituvchi o'quvchilar bilan maktab kutubxonasiga, 3-4- sinflardan boshlab tuman yoki shahar kutubxonasiga sayohat uyushtirib, bolalar adabiyoti bilan muntazam tanishtirib borishlari lozim. Sinfdan tashqari o'qish darslari, o'qish samaradorligini ijobiy tomonga ta'sir qilishning eng qulay usulidir. Sinfdan va sinfdan tashqari o'qish darslari boshlang'ich sinflarda o'tiladigan barcha predmet dasturlarining bo'limlari bilan bevosita bog'liq. O'qish darslarida o'tilgan mavzular asosida badiiy kitoblar axtarish, asar qahramonlarining nomlarini yozish, ularni tasvirlab berish, ijodiy rasm ishlash, fikrni yakunlash uchun mos maqollar yod olish o'quvchini ijod qilishga undaydi.

Sinfdan tashqari o'qish darslarida o'qituvchi o'quvchilarni bolalar yozuvchilari va shoirlar bilan tanishtirib borishi lozim. Q.Muhammadiy, P.Mo'min, Z.Diyor, A.Obidjon kabi yozuvchi va shoirlarning asarlari o'quvchilarda katta qiziqish uyg'otadi. Shuning uchun har bir maktab, ta'lim muassasi o'quvchilar o'rtasida turli mavzularda ijod ahli bo'lgan shoir va yozuvchilar bilan uchrashuvlar tashkil etib turishlari kerak. Bunday uchrashuvlar o'quvchilarni vatanni madh qilishga uni sevib ardoqlashga chaqiradi. Kitobni, asarni qanday paydo bo'lishini, uni hurmat qilish, asrab-avaylashni o'rgatadi. Shunday qilib badiiy adabiyot, bolalar adabiyoti voqelikni haqqoniy aks ettirish, yorqin obrazlar yaratish bilan bolalarda estetik did va axloqiy sifatlarni mujassamlashtiradi. Ularda hayot go'zalligini idrok etishga o'rgatadi.

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВЛАР АСОСИДА QR-kodли ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

*Г.Б. Абдиева., О.Х. Алламова., М.М. Турсунбаева
ТВХТХҚТМОХМ, Gulim_1969@mail.ru техника фанлари номзоди, доцент
Тўрткул шаҳар №5 –сонли мактаб, технология фани ўқитувчиси
Чирчиқ шаҳар №21 сонли мактаб, технология фани ўқитувчиси*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон қарорига [1] асосан Республикамининг ҳар бир ҳудудда иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида Президент мактаблари очилади.

- Улар STEAM фанларини ўқитишга ихтисослашган.
- STEAM — мактаб ўқувчиларини янги ўқитиш методикаси бўлиб, анъанавий ўқитиш тизимига муқобил тизим ҳисобланади.
- У болаларни бир вақтнинг ўзида Science (табiiй фанлар), Technology (технология), Engineering (муҳандислик), Art (санъат) ва Mathematics (математика) бўйича ўқитиш тизимига асосланган, бунда ўқувчилар амалий ва кўнгилочар лойиҳалар машғулоти ёрдамида сабоқ оладилар.

STEAM таълимтехнологияси лойиҳалаш методига таянган ҳолда унинг асосида билиш ва бадиий изланиш ётади. Бундай изланиш амалий фаолият жараёнида билимларни олиш, сўнгра улардан амалиётда қайта фойдаланиш, [3] яъни ўйинларда конструкциялар тузиш, техник ижодиёт элементларини қўллаб, билим олишга оид тадқиқот ишларида амалга оширилади.

STEAM таълими ўқувчи ёшларнинг ривожланишини ташки олам билан бевосита боғлайди. Маълумки, табиий фанлар атрофимиздаги олам билан бевосита боғлиқ технология кундалик ҳаётимизда доимий равишда қўлланилади, муҳандислик эса уйлар, йўллар, кўприклар ва машина механизмларда ўз аксини топган, бирор бир касб, кундалик мағулотларимиз озми-кўпми математика фани билан ҳам боғлангандир. Жумладан технология фанини мақсадли қилиб дарсларини малака ошириш курсларида ташкил қилиниши тингловчиларни ўз устида ишлашига янада фаоллаштиришга ундайди. Ҳозирги кунда QR-кодли видео роликдан фойдаланиб дарсларни ташкиллаштириш тингловчиларга завқ бағишлайди. Масалан, мавзу: Изонитдан намуналар тикиш. Дарс мақсади: “QR kod” –методи орқали назарий сабоқларга эга бўлиш ва амалий ишлар бажариш. Таълимий: тингловчиларга изонитдан намуналар тикишни ўргатиш. Тарбиявий аҳамияти: тингловчиларни тежамкорликка, тозалликка, меҳнатсеварликка ўргатиш. Техник воситалар: проектор, ноутбук, электрон доска.

- QR-kod [4] инглиз тилидан олинган бўлиб, Quick Response –тезкор жавоб маъносини беради.
- QR-kod жуда кўп маълумотни етказишда ва ундан фойдаланиш учун қулай ҳисобланади.
- QR-kod 1994-йилда Японияда Денсо Ваве компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

Бу коднинг афзаллиги:

- Сканерловчи [5] ускуна мобил телефон, фотоаппарат ёки қўл сканери ёрдамида осон ва тез ўқиш имконини беради.



STEAM таълимиасосида ёндашув ўқувчи ёшларга дунёни тизимли равишда ўрганишга, атрофда рўй бераётган жараёнларни мантиқий мушоҳада қилишга, улардаги ўзаро алоқани англаб етишга ўзи учун янги, ноодатий ва қизиқарли нарсаларни кашф қилишга имкон беради. Қандайдир янгиликни кутиш орқали ўқувчи ёшларда қизиқувчанликни ривожлантиради, ўзи учун қизиқарли масалани аниқлаб олишни, ечимини топишнинг алгоритминини ишлаб чиқишни, натижаларни танқидий баҳолашни, фикрлашнинг муҳандислик жиҳатларини шакллантиришга олиб келади.

Илмий–техник билимларни реал ҳаётда қўллаш

- STEAM таълимида амалий машғулотлар ёрдамида болаларга илмий-техник билимларидан реал ҳаётда фойдаланиш намоиш қилинади.

- Ҳар бир дарсада ўқувчилар замонавий индустрия моделларини ишлаб чиқади, куради ва моделини ривожлантиради.
- Улар аниқ лойиҳани ўрғанади, натижада реал маҳсулотнинг прототипини яратадилар.
- STEAM дастури, болалар кундалик ҳаётларида дуч келадиган қийинчиликларни енгишга зарур бўладиган танқидий тафаккур ва муаммоларни ечиш кўникмаларни ривожлантиради.
- Масалан, болалар тез юрадиган машина моделини йиғишда, сўнгра уни синовдан ўтказишади.
- STEAM таълими олти босқичдан иборат:
савол (вазифа), муҳокама, дизайн, қўриш, синовда нўтказиш ва ривожлантириш.

Бу босқичлар тизимли лойиҳалаш ёндашувининг асоси ҳисобланади. Турли имкониятларнинг биргаликда мавжуд бўлиши ёки биргаликда ишлатилиши ўз навбатида креативлик ва инновациянинг асоси бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, фан ва технологиянинг биргаликда ўрганилиши кўпгина янги инновацион лойиҳаларни яратишга олиб келади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонун. Тошкент. – Ўзбекистон 1998 йил.
2. Шарипов Ш.С., Муслимов Н. А “Бадий ижодкорлик ва дизайн” ўқув кўланма.
3. Г.Б. Абдиева “Бадий ижодкорлик ва дизайн” методик кўланма. 2020.Т. 88 б.
4. www.Uzedu.uz – халқ таълими вазирлигининг расмий веб сайти
5. Eduportal.uz – халқ таълими вазирлиги ахборот таълим портали.

KIMYO FANINING O'QITISHDA XALQARO TAJRIBALARDAN FOYDALANISH MUAMMO VA YECHIMLAR

G'ulomova Gulsanamxon G'ulom qizi

*Farg'ona viloyati Yozyovon tumani 16 – sonli umumta'lim maktabining kimyo fani o'qituvchisi
ya.gulsanamkhon@yandex.com*

Mamlakatimiz uchun ilm – fan sohasidagi ustuvor yo'nalishlarni aniq belgilab olishimiz kerak. Hech bir davlat ilm – fanning barcha sohalarini bir yo'la taraqqiy ettira olmaydi. Shuning uchun biz ham har yili ilm – fanning bir nechta ustuvor yo'nalishini rivojlantirish tarafdorimiz.

Joriy yilda matematika, kimyo – biologiya, geologiya kabi yo'nalishlarda fundamental va amaliy tadqiqotlarni faollashtirib, olimlarga barcha shart – sharoitlar yaratib beriladi. Ilm – fan yutuqlarining elektron platformasi, mahalliy va xorijiy ilmiy ishlanmalar bazasini shakllantirish lozim.¹

Globalashuv sharoitida shiddat bilan rivojlanib borayotgan davr davlat va jamiyat oldiga dolzarbligi va qamrovi kun sayin ortib borayotgan zamonaviy talablarni qo'ymoqda. Olamshumul strategik maqsadlarga erishish, yangi marralarni zabt etish, rivojlangan davlatlar qatoridan o'rin olish uchun mamlakatda bilimli, tajribali va zamonaviy fikrlaydigan yuksak salohiyatli kadrlar, mutaxassislarining o'rni beqiyos. Bunday raqobatdosh kadrlarga bo'lgan ehtiyojni qondirish zamirida inson kapitali, sodda qilib aytganda, inson va uning salohiyatini kashf etish hamda buyuk maqsadlarga erishishga safarbar qilish kabi ulug'vor vazifalar turadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoniga² muvofiq umumiy o'rta va maktabdan tashqari ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, o'sib kelayotgan yosh avlodni ma'naviy – axloqiy va intellektual rivojlanishni sifat jihatidan yangi darajaga ko'tarish, o'quv – tarbiya jarayoniga ta'limning innovatsion shakllari va usullarini joriy etish maqsadida, O'zbekiston Respublikasining 2030 – yilga kelib PISA xalqaro dasturi reytingida jahonning birinchi 30 ta ilg'or mamlakatlari qatoriga kirishiga erishish hamda xalq ta'limi sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish asosida o'quvchilarning o'qish, matematika va tabiiy yo'nalishdagi kimyo – biologiya, fizika fanlardan savodxonlik darajasini baholashga yo'naltirilgan ta'lim sifatini baholashning milliy tizimini yaratish vazifalari belgilangan.

Shunday ekan biz kimyo fani o'qituvchilari o'z oldimizga o'quvchilarning xalqaro ta'lim standartlariga mos holda o'qitishimiz kerak. Buning uchun biz PISA asosida o'quvchilarning testlarga tayyorlashimiz ularga PISAning asl mohiyatini tushuntirishimiz, yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanishimiz kerak. Hozirgi kunda bizni oldimizdagi eng katta muammolardan biri PISA xalqaro dasturi reytingiga tayyorgarlik ko'rsatish va kuchli natijalarni egallashimiz kerak.

PISA xalqaro baholash dasturi o'quvchilarning ta'lim olishga bo'lgan munosabati va motivatsiyasi haqida qimmatli ma'lumotlar to'playdi hamda ularning muammoni hal qila olsh ko'nikmalarini, masalan, global ahamiyatga ega masalalarni hal etishda o'quvchi yoshlarning fikr – mulohazalari va ular bergan taklif va yechimlarni baholaydi.³

Biz oksidlar mavzusini o'qitishda yangi PISA xalqaro reytingiga mos holda o'quvchilarga bu mavzuni tushuntiramiz. Oksidlar deb biri kislorod bo'lgan, ikki elementdan tashkil topgan murakkab moddalarga aytiladi. Oksidlarning umumiy formulasi : E_2O_n (E – element, n – E elementning valentligi).⁴

Nomlanishi : doimiy valentlikka ega element, oksidining nomi “element nomi + oksid” shaklida yasaladi. Magniy (II) – oksid MgO , alyuminiy (III) – oksid Al_2O_3 . Oksidlarning toifalanishini quyidagicha usulda tushuntirish mumkin.



Agar oksidlarning toifalanishini shu usulda ko'rgazma qilib tayyorlanib tushuntirilsa o'quvchilar yaxshiroq eslab qoladi.


⇒ Kislotali oksidlar – asoslar yoki asosli oksidlar bilan tuz hosil qiluvchi oksidlar. CO_2, SO_2, P_2O_5

Asosli oksidlar - kislotalar yoki kislotali oksidlar bilan tuz hosil qiluvchi oksidlar. Na_2O, CaO, FeO

⇒ Amfoter oksidlar – kislotalar bilan ham, ishqorlar bilan ham tuz hosil qiluvchi oksidlar. ZnO, Cr_2O_3, Al_2O_3

⇒ Befarq oksidlar – tuz hosil qilmaydigan oksidlar. NO, CO, N_2O

⇒ Mavzuni mustahkamlash qismiga yoki keyingi darsda o'tilgan mavzuni takrorlash qismida qo'llash mumkin bo'lgan metodni taklif etmoqchimiz.



Bu bulutlar zanjiri deb nomlangan metod bo'lib, o'quvchilar ko'zi bilan bulutlar orasidan oksidlarning tanlab mavzuni yaxshi eslab qolish imkoniyatini beradi. O'quvchilar mavzuni ko'zlari bilan ko'rib, ularni eslab qolsa shu bilan birga mantiqiy fikrlash qobiliyatini ham shakllantirishimiz kerak.

Endi mantiqiy fikrlashlarini shakllantirish uchun quyidagi metodni o'ylab topdik.

$$Al + Al + Al = 162$$

$$O + Al + Al = 140$$

$$C + O + Al = 55$$

$$CO + Al_2O_3 + C = ?$$

Endi buni isbotlab beradigan bo'lsak kimyoviy elementlarning atom massalarini hisobga olingan. Masalan : Alyuminiyning molekulyar massasi 27 ga teng. Shundan foydalanib biz birinchi savolni ishlaymiz. $(27*2)+(27*2)+(27*2)=162$ Agar yaxshilab e'tibor bersak, Al ni ikkita ekanligini ko'ramiz. Endi ikkinchi qatorni ishlaymiz.

$140 - ((27 * 2)+(27*2))= 32 \quad 32 : 2=16$ Demak bunda ham elementlar ikkitadan ekan. Uchinchi qatorni ishlaymiz.

$55 - 27 - 16 = 12$ To'rtinchi ustunga o'tamiz.

$(12 + 16) + (27 * 2 + 16*3) + 12 = 142$ Demak javob 142 ekan.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, kimyo fani mo'jizakor fan hisoblanadi. Ko'pchilik kimyo fanini qiyin yoki murakkab fan deb aytadi. Aslida unday emas kimyo fani juda ham qiziqarli va mo'jizakor fandır. Kimyo fanining yaxshi bilgan inson qanday daromad olishning biladi. Chunki bu fan insonlarga yo'qdan bor qilishni yoki tabiatdan olib daromad qilish imkoniyatini beradi. Shuning uchun muxtaram Prezidentimiz Sh.M. Mirziyoyev tabiiy fanlarga ya'nikim kimyo –biologiya, geologiya fanlarini rivojlantirish kerakligini aytib o'tdilar. Shunday ekan biz yosh pedagoglar bunga nisbatan javoban kuchli bilimga ega bo'lgan yoshlarni tarbiyalashimiz kerak. Kuchli kimyogar yoshlarimiz Yurtimizni sha'nini yanada ko'klarga ko'tarishimiz kerak. Biz sizga taqdim etgan yangi metodimiz orqali o'quvchilarimiz bilim salohiyati oshsa, biz bundan hursand bo'lamiz.

Adabiyotlar

1. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlis palatasiga murojaatnomasi 2020 – yil 24 – yanvar
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030 – yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida” 2019 – yil 29 – apreldagi PF – 5712 sonli Farmoni

3. U.N. Tashkenbayev “Xalqaro tadqiqotlarda o‘quvchilarning Tabiiy fanlar bo‘yicha savodxonligini baholash” Jurnal “Sharq” nashriyot – matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati Toshkent – 2019
4. I.R.Asqarov, N.X.To‘xtaboyev Kimyo darslik “Sharq” nashriyot – matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati Toshkent 2017
5. <https://www.google.com>

**PISA TADQIQOTIDA MATEMATIK SAVODXONLIKNI BAHOLASH:
“QADAMLAR” TOPSHIRIG‘INING TAHLILI**

Ismailov Sh.

Nizomiy nomidagi TDPU, shuhrat.n.ismailov@gmail.com

Bekchanova Sh.

Toshkent sh., Sergeli tumani, 6-DIUM, shahlo.bekchanova@mail.ru

Respublika xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish, xalqaro aloqalarni o‘rnatish, o‘quvchi-yoshlarning ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini, eng avvalo, yosh avlodning ijodiy g‘oyalari va ijodkorligini har tomonlama qo‘llab-quvvatlash hamda rag‘batlantirish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 12 dekabrda “Xalq ta’limi tizimida ta’lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 997-son qarori qabul qilindi.


Kutilayotgan 2021-yili o‘quvchilarimiz PISA baholash tadqiqotida buyuk Al-Xorazmiy ajdodlariga munosib bo‘lgan natijalarni ko‘rsatishi uchun xalqaro tadqiqotlarda o‘tgan yillarda foydalanilgan topshiriqlar mazmunini va metodik jihatlarni o‘rganib chiqish, bunday turdagi yangi topshiriqlarni va ularni echishga qaratilgan o‘qitishning shakllari, metodlari va texnologiyalarini ta’limga joriy qilish vazifalari barcha o‘qituvchilar, metodist-olimlar, mansabdor shahslar hamda darslik mualliflari oldida turibdi.

Maqolada xalqaro tadqiqotlarda o‘tgan yillarda foydalanilgan “Qadamlar” topshirig‘i mazmuni va metodik jihatlari o‘rganib chiqildi. Topshiriq Toshkent sh., Sergeli tumani 6-DIUM o‘quvchilari bilan bajarilgan.

PISA tadqiqotidagi matematik savodxonlik ta’rifi, unga oid terminlar ma’nosi [1,2] da berilgan.

“Qadamlar” topshirig‘ining berilishi:

Rasmda yurayotgan odamning izlari ko‘rsatilgan.



Qadam uzunligi deb birinchi iz tovon oxiridan ikkinchi iz tovon oxirigacha bo‘lgan masofaga deyiladi. Erkak kishining yurishidagi bog‘lanish taqriban quyidagi formula bilan ifodalanadi:

$$\frac{n}{P} = 140$$

Bu yerda n - bir daqiqadagi qadamlar soni, P -qadam uzunligi(m).

1-savol

Farruh 1 daqiqada 70 qadam bossa, formula yordamida uning qadami uzunligini toping.

1-savol to‘g‘risida ma’lumot

Savol tavsifi: Hisoblashda kerak bo‘ladigan oddiy ma’lumotni aniqlash

Matematikaga oid mazmun sohasi: O‘zgarish va bog‘liqliklar

Kontekst: Shaxsiy

Aqliy faoliyat turi: qo‘llash

1-savolni baholash mezonlari.

Javob to‘liq qabul qilinadi

Код 2: 0,5 m yoki 50 cm, $\frac{1}{2}$ (o‘lchov birligi ishlatilmasligi ham mumkin).

$$\bullet \frac{70}{P} = 140$$

$$70 = 140P$$

$$P = \frac{1}{2}$$

$$\bullet \frac{70}{140}$$

Javob qisman qabul qilinadi

Kod1: Qiymatlar formulaga to'g'ri qo'yilib, javob noto'g'ri topilgan yoki umuman ko'rsatilmagan.

$$\bullet \frac{70}{P} = 140 \text{ (Faqat qiymatlar qo'yilgan)}$$

$$\bullet \frac{70}{P} = 140$$

$$70 = 140P$$

$$P = 2$$

(Qiymatlar formulaga to'g'ri qo'yilib, javob noto'g'ri topilgan)

YOKI

Berilgan formula $P = \frac{n}{140}$ shaklga keltirilib, keyingi harakatlar noto'g'ri bo'lgan

Javob qabul qilinmaydi

Kod0: Boshqa javoblar.

Kod9: Javob berilmagan.

2-savol

Orif qadamining uzunligi 0,80 m ekanligini biladi. Yuqorida berilgan formuladan foydalanib, uning tezligini dastlab m/min larda, so'ng km/h larda ifodalang. Yechimni yozing.

2-savol to'g'risida ma'lumot

Savol tavsifi: Berilgan formuladan foydalanib, tezlikni topish.

Matematikaga oid mazmun sohasi: O'zgarish va bog'liqliklar

Kontekst: Shaxsiy

Aqliy faoliyat turi: qo'llash

2-savolni baholash mezonlari.

Javob to'liq qabul qilinadi

Kod 31:

$$\bullet n = 140 \times 0,80 = 112 \text{ ta qadam}$$

$$1 \text{ minutda } 112 \times 0,80 = 89,6 \text{ m}$$

Tezlik $89,6 \frac{m}{\text{min}}$ ga teng

Tezlik $5,38 \frac{km}{h}$ yoki $5,4 \frac{km}{h}$ ga teng

• 89,6 va 5,4 javoblar yechimsiz yozilsa

• Haqiqatga yaqin javoblar o'lchov birligi bilan yozilsa, masalan

$$90 \frac{m}{\text{min}} \text{ va } 5,3 \frac{km}{h}$$

Javob qisman qabul qilinadi

Kod 21: $n = 140 \times 0,80 = 112$ tenglik yozilib, keyingi qadamlar bajarilmagan bo'lsa.

Kod 22: Tezlik $89,6 \frac{m}{\text{min}}$ ga teng ekanligi topilib, bu tezlik km/h larda ifodalanmasa

Kod 23: Yechim qadamlari to'g'ri yozilib hisob-kitoblarda hatoliklar bo'lsa

Kod 24: Tezlik $5,4 \frac{km}{h}$ ga teng ekanligi yozilib $89,6 \frac{m}{min}$ javob yozilmasa

Javob qabul qilinmaydi

Kod0: Boshqa javoblar.

Kod9: Javob berilmagan.

Topshiriq o'quvchilari bilan bajarganini kuzatganimizda topshiriq noan'anaviy shaklda berilganligi ko'pgina o'quvchilarda qiyinchilik tug'dirdi.

Foydalangan adabiyotlar va internet manbaalar

1. Xalqaro baholash dasturi (PISA) tadqiqotida matematik savodxonlikni oshirish omillari. «Xalq ta'limi» ilmiy-metodik jurnal. 2019 y. 2-son 87-94 b.b.
2. PISA xalqaro tadqiqotida matematik savodxonlik. «Aniq va tabiiy fanlar» ilmiy-pedagogik, metodik jurnal. 2019 y. 1-son 2-7 b.b.
3. A.A.Ismailov va b. Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilarning matematik savodxonligini baholash, uslubiy qo'llanma, Toshkent, "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi, 2019-yil, 112 bet.
4. Assessing Reading, Mathematics and Scientific Literacy: A framework for PISA 2009. OECD, 2009
5. OECD (2013), PISA 2012 Assessment and Analytical Framework: Mathematics, Reading, Science, Problem Solving and Financial Literacy, OECD Publishing.

TA'LIM TIZIMIDA TABIIY YO'NALISHDAGI FANLARDAN SAVODXONLIK DARAJASINI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSION METODLARNI ISHLAB CHIQUV VA AMALIYOTGA JORIY ETISH

M.A.Kuychiyeva va L.Hakimova Andijon viloyati XTXQTMO hududiy markazi biologiya fani o'qituvchisi va Asaka tuman 56 maktabning biologiya fani o'qituvchisi

Yurtimizga ta'lim tarbiya sohasida amalga oshirilayotgan barcha islohotlar zahirida yagona maqsad – kelajagimiz vorisi bo'lmish yosh avlodni har tomonlama komil inson bo'lib voyaga yetishi, aniqrog'i, yuqori bilim samaradorligiga erishishdir. Shu o'rinda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasida umumiy o'rta va maktabdan tashqari ta'limni tizimli islox qilishning ustuvor yunalishlarini belgilash, o'sib kelayotgan yosh avlodni ma'naviy-axloqiy va intellektual rivojlantirishni sifat jihatidan yangi darajaga ko'tarish, o'quv-tarbiya jarayoniga ta'limning innovatsion shakllari va usullarini joriy etish maqsadida, shuningdek O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 5-sentabrdagi "Xalq ta'limi boshqaruv tizimini takomillashtirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlari to'g'risida"gi PF-5538son Farmoniga ko'ra O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030yilgacha rivojlantirish kontsepsiyasi tasdiqlandi, O'zbekiston Respublikasining 2030-yilga kelib PISA (The Programme for International Student Assessment) Xalqaro miqyosda o'quvchilarni baholash dasturi reytingi bo'yicha jahonning birinchi 30 ta ilg'or mamlakati qatoriga kirishiga erishish borasida bir qancha ishlarni amalga oshirish ko'zda tutilganini aytib o'tish lozim. Shunday ekan, ta'lim tizimida tabiiy yo'nalishdagi talim jarayonini takomillashtirish va uning sifat samaradorli darajasini ta'minlash asosiy vazifalardan biridir.

Bizga malumki, biologiya o'quv fanini o'qitishning vazifalari – asosiy biologik tushunchalar, nazariyalar va qonuniyatlar bilan tanishtirish, tirik organizmlarning yashash muhitiga moslashishlarning vujudga kelish mexanizmlari haqida ma'lumotlar berish, organizmlarning individual va tarixiy rivojlanishining asosiy bosqichlarini tanishtirish, biologiya ta'limi mazmunining hozirgi ijtimoiy hayot va fan texnika yutuqlari bilan bog'lanishini ta'minlash, o'quvchilar o'zlarining va o'zgalarning salomatliklarini saqlashi, sog'lom turmush tarziga rioya qilishga yo'naltirish, tabiat va uning barcha boylıklariga oqilona munosabatda bo'lish fazilatlarini yosh avlod ongiga singdirish, biologik bilimlar zaminida mahalliy o'simlik va hayvon turlari, seleksiya yutuqlari, qadimda yashab ijod etgan buyuk allomalar va hozirgi olimlarni biologiyaga oid ishlari bilan tanishtirish orqali o'quvchilarni milliy istiqlol va vatanparvarlik ruhida tarbiyalash kabi kompetensiyalarni shakllantirish yotadi.

Qator yillar davomida biologiya darslarida qo'llaniladigan tatqiqotlar quyidagi xulosalar bilan yakunlandi;

1. Berilgan topshiriqning nazorati uchun vaqt kam sarflanadi.
2. Dars jarayoni yana bir boshqa nazorat topshiriqlaridan foydalanish uchun vaqt iqtisod qilinadi.
3. Topshiriq nazoratini o'tkazish fan o'qituvchidan boshqa kishi tominidan amalga oshirilishi ham mumkin.
4. Dars jarayonida turli interfaol metodlardan foydalanish sinfdagi barcha o'quvchilarni qamrab olish imkonini beradi.
5. Har darsda har bir o'quvchining uy vazifasi va yangi mavzu yuzasidan o'zlashtirish darajasi tekshirilayotgan va baholanayotgan darslarda o'quvchilar hamma vaqt darsga tayyor bo'lishi shart.

Bugungi kunda o'quvchilarning fikrlash qobiliyatini oshirishda noan'anaviy, qulay va o'ylashga majbur qiladigan yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish usullari ishlab chiqilgan. Ushbu usullardan samarali foydalanib darslarni olib borish barcha pedagoglar uchun muhim vazifadir. Bugungi kunda biologiya fanidan dars o'tishning turli usul va vositalari ishlab chiqilmoqda. Masalan, mashg'ulot darsi, multimediali dars, hamkorlikda o'qitish texnologiyalari va boshqa noan'anaviy dars o'tish usullari foydalanish ta'lim samaradorligini, o'quvchilarning mustaqil fikrlash qobiliyatini rivojlantirishda muhim o'rin egallaydi.

Zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalarni o'quv jarayoniga joriy etishda asosiy boshqaruvchi o'qituvchi hisoblanadi. Darsning turli bosqichida AKTdan foydalanish, elektron taqdimot, audio va video resurslar yordamida mavzuni mustahkamlash, elektron didaktik materiallar, matn dasturlari bilan ishlash, ko'nikma va malakalarini shakllantirish, laboratoriya darsi o'qituvchiga quyidagilarni beradi;

- Har bir mavzuni ochib berish, hatto eng murakkab hisoblangan mavzularni tushunarli bayon etish;
- Turli ko'rgazmalardan foydalanish (rasmlar, sxemalar, testlar, biologik diktantlar, rebuslar, raqamli diktantlar, topishmoqlar, musiqa, video);
- Fan bo'yicha o'zlashtirish darajasini ko'tarish; ta'lim berish jarayonida muammolarni hal etish;
- O'qituvchi va o'quvchining o'quv jarayonidagi hamkorligini ta'minlash uchun ijobiy muhit yaratish;
- Fanlararo bog'lanishni amalga oshirish;
- O'quvchilarning o'z-o'zini boshqarish qobiliyatini rivojlantirish;
- Vaqtdan unumli foydalanish kabildir.

Quyidagi topshiriq va uning javoblari namuna sifatida tayyorlangan didaktik tarqatmalar namunasi tavsiya etiladi.

“Biologik mashq”

O'zbekistonda eng... uchib o'tadigan ... qushlardan biri. Milliy va xalqaro ... bilan ... “Qizil kitob” ga I toifada – zaif tur, ... “Qizil kitob”ga - ..., tabiiy ... uchib o'tadigan qush. Shuningdek, ... va ... “Qizil kitob”lariga kiritilgan.

“Biologik mashq”ning javobi.

O'zbekistonda eng noyob uchib o'tadiganva qishlaydigan qushlardan biri. Milliy va xalqaro qonunchilik bilan muhofazalanadi. “Qizil kitob” ga I toifada – zaif tur, O'zbekistonning “Qizil kitob”ga II toifada-zaif, tabiiy noyob uchib o'tadigan qush. Shuningdek, Rossiya va Qozog'istonning “Qizil kitob”lariga kiritilgan.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, har bir darsga san'at asaridek qarash, olib borayotgan metodning o'quvchilar yoshiga, bilim darajasiga mos ekanligi hamda o'quvchilarni dars davomida qatnashishi, rag'bat va boshqalar talim tizimida o'quv samaradorligini oshirishga olib keladi.

Adabiyotlar

1. J.O.Tolipova Biologiyani o'qitishda innovatsion texnologiyalar. Nizomiy nomidagi TDPU 2014
2. N.S.Saidahmedova Yangi pedagogik texnologiyalar T.Moliya, 2003
3. Tolipova J.O., Azimov I.T., Sultonova N.B. Biologiya darslari. (Oqituvchi kitobi) metodik qo'llanma. (9-sinf) “Tafakkur” nashriyoti. Toshkent, 2016.
4. Ikromov M.I , Yuldashev A.S , Normurodov X.N Botanika (O'simliklar morfalogiyasi va anatomiyasi.) “O'zbekiston ” 2002
5. J.O.Tolipova Biologiya ta'limi texnologiyalari. Toshkent, 2002

O'QISH DARSLARI ORQALI O'QUVCHILARINI PIRLS XALQARO BAHOLASH DASTURLARIGA TAYYORLASHNING METODIK MATERIALLARI

*Shaxmurodova D.A. QVXTXQTMOHM
sodiq_yuldashev 83mail.ru o'qituvchisi*

Annотasiya: Maqolada o'qish darslari orqali o'quvchilarini pirls xalqaro baholash dasturlariga tayyorlashning metodik materiallari ko'rsatib berilgan

Аннотация: В данной статье приводятся методические материалы для подготовки студентов к международным оценочным программам на пирсах

Annotation: This article provides teaching materials for preparing students for international pier assessment programs

Kalit so'zlar: PIRLS, tanbal, havosizlik

Ключевые слова: PIRLS, лень, равнодушие

Keywords: PIRLS, laziness, indifference

PIRLS – boshlang'ich sinf o'quvchilarining matni o'qib tushunish darajasini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqot dasturidir. Boshqacha qilib aytganda, boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qib tushunish ko'nikmalarini qay darajada rivojlanganligi haqidagi ma'lumotlarni xalqaro miqyosda taqqoslash imkonini beradigan, o'qish va o'qitishni yaxshilash uchun ta'lim sohasidagi davlat siyosatiga oid ma'lumotlarni taqdim etadigan yirik xalqaro baholash dasturidir.²⁹

Shuningdek, PIRLS, yosh o'quvchilar tomonidan maktabda va maktabdan tashqarida ta'lim olishning katta qismini tashkil etuvchi, ya'ni badiiy tajriba orttirish, ma'lumot olish va undan foydalanish ko'nikmalarini baholash kabi ikkita keng qamrovli maqsadlarni ifodalaydi. Biz dars jarayonida quyidagi matn asosida o'quvchilarimizni PIRLS tadqiqotlari doirasida matn ustida ishlashga tayyorlashimiz mumkin. Matn 513 so'zdan iborat. 3-sinf o'quvchilarining sinfdan tashqari o'qish darslarida o'rganish uchun mo'ljallangan. Matn ustida ish olib borish uchun o'quvchilarga 45 daqiqa vaqt beriladi. O'quvchilar avval matni o'qib chiqadilar, so'ng matn yuzasidan berilgan topshiriqlar ustida ishlaydilar.

Qaysarboyning o'zga sayyoraga borgani (Ertak) Erkin Madolimov

Bir bor ekan, bir yo'q ekan, atrofni ko'm-ko'k yaylov qoplagan qir-adirlarga tutashgan obod bir qishloqda chorvachilik bilan tirikchilik o'tkazadigan er-xotin yasharkan. Ular keksaygan paytda o'g'il farzand ko'rishibdi. Yolg'iz o'g'ilni yer-u ko'kka ishonmay haddan ortiq erka qilib o'stirishibdi. Bolaning xarxashasi ko'pligi uchun atrofdaqilar uni qaysarboy deb ataydigan bo'lishibdi.

Qaysarboy maktabga qatnay boshlabdi. Darsdan keyin, otasi uyda qoldirib ketgan yaylovga borolmaydigan qo'zilar va kasal qo'ylarga qarashni unga yuklagan ekan. U esa qo'ylarning suv va ozuqasini vaqtida bermas, "Hadeb suv ichaveradimi", der ekan.

Ota-onasi va o'qituvchilari salom berish fazilati haqida nasihat qilishsa, "Bir kunda bir marta salom bersa yetadi", deb o'ylarkan.

Bora-bora Qaysarboyga dars tayyorlash va boshqa ishlarni takrorlash yoqmay qolibdi. Ayniqsa, jismoniy tarbiya darsidagi mashqlarni qaytarish juda malol kelarkan. U bu darsdan ozod bo'lish uchun onasiga hamma yog'i og'riyotganligini bahona qilibdi. Shifokor unga og'riq qoldiradigan dori va vitaminlar tavsiya etibdi.

Qaysarboy shifokor yozib bergan dorilar ro'yxatini o'qituvchisiga ko'rsatib, o'zining kasal ekanligini bildiribdi. O'qituvchi unga yengillik beribdi. U endi stadion atrofidagi tomoshabinlar uchun o'rnatilgan kursilarning biriga o'tirib mashq bajarar ekan. Qaysarboyning bahonasi to'liq ish bermaganidan xafa bo'libdi. U o'qituvchisi ko'rsatganday o'tirgan holda qo'lini to'g'riga, yuqoriga, yon tarafga juda sekinlik bilan uzatibdi. "Bir, ikki, uch, uch, bir", deb sonlarning o'rnini o'zgartirib aytibdi.

U esnabdi, juda zerikibdi. Shunda osmondan likopcha shaklidagi uchuvchi moslama kelib uning oldiga qo'nibdi. Uning eshigi ochilib, mitti bir odam tushib, Qaysarboy bilan tanishibdi. Nima uchun yolg'iz o'tirganligini so'rabdi.

Qaysarboy mashqlarni hadeb takrorlash yoqmayotganligini mitti odamga ham aytibdi. Mitti odam unga: "Eh, tanbal do'stim, xo'p desang seni hech narsani takrorlamaydigan odamlar yashaydigan sayyoraga olib boraman", debdi. Qaysarboy bu taklifga jon deb rozi bo'libdi. U mitti odam bilan osmon-u falakka ko'tarilibdi. Uchar likopcha son-sanoqsiz katta yulduzlar orasidagi kichkina bir sayyoraga qo'nibdi.

Ular tep-tekis muz maydonidagi tosh binolar qurilgan joyga tushishibdi.

Mitti odam Qaysarboyini yetaklab, tosh binolarning biriga olib kiribdi. U yerda havo siyrak bo'lganidan mitti odamlar burunlariga havo to'ldirilgan sharlarni qistirib olisharkan. Qaysarboy ham o'sha kichkina havo sharidan burniga taqib olibdi. Mitti odam Qaysarboyini bir parcha non va mitti odamlar uchun mo'ljallangan shisha idishdagi bir qultum suv bilan mehmon qilibdi.

U o'z uyida takror-takror to'yib suv ichgani va ovqatlangani sababli och qolibdi, chanqabdi. Qo'y-qo'zilarni suvsiz qoldirganini eslab afsuslanibdi. Hammadan yomoni kichkina shardagi havo tugab, juda qiynalibdi. Mitti

²⁹ Ismailov D va boshqalar. Xalqaro tadqiqotlarda boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini aniqlash. Toshkent: Sharq, 2019

odamdan yana shar so‘rabdi. Mitti odam havo shari bir kunda bir marta berilishini aytibdi. Qaysarboy havosizlikdan har tomonga yuguribdi. Nafasi battar qisilibdi. “Havo-havo”, deb baqirgancha uyg‘onib ketibdi. U kursida mashq bajarayotib uxlab qolgan ekan. Quvonchdan sakragancha “Xayriyat, tushim ekan”, debdi.

Qaysarboy xuddi o‘ngida ro‘y berganday, ko‘rgan tushi haqida o‘ylanib qolibdi. “Darhaqiqat, har kuni to‘yguncha takror nafas olaman, suv ichaman va ovqatlanaman. Demak, hayotdagi boshqa ish va harakatlarni o‘z vaqtida takrorlash va bajarish zarur ekan”, degan xulosaga kelibdi. Qilgan bahonasidan uyalib o‘qituvchisidan kechirim so‘rabdi. Qaysarboy o‘rtoqlari safiga qo‘shilib, turli mashqlarni bajaribdi, turnikda takror-takror tortilibdi. Abjirlik bilan futbol o‘ynay boshlabdi. O‘rtoqlari uni G‘ayratboy deb chaqiradigan bo‘lishibdi.

Darslar tugab, maktabdan qaytayotganida yo‘lda uchraganlarga salom berib o‘tibdi. Ortidan “Rahmat, barakalla” kabi iliq so‘zlarni eshitibdi. Uyda esa qo‘ylarning suv va ozuqasidan tez-tez xabar olibdi. Keksa onasiga ko‘maklashibdi. Keyin maktabda olgan bilimlarini mustahkamlash uchun o‘tgan darslarni takrorlabdi. Ota-onasi G‘ayratboyning o‘zgarib qolganidan juda xursand bo‘lishibdi.

MATN YUZASIDAN SAVOLLAR

1. Ertakdagi oila qayerda yashar ekan?
A. Obod qishloqda. B. Olis shaharda. C. Tog‘li hududda D. Chekka qishloqda
2. Nima uchun bolaning ota-onasi uni yer-u ko‘kka ishonmas ekan?
A. Erka bo‘lgani uchun B. Yolg‘iz bo‘lgani uchun. C. Qaysar bo‘lgani uchun.
D. Aqlli bo‘lgani uchun.
3. Otasi Qaysarboyga qanday vazifa yuklagandi?
A. Darslarni vaqtida tayyorlash. B. Qo‘zilarni ovqatlantirish. C. Qo‘zilar va kasal qo‘ylarga qarash. D. Qo‘y-qo‘zilarni sug‘orish.
4. Qaysarboy jismoniy tarbiya darsidan ozod bo‘lish uchun nima qildi?
A. Maktabga bormadi. B. Shifokorga uchradi C. Shifokor yozib bergan dorilar ro‘yxatini o‘qituvchisiga ko‘rsatdi. D. Hamma yog‘i og‘riyotganligini bahona qildi.
5. Qaysarboyning qaysarligini ko‘rsatadigan ikkita misol keltiring.
1. _____ 2. _____
6. Qaysarboy stadiondagi kursida o‘tirib qanday harakat qildi?
A. Bahonasi ish bermaganidan xafa bo‘ldi. B. Kursiga sekingina o‘tirdi. C. Qo‘lini to‘g‘riga, yuqoriga, yon tarafga juda sekinlik bilan uzatdi. D. O‘qituvchisining harakatlarini takrorladi.
7. Qaysarboy va mitti odamning tanishish jarayoni izohlangan ketma-ketlikni toping. A. Likopchaning eshigi ochildi. B. Likopchadan mitti bir odam tushdi. C. Bolaning oldiga qo‘ndi. D. Likopcha shaklidagi uchuvchi moslama keldi.
8. Mitti odam Qaysarboyga nimani taklif qildi?

9. Mitti odam Qaysarboyni qayerga olib kirdi?
A. O‘zi yashaydigan joyga B. Osmonu falakka C. Tosh binolarning biriga
D. Havo shariga
10. Qaysarboyning och qolish jarayonlarini tasvirlang?
_____ 11. Qaysarboyning havosizlikdan qiynalib qilgan harakatlarini toping.

12. Uyg‘ongandan so‘ng Qaysarboy qanday xulosaga keldi?
_____ 13. Qaysarboy qaysi ishi uchun “Rahmat, barakalla” kabi iliq so‘zlarni eshitdi?
A. O‘rtoqlari bilan safga qo‘shilib mashq qildi B. Turnikda takror-takror tortildi. C. Futbol o‘ynadi. D. Yo‘lda uchraganlarga salom berdi.
14. Ertak boshida va so‘ngida **bolada qanday his-tuyg‘ular kuzatildi? O‘qiganlaringizdan foydalanib, bolaning his-tuyg‘ularini ifodalang va uning his-tuyg‘ulari nima uchun o‘zgarganligini tushuntiring.**

JAVOBLAR TASNIFI

1	A
---	---

2	B
3	C
4	C
5	<p>Qaysarboyning qaysarligini ko'rsatadigan ikkita misol keltiring.</p> <p>To'liq tushunchaga ega bo'lish: Javobda o'quvchi Qaysarboyning qaysarligini ifodalovchi ikkita misol keltiradi.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. "Qo'y-qo'zilar hadeb suv ichaveradimi" der ekan. 2. "Bir kunda bir marta salom bersa bo'ladi" der ekan. <p>Qisman tushunchaga ega bo'lish: Javobda o'quvchi Qaysarboyning qaysarligini ifodalovchi bitta misol keltiradi.</p>
6	C
7	1.D 2.C 3. A 4.B
8	<p>Mitti odam Qaysarboyga nimani taklif qildi?</p> <p>Jarayon: Ma'lumot va fikrlarni umumlashtirish va sharhlash.</p> <p>To'liq tushunchaga ega bo'lish: Javobda Mitti odamning taklifi mazmuni keltiriladi.</p> <p>Masalan: Eh, tanbal do'stim, xo'p desang seni hech narsa takrorlanmaydigan odamlar sayyorasiga olib boraman.</p> <p>Qisman tushunchaga ega bo'lish: Javobda Mitti odamning bolani o'z sayyorasiga olib borishi aytiladi.</p> <p>Javob qabul qilinmaydi: Mitti odam bolani olib ketdi. (Ushbu javobda Mitti odamning taklifi haqida aniq ma'lumot yo'q)</p>
9	C
10	<p>Qaysarboyning och qolish jarayonlarini tasvirlang?</p> <p>Maqsad: Ma'lumotni qabul qilish va undan foydalanish uchun o'qish savodxonligini oshirish.</p> <p>Faoliyat: Berilgan matndan ma'lumot topish.</p> <p>Javob qabul qilinadi: Jarayonlar to'liq tasvirlansa.</p> <p>Masalan: U Mitti odam bergan bir parcha non va bir qultum suvni ichdi va o'z uyida takror-takror suv ichgani va ovqatlanganini, qo'y-qo'zilar esa suvsiz qoldirganligini eslab afsuslandi.</p> <p>Javob qabul qilinmaydi: Qaysarboy bir parcha non va bir qultum suv ichgani uchun och qoldi.</p>
11	<p>Qaysarboyning havosizlikdan qiynalib qilgan harakatlarini toping.</p> <p>Maqsad: Ma'lumotni qabul qilish va undan foydalanish uchun o'qish savodxonligini oshirish.</p> <p>Faoliyat: Berilgan matndan ma'lumot topish.</p> <p>Javob qabul qilinadi: Jarayonlar to'liq tasvirlansa.</p> <p>Masalan: U Mitti odamdan havo shari so'radi. Mitti odam unga havo shari bir kunda bir marta berilishini aytdi. So'ng bola havosizlikdan har tomonga yugurdi. Nafasi battar qisilib: "Havo-havo", - deb baqirgancha uyg'onib ketdi.</p> <p>Javob qabul qilinmaydi: Nafasi qisilib: "Havo-havo", - deb baqirdi.</p>
12	<p>Uyg'ongandan so'ng Qaysarboy qanday xulosaga keldi?</p> <p>Jarayon: Matn elementlarini baholash va tadqiq qilish.</p> <p>To'liq tushunchaga ega bo'lish: Hayotdagi barcha ish va harakatlarni o'z vaqtida takrorlash va bajarish zarur ekanligini aytadi.</p> <p>Qisman tushunchaga ega bo'lish: U o'zgardi. Qilgan bahonasidan uyalib o'qituvchisidan uzr so'radi.</p>
13	D
14	<p>Ertak boshida va so'ngida bolada qanday his-tuyg'ular kuzatildi? O'qiganlaringizdan foydalanib, bolaning his-tuyg'ularini ifodalang va uning his-tuyg'ulari nima uchun o'zgarganligini tushuntiring.</p> <p>Jarayon: Matn elementlarini baholash va tadqiq qilish.</p> <p>To'liq tushunchaga ega bo'lish: Ertak boshida Qaysarboy bir narsani takror bajarishni yoqtirmasdi, hattoki bir kunda bir marta salom bersa yetadi derdi. U tushidagi voqealardan ta'sirlanib, hayotdagi barcha ish va harakatlarni o'z vaqtida takrorlash va bajarish muhim ekanligini angladi.</p> <p>Qisman tushunchaga ega bo'lish: U o'zgardi. O'qituvchisidan uzr so'radi.</p> <p>Mashqlarni takror bajardi. Futbol o'ynadi. Yo'lda uchraganlarga salom berdi.</p>

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Kompetensiyaviy yondashuv asosidagi Davlat ta'lim standarti. 2017-yil 6-aprel. 187-sonli qaror.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi

3. Avvalboyeva I Sinfdan tashqari o'qish kitobi Toshkent: Yurist-media markazi, 2019.
4. Boymurodova G va boshqalar. 3-sinf o'qituvchilari uchun ilg'or pedagogic va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini amaliyotga joriy etish bo'yicha metodik qo'llanma. - Toshkent: Sharq, 2016.
5. Ismailov D va boshqalar. Xalqaro tadqiqotlarda boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini aniqlash. Toshkent: Sharq, 2019
6. www.edu.uz
7. www.rtm.uz

O'QUVCHILARNI XALQARO BAHOLASH DASTURLARIDA ISHTIROK ETISHLARIGA PSIXOLOGIK TAYYORLASH OMILLARI

*Sattarova Gulbahor Mamatkarimovna - Namangan viloyati
Pop tumani 44-umumta'lim maktabi amaliyotchi psixolog*

O'zbekistonda ham barcha sohalarida tub islohotlar boshlandi. Bu islohotlarning barchasi **inson omilini** har qachongidan ham yuqori saviyaga ko'tarib, uning kuchi, idroki, salohiyati, ruhiy hamda ma'naviy barkamolligini bevosita taraqqiyot, rivojlanish va sivilizatsiya bilan uzviy bog'laydi. Bundan inson va uning mukammalligi, o'z ustida ishlashi, o'z mukammalligi xususida qayg'urishi muammosi har qachongidan ham dolzarb masalaga aylandi.

SHu o'rinda ta'lim tizimida iqtisodiy hamkorlik va rivojlantirish tashkilotining o'quvchilarning savodxonligini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotida ishtirok etish yuzasidan O'zbekiston Res'ublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 8-dekabrda **997 - sonli qarori** qabul qilindi.

Maqsad:

- Umumta'lim maktablari o'quvchilarining o'qish, matematika va tabiiy yo'nalishdagi fanlardan savodxonligini holisona baholash;
- O'quvchilarning olgan bilimlarini amaliyotda qo'llash qobiliyatini rivojlantirish;
- Ta'lim muassasalarida sifatli ta'lim berish uchun yetarli shart-sharoitlarni yaratish.
- **Dasturning asosiy maqsadi** - o'quvchilar ta'lim dargohida olayotgan bilim va tajribalarini ijtimoiy munosabatlarda va inson faoliyatida uchraydigan turli xil hayotiy vazifalarni yechishda qanchalik foydalana olish qobiliyatini baholashdir.

SHuning uchun ham hozirgi kunda o'quvchilarda ko'nikma va malakalarni hosil qilishda, o'quv jarayonida ta'lim oluvchilar va psixologlar o'rtasida o'ziga xos munosabatlar o'rgatilib bu jarayon ikki tomonning birgalikdagi faoliyati natijasida boradi. SHuning uchun ham ta'lim jarayoni ikki tomonlama xarakterga ega deyiladi. O'qituvchilar va o'quvchilarning faollik darajasi ta'lim jarayonining samarasini belgilaydi. Albatta bu jarayonda o'qituvchi yo'naltiruvchi sifatida maydonga chiqadi. O'qituvchi aniq maqsadni ko'zlab reja va dastur asosida bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantiradi. O'quvchilar esa ularni faol o'zlashtirib olishlari kerak. Ta'lim jarayonida o'qituvchi o'rgatish, bilim, malaka, ko'nikma hosil qilish vazifasini bajarsa, o'quvchilar o'zlashtirish jarayonini o'z boshidan kechiradilar. Bu murakkab psixik jarayon bo'lib, sezgi, idrok, tasavvur, tafakkur kabilar ishtirokida boradi. O'qish o'quvchilarning o'zlashtirish, bilish qobiliyatlari, fikrlash operatsiyalari va harakatlarini hosil qilish jarayonidir. Bu passiv tomoshabinlik jarayoni emas, balki o'quvchiga noma'lum bo'lgan xaqiqatlarni ochib beradigan faol, ijodiy faoliyat jarayonidir.

Ta'limning asosiy vazifalaridan biri insoniyat hozirgacha erishgan ilmiy bilimlar va fan texnikaning yutuqlari bilan yosh avlodni qurollantirishdir. Yosh avlodda shunday bilimlar tizimini yaratish lozimki, bu bilimlar ularning keyingi rivoji uchun asos bo'lib xizmat qilsin. Hozirgi kunda bilimlar hajmi, axborotlar hajmi tobora oshib borayotgan bir davrda ta'lim tizimi o'quvchilarga berilishi kerak bo'lgan bilimlar, malaka va ko'nikmalar hajmini belgilash hamda, o'quvchilarni xalqaro baholash dasturlarida faol ishtirok etishlari uchun psixologik omillari, iqtidor va qobiliyat imkoniyatlari xarakterlanadi. Bir xil sharoitda qobiliyatli o'quvchilar qobiliyati past o'quvchilarga qaraganda ko'proq ulkan yutuqlarni qolga kiritadi.

Ta'limning asosiy maqsadi - zamonaviy ilmiy bilimlarni egallagan, mustaqil fikrlash va muammolarni yechish imkoniyatiga ega bo'lgan ma'naviy jihatdan boy shaxslarni shakllantirishdir. Jamiyat rivojlanar ekan, hayotiy talablarning darajasi ham ortib boradi. Demak, ilmiy bilimlarning hajmi kengayib, ilmiylik darajasi chuqurlashib borar ekan, mantiqiy fikrlash va muammolarni tezda hal etishga bo'lgan talab yanada kuchayib boradi. Bu fikrdan kelib chiqqan holda ta'lim tizimi bugungi kun talabinigina hisobga olgan holda emas, balki kelajak

talablarini aniqlagan va hisobga olgan holda ish olib borishi kerak degan xulosaga kelamiz. Chunki, bugungi kun talablari kelajakda jamiyatning asosiy o'zagiga aylanadi. Demak, ta'lim tizimi o'quvchilarni bugungi kundagi hayotga emas, balki kelajakdagi hayotga tayyorlashi, inson faoliyatida uchraydigan turli xil hayotiy vazifalarni yechishda qanchalik foydalana olish qobiliyatini baholashdir.

Ta'limning yana bir o'ziga xos xususiyati uning tarbiyaviy xarakterga ega ekanligidir. Har qanday tarbiya asosida bilim mavjud bo'lganidek har qanday ta'lim o'zida ma'lum tarbiyaviy ta'sirni mujassamlashtiradi. Bilimlarning o'quvchining faqat fikrlash qobiliyatiga emas, balki ichki kechinmalariga, his-tuyg'ulariga, fazilatlariga ham o'z ta'sirini o'tkazadi.

O'quvchilarni xalqaro baholash dasturlarida samarali ishtirok etishlari uchun ularda motivatsiya yaratish lozim. Bu xulq-atvorni psixologik va fiziologik boshqarishning dinamik jarayoni bo'lib, unga tashabbus, yo'nalganlik tashkilotchilik, qo'llab-quvvatlash kiradi. Ta'lim jarayonida o'qish motivlari "nima uchun?", "nimaga?", "qanday maqsad bilan?" kabi savollar asosida yuzaga keladi. Motivlar birinchidan, o'quv faoliyatiga undasa, ikkinchidan, maqsadga erishish uchun zarur yo'l va usullar tanlashga yordam beradi. O'quv faoliyatida o'quv motivlar o'quvchilar tomonidan tanlanib, ular o'quvchining maqsadi, qiziqishi, kelajak rejalari bilan bevosita bog'liq bo'ladi.

Xalqaro baxolash dasturlari o'quvchining aqliy kamolotini, bilish qobiliyatini, o'qishga, mehnatga bo'lgan munosabatini rivojlantirish va o'ziga bolgan ishonchni yuksaltirishni yangi pog'onaga ko'tarishni nazarda tutadi.

Ta'lim sifatini baholashning xalqaro tadqiqotlarida ishtirok etish (zarurati) O'zbekistonga nima beradi?

- ❖ Tadqiqotlarda olingan natijalar mamlakatdagi ta'lim sifati va uning xalqaro standartlarni hisobga olgan holda egallagan o'rni to'g'risida xulosalar chiqarish imkonini beradi;
- ❖ Dunyoning yetakchi mutaxassislari tomonidan ishlab chiqilgan ta'lim sifatini pedagogik o'lchash texnologiyalaridan foydalanish va dunyo standartlari darajasida yuqori iqtisodiy samaraga asoslangan milliy baholash tizimini yaratish imkonini beradi;
- ❖ Milliy mutaxassislarda monitoring tadqiqotlarini o'tkazish madaniyatini rivojlantirib, ta'lim sifatini baholashning xalqaro standartlariga moslashuviga olib keladi;
- ❖ Milliy ta'lim sifatini baholashda nazorat materiallarini xalqaro tadqiqotlarda qo'llaniladigan nazorat materiallari sifatini ta'minlovchi tizimlardan foydalanib ishlab chiqish imkonini beradi;
- ❖ Ta'lim va uning pirovard natijalari, o'quvchilarning malaka talablarini egallaganlik darajasini tizimli baholash, shuningdek ta'limni boshqaruv organlari va muassasalari faoliyati sifatini nazorat qilishning huquqiy asoslarini takomillashtirishga erishiladi;
- ❖ Ta'lim sifati va o'quv-tarbiya natijalarining davlat ta'lim standartlari va kadrlar tayyorlashga qo'yiladigan milliy va xalqaro mehnat bozori talablariga muvofiqligini ta'minlash imkonini beradi;
- ❖ Ta'lim sifati va samaradorligiga ta'sir etuvchi omillarni aniqlash hamda ta'limning sohasini takomillashtirishda davlat siyosati va strategiyasini belgilab olishga erishiladi.

O'QISH DARSLARIDA O'QUVCHILARNING OG'ZAKI VA YOZMA NUTQINI O'STIRISH, ULARDA O'QISH FANI BILAN BOG'LIQ TAYANCH VA FANGA OID KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI

QARSHIBOEVA KOMILA ALIMKULOVNA

*Jizzax shahar 18-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabining
boshlang'ich sinf o'qituvchisi*

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirining 2017-yil 3-iyundagi "Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standartlari talablari asosida takomillashtirilgan o'quv dasturlarini tasdiqlash va amaliyotga joriy etish to'g'risida"gi 190-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan umumiy o'rta ta'lim maktablarining boshlang'ich sinflari o'quv dasturining Uqtirish xatida "Umumiy o'rta ta'limning boshlang'ich sinflarida o'qish fani o'quvchilarni ongli, to'g'ri va ifodali o'qishga o'rgatish bilan birga ularda kitobxonlik va nutq madaniyatini hamda mustaqil fikrlash qobiliyati shakllantiradi. O'quvchilarni har tomonlama rivojlantirishga xizmat qiladi", - deya belgilangan [1; 86-b.]. **O'qish darslari orqali o'quvchilarda** o'quv fanlarini o'rganish va bir-biridan farqlay olish, o'z xatosini tushunib, tuzatishga harakat qilish, turli janrdagi (ertak, masal, hikoya va she'rga doir) kitoblarni muntazam o'qib-o'rganib borish va bilimni oshirish, yaxshilik va yomonlikni bir-biridan farqlay olish va yaxshi fazilatlarini o'zida aks ettirish kabi **O'zini o'zi rivojlantirish tayanch kompetensiyasi (A1)** dan tashqari fanga oid **adabiy-nutqiy kompetensiya (FK1)** hamda **badiiy asarni tahlil qilish kompetensiya (FK2)** lari ham shakllanadi.

Ma'lumki, nutq tafakkur bilan bog'liq, shuning uchun u tafakkur bilan uzviy o'stiriladi. O'qish darslarida o'qilgan asarni o'quvchilar ongli tushunishi, asosiy mazmunini, g'oyasini anglab yetishi uchun analiz, sintez, taqqoslash, umumlashtirish kabi mantiqiy usullar qo'llanadi [2; 16-18 bb.]. O'qilgan asarni analiz qilishda har xil ish uslublaridan foydalaniladi. Bolalar hikoyadagi asosiy qatnashuvchi shaxslarni aytadilar, o'qituvchi rahbarligida asar rejasini tuzadilar. Qatnashuvchi shaxslarni o'quvchilar har xil tartibda aytishlari mumkin, ammo o'qituvchi ularni asarda qatnashish tartibida aytishni so'raydi. Natijada o'qituvchi rahbarligida hikoyaning chizmasi tuziladi. O'qituvchi bergan savollar yordamida asarlarning mazmuni aniqlanadi. Shunday qilib, asar mazmuni bilan birinchi tanishish o'quvchilardan ongli ishlashni, ya'ni voqealarni, qatnashuvchilar tarkibini analiz qilishni talab etadi. O'qish bilan bog'liq holda bajariladigan bunday mantiqiy ishlar asta-sekin murakkablasha boradi.

Boshlang'ich sinflarning o'qish darslarida o'quvchilar nutqini o'stirish vositalaridan biri turli uyushtirilgan qayta hikoyalashdir. Maktab tajribasida to'liq, qisqartirib, tanlab va ijodiy qayta hikoya qilish turlari mavjud. Boshlang'ich sinfo'quvchilari uchun matnni to'liq yoki matnga yaqin qayta hikoyalash ancha oson, boshqa turlari esa nisbatan qiyinroqdir. Qayta hikoyalashda o'qilgan hikoya mazmuni yuzasidan o'qituvchining savoli, o'quvchilarni hikoyaning detallari haqida, ayrim voqealar o'rtasidagi bog'lanishning sabab-natijalari haqida fikrlashga qaratilishi lozim. Asar syujetining rivojlanishida qatnashuvchi shaxslar, ularning xatti-harakati asosiy rol o'ynaydi. O'quvchilar asar mazmunini unda ishtirok etuvchi shaxslar va ularning xatti-harakati, xarakterli xususiyatlarini tahlil qilish yordamida yaxshi anglab yetadilar. O'qituvchining savoli asar qahramonlari nima qilgani, ularning u yoki bu xatti-harakati qaerda va qanday sharoitda yuz bergani haqida so'zlab berishga, voqealarni izchil bayon qilinishga va o'zaro bog'liqligini yoritishga yo'naltirilishi lozim. O'quvchi o'qilgan asar mazmunini o'qituvchi savoli yordamida aytib berishida faqat analizdan emas, sintezdan ham foydalaniladi: ayrim lavhalar o'zaro bog'lanadi (sintezlanadi), bir-biriga taqqoslanadi, ular yuzasidan muhokama yuritiladi va xulosa chiqariladi. Ko'pincha boshlang'ich sinf o'quvchilari qatnashuvchi shaxslar xatti-harakatini yaxshi tushunmasliklari, ba'zan noto'g'ri yoki yuzaki tushunishlari natijasida asar mazmunini anglab yetmaydilar. Shuning uchun ham o'qituvchi savolni juda o'ylab tuzishi, u bolani fikrlashga, o'ylashga majbur etadigan, qatnashuvchi shaxslarning xatti-harakati, voqealarning bog'lanishi yuzasidan muhokama yuritishga undaydigan, ularni o'zaro qiyoslashga, ijobiy va salbiy tomonlarini aniqlashga yordam beradigan bo'lishi lozim. O'quvchi asarda qatnashuvchilarning xatti-harakatini qanchalik aniq ko'z oldiga keltira olsa, u hikoyaning asosiy mazmunini shunchalik chuqur tushunadi, shunchalik mustaqil qayta hikoya qilib beradi.

O'qilgan asar mazmunini izchil ravishda qayta hikoyalash uning rejasini tuzishga yordam beradi. Reja tuzishda o'quvchi hikoyani tarkibiy qismlarga bo'ladi va har qaysi qismdagi asosiy fikrni aniqlaydi. Bularning hammasi analitik ish hisoblanadi. Keyin sintetik ishga o'tiladi, ya'ni bolalar hikoya qismlariga sarlavha topadilar. O'quvchilar o'qituvchi rahbarligida reja tuzish jarayonida o'qilgan hikoyaning har bir qismida bosh va ikkinchi darajali masala nimalardan iboratligi haqida, qanday qilib fikrni qisqa va aniq ifodalash haqida o'ylaydilar. Sarlavha topish ustida ishlash, o'quvchilar topgan sarlavhani jamoaviy muhokama qilish, reja tuzish jarayonining o'zi bolaning fikrlash qobiliyatini faollashtirishi, unda o'z mulohazasini isbotlash, asoslash odatlarini tarbiyalashi lozim.

Asarni o'qish va tahlil qilish jarayonida tuzilgan reja doskaga yozilsa, hikoya mazmunini izchil qayta hikoya qilishga yordam beradi. Reja asosida hikoya qilishning vazifasi mazmunni berilgan izchillikda o'zlashtirishdir. Reja asosida qayta hikoyalash o'qituvchi savoliga javob berishga nisbatan asar mazmunini aytib berishning xiyla mustaqil shaklidir.

O'qilgan asar mazmunini o'zlashtirish ustida ishlashdagi keying bosqich qisqartirib hikoyalash hisoblanadi. Qisqartirib hikoyalash uchun 2-3 qismga bo'linadigan, bu bo'limlar yaqqol ajralib turadigan, mazmuni sodda asarlar tanlanadi. Qisqartirib hikoyalashga o'rgatish quyidagicha uyushtiriladi: o'qituvchi hikoyaning oldindan belgilab qo'ygan qismini o'qiydi va o'quvchilar bilan birgalikda eng muhim, asosiy fikr aniqlanadi. Bunda o'quvchilar ba'zan asardagi so'zlardan foydalanadilar. Bu o'quvchilarga qiyinlik qilsa, bo'limdagi asosiy fikrni o'z so'zlari bilan aytib berishlari mumkin. Keyin o'quvchilar o'qituvchi bilan bu qismni qisqartirib hikoyalashda nimalar haqida gapirmaslik kerakligini, qaysilar ikkinchi darajali yoki kam ahamiyatli fikr ekanini aniqlaydilar. Asarning boshqa qismlari yuzasidan ham shunday ish olib boriladi va o'quvchilar asarni qisqartirib qayta hikoya qiladilar.

O'qilgan asarni qisqartirib hikoya qilishga 2-sinfdan boshlab o'rgatiladi. Tanlab hikoyalash ham bolalarning tafakkuri va nutqini o'stirish vositalaridan biridir. Tanlab hikoyalashda o'quvchi: 1) o'qilgan matndan bir qismini, uning chegarasini ongli ravishda ajratib so'zlab beradi; 2) hikoyadan faqat bir voqeani aytib beradi; 3) hikoya mazmunini faqat bir syujet yo'nalishida so'zlab beradi [3; 69 b.]. O'quvchilarda tanlab qayta hikoyalash malakasini hosil qilishga

boshlang'ich sinf izohli o'qish darslarida keng qo'llaniladigan metodik usullar yordam beradi: 1) hikoya qismiga chizilgan rasm asosida hikoyalash; 2) hikoyadagi bir voqeani tasvirlovchi rasm asosida hikoyalash; 3) tanlab qayta hikoyalashni talab etadigan savollarga javob berish. O'quvchi tanlab hikoya qilishga tayyorlanganda o'qilgan matn tahlil qiladi. Bunday tahlil bolalar tafakkurini, ular nutqidagi mustaqillikni o'stiradi va o'qilgan matn mazmunini o'zlashtirishga yordam beradi. Hikoyani o'qish bilan bog'liq holda o'tkaziladigan ijodiy ishlar ham o'quvchilar nutqini, tafakkurini o'stiradi. Bular: 1) ijodiy qayta hikoyalash; 2) inssenirovka qilish; 3) o'qilgan asarga rasm chizish; 4) hikoyani davom ettirish [4; 41b.].

Ijodiy qayta hikoyalashda o'qilgan hikoyaning sharoiti yoki shaklini o'zgartirib hikoya qilinadi. Bunda hikoyani yangi epizodlar bilan to'ldirib hikoya qilish ham mumkin. Inssenirovka yoki sahnalashtirishda o'quvchilar o'qilgan hikoyani sahnabop qilib o'zgartiradilar. Buning uchun ular hikoyaga senariy haqida, kostyum, qatnashuvchilarning imo-ishorasi haqida o'ylaydilar, monologik nutqni dialogik nutqqa aylantiradilar (bu tilni o'rgatish nuqtayi nazaridan eng muhim ish hisoblanadi). O'qilgan hikoyaga rasm chizishda o'quvchi rassomlar tomonidan chizilgan rasmlardan o'qilgan asarning mazmuniga mos rasm tanlaydi yoki o'zi rasm chizadi. Barcha o'quvchilar ham mohirona rasm chiza olmaydilar. Bunday hollarda quyidagicha yo'l tutiladi: agar o'quvchi rasmni yaxshi chiza olmasa, o'zi chizmoqchi bo'lgan rasmni og'zaki tasvirlab beradi, ya'ni so'z bilan chizadi. O'qilgan hikoyani davom ettirish usuli maktab tajribasida keng qo'llaniladi. Bu usul hikoyaning mazmuni uni davom ettirishga imkon beradigan asarlarda qo'llaniladi. Umuman olganda, boshlang'ich sinf o'qish darslarida o'quvchilar nutqi va tafakkurining rivojlanishiga katta ahamiyat qaratish o'ta muhim vazifa hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

4. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi Respublika ta'lim markazi "Umumiy o'rta ta'limning davlat ta'lim standarti va o'quv dasturi boshlang'ich ta'lim ona tili o'qish matematika tabiiyot (1-4-sinf)", — T., 2017-yil.
5. Qosimova K., Matjonov S., G'ulomova X., Yo'ldosheva Sh., Sariyev Sh. Ona tili o'qitish metodikasi. —T.: Noshir, 2009.
6. G'afforova T., G'ulomova X. 2-sinfda o'qish darslari. —T.:Sharq, 2003.
7. U.Masharipova va b. "Ona tili" 1-4-sinf o'qituvchilari uchun metodik qo'llanma.-T.: "Sharq", 2014.

PIRLS -- BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING O'QISH SAVODXONLIGINI OSHIRISHDAGI AHAMIYATI

S.M.Rasulova

Qashqadaryo VXTXQTMOHM

Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim kafedrasida o'qituvchisi

rasulova@gmail.com

"Odamlar qachonki o'qishdan to'xtashsa, tafakkur qilishdan to'xtashadi"

Deni Didro

Annotatsiya

Ushbu tezis boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini aniqlashda PIRLS Xalqaro baholash dasturi xususida bo'lib, unda PIRLS xalqaro tadqiqotining mazmun-mohiyati, o'qish savodxonligini baholashga oid asosiy tushunchalar hamda topshiriq keltirilgan.

Annotation

This thesis definition of elementary school students in reading literacy in PIRLS international assessment program, which PIRLS International Study in essence, to assess reading literacy, basic concepts and tasks

Аннотация

Этот тезис связан с Международной программой оценки PIRLS в области чтения в раннем детстве, в которой изложены основные концепции и задачи международной оценки грамотности PIRLS.

Fan-texnika taraqqiy etgan, axborot almashinuvi kuchaygan tezkor zamonda mamlakatimizning barcha sohalarida bo'lgani kabi ta'lim tizimida ham qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Shundan kelib chiqqan holda zamonaviy talablarni inobatga olingan holda umumiy o'rta ta'lim maktablari o'qituvchilarini qayta tayyorlash va malakasi oshirish bugungi kunning dolzarb vazifalaridan biri hisoblanadi. Mustaqillikning dastlabki yillaridayoq "Ta'lim to'g'risida"gi qonun va Kadrlar tayyorlash milliy dasturining qabul qilinishi ta'lim sohasida jiddiy qadam edi. Shuningdek, **Ta'lim sifati va samaradorligini oshirish yo'lida xorijiy ilg'or tajribalarni o'rganish, xalqaro standartlar talablarining joriy etilishi muhim ahamiyatga ega. Bu borada O'zbekiston Respublikasida**

qo'yilayotgan amaliy qadamlarga xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarning tashkil etilishi to'g'risida hukumat qarorining qabul qilinishi Ta'lim sohasidagi yutuqlarni baholash xalqaro assotsiatsiyasidek (IEA) nufuzli tashkilot bilan hamkorlik aloqalarining yo'lga qo'yilishini misol sifatida keltirish mumkin.

Qariyb 60 yildan ko'proq vaqt mobaynida IEA tashkiloti ta'limni qiyosiy o'rganish sohasida yetakchi tashkilot bo'lib kelmoqda. Mazkur tashkilot ta'lim tizimida davlat siyosati va amaliyotning ta'sirini chuqurroq o'rganish maqsadida ta'lim sohasida keng miqyosli tadqiqotlar olib boradi. Bu tadqiqotlar ta'lim jarayonlari va natijalarini ko'rib chiqib, ta'lim sifatiga ta'sir etuvchi o'zaro bog'liq omillarni qiyosiy tahlil qiladi. 1958-yildan buyon ushbu tashkilot ta'lim sohasiga oid ko'plab mavzular bo'yicha o'ttizdan ortiq qiyosiy tadqiqotlarini o'tkazdi. Jumladan, matematika va tabiiy fanlar (TIMSS), o'qish (PIRLS), fuqarolik va fuqarolik ta'limi (ICCS), kompyuter va axborot texnologiyalari bo'yicha savodxonlik (ICILS) kabi yo'nalishlarda o'quvchilarning bilim va ko'nikmalari, umuman olganda ta'lim olish jarayonida erishgan yutuqlarini baholab kelmoqda.

Ushbu xalqaro tadqiqotlardan PIRLS xususida ma'lumot beradigan bo'lsak, PIRLS - (*inglizcha – Progress in International Reading Literacy Study – matni o'qish va tushunish darajasini aniqlovchi xalqaro tadqiqot*) mazkur xalqaro tadqiqotning maqsadi turli xil ta'lim tizimidan iborat bo'lgan davlatlarni boshlang'ich maktab o'quvchilarining matni o'qish va qabul qilish bo'yicha tayyorgarligi hamda o'quvchilarning har xil yutuqlarga erishishga sabab bo'luvchi ta'lim tizimidagi o'ziga xos xususiyatlarni aniqlash va baholashdan iborat. Albatta bunday tadqiqot xalq ta'limi sohasidagi xodimlar, olimlar, metodistlar, o'qituvchilar, ota-onalar va jamoat vakillari uchun katta ahamiyatga egadir.

PIRLS tadqiqotida ishtirok etayotgan davlatlar dastlab o'z oldiga bir qator savollarga javob olishga harakat qiladi:

- boshlang'ich maktab bitiruvchilari boshqa mamlakatlardagi tengdoshlari bilan solishtirganda qanchalik yaxshi o'qiydilar?
- boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligi qanday darajalarga ega?
- o'qish holati so'nggi 5 yilga nisbatan yaxshilandimi?
- to'rtinchi sinf o'quvchilari o'qishni yoqtirishadimi?
- jamiyat asosi bo'lmish oila savodxonlikka qanday hissa qo'shadi?
- bugungi kun maktablarida "O'qish" fanini o'qitish jarayoni qanday tashkil etilgan?
- boshqa davlatlarga nisbatan "O'qish" fanini o'qitish jarayoniga ko'ra farqli xususiyatlar bormi?
- agar boshqa davlatlarga nisbatan farq qiladigan xususiyatlar bo'lsa, bu xususiyatlar qanday?
- turli davlatlarda faoliyat yuritayotgan boshlang'ich sinf o'qituvchilari tomonidan qo'llaniladigan o'qitish usullari hamda o'z mamlakatining boshlang'ich sinf o'qituvchilar tomonidan qo'llaniladigan o'qitish usullarini taqqoslash?

Bundan tashqari, PIRLS o'qish maqsadlarining har birida to'rtta keng tushunish jarayonini birlashtiradi. Bular: diqqatni jamlash va aniq ko'rsatilgan ma'lumotlarni topish, to'g'ridan to'g'ri xulosalar chiqarish, g'oyalar va axborotni talqin qilish va uyg'unlashtirish, kontent va matn elementlarini baholash va tanqid qilish. Yosh o'quvchi uchun o'qish savodxonligining har ikki maqsadi ham muhim hisoblanadi. Shuning uchun PIRLS har bir o'qish turini baholashda matnlarni teng bo'lishni asosiy maqsad qilib olgan.

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligi -- jamiyat tomonidan talab qilinadigan va inson tomonidan qadrlanadigan yozma til shakllarini tushunish va ulardan foydalanish, shuningdek, matnlardan turli shakllarda ma'no hosil qila olish qobiliyati ekan, bu borada qanday ishlarni amalga oshirmog'imiz lozim degan fikr uyg'onadi.

Buning uchun esa dars jarayonida boshlang'ich har bir o'qituvchi PIRLS tadqiqotining topshiriqlarini o'rgangan holda dars jarayoniga tatbiq etmog'i lozim. Quyida esa bir namuna sifatida Yozning issiq kunlari, quyosh tikka ko'tarilgan. Bepoyon, ko'm-ko'k dala ko'ksida yonayotgan quyosh shu'lasi laxcha cho'g' bo'lib, g'ozalar ustida tovlanib ko'rinadi. Murod bilan ikkimiz mayda-chuydani ko'tarib, katta yo'lning shimol tomonidagi yolg'izoyoq yo'ldan jo'nadik.

Ertalabki shirchoyni bobom bilan birga ichdik. O'rtog'imni hovli orqasidagi boqqa olib chiqdim. Bir tarafi gulzor, ikkinchi tomoni turli meva daraxtlari bilan to'lgan so'lim bog'dan sira chiqib ketgimiz kelmas edi. Oq olma, ko'ksulton rosa pishgan ekan, yeb turgan edik, birdan allaqanday hayvonning qichqirgani eshitildi. Murod taajjublanib atrofiga qaradi. Shu chog' bobomning bo'rsig'i esimga tushdi:

– Nimaning ovozi? – dedi o'rtog'im.

– Bobomning bo'rsig'i-ku!

– Rostdanmi? Qayerda – dedi hayron bo'lib Murod.

– Yur, ko'rsataman, – dedim-da, do'stimni boshlab, bog' etagidagi qafasda turgan bo'rsiq oldiga olib bordim. Qafasda turgan bo'rsiqni har tarafga sakratib, o'ynatib maza qildik. Shu chog' tog'am chaqirib qoldi. (G'ayratiy)

1-vazifa. Asardan parchani sekin, yarim ovozda o'qib chiqing. Hikoyada qahramonni hayratga solgan qanday hodisa yuz berdi?

a) g'aroyib qush uchib keldi;

*b) allaqanday hayvonning qichqirgani eshitildi;

v) qish keldi va tabiat o'zgacha tusga kirdi;

2-vazifa. Matndan tabiat tasvirini yorqin tasavvur etishga yordam beruvchi sifatlarni aniqlang? (Bepoyon, ko'm-ko'k, so'lim)

3-vazifa. Matndan o'xshatish va jonlantirishlar qo'llangan gaplarni toping. (Bepoyon, ko'm-ko'k dala ko'ksida yonayotgan quyosh shu'lasini laxcha cho'g' bo'lib, g'o'zalar ustida tovlanib ko'rinadi.)

4-vazifa. Mazkur matnning turini aniqlang.

a) mualliflik ertagi

*b) hikoya

v) ilmiy-ommabop maqola

O'quvchilarning o'qish savodxonligini rivojlantirishda dars va darsdan tashqari o'qish soatlarida, to'garak mashg'ulotlarida, takrorlash darslarida yuqorida qayd etilgan topshiriqqa o'xshash vazifalardan foydalanish muhim omil sanaladi.

Adabiyotlar:

6. O'zbekiston Respublikasining 1997 yil 29 avgustdagi «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni.
7. O'zbekiston Respublikasining 1997 yil 29 avgustdagi «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risida»gi Qonuni.
8. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 8 dekabrda «Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida»gi 997-sonli qarori
9. A. Ismailov, D. Norboyeva, K. Kucharova, Z. Kosimova, N. Aminova «Xalqaro tadqiqotlarda boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini baholash» – T.: 2019
10. Matchonov S. va boshqalar. 4-sinf O'qish darslari. –T.: O'qituvchi, 2017.

STEAM TEXNOLOGIYASI – KELAJAK TA'LIMI

*Tolipova Tursuntosh Samarqand VITXQTMOHM
Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim metodikalari
kafedrasini o'qituvchisi Asadova Fotima
Samarqand shahar 21- maktab o'qituvchisi*

Rezume. Ushbu maqolada STEAM texnologiyasi o'quvchilarda tanqidiy fikrlash, tadqiqot qobiliyatlari va guruhda ishlash ko'nikmalarini rivojlantirish vositasi sifatida bir nechta fan sohalarini birlashtirgan yangi o'quv texnologiyasi ekanligi haqida fikrlar bildirilgan. Shuningdek muammolarni keng qamrovli tushunish, ijodiy fikrlash, muhandislik yondashuv, tanqidiy fikrlash, ilmiy metodlarni tushunish va qo'llash, dizayn asoslarini tushunish kabi qobiliyatlarni rivojlantirish masalalari yoritilgan.

Tayanch so'zlar: texnologiya, elektron muhandislik, matematika, san'at rasm, arxitektura, haykaltaroshlik, musiqa, she'riyatni tushunish.

Резюме. В данной статье выражена мысль о технологии STEAM который является новой учебной технологией, объединяющей несколько областей науки как средство развивающее навыков критического мышления, исследования и работы в группе. А также обсуждаются вопросы развития навыков как восприятие проблем, творческое и критическое мышление, применение научных методов и знаний основ дизайна.

Ключевые слова. Технология, электронная инженерия, математика, искусство, рисование, архитектура, скульптура, музыка, поэзия.

Summary. This article about the STEAM training technology which unites the several branches of science. It means for developing skills such as critical thinking, creative thinking, researching skills, working in group, understanding problems, application of scientific methods, engineering approach, knowledge of basic design.

Tags. Technology, electronic engineering, maths, art, painting, architecture, sculpture, music, poetry.

Ta'lim sifatiga erishish va rivojlantirish, maktab o'quvchilarining kasbiy mahoratini doimiy va uzluksiz ravishda oshirib borishni talab etadi. Ta'lim muassasalarida pedagoglar kasbiy mahoratida va bilimdagi bo'shliqlarni to'ldirib boruvchi, amaliy faoliyatlariga ijodiy yondashuvni rivojlantiruvchi metodik muhitni yaratish muhim ahamiyatga ega.

Bugungi kunda bunday yondashuv STEAM deb atalib, bu taniqli STEM qisqartmasining rivojlanishi bo'lib, san'at bundan mustasno.

STEAM - bu tanqidiy fikrlash, tadqiqot qobiliyatlari va guruhda ishlash ko'nikmalarini rivojlantirish vositasi sifatida bir nechta fan sohalarini birlashtirgan yangi o'quv texnologiyasi.

San'atning qo'shilishi loyihada ishtirok etadigan o'quvchilar tarkibini kengaytirishga imkon beradi, shuning uchun dizayn va matematikada aniq qobiliyatlarga ega bo'lmagan bolalar loyihani estetik jihatdan amalga oshirishda guruhga yordam berishlari mumkin.

STEAM o'quv rejasi o'quvchilarga fanlararo va amaliy yondashuvdan foydalangan holda o'qitish g'oyasiga asoslangan. Beshta fanning har birini alohida o'rganish o'rniga STEAM ularni yagona o'quv sxemasiga birlashtiradi.

STEAM ta'limi ilmiy usullardan, texnik qo'llanmalardan, matematik modellashtirish va muhandislik dizaynidan foydalanishga imkon beradi. Bu o'quvchining innovatsion fikrlash, XXI asrning qobiliyatlari, ko'nikmalarini shakllantirishga olib keladi.

O'qituvchilarning fikriga ko'ra, integratsiya ko'pgina kasblarda muvaffaqiyatga erishishga imkon beradi. Deyarli barcha mutaxassislarning ta'kidlashicha, ilg'or texnologiyalar o'rganish uchun g'ayratni oshiradi va dizayn va dasturlash sohasidagi asosiy bilimlarni kengaytiradi.

STEAM o'qitish - bu bolalarimizning mahoratini yangi bosqichga ko'tarish imkonini beradigan innovatsion usul. Uning yordami bilan biz iqtisodiy jihatdan mustaqil va raqobatbardosh mamlakat bo'lishimizga imkon beradigan ilg'or kadrlar bazasini shakllantirishimiz mumkin.

STEAM ta'limining afzalliklari:

- fanlar bo'yicha emas, balki mavzular bo'yicha integratsiyalashgan mashg'ulotlar;
- ilmiy va texnik bilimlarni real hayotda qo'llash;
- tanqidiy fikrlash ko'nikmalarini rivojlantirish va muammolarni hal qilish;
- o'ziga ishonchni shakllantirish;
- faol aloqa va jamoada ishlash;
- texnik fanlarga qiziqishni rivojlantirish;
- loyihalarga ijodiy va innovatsion yondashuvlar;
- har bir bolaning yoshi va individual xususiyatlarini hisobga olgan holda bolalar faoliyati orqali texnik ijodkorlik motivatsiyasini rivojlantirish;
- dastlabki kasbiy rahbarlik.
- bolalarni hayotdagi texnologik yangiliklarga tayyorlash;
- STEAM, asosiy ta'lim dasturining majburiy qismiga qo'shimcha.

Texnologiyaning jadal rivojlanishi kelajakda yuqori texnologiyalar bilan bog'liq eng mashhur kasblar: IT mutaxassislari, katta ma'lumot muhandislari, dasturchilar bo'lishiga olib keladi. Ta'lim tizimi robototexnika, dasturlash, modellashtirish doiralari bilan bog'liq bo'lishi bilan bunday ijtimoiy talabga javob beradi. Biroq, ilmiy va texnik bilimlarning tanqisligi haqidagi fikr tobora ko'proq eshitilmoqda. Kelajakda qisman 4K deb nomlanadigan XXI asrning ko'nikmalari talabga ega bo'ladi.

XXI asrning ko'nikmalari bu alohida sohadir, hozir u turli darajalarda faol muhokama qilinmoqda. Kontseptsiyaning mohiyati shundan iboratki, sanoat davrida savodxonlikni belgilovchi asosiy ko'nikmalar o'qish, yozish va arifmetika edi. XXI asrda urg'u tanqidiy fikrlash qobiliyatiga, o'zaro ta'sir o'tkazish va muloqot qilish qobiliyatiga, biznesga ijodiy yondoshishga yo'naltirilgan. Shunday qilib, kelajakdagi 4K asosiy ko'nikmalari shakllandi:

- Aloqa
- Hamkorlik
- Tanqidiy fikrlash
- Ijodkorlik

Ushbu ko'nikmalarni faqat laboratoriyalarda yoki ma'lum matematik algoritmlarni bilish orqali olish mumkin emas. Shuning uchun mutaxassislar STEAM fanlarini tobora ko'proq o'rganishlari kerak, degan xulosaga keldilar. Demak, STEAM (S-fan, T-texnologiya, E-muhandislik, A-san'at, M-matematika) - ilm-fan, texnologiya, muhandislik, san'at va matematikani birlashtiruvchi zamonaviy yondashuv.

Bu yondashuv kelajakda bolalarda hayotiy muammolarni hal etishda yordam beradi. Ko'pgina rivojlangan davlatlarda, jumladan AQSH, Yaponiya, Izrail, Singapur, Rossiyada maktabgacha ta'lim muassalarida bolalarni ijodiy va ixtirochilik qobiliyatlarini rivojlantirish maqsadida mazkur yondashuv metodlaridan samarali foydalanib kelinmoqda.

O'z-o'ziga ishonchni shakllantirish. Bu yondashuvda bolalar o'z qo'llari bilan yaratgan ko'prik va yo'llar, samolyotlar va avtomobillarni "ishga tushirib", suv osti va havo tuzilmalarini "rivojlantirib", sinovdan o'tkazib, har safar ular maqsadga yaqinlashib borishadi. Yaxshi natija bermagan "mahsulot"ni qayta-qayta sinovdan o'tkazib, takomillashtirib borishadi. Natijada barcha muammolarni o'zi hal qilish, maqsadga erishish bolalar uchun ilhom, g'alaba, adrenalin va quvonch olib keladi. Har bir g'alaba, o'zlarining qobiliyatlariga ko'proq ishonch uyg'otadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Sh. M. Mirziyoyev. Milliy taraqqiyot yo'limizni qa'tiyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. –T.: O'zbekiston.2017-yil.
2. O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi. Toshkent 2019.
3. Kompetensiyaviy yondashuv asosidagi o'quv dasturi va DTS. Toshkent 2017.
4. www.pedagog.uz

STEAM TA'LIMI NIMA?

*Tashbayeva Umida Amanovna
SirdaryoVXTB tasarrufidagi 1-sonli viloyat Xorijiy
tillarga ixtisoslashgan maktabi internati*

Bugungi kunda STEAM (S - science, T - technology, E - engineering, A - art, M - mathematics, ya'ni tabiiy fanlar, texnologiya, muhandislik, san'at, matematika) jahon ta'limining asosiy yo'nalishlaridan biriga aylangani bejiz emas. STEAM ta'limi o'quvchilarga fanlararo va amaliy yondashuv yordamida bilim berish tamoyiliga asoslanadi. Sodaroq aytganda, beshta fanning har birini alohida-alohida o'rganishdan ko'ra, ular yagona o'quv dasturiga uyg'unlashtiriladi.

AQSh ta'lim departamenti ma'lumotlariga ko'ra, o'rta maktab o'quvchilarining faqat 16 foizi ko'proq matematika bo'yicha bilim olishga qiziqadi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining qariyb 28 foizi STEAM tarkibidagi muayyan bir fanga qiziqish bildirmoqda. Afsuski, ulaming 57 foizida maktabni tugatgan keyin bu qiziqish susayadi va yo'qoladi.

Keng miqyosda tahlil etadigan bo'lsak, pedagoglar mahorati, o'quvchilar motivatsiyasi va ta'lim sifatining yomonlashuvi tobora global muammoga aylanmoqda. Bugungi bozor iqtisodiyoti sharoitida ish beruvchilar professional mutaxassislarga mehnati uchun haq to'lashga tayyor. Biroq o'quvchi yo talabalar ularni va asosiy etib belgilangan fanlarni o'qishni xohlamasa-chi? Ular ham ixtiyoriy tanlov huquqiga ega emasmi?

Shu nuqtayi nazardan qaraganda, yuqori texnologiyalar ishlab chiqarish rivojlangan mamlakatlarda STEAM ta'limi yoki YITI (yoshlarning ilmiy-texnik ijodkorligi) alohida ustuvorlikka ega. Bu davlat tomonidan texnologik taraqqiyot va innovatsion iqtisodiyotning jadal o'sishi sharoitida ilmiy-muhandis kadrlarga bo'lgan favqulodda ehtiyoj, malakali kadrlar yetishmovchiligini boshdan kechirayotgan IT kompaniyalari uchun eng maqbul usul sifatida e'tirof etilgan.

Ko'plab mamlakatlarda STEAM ta'limi quyidagi sabablarga ko'ra ustuvor hisoblanadi:

- Yaqin kelajakda dunyoda IT-mutaxassislilar, dasturchilar, muhandislar, yuqori texnologiyalar ishlab chiqarish sohasi xodimlari sezilarli tarzda yetishmaydi.
- Uzoq kelajakda kasb qirralarini tasavvur qilish qiyin, ular tabiiy fanlar va yuqori texnologiyalar ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'ladi. Bio va nanotexnologiyalar bo'yicha mutaxassislarga talab ortadi.
- Bo'lajak mutaxassislardan tabiiy fanlar, muhandislik va texnologiyaning turli ta'lim sohalari bo'yicha kompleks bilimlar talab etiladi.

Ayni paytda Avstraliya, Xitoy, Buyuk Britaniya, Isroil, Janubiy Koreya, Singapur, AQSh kabi ko'plab davlatlarda STEAM ta'limi bo'yicha davlat dasturlari izchil amalga oshirilmoqda. Xususan, Rossiyada bu masala e'tibor markazida — Texnik ta'limni qo'llab-quvvatlash markazi orqali yoshlarni muhandislik va robot yaratishga jalb etish masalasi qisman hal etilmoqda. Qozog'istondagi umumta'lim maktablarida bu boradagi islohotlar 2015-yildan beri amalga oshirilmoqda.

Joriy yilda Isroilda pilot-imtihon tashabbusi boshlandi. Maktabni bitirganidan so'ng o'quvchi majburiy tadqiqot ishini olib boradi. O'quvchilarga ushbu ilmiy ishni amalga oshirishi uchun oliy o'quv yurtlari o'qituvchisi yoki fan nomzodi (PhD) rahbar etib tayinlandi. Bundan tashqari, joriy yilda yaratilgan yangi milliy ta'lim dasturiga ko'ra, o'quvchilarning 70 foizi an'anaviy ravishda o'qiydi, 30 foiz hajmda tadqiqotga yo'naltiriladi. Bunda bola huquqshunos yoki iqtisodchi bo'lmasa ham, zamonaviy ilm, kashfiyot yo'lidan boradi yoki dasturlash orqali kasb-korga layoqati bilan o'z sohasini rivojlantiradi.

STEAM an'anaviy fanlarni o'qitish va matematika ta'limidan farqli o'laroq, aralashgan o'quv muhitini nazarda tutib, o'quvchilarga ilmiy metodning kundalik hayotda qanday qo'llanishi mumkinligini ko'rsatadi. STEAM maktabda, maktabdan tashqarida loyihaviy va o'quv-tadqiqot faoliyatini amaliyotga tatbiq etish yo'nalishlaridan biri hisoblanadi.

Hammasi yangicha — eskisini esdan chiqarish yaxshimi?

STEAM ta'limi dasturiga ko'ra, o'quvchilar fizika va matematikadan tashqari, robototexnika, dasturlash, o'z robotlarini loyihalashni o'rganadi. Mashg'ulotlarda 3D-printerlar, vizualizatsiya uskunalari singari maxsus texnologik laboratoriya va o'quv jihozlaridan foydalaniladi. Shuni aytish joizki, STEAM ta'limining shakli sinfda bolalarni kasb-hunarga o'rgatishning eski an'anaviy yondashuvlariga asoslangan bo'lib, faqat o'qitish usullari va vositalari o'zgaradi xolos. Shu tariqa yangi formatdagi bilimlar o'quvchilarning tafakkur ufqlarini kengaytirishga xizmat qiladi.

Darsda maktab o'quvchilari o'z tabiiy istaklarini qat'iy rivojlantirish, kelajakda istalgan fanni o'rganishda foydasi tegadigan ilmiy tadqiqot qobiliyatini egallash imkoniyatiga ega bo'ladi.

2014-yili Quddusda bo'lib o'tgan "STEAM forward" xalqaro konferensiyasida quyidagi xulosalar keltirilgan:

- Bolalarni STEAMga jalb qilish maktabgacha yoshdan boshlanishi kerak.
- Ilm tili ingliz tilidir (Nobel mukofoti laureatlari ham shu tilda gaplashadi). Muhim ilmiy manbalarning aksariyati ingliz tilida. Agar fanni o'rganish va olim bo'lishni istasangiz, ushbu tilni bilish kerak.
- Qizlar uchun STEAM ta'limi dasturiga muhtojmiz. Qizlarning tartiblilik va ilmiy ma'lumotlar bilan ishlashga nisbatan moyilligi ustunroq bo'lgani bois, bolalar qila olmaydigan narsalarni yaratishi mumkin,

ammo ular to'g'ri o'qitilishi zarur.

- Ilm-fanda chegara yo'qligiga qaramay, davlatning ilmiy salohiyat imijini yaxshilaydigan malakali mutaxassislar yetishtirish muhimdir. STEAM-ta'limini vatanparvarlik va o'z mamlakatini sevish uchun ham tatbiq etish lozim.

- Ilm insonni mustaqil hayotga tayyorlashga yo'llovchi bayram bo'lishi kerak, fanga qiziqish, uni butunlay qamrab olishga intilish kerak.

Hozirgi vaqtda investorlar, yirik ishbilarmon doiralarning ilm-fan va innovatsion loyihalarga, start-uplarga qiziqishi ortmoqda. Kelgusida ko'pgina ijobiy o'zgarishlar yuzaga kelishi uchun STEAM-markazlari yaratish, umumta'lim maktablarida dasturlash asoslarini o'z ichiga olgan informatika faniga robototexnikani integratsiyalash va mavjud tajribani o'qituvchilarning imkoniyatidan kelib chiqib rivojlantirish kerak.

O'QUVCHILARNING O'QISH DARSLARI VOSITASIDA KITOBXONLIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHDA PIRLS XALQARO TADQIQOTLARNING AHAMIYATI

To'qliyeva Matluba Boqiyevna QVXTXQTMOHM Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim kafedrası o'qituvchisi

Kalit so'zlar: innovatsion, PIRLS, texnologiya, ekspertiza, monitoring, ma'naviyat, vatanparvarlik

Ключевые слова: Инновационный, PIRLS, технология, эксперт, мониторинг, духовность, патриотизм

Key words: Innovation, PIRLS, technology, expertise, monitoring, spiritual life, patriotism

Mamlakatimiz innovatsion taraqqiyot yo'lida shiddat bilan rivojlanib borayotgan bir davrda kelajagimiz davomchilari bo'lgan yoshlarning ijodiy g'oyalari va ijodkorligini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish hamda ilg'or xorijiy tajribalar, xalqaro mezon va talablar asosida baholash tizimini takomillashtirish, shu yo'lda xalqaro tajribalarni o'rganish, mavjud tizimni har tomonlama qiyosiy tahlil qilish, tegishli yo'nalishdagi xalqaro va xorijiy tashkilotlar, ilmiy tadqiqot muassasalari bilan yaqindan hamkorlik qilish muhim ahamiyatga egadir.

PIRLS – boshlang'ich sinf o'quvchilarining matni o'qib tushunish darajasini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqot dasturidir. Boshqacha qilib aytganda, boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qib tushunish ko'nikmalarini qay darajada rivojlanganligi haqidagi ma'lumotlarni xalqaro miqyosda taqqoslash imkonini beradigan, o'qish va o'qitishni yaxshilash uchun ta'lim sohasidagi davlat siyosatiga oid ma'lumotlarni taqdim etadigan yirik xalqaro baholash dasturidir. Shuningdek, PIRLS, yosh o'quvchilar tomonidan maktabda va maktabdan tashqarida ta'lim olishning katta qismini tashkil etuvchi, ya'ni badiiy tajriba orttirish, ma'lumot olish va undan foydalanish ko'nikmalarini baholash kabi ikkita keng qamrovli maqsadlarni ifodalaydi. Yana shuni aytish mumkinki, ushbu dastur zamon bilan hamnafas qadam tashlaydi hamda o'zining baholash mezonlarini zamonaviy talablarga muvofiq ravishda takomillashtirib boradi. Bunga misol sifatida, 2021-yilda o'tkaziladigan tadqiqotda o'quvchilarga birinchi marta raqamli formatdagi topshiriqlarni taqdim etishni rejalashtirganini aytish o'rinlidir. Raqamli formatga o'tish bilan birga, internet muhitida boshqariladigan ePIRLS onlayn o'qishni kompyuterda baholash kabi o'zgarishlar ham ko'zda tutilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 29-apreldagi «O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida»gi 5712-son Farmonida 2030-yilga kelib PISA xalqaro dasturi reytingida jahonning birinchi 30 ta ilg'or mamlakatlari qatoriga kirishiga erishish hamda xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish asosida o'quvchilarning o'qish, matematika va tabiiy yo'nalishdagi fanlardan savodxonlik darajasini baholashga yo'naltirilgan ta'lim sifatini baholashning milliy tizimini yaratish vazifalari belgilangan.

O'zbekiston Respublikasining “Ta'lim to'g'risida”gi Qonuni va “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi”da ham ma'naviy-axloqiy tarbiyaga alohida e'tibor qaratilgan: “Yosh avlodni ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda xalqning boy milliy madaniy-tarixiy an'alariga, urf-odatlarini hamda umumbashariy qadriyatlarga asoslangan samarali tashkiliy, pedagogik shakl va vositalari ishlab chiqilib, amaliyotga joriy etiladi. Shaxsni tarbiyalash va uni har tomonlama kamol toptirishning ustuvorligi ta'minlanadi,” – deb alohida ko'rsatib o'tilgan.

Mazkur muammo xalq pedagogikasi, islomiy adabiyotlar, buyuk mutafakkirlarning ta'limotlarida aqliy tarbiya, bilim olish bilan bog'langan holda talqin etilgan. Abu Nasr Forobiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino, Yusuf xos Hojib, Kaykovus, Ahmad Yugnakiy, Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, Husayin Voiz Koshifiy, Zahiriddin Muhammad Bobur, keyinroq esa Abdulla Avloniy, Abdurauf Fitrat va boshqalarning ta'limiy-axloqiy qarashlarida kitob va uning ilm olishdagi o'rni haqidagi fikrlari bunga yaqqol dalil bo'la oladi. Kitobxonlik insonni ma'naviy boyitib, uni ma'rifiy kamolot sari etklaydi. Zero, insonning shaxs sifatida shakllanishi ma'naviy tafakkur ilganining qanchalik chuqur va mustahkamligiga bog'liq. Kitob yosh avlodga ta'sir etishning eng qulay vositasidir, u inson his-tuyg'usiga, axloqiga, hatti-harakatiga, dunyoqarashiga ta'sir etadi, ayniqsa, o'quvchi yoshida, ya'ni uning

shakllanish davrida alohida mavqega ega. Badiiy adabiyot, turli fanlarga doir qiziqarli kitoblar, lug'atlar, ma'lumotnomalar bolalar ma'naviyatini shakllantirishga asos bo'lib xizmat qiladi.

O'quvchilar ma'naviyati tadrijiy rivojlanib boruvchi faol jarayon. Shu sababli o'qituvchilar va ota-onalar kitobdan foydalanishda quyidagi omillarga e'tibor berishlari lozim:

1.O'quvchilarda kitob o'qish ishtiyoqini hosil qilish. Bu masala nihoyatda murakkab bo'lib, o'quvchilarning kitobxonlikka bo'lgan munosabatini belgilaydi. Tan olish kerak, o'quvchilarning bugungi kitobxonlik darajasi qoniqarli emas. Bu ijtimoiy muammodan chiqib ketishning yagona yo'li ota-onaning yordamga kelishidir. Maktabda o'qituvchi, uyda ota-ona bolada kitob o'qish ko'nikmasini hosil qilishi kerak. Bunda oddiydan murakkablikka, ya'ni murakkabligi jihatidan normal, bolaning kamolot darajasiga mos bo'lgan kitoblar tanlash qo'l keladi. Sharq mutafakkirlarining tajribasiga ko'ra, kitobxon (o'quvchi) qaysi mavzuga qiziqsa shu mavzudagi kitobni taqdim qilish kerak.

2.Kitob tanlashda o'quvchining ma'naviy darajasini hisobga olish lozim. Ota-onaning o'quvchida kitob o'qish ko'nikmasini hosil qilishdagi ilk vazifasi kitob tanlab berishdir. Ularning saviyasiga mos bo'lgan adabiyotlarni keng targ'ib qilish o'quvchilarni jamiyatning munosib fuqarosi, mustaqil davlatimizning yetuk, barkamol insonlari bo'lib etishishi uchun va ma'naviyatining yuksakligi bilan oilasiga va jamiyatga foyda keltirishga olib keladi. Kitob tanlashda kitobxonning (o'quvchining) ma'naviy darajasini hisobga olish birmuncha murakkab omildir. Kitob tanlashda o'quvchining ma'naviy darajasiga tayanish uning intellektual o'sishiga olib keladi

3.Kitob tanlashga ixtisoslashish. O'qituvchi, ota-ona o'quvchini kitobxonga aylantirib borishda uni ixtisoslashtirib borish yo'lini tutishi kerak. Bu borada ham eski texnologiya – o'quvchi yuqori sinfga o'tganda ixtisoslashtirish kerak, degan fikrdan voz kechish lozim.Aksincha, dastlabki (boshlang'ich) bosqichlardanoq o'quvchining ma'naviy dunyosi, tarbiya muhiti, qiziqishi, dunyoqarashi va psixologik xususiyatlari hisobga olinib, ixtisoslashtirilib borilishi kerak

4.Kitobni ekspertizadan o'tkazish. Jamiyatimiz erkinlashib, demokratlashib borgan sari kitob nashr etish ishlarida ham erkinlik yuzaga kela boshladi. Tabiiyki, bu hol turli saviyadagi kitoblarning nashr etilishiga sabab bo'lmoqda. Shu ma'noda o'qituvchi va ota-ona bola uchun kitob tanlayotganida kitobning ma'no-mazmuni, uslubiy jihatdan mutaxassis ko'rigidan o'tkazib olishi maqsadga muvofiq. Bunday qilish tarbiyaning asosiy yo'nalishlaridan chalg'imaslikka, o'quvchi ma'naviy dunyosining to'g'ri shakllanishiga va qo'yilgan maqsadga etishishiga olib keladi. Bu tajriba o'zbek milliy pedagogikasi tajribasidan ham ma'lum. Ular talabga javob bermaydigan kitobni o'z farzanganga o'qishni qat'iy taqiqladi. Bugun ham bu tarbiya jihati muhim sanaladi.

5.Kitob o'qishni kuzatib, nazorat qilib borish. Bugun o'qituvchi va ota-onalar tarbiya jarayonining natijasi bo'lgan kitobxonlik bilan ko'proq qiziqishi kerak. Shu ma'noda o'quvchilar kitobxonligini monitoring qilib borish maqsadga etishning samarali jihatlaridan biridir.

Monitoring, kitobxonlik yuzasidan test sinovlari, kitobxonlik kechalari, muloqot, davra suhbatlari, turli mavzularda munozaralar, ilmiy-amaliy anjumanlar, suhbatlar, sotsiologik-empirik tadqiqotlar va analitik tekshiruvlar vositasida amalga oshirilishi mumkin. Kitob o'qishni monitoring qilib borishda xorij tajribalariga moslanish yanada maqsadga muvofiqdir.

O'quvchilar ma'naviy madaniyatini shakllantirishda kitob kuchli vosita bo'la oladi. Kitob mutolaasidan o'tgan inson, undan o'ziga xulosa chiqaradi. Natijada o'z bilimini, dunyoqarashini kengaytiradi. Bilimli, savodli, madaniyatli, jismonan baquvvat, ma'naviy etuk, ruhan tetik va e'tiqogan mustahkam inson bo'lib yetishadi.

Ertaklar qadim-qadimdan oila muhitida tarbiya manbai bo'lgan. Ertaklarda xalq donishmandligi, baxt va tinchlik, mehnatsevarlik, insonparvarlikg'oyalari ifodalangan. Masalan, "Uch og'a-ini botirlar" ota nasihati bilan boshlanadi. U o'g'illariga "To'g'ri bo'ling – bexavotir bo'lasiz, maqtanchoq bo'lmang - xijolat tortmaysiz, dangasa bo'lmang - baxtsiz bo'lmaysiz", - deydi. Ertakdagi nasihat ideal axloqni belgilaydi.2-sinfda o'quvchilar mustaqil o'qish jarayonida kitob vositasida badiiy asarda tasvirlangan voqea-hodisalarning qahramonlar hatti-harakati bilan uzviy aloqadorligi, ularning etakchi fazilatlarini anglash orqali ma'naviy boyib borishi namoyon bo'lgan.3-sinfda she'riy asarlarning estetik qimmatini, obrazli ifoda usullarini bilishi,4-sinfda esa barkamol shaxs hissiyatini shakllantirishda badiiy so'zning o'rni, uning ma'naviyatining ruhiy qirralarini ezgulik sari yo'nalshtirish asosiy maqsad qilib olingan.

Kitobxonlik vositasida o'quvchilar ma'naviyatining shakllanganlik darajasi ularning bilim olishga intilishi, mustaqil fikrlash va ijodkorlik xislatlarining tarkib topishi, vatanparvarlik tushunchasini chuqur idrok etishi, yuksak axloqiy xislatlari, adabiyot va san'atga munosabati, tabiat va inson munosabatlarini tushinishi, huquqiy burch va ma'suliyatni anglab etishi, milliy va umuminsoniy qadriyatlariga hurmat kabilarda namoyon bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Davlat, jamiyat, oila va yoshlar tarbiyasi muammolari: (“Davlat jamiyat, oila va yoshlar tarbiyasi muammolari”). Respublika konferentsiyasi materiallari. – Toshkent: O‘zbekiston, 1997.
2. Nishonova S. Ta’lim samaradorligini oshirishda ma’rifiy merosimizdan foydalanish. // Til va adabiyot ta’limi.
3. Sharofuddinov O. Kitobsiz yashab bo‘lmas. O‘zAS, 1999. 24 sentyabr.
4. Shodmonova Sh.S. Oilada va maktabda kichik maktab yoshidagi bolalarni milliy qadriyatlar asosida axloqiy tarbiyalashning pedagogik asoslari: p.f.n. ... yozilgan diss. avtoreferati. – Toshkent, 2001.

МАТЕМАТИКА ҲАМДА ФИЗИКА ФАНЛАРИНИ ИНТЕГРАЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЙЎЛЛАРИ

*Бобоева Зиннат Сурдарё вилоят Гулистон шаҳар 11-сонли умум таълим
мактаби олий тоифали математика ўқитувчиси.
e-mail: odaminov@gmail.com*

Давлат ва жамиятнинг эртанги кунини, келажagini бугунги мактаб даргоҳида тахсил олаётган ўқувчилар белгилаб беради. Шундай экан Бугун биз кимларга қандай шароитда, қанақанги усуллардан фойдаланган ҳолатда таълим бериб келмоқдамиз.

Замонавий таълим тизими ўқувчи дунёқараши, тасаввурни кенгайтириб, юксак билимли, интеллектуал ривожланган шахсни шакллантиришга қаратилган бўлиб, эртанги кунда жамиятда фарзандларимизнинг муносиб ўрнини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги “Президент мактаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорлари ҳамда бир қатор таълим тўғрисидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ, умумтаълим фанларини ўқитишнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълим беришнинг замонавий методологиясини яратиш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш долзарб масала сифатида қаралмоқда. Буларни амалга оширишда фанлараро, мавзулараро, таълим соҳалариаро интеграцияга асосий эътибор қаратилмоқда.

Таълим жараёнини интегратив дастурлар ва дарсликлар асосида ташкил этиш орқали ўқув-билув жараёни натижасида самарадорликка эришиш назарда тутилган экан, бунда интеграциянинг турли даражаларидан фойдаланиш мақсадида мувофиқдир. Масалан,

1. Мавзуларни кетма-кет тақдим этиш асосидаги интеграция; бунда ўқув материалларини баён қилишда кетма-кетлик принципига амал қилинади, яъни олдинги ўқув материали кейингисини тўлдиради. Лекин ҳеч қачон бир-бирини такрорламайди. Бундай интегратив натижасида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда ижодий фаолиятлари мунтазам равишда ривожланиб, бойиб боради.

2. Ўқув дастурларида ўзаро уйғунлашган нукталарни вужудга келтиришга асосланган интеграция; бунда ҳам такрор тарзда бериладиган ўқув материалларининг олдини олиш учун дастурларда мавзулараро уйғунликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, 9-синфда функция ҳақида «Алгебра», «Физика», «Кимё» дарсликларидан турли ҳилдаги, аммо моҳияти ва маълумот бериш даражаси бир хил бўлган матнлар ўрнига фақат «Алгебра» дарслигининг ўзида функциянинг барча хусусиятларини очиқ бера оладиган илмий матриаллар, диаграмма ва графикни бериш мақсадга мувофиқдир. Бунинг афзаллиги шундаки, ўқувчининг вақти ва кучи тежаллади, дарсликларнинг ҳажми ихчамлашади ва таннархи арзонлашади.

3. Модуллашган интеграция; бундай интеграция доирасида турдош ўқув фанларига оид билим ва тушунчалар бир тизимга солинган ҳолда, узвий тарзда ўқувчиларга тақдим этилади. Чунончи, аниқ фанлар блокида «Математика», «Алгебра», «Геометрия» ва «Чизмачилик» ка оид билим ва тушунчалар муайян бир тизимга солинади ва айни бир мавзу мазкур тизим доирасида ўқувчига бир марта, аммо узвий тарзда тақдим этилади.

4. Интегратив дастурлар; ушбу типдаги дастурлар бир неча ўқув предмети ёки ўқув фанларига оид мавзуларни уйғунлаштиришган ҳолда тақдим этишни назарда тутлади. Бугунги кунга келиб ўқув режасида ўқув предметларининг сони максимум кўпайиб кетганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай типдаги дастурлар яратишга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

5. Мавзулараро интеграция; бунда айни бир курс доирасида бериладиган ўқув материаллари бошқа бир курс доирасидаги моҳиятан яқин бўлган ўқув материаллари билан уйғунлаштирилади. Масалан, математик мулоқот маданиятини шакллантиришга оид машқларни «Она тили» дарсликларидан бериш мумкин.

Интеграциянинг у ёки бу даражасини таълим жараёнида қўллаш натижасида ўқувчининг вақти ва кучи тежаллади, унинг билиш имкониятлари кенгайди. Ота-оналарнинг ҳамда давлатнинг ўқиш жараёнига сарфлайдиган маблағини иқтисод қилиш имконияти вужудга келади; мавзулараро интеграция асосида ўқув-билув жараёни натижаларини истиқболлик қилиш механизмлари яратилади; интеграциялаштирилган

таълим жараёнини бошқарадиган ўқитувчиларини тайёрлаш ва малакасини оширишни йўлга қўйиш учун ҳукукий методик имкониятлар яратилади; интеграл дастурлар асосида ўқув-билув жараёнининг иқтисодий жиҳатдан самарадорлик даражаси аниқланади; ўқув-билув жараёнини интеграл дастурлар асосида ташкил этиш соҳасидаги халқаро тажрибалардан кенг фойдаланиш учун қулай имкониятлар туғилади.

Бизга маълумки математикада мисол ва масалалар абстрактлаштирилган ҳолда қаралади. Физика дарсларида табиат билан уйғунлашгана ҳолда ўрганилади. Масалан: физика дарсларида Модда тузилиши ҳақида дастлабки маълумотлар берилиши, ўқувчиларнинг теварак-атрофдаги моддалар, уларнинг тузилиши ва хусусиятлари, модда тузилиши дискретлиги, модданинг турли агрегат ҳолатлари, ҳар бир агрегат ҳолатдаги модданинг хоссалари, берилган хоссага қўра янги материаллар ҳосил қилиш кабилар билан танишишлари ўзларини ўраб турган олам тузилишини аниқлашда муҳим босқич ҳисобланади.

Ўқувчилар физика дарсларида тенгламалар тузиб ечишга қийналадилар. Бундай вазиятнинг олдини олиш мақсадида математика дарсларида айнан физикавий воқелик натижаси бўлган тенгламаларни ечиш, шу билан бир қаторда ҳарфий белгилашларда узвийликни таъминлаш керак.

Физика ўқитишда вектор ва скаляр катталиклар кўп ишлатилади. Физика фанидаги функционал боғланиш, квадрат тенглама, лимит, ҳосила тушунчаси кейинроқ ўтилади.

Функционал боғланиш физикада кенг ишлатиладиган муносабат. Функция тушунчаси, унинг графиги, икки воқелик, тўплам орасидаги муносабат, мослик, унинг хоссалари кабиларни яхши ўзлаштирган ўқувчи физикадаги функционал боғланишларни тез англайди ва физик муносабатларни пухта ўрганади. “Текис тўғри ҳаракат”(7-синф) мавзусини ўрганишда ўқувчиларнинг математикадан ўтилган чизиқли функция тушунчаси (7-синф), унинг графигини ($F=kx+b$) билиши тўғри текис ҳаракат тушунчасини ўзлаштиришда асқотади. Бунда унинг чизиқли функция қонуниятларига бўйсиниши ўргатилади.

1- масала:

Агар ўқувчининг ўртача тезлиги 1 м/с, уйдан мактабгача бўлган масофа 600 м бўлса, у мактабга 750да етиб бориши учун уйдан соат нечада чиқиши керак?

№4 Берилган:	Формула:	Ечилиши:
$g_{yp} = 1 \frac{m}{s}$ $s = 600m$ $t_2 = 7^{50} \text{соатда}$	$g_{yp} = \frac{s}{t}$ $t = \frac{s}{g_{o'r}}$	$t = \frac{600m}{1 \frac{m}{s}} = 600s = 600 \frac{1}{3600} \text{soat} = 10 \text{min}$ <p>Жавоб: $t_1 = 7^{40}$</p> <p>Izoh: Bola maktabga yetgancha 10 min vaqt ketarekan.</p> <p>Shuning uchun u 7⁴⁰ soatga uyidan chiqishi lozim</p>

2-масала. 1. Жисм маълум баландликдан қўйиб юборилди. Эркин тушаётган жисмнинг 10 с дан кейинги тезлиги қанча бўлади? Ушбу ва кейинги масалалардаги $g=10\text{м/с}^2$ деб олинсин.

№1 Берилган:	Формула:	Ечилиши:
$t_k = 10c$ $g_k = 10 \frac{m}{s^2}$ $g_0 = 0$ $g_t = ?$	$g_t = g_0 - gt$ $g_0 = 0$ $g_t = gt$	$g_t = 10s \cdot 10 \frac{m}{s^2} = 100 \frac{m}{s}$ <p>Жавоб: $g_t = 100 \frac{m}{s}$</p>

3-масала. 10м/с тезлик билан текис ҳаракатланаётган жисм бкм масофани неча минутда босиб ўтади?

Берилган	Формула:	Ечилиши:
$g = 10m / s$ $S = 6km = 6000m$	$g = \frac{S}{t} \quad t = \frac{S}{g}$	$t = \frac{6000m}{10m / s} = \frac{600s}{60m} = 10 \text{min}$ <p>Жавоб: $t = 10 \text{min}$</p>

Интеграция таълим мақсади сифатида олам тизимининг алоҳида қисмлари боғлиқлигини кўрсатувчи билимларни бериши эмас, болани барча элементлари бир-бирига боғлиқ яхлит оламни тасаввур қилишга биринчи қадамларида ўргатиши керак.

Биз эксперимент сифатида математика дарс жараёнида юқоридагидек мисоллардан фойдаландик. Натижада ўқувчиларнинг дарс давомида жуда ҳам фаоллашиб, дарсга қизиқишларининг сезиларли даражада ортишига ва математика дарси орқали бошқа фанлардан олинган билимларини ҳам озгина бўлсада мустаҳкамланишига эришдик ва куйидагича хулосага келдик.

Математика дарсида кўпгина мавзуларни бошқа фанлар билан боғлаб ўтиш натижасида барча ўқувчилар ўтилган мавзу бўйича янги маълумотга эга бўлибгина қолмай, бошқа фанлардан олган билимларини тақрорлаш орқали янада мустаҳкамлайдилар. Математика дарсларида интеграциялаш натижасида ҳар бир ўқувчи дарсда ўз фикрлари билан қатнаша олади ва мавзу бўйича чуқурак билимга эга бўлади. Ҳамма ўқувчилар дарсга жалб этилиб, уларнинг дарсга қизиқишлари ортади, ўқувчиларнинг фанлараро —поғоналари орасидаги тафовут камаяди.

Демак интеграция - предметли билимлар чегарасида янги тасаввурларини қабул қилиш воситаси. Биринчи навбатда табақалаштирилган билимлар орасида билмаган жойларни тўлдириш, улар орасидаги алоқаларни ўрнатиш лозим.

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING O'QISH SAVODXONLIGINI ANIQLASHDA PIRLS TADQIQOTINING O'RNI

*X.S.Beknazarova Qashqadaryo VITXQTMOHM Maktabgacha,
boshlang'ich va maxsus ta'lim kafedrasida katta o'qituvchisi xadicha@gmail.com*
Annotatsiya

Ushbu tezis boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini aniqlashda PIRLS Xalqaro baholash dasturi xususida bo'lib, unda PIRLS xalqaro tadqiqotining mazmun-mohiyati, o'qish savodxonligini baholashga oid asosiy tushunchalar hamda topshiriq keltirilgan.

Annotation

This thesis definition of elementary school students in reading literacy in PIRLS international assessment program, which PIRLS International Study in essence, to assess reading literacy, basic concepts and tasks

Аннотация

Этот тезис связан с Международной программой оценки PIRLS в области чтения в раннем детстве, в которой изложены основные концепции и задачи международной оценки грамотности PIRLS.

O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni, «Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi»da maktabgacha ta'lim davlatimizning uzluksiz ta'lim tizimida ilk pog'ona ekanligini ko'rsatib berilgan bo'lib, uning asosiy vazifasi yosh avlod shaxsiyati asoslarini shakllantirishdan iboratdir. Mustaqillikka erishgan kundan boshlab o'tgan vaqt mobaynida o'zbek xalqi siyosiy – ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy sohalarda katta yutuqlarga erishdi. Tezlik bilan o'zgarayotgan dunyo qiyofasini oldindan bashorat qilish mumkin bo'lgan bir davrda, xalqimiz ertangi kuniga ishonch bilan intilayotgan, to'g'ri tanlangan taraqqiyot yo'li samarasini ko'rsatayotgan bir pallada kelajagimiz davomchilari bo'lgan yoshlarimizning ijodiy g'oyalari va ijodkorligini har tomonlama qo'llab-quvvatlash, ularning bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish hamda ilg'or xorijiy tajribalar, xalqaro mezon va talablar asosida baholash tizimini takomillashtirish, shu yo'lda xalqaro tajribalarni o'rganish, mavjud tizimni har tomonlama qiyosiy tahlil qilish, tegishli yo'nalishdagi xalqaro va xorijiy tashkilotlar ilmiy tadqiqot muassalari bilan yaqindan hamkorlik qilish muhim ahamiyatga egadir.

Ta'lim sifati va samaradorligini oshirish yo'lida xorijiy ilg'or tajribalarni o'rganish, xalqaro standartlar talablarining joriy etilishi muhim ahamiyatga ega. Bu borada O'zbekiston Respublikasida qo'yilayotgan amaliy qadamlarga xalq ta'limi tizimida ta'lim sifati baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarning tashkil etilishi to'g'risida hukumat qarorining qabul qilinishi Ta'lim sohasidagi yutuqlarni baholash xalqaro assotsiatsiyasidek (IEA) nufuzli tashkilot bilan hamkorlik aloqalarining yo'lga qo'yilishini misol sifatida keltirish mumkin.

Qariyb 60 yildan ko'proq vaqt mobaynida IEA tashkiloti ta'limni qiyosiy o'rganish sohasida yetakchi tashkilot bo'lib kelmoqda. Mazkur tashkilot ta'lim tizimida davlat siyosati va amaliyotning ta'sirini chuqurroq o'rganish maqsadida ta'lim sohasida keng miqyosli tadqiqotlar olib boradi. Bu tadqiqotlar ta'lim jarayonlari va natijalarini ko'rib chiqib, ta'lim sifatiga ta'sir etuvchi o'zaro bog'liq omillarni qiyosiy tahlil qiladi. 1958-yildan buyon ushbu tashkilot ta'lim sohasiga oid ko'plab mavzular bo'yicha o'ttizdan ortiq qiyosiy tadqiqotlarini o'tkazdi. Jumladan, matematika va tabiiy fanlar (TIMSS), o'qish (PIRLS), fuqarolik va fuqarolik ta'limi (ICCS), kompyuter va axborot texnologiyalari bo'yicha savodxonlik (ICILS) kabi yo'nalishlarda o'quvchilarning bilim va ko'nikmalari, umuman olganda ta'lim olish jarayonida erishgan yutuqlarini baholab kelmoqda.

Yuqorida qayd etilgan tadqiqotlardan PIRLS xususida so'z yuritadigan bo'lsak, PIRLS - (inglizcha – *Progress in International Reading Literacy Study* – matnni o'qish va tushunish darajasini aniqlovchi xalqaro

tadqiqot) mazkur xalqaro tadqiqotning maqsadi turli xil ta'lim tizimidan iborat bo'lgan davlatlarni boshlang'ich maktab o'quvchilarining matni o'qish va qabul qilish bo'yicha tayyorgarligi hamda o'quvchilarning har xil yutuqlarga erishishga sabab bo'luvchi ta'lim tizimidagi o'ziga xos xususiyatlarni aniqlash va baholashdan iborat. Albatta bunday tadqiqot xalq ta'limi sohasidagi xodimlar, olimlar, metodistlar, o'qituvchilar, ota-onalar va jamoat vakillari uchun katta ahamiyatga egadir.

Bundan ko'rinib turibdiki, PIRLS -- boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qib tushunish ko'nikmalarini qay darajada rivojlanganligi haqidagi ma'lumotlarni xalqaro miqyosda taqqoslash imkonini beradigan, o'qish va o'qitishni yaxshilash uchun ta'lim sohasidagi davlat siyosatiga oid ma'lumotlarni taqdim etadigan yirik xalqaro baholash dasturi. O'quvchilarning o'qish savodxonligi – jamiyat tomonidan talab qilinadigan va inson tomonidan qadrlanadigan yozma tilning shakllarini idrok etish va amaliyotda qo'llay olish qobiliyatidir. Ushbu nuqtayi nazar o'quvchilarning o'qishdan olingan ma'lumotlardan foydalanish qobiliyatiga tobora ko'proq e'tibor qaratadigan zamonaviy jamiyatda dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Asosiy e'tibor tushunishni namoyon qilishdan o'zlashtirilgan ma'lumotlarni qanday qilib yangi loyihalar va vaziyatlarda qo'llay olish qobiliyatlarini namoyon qilishga qaratilmoqda.

PIRLS yosh o'quvchilarning sinfdan va sinfdan tashqari o'qishining ikkita keng qamrovli maqsadiga qaratilgan. Bular badiiy tajriba orttirish hamda ma'lumot olish va ulardan foydalanish uchun o'qishdir.

Quyida sizlarga tavsiya etadigan topshiriqda o'quvchilarga badiiy to'qimaga asoslangan ertakdan namuna sifatida taqdim etsak: 4-sinf . 1-topshiriq. O'qish texnikasini tekshirish.

Bir bor ekan, bir yo'q ekan, bir qizcha yashar ekan. Qizcha bir kuni o'rmonga maymunjon olib kelish uchun boribdi. U yerda bir kampirni uchratib qolibdi va unga salom beribdi.

– Vaalaykum assalom, – debdi kampir qizchaga. – Menga maymunjonningdan bersang-chi!

– Marhamat, – debdi qizcha. Kampir maymunjonni yeb bo'lib:

– Sen menga maymunjon berding, men senga biron narsa sovg'a qilaman. Mana senga xurmacha, sen faqat shuni aytishing kerak: Bir, ikki, uch, xurmachada shavla pish. Shunda u shirin, mazali shavla pishira boshlaydi. Shundan so'ng aytasanki: Bir, ikki, uch, pishirishdan kech. Shundan so'ng xurmacha shavla pishirishdan to'xtaydi.

– Rahmat, buvi, – debdi qizcha va xurmachani olib, uyiga – onasining oldiga ketibdi.

Onasi bu xurmachani ko'rib juda suyunibdi. Bir kuni qiz uydan qayoqqadir ketibdi. Onasi bo'lsa xurmachani oldiga qo'yib: Bir, ikki, uch, xurmachada shavla pish, – debdi. Xurmacha shavla pishira boshlabdi. Ko'p shavla pishiribdi. Onasi to'yib-to'yib, yebdi. Ammo u xurmachani shavla pishirishdan to'xtatadigan sehrli so'zni unutib qo'yibdi. Xurmacha esa shavlani hadeb pishiraveribdi. Uy ham shavlaga to'libdi, uyingning tomi, hovli, hatto ko'chalar ham shavlaga to'lib ketibdi, u hamon to'xtamay shavla pishiraveribdi. Onasi juda ham qo'rqib ketib, qizchasi huzuriga yugurib ketibdi. Lekin yo'lda issiq shavla daryo bo'lib oqqani uchun o'tish juda qiyin ekan. Yaxshiyam qizchasi uzoqda emas ekan. Qizcha ko'chadagi voqeadan xabardor bo'lib, darrov uyga yugurubdi. Juda qiyinchilik bilan kelib, eshikni ochibdi va : Bir, ikki, uch, Pishirishdan kech, – deb qichqiribdi.

1-topshiriq. 1-vazifa. Ertak matnini sekin, yarim ovozda o'qib chiqing. O'qituvchining ishorasi bilan o'qiyotgan joyingizni belgilab qo'ying.

2-topshiriq. 1-vazifa. Matnning bu qismida sehrli xalq ertagining qanday xususiyatlarini uchratish mumkin:

a) sehrarlik ishlari

*b) sehrli buyumning mavjudligi

v) sehrgarning harakatlari

2-vazifa. Matndan sizning oldingi javoblaringizni tasdiqlovchi gaplarni belgilab chiqing. (– Sen menga maymunjon berding, men senga biron narsa sovg'a qilaman. Mana senga xurmacha, sen faqat shuni aytishing kerak: Bir, ikki, uch, xurmachada shavla pish.)

3-vazifa. Boshqa ertaklarda ham qahramoni sehrli buyumga ega bo'lgan shunga o'xshash voqealar uchraydimi? Qaysi ertaklarda? Javobingizni yozing. («Ur to'qmoq!», «Uch og'ayni botirlar» ertaklari)

O'quvchilarning o'qish savodxonligini rivojlantirishda dars va darsdan tashqari o'qish soatlarida, to'garak mashg'ulotlarida, takrorlash darslarida yuqorida qayd etilgan topshiriqqa o'xshash vazifalardan foydalanish muhim omil sanaladi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining 1997 yil 29 avgustdagi «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni.
2. O'zbekiston Respublikasining 1997 yil 29 avgustdagi “Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risida»gi Qonuni.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 6 apreldagi “Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida”gi 187-sonli qarori
4. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 8 dekabrda “Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi 997-sonli qarori
5. A. Ismailov, D. Norboyeva, K. Kucharova, Z. Kosimova, N. Aminova “Xalqaro tadqiqotlarda boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'qish savodxonligini baholash” – T.: 2019
6. Matchonov S. va boshqalar. 4-sinfda o'qish darslari. –T.: O'qituvchi, 2017.

TA'LIM TIZIMINI MODERNIZATSİYALASH JARAYONLARIDA ILG'OR TAJRIBALARNI O'RGANISH VA OMMALASHTIRISHNING MAZMUNDORLIGI

*Yakubova Samida Abdulkarimovna-Namangan viloyati To'raqo'rg'on tumani
53-umumta'lim maktabi texnologiya o'qituvchisi*

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh. M. Mirziyoyev Farmoni bilan qabul qilingan "2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustivor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi"da umumiy o'rta ta'lim sifatini tubdan oshirish, bo'yicha muhim vazifalar belgilab berilgan.

Yurtimizda ta'lim tizimi islohatiga ustivor vazifa sifatida qaralishining zamirida kelajagimiz, ertangi taraqqiyotimizni ko'rish istagi mujassam.

Anashu maqsadlarni amalga oshirishimiz uchun, uzluksiz ta'lim tizimida tashkil etiladigan o'qitish jarayonining samaradorligini oshirish uchun xalqaro baholash dasturlarini joriy etish bo'yicha ilg'or tajribalarni o'rganish, qabul qilingan me'yoriy hujjatlarda pedagogik va axborot texnologiyalaridan uyg'un foydalanish muhim vazifa sifatida belgilangan.

Bu esa **PISA** xalqaro baholash tizimi tadqiqotlari haqida ko'proq bilish istagi tug'iladi. Biz bu iboraga ilk bor O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 8 dekabrda "Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida duch kelgandik. Mazkur hujjatda Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Ta'lim sifatini nazorat qilish davlat inspeksiyasi huzurida Ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro tadqiqotlarni amalga oshirish milliy markazini tashkil etishga qaror qilinib, uning asosiy vazifalari va faoliyat yo'nalishlari etib ta'lim tizimida o'qish, matematika va tabiiy yo'nalishdagi fanlardan savodxonlik darajasini rivojlantirishning innovatsion metodlarini ishlab chiqish va joriy etishga yo'naltirilgan ilmiy izlanishlar olib borish; ta'lim sifatini baholash sohasida xalqaro aloqalarni o'rnatish, xalqaro loyihalarni ishlab chiqish va amalga oshirish, xalqaro ilmiy anjumanlar va simpoziumlarni tashkil etish va o'tkazishda ishtirok etish; umumiy o'rta ta'lim muassasalarining xalqaro tadqiqotlarda muvaffaqiyatli ishtirok etishini ta'minlash; O'zbekiston Respublikasining xalqaro baholash dasturlarida qayd etgan natijalarini boshqa davlatlar natijalari bilan qiyosiy taqqoslash belgilandi.

O'z navbatida kelgusida mamlakatimiz ta'lim sifatini baholash bo'yicha quyidagi xalqaro tadqiqotlarda ishtirok etishi ko'zda tutildi:

- PIRLS (Progress in International Reading and Literacy Study) - boshlang'ich 4-sinf o'quvchilarining matnini o'qish va tushunish darajasini baholash;
- TIMSS (Trends in International Mathematics and Science Study) - 4 va 8-sinf o'quvchilarining matematika va tabiiy yo'nalishdagi fanlardan savodxonlik darajasini baholash;
- PISA (The Programme for International Student Assessment) - 15 yoshli o'quvchilarning o'qish, matematika va tabiiy yo'nalishdagi fanlardan savodxonlik darajasini baholash;
- TALIS (The Teaching and Learning International Survey) - umumiy o'rta ta'lim maktablari rahbarlari va o'qituvchilari bilan so'rovnomalar o'tkazish orqali maktabda o'qitish va ta'lim olish jarayonlari samaradorligini baholash.

Qayd etish lozim, mamlakatimiz ta'lim muassasalari PISA xalqaro tadqiqotlarida 2021 yilda ilk marotaba ishtirok etadi.

Bundan ko'zlangan asosiy maqsad – dunyo bo'ylab ta'lim tizimi samaradorligini 15 yoshli o'quvchi-yoshlar 3 yo'nalishda (o'qish, matematika, tabiiy fanlar bo'yicha) savodxonligiga, ularning ijodiy va tanqidiy fikrlashiga, olgan bilimlarini hayotda qo'llay olish qobiliyatlariga baho berish va keyinchalik bu ko'nikmalarni hosil qilishga undashdan iborat.

2018 yilda PISA dasturida Iqtisodiy hamkorlik va taraqqiyot tashkiloti (IHTT)ga a'zo 35 mamlakat, a'zo bo'lmagan 43 ta, jami 78 mamlakat va shaharlar ishtirok etgan. Har bir davlatdan ishtirok etuvchi o'quvchilar soni mamlakatdagi jami 15 yoshli o'quvchi-yoshlarning 2 foizi miqdorida saylanma tarzda shakllantiriladi. SHundan kelib chiqilganda har bir davlatdan 4500 nafardan 10 ming nafargacha o'quvchi ishtirok etgan. Sobiq ittifoq mamlakatlaridan Rossiya, Latviya, Litva, Estoniya, Qirg'iziston, Qozog'iston qatnashdi. Ular orasidagi eng yaxshi ko'rsatkich estoniyalik o'quvchilarga tegishli, garchi mazkur mamlakat yoshlari ilk marotaba ishtirok qilgan 2006 yilda 516 ball jamg'arib, 11-o'rinni egallagan bo'lsa-da, 2015 yilda bu ko'rsatkich tegishli tartibda 534 ball va uchinchi o'ringa ko'tarildi.

Ma'lum bo'ldiki, 2015 yilgi tadqiqotlardan keyin dunyo bo'yicha birinchi, ikkinchi va to'rtinchi o'rinlarni qit'adoshlarimiz – Singapur, Yaponiya va Xitoy Taypeyi o'quvchi-yoshlari egallagan. PISA xalqaro baholash dasturi testlari uch yilda bir marotaba o'tkazilib, o'quvchilar bilimi uchta asosiy yo'nalish bo'yicha, 1000 ballik tizimda baholanadi. Har galgi monitoring jarayonida yuqorida sanalgan uchta yo'nalishdan biriga alohida e'tibor qaratiladi. Masalan, 2000 yilda tadqiqotning asosiy yo'nalishi o'qish savodxonligiga, 2003 yil matematik savodxonlikka, 2006 yilda esa tabiiy fanlar savodxonligiga qaratilgan. Bu holat davriy takror bo'lishini inobatga olganda, 2021 yil asosiy fan qilib matematika tanlanishi ayon bo'ladi. Test savollari dasturga a'zo mamlakatlarning mutaxassislari bilan kelishilgan holda xalqaro konsultantlar guruhi tomonidan tuziladi.

PISA dasturida mantiqiy fikrlash asosiy o'ringa ko'tariladi. Masalan, o'quvchi matnda "aylana" so'ziga duch kelinmasa-da, aynan mazkur ob'ekt haqida so'z borayotganini anglab yetishi lozim. Demak, birinchi navbatda

математика дarsliklarini o'quvchi mantiqiy fikrlashiga undaydigan masalalar bilan boyitish vazifasi yuzaga keladi.

Dasturni Avstraliya pedagogik tadqiqotlar kengashi, Niderlandiya milliy pedagogika instituti, AQShning Vestat va pedagogik test xizmatlari, shuningdek, Yaponiyaning ta'lim sohasidagi tadqiqotlar milliy instituti hamkorlikda o'tkazadi.

PISA xalqaro baholash tizimidan foydalanishning yana bir asosiy muhim jihatlaridan biri bu o'quvchilarning savodxonligi hamda bilimlarini amaliyotda qo'llash qobiliyatini rivojlantirish, 15 yoshli bolalarning bilim darajasi miqdoriy ko'rsatkichini adolatli aniqlash va xalqaro miqyos bilan solishtirish hamda intellektual salohiyati yanada oshishiga xizmat qiladi.

Bilamizki, ilg'or tajriba pedagogik faoliyatning samaradorligini oshirishning hal qiluvchi usuli bo'lib, katta ahamiyatga ega.

Ilg'or pedagogik tajriba – bu eng foydali, eng qulay, eng muvofiq faoliyat bo'lib ijodiy izlanish natijasidir. Bu albatta, o'quv-tarbiya jarayonini eng muhim tomonlarini hal etishga yordam beradi.

Pedagogik tajriba – muammoli vaziyatlarga juda boydir. Ilg'or pedagogik tajriba deganda biz, o'qituvchining o'z pedagogik vazifasiga ijodiy yondoshishini, o'quvchilarning ta'lim-tarbiyasida yangi, samarali yo'l va vositalarni qidirib topishini tushunamiz.

Ilg'or pedagogik tajriba o'qituvchi tomonidan qo'llaniladigan ish shakli va usullari, uslub va vositalaridir. Ular vositasida o'quv-tarbiyaviy ishlarda eng yuqori natijalarga erishiladi.

Ilg'or pedagogik tajribani o'rganish, unga asoslanib yangi pedagogik hodisa va qonuniyatlarni ochish o'quv-tarbiya jarayoniga yaxshi sifatli o'zgarishlar, ilg'or texnologiyalarni kiritadi, o'quvchilarning bilish faoliyatini boshqarish, yangi ko'rinishdagi o'quv jarayonini modellashtirish muammolarini yechishga sabab bo'ladi.

Ilg'or tajribalarni o'rganish va ommalashtirish eng avval maktabdan boshlanadi. Bu har bir maktab direktori, o'quv ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari, ma'naviy va ma'rifiy ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari hamda metod birlashmalar faoliyatining asosini tashkil etmog'i kerak. Maktab pedagogik jamoasi ilg'or tajriba egasining faoliyatini to'liq bilishi, o'rganishi va uning foydali tomonlarini ma'qullashi natijasida metod birlashma, tuman, shahar metodika bo'limlariga o'rganish uchun tavsiya etiladi.

Pedagog kasbi – o'zgarmas va qotib qolgan kasb emasligini har bir pedagog yaxshi bilishi kerak.

Xalqaro baholash dasturlarini ta'lim jarayoniga joriy etish bo'yicha ilg'or tajribalarini ommalashtirishi, har bir metodist o'qituvchi, rahbarlar, pedagogik komissiya o'qituvchi-pedagogning ish tajribasini o'rganar ekan, bunda quyidagilarga chuqur e'tibor qaratish tavsiya etiladi:

1. Siyosiy ongi, ma'naviy ahloqi;
2. O'qituvchining dars berish mahorati;
3. O'qituvchining faoliyatiga qisqacha tavsifnoma;
4. Bilim darajasi, intiluvchanligi, izlanuvchanligi;
5. O'rganilayotgan ish tajribasining mazmuni;
6. Darsga tayyorgarligi, materiallarni tayyorlash va foydalana bilishi;
7. Tajribasini ommalashtirishga tavsiya etish;
8. O'qituvchiga metodik tavsiyalar berish;

Ilg'or tajriba egasi ishini metodik xat orqali ham ommalashtirish mumkin, ya'ni:

- eng yaxshi pedagogik xona ko'rgazmasida;
- kurs mashg'ulotlarida, "Mahorat darslari" da;
- ilg'or tajriba maktablari mashg'ulotlarida;
- ilmiy-amaliy konferentsiyalar, seminarlarda;
- ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarda.
- ilg'or tajribani qo'llagan pedagogning metodik, pedagogik, psixologik, kasb mahoratini umumiy baholash, hamda tahlil etish tomonlariga ehtibor beriladi.

КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДОШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИНТЕГРАТИВ МАЛАКАВИЙ АМАЛЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Х.А.Янгибоев А.Тўйчиев

Гулистон Давлат Университети, xurshid.fog2304@mail.ru

Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини ривожлантириш ҳамда таълим моддий-техник базасини мустаҳкамлашдаги чора-тадбирлар тизими, Республикада педагог-кадрларни тайёрлаш ва педагогик таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш масаласи, жамиятни модернизациялаш ва янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган. *Республикамиз Перизеденти Ш. Мирзиёев таъбири билан айтганда “Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, юсак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга*

ега бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдоиларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз». 2017-2021-йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастурида, педагогика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган бўлажак педагог-кадрларни юқори касбий билим, малака ва кўникма билан куроллантириш, уларнинг касбий компетентлигини оширишга доир вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларни муваффақиятли ечими еса назария ва амалиётнинг ўзаро уйғунлигини талаб этади. Шунинг учун ҳам олий таълим муассасаларида малакавий амалиётини ҳар жиҳатдан юқори даражада ташкил этиб ўтказиш ўта муҳимдир. Бунинг учун бўлажак педагог кадрларнинг назарий машғулотларда ўзлаштирган билим ва дастлабки кўникмаларини малакавий амалиёт жараёнига узвий боғлаган ҳолда такомиллаштириш касбий компетенцияни шакллантиришда муҳим аҳамията эга.

Н.А.Муслимов илмий тадқиқот ишларида касбий компетентликка қуйидагича изоҳ берилган: "Компетентлик – бу шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолиятни амалга оширилиши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ҳамда уларни касбий фаолиятда қўлланилиши билан ифодаланани".

Ҳозирда Олий педагогик таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантириш фақатгина назария билаб боғлиқ бўлиб қолмоқда. Зеро касбий компетентлик амалий фаолиятда намоён бўлади. Бунинг учун талабаларнинг мутахасислик фанларидан ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакаларини малакавий амалиётга тадбиқ қилишлари ва ўз касбий компетенцияларини ривожлантиришлари ухун компетентли ёндошув асосида мутахасислик фанлари ва малакавий амалиёт интеграциясини йўлга қўйиш ва илмий жиҳатдан асослаш мақсадга мувофиқ деб топдик. Демак, компетентли ёндошув асосида мутахасислик фанлари ва малакавий амалиёт интеграциясини ташкил этиш амалиёт мазмунини очиб бериш учун зарур.

Бу учун малакавий амалиёт мазмунини кенгайтириш; ундаги муҳим тушунчаларни ажратиб олиб ўзлаштириш учун қуйидаги жараёнларни фаоллаштириш лозим деб белгиладик:

- компетентли ёндошув асосида мутахасислик фанлари ва малакавий амалиёт интеграциясини ташкил этиш, ҳолатини аниқлашга субъектив ёндашиш эҳтимолини пасайтириш;

- малакавий амалиётнинг муҳим муаммоларини очиб беришда аҳамиятга эга бўлган жиҳатларига талабалар этиборини қаратиш;

- доимий равишда талабалар ижодий ташаббускорлиги ва малакавий амалиёт фаолияти мустақиллигини кенгайтириш, мазкур интеграцияни компетентли ёндошув асосида ташкил этиб, самарали йўлга қўйиш учун дидактик восита турларини қўллаб, ундан фойдаланиш бўйича ташкилий ишларни босқичма-босқич амалга ошириш;

- ўқитувчи педагоглар ва талабалар ўртасида ижодий ҳамкорликни вужудга келтириш;

- ҳозирги замон талаблари асосида талабаларда касбий компетенциявий сифатларини, илмий дунёқарашини мазкур интеграция воситасида, ижтимоий ҳаёт билан ҳамоҳанг шакллантириш.

Олий таълим муассасаларида компетентли ёндошув асосида амалга оширилаётган мутахасислик фанлари ва малакавий амалиёт интеграциясини ташкил этишни таъминлаш талабаларнинг билимларини тизимлаштиришга, уларнинг мустақил фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантиришга, таълимнинг қуйи босқичларида эгаллаган билимларини чуқурлаштиришга ёрдам беради. Ушбу жараён талабаларнинг атроф, инсон, табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурларини шакллантиради ва бойитади. Улар асосида фанлардан эгалланган билимларни умумлаштириш вазифаси самарали ҳал этилади. Талабалар мутахасислик фанларни ўзлаштириш жараёнида асосий тушунчалар ва атамалар ёрдамида ўз билимларини ривожлантиради.

Компетентли ёндошув асосида мутахасислик фанлари ва малакавий амалиёт интеграцияни ташкил этишнинг функцияси замонавий билимлар асосини ташкил этувчи тушунчаларни ўзлаштириш ва ривожлантириш асосида мутахасислик фанлар тизимида малакавий амалиёт жараёни қуйидаги вазифатар асосида такомиллаштириш зарур деб ҳисоблаймиз:

- компетентликнинг мазмунан бойлиги ва умумийлиги, билиш шакли сифатида талабаларнинг дунёқарашини мазкур интеграция ёрдамида шакллантириш уларнинг билимларни эгаллаш жараёни самарадорлигини ошириш;

- малакавий амалиёт интеграциясининг компетенциявий функцияси, ўқувчининг ривожланиши ижтимоий талабларига жавоб бера оладиган малакавий амалиётни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларини белгилаш;

- мазкур интеграцияни таъминлаш натижасида малакавий амалиёт жараёнида замонавий педагогик ва инновацион технологияларни қўллаш учун қулай шартшароитлар яратиш.

Мазкур интеграция талабаларнинг турли соҳалардан олган билимларини синтез қила олиш ва касбий компетентликларини ривожлантирувчи имконият сифатида намоён бўлади. Бу интеграция умумлаштирилган шаклда идрок эта олиш кўникмаларини ҳосил қилишни, талабаларга эгаллаган билимларини умумлаштириш, ягона умумийликни идрок этиш, ҳодисаларни баҳолаш маҳоратини ривожлантиришни кўзда тутди;

- мазкур интеграция талабаларнинг илмий дунёқарашларини шакллантириш имконини беради. Бундай дунё қараш моддий, ижтимоий борлиқдаги воқеа-ҳодисаларни ўрганиш ва баҳолашда методологик йўналиш сифатида иштирок этади;

- мазкур интеграция малакавий амалиётда тизимлиликни таъминлашга ёрдам беради. Талабалар малакавий амалётда билимларни эгаллашнинг методологик вазифаларини мазкур интеграцияни тушунган ҳолдагина бажара олади ҳамда касбий компетенцияларини намоён қилади.

Уқув фанларининг умумий тузилиши, элементлари амалиётда мазкур интеграцияни амалга оширишнинг куйидаги объектив асосларини яратади:

- эгалланадиган билим, тушунча ва далиллар;
қонунлар ва назариялар;
- талаба дунёқарашини шакллантирувчи тушунчалар;
- тарихий муаммолар ва илмнинг ривожланиш йўли;
- фаннинг методологик асослари ва методлари;
- белгилаб қўйилган махсус кўникма ва малакалар;
- фаннинг илмий услубий тақминоти;
- тақдим этилган билимларнинг ғоявий- тарбиявий жиҳатлари.

Мунтазам тарзда татбиқ қилинадиган мазкур интеграция турли соҳага оид билимларни эгаллаш, улардан доимий фойдаланиш талабалар эгаллаган кўникма, малакаларини мустақамлашга ҳам ёрдам беради. Уларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ҳамда бу жараённинг самарадорлигини оширади. Мазкур интеграция билимларни эгаллаш, малакавий амалиётни ташкил этишнинг дидактик имкониятларидан биридир. У талабаларнинг компетенциявий қобилиятларини шакллантириб, ривожлантириб бориш асоси сифатида белгилаб олинган амалиёт методларига таянган ҳолда амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси туғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони «Халқсўзи», 2017 йил 8 феврал
2. Н.А.Муслимов, Н.С.Гаипова. Бўлажак ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантиришда касб таълими мазмунини лойиҳалаштиришнинг аҳамияти. Олий ва Ўрта махсус, касб-хунар таълим тизимида мустақил таълим: муаммо ва эчимлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Гулистон: ГулДУ. 2012 йил. 35-37 бетлар
3. А. Мавлянов. Касб хунар коллежларида ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти интеграцияси Тошкент-2014 112 б.
4. Ж. Хаснбоев. Педагогика фанидан изоҳли луғат Тошкент-2008. 149 б.
5. www.tdpu.uz

BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING TABIIY FANLAR BO'YICHA SAVODXONLIGINI ANIQLASHDA TIMSS TOPSHIRIQLARIDAN FOYDALANISH

*Z.T.Choriyeva
Qashqadaryo VXTXQTMOHM
Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim kafedراسи o'qituvchisi
foumiis3@gmail.com*

Annotatsiya

Ushbu tezis boshlang'ich sinf o'quvchilarining tabiiy fanlar bo'yicha savodxonligini aniqlashda TIMSS Xalqaro baholash dasturi xususida bo'lib, unda TIMSS xalqaro tadqiqotining mazmun-mohiyati, tabiiy fanlar bo'yicha savodxonligini baholashga oid asosiy tushunchalar hamda tabiiy fanlar bo'yicha topshiriqlar keltirilgan.

Аннотация

Этот тезис посвящен международной оценочной программе TIMSS для определения уровня грамотности учащихся начальных классов по естественным наукам, которая включает в себя содержание международного исследования TIMSS, базовые концепции оценки грамотности в естественных науках и задания по естественным наукам.

Annotation

This thesis is related to the TIMSS International Assessment Program for Elementary School Literacy in Basic Elements, which provides a basic overview of the nature of TIMSS international research, natural science literacy assessment, and tasks in the natural sciences. listed.

Globalashuv sharoitida shiddat bilan rivojlanib borayotgan davr davlat va jamiyat oldiga dolzarbligi va qamrovi kun sayin ortib borayotgan zamonaviy talablarni qo'ymoqda. Olamshumul strategik maqsadlarga erishish, yangi marralarni zabt etish, rivojlangan davlatlar qatoridan o'rin olish uchun mamlakatda bilimli, tajribali va zamonaviy fikrlaydigan yuksak salohiyatli kadrlar, mutaxassislarining o'rni beqiyos. Bunday raqobatbardosh kadrlarga bo'lgan ehtiyojni qondirish zamirida inson kapitali, sodda qilib aytganda, inson va uning salohiyatini kashf etish hamda uni buyuk maqsadlarga erishishga safarbar qilish kabi ulug'vor vazifalar turadi.

Insoniyat oziq-ovqat ta'minoti, kasalliklarning tarqalishi, energiya ishlab chiqarish va iqlim o'zgarishi kabi yirik muammolarga duch kelgan bir davrda tabiiy fanlar bo'yicha savodxonlik milliy hamda xalqaro darajada katta ahamiyat kasb etmoqda. Bunday muammolarni bartaraf etishda texnologiyalar va ilm-fan yutuqlaridan foydalanish katta ahamiyatga ega. Yevropa Komissiyasi tomonidan bildirilgan fikrga ko'ra, agar yoshlar tabiiy fanlardan ma'lum darajada xabardor bo'lishmasa, yechimi fan va texnologiyalar bilan bog'liq bo'lgan siyosiy hamda etnik muammolar ilmiy munozaralar mavzusi bo'la olmaydi. Bundan tashqari, bu barchani tabiiy fanlardan mutaxassis qilib tayyorlash degani emas, balki yoshlar o'zlarini o'rab turgan atrof-muhitga daxldor bo'lgan masalalar yuzasidan qaror qabul qilishlari hamda mutaxassislar o'rtasida olib boriladigan ilmiy munozaralarni tushunishlariga imkon beradi

XXI asrda insoniyat oldida turgan muammolar ilmiy tafakkur va ilmiy kashfiyotlarga asoslangan innovatsion yechimlarni talab etishi shubhasiz. Jamiyatga iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik muammolarni hal qilishda zarur bo'ladigan innovatsiyalarni rivojlantiradigan va ilmiy tadqiqotlar olib boradigan ilm egalari, olimlar kerak. O'quvchilarning bilim va malakasini umumiy ravishda tahlil qilish mamlakatdagi ta'lim sifati darajasini belgilaydi. Shu maqsadda o'quv yili davomida har bir ta'lim muassasasida ichki va tashqi monitoring o'tkazib boriladi. Uning natijasiga ko'ra, eng namunali maktablar ketma-ketligi, o'qituvchilar salohiyati va o'quvchilarning o'zlashtirish darajasi aniqlanadi. Bu jarayon ta'lim taraqqiyotini belgilovchi muhim mezon bo'lgani uchun Xalq ta'limi vazirligi tashabbusi bilan umumiy o'rta ta'lim maktabi o'quvchilari bilimini baholash bo'yicha xalqaro dasturlarni amaliyotga joriy etish maqsadida ilk qadamlar tashlandi. Ya'ni, o'quvchilar bilimini xalqaro talablarga yetkazish, unga mosligini o'rganib borish maqsadida PISA(Programme for International Student Assesment), TIMSS (Trends in Mathematics and Science Study) kabi baholash dasturlarini qo'llash rejalashtirilmoqda

Boshlang'ich sinf o'quvchilarining tabiiy fanlar xususida savodxonligini oshirishda TIMSS Xalqaro baholash dasturining o'rni beqiyosdir. TIMSS xalqaro tadqiqoti har 4 yil davomida 4- va 8-sinf o'quvchilarining ta'lim yutuqlariga baho berib boriladi va shu bilan birga, nafaqat ularining bilim va ko'nikmasi, balki ularning ushbu fanlarga bo'lgan munosabati, qiziqishi, hamda ta'limga bo'lgan motivatsiyasini solishirishga imkon beradi. Tadqiqotning asosiy rejasi: 4 yil davomida 4-sinf o'quvchisi 8-sinfga yetgunga qadar uning matematika va tabiiy fanlar bilimining natijalari kuzatib boriladi. Shu yo'sinda maktabning boshlang'ich va yuqori sinf o'quvchilarining bilim yutuqlarining monitoringi amalga oshiriladi.


Aytish mumkinki, tabiiy fanlar bo'yicha savodxonlik tayanch kompetensiya sanalib, tabiiy fanlarni o'qitishning asosiy maqsadidir. Tabiiy fanlarga asoslangan bilim hamda ko'nikmalar har bir shaxsning shaxsiy, ijtimoiy va kasbiy faoliyatida katta ahamiyatga ega, ilm-fan va unga asoslangan texnologiyalarni tushunish esa "yoshlarni hayotga tayyorlash"da markaziy o'rinni egallaydi. Tabiiy fanlar bo'yicha savodxonlik deganda shaxsning tabiiy fanlarga oid g'oyalarni bilishi, faol fuqaro sifatida tabiiy fanlar bilan bog'liq muammolarni hal qila olishi tushuniladi.

4- va 8-sinf o'quvchilarini matematika va tabiiy fanlardan baholashda test topshiriqlarning nazariyasidan foydalaniladi (inglizcha, ruscha). Ushbu nazariya cheklangan miqdorda 60-70 tadan topshiriqlarni o'z ichiga olib, har bir davlatdan ishtirok etgan o'quvchining, o'qituvchining va ta'lim muassasasining ko'rsatkichlarini (so'rovnoma asosan) aniqlab beradi. Matematika va tabiiy fanlar natijalari 4- va 8-sinflarda alohida o'rganiladi va tahlil qilinadi. Statistik o'rganishlar natijasida har bir o'quvchini 1000 ballik shkala bo'yicha baholab, matematika va tabiiy fanlarga alohida ballar beriladi. Quyida sizlarga 4-sinf o'quvchilarining tabiiy fanlar bo'yicha savodxonligini oshirishda TIMSS topshiriqlaridan namunalarni havola etsak:

1. Bu qush oyog'ining chizmasi. Siz bunday qushni qayerdan topishingiz mumkin edi?

- a) o'rmon b) o'tloq c) makkajo'xori d) sahro e) ko'l

2. Qiz akasi bilan ko'rishib o'ynashni xohladi. 25 kg og'irlikdagi akasini muvozanatlash uchun 50 kg bo'lgan qiz uchun eng yaxshi usul qaysi rasmda ko'rsatilgan?



3. Sizning haroratingiz kasal bo'lmaganingizda olinganda, termometr ko'rsatadigan harorat qancha yaqin?

- a) 29 ° C b) 36,8 ° C e) 100 ° C

4. Ushbu jadvalda kunning to'rtta shaharchasidagi harorat va yog'ingarchilik (yomg'ir yoki qor) ko'rsatilgan. Qor qayerda qoldi?

- a) A shaharcha b) B shaharcha c) C shaharcha d) D shaharcha

	Town A	Town B	Town C	Town D
Lowest Temperature	13°C	-9°C	22°C	-12°C
Highest Temperature	25°C	-1°C	30°C	-4°C
Precipitation (rain or snow)	0 cm	5 cm	2.5 cm	0 cm

О'қувчиларнинг табиий фанлар бо'йича саводxonлигини ривожлантиришда дars ва дarsдан ташқари о'қish соатларидa, то'ғарак машғ'улотларидa, такрорлаш дarsларидa yuқоридa қayd etилган топshiriққa о'xshash vazifalardan foydalanish muhim omil sanaladi.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasining 1997 yil 29 avgustdagi «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni.
2. O'zbekiston Respublikasining 1997 yil 29 avgustdagi «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi to'g'risida»gi Qonuni.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 8 dekabrda "Xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi 997-sonli qarori
4. A.A. Ismailov, G. Tog'ayeva, S. Akbarova, D. Asqarova. "Xalqaro tadqiqotlarda o'quvchilarning tabiiy fанlar bo'yicha savodxonligini baholash" – T.: 2019

ЎҚУВЧИЛАРНИ ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИДА САМАРАЛИ ИШТИРОК ЭТИШЛАРИДА ТАБАҚАЛИ ВА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.

*А.Р.Ботиров. СамДУ, доцент
Ф.А. Батирова. Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги
хузуридаги жисмоний тарбия ва спорт
бўйича мутахассисларни илмий-методик
таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини
ошириш маркази Самарқанд филиали
ўқитувчиси*

Таълим- тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш келгуси тараққиётимизнинг асоси эканлиги ҳаммамизга маълум. Хурматли президентимизнинг: “Шуни унутмаслигимиз керакки келажакимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади” деган сўзлари фан ўқитувчиларига катта маъсулият юклайди. Бунинг учун ҳар қайси педагог ўқувчи тимсолида аввало шахсни кўриши, унинг қизиқишлари, имкониятлари доирасидан келиб чиққан ҳолда дарснинг мақсад ва вазифаларини белгилаган ҳолда дарсни ташкил этиши лозим. Халқимизнинг келажак фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишларига боғлиқ. Ҳозирги кунда энг долзарб масала ўқувчиларни халқаро баҳолаш дастурларида самарали иштирок этишларини таъминлаш бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли табақали ёндашув асосида топшириқлар тайёрлаш, ҳар бир ўқувчи имкониятидан келиб чиқиб, психологик ёндашув асосида дарсларни ташкил этиш самарали натижалар беради.

Маълумки, синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражалари бир хил эмас. Шу сабабли уларнинг ўзлаштириш даражаларини аниқлаш жараёнида ўқитувчи бунга эътибор бериб, ўқувчиларга билдирмай уларни суст ва кучли ўзлаштирган ўқувчиларга ажратиб, турли мураккабликдаги табақалаштирилган топшириқлардан фойдаланилса натижалар сезирарли даражада кўтарилиши мумкин. Бундай характердаги топшириқларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш ўқитувчидан психологик ёндашувни, педагогик маҳоратни, ижодий маҳоратни талаб этади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, доимий бундай топшириқлар тайёрлаш ва улардан фойдаланиш, дарслар самарадорлигини кўтарилишига олиб келади. Энг муҳими таълимга бундай ёндашув суст ўзлаштирувчи ўқувчига дастлаб оддий, осон характердаги топшириқ берилганлиги сабабли топшириқни мустақил ўз кучига таяниб бажаришига сабаб бўлади ва кейинги топшириқни бажара олишига шароит яратади. Ўқувчининг фанга нисбатан муносабатининг ўзгаришига, қизиқишининг ортишига сабаб бўлади. Ўқувчининг ўзига ишониш хусусияти ривожланади. Ўқитувчи эса унга бериладиган топшириқларни босқичма-босқич мураккаблаштириб боради.

Синфдаги кучли ўқувчилар учун тайёрланган махсус мураккаб характердаги топшириқлар эса, ўқувчи билим даражаси у ўйлагандай юқори эмаслигини, топшириқларни ҳар сафар бажариш жараёнида ҳис этиш муҳитини яратади. Бу муҳит уни ўз устида яна ва яна ишлашига сабаб бўлади. Аҳамиятли томони шундаки, “мавжуд билимлардан эсанкираб қолмаслик, мен бу фанни биламан” тушунчаси унга ёт бўлади.

Куйида бундай топшириқлардан намуналар келтираимиз.

Намуна-1

1. Қандай қон томир хилларини биласиз? (суст ўқувчи учун)

2. Артерия, вена, капиляр қон томирларининг тузилиши ва вазифасидаги мутаносибликни тушинтириб беринг. (кучли ўқувчи учун)

Намуна -2

1. Балиқнинг юраги неча камерали? (суст ўқувчи учун)

2. Балиқ ва ланцетник қон айланиш системасидаги ўхшашлик, фарқий хусусиятни айтинг. (кучли ўқувчи учун)

Намуна- 3

1. Сувда сузувчи қушларнинг: (суст ўқувчи учун)

А) Контур патлар қалин бўлади. В) Тумшуги мугуз билан қопланган.

С) Думғаза безлари яхши ривожланган. Д) Контур патлар узун бўлади.

2. Патларни уларнинг вазифаси билан бирга жуфтлаб ёзинг. (кучли ўқувчи учун)

- А) Қоқиш 1. учганда гавдасини йўналтиради.
В) Бошқариш 2. танси юзасини қоплаб туради.
С) Қоплагич 3. танада иссиқликни сақлайди.
Д) Парлар 4. кўтариш юзасини ҳосил қилади.

Намуна- 4

1. Айириш органларини белгиланг. (суст ўқувчи учун)

- А) Буйрак, ошқозон, ичак. Б) Буйрак, тери, ўпка
С) Буйрак, тери, ичак. Д) Буйрак, ошқозон,

2. Буйракда бирламчи сийдик қаерда ҳосил бўлади? (кучли ўқувчи учун)

- А) Буйракнинг мағиз қаватида 1. Капсулада , 2. калавасимон каналчаларда
Б) Буйракнинг пўст қаватида 1. Сийдик пуфаги , 2. қовуқда
С) Буйракнинг мағиз қаватида 1. Нефронларда , 2. капсулада

Хулоса қилиб айтганда: ушбу долзарб масала чуқур таҳлил қилиниши ва ечими юзасидан тегишли қарор қабул қилиниши зарур бўлган масалалардан бири бўлиб, ўқувчиларни халқаро баҳолаш дастурларида самарали иштирок этишларини таъминловчи воситалардан бири бўлиб ҳисобланади.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИНГ АҲАМИЯТИ

М. Бобоқулова ва Д. Ҳамидова

*Андижон вилояти Избоскан тумани 37 мактаб ва Хўжаобод тумани
6 мактабнинг география фани ўқитувчилари*

PISA (*inglizcha - Programme for International Student Assessment*) – турли давлатларда 15 ёшли ўқувчиларнинг саводхонлигини (ўқиш, математика, табиий фанлар) ҳамда билимларини амалиётда қўллаш қобилиятини баҳоловчи дастур.

Бу дастур 3 йилда бир маротаба ўтказилади. Дастлаб 1997 йилда ишлаб чиқилган ва 2000 йилда биринчи марта қўлланилган. PISA бўйича баҳонинг 50 балга ошиши ҳар йиллик Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг 1 % га ўсишини таъминлайди. PISA тестлари Жаҳон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти томонидан консерциумда етакчи халқаро илмий ташкилот билан миллий марказлар иштирокида ташкилланади. Консерциумни Австралия педагогик тадқиқотчилар бирлашмаси (ACER), Нидерландия (Голландия) Миллий Педагогик Ўлчовлар (CITO), институти кўмагида бошқаради, АҚШ нинг Педагогик Тест Хизмати (ETS), Япония Таълим тизимидаги Миллий тадқиқотлар институти (NIER), АҚШ Вестат (WESTAT) ва дунёдаги бошқа нуфузли таълим ташкилотлари ҳамкорликда олиб боради.

PISA дастурининг асосий мақсади - мактабни тугатгандан сўнг ўқувчилар фаол ҳаётий позицияни эгаллашларига имкон берадиган чуқур билимга эгалик даражасини баҳолашдан иборат. PISA Халқаро баҳолаш дастурига қўшилишининг ижобий томонлари эса қуйидагича:

- Халқаро тадқиқотлар Республикамиз таълим тизимининг ижобий ва салбий томонларини аниқлашга ёрдам беради.
- Мамлакатларга таълим тизimini такомиллаштириш мақсадида истиқбол режалар ишлаб чиқиш учун объектив маълумотлар тақдим этилади.
- Жаҳоннинг таълим йўналишидаги энг илғор давлатлари тажрибаларини ўрганишга имкон яратилади.
- Давлатнинг жаҳон миқёсидаги салоҳиятини оширади ва чет давлатлар инвестицияларини жалб этади.

PISA дастурининг асосий мақсади мамлакатлар ичида таълим сиёсати соҳасидаги қарорлар қабул қилишни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Уч йиллик цикллар давомида дастурни амалга оширилиши эса ўз навбатида мамлакатларга ўз вақтида ахборот бериш, тегишли дастурларнинг таъсирини таҳлил қилиш учун маълумотларни тақдим этиш имкониятини яратиб беради.

Айнан 15 ёшли ўқувчи ёшлар ўртасида дастурни амалга оширилишини сабаби эса ушбу ёшда аксар иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг ўқувчи ёшлари мажбурий таълимнинг охиригача босқичига ўтишади. Ушбу дастур бутун дунё бўйича айнан 15 ёшли ўқувчи ёшларнинг билим ва кўникма даражаларини ўлчовчи ягона дастур бўлиб хизмат қилади. Ҳар 3 йилда битта фан йўналишига афзаллик берилиб, 2000 йилда илк бор ўқиш саводхонлигига урғу берилган ҳолда ўтказилган. Демак, уч йилда бир маротаба ўтказилишини инобатга оладиган бўлсак, 2021 йилда математик саводхонликка урғу берилади.

Табиий фанлар бир бири билан узвий боғланганки, топшириқни ечимини битта фан кесимида эмас, балки бир нечта фанлар уйғунлигида мантиқан фикр юритган ҳолда ишлаш талаб этилади. Қуйида география фанидан намуналар келтираамиз.

Қуйида Антарктиданинг харитаси келтирилган. Харита масштабидан фойдаланиб, унинг майдонини аниқланг. Ҳисобланг ва жавобингизни асосланг. (Масалани ечиш жараёнида хаританинг ўзида чизиклар чизишингиз мумкин.

Топшириқнинг ечими: Айлананинг диаметрини чизгич билан ўлчаб, масштабда у 4000 км ва доиранинг юзи 12,6 млн.кв.км эканлигини топамиз. Жавоб: 12,6 млн.кв.км
Демак, PISA – 15 ёшли ўқувчиларни математика, табиий фанлар ҳамда она тили саводхонлиги бўйича таълимий ютуқларини баҳолаш халқаро дастуридир. Ҳар бир берилаётган топшириқ битта фан кесимида эмас балки фанлар уйғунлигида амалга оширилади. Бу ўқувчини битта фанни бир нечта фанни билиши, берилаётган топшириқларни мантиқан ўйлаб ечимини топишга чақиради.

Халқаро баҳолаш дастурлари тадқиқотларига тайёргарлик кўриш юзасидан келгуси вазифалар

- PISA баҳолаш дастури бўйича ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида таништириш ва тарғибот ишларини олиб бориш.
- PISA тадқиқотларининг компьютерга асосланган ҳолда ташкил этилишини инobatга олиб, мактабларни замонавий компьютер техникалари билан тўлиқ таъминлаш чораларини кўриш;
- PISA халқаро баҳолаш дастурининг ўтган йилларда фойдаланилган саволлар мазмунини ўрганиб чиқиб таҳлил қилиш.
- Саволлар мазмунини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида PISA баҳолаш дастури йўналишидаги саволлар базасини яратиш ва бойитиб бориш.
- Ўқувчиларнинг она тили, математика ва табиий фанлардан PISA халқаро баҳолаш дастурига тайёргарлик кўришлари учун топшириқлар тўпламини яратишдан иборат.

Адабиётлар

1. Абдуллаев И.Х. ва бқ. Табиий ғ географик жараёнлар. Услугий қўлланма. ТДПУ, 2016
2. . Рафиқов А. А. Амалий география. –Т.: — Шарқ, 2007
3. Алимқулов Н.Р., Абдуллаев И.Х., Ҳолмуродов Ш.А. Амалий география. – Т.: 2015.
4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. www.uzedu.uz.

МАШИНАСОЗЛИК КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Имомов Мусурмон,

*Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси*

Республикамиз таълим тизими, жумладан ўрта махсус касб-хунар таълими мазмуни ҳам “Таълим тўғрисидаги қонун” ҳамда “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида босқичма-босқич янгилашиб бормоқда.

Амалга оширилаётган ислохотлар натижаси сифатида барча ўқув предметларини ўқитиш мазмуни Давлат таълим стандартлари асосида такомиллаштириб борилмоқда. Ушбу ислохотларни самарадорлигини оширишда ўқув муассасаларида таълим мазмунини янада такомиллаштириш, таълим жараёнининг дарсликлар ва ўқув адабиётлар билан таъминланишини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўтган вақт мобайнида ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун янги Давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилиши мутахассислик фанлар бўйича ўқув дастурлари ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишга асос бўлди.

Қисқа вақт ичида машинасозлик касб-хунар коллежлари учун мутахассислик фанларидан қатор дарсликлар, ўқув адабиётлар, электрон дарсликлар яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Машинасозлик касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш биринчи галда мутахассислик фанлари мазмуни ва уларнинг қай даражада ўқитилишига боғлиқ. Касб-хунар коллежлари ўқув жараёнини таҳлил қилиш касб-хунар коллежларида мутахассислик фанлари мазмунини белгилашда интегратив ёндашиш зарурлигини тақозо этмоқда.

Машинасозлик касб-хунар коллежларида мутахассислик фанларини ўқитишда, ушбу фанлар узвийлигини таъминлаш, интеграцияни амалга ошириш куйидаги мақсадларни назарда тутати:

- машинасозликка оид билимлар яхлитлигини таъминлашни;
- билимларни тизимлаштиришни ташкил этишни;
- умумий тушунча, кўникма ва малакаларни шакллантиришга бир хил ёндашувни таъминлашни;
- ўқитишнинг касбий йўналтирилганлигини кучайтиришни;
- ўқувчиларда ходисалар, қонунлар, тушунчалар, назариялар орасида ҳар томонлама узвий боғланиш мавжудлиги бўйича билим амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришни.

Фанлараро бундай боғланиш асосида, дарсларни ташкил этиш учун, биринчи навбатда, интегратив характердаги ўқув материалларининг мазмунини аниқлаш зарур бўлади.

Мутахассислик фанларин ўрганишда амалийликнинг юқори бўлиши, ишлаб чиқаришга яқинлиги уларнинг умумтаълим фанларидан яққол фарқли эканлигини кўрсатади. Мутахассислик фанларида ўқувчининг танлаган касби, фаолият усуллари тўла очиб берилади. Масалан, «Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш» йўналиши бўйича мутахассислик фанлар жиҳозларнинг тузилиши, тури ва ундан

фойдаланиш қоидалари, таъмирлаш усуллари ва техник хизмат кўрсатиш, ўрганилаётган касб бўйича технологик жараёнларни бажариш технологиясини очиб беради.

Мутахассислик фанлари бўйича билимларни амалий қўллаш соҳасини кенгайтириш, улардан мажмуавий фойдаланиш зарурлигидан келиб чиқади.

Машинасозлик касб-ҳунар коллежларида кичик мутахассисларни тайёрлашда мутахассислик фанларини интеграциялаб ўрганиш: таълим мазмунини оптималлаштириш, бўлажак кичик мутахассисларнинг фаолиятларида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳар томонлама чуқур ва пухта ўрганишга; машғулотларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларнинг изчиллиги ва уйғунлигини таъминлашга; ўзлаштирилган билим ва касбий ишҳаракат усулларини олдиндан маълум бўлмаган ҳолатлар ва вазиятларга “кўчириш”, яъни ўқувчиларда мантикий тафаккур, мустақиллик ва ижодий қобилиятларни шакллантириш, умуман олганда кичик мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга катта имконият яратади.

«Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жихозлари ва уларни автоматлаштириш» йўналишидаги мутахассисликларда айрим ҳолларда мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида билимлар интеграциясини ифода этиш фанлараро алоқадорликда намоён бўлади.

«Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқариш жихозлари ва уларни автоматлаштириш» йўналишидаги касб-ҳунар коллежларида мутахассислик фанларни интеграциялаб ўқитиш самарадорлигини оширишга қўйидаги шартлар асос бўлади:

1. Мутахассислик фанларни ўрганишда политехник билимлар бериш кетма-кетлигини интеграциялаш асосида бир тизимга келтириш.

2. Интеграциялашни амалга оширишнинг услубий мақсадини мувофиқлаштириш.

3. Интеграциялашни махсус топширик, машқ, ижодий, ишчанлик, ўйинлар, ишлаб чиқариш вазиятини амалий ишлар орқали амалга ошириш.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида интеграция жараёнлари кичик мутахассиснинг касбий тайёргарлигида ўта муҳим ва объектив зарурият бўлиб, ўқувчиларни ижодий камолот сари йўналтирувчи механизмдир. Бинобарин, таълимдаги бундай механизм самарали ишлаши таълим-тарбияда фойдаланилмай ётган потенциал имкониятларни ишга солиб, ўқувчи ёшларнинг касбий тайёргарлигида янги сифатни таъминлайди. Шу орқали машинасозлик касб-ҳунар коллежларида мутахассислар таёрлаш жараёнини такомиллаштириб бориш мумкин.

Адабиётлар:

1. Муслимов Н.А., Гаипова Н.С., Қодиров М.М.. Ҳозирги замонда меҳнат ва касб таълими йўналишларини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари. “Меҳнат ва касб таълими йўналишлари бўйича ўқитувчилар тайёрлаш масалалари”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. ТДПУ, 2008.

2. Абдирасилов С.Ф. Касб-ҳунар коллежи талабаларини касбий функционал вазибалари. Ўша тўплам.

3. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. Монография. – Тошкент, Ўзбекистон, 2018 – 168 б.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Қуватова Нозима Бахтиёрвна,

*Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш институти таянч докторанти*

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271- сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ўстириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас, албатта.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон таълим тизими, унинг фан билан узвий, мустаҳкам алоқалари иқтисодий ўсишнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучини белгилаб бериши билан бирга, иқтисодийнинг рақобатбардош бўлишида муҳим ўрин тутди. Бу, айниқса, халқнинг миллий хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлашда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Таълим жамиятни уйғун ривожлантириш, ягона ижтимоий-маданий ҳудудни вужудга келтириш, шахслар орасидаги ижтимоий зиддиятлар ва миллий-этник таранглик, ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш, турли динлар ва миллий маданиятлар тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга қаратилиши лозим. Кўпмиллатли Ўзбекистон жамияти таълим тизимида она тили сифатида ўзбек тилининг нуфузини кенгайтириш, ўзбек халқининг тафаккури ва толерант дунёқарашини бойитиш соҳасида кенг қўлланли ишларни амалга ошириш зарурияти мавжуд.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонунда таъкидлашча, таълимнинг мазмуни ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётий ва дунёвий демократик жамият бахт-саодати йўлидаги юқори унумли меҳнатига баркамол авлод қилиб тайёрлаш билан белгиланган.

Ушбу қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш ва ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Биринчи Президентимизнинг "Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафқурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак", деган ғоясидан келиб чиқиб, дарсликларнинг янги авлоди яратилмоқда.

Дарсликлар, ўқув адабиётлари, фақат таълимий, илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий билимлар манбаигина бўлиб қолмай, у ёшларни маънавий, руҳий-эстетик, ижтимоийиқтисодий, ватанпарварлик, иқтисодий-сиёсий, инсоний ва бошқа жиҳатларини тарбиялашнинг қудратли омилидир.

Ҳозирги даврда педагогика назарияси ва амалиётининг ривожланиш босқичида, ҳамда замонавий ўқитиш технологияларининг жорий этилишида ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратишнинг илмий-методик асосларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Дарслик муаммолари билан шуғулланувчи олимлар илмий ишларида дарслик турлича таърифланган: «Дарслик ўқув материални ва у билан ишлаш методикасини тавсия этади, ҳамда ўқитувчига ўқув материални ўқитиш ва ўргатиш, ўқувчига эса ўрганиш ва ўзлаштириш усулларини тақдим этади. Бошқача қилиб айтганда, дарсликда таълим мақсадлари мазмун ва методлар кўринишида мужассамлаштирилади».

Ҳақиқатдан ҳам, дарсга қўйиладиган кўплаб таълим талабларини бажариш ва ўқув материални мустаҳкамлашда ўқитувчи учун дарслик энг яхши ёрдамчи восита ҳисобланади.

Сифатли дарсликнинг ҳар бир мавзуси ўзига хос яхлит ва тўлиқ ўқув материални ўзида камраб олади.

В.П.Беспальконинг таъкидлашча: «Дарслик – ахборотли модел бўлиб, унда педагогик тизимнинг қуйидаги тўртта элементи; яъни ўқитиш мақсадлари, ўқитиш мазмуни, дидактик жараёнларни танлаш ва ишлаб чиқиш, ўқитиш шаклларини ташкил қилиш каби жиҳатлар ўз аксини топади. Бунда дарслик ўқувчининг имкониятини инобатга олувчи ўқитиш воситаларидан бири ҳисобланади».

Шунингдек, «Дарслик – бу ўқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, фаннинг илмий асосларини ўргатиш воситасидир. Дарсликда қайсидир даражада ўқув предметини ўқитиш методикаси ёритилади» ёки «Дарсликни яратиш – бу ўқув тарбия жараёнини лойihalаштиришдир» деб ҳисоблайдилар. В.В. Краевский ва И.Я.Лернерлар илмий адабиётларида «Дарслик бутун ўқув жараёнини ташкил қилиш учун хизмат қилади», ёки

«Дарсликда нафақат ўқув чининг фаолияти, балки ўқитувчининг фаолияти ҳам дастурлаштирилган» деган фикрлар келтирилган.

Дарслик – муайян ўқув предмети мазмунини ўқув дастурида кўрсатилган ҳажмда, дидактик талабларга мувофиқ равишда батафсил баён қилиб берадиган китоб саналади.

Дарсликнинг ҳарактерли хусусияти - бу унинг мазмунининг ўқув дастури мазмунига мос келишидир.

Таълимнинг мақсади мустақил жамиятимиз равнақига назарий ва амалий ҳисса қўша оладиган "Баркамол авлод"ни тарбиялашдир. Таълимнинг вазифаси ёш авлодни илмий билимлар, кўникма ва малакалар тизими билан қуроллантиришдан иборат.

«Дарслик ўқув жараёнининг ўзаги ва ўқув предметининг модели ҳисобланади. Ундаги ёритилган билим, кўникма, малака ва фаолият усуллари давлат таълим стандартида белгиланган минимумдир». Ушбу минимум даражасидаги кичик мутахассислар тайёргарлиги эса таълимнинг баҳоси ҳисобланади.

Дарслик ўқувчиларнинг давлат стандартида ва ўқув дастурида белгилаб берилган билимларни фаол ва онгли суратда ўзлаштиришлари учун мўлжалланган асосий ўқув китоби ҳисобланади. Тўлақонли яратилган дарслик ахборот моделининг мажмуидан иборат бўлиб, бу модель педагогик тизимнинг ўқитувчи-дарслик-ўқув жараёни-ўқувчидан иборат тўрт муҳим таркибий қисмини акс эттиради ва уларни амалиётга тадбиқ этишга имкон беради.

Бунда дарслик ўқитишнинг техник воситаси сифатида ўқувчининг, яъни ўз истеъмолчисининг имкониятларини ҳисобга олиши зарур бўлади. Дарслик – бу ўқувчида муайян ўқув фанининг аниқ мазмунига эга бўлиб қолмай, балки ундан билим олишни ўрганиш, ўрганилган билимларни умумийлаштиришни ва эга бўлган билимларни қанча тўғри эканлигини таққослашни ва амалий кўникмаларда қўллашни ўргатади. Дарсликни ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорлиги воситаси бирлиги сифатида тасаввур қилиш керак. Дарслик ўқитиш воситаси мажмуасининг ядроси ҳисобланади, қайсики уни атрофида қолган ўқув воситалари гуруҳлаштирилади.

Дарснинг мақсади ўқитувчининг режалаштирган аниқ бир мавзусини ўқувчиларга билдириш ва ўқувчилар ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларни текшириб кўриш ҳамда янги мавзуга замин яратишдан иборат.

Ҳозирги пайтда махсус фанлар дарслиklarининг талабга жавоб бермаслигининг асосий сабаби шундаки, уларнинг тузилиши касбий педагогика талабларига, ўқувчиларнинг дарслик билан мустақил ишлашига, уларнинг билим ва кўникмаларини объектив баҳолашга мос келмайди. Баъзи махсус фанлар дарслиklarига техникалар тузилишлари, технологик жараёнлар ёки фаолият усуллариининг ёритилишида битта тушунча, таърифнинг турлича талкин қилиниши, атама ва белгиларни ишлатилишида бир хиллик йўқлиги, янги атама киритилганда унинг мазмуни тўлиқ ёритилмаганлиги каби камчиликлар учрайди.

Дарсликнинг айрим қисмлари ҳажмининг ўқувчи мустақил ишлаши учун ажратилган вақт меъёрига мос келмайди.

Шу ўринда фанлар бўйича дарслиklar янги авлодини яратиш ва баҳолашнинг илмий методик асосларини ишлаб чиқиш касб-ҳунар таълимини ислоҳ қилишдаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ўқитувчининг ўқув жараёнидаги роли ўзгариб бормоқда: у ўқувчилар учун билим беришнинг асосий воситаси функциясини бажариши ва таълим жараёнидаги фаоллиги пасайиб бормоқда, у фақат ўқув жараёнини ташкил этишда ва ўқувчиларнинг мустақил ўрганишлари учун ёрдам берувчи маслаҳатчи сифатида қатнашиши давр талаби бўлиб қолди.

Замонавий дарслик ўзида «ўқувчиларнинг дарслик билан ишлаш дастурини ва ўз-ўзини билимини текшириш тизимини» қамраб олиши керак.

Замонавий таълим шароитида дарслик – ўқитиш жараёнини йўналтирувчи ва мустақил таълим олишга имконият яратувчи восита бўлиши керак. Дарслиklar янги авлоди билимларни ўқувчилар томонидан мустақил ўзлаштириб олишга, уларда кўникма ва малакаларни шакллантиришга, керакли материални мустақил излаш ва топишга, ҳамда амалий фаолиятда қўллашни ўргатишга ва ижодий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Юқорида билдирилган фикрларга хулоса тариқасида шуни таъкидлаш лозимки мамлакат равнақи, унинг эртанги порлоқ келажагини яратадиган ёшлар қалбига миллий қадриятлар, халқимизнинг бой тарихи ва маънавий мероси анъаналарини чуқур сингдириб, уларни ватанпарварлик, фидоийлик ҳамда умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир ота-она қолаверса ҳар бир фуқоранинг бурчи. Бунинг учун имкониятлар етарли, фақат ҳар биримиз бу масъулиятни чуқур ҳис этиб, куч-ғайратимизни сафарбар этишимиз лозим.

Адабиёт, сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади. Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда маънавийтимизнинг ғоят муҳим ва узвий қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг эзгу меҳнатини кадрлаш ва муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўз ҳосилини бераётгани, бадиий адабиётимиз мавзулар кўлами жихатидан ҳам, жанрлар нуктаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни албатта қувонтиради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни // 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. 20-29 б.

2. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: Институт проф. образования, 1995. – 336 с.

3. Олимов Қ.Т. Махсус фанлардан ўқув адабиётларининг янги авлодини яратишнинг назарий-услубий асослари: Дис. ... пед. фан. докт. – Тошкент: 2005. – 286 б.

4. Сафарова Р., У.Мусаев ва б. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим стратегияси муаммолари ва таълим мазмунининг янги моделлари, уларни татбиқ этиш йўллари. – Т.: Фан, 2005. – 255 б.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИ-РАХБАР ШАХСИГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Шарофаддинов Шихназар Анварович,

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси

Таълимни бошқарувчи ва раҳбари бу ўқитувчи ҳисобланади. Унинг мазмун ва моҳиятида, қадим-қадимдан “раҳбар” тушунчаси халқимизда ҳурмат билан тилга олинади.

Улар халқнинг тўқлиги, юрт фаровонлиги, илм-у маърифати учун, кеча-ю кундуз қайғўрганлар.

Шунинг учун ҳам бўлса керак халқимиз тасаввурида раҳбар:

-халқнинг йўлбошчиси, ҳам етакчиси;

-ҳамма нарсани билувчи, ҳамма нарсани кўрувчи-раҳнома;

-раҳбар халқнинг “отаси”, уни тарбияловчи, ғамхўрлик қилувчи, парваришловчи, адолатли

жазоловчиси деб ҳисобланган.

Қадим-қадимдан халқимиз раҳбарни, катталарни ҳурмат қилади, ҳатто ўзидан ёши кичик ёки тенг бўлса ҳам “ака”, деб муомала қилади. Катта-кичик ишини, маракасини раҳбарнинг розилигини олмасдан бошламайди.

Бошқарувда, айниқса таълимда энг нозик соҳа, таълим ва тарбия муассасасини бошқаришда устоз миллий кадриятлар, урф-одатларни демократик тамойиллар билан уйғунлаштириш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир. Биринчи Президентимиз И.А. Каримов бу ҳақида:

“Мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ, буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий таълим тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда” деб ёзиш билан биргаликда биз ўз қобиғимизда, чегараланиб қолмаслигимиз

ҳақида таъкидлайди.

Хўш, XXI-асрда таълим ва тарбия муассасасининг ўқитувчиси ва раҳбари қандай бўлиши керак?

Энг авалло таълим-тарбия масканининг асосий бошқарув негизини бу синфхона ёки аудиториядаги таълимни яъни дарс жараёнини бошқаришдир. Унинг бошқарувчиси ва раҳбари ўқитувчи ҳисобланади. Ўқитувчи раҳбар сифатида таълим жараёнини бошқариш учун тингловчиларни ўзига жалб этиш билан бирга, раҳбарлик маҳоратини ҳам ўзида мужассамлаштирган, талабани яхши кўриш ва яхши билим бериш санъатига ҳам эга бўлиши лозим. Бунинг учун раҳбарнинг бошқарув модели мазмуни нималардан иборат бўлиши лозим?

Келинг, бу саволларга жавоб қидирайлик:

1. Профессional таълим муассасалари раҳбарлари ўз фаолиятининг тактик ва стратегик вазифаларини аниқ белгилаб олиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун professional таълим муассасаларида тажрибали ўқитувчилар, professional таълимга масъул ташкилот вакиллари, ота-оналардан вакиллар, бир сўз билан айтганда ижтимоий институтлар, маҳалла вакилларидан тузилган маслаҳат кенгаши аъзолари билан бир йилда 2-3 марта учрашиб таълим муассасаларининг ички ва ташқи сиёсатини белгилаб олиши лозим.

2. Раҳбарлар таълим муассасасининг келажагини кўра олиши, башорат қила олиши (прогностика) керак. Таълим муассасаси тайёрлаётган мутахассисларнинг мамлакат учун зарурлигини аниқлаши, ўқувчиларнинг интеллектуал, маънавий, маданий ва бошқа соҳаларида ривожланишини олдиндан кўра олиши лозим.

3. Professional таълим муассасаларида комил инсонни, етук мутахассисни тайёрлаш учун таълим муассасида олиб бориладиган ишлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

а) Таълим муассасининг қайси соҳага мутахассислик тайёрлашига қарамасдан ўқувчилар билан ахлоқий, маданий-маънавий, эстетик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, экологик йўналишда дарслар, дарсдан ташқари машғулотлар, олиб бориши;

б) Ўқитувчилар ва ўқувчилар орасида илмий изланишларни қўллаб қувватлаш, “Иқтидорли ўқувчилар клуби”, “Ихтирочилар тўғараги” каби ижодий ишларни узлуксиз равишда йўлга қўйишдан иборат.

4. Раҳбар мутахассислар ёрдамида таълим ва тарбияни ривожлантириш ва бошқариш мақсадида ўқувчиларнинг (ўқитувчиларнинг ҳам) эҳтиёжларини, мотивларини, қизиқишларини, хоҳиш ва истакларини ўрганиб бориши ва ундан унумли фойдаланиши лозим.

5. Раҳбар-бу гўёки театрдаги режиссёр. Режиссёр актёрларига ўз мақсадини, ғоясини, фикрини бера олиш қобилиятига эгаки, бу ерда актёрлар-ўқитувчилар, ўринбосарлар, томошабинлар ўқувчиларидир. Яъни замонавий бошқарув маҳоратини эгаллаш демакдир.

6. Раҳбар ўқитувчилардаги шахсий ташаббусни, фаолликни, ижодий фикрлашни қўллабқувватлаши, яъни илғор методларни педагогик технологияларни, ахборот технологияларини таълим ва тарбия жараёнига тинмасдан жорий этиб бориши керак.

Ўқитувчи-раҳбарнинг ўзига хос шахс хусусиятлари ва педагогик жамоани ўрганишида даставвал шуни қайд қилиш лозимки, таълим муассасаси раҳбарларига, айниқса директорга зарур бўлган жуда кўп шахс сифатларидан биронтасини энг муҳим деб кўрсатиш қолганларини иккинчи даражали ҳисоблаш нотўғри бўлар эди.

Раҳбарнинг одамлар билан ишлаш қобилиятига қуйидагилар киради: «Педагогик жамоада ижобий психологик муҳитни ярата олиш:

- жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатлардан, меҳнат жараёнидан, раҳбарликдан қаноатланганлиги;
- ўқувчилар ўртасида ижобий кайфиятнинг устунлиги;
- раҳбарлар ва уларнинг кўл остидагиларнинг бир-бирларини ўзаро тушуниши ва ўзаро обр-хурматнинг мавжудлиги;

- жамоани бошқаришда ва ўз-ўзини бошқаришда педагогик жамоа аъзоларининг иштирок этиш даражаси;

- уюшқоқлик;
- онгли интизом;
- ишнинг унимдорлиги».

Ўқитувчининг одамлар билан мулоқатда бўлиш қобилияти, баъзан низоларнинг олдини олиш имконини беради.

Раҳбар мулоқот жараёнида қуйидагиларга эътибор бериши лозим:

- Кишилар билан муносабатларда уларнинг исми ва шарифларини ёдда сақлашга ҳаракат қилиши;
- Ўзаро муносабатларда чиройли ва мазмунли гапириш;
- Одамларни ҳамдардлик билан тинглашни ўрганиш.

Мамлакатимизда мустақиллик туфайли таълим муассасаларида амалий психологлар фаолият кўрсатмоқда, бу эса таълим даргоҳидаги психологик муҳитни, шахслараро муносабатларни аниқлашга имконият беради.

Раҳбар ва унинг шахсига қўйилган талаблар. «Раҳбарлик қилиш» сўзига изоҳли луғатда бошқариш, маслаҳат бериш, қузатиш, йўналтириш, кўрсатма бериш каби таърифлар берилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги даврда раҳбарлар зиммасига юклатилган талаблар жуда кўпдир. Уларни қуйидаги беш йирик гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Маънавий етуклик. 2. Интизом ва меҳнатга бўлган муносабати.

3. Билим даражаси. 4. Ташкилотчилик қобилияти. 5. Бошқариш самарадорлигини таъминлай олиш.

Ҳар бир раҳбар психологик билимлар билан бир қаторда муайян педагогик билимларга ҳам эга бўлиши керак. Айнан шу билимлар ёрдамида ёрдамида у ҳодимларга уларни тарбиялаш ва мукамаллаштиришга янада самарали таъсир кўрсатувчи шакл ҳамда усулларни топиши лозим.

Раҳбар шахсига бир неча омиллар таъсир этади:

1. Раҳбарнинг иш вақтининг чегараланмаганлиги, бу ўз вақтида раҳбарнинг жисмонан етарли дам олишига имконият бермайди.

2. Иш жараёнида раҳбарнинг бир қатор низоли, фавқулодда вазиятларнинг тез-тез келиб чиқиши. Демак, раҳбарга жуда катта жавобгарлик ва ҳуқуқ юклатилган.

3. Раҳбарнинг атрофидаги ёрдамчилари, билан муносабатида озгина четга чиқиш раҳбар учун анча асабийлаштишга сабаб бўлиши мумкин.

4. Раҳбарнинг жисмоний ва руҳий соғлигини доимо сақлаш ва равожлантириш учун ўқув даргоҳларида ҳамма шарт-шароитларни яратиш.

Раҳбар қуйидаги муаммоларни ҳал этиши керак:

- ақлий ривожланиш;
- маънавий бойиш;
- муомала маданиятини юксак даражага кўтариш;
- эзгу идеаллар билан машғул бўлиш;
- шахсий ҳислатларни такомиллаштириш;

- ходим маданияти ва маълумот даражаси, унинг ахлоқий касбий ва ҳаёт тажрибасининг қай даражада ривожланганлиги.

Табийки, тарбиявий таъсир умумий ва қотиб қолган бўлмаслиги лозим, чунки юқорида қайд этилган омиллар орқали ҳар бир муайян шахс учун ўзига хос ёндашувни талаб қилади. Шунинг учун тарбиявий таъсир ҳар бир шахснинг ўзига қаратилган бўлиши керак, бу эса раҳбар тарбиянинг турли-туман усулларида хабардор бўлишини тақоза этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон келажагининг пойдевори. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Карнеги Д. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей. – М., 1990.
3. Кузьмин Е.С. Волков, И.П.Емельянов Ю.Н. Руководитель коллектив. -Л.: 1974. С. 98-99.
4. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун меъёрий ҳужжатлар. - Тошкент. 2005 й

INFORMATIKA FANINI HOZIRGI KUNDAGI O'RNI VA AHAMIYATI. PISA XALQARO TA'LIM SIFATINING BAHOLASHDAGI O'RNI

*Shermatova Zuhraxon Asqarovna Farg'ona viloyati
Yozyovon tumani 16 – sonli maktabning Informatika o'qituvchisi*

“Mamlakatimiz o'z taraqqiyotining yangi davriga qadam qo'ygan hozirgi kunda O'zbekiston Respublikasini 2017 – 2021 – yillarda rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasi asosida barcha sohalarda keng ko'lamli o'zgarishlar amalga oshirilmoqda. Ana shu islohotlarning muvaffaqiyati, mamlakatimizning dunyodagi rivojlangan, zamonaviy davlatlar qatoridan munosib o'rin egallashi, avvalo, ilm – fan va ta'lim – tarbiya sohasining rivoji bilan, bu borada bizning dunyo miqyosida raqobatdosh bo'la olishimiz bilan uzviy bog'liq...”

Milliy markazga hukumat qarori asosida, xalqaro tadqiqotlarning baholash dasturlari yo'nalishlaridagi savollar milliy bazasini shakllantirish, xalqaro tadqiqotlar haqida qo'shimcha metodik qo'llanma va adabiyotlar yaratish, iqtidorli pedagog kadrlarni xalqaro baholash dasturlari bo'yicha ilmiy tadqiqotlarga jalb qilish vazifalari yuklatildi. Ta'lim sifatini baholashga yo'naltirilgan PISA kabi baholash dasturlari O'zbekiston ta'lim tizimi uchun ilk marta o'tkazilayotganligi sabab ularni shaffof va obyektiv o'tkazish soha xodimlari zimmasiga yuksak mas'uliyat yuklaydi. Bu borada pedagog kadrlarning xalqaro tadqiqotlar haqidagi tasavvurlarini boyitish, shu orqali ta'lim sifatini oshirishga hissa qo'shish maqsadida metodik qo'llanmalar tayyorlandi.

PISA – o'quvchilarning o'qish (matn tushunish), matematika va tabiiy fanlardan savodxonlik darajalarini baholashga qaratilgan xalqaro baholash dasturi bo'lib, o'quvchilarning maktab davrida orttirgan bilim va ko'nikmalarini real hayotiy vaziyatlarda qay darajada qo'llay olishlarini aniqlashga mo'ljallangan. Shuningdek, PISA dasturi o'quvchilarning ta'lim olishga bo'lgan munosabati va motivatsiyasi haqida qimmatli ma'lumotlarni to'plash bilan birga, ularda muammoni hal qila olish kabi ko'nikmalarni ham baholaydi.

Barcha fanlarda bo'lgani informatika fanini o'rni hozirgi eng muhim fanlardan bo'lib hisoblanadi. Informatika fani o'quvchilarga kompyuter texnologiyalardan foydalanish uning xususiyatlari haqida o'rgatadi. PISA bo'yicha ham eng muhimi kompyuter va internetdan tez va qulay foydalanishni bilishi kerak. Informatika fani har bir o'quvchi, har bir fan, har bir o'qituvchi uchun judayam bilishi kerak bo'lgan fan hisoblanadi.

Axborot kommunikatsiya texnologiyalari jadal rivojlanayotgan bugungi kunda informatika fanining rivoji va istiqbollari, bu fan oldida turgan dolzarb masalalar haqida o'quvchilarga o'z vaqtida ma'lumot yetkazish, bilim berish zamonaviy fan o'qituvchilari, ilmiy izlanuvchan olimlarning muhim vazifalaridir. Sababi fan shunchalik shiddat bilan rivojlanmoqdaki, agar bu bilimlar bugun o'quvchilarga yetkazilmasa, ertaga eskirgan ma'lumotga aylanib qolishi hech gap emas. Shunday muhim vazifalarni amalga oshirishda ta'lim muassasalarida o'tkaziladigan ilmiy – amaliy anjumanlar ham muhim ahamiyat kasb etadi.

“Axborot texnologiyalari” iborasidagi “texnologiya” so'zi lotincha “thexnos” – san'at, hunar, soha va “logos” - fan degan ma'noni anglatadi.

Lotin tili – hind – yevropa tillari oilasining Italiya tillari guruhiga mansub, Italiyaning o'rta qismidagi Latsiy viloyatida miloddan avvalgi VIII – asrda yashagan lotin qabilasining tili. Lotin tilining asta – sekin Rim hududidan tashqariga tarqalgan.

Ya'ni texnologiya – biror vazifani bajarishda uning turli xil usullari ko'rinishini bildiradi. Axborot texnologiyalari axborotlarni yig'ish, saqlash, uzatish, qayta ishlash usul va vositalari majmuidir. Axborot texnologiyasining vujudga kelishi va rivijlanishini belgilovchi ichki va tashqi omillar mavjud bo'lib, ularni quyidagicha tavsiflash mumkin:

Ichki omillar – bu axborotlarning paydo bo'lishi (yaratilishi), turlari, xossalari, axborotlar bilan turli amallarni bajarish, ularni jamlash, uzatish, saqlash. Tashqi omillar – bu axborot texnologiyasining texnik – uskunaviy vositalar – orqali axborotlar bilan turli vazifalarni amalga oshirishni bildiradi.

Harakat – borliqni ajralmas xususiyati bo'lgan o'zgaruvchanlikni ifodalovchi falsafiy kategoriya. Harakat tushunchasi imkoniyatlarning voqelikka aylanishini, ro'y berayotgan hodisalarni, olamning beto'xtov yangilanib borishini aks ettiradi.

Siz biror ma'lumot haqida boshqa bir viloyat (respublika, qit'ada) yashovchi o'rtog'ingiz bilan fikr almashmoqchisiz deylik. Buni turli yo'llar orqali amalga oshirishingiz (o'z navbatida, o'rtog'ingiz ham sizga javoban) quyidagi usullar orqali yetkazishingiz mumkin:

- a) Aloqa bo'limi orqali (yozma ravishda)
- b) Telefon tarmoqlari orqali (og'zaki)
- c) Zamonaviy telekommunikatsiya vositalari orqali

Bozor iqtisodiyoti hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot jadal rivojlanib borayotgan vaqtda informatika fanini o'rni va roli juda beqiyos. Hozirgi kunda har bir sohada ta'lim sohasimi, ishlab chiqarishmi, bank sohasimi, xizmat ko'rsatish bo'ladimi, moliya sohasimi, bozor iqtisodiyotimi xoh u qurilish sohasi bo'lsin barcha sohalarda informatika fanini o'rni beqiyosdir.

Zamonaviy telekommunikatsiya vositalari imkoniyatlari juda keng tizim bo'lib, unga informatika va hisoblash texnikasi asoslari fanidan ma'lum bo'lgan kompyuter, multimedia vositalari, kompyuter tarmoqlari, internet, intranet kabi tushunchalardan tashqari qator yangi tushunchalar ham kiradi. Bularga axborot tizimlari, axborot

tizimlarini boshqarish, axborotlarni uzatish tizimlari, ma'lumotlar ombori, ma'lumotlar omborini boshqarish tizimi, bilimlar ombori kabilar kiradi.

XX – asrning 90 – yillaridan boshlab axborotlashtirish sohasi keskin rivojlanib ketdi. Bizning asrimiz, ya'ni XXI – asrni axborotlashtirish va kommunikatsiya asri deb bejiz atashmaydi. Axborotlashtirish nima va uning vazifalariga nimalar kiradi, uning asosiy xususiyatlari qanday, degan savollar hozirgi zamon jamiyatidagi har bir fuqaroni qiziqtirishi tabiiy. Chunki inson faoliyatini axborotsiz tasavvur qilish qiyin.

Mikroelektronika ishlab chiqarish texnologiyasining rivojlanishi va o'ta kuchli protsessorli kompyuterlarning yaratilishi axborotlarni qayta ishlash imkoniyatlarini kengaytirmoqda. Ishlab chiqarish, moddiy ishlab chiqarish – jamiyatning yashashi va tarqqiy etishi uchun zarur bo'lgan moddiy boyliklar (turli iqtisodiy mahsulotlarni)ni yaratish jarayoni, ishlab chiqarish omillarini iste'mol va investitsiyalar uchun mo'ljallangan tovarlar va xizmatlarga aylantirish. Interfeys kompyuterining imkoniyatlarini kengaytiruvchi qurilma bo'lib, uning asosiy vazifasi tashqi qurilmalardan kiritiladigan ma'lumot (signal)larni kompyuterda qayta ishlash uchun qulay holga keltirishdan iborat.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, hozirgi kunda ta'lim sohasida o'qitishni avtomatlashtirishga katta e'tibor berilmoqda. Chunki zamonaviy o'qitish texnologiyalaridan dars jarayonida foydalanish katta ijobiy natijalar beradi. Misol qilib aytadigan bo'lsak, kimyo – biologiya, fizika fanlarida o'tkazilish imkoniyati bo'lmagan tajribalar bor. Bu tajribalarni internetdan olib o'quvchilarga ko'rsatish imkoniyatini beradi. Matematika - geometriya fanlaridan esa turli xil mantiqiy savollar orqali ko'rsatib berish mumkin. Darslarni turli xil audiodarslar orqali o'tish, matematika fanlarida mantiqiy savollar, tarix huquq fanlarida o'tmishga sayohat qilish imkoniyatlarini beradi.

PIRLS TADQIQOTLARIGA TAYYORLASHDA “MATN TAHLILI” METODIDAN FOYDALANISH SAMARASI.

Atayeva Baxrinisa Abduvaxidovna

Sirdaryo viloyat XTXQTMOHM katta o'qituvchisi.

+99897245 68 06

O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida umumiy o'rta va maktabdan tashqari ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlari belgilangan. Unga ko'ra 2021-yilda PIRLS xalqaro tadqiqoti bo'yicha boshlang'ich sinf o'quvchilarining matnni o'qish va tushunish darajasini aniqlash bo'yicha tadqiqotda ishtirok etish rejalashtirilmoqda. PIRLS matnni o'qish va tushunish sifatining xalqaro tadqiqotida (boshlang'ich maktab o'quvchilarining matnni o'qish hamda tushunish darajasi va sifatini baholash) yo'nalishidir.

PIRLS tadqiqotlari doirasida turli ta'lim tizimiga ega bo'lgan davlatlarning 4-sinf bituvchilarining o'qish sifati va o'qilgan matnni tushunish darajasi o'rganiladi. Bu tadqiqotlarga 4-sinf o'quvchilarining tanlanishi shu bilan e'tiborliki, aynan o'qishning to'rtinchi yilida o'quvchilar o'qishning yuqori darajasiga ega bo'lishi, ularning keyingi ta'limda bilimni egallash qobiliyatini shakllantirish va shu orqali hozirgi zamonga muvaffaqiyatli moslashuviga yordam beradi.

2021-yilda o'tkaziladigan navbatdagi tadqiqotda davlatimizning ishtirok etishi rejalashtirilmoqda. Shu bois boshlang'ich maktab o'quvchilarining matnni o'qish hamda tushunish darajasi va sifatini oshirishga yo'naltirish asosiy vazifa bo'lib qolmoqda. Buni amalga oshirish jarayonida matnni o'qish va tushunish darajasini oshirishda matn ustida ishlash jarayonida interfaol metodlardan foydalangan holda tashkil etish muhim ahamiyatga ega.

Boshlang'ich sinf o'qish darslari yuqori sinflardagi adabiyot darslarning tarkibiy qismi bo'lib, ulardagi asosiy ish turi matn ustida ishlashdir. Asar matn ustida ishlash orqali ham og'zaki, ham yozma nutq o'tirishni o'qish darslarda o'rganiladigan matnlar misolida ko'rsatish mumkin:

1. Lug'at ustida ishlash orqali nutq o'tirish. Bunda o'quvchilar matnning o'qib bo'lgach, undagi notanish so'zlarni aniqlaydilar va o'qituvchi yordamida ularni tushinib oladi.

Matn mazmuni qayta hikoya qilish orqali nutq o'tirish. Mazkur turda o'quvchilar matn mazmunini qisqartirib, kengaytirib, obrazlarni o'zgartirib, o'z fikrlarni bildirib qayta hikoya qiladilar. qayta hikoyalashda, albatta, matndagi so'zlardan foydalanish yaxshi samara beradi.


2. Matnga oid savol-javoblar ustiga ishlash orqali nutq o'tirish. Bunda faqat darslikdagi savol va topshiriqlar bilangina cheklanib qolmay, balki har bir darsda o'quvchilarni o'ylashga, mulozaza yuritishga chaqiruvchi yangi savollar tuzish va o'quvchilar hukmiga havola etish lozim.

3. Test topshiriqlar ustida ishlash orqali nutq o'tirish. Bu usul o'quvchilarni har tomonlama o'ylashga, matn mazmuni chuqurroq o'zlashtirishga, matndagi har bir so'zga alohida ahamiyat berishga o'rgatadi Test usuli o'quvchilar uchun qiziqarli bo'lib, ular berilgan topshiriqlarni bajonidil bajaradi.

Yuqoridagi usullardan o`rinli va unimli foydalanish yaxshi samara beradi. Matn ustida ishlash orqali o`quvchilarning lug`at boyligi har jihatdan boyib boradi. Matindagi iboralar, so`z va so`z birikmalari o`quvchilar nutqiga k o`chib, ular nutqining jozibador b o`lishga olib keladi.

Matn mazmunini tushunish darajasini samarali amalga oshirishda “Matn tahlili” metodining o`rnini ko`rsatib o`tmoqchimiz. “Matn tahlili” metodi qoidasiga ko`ra mavzudagi voqeaning qisqacha mohiyati topish, matnning asosiy muammosi, asar qatnashchilari, asar asosida chiqariladigan xulosa va yuqoridagi muammoni hal etish jarayoni ya`ni yechimni topishga yo`naltirilgan.

Masalan: 3-sinf o`qish fanidan “Soy suvi haqida ertak” matni asosida “Matn tahlili” metodiga ko`ra matn ustida ishlash yo`nalishini ko`rishimiz mumkin.



Bunda o`quvchilarda voqea haqidagi fikrlari o`z tushunchalari asosida bo`lishi mumkin, ya`ni yuqorida suv haqida deyilgan bo`lsa boshqasi dehqon haqida, qadim zamonda deb ham ta`riflashi mumkin, Muammoni ham o`z tushunchasi asosida chiqaradi, ya`ni ekin sug`orishga suv yoq, Xulosa uchun ham matn mazmuni asosida maqol, hikmatli so`z topishi qissadan hissa chiqara olishga, matn yechimini topish ham o`quvchini mantiqan fikrlashga yo`naltiradi.

Asarni tahlil qilishning asosiy yo`nalishi matnning aniq mazmuni (voqyealar va uning rivojlanishi)ni, kompozitiasini, ishtirok etuvchi shaxslarning axloqi va xarakterli xususiyatlarini, asarning g`oyasini aniqlash hisoblanadi.

Asarni tahlil qilishning metodik shartlaridan biri asar mazmunini uning tasviriy-ifodali vositalari bilan bog`liq holda qarashdir. Yana bir asosiy qoida asar ustida ishlash jarayonida ta`lim-tarbiyaviy vazifalarni umumiy ravishda amalga oshirish hisoblanadi. Bu qoidalar asar ustida ishlashning asosiy yo`nalishini belgilaydi, shuningdek, matnni tahlil qilish jarayonida o`quvchilar bajaradigan topshiriqlarni va muhokama qilish uchun ularga beriladigan savollarning xarakterini aniqlab olishga yordam beradi

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki o`quvchilar bilan matn ustida ishlash jarayonini yanada takomillashtirsak ilg`or usullardan foydalansak o`quvchilarning nutq madaniyatini yanada rivojlantirishga olib kelamiz va biz o`z maqsadimizga erishamiz deb o`ylaymiz.

INTEGRATSIYALASHGAN DARSLAR ORQALI O`QUVCHILAR BILIM SIFATINI OSHIRISH

*Boboqulova Dilorom Erbo`tayevna Mirzaobod tumani
5-umumta`lim maktabi boshlang`ich sinf o`qituvchisi*

Integratsiya jarayoni fanlar orasidagi aloqani yangi, yuqori sifatda bir –biriga bog`lash bosqichi bo`lib, o`zini yuqori ko`rinishda namoyon etadi. Integratsiya fanlararo bog`liqlikdir. Fanlararo bog`liqlik asoslari tabiatni to`la holda o`quv darsliklarda ko`rsatishi va tushuntirish zaruratidan paydo bo`lgan. Ulug`

didaktik Yan Amos Kamenskiyning ta'kidlashicha: «Bir-biri bilan bog'liq bo'lgan hamma narsa, huddi shunday holda o'rganilishi kerak». Fanlararo bog'liqlik g'oyasiga keyinchalik juda ko'p pedagoglar yondashib, uni rivojlanishi va umumlashtirilishiga hissa qo'shdilar. D.Lokk g'oyasiga ko'ra: «Ta'lim mazmunining aniqlanishida bir fan boshqa fanlar elementlari va faktlari bilan to'ldirilish kerak».

Pestalossi bir fanning boshqa bir fandan uzoqlashuvi hatto xavfliligini ta'kidlaydi. Bugungi kunda STEAM-ta'lim dunyodagi asosiy tendensiyalardan biri sifatida rivojlanmoqda va amaliyot yondashuvni qo'llashda beshta sohani yagona o'quv sxemasiga integratsiyalashga asoslangan. Bunday ta'limning shartlari uning uzluksizligi va bolalarning guruhlarda o'zaro muloqot qilish qobiliyatini rivojlantirish bo'lib, bunad ular fikrlarni to'plashi va fikrlar almashadi. SHuning uchun, asosiy ta'lim dasturiga quyidagilar Lego-texnologiyalar, bolalar tadqiqotlari kabi mantiqiy fikrlashni rivojlantirish modullari kiradi.

STEAM (S-fan, T-texnologiya, E -muhandislik, A - can'at, M - matematika) - ilm-fan, texnologiya, muhandislik, san'at va matematikani birlashtiruvchi zamonaviy yondashuv.

STEAM bolalarda quyidagi muhim xususiyatlar va ko'nikmalarni rivojlantirishga yordam beradi

Muammolarni keng qamrovli tushunish

Ijodiy fikrlash

Muhandislik yondashuv

Tanqidiy fikrlash

Ilmiy metodlarni tushunish va qo'llash

Dizayn asoslarini tushunish

Bu yondashuv kelajakda bolalarda hayotiy muammolarni hal etishda yordam beradi.

STEAM yondashuvi tufayli bolalar tabiatni tushunib, dunyoni muntazam o'rganishadi va shu bilan qiziqishlarini, muhandislik fikrlash uslubini, tanqidiy vaziyatlardan chiqish qobiliyatini, jamoaviy ish qobiliyatini rivojlantirish va liderlik, o'z-o'zini namoyon qilish asoslarini o'rganishadi, o'z navbatida, bolalar rivojlanishining tubdan yangi darajasini ta'minlaydi.

O'z-o'ziga ishonchni shakllantirish. Bu yondashuvda bolalar o'z qo'llari bilan yaratgan ko'prik va yo'llar, samolyotlar va avtomobillarni "ishga tushirib", suv osti va havo tuzilmalarini "rivojlantirib", sinovdan o'tkazib, har safar ular maqsadga yaqinlashib borishadi. YAxshi natija bermagan —mahsulotlarni qayta-qayt sinovdan o'tkazib, takomillashtirib borishadi.

Natijada barcha muammolarni o'zi hal qilish, maqsadga erishish bolalar uchun ilhom, g'alaba, adrenalin va quvonch olib keladi. Har bir g'alaba, o'zlarining qobiliyatlariga ko'proq ishonch uyg'otadi.

Faol muloqot va jamoaviy ish. STEAM dasturlari ham faol muloqot va guruh ishi bilan ajralib turadi. Muhokama bosqichida ular fikr bildirishga qo'rqqmaslikka o'rganadilar. Ko'pincha, stol atrofida o'tirmaydi, o'zlarining dizaynlari asosidagi —mahsulotlarni sinovdan o'tkazadi va rivojlantiradi.

Ular hamma vaqt hamkorlikni ta'minlaydigan jamoada tarbiyachilar va ularning do'stlari bilan muloqot qilish bilan band bo'lishadi.

Texnik fanlar bo'yicha qiziqishlarni rivojlantirish. Maktabgacha va boshlang'ich maktab yoshidagi STEAM ta'limi vazifasi qiziqishning rivojlanishi uchun dastlabki shart-sharoitlarni yaratishdir. Bolalar uchun tabiat fanlari va texnik fanlar bo'yicha, qilgan ishni yaxshi ko'rish, qiziqishni rivojlantirish uchun asosdir. STEAM —bolalar uchun juda qiziqarli va dinamik bo'lib, bolalarning zerikishlariga to'sqinlik qiladi. Ular vaqt o'tayotganini sezmaydilar, lekin ham charchamadilar.

Sehrgarlar o'lchami

Matematika darslarida o'lchov birliklarini tushuntirish (tegishli vositalarni tanlash va ishlatish bilan ob'ekt uzunligini o'lchash.)

Sizga kerak bo'lgan jihozlar: 20- 25 sm li yog'och cho'plar, qog'ozlar, bo'yoqlar.

Dars borishi: dars boshida har bir o'quvchiga turli daraxt cho'plaridan tarqating: masalan terak, tut, yong'oq. Ular turli uzunlikda bo'lsin.

Darsni tashkil etib bo'lganingizdan so'ng, standart chizg'ichni amaliyotga joriy etishdan oldin odamlar turli o'lchov vositalaridan foydalanganliklarini, o'lchov sifatida

hatto qo'l, oyoq, barmoqdan ham foydalanishgan. Turli o'simliklarning dukkaklari ham o'lchov sifatida ishlatilgan.

Hozir darsda sinf xonasini o'lchash uchun chizg'ich tayyorlaymiz. Qo'lingizdagi cho'plarni qog'oz diagonali bo'ylab joylashtiring. Qog'ozni cho'pga o'rang, elimlab qo'ying. Qo'lingizda mavjud bo'yoqlar yordamida yasagan o'lchov cho'plaringizni o'zingiz istagancha bo'yashingiz mumkin.

O'lchov cho'plari quriganidan keyin xona uzunligini —cho'p o'lchov kattaligida o'lchab chiqing.

O'quvchilarda turli daraxtlarning novdalari tarqatilganligi hamda 20 smdan 25 smgacha uzunlikda bo'lganligi uchun ular 20 o'lchov terak, 22 o'lchov tut, 25 o'lchov yong'oq kabi natijalar chiqadi. O'lchash tugaganidan keyin birliklarni taqqoslash haqida savol bilan murojaat qilinadi. O'quvchilar tajriba va o'lchov birliklarni to'g'ri tushinishlari uchun zarur bo'lsa ularga yordam berish kerak.

M.I.Mahmudovning fikricha integratsiyalashgan mashg'ulotlar ta'lim jarayonida o'zaro aloqalarning tashkiliy shakllaridan biri sifatida namoyon bo'ladi. Bu esa, o'quvchidan dars jarayonida maqsadga yo'naltirilgan faoliyat ko'rsatishni talab qiladi.

Boshlang'ich va umumiy o'rta ta'lim muassasalarida integratsiyalash bir vaqtning o'zida nazariy bilimlar bilan birga amaliy ko'nikma va malakalarni egallashni talab etadi. Bunday aralash mashg'ulotlarni o'tkazish uchun o'qituvchilar mukammal uslublarni egallagan bo'lishlari lozim. Shu tariqa mazmunlari bo'yicha bir-biriga yaqin mavzular ta'sirini muvofiqlashtirish maqsadida o'quv reja va dasturlarni butunlay qaytadan ko'rib chiqish kerak. Bilim va ko'nikmalarni shakllantirish bilan bog'liq mujassam darslar uslubiy ji hatdan muntazam bosqichmabosqich tashkil qilinadi, o'quvchilarga berilayotgan ma'lum miqdordagi nazariy bilimlardan keyingina amaliy bilim berilsa, o'quvchilarda kerakli bilim, ko'nikma malakalar oson shakllanadi. Boshqacha aytganda olib boriladigan darslarni yangi pedagogik texnologiyalar asosida, integratsiyalashgan holda amalga oshirilishi zarur.

Darsga integratsion yondashish asosan, atrof-borliq va ularning o'zaro uyg'unlashuvida namoyon bo'ladi.

Integratsiya so'zi turlicha talqin qilinib, integratsiya (lotincha integratio – jamlash, umumlashtirish, integer – yaxlit) tushunchasi, birinchidan, alohida differentsion bo'limlarning o'zaro muvofiqligi, organizm funktsiyalari tizimining yaxlitligi va bu holatga olib boruvchi jarayon; ikkinchidan, fanlarning o'zaro bog'liqligi va yaqinlashuv jarayoni, ularning differentsiallashish uchun kechadigan qator omillarda namoyon bo'ladi.

Demak, integratsion faoliyat tashabbuslar va yangiliklar asosida shakllanadi, ta'lim mazmunining rivoji uchun istiqbolli bo'ladi, shuningdek, ta'lim tizimining rivojiga ham ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲАТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ МАЗМУНИ, СИФАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

*Бўронова Севара Ойбековна,
Сирдарё вилояти ХТБ тасарруфидаги
ХТИМИ тарих фани ўқитувчиси*

Мамлакат келажаги бўлган ёшларимиз таълим- тарбияси, улар дунёқараши, эртаси, эгаллаётган касби, ўтаётган ҳар бир вақти алоҳида аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги жонқуярлиги ва тинимсиз изланишлари бежиз эмас. Шу сабаб жорий йилнинг 23- август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида бўлиб ўтган видеоселектрда кўрилган масалалар ниҳоятда долзарб бўлиб, ушбу масалаларнинг жуда кўпи янги – тилга олинмаган масалалар, уларнинг яна кўпи йиллар давомида ишланмаган, ўзгартириш киритилмаган ва ҳатто ёддан умуман кўтарилган эди. Мазкур ўқув йили номи ҳам бежиз “Таълимда ислоҳатлар: ўзгаришларни ўзимиздан бошлайлик” деб кўйилмади. Жамиятимиздаги ҳар бир инсон, ҳар бир ота-она турмуш тарзининг фаровон бўлиши, таълим тизими салоҳиятининг ўсиши учун жавобгардир. Бу ҳақда ҳамюқорида айтиб ўтилган видеоселектрда таъкидланганидек, ота-оналарнинг бола тарбияси учун масъулиятни кучайтириш ва жавобгарликни ошириш, таълим муассасасида ўқитувчи шаъни, кадр – қиммати ва обрўсига путур етказувчи ҳар қандай ҳаракатлар содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш ва тегишли маъмурий- ҳуқуқий чораларни қўллаш юзасидан тегишли чоралар кўриш учун меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида чоралар кўриш белгиланди. Бундан ота-оналаримиз тегишли хулосалар чиқаради, деган умиддамиз.

Таълим тизимида яна бир иллат борки, у жуда кўп йиллардан бери таълимни ва инсонлар ишончини емириб келмоқда. Бу, албатта, коррупциядир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида коррупциянинг турли шаклларига қарши курашишга йўналтирилган нормалар ўрнатилган. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (ЖКнинг 205- моддаси), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (ЖКнинг 206- моддаси), мансаб сохтакорлиги (ЖКнинг 210, 211 ва 212- моддалари), давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (ЖКнинг 214- моддаси), шунингдек, бюджет ва смета – штат

интизомини бузиш (МЖТКнинг 175-моддаси), оз миқдорда талон-тарож қилиш (МЖТКнинг 61-моддаси) каби қилмишлар ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади. Ушбу билан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ коррупцияга қарши ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг оқибатлари хусусида, уларнисодир этганларга нисбатан интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари кўрилиши ҳамда эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши, лозим бўлса содир этилган фактлар хусусида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар берилиши ҳар бир фуқаро ва юридик шахсларга тегишлилиги маълум. Лекин таассуфлар бўлсинки, таълим ўчоғи саналган - “иморатлар ичра энгмукаддаси” ҳисобланган мактабларда ҳам, олий таълим даргоҳларида ҳам коррупция ҳали ҳануз “яшамокда”. Тилга олинган бу иллат халқ менталилетига шу қадар чуқур кириб борганки, унга қарши бутун бир халқ- миллат қарши курашмаса, уни илдизи билан йўқотиш асло мумкин эмас. Таълим тизимида юқорида келтирилган коррупциянинг деярли ҳар бир кўриниши мавжуд. Бунини йўқотиш учун ҳар бир инсон ва ҳар бир фарзанд ҳақиқий ватанпарвар бўлмоғи лозим. Шундагина таълимда ўсиш-ривожланиш рўй беради. Таълимдаги ислохотларни чуқурлаштириш ва таълим- тарбия мазмуни, сифатини ошириш учун айрим масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида қуйидаги таклифларга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

1. Умумий ўрта таълим мактабларида мактаб ҳисобидаги соатлар тақсимотини кўриб чиқиш .
2. Дарсдан кейинги тўғарақлар режа ва дастурини низом асосида ўрганиш. Тўғарақларни молиялаштириш .
3. Бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан ишлашга янгича ёндошув , янгича қараш .
4. “Устоз- шогирд” анъанаси тизимини умуман янгилаш ва янгича ёндошув.
5. Синфдаги ўқувчилар сонини имконият даражасида камайтириш.
6. Фан кабинетини хоналари талабларини ўзгартириш ва барча кабинет хоналарини молиялаштириш (ҳақ тўланиши ва таъмирлаш масалаларида) .
7. Умумий ўрта таълим мактабларида шифокор штатини кенгайтириш.
8. Ўқитувчиларни иш вақти давомида инглиз тили ва АКТ дан малакали мутахассислар бошчилигида бепул ўқишлар ташкил этиш.
9. Ўқитувчиларнинг иш вақтини қисқартириш ва дам олиш хоналарини ташкиллаш.
10. Ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан индивидуал ишлашларини кўриб чиқиш. (вақти , соати, режаси ва ҳаққонийлик даражасини)
11. Мактабда мавжуд соатлар имконидан келиб чиқиб, диний дарс соати киритиш, яъни “Дин асослари” номли янги дарсни татбиқ этиш ва унда кучли диний –дунёвий билимлар билан қуролланган устозлар дарс беришини таъминлаш. (Ушбу устозлар “Қуръон” тавсиригача шарҳлаб, никоҳ, ҳалол- ҳаром ҳақидаги масалаларни изоҳлай олиш кўникмасини эгаллаган бўлмоғи лозим.)
12. Ҳар бир таълим ташкилоти таркибида “Маҳорат мактаби” ни ташкил этиш ва унда ўқитувчилар фаоллигини, креативлигини ошириш.
13. Ҳар бир вилоятда “Маҳорат мактаби”ни “Устоз ва шогирд мактаби”ни таркиб топтириш ва мақсадли режалар билан ишлаш, янги компетенциявий ёндашув билан шакллантириш.
14. Худудлардаги шаҳар ва туман халқ таълими методистларини мактаблар билан ишлашларини ривожлантириш, самарали янги “Йўл харитаси” ни киритиш.
15. “Тарбия” дарсларини Миллий истиклол ғояси ўқитувчилари ва тил ва адабиёт фани ўқитувчилари ўтишини ташкиллаш.
16. “Технология” фанини жаҳон тажрибасига асосан қизлар ва йигитлар гуруҳига бўлмасдан ўқитиш ёки ушбу фан дастур режасини мукамал вариантини ишлаб чиқиш;
17. Мактаблардаги табиий фанлар лабораториясини ҳар бир ўқувчи ўзи дарс пайтида амалий бажара олиш кўникмасини ҳосил қилиш учун шарт-шароит яратиш;
18. Мактабда ўқитувчиларнинг интернет тармоғидан фойдаланишларига шароит яратиш (ҳақиқатан ҳам мактабда ҳеч бўлмаса бир белгиланган вақтда ўқитувчилар мактабдаги интернетдан дарсларда фойдаланишларига кўмак бериш, WF зона яратиш)
19. Мактабларга “Оила ва этика” дарсини киритиш. (юқори синфларга бу дарсни ўтиш жуда зарур бўлиб, оила унинг кадри, оила тарбияси, ўғил ва қиз болалар этикаси, репродуктив саломатлиги, шахсий гигиенаси, оила ва никоҳ масалаларини ўқитиш эътиборга олиниши лозим.)
21. МТМларда 4 ёшдан инглиз ва рус тилларини ўқитиш.
22. Турли семинар тренинг машгулотлари, дарс ишланмалари, тадбирлар намойиши, таълим тизимида тегишли медиа маҳсулотларни кўпайтириш ва ўқитувчилар оммасига етказиш. Медиа таълимни ривожлантириш.

23. Жаҳон тажрибасига кўра кам сонли ўқувчиларга кўп сонли ўқитувчиларнинг дарс беришини босқичма-босқич шакллантириш.

Халқ таълими тизими бугунги кунда энг долзарб масалага айланган бир вақтда давлатимиз раҳбарининг “Ўқитувчиларни ҳурмат қилмагани мен ҳам ҳурмат қилмайман” деган сўзлари барча республика ўқитувчиларининг кўксини тоғ каби кўтарди, бир олам қувонч, фахр-у ғурур баҳшида этди. Ва бу билдирилган юксак ишонч ўқитувчиларни янада катта масъулият ҳамда чуқур жавобгарлик ҳисси билан фаолият юритишларини талаб этади.

РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Нуралиева Наргиза
СВХТХКТМОМ катта ўқитувчиси*

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг жадал ривожланиши жамият ҳаётининг барча соҳаларида тараккиётининг янги истикболларини очиб берди. Инсониятнинг давлат ва жамият қурилишига доир асрий тажрибалари ижтимоий муносабатларни янгича ёндашувлар асосида тартибга солиш борасидаги илгор ёндашувларнинг қарор топтирилишига олиб келди. Республикада таълим тизимини янада ривожлантиришда, ривожланган давлатлар таълимини урганиш, ва уни амалда фойдаланиш янада самарали натижаларни беради. Масаслан:

Япония таълимнинг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония уз олдига 2 вазифани: 1-бойиш, 2-гарб технологияларини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини қуйди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан узгартириш кераклигини англади.

Японияда мактабгача таълимга катта эътибор берилади, чунки психологларнинг таъкидлашича 7 ёшгача инсон билимларни 70%ни, қолган 30%ни бутун қолган умри давомида узлаштирар экан. Мактабгача тарбия одатда оиладан бошланади. Япон аёллари учун оналик биринчи уринда туради. Қўпгина япон аёлларининг айтишларича, бола тарбияси-уларнинг ҳаётларининг максадларидир.

Японияда бошлангич таълим мажбурий ва бепул булиб, машғулотлар апрель ойида бошланади. Ўқув йили 3та чорак-триместрга булинади. 1 -чорак-6 апрелдан-20 июлгача давом этади, кейин ёзги таътил бошланади. 1 -сентябрдан 2-триместр бошланади ва 26 декабргача давом этади. 26-декабрдан 7-январгача кишли таътил булади. Охириги 3-триместр 7-январдан 25-мартгача давом этади. 25-мартдан 6-апрелгача баҳорги таътил булади. Шу пайтда ўқувчилар синфдан синфга кучади. Чорак-триместрларнинг бошланиши ва тугалланиши турли мактабларда турли саналарга тугри келиши мумкин. Таътил пайтида ўқувчилар уй вазифаларини оладилар. Баъзан таътил пайтида ҳам, агар триместрда яхши ўқимаган бўлса, махсус курсларда ўқийдилар. Японияда ўқиш 6 кунлик, лекин ҳар 2-шанба дам олиш куни ҳисобланади. Мактабларда ўқитиш дастури узгарувчан, лекин Таълим вазирлиги тасдиқлаган стандартларга асосланади.

Германия таълим тизими бир неча босқични уз ичига олади:

1. Элементар таълим: мактаб таълимнинг 1-босқичига тегишли булиб, мактабгача муассасалар қиради. Асосан булар болалар богчалари, тайёрлов синфлари ва қириш гуруҳлари булиб, бу ерларга болаларнинг катнашиши 3 йил давомида ота-оналар хошишига қўра ихтиёрийдир.

2. Таълимнинг биринчи босқичи. (Primastufe) бошлангич мактаб, унга 6 ёшдан катнай бошлайди. Ўқиш муддати 4 йил, Берлин ва Бранденбургда 6 йил. Бу босқичдаги таълимнинг максоди-болаларга таълим 1нинг иккинчи босқичидаги у ёки бу мактабда таълимни давом эттиришга имкон берувчи асосий билимларни беришдан иборат.

3. Таълим I нинг иккинчи босқичи (Sekundastufe I) "Йўналишли босқич" деб номланувчи босқичдир, унда болаларни уларнинг иқтидорига қўра ўқув муассасаларининг керакли турига йўналтиради: асосий мактаблар, реал мактаблар, гимназиялар, комплекс мактаблар. Ўқувчилар таълим ҳақидаги аттестатни реал ва асосий мактабларни битиргачгина олишади.

4. Таълим II нинг иккинчи босқичи (Sekundastufe II)га гимназиянинг юқори синфлари, шунингдек касбий таълим ва муассасаларда касбий таълим қиради. Муассасаларда касбий таълим "дуал тизим" деб ҳам аталади, унда таълим ва ишлаб чиқаришда амалиёт 2 йил давомида олиб борилади, бу ўқишни тугатиш урта таълимни тугатиш билан тенг булиб, якунида фақат касбий соҳада ўқишни давом эттириш мумкин. Гимназияда 3 йил ўқиб, ўқувчилар умумий шаходатнома "етўқлик аттестати"-абитур оладилар, бу уларга истаган олий ўқув юртига қиришга имкон беради.

5. Таълимнинг учинчи босқичи олий маълумот ҳақида диплом берувчи олий ўқув юртлари ва малака ошириш ўқув муассасалари.

Германияда 300 дан ортиқ олий мактаблар булиб, улар 16та Федерал ерларда жойлашган. Шулардан Гейдельберг университети энг қадимий булиб, 1385 йил ташиқил топган. Турли мутахассисликлар

буйича 400дан ошиц уцув дастурлари жуда кенг танлаш имконини беради, бунда истаган мутахассисликни эгаллаш ва фанларро тадқиқотлар утказиш мумкин.

Жанубий Корея таълим тизими яна битта бутунжахон тамойилини амалга оширади: бу таълим ва фан интеграциясидир. Дунё амалиётида ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини уз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб боришмоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аник асоси булиб хизмат килади ва мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради. Олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтларининг кушилиши бугунги кунда интеграциянинг энг самарали шакли хисобланади.

Бошлангич мактабга нисбатан урта мактабда ўқувчиларга анча юкори талаблар куйилади. Синф рахбарлари-хангъллар ўқувчилар хаётида мухим уринга эга, ўқувчилар уларни каттик хурмат килишади. Урта мактабда бир кунда 6 та фан ўқитилади, шунингдек, алохида махсус 7-дарс хам бор. Ўқув дастурининг негизини куйидаги фанлар ташкил этади: математика, корейс ва инглиз тили, катор аник фанлар, "кушимча" фанлар: санъат сохалари буйича, жисмоний тарбия, тарих, ханча (хитой пероглифи), этика, уй иктисодини юритиш, компьютер саводхонлиги.

Машгулотлар 45 дакика давом этади. Бошлангич синфдаги 9 та фанга, урта мактабда яна 4 та фан кушилиб, жами 13 та фан ўқитилади. Мактабда чет тилларига эътибор кучли. Купчилик инглиз тилида бемалол гаплаша олади.

Корейлик ўқувчилар инглиз тилидан ташкари классик хитой тилини мажбурий равишда урганадилар. 5-синфдан бошлаб, Хитой тарихи ургатилади. Бошлангич мактабдаги каби урта мактабда хам ўқувчи синфдан-синфга имтихонсиз утади.

Франция таълим тизими Франция жахондаги иктисодий ривожланган мамлакатлар ичида етакчи уринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизими хам кадимий ва бой тарихга эга. Франция давлатининг хозирги даврда амал килинаётган «Таълим хакидаги конун»и 1989 йил 10 июлда кабул килинган булиб, унинг узгартирилишига таълим стратегиясида руй берган узгаришлар, мамлакатнинг ички ташки сиёсатидаги ислохотлар натижасида юзага келган иктисодий шароитлар, чет эл педагогикасидаги илгор технологияларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши, ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб булди.

Францияда таълимнинг асосий максоди шахсни хар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустакил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тадбиркорликка, ишбилармонлик ва омилкорликка ургатиш, шунга яраша касб-корга эга килишдан иборатдир. Ўқув йили 5 чоракка булинади. Француз мактаблари бошлангич синфларда ўқиш эрталаб булади, тушдан кейин эса математика ва бошка предметлардан кушимча сабоқ оладилар.

Франция таълимида болаларнинг гудаклик чоғиданок мактабда ўқитиш учун тайёр холда олиб келиш гоят мухим масала хисобланади. Бу боскичда тарбияланувчилар куйидагича табакалаштирилган: кичик гурух (280

4 ёш), урта гурух (4-5 ёш), катта гурух (5-6 ёш). Мактабга тайёрлов гурухи (5-6 ёш) булиб, уларга Францияда 100% шу ёшдаги болалар камраб олинган. Болаларни мактабга тайёрлаш учун алохида дастур ва дарсликлар мавжуд.

Франция бошлангич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача булган болалар жалб килинадилар. Бошлангич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш хисоблаш малакасини беришдир. Ўқув машгулотлари эрталаб соат 9 дан 12 гача хамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади.. Бошлангич синфларда ўқиш 5 йил булиб, уч боскичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов боскичи;
2. Элементар курс (бу боскич икки йил давом этади);
3. Чўқурлаштирилган боскич.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Richard Arum, Melisa Velez. Improving Learning Enviroment: Schol Discipline and Comporative Perspektive. Stanford Universiy Press, USA 2012.
2. H.Fry, S. Ketteridge, S.Marshall. HandbookFor teaching and Learning in Higher Education. New York, Routledge, 2009.
3. Муталипова М.Ж., Ходжаев Б.Х. Қиёсий педагогика.-Т: 2015й

ОЙНИНГ ЭНГ БИЛИМДОН СИНФИ

Жамалатдин Утепбергенов
ҚРХТХҚТВаУМОХМ «Аниқ ва табиий фанлар методикаси» кафедраси
Дамегул Сейтова
Нукус шаҳар 34-сонли мактабнинг биология фани ўқитувчиси
Еркинай Убаева
Нукус тумани 10-сонли мактабнинг биология фани ўқитувчиси

Умумтаълим мактабларида «**Фан ойликлари**»ни ташкил этиш ва ўтказишдан мақсад ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини орттириш, билимли, иқтидорли, зукко, изланувчан ўқувчиларни аниқлаш, улардаги ижодкорлик қобилиятини ривожлантириб аниқ бир мақсадга йўналтириш, таълим-тарбия жараёнида қўлланадиган педагогик технология ва методларни юксалтириш, метод бирлашмаларининг фаолиятини янада жадаллаштиришдан иборат. Ҳамма фанлар катори Март «**Биология фан ойлиги**» деб белгиланиб юқори савияда ташкил этилиб ўтказилмоқда. Фан ойлигида асосан ўқувчиларнинг қизиқиш билан, ҳамда фаол иштирок этадиган тадбирларидан бири синфлар орасида ўтказиладиган синфдан ташқари мусобаҳа ҳисобланади. Биология фан ўқитувчилари билан тажриба алмашиш ва методик ёрдам беришда Республикамизда чоп этиладиган илмий, илмий-методик журналларнинг ўрни беқиёс. Қуйида биология фани мисолида «**Ойла, изла, топ!**» мусобаҳа дарсини ҳавола этамиз.

«Ойла, изла, топ!»

Мақсад: Ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш, фанга бўлган қизиқишини ошириш, чаққонлик, зийракликга ўргатиш, эркин фикрлаш ва биргаликда ишлашга ўргатиш.

Дарс тури. Мусобаҳа.

Ресурслар: Флипчарт, скотч, маркер, топшириқ ёзилган карточкалар, баҳолаш учун карточкалар.

Дарснинг бориши: Ташкилий қисм:

-Олдиндан таёрланган гуруҳлар номи билан таништирилади ва белгиланган ўринларга ўтиради;

-Гуруҳлар мусобаҳа шартлари билан яна бир марта таништирилади.

1-шарт: Ўз гуруҳини таништириш: Бу шартда ҳар бир гуруҳ ўзларининг гуруҳига қўйган номига қисқача тавсиф беради. Ҳар бир гуруҳ учун бир дақиқа. **Масалан:** Зийраклар, Билимдонлар ва ҳақоза.

2-шарт: Занжир ёки тезкор савол-жавоб: Бу шартда ҳар бир гуруҳга кетма-кет 5 савол берилади. Ўйлашни учун вақт берилмайди. Ҳар бир тўғри жавобга 1 балл.

I-гуруҳ:

1. Ўзбекистонда табиий шароитда ўсадиган ўсимликларнинг қанча тури бор?
2. Хужайра ким томонидан аниқланган?
3. Микроскопнинг окуляри 15, объектив 40 бўлса моддани неча марта катталаштириб кўрсатади?
4. Пластиданинг рангсизи?
5. Ўсимликларга ранг беради?

II-гуруҳ:

1. Қайси ўсимликнинг ён илдизлари атрофга 20-30 метргача тарқалади?
2. Қайси ўсимликнинг илдизи 30 м чуқурликка кириб боради?
3. Илдизнинг учки қисмини нима ўраб туради?
4. Илдиз системаси қандай илдизлардан ташкил топган?
5. Тузилишига кўра илдиз системаси қандай турларга бўлинади?

III-гуруҳ:

1. Илдиз қайси бўлими орқали тупроқдан сув ва унда эриган минерал моддаларни шимиб олади?
2. Ёғочлик қисмининг ўртасида нима жойлашган?
3. Илдиз қинчаси неча кун яшайди?
4. Тут новдасининг пишиқ ва эгилувчанлиги нимага боғлиқ?
5. Ротанг палмасининг пояси неча метрга етади?

3-шарт. Биологик термин ва атамалар. Бу шартда 5 термин ёки атама ёзилган карточкалар стол устига қўйилади. Ҳар бир гуруҳдан битта ўқувчи келиб карточкалардан биттасини олади ва гуруҳ аъзолари билан биргаликда қисқача тавсиф ёзади. Белгиланган вақтдан сўнг гуруҳлар навбат билан жавобларини ўқийди. Тўғри жавобга 1 балл.

I-гурух	II-гурух	III-гурух
1. Адаптация	1. Бентос	1. Вакуоль
2. Алкалоидлар	2. Собик	2. Вегетация
3. Анаэроблар	3. Оқсил	3. Тур
4. Ареал	4. Ботаника	4. Цитоплазма
5. Автотроф ўсимликлар	5. Биогеоценоз	5. Ядро

3 –Шарт. Биологик топишмоқлар: Бу шартда ҳар бир гуруҳга топишмоқ берилади. Тўғри жавобга 1 балл.

I-гурух

I-топишмоқ	II-топишмоқ	III- топишмоқ
Кам ҳаракат қилади, Уни ҳамма билади Дарахтда озик-овқати, Австралия (Ялхови)	Цеце пашшаси чақиб, Зиён етказолмайди. Териси йўл-йўл чизик, Ҳеч ким кетказолмайди (Зебра)	Емиши янтоқ, шўра, Озик танламас, хўра. «Чўл кемаси» юк ташир, Майли, жавобинг таништир. (Туя)

II-гурух

I-топишмоқ	II-топишмоқ	III- топишмоқ
Озик унга гул шираси, Митти кушларнинг сараси (Колибри)	Тухум қўйса ғақиллаб, Чақиради опасин. Гўё одам мисоли, Эмизади боласин. (Урдак тумшқ, ехидна)	Ўзи қушу, учмайди. Ҳатто ин ҳам қурмайди. Қишда очар жўжасин, Дерижёрга ўқшайди. (Пингвин)

III-гурух

I-топишмоқ	II-топишмоқ	III- топишмоқ
Сув устида гул товоқ, У гўё ёнар чирок. Амазонкага безак, Топингчи, қўйдим сўроқ (Виктория регия)	Сайр қилади учмай, Кенг самони кучмай. Пати енгил, майин. Океаннинг чиройи Кушларнинг эркатойи (Киви қуши)	Саваннадир макони, Ҳашоратлар султони. Қурар қатор минора. Тупроқ ости султони. (Саванна кир шимолайи)

4-Шарт. Мақолни давом эттинг

Бу шартда ҳар бир гуруҳга ўқитувчи мақолнинг биринчи қаторини айтади, гуруҳ аъзолари давом эттириши керак. Тўғри жавобга 1 балл.

I-гурух	II-гурух	III- гуруҳ
1.Бир йил тут экан инсон. (<i>Қириқ йил гавҳар теради</i>) 2. Бадом қобиғи билан. (<i>Инсон дўсти билан</i>) 3.Тўқилса манглай теринг,	1.Тоғга қалин қор тушгани (<i>Ернинг қониб сув ичгани</i>). 2.Бир бошоқ дон – (<i>бир сабат нон</i>) 3. Бир гул билан ёз бўлмас, (<i>Бир дарахт билан бог бўлмас</i>).	1.Мевали дарахт ерга эгилар, (<i>Мевасиз дарахт кўкка тикилар</i>) 2.Тер тўқиб сочсанг уруғ, (<i>Ер сени қўймас қуруқ</i>) 3. Данакни данак дема,

4-Шарт. Ботаникадан Заковат саволлари

1. Бу ўсимлик дуккакдошлар оиласига мансуб. Ватани Жанубий Осиё. Хитойда 6 минг йилдан буён экилади. Унинг таркибида 50 % оқсил, 37 % гача мой бор. Оқсил миқдори товуқ гўштига нисбатан 14 марта, мол гўштига нисбатан 3,5 марта кўп. Ёғ миқдори ҳам шундай. Швестарияда унинг оқсилдан «сунъий қон» тайёрланади ва беморлар даволанади. Японияда ундан ипак қурти боқишда фойдаланилади ва йилига 4-5 марта пилла йиғиб олиш мумкин. АҚШда ундан маргарин тайёрланади, у тўйимлилиги жиҳатидан сигир ёғидан қолишмайди.

Савол: Мойи гипертония, атеросклероз, ошқозон яраси каби касалликларни даволашда ишлатиладиган молларга ҳам яхши озуқа тури сифатида берилиши мумкин бўлган ўсимлик қайси? Вақт кетди:

Жавоб: Соя

2. Заковат сандиқчаси олиб чиқилсин. Бу ўсимликнинг ватани Америка. Уни бу ердаги аҳоли 3400-5000 йиллардан буён экадилар. Асримизнинг 70 йилларида Перу археологлари Лима шаҳридан 300 км шимолда шу ўсимлик солинган 46 та тошдан ясалган ўра топишди ва уни ўрганиб 4700 йилдан буён сақлангани маълум бўлди. XVI асрда испанлар бу ўсимликни Европага, португаллар худди шу асрда Африка ва Ҳиндистонга олиб борганлар. Россияга XVII асрда Грузия орқали ўтган. Ўзбекистонга эса Россиядан келтирилган. Унинг бир қисмидан Ветнамликлар ўзига хос гилам тўқийди.

Савол: ҳам озиқ-овқат саноатида, тиббиётда, ҳам суний ипак олишда, линолиум, киноплёнка олишда ишлатиладиган ўсимлик қайси?

Жавоб: Маккажўхори

3. Заковат сандиқчаси олиб чиқилсин. Бу ўсимлик Америкалик ҳиндуларнинг асосий озуғи бўлган. 1565 йил испанлар уни Европага олиб келганлар. Бироқ унга заҳарли мева сифатида қараб унча аҳамият берилмаган. Чунки унинг гули ва мевасини еган кишилар кўпинча заҳарланган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Россиядан Ўзбекистонга келтирилган. Полшада бу ўсимлик кўп экилади. Шунинг учун Кушалинский областининг Бекеш қишлоғида унга бағишлаб ягона ҳайкал қўйилган. Перуда унга бағишланган музей ҳам бор.

Савол: Итузумдошлар оиласига мансуб бу даражадаги кадр-қимматли ўсимлик қайси? **Жавоб:** Картошка

4. Заковат сандиқчаси олиб чиқилсин. Бу нарсани биринчи марта Мисрда тайёрлашган. Унинг Гянжин, Лаваш, Юхичагал, Матнақаш, Кията каби бир неча минглаб номлари бор. Уни деярли бутун дунё халқлари севиб истеъмол қилади ва эъзозлайди. Озарбайжоннинг Агдам шаҳрида унга бағишлаб музей очилган.

Савол: Ҳиди барча нарсалар, хидидан зўр бўлган бу ҳақида ривоятлар ҳам тўқилган нарса нима? **Жавоб:** Нон

Баҳолаш: Ҳар бир гуруҳнинг олган баллари ҳисобланиб айтилади. Ютиб чиққан гуруҳ аъзоларини, яхши жавоб берган ўқувчилар ва мусобоқа жараёнида қатнашган барча иштирокчиларни оғизаки баҳоланади.

Яқунлаш: Утган мавзуларни тақрорлаш ва мусобоқа жараёнида жавоб беролмаган саволлар юзасида изланиш. Кўп балл тўплаган гуруҳ рағбатлантирилади, совғалар берилади.

Фойдаланган адабётлар:

1. У. Пратов, А.С. Тухтаев, Ф.У. Азимова. Ботаника 5-синф дарслик. Ташкент «Ўзбекистон» 2015
2. Т. Өтенов, М. Тәжетдинов. Ботаника терминлериниң русша-қарақалпақша қысқаша түсиндирме сөзлиги. Нөкис. «Билим» 1991.
3. Д. Мавжүтов. Географик топишмоқлар. Тошкент. «Мехнат» 2001
4. И.А. Маннапова, М.Н.Тиллабоева, Г.С.Шоисаева, Э.Я.Назаралиева, И.З.Сапарбоев, У.Х.Асранова. «Табиий фанлар методбирлашмаси фаолияти ва таълим сифатини ошириш йўллари». Методик қўлланма. 2016.
5. Р.Ишмухаммедов, М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Т.2013.

ЎҚУВЧИЛАРГА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ОРҚАЛИ ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Юлдашева Саида Олимжоновна, Маширапова Одинахон Қосимовна- Андижон вилояти Избоскан тумани 12-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчилари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизда халқаро таълим стандартлари талабларига мувофиқ янги таълим тизимини жорий қилиш юзасидан олиб бораётган одилонга сиёсати биздан ҳам таълимга янгича ёндашув ва муносабатни шакллантиришда мустаҳкам билим, малака ҳамда тажрибани талаб этади.

Барча касблар орасида ўқитувчилик касби ўзгача ва муҳим ижтимоий аҳамият касб этади. Зеро, ўқитувчи ёш авлод қалби камолотининг меъмори, ёшларга таълим-тарбия берувчи инсондир. Бугунги кунда у ёшларни ғоявий – сиёсий жиҳатдан чиниктириб, табиат, жамият, ижтимоий ҳаёт, тафаккур таракқиёти қонуниятларини ўргатади, ёшларни меҳнат фаолиятига тайёрлаб, касб–ҳунар сирларини пухта эгаллашларида қўмаклашади ва жамият учун муҳим бўлган ижтимоий–иқтисодий вазиятларни ҳал этади. Ана шу маъсулият ўқитувчидан ўз касбининг моҳир устаси бўлишни, таълим оловчиларгатарбиявий таъсир кўрсатиб, уларнинг қизиқиши, қобилияти, истеъдоди, эътиқоди ва амалий кўникмаларини ҳар томонлама ривожлантириш йўллариини излаб топадиган касб эгаси бўлишни талаб этади.

Бугунги кунда ўқитувчи ўз касбий малакаси ва педагогик маҳоратга эга бўлиши шарт. Ўқитувчи дарс жараёнини шундай ташкил этиши керакки бу замонавий талабларга жавоб бериши зарур. Таълим жараёнини технологиялаштириш педагогик фаолиятнинг муҳим кўриниши бўлиб, у муайян босқичларда амалга оширилади. Буни ривожланган давлатлар мисолида кўриб чиқамиз. Замонавий Европада ягона касбий таълим маконини яратиш замонавий ўқитишнинг энг муҳим талаби дея эътироф этилди. Ана шу мақсадда Болонья жараёни ташкил этили. Бу жараён ягона Европа олий таълими маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимининг бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашувини таъминловчи жараён саналади. 1999 йилнинг 19 июнида Европанин 29 мамлакати вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланди. Унга кўра кенг кўламда талабалар алмашинувини қўллаб-қувватлаш учун Европа синов бирликлари (кредит) тизими (ЕСБТ) жорий этилди.

“Кредит” атамаси (ECTS-credit) – “синовдан ўтди” маъносини англатиб, талабанин ғ қув юртида маълум бир курс (модул)ни муваффақиятли якунлаганини тўғрисида маълумот беради. Умумий қабул қилинган таълимнинг кредит технологиясининг ўзига хос томонларидан бири халқаро умумтаълим стандартларига мос келиши ва таълим тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш муаммолари, жаҳон тенденцияларини ҳисобга олган универсал таълим дастури, академик эркинлик ва ўқув дастурларини вариативлигидир. “Олий таълимда ўқув жараёнини кредит-модуль тизимига ўтказиш талаб этилади. Жорий йилдан педагогик таълимнинг 6 та йўналиши бўйича, ўқиш муддати 3 йил қилиб белгиланади. Бу ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттираемиз”.[1.]

Жаҳон таълими тизимларидан бизнинг мутахассисларни воқиф қилишда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, элчихоналар, АҚШнинг Тинчлик Корпуси мутахассислари, Германия халқаро ривожланиш фонди, АКСЕЛС маркази, Аденауер жамғармаси, Франция маданият маркази, Британия Кенгаши, Гёте институти, ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФнинг ваколатхоналари ва бошқа кўплаб ташкилотлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Дарҳақиқат, ривожланган хорижий давлатларда таълимнинг, мамлакат ички сиёсатига фаол таъсир этадиган ижтимоий жараён эканлиги, эътироф қилинган ҳақиқатдир. Шу туфайли ҳам чет мамлакатларида мактаб эҳтиёжини иқтисодий таъминлашга ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ривожланган мамлакатларда педагогик тадқиқотларни амалга оширадиган кўп сонли илмий муассасалар ишлаб турибди. Германияда уларнинг сони 2 мингдан ортик. Франция, АҚШ, Япония таълим-тарбия назарияси муаммолари билан юзлаб давлат ва хусусий ташкилотлар, университетлар, педагогик тадқиқот марказлари шуғулланмоқдалар. Улар фаолиятини эса халқаро таълим марказлари, масалан, АҚШда халқаро таълим институти мувофиқлаштириб бормоқда. Кўпчилигининг фаолияти ўқув дастурини такомиллаштириш ва қайта қуришга қаратилган.

Мамлакатимизда таълим оловчи-ёшларнинг ижодий ғояларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ёшларнинг илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 декабрдаги “Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 997-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг халқаро баҳолаш дастурлари бўйича халқаро тадқиқотларни ташкил этиши белгиланди.

Эндиликда бошланғич 4-синф таълим олувчиларининг матнни ўқиш ва тушуниш даражасини баҳолаш учун Progress in International Reading and Literacy Study (PIRLS) тадқиқоти жорий этилади.

Шунингдек, Trends in International Mathematics and Science Study (TIMSS) тадқиқотидан 4 ва 8-синф таълим олувчиларининг математика ва табиий йўналишдаги фанлардан ўзлаштириш даражасини баҳолаш учун фойдаланилади.

The Programme for International Student Assessment (PISA) тадқиқоти 15 ёшли таълим олувчиларнинг ўқиш, математика ва табиий йўналишдаги фанлардан саводхонлик даражасини баҳолаш учун қўлланилади.

The Teaching and Learning International Survey (TALIS) - раҳбар ва педагог кадрларнинг умумий ўрта таълим муассасаларида ўқитиш ва таълим олиш муҳитини ҳамда педагогларнинг иш шароитларини ўрганиш учун жорий этиш кўзда тутилган. Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ҳузурида Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази ташкил этилди.

Тадқиқот натижаларига статистик ишлов бериш натижасида ҳар бир ўқувчи 1000 балли тизимда куйидаги меъзонлар бўйича баҳоланади:

- Кундалик турмушда юзага келадиган реал муаммоларни аниқлаш ва уларни -математикадан фойдаланиб ҳал қилиш;

- муаммоларни математика тилида ифодалаш;

- муаммоларни математик билимлар ва усулларни қўллаш орқали ҳал қилиш;

- ишлатилган усулларни таҳлил қилиш;

- муаммонинг ечимини тушунтириш;

- ҳал этиш натижаларини шакллантириш ва қайд этиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракат стратегияси. 7 январь 2017 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 й. 24 январь

3. Каримов И. А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -436

4. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари /Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети тингловчилари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари учун услубий тавсиялар. – Т.: ТДПУ, 2004.

IV-ШҶББА. ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИДА САМАРАЛИ ИШТИРОК ЭТИШЛАРИГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ.

ЁШЛАРДА РАҲБАРЛИККА ХОС ҚОБИЛИЯТЛАР ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ

Хамдамова Махзуна Турсуновна,

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси

Жамият тараққиётини таъминлашда ишлаб чиқариш, саноат, корхоналар ва бошқа кўплаб соҳалар фаолиятини талаб даражасида ташкил этиш ҳамда мувофиқлаштиришда раҳбарнинг ўрни катта.

Ёш раҳбарлар муҳокама ва қарор қабул қилиш жараёнида юксак ақлий салоҳиятга эга бўлишлари керак. Улар ташаббускор, муайян сиёсий ва ижтимоий мавқега эга, ишга алоқадор таниш-билишлари қўп, интуиция (ички ҳис-туйғу, сезги)си ривожланган ва ташкилот фаолияти йўналишини тезда тушунишлари керак. Бундай салоҳият кутилмаган вазиятни таҳлил этишда, муаммони тўғри ҳал қилиш жараёнида бир неча вазифани бир вақтнинг ўзида бошқариш заруратидан келиб чиқади. Масалан, ташкилотчилик, масалага оид ечимни таклиф этиш, гуруҳ манфаатлари ҳақида ғамхўрлик ва ҳ.к.

Шахсий хислатлар бу юқорида айтиб ўтилган умумий қобилиятлар муваффақиятли бошқарувни таъминловчи зарур шахс хислатларини аниқлаш ва уларни раҳбарликда ривожлантириш масаласини долзарб қилиб қўяди. Ёш раҳбарларнинг муваффақиятли бошқарувида оид шахс хислатлари юзасидан чет эл олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига мурожаат этамиз. Америка ва япониялик

менежерларни ўрганиш асосида самарали раҳбарликка оид, жумладан, қуйидаги хислатлар ажратиб кўрсатилади:

- стратегик режалаштиришга мойилликнинг кучлилиги;
- ходимларни, меҳнат ресурсларини тақсимлаш бўйича тўғри ва ўз вақтида мақбул қарор қабул қилиш;
- фаолият доирасини кенгайтириш ёки юксак тартибда меҳнат қилиш орқали масъулиятни чуқур хис қилиш;
- хавфли вазиятда ижодий ва рационал қарор қабул қила олиш;
- ўз ҳуқуқларини англаш;
- мулоқот даражасини мукамаллаштиришга интилиш;
- мураккаб ва инқирозли вазиятдаги жараёнларни таҳлил этиш ҳамда башорат қила олиш;
- меҳнатга юксак қадрият сифатида қараш ва унга бутун куч- ғайратни сафарбар этиш;
- айбдорни излаш эмас, балки муаммони ҳал этишга интилиш, таваккал қилишдан қўрқмайдиган ва мустақил фикрлайдиган ходимлар билан ишлаш истаги;
- амалга ошириладиган ғоя ва унинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга шахсий мулкдек қараш.

Япониялик ва америкалик менежерларнинг қиёсий ўрганиш натижасида олинган хулосалари шундан иборат бўлдики, япон менежерлари ўз бошқарув фаолиятида ижтимоий психологик жиҳатларга кўпроқ эътибор беришар, уларда жамоа фаолиятини ташкил этиш қобилияти етакчи ўринда турар экан. Америкалик менежерлар эса ходимларда яқка тартибдаги ташаббусни кўпроқ рағбатлантиришар экан.

Кўп тадқиқотчилар диққат-эътиборидаги асосий жиҳатлардан бири – раҳбар шахсига хос устунликка интилиш. Айнан шу сифат раҳбарнинг ташаббусни ўз қўлига, мураккаб вазиятда масъулиятни ўз бўйнига олишига ва гуруҳга етакчилик қилишига замин яратди. Бу ҳолат олим Ральф Стогдиллнинг «Раҳбар қўлланмаси»да бошқарувга оид зарур хислатлар рўйхатида биринчи ўринга қўйилади.

Раҳбарлик мавзусидан келиб чиқилса, “ўзгаларга таъсир этиш” деган маънони англатади. Юқорида таъкидланган маънодаги «таъсир этиш» ибораси хиссиёт туфайли ўзгаларни ўзига жалб эта билиш, ўзаро муносабат натижасида ўзига нисбатан хайрихоҳлик туйғусини шакллантиришни англатади.

Раҳбарга хос фазилатлардан яна бири вазминлик ва сабр-бардошлилик. Маълумки, раҳбар турли дунёқарашга эга бўлган одамлар билан ишлайди. Бинобарин, ўзаро кундалик мулоқотда унга атрофдагиларнинг салбий ёки ижобий ҳис-туйғулари тез «юқиши» мумкин.

Шунинг учун раҳбар зиддиятли вазиятларда бошқаларнинг таъсирига берилмаслик, балки оғир-босиқлик билан, оқилона қарор қабул қилиш билан таъсир эта олиши керак. Шахснинг бу фазилати, бир томондан, туғма бўлса, иккинчи томондан эса ҳаётий амалий тажрибага боғлиқ. Меҳнат фаолиятини рационал тарзда ташкил этиш, яъни меҳнатдаги ижобий жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш, ноҳуш ҳолатларни донолик билан бартараф этиш ва кўпроқ яқин дўстлар даврасида бўлиш, жисмоний тарбия ҳамда фойдали машғулотларга вақт ажратиш ишчанлик қобилиятининг ошишига хизмат қилади.

Бошқарув фаолиятини самарали олиб бориш учун раҳбарга зарур фазилатлардан яна бири мақсадга интилиш. Раҳбар ўз олдига аниқ мақсад қўя олиши ва уни бажаришга интилиши шарт. Инсонга хос интилишни 2 тоифага бўлиш мумкин: биринчиси, мақсадга интилиш бўлса, иккинчиси, мағлубиятдан қочиш.

Инқирозли ҳолат юзага келганда, баъзи раҳбарлар мазкур ҳолатни ҳал этиш орқали муваффақиятга эришиш ҳақида ўйласа, бошқалар эса ўзини ўйлаб, иложи борица «офат»дан қочади. Бу бир хил вазиятга 2 хил ёндашув бўлиб, унинг эгалари турлича ҳарактердаги инсонлар ҳисобланади. Бошқарувни самарали олиб боровчи раҳбар биринчи тоифага мансуб бўлгани сабабли, у муаммоларни тезда ҳал этади ва ўз мақсади сари янада олдинга интилади.

Бундай тоифадаги раҳбар баъзан таваккал ҳам қилиши ҳеч гап эмас. Кези келганда, у катта (стратегик) мақсадни бўлақларга бўлиб, ҳар бир кичик мақсад ортида тўрган натижани олдиндан тасаввур этади. Бироқ, бундай усулни ҳамиша амалга ошириш осон иш эмас.

Бинобарин, раҳбар таваккал иш қила оладиган ва хавф-хатардан қўрқмайдиган бўлиши лозим. Машҳур бизнесмен ва менежер Ли Якокканинг таъкидлашича: “Баъзида таваккал ҳам маъқул, лекин йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиб кетиш лозим”. Раҳбарнинг обрўсини оширадиган, қийин вазиятда уни асосий мақсад йўлидан етаклайдиган фазилатлардан яна бири – мустақиллик. Раҳбар ўз мушоҳадаси ва шахсий қарашига эга бўлиб, мустақил қарор қабул қилиши шарт. Тўғри, етакчи ўз ҳамкасбларига, шунингдек, маслаҳатчиларининг фикрларини инобатга олиши керак, лекин қарор ва унинг ижроси раҳбар зиммасига юклатилади. Шу нуқтаи назардан фикрлаш ва хатти-ҳаракатлардаги мустақиллик самарали бошқарувнинг асосий омилларидан биридир.

Навбатдаги зарурий хислатлардан яна бири – мулоқотга эҳтиёж. Раҳбар кундалик фаолиятининг аксарият қисмини турли-туман мулоқотга сарфлайди.

Самарали бошқарув учун яна бир зарурий хислат бу – масъулият. Маълумки, ҳеч бир инсон юқорида айтилган хислатлар билан бирга туғилмайди. Булар инсон яшаш тарзининг маҳсулидир. Бундай

хислатларнинг раҳбар фаолиятида намоён бўлиши шахсдан мунтазам тартиб, ўз устида ишлаш, ўзини англаш, индивидуал “мен”ни ва унга амал қилишни талаб қилади.

Бугунги кунда ёшлар ўз эгаллаётган соҳаси бўйича бирор ташкилотга раҳбар бўлиши мумкин. Ёшлар тоифасига “ўқувчи ёшлар” гуруҳидаги 14 ёшдан 21 ёшгача ва ундан ката бўлган умумий ўрта таълим мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари қиради.

Биз ёшларда раҳбарлик сифатларини ўрганиш бўйича тажриба олиб бордик, ҳамда ўз тадқиқотимизда ёшларда раҳбарлик сифатларини ўрганишга мулжалланган “Менежер касбий мойиллиги ва ташкилотчилик қобилиятларини аниқлаш” тестидан фойдаландик.(тажрибада 50 нафар талаба ёшлар синалувчи сифатида иштирок этишди).

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, синалувчилар ўзларининг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, мустақил ва теран фикрга эгалиги, олдиларига қўйган мақсадининг аниқлиги ва келажак ҳақидаги ўз қарашлари нисбатан барқарорлиги билан ажралиб тўрганлиги, шунингдек, ушбу даврнинг муҳим хусусиятларидан бири ёшларнинг ижтимоий гуруҳлар (масалан, Ёшлар Иттифоқи азоси) таъсирида бўлишидир, бу эса мулоқотга киришиш учун муҳим имконият яратибгина қолмасдан, балки, унда ижтимоий ролларни бажариш билан бир қаторда ижтимоий гуруҳларга раҳбарлик қилиш сифатлари намоён бўлади.

Ёшлардаги раҳбарлик сифатларини шакллантириш ва бир қанча нуқсонларни батратаф этишда психологияда турлича тренинглardan фойдаланиш юқори самара беради. Улардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Муомаланинг умумий қонуниятларига оид тренинглар.

- Умумбашарий одоб моҳияти ва ўта риоя қилиш йўлларига тааллуқли тренинглар.
- Муайян роллар, психодрамалар орқали вазиятнинг психологик манзарасини яратиш ўйинлари.
- Ишбилармон ўйинлари, фавқулоддаги ҳолатларда ўзини – ўзи бошқаришга доир машқлар.
- Коммуникация технологияси ва инструкциясини эгаллашга оид тренинглар.
- Муомала кўникмасини ўзлаштириш бўйича.
- Мимика ва понтомимика машқлари
- Аудиториянинг магнитофон тасмаси ёзувига асосланиб тузатиш ишлари ўтказилади.
- Кўзгу ёрдамида хатти – ҳаракат, юриш туриш кўникмаларини эгаллаш ва шахсий нуқсонларини бартараф этиш, йўқотиш.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Ғозиев Э.Ғ. Психология (Ёш даврлар психологияси). -Т.Ўқитувчи. 1994 й.
3. Кайковус. Қобуснома. –Т.: “Мерос”, 1992.
4. Маҳмудов И. Бошқарув психологияси. –Т.: “Akademiya”, 2006.

MA’NAVIYAT – TARBIYANING NEGIZI

Uralov Azamat Begnarovich

Sirdaryo viloyat TXIXOTMOHM,

Tillarni o'qitish metodikasi kafedrasi mudiri, fil.f.b.fal.dok.

Insonni so'z ayladi judo hayvondin,

Bilim guhari sharifroq yo'q ondin

Navoiy hazratlari ashorlarida bitilganidek insonni so'zlash madaniyati hayvondan ajralib turishini belgilagan bo'lsa, fikrlash qobilyati insonni insondan ajratib turuvchi jihatdir. Ma'naviy komillik tushunchasi har bir insonga xos bo'lib, uni har kim o'zicha tahlil etadi. Binobarin, komillik sari intilgan har bir banda bu yo'ldan albatta o'tishadi. Shuni alohida ta'kidlash joizki, ma'naviy boy, sermulohazali, dunyoqarashi keng, eng muhimi chiroyli notiq, qolaversa, ma'daniy shakllangan, o'z ustida tinimsiz ishlaydigan, insonlarga imkon topib yordam beradigan shaxslargina bunday baxtlarni yaxshi his qilishadi.

Inson ma'naviyatini shakllantirishda ilmiy va badiiy adabiyotlarning o'rni alohida ekanligi ma'lum. Jumladan, ma'naviyatli inson o'qishdan to'xtamaydi, buyuklar aytganidek:

“Insonlar o'qishdan to'xtashlari bilan fikrlashdan ham to'xtaydilar”. Kitoblar insonni ma'naviyatini boyitish bilan bir qatorda, dunyoqarashini ham, fikrlash qobilyatini ham o'zgacha charxlaydi. Bu bilan esa inson ma'naviyati yetuklik sari asta sekin qadam tashlab boraveradi. Borib-borib vaqtlar o'tishi bilan yig'ilgan tafakkur durdonalari jamiyat uchun xizmat qiladigan bir yo'nalish sifatida namoyon bo'ladi. Inson ongi qanchalik rivojlanib bormasin, u yana o'qishga, bilim olishga intilishi so'nmaydi, akhinchu kuchayib boradi.

Eng avvalo, dars jarayonidagi ma'naviyat haqida to'xtalib, o'qituvchining har bir xatti-harakati bola uchun o'rnak bo'lishligi aniq, deb hisoblaydigan bo'lsak, ikkinchi tomondan qaralganda u yo'naltirayotgan yo'nalish yoki

berayotgan bilimning har bir nuqtasi ostiga bekitilgan ma'naviyat haqida ham to'xtalib o'tish kerak. Binobarin, har qanday jamiyatda kelajakni yoshlar qurishadi. Ertangi kun uchun bugundan boshlangan ijobiy tadbirlar albatta o'z samarasini beradi.

Milliylik tushunchasi har bir qadamimizda dush kelishimiz mumkin bo'lgan o'zligimizga xos va mos mentalitetimiz yig'indisidir.

Inson tafakkuri qanchalik rivojlansa, uning o'y fikrlari, dunyoqarashi, qolaversa, butun borliqni tushunish va anglash ko'nikmasi ham shu darajada shakllanib boradi. Milliy g'oyani bola ongiga singdirishning yo'llaridan biri bu ularning ongiga ta'sir etish hisoblanadi.

Agar har bir ota-ona o'z farzandi o'qishi uchun jon kuydirib harakat qilsa, uning o'quv faoliyati haqida qiziqsa, maktablarga, kollejlarga lozim bo'lsa, oliygohlarga borib ularning nima ish bilan shug'ullanayotganliklarini ko'rib, ulardan xulosa chiqarib tursa, albatta, bola shaxsini komil inson sifatida kamol topishlari uchun qo'shgan dastlabki ishlari bo'lar edi. Afsuski, ko'pgina ota-onalar farzandining o'qish joylariga borish bu yoqda tursin, hatto telefon qilib farzandining qanday muammolari va yutuqlari borligidan xabar ham olishmaydi. Bu bilan biz ota-onalarni yomonlashdan ancha yiroqmiz, biroq shuni alohida ta'kidlash joizki, har bir inson kamolotga yetishish davrida o'z ota-onalari mehri va e'tiboriga muhtoj bo'lishadi. Bu muhtojlik o'z vaqtida qondirilmasa, bola izdan chiqib ketishi mumkin. Shaharga o'qish uchun yuborilgan talaba dastlabki kunlarda o'qishga bo'lgan munosabati yaxshi bo'ladilar (aksariyat hollarda). Keyinchalik ota-onalari farzandlariga haddan ziyod ishonib qo'lishlari natijasida bolalar turli yo'llarga kirib qolishlari mumkin. Bunda ta'lim muassasalarini ham ayblari bor, lekin muassasada 6 soat o'qishlari mumkin. Qolgan vaqtlardagi (18 soat) u muassasadan tashqarida bo'lishadi. Shu bois bolaning asosiy vaqtlari uyda va ko'chada bo'lishi bilan belgilanadi. Bola shaxsi tarbiyasi uchun har birimiz mas'ul ekanligimizni unutmagan holda, ta'lim muassasalarida berilgan bilim va tarbiya jarayonini uyda albatta mustahkamlash lozim. Aks holda, e'tiborsiz qoldirilgan o'quvchi turli bahonalar bilan dars tayyorlamaydi yoki davomadi pasayib ketadi. Bu esa borib-borib o'quvchini turli salbiy illatlar orttirib olishlariga xizmat qilsa ajabmas. Ko'rinib turibdiki, milliy g'oyasi shakllanmagan bolada jamiyat bilan aloqa qilish vositasi ham shakllanmaydi. Shu nuqtai-nazardan olib qaraladigan bo'lsa, bola tarbiyasi faqat ta'lim muassasalarida emas yoki faqat ota-onalarning imkoniyatlaridan emas balki ular orasidagi yoki ular o'rtasidagi tinimsiz muloqotlar natijasida yuzaga keladi.

Inson kamol topishida ma'naviyat, milliy go'ya darslarini o'tilishi katta o'rin tutadi. Bola tarbiyasi o'ta mashaqqatli ish bo'lganligi sababli unga berilayotgan tarbiya jarayoni ham keng ko'lamda o'ylanib, ishlab chiqilgan bo'lishi lozim.

Insonda Vatan hissi, uni sevish, ardoqlash, o'tmishga hurmat bilan qarash tushunchalari, o'z g'alar fikrini hurmat qilish, o'z fikrini erkin bayon qila olish ko'nikmasi maktabdoyoq shakllanib boradi. Maktab darsliklarida o'itilayotgan milliy istiqlol g'oyasi fani bugungi kun davr talabi bo'lib qolmoqda. Hozirda dunyo ahlini aqlini shoshirib qo'yayotgan ommaviy mafkura va g'oyalar ham bizni chetlab o'tayotgani yo'q. Ommaviy madaniyat atalmish bizning mentalitetimizga yot bo'lgan G'arbcha mafkuralar yoshlar ongida umuman iz qoldirmayapdi deyish qiyin, albatta. Sababi oddiy, biz ularni qalbiga begona g'oyalarning kirib ketishiga yo'l qo'yib bermoqdamiz. Buning uchun milliy g'oya targ'ibotini chuqurroq olib borish, Vatanni sevish, uni tom ma'noda anglay olish zarur.

Hayotning mazmunsizlanishiga asos bo'luvchi beg'amlik haqida I.Karimov "Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch" asarida ham alohida to'xtalib dushmandan qo'rqmaslik, nari borsa u o'ldiradi, do'stdan ham hayiqmaslik u ham nari borsa siringni sotadi, ammo loqayddan qo'rqish, u qilayotgan ishlarga loqaydlik bilan jim qarab turaverishi insonning qalb-qalbigacha ta'sir etishligi alohida aytilgan.

Har bir o'quvchilarimiz qalbiga nur bag'ishlayotgan milliy istiqlol g'oyasi bugunning dolzarb mavzulari bo'lishi lozim. Bola tarbiyasi haqida fikr yuritish kerak bo'lsa, bolaning sog'lom bo'lishi bir tarafdin jismoniy harakatlar bilan bog'liq bo'lsa, boshqa tamondan qaralganda albatta bola ruhiy sog'lom bo'lishi talab etiladi. Bunda har bir o'quvchining fikrlashi, dunyoqarashi, bilim darajasi va saviyasi inobatga olinishi kerak. Bilim olish jarayonini kitoblar va turli gazeta va jurnallar bilan bog'lash mumkin, ammo shuni alohida ta'kidlash joizki, bilim olishning zamonaviy usullaridan biri bu fan texnikaning rivojlanishiga ham bog'liqdir. AKT va YPT davr talabi bo'lib turgan bir paytda izlanuvchan o'quvchi va talabalar (o'qituvchilar ham) internet atalmish o'rgamchak to'ri ta'siriga tushib qolish holatlari ham kuzatilmoqda. Bu jarayonning ilk ko'rinishlari telefonlardir. Ota-ona o'z farzandlari haqida ma'lumot olib turishlari uchun telefon olib berishadilar. Keyinchalik bu telefonlar yaxshirog'iga (oxirgi modeldagi-internet ishlatish uchun qulay bo'lgan) almashtirish hollari ularning internet haqida dastlabki tushunchasini shakllanishiga asos bo'ladi. Bu bilan esa dastlab maktab o'quvchilari internetdan qanday foydalanish sirlarini tengdoshlaridan o'rganishlariga to'g'ri keladi. Bora-bora bu o'rgamchak to'ri ta'siriga tushib qolishlariga

xizmat qiladi. Biz farzandlarimizga noto'g'ri tarbiya berayapmiz deyishimiz to'g'ri emas, lekin telefondagi internet ma'lumotlarining aksariyat qismi bola shaxsini to'g'ri shakllanishida salbiy oqibatlar keltirishi mumkin.

Shu boisdan farzand tarbiyasida telefonlarni ham qandaydir salbiy illatlarga olib kelishi mumkinligi haqida ogohlantirishimiz, lozim bo'lsa, bu haqda tarbiya soatlari(uy sharoitida ota-onalar) o'tishimiz kerak. Internetni ishlatilishi bilim olish uchun keng imkoniyat albatta, biroq uning illatlari haqida ham tushunchalar berib borilishi foydadan holi bo'lmaydi. O'rgamchak to'ridagi keraksiz deb topilgan ma'lumotlarni qanchalik sir saqlamaylik ular haqida yoshlarimizning qiziqishlari shu darajada kuchayib bormoqdaki, uni to'xtatish juda mushkul.

Ba'zi o'quvchilar hamisha ustozlarining gaplariga quloq tutadilar va ular bergan bilim bilan bemalol bellashishlari ham mumkin. Ota-onalarining gaplarini ikki qilsa qiladilarki, ustozlarining fikrlariga ergashishadi. Bu esa pedagogik kasbimizdagi sharaflı nuqta hisoblanadi.

Inson ma'naviyati shakllanmas ekan, u olayotgan bilimlar behuda. Shunday ekan har bir olinajak bilim va xulosa muhimdir. Ma'naviyatga e'tibor sust bo'lgan muhitda hech qanday sivilizatsiya bo'lmaydi. Ma'naviyat esa bu bilim, odob, dunyoqarashlarning mujassam shaklidir. Manaviyatli shaxs uchun lozim bo'lgan yana bir tushuncha bor, bu yurt ishqı. Yurt ishqini esa albatta milliy istiqlol g'oyasi beradi.

ЁШ АВЛОДНИНГ ЮКСАК БИЛИМ ВА ТАФАККУР СОҲИБИ БЎЛИШИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ЎРНИ

ИСМОИЛОВ ЭЛДОР ҲАКИМ ЎҒЛИ

*Қашиқадарё вилояти Қарши шаҳри 15-умумий ўрта таълим мактаби
Маънавий - маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари*

Умумий ўрта таълимни сифат жиҳатдан такомиллаштириш унга қўйилган талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш, ҳамда янгилаш билан бир қаторда, мазкур таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва педагогик жараённи бошқариш тизimini мазмун жиҳатдан бойитишни талаб қилмоқда. Шу боис, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок узлуксиз таълим тизimini тубдан ислох қилиш, унинг инновацион асосларини шакллантириш, моддий-техник ва услубий таъминотини ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, умумий ўрта таълим педагогларини креатив қобилиятларини такомиллаштириш вазифаси устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Педагогик жараённинг моҳиятини англамаган, болага нисбатан чуқур ҳурматда бўлмаган ўқитувчи таълим-тарбия самарадорлиги ва инсон камолотини таъминловчи фикрга эга бўлмайди. Педагогик жараённинг вазифаси билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш бўлиб, ўқитувчининг фаолият мезонини бегилаб беради. Ўқитувчининг фаолияти педагогик жараённинг ҳаракат воситасидир. Педагогик жараённинг объектлари бўлмиш тарбияланувчи инсонга, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳига, ҳамда алоҳида ўқувчига, педагогик жараённинг субъектлари — ота-оналар, ўқитувчилар, тарбиячилар, синф жамоаси, педагогик жамоа масъулдирлар ва улар жамият талаблари асосида таълим ва тарбия бериш фаолиятини бажарадилар. Ўқитувчи педагогик фаолиятининг ижобий натижалари меҳнат малакасини, яъни эгаллаган билимларини ўзининг ҳаётий ва амалий фаолиятида нечоғлик қўллай билиши билан белгиланади. Ўқитувчининг педагогик фаолияти самарали бўлиши учун зарур бўлган креатив қобилиятлар тизimini: билим, болани тушуна олиш, кузатувчанлик, нутқ малакаси, ташкилотчилик, келажакни кўра билиш, диққатни тақсимлай олиш, вазиятни тўғри баҳолаш, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳар хил зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш, ўқувчиларни билим олишга қизиқтириш кабилар ташкил этади.

Шундай экан, ёш авлоднинг юксак билим ва тафаккур соҳибни бўлиши учун барчамиз жавобгармиз. Бу жавобгарлик кўпроқ ўқитувчилар зиммасида. Дарҳақиқат, ўқитувчининг обрў-эътиборини таъминлайдиган илк восита унинг тарбияланганлик даражасидир.

Ўқитувчи маънавий жиҳатдан соғлом ва кенг фикрлай оладиган бўлиши, ўз миллий кадриятлари, урф-одатлари ва миллатимизнинг буюк сиймолари ижодий меросини теран билишлари керак. Айниқса, ўзи танлаган мутахассислик ва фан соҳасида изланишлар олиб борган алломаларнинг ҳаёти ва ижодини яхши билиши, ҳамда манتيқий тафаккурга эга бўлиши лозим. Бу ўқитувчи педагогик маҳоратининг шаклланиб боришида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз, кадриятларимиз асосида давлатимизнинг буюк келажакни бўлмиш ёш авлодга чуқур билим бериш ўқитувчидан юксак қобилиятни ва ишчанликни талаб қилади.

Педагогик маҳоратнинг асосий таркибий қисмлари миллий анъана ва урф-одатларимиздан келиб чиқиб, ҳозирги глобал ривожланиш даврида янада тўлдириб борилиши мумкин.

1. Нутқ малакаси ва техникасини ўзлаштириш.
2. Тушунарли, таъсирчан фикр ва ҳис-туйғуларни сўзда аниқ ифодалаш.
3. Мимик ва пантомимик ҳаракатлардан ўз ўрнида фойдаланиш.
4. Маъноли ва очиқ чехрални нигоҳ билан қараш.

5. Ҳиссий психик ва тасодифий ҳолатларда ўз ҳис-туйғуларини жиловлай олиш.
6. Турли вазиятларда тарбиячига хос бўлган ижодий кайфиятни бошқариш.
7. Қулги ва табассумда самимийликни эътироф этиш.
8. Ўқувчилар билан доимо яхши кайфият ва рағбатлантирувчи муносабатда бўлиш.
9. Саводли ва соф адабий тилда сўзлаш.
10. Аниқ имо-ишораларни ўз ўрнида ишлата олиш.
11. Ижодий педагогик қобилиятини қўллаш билиш.
12. Одоб-ахлоқ қоидаларига доимо риоя қилиш.

Педагог ходимлар куйидагиларга мажбур:

- таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш;
- илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш бўйича ўзига юклатилган вазифалар доирасида шарт-шароитлар яратиш;
- болаларга юқори профессионал даражада таълим-тарбия бериш орқали мактаб таълими сифатини ошириш;
- педагог ахлоқ-одобига риоя қилиш, боланинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш, болаларни тазйикдан ҳимоя қилиш, уларни меҳнатга, ота-онага ҳурмат, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;
- ўзининг касбий кўникмаларини ва педагогик маҳоратини доимий равишда такомиллаштириш, ҳамда белгиланган муддатларда ўз малакасини ошириб бориш.

Замонавий педагогик технологияга асосланган педагогик жараёнда интерфаол таълимни кенг қўламда ва мавжуд имкониятлар асосида йўлга қўйишдан иборат.

Педагогик жараёнда интерфаол ўқитиш ўқувчилардан ахборотларни ўзлаштириш жараёнида фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, таълим мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради. Бунда таълимнинг қуйидаги концепциялари фундаментал асос сифатида хизмат қилади:

- ўқитувчининг жадал фаолияти – ўқув фаолиятининг асосий кўриниши сифатида намоён бўлиб, у мазкур ҳаракатнинг субъекти ва ташкилотчиси сифатида фаолият кўрсатади;

- ўқув фаолиятининг асосий негизи ва натижаси, мазкур фаолиятнинг объекти – ўқувчи ҳисобланади;

- муваффақиятли ўқув фаолиятининг асосий кўрсаткичи, унинг натижаси ўқувчининг фикрлаш усулларини ўрганиш ва амалий масалаларни ижодий ҳал этиш, эркин, мустақил ҳаракат қила олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат;

- ўқув фаолиятининг асосий кўрсаткичи ўқув топшириқлари ҳисобланади. Бунда таълим жараёнининг асосий объекти бўлган ўқувчида фикрлаш, билиш ҳаракати усулларини ривожлантирувчи ўқитиш тактикаси муҳим ўрин тутди.

Хулоса қилиб айтганда, педагоглар томонидан олиб борилган педагогик жараёнда интерфаол ўқитиш орқали ўқувчилар билимлари тизими ва ақлий, психологик, ахлоқий, интеллектуал, ҳамда амалий фаолият усуллари самарали ўзлаштириш имконини беради. Педагогик жараёнда интерфаол таълим методлари ва технологиялар усулларнинг асосий ўлчови уларнинг янгилиги, илмий тадқиқот натижалари, ҳамда илғор педагогик тажрибалар билан тенглигидадир. Шунинг учун ҳам интерфаол жараёнларда фаолият кўрсатишни истовчи ўқитувчилар учун янгиликнинг асосий моҳияти нимадан иборатлигини билиш муҳим аҳамиятга эга. Агар бир ўқитувчи мазкур тажриба тамоман янги ҳисобланса, иккинчиси учун у янги бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунингдек, педагоглар учун ҳам айни бир усулнинг янгилик даражаси турли-туман бўлиши мумкин. Шунинг учун ўқитувчилар инновацион ижодий фаолиятга ихтиёрий тарзда ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда киришишлари лозим.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: —Ўзбекистон НМИУ, 2017 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.
3. Ибрагимова Г. Интерфаол ўқитиш жараёнида ўқитувчиларда креатив функцияни ривожлантириш. Монография – Тошкент: “Фан технология”, 2011 й.
4. Холиқов А. Педагогик маҳорат.: Иқтисод-молия. 2010 й.

INTEGRATSIYA VA ENYJJEYZERLAR

*Mamatqulova Mavjuda Shakirovna
Guliston shahar 16-maktabning
Rus tili fani o'qituvchisi*

Vaqt oliy hakam. Davr rivojlanishdan to'xtamaydi. Dunyo yangiliklarga boyib, eskilarini unutib borishda moil. Biroq shunday haqiqatlar bo'ladiki, ming yillar davomida o'rni ortib boradi. Kunlardan bir kun ko'l bo'yida qorni och qolgan bir kishi baliq tutib turgan donishmandga duch kelibdi va unga murojaat qilib: "Men ochman, menga yordam ber!". Baliqchi, keksa donishmand unga quyidagicha javob beribdi: "Men senga baliq berishim mumkin, sen tez to'yasan va biroz vaqt o'tgach, huddi shunday yana och qolasan va mendan yana yordam so'raysan. Men senga qarmoq, berishim mumkin, lekin u qachondir sinib qolishi mumkin, unda sen menga yana murojaat qilishingga to'g'ri keladi. Yaxshisi, men senga qarmoq yasashni va u orqali baliq tutishni o'rgataman, bu uzoq va qiyin, lekin keyinchalik senga mening yordamim kerak bo'lmaydi. O'z yo'lingni tanla", – debdi...

Aytish mumkinki, yuqorida keltirilgan rivoyat, yaxshi o'qituvchi o'quvchiga "qarmoq yasashni" va shu bilan yasalgan qarmoqdan qanday qilib baliq tutishni o'rgatishi va aqlli o'quvchi esa uni o'rganishi lozim. O'quvchilar "qarmoq yasashni" qanchalik tez va mustahkam o'rganib olsalar, ular shunchalik birovlariga muhtoj bo'lmasdan o'z "ov uslublariga" ega bo'ladilar. Mana shunday vazifalarni amalga oshirishda yangi interfaol va noan'anaviy pedagogik texnologiyalar juda qo'l kelishini tadqiqotchilar tomonidan turli ta'lim muassasalarida o'tkazilayotgan ko'pgina pedagogik tajribalarining natijalari tasdiqlamoqda. Shuning uchun ham, ta'lim muassasalarida faoliyat ko'rsatayotgan o'qituvchilar o'z sohalari bo'yicha olib borayotgan mashg'ulotlarida innovatsion texnologiyalarni o'z o'rnida qo'llashni bilishlari o'ta zarur.

Shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'quvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatib kelingan edi. Bunday usul o'quvchilarda mustaqil fikrlash, ijodiy izlanish, tashabbuskorlikni biroz so'ndirar edi.

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interfaol metodlar (innovatsion pedagogik va axborot texnologiyalari)dan foydalanib, ta'limning samaradorligini ko'tarishga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda. Zamonaviy texnologiyalar qo'llanilgan mashg'ulotlar talaba (yoki o'quvchi)lar egallayotgan bilimlarni o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga qaratilgan. O'qituvchi bu jarayonda shaxs va jamoaning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi, shu bilan bir qatorda, boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik vazifasini bajaradi. Bunday o'quv jarayonida o'quvchi asosiy figuraga aylanadi.

Bugungi ta'limning oldidagi maqsadlardan biri innovatsion texnologiyalar pedagogik jarayon hamda o'qituvchi va o'quvchi faoliyatiga yangilik, o'zgarishlar kiritish bo'lib, uni amalga oshirishda asosan interfaol uslublardan foydalaniladi.

Quyida interfaol ta'lim yuzasidan bir qancha munosabatlar yuritilgan. O'quvchilarga taqdimot taqdim etiladi. 1-taqdimotda berilgan slayd orqali har qanday o'quvchiga javob berish uchun murojaat qilish mumkin. Bunda o'quvchi maxsus monitorida ko'rsatilib turilgan 1-slayddan xohlagan raqamini tanlash imkoniyatiga ega. Tanlangan raqam ostida bir savol mavjud. Raqam ustiga sichqoncha tugmasini bir marta bossak, uning ostiga berkitilgan savol paydo bo'ladi(2-slayd). Raqam ostiga bekitilgan savol manitorga chiqqach, uni o'quvchi o'qib shu savolga javob beradi. Slaydlar ketma-ketligi qanday joylashtirilishidan qat'iy nazar, o'quvchi belgilagan raqam ostidagi savol monitorida hosil bo'ladi. Savol (2-slayd) paydo bo'lgach unda quyidagicha qismlar mavjud: savol, raqam, javob. Bularning asosiy qismi savol bilan bog'liq bo'ladi. Raqam esa ushbu savol raqamidir. Javob qismida esa har bir o'quvchi javob berib bo'lgach "Javob" tugmasini bosganimizda savolning to'g'ri javobi hosil bo'ladi(3-slayd). Uchunchi bosqichda slayd 2 qismdan iborat. Bular: javob va uycha rasmlaridir. O'quvchi bergan javobini yoki uning xatoligini 3-slayd orqali bilishi lozim. Bunda u to'g'ri javob berganligini biladi yoki o'z xatosini tushunib yetadi. Bunday ko'rgazmalilik orqali mustahkamlash darslari yaxshi samara beradi. O'quvchilarni qiziqtirishning bunday yo'li ko'rgazmalilik asosida tashkil etilishi dars samarasini oshirish bilan birgalikda o'qituvchining ishini ham osonlashtiradi. Keyingi slaydlar shu tariqada ishlatiladi. Javoblar va uycha yozilgan 3-slayddagi uycha qismiga sichqoncha tugmasi bosilganda 1-slaydga qaytib boriladi. Bu esa yana savol tanlash imkoniyatini beradi. Aytaylik, 26 raqami tanlansa, shu raqam ostidagi savol hosil bo'ladi. Savolga javob berilgach, javob tugmasi bosiladi va to'g'ri javob hosil bo'ladi. Javob aniq bo'lgach uycha rasmi bosiladi va yana 1-slaydga qaytib ketiladi. Bu esa voroq-voroq qog'ozlarda ishlashni oldini oladi va ishni ancha osonlashtiradi.

Bunday darslar oralig'ida turli eneyjeyzarlarini ham o'tkazib turish mumkin. Ulardan birini quyidagicha tashkil qilish mumkin:

Dastlab sinf bir necha guruhlariga bo'linishi lozim. Birinchi guruhdagi o'quvchilar orasidan bitta o'quvchi tanlab olinadi va ikkinchi guruh o'quvchilari o'zlarini turli hatti-harakatlari bilan uni chalg'itishadi. 4-5 nafar ishtirokchilar turli hatti-harakat qilganlaridan keyin birinchi guruh ishtirokchisi ularni qaytarib berishi lozim. Masalan, ikkinchi guruh ishtirokchilaridan biri qo'llarini ko'tarib tushirishi, ikkinchisi boshini qimirlatib, yo'talib olishi, uchinchi ishtirokchi esa, kitoblarini bir-bir varoqlab olishi mumkin, to'rtinchi ishtirokchi doskaga chiqib nimanidir yozib keyin joyiga borib o'tirishi lozim. Shundan so'ng birinchi guruhdan tanlab olingan 1-a'zo ikkinchi guruhdagi yuqorida keltirilgan 4 nafar o'quvchini hatti-harakatini takrorlab beradi. Agar harakatlar to'g'ri topilsa, a'lo baho oladi. Bu mashq bilan o'quvchilarni qiziqishlarini oshirish bilan birgalikda xotirasini ham mustahkamlaydi. Bu o'yinni o'quvchilar zerikib qolishganida darsga jalb qilish maqsadida o'tkazish o'rindir.

CHIZMACHILIK DARSLARIDAI ILG'OR TAJRIBALARNI O'RGANISH VA OMMALASHTIRISHDAGI UZVIYLIK

*Abdurahimova Dilbar Abdurahmonovna - Namangan shahar
51-umumta'lim maktabi tasviriy
san'at va chizmachilik fani o'qituvchisi*

Inson shaxsining kamol topishi juda murakkab va uzluksiz jarayon davomida shakllanadi. SHunday ekan ta'lim - tarbiya jarayoni ham juda murrakkab va mahsuliyatlidir. O'zbekiston davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlardan biri milliy qadriyatlarimiz, ezgu g'oyalarimiz asosida mustaqil fikrleydigan, jamiyatga munosib, faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lgan, o'z sohasi bo'yicha raqobatbardosh yoshlarni tarbiyalashdir.

Ilmiy texnik taraqqiyotni talablarining asosi bu chizmachilikdir. Tasviriy san'at va chizmachilik darslarida yangi zamonaviy metodlardan foydalanish, ilg'or ish tajribalarini ommalashtirish davr ta'labi. SHu asosda o'quvchilarni mehnatga va ijodiy yaratuvchanlik faoliyatiga tayyorlashga, fazoviy tasavvurlarini rivojlantirishga yordamlashadi. Bunda o'quvchilarni real buyumlarning shaklini va konstruksiyasini taxlil qilish va ularning obrazini chizmaga qarab tasavvur qilishga, chizmani o'qishga o'rgatish vazifasi qo'yiladi.

O'quvchilarga ta'lim berishning zamonaviy axvoli, ularning nazariy tomondan tayyorgarligini oshirishning yangi yo'llarini izlash, ijodiy mehnatga tayyorgarli, asosiysi esa vosita va metodlar, shu jumladan boshlang'ich maktab chegarasida vosita va metodlarni izlashdir.

Keyingi yillarda ta'limning o'yinli shakli eng istiqbolli va eng muvaffaqiyatli yangilik bo'lib namoyon bo'ladi.

Didaktik sharoitda maqsadga intilish, faollik, tezkorlik va tafakkur mahsuldorligi, mustahkamlik, xotira tezkorligi, takomillashganlikva o'z kuchi, irodasiga ishonch tuyg'ular shakllanadi.

SHunga ko'ra kichik yoshdagi bolalarning chozmachilik ta'lim-tarbiyasida asosiy faoliyatlaridan biri bo'lib hisoblangan narsa o'yindir. O'yin texnologiya yordamida tashkil qilingan chizmachilik darslarda atrof-muhit bilan tanishtirish, ularning kuzatuvchanligi, diqqat-e'tibori, chizmachilik xotirasini rivojlantirish, ya'ni aqliy faoliyatlarini kuchaytirish nazarda tutiladi.

1. O'yinning vazifasi;
2. O'yin harakati;
3. O'yin qoidasi;
4. O'yin yakuni;

1. Har bir o'yinda ma'lum didaktik maqsadga qaratilgan vazifa qo'yiladi. Bu vazifa bolalarga bilim va ma'lumot berishni ko'zda tutadi. Har bir o'yin bolalardan ma'lum vazifani bajarishni talab qiladi. Bu vazifani bajarish maqsadida bola o'zining fikrlash qobiliyatini aktivlashtiradi, oldingi olgan bilim va tushunchalarini esga tushitishga harakat qiladi.

Har bir o'yin o'zining ma'lum yakuni natijasiga ega. O'yinda ma'lum kutilgan natijaga erishish esa o'yin qoidasiga rioya qilish, vazifani bajarish orqali amalga oshiriladi. O'yin shunday yakunlandiki, bolalar o'yindan ma'naviy ozuqa oladilar, ularga ma'lum darajada bilim beradi, yangi bir naesaga o'rgatiladi. O'quvchilar esa har bir qiziqarli o'yindan so'ng o'zlarini xursand, xushchaqchaq sezadilar, ularning ehtiyoji qoniqtiriladi. O'uin oxirida o'yin jarayonida vazifani, o'yin qoidasini yaxshi, namunali bajargan o'quvchilar rag'batlantiriladi, ularning faoliyatlari alohida qayd qilib o'tiladi.

O'quvchilarning shaxsiy sifatlarini hisobga olish asosida shu sifatlarni ijobiylashtirish va rivojlantirish maqsadlariga erishish uchun darsda o'quvchilarga mustaqil vazifalar berish, ularning mustaqil hulosalar chiqarishlarini, bir-birlaridan o'rganishlarini tashkil qilish, ularning o'qishlari uchun qulay muhit yaratishga alohida e'tibor berish talab qilinadi. Ta'lim bilan tarbiyaning uzviyligini ta'minlash.

O'quvchilarning shaxsiy sifatlarini hisobga olish, ijobiylashtirish va rivojlantirish. O'quvchilarning yosh xususiyatlarini ta'lim- tarbiya jarayonida hisobga olish, ularning shaxsiy sifatlarini bilish, tahlil qilishga yakka tartibda yondashishda hozirgi yosh psixologiyasi va pedagogikasining qoidalari va talablaridan kelib chiqiladi. Bunda o'quvchilarning bir - birlariga nisbatan tayyorgarliklari, qiziqishlari va fanlarni turlicha o'zlashtirishlari bilan farqlanishini hisobga olish asosiy masalalardan hisoblanadi. Shunga muvofiq ravishda

o'qituvchilarning ham bir- biridan o'qitish uslubi, o'quv-tarbiya jarayonini rejalashtirish bo'yicha farqlanishini hisobga olgan holda har bir o'qituvchining ma'lum vaqt davomida opedagogik texnologiyaimal natijaga, ya'ni o'quvchilarning ko'zda tutilgan darajada o'zlashtirishlariga erishish yuzasidan individual yondashuvlari mavjud.

O'quvchilarning shaxsiy sifatlarini hisobga olish asosida shu sifatarni ijobiyashtirish va rivojlantirish maqsadlariga erishish uchun darsda o'quvchilarga mustaqil vazifalar berish, ularning mustaqil hulosalar chiqarishlarini, bir- birlaridan o'rganishlarini tashkil qilish, ularning o'qishlari uchun qulay muhit yaratishga alohida e'tibor berish talab qilinadi. Ta'lim bilan tarbiyaning uzviyiligini ta'minlash.

O'quvchi shaxsiga yo'naltirilgan ta'lim amalga oshiriladigan ayrim noan'anaviy dars shakllarini keltiramiz:

Sho'ng'ish darsi - ma'lum bilimlarni egallash uchun eng qulay muhitda bo'lish yoki shunday muhit yaratish orqali mavzuni faol o'rganish mashqlaridan iborat. Musobaqa darsi- o'quvchilarning o'zaro musobaqalashuvini tashkil etish orqali bilimlarni mustahkamlash mashqlari.

Konsultatsiya darsi - dars jarayonida o'quvchilarning o'zaro hamda o'qituvchining konsultatsiyalarini tashkil etish orqali darsni o'zlashtirish mashqi.

Ijod darsi - o'quvchilarning mustaqil ijod etishlarini tashkil qilish darsi. Sinov darsi - o'quvchilarning o'zlashtirishini turli shakllarda sinash tashkil qilinadigan dars.

Shubha bildirish darsi - dars mavzusi bo'yicha qoidalar, xulosalarni agar notog'ri deb hisoblansa, nimalar bo'lishi mumkinligi haqida qiziqarli bahs va tahlillar o'tkazish orqali yangi mavzuni tushuntirish darsi.

Ijodiy hisobotlar darsi- o'quvchilarning ayrim mavzular bo'yicha mustaqil o'rgangan bilimlari va xulosalari taqdimoti.

Umumlashtirish darsi - ilgari o'tilgan mavzular bo'yicha olingan bilimlarni umumlashtirish mashqlarini o'tkazish darsi.

Ilmiy-fantastika darsi - o'quvchilarning o'rgangan bilimlari asosida ijodiy xayol, taxminlar o'ylab topishlari mashqini o'tkazish orqali mustaqil fikrlashlarini kengaytirish darsi.

Haqiqatni izlash darsi - dars mavzusiga doir ayrim masalalar yuzasidan o'quvchilarning mustaqil fikrlar bildirishni tashkil etish orqali haqiqatni aniqlash va mavzuni o'zlashtirishni ta'minlash darsi.

"Paradokslar" darsi- o'quvchilarning faolliklari va qiziqishlarini oshirish maqsadida o'rganilayotgan mavzuni har turli "paradokslarga" bog'lab bayon qilish hamda tegishli tahlillar o'tkazish asosida to'g'ri xulosalarni aniqlash darsi.

Seminar darsi- yangi dars mavzusiga doir savollar bo'yicha o'quvchilarga oldindan berilgan topshiriqlarni bajarish natijalari to'g'risida ma'lumotlarni tinglash orqali sinfdagi barcha o'quvchilar darsni o'zlashtirishlarini va bilimlarini mustahkamlashni ta'minlash darsi.

Ekskursiya darsi - bu darslarda o'quvchilarni turli ob'yektlar: muzey, ziyoratgoh, korxonalar, ustaxona, tabiat ob'ektlari, ilmiy muassasa, kollej, litsey va boshqalarga olib borish va tanishtirish orqali ularning bilimlarini hayot bilan bog'lash va kasbga yo'naltirish ishlarini amalga oshirib borish ta'minlanadi. Juda uzoqdagi va borish qiyin bo'lgan ob'ektlarga, ular to'g'risida filmlar, turli ko'rgazmali va boshqa materiallar mavjud bo'lgan hollarda, ularni o'quvchilarga namoyish etib, tushuntirish orqali videoekskursiyalar tashkil etish ham mumkin.

USING ENGLISH IN CLASS

Berdibekova Mutabar

English teacher, school №5, Sardoba district, Sirdarya region

Abstract

The article highlights the effective use of English language in the classroom environment. The work in this regard is said about the communicative competence and vocabulary are the key factors of teaching language.

Keywords: phrasal verbs, communication, vocabulary, interaction.

Vocabulary is the most important area in language learning. The importance of vocabulary changes and it depends on teaching aims. Nowadays, the ability of effective communication is the main aim of teaching, so teachers try to develop students' communicative competence and vocabulary are the key to it. Communication is strongly conditioned upon the level of vocabulary. When it is limited, it distorts or even sometimes it blocks up communication. With a wide vocabulary, a person can communicate effectively even though he or she may be very weak in grammatical knowledge. It means that teachers must pay a lot of attention to constant, regular work on enriching students' vocabulary. Very important and common feature of English language are phrasal verbs.

Phrasal verbs are an important feature of English. Their importance lies in the fact that they form such a key part of everyday English. Not only are they used in spoken and informal English, but they are also a common aspect of written and even formal vernacular. Understanding and learning to use phrasal verbs, however, is often problematic and there are many reasons for this. The meaning of a phrasal verb, for example, often bears no relation

to the meaning of either the verb or the particle which is used with it. This means that phrasal verbs can be difficult both to understand and to remember. Neither does it help that many phrasal verbs have several meanings, nor that their syntactic behavior is often unpredictable. Phrasal verbs have roots back in the earliest Old English writings, where verbs with short adverbs and prepositions were used in a very literal sense showing mostly the direction, place, or physical orientation of a noun in the sentence, such as in the following example: The boy walked out. (Direction); The boy stood by. (Place); The boy held his hand up. (Physical orientation). Like short adverbs, prepositions also indicated direction, place, or physical orientation; but they also specified a relationship between the verb and an object in the sentence: The thief climbed out the window. (Direction); The painter stood by the house. (Place); Hang it over the fire. (Physical orientation). Everyone should remember the characteristics by Carl Rogers for creative and effective learning environment. Be as honestly yourself as you can be. Respect the learners. Work on seeing things from their perspective as well as your own. Encourage a friendly, relaxed learning environment. If there is trusting, positive, supportive rapport amongst the learners and between learners and teacher, and there is a much better chance of useful interaction happening. Ask questions rather than giving explanations. When you want students to discuss something, ask "open" questions (e.g. where, what, who, why...) rather than closed questions (e.g.; verb-subject questions that require nothing more than yes or no). For example, instead of "Is noise pollution a bad thing?" (Answer=yes or no) you could ask "What do you think about noise pollution?" Allow time for students to listen, think, process their answer and speak. Really listen to what they say. Let what they say really affect that you do next. Work on listening to the person, and the meanings, as well as to the language and the mistakes. Allow thinking time without talking over it. Allow silence. Increase opportunities for student talking time. Use gestures to replace unnecessary teacher talk. Allow students to finish their own sentences. Make use of pairs and groups to maximize opportunities for students to speak. If possible, arrange so that students can see each other (e.g.; circles, squares and horseshoes rather than parallel rows).

Encourage interaction between students rather than only between student and teacher and teacher and student. Get students to ask questions, give explanations to each other than always to you. Encourage co-operation rather than competition. In many activities you may encourage students to copy ideas from others, or "cheats". Allow students to become more responsible for their own progress. Put them in situations where they need to make decisions for themselves. If a student is speaking too quietly for you to hear, walk further away, rather than closer to them!

If you will follow all these rules, it will help you to encourage student's interaction in class. The language classroom is rich in language for learners, quite apart from the language that the learners and the teacher may suppose they are focusing on in the subject matter of the lesson. Students learn a lot of their language from what they hear. Their teacher says the instructions, the discussions, the asides, the jokes, the chit-chat, the comments, etc. It would be unsatisfactory if the teacher dominated the lesson to the exclusion of participation from as many learners as possible. The arguments for language learners usually grow from the idea that the teacher knows more of the target language and that by listening to her the learner is somehow absorbing a correct picture of the language, that by interacting with her the learner is learning to interact with a native speaker or an experienced user of the language, and that this is far more useful than talking to a poor user. Thus, by these arguments, time spent talking to another learner is not particularly useful time.

Used literature

1. Adrian Doff (1988) Teach English: A Training Course for Teachers (Trainer's Handbook), Cambridge University Press
2. Allsop, J. (2002) Test your phrasal verbs. Longman. Dainty, P. (2002) Timesaver Phrasal Verbs and Idioms: Pre-intermediate - Advanced (Timesaver). Mary Glasgow Magazines.
3. Ben-Barka, A. C. [1982]. In search of a language teaching framework: An adaptation of a communicative approach to functional practice. (EDRS No. ED239507, 26 pages)
4. Berns, M. S. (1984). Functional approaches to language and language teaching: Another look. In S. Savignon & M. S. Berns (Eds.), Initiatives in communicative language teaching. A book of readings (pp. 3-21). Reading, PA: Addison-Wesley.

Motivating and engaging students in reading

Abdusattorov Abduvosil Abdumuxtor o'g'li

Andijon viloyati, Andijon tumani 16-umumiy o'rta ta'lim maktabi ingliz tili o'qituvchisi

You can certainly ignore motivation if you choose. But if you do, you maybe neglecting the most important part of reading. There are two sides to reading. On one side are the skills which include phonemic awareness, phonics, word recognition, vocabulary, and simple comprehension. On the other side is the will to read. A good

reader has both skill and will. In the "will" part, we are talking about motivation to read. This describes children's enjoyments, their wants, and their behaviors surrounding reading. A student with skill may be capable, but without will, she cannot become a reader. It is her will power that determines whether she reads widely and frequently and grows into a student who enjoys and benefits from literacy. So we think you should care about motivation because it is the other half of reading. Sadly, it is the neglected half.

What is motivation?

Many teachers think of a motivated reader as a student who is having fun while reading. This may be true, but there are many forms of motivation that might not be related to fun and excitement. What we mean by motivation are the values, beliefs, and behaviors surrounding reading for an individual. Some productive values and beliefs may lead to excitement, yet other values may lead to determined hard work. We talk about three powerful motivations that drive students' reading. They operate in school and out of school, and they touch nearly every child. Some students may have all of these motivations and some may have only one. For some students, these motivations appear in the positive form driving students toward reading. For other students, the motivations are negative and push students away from books. When we talk about reading motivations we refer to (1) interest, (2) dedication, and (3) confidence. An interested student reads because he enjoys it; a dedicated student reads because he believes it is important, and a confident student reads because he can do it. We discuss each of these in this essay with an emphasis on dedication. Research says that skill and will (motivation) go together. Usually, students who are gaining in skill are gaining in motivation as well; a student whose motivation increases because she is inspired by a terrific teacher will grow in reading skills. Research also says that these three motivations are independent. A student may be interested and read for enjoyment, but not dedicated and not seeing the importance of hard work in reading. A student may also be interested and want to read but not be confident in her ability. So confidence can be a problem when other motivations are not a problem for a student. Research also says that motivation comes from the teacher in the classroom. Of course, motivation may be stimulated by home and may be influenced by peers, but the teacher is the main actor influencing a student's development of reading motivation.

What can a teacher do?

We offer six motivation practices that teachers can implement daily in the classroom. These practices can be brought into every lesson and directed to every student. Teachers do not have to wait for motivation to come from the outside. They can make it happen any time they want to implement one of these six practices. Research undergirds the impact of these practices on students becoming avid readers and on students becoming achieving readers. We provide examples of these practices from the literature and from our own experiences in our research and teaching.

Motivations to read—interest, confidence, dedication

Interest

When we think of motivation our mind first turns to interest. Motivation is enjoying a book, being excited about an author, or being delighted by new information. Researchers refer to interest as intrinsic motivation. Meaning something we do for its own sake. On a rainy day, we might rather read our favorite mystery than do anything else. We are not trying to get a reward when falling into a novel. Motivation also brings to mind the reward for success. Who doesn't like to win a trinket for hitting the target with a dart at the State Fair? Who doesn't want to earn serious money for working hard in a career? These are extrinsic rewards because someone gives them to us. We do not give them to ourselves, and these rewards do propel us to put out effort, focus energy, and get up in the morning. Yet, extrinsic rewards do not motivate reading achievement in the long term. Students who read only for the reward of money, a grade, or a future job are not the best readers. The reason is that if you read for the reward of a good quiz score, what happens after the quiz is that you stop reading. If the test score is the only thing that matters, it is OK to take shortcuts, not really understand, or cheat. It encourages students to become more interested in the reward than the learning. None of these generate long-term achievement. Sometimes a reward, such as candy or early recess, will jump-start a group of students to read in this moment for this purpose. But if the motivation is not intrinsic, it will not increase achievement in the long term. For some individuals, grades represent their quality as a student and a reader. Being a high achiever is a symbol of how they are doing. A high grade is an icon of success and these students strive to feel successful.

One student told us that he read as practice to improve as a reader and get better grades. He said, "Reading a lot helps you read better 'coz at first I wasn't a very good reader but now I'm doing really good." This point came up again and again. Another boy said, "If I keep reading then like you can do better in high school and then you'll get good, better grades." Readers who identify with school see grades as an emblem of their success and a reason to have confidence. Interest comes in two forms—situational and enduring. Situational interest is fascination with a detail in the here and now: a picture in a book, a link in a Website, a funny comment by a character, or an amazing fact about animals will all excite situational interest. This does not last until tomorrow or next week. Situational interest does not generate achievement because it is locked into the local event. Situational interest can become enduring if it recurs with teacher (or other) continuing support. If a student finds one type of novel he likes, such as realistic fiction, and is helped to find more and to understand them fully, he may, over time, grow an enduring motivation for reading fiction. But the situational motivation is not sufficient to assure the full maturation of intrinsic motivation. One of our goals in schools is to foster intrinsic motivation, the enjoyment and fulfillment in reading.

Confidence as a reader

Belief in yourself is more closely linked to achievement than any other motivation throughout school. The reason is that confidence, which refers to belief in your capacity, is tied intimately to success. This link occurs for simple, daily reading tasks. A student who reads one page fluently thinks he can read the next page in the same book proficiently. The link is also forged for reading in general. A student who reads fluently and understands well is also sure of himself as a reader. In and out of school, people like the things they do well. Conversely, students who struggle begin to doubt their abilities. They expect to do poorly in reading, writing, and talking about text. The real dilemma is that lower-achieving students often exaggerate their limitations. Believing they are worse than they really are, they stop trying completely. Retreating from all text interactions, they reduce their own opportunity to do what they want to do more than anything—to be a good reader. Their low confidence undermines them even further in a cycle of doubt and failure. By middle school, breaking this cycle is a formidable challenge for teachers.

Professional development

Teaching to the second side of reading, the will to read, like teaching to the first side, is a matter of teacher expertise. There is no formula or off-the-shelf program for motivating students. The good news is that teachers can rapidly learn to be more effective at encouraging engagement. With a short amount of professional development, teachers can learn to give choices that lend students a sense of empowerment. In a slightly longer, but realistic amount of time, teachers can gain a grip on implementing all the teaching practices for elementary school mentioned here. For secondary level, a book and guide for self-reflection about engagement is available.

USING VOCABULARY GAMES IN ENGLISH LESSONS

Egamberdiyeva Gulasal

English teacher of secondary school No57 in

Pop district, Namangan region

Basically, games are not purely lexical or purely grammatical in nature. Lexical games can become grammar, spelling, etc. The very fact that the lexical game arouses the interest and activity of children and gives them the opportunity to prove themselves in activities that are fascinating for them, contributes to faster and more durable memorization of foreign words and sentences. The fact that knowledge of lexical material is a prerequisite for active participation in the game, and sometimes a prerequisite for winning, also serves the same purpose. The game provides an opportunity not only to improve, but also to acquire new knowledge, as the desire to win makes you think, remember what has already been done and remember everything new.

Lexical games are used in English lessons. They should be aimed at:

to train students in the use of vocabulary in situations close to the natural environment; to intensify the speech-cognitive activity of students;

to develop students' speech response.

Thus, among the lexical games, the most popular are games: “Chamomile” and “What is this?”.

Activity 1. “Chamomile”

Equipment: chamomile with removable multi-colored petals with the inscriptions of those. Course of the game: students are divided into three teams. They chain the name of the color of the petal; the teacher calls them the topic on the petal, for example: “Clothing”, then the teams are given 1 minute to make a list of words on a given topic. The team that last names the word on the topic wins.

Activity 2. “What is it”?

Course of the game: In the hands of the host is a black box (or box) in which an unfamiliar object is located. One student with closed eyes feels an object in a box and describes it, everyone else must guess the item according to the description, the one who first guesses what is in the box wins. However, do not forget that there are a huge number of other equally interesting, developing lexical games, and we try to use the most fun and effective of them in English lessons, since the main requirement of the game when setting the educational task is to arouse the interest of students to perform exercises, stimulate their mental and speech activity, aimed at consolidating new, lexical units from the active minimum, to create an atmosphere of competition and rivalry during the execution one or another exercise.

Activity 3. “The last letter”


Game progress: two teams are formed. The representative of the first team calls the word, students from another team must come up with a letter that ends the word called the first team, and so on. The team that names the last wins.

Activity 4. “Guess the word”

Course of the game: students are offered a list of nouns. It is necessary to choose a word for them (common to all). For example: mother, father, daughter, cousin ... – family. The use of games in the lessons develops communication skills, leads to the removal of the language barrier, and develops compensatory skills, i.e. the ability to get out of the situation with a lack of foreign language means of communication increases students' motivation to learn a foreign language and develops creative abilities.

Applying gaming technologies, we implement the principles of communicativeness, situationality and functionality, i.e. communication takes place in the situations we design, simulating real ones.

is the task of grouping a set of objects in such a way that objects in the same group (called a cluster) are more similar (in some sense or another) to each other than to those in other groups (clusters).



BRAINSTORMING

(in language teaching) a group activity in which learners have a free and relatively unstructured discussion on an assigned topic as a way of generating ideas. Brainstorming often serves as preparation for another activity.







CASE STUDY

It is about a person, group, or situation that has been studied over time. The case study method often involves simply observing what happens to, or reconstructing 'the case history' of a single participant or group of individuals (such as a school class or a specific social group)

INFORMATION GAP ACTIVITY

It is a technique in language teaching where students are missing information necessary to complete a task or solve a problem, and must communicate with their classmates to fill in the gaps. It is often used in communicative language teaching and task-based language learning. Information gap tasks are contrasted with opinion gap tasks, in which all information is shared at the start of the activity, and learners give their own opinions on the information given.

Student A	Student B
1 	1
2	2 
3 	3
4	4 

JIG-SAW ACTIVITY


Listening or reading activity is an **information gap** exercise. Learners hear or read different parts of a text, then exchange information with others in order to complete a task. Learners in three groups hear different versions of an encounter with aliens. Together a jigsaw with other learners, they complete comprehension questions based on all three descriptions of the encounter. Jigsaw tasks are an excellent way to integrate the skills, as learners read or listen to a text, and speak and listen to others to reconstruct the information in the text. Most written texts can be made into a jigsaw activity easily. Managing a jigsaw listening exercise is more challenging as it requires multiple tape recorders, enough space to listen without disturbing other groups, and time.



ICE-BREAKER

It is an activity or exercise to break the “ice” that typically limits or inhibits interactions of a group of people who may or may not know each other. An effective ice-breaker prepares the group for the further learning process. This activity should be non-threatening, highly-interactive, simple and easy to understand and explain. For the following example of an ice-breaker you can use M&M Sweets.

New Student M & M Game

-  What is the name of your old school?
-  Do you have a pet?
-  Do you have any brothers or sisters?
-  What is your favorite food?

PRESENTATION

Presentations are a great way to have students practise all language systems areas (vocabulary, grammar, discourse and phonology) and skills (speaking, reading, writing and listening). They also build confidence, and presenting is a skill that most people will need in the world of work. The way which something is offered, shown or explained others. A formal monologue presents ideas, opinions or a business proposal.



ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Хазраткулова Дилноза Намазбаевна,

Гулистон шаҳар 16-мактаб тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси фани ўқитувчиси

Анъанавий ўқитиш тизими, айтиш мумкинки, ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли —ахборотли ўқитиш сифатида тавсифланади, чунки ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб бораётганлигини таъкидлаган ҳолда баҳоланмоқда. Бу бир томондан.

Иккинчидан, илмий-техник тараққиётнинг ривожланаётган босқичида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек кадрларни ҳаётга мукамал тайёрлаш талаблари таълим тизимига янги педагогик технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Республикада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да таъкидлаганидек, замонавий таълим-тарбия ишларини давлат стандарти даражасига кўтариш учун педагогик жараёнга илғор ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш зарур.

Шу ўринда мактаб чизмачилигида МДХ давлатларининг айримларида чизмачилик бўлимининг ёритилишини қисқача таҳлил қилиб чиқамиз.

Россия Федерациясида дарсликлар тайёрлаш альтернатив (муқобил) шаклда бўлиб, мактаб маъмурияти ўқувчиларнинг қизиқишлари, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўналиши каби тасирларни ҳисобга олиб ўқитиладиган дарсликни мустақил равишда танлайди. Шунинг учун чизмачилик дарсликларининг баъзиларида машинасозлик, амалий санъат, гуманитар йўналиш каби соҳаларларга алоҳида урғу бериб тайёрланган. Биз интернет материалларида 10 га яқин турдаги шунга ўхшаш дарсликларни кўриб чиқдик. А.Павлова, Я.Ройтман, Г.Преображенская, В.Степакова, Г.Хакимов каби муаллифлар томонидан тайёрланган дарсликлар ўқувчиларни маълум соҳа ёки касбга йўналтиришга мўлжаллаб тузилган.

Мавзу бўйича маълумотлар содда чизмалардан фойдаланиб, энг кўп қўлланиладиган ва ўқувчиларга таниш бўлган маҳсулот (буюм) ларнинг чизмаларида шартли белгиланиши ҳамда шартли тасвирлари тушунтирилган. Мавзулар ўқувчилар учун тушунарли тарзда очиб берилган. Мавзуларни ўзлаштиргандан кейин ўқувчиларга бир қанча топшириқлар ҳам тақлиф қилинади. Кўриб чиқилган дарсликларда ўқувчиларнинг ёш хусусияти ҳамда улар ўзлаштириши зарур ва амалий аҳамиятли материаллар келтирилган. Украина республикасида бугунги кунда амалда бўлган умумтаълим мактаблари учун —Чизмачилик дарслигида ҳам шунга ўхшаш тарзда ёндашилган.

Россия Федерацияси мактабларида қўлланилиб келинаётган Чизмачилик дарсликлари дан айримларини кўриб чиқамиз. Ҳозирги кунда чизмачилик курси бўйича РФ да кўплаб альтернатив дарсликлар амалда қўлланилаётганига қарамасдан А.Д.Ботвинниковнинг Чизмачилик дарслиги кенг фойдаланиб келинмоқда. Ушбу дарслик МДХ давлатлардаги умумтаълим мактаблари чизмачилик фани учун асос, классик кўринишга келиб қолган. Дарсликни мактабларда қўлланилиб бошланганига 30 йилдан ошиб қолди. Ушбу дарслик Россия Федерацияси таълим ва фан вазирлиги томонидан тасдиқланган амалдаги дастурга мос бўлиб, чизмачилик фани бўйича асосий ўқув қўлланма ҳисобланади. Дарсликка назарий маълумотлар билан бир қаторда ўрганилган материални мустаҳкамлаш ва такорлаш учун саволлар ва топшириқлар, график ва амалий ишлар ҳам киритилган. Китобдаги иллюстрациялар ўқувчиларнинг мавзунини тушунишларини осонлаштиришга кўмаклашишга йўналтирилган ва етарлича юқори сифатда бажарилган. Ушбу дарсликда ўқувчилар мавзуларни ўзлаштириб олганларидан кейин ўқитувчи томонидан бериладиган чизмаларини ўқишни билишлари кўзда тутилган.

Г.Ф.Хакимов ва бошқалар томонидан 9-синф ўқувчилари учун яратилган —Чизмачилик. Амалий курс дарслиги ўзига хослиги билан ажралиб туради. Ушбу дарслик Бошқирдистон давлат педагогика университетининг —Тасвирий санъат, чизмачилик ва меҳнат ўқитиш методикаси кафедраси ва Уфа давлат авиация техника университетининг —Чизма геометрия ва чизмачилик кафедралари ҳамкорлигида яратилган.

Дарслик чизмачилик фанидан ўқув дартурига мос тайёрланган бўлиб, худудий компонентларга эга. Дарсликда чизмачилик фанининг айрим бўлимларини чуқур ўрганиш ҳамда технология ва меҳнат таълими дарсларида бажариладиган лойиҳаларнинг график қисмларини тахт қилишга тегишли кўшимча маълумотлар ҳам келтирилган. Дарслик таълимга фаолиятли ёндашувга асосланган оригинал методика асосида тайёрланган. Унга ўқувчиларнинг ижодий фазовий тасаввурлари ва образли фикрлашларини ривожлантиришга йўналтирилган ҳар хил график топшириқлар киритилган.

Ушбу дарсликнинг ўрганиб, республикада нашр қилинадиган дарсликларга жорий қилиш мумкин бўлган афзаллик томонлари бор. Унга кўшимча равишда дарсликдаги барча материални ўз ичига олган компьютер тест топшириқлари ишлаб чиқилган. 122 та тест топшириқлари қуйидаги мавзулар бўйича тузилган:

- амалий графика;
- проэкциялаш;

- чизмалардаги тасвирлар;
- техник графика;
- қурилиш графикаси.

Компьютер тест топшириқлари дарсликнинг асосий бўлимларидан ўқувчиларнинг билим даражаларини ўқитувчи ёрдамсиз баҳолаш имконини беради. Бундан ташқари ушбу тестлар ёрдамида ўз-ўзини тестдан ўтказиб, мавзуларни ўзлаштиришдаги камчиликларни аниқлаш мумкин. Тест топшириқларининг амалий қиммати шундан иборатки, чизмачиликда тестлардан фойдаланишда ўқувчиларнинг чизмачилик фанини ўрганишга бўлган интилишлари ортиб, уларнинг график саводхонлик даражаси кўтарилади.

KITOB –INSON TAFAKKURINING QANOTI

G'ofurova Havasxon Ne'matjonovna

Farg'ona viloyati Yozyovon tumani Xalq ta'limi bo'limiga qarashli

16- umumiy o'rta ta'lim maktabi Axborot -resurs markazi rahbari, Xalq ta'limi a'lochisi

Kitob – inson tafakkurining kamoloti. Zero, tafakkuri, fikr doirasining keng, ma'rifatli kishilar jamiyatining chinakam boyligidir . Shu bois mamlakatimizda kitobxonlik madaniyatini yuksaltirishga alohida e'tibor qaratilmoqda.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev Miromonovich tomonidan 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiasining "Ijtimoiy sohani rivojlantirish" deb nomlangan to'rtinchi yo'nalishida ta'lim sohasi rivojiga oid ko'plab vazifalar belgilangan.

Bunga misol qilib O'zbekiston Respublikasi Prezidentining kitob mahsulotlarni nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish , kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ib qilish bo'yicha kompleks chora -tadbirlar to'g'risidagi 2017- yil 13- sentabr PQ-3271- sonli qarori bo'yicha "XXI asr bolalar kitobxonligini oshirish: muammo va vazifalar" bo'yicha ishlar olib borilmoqda hamda kitobga bo'lgan e'tibor yanada takomillashib bormoqda.

Prezidentimiz aytganlaridek: "Men shunga aminman :kitobsiz taqqiyotga , yuksak ma'naviyatga erishib bo'lmaydi . Kitob o'qimagan odamning ham , millatning ham kelajagi yo'q " Bu borada bizning maktabimizda ham bir qator ishlar amalga oshirilmoqda olib borilayotgan targ'ibot ishlari kitobxonlik mavzusidagi tadbirlar samarasi o'laroq , o'qituvchi va o'quvchilarning maktab kutubxonasidagi adabiyotlardan foydalanish faolligini oshiradi.

Oilada kitobxonlikni oshirish, bolalarda kitobga mehr uyg'otish uchun, avvalo, oila bilan hamkorlikda ish olib borish lozim .Chunki oila bola tarbiyasida boshlang'ich bilim manbai bo'lib xizmat qiladi.Qaysi oilada kitob o'qilmasa , u ma'nan to'laqonli oila bo'lmaydi P.A Pavlenko deb aytib o'tgan: "Bola kitob o'qish orqali dunyoni bilib oladi ,uning dunyoqarashi o'sadi , xarakteri shakilanadi hayotni o'rganadi , bilimi oshadi" Albatta, otalar ham qisman bo'lsada pedagog bo'lishlari hamda bolalar uchun yozilgan asarlar bilan yaxshi tanish bo'lishi, ularni amalda qo'llay olishi zarur. Turk yozuvchisi Bilol Chivelekning " Do'stlik ham kitobga o'xshaydi ,unda senga yoqmaydigan sahifalar bo'lishi tabiiy . Muhimi , senga yoqmagan sahifalarni , yirtmasdan, kitobni o'qishda davom etmoqdir ." degan ibratomuz so'zlardan foydalansalar maqsadga muvoqdir. Demak, avvalo ota onalar bola tarbiyasiga doir bilimlar, farzandlarining o'qishga qiziqishlari qay ahvolda ekanligi kabi masalalarga alohida e'tibor berishlari muhimdir.

Hozirgi vaqtda bolalar kitobxonligi yordamga muhtoj. Oilada eng birinchi bo'lib bola uchun kitobdagi rasmlarni birga tomosha qiladi. Bolani ertak eshitib quvonganini va hayratga qolishining guvohi bo'ladi. Bolaning onasi o'qib bergan ertakning qahramonlari uning sevimli insonlariga aylanadi. Bola uchun kitoblarni ota –ona tanlaydi. Zamon shiddat bilan rivojlanib borayotgan davrda farzandlarimiz ongi ham erta rivojlanib bormoqda. Bir yasharlik go'dakning ham uyali aloqa vositasini qulog'iga tutib, kattalarga qilayotgan taqlidiga nima deysiz? Kompyuterni otasidan yaxshi biladigan farzand yoki(ustozidan) o'qituvchilaridan ko'ra tez o'zlashtirib olayotgan maktab o'quvchisiga-chi? Ommaviy axborot vositalari, jumladan televideniye dasturlari ham bolalaringizni jalb qiluvchi omildir. Ulardagi chet mamlakatlardan kirib kelayotgan multfilmlar, turli reklamalarni bolalarimiz tez yodlab olyaptilar. E'tibor bering: "Mening qahramonim- Boburning onasi, chunki u har kuni "Chokko-tella" olib beradi", degan rolik. Reklama yaxshi ishlangan. Yosh-u qari yaxshi ko'radi: o'qituvchi ayol chiroyli, bolalar yoqimtoy.

Demak, kim farzandiga shirinlik bersa, u qahramon ekan-da! Reklamani ko'rayotgan qanchadan –qancha bolalarimizning ongiga shu fikr singib bo'ldi...

Hozirgi kundagi kitobxonlikni oshirishdagi muammo bolalarni kitobxonlikka o'rgatishdan oldin, ota-onani kitobxonlikka o'rgatish, Ota –onalar bilan kitobxonlik kechalarini o'tkazishdir. Ota –onalar ishdan charchab toliqib kelganda , bolarning sho'xligidan nolishar, chora topish o'rniga bolarla tanbeh berishadi yoki boshqa xonaga chiqarib yuborishadi, Shunday holatda ota –onalar farzandiga yoshiga mos kitob sovg'a qilib o'zi ham biror kitobni olib birga o'tirib o'qib kitobxonlik vaqtini o'zlasa muammolar hal ,ya'ni bola sho'xligi yo'qoladi .Kitobxonlikka ota- ona va bola yo'naltiriladi. Sukunatda kitob o'qish bilan xordiq chiqariladi

Mustaqilligimiz bizga juda ko'p ne'matlarni berdi. Milliy qadriyatlarimiz, tilimiz, ma'naviy merosimizni anglashni o'rgandik. Ilgari eng sara , qiziq kitoblarni qiynalib yurib topib o'qirdik. Hozir-chi? Yoshlarimiz badiiy kitob o'qiyaptimi? Vaholanki, bugungi kunda qaysi maktab kutubxonasiga kirmang, kitob do'konlarini aylanmang, kitoblarning yangidan –yangi nashriga ko'zingiz tushadi. Jildlari qalin, yaltiroq, sifatli qilib ishlangan kitoblarni ko'rib ko'zing quv naydi. Maktab o'qituvchilari-ku mustaqil kitob o'qish, badiiy kitobning ahamiyati haqida o'quvchilarga ko'p ta'kidlaydilar. Lekin ota-onalarimiz ham shu narsaga e'tibor berishganda edi. Farzandingizning tug'ilgan kuniga turli kiyim-kechak, o'yinchoq emas, kitob sovg'a qilib ko'rganmisiz? Keling, biror marta shunday qilib ko'ring. Badiiy asar insonni katta hayotga tayyorlaydi. Oq-qorani ajratishni, qoqilmay yashashni o'rgatadi. Dunyoqarashi, fikrlash qobiliyati, madaniyati, ma'naviyati shakllanadi. Farzandingizga kitob sovg'a qiling. Ana shunda siz chinakam Qahramon bo'lsiz chunki bolangiz bo'sh qolib, zararli o'yinlar emas, kitob o'qish bilan vaqtini o'tkazadi. Biz esa hech ikkilanmay” Boburning onasi emas, farzandiga kitob olib bergan ona qahramon” deymiz. Ma'naviyatli ota –onalar , insonlar farzandlari kelajakda yetuk, komil tafakkuri keng , vatanparvar ruhida tarbiyalanishlarini istasalar, kitob sovg'a qilishlarini tavsiya etardim . Nafaqat yosh avlodga kattalar , keksalar uchun ham kitobning roli beqiyosdir. Kitob o'qigan insonning ma'naviy boyligi keng , fikrlash doirasi ,dunyoqarashini o'zgartiradi, uning olamiga kirib ijobiy fikrga ega bo'ladi. Insonlar ikki xil ijobiy va salbiy. Salbiy xulqi yomon insonlar bilan gaplashganingizda ham undagi yaxshi xislatlarni ko'rasiz. Kitob ham shunday undagi yaxshi xislatlarni olgiz keladi. Kitob bamisoli hayot, uni o'qisangiz, unga bolgan qiziqishingizni oshiradi, zero u kuch qudrat manbayidir unga tashna qalblar ko'payadi undan ruhiy poklik mujassam . Lekin hozirgi jamiyatda kitob o'qish o'zining madaniy ilmiy o'rnini yo'qotmoqda. kitob o'qish axborot olish manbaasiga aylanib qolmoqda.

Kitob o'qisangiz, shuncha oz bilim bilganingizni sezasiz ,uni mukammal bo'lishni istaysiz , intilasiz kitob o'qigan inson ma'nan, qalban boy insondir. Shaxsning ma'naviy shakllanishi doimo kitob orqali amalga oshiriladi. Kitob faqatgina axborot manbayi bo'libgina qolmay, u qalb dunyosi bo'lib ,kitob orqali olam va odam bilan muloqot qilish mumkin.

Buni hozirgi kunda o'quvchilar uchun foydalanilayotgan darsliklar va o'quv metodik qo'llanmalar bilan jahon adabiyoti va badiiy adabiyotlarni uzviy bog'liqligini tushuntirish dolzarb muammo bo'lib kelmoqda. Darsliklarda chiqayotgan manbaalarini shu fan o'qituvchisi va o'vchilaridan boshqa kech kim o'qimaydi. Jahon adabiyotlari va badiiy adabiyotlarni fanlarga qiyoslab solishtirib kitobini taqdimot qilsalar, kitoblarga bo'lgan mehr yanada oshadi. Bunga misol qilib jahon adabiyotiga yuzlansak (7- sinf darsligidagi Ernest Seton-Tomsonni bosib o'tgan yillarini va u o'zi sevib o'qimoqchi bo'lgan kitobini qay yo'l bilan bo'lsa ham qo'lga kiritish maqsadida mehnat qiladi, intiladi, izlanadi, bularni darliklarga bog'lasak Texnologiya fani, Boiligiya faniga Iqtisod bilim asoslari faniga bog'lash mumkin.

O'zek adabiyotining buyuk nomoyondasi Said Ahmadning “Ufq” romanidagi parcha ya'ni “Tursunboyning boshdan kechiran qiyinchiliklaridan qiynalib ketib o'zgarasa-da uning ko'zlari o'zgarmaydi” shuni Zoolologiya fanida aytib bolarani qiziqirsas ,yoki bo'lmasa O'tkir Hoshimovning “Ikki eshik orasi asarida “shinni oqizib uning lavlagilari kalladay –kalladay bo'lgani ”Biologiya fanida aytib o'tsa va hokazo...

Hozirgi kundagi darsliklarda va bolalar adabiyotlarida yosh bolarga xos she'rlar, hikoyalar, ertaklar bolalar shoirlarining bola tilidan yozilgan haqqil asarlari kam uchramoqda. Biz sevib o'qigan Anvar Obidjon , Po'lat Mo'min, Xudoyberdi To'xtaboyevning bolalarga xos haqqoniy asarlaridan foydalanilsa va undagi rangli suratlarining kamligi ustida ishlansa, jajji kitobxonlarni fikrlashlari , tasavvur olami kengayib boradi. Darsliklardan foydalanuvchi fan o'qituvchilari badiiy adabiyotlar bilan dars davomida yoshlarga o'rgatsalar , hayotiy tarzda ma'lumot berib borsalar ishonarli dalil sifatida esda qolish ijobiy bo'lar edi. O'quvchilar bunday to'liq ma'lumot olish maqsadida maktab kutubxonalaridan , Axborot -resurs markazlaridan, internet tarmoqlaridan izlanib, foydalanishadi va kitobxon qatnovlar soni yanada ko'payadi. Fan o'qituvchilarning taqdimotiga asosan kitobxonida kitob mutolaasiga bo'lgan mehri yanada oshadi. Fan o'qituvchilarinig yillik ish rejalariga mavzulariga qo'shimcha reja asosida kiritilsa, maqsadga muvofiq bo'lar edi.

Kitobxonlikka talab kuchli bo'lsa-yu kutubxonalar talabiga javob bermansa- chi? Aytishadi-ku! “Bejirim kiyim ichida qanchalik xunuk inson bo'lmasin , unga odamlar baribir qaramaydi. Yoki aksi- juldur kiyim ichida

qanchalik go'zal inson bo'lmasin odamlar qiyo boqmaydi". Bu bilan tashqi ko'rinish ham alohida ahamiyat kasb etadi. Bu o'xshatishdan maqsad hozirgi kunda maktablardagi kutubxonalarning holati va joylashuvidagi muammolar uchrab turibdi .

Kutubxonalarning kitob fondiga boy bo'la turib, uning joylashish tartibi noo'rin bo'lsa foydalanuvchi kitobxon uchun noqulayliklarga olib keladi. Albatta bejizga "Kubxona Nurxona" deb aytimagan . Kutubxonalar hozirgi kungi talab darajasida jihozlangan axborot texnologiyalari bilan taminlangan bo'lsa ,zamon talabiga javob bersa ,bunday kutubxonalardan kelajak yosh avlod ,kitobxonlar ma'naviv bilim va ko'nikmalrga ega bo'ladi.

Xulosa o'rnida shuni aytish kerakki , kungil mulki hisoblangan kitobdan unumli foydalansak, uni kundalik hamrohimizga aylantirsak , jamiyatda , oilada kitobsevarlar safini kengaytirsak, oramizda hayotga muhabbat ko'zi bilan qarydigan, yaxshi -yomonni farqlay oladigan, Vatan uchun jonini fidi qilishga tayyor Vatanparvar, insonparvar , ma'naviyatli,marifatli bir so'z bilan aytganda komil insonlar safi yanada kengayadi.

Zero,biz duyodagi dong'i ketgan Alisher Navoiy , Zahiriddin Muhammad Bobur , Amir Temur Al-Farg'oniy , Ibn Sino kabi buyuk zotlarning avlodlarimiz. Ularga munosib voris bolish bizning burchimizdir.

JISMONIY TARBIIYA O'QITUVCHILARINING MALAKASINI O'SHIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING O'RNI

*N.X.G'aniyeva O'zbekiston Respublikasi
Jismoniy tarbiya va sport vazirligi huzuridagi
jismoniy tarbiya va sport bo'yicha
mutaxassislarni ilmiy-metodik
ta'minlash, qayta tayyorlash va malakasini
oshirish Samarqand filiali o'qituvchisi Navoiy
viloyati Qizil tepa tumani 4 maktabning jismoniy
tarbiya fani
o'qituvchisi Z.Sharipov*

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va uning jamiyatdagi o'rni yuqori darajada ekanligi xech kimga sir emas.

Hurmatli birinchi Prezidentimiz Islom Karimov farmoyishida "Zamonaviy axborot kommunikatsiya texnologiyalari, raqamli va keng formatli telekommunikatsiya aloqa vositalari hamda Internet tizimini yanada rivojlantirish, ularni har bir oila hayotida joriy etish va keng o'zlashtirish asosiy vazifalardan etib belgilansin"-deya ta'kidlab o'tishi, bu sohaning keng ma'noda ommaviy targ'ib qilinishi yaqqol dalildir. Mamlakatimizda axborotlashtirish va ta'lim sohada internet resurslaridan foydalanish yuzasidan ko'plab Qonunlar va qarorlar qabul qilinib, amalda ijrosi ta'minlanmoqda. Jumladan,O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot –kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to'g'risida"gi 2002 yil 6-iyun 200-sonli qarori,O'zbekiston Respublikasi "Axborotlashtirish to'g'risida"gi Qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2012-yil 21-martdagi "Zamonaviy axborot–kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish va yanada rivojlantirish chora tadbirlari to'g'risida"gi PQ-1730-sonli, 2013 yil 27-iyundagi "O'zbekistonRespublikasi Milliy axborot-kommunikatsiya tizimini yanada rivojlantirish chora tadbirlari to'g'risida"gi PQ-1989 sonli qarorlari, Hukumatning tegishli huquqiy-me'yoriy hujjatlari,Vazirlar Mahkamasining Axborot tizimlari va telekommunikatsiyalar masalalari Kompleksining 2014 yil 9-yanvardagi 21-sonli majlis qarori, Xalq ta'limi Vazirligining 2014 yil 20-fevraldagi 38-sonli buyrug'I va boshqalar. Hukumatimiz tomonidan qabul qilinayotgan Qonun va qarorlarning asosiy maqsadi, mamlakatimizda axborot- kommunikatsiya texnologiyalari,internet va multimediya resurslaridan foydalanish samaradorligini oshirishdan iboratdir.

Hozirgi kunda qaysi bir sohani olmaylik uning rivojining zamirida axborot- kommunikatsiya texnologiyalari yotadi. Jumladan, jismoniy tarbiya o'qituvchilarini pedagogik yo'nalishda malakasini oshirish, ularni bilim olishga, pedagogik texnologiya elementlarini chuqur egallashga undash va bu hatti-harakatini sekin-asta ko'nikmaga aylantirib borishi lozimligini yana bir bor tasdiqlaydi. Pedagogik mahorat jismoniy tarbiya o'qituvchisining mushohada qilish qobiliyatini tarbiyalaydi, shu tarzda o'qituvchi mahorati asta-sekin takomillashib, komillikka erisha boradi. Ammo bu jarayon o'qituvchidan uzoq davom etadigan ma'suliyat, sharaflı mehnat, qunt va irodani talab etadi.

O'qituvchilarni pedagogik mahoratlarini to'g'ri tarbiyalashda axborot-texnologiyalarining muhim ahamiyatga ega. Jismoniy tarbiya fani o'qituvchilarida ilmiy-uslubiy, sog'lom sifatlarining shakllanishida axborot texnologiyalariga, atrofdagi,institutdagi ilmiy –uslubiy muhit va ularga bo'lgan munosabat muhim rol o'ynaydi.

Axborot texnologiyalari asosida metodist o'qituvchilarining pedagogik mahoratlarini ko'rgan o'qituvchining shunga qarab pedagogik qobiliyati shakllana boradi. Ular avval kuchli metodist o'qituvchilarga taqlid qiladilar. So'ng, sekin-asta o'zlarining pedagogik mahoratlarini mohiyatini anglaydilar.

Jismoniy tarbiya o'qituvchilari pedagogik mahoratini shakllantirishda multimediyaviy vositalaridan foydalanish ham o'qituvchi ma'naviyatida muhim ahamiyat kasb etadi. O'qituvchi mahorati shakllangan sari, uning axborot dunyosini rivojlantirib borish zarur. Bu rivojlantirish maktabdagi muhit, ichki intizom, ahloq, maktab o'qituvchilarining bir-biriga, yon-atrofdagilarga, o'zi yashayotgan makonga – Vatanga, borliqqa bo'lgan munosabati orqali amalga oshiriladi. Bunday pedagogik muhitning maktabda mavjudligi, kelajak hayotda o'qituvchining ilm-ma'rifat olishga, pedagogik mahoratini oshirishga bo'lgan qiziqishini oshiradi va o'qituvchining teran fikrli, ma'naviy etuk, sog'lom pedagog bo'lib etishishiga xizmat qiladi.

Hozirgi kunda o'sib kelayotgan yosh pedagoglarimiz orasida o'qituvchilikka bo'lgan munosabat ijobiy, bunga sabab bitta! Bu ham bo'lsa, ta'lim tizimidagi pedagogik muhitning yaxshiligi, malaka oshirish institutlarida pedagogik-ma'naviyatning qondirilganligidadir. Malaka oshirish jarayonida pedagogic ehtiyoji qondirilgan o'qituvchi, keyingi davrda maktab dargohiga boranda ham pedagogik mahoratini oshirish bilan shug'ullanishga qiynalmaydi, pedagogik usullarni o'zlashtira oladi.

Malaka oshirish davomida axborot texnologiyalari asosida pedagogik madaniyatni shakllantirish milliy ta'lim-tarbiyaning asosidir. Aynan shu omil orqali o'qituvchilarning ongiga, hulq-atvoriga ma'naviy ta'sir qilinadi. Ustoz-murabbiylar yosh o'qituvchilar pedagogik mahoratini shakllantirish bilan shug'ullanish ekan, axborot – texnologiyalari asosida milliy pedagogikamiz, qadimiy an'analarimiz va qadriyatlarimizga katta e'tibor berishlari kerak. Shu nuqtai nazardan "Ustoz-shogird" ijodiy hamkorligini axborot texnologiyalari asosida pedagogik tizimga yo'naltirishda malaka oshirish institutlari oldida turgan quyidagi vazifalarni keltiramiz;

-O'qituvchi faoliyatini axborot texnologiyalari asosida pedagogik tizim qonuniyatlariga moslashtirish;

-malaka oshirish jarayonini amalga oshirishda har bir o'qituvchini o'quv-tarbiya jarayoniga jalb qiladigan va sog'lom fikrlashga o'rgatadigan interfaol usul va usullardan foydalanish;

-malaka oshirish jarayonida turli xil interaktiv usullarni qo'llash va sog'lom muhitga erishish uchun axborot texnologiyalaridan foydalanish;

-jismoniy tarbiya fani o'qituvchilarining malaka oshirish jarayonida yagona pedagogik tizim asosida faoliyat olib bo'rish va hozirgi kunda jismoniy tarbiya o'qituvchilari uchun yaxlit pedagogic mahoratni shakllantirish tizimini axborot texnologiyalari asosida yo'lga qo'yish va boshqalardan iborat.

Xulosa qilib aytganda, yuqorida ta'kidlangan axborot texnologiyalari asosida jismoniy tarbiya o'qituvchilari pedagogik mahoratini shakllantirishdagi vazifalarni "Ustoz-shogird" ijodiy hamkorligini axborot texnologiyalari asosida hal etilishi o'qituvchi shaxsining kelajakda malakali pedagog bo'lib etishishida muhim ahamiyat kasb etadi deb hisoblaymiz.

RANGTASVIR KOMPOZITSIYASI MASHG'ULOTLARINI OLIB BORISHDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Qoraboyev Safarali Musurmonqul o'g'li

O'zbekiston badiiy akademiyasi Sirdaryo ixtisoslashtirilgan san'at maktab-internati o'qituvchisi

Respublikamiz kelajagi, ravnaqi, ta'lim-tarbiya sohasidagi ishlarning qay tarzda olib borilishiga bog'liq. Ta'lim-tarbiya sohasini takomillashtirish bu borada yangi, zamonaviy, ilg'or pedagogik texnologiyalarni joriy etishning tizimli asoslarini yaratish bugungi kunning dolzarb masalalaridan hisoblanadi.

Bizga ma'lumki, «Tasviriy san'at o'qitish metodikasi» pedagogikada ilmiy fan sifatida tajribadagi sinalgan ijobiy ishlarning nazariyasini umumlashtirib, o'quv va pedagogik amaliyotda samarali natijalarga ega bo'lgan o'qitish metodlarini taqdim etadi. Metodika, asosan, pedagogika, ruhshunoslik, san'atshunoslikning tadqiqot natijalariga asoslangan bo'lib, tasviriy san'atni o'rgatishning qonun-qoidalarini ta'riflab beradi. Shu bilan birgalikda kelajak avlodning tarbiyalashida yangidan-yangi zamonaviy metodlarini aniqlab beradi.

Pedagog olimlar tomonidan ishlab chiqilgan pedagogik texnologiyalarning tahlili, umumiy o'rta ta'lim maktablarida tasviriy san'atni o'qitish jarayoniga qo'yilgan talablar, maqsad va vazifalarni amalga oshirishda didaktik o'yin, modulli ta'lim, hamkorlikda o'qitish texnologiyalaridan foydalanish lozimligini ko'rsatadi.

Zamonaviy pedagogik texnologiyalarning maqsadi qisqa vaqt davomida o'quvchilarning imkoniyatlarini hisobga olgan holda keng va chuqur bilim va malakalar berishdir.

Pedagogik texnologiyaning muhim xususiyatlaridan biri bu ta'lim oluvchilarni o'qitish emas, ularni bilim va malakalarini mustaqil egallashlariga qaratishdir. Bunda o'qituvchining vazifasi o'quvchilarni mustaqil ishlariga

rahbarlik qilishdan iborat bo'ladi. Pedagogik texnologiyaning samarasi, asosan, o'quvchilarni tegishli o'quv-metodik majmualar bilan qurollantirishga qaratilgan bo'ladi.

Pedagogikada o'qitish metodlari deganda o'quvchilariga badiiy ta'lim-tarbiya berish jarayonida bilim, mahorat va kasbiy malakalarni egallashda, ularning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda hamda dunyoqarashini tarkib topishda o'qituvchilarning qo'ilagan har xil usullari tushuniladi.

Metodika ta'lim-tarbiya jarayonida o'qituvchilarning o'quv-chilar bilan ishlash usullarining mazmum va xususiyatlarini o'rganib chiqib, tasviriy san'atni o'qitilishining xilma-xil metodlarini qo'llashga o'rgatadi.

Zamonaviy metodlardan interaktiv, pedagogik, innovatsion va axborot texnologiyalar, tabaqalashtirilib o'qitish, moduli o'qitish, didaktik o'yinli o'qitish, muammoli o'qitishni o'quv jarayonida qo'llanilishi kundan-kunga kuchayib bormoqda, bunday bo'lishining sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda o'quvchi-talabalarga faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari qi-dirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto hulo-salarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi. O'qituvchi bu jarayonda o'quvchini rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tar-biyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan bir qatorda boshqaruvchilik, yo'naltiravchilik vazifasini ham bajaradi.

Interaktiv metodlar — bu jamoa bo'lib fikr yuritish, ya'ni pedagogik ta'sir etish usullari bo'lib ta'lim mazmunining tarkibiy qismi hisoblanadi. Bu metodlarning o'ziga xosligi shundaki, ular faqat pedagog va o'quvchi-talabalarining birgalikda faoliyat ko'rsatishi orqali amalga oshirilishi.

Innovatsion texnologiya — pedagogik jarayonda o'qituvchi va talaba faoliyatiga yangilik, o'zgarishlar kiritish bo'lib, uni amalga oshirishda, asosan, interaktiv metodlardan to'liq foydalaniladi. Bunday hamkorlik jarayonining o'ziga xos xususiyatlari quyidagilardir:

- ✓ o'quvchi-talabaning dars davomida befarq bo'lmaslikka, mustaqil fikrlash, ijod bilan izlanishga majbur etishi;
- ✓ o'quvchi-talabalarni o'quv jarayonida bilimga bo'lgan qi-ziqishlarini doimiy ravishda bo'lishini ta'minlashi;
- ✓ o'quvchi-talabaning bilimga bo'lgan qiziqishini mustaqil ravishda har bir masalaga ijodiy yondoshishini rivojlantirilishi;
- ✓ pedagog va o'quvchi-talabaning hamkorlikdagi faoliyatini tashkillanishi.

O'quv jarayonidagi pedagogik texnologiya - bu yakka tartibdagi jarayon bo'lib, u o'quvchi-talabaning ehtiyojidan kelib chiqqan holda bir maqsadga yo'naltirilgan, oldindan loyihalashtirilgan va samarai natija berishiga qaratilgan pedagogik jarayondir.

Tasviriy san'at o'qituvchisi har bir darsni oldindan tasavvur etish uchun bo'lajak dars jarayonini loyihalashtirib olishi kerak. Bo'lajak dars jarayonini loyihalashtirib oishi katta ahamiyatga ega, chunki darsning texnologik xaritasi har bir mavzu, har bir dars uchun o'qitilayotgan predmet, fanning xususiyatidan, o'quvchi-talabalarining imkoniyati va ehtiyojidan kelib chiqqan holda tuziladi. Bunday texnologik xaritani tuzish uchun o'qituvchi badiiy pedagogika, san'at psixologiyasi, xususiy metodika, pedagogik va ax-borol texnologiyalardan xabardor bo'lishi, shuningdek, metodlar va usullarni bilishi kerak bo'ladi. Har bir darsni rang-barang, qiziqarli bo'lishi avvaldan puxta o'ylab tuzilgan darsning loyihalashtirilgan texnologik xaritasiga bog'liq. Zamonaviy pedagogik texnologiyalarning maqsadi qisqa vaqt davomida o'quvchilarning imkoniyatlarini hisobga olgan holda keng va chuqur bilim va malakalar berishdir.

Xulosa qilib aytganda, pedagogik texnologiyaning muhim hususiyatlaridan biri bu ta'lim oluvchilarni o'qitish emas, ularni bilim va malakalarini mustaqil egallashlariga qaratishdir. Bunda o'qituvchining vazifasi o'quvchi-larni mustaqil ishlariga rahbarlik qilishdan iborat bo'ladi. Pedagogik texnologiyaning samarasi, asosan, o'quvchilarni tegishli o'quv-metodik majmualar bilan qurollantirishga qaratilgan bo'ladi.

KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O`QUVCHILAR PSIXIKASI

Rasulova Dilafuz Sobirjanovna

Sirdaryo viloyati XTXQTMOH markaz Pedagogika va psixologiya kafedrasida o`qituvchisi

Kichik maktab yoshi davriga 6-10 yoshli boshlangich (I-IV) sinflarning oquvchilari kiradi. Bola maktab ta'limiga bog'chada tarbiyalanayotganida tayyorlanadi. Bunda u maktabda o'quvchilarga quyiladigan har xil talablar bilan tanishadi, fan asoslarini o'rganish uchun biologik va psixologik jihatdan tayyor bo'ladi.

Ta'limga psixologik tayyorlik deganda, bolaning obhektiv va subhektiv jihatdan maktab talabiga munosibligi nazarda tutiladi. U maktab ta'limiga avval psixologik jihatdan tayyorlanadi, binobarin, uning psixikasi bilim olishga yetarli darajada rivojlanadi, shu yoshdagi bola idrokining o'tkirligi, ravshanligi, softligi, aniqligi, o'zining qiziquvchanligi, dilkashligi, xayrixohligi, ishonuvchanligi, xayolining yorqinligi, xotirasining kuchliligi, tafakkurining yaqqolliigi bilan boshqa yoshdagi bolalardan ajralib turadi. Maktab ta'limiga tayyorlanayotgan bolada

diqqat nisbatan uzoq muddatli va shartli barqaror bo`ladi. Bolalarda ixtiyorsiz diqqat durustgina rivojlangan bo`ladi.. Bola o`z diqqatini muayyan obekhtga yo`naltirish, to`plash, taqsimlash bo`yicha mahlum darajada ko`nikmaga ega bo`lib, o`z diqqatini boshqarish va kerakli paytda to`plashga intiladi. Uning xotirasi qiziqarli, ajoyib-g`aroyib, kishini taajjubga soladigan mahlumot va hodisalarni puxta esda olib qolish, esda saqlash, esga tushirish imkoniyatiga ega bo`ladi. Shu davrgacha bevosita kattalar rahbarligida u yoki bu axborotlarni o`zlashtirib kelgan bo`lsa, o`z xohish-irodasi bilan zarur mahlumotlar to`plashga, o`z oldiga aniq maqsad va vazifa qo`yishga harakat qiladi.

Kichik maktab yoshidagi bolaning muhim xususiyatlaridan biri unda o`ziga xos ehtiyojlar mavjudligidir. Bu ehtiyojlar o`z mohiyati bilan muayyan bilim, ko`nikma va malakalarni egallashga, tevarak-atrofdagi voqelikni o`zlashtirishga qaratilmay, balki faqat o`quvchilik istagini aks ettirishdan iboratdir. Shu ehtiyojlar o`z portfeliga, dars tayyorlash burchagiga, kitob qo`yish javoniga ega bo`lish istagi, kattalardek har kuni maktabga qatnash tuyg`usi yotadi, xolos. Bundan tashqari, bilimlar kunidagi shodiyona ayyom, o`quvchilik safiga qabul payti, maktab ma`muriyati va o`qituvchilarning unga bildirgan samimiy tilaklari, yuqori sinf o`quvchilarining tabrikleri bolaning his-tuyg`usiga ijobiy ta`sir etadi. Birinchi sinf o`quvchisida o`qish faoliyatining aynan o`ziga qiziqish ko`zga tashlanadi. Kichik maktab yoshidagi o`quvchilar faoliyatini baholash unda o`qishga ijobiy munosabatni shakllantirishda muhim ahamiyatga egadir. Ma`lumki, maktablarda bolalarni og`zaki baholash odat tusiga kirib qolgan, chunki birinchi sinf o`quvchisi ana shubaha ta`sirida o`z faoliyatini kuchaytiradi, ijodiy izlanishga harakat qiladi, hatto, o`quvchi dastlabki paytlarda yaxshi yoki yomon bahoning farqiga ham bormaydi, ko`proq nechta baho olgani qiziqtiradi. O`qituvchining rag`batlantirishi uning uchun eng muhim rol o`ynaydi. Ko`pchilik mutaxassis olimlar kichik maktab yoshidagi o`quvchilarni baholash salbiy oqibatlariga olib keladi, deb hisoblamoqdalar. Bola o`qituvchini aqlu idrok sohibi, tiyrak, sezgir, mehribon, hatto, donishmand inson deb biladi. O`qituvchi siyomosida o`zining ezgu niyati, orzu-istagi, ajoyib his-tuyg`ularini ro`yobga chiqaruvchi mo`htabar shaxsni ko`radi. O`qituvchining obro`si oldida ota-onalar, oilaning boshqa a`zolari, qarindosh-urug`lar, tanish-bilishlarining nufuzi keskin pasayadi. Shu sababli bolalar o`qituvchining har bir so`zini qonun sifatida qabul qiladilar. Bola psixik jihatdan o`sishi natijasida uning o`qituvchi mavqeiga munosabati o`zgaradi, chunki unda ongli xatti-harakat ehtiyoji tug`iladi.

Boshlang`ich sinf o`quvchilarining umumlashtirish faoliyatini rivojlantirish maqsadida amalga oshirilgan tadqiqotlardan mahlumki, yil oxiriga borib, bolalarning o`zlari mustaqil ravishda narsalarni muhim belgilariga asosan umumlashtirish imkoniyatiga ega bo`ladilar. Ularda mahalliy tushunchalar, atamalar, tushunchalar miqdori keskin kamayadi. Boshlag`ich sinflardagi ta`lim jarayonida bahzan hissiy-yaqqol yoki empirik umumlashtirish usuli qo`llanadi va bu ish albatta, topshiriqning talabiga binoan amalga oshiriladi, narsa va hodisalarni guruhlariga ajratish va tasniflash lozim bo`lib qolsa, qo`shimcha shu usullardan ham foydalanish tavsiya qilinadi. Bayon etilganlardan boshlang`ich sinf o`quvchilari ta`lim jarayonida turli umumlashtirish va mavhumlashtirish usullaridan foydalanishi mahlum bo`ladi, ularning mavhumlashtirish va umumlashtirish faoliyati to`rtinchi sinfgacha asta-sekin murakkablashib miqdori va sifati jihatdan o`zgarib boradi. Shunday qilib, maxsus tashkil etilgan mavhumlashtirishva umumlashtirish usullarini o`rgatish bolalar tafakkurining rivojlanishini yangi bosqichga ko`taradi. Kichik maktab yoshidagi o`quvchilarning tafakkuri mantiqiy fikrlash, mulohaza yuritish, hukm va xulosa chiqarish, taqqoslash, tahlil qilishning turli usullarini qo`llashdek o`ziga xos xususiyatlari bilan maktabgacha yoshdagi bolalardan va o`smirlar tafakkuridan keskin farq qiladi. Ta`lim jarayonida tafakkur operatsiyalarini, mustaqil fikrlashni o`rgatish kichik maktab yoshidagi o`quvchilarni kamol toptirishning garovidir. Birinchi sinf quvchisida o`qish faoliyatining aynan o`ziga qiziqish ko`zga tashlanadi. O`quvchi shaxsiy faoliyatda erishgan dastlabki yaxshi natija uni boshqa natijalarni egallashga undaydi. Uning o`qish faoliyatidagi birinchi mehnat mahsuli shodlik va quvonch his-tuyg`usini keltirib chiqaradi. Masalan, ayrim o`quvchilar u yoki bu matnni bir necha marta o`qishga harakat qiladi. O`qish faoliyatiga qiziqish, uning mazmuniga ham qiziqishni vujudga keltiradi, bilim olish ehtiyojini tug`diradi va o`qish motivlarini tarkib toptiradi. Ta`limning mazmuniga, bilimni egallashga qiziqish o`quvchining o`z aqliy mehati natijasidan qanoatlanish hissi bilan uzviy bog`liqdir. Bu his o`qituvchining rag`batlantirishi bilan namoyon bo`ladi va o`quvchida samaraliroq ishlash mayli, istagi, ishtiyoqini shakllantiradi. Bolada paydo bo`lgan faholayani, o`z kuchiga ishonch hislari, bilimlarni o`zlashtirish va malakalarni mustahkamlash uchun xizmat qiladi. Rag`batlantirish va jazolash mehyorida bo`lsagina, ularning tarbiyaviy ta`siri ortadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Sherbokov A.I Yosh psixologiyasi va pedagogik psixologiyadan praktikum. T., 1991
2. Vohidov M.V. Maktabgacha tarbiya psixologiyasi. T., —O`qituvchil, 1970
3. Z Nishonova. Bolalar psixologiyasi va uni ukitish metodikasi T. 2006

КАСБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ

*Бойматов Нуриддинжон Мирзақулович. ГулДУ ўқитувчиси
Акрамова Равшаной, ГулДУ “Меҳнат таълими” йўналиши талабаси*

Узлуксиз таълим тизими ривожланишининг хозирги шароитида ўқувчилар билан олиб бориладиган касб-хунарга йўналтириш ишларини такомиллаштириш, уларни онгли касб танлашга, келгусидаги касбини ўзи белгилашга тайёрлаш умумтаълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан саналади. Ушбу вазифаларни ҳал этиш, мактабда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришни илмий-методик ва дастурий таъминлаш юзасидан ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, психологик-педагогик Республика ташхис маркази томонидан қуйидаги йўналишларда иш олиб борилмоқда:

- Касб-хунарга йўналтиришнинг назарий ва услубий асосларини яратиш;
- Узлуксиз касб-хунарга йўналтириш дастури;
- Мактабда касб-хунарга йўналтириш ишларининг меъёрий асослари-меъёрий ҳужжатлар, низомиларни ишлаб чиқиш;
- ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари ва мактаблар учун ахборот, услубий, дастурий материалларни тайёрлаш;

- ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик - педагогик ташхис методикалари (анкеталар, сўровномалар, тестлар) ни тайёрлаш, уларни ўтказиш, натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

- Турли ёшдаги ўқувчилар учун касб-хунарга йўналтирувчи ўқув - кўргазмали воситалар, ривожлантирувчи ўйинларни тайёрлаш;

- Мактабларнинг раҳбарлари, психологлари ва ўқитувчилари учун касб-хунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш юзасидан услубий тавсиялар ва қўлланмалар яратиш.

2006-2007 ўқув йилида Республика ташхис маркази томонидан ўқувчиларни узлуксиз касб-хунарга йўналтириш Дастури ишлаб чиқилди, Халқ таълими вазирлиги томонидан (2007 йил 5 февралдаги 35-сонли буйруқ) тасдиқланиб, амалиётга киритилди.

Ушбу дастурда касб-хунарга йўналтиришнинг аниқ мақсадлари, вазифа ва йўналишлари, мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган касб-хунарга йўналтириш ишларининг қуйидаги босқичлари белгилаб берилган:

Биринчи босқич – “Касблар алифбоси” билан танишиш, эрта касб-хунарга йўналтириш;

Иккинчи босқич – “Ким бўлсам экан?” – бошланғич касб-хунарга йўналтириш;

Учинчи босқич – “Касблар оламига саёҳат” – ривожлантирувчи касбга йўналтириш;

Тўртинчи босқич – “Мен орзу қилган касб” – шахснинг касбий йўналганлигини шакллантириш ва ривожлантириш;

Бешинчи - якуний босқич - касбий мослашиш, касбий ўсиш ва шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши.

Ушбу дастурнинг бажарилишини илмий-услубий таъминлаш мақсадида қуйидаги услубий ишланмалар яратилиб, жойларга фойдаланиш учун етказилди: 1-2-3-4 синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш юзасидан машғулотлар ишланмалари, “Касблар ўйини” методик қўлланмаси, “Касблар алифбоси” кўргазмали оммабоп ўқув қўлланмаси.

Касб-хунарга йўналтиришнинг илмий-методик ва дастурий таъминоти “Касб-хунарга йўналтириш Концепцияси”нинг ажралмас қисми бўлиб, ҳар бир ўқувчининг касб-хунарга ҳамда кадрлар тайёрлаш йўналишлари (академик лицей ёки касб-хунарга коллежи)ни танлашда фаол иштирок этишини таъминлашни назарда тутади.

Мактаб касб-хунарга йўналтирувчи мутахассисига хозирда ҳар бир ўқувчида мустақил касб танлашга ижобий муносабатни, қизиқиш ҳамда эҳтиёжни шакллантириш бирмунча қийин кечмоқда. Илмий нуқтаи назардан қараганда шахснинг касб танлаши ижтимоий, иқтисодий, демографик, психологик-педагогик омиллар таъсирига боғлиқдир. Бунда айниқса, Ўзбекистонда тарихан шаклланган фаолият турлари, халқ хунарамандчилиги ва замонавий касб-хунарга спецификасини белгиловчи миллий анъаналар муҳим рол ўйнайди.

Касбга йўналтириш тизимини ривожланиши ва унинг таълим тизимини ривожланишидаги ўрни шундаки, касбга йўналтириш, ўсиб келаётган ўқувчи ёшлар касблар олами тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари, уларни кейинчаликда тўғри, ўз имкониятлари, қизиқишлари ва қобилиятларига асосланиб касб танлашларини таъминлаб беришдир. Бундан шу хулоса келиб чиқадики, тўғри касб танлаган, шу, касбини етук мутахассиси бўлиб етишган шахс, кейинчаликда, биринчидан:

- Давр талаби, яъни давлатнинг кадр потенциалини оширишда;

- Ўз касбини мутахассиси бўлиб етишиш, давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларига ўз хиссаси қўшишда;

- Замон талабларига мос равишда, иқтисодий ривожланиш темплари билан ҳамнафас бўлган ҳолда ўз билим ва салоҳиятларини амалда қўллаш ва тизимдаги камчиликлар ва ўзгартириш керак бўлган жойларини аниқлаб ва муаммоларга тўғри ечим топлари, ва хоказолар каби критерияларга жавоб бериб ва

шу хусусиятларга эга бўлган шахслар, нафақат ўзи учун, балки келгусида, у ёки бу касб эгаси бўлган тақдирда шу йўналишни ривожланиши ва такомиллашиши йўлида иш юритишидир.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН Фойдаланиш

Д.Ибрагимова Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиали ўқитувчиси

О. Тошмуродов Самарқанд шаҳар 13 мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси

Бугунги кунда таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юқори натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчилардан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим даражасига нисбатан компетенциявий ёндошувни талаб этади.

Ҳозирда бир қатор ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи усуллар интерфаол усуллар номи билан юритилмоқда. Қуйидаги таълим амалиётида интерфаол усулларида “Ақлий ҳужум”, “Кластер”дан фойдаланиш борасида сўз юритамиз.

Бу жисмоний тарбия дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланиб, таълимни сифатини ошириш орқали, уни самарадорлигини таъминлашдир.

Маълумки жисмоний тарбия дарсларида тушунтириш, кўрсатиш, амалда бажариб кўриш услубиятларидан кенг фойдаланилади.

Жисмоний тарбия дарсларини инновацион технологиялар асосида ташкил қилиш, ўқитувчиларни аниқ тафаккурини шакллантириш қаратилади. Жисмоний тарбия таълимида репродуктив таълим (ҳаракатларни намуна асосида ўзлаштириш) ўқитувчига ўзлаштириб келган усуллар асосида бир турдаги андозадаги вазият бўйича ҳаражатларни ўзлаштиришга имкон беради. Ўқув материални аниқ тушунарли қилиб қайд этилган ўқув маҳсулотларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилиб алоҳида қисмларга ажратилади.

Таълим ва машқ қилишнинг қидирув моделлари жисмоний тарбияни мазмуни, табиат ва жамият билан ўзаро алоқаси, шахснинг тадқиқотчилик ҳолатига ҳамда фаол-ижтимоий фаолиятига йўналтиришга имкон яратади.

Маълумки таълим тизими мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий иқтисодий ислохатларнинг барча бўғинларида муҳим касб этади.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурида олий таълим тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун инновацион технологиялар тизимидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларни ўқитишни жадаллаштиришга эришиш деб тақидланган.

Шу боисдан ҳам жисмоний тарбия мутахассисларини инновацион технологиялар асосида тарбиялаш таълим сифатини ва кадрлар тайёрлаш савиясини оширади.

Булажак жисмоний тарбия мутахассисларини ўз мутахассиликлари бўйича инновацион технологиялар асосида тайёрлашни комплект равишда амалга ошириш керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги Қонуни» 3-бандида ҳам «Таълим дастурларини танлашга табақалаштиришга ёндашув зарурлиги алоҳида кўрсатилган. Ҳозирги вақтда чет эл таълим муассасаларининг тажрибаларини ўрганиш асосида янги лойиҳаларни яратиш ниҳоятда муҳимдир. Бу борада жисмоний тарбияда катта имкониятлар борлиги ва шу имкониятлардан фойдаланиш инновацион технологиялардан фойдаланмай туриб ўзлаштиришда юқори самарага эришиш мумкин эмас.

Шу боис олдимизда инновацион технологияларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларни маълум қонуниятларга бўйсундириш ва қайтадан таълим тизимида жорий этиш каби мураккаб ва кўп босқичли вазифалар туради.

Жисмоний тарбия дарсларини инновацион технология асосида ўтказилиши ўз олдига ўқитиш шакллари мақбуллаштириш вазифасини қўйишини жисмоний имкониятларни ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимли усулидир.

Жисмоний тарбия дарсларида дарс мавзуларига ишлов бериш усуллари таснифи (масалан жисмоний тарбия дарси машқларни янги усуллар ёрдамида ўзлаштириш, ишлов бериш технологиясини) билдиради. Таълим технологияси эса таълим олувчиларга таълим-тарбия бериш ва уларнинг онгини ривожлантириб бориш санъати, маҳорати ва усуллари мажмуи тўғрисида таъминот деган маънони англатади.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инновацион технология методлари (уни дастлабки тушунишда) дастлаб таълимни репродуктив даражаси (ҳаракатни намуна асосида ўзлаштириш) ни эгаллаш учун ишлаб чиқилган эди.

Бугунги кунда инновацион технологияларни ўқув жараёнига жорий этишдан кўзлаган мақсад: биринчидан ўқитувчиларни дарс жараёнида ўқувчиларни билим фаоллигини, ижодий мустақиллигини, эса сақлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам берадиган ўқитиш ва ўрганишнинг ноанъанавий (янги) усуллари билан қуроллантириш, иккинчидан: уларни ўқитувчиларнинг сезги, идрок, тасаввур, хиссиёт, идоровий характер каби ички рухий (михик) фаолиятини кўчатириш ва дунёқарашини таркиб топдириш ақлий ривожланишга кўмақ берадиган ўқитиш ва ўрганишнинг янги ноанъанавий усуллари билан таништиришдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, жисмоний тарбия дарсларида инновацион технологияни боғланиши, бу шубҳасиз таълимга ўзига хос инновацион ёндашувидир. Жисмоний тарбия инновацион технологияда фикрнинг ифодаси, таълим соҳасида таълим жараёнини стандартлаштириш билан аниқланадиган технократик илмий онгнинг тасвиридир.

Шундай экан бугунги жисмоний тарбия дарсларида инновацион технологиялардан фойдаланиш таълимнинг асосий мақсади ва мазмуни ташкил этади. Мақсадга йўналтирилган, жорий натижаларни диагностик текшириш, таълимни алоҳида-алоҳида ўргатувчи эпизодларига бўлиб чиқиш, каби таълим жараёнини тўзишнинг барча хусусиятларини қайта тикланадиган таълим цикли жараёнини тузишнинг барча хусусиятларини қайта тикланадиган таълим цикли ғоясига мужассамлаштириш мовфик бўлади. У қуйидаги асосий ҳолатларни ўз ичига олади.

- Жисмоний тарбияда таълим мақсадини умумий тарзда қўйилиши;
- Жисмоний тарбияда таълим мақсадларини умумий тарзда қўйишидан аниқлаштиришга ўтиш;
- Жисмоний тарбияда таълим олаётганларнинг билим даражасини дастлабки баҳолаш;
- Жисмоний тарбияда ўқув соҳаси бўйича бажариладиган ишлар мажмуи.
- Жисмоний тарбия машғулотларида натижаларни баҳолаш.

Ана шундай қайта тикланадиган тузилма туфайли ўқув жараёни модели мақсадларининг шажараси қуйидаги типик усулларни ўз ичига олади;

1. Жисмоний тарбияни умумий қоидаларини ўрганиш. Мақсаини ва машғулотларда қараладиган билимлар соҳасини ўрганиш фаннинг мазмунини кўрсатади холос. Аммо жисмоний тарбияда ўқув жараёнида таълим олувчиларнинг аниқ мақсадга эришганлик ҳақида фикр юритиш учун қийинчилик тўғдиради. Шу боисдан ҳам ўқув мақсадларини у ёки бу мавзу орқали амалиётга нисбатан инструментал бўлолмайди.

2. Ўқувчиларни жисмоний машқ жараёни билан таништириш ёки шартли белгиланган машқларни услублари билан намоиш қилиш. Мақсади педагог томонидан ана шундай қўйилиши унинг шахсий фаолияти билан боғлиқ бўлиб қолади.

3. Жисмоний тарбияда мақсадларни ўқувчиларнинг интеллектуал эмоционал, шахсий ривожланишнинг ички жараёнлари орқали қўйиш.

Кундалик амалиётда жисмоний тарбия мутахассиси ва ўқувчи учун мақсадларни алоҳида-алоҳида ифодалаш қабул қилинган.

Бу мантиққа тўғри келади, чунки таълим педагогни ўқитиш бўйича ва ўқувчини ўқиш бўйича ҳамкорлигидаги фаолиятдир.

Бунда мақсад ўқитувчи фаолиятига таълуқли ўргатмоқ, тушунтирмоқ, намоиш қилмоқ, хикоя қилмоқ) таълим олувчи ўқувчилар ҳаракати орқали ифодаланган режалаштирилган таълим натижаларини вазифа деб аталади.

Юқорида юритилган назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида, қуйида бошқотирма, спорт топшиқмоқлари, кроссворд, мантиқий саволлардан намуналаридан фойдаланиш лозим.

ЎҚУВЧИЛАРГА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

*Д.ИБРАГИМОВА Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиали ўқитувчиси
Ф.Саидов Самарқанд вилояти Ургут туман 93 мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси*

Узлуксиз таълим тизимининг умумий ўрта таълим босқичида дарс машғулотларини ноанъанавий услубларда ташкил этиш замон талабларидан ҳисобланади. Шунингдек, умумий ўрта таълим босқичида ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тарбияси, таълими, тайёргарлиги ва спорт ишлари умумдавлат миқёсида олиб борилаётган ислохотларнинг устивор йўналишларидан ҳисобланади, ўқув машғулотлари эса, ушбу таълим

соҳасида етакчи дидактик воситадир. Республикамиз таълим тизимида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ўқув жараёнида турли хил самарали дарс шакллардан фойдаланишни тақозо этади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги шаклан ва мазмунан ўзгаришларнинг амалга оширилиши, масалан: мамлакатимизда профессионал спортнинг шаклланиши, миллий курашнинг таълим-тарбия тизимида ўрганилиши, шарқ курашларининг кириб келиши ана шундай мазмуний ўзгаришлар сирасига кирса, Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида халқаро олимпиада мусобақаларида иштирок этиши ва совринли ўринларни эгаллаши жисмоний тарбия спорт соҳасида эришилган йирик ютуқлардан ҳисобланади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ушбу ўзгаришларни мукамал ўзгартириб бориш ва бу жараёнларга мослашишда анъанавий таълим тизими орқали етарлича ижобий натижага эришиб бўлмайди.

Ўқувчи ёшларнинг фаоллигига, ташаббускорлигига, ҳаракатчанлигига асосланган ноанъанавий таълим-тарбия услублари ўқитиш, таълим мазмунини ўрганиш ва билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш даражаларини аниқлаш жараёнларига тўлиқ қўлланилганда таълим-тарбия фаолиятининг мукамал тизими шакллантирилади.

Биз ушбу мақоламизда жисмоний тарбия дарсларида интерфаол ҳисобланган «Ақлий ҳужум» усулини қўллашни тавсия этамиз. Ақлий ҳужум – муаммоларни ҳал қилишда кенг қўлланиладиган анчагина мукамал методдир. У қатнашчиларни ўз тасаввурлари ва ижодларидан фойдаланишга ундайди. У берилган ҳар қандай муаммога кўп сонли ечимлар топишда ёрдам беради (бу вазиятда мен нима қилишим керак? Бу тўсиқни қандай бартараф қилишимиз керак?).

Ақлий ҳужумни ўтказиш қоидалари. 1. Ўйлаш жараёни ҳеч қандай баҳолашларга йўл қўймайди. Агар ўйлаш жараёнида ғоялар баҳоланадиган бўлса, қатнашчилар эътибори ўз фикр ва ғояларини химоя қилишга, уларнинг янгилари ва яхшилари устида бошқотиришга қаратилади. Баҳолаш қоидадан истисно қилиши керак.

2. Ҳаммани ўта хилма-хил қўтилмаган ғоялар доирасини ўйлашга ундаш керак. Ҳақиқатдан ҳам, ақлий ҳужумда қўтилмаган ғоялар юзага келмас экан, айрим қатнашчилар ўз шахсий фикрларини қайта кўриб чиқишлари аниқ бўлиб қолади. Улар ўз ғояларини тақдим этишдан олдин, ушбу ғояларнинг тентакнома бўлиб чиқиши ва кулгуга сабаб бўлишидан чўчиб узок ўйлаб, хулоса чиқарадилар.

Ғояларни рағбатлантириш. Миқдор деярли доим ўсиб сифатга айланади. Тезкор изчилликда катта миқдордаги ғоялар пайдо бўлганда, одатда баҳолаш истисно қилинади. Қатнашчилар тасаввури кенгайтирилса бунинг натижасида яхши ғоялар юзага келади.

1. Ҳар бир киши ўзгалар ғоясига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Олдин таклиф этилган ғояларни бириктириш ёки ўзгартириш кўпинча сабаб бўлганлардан кўра яхшироқ ғояларни келтириб чиқаради.

2. Раҳбарни гуруҳ билан олдиндан учраштириш ва улар вазифасини тушунтириш.
3. Машғулотларда гуруҳ ва раҳбар вазифасини тушунтириш.
4. Ҳар бир гуруҳ доира шаклида ўтирсин. Ҳар бир иштирокчи ҳаммани кўриб туриши лозим.
5. Иш вақтида доимо ҳар бир гуруҳ атрофида юриш ва саволларга жавоб бериш.

Гуруҳчаларга қўйидаги муаммоли топшириқлар берилади.

- 1-савол. Спорт мусобақаларининг бошланғич жойи – **старт**. 2 балл.
- 2-савол. Тинчлик элчиси – **Спорт**. 2 балл.
- 3-савол. Улкан спорт анжумани - **Олимпиада**. 2 балл.
- 4-савол. Узаро баҳс – **Мусобақа**. 2 балл.
- 5-савол. «Шайтон арава» номини олган спорт тури - **велосипед** 2балл
- 6-савол. Қора бурчакка чорловчи ўйин – **шашка**. 2 балл.
- 7-савол. Дарозлар ўйнайдиган спорт тури – **баскетбол**. 2 балл.
- 8-савол. Тигни тўқнаштирувчи спорт тури – **қиличбозлик**. 2 балл.
- 9-савол. Спорт қироличаси деб номланган спорт тури – **енгил атлетика**. 2 балл.
- 10-савол. Кросснинг ўзбекча атамаси – **пойга**. 2 балл.

Гуруҳчаларга ёки сардорларга қўйидаги бошқотирма берилади:

1			К		
	2		У		
3			Р		
	4		А		
5			Ш		

Ўзбек курашида иккинчи огоҳлантириш -
 Кураш белбоғининг қадимги номи -
 Муслмон дунёсининг энг биринчи спорти -
 Ўзбек курашида тўлиқ қўлланилмаган усул -
 Ўзбек курашининг илгариги номи -

Инновацион технологияларни амалда қўллаш орқали жисмоний тарбия ўқитувчисининг фаолиятига, яъни болага амалий кўникма бериш билан бирга назарий билимларини бойитиш, ўзлаштириш, уларга қулай, осон, самарали усулларни тўғри танлаб ҳамда қўллаш орқали ўз педагогик маҳоратини ошириб боради.

ТАЪЛИМДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ЎРНИ

*СВХТХҚТМОҲМ Педагогика ва
психология, таълим технологиялари
кафедраси мудири Икромжон Абдураимов*

Бугунги кунда республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, халқимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-сиёсий, таълимий-тарбиявий муаммоларнинг ечимини топиш, аниқ ва табиий, амалий ва техник, интеграцион алоқадорлик асосида ташкил этилган ўқув предмети, фанлар ҳодиса ёки жараёнлар яхлит тизим шаклида ҳар томонлама алоқадорлик ва муносабатлар нуқтаи назаридан талқин этишни талаб этмоқда. Бу ўз навбатида бугунги ва эртанги истиқболи талабларига жавоб бера оладиган, мустақил фикр юритувчи ва креатив фаолият кўрсатувчи, малакали мутахассис шахсини шакллантиришга имкон беради. Чунки у таҳсил олувчилардан фақатгина таҳлил қилиш ва синтезлашни талаб қилиш билан чегараланиб қолмасдан, балки мавҳумлаштириш, алгоритмлаштириш, туркумлаш, шартли белгилар ёрдамида ифодалаш, сабаб оқибатли алоқадорликни аниқлаш, таҳлил этиш, тизимлаштириш, моделлаштириш каби юксак даражадаги тафаккурни шакллантиради.

Фан ўқитишдаги интеграция бўйича уларнинг таклифи ташқи бирикиш характерга эга, аслида эса фанларни интеграциялашни чуқур методология асосида ўтказиш зарур. Янги ривожланаётган фан мазмунида турли фалсафий оқимларда пайдо бўлган ғоя ва методлар бирлашуви эҳтимоли бор. Таълим фалсафаси томонидан нафақат табиий мослашув, балки континентал мослашув ҳам ўзлаштирилмоқда. Олимлардан Т.Кун ва В.С.Стёпин бу борадаги ишлари натижасида фалсафа, табиат ва маданият ҳақидаги фанларни бирлаштирди.

Ижтимоий фанларни ўқитишда чуқур методологик асосида педагогик жараёндаги интеграциялашуви муаммоларини кўриб чиқиш ва ўрганиш олдидан узок ўтмишдаги ўқитувчиларни қизиқтирган ўзаро алоқалар муаммоси бўлди. Мисол учун, Ян Амос Коменский грамматика ва фалсафа, фалсафа ва адабиётнинг ўзаро боғлиқлигини, Жон Локкенинг тарих ва география фанининг интеграциясини илгари суради. Олимлардан Т.Кун ва В.С.Стёпин бу борадаги ишлари натижасида фалсафа табиат ва маданият ҳақидаги фанларни бирлаштирди.

Ўзаро фанлар аро алоқалар зарурати В.Ф.Одойевский, К.Д. Ушинский томонидан илгари сурилади.

Айниқса ўтган асрнинг 50-йилларида. Чет элда ва мамлакатимиздаги айрим педагогика билимларнинг яхлитлигини таъминлаш учун комплекс субъектлар яратади. Шундай қилиб, АҚШда "Ижтимоий фанлар" (жумладан, тарих, ҳуқуқ, география, шахс ва жамиятшуносликнинг фуқаролик тадқиқотлари элементлари) комплекс курси пайдо бўлди.

Умумтаълим мактабларида фанлар асосини ўрганишда ўқувчилар китоб билан ишлаш, кузатишлар олиб бориш, тажрибалар ўтказиш, олинган билимларни бир тизимга солиш - турли ўқув—таълим иш фаолияти билан тўқнашадилар. Ўқувчиларни фаолиятнинг бир тури билан таништирувчи бир бутун тизимни яратиш мақсадга мувофиқдек кўринди. Лекин фанларни ўзлаштиришни текширишлар натижалари шуни кўрсатадики, ўзбек ўқувчилари чет эллик ўқувчиларга нисбатан кўп маълумот ўзлаштирадилар ҳам, уни тадбиқ қилишда сезиларли даражада орқада қолаётганликлари кўриниб қолди. Кўпчилик бунга сабаб асосий кўникмаларнинг мослаштирилмаганида деб билади.

Бу вазибаларни амалга ошириш жараёнида умумтаълим мактабларида таълим самарадорлигини оширишда кўп қиррали фанларро алоқадорлик ёрдамида ўқувчиларни ўқитиши йўлга қўйилса, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва тарбиялаш масалалари нафақат сифат жиҳатидан янги даражада ҳал қилинади, балки айни пайтда уларда аниқ амалий фаолиятда мураккаб муаммоларни ҳал этиш қобилиятларини ҳам шакллантиради. Айнан шунинг учун ҳам фанларро алоқалар асосида умумтаълим мактабларида ўқувчиларда билим, кўникма, малака ва кампетенцияга асосланган ўқитиш ва тарбиялаш комплекс ёндашишнинг муҳим шарти ва натижаси бўлади.

Умумтаълим фанларни ўқитишда, ўқувчиларнинг ортиқча куч сарф қилишлари муаммосини ҳал қилган ҳолда, мустақил билим олиш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Келажакда олган билимларини ҳаёт жабхаларида қўллай оладиган, ўз ўрниларини топа оладиган кенг фикр мулоҳаза юрита оладиган назарий олган билимларини амалиётда қўллай оладиган ёш мутахассисларни тайёрлаш, тез суратлар билан ўсиб ахборотлашган, рақамли иқтисодиёт даврида ўз йўлини топиб кета оладиган мутахассисларни самарали тайёрлаш билан узвий равишда боғлиқдир.

Ҳозирги таълим босқичида ўқитувчи ўз билимларини бошқа фан ва фанларга бағишлаши керак. Бунинг учун доимий ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз-ўзини шакллантириши зарур. Бу ерда интеграция ўқитувчиликнинг ижодий салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Шундай қилиб, умумтаълим мактабларида фанларро интеграцияни янада кенгрок жорий қилиш, уларда педагогик ечимларни излашда фаол иштирок этиш, ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва дунёдаги яхлит тасаввурларни шакллантириш, ўқитиш сифатини яхшилаш, ўқувчиларнинг билимларини тартибга солишнинг муҳим босқичи эканлигини очиб беришга ҳаракат қилдик.

Бизнингча фанларро интеграцияни доимо такомиллаштириб ва ривожлантириб бориш керак.

ИНТЕГРАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБЛАРИ.

*Бойматов Нуриддинжон Мирзақулович. ГулДУ ўқитувчиси
Янгибоев Хушид. ГулДУ “Меҳнат таълими” йўналиши талабаси*

XXI аср дидактика, шу жумладан ўқитиш методикасида чуқур ислохотлар даврини бошлаб берди. Умумий ўрта таълимнинг мақсадлари ўзгарди, янги таълим концепциялари, ўқув режалари стандартлари яратилди. Таълим мазмунини баён қилиш, айрим ўқув фанлари орқали эмас, балки янгича интеграциялашган таълим асосида ёндошишни кўзда тутмоқда.

Мактаб ўқув режасидаги ўрганиладиган фанлар сонининг ортиши, айрим фанлар, жумладан, биология, география, кимё каби табиий фанларни ўрганишга ажратилган вақтнинг қисқаришига олиб келди. Бу, ўз навбатида, табиий – илмий билимлар системасини интеграллаш, уни ўқитишнинг ташкилий шакллари, методлари ва воситаларини янгилаш, ечимини топиш зарур бўлган муаммони вужудга келтирди. Бу муаммони ечиш, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқдир. Таълимни янгилаш – унинг ноанъанавий ташкилий шакллари ва методларидан фойдаланишни, жумладан, унга интегратив ёндашувни талаб этади.

Интеграцияни фақат турли фанлардан ўрганиладиган билимларнинг ўзаро боғланиши деб тушунмай, балки ўқитиш технологиялари, методлари, шаклларининг ҳам интеграцияси сифатида тушуниш лозим. Уларни тўғри амалга ошириш таълим самарадорлигини таъминлайди.

"Технология" атамаси, хориж методикасидан қабул қилинган бўлиб, ҳар хил шаклларда ташкил қилинган таълим жараёнини ифодалашда ишлатилади. Дидактик масалаларни ечиш жараёнида ўқувчиларга таъсир этувчи усулларни такомиллаштириш мақсадида таълим технологияларидан самарали фойдаланилади.

Педагогик технологиянинг турлари кўп бўлиб, улар турлича шарҳланади. Дидактикада технологиялар учта асосий гуруҳга ажратилади. Технологияларни дарс мақсадига мувофиқ, имкониятдан келиб чиққан ҳолда, интегратив технология қилиб қўллаш лозим.

1. Ўқитишнинг иллюстратив – тушунтирувчи технологиялари ўқувчиларнинг умумўқув фаолияти, махсус предметга оид билими ва кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган.

2. Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари – у шахсни ўзини – ўзи ривожлантиришга мўлжалланади.

3. Ўқитишнинг ривожлантирувчи технологиялари ҳар бир ўқувчининг шахсий ривожланишида, ички механизмларини ишга солишга йўналтирилган ўқитиши ҳисобланади.

Бу гуруҳларнинг ҳар бири ўзида бир қанча ўқитиш технологияларини мужассамлаштиради. Масалан, шахсга йўналтирилган технологияга – табақалаштириб ўқитиш ўзаро коллектив бўлиб ўрганиш, билимларни тўлиқ ўзлаштириш технологиялари, модулли таълим технологиялари ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, ўқитувчи ва ўқувчининг ўзаро муносабати усулларини такомиллаштиришга имкон беради.

Ҳозирги вақтда табиий – илмий предметларни интеграллаб ўқитишда проф. И.В.Душина томонидан баён қилинган технологиялардан кенг қўлланилмоқда

Интегратив таълим жараёнида ўқувчи, оламнинг яхлитлигини, коинот, табиат қонунларини, табиат, жамият ва инсонларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида ҳар томонлама билимларга эга бўлиб камол топади. Табиат гўзаллигини ҳис қила олиш, ундан завқланиш, эъзозлаш кўникмаларига эга бўлади.

Юқорида кўрсатилган интегратив таълимни амалга оширишда, умумий педагогик жараённинг барча таркибий қисмлари, жамоатчилик, ота – оналар, оталиқ ташкилотлари фаол иштирок этиши зарур, деган хулоса келиб чиқади.

МЕТОДИКА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОСТРАНСТВЕННОЙ, ВРЕМЕННОЙ И СИЛОВОЙ ТОЧНОСТИ ДВИЖЕНИЙ

Н.Ш. Юсупова

Гулистанский Государственный Университет, nargiza_12081986@inbox.ru

Докторант 3 курса

Аннотация: В данной статье анализируется методика совершенствования точности выполнения действий включая средства и методы для воспроизведения движения. Основное внимание уделяется повышению качества подготовки спортсменов, выявлению их проблем, выявлению их потребностей в

правильном и точном нанесении ударов, обобщению местного и международного опыта и сравнению текущих и нынешних процессов с аналитической точки зрения.

Ключевые слова: методика, пространственная, временная, силовая точность, движения, микроинтервалы времени, сенсорные системы.

Актуальность. Методика совершенствования точности движений включает средства и методы, направленные на развитие способностей к воспроизведению, оценке, а также к дифференцированию пространственных, временных и силовых параметров движений. Эти способности основаны преимущественно проприоцептивной чувствительностью, поскольку двигательные ощущения и восприятия имеют наибольшее значение для управления движениями (зрительные, слуховые, вестибулярные и др.).

Точность любого двигательного действия зависит как от чувствительности участвующих в управлении сенсорных систем, так и от способностей человека осознано воспринимать свои ощущения. В.А. Киселёвым установлено, что тренировка с выключенным зрительным анализатором повышает чувствительность других афферентных систем одновременно активизирует всю функциональную систему. Позднее было подтверждено положительное влияние временного выключения зрения на большую отчетливость и самостоятельность кинетических ощущений.

П.Ф. Лесгафт же еще в начале двадцатого века говорил о том, что спортсмен должен научиться выполнять физические упражнения с конкретно заданными параметрами. В целях воспитания умений правильно оценивать проявления движений у спортсменов им были разработаны комплексы упражнений, при выполнении которых занимающиеся знакомились с различными двигательными ощущениями. Эти разнообразные ощущения и служили затем основой для образования навыков управления движениями. При этом основным методом было избрано изучение пространственных отношений, и распределение работы во времени на основе различия их параметров.

При анализе научной и методической литературы установлено, что планомерная работа по формированию специальных умений у спортсменов должна основываться на четких положениях и закономерностях физиологии и психологии движений. В этом плане представляется перспективным методическое решение Л.Д.Назаренко (1), который основывается на идее, предложенной и разработанной П.Ф. Лесгафтом.

В основу своей системы варьирования автором положены основные признаки движения человека, которые различаются по направлению, амплитуде, усилию, скорости, темпу и ритму. В каждом из этих признаков обозначены и конкретные параметры варьирования.

В числе многих положений было установлено, что комплексное использование в тренировочной работе приемов «простого повторения», «сложных», «контрастных» и «сближаемых заданий» значительно повышает у спортсменов точность разбега и точность самих прыжков в длину с разбега. Одновременно с этим было выявлено, что точность прыжков вырабатывается успешнее в том случае, когда в пространственно-различительную деятельность постоянно включаются дополнительные раздражители в виде цифровых заданий, длины прыжка (1).

Эффективность данного метода объясняется результатом повышенной сенсорной активности, на основе которой у спортсменов вырабатывается способность быстро овладевать сложными элементами спортивной техники и достигать точность движений. При этом обнаружилось, что используемые приемы варьирования должны согласовываться с этапом обучения. Например, на этапе ознакомления с двигательным действием использовался прием «сопоставления на доверительной основе» (занимающиеся при варьировании действий самостоятельно ориентируются в ощущениях) и прием «сопоставления на фактической основе» (субъективные ощущения подкрепляются объективной информацией, оценкой результатов действий).

На этапе разучивания применялись три приема варьирования: «по слову», на «основе организации внешних условий выполнения упражнений» и «смешанный» (словесная инструкция, предметные ситуации, объяснение цели).

На этапе совершенствования действий в широком плане применялось видоизменение технических параметров (положения тела, направление и т.д.), осложнение действий добавочными движениями, выполнение комплексных действий (преодоление полосы препятствий).

По мнению Э.А.Матвеева, И.В. Циргиладзе, И.П.Дегтярева при развитии способности дифференцировать время, пространство и мышечное напряжение нужно:

- развивать одновременно все виды дифференцировок;
- для развития дифференцировок усилий работать со «средними» и «малыми» усилиями. Наибольшее внимание уделять отстающим группам мышц-сгибателей бедра, голени, туловища.

При совершенствовании дифференцировок времени особое внимание уделить микроинтервалам времени.

Для решения проблемы в целом немаловажное значение имеет также вопрос о средствах развития точности движений. В них нами было показано, что исследователи используют с этой целью основные или подводящие упражнения в вариативном содержании, но есть и другие решения.

Ю.М. Николаев (2) предложил для воспитания точности движений два пути. Первым был назван путь выполнения движений, требующих высокой точности; второй (более целесообразный – по автору) заключается в выполнении точно поставленных задач. В.И. Павлова, М.С.Терзи, М.С. Сигал (3) рассуждали так, что упражнения в метании по целям, жонглирование, удары ракеткой по мячу и т.п. в большой степени способствуют развитию точных движений, чем какие-то надуманные упражнения в точных движениях.

Заключение. Результаты анализа позволили выявить конкретные факторы которые определяют результативность и эффективность двигательных действий спортсменов. Такие знания позволяют более успешно разрабатывать подходящие программы совершенствования спортивно-технического мастерства спортсменов на этапе высшего спортивного мастерства, а также повысить эффективность управления тренировочным процессом.

Литература:

1. Назаренко Л.Д. Теоретическая и методологическая концепция точности как одного из двигательных-координационных качеств: Матер. Междунар. науч.-практ. конф.: Проблемы профессиональной подготовки специалистов по физической культуре и спорту. Чебоксары, 1999, с. 73-77.
2. Николаев Ю.М. К проблеме развития теории физической культуры // Теория и практика физ.культ. 2001г. № 8. с.2-4.
3. Павлова В.И., Терзи М.С., Сигал М.С. Соотношение объема аэробной и анаэробной тренировочной нагрузки в соответствии со спецификой энергетических аспектов работоспособности в ациклических видах спорта (на примере таэквондо) // Теория и практика физ.культ. 2002г. № 10. с.53-54.

АЖДОДЛАРИМИЗ БОЛАЛАРДА ИЖТИМОЙ СОҒЛОМ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИДА

*Нукус давлат педагогика институти
катта ўқитувчиси Г.Тулепова*

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини мустақамлашда шубҳасиз, давлатимизнинг кўп асрлик тарихи, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари, кадриятлари, педагогик мероси муҳим аҳамиятга эга.

Республикамизнинг тараққиёт йўли миллий хусусиятларни тиклаш ва ривожлантириш йўлидир. Бу эса таълим-тарбия орқали амалга оширилади. Бугунги кунда таълим-тарбия олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳам ёшларда миллий одоб, ахлоқ, саҳийлик ва саҳоватпешалик, ватанпарварлик, дўстлик, меҳр-шафқатлиликни шакллантиришдан иборат. Шунингдек, ўқувчиларда устоз ва ота-оналарни улуғлаш, катталар ва қавму-қариндошларни ҳурмат қилиш, илму-маърифатни эгаллаш каби миллий хусусиятларга бевосита боғлиқ бўлган фазилатлар шакллантирилиши керак.

Ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб етишишларида, шубҳасиз, умумий ўрта мактаб ва ундаги ижтимоий муҳит муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг соғлом, бақувват бўлишлари жамият равнақи кафолати ҳисобланади.

Аждодларимиз ўз вақтида ёшларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишларида қуйидагилар зарурлигини таъкидлаганлар:

ўқитувчилар таълим олувчиларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этишлари;

уларни дарсдан кейин ёки танаффусларда турли ижтимоий меҳнат турларига жалб этиш, жумладан, дурадгорчилик, дехқончилик ва ҳ.к.;

китобхонлик, шеърхонлик, ашулаҳонлик каби тадбирлар уюштириш;

оилада ҳадислар ўқиб бериш, уларнинг мазмунини айтиб бериш, шунингдек, эртақлар, мақоллар, масаллар ҳикоя қилиб бериш.

Ёшларнинг баркамол шахс сифатида шаклланишларида жисмоний жиҳатдан ривожланишлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу эса жисмоний тарбия дарсларида амалга оширилади. Жисмоний жиҳатдан бақувват ўқувчиларда ватанни севиш, меҳнатсеварлик, дўстлик, ўртоқлик, меҳр-шафқатлик, устоз ва ота-оналарни ҳурмат қилиш каби шахсий сифатилар ривожланади.

Ўқувчиларда шаклланган ҳар бир шахсий сифатларини асослашга ҳаракат қилдик.

Ватанни севиш – бу ўзининг туғилиб ўсган юртини севиш, унга содиқ фарзанд бўлиш; ватанимизнинг тарихи ва ҳозирги кунини ҳақида билимга эга бўлиш; Ўзбекистон давлат рамзларини билиш ва Президентига садоқатли бўлиш.

Меҳнатсеварлик – ҳар бир ўқувчида меҳнатсеварлик ҳисси шаклланган бўлиши, меҳнат орқасидан жамият ва давлат равнақ топиши, бу соҳада дўстларига ўрнак бўлишга ҳаракат қилиши, меҳнат қилган шахс яхши яшаш ҳақида кўникмалар сингдирилиши.

Дўстлик, ўртоқлик – ўқувчилар дўстлик, ўртоқлик сифатларини тушуниши, уни қадрлаши, бири-бирига ҳар доим ёрдам кўрсатиши, дўстининг манфаатини ўзининг манфаатидан ҳам юқори қўя олиши.

Меҳр-шафқатлик – жамият аъзоларига нисбатан шафқатли ва марҳаматли, оиласи ва синфдошларига нисбатан меҳрли бўлиши, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини яхши кўриши, уларни асраб-авайлаши.

Устоз ва ота-оналарни ҳурмат қилиш – устоз ва ота-оналарга нисбатан эҳтиромлиб бўлиш, уларнинг қадрига етиш, устози ва оиласи шаъни, обрўсини сақлашга бор кучи ва билимини аямаслиги, устоз ва ота-онасига нисбатан меҳрсизлик ва уларни обрўсизлантирадиган ишларга қарши кураша олиши керак.

Биз юқоридаги шахсий сифатларнинг шаклланганлигини аниқлаш мақсадида ўқувчилар ўртасида анкета саволлари ўтказдик ва олинган жавобларга қараб ўқувчиларда ахлоқий фазилат ва хислатларни тушуна билиши, уларни мазмун ва моҳиятини англаш даражасида ўзгаришларни белгилаш учун, уларни қуйидаги уч даража(юқори, ўрта, қуйи)га ажратишга ҳаракат қилдик:

ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, дўстининг яхши ва ёмон кунларида у билан бирга бўла оладиган, меҳр-шафқатли, устози ва ота-онасини ҳурмат қила оладиган ўқувчиларни юқори даража; ватанпарварлик ва меҳнатсеварликнинг маъно ва мазмунини юзаки тушунадиган, шахсий манфаат юзасидан дўст ва ўртоқ бўладиган, устози ва ота-онасини номигагина, мажбурий равишда ҳурмат қиладиган ўқувчиларни ўрта даража; ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик тушунчаларини фарқлай олмайдиган, дўстлик, ўртоқлик фазилатлари ва меҳр-шафқатлилигининг мазмуни ва моҳиятини тушуниб етмайдиган, уларга амал қилмайдиган, ёлгон гапирадиган, устози ва ота-онасини ҳурматлаш лозимлигини тушунмайдиган ўқувчиларни эса қуйи даражага киритдик.

Ўқувчилар билан ўтказилган тажриба-синов ишлари натижалари, савол-жавобларнинг таҳлиliga асосланиб қуйидаги хулосаларни баён этиш мумкин:

ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларга ватан, ватанпарварлик, мустақил Ўзбекистоннинг ҳудуди, давлат рамзлари, аҳолиси, тили, дини, жамият аъзоларининг турмуш тарзи, қадриятлари ҳақидаги тушунчаларни сингдириб бориш, ватанпарварлик тарбиясининг маъно-мазмуни ва моҳияти ҳақида билим беришни кучайтириш;

ўқувчиларда меҳнатсеварлик, дўстлик, садоқатлилиқ, устоз ва ота-оналарни ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, дўстлик, садоқатлилиқ каби тушунчаларнинг маъно-мазмуни ва тавсифларини билишларига етарли даражада эътибор қаратиш лозим.

Умуман олганда, ўқувчиларнинг баркамол бўлиб шаклланишларида Куръон, Ҳадис ҳамда халқимизнинг миллий қадриятлари, халқ оғзаки ижоди ҳамда буюк алломалар, фозилу-фузалолар томонидан ёшлар таълим-тарбиясига оид ёзилган асарларни ўрганиш

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНИ ТЎГАРАКЛАРИНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ

*Юнусова Хурида Сахибжановна – Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-сонли
вилоят хорижий тилларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг
тасвирий санъат ва чизмачилиқ фани ўқитувчиси*

Ўқитувчи ўқитиш методларига асосланиб иш юритганда у рангшунослик, перспектива, ёруғ соя композиция қонунлари ва уларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Шуни ҳисобга олиш лозимки, тасвирий санъатнинг у ёки бу турининг назарий асосларини ўргатганда ёки тасвирий санъатнинг у ёки бу фаолият турини ўқитганда ўқитувчи бир хил методлардан фойдаланиши мумкин эмас. Машғулотнинг методик жиҳатдан ташкил этиш эса ўқитувчининг ўз олдига қўйган мақсадига ҳам боғлиқ.

Педагогик назарияда 3 хил метод бўлиб, асосан нутқий, намойиш этиш ва амалий ишдан иборат. Бу методлар ўз ўрнида майда методларга ҳам бўлинади. Масалан, нутқий метод ҳикоя қилиш, тушунтириш, суҳбат, китоб билан ишлаш ва ҳақозо. Қўрғазмали метод намойиш этиш, амалий иш эса машқ, расм ишлаш, ижодий иш, ўйин каби методларга бўлинади.

Тасвирий санъат илм-фан каби дунёни, ҳаётни, табиатни, халқлар тарихини ўрганишга хизмат қилади. Бугунги кунда мамлакатимиз президенти томонидан ишлаб чиқилган “5 ташаббус” асосидаги ишлар замирида ҳам айнан мана шу тасвирий санъат йўналишига эътибор бериб ўтиганлиги бежизга эмас. Шу аснода биз педагоглар зиммасига жуда катта масъулият юклатилган.

Ҳозирда илм-фан, маданият ва бошқа соҳаларда рўй берган кашфиётлар ҳамда улар юзасидан тўпланган ахборотлар умумий ўрта таълим мазмунига жиддий таъсир кўрсатади. Бу ўз ўрнида таълим мазмунини кенгайтириш ва чуқурлаштиришни тақоза этади. Бунда ўқитувчи янгиликлар, ўқитишдаги

замонавий технологиялар билан мунтазам танишиб туриши керак. ўқитувчи замон талаблари даражасида дарс ўтиши учун мунтазам малакасини, билимини ошириб бориши лозим. Бунинг учун ўқитувчига етарлича шароит яратилиши ва фан хонаси керакли жиҳозлар билан жиҳозланиши шарт. Ҳозирда тасвирий санъат дарсларини давлат таълим стандартлари талаблари даражасида ўтказиш учун унинг моддий техникавий базаси яратилиши зарур, чунки тасвирий санъат дарсларида техника воситалари, кўргазмалари ва методик материаллар шунчалик кўп ишлатиладики уларни махсус хоналарсиз тўплаб бўлмайди. Шу ўринда айтиш жоизки тасвирий санъат дарслари мактабларда ҳафтада бир соат бу эса ўқувчиларнинг расм дарсларига юзаки қарашларига олиб келади. Тасвирий санъат дарслари ўқувчиларни тарбиясига, одоб-ахлоқига, кузатувчанликка ҳамда гўзалликни қадрлашга ўргатади. Чингиз Ахмаровнинг “Расм чизган инсон ҳеч қачон ёмонлик қилмайди” деган сўзларини ёдга олишимиз мумкин.

Ўқувчилар ўз халқини тарихини, адабиётини билиши, унинг санъатини ҳам кенгрок билиши зарур. Миллий санъат таълим мазмунида пойдевор бўлиши лозим. Уларни ўрганмасдан туриб ёшларимиз бадиий маданиятли шахс бўла олмайди. Акс холда миллий қобикқа ўралашиб қолиш оқибатида у жаҳон стандартлари даражасига чиқа олмайди. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари мустақил ишларини ташкил этишни самарали шакллари ва йўллари ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни тақоза этади. Шунинг учун ҳозирги кунда мактабларда тўғараклар фаол иш юритишлари лозим. Бу эса ўқувчиларни гўзалликни кўра олишга, тасаввурларини кенгайтиришга, диққатни жамлай олишга хизмат қилади ҳамда эстетик дидини шакллантиради.

Биз тасвирий санъат тўғаракларида ўқувчиларнинг қизиқишларини ошириш мақсадида турли йўналишларда иш олиб борамиз. Масалан, эртақлар асосида, витраж санъати, хайкалтарошлик, тарихий обидаларни тасвирлаш, наққошлик ва турли жанрлар асосида расмлар чизади. Тасвирий санъат дарслари ҳамда тўғараклар ёшларда миллий ғурур ва миллий истиклол мафқурасини шакллантиришда ватанпарварлик, байналминал тарбияда дўстлик ва ўзаро ёрдам ғояларини ташкил топтиришда катта кучга эга. Ўқувчиларнинг тўғаракларда турли хил йўналишларда ишлашлари уларни зериктирмайди, янада қизиқишларини ошириб боради. Айнан витраж ҳамда хайкалтарошлик санъати ўқувчиларда жуда катта қизиқиш уйғотади, яъни ундаги рангларнинг тиниқлиги, шаффофлиги, гўзаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам тўғараклар турли хил йўналишларда олиб борилади ва маҳорат дарслари ташкил этилади.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИ ЎРТАСИДАГИ УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА УСТОЗ –ШОГИРДЛИК МАСАЛАСИ

Намазова М.У ТДПУ Шаҳрисабз филиали ўқитувчиси, ТДПУ Шаҳрисабз филиали Бошланғич таълим ва спорт ёналиши 1-курс талабаси Жумақулова Маърифат Хусниддиновна.

Аннотация: Ушбу мақолада таълим тизимининг турли бўғинларида “Устоз шогирдлик” ишининг аҳамияти, муҳимлиги ва амалга ошириш механизмлари ҳақида маълумотлар берилган. “Устоз-шогирд” мактаби ишининг таълим сифатини оширишдаги ўрни, самараси ёритилган.

Инсон пайдо бўлибдики, табиат ва жамият ҳақидаги барча билим, тажрибаларини ўздан кейинги авлодга ўргатиш сабаб тараққиётнинг ҳозирги даражасига етиб келди ва бу жараён шундай давом этаверади.

Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг тез суръатларда жадаллик билан ривожланиши барча таълим муассаларида таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Бу ўз навбатида узлуксиз таълим босқичларида фаолият олиб бораётган педагоглар зиммасига юксак масъулият ва вазифаларни юклайди.

Таълим-тарбия ҳақида гап кетар экан, биринчи президентимиз И.А Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида мактаб деган улуғ даргоҳнинг инсон ва жамият тараққиётидаги хиссаси ва таъсирини, нафақат ёшларимиз, балки бутун халқимиз келажагини ҳал қиладиган ўқитувчи мураббийлар ҳақида гапирганларида қанчалар ҳақ эканликларига гувоҳ бўламиз.

Бугунги кундаги таълим-тарбия ислохотлар негизида “Устоз-шогирдлик” анъанасининг юксак қадрият даражасига кўтарилганлигини кўришимиз мумкин.

Узлуксиз таълим босқичларида таълим-тарбияга оид барча масалалардаги муаммоларнинг ечилишини тўғри таъминлашнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада “Устоз-шогирд” масаласи устуворлик

касб этади. “Устоз-шогирдлик” иши бизда қадим-қадимдан мавжуд бўлган педагогика соҳасининг етакчи омили сифатида намоён бўлган ва асрлар оша ўз қимматини йўқотмай келмоқда.

Узлуксиз таълимнинг қайси бўғини бўлишидан қатъий назар устознинг ёш ўқитувчилардан тарбия ва илм ўрганувчи шогирди бўлмаса уни мевасиз дарахтга ўшатиш мумкин. Шу боисдан азалдан халқимиз орасидан етишиб чиққан маърифатпарвар педагог устозлар ўз касбининг сир- асрорларини авлоддан-авлодга анъана тариқасида ўтказиб келганлар. Ғазал мулкининг султони А.Навоий Хунарни асрабон нетгумдур охир,

Олиб тупроққа му кетгумдур охир деб бежизга байт битмаган.

Шу маънода устоз ўқитувчининг эришган ютуқлари ўз шогирдларига қолмас экан, устоз мактаб яратмас экан унинг қилган меҳнатлари исзис йўқолиши табиий. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги 25 – сонли қарорида ҳам устоз -шогирд усулини тадбиқ этишга алоҳида эътибор берилган. Шундан сўнг халқ таълими тизимида “Устоз-шогирд мактаби”, “Ёш ўқитувчилар мактаби”, “Илғор тажриба мактаби” каби лойиҳалар фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган йиллар давомида тажрибадан ўтган бу мактаб фаолияти республикаимзда кенг тарқалди.

Узлуксиз таълимнинг қайси бўғини бўлишидан қатъий назар “Устоз-шогирдлик” мактаби ташкил этилган таълим муассасасининг иш, таълим-тарбия жараёнида босқичма-босқич ўсиш кузатилади.” “Устоз-шогирд” анъанасига кўра маҳоратли, илғор ва ижодкор ўқитувчилар аниқланиб уларга изланувчан, устоз маслаҳатига эҳтиёж сезадиган шогирдларни бириктириш йўли билан таълим сифатини оширишда ўқитувчиларга (талабаларга) амалий –методик ёрдам бериш мақсадида ташкил этилади.

“Устоз-шогирд” фаолиятининг самарадорлиги ошишида қуйидагилар асосий мезон саналади:

- шогирднинг шахсий ижодий режа асосида иш юритаётганлиги;
- шогирднинг маънавий-маданий, ғоявий соҳадаги фаолияти самардорлигининг ошганлиги даражаси;
- устоз касбдошлардан ўзлаштирган илғор тажрибалари ва янгиликларни амалда қўллаётганлиги;
- таълим муассасаси ўқитувчилари орасида ўз фаолияти бўйича рейтингининг ошганлик даражаси;
- сменар, конференция, педагогик кенгашлардаги фаол иштироки;
- фанга оид янги билим ва методларни ўзлаштириб олганлиги;
- ўқувчилар (талабалар)нинг рейтинг ва ташқи назорат натижалари;
- ўқувчилар (талабалар)нинг олимпиада ва кўрик танловлардаги натижалари таҳлил қилиниб қайд этиб борилади.

Ушбу мезон асосида устоз шогирдини фаолияти таҳлил қилади ва унинг ҳар бир амалга оширилган ишларига баҳо берган ҳолда юқори натижада эришган шогирдини ўрнатилган тартибда устозлар рўйхатига ўтказиш бўйича таклиф тайёрлайди. Худди шу таклиф шогирднинг устоз мақомига етишига таълим муассасаси тарбияланувчиларини баркамол қилиб тарбиялашдаги ишларнинг тўғри йўлга қўйилишини таъминлаб беради. Бу эса таълим сифатини ошириб юксак салоҳиятли, иқтидорли ва фаол ёшларни юзага чиқаради.

“Устоз-шогирд” мактаби тажрибасиз шогирднинг қуйидаги ҳолатларини баргараф этиб:

тажрибасизликни;

- педагогик сифатларнинг мукамалликка етмаганлиги;
- коммуникативликнинг юқори даражасига эришмаганлиги;
- фаннинг назарий ва амалий томонларини тингловчига мукамал етказиб бера олмаётганлиги каби салбий ҳолатлар устоз-шогирдлик мактабида барҳам топиши тажрибалардан маълум.

Бунинг учун устоз шахсий фазилят ва касбий маҳорат соҳасида қуйидаги сифатлар соҳиби бўлмоғи лозим.

Шахсий фазилят соҳасида:

- ғоявий, мафкуравий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларда етук шахс даражасида шаклланган бўлиши, хулқ-атвори, юриш-туриши, амал қилган кадриятлари билан, аввало, шогирдларига, сўнгра теварак-атрофдагиларга ибрат кўрсатмоғи, наъмуна бўлмоғи лозим.

Касбий маҳорати соҳасида:

- олий маълумотли олий ёки биринчи тоифали, 10 йилдан ҳам кам бўлмаган педагогик иш тажрибасига эга бўлганлиги;
- дарс берадиган фанинг назарий-амалий томонларини пухта билмоғи;
- педагогика, психология соҳасида етарли билимга эга эканлиги;
- кўрик танловларда муваффақиятли иштирок этганлиги;
- илмий-методик мақолалари билан Республика ва маҳаллий матбуотларда иштирок этганлиги;
- жамоат топшириқларида фаол иштирок этганлиги ва бошқа касбий хусусиятларни мужассам этмоғи лозим.

Устозликка номзодлар ТХТБга тавсия этилади.

ТХТБ буйруғига биноан устозликка номзодлар орасида танлов ўтказилади. Ғолибни аниқлашда педагогнинг маҳорати, эришган ютуқлари инobatга олинади. Касбий тайёргарлик даражаси турлича бўлган 3 нафар шогирд метод бирлашма ва мактаб раҳбари тавсиясига кўра ТХТБ буйруғига асосан ғолиб устозга

бириктирилади. Шогирдларни танлашда уларнинг шахсий фазилатлари, касбий тайёргарлик даражалари инобатга олинади. Устозга бириктирилган шогирд узоғи билан 2 йилда тоифасини ошириши мумкин. Бу каби устоз-шогирдлик иши кам тажрибали ёш шогирдларни устоздан тажриба ўрганишга, амалиётда тадбиқ этишга ўргатади ҳамда уни комиллик даражасига етишиши, келажак авлод тарбиясини батамом ишониш мумкин бўлган педагогга айланишини таъминлайди.

Бу эса узлуксиз таълим сифати ва самарадорлигини оширишда етакчи омил бўла олади.

Мақтабгача таълим ташкилотида ҳам устоз-шогирдлик иши ёш мутахассис кадрлар салоҳиятининг, тажрибаларининг оширилишига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Юксак маънавият-енгилмас куч” **И.А.Каримов**
2. “Устоз ва шогирдга эслатма” Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш малакасини ошириш марказий институти
3. “Устоз-шогирд мактаби” низоми
4. Муҳаммад а.х.с. хадислари
5. Aim.uz

BOSHLANG'ICH SINFLARDA AMALIY FANLARNI O'QITISHDA INTEGRATSION TA'LIM.

*Atayeva Gavhar Akromjonovna Sirdaryo
viloyati Mirzaobod tumani 5-umumta'lim maktabi
jismoniy tarbiya o'qituvchisi*

Mamlakatimizda dunyoning rivojlangan davlatlarining ta'lim tarbiya texnologiyasi o'rganilib chiqilmoqda va uzluksiz ta'lim sharoitida kerakli bo'lgan ishlar amalga oshirilmoqda o'rganilgan ta'lim tizimidan o'zimiz uchun mos talimni tanlab, ya'ni milliylikimizni saqlab qolgan holda rivojlanish ishlarini yo'lga qo'yish uchun keng qamrovli ishlar amalga oshirilmoqda. Hususan qadrlar tayyorlashning yangi modelini yaratish, ta'lim tizimida yangi innovatsiyalar va ilg'or texnologiyalarni joriy etish uchun izlanishlar olib borilmoqda.

Buz bu ishlarning barchasini yolga qoya olsak integratsiyalash jarayoniga kirib borgan bo'lamiz.

Agar biz fanlar kesimida integratsiyalash ijaravonini aladigan bo'lsak, unda har bir fanga alohida yondoshib borish lozim bo'ladi. Chunki har bir fanning o'rganilish ijaravoni, uning izlanishlari alohida mahorat talab etadi.

,Agar biz amaliy fanlardan , jismoniy tarbiya , musiqa, mehnat Tasviriy sa'nat darslari integratsiyasini olib qaraydigan bo'lsak, ularni boshlang'ich sinflarda tahlil qilib chiqishimiz mumkun.

Boshlang'ich sinflarda fanlarni integratsiyalash dars samaradorligini oshiradi, Vaqtdan unumli foydalanishga olib keladi, Darsni chuqur o'zlashtirishga yordam beradi, bo'sh vaqt orttiriladi va to'garaklarga jalb etiladi.

Boshlang'ich ta'limda jismoniy tarbiya darslarini integratsiyalash mumkin. Masalan

Yengil atletika darsini o'tishi uchun mavzu tushuntiriladi, Bu esa bolani mavzuni yaxshi tushunib olishiga yordam beradi, kengroq va chuqurroq tushunishiga imkon ortadi, uzoq vaqt yodda saqlab qolishiga yordam beradi. Bu esa dars samaradorligini oshiradi Masalan, Yengil atletika so'zi sport malikasi degan manoni anglatadi nima uchun degan savol tug'iladi qaysi bir sport turiga kirish yoki shug'illanish uchun yengil atletikani bilmay turib boshqa sport turlarini o'rganib bolmaydi, shuning uchun sport malikasi degan manoni anglatishini o'quvchilarga , tushuntiriladi. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov shunday fikrni bildirgan .

“Xech bir soxa sportchalik yurtni tezda dunyoga tanita olmaydi degan fikrlarini o'quvchilarga yetgazish ko'rsatiladi,. Shunda esa darsni mukammal o'zlashtirib olishlariga imkon yaratadi.

Bola bir darsning o'zida xam nazariy xam amaliy bajarsa, o'quvchi birgina integratsiya darsida juda ko'p ma'lumotlarga ega bo'ladi va uzoq vaqt esda saqlab qoladilar deb o'ylayman

Dars faqat ta'limiy bo'lib qolmasdan, o'quvchilarni estetik, ruhiy, madaniy- ma'rifiy va insonparvarlik jihatlarini tarbiyalashga qaratilgan bo'lishi kerak.

Mavzuni mazmunidan kelib chiqqan holda, tabiat, jamiyat, inson tafakkuri, taraqqiyoti haqidagi ilmiy bilimlar, va boshqa go'yalar orqali respublikamiz kelajagiga ishonch va e'tiqodni shakillantirishga qaratilgan bo'lishi kerak.

Umuman olganda integratsiya darsi bir- biriga mos kelishi (mavzu jihatdan) va puxta reja asosida tuzilgan bo'lishi kerak..

Hozirgi zamonda ilm berish sistemasi yuqori darajada fan asoslarini o'rnatishga, tafakkurni rivojlangan, olamni bir butunlikda anglashga va tasavvur etishga, tevarak atrofda bo'layotgan voqealarni to'g'ri anglab oladigan yoshlarni tarbiyalashga yo'naltirilgan..

Maktab umumta'lim fanlarining tarqoq holda o'rgatilishi, ularni bir-biriga uzviy bog'liqlikda o'rgatilmaligi o'quvchilar bilimini to'la bo'lishi va butun borliqni bir butun holda anglashlariga to'sqinlik qilib, o'quvchilarda qiyinlik uyg'otadi.

Olimlarimizning fikricha, integrasiya didaktik prinsiplar qatoriga kiradi va ular orasida yetakchi o'rin egallaydi.

Bunday tushuncha ta'lim tizimida integrasiya masalasini, fanlararo uzviylik va bog'liqlik masalasini yana bir bor ko'rib chiqish zaruratini yuzaga keltiradi.

Ta'lim sistemasiga integrasiyani kiritish maktab va jamoatchilik o'rtasida turgan ta'lim va tarbiyaga oid vazifalarni hal etishda asosiy vosita bo'lishi mumkin.

Integrasiyalashtirilgan darslar bolalar dunyoqarashida bir butunlikni, voqealar uzviyligini tushunishini tabiatan anglab yetishga o'rgatadi. Shuni alohida hisobga olish kerakki, maktablardagi boshlang'ich sinflarda Jismoniy tarbiyadarslarning integrasion bog'lanishlari ilmiy va amaliy jihatdan kam ishlab chiqilgan. Mavjud turli fikrlar va qarashlar esa bir-biriga zid va uzviy bo'lmaganligi sababli integrasiya muammosi hamon olimlarimiz o'rtasida bahsli masalalardan biri bo'lib qolmoqda..

Integrasiya- bu fanlarning differensial jarayon davomida yaqinlashuvi va bog'liqligidir. Integrasiya jarayoni fanlar orasidagi aloqani yangi, yuqori sifatda bir- biriga bog'lash bosqichi bo'lib, o'zini yuqori ko'rinishda namoyon etadi. Shuni alohida qayt etish kerakki, integrasiya jarayoni asoslari uzoq o'tmishdagi xalq pedagogikasi va ilmiy pedagogikaga asoslangan. Integrasiya fanlararo bog'liqlikdir.

Ulug' didaktik Yan Amos Komenskiy ta'kidlashicha: "Bir-biri bilan bog'liq bo'lgan hamma narsa, huddi shunday holda o'rganilishi kerak".

Fanlararo bog'liqlik g'oyasiga keyinchalik juda ko'p pedagoglar yondoshib, uni rivojlanishi va umumlashtirilishiga hissa qo'shdilar. D.Lokk g'oyasiga ko'ra: "Ta'lim mazmuning aniqlanishida bir fan boshqa fanlar elementlari va faktlari bilan to'ldirilishi kerak"

O'quvchilar atrof-muhit xayotini o'rganishni tasviriy san'at fanining materiallari orqali o'zlashtirish va kuzatishga yo'naltirilgan amaliy darslar orqali amalga oshirib borishadi. Bunda tabiat, xayvonot olami, inson kabi tushunchalarni o'z ichiga olgan keng dastur ishlab chiqilgan bo'lishi lozim. Birlashtiruvchi o'zak sifatida fanlar aro bog'liqlik bunda katta ahamiyat kasb etadi.

Maktab tizimi an'anaviy alohida fanlar ta'limi sistemasiga qaytdi.

80-yillarning yarmidan maorif tizimida integrasiya masalasiga yondoshuvlar yana rivojlandi. Bunda asosan 4 ta yo'nalishga e'tibor qaratildi. Ularni birlashtirishda mazmun jihatdan integrasiya manbalarini alohida fanlar tashkil etadi.

Hozirgi kunda lug'atlarda integratsiya so'zining uslubiy ma'nosi ko'rsatilmagan. Lekin hammaga ma'lum lotincha so'z "Integratio" tiklanish, to'ldirish,

"integrir" - bir butun ikki ma'noda foydalanishga qabul qilingan.

Bu esa maktab o'quv fanlari uslubidagi yaqinlik integratsiya atamasini aniqlashga asos beradi, ya'ni o'qitish, tarbiya qilish va o'quvchilarni ma'lum o'quv fanlarini o'zlashtirishni uyg'unlashtirish usullari haqidagi fan. Integratsiya-ni uslubiy hodisa sifatida tahlil qilib bergan

Maktabda mavjud hamma fanlar hususan tasviriy san'at o'ziga xos integratsion imkonga ega. Lekin ularning bir-biriga mos bo'lishi integrasiyalangan darslarning samaradorligi ko'p sharoitlarga bog'liq. SHuning uchun yangi dastur yaratishdan oldin pedagoglar va uslubchilarga integratsiyaning imkoniyati va zaruriyati xulosa ishiga yordam beradigan vaziyatlarni hisobga olish kerak.

Buning uchun o'qituvchi sinf o'quvchilarining tayyorgarlik darajasini oldin tahlil qilishi, ularning ma'naviy xususiyatlarini, o'rganishga qiziqishlarini o'rganadi. O'quv faoliyatida mavjud bo'lgan qiyinchiliklar integratsiya usulidan foydalanish sabablaridan biri bo'lishi mumkin.

Mustaqil amaliy ish o'quvchilarning imkonlarini bir oz tenglashtiradi, chunki har biri o'ziga xos tasvirni, voqea hodisani tanlashga yo'l izlaydi, lekin albatta bir muammo qoladi - o'quvchiga qo'yilgan maqsadni topishga qanaqa usul, vosita bilan qurollantirish kerak. Darsning cheklangan vaqti ham, har bir o'quvchining topshiriqni bajarish vaqti ham mos emas, lekin ularning faoliyatini ta'minlovchi yagona shaxs — o'qituvchi.

Integrirlangan darsning xususiyati bu jarayonda 2 yoki 3 ba'zida undan ham ko'p pedagoglar qatnashishi mumkinligi. Bunday integratsiyalangan darsni o'tish osonmi, murakkabmi? Ko'pincha o'qituvchilarga bog'liq. Lekin, dars bu ishning muhim qismi ekanligini unutmaslik kerak. Aynan dars orqali asosiy masalalar integrasiyalangan sinfdan amalga oshiriladi va natijaning qanday bo'lishi sinfdagi holatga bog'liq bo'lishi mumkin.

O'quvchilar o'zlari chizgan ishlarni solishtira boshlashadi, bitta rasmdagi voqeani muhokama qilishadi, ular orasidagi aloqalarni aniqlashadi, hamkorlikda o'quv ko'nikmasini birgalikda ishlab chiqishadi.

Integratsiyalangan darslar charchoqni va taranglikni o'quvchilardan oladi faoliyatning bir turidan ikkinchisiga o'tishi hisobidan ziyaraklik va hozirjavoblikka o'rgatadi. Lekin 1-2-sinflarda integratsion darslarga uncha berilmaslik tavsifiya etiladi.

Chunki integratsiya mavjud mavzuni kengaytiradi, chuqur tahlil qilishni talab qiladi, hodisalarni umumlashtiradi, ularning bilim doirasi boshqa fanlar hisobiga kengayadi. O'quvchilar mustaqil tarzda shuncha ishni bajarishga kuchi etmasligi mumkin.

Hozirgi kunda tasviriy san'at yo'nalishining rivojlanishiga han katta e'tibor qaratilib, keng qamrovli ishlar olib borilmoqda. Hususan Prezidentimizning 2019 yil 19 martda Yoshlarning ma'naviyatini yuksaltirish va ularning

bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish bo'yicha beshta muhim tashabbus ishlab chiqdi. SHularni Ikkinchi tashabbusi Yoshlarni jismoniy chiniqtirish, ularni sport sohasida qobiliyatini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yo'naltirilgan tashabbus qiziqishni osgirishga, iste'dodini yuzaga chiqarishga xizmat qiladi. Bu esa o'z navbatida Jismoniy tarbiya fanining yuksalishiga, integratsion rivojlanishiga xizmat qiladi.

Yoshlarimizning kelgusida o'z ijodiy ishlarining yanada gullab yashnashi uchun o'qituvchilarning bilim berish salohiyatining rivojlanishi uchun integratsiyani mamlakatimizda, maktablarimizda yanada chuquroq o'mini topishi lozim. Buning uchun esa eng avvalo kuchli bilimga ega qadrlami malakali mutahassisلامي yetishtirishimiz lozim deb o'ylayman. Anashunday o'qituvchilar integratsion tizimni to'la ochib o'quvchilar ongiga yetkazib bera oladi.

PISA XALQARO BAHOLASH DASTURI YORDAMIDA, O'ZBEKISTONDA TA'LIM SIFATINI BAHOLASHNING YANGICHA MONITORING TIZIMINI SHAKILLANTIRISH

*D.M.Tagayeva Guliston davlat universiteti
"Dorivor o'simliklar va botanika" kafedrasida o'qituvchisi*

Globalashuv sharoitida shiddat bilan rivojlanib borayotgan davrda davlat va jamiyat oldiga dolzarbligi va qamrovi kun sayin ortib borayotgan zamonaviy talablarni qo'ymoqda. Olamshumul strategik maqsadlarga erishish, yangi marralarni zabt etish, rivojlangan davlatlar qatoridan o'rin olish uchun mamlakatda bilimli, tajribali va zamonaviy fikrlaydigan yuksak salohiyatli kadrlar, mutaxassislarning o'rni beqiyos. Bunday raqobatbardosh kadrlarga bo'lgan ehtiyojni qondirish zamirida inson kapitali, sodda qilib aytganda, inson va uning salohiyatini kashf etish hamda uni buyuk maqsadlarga erishishga safarbar qilish kabi ulug'vor vazifalar turadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida" 2019-yil 29-apreldagi PF-5712 - sonli farmoniga muvofiq umumiy o'rta va maktabdan tashqari ta'limni tizimli isloh qilishning ustuvor yo'nalishlarini belgilash, o'sib kelayotgan yosh avlodni ma'naviy-axloqiy va intellektual rivojlantirishni sifat jihatidan yangi darajaga ko'tarish, o'quv-tarbiya jarayoniga ta'limning innovatsion shakllari va usullarini joriy etish maqsadida, *O'zbekiston Respublikasining 2030-yilga kelib PISA xalqaro dasturi reytingida jahonning birinchi 30 ta ilg'or mamlakatlari qatoriga kirishiga erishish* hamda xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish asosida o'quvchilarning o'qish, matematika va tabiiy yo'nalishdagi fanlardan savodxonlik darajasini baholashga yo'naltirilgan ta'lim sifatini baholashning milliy tizimini yaratish vazifalari belgilangan.

Konsepsiyada ko'zlangan asosiy maqsadimiz, zamonaviy innovatsion iqtisodiyot talablariga javob beradigan umumta'lim dasturlari va yangi davlat ta'lim standartlarini joriy etish, ta'lim sifatini baholash bo'yicha xalqaro baholash dasturlarda doimiy ishtirok etishdir.

Bugungi kunda xalqaro baholash dasturlari ichida butun dunyoda keng qamrovli va muntazam ravishda o'tkazib kelinayotgan, o'ziga xos ahamiyatga ega dasturlardan biri PISA hisoblanadi [2, b. 5-10].

PISA (The Programme for International Student Assessment)-o'quvchilarning o'qish (matnni tushunish), matematika va tabiiy fanlardan savodxonligini baholashga qaratilgan xalqaro baholash dasturi bo'lib, o'quvchilarning maktabda egallagan bilim va ko'nikmalarini hayotiy vaziyatlarda qo'llay olishlarini aniqlashga mo'ljallangan. Shuningdek, PISA xalqaro baholash dasturi o'quvchilarning ta'lim olishga bo'lgan munosabati va motivatsiyasi haqida qimmatli ma'lumotlar to'playdi hamda ularning muammoni hal qila olish ko'nikmalarini ham baholaydi. Masalan, global ahamiyatga ega masalalarni hal etishda o'quvchi-yoshlarning fikr-mulohazalari va ular bergan taklif va yechimlarni baholaydi.

Hozirgi kunda PISA xalqaro baholash dasturida qariyb 80 dan ortiq davlatlar ishtirok etmoqda. Tadqiqotning har uch yilda bir marotaba o'tkazilishi esa davlatlarga o'z ta'lim tizimida kelajakda erishish ko'zda tutilgan asosiy maqsadlarni aniqlab olishga imkon yaratadi.

PISA 15 yoshli o'quvchilarning bilim va ko'nikmalarini baholash bo'yicha yagona xalqaro baholash dasturi hisoblanadi. Shuningdek, dasturdan quyidagi masalalar o'rin oladi:

- ✓ davlat siyosati masalalari: "Maktablar o'quvchi yoshlarni katta hayotga o'tishlariga munosib ravishda tayyorlay olyaptimi?", "Ayrim turdagi o'quv dasturlari boshqalariga nisbatan samaraliroqmi?", "Maktablar muhojirlar yoki og'ir ijtimoiy sharoitdagi o'quvchilarning kelajagi yaxshilanishiga yordam beradimi?" kabi ba'zi bir savollarga javob topishdan iborat;
- ✓ savodxonlik: PISA muayyan maktab o'quv dasturlarining ustunligini o'rganish o'rniga, o'quvchilarning asosiy mavzularda bilim va ko'nikmalarini qo'llay olish qobiliyati, muammolarni tahlil qilish, sharhlash va samarali hal qilish, fikrlash va muloqot qilish imkoniyatlarini ko'rib chiqadi;
- ✓ hayot davomida o'rganish: o'quvchilar maktabda o'rganishi lozim bo'lgan hamma narsani to'liq o'zlashtira olmaydilar. Samarali o'rganuvchi bo'lish uchun nafaqat bilim va ko'nikmalarni, balki ular qanday va nima uchun o'rganilishi haqida xabardor bo'lish lozim.

PISA o'quvchilarning o'qish (matnni tushunish), matematika va tabiiy fanlardan savodxonligini baholash bilan bir qatorda ularning ta'lim olishga qiziqishlari, o'zlari haqida ma'lumot va ularning ta'lim strategiyasi haqidagi fikrlarini so'raydi. Tabiiy fanlar bo'yicha savodxonlik deganda shaxsning tabiiy fanlarga oid g'oyalarni bilishi, faol fuqaro sifatida tabiiy fanlar bilan bog'liq muammolarni hal qila olishi tushuniladi.

Tabiiy fanlar bo'yicha savodxon bo'lgan shaxs tabiiy fanlar va texnologiyalarga oid muammolarni ilmiy dalillarga asoslangan holda muhokama qilishda ishtirok eta oladi.

Ko'rinib turibdiki PISA xalqaro baholash dasturida O'zbekistonning ishtiroki yurtimiz ta'lim tizimida yaxshi natijalarni qo'lga kiritishimizda bizga katta ko'mak beradi. Shuningdek dunyo miqyosidagi PISA reytingida o'z o'rnimizni belgilab berishi iqtisodiyotimiz uchun ham muhim ahamiyatga molik hisoblanadi. Shu o'rinda bu xalqaro baholash dasturida ishtirok etish uchun qanday tayyorgarlik ishlarini ko'rish lozim? degan savol tug'iladi. Buning uchun biz pedagoglarga o'z vazifamizdan ortiq talab qo'yilmaydi. O'tilayotgan mavzularni hayotga bog'lab, o'quvchilarimizni nafaqat oliy o'quv yurti uchun balki, hayotga tayyorlashimiz lozim bo'ladi. Buning uchun mutaxassislarimiz tomonidan bir qancha tavsiyalar berilgan, jumladan: o'qitishning faol va interfaol metodlaridan foydalanish, o'quvchilarning matnni tushunish, u bilan ishlash ko'nikmalarini rivojlantirish, turli ko'rinishdagi savol-topshiriqlar (matn, grafik, rasm va h.k.)ni bajarish, muammoli, qisman-izlanishli, tadqiqot xarakteridagi topshiriqlarni bajarish, o'qituvchi va o'quvchilarning kompyuter texnikasidan foydalanish ko'nikmalarini rivojlantirishlari, fanlararo bog'lanishlarni amalga oshirishga e'tibor qaratish lozim bo'ladi.

Rivojlangan davlatlar tajribasidan ma'lumki, "Ilm-fan va ta'lim hisobiga mamlakatni yuksaltirish" eng maqbul yo'l ekanligini ko'rsatmoqda. Shu asnoda yurtimizning PISA xalqaro baholash dasturida ishtiroki bizga yaxshi natijalarni beradi degan umiddamiz. Zero eng yaxshi sarmoya ta'lim uchun qilingan sarmoyadir.

CHIZMACHILIK DARSLARIDAI ILG'OR TAJRIBALARNI O'RGANISH VA OMMALASHTIRISHDAGI UZVIYLIK

Abdurahimova Dilbar Abdurahmonovna - Namangan shahar

51-umumta'lim maktabi tasviriy san'at va chizmachilik fani o'qituvchisi

Inson shaxsining kamol topishi juda murakkab va uzluksiz jarayon davomida shakllanadi. SHunday ekan ta'lim - tarbiya jarayoni ham juda murakkab va mahsuliyatlidir. O'zbekiston davlat siyosatining ustuvor yo'nalishlardan biri milliy qadriyatlarimiz, ezgu g'oyalarimiz asosida mustaqil fikrlaydigan, jamiyatga munosib, faol fuqarolik pozitsiyasiga ega bo'lgan, o'z sohasi bo'yicha raqobatbardosh yoshlarni tarbiyalashdir.

Ilmiy texnik taraqqiyotni talablarining asosi bu chizmachilikdir. Tasviriy san'at va chizmachilik darslarida yangi zamonaviy metodlardan foydalanish, ilg'or ish tajribalarini ommalashtirish davr ta'labi. SHu asosda o'quvchilarni mehnatga va ijodiy yaratuvchanlik faoliyatiga tayyorlashga, fazoviy tasavvurlarini rivojlantirishga yordamlashadi. Bunda o'quvchilarni real buyumlarning shaklini va konstruksiyasini taxlil qilish va ularning obrazini chizmaga qarab tasavvur qilishga, chizmani o'qishga o'rgatish vazifasi qo'yiladi.

O'quvchilarga ta'lim berishning zamonaviy axvoli, ularning nazariy tomondan tayyorgarligini oshirishning yangi yo'llarini izlash, ijodiy mehnatga tayyorgarli, asosiysi esa vosita va metodlar, shu jumladan boshlang'ich maktab chegarasida vosita va metodlarni izlashdir.

Keyingi yillarda ta'limning o'yinli shakli eng istiqbolli va eng muvaffaqiyatli yangilik bo'lib namoyon bo'ladi.

Didaktik sharoitda maqsadga intilish, faollik, tezkorlik va tafakkur mahsuldorligi, mustahkamlik, xotira tezkorligi, takomillashganlikva o'z kuchi, irodasiga ishonch tuyg'ular shakllanadi.

SHunga ko'ra kichik yoshdagi bolalarning chozmachilik ta'lim-tarbiyasida asosiy faoliyatlaridan biri bo'lib hisoblangan narsa o'yindir. O'yin texnologiya yordamida tashkil qilingan chizmachilik darslarda atrof-muhit bilan tanishtirish, ularning kuzatuvchanligi, diqqat-e'tibori, chizmachilik xotirasini rivojlantirish, ya'ni aqliy faoliyatlarini kuchaytirish nazarda tutiladi.

1. O'yinning vazifasi.
2. O'yin harakati;
3. O'yin qoidasi;
4. O'yin yakuni;

1. Har bir o'yinda ma'lum didaktik maqsadga qaratilgan vazifa qo'yiladi. Bu vazifa bolalarga bilim va ma'lumot berishni ko'zda tutadi. Har bir o'yin bolalardan ma'lum vazifani bajarishni talab qiladi. Bu vazifani bajarish maqsadida bola o'zining fikrlash qobiliyatini aktivlashtiradi, oldingi olgan bilim va tushunchalarini esga tushitishga harakat qiladi. Har bir o'yin o'zining ma'lum yakuni natijasiga ega. O'yinda ma'lum kutilgan natijaga erishish esa o'yin qoidasiga rioya qilish, vazifani bajarish orqali amalga oshiriladi. O'yin shunday yakunlandiki, bolalar o'yindan ma'naviy ozuqa oladilar, ularga ma'lum darajada bilim beradi, yangi bir naesaga o'rgatiladi. O'quvchilar esa har bir qiziqarli o'yindan so'ng o'zlarini xursand, xushchaqchaq sezadilar, ularning ehtiyoji qoniqtiriladi. O'uin oxirida o'yin jarayonida vazifani, o'yin qoidasini yaxshi, namunali bajargan o'quvchilar rag'batlantiriladi, ularning faoliyatlari alohida qayd qilib o'tiladi.

O'quvchilarning shaxsiy sifatlarini hisobga olish asosida shu sifatlarni ijobiylashtirish va rivojlantirish maqsadlariga erishish uchun darsda o'quvchilarga mustaqil vazifalar berish, ularning mustaqil hulosalari chiqarishlarini, bir- birlaridan o'rganishlarini tashkil qilish, ularning o'qishlari uchun qulay muhit yaratishga alohida e'tibor berish talab qilinadi. Ta'lim bilan tarbiyaning uzviylikini ta'minlash.

O'quvchilarning shaxsiy sifatlarini hisobga olish, ijobiylashtirish va rivojlantirish. O'quvchilarning yosh xususiyatlarini ta'lim- tarbiya jarayonida hisobga olish, ularning shaxsiy sifatlarini bilish, tahlil qilishga yakka tartibda yondashishda hozirgi yosh psixologiyasi va pedagogikasining qoidalari va talablaridan kelib chiqiladi. Bunda o'quvchilarning bir - birlariga nisbatan tayyorgarliklari, qiziqishlari va fanlarni turlicha o'zlashtirishlari bilan farqlanishini hisobga olish asosiy masalalardan hisoblanadi. Shunga muvofiq ravishda o'qituvchilarning ham bir- biridan o'qitish uslubi, o'quv-tarbiya jarayonini rejalashtirish bo'yicha farqlanishini hisobga olgan holda har bir o'qituvchining ma'lum vaqt davomida o'pedagogik texnologiyaimal natijaga, ya'ni o'quvchilarning ko'zda tutilgan darajada o'zlashtirishlariga erishish yuzasidan individual yondashuvlari mavjud.

O'quvchilarning shaxsiy sifatlarini hisobga olish asosida shu sifatlarni ijobiylashtirish va rivojlantirish maqsadlariga erishish uchun darsda o'quvchilarga mustaqil vazifalar berish, ularning mustaqil hulosalari chiqarishlarini, bir- birlaridan o'rganishlarini tashkil qilish, ularning o'qishlari uchun qulay muhit yaratishga alohida e'tibor berish talab qilinadi. Ta'lim bilan tarbiyaning uzviylikini ta'minlash.

O'quvchi shaxsiga yo'naltirilgan ta'lim amalga oshiriladigan ayrim noan'anaviy dars shakllarini keltiramiz:

Sho'ng'ish darsi - ma'lum bilimlarni egallash uchun eng qulay muhitda bo'lish yoki shunday muhit yaratish orqali mavzuni faol o'rganish mashqlaridan iborat. Musobaqa darsi- o'quvchilarning o'zaro musobaqalashuvini tashkil etish orqali bilimlarni mustahkamlash mashqlari.

Konsultatsiya darsi - dars jarayonida o'quvchilarning o'zaro hamda o'qituvchining konsultatsiyalarini tashkil etish orqali darsni o'zlashtirish mashqi.

Ijod darsi - o'quvchilarning mustaqil ijod etishlarini tashkil qilish darsi. Sinov darsi - o'quvchilarning o'zlashtirishini turli shakllarda sinash tashkil qilinadigan dars.

Shubha bildirish darsi - dars mavzusi bo'yicha qoidalar, xulosalarni agar notog'ri deb hisoblansa, nimalar bo'lishi mumkinligi haqida qiziqarli bahs va tahlillar o'tkazish orqali yangi mavzuni tushuntirish darsi.

Ijodiy hisobotlar darsi- o'quvchilarning ayrim mavzular bo'yicha mustaqil o'rgangan bilimlari va xulosalari taqdimoti.

Umumlashtirish darsi - ilgari o'tilgan mavzular bo'yicha olingan bilimlarni umumlashtirish mashqlarini o'tkazish darsi.

Ilmiy-fantastika darsi - o'quvchilarning o'rgangan bilimlari asosida ijodiy xayol, taxminlar o'ylab topishlari mashqini o'tkazish orqali mustaqil fikrlashlarini kengaytirish darsi.

Haqiqatni izlash darsi - dars mavzusiga doir ayrim masalalar yuzasidan o'quvchilarning mustaqil fikrlar bildirishni tashkil etish orqali haqiqatni aniqlash va mavzuni o'zlashtirishni ta'minlash darsi.

"Paradokslar" darsi- o'quvchilarning faolliklari va qiziqishlarini oshirish maqsadida o'rganilayotgan mavzuni har turli "paradokslarga" bog'lab bayon qilish hamda tegishli tahlillar o'tkazish asosida to'g'ri xulosalarni aniqlash darsi.

Seminar darsi- yangi dars mavzusiga doir savollar bo'yicha o'quvchilarga oldindan berilgan topshiriqlarni bajarish natijalari to'g'risida ma'lumotlarni tinglash orqali sinfdagi barcha o'quvchilar darsni o'zlashtirishlarini va bilimlarini mustahkamlashni ta'minlash darsi.

Ekskursiya darsi - bu darslarda o'quvchilarni turli ob'ektlar: muzey, ziyoratgoh, korxonalar, ustaxona, tabiat ob'ektlari, ilmiy muassasa, kollej, litsey va boshqalarga olib borish va tanishtirish orqali ularning bilimlarini hayot bilan bog'lash va kasbga yo'naltirish ishlarini amalga oshirib borish ta'minlanadi. Juda uzoqdagi va borish qiyin bo'lgan ob'ektlarga, ular to'g'risida filmlar, turli ko'rgazmali va boshqa materiallar mavjud bo'lgan hollarda, ularni o'quvchilarga namoyish etib, tushuntirish orqali videoekskursiyalar tashkil etish ham mumkin.

MOTIVATING AND ENGAGING STUDENTS IN READING

Abdusattorov Abduvohid Abdumuxtor o'g'li

Andijon viloyati, Andijon tumani 16-umumiy o'rta ta'lim maktabi ingliz tili o'qituvchisi

You can certainly ignore motivation if you choose. But if you do, you may be neglecting the most important part of reading. There are two sides to reading. On one side are the skills which include phonemic awareness, phonics, word recognition, vocabulary, and simple comprehension. On the other side is the will to read. A good reader has both skill and will. In the "will" part, we are talking about motivation to read. This describes children's enjoyments, their wants, and their behaviors surrounding reading. A student with skill may be capable, but without

will, she cannot become a reader. It is her will power that determines whether she reads widely and frequently and grows into a student who enjoys and benefits from literacy. So we think you should care about motivation because it is the other half of reading. Sadly, it is the neglected half.

What is motivation?

Many teachers think of a motivated reader as a student who is having fun while reading. This may be true, but there are many forms of motivation that might not be related to fun and excitement. What we mean by motivation are the values, beliefs, and behaviors surrounding reading for an individual. Some productive values and beliefs may lead to excitement, yet other values may lead to determined hard work. We talk about three powerful motivations that drive students' reading. They operate in school and out of school, and they touch nearly every child. Some students may have all of these motivations and some may have only one. For some students, these motivations appear in the positive form driving students toward reading. For other students, the motivations are negative and push students away from books. When we talk about reading motivations we refer to (1) interest, (2) dedication, and (3) confidence. An interested student reads because he enjoys it; a dedicated student reads because he believes it is important, and a confident student reads because he can do it. We discuss each of these in this essay with an emphasis on dedication. Research says that skill and will (motivation) go together. Usually, students who are gaining in skill are gaining in motivation as well; a student whose motivation increases because she is inspired by a terrific teacher will grow in reading skills. Research also says that these three motivations are independent. A student may be interested and read for enjoyment, but not dedicated and not seeing the importance of hard work in reading. A student may also be interested and want to read but not be confident in her ability. So confidence can be a problem when other motivations are not a problem for a student. Research also says that motivation comes from the teacher in the classroom. Of course, motivation may be stimulated by home and may be influenced by peers, but the teacher is the main actor influencing a student's development of reading motivation.

What can a teacher do?

We offer six motivation practices that teachers can implement daily in the classroom. These practices can be brought into every lesson and directed to every student. Teachers do not have to wait for motivation to come from the outside. They can make it happen any time they want to implement one of these six practices. Research undergirds the impact of these practices on students becoming avid readers and on students becoming achieving readers. We provide examples of these practices from the literature and from our own experiences in our research and teaching.

Motivations to read—interest, confidence, dedication

Interest

When we think of motivation our mind first turns to interest. Motivation is enjoying a book, being excited about an author, or being delighted by new information. Researchers refer to interest as intrinsic motivation. Meaning something we do for its own sake. On a rainy day, we might rather read our favorite mystery than do anything else. We are not trying to get a reward when falling into a novel. Motivation also brings to mind the reward for success. Who doesn't like to win a trinket for hitting the target with a dart at the State Fair? Who doesn't want to earn serious money for working hard in a career? These are extrinsic rewards because someone gives them to us. We do not give them to ourselves, and these rewards do propel us to put out effort, focus energy, and get up in the morning. Yet, extrinsic rewards do not motivate reading achievement in the long term. Students who read only for the reward of money, a grade, or a future job are not the best readers. The reason is that if you read for the reward of a good quiz score, what happens after the quiz is that you stop reading. If the test score is the only thing that matters, it is OK to take shortcuts, not really understand, or cheat. It encourages students to become more interested in the reward than the learning. None of these generate long-term achievement. Sometimes a reward, such as candy or early recess, will jump-start a group of students to read in this moment for this purpose. But if the motivation is not intrinsic, it will not increase achievement in the long term. For some individuals, grades represent their quality as a student and a reader. Being a high achiever is a symbol of how they are doing. A high grade is an icon of success and these students strive to feel successful.

One student told us that he read as practice to improve as a reader and get better grades. He said, "Reading a lot helps you read better 'coz at first I wasn't a very good reader but now I'm doing really good." This point came up again and again. Another boy said, "If I keep reading then like you can do better in high school and then you'll get good, better grades." Readers who identify with school see grades as an emblem of their success and a reason to have confidence. Interest comes in two forms—situational and enduring. Situational interest is fascination with a detail in the here and now: a picture in a book, a link in a Website, a funny comment by a character, or an amazing fact about animals will all excite situational interest. This does not last until tomorrow or next week. Situational interest does not generate achievement because it is locked into the local event. Situational interest can become enduring if it recurs with teacher (or other) continuing support. If a student finds one type of novel he likes, such as realistic fiction, and is helped to find more and to understand them fully, he may, over time, grow an enduring motivation for reading fiction. But the situational motivation is not sufficient to assure the full maturation of intrinsic motivation. One of our goals in schools is to foster intrinsic motivation, the enjoyment and fulfillment in reading.

Confidence as a reader

Belief in yourself is more closely linked to achievement than any other motivation throughout school. The reason is that confidence, which refers to belief in your

capacity, is tied intimately to success. This link occurs for simple, daily reading tasks. A student who reads one page fluently thinks he can read the next page in the same book proficiently. The link is also forged for reading in general. A student who reads fluently and understands well is also sure of himself as a reader. In and out of school, people like the things they do well. Conversely, students who struggle begin to doubt their abilities. They expect to do poorly in reading, writing, and talking about text. The real dilemma is that lower-achieving students often exaggerate their limitations. Believing they are worse than they really are, they stop trying completely. Retreating from all text interactions, they reduce their own opportunity to do what they want to do more than anything—to be a good reader. Their low confidence undermines them even further in a cycle of doubt and failure. By middle school, breaking this cycle is a formidable challenge for teachers.

Professional development

Teaching to the second side of reading, the will to read, like teaching to the first side, is a matter of teacher expertise. There is no formula or off-the-shelf program for motivating students. The good news is that teachers can rapidly learn to be more effective at encouraging engagement. With a short amount of professional development, teachers can learn to give choices that lend students a sense of empowerment. In a slightly longer, but realistic amount of time, teachers can gain a grip on implementing all the teaching practices for elementary school mentioned here. For secondary level, a book and guide for self-reflection about engagement is available.

CAD/CAM/CAE TIZIMLARINI O`QUV JARAYONIGA QO`LLASH TAJRIBASI VA AHAMIYATI

*Ibragimov Ulug`bek Muradilloevich
Buxoro muhandislik texnologiya instituti*

Avtomatlashtirilgan loyihalash tizimlarini o`rganish dolzarbligi nafaqat dasturiy ta`minotni ishlab chiqaruvchilar orasida muhandislik xizmatlari bozorida raqobatni kuchayishi bilan bog`liq, balki korxonalarda ushbu dasturiy ta`minotlardan foydalanuvchilar sonini oshishi bilan ham bog`liqdir. Zamonaviy avtomatlashtirilgan loyihalash dasturlari qoida bo`yicha detallar va bog`lamlarni zaruriy hajmlari va formalarini olish uchun uch o`lchamli geometrik modellashtirish texnologiyalarini qo`llashadi, natija sifatida yarimavtomatik chizmalarni shakllantirish va standartga mos ularni rasmiylashtirish imkonini beradi. Shuni tushunish kerakki, mos dasturiy vosita yordamida loyihalash ob`yektini uch o`lchamli virtual aks etish loyihalashda, texnologik ishlab chiqarish va texnikaning barcha sohalarida maxsulotni tayyorlash katta potentsialga ega. O`zida barcha konstruktorlik-texnologik ma`lumotlarini saqlovchi uch o`lchamli kompyuter geometrik modeli, loyihalashning boshqa ichki tizimlariga grafik ma`lumot almashinishi sifatida standart fayllar import/eksporti orqali yoki to`g`ridan-to`g`ri uzatiladi. Ushbu model aralashgan avtomatlashtirilgan loyihalash (kinematik tahlil, yig`ma modellar va hokazolar), muhandislik tahlili, SDB(sonli dasturiy boshqaruv) qurilmalari uchun tayyorlash va muhandislik hujjat aylanishini boshqarish vazifalarini yechish uchun xizmat qiladi.

Buxoro muhandislik-texnologiya institutida “Texnologik jarayonlarni boshqarishning axborot-kommunikatsiya tizimlari” kafedrasida 2015 yildan buyon magistratura mutaxassisligi uchun “Muhandislik loyihalashning avtomatlashtirilgan tizimlari (CAD/CAE/CAM)” fani kiritilgan. Ushbu fan doirasida quyidagi dasturiy maxsulotlar imkoniyatlari bo`lajak muhandisga o`qitilib kelinmoqda:

PowerShape - dasturida uch o`lchamli modellarni yaratish va eksportlash;

SolidWorks – uch o`lchamli modellarni tayyorlash va simulyatsiyalash jarayonlarini ko`ib chiqish;

Feature CAM – tizimida jarayonlarni simulyatsiyalash va NC kodlarni generatsiyalash;

SRP Player – Roland MDX-40A rusumli sonli dasturiy boshqaruvga ega bo`lgan qurilmada detallarni tayyorlovchi dasturiy vositada freyzalash jarayonini amalga oshirish;

Adams – dasturida jarayonlarni simulyatsiyalash ketma-ketligini ko`rib chiqish;

ARTCAM - dasturida uch o`lchamli modellarni yaratish va eksportlash.

Bunda o`quv jarayoni shunday tashkil etilganki, ushbu fanni yakunlagan muhandis mutaxassis o`zining geometrik modellashtirish va muhandislik tahlil bilimlarini kelajakdagi loyihalarda va aniq bir muhandislik masalalarni yechishda qo`llashi mumkin bo`ladi. Bundan tashqari bo`lajak muhandis mutaxassis kafedra laboratoriyasida mavjud Roland MDX-40A freyzali uskunada va Ultimaker 3D printerida real ishlash tajribasiga ega bo`ladi.



Rasm-1. Talaba magistrant Roland MDX-40A freyzalash uskunada ish ustida.



Rasm-2. Ultimaker 3D printeri.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, bugungi kunda nafaqat "Texnologik jarayonlarni boshqarishning axborot-kommunikatsiya tizimlari" mutaxassisligi balkim, Respublikamizning muhandislik institutlarining ko'pgina mutaxassislik va bakalavriat yo'nalishlarida "Muhandislik loyihalashning avtomatlashtirilgan tizimlari (CAD/CAE/CAM)" fanini kiritishni taklif etgan bo'lardik. Bu esa tayyorlanadigan muhandislar sifatini oshirishga olib keladi. Hamda yuqorida sanab o'tilgan va foydalaniladigan ta'lim uchun arzon hamda sifatli quurilmalardan foydalanish bo'lajak muhandis nafaqat nazariy bilimlarga, balkim yetarli tajribalarga ega bo'lishiga zamin yaratadi.

TA'LIM SIFATI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA XALQARO TAJRIBALARDAN FOYDALANISH: MUAMMO VA YECHIMLAR

Sirdaryo VXTXQTM OHM "Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim kafedrası" dotsenti A. Jonibekov

Bugungi kunda mamlakatimiz ta'lim tizimi oldida turgan dolzarb vazifa, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 24-yanvar kuni Oliy majlisga Murojaatnomasida ilgari surilgan hayotiy muammolardan biri - ta'lim tizimini muntazam takomillashtirish, sifatli ta'lim berish yuqori malakali kadrlar tayyorlash natijasida, Yurt taraqqiyotining yangi rivojlanish bosqichiga ko'tarishdir.

"Uzluksiz ta'lim tizimidagi ushbu dolzarb muammoni yechimini esa" Nafaqat yoshlar, balki butun jamiyatimiz a'zolarining bilimli, saviyasini oshirish uchun avvalo ilm-ma'rifat, yuksak ma'naviyat kerak. Ilm yo'q joyda qoloqlik, jaholat va to'g'ri yo'ldan adashish bo'ladi.

Sharq donishmandlari aytganidek: "Eng katta boylik-bu aql-zakovat va ilm, emg katta meros bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik-bu bilimsizlikdir!

Shu sababli hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o'zlashtirish, chinakam ma'rifat va yuksak madaniyat egasi bo'lish uzluksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak, deb mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev ma'ruzasida bayon qilingan va aniq belgilangan. Ushbu dolzarb vazifalarni O'zbekiston ta'lim tizimi sifati samaradorligini oshirishda o'zimizning ta'lim tizimidagi ilg'or milliy ta'lim-tarbiya berishda qo'llaniladigan o'qitish texnologiyalardan o'qitishdagi ilg'or usul va uslublaridan va xorijiy mamlakatlardagi zamonaviy ta'lim berish tajribalaridan unumli foydalangan holda amalga oshirish mumkin deb o'ylayman.

Yuqorida keltirilgan bu dolzarb muammolarni to'g'ri yechimini topish va uni sifatli amalga oshirish uchun nimalar qilishimiz kerak?

O'quvchilarni o'qitish jarayonida qanday ilg'or milliy o'qitish texnologiyalardan ta'lim-tarbiya berishda yuqori natijalarga erishish mumkin bo'lgan pedagogikaning qanday qonunlari va tamoyillaridan, qanday pedagogik innovatsion texnologiyalarni usullaridan foydalanish zarur?

Ilg'or xorijiy davlatlarda ta'lim- tarbiya tizimida qo'llanilib, yaxshi natijalar olish imkoniyatini bergan zamonaviy ta'lim berish majburiyatlaridan unumli foydalanish metodlarini ishlab chiqish va o'quvchilar bilan olib boriladigan o'quv jarayoniga uni joriy etishda qanday natijalarga erishamiz? Ushbu yechimni topishga qo'yilgan maqsadlar, uzluksiz ta'limda faoliyat olib borayotgan har bir ta'lim tarbiya nazariyasi va amaliyoti bilan shug'ullanadigan tarbiyachi, fan o'qituvchilari va pedagog olimlar oldidagi eng dolzarb vazifadir.

Bu dolzarb vazifalarning yechimini topish va so'zsiz uzluksiz ta'lim tizimida farzandlarimizni aql-zakovat va ilm ziyosi bilan ta'minlab ularni bilimli va ma'naviyatli kadrlar sifatida shakllantirayotgan pedagog, o'qituvchilar va tarbiyachilarning kompetentligiga bevosita bog'liq.

Bu vazifani o'z soxasi bo'yicha bilimdon va tajribali to'g'ri muloxaza yurita oladigan, o'zi dars beradigan soxasi bo'yicha yuqori saviyali o'ziga va o'qitadigan jarayoniga ta'lim-tarbiya berayotgan talabalariga va o'quvchilariga nisbatan talabchan, ta'lim sifati va samaradorligiga zamon talabiga aosan amalga oshiradigan layoqatli pedagoglar, o'qituvchilar va tarbiyachilarning amalga oshira oladi.

Birinchidan bizning dinimizga layoqatli pedagog o'qituvchilar va tarbiyachilar yuqorida bayon qilinganidek muammolar yechimini topishda, bugun ajdodlarimiz bo'lgan Sharq mutafakkirlarining ilmiy tajribasi o'rganishi va ulardagi Beqiyos ma'naviy boyliklardan biri bo'lgan inson ta'lim-tarbiyasiga oid g'oyalaridan, fikr muloxazalaridan olib ta'lim talabalarini, maktablari o'quvchilariga va maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilariga beriladigan ta'lim tarbiya maqsadida amalga oshirishda, uning zamon talabiga javob beraoladigan mazmunidagi o'quv tarbiyaviy ishlarni ro'yobga chiqarishda foydalanish yaxshi natijalarga erishish imkoniyatini yaratadi.

Jumladan xar kimki, ilm-xikmatini o'rganaman desa, uni yoshligidan boshlasin, salomatligi yaxshi bo'lsin, xush axloq va odobli bo'lsin, so'zining ustidan chiqsin, yomon ishlardan saqlanadigan xayotiy va makr xiyaladan uzoq bo'lsin. Bilim, ma'rifat yaxshi axloq bilan bezanmog'I lozim, deb

dunyoda ikkinchi muammo sifatida tan olingan qomusiy ajdodimiz Abu Nasr Farobiy aytgan bu hikmatli soʻzlarni oʻquvchi yoshlarimiz ongiga singdirish natijasida bilimli maʼrifatli va axloqiy tasavvur va tushunchaga ega shaxs sifatida shakllanishiga ordam beradi.

Oʻzbekiston Respublikasi taʼlim tizimining sifati samaradorligini oshirish birinchi galda albatta, oliy taʼlim auditoriyalarni talablarida umumiy oʻrta taʼlim maktablari oʻquvchilar xar bir oʻqitilayotgan oʻquv fanlaridan amalga oshiradigan bilimli, koʻnikma va malakalarni xosil qilinadigan kompetentsiyalarni shakllantiradigan maʼruzalarni amaliy mashgʻulotlarni biroz jadallashtirib, qisqa vaqtda talablarni oʻquvchilarni oʻylaydigan, chuqur fikrlaydigan mustaqil xulosa tajribalardagi baxolash dasturini taʼlim jarayoniga joriy etish boʻyicha ilgʻor tajribalarni ommalashtirish asosida taʼlim tizimidagi oʻqitish jarayoniga qoʻllanilayotgan pedagogik texnologiyalar oʻqitishda sifati va samara berayotgan innovatsion texnologiyalar va interfaol metodlarni oʻz oʻrnida qoʻllash natijasida erishayotgan yutuqlarimizni va ularni siyosiy taxlil qilish orqali roʻyobga chiqadi.

Taʼlim tarbiya tizimiga qoʻyilgan yuqorida bayon qilingan muammolar yechimini topish, ikkinchidan toʻgʻridan toʻgʻri xayot taʼlimi xodimlarini xayotga tayyorlash va ularning malakasini oshirish xududiy markazlari professor oʻqituvchilari tomonidan amalga oshiriladigan asosiy vazifa oʻquv. Bu vazifani amalga oshirish uchun esamarkaz professor oʻqituvchilari oʻz soxasi boʻyicha malakasini oshirish uchun kelgan maktabgacha taʼlim muassasalari va umumiy oʻrta taʼlim fan oʻqituvchilari amaliyotda oʻqitilib bilim beriladigan zamonaviy darslar mazmunidan keib chiqqan holda DTS va DT meyoriga yangi bilimlarni berish pedagogic va innovatsion texnologiyalardan interfaol va milliy oʻqitishda yaxshi natijalar beradigan usullardan Akt va multimedia vositalaridan dars jarayonida unumli foydalangan holda xar bir soatlik dars sifati va samaradorlikka erishish yoʻllarini oʻrganish zarur.

Bu oʻz oʻzidan amalga oshmaydi. Buni amalga oshirish uchun xar bir taʼlim tarbiya beruvchi professor oʻqituvchi oʻz soxasini va buni amalga oshirish metodlarini sifati va topish uchun oʻz ustida oʻqitiladigan fan soxasidagi yangiliklarni chuqur bilim uchun tinimsiz izlanish ijodiy ishlashi oʻqitishning zamon talabiga javob beradigan samarali yoʻllarni izlash va uni oʻzimizdagi va xorijiy davlatlardagi taxlil qilish asosida ularni samara beradiganni tanlay bilish qoʻllash natijasida, darsda qarorlangan natijaga erishish yoʻllarini uni oʻz oʻrnida amaliyotga foydalanish tinglovchilarga oʻrgatish taʼlimda sifati samaradorligini taʼminlashga olib keladi

Xulosa qilib aytganda buyuk Sharq allomalarining ilmiy merosidagi yoshlar taʼlim-tarbiyasiga gʻoyalardan, taʼlim-tarbiya tizimi rivojlangan xalqaro mamlakatlar tajribasidan va Oʻzbekistonning taʼlim tizimidagi barcha oʻquv fanlaridan oli borilayotgan oʻquv mashgʻulotlarida oʻqitishning yangi texnologiyalaridan interfaol metodlardan AKT va multimedia vositalaridan unumli oʻz oʻrnida oʻquvchi yoshlarga bilim berish taʼlim-tarbiyani amalga oshirishda undan foydalanish uzluksiz taʼlim tizimi bosqichlaridagi oʻquv jarayonning sifati va samaradorligini oshirish imkoniyatini beradi, va Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy majlisga Murojatnomasida taʼlim-tizimini oldiga qoʻygan dolzarb muammolarning yechimini topishga xizmat qiladi deb oʻylayman.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sh.M.Mirziyoyev Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti. Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojatnomasi. Yangi Oʻzbekiston ijtimoiy-siyosiy gazetasi. Toshkent 25-yanvar 2020-yil

ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Абдурахманова Дилфуза Бахрамовна
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 16- умумтаълим
мактаби бошлангич таълим ўқитувчиси*

Хозирги даврда мамлакатимизда таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоқлари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлиқ янги имкониятлар яратиб берилмоқда. Таълимни аънавий усуллари урнида интерфаол усуллари қўллаш орқали уни самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб турибди.

Иновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга

бўлган кизиқиш, кундан-кунга ривожланиб бормокда. Бундай бўлишини сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий педагогик технологиялар дарс жараёнига тадбиқ этишда эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерфаол усуллар ўқувчиларни билимли, кўникама ва малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган кизиқиш, кундан-кунга ривожланиб бормокда. Бундай бўлишини сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқувчиларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий педагогик технологиялар дарс жараёнига тадбиқ этишда эса, уларни эгаллаётган билимларини ўзлари кидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига ўргатади. Педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерфаол усуллар ўқувчиларни билимли, кўникама ва малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Интерфаол методлар бу-жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари узига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва бошлагич синф ўқувчиларнинг кичик гуруҳларга бўлиб, биргаликда фаолият курсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни узига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар қиради:

- ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- ўқувчиларни ўқув жараёнида фанга ва билим олишга бўлган кизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- ўқувчининг билимга бўлган кизиқишини мустақил равишда бажариши ва ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;

Педагог ва ўқувчиларнинг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилиниши назарга тутилади..

Жамият таракқиёти ҳеч қачон тухтаб қолмайди, унинг Гилдираги доимо олдинга қараб айланаверади, бу албатта табиий, тарихий жараёндир. Шунинг учун ҳам биз ўқитувчилар бу борада илғор педагогик технологияларни дарс жараёнига кенг тадбиқ этишимиз даркор. Дарс жараёнида ўқувчиларга таълим- тарбияни биргаликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи ўқувчиларни маънавий, бадиий ва ахлоқий маданиятларини шакллантириши, уларда миллий ғурур ва ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишини таъминлаши зарур.

Биз биламизки «Педагогика» таълим - тарбия ҳақидаги фан сифатида тарбиянинг моҳиятини тушунишини ва унинг қонуниятларини очиқ бериши ҳамда шу орқали инсон манфаатлари тарбия жараёнига таъсир этишини назарда тутати. Бу албатта қўлгина муаммоларни ҳал этишда яқиндан ёрдам беради. Илғор педагог мураббийлар тажрибаси билан бир қаторда оддий ўқитувчиларнинг фаолиятлари ҳам ўрганиб борилади. Чунки тажрибаларни ўрганиш жараёнидаги муаммо: ютуқ ва камчиликлар аниқланади. Бунда кузатиш, интервью олиш, анкеталаштириш, ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки ҳамда амалий ва ижодий ишлари, педагогик ҳужжатларни ўрганиш методларидан унумли фойдаланилади.

Ўқитувчи-ўқувчи дарснинг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган, бунда ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан: натижага эришиш учун балким фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак булар, булар ўқитувчи ва ўқувчига боғлиқ.

Ўқитувчи ўқитиш жараёни олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнида педагог ўқув предметининг узига хос томонини, жой ва шароитини, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиши керак, шундагина, керакли қарор қабул қилинган натижага эришиш мумкин. Қиска қилиб айтганда, ўқувчини таълимнинг марказига олиб чиқиш керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади. Улар жуда хилма - хилдир. Булар янги интерфаол усуллар ва таълим методлари ҳамда ҳозирда дарс жараёнида қўлланиладиган янги педагогик технологиялар шулар жумласидандир. Шу билан биргаликда айтиш лозим-ки, юқорида келтирилган замонавий методлар, ёки ўқитишнинг самарасини оширишга ёрдам берувчи технологик тренинглардан кенг фойдаланилса, ўқувчиларда манткий, ақлий, ижодий, танкидий ва мустақил фикрлаш шаклланади. Айниқса, ўқувчиларни қобилиятларини ривожлантиришга, рақобатбардор, етук мутахассис бўлишларига ҳамда мутахассисга керакли бўлган касбий фазилятларни тарбиялашга ёрдам беради.

ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Каримова Гулнора Ҳайдаркуловна
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 16-умумтаълим
мактаби бошланғич синф ўқитувчиси

Бугунги кун талаби ёш авлодга бериладиган таълим-тарбияни келажакка, ижодий кучларни ривожлантиришга, фан-техника тараққиётининг истиқболига мувофиқлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Бошланғич синф дарсларини ўқувчилар томонидан пухта ўзлаштиришлари учун таълим жараёнида дидактик ўйинлардан самарали фойдаланишимиз зарурдир.

Таълим ва ўқитиш мазмунининг назарий масалаларини, унинг шакли ва услубларини педагогиканинг бир қисми бўлган дидактика ўрганади. Умуман педагогика сингари дидактика ҳам ривожланади. Унинг риворланишига Ян Амос Каменский ҳисса қўшди. Унинг “Буюк дидактика” асари ўқитишни ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Бошланғич таълим дидактикасининг асослари Швецария педагоги И.Г.Пестолоци асарларида ишлаб чиқилган. Булардан ташқари рус дидактикасининг атоқли намоёниси К.Д.Ушинский бўлган. У ҳам ўқитиш масалаларини чуқур психологик асосини яратди. Ўзбек халқи орасида ҳам Ҳ.Ҳ.Ниёзий, А.Авлоний каби педагоглар етишиб чиқди. Улар ҳам ўзбек халқ мактабларини очиш, ўқувчиларга дарсликлар ёзиш каби ишларни давом эттирдилар.

Дидактикага асосланган ҳолда биз ўқувчиларга билим берамиз. Таълим жараёнида турли усуллардан фойдаланамиз. Дарс турини тўғри ва муваффақиятли ўтиш услубини ҳам тўғри танласак дарс яхши натижа беради. Ҳар бир дарсни кўргазмани ва техника воситалари билан ўтказиш жоиздир. Шундагина дарс билимга бой ўтади. Ўқитувчи изланувчан бўлиши, дарсларни ранг-баранг усулда ўтиши керак. Дарс кизиқарли ўтиши учун фақат кўргазма кураоллардан фойдаланиб қолмай, ўйин элементларидан, дарс давомида ҳаракатли дақиқалардан фойдаланиш лозим.

Ўйин элементларидан нафақат дарсда, балки дарсдан ташқари ишларда конференция дарсларида фойдаланиш мумкин. Бу албатта бошланғич синф ўқувчиларига мўлжалланган. Улар бу ёшда ўйинқарок, тез зерикувчан, диққати тарқоқ бўлади. Ўйин орқали уларни дарсга, мавзуга жалб қила олишимиз мумкин.

Бошланғич синф ўқувчилари ёш бўлгани учун уларга содда тилда тушунарли ҳолда билим бериш ва дарсларда ўйин элементларидан фойдаланиш лозим. Бола ҳаётининг асосий қисми ўйин билан ўтади. Ўйинлар фақат дидактик восита бўлмай, бола ҳаётининг асосий шаклидир. Шунинг учун биз ўйиннинг нозик томонларини егалламай туриб, ўйин фаолиятини бошқаришини ўрганмай туриб олдимизда турган масъулиятли воситаларни ҳал қила олмаймиз.

Ўйин орқали бола фаолияти мукамаллашади, уларни жисмонан ривожланишига ёрдам беради. Ўйин жараёнида қийинчиликларни, тўсиқларни енгишга ўргатиб боради. Ўйин болалар фаолиятининг асосий тури. Бола ўйин орқали материалларнинг кўриниши, ранги, тузилиши турли ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги ўзгаришларни англайдилар.

Ўйин- бу болалар учун ўқиш, меҳнат қилиш ва тарбия воситаларидир. Бирок, дарснинг асосий қисмини ўйин дарсига айлантириб қўймаслик лозим. Бола ҳаётининг асосий тури ўйиндир. “Бола учун ўйин воқелик”- деб ёзган эди К.Д.Ушинский, бинобарин, теварак атрофдаги воқелиқдир. У болага хусусан тушунарли бўлгани учун кизиқдир, ўйин болага шунинг учун тушунарлики, унда қисман боланинг ўзи яратган нарса бор. Болаларнинг ўйин фаолияти мактабгача ёшда пайдо бўлиб, ўз тараққиётида оддий тақлид қилишдан мураккаб ролли ўйинга қадар бўлган йўлни босиб ўтади, бу ўйин дастлаб кишиларнинг предметлар билан боғлиқ фаолиятини, сўнгра ўзига хос хусусиятларни акс эттиради.

Ўйин ўсиб бораётган бола организмнинг зарурий эҳтиёжидир ва у орқали болаларда ташкилотчилик кўникмалари тарбияланади. Аммо ўйин ҳар қандай шароитда ҳам ўйиндир. Шундай ўйинлар ҳам борки, улар болаларга мустақилликни, оддийликни, бир- бирига ёрдам бериш ҳиссини тарбиялайди.

Ян Амос Каменский Грамматик ўйинлардан системали фойдаланишнинг аҳамияти хусусида гапириб, бундай деб ёзган эди: “Бола соғлом бўлиши учун у доимий ҳаракатда бўлиши зарур, шундагина ўйин кизиқарли ўтади. Ўйинга раҳбарлик қилиш ва болаларнинг ҳатти-ҳаракатларини доимо кузатиб туриши керак. Чунки болалар ўйин жараёнида ҳар томонлама тарбияланадилар.

Психологик олимлар ўйинларни тўрт гуруҳга бўладилар:
1. Функционал ўйинлар.

Бу ўйинлар бола организмнинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим рол ўйнайди. Бу кичик ёшдаги болалар учун характерли бўлиб, унда болалар нима биландир шугулланадилар, турли предметлар билан танишадилар.

2. Қондали ўйинлар.

Бу ўйинларда болалар теварак-атроф ва муҳитдаги воқеалардан хабар топиб, идрок этиш билан кифояланади. Бунда кўриш, эшитиш, ҳис қилиш каби сезги органлари идрок қилади.

3. Ролли ўйинлар.

Бу ўйинда болалар ўзларини маълум бир ролини, қандайдир касб эгаси (шифокор, ўқитувчи, курувчи каби) вазифасини бажараётгандек ҳис этадилар. Ҳар бир бола ўзига тегишли ролни мувофақиятли бажаришга ҳаракат қиладилар.

4. Конструкторли ўйинлар.

Бу ўйиннинг асосий мазмуни қурилиши комплекслари, тахта, қум, қоғоз материалларининг парчаларини қирқиш, тахлаш сингари меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш кабилардан иборатдир. Конструкторли ўйинлар асосан иккига бўлинади.

Ижодий ўйинлар болалар ўзлари ўйиннинг мазмунини, мақсадини, қондасини топадилар. Ижодий ўйинларнинг асосий қисмини сюжетли расмли ўйинлар ташкил қилади. Ижодий ўйинлардан яна бири драматик ўйиндир. Ўйиннинг моҳияти ҳикоя ва ертақлардаги воқеаларнинг мазмунини тасвирлашдан иборат бўлиб, уларда бадиий адабиётлардаги персонажлар тасвирланади.

Қондали ўйин. Худди халқ ўйинлари сингари қизиқарли бўлиб, унда болалар ҳаёти, ўз тенгқурлари ва катталарнинг меҳнат фаолиятини тасвирлашга ҳаракат қиладилар. Демак, барча турдаги ўйинлар болаларнинг катталар фаолиятига кизиқишларига, уларга тақлид қилишига интилишларининг меҳнати ва оилавий ҳаётини, учувчилар, космонавтлар, денгизчилар ҳамда бошқаларнинг қаҳрамонликларини акс эттиради. Кўпчилик ўйинларда дидактик ўйинчоқлар ва бунга бевосита аълоқадор бўлган бошқа қўлланмалар фойдаланилади. Дидактик ўйин жараёнида шундай ҳолатлар ҳам тез-тез бўлиб турадики болалардаги энг яхши кайфият бирдан шўхлик, нотинчлик ва интизомсизлик билан ҳам алмашиб қолади. Бундай пайтларда ўқитувчи айрим болаларга танбех беришга мажбур бўлади ва бу бошқарнинг ўйин кайфиятини шубҳасиз туширади. Агар шундай вазият содир бўлса ҳам ўйин қондаси билан бирга қўшиб тушунтирса методик жиҳатдан тўғри бўлади.

Демак, ўқув жараёнида олиб бориладиган машғулотларда биз фақат оғзаки усул билан тушунтириш билан қифояланмасдан, барча турдаги ўқув ахборотларидан ҳам фойдаланишимиз зарур. Булар сонли ва ёзма кўринишда, овозли ва тасвирий кўринишда, ҳажмий ва ҳаракатли кўринишда, электрон ва бошқа кўрнишларда бўлиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда биз ҳар бир дидактик ўйин ва воситанинг имкониятларини билиб олсак, уларнинг қай биридан қайси вазифани, қандай амалга оширишда фойдаланиш самаралироқ эканини билиб оламиз.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ЎЙИНЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Кубаева Каромат Тошўлатовна,

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар

16-умутаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси

Бошланғич таълимда ўйин ижодий фаолиятнинг бир шаклидир. Бунда ўқувчи ижтимоий ва моддий борлиқни билиш ҳамда англаш асосида эмоционал – ҳиссий, интеллектуал-ахлоқий ривожланади.

Ўйинлар, уларнинг инсон тараққиётидаги ўрни ҳақида психология, этнография, маданият, педагогика фанларида бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилган. XIX асрнинг охирида немис олими К. Гросс ўйинларни тизимли ўрганишга ҳаракат қилган бўлса, немис психологи К.Бюллер ўйинларни “қоникчи ҳосил қилувчи” фаолият сифатида тадқиқ этади.

Л.С. Выготский, А. Н. Леонтьевлар фикрича, ўйинларни назарий жиҳатдан ижтимоий табиатига кўра маълум фаолиятига йўналтирилганлиги билан боғлаб, тадқиқ этган бўлсалар, Д.Б.Эльконин шахс хулқини бошқаришни таркиб топтириб, уни такомиллаштирувчи фаолият сифатида талқин этадилар. Лекин ўйинларни ягона ва энг муҳим асосий хусусияти унинг таълимдаги аҳамиятлилигидир. Ўйинларда боланинг хулқи эркин шаклланади ва ижтимоийлашади. Ўйинларнинг энг муҳим жиҳати унинг икки тамонлама характерга эгаллиги бўлиб, унинг драматик санъатга ҳам мослигидир.

Бир тамондан ўйин иштирокчилари уни амалга оширишда муайян ностандарт вазифалар билан боғлиқ ҳақиқий фаолиятни бажарсалар, иккинчи тамондан эса ўйинлар бу фаолиятнинг аксарият пайтларида маъсулиятни ҳис этган ҳолда ҳақиқий вазиятлардан четга чикувчи шартли хусусият ҳам касб этадилар.

Демак, ўйинларнинг икки тамонлама вазифани бажариши унинг ривожланувчи натижага эга бўлишига сабаб бўлади. Ўйин фаолияти элементларидан таълим жараёнида кенг фойдаланилади. Улар ишбоп ўйинлар, дедактик ўйинлар, ролли ўйинлар, компьютер ўйинлари шулар жумласидандир.

Ишбоп ўйинлар касб фаолияти предмети ёки ижтимоий мазмунини қайтадан яратиш шакли бўлиб, амалиётнинг ана шу турига хос муносабатлар тизимини моделлаштиришдир.

Ишбоп ўйинларни ўтказишда унинг қатнашувчилари фаолиятини маҳсул (ўйин тарзида) имитация моделида ривожлантиришдан иборатдир. Ўйинларнинг характерига кўра ўқув жараёни ўйинлари тадқиқотчилик ўйинлари, бошқарув ва аттестацияга доир ўйинлар турига бўлинади. Ўқув жараёнига доир

Ўйинлар ўқув предметлар бўйича истиқболда касбий фаолиятини тўғри ташкил этиш ва шахсни мақсадга мувофиқ шакллантиришга шарт-шароитлар яратади. Ана шу шарт-шароитлар натижасида олинган янги билимлар келгуси касбий фаолиятни тўғри йўлга қўйишга ёрдам беради. Маълумки, таълим ҳамкорликка асосланиб, жамоавий характер касб этади; касбга хос фаолият қоидалари ва жамоанинг ижтимоий қоидаларига мос ҳолда амалга ошади. Ана шу маънода таълимнинг дидактик ва тарбиявий аҳамияти ўзаро бирлашиб, ўйин фаолияти шаклида ўқувчиларнинг фаоллиги ортади. Ишбоп ўйинларда тавсия этилган муаммоли топшириқ мақсадга мувофиқ диалогик мулоқот асосида иштирокчиларни рағбатлантиради, қизиқишларини орттиради, эмоционал руҳ пайдо қилади.

Дидактик ўйинлар таълимий мақсадларни амалга оширадиган ва уларга мослаштирилган бўлади. Дидактик ўйинлар тизимидан биринчи марта мактабгача жараёнида фойдаланишга доир Ф.Фребель ва М.Монтессорилар ишлаб чиққан бўлса, бошланғич таълим учун О. Декроли тадқиқотлар олиб борган. 60-70 йиллардан бошлаб фақат бошланғич таълимда эмас, умумий ўрта таълимда ҳам фойдаланила бошлади. 80-йилларда айниқса, ишбоп ўйинлар кенг тарқала бошланди.

Ишбоп ўйинларнинг асосий хусусияти ўйин режасининг ўқув мақсадига йўналганлигидадир. Чунки ўқув мақсади ўйин вазифалари доирасида этилади.

Демак, ўйинлар болаларнинг асосий фаолият тури бўлиб, у орқали кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар ҳаётни, борлиқни, теварак- атрофни ўрганадилар ва унга мослашадилар. Ўйин пайдо бўлиши учун қуйдагилар муҳим саналади:

- ўйин иштирокчилари билан бўлган мулоқатдан қониқиш ҳиссининг пайдо бўлиши;
- табиийлик, эмоционал ҳиссиётнинг вужудга келиши;
- ўйин давомида ўқувчиларнинг ўзининг табиий эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилиши ва хоказолардир.

Ижтимоий- психологик аҳамияти жиҳатидан ўйинлар асосан иккита вазифани бажаради;

- маълум ижтимоий билимларни эгаллаш;
- зарур ижтимоий қоидаларни шакллантириш.

Шунингдек, муаммо нуқтаи назардан ёндашганда, ўйинлар ўқувчининг ижодий фаолиятини фаоллаштириш билан унинг ижодий қобилиятини ўстиради.

Айнан фаол ўқитиш методлари ҳам ана шундай ўйинларга таянилган ҳолда ташкил этилади. Ҳар бир ўйин бир неча дақиқадан тортиб, ундан кўпроқ вақт давом этиши мумкин ва унда иккита боладан тортиб то ўн ўқувчигача иштирок этади.

Демак, болалар ўйининг сифати ва самарадорлиги унда иштирок этувчиларнинг ҳаётий кузатишлари ва шахсий тажрибасига бевосита боғлиқ бўлади. Бунда онглилик, ташаббускорлик ва иродалилик каби сифатлар аҳамият касб этади. Шу сабабли турли ижтимоий- психологик тавсифга эга ўйинларган ўқув жараёнида фойдаланиш, шак-шубҳасиз ўз самарасини кўрсатади.

БОШЛАНҒИЧ СИНФДА УНЛИ ВА УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ УСУЛЛАРИ

*Мусурмонова Нигора Джумаевна,
Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар 16-умумтаълим
мактаби бошланғич синф ўқитувчиси*

Бошланғич таълим давлат қонунини ҳаётга тадбиқ этишда муҳим босқич ҳисобланади ва унда она – тили ўқитиш асосий ўрнини эгаллайди. Бошланғич синфларда она – тили ўргатишдан асосий мақсад болаларнинг ёш хусусиятига кўра оғзаки ва ёзма нутқ тафаккурини ўстириш, уларни шахс сифатида шакллантириб боришни амалга ошириш, уларда билим олишга қизиқишни ўстириш, фаоллик, мустақиллик, меҳнатсеварлик, қийинчиликларни енга олиш қобилиятини амалга оширишга эришишдан иборат. Болаларнинг ақлий ва нутқий қобилиятларини ўстириш келгусида фанларни пухта ўзлаштиришларига имкон яратади.

Бошланғич синфлар она – тили дастури қуйидагича билимларни ўз ичига олади.

1. Савод ўргатиш синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш.
2. Синфда синфдан ташқари ўқиш ва нутқ ўстириш.
3. Фонетика, грамматика, имло ва нутқ ўстириш.

Бошланғич синфларда ўрганиш учун тилни онгли эгаллашга ва ўқувчиларда график ва орфографик малакаларни шакллантиришга замин ҳисобланган билимлар танланган. Фонетика ва графика соҳасида ўқувчилар сўзнинг товуш таркибини, унли ва ундош товушларнинг ўзига хос

хусусиятларини, сўзда товушнинг маънони фарқлашдаги аҳамиятини тўғри тушунишга имкон берадиган билимларни ўзлаштирадilar, шунингдек, уларга сўзнинг товуш ва график шакли ўртасидаги нисбат (боғланиш) ни онгли аниқлаш, сўзни тўғри ёзиш имконияти яратилади.

Кичик ёшдаги ўқувчилар оғзаки ва ёзма нутқни эгаллашларида фонетикадан олган билимларининг аҳамияти катта:

а) фонетик билимга асосланган ҳолда 1 синф ўқувчилари савод ўрганиш даврида ўқишни ва ёзишни билиб оладилар;

б) фонетик билим сўзни тўғри талаффуз қилиш {товушларни тўғри талаффуз қилиш, урғули бўғинни ажратиш, орфоэпик меъёрга риоя қилши) асосини ташкил этади;

в) фонетик билим морфологик ва сўз ясалишига оид билимлар билан бирга ўқувчиларда қатор орфографик малакалар (жарангсиз ва жарангли ундошларнинг ёзилиши) шакллантириш учун замин бўлади;

г) фонетик билим гапнинг оҳангига кўра тўғри айтиш, логик урғу ва гап қурилишидаги паузаларга риоя қилиш учун зарур;

д) сўзнинг товуш томонини билиш унинг маъносини тушуниш |ва нутқда онгли қўллаш учун муҳимдир; *ҳозир* ва *ҳозир*, *атлас* ва *атлас* сузлари маъносидagi фарқ фақат урғу орқали ажратилади. Сўзнинг товуш томонини тасаввур қилиш сўзларни талаффузда фарқлаш, айрим сўзларни тўғри талаффуз қилиш ва қўллаш учун зарур.

Ўқитувчи бошланғич синфларда ўқитилadиган барча фанларга оид дарсларда сўзни аниқ, ва тўғри талаффуз қилиш устида доимий ишлаб боради, шу мақсадда кўпинча сўзни товуш томондан анализ қилишдан фойдаланади.

Мактаб дастурига мувофиқ, бошланғич синф ўқувчилари фонетик-график кўникмалар кўникмалар ҳосил қиладилар: товушлар ва ҳарфлар, унли ва ундош товушлар, жуфти бор жарангли ва жарангсиз ундошлар, жуфти йўқ жарангли ва жуфти йўқ жарангсиз ундошлар; сўзни бўғинларга бўлиш, урғули бўғинни ажратиш кўникмаларига эга бўладилар.

Болалар мактабга келгунга қадар ҳам нутқнинг товуш қурилишини амалий ўзлаштирадilar, аммо улар махсус ўқигунларига қадар сўзни бўғинларга бўлишни, сўздаги товушларни изчил талаффуз қилишни билмайдилар. 1-синф ўқувчиларида сўзни тўғри талаффуз қилиш, бўғинларга бўлиш, ундаги ҳар бир товушни тартиби билан аниқ айтиш кўникмасини шакллантириш устида мақсадга мувофиқ, ишлаш, ўз навбатида, анализ, синтез, таққослаш, гуруҳлаш каби ақлий машқларни билиб олишга, шунингдек, товушларнинг табиати, сўз таркибида бир-бирига таъсири каби айрим элементар билимларни ўзлаштиришга имкон беради.

1- синфда фонетика ва графикани ўрганишга катта ўрин берилади, чунки ўқувчилар ўқиш ва ёзиш жараёнини шу синфда эгаллайдилар. Бу билимлар кейинги синфларда, асосан, мустаҳкамланади, такомиллаштирилади.

Товуш мураккаб тушунча бўлгани учун бошланғич синфларда унга таъриф берилмайди. Шунга қарамай, болаларда товуш ҳақида тўғри илмий тасаввур амалий машқлар ёрдамида ҳосил қилинади. Бунда етакчи усул сўздаги товушларнинг талаффузи ҳамда сўзнинг лексик маъноси сўздаги товушларнинг таркибига боғлиқлиги устида кузатиш ҳисобланади. Масалан, *ака*, *ука*, *она*, *она*, *ота*, *кул*, *гул* каби бир унли ёки бир ундош билан фарқланadиган сўзлар ҳар хил лексик маънони ифодалайди.

Сўзнинг товуш таркиби устида ишлаш савод ўргатиш давриданок бошланади. Болалар бу даврда талаффуз қилинган ёки эшитилган сўз товушлардан тузилишини билиб оладилар. Улар сўзни товуш томонидан таҳлил қилишга ўрганадилар, яъни сўзни бўғинларга бўладилар, сўздаги товушларни тартиби билан айтадилар. Бунда товуш томондан таҳлилни ҳарф томондан таҳлил билан аралаштирмасликка алоҳида аҳамият берилади. Масалан, кўл сўзида к, ў, л товушлари, тинди сўзида т,и,н,д,и товушлари борлигини айтишлари зарур.

Сўзнинг товуш таркибини тўғри тасаввур этиш ундаги ҳарфларни тушуриб қолдирмай ёки ўрнини алмаштирмай ёзиш малакасини шакллантириш учун ҳам, сўзни тўғри талаффуз қилиш учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун савод ўргатишдан сўнг ҳам, сўзни товуш томондан таҳлил қилиш машқлари ёрдамида сўздаги товушлар таркибини аниқлаш кўникмасини такомиллаштириш устида ишлаб бориш зарур.

Маълумки, нутқ товушлари икки катта гуруҳга бўлинади: унли товушлар ва ундош товушлар. Буни ўқувчиларга тушунтиришда қуйидаги белгилари ҳисобга олинади: 1) талаффуз қилиниш усули (унли товуш талаффуз қилинганда, ҳаво оқими оғиз бўшлиғидан эркин равишда ўтади, ундош товуш талаффуз қилинганда, ҳаво оғиз бўшлиғида тўсикка учрайди); 2) овоз ва шовқиннинг иштироки (унли товушлар фақат овоздан иборат, ундош то-вушлар талаффуз

килинганди шовқин эшитилади, баъзан шовқин ва қисман овоз эшитилади); 3) бўғин ҳосил қилиш хусусияти (унли товушлар бўғин ҳосил қилади, ундош товушлар бўғин ҳосил қилмайди).

Ўқувчилар бу белгиларни ёдлаб олишларига йўл қўймаслик, аксича, 1-синфданок болаларда товушни талаффуз қилганда, овоз ёки шовқин эшитилганда нутқ органларининг вазиятини кузатиш кўникмасини ўстириб бориш лозим. Бундай кузатишлар 2-синфда давом эттирилади ва умумлаштирилади. Товушларни ўзлаштиришга бундай ёндашиш, унли ва ундош товушларни пухта ўзлаштиришга имкон бериши билан бирга, ўқувчиларнинг ақлий қобилиятини ўстириш вазифасини ҳам бажаради; хусусан, болалар кузатилган ҳодисанинг бир неча белгиларин таққослашга, умумлаштиришга ўрганадилар.

Хулоса қилиб айтганда, мактабларда она тили ўргатишнинг мазмуни жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида давлатимизнинг мактаб олдига қўйган вазифасига мосланган. Бу вазифалар кўпқиррали бўлиб, уларни бажариш ўқувчилар онгини ўстиришга, уларга ғявий-сиёсий, ахлоқий, эстетик, меҳнат тарбиясини беришга йўналтирилган. Она тилини ўргатиш натижасида ўқувчиларда ўз фикрини грамматик тўғри, услубий аниқ, мазмунли, оҳангга риоя қилиб фодолай олиш ва уни имловий тўғри ёза олиш кўникмалари шакллантирилади. Бу вазифа ўқув предмети сифатида ўзбек тилининг ўзига хос хусусияти бўлиб, ўқувчини шахс сифатида шакллантиришга йўналтирилган умумтаълим вазифалари билан боғлиқ, ҳолда амалга оширилади.

TARBIYA JARAYONIDA SHAXSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIM TEXNOLOGIYASINING AFZALLIKLARI

Рустамова Дилором Бобоқуловна,

Гулистон шаҳар 16-умумтаълим мактаби 2-тоифали бошланғич синф ўқитувчиси

Ҳозирги педагогикага оид адабиётларда муаммоларнинг турли таъриф ва тавсифлар бор. Бизнингча, нисбатан тоълиқ ва аниқ таъриф М.И.Махмутова томонидан берилган бўлиб, унда муаммоларнинг оъқитиш мантиқий фикрлар тadbirlari (tahlil, umumlashtirish) hisobga olingan o'rgatish va dars berish usullarini qo'llash qoidalari va talabalarning tadqiqot faoliyatlari qonuniyatlarining (muammoli vaziyat, bilishga bo'lgan qiziqish va talab...) tizimi sifatida izohlanadi. Muammoli o'qitishning mohiyatini o'qituvchi tomonidan talabalarning o'quv ishlarida muammoli vaziyatni vujudga keltirish va o'quv vazifalarini, muammolarini va savollarini hal qilish orqali yangi bilimlarni o'zlashtirish bo'yicha ularning bilish faoliyatini boshqarish tashkil atadi. Bu esa bilimlarni o'zlashtirishning ilmiy-tadqiqot usulini yuzaga keltiradi.

Ilmiy-texnik taraqqiyot jadallashgan davrda o'qitish samaradorligi, asosan, o'quvchining o'qitish jarayonidagi o'rni, pedagogning unga bo'lgan munosabatiga bog'liq bo'ladi. Bu erda o'qitish texnologiyasining ikki turini ajratib ko'rsatish mumkin: avtoritar va shaxsga yo'naltirilgan ta'lim.

Pedagogik paradigma (yunoncha "paradeigma" – misol, namuna) pedagogika fani rivojining ma'lum bosqichida ta'limiy va tarbiyaviy muammolarni hal etish namunasi (modeli, standarti) sifatida ilmiy pedagogik hamjamiyat tomonidan e'tirof etilgan nazariy hamda metodologik ko'rsatmalar to'plami bo'lib, u ta'limning kontseptual modeli sifatida qo'llaniladi. An'anaviy-konservativ paradigma (bilim paradigmasi) (J.Majo, L.Kro, J.Kapel va boshqalar). Unga ko'ra ta'limning asosiy maqsadi – "bilim, qanchalik qiyin bo'lmasin bilim olish". An'anaviy paradigma maktabining maqsadi yosh avlodga individual rivojlanishi hamda ijtimoiy tartibni saqlab qolishga yordam beruvchi madaniy meroslarning muhim elementlari – bilim, ko'nikma va malakalar, ilg'or g'oyalar va qadriyatlarni saqlab qolish hamda ularni yoshlarga yetkazish muhim ekanligini yoritadi. Bilim olish paradigmasining asosiy maqsadi: ta'lim olish, taraqqiyot vama'daniyatning eng muhim elementlarini avloddan-avlodga yetkazish. Bunda o'qitish metodlarini to'g'ri tanlash muhim ahamiyat kasb etadi.

O'qitish metodi o'qitish jarayonida o'qitish, tarbiyalash va rivojlantirish masalalarini yechishga yo'naltirilgan ta'lim beruvchi va ta'lim oluvchilarning tartibli bir-biriga bog'langan faoliyatini anglatadi.

Ratsionalistik (bixevioristik) paradigma (P.Blum, R.Gane, B.Skinner va boshqalar). Ratsionalistik paradigma diqqat markazida ta'lim mazmuni emas, balki o'quvchilar tomonidan turli bilimlarni o'zlashtirilishini ta'minlovchi samarali usullari yotadi. Ta'limning ratsionalistik modeli asosini B.Skinnerning ijtimoiy injeneriya bixevioristik (inglizcha "behavior" – xulq) kontseptsiyasi tashkil qiladi. P.Blum barcha o'quvchilar faqat o'zlashtiribgina qolmay, balki muvaffaqiyatli o'qishlari mumkin deb hisoblaydi. O'quvchining optimal qobiliyatlari ma'lum sharoitlarda, o'quvchiga ta'lim berish natijasi uning sur'ati bilan aniqlanadi. Olimning fikricha, ta'lim oluvchilarning 95 foizi ta'lim muddatlariga

O'quv maqsadlari taksonomiyasi Benjamin Blum – tomonidan ishlab chiqilgan bo'lib, u o'z ichiga bilish, tushunish, amaliyotga qo'llash, tahlil qilish, sintezlash, baholash kabilarni o'z ichiga oladi

Sinfdan va maktabdan tashqari ishlar yo'nalishiga bevosita rahbarlik qilgan holda o'qituvchilar sinf rahbarlari, ota-onalari sinf faollariga uslubiy yordam ko'rsatish; bo'lgan cheklashlar olib tashlanganda o'quv kursining butun mazmunini o'zlashtirib olishga qodir. Ana shu nuqtai nazardan o'quvchilar tomonidan bilimlarning muvaffaqiyatli o'zlashtirilishini ta'minlovchi metodika ishlab chiqiladi.

Avtoritar texnologiyada, pedagog yagona sub'ekt sifatda namoyon bo'ladi, o'quvchilar esa faqatgina «obyekt» vazifasini bajaradi xolos. Bunda o'quvchining tashabbusi va mustaqilligi yo'qoladi, o'qitish majburiy tarzda amalga oshiriladi. An'anaviy o'qitish asosan bilim, ko'nikma va malakalarni o'zlashtirishga qaratilgan bo'lib, shaxsning rivojlanishini ko'zda tutmaydi. An'anaviy o'qitish quyidagi xususiyatlarga ega: zo'rvonlik pedagogikasi, o'qitishning tushuntiruv-ko'rgazmali usuli, ommaviy o'qitish.

An'anaviy o'qitishda avtoritarlik quyidagi shaklda namoyon bo'ladi: o'quvchi bu hali to'la shakllanmagan shaxs, u faqat bajarishi zarur, pedagog esa – bu sardor hakam, yagona tashabbuskor shaxs. Shaxsga yo'naltirilgan ta'limda esa o'quvchi shaxsi pedagogik jarayon markaziga qo'yiladi, uning rivojlanishiga va tabiiy imkoniyatlarini ro'yobga chiqarishga qulay shart-sharoitlar yaratiladi. Kadrlar tayyorlash milliy dasturida O'zbekiston Respublikasidagi ta'lim tizimining milliy modeliga alohida e'tibor qaratilgan. Sinf dan va maktabdan tashqari ishlarning vazifalariga quyidagilar kiradi:

Darsdan tashqari tarbiyaviy ishlarni rejalashtirish va amalgam oshirishni nazorat qilish; O'quvchilarning sinfdan va maktabdan tashqari ko'p qirrali ishlarni o'quvchilar tashkilotlari sinf faollari yordamida yo'lga qo'yish; Umummaktab va maktablararo o'tkaziladigan eng muhim tarbiyaviy tadbirlarda qatnashish; O'quvchilarning bo'sh vaqtlarini tashkil qilishda tarbiya va madaniyat muassasalari hamda jamoatchilik kuchidan keng foydalanish. Bu borada tashkilotchilar faolligini uchta asosiy tomonini ko'rish mumkin; tashkilotchilik, uslubiy va ma'muriy.

Sinf rahbari o'quvchilarni ma'naviy-ahloqiy tarbiyalar ekan, u o'z faoliyatida quyidagi talablarga rioya qilishi kerak:

- sinf rahbari o'quvchi ota-onasining mansabi, boyligiga qarab bolaga muomala qilmasligi lozim.
- sinf rahbari bolalarga ahloqiy normalarni o'rgatishi kerak.
- gerdayishi, manmanlik, ta'magirlik, nodonlik kabi illatlar o'qituvchi ahloqiga yod sifatlardir.
- xalq nazarida olim hisoblanadigan o'qituvchilar yomon ishlardan, fisku-fasoddan o'zlarini tiya bilishlari zarur. Yoshlarni ma'naviy-ahloqiy tarbiyalash tuzimini takomillashtirishda boshlang'ich maktab muhim o'rin egallaydi.

Ma'naviy ahloqiy tarbiya-ma'naviy ongni bir maqsadni ko'zlab tarkib toptirish, ahloqiy tuyg'ularni rivojlantirish hamda xulq-atvor ko'nikmalari va odatlarini hosil qilishdan iborat.

Sinf rahbari o'quvchilarni ma'naviy-ahloqiy tarbiyalashning quyidagi vazifalarini hal etishi kerak.

- 1) Tug'ilib o'sgan joyiga, O'zbekiston Respublikasiga yuksak muhabbat tuyg'ularini, uning tabiati va kishilar haqida, Vatanning himoyachilari va mehnat qahramonlari to'g'risida, ota-bobolarimiz, ularni dunyo sivilizatsiyasiga qo'shgan hissalarini to'g'risida ko'proq bilishga intilishni tarbiyalash.
- 2) O'quvchilarda Vatanimizning boy tarixi, shuningdek boshqa mamlakatlar to'g'risida, tinchlik uchun kurash haqida chet ellardagi bolalar tashkilotlari haqida dastlabki tasavvurlarni hosil qilish.
- 3) Bolalarda o'rtoqlik tuyg'usini, boshqalarga yordam ko'rsatish ishtiyoqini, umumiy foyda yo'lida birgalikda faoliyat ko'rsatishga intilishni tarkib toptirish. Bolalar o'rtasida, o'g'il va qiz bolalar o'rtasida do'stona munosabatlarni rag'batlantirish, sohta o'rtoqlik ko'rinishlariga qarshi kurash olib borish lozim.
- 4) O'z so'zi va va'dasi uchun, o'qituvchi va kollektiv topshiriqlarining bajarilishi uchun ma'suliyat tuyg'usini tarbiyalash.
- 5) Bolalarda kishilarga to'g'ri munosabatni, keksalar, bemorlar, invalidlarga nisbatan e'tibor va g'amhurlikni, xushfe'l va betartib, kamtar va haqqo'y bulishini tarbiyalash.

Sinf rahbari quyidagi vazifalarni bajaradi:

1. O'ziga yuklatilgan sinfdagi tarbiyaviy ishlarni amalga oshiradi. Bu vazifani bajarayotganda u yolg'iz emas, shu sinfdan dars berayotgan turli fan o'qituvchilari bilan hamkorlikda va ularga suyangan holda o'quvchilarda milliy dunyoqarash asoslarini shakllantiradi, axloqiy tarbiyasini rivojlantiradi. O'quvchilarni darsdan tashqari tadbirlarni tashkil etadi va sinf jamoasini mustahkamlaydi.
2. O'quvchilarning bilimga bo'lgan qiziqish va qobiliyatini o'stirish har bir o'quvchining individual-psixik xususiyatlarini hisobga olgan holda kasbga yo'naltirish va hayotiy maqsadlarini shakllantirish sinf rahbarining alohida vazifasidir. Ayni paytda har bir o'quvchining sog'ligini mustahkamlashga ham e'tibor beradi.
3. Sinf rahbarining diqqat markazida o'quvchilarning yuqori darsda o'zlashtirishini ta'minlash masalasi turadi. Buning uchun u har bir o'quvchining kundalik o'zlashtirishida voqif bo'lib turadi. Orqada qolayotganlarga o'z vaqtida, kechiktirmay yordam uyushtiradi.
4. Sinfdagi o'quvchilarning o'z-o'zini boshqarish ishlarini yo'naltiradi, ular ishtirokida sinf jamoasining ijtimoiy foydali ishlardagi ishtirokini ta'min etadi, maktab miqyosida uyushtirilayotgan muhim tadbirlarda o'z sinfining faol qatnashishini ta'minlaydi.
5. Sinf o'quvchilarining ota-onalari, o'quv kuni uzaytirilgan guruhlarining tarbiyachilari, korxonalar va muassasalardagi, turar joylardagi otaliqqa oluvchilar bilan yaqin aloqaga o'rnatadi.
6. Sinf rahbari shu sinfdan dars berayotgan barcha fan o'qituvchilari o'rtasida o'quvchilarga nisbatan yagona talablar o'rnatilishiga erishadi, ota-onalarga pedagogik bilimlar tarqatib, oila bilan maktab o'rtasidagi aloqani mustahkamlaydi.
7. Sinf rahbari o'z sinfidagi turli hujjatlarini; sinf jurnali, o'quvchilarning kundaliklari, tabellar, shaxsiy ma'lumotlari, turli xil reja va hisobotlarni yuritadi.

Ko'rinib turibdiki, vazifa keng va murakkab, ularni muvaffaqiyatli hal qilish sinf rahbarining shaxsiy sifatlariga ham bog'liqdir. Sinf rahbarining shaxsiy sifatlariga qo'yiladigan talablar o'qituvchiga qo'yiladigan

talablardan farq qilmaydi. Lekin, sinf rahbari asosiy tarbiyachi, bolalar ma'naviy jihatdan andoza oladigan shaxs bo'lganligi uchun ham, bu talablar uning shaxsiy fazilatiga aylanib ketishi bilan tarbiyada alohida rol o'ynaydi. Tarbiyaviy ishlarning sifat va samaradorligi, avvalo tarbiyachining g'oyaviy ishonchiga va siyosiylikining darajasiga bog'liq. Buning uchun sinf rahbari fan yangiliklarini muntazam, egallab borishi bilan o'zining bilimini, ongini oshiradi.

Sinf rahbarining axloqiy obro'si g'oyat darajada yuqori bo'lishi ham bu o'rinda muhimdir. Sinf rahbari ana shundagina tarbiyaviy ta'sir ko'rsatishga ega bo'ladi.

ЎҚИТУВЧИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

*Қодиров У.Д. психол.ф.д. доцент
Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш ҳудудий маркази,
Термиз, Ўзбекистон*

*Ҳожибоев И.И. Катта ўқитувчи
Сурхондарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш ҳудудий маркази,
Термиз, Ўзбекистон*

АННОТАЦИЯ

Мақолада асосий эътибор ўқитувчи касбий компетентлигини ривожлантириш масаласига қаратилган бўлиб, қайта тайёрлаш ва малака оширишга ихтисослашган таълим муассасалари тингловчиларида касбий компетентликни ривожлантиришнинг психологик омиллари хусусида фикр юритилган.

Таянч сўз ва иборалар: компетентлик, касбий компетентлик, малака ошириш, педагог, педагогик фаолият, объект, субъект, педагогик амалиёт, концепция.

Мутахассисларнинг психологик компетентлиги масаласини тадқиқ этишга кейинги пайтларда қизиқиш анча кучайиб бормоқда. Бу борадаги қарашлар, фикр-мулоҳазаларнинг турли-туманлиги мазкур муаммо хусусида ҳозирча тизимлаштирилган, ягона концептуал модель яратишга имкон бермаяпти. Албатта, психологик компетентликни тушуниш шахс фаолиятининг турли кўринишларини таҳлил этиш баробарида аниқлаштирилади, шунинг учун биз ушбу муаммога ўқитувчи фаолиятини ўрганиш мисолида мурожаат қилмоқчимиз.

Ўқитувчининг касбий педагогик фаолияти “ўқитувчи-ўқувчи” ўзаро алоқаси негизида олиб борилади, айнан шу жараёнда таълимий, тарбиявий, коррекцион, ривожлантирувчи ва шакллантирувчи мақсадлар амалга оширилади. Шунинг учун ўқитувчи касбий-психологик компетентлигини ўрганишда энг аввало, коммуникатив (мулоқот) компетентликка эътибор қаратилгани мақсадга мувофиқдир. Замонавий психологияда коммуникатив компетентлик ва унинг таркиб топиши шарт-шароитлари, омилларини ўрганишга нисбатан бир неча ёндашувлар мавжуд.

Масалан, бихевиористик йўналиш вакиллари коммуникатив компетентликни шахснинг муайян вазиятларда мақсадга мувофиқ хулқ-атвор шаклини намоён қилиш, вазиятни оқилона баҳолаш ва шунга мос тарзда фаолият юритиш кўникмаларини эгаллаганлиги билан белгилайдилар.

Когнитив психология йўналиши тарафдорлари эса коммуникатив компетентлик субъектнинг когнитив (ақлий) соҳаси даражаси, унинг инсонлар психологияси борасидаги билимлари, шунингдек ижтимоий тафаккури, тасавури ва идрокига бевосита боғлиқ равишда шаклланади, деб ҳисоблайдилар.

Инсонпарварлик психологияси вакиллари шахснинг қадриятлар тизими хусусиятларини биринчи ўринга қўядилар ва коммуникатив компетентлик энг аввало, мулоқотга киришувчиларнинг самимийлиги, очиқлиги, шахс ривожланишига имкон берувчи мулоқот кўникмаларини эгаллаганлигига боғлиқ, дея таъкидлайдилар.

Турли ижобий психологик амалиёт намуналарини қўллаш орқали инсоннинг психологик салоҳиятини юксалтиришга йўналтирилган ҳозирги замон психологияси айрим намояндалари эса мулоқотга шахс фаолият жараёнида ўз хатти-ҳаракатларини бошқаришининг субъектив моделларини апробация, синондан ўтказиш ва тақдим қилиши учун макон сифатида қарайдилар. Бунда коммуникатив компетентлик шахсда субъектив назорат малакаларининг ривожланганлиги, дунёқарашнинг позитив шакли таркиб топганлиги, муваффақиятга нисбатан интилиш, йўл-йўриқларнинг шаклланганлиги, муносабатларни

мақсадга мувофиқ йўлга қўйиш қобилиятининг мавжудлигида намоён бўлади. Индивиднинг ички психик муҳитини яхшилашга эса коммуникатив компетентликни таъминлашнинг гарови сифатида қаралади.

Коммуникатив компетентлик шахс хулқ-атворининг бошқалар тарафидан тўғри англаниши билан ҳам боғлиқдир. Инсон хатти-ҳаракатлари мазмунининг айнан мулоқот жараёнида ўзгаларга тўғри етказилиши шахсда ижтимоий шериклик субъекти сифатида қониқиш ҳиссини уйғотади. Пировардида, коммуникатив компетентликнинг юқори даражаси социум, жамиятда муваффақиятга эришишни таъминлайди, бу эса мос равишда кишининг ўзини ўзи ҳурмат қилиши даражасига ҳам таъсир қилади. Коммуникатив компетентликнинг қуйи даражаси эса стрессга мойиллик, хавотирланиш, қўрқув каби ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлади [3, 62-б.].

Коммуникатив компетентлик ҳамсухбат билан мулоқотни қўллаб-қувватлаш, унинг “Мен”ини ҳурмат қилишда намоён бўлади. Ўқитувчининг касбий фаолиятида ўқувчига мулоқот шериги сифатида психологик жиҳатдан далда, мадад бериши дарс ва дарсдан ташқари вақтдаги педагогик муваффақиятнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги пайтда педагог кадрлар, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган таълим муассасаларида коммуникатив компетентликни шакллантиришга йўналтирилган амалий курслар самарадорлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Педагогик амалиёт таҳлили ўқитувчилар фаолият давомида дуч келаётган қуйидаги характердаги коммуникатив муаммолар мавжудлигини кўрсатди:

- маънавий-маърифий, тарбиявий йўналишдаги тадбирларни ташкил этишда ўқувчиларда ўзаро ҳамкорликда ишлаш мақсад, йўл-йўриқларини шакллантиришнинг қийинлиги;
- ижтимоий-перцептив малака ва кўникмаларнинг етарли даражада таркиб топмаганлиги;
- педагогик мулоқот жараёнида юзага келадиган турли вазиятларга зудлик билан мослаша олиш қобилиятининг ривожланмаганлиги;
- шахсда ўз коммуникатив хулқ-атворини назорат қилиши билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги;
- низоли вазиятларда муаммони тўғри ҳал қилиш компетенцияларининг етишмаслиги;
- ўқувчи ҳолатини ҳис қилишда когнитив малакаларнинг етишмаслиги.

Педагогик фаолиятда касбий психологик компетентлик умумий тузилмасининг муҳим таркибий қисмларидан яна бири – бу, ижтимоий компетентликдир, зеро замонавий ўқитувчи нафақат ўқувчига билим беради, маълумот, ахборот етказди, балки ривожланаётган шахс ва жамият ўртасида воситачи ролини ҳам бажаради. “Бола – жамият” муносабатлари, ўзаро алоқасининг мақсадга мувофиқ бўлиши ўқитувчининг қанчалик ижтимоий ҳаётда компетентли, омилкор эканлигига ҳам боғлиқдир.

Ижтимоий компетентликнинг асосий функциялари сирасига мослашиш, ижтимоий йўналганлик, шахсий ва умумижтимоий тажрибаларнинг уйғунлашуви каби тушунчаларни киритиш мумкин. Шахс ижтимоий компетентлигининг қай даражада эканлиги ўзаро мулоқот, фаолиятни йўлга қўйиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга психологлар ўтказган тадқиқотлар натижаларига кўра, фуқароларнинг янги ижтимоий, глобаллашув шарт-шароитларига мослашуви жараёнида инсонлардаги ижтимоий компетентлик даражасининг шаклланганлиги алоҳида ўрин тутади. Экологик, сиёсий, мафкуравий, ижтимоий ўзгаришлар нафақат ижтимоий тафаккур ривожини белгилайди, балки инсонларнинг ўзини ўзи англаши, ҳаётини қадриятлари, шахсий муаммоларига ҳам таъсир кўрсатади. Бу эса психология фани олдида инсоннинг ижтимоийлашуви, ижтимоий мослашуви билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш борасида унинг компетентлик даражасини юксалтиришга йўналтирилган дастурлар яратиш вазифасини кўяди. Назаримизда, мазкур вазифа нафақат ўзи, балки ўқувчиларининг ҳам баркамол шахс сифатида шаклланишига масъул бўлган педагоглар фаолиятига алоҳида тегишлидир.

Ижтимоий компетентлик замонавий психология фани тадқиқ этаётган психологик компетентликнинг турли шакллари орасида муҳим ўрин тутади. У инсоннинг ижтимоий ўзаро шериклик, ҳамкорлик субъекти сифатидаги яратувчилик хусусиятларини ҳам акс эттиради. Субъектнинг компетенциявий ижтимоий хулқ-атвори шаклланиши механизмлари, намоён бўлиш тенденциялари, мотивацияси, мазмунига бўлган қизиқиш, аввало, “инсон – жамият” ўзаро алоқаси характерининг ижтимоий раванқ, ривожланишга кўрсатадиган таъсири билан тавсифланади.

Компетентлик шахснинг ўзига хос тузилмавий хусусияти экан, психологлар бу тузилмадаги яна бир компонент – аутокомпетентликни ҳам алоҳида таъкидлайдилар. Ҳозирги замон психология илмида аутокомпетентлик – субъектнинг шахс хусусиятлари ва хулқ-атвор кўникмаларини мақсадга мувофиқ ўзгартиришга, ўз психик имкониятлари захираларидан оқилона фойдаланишга тайёрлигини, бунинг учун салоҳияти мавжудлигини англаувчи категория ҳисобланади. Аутокомпетентлик янги билим, маълумот,

ахборотларни самарали ўзлаштириш, юқори даражадаги ўзини ўзи назорат қилиш кўникма ва малакаларини, муваффақиятга эришиш борасидаги иродавий йўл-йўриқларни мустақил шакллантиришни ҳам ўз ичига олади. Айни пайтда, индивиднинг ҳаёт фаолияти жараёнида экстремал, кўзда тутилмаган ҳолатлар юзага келганда ички ҳолатини ўзгартириш орқали қулай, мақбул вазият, шароитларни яратиш қобилияти ҳам аутокомпетентликка мисол бўла олади. Шу тариқа, аутокомпетентлик шахс сифати бўлиб, инсон ҳаётининг маълум даврларида шаклланади ва муайян фаолият тури билан самарали шуғулланишга имкон беради.

Субъектнинг касбий ва шахсий тақомилида қуйидаги социоген, ижтимоий аҳамиятга молик эҳтиёжлар ҳам роль ўйнайди: ўзини ўзи намоён қилиш, ўзини ўзи фаоллаштириш, ижодий юксалиш, касбий йўл-йўриқлар, шунингдек, ички ва ташқи аҳамиятга молик фаолият мотивлари. Ушбу эҳтиёжлар шахс профессионаллашуви жараёнида ўзига хос мотивацион фон вазифасини бажаради.

Мазкур муаммо хусусида тадқиқот ишлари олиб борган етакчи психолог олимларнинг фикрича, ўзини ўзи тақомиллаштириб бориш ва субъектнинг касбий соҳада ўзини намоён қилиш эҳтиёжлари энг етакчи эҳтиёжлар сирасига киради [1, 47-б.].

Компетентлик ривожланишида ўзгалар хатти-ҳаракатини кузатиш натижасида юзага келадиган моделлаштириш, тақлид, идентификация сингари механизмларнинг ролини таъкидлаш зарур. Шу тариқа, ўқитувчи муайян компетентликка эга шахс сифатида ўқувчиларда юқорида номлари зикр этилган механизмларнинг ишга тушиши учун катализатор, сабабчи ролини ўйнаши мақсадга мувофиқдир. Натижада компетентликни намоёниш қилаётган шахсга ўхшашга интилаётган ўқувчилар сони ошиб боради, уларнинг фаоллиги кучаяди.

Компетентликни ривожлантириш жараёни индивидуал бўлиб, ҳар бир шахснинг ўзига хосдир. Айрим кишилар мазмуний компонентларга эътиборни қаратадилар, уларни энг аввало, назарий жиҳатдан психологик маълумотлар қизиқтиради. Бу эса уларнинг психологик жиҳатдан саводхон бўлишларини таъминлайди, бироқ компетентли хулқ-атворли бўлишларига имкон бермайди. Яна бир хил инсонлар психологик усул, воситаларни, ўзаро таъсир сирларини ўрганишга қаттиқ ҳаракат қиладилар, бироқ уларнинг назарий асосларига диққатларини қаратмайдилар. Бу эса автоулов бошқаришни юзаки билса-да, унинг тузилиши, бошқарув қоидалари ва тамойилларидан тўлиқ хабардор бўлмаган кишининг яхши ҳайдовчи ҳисобланмагани кабидир.

Яна бир гуруҳ инсонлар ҳам борки, улар пухта эгаллаган ўз психологик билимларини ҳар қандай шароитда имкон қадар мақсадга мувофиқ қўллаш биладилар, психологик профессионал компетентликларини доимий равишда ривожлантириб борадилар.

Хуллас, компетенциявийлик кенг тушунча сифатида педагог, ўқитувчининг ўз профессионал, касбий вазифаларини бажаришга бўлган назарий ва амалий тайёрлигини, субъект сифатида ташқи олам, кишилар билан муносабатларини тўғри йўлга қўйишини англаатар экан, таълим жараёнида мазкур хусусиятни қарор топтириш олдимизда турган муҳим вазифалардандир.

Адабиётлар

1. Асмолов А.Г. Психология личности. Принципы общепсихологического анализа. М., 2001.
2. Газман О.С. Педагогика свободы: путь в гуманистическую цивилизацию XXI века // Забота – поддержка-консультирование. Сер. «Новые ценности образования» Вып. 6 / Под ред. Н.Б.Крыловой. М., 1996.
3. Кондратьева А.С. Связь когнитивной компетентности с проявлением внушаемости и ригидности в социальной перцепции // Вестник МГУ. Сер. 14. Психология. 1979. № 2.
4. Исаев И.Ф. Теория и практике формирования профессионально-педагогической культуры преподавателей. М.- Белгород, 1993.
5. Морев Н.А. Основы педагогического мастерства. Практикум. М., 2006
6. Иванов Д.А. Компетентности и компетентностный подход в современном образовании. М., 2007.
7. Щербакова Т.Н. Развитие психологической компетентности учителей в системе повышения квалификации. Путь в науку: Сб. науч. статей. Вып. 4. Ростов н/Д., 2003.

O`QUVCHILARNI XALQARO BAHOLASH DASTURLARIGA TAYYORLASHDA INTERFAOL METODLARNING O`RNI

Sabirova N.E.

*Xorazm VXTXQTMOHM "Tillarni o`qitish metodikasi" kafedrasini mudiri,
filologiya fanlari bo`yicha falsafa doktori (PhD), sabnas1@yandex.ru*

So`nggi yillarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar natijasida ulkan iqtisodiy o`shish ko`rsatkichlariga erishilayotganligi barcha sohalarda malakali kadrlar va yetuk mutaxassislariga bo`lgan talabni yanada oshirmoqda. Bu o`z-o`zidan o`quvchilarimizning darslarga qiziqish xususiyatini oshirish va o`quvchilarning har tomonlama ta`lim-tarbiyaga e`tiborini kuchaytirishni talab etadi. Yuqoridagi talablarning ta`lim tizimi uchun juda muhim ekanligi, aksariyat xorijiy davlatlardagi kabi ta`lim va fan sohalari rivojlanishini baholash va monitoring qilish orqali ta`lim sifatini oshirishga qaratilgan ilg`or tajribalarni sohaga jalb qilish kerakligini anglatadi. Shu o`rinda PISA testlari qanday tuziladi? degan savol tug`iladi. Avvalambor xalqaro baholash dasturlari orqali baholash uchun o`quvchilarimizni tayyorlab borishimiz kerak. Biz quyida adabiyot fani misolida qanday tartibda interfaol metodlarni qo`llash o`quvchilarimizni yanada faollatirishini ko`rib o`tamiz/

Zamonaviy she`riy asarlarni o`rganish jarayonida turli xil metod va mashqlardan samarali foydalanish muhim. 9-sinfda Omon Matjonning "Eng so`nggi xazina" she`ri tahlili jarayonida she`r mazmuni bilan tanishgach quyidagi jadval asosida ish olib boriladi.

t/r	Tushuncha	Izohi
1	She`r necha banddan iborat	She`r yetti banddan iborat
2	Har bir bandi necha misradan iborat	Har bir band 12 misradan iborat
3	Qofiyadosh so`zlari	1-bandda: taqriri, taqdiri, qadimda, yodinda, teng, deng, olmasa, qolmasa, tinim, qo`nim, do`nibdi, ko`nibdi
4	Qofiyalanish tartibi va qofiya turi	a-a, b-b, d-d, va hokazo, to`q qofiya.
5	Turoqlanish tartibi va vazni	4+4+3 = 11 4+3=7. Qo`shma vaznda
6	Eng ta`sirchan band	Oltinchi band zulm-haqsizlik, erksizlik avj olgan jamiyatda buning davosi-milliy g`urur ekanligi donishmand tomonidan bayon etilgan.
7	Xulosa: (Fikringizni izohlang)	Qo`shnidan- qulgacha ... Mustabid tuzum davrida katta urug`ning qo`shnidan do`stiga, do`stidan inisiga, inisidan quliga aylangan kichik urug`milliy g`ururni uyg`otsa, milliy erkka erisha olishi tarix haqiqatidir.

Asarni o`rganish jarayonida sinf o`quvchilari darajasi va saviyasidan kelib chiqib FSMU texnologiyasidan foydalanish ham samara beradi. Ushbu texnologiya munozarali masalalarni hal etishda, bahs-munozaralar o`tkazishda qo`llanilishi mumkin, chunki bu texnologiya o`quvchilarni o`z fikrini himoya qilishga, erkin fikrlash va

o`z fikrini boshqalarga o`tkazishga, ochiq holda bahslashishga, shu bilan qatorda o`quvchilarning, o`quv jarayonida egallagan bilimlarini tahlil etishda, qay darajada egallaganliklarini baholashga hamda bahslashish madaniyatiga o`rgatadi.

Ushbu texnologiya o`quvchilarga tarqatilgan oddiy qog`ozga o`z fikrlarini aniq va qisqa holatda ifoda etib, tasdiqlovchi dalillar yoki inkor etuvchi fikrlarini bayon etishga yordam beradi. Har bir tinglovchiga FSMU texnologiyasining bosqichlari yozilgan qog`ozlar tarqatiladi:

F- fikringizni bayon eting.

S- fikringizni bayoniga sabab ko`rsating.

M- ko`rsatgan sababingizni isbotlab misol (dalil) keltiring.

U- fikringizni umumlashtiring.

Har bir o`quvchi yakka tartibda o`z fikrlarini yozma bayon etgan holda to`ldiradi. Fikrlar eshitiladi, tahlil qilinadi.

FSMU texnologiyasi

Fikr: millatning o`zligini tayin etadigan eng so`nggi va bebaho xazina milliy g`urur. **Sabab:** Qaysiki xalq o`zligini unutsa boshqalar tomonidan oson egib olinadi. Katta urug`ning surligi, ustamonligi tufayli shunchaki yondosh yashayotgan kichik elat oldin qo`shniga, keyin do`stga, so`ng iniga, oxiri qulga aylanib qoladi. **Misol:** “Dono debdi: “Yurtga bir boq, oqsoqol, Unda hali o`zi bilmas zo`r ganj bor! Bu g`ururdir! U – har qalbning qa`rida! Shuni uyg`ot hali imkon bori-da! Uyg`otolsang – xalqing xalqqa do`nadi, Yo`qsa butkul so`na-di!”. **Umumlashtirish:** Milliy g`ururini baland tuta olgan har qanday millat erkin, farovon yashashga haqli. Ayni shu asarni yana bir usul orqali tahlil qilishni ko`rib chiqsak.

“Svetofor” mashqi . Bu mashqni amalga oshirish uchun o`quvchilar soniga teng yashil, qizil va sariq kartochkalar bo`lisahi kerak. Oldindan mavzuga oid tezislar tayyorlanadi. Tezis bilan rozai bo`lgan o`quvchi yashil, rozi bo`lmagan-qizil, ikkilangan o`quvchi-sariq kartochkani yuqoriga ko`taradi. Tezis yuzasidan farqli fikrlar yuzasidan munozara kelib chiqadi. O`quvchilarga o`z fikrini asoslash taklif etiladi.

I-tezis.

Omon Matjonning “Eng so`nggi xazina” she`rida millatning qo`shnidan qullikkacha borishiga faqat oqsoqol aybdor?

Ushbu mashq o`quvchilarning mustaqil fikrini bilib olishga imkon beradi. O`quvchilarda o`z fikrini asoslash, o`z nuqtai nazarini himoya qilish asoslash qobiliyati rivojlanadi

Abdulla Oripovning “Sohibqiron” asarini o`rganish jarayonida asar badiiyatiga o`quvchi e`tiborini qaratish juda muhim, chunki o`quvchi tarix darslari orqali Amir Temur haqidagi ko`p ma`lumotlarga ega. Bu esa ularning asardagi faqat tarixiylik jihatlari to`xtalishiga turtki bo`ladi. Asarda Temur shaxsi, uning ojiz va kuchli tomonlarini o`quvchi “o`z qarichi bilan o`lchab” xulosalar chiqaradi.

FSMU texnologiyasi

Fikr: “Sohibqiron” dramasi- Amir Temur shaxsi xolis tasvirlangan asar. **Sabab:** asarda Amir Temur odil hukmdor, yomonlikni jazolovchi, ezguliklarni rag`batlantiruvchi, oychil shaxs, xato va kamchiliklarni tan olishdan qo`rqmaydigan inson qiyofasida namoyon bo`ladi. **Misol:** “...Bizning uchun g`oyat qutlug` mujda keltirding, O`g`lim seni siylagayman bu mujda uchun. Inshoalloh, Samarqandga qaytib borgan chog` Nikohingga berajakman bir nabiramni...” **Umumlashtirish:** adolat ulug`langan asar. Amir Temur nomi buyuk davlat qurgan sohibqiron, o`zbek davlatchiligining tamoyillarini yaratgan hukmdor va “Yevropa haloskori” sifatida asarlar osha mangu yashaydi.

“YQXO`M” mashqi

Yaxshi: asarda Temurning adolatli hukmdor sifatida tasvirlanishi, o`rni kelganda xatolarini tan ola biladigan mo`min inson ekanligi. **Qiziq:** Temurning xufyasi Buqalamunning turli xalqlar qiyofasiga kira olishi va hatto ko`zining rangigacha o`zgartira olishi. Yurishlardan oldin bir-birini tanimaydigan minglagan xufyalar xizmat qilishi qiziq. Yana qanday Temur harbiy hiylalari borligi. Tahlikali jang paytida Alouddin bilan shatranj o`ynashi.

Xalaqit berdi: Amir Husaynning Amir Temurga pand berishi, Boyazidning tahdidli, haqoratomuz maktubi.

O`zimmiki qilib oldim: adolatni shior qilgan inson hamisha g`olib bo`ladi. Ezgu ishlarni taqdirlagan hukmdor nomi mangulikka muhrlanadi. **Mening kayfiyatim:** qalbmida g`urur paydo bo`ldi. Shunday buyuk zotlar avlodi ekanligimdan faxrlandim. Ularga munosib avlod bo`lish va vatanim ravnaqiga hissa qo`shish burchim ekanligini yana bir bor his qildim.

10-sinflarda adabiyot fanidan Hamid Olimjonning “Chimyon esdaliklari” she`rini “Ikki qismli kundalik” metodi orqali o`rganish o`quvchini mustaqil fikrlashga, asar yuzasidan tushunganlarini ochiq bayon etishiga yordam beradi. O`quvchilarga she`rdagi mavjud sakkiz banddan istalgan to`rtta bandni tanlash va jadval asosida sharhlash topshiriladi. Birinchi bandni sharhlashga navbat berilar ekan, albatta, bu baytni tahlil qilgan bir-ikki o`quvchi topiladi va bu jarayonda fikrlar xilma-xilligiga e`tibor beriladi.

“Ikki qismli kundalik” metodi

Tanlangan band	Izohi
Yo`llarimda zangori ko`llar Oyna kabi tiniq va bejon. Men umrimda ko`rmagan gullar... Nom qo`yishda ojizdir inson.	Shoir yura-yura yo`lida ko`llarga duch keladi. Ko`llar toshoynaga o`xshaydi. Bu oynada turli fasllar aks etadi. Shoir ko`zi oyoqlari ostiga tushadi va ko`radiki, gullar turfa xil, hatto ulardan ayrimlarining nomini ham bilmaydi

“TYT” mashqi. Bu mashqdan she`riy asarni o`rganish jarayonida foydalaniladi. O`quvchilar she`riy asarni o`qib chiqqach, ma`lum vaqt davomida jadvalning tegishli bo`limiga band yoki misralarni yozadi. O`quvchilar to`ldirgan jadval o`qiladi. Kimdir tushunmagan band yoki misra ikkinchi o`quvchi tomonidan idrok qilingan bo`lishi mumkin yoki naksincha. Hech bir o`quvchi tushunmagan yoki notog`ri izohlangan o`rinlarni o`qituvchi o`zi tushuntiradi.

Tushundim	Yoqdi	Tushunmadim
Yo`llarimda zangori ko`llar Oyna kabi tiniq va bejon. Men umrimda ko`rmagan gullar... Nom qo`yishda ojizdir inson.	Bunda gulning eng asllari, Baxmal gilam, alvon poyandoz, Tabiatning bor fasllari: Bahor va yoz qarshimda peshvoz.	Tog`da yurar ohu bir juvon, Bahor yurar ko`chib tog`ma-tog`, qo`llarida lola piyola.

“O`zimmiki qilib olaman, uloqtirib tashlayman” mashqi. Bu mashq asarni o`rganib bo`lgandan so`ng tahlil jarayonida tashkil qilinadi. O`quvchi asar qahramonlaridan ibrat olish mumkin bo`lgan yoki saqlanish joiz bo`lgan jihatlariga to`xtalib o`tadi.

O`zimmiki qilib olaman	Uloqtirib tashlayman
Amir Temurga xos mardlik, odillik, saxiylik kabi jihatlarini, Said Baraka va ahmad Yassaviyga xos haqgo`ylik va donolikni	Amir Husayn kabi do`stlikka xiyonatni, Boyazidga xos manmanlikni,

Bir mavzuni bir necha usul orqali tahlil qilish o`quvchilar dunyoqarashi, darajasi va saviyasidan kelib chiqib tanlanadi. Muhimi, o`quvchi mustaqil fikrlashga o`rgatiladi. Adabiyot darsi-hayot darsi deya bejiz ta`kidlanmaydi.

O`quvchi u yoki bu qahramon timsolida turli xil hayot qiyinchiliklariga, quvonch-u shodliklariga guvoh bo`ladi. Asar qahramonlari bilan kuladi, quv naydi, iztirob chekadi. Hayotiy tajribasi kam bo`lsa-da hayot haqidagi ayrim tasavvurlarga ega bo`ladi. Mustaqil fiklashni o`rgana boradi. Asosiysi, ezgulikni yovuzlikdan, yaxshilikni yomonlikdan ajrata olsa, adabiy ta`lim o`z oldiga qo`ygan maqsadiga erishadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Xojiahmedov A. Mumtoz badiiyat malohati. T., 1999.
2. Xojiahmedov A. O`zbek aruzi lug`ati. T., 1999.
3. Umurov X. Adabiyot nazariyasi. T., 2004.

ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИНИНГ ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛЛАРИ

Shamsheddinova Nodira Baxreddinovna,

Guliston shahar 10-maktab ona tili va adabiyoti fani o`qituvchisi

Дарсликлар ўқувчига фан бўйича зарур билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгаллашга ёрдам берувчи асосий манбадир. Дарсликларни яратишга уриниш қадимдан мавжуд бўлган. Мадраса ва илм масканларида Саъдийнинг “Бўстон”, “Гулистон” асарлари, кейинроқ Яссавий, Ҳофиз, Навоий, Оллоёрнинг бадий етук, тили содда асарлари ўргатилган.

Бу ҳақда адабиётшунос У. Долимов ёзади: “Абжаддан кейин «ҳафтияк» ўргатилган. «Ҳафтияк»да 13-14 кичик-кичик суралар жамланган бўлиб, «Қуръон»ни ўқиш ва ёдлашдаги бир босқичдир. Бунда муаллим «Қуръон» сураларидаги сўзларни тўғри талаффуз қилишга, баъзи бир ёдлаш қобилияти кучли бўлган, чиройли товушга эга бўлган ўқувчиларни қироат билан таъсирли ўқишга ўргатган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, туркистонлик маърифатпарварлар орасида халқ турмушининг мавжуд ҳолатидан қониқмаслик, уни энгиллаштириш, миллат аҳлига одамга муносиб ҳаёт кечириш йўллари кўрсатишга уриниш майли пайдо бўлди. Асрнинг охирида илғор ойдинларимиз Исмоилбей Гаспралининг «Хўжаи сибён» алифбо дарслиги, «Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош» методик қўлланмаси таъсирида усули жадидни таълим амалиётига олиб кира бошладилар. Шўро ҳукмронлигининг дастлабки йилларида Ўзбекистонда кўплаб педагоглар тайёрлайдиган техникумлар, курслар ташкил қилинди. Шу йил “Маориф ва ўқитувчи” журналида, бошқа предметлар қатори, биринчи адабиёт дастури ҳам босилди. Бу дастурда 5-7- синфларда она тили ва адабиёт предмети ўқитилиши қандай амалга оширилиши белгилаб берилганди. Шокиржон Раҳимий ўзбек тилидаги биринчи алифбе дарслиги – «Совға» (1919), шунингдек, «Она тили» (1918, Фитрат ва Қ.Рамазон билан ҳамкорликда), «Катталарга ўқиш» (1920), «Алифбе дарслиги» (1922), «Катталар йўлдоши» (1924), «Катталар алифбеси» (1927), «Савод» (1930), «Ўзбек тили. Иш китоби» (1932) сингари дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи эди. Кўринадики, дастлабки таълимга йўналтирувчи дарсликлар 1920-йилларда яратилган. Шу йилларда бошланғич ва етти йиллик мактаблар учун адабиётдан дастлабки мажмуалар тузилди. Тўғри, XX аср бошларида ҳам Мунавварқори («Сабзор»), А. Авлоний («Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони», «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар»), Ҳамза («Енгил адабиёт», «Қироат китоби») каби жадидлар турли мажмуалар тузишганди. Лекин улар, асосан, бошланғич мактабга аталган бўлиб, тарбиявий йўналишдаги матнларнигина ўз ичига олиб, зарур дидактик ашёлар эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришувидан олдинроқ, қайта қуриш, ошкоралик деб аталувчи даврлар бошланиши билан ўзбек зиёлиларининг катта қисми мактаб адабиётини тамомила бошқача ўқитиш лозимлигини англаб етган эдилар. Шу йўлда, аввал, қарашлар ўртасидаги курашлар, кейинчалик ташкилий ишлар бир неча йил давом этди. 1991 йилнинг 13 мартида Республика Вазирлар кенгаши раисининг ўша пайтдаги ўринбосари ёзувчи Эркин Самандар ташаббуси билан проф. У. Норматов бошчилигида ўн уч олимдан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, мустақилликдан олдинроқ мактаб адабиёт дарслиklarини янгилаш вазифаси қўйилди. 1991 йилнинг эзида биринчи марта чинакам миллий асослардаги мактаб адабиёт дастури тузилди. Йил мобайнида ўқитувчилар, ота-оналар, мутахассислар томонидан қизғин муҳокама қилинган дастур 1992 йилда қайта ишланиб, маориф вазирлиги томонидан тасдиқланди ва шу асосда яратилган дарсликлар 1993 йилдан бошлаб мактаб амалиётига жорий этилди.

Мустақиллик арафасида ва ундан сўнг яратилган адабиёт дарсликларида асосий эътибор ўқувчиларга ўзбек адабиётининг нақадар бой ва жозибали эканини англатишга қаратилди. Шунингдек, бир миллий адабиёт намуналарига “меҳнаткашлар адабиёти”, “сарой адабиёти” ва “диний-мистик адабиёт” тарзида қарама-қарши қўйиб ёндашиш анъанаси барҳам топди. Кўп асрлик ўзбек адабиётига умумий бадиий бойлик ва миллат маънавиятини шакллантиришда бараварига қатнашиши мумкин эстетик имконият тарзида ёндашилди.

Хулоса қилиб айтганда, дарслик ва ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш бўйича ҳаракатлар давом этиб келмоқда, ўқув адабиётлари танлови ўтказилмоқда. Бу дарсликларнинг афзал томони ўқитувчи учун методик қўлланма ҳам биргаликда яратилишида ва уларнинг амалиётда яхши натижага эришишида деб биламиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ж.Коллер. Адабиёт назарияси ва қисқача адабиётшуносликка кириш. – ОУП: Буюк Британия, 2011.
2. Менглиев Б. Она тили таълими: давр талаби ва ижтимоий зарурат. // “Маърифат” газетасининг 2017 йил 22 февраль сони.
3. Мадаев О., Тошмирзаева Ш. Айни муддао. // “Маърифат” газетасининг 2017 йил 17 апрель сони.
4. Мадаев О, А.Собиров, З.Холманова, Ш.Тошмирзаева, Г.Зиёдуллаева, М.Шамсиева. Ёзма иш турлари: иншо, баён, диктант. – Т.: Турон замин зиё, 2017.
5. Маҳмудов Н. Жамиятда тил сезгиси ва сўз сезгиси барқарорлашмоғи зарур. // “Тил ва адабиёт таълими” журналининг 2017 йил 10-сон

ОНА ТИЛИ ДАРSLARIDA O'QUVCHILARNI XALQARO VAHOLASH DASTURLARIGA TAYYORLASH.

Atadjanova Y.D. Xorazm VXTXQTMOHM

“Tillarni o'qitish metodikasi” kafedrasida o'qituvchisi, yulduz@olam.uz

Ta'limni isloh qilish va rivojlantirishga qaratilgan hukumat qarorlarining negizida barkamol avlod tarbiyasi asosiy vazifa sifatida qaralmoqda. Umumiy dunyoqarashni belgilab beruvchi faol hayotiy pozitsiya ko'nikmasi yetarli darajada shakllantirilmasa, mustaqil davlatning talab va ehtiyojlariga mos keladigan komil insonni tarbiyalab voyaga yetkazish muammosi to'liq hal bo'lmaydi. Yosh avlodni o'qitishning o'zak nuqtasini darslar tashkil qiladi. Ayni mana shu jarayonda o'qituvchi va o'quvchi muloqotlarining oliy nuqtasiga ko'z tashlanadi. Umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'qitilayotgan fanlar bo'yicha darslarning mazmuni qanday bo'lishi kerak, mavzu maqsadini qo'yishda nimalarga e'tibor qaratish kerak, darsining samaradorligi nimalarga bog'liq kabi qator savollar tug'iladi. XX asrda psixologiya-pedagogika fani bu savollarga o'zgacha yondashgan holda munosabat bildirdi. Oldingi qarashlarni tubdan o'zgartirdi. Bola shaxsini shakllantirishda turli ijtimoiy va psixologik omillarning roli aniqlandi. O'sish va rivojlantirish jarayonida bola har xil ta'sir va munosabatlar ishtirokchisi (sub'yekti va ob'yekti)ga aylanadi. Shunga ko'ra, bugungi kunda pedagogika va metodikada darsga nisbatan ikki xil yondashuv mavjud. Birinchi yondashuvga ko'ra, dars –bu o'qituvchining o'quvchilarga bilim berish va shu asosida ularda ko'nikma, malaka shakllantirish, ularni tarbiyalash jarayoni. O'qituvchining asosiy vazifasi – “o'quvchini chuqur va puxta bilim bilan qurollantirish, tushunib, o'zlashtirib borish orqali shaxsning har tomonlama rivojlanishini ta'minlash”. Ikkinchi yondashuvga ko'ra, dars – chegaralangan vaqt ichida belgilangan mavzu va maqsad asosida o'qituvchi va o'quvchilarning teng huquqli hamkorligiga asoslangan bilim, ko'nikma, malaka hosil qilish jarayoni. O'qituvchining asosiy vazifasi-o'quvchilarda bilim olish ehtiyojini tarbiyalash. Tez yangilanib rivoj topayotgan zamonamiz eng avvalo innovatsiyaga ega axborot, yangi texnologiyalar yaratish, qadriyatli ishlab chiqarishni yulga qo'yish, inson resurslaridan keng va oqilona foydalanish payti kelganidan darak beradi. Yangi axborotni maqsadli tezda qabul etish, oydinlashtirish, tahlil asosida amaliyotda qo'llash, tafakkurdagi sintez, solishtirish, abstraktlash, konkretlashtirish kabi jarayonlarni ishga solib innovatsiyalar yaratishga harakat etish, ularni jahon bozoriga chiqarish har bir ijodiy faoliyat ko'rsatib kelayotgan shaxsdan muayyan tafakkur haqidagi bilimlar, malakalar, ko'nikmalarni rivojini talab etadi.

XXI – asr ta'lim-tarbiyasi o'qituvchining yuqori darajadagi bilimlari, malakalari, ko'nikmalari, shaxsiy sifat, xislatlari bilan bog'liq. Hozirgi globallashtirish jarayonlarining o'ziga xos xususiyatlari ta'lim-tarbiya jarayonida shaxsning intellektual qobiliyatlarini o'stirish orqali unda mavjud axborotlar oqimini qabul qilish, tushunish, fikrlash va qayta ishlash bilan bog'liq bo'lgan ijodkorlik ko'nikmalarini shakllantirishga ko'proq e'tibor qaratish zaruratini yuzaga keltirmoqda. Chunki, shaxs bu ta'lim tizimidagi axborotlar oqimining faol iste'molchisi bo'lishi bilan bir qatorda, uni tahlil qilish va amalga oshirish jarayonida ham yetakchi sub'ekt vazifasini o'taydi. Bu esa undan ijodkorlik, izlanuvchanlik va nostandart tafakkurni talab etadi.

Kreativlik (lot., ing. “create” – yaratish, “creative” yaratuvchi, ijodkor) – individning yangi g'oyalarni ishlab chiqarishga tayyorlikni tavsiflovchi hamda mustaqil omil sifatida iqtidorlikning tarkibiga kiruvchi ijodiy qobiliyati ma'nosini ifodalaydi. SHaxsning kreativligi uning tafakkurida, muloqotida, his-tuyg'ularida,

muayyan faoliyat turlarida namoyon bo'ladi. Kreativlik shaxsni yaxlit holda yoki uning muayyan xususiyatlarini tavsiflaydi. Shuningdek, kreativlik iqtidorning muhim omili sifatida aks etadi. Qolaversa, kreativlik zehni o'tkirliligi belgilab beradi.

Kreativlik – shaxs yoki jamiyatning tabiiy, ijtimoiy va ma'naviy olamni insonning maqsad va vazifalariga, uning ehtiyojlari, istaklari, imkoniyatlariga muvofiq tarzda o'zgartirish borasidagi faolligidir. Kreativlik insonni aql-zakovatining barcha ijobiy sifatlarini o'zida mujasamlashtirgan yangilik yaratish bilan bog'liq bo'lgan alohida faollik va mustaqillik turi sanaladi.

Kreativlik psixologiyasining asoschisi Dj. Gilfordning fikricha, shaxsning ijodkorligi ko'proq uning intellektual salohiyati, aqliy qobiliyatlari bilan bog'liq bo'lib, ular asosan ta'lim-tarbiya jarayonida shakllanadi va rivojlanadi. Demak, ta'lim-tarbiya jarayoni shaxsdagi kreativlikning shakllanishi bevosita ta'lim jarayonini tashkil etishga nisbatan o'ziga xos innovatsion yondoshuvni talab etadi.

Ona tili darslarida o'quvchilarni kreativ va ijodiy fikrlashga yo'naltirish, ularning ongida ma'naviy-ma'rifiy inqilob hosil qilishga erishish lozim. Shuning uchun zamonaviy texnologiyalar asosida o'tilayotgan darslarda grammatik qoidalarni yodlatishdan voz kechish, ijodiy tafakkur tarzini shakllantirish, dars va mashg'ulotlarni o'quvchining nutqiy malakasini yuzaga keltirishga qaratish maqsad qilib olindi. Ona tili ta'limining bosh maqsadi bolalarda ijodiylik, mustaqil fikrlash, ijodiy fikr mahsulini nutq sharoitiga mos ravishda og'zaki va yozma shakllarda to'g'ri, ravon ifodalash va rivojlantirishga qaratilishi lozim.

Zamonaviy pedagogik texnologiya ta'lim maqsadini aniq o'rnatishdan boshlab to uning natijalarini baholashgacha bo'lgan bosqichlarning har biri uchun ijodiy faoliyatni talab etadi. Pedagog faoliyatining texnologiyalanuvchanlik darajasini prof. N.Sayidahmedov quyidagi mezonlar asosida alohida ajratib ko'rsatgan.

1. Tashxislanuvchan o'rnatilgan maqsad – o'quvchi - talaba tomonidan didaktik, jarayon mahsuli sifatida o'zlashtirilgan aniq o'lchamli tushunchalar, amallar va faoliyat turlari.

2. Ta'lim mazmunini o'quv elementlari yordamida bayon qilishda abstraksiya pog'onalarining va axborotlarni o'zlashtirish darajasining hisobga olinishi.

3. O'quv materiallarini o'zlashtirish bosqichlarining yetarlicha mantiqiy qat'ianligi – didaktik jarayon tuz-ilmasiga mosligi.

4. O'quv jarayoniga yangi vositalar va axborotlashtirish usullarining joriy etilishi.

5. O'qituvchining qoidabop (algoritmli) va erkin, ijodiy faoliyatidagi mumkin bo'lgan chetga chiqish chegarasi-ning ko'rsatilishi.

6. O'quvchi va o'qituvchi faoliyatida shaxsiy mo-tivlashganlikning ta'minlanishi (erkinlik, ijodiyot, kurashuvchanlik, va boshqalar).

7. O'qitish jarayonining har bir bosqichida kommunikativ munosabatlarning, axborot texnikalari bilan muomala qilishning maqsadga muvofiqligi.

Kreativ fikrlashini shakllantirishda o'qituvchi o'quv faoliyatining faol tashkilotchisi bo'lib, o'quvchi bu faoliyatning sub'ekti sifatida namoyon bo'ladi. Bunda o'qitishning maqsad va vazifalari, uning mazmuni va ku-tilayotgan natijalar bevosita ta'lim oluvchining individual imkoniyatlari doirasida belgilanadi va shunga moslashtiriladi. Kreativ fikrlashini shakllan-tirishning muhim vositasi – interfaol o'qitish metodlaridir. «Keys-stadi», «SCORE», «SWOT-tahlil», «Sinkveyn», «FSMU», «Xulosalash» (Rezyume), «Klaster», «Labirint», «Qora quti», «CHarxpalak» metodlari o'quvchilardan axborotlarni o'zlashtirish jarayonidagi faollikni, ijodkorlik, mustaqillikni shakllantiribgina qolmay, o'qitish maqsadlarining to'laqonli amalga oshishiga yordam beradi. Interfaol ta'lim sharoitidagi bellashuv, raqobat, tortishuv ruhi-yati shaxsning intellektual faolligiga kuchli ta'sir qiyadi. Bu talabalarni uyushgan holda muamoni yechishga bo'lgan harakatlarida namoyon bo'ladi.

Bundan tashqari bir qator omillar, ya'ni atrofdegilar tomonidan bildirilgan fikrlarga munosabat bildirish, o'z pozitsiyasini shakllantirish, tanqidiy mulohazalar ta'lim oluvchini yangi imkoniyatlarini namoyon bo'lishiga zamin hozirlaydi. Bunday ta'lim sharoiti esa ta'lim oluvchidan mustahkam bilim, keng dunyoqarash, faollik va ijodkorlikni talab etadi. Shu nuqtai nazardan, interfaol ta'lim sharoitini ta'lim amaliyotiga joriy etish:

Birinchidan, ta'lim jarayonida shaxsning bilish faolligi, motivatsiyasi va intellektual imkoniyatlarining rivojlanishini;

Ikkinchidan, o'quvchilar uchun zarur bo'lgan kasbiy bilim, malaka va ko'nikmalar tizimini o'zlashtirish samaradorligi va muvaffaqiyatini;

Uchinchidan, adaptatsiya va faollikni;

To'rtinchidan, nostandart tafakkur ko'nikmalari: mustaqil va tanqidiy fikrlashni ijodkorlikni shakllantirish uchun zaruriy psixologik-pedagogik muhit yaratadi.

Ona tili mashg'ulotlari bosqichli ketma-ketlik, shakl bilan mazmun aloqadorligi, tilshunoslik bo'limlarining o'zaro zich bog'liqligi asoslarida ko'riladi. Boshlang'ich ta'lim bosqichida o'quvchilarning ona tili ta'lim sohasi bo'yicha tayyorgarlik darajasiga qo'yiladigan minimal talablar quyidagi uch parametrik standart o'lchovi orqali aks ettiriladi.

1. O'qish texnikasi.

2. O'zgaralar fikrini va matn mazmunini anglash.

3. Fikrini yozma shaklda bayon etish malakasi.

Xulosa qilib aytganda, fikrlash – ob’ektiv borliq aksi, til esa – fikrni ifodalash, mustahkamlash va uni boshqa kishilarga yetkazish usuli hisoblanadi. So’z va tushuncha dialektik jihatdan o’zaro bir-biriga bog’liqdir.

Til bilan fikrlashning o’zaro uzviy bog’liqligi haqidagi qoida bolalarga ona tilini o’qitish tizimini ishlab chiqish, ta’lim va tarbiya ishlarining o’zaro bog’liq bo’lishi haqidagi talabni asoslash uchun hal qiluvchi ahamiyatga egadir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1.Yo`ldoshev J., Yo`ldosheva F., Yo`ldosheva G. Interfaol ta`lim-sifat kafolati .-T., 2008

2.Yo`ldoshev J.G`., Hasanov S. Zamonaviy pedagogik texnologiya asoslari. –T.:

“Iqtisod-moliya”,2009.-658 b.

3.Махмутов М.И. Организация проблемного обучения в школе.-М.:Педагогика, 1977.

МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБ МАТЕМАТИКА ҲҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ДАРСЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА.

Samarqand viloyati xalq ta’limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi o’qituvchisi Karshiyeva D.

Annotatsiya. Ushbu maqolada malaka oshirish jarayonida dars mashg’ulotlarini loyihalashda interaktiv pedagogik texnologiya sifatida ta’lim jarayonida kvest - texnologiyalarni qo’llash masalasi ko’rib chiqiladi. Malaka oshirish jarayonida maktab matematika fani o’qituvchilarining yangi pedagogik texnologiyalar orqali dars jarayonini loyihalashda “Kvest” texnologiyasidan foydalanishdagi mavjud kamchilik va uni bartaraf etish yo’llari haqida tavsiyalar beriladi.

Kalit so’zlar: Kvest texnologiya, innovatsiya, veb-kvest, pedagogic texnologiya.

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос применения квест - технологий в образовательном процессе как современной интерактивной педагогической технологии. В процессе повышения квалификации учителями математики школы будут даны рекомендации по использованию технологии "Quest" при проектировании учебного процесса посредством имеющихся недостатков педагогических технологий и способов их устранения.

Ключевые слова: квест технология, инновации, веб-квест, педагогическая технология.

Annotation. This article discusses the use of quest technologies in the educational process as a modern interactive pedagogical technology. In the process of professional development, the school's mathematics teachers will give recommendations on the use of "Quest" technology in the design of the educational process through the existing shortcomings of pedagogical technologies and ways to eliminate them.

Keywords: quest technology, innovations, web-quest, pedagogical technology.

Ta’limni modernizatsiya qilish, o’qituvchining shaxsni o’z-o’zini anglashga qaratilishi, ta’lim oluvchilarning ehtiyojlarini qondirish uchun doimiy ravishda yangi imkoniyatlar yaratish o’qituvchining doimiy kasbiy o’zini -o’zi yaxshilashini talab qiladi. Ta’lim tizimining zamonaviy rivojlanishining yana bir o’ziga xos xususiyati shundaki, uni modernizatsiya qilish butun axborot almashinuviga, ishlatilayotgan kompyuter texnikasi hajmining va interfaol o’quv qo’llanmalarining kengayishiga, barcha maktablarni multimediali vositalaridan keng foydalanishga olib keldi.

Malaka oshirish jarayoni dars mashg’ulotlarini takomillashtirish va bugungi kunda har qanday ta’lim texnologiyalari darhol eskirishi, bu esa uzluksiz innovatsiyalarni hamda yangi metodlar bilan boyitilishi talab etadi.

Dunyoning turli mamlakatlarida ko’plab tadqiqotchilar tomonidan matematika darslarini loyihalashda pedagogik texnologiyalarni qo’llash bo’yicha izlanishlar olib borilgan. Ularda «innovatsiya», «interfaol usullar», «innovatsion texnologiyalar» to’g’risida yaxshi axborotlar to’plangan, biroq axborot texnologiyalarini ta’lim muassasalarida o’rgatish samaradorligini oshirish bo’yicha aniq tavsiyalar yetarli emas. Shuning uchun asosiy maqsad yuqori darajada o’zlashtirish natijalariga erishishni ta’minlovchi innovatsion texnologiyalardan foydalanishning samarali usullarini ishlab chiqish, xususan, zamon talab etayotgan axborot texnologiyalari bo’yicha pedagogik innovatsiyalardan foydalanish masalalarini tadbiiq etishdan iboratdir. Ta’lim jarayoniga innovatsiyalarni qo’llash bugungi kunda quyidagi vazifalarni amalga oshirishni talab etadi:

- o’quv fanining aniq maqsadini aniqlash;
- fanning hajmi va mazmunini aniqlash;
- zarur bo’lgan ta’lim texnologiyalarini ishlab chiqish va tavsiya etish;
- fanning moddiy va texnik ta’minotini yaratish;
- ta’lim oluvchilarning xususiyatlarini o’rganish;
- o’qituvchining tayyorgarligi va dars mashg’ulotini loyihalash.

Maqsadga erishishning eng to’g’ri yo’li, bu dars mashg’ulotini loyihalashda integrallashgan ta’lim texnologiyalarini ishlab chiqish va ulardan darsning turli bosqichlarida samarali foydalanish imkoniyatlarini izlashdir. Ta’lim muassasalarida fanini o’qitishda shaxsga yo’naltirilgan ta’limning quyidagi metodlarini qo’llash maqsadga muvofiqdir:

- o'yinli texnologiyalar;
- muammoli o'qitish;
- dasturlashtirilgan o'qitish;
- kompyuterlashtirilgan o'qitish;
- modulli o'qitish.

Bu texnologiyalar o'quv mavzusi maqsadidan va mavzuning mazmunidan kelib chiqib, darsning turli bosqichlarida turlicha qo'llanishi mumkin. Maktab o'qituvchilarining yo'nalishlarini hisobga olib, malaka oshirish jarayoni modullarini o'qitishda g'oyat samarali bo'lgan qator o'yinli texnologiyalar ishlab chiqilgan.

Mutaxassislarining fikricha, insonning asosiy faoliyat turi uch ko'rinishi:

- mehnat faoliyati;
- o'yin faoliyati;
- o'quv faoliyatida shakllanadi.

Ularning barchasi o'zaro bog'liq holda sodir bo'ladi. Bu uch faoliyatni mujassamlashtirgan kompyuter o'yinlaridan foydalanish bilan dars jarayonini yaxshi o'zlashtirilishi, dars samaradorligiga erishish bir muncha osonlashishiga erishiladi.

Ta'lim texnologiyasining variantlaridan biri bu "Kvest" deb nomlangan usuldir. Ta'lim kvesti - bu axborot resurslaridan foydalanish mumkin bo'lgan rol o'ynaydigan o'yin elementlari bilan muammoli vazifa.

"Kvest" atamasi birinchi marta ta'lim texnologiyasi sifatida 1995 yil yozida San-Diyego Universitetining (AQSh) ta'lim texnologiyalari professori Berni Dodj tomonidan taklif qilingan.

Kvest texnologiyasidan foydalanishning dolzarbligi ta'limning ustuvor faol usullaridan biri sifatida tan olinadi. Ta'lim kvestlari loyiha faoliyatini o'z ichiga oladi. Bu usul sarguzasht yoki o'yin bilan bog'liq uzoq va maqsadli qidiruvdan iborat. Bu amalga oshirishning turli shakllaridan foydalanish mumkin: ta'lim veb-kvestlari, sarguzasht, o'yin-kvestlar, jonli kvestlar, maxsus kvestlar mavjud bo'lib, unda maqsadga erishish uchun harakat sodir bo'lgan hudud resurslari, axborot resurslari ishlatilishi mumkin bo'ladi.

Kvest texnologiya loyihasida ishlash jarayonida o'quvchilar nazariy bilimlarni amaliyot bilan bog'lab o'rganadilar, muayyan vaziyatlarni boshdan kechiradilar, hodisalarga chuqur kirib, yangi jarayonlarni, ob'ektlarni yaratadilar.

Shunday qilib, Kvest texnologiyasini ta'lim jarayonida qo'llash quyidagi:

- axborotni qidirish, tahlil qilish va sharhlashni amalga oshirish;
- jamo'a va jamoada ishlash, axborot texnologiyalaridan foydalanish;
- vazifalarni bajarish natijasida mas'uliyatni o'z zimmasiga olish bilan bog'liq ishlarni tashkil etish va nazorat qilish;
- bosqichlarni baholash va nostandart vaziyatlarda qaror qabul qilish;
- jamo'a jarayoni va natijalarini tahlil qilishda ishtirok etish kabi kompetensiyalarni shakllantirishga yordam beradi. Kvest texnologiya o'quvchilarda nafaqat o'z ufqlarini kengaytiribgina qolmay, balki o'z bilim va qobiliyatlarini amalda faol qo'llashga imkon beradi, shuningdek, o'z-o'zini hurmat qilish va hissiy va ijobiy munosabatni tarbiyalash uchun umuman o'rganish istagini uyg'otadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Куликова Е.С. Квест - технология как современная интерактивная педагогическая технология в образовательном процессе. Всероссийская научно-практическая конференция «Современные образовательные технологии и педагогические инновации как инструмент управления качеством образования» 2018 г. (265-269 стр.)
2. Осяк, С.А. Образовательный квест – современная интерактивная технология [электронный курс]
3. Научный интернет-журнал «Мир науки» 2016, Том 4, номер 5 (сентябрь-октябрь)
4. Журнал «Современные проблемы науки и образования». – 2015.№1 (часть 2)
6. Косолапова М.А. Технологические подходы в организации профессиональной подготовки к педагогической деятельности в высшей школе /Косолапова М.А.; Томский гос. пед. ун-т. – Томск, 2007. – 177 с. – Библиогр. : с. 104 – 110. Деп. В ИНИОН РАН № 60426

ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ

*Сирдарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта
тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
худудий маркази катта ўқитувчиси Р.Суванов*

Тарих дарсларида таълимнинг ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланиш дарснинг самарадорлигини оширади. Ахборот коммуникация воситалари ўқитиш ва ўрганиш сифатини кўтаришга ўқувчиларнинг ўқув материални қизиқиб ўрганишга ва пухта ўзлаштиришига хизмат қилади.

Ўқитишнинг ахборот коммуникация воситалари экран қўлланмалар яъни анимациялар, интернет маълумот, видеофильм, кинофильм, радио-телеэшиттиришлар киради. Аммо ахборот коммуникация воситалари ўқитиш жараёнида ўқитувчининг ўрнини боса олмайди. Шунинг учун ўқитувчи модераторлик вазифасини аъло даражада бажариши керак бўлади. Амалиётда қўйидагича ситуация юз бериши мумкин, яъни битта мавзудаги дарс бўйича дарсликда иллюстрациялар, деворий (таблица) жадваллар, доскага схематик куратлар ишланиши мумкин, яна фильм ва бошқа хиллари ҳам бўлиши мумкин. Масалан: уйғониш даври маданияти ҳақидаги дарсда дарсликдаги (рангли) иллюстрациялар, даврий таблицалар, телекўрсатувлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўқувчилар билан ишлашни қандай ташкил қилиш мумкин? Бу саволларга ўқитувчи ўқитиш шароитини ва синфнинг хусусиятларини ҳисобга олиб жавоб беради. Даставвал бу қўлланмаларнинг мазмунлиги, қулайлигига эътибор бериш керак. Масалан, “Европада уйғониш даври маданияти” мавзуси бўйича дарсда кўпроқ интернет сайтларидан олинган расм, видеоролик ёки диафильмлардан парчалар дарснинг яхши қабул қилиш имкониятини бера олади. Ўқув фильмларида тасвирий материаллар кўп берилган бўлади, ва уларни бу мавзу билан биринчи бор таништиришда қийинчилик туғдириши мумкин. Шунинг учун видеопректор орқали мавзуга оид сурат, харита, жадваллардан кенг фойдаланилади. Мавзунини уйда мустаҳкамлаш ва такрорлаш учун дарслик иллюстрациялари берилади. Дарс жараёнида қўлланилган фильмлар эса келгуси дарсларда парчаларда бўлса ҳам қўлланилиши мумкин. Унда ўқувчилар улардан янги бўлган томонларини англай олишлари керак.

Ахборот коммуникация воситалари кўрсатмалигининг ўқитувчи учун энг қулайлиси бу- видеофильмлардир. Тарихий воқеаларни камраб олиш, сюжетларнинг ҳар хиллиги бўйича, тасвирий материалларга бойлиги билан бошқаларидан устун туради.

Ахборот коммуникация воситалари орқали кўрсатиш изчиллигини ўқитувчининг ўзи аниқлаб беради. Кадрларга таяниб ўқитувчи ҳикоя қилиш, тушунтириш ва суҳбат ўтказиш мумкин. Бу ўқувчиларнинг материални нафақат кўришларини балки матнлардан керакли жойларини дафтарларига ёзиб олишларига ҳам имкон беради. Ўқитувчи ҳам ўқувчилар билан контактни йўқотмайди.

Телеэшиттиришлар, маънавий-маърифий фильмлар қисқа вақт ичида кенг маълумот бера олади. Улар орқали тарихий воқеалар қатнашчиларининг (актёрлар ижрасида) жонли овозини эшита олади. Телекўрсатувлар фильмларга нисбатан (актуаль) долзарбликка эга. Улар орқали айниқса ўқувчилар яқин вақтлардаги воқеалар билан танишиб боради.

Ахборот коммуникация воситалари орқали ўқув материални ўқувчиларга кўрсатишдан олдин, ўқитувчининг ўзи уни синчиклаб кўриб чиқиши ва ўрганиши лозим. Тарих ўқитиш тажрибасида ўқув фильмларидан фойдаланишнинг бир қанча усуллари бор:

а) Ўқитувчи ўз баёнини ўқув фильмининг энг муҳим ва ёрқин саҳифаларини кўрсатиш билан боғлаб олиб боради;

б) 10-15 минутда қисқа ўқув фильмларига бағишлаб дарс ўтказилади;

в) Ахборот коммуникация воситалари орқали дарслари ташкил этилади.

Ахборот коммуникация воситалари орқали ўқув дарсларини қабул қилиш учун махсус тарих хонаси бўлиши керак. Ўқитувчи дарсда интернет маълумоти, видеоролик киргазганда, уларнинг билим бериш жараёнидаги функциясини аниқ билиш керак бўлади.

Мураккаб ва маъсулиятлиси, ахборот коммуникация воситалари орқали мавзу бўйича билим берилганда буни асосий билим манбаи сифатида қабул қилишидир. Бунга ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам эътиборсиз қарамаслиги керак ва у катта тайёргарликни талаб қилади. Дарс олдида ўқувчиларни экрандан қандай маълумот олишлари кераклигини айтиб, тушунтирилиб, тайёрланиш ҳам яхши усул. Унда фильм кўриш пайтида бажаришлари лозим булган топшириқлар бериш мумкин. Бунга фильм бўйича саволлар, режа тузиш (улар доскага ёзиб қўйилади) киради. Ўқувчилар жавоб излаши керак. Кўриш пайтида бундай топшириқлар кўпинча юқори синф ўқувчиларига берилади.

Ахборот коммуникация воситалари орқали кўриш пайтида ўқитувчи муҳим кадрлар пайтида ўқувчиларнинг эътиборини жалб қилиб, таниш бўлмаган терминларга, географик атамаларга аниқлик беради, исмлар, саналар доскага ёзиб қўйилади. Шунингдек, ахборот коммуникация воситалари тарих фанини ўқитишда кўрсатмаликнинг самарадорлигини янада оширади. Бундан ташқари, дарс сўнггида ахборот коммуникация воситалари имкониятларидан яна фойдаланган ҳолда мавзунини суғулаштирган ўқувчилар билан мавжуд бўшлиқлар устида ҳам ишлайди.

“Видеотопишмоқ” методи (видео кейс)

Сўнги йилларда педагогик фаолиятда турли ахборот воситалар (компьютер, телевидение, радио, нусха кўчирувчи қурилма, слайд, видео ва аудио магнитофонлар) ёрдамида таълим жараёни ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқитувчилар олдида ўқитишда турли ахборот воситаларидан ўринли, мақсадли, самарали фойдаланиш вазифаси турибди.

Ўқувчиларга ўрганилаётган мавзу

изоҳларсиз бир нечта видеолавҳа намойиш қилинади

Ўқувчилар ҳар бир лавҳада қандай жараён акс эттирилганлигини изоҳлайди

Ўқувчи видео лавҳаларда акс этган жараён, ҳодиса ёки воқеликларнинг моҳиятини дафтарларига қайд этади

Методдан фойдаланишда қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

моҳиятини тасвирий ёритишга ёрдам берувчи

Ўқувчилар ўқитувчи томонидан берилган саволларга жавоб қайтаради

Видеолавҳалар намойиш қилинганда, ўқувчилардан лавҳада қандай жараён, ҳодиса ёки воқелик акс этганлиги, қайси бадий асар қаҳрамони ёки тарихий шахс ифодаланганлиги юзасидан мушоҳада юритиш талаб қилинади. Видеотопишмоқнинг жавобини топиш орқали ўқувчилар ўрганиладиган янги мавзу ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Хулоса қилинадиган бўлса, интерфаол усуллар - тарих таълими ва тарбия сифатини яхшилаш, самарадорлигини ошириш, ўқитувчи (педагог) ва таълим олувчи (ўқувчи)лар, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи, шунингдек, жамоа ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш, ғоявий ва руҳий бирликка эришиш, ягона мақсад сари интилиш, ҳар бир таълим олувчи (ўқувчи)нинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш, шахс сифатида намоён бўлиши учун зарур шарт-шароит ҳамда муҳитни яратишда катта имкониятларга эга.

Интерфаол усуллар моҳиятига кўра таълимий ёки тарбиявий мақсадларни амалга оширишда маълум даражада самарадорликка эришишни таъминласа-да, бироқ, уларнинг ҳар бири таълим ёки тарбия жараёнида маҳсулдорликни таъминлаш бўйича турли имкониятларга эга. Шу сабабли ўқитувчи (педагог)лар интерфаол методларни танлашда ўрганилаётган мавзу, муаммо ёки ҳал қилиниши лозим бўлган масалага эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, интерфаол методларнинг самарадорлиги янада ошади, қачонки, уларни қўллашда таълим олувчи (ўқувчи)ларнинг ёш, психологик хусусиятлари, дунёқараш даражаси, ҳаётий

тажрибалари инобатга олинса. Бу ўқитувчи (педагог)лардан касбий маҳорат, малака, билимдонлик, сезгирлик ва интуицияга эга бўлишни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкин, ахборот коммуникация воситалари орқали тарих фанини ўқитиш тажрибаси ғоявий-тарбиявий ва дидактик жиҳатдан бошқа кўрсатмали воситалардан кўра анча қулай ва афзал эканлигини исботлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гаффаров Я.Х, Гаффарова М. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитиш усуллари.Т., 2008
- 2.Саъдиев А.Мақтабда тарих ўқитиш методикаси. Т.,2011
3. Шахмаев Н.М. Дидактические проблемы применения технических средств обучения в средней школе.М., 2012
4. Бабанский Ю.К. ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. Т.,2000
5. Ахмедов Д. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т., 2004
6. Тошпулатов Т, Гаффаров Я. Тарих ўқитиш методикаси.Т.,2000
7. Махмутов М. Мактабда муаммоли таълимни ташкил қилиш.Т.,2011

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРИДА МАТЕМАТИКА
ФАНИДАН САВОДҲОНЛИК ДАРАЖАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ
КОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ
ЭТИШ**

Б.К.Норкулова¹

¹ *Янгиер шаҳар ХТБ га қарашли 3-умумтаълим мактаби, buvsojida@mail.ru
бошланғич синф ўқитувчиси*

Бугунги глобаллашув жараёни ҳамда илм, фан ва техника тараққиёти саноат, қишлоқ хўжалиги, тиббиётга инновацион технологиянинг кириб келиши, таълим соҳасига ҳам янги-янги технологияларни жорий этишни тақозо этмоқда.

Шу боисдан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида, ўқув-тарбиявий жараёни илгор педагогик технологиялар билан таъминлаш зарурлиги уқтирилади, унинг иккинчи, учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилганлигини айтиш мумкин [1].

Республикамизда таълим жараёни чуқур ислоҳ қилиш давом этмоқда [2] Олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш, аграр соҳа ва унинг тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида ўқув жараёнига таълимнинг кредит-модуль тизими кириб келмоқда. Шу билан бирга университетларни халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education, Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатида киритиш ишлари бошлаб юборилди.

Шу билан бирга бутун халқ таълим тизими тубдан такомиллаштирилмоқда. Умумий ўрта таълим сифати илгор халқаро тажриба ва замон талаблари асосида юксалтирилмоқда. 2021 йилда Ўзбекистон илк марта Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) PISA – ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро дастурида иштирок этади. Бунда болаларнинг олган билимларини ҳаётда – реал вазиятда қай даражада қўллай олишлари муҳим саналади. Ўтган 20 йилда PISA турли давлатларда таълим самарадорлигини, сифатини ўлчай оладиган асосий мезон ва таълим ислоҳотларига сабабчи бўлган дастурга айланиб улгурган.

Бугунги кунда инновацион педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш зарурати шунинг учун асосий муаммо бўлиб қолмоқдаки, анъанавий ўқитиш тизимлари ўз фаоллигини бироз йўқотди, бундай ўқитиш яхши натижа бермай қолди. Бунинг ўрнига инновацион педагогик технологияларни қўллаш таълим-тарбия жараёнига кўпроқ самара бермоқда.

Шунингдек, илм-фан, техника тараққиётининг жуда тез ривожланиши натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги, улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги таълим жараёнига технологик ёндошиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Бугунги кунда инновацион педагогик технологияларнинг назарий асосларини ўрганиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш зарурати шунинг учун асосий муаммо бўлиб қолмоқдаки, анъанавий ўқитиш тизимлари ўз фаоллигини бироз йўқотди, ёрдамида ўқитиш яхши натижа бермай қолди. Бунинг ўрнига “Ахборотли ўқитиш” таълим-тарбия жараёнига кўпроқ самара бермоқда[3].

Умумтаълим мактабларида бошланғич синфда математика фанидан ўқувчиларга таълим беришда ўқитувчиларга дарсларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида таълим технологиялари ва воситаларидан самарали фойдаланишини тақозо қилмоқда.

Ҳозирги даврда юксак даражада ривожланиб бораётган жамиятимизда ва ҳаётимизда интеллектни ва инсоннинг интеллектуал қобилиятини ривожлантиришда ахборот ресурслари ва улардан фойдаланиш технологияларини ишлаб чиқиш энг долзарб мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда, албатта таълим тизимида таълим ва тарбия олаётган ёшларни баркамол инсон қилиб вояга етказишда ва ёш кадрларни малакали мутахассис қилиб тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

Ахборот таълим ресурсларидан бири Колорада университети томонидан яратилган PhET мулоқотли моделлаштириш бўлиб, ўз ичига бошланғич, юқори синф ва олий таълим дастурларини ўз ичига олган ҳамда бошланғич синф дарсларини ўтишда ундан фойдаланиш дарс сифатини ошириш имкониятини беради [5].

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, умумтаълим мактабларида бошланғич синфларда математика фанини ташкил этишда замонавий таълим технологиялари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, инновацион педагогик технологияларни жорий этиш натижасида ўқувчиларда фанларга бўлган қизиқишлари орғиши, математикага доир масалаларни ечиш бўйича чуқур билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилишида кенг имкониятлар очади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т., 1997.

2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. 7 декабрь 2016 й. www/UZ24.
3. М.Камолдинов, Б.Вахобжонов. Инновацион педагогик технология асослари.- Т: “Талқин”, 2010 й.
4. <https://phet.colorado.edu>
5. Ишмухаммадов Р. Абдуқодиров А. Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент 2008 - 181 б

BOSHLANG‘ICH SINIF MEHNAT TALIMINING MAQSAD VA VAZIFALARI

*Mingboyeva Shoira Mo‘minovna,
Sirdaryo viloyati Guliston shahar 16-maktab boshlang‘ich sinf o‘qituvchisi*

Mustaqillik davrida ajdodlarimiz tomonidan yaratilgan an‘anava urf-odatlarini atroflicha o‘rganish, yosh avlodga mehnat tarbiyasi berishni keng targ‘ib etishimiz lozim. Darxaqiqat, yoshlarni mehnatsevarlik ruhida tarbiyalash masalasida pedagog olimlarimiz juda ko‘p ishlar qilishgan. N.Saidaxmedov, E.Choriev, U. Nishonaliev, R. Mavlonova, R. Xasanovlar yosh bolalarni kasbga yo‘naltirish ularga kasb-xunar o‘rgatish jarayonida ijtimoiy foydali mehnatning ahamiyatiga doir, targ‘ibot-tashviqot ishlarni pedagogik tarbiyasini berishda mehnat an‘analaridan foydalanish yo‘llari haqida birmuncha ma‘lumotlarni berganlar.

Tarbiyaning bo‘g‘ini boshlang‘ich ta‘limdan boshlanadi. Ta‘lim sohasida umumta‘lim maktablarining boshlang‘ich sinflari oldiga qo‘yiladigan talablar tobora ortib bormoqda. Bu talablar tabiat va jamiyat talablarini bilish maqsadida ma‘lum mazmunni fan va texnikaning eng yaxshi yutuqlar bilan boyitishga ta‘lim-tarbiya jarayonida mehnat ta‘limining rolini oshirish va bolalarni tarbiyalashga ajratilgan. Bu o‘z navbatida mehnat ta‘limi oldiga murakkab va mas‘uliyatli vazifalar qo‘yadi. Vujudga kelgan imkoniyatlardan mehnat o‘qituvchisi shaxsini har tomonlama rivojlanishi uchun to‘liq imkoniyat beradi. Boshlang‘ich sinf mehnat ta‘limining tarbiyaviy ahamiyati o‘quvchilarni aplikatsiya ishlari orqali estetik tarbiyalash, mehnatsevarlik ruhida tabiyalash va ijodiy mehnatni o‘stirishdagi ro‘li va o‘rni katta ahamiyatga ega.

Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini yoshligidanoq bu jamiyat insonlarning o‘zaro birikuvi yordamida insonning moddiy ehtiyojlarini qondirishga bo‘lgan intilishi natijasida vujudga kelishi, ayniqsa, boshlang‘ich sinflar faoliyati ham ijodiy tanqid ostiga olingan edi. Bunda asosiy jihat maktab boshlang‘ich sinflarda kasbga qiziqtirish va maktab ko‘nikmalari shakllanmay qolayotganliklari, mehnat fanini to‘g‘ri tashkil etish ham sust darajada ekanligi, yigit va qizlarning o‘z qobiliyatlarini, istaklari ijodiy mehnat moyilliklariga monand holda hayot yo‘llarini belgilab olishda qiyinchiliklar sezayotganliklariga ta‘kidlangan va shu bilan birgalikda umumiy o‘rta ta‘lim tizimini isloh qilish bilan bog‘liq vazifalar belgilab olingan edi. Boshlang‘ich sinflardagi mehnat ta‘lim-tarbiyasi va ma‘lumoti, maktabdan mehnat ta‘limini namoyon bo‘lishi va uning o‘zagi bo‘lib u bolalarning bilimi, ishlab chiqarish faoliyati o‘z-o‘ziga xizmat qilishi, o‘zaro yordam ko‘rsatish estetika va jismoniy rivojlanish jarayonidagi mehnat kuchi harakatlarini qamrab oladi.

Boshlang‘ich ta‘limi mehnat ma‘lumoti buning tarkibiy qismi hisoblanadi. Ta‘lim jarayonida ta‘lim olayotgan o‘quvchilar mehnatning nazariy va amaliy hamda samarali, eng oddiy asosiy negizlari va tarbiyaviy qismlarni, umumlashgan mehnat malakalarini bilish va amaliy faoliyat usullarini egallashga qaratilgan.

1932-yilda boshlang‘ich va o‘rta maktablarning o‘quv dasturlari va rejimi to‘g‘risidagi qarorida maktablarda fan asoslarini fanlardan foydalanib o‘tish ishlab chiqildi. O‘quv rejasiga boshqa o‘quv fanlari bir qatorda mehnat ta‘limi ham mustaqil fan bo‘lib, amaliy mashg‘ulotlarni mustaqil o‘tiladigan sifatida ta‘limga kirib keldi.

1952-yilda mehnat ta‘limiga jamoatchilik e‘tibori maktab boshlang‘ich sinflarda ta‘lim va mehnat tarbiyasini rivojlantirishning zarurligi ko‘rsatildi.

1954-yilda mehnat ta‘limini boshlang‘ich sinf o‘quv rejasiga o‘sib kelayotgan yosh avlodni kamol toptirish vositalaridan biri sifatida kiritildi.

Mehnat fani ham albatta qadimdan ma‘lum bir g‘oyalar asosida tarkib topib kelgan. Bu g‘oyalar ulug‘allomalar, buyuk insonlar g‘oyalari bo‘lib, mehnat fanining rivojlanishiga zamin yaratgan. Sharq mutaffakkirlarining pedagogik g‘oyalari, uzoq o‘tmishga borib taqaladi. O‘rta Osiyodan o‘tgan qadimiy buyuk ipak yo‘li Xitoy, Vizantiya, Hindiston shaharlari bilan bog‘lanib, madaniyat va sanoatni rivojlantirishga, ilmga bo‘lgan qiziqishiga alohida e‘tibor berishni taqozo etadi. Bu esa o‘z navbatida boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini mehnat qilishga bo‘lgan munosabatini o‘zgartirib raqobatga arzigulik qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishga, hunarmandchilikka, chevarchilikka qiziqishlarini takomillashtiradi.

Forobiyning insoni fazilatlarini to‘g‘risidagi ta‘limidan quyidagi ma‘lum xulosalariga kelish mumkin:

1. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarini yoshligidanoq bu jamiyat insonlarning o‘zaro birikuvi yordamida insonlarning o‘z moddiy ehtiyojlarini qondirishga bo‘lgan intilishi natijasida vujudga kelishi va jamiyatdan tashqarida insondan, jamiyatdan ajralgan holda o‘zaro yordamsiz o‘z ehtiyojini qondira olmasligini tushuntirib berish.

2. O‘quvchilarning barcha tug‘ma qobiliyatlarini yuksak kamolotga hamda mukammallikka erishishi uchun sarf qiladi va bu yo‘lda o‘zini qurshagan tabiati hodisalaridan foydalanadi, ularni o‘ziga xos bo‘ysindiradi, buning uchun ilm-fanni turli hunarlarni o‘rganadi Al-Xorazmiy, Al-Roziylarning pedagogik qarashlarida ham jamiyatning

rivojlanishida ta'lim tarbiyaning o'rni yosh avlodlarni tarbiyalashda kasbkorlikning, hunarmandchilikning ijodiy ta'siri u insonlarning kundalik hayotiy ehtiyojlarini qondirishga xizmat qilishlari zarurligini targ'ibot qilganlar. Ibn Sinoning tavsiya qilgan asarida tarbiya va ta'lim quyidagilarni o'z ichiga oladi:

1. Aqliy tarbiya.
2. Jismoniy tarbiya.
3. Estetik tarbiya .
4. Axloqiy tarbiya .
5. Mehnat tarbiyasi.

Ibn sino fikricha bolaga ma'lum bir kasb-hunar o'rgatish zarur. O'quvchi kasb-hunarni ma'lum darajada o'rganib bo'lgandan so'ng hunardan foydalanishi va mustaqil hayot kechirishini o'rganish lozim. Bundan ko'rinadiki mehnat fani, o'quvchilarni bilimli, dono, mehnatsevar, ijodkor, tadbirkor, ishbilarmon, barkamol, yetuk kasb- hunar egasi qilib tarbiyalash uchun fan sifatida bir manba hisonlanadi.

Beruniy mamlakatning obodonchiligi ilm-fanning ravnaqiga bog'liq, yoshlarning baxt-saodati va kamoloti uning bilimi, ma'rifatida deb biladi. Shuning uchun ham olim, yoshlarni ilm-ma'rifatga chorlaydi. Beruniy yoshlarda rahmdil, mehribon, kishilarga iltifotli, xayrxoh bo'lishni, najotsiz odamga qo'l cho'zishni, makkorlik, ayyorlik, adolatsizlik, jur'atsizlik, boylikka xirs qo'yish kabi sifatlariga yo'l qo'ymaslikni talab etadi. Ulug' allomalarimizning nodir qarash va fikrlari har bir fanning rivojlanishida muhim ahamiyat kasb etib, bolaning barkamol bo'lib rivojlanishida ham muhim o'rinni egallaydi.

Mehnat ta'limi o'qituvchilar rahbarligida o'quvchilar tomonidan bajariladigan aqliy va jismoniy harakatlar jarayonidan iborat bo'lib, yakuniy natijada ularning mehnat qurollari vositalari va jarayonlari haqidagi bilimlarni hamda ma'lum sohada ishlab chiqarish mehnatini bajarish uchun zarur amaliy ko'nikmalarini egallashlariga ongli ravishda kasb tanlashga hamda jamiyat va shaxs farovonligini beruvchi shaxsiy sifatlarini va tafakkurlarini rivojlantirishga qaratilgan o'quv faoliyatidir³⁰.

Mehnat ta'limi mazmuni shu vazifalarga to'la bog'liqdir, ya'ni shu vazifalarga ko'ra belgilanadi. Masalan: ta'limni unumli mehnat bilan birga qo'shishni ta'minlash zarurligi boshlang'ich sinfdagi o'qitish mazmuniga, jumladan, mehnat ta'limi mazmuniga qator talab qo'yadi:

1. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining faoliyatlari imkoniyatiga qarab unumli mehnatni o'z ichiga olishi kerak.
2. Boshlang'ich sinf o'quvchilarining unumli mehnati ularning o'quv faoliyatlariga tartiban qo'shilib ketishi kerak.
3. Unumli mehnat mazmunida bolalarning yosh imkoniyatlari, mehnat ta'limi vazifalari, ishlab chiqarish muhitining xarakteri hisobga olinishi kerak.
4. Maktab boshlang'ich sinflarga ta'limning ishlab chiqarish malakasini berish bilan tugallanishi kerak.

Xulosa qilib aytganda, bugungi kunda boshlang'ish sinflarda mehnat ta'limi jarayonida o'quvchilarning amaliy faoliyatlariga alohida e'tibor berilishi zarur. Mehnat topshiriqlarini bajarishda o'quvchilar ko'rsatmali qo'llanmalar, materiallar, o'yinchoqlar, tabiiy materiallardan buyumlar tikadilar va yasaydilar. I-IV –sinflarda ustaxona amaliy mashg'ulotlari bilan mehnat darslarining bog'lanishi va xarakteriga ko'ra bir tomonlamadir ya'ni, V-VII-sinflardagi mehnat ta'limi mazmunini hisobga olgan holda tuzilishi kerak. Mehnat ta'limining maqsadi boshlang'ich sinf o'quvchilariga faqat bilim ko'nikma va malakalar berishgina emas, balki ularda mehnatga, jamoa va mulkka, jamoa va uning alohida a'zolariga ongli munosabatini, shaxsiy va jamoa foydasi uchun ishlashga tayyorgarlikni tarbiyalashdan iboratdir.

O'QUVCHILARINI MUSTAQIL FIKRLASHGA O'RGATISH

*Ulug`murodova Xolbuvi Xudoyberdiyevna
Guliston shahar 8-umumiy o`rta ta'lim maktabining
ona tili va adabiyot fani o`qituvchisi*

O'quvchilarni bugungi kun talabi asosida tarbiyalash eng muhim vazifalardan biridir. Bunday murakkab va muhim jarayonni amalga oshirishda ustoz-murabbiylar o'rni beqiyosdir. Aynan ta'lim sohasida iqtisodiyotimizning barcha sohaları uchun mutaxassislar tayyorlanadi. Shuning uchun ham mustaqillikning birinchi yillaridan boshlab ta'lim sohasi davlat siyosatining ustivor sohasiga aylandi.

O'quvchilarda mustaqil fikr shakllanmasa ular hayotdagi har xil muammolar yechimini topa olmaydilar, ularda mustahkam e'tiqod ham shakllanmaydi.

Buyuk islohotlar amalga oshirilayotgan sharoitda mustaqil fikrlovchi yoshlarga bo'lgan talab davr taqozosidir. Chunki shaxsiy dunyoqarashga ega bo'lgan insonlargina jamiyat taraqqiyotini ta'minlovchi muvaffaqiyatlarga erishishga qodir bo'ladilar. Respublikada olib borilayotgan davlat siyosatining bosh omillaridan biri ham mustaqil fikrlovchi, keng dunyoqarashga ega, iqtidorli, barkamol shaxslarni kamol toptirish va

¹A.I.Vorobyev "Mehnat ta'limi" Toshkent O'qituvchi -1992-yil 22-bet

tarbiyalashdir. Zero, o'zgalar fikriga qaram bo'lish, turli yot mafkuralarga ergashish psixologiyasi jamiyat ma'naviyatini tanazzulga olib kelishi shubhasizdir. «Kadrlar tayyorlash milliy dasturi» da ko'rsatib o'tilganidek, demokratik jamiyatda inson erkin va mustaqil fikrlaydigan qilib tarbiyalanishi zarur.

Mustaqil fikrlash borliqini, voqelikni idrok etish usuli sifatida tafakkur jarayonining mahsuli sanaladi. U aqliy faoliyat bilan chambarchas bog'liqdir. Fikrsiz inson yaratish va o'sishga qodir bo'lmagan o'lik jussaga aylanadi.

Demokratik jamiyatda bolalar, umuman, har bir inson mustaqil fikrlaydigan etib tarbiyalanadi. Agar bolalar erkin fikrlashni o'rganmasalar, berilgan ta'lim samarasi past bo'lishi muqarrar. Albatta, bilim kerak. Ammo bilim o'z yo'lga mustaqil fikrlash ham katta boylikdir», - degan edi.

O'quvchilarni mustaqil fikrlashga, erkin tafakkur yuritishga imkon bermaydigan eng yomon illat o'quv jarayonida o'qituvchining «hukmronlik» rolining ijro etishligidir.

O'quvchining mustaqil fikrlashidan qanoatlanilmasa uning shahdini bo'g'ib, boshqacha usulda mushohada qilishga majburlashning nafidan ko'ra zarari ko'proq. Ta'lim jarayonida o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi munosabatda demokratik muhit bo'lmasa bola erkin, mustaqil fikrlay olmaydi. Shuning uchun o'quvchilarga munosabatlarda ezgu insonparvar yondoshuvga amal qilish lozim. Bular:

- o'qituvchi va o'quvchi huquqida tenglik darajasi;
- bolaning erkin tanlash huquqi;
- xato qilish huquqi;
- shaxsiy nuqtai nazar huquqi;
- bolalar huquqi konvensiyasiga rioya qilish.

O'quvchilarni erkin, mustaqil fikrlashga o'rgatish bir kunda yoki bir soatlik dars davomida amalga oshirilmasdan, balki yillar davomida bosqichma-bosqich turli omillar ta'sirida amalga oshiriladigan jarayondir.

O'quvchilarini mustaqil fikrlashga, muammolarni mustaqil ravishda hal qila bilishga o'rgatish ta'lim samaradorligini oshirishning muhim omilidir. Modomiki, shunday ekan, ta'lim jarayonini shunday tashkil etish kerakki, toki o'quvchilar bilim olish bilan birgalikda, ta'lim jarayonining ob'ekti bo'lib qolmasdan, balki o'qituvchining teng hamkoriga aylansin.

Zero, mustaqil, ongli faoliyat yuritadigan insongina o'z xalqi, Vatani, ota-onasi oldidagi burchini uddalay oladi va har qanaqa yot ta'sirlarga berilib ketmaydi, inson degan ulug' nomga munosib ish ko'radi. Shuningdek, mustaqil fikr yuritadigan inson o'z-o'zini anglaydi, o'zining hatta-harakati va odamlar bilan munosabatiga tanqidiy baho bera oladi, umuminsoniy axloq normalariga rioya etadi, mustahkam e'tiqodga ega bo'ladi.

ADABIYOTLAR

1. Sayidaxmedov N. Yangi pedagogik texnologiya mohiyati va zamonaviy loyihasi. – T.: Ta'lim markazi, 1999.
2. Saliyeva Z. Pedagogika kollejlari o'quv jarayoniga ta'limiy texnologiyalarni tatbiq etish. – T.: "Fan va texnologiya" nashriyoti, 2009.

МТТ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ НУТҚИНИ ЎСТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

*Абдуллаева Ирода Алишеровна,
ГулДУ Мактабгача таълим йўналиши 1-босқич 6-19 гуруҳ магистранти*

Мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, муассасаларни замонавий билимларга эга тарбиячилар билан тўлдириш ҳамда уларда касбий малака, фаолиятга нисбатан ижодий ёндашув ҳиссини қарор топтириш, узлуксиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қайд этилганидек, мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш бўйича малакали тарбиячи ва педагог кадрлар бугунги кунда узлуксиз инновацион изланишда бўлиши, фикрлаши, шунингдек, Мактабгача таълим муассасаларида ҳам инновацион ғояларни шакллантириш асосида фаолият кўрсатиши зарур. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорида; мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим –тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини тадбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик, жисмоний ривожлантириш учун шарт- шароитлар яратиш масалаларига алоҳида этибор қаратилди². Бу қарор мактабгача таълим тизимини янада такомиллашувига хизмат қилади.

Инсон тажрибасининг тарихан шаклланган мазмуни сўзли шаклда умумлаштирилган, уни баён этиш ва ўзлаштириш эса ушбу жараёнда нутқнинг ҳам иштирок этишини назарда тутади. Нутқ болага инсон маданиятининг барча ютуқларига йўл очади. Умуман, шахснинг ва барча асосий психик жараёнлар (қабул қилиш, фикрлаш ва бошқ.)нинг шаклланиши ҳам болада нутқнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Боланинг психик жиҳатдан шаклланишида нутқнинг алоҳида ўрин тутиши унинг турли босқичларда ривожланишига ёрдам берувчи шарт-шароитлар ва омилларни билишни жуда муҳим қилиб қўяди. Нутқнинг ривожланиши билан ҳаракатланувчи кучлар ҳақидаги масала шиддат билан сакраш тарзида рўй бериши туфайли ҳам, муҳим аҳамият касб этади.

Инсоннинг яна бир ўзига хос хусусияти, ўзига хос инсоний эҳтиёжи мавжуд, бу – бошқа одамлар билан мулоқотга эҳтиёжмандлик, «эмоционал мулоқотга эҳтиёжмандлик»дир (К.Обуховский). Айнан шу эҳтиёж туфайли дастлаб тил пайдо бўлган. Мулоқотга эҳтиёжмандлик доимо тилни эгаллашга олиб келади. Боланинг сўзлашни ўрганишининг сабаби шуки, унга катталар билан биргаликдаги фаолиятда иштирок этишга тўғри келади, бунинг учун эса боланинг унга нималар дейишаётганликларини тушуниши ва ўзи ҳам сўзлаши лозим. Бу ўринда тилнинг уч сифати (тажрибани жамлаш ва синтез қилиш – фикрга жамлаш – мулоқотни амалга ошириш) ҳақида сўз юритиш мумкин (В.А.Звегинцев). Тилни тадқиқ қилиш мустақил, умумилмий қизиқишдан ташқари қўплаб долзарб амалий вазифаларни ҳал этишда улкан аҳамиятга эгадир.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси мактабгача таълим-тарбиянинг умумий қонуниятлари, муайян жамиятда ягона ижтимоий мақсадга мувофиқ мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ҳамда унга таълим беришнинг моҳияти ва муаммоларини ўрганадиган фан. Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси ижтимоий фанлар тизимига кирувчи фан саналиб, мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ва руҳий камолотини тарбиялаш, унга таълим бериш муаммоларини ўрганади.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фани етти ёшгача бўлган болаларга ҳар томонлама таълим - тарбия бериш қонуниятларини ўрганади.

Мактабгача таълим муассасаси шароитида таълим-тарбия ишини ташкил этишнинг мазмуни, шакл, метод ва воситалар ҳамда мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланишини таъминлашга қаратилган шарт-шароитларни ишлаб чиқади. Нутқ ўстириш методикаси мактабгача педагогиканинг алоҳида соҳаси бўлиб, унинг умумий қонуниятлари, тамойиллари, методологик асоси, ташкилий шакл, метод ва воситаларига таянади. Нутқ ўстириш назарияси ва амалиёти мактабгача таълим ёшидаги болаларга яхлит тарбия беришнинг мақсади, боланинг ёш имкониятлари ва уни илк ёшдан бошлаб тарбиялашнинг роли, мактабгача таълимни ҳаёт, амалиёт ва замонавийлик билан боғлиқликда олиб боришнинг зарурлиги, бола шахсининг шаклланишида муҳитнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги асосланилади.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фани бола шахсини ривожлан-тиришнинг икки муҳим жиҳати – уни ўқитиш ва тарбиялашга асосий эътиборни қаратганлиги боис дидактика (таълим назарияси) ва тарбия назарияси фаннинг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. Дидактика (таълим назарияси, юнонча дидактикос – «ўргатувчи», дидаско – «ўрганувчи») таълимнинг назарий жиҳатлари, таълим жараёнининг моҳияти, тамойиллари, қонуниятлари, педагог ва педагог фаолиятлари, таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл, метод, воситалари, натижаси, таълим жараёнини такомиллаштириш йўллари каби муаммоларни тадқиқ этади. Тарбия назарияси – педагогиканинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, тарбия жараёни мазмуни, шакл, метод, восита ва усуллари, уни ташкил этиш муаммоларини ўрганади.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг *объекти* – яхлит мактабгача таълим жараёни.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг *предмети* – мактабгача таълим-тарбия жараёни, мазмуни, қонуниятлари, шакл, метод ва воситалари.

Нутқ ўстириш назарияси ва методикаси фанининг мақсади – мактабгача ёшдаги болаларда оғзаки нутқни ривожлантириш тамойиллари, унга қўйилган талаблар, усуллари, шакллари, нутқни ривожлантириш муаммолари, баркамол авлод тарбиясида нутқни тўғри шакллантириш йўллари ва иш самарадорлиги.

Замонавий педагогик технология. Таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил этиш, ва унинг тамойиллари, қонуниятлари. Мактабгача ёшда бўлган болаларда оғзаки нутқни ривожлантириш ишига тайёрлашдан иборатдир.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш ва уларга она тилини ўргатиш соҳасидаги психолог-педагогик тадқиқотларни таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

- Нутқни ривожлантириш – бу боланинг индивидуал ривожланишида марказий ўринни эгалловчи ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштиришига оид ўта мураккаб ва кўп омилли жараёндир.

- Бу стихияли жараён эмас, балки педагогик раҳбарликни таклиф қилувчи ижодий жараёндир.

- Боланинг нутқий ривожланиш жараёнини бошқарувчи педагог ушбу жараён қонуниятлари, механизмлари ва унинг турли ёш босқичларидаги хусусиятларини билиши, нутқий ривожланишнинг индивидуал хусусиятларини кўра билиши ва боланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг нутқига педагогик таъсир кўрсатишнинг энг самарали йўллари танлаши шарт.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Гулмуродова Паризод,

Сирдарё вилояти Боевут тумани 3-сонли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

Ўйин мактабгача ёшдаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин болаларнинг келажакдаги ўқув ва меҳнат фаолияти, кишиларга тмуносабатнинг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди. Ўйин фаолияти асосида боладаги билиш фаолияти ривожланади, бола қанча яхши ўйнаса, у мактабда шунчалик яхши ўқийди.

Психологлар ўйинни боғча ёши даврида етакчи фаолият деб ҳисоблайдилар. Ўйинда бола шахсининг ҳамма томони бир-бирига ўзаро таъсир этган ҳолда шаклланади.

Ўйнаётган болани кузатиб унинг кизиқишларини, теварак-атроф тўғрисидаги тасаввурларини, катталарга ва ўртоқларига бўлган муносабатини билиб олиш мумкин.

Ўйин болаларни жисмоний тамондан тарбиялаш тизимида, матабгача таълим муассасасининг таълим-тарбия ишида, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тамондан тарбиялашда катта ўрин тутади.

Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бирдамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шундай экан, ҳар бир ўйини-машғулотини тўғри режалаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ўйин машғулотларни режалаштираётганда ҳар доим мақсадни ҳамда машғулотдан кутилаётган натижаларни аниқлаболиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундан сўнг мақсадга эришиш учун қайси ўйин, топшириқ ёки машқдан фойдаланса яхшироқ самара бериши аниқлаб олинади. Бунинг учун куйидагиларни инобатга олиш зарур:

- танлаб олинган маълумотларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда кетмакетлиги;
- соддадан мураккабга қараб интилиш;
- турли хиллиikka эътибор бериш (нутқий фаолиятни турли ҳаракатлар билан, тинч ўйинларни ҳаракатли ўйинлар билан уйғунлаштириб туриш);
- гуруҳий ёки кичик гуруҳлар учун машғулотларни ташкил қилиш. Тарбиячи қачон катта гуруҳ билан ҳамда қачон кичик (6-8 боладан иборат гуруҳ) гуруҳ билан ишлаш лозимлигини ҳал этмоғи даркор;
- машғулотларнинг вақт чегараларини аниқлаб олиш (қайси вақтда болалар билан шуғулланасиз ва қанча вақт давомида).

Машғулотлар давомида болалар ўз фикрларини билдириш имкониятига эга бўлганларидагина машғулотларга бўлган кизиқишлари ва ўзаро ишончлари ошиб боради.

Гуруҳий ўйин-машғулотлари режаларига машғулот бошида ҳам машғулот давомида ҳам ўзгартиришлар киритиб бориш мумкин.

Ўйин-машғулотларнинг қатор тамойиллари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари куйидагилар:

1. Ўйинларда эркин иштирок этиш.
2. Ўзаро ҳурмат.
3. Ўйин қоидаларини англаб олиш.
4. Рефлексия.

Ўйинда эркин иштирок этиш тамойили-агар ўйин қизиқарли ва қувноқ кайфият бағишловчи бўлса, ҳар бир бола бу ўйинда иштирок этишга интилади. Қандайдир сабабларга кўра бола ўйинда иштирок этишдан бош тортса, у ўйнаши мумкин бўлган бошқа бир ўйинни таклиф этиш мумкин. Болаларга ўйиндан бемалол чиқишлари ва яна орқага қайтишларига имконият яратиш лозим.

Ўзаро ҳурмат тамойили – бу ўзаро муносабатлардаги қоидага ўхшашдир, яъни ҳар бир ўйин иштирокчиси ўз фикрини эркин билдиришга, танлаш ҳуқуқига эга, ҳамманинг фикри эшитиб-тингланади.

Ўйин қоидаларни англаб этиш – машғулотни бошлашдан олдин болалар ўйин-машғулот мақсадлари, қоидалари билан таништирилади. Агарда болаларнинг айримлари бу нарсаларни англаб етмаса, ўйинмашғулотлар қоидалари такрор тушунтирилади.

Рефлексия – олинган билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш мақсадида қайта алоқа ўтказиш муҳимдир. Ўйин-машғулоти якунида бошловчи болалар билан хулоса ясади. Болалардан кўпроқ нималар ёққани, нималар маълум бўлмагани ва нималарни ўрганганлиги сўралади.

Хулосадан кейин якуний машқни бажариш мумкин. Масалан, болалар доира бўлиб туриб, қўлларини ушлашади. Ҳамма кўзини юмиб, ёқимли нарсалар ҳақида ўйлайди. Шундан сўнг бошловчи кўзини очади ва ўнг тамонидаги боланинг қўлини сиқиб кўяди. Бу бола ўз навбатида кўзини очиб, қўшнисининг қўлини сиқади. Машқ шу тариқа барча болалар кўзларини очгунларича давом этади. Охирида болаларнинг ҳаммалари бирон-бир кўшиқни куйлашлари ҳам мумкин.

Ҳамкорликда ўтказиладиган ўйинлар болаларнинг бир-бирларига яқинлашишларига, бирлашишларига ҳамда қайфиятни кўтаришга хизмат қилади. Айнан ўйинлар тарбиячига нисбатан болаларнинг ишончи ва мойилликларини қозонишга ёрдам беради. Қуйида сизнинг диққатингизга бир қанча ўйинларни ҳавола этамиз.

Ўйинга раҳбарлик қилишда ўйиннинг мақсад ва мазмунини белгилаш, ўйин ғоясини ўйлаб топиш, ўйин қондаси ва асосий ҳаракатларни тушунтириш, болалар ўртасидаги муносабатни яхшилаш, тарбиявий таъсир орқали ўйинни боришга раҳбарлик қилиб бориш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Ўйинлар гуруҳ хонасида, залда, майдончада, ўрмонда, далада ва бошқа жойларда ўтказилиши мумкин. Бу ўйиннинг таъсирчанлигини, таассуротларнинг ҳар хиллигини, болаларнинг фаоллигини оширади. Шундай қилиб, дидактик ўйин мактабгача ёшдаги болаларга таълим бериш воситаси бўлиб, уни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради. Айтиш керак, бола билан ўйнар эканмиз, ўйин бола учун эрмак, қувонч манбаи бўлибгина қолмай, балки таълимий характердалиги боис, боланинг диққати, хотираси, ижодий тафаккури ва тасаввурини ўстиришга хизмат қиладиган воситадир. Бу жиҳатлар боланинг бундан буёнги ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Ўйин жараёнида болалар янги билим, малакаларни эгаллайдилар, қобилиятларини ўстирадilar. Педагог-тарбиячилар болаларга аввалдан режалаштиришилган ўйин мазмуни ва йўналишини таклиф этадилар. Бу ўйинларни киёсан бир неча мустақил гуруҳларга ажратиш мумкин. Хулоса қилиб айтганда, ўйинларнинг шундай алоҳида туркумларга бирлаштириш мумкинки, улар болаларнинг таълимий-тарбиявий дастурларда назарда тутилган билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига, шунингдек, ижтимоий ҳаётга уйғунлашувининг шарти саналган ҳаётий малакаларнинг ўзлаштириб борилишига асос бўлади.

ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎҚУВЧИЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ

Худойбердиева Наргиза Бозорбоева,
Гулистон шаҳар 10-мактабининг амалиётчи психологи
Tel: +99 899 472 88 47

Тарбияси қийин болалар!? Ҳаммага маълум бўлган ва афсуски, аллақачон кўникиб кетилган бу атама ортида нималар туради? Ўқитувчи учун –синфдошларига ёмон таъсир кўрсатувчи норасмий, болалар боғчаси тарбиячиси учун эса-хархашали, инжиқ, тиниб-тинчимас бола. Ота-оналар учунчи? Ҳар қайсиси учун у ўзгача маъно қасб этади. Ота-оналар тушунчасидаги “қийин” боланинг мумкин бўлган барча вариантларини айтиб ўтиш фойдасиз, чунки ҳар қандай бола ҳам табиатан —қийин бўлиши мумкин.

Одатда ҳамма болалар ҳам туғилган вақтларидаёқ ота-оналарига маълум бир қийинчиликларни келтирадilar. Аммо баъзилари учун муаммо бўлган нарса бошқаларга ҳеч қандай қийинчилик келтирмайди ва у кўпгина сабабларга боғлиқ. Болага нисбатан ота-оналарнинг тутган йўли, оиладаги қадриятлар тизими, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бор ёки йўқлиги, шунингдек, бошқа кўпгина нарсалар болани тарбиялаш жараёнида муқаррар равишда пайдо бўладиган қийинчиликларни бартараф этиш малакасини белгилаб беради. Шубҳасиз, болалар бир-бирига ўхшамайди. Бу табиий ҳол. Лекин кўпинча катталар буни унутиб қўядilar, ўзларича қандай умумий тавсиялардан ёрдам олишга мойил бўладilar ва бунда: —бола бажариш керак, —болага мумкин эмас каби сўзларни ишлатадилар. Бу эса хато. Бола аввал бошданок ҳеч нарсани бажаришга мажбур эмас, унга ҳеч нарса жоиз ҳам эмас. Аксинча, катталар унинг меъёрида ривожланиши учун шароит яратишлари, уни кишилар орасида яшашга ўргатишлари, уларнинг ҳис-туйғуларини, хоҳиш-истакларини ва ишларини тушунишлари лозим. Вақт ўтиши билан, пайти келганда унинг ўзи нималар қилиши кераклигини, кимга нималар қилишга мажбурлигини тушуниб олади. Бунинг учун эса болани қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш, уни шундайлигича тушунишга ҳаракат қилиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ўзаро муносабатларнинг қўшимча қийинчиликлар келтириб чиқармайдиган, балки аксинча оилада энг қадриятли ҳисобланган ўзаро ҳурмат, илиқлик ва химояланганлигини ҳис этишга ёрдам берадиган усулини топиш керак.

“Тарбияси қийин” болалар билан олиб бориладиган ишлар назокат, индивидуал ёндашувни талаб этади. Бу ёндашув биринчидан, болага эътибор билан, хайрихона муносабатни, иккинчидан унинг ижобий фазилатларига таянишни ва учинчидан, унинг ахлоқий кучлар, потенциал имкониятларига ишонишни назарда тутати.

Ҳозирги вақтда болалар томонидан йўл қўйиладиган қонунбузарликларнинг олдини олишда мактабнинг роли жуда ошди. Энг янги замонавий педагогик технологиялар билан қуролланган ўқитувчи тарбиявий жараённинг бош ташкилотчиси ўқувчига, ўқувчилар жамоасига, оилага кўрсатиладиган педагогик таъсирларнинг мувофиқлаштирувчиси сифатида намоён бўлмоқда.

Балоғатга етмаган болаларнинг қаровсизлиги ва қонунбузарликларининг олдини олишни яхлит системанинг бир қисми деб қараш лозим. Ана шу жараён доирасида педагогларнинг сайёи – ҳаракатлари куйидагиларга қаратилиши керак:

- ўқувчилар шахсини таркиб топтиришга салбий таъсир этувчи ташқи омиллар таъсирининг ва бунинг оқибати сифатида ўсмир тарбиясининг қийинлашувига олиб келувчи сабаб ва шароитларни йўқотишга;

- бутун тарбия жараёнини тузатишга унинг нормаллашуви икки хил даражада рўй беради;

а) боланинг ривожланишидаги салбий томонларни тўхтатиш ва барча салбий таъсирларни енгиб ўтиш;

б) анча юқори даража ахлоқий, ижтимоий барқарор ва гармоник ривожланган шахсни таркиб топтириш. Унинг асосида ҳақиқат, тўғрилиқ, яхшилиқ, гўзаллик, масъулият, онг ва хатти – ҳаракат бирлиги ётади.

Умуман олганда, ўқитувчиларнинг қаровсиз болалар билан ишлашга тайёрлиги тизими шахсий билимлардан иборат бўлиб, ахлоқий, психологик, назарий ва амалий тайёргарлик унинг структурали ташкил этувчиси сифатида намоён бўлади. «Тарбияси қийин» болани қайта тарбиялаш унинг характерини ва психикасини, унинг оламга бўлган муносабатини, бинобарин ўзининг тарбиялаш услуби ва методларининг нотўғрилигини англаш, уларни айни замонда ўз-ўзининг ўғли ёки қизига бўлган муносабатини ўзгартириш зарурлиги билан боғланган. Ана шу ўзгартириш ва қайта қуриш ҳам ўзига, ҳам болага нисбатан аниқ нуқтаи назарни талаб этади.

Ота – оналар ва фарзандлар ўртасида юзага келадиган низолар ҳам тарбиявий ишни қийинлаштиради, ўсмирларга салбий таъсир кўрсатади. Бундай низо, келишмовчиликлар ўсмирларнинг ахлоқига таъсир этади.

1. Дунёқарашлар орасидаги мавжуд фарқни ҳисобга олмаса «Тарбияси қийин» ўсмир болалар кўпаяди.

2. Ёшлар, ўсмирларнинг бўш вақти мустақил ташкил этилмаса «Тарбияси қийин» ўсмирлар кўпаяди.

3. Ота – оналар ичкиликка ружу қўйса ёки ор – номусни йиғиштириб қўйиб бузуқчилик қилса, «Тарбияси қийин» ўсмирлар кўпаяди.

4. Ота – оналарнинг психологик – педагогик билим савиялари етарли даражада эмаслиги натижасида «Тарбияси қийин» ўсмирлар кўпаяди.

5. Инсоннинг биологик, физиологик, психологик ўсишининг энг мураккаб ўзгаришлар, қайта қуришлар, умид, интилишлар даври ва шу билан бирга оғир инқирозлар салбий ҳолатлар, кечинмалар даври ҳамдир. Ўсмир шахс характеридаги “оғиш”ларнинг шаклланиши, уларнинг типларини аниқлаш тиббий – психологик ва тиббий – педагогик ишларни фаол олиб бориш зарурдир. “Тарбияси қийин” – дейилганда, шундай тарбиянинг натижалари тушунилади: ўқувчилар педагоглар учун қийинчилик туғдиради, унга нисбатан умумий қабул қилинган педагогик таъсир этишининг форма – шакл ва методлари камлик қилади ёки умуман самара бермайди. Тарбияси қийинлик ҳар доим ҳам педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилганликнинг оқибати бўлавермайди. У боланинг, ўсмирнинг касал бўлиши, айрим туғма ёки ҳатто наслий омиллар ёки бошқа сабаблар таъсирида ҳам юз бериши мумкин. Бироқ, жуда кўп ҳолларда «Тарбияси қийин» ўқувчи педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилганлик натижаси бўлиб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, тарбия – кўп қиррали, узоқ давом этадиган жараёндир. Болани ўраб олган муҳитнинг ҳаммаси одамлар, нарсалар, ҳодисалар уларнинг онгида хулқ – атворида маълум из қолдиради, уни ўзгартиради ва ўстиради. Болаларда, ўсмирларда, ёшларда ижобий сифатларни қарор топтириш учун улар билан мунтазам тарбиявий ишлар олиб бориш лозим.

МУНДАРИЖА

ЯЛПИ ЙИГИЛИШ	
<i>Р.Г.Сафарова- ЎҚУВЧИЛАРДА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”ГА ҚАРШИ КУРАШЧАНЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР</i>	8-10
<i>Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич, Рахимова Дилбар Кувоновна, Худойбердиев Фиёсиддин</i> ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	10-12
<i>Мирзакулов Турсунали Ўтаевич- МОРФЕМАЛАР ТИЗИМИДА АГГЛЮТИНАЦИЯ ВА ФУЗИЯ МУНОСАБАТ</i>	12-14
<i>Дж.Х.Хусанов, Ж.И.Буранов, А.Бердияров- РЕШЕНИЕ ЭКСТРЕМАЛЬНЫХ ЗАДАЧ С ПОМОЩЬЮ КВАДРАТИЧНОЙ ФУНКЦИИ</i>	14-17
<i>В.Хайдаров, N. Tashtemirova- O‘QUVCHILARNI MATEMATIK SAVODXONLIK BO‘YICHA PISA TADQIQOTLARIGA TAYYORLASHGA DOIR USLUBIY TAVSIYALAR</i>	18-20
I ШЎЪБА. РЕСПУБЛИКАМИЗ МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМИНИНГ ИЛГОР МИЛЛИЙ ҲАМДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР БИЛАН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.	
<i>Назарова Барно Алижоновна- ТАЪЛИМ САМАРАДАОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ВА ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ</i>	20-21
<i>Д.Э. Ли- ИНФОКОММУНИКАЦИОННАЯ СРЕДА КАК ФАКТОР ИЗМЕНЕНИЙ ТРАДИЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ</i>	22-23
<i>Санжар Обидов- Альтернативные формы обучения в дошкольном образовании Узбекистана</i>	23
<i>Ирина Владимировна Грошева-«Моделирование предметно-пространственной развивающей среды в дошкольной образовательной организации».</i>	24-26
<i>Гаффаров Феруз Ҳасанович- ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ</i>	26-27
<i>Бердалиева Гуласал Абдуқундузовна -МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАР МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЁШ ВА ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ</i>	27-29
<i>Абдуллаева Нафиса Шавкатовна -БОЛА ШАХСИ РИВОЖЛАНИШИДА ПСИХОДИАГНОСТИКАНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ</i>	30-31
<i>Календарова Зарафшан Калбаевна МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МОДЕЛ ВА МОДЕЛЛАШТИРИШ ТУШУНЧАЛАРИ МАЗМУН-МОҲИЯТИ</i>	31-32
<i>Маҳкамов Фуломжон Нурмамадovich МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА КАСБГА ОИД ДАСТЛАБКИ ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ</i>	32-33
<i>Турдиева М.Ж.ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ЎҚУВ РЕЖА, ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ</i>	34-35
<i>Л.Романова БОЛАНИНГ СОҒЛОМ РИВОЖЛАНИШИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ</i>	35-36
<i>Джумаева Барно Давроновна - БОЛАЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНИШИДА ҲАМКОРЛИК АСОСИЙ ОМИЛ СИФАТИДА</i>	36-37
<i>Мавлонов Нурали Шерали ўгли-ПЕДАГОГНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ ҲАҚИДА</i>	37-39
<i>Мамадалиева Марҳобо Холмаматовна- МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ПЕДАГОГ МУТАХАССИСЛАРИНИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА КОРЕЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИННОВАЦИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ.</i>	39-40
<i>Мамирова Замира Ўрақбоевна, Эргашева Зухра Болабек қизи-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТГА ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ</i>	40-42
<i>Boychayeva Sharifa Saidkulovna- BOSHLANG'ICH SINF MATEMATIKA DARSLARIDA INNOVATSION USULLARDAN FOYDALANISH</i>	42-43
<i>Azizova Dilnoz Yo`ldashevna- 3-SINF O`QUVCHILARIDA TABIAT DARSLARIDA SHAKLLANTIRILADIGAN TAYANCH KOMPETENSIYA ELEMENTLARI</i>	43-44
<i>CHORIYEVA DURDONA ANVAROVNA - BO`LAJAK TARBIYACHILARDA INNOVATSION FIKRLASH KO`NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH YO`LLARI</i>	44-46
<i>Qo`chqorova Odinaxon O`QUVCHILARGA „OILA – MUQADDAS QO`RG`ON“ MAVZUSINI</i>	46-47

O'QITISH	
<i>Qo'ziboyeva Zulfiya Mahmudjonovna</i> - BOSHLANG'ICH TA'LIMDA INTEGRATSIYALASH – TA'LIM SAMARADORLIGI OMILI SIFATIDA	47-49
<i>Qurbonov Sanjar</i> - BOSHLANG'ICH TA'LIMDA O'QUVCHILAR BILIMINI VAHOLASH MUAMMOLARI	49-50
<i>Razakova Zamira Boymurodovna</i> - BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QITUVCHISINING TA'LIM JARAYONIDAGI PEDAGOGIK MAHORATINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI	50-51
<i>Niyazova Zulfiya</i> - BOSHLANG'ICH SINFLARDA CHET TILI O'QITISHDAGI MUAMMOLARNI ANIQLASH VA ULARNI BARTARASH ETISH YO'LLARI.	52-53
<i>Choriyeva Durдона Anvarovna, Omonova Mahbuba,</i> - BO'LAJAK TARBIYACHILARNING QOBILIYATINI RIVOJLANTIRUVCHI ASOSIY OMI	53-54
<i>П.Давронов, Х.Худойбердиева</i> - УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА КИЧИК ГУРУХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ	55-57
<i>М.М.Файзиева</i> - МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ БИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИДА ФАОЛИЯТ МАРКАЗЛАР ВА ТАДҚИҚОТЛИ ТАЖРИБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	57-59
<i>Халматова Насиба Бозорбоевна</i> - МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	59-61
<i>Ф.А.Чориева</i> - БОЛАЛАРНИНГ САЛБИЙ ХУЛҚИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ КОРРЕКЦИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ	61-64
<i>С.Н.Юлдашев.</i> - ТЕХНОЛОГИЯ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ МАШҒУЛОТЛАРИДА БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ВА РЕФЛЕКСИВ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧЛАРИ	64-67
<i>Қодирова М.Ш, Валиева М.Ҳ.</i> - МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ	67-68
<i>Saltanat Qurbonova, Holmatova Habiba</i> UMUMTA'LIM MAKTAB PEDAGOGLARDAGI XULQ-ATVORNING BOLALAR TARBIYASIGA AHAMIYATI	68-69
<i>С.Н.Юлдашев.</i> ТЕХНОЛОГИЯ ВА УНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ МАШҒУЛОТЛАРИДА БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-РЕФЛЕКСИВ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗИДДИЯТЛАРИ.	71-72
<i>Ибрагимова Муҳаббат Турсуновна, Юлдашева Одина Тожибоевна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ТАЪЛИМ МОДЕЛИНИ ҚўЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ	72-73
<i>Давранова Гулсара Маматовна</i> - ТАЪЛИМ СИФАТИ – ҲАЁТ СИФАТИ	74-75
<i>Boychayeva Sharifa</i> SAVODGA O'RGATISH DAVRIDA DIDAKTIK O'YINLARDAN FOYDALANISH	75-76
<i>Matatkulova Nigora Sherbekovna, Xidirova Dildor O'ktamovna</i> - BOSHLANG'ICH SINFLARDA INTEGRATSION YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARNI SHAKLLANTIRISH	77-78
<i>Parmanova Nargiza</i> - МАКТАБГАЧА ТА'LIM TASHKILOTLARI UCHUN BULAJAK MUTAХASISLARNI TAYYORLASHDA O'YIN MODULINING AFZALLIGI	78-80
<i>Kulaxmedova Mavluda, Gulnoza Hayitmatatova</i> - INTEGRALLASHGAN DARSLARNING TURLARI VA SHAKLLARI	80-81
<i>Normurodova Nargiza Alijon qizi</i> - UZLUKSIZ TA'LIM JARAYONINI ISLOH QILISHNING SAMARADORLIGI	82-83
<i>Xoliqulova Mahbuba Qaysarovna</i> - O'QUVCHILARDA IJODKORLIKNI SHAKLLANTIRISHDA TA'LIMIY O'YINLAR O'RNI	83-84
<i>Кулахмедова Мавлуда, Чинниева Хамида</i> - ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	84-85
<i>Rizanova Davlatoy</i> - PEDAGOGIK FAOLIYATDA MULOQOT MADANIYATI VA QOBILIYATLARNING O'RNI	85-86
<i>Azizov O.E</i> - BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QITUVCHILARIDA KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYANI SHAKLLANTIRISH.	86-88
<i>Shodmonova Sojida Munavvarovna, Djumanova Nodira Shuxratjanovna</i> - BOSHLANG'ICH SINFLARDA TILI VA O'QISH DARSLARIDA NUTQ O'STIRISH	89-91
<i>Gulnoza Hayitmatatova, Kulaxmedova Mavluda</i> - INTEGRALLASHGAN DARSLARNING TURLARI VA SHAKLLARI	91-93

<i>Fayziyeva Zarxol</i> - DARSLAR JARAYONIDA BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QUVCHILARINI MILLIY QADRIYATLAR RUHIDA TARBIYALASH	93-95
<i>Dusaeva Barno Isomiddinova</i> - БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ УЛУГЛАНИШИ.	95-97
<i>Voboeva Zuhra Dilshod qizi</i> - МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLALAR TARBIYASIDA KITOVNING ANAMIYATI	97-98
<i>Narmatova Fotima Dilshod qizi</i> - МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР АСОСИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР	98-99
<i>Juraeva Salomat Isoqulovna</i> - ИГРОВАЯ РАБОТА ПО РАЗВИТИЮ РЕЧИ ДЕТЕЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА.	99-101
<i>Boboxujayeva Ra'no Dilshod qizi</i> БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ҲАТТИ-ҲАРАКАТЛАРНИ МУСТАҚИЛ ЭГАЛЛАШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	101-103
<i>Matatqulova Surayo Rustamovna</i> ПЕДАГОГИК ТАЪСИРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ	103-104
<i>Mustafayeva Nuriya Tolibjonovna</i> - TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA DARSLIKLAR BILAN ISHLASHNING ANAMIYATI	104-106
<i>Musurmonova Nigora Djumaeva</i> - БОШЛАНГИЧ СИНФДА УНЛИ ВА УНДОШ ТОВУШЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ УСУЛЛАРИ	106-107
<i>M.A.Yo'ldosheva</i> - RIVOJLANGAN XORIJIY MAMLAKATLARDA MAKTABGACHA TA'LIM TIZMIDAGI ILG'OR TAJRIBALAR TAHLILI	107-108
<i>M.Xaydarova</i> - BOSHLANG'ICH TA'LIMDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR VA ULARNING MOHIYATI	109-110
<i>Tagaeva D.M.</i> ЭТАПЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ WEB-КВЕСТА ТЕХНОЛОГИИ	111-112
<i>S.G'. Abdukhalilov</i> - USE OF ELECTRONIC LEARNING MATERIALS IN THE EDUCATIONAL PROCESS	112-114
<i>Ahmadaliyev Athamjon Abdumalikovich</i> - MATNLI MASALALARNI TENGLAMALAR YORDAMIDA VA ARIFMETIK USULDA YECHISH	114-116
<i>Niyazova Dilafuz Shavqiyevna, Yusufaliyeva Gulnora Abdurahmonovna</i> - BOSHLANG'ICH SINFLARDA IMLOVIY SEZGIRLIKNI O'STIRISH	116-117
<i>Fayzullaev Abdumuxammad Yuldoz ygli</i> БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА МОДУЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ОМИЛЛАРИ	117-118
<i>Narzulloeva Gulmira Shokirjonovna</i> МАКТАБГАЧА ТА'LIM TASHKILOTI VA OILANING BOLALARNI MAKTAB TA'LIMIGA TAYYORLASHDAGI O'RNI	118-119
<i>M.A.Yo'ldosheva</i> - МАКТАБГАЧА ТА'LIM TIZMIDA JANUBIY KOREYA ILG'OR TAJRIBALARINING QO'LLANISHI	120-121
<i>Parmonqulova Zamira Raimqulovna</i> - IQTIDORLI O'QUVCHILARNI TANLASH VA ULAR BILAN OLIV BORILADIGAN ISHLAR	121-122
<i>Qarshiyeva Feruza Berdiqulovna</i> - BOSHLANG'ICH SINFLARDA GAP BO'LAKLARINI O'RGANISHDA TUSHUNCHALAR TAHLILI METODIDAN FOYDALANISH TEXNOLOGIYASI.	122-123
<i>B.I.Xojiyev, A.A.Xo'jayev, D.D.Rajabova</i> - FIZIK MASALALARNI YECHISH USULLARI.	123-124
<i>Qarshiyeva Go'zal Tashkentboyevna</i> - BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QUVCHILARINI MEHNATGA AXLOQIY JIHATDAN TAYYORLASH	125-126
<i>M.N.Xuqunazarova</i> - БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ –ТАРБИЯЧИЛАРДА КАСБИЙ СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ	126-127
<i>Tadjibojeva Ma'rifat Muminovna</i> - TA'LIM SIFATINI OSHIRISHDA MAKTAB VA OILA HANKORLIGINING O'RNI	128-129
<i>Insopova Lobar Fahriddinovna</i> - QISQA KO'PAYTIRISH FORMULALARINI GEOMETRIK TADBIQI	129-131
<i>U.Bekmatova</i> - BIOLOGIYA DARSLARIDA MODULLI TA'LIM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISHNING O'RNI.	131-133
<i>Esanova Gulchehra Esanovna</i> - TRIGONOMETRIYADA UCHLANGAN BURCHAK FORMULALARI YORDAMIDA SHAKL ALMASHTIRISH	133-136
<i>F.Batirova, D.Ashurova.</i> O'QUVCHILARDA MORFOFUNKSIONAL O'ZGARISHLARNI SHAKLLANTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARINING O'RNI.	136-140
<i>Abdullaeva Gulbahor Norqulovna</i> МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА БОЛАЛАРНИ БАДИИЙ АДАБИЁТ БИЛАН ТАНИШТИРИШ	140-141

<i>Mustafaeva Zulfiya Achilovna</i> , МАКТАВГАСЧА YOSHDAGI BOLALAR RUHIY RIVOJLANISHIDA O'YIN VA MEHNAT FAOLIYATINING AHAMIYATI	142-143
<i>Мустафоева Нилуфар Кубаевна</i> - КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ЛИДЕРЛИК СИФАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	143-145
<i>Каримова Гулнора Ҳайдаркуловна</i> - ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА.	145-146
<i>Nizamova Nargiza Botirboyevna</i> - BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QUVCHILARNING OG'ZAKI NUTQINI O'STIRISHDA YUQORI SAMARADORLIKKA ERISHISH USULLARI	146-147
<i>Abdullayeva Nazira Payzullayevna</i> TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING ROLI	148-150
<i>Абдурахмонова Сайёра</i> - БОШЛАНГИЧ SINFLARDA SINФДАН ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР	150-151
<i>Boltaeva Barno Xudoyberdiyevna</i> - BOSHLANG'ICH TA'LIMDA O'QUVCHILAR IJODIY FAOLIYATINI SHAKLLANTIRISH	151-152
<i>Жураева Мухаббат Пирумкуловна</i> - БОШЛАНГИЧ СИФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	152-153
<i>Абдурахмонова Дилфуза Бахрамовна</i> ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	153-154
<i>Ataboyeva Gulnoza Botirovna</i> - SIFATLI TA'LIM-TARBIYA – BOSH MAQSADIMIZ.	154-155
<i>Bekboyeva Nafiza Jaxongirovna</i> - BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA IJODIY FIKRLASH QOBILIYATINI SHAKLLANTIRISHNING DIDAKTIK SHART-SHAROITLARI	155-156
<i>Bekboyeva Onabibi Jaxongirovna</i> - BOSHLANG'ICH SINF O'QISH DARSLARIDA INTELEKTUAL O'YINLARNING O'QUVCHILAR KOMPETENSIYASINI SHAKLLANTIRISHDAGI O'RNI	156-158
<i>Bo`ranova Nilufar Xamroqul qizi</i> - BOSHLANG'ICH SINF ONA TILI DARSLARINI O'YINLI TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA TASHKIL ETISH	158-159
<i>Boymatova Moxira Qo'chqorovna</i> INTEGRATSION TA'LIMNING SAMARADORLIGI VA RIVOJLANTIRISH YO'LLARI	159-160
<i>Дўсаева Барно Исомиддиновна</i> - БОШЛАНГИЧ SINFLARDA ИНСОНИЙЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИНГ УЛУҒЛАНИШИ	160-162
<i>Erbutayeva Soxiba Maxamatovna</i> TABIAT DARSLARIDA TA'LIMIY O'YINLAR ASOSIDA O'QUVCHILARNI IJODIY FIKRLASHGA YO'NALTIRISH	162-164
<i>Ergasheva Xursanoy G'ulomjonovna</i> XORIJIY DAVLATLARDA BOSHLANG'ICH TA'LIM TIZIMI	164-166
<i>Hayitbayeva Barno Axmedovna</i> - TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINING AQLIY RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI.	166-167
<i>Istamqulova Feruza Xusanova</i> - TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINI PSIXOLOGIK SHAKLLANTIRISHNING AHAMIYATI	167-168
<i>Kadirkulova Xurbuvi</i> - BOSHLANG'ICH TA'LIM O'QUVCHILARI TAFAKKURI RIVOJLANISHINING O'ZIGA XOSLIGI	169-170
<i>Narmetova Firuza Xabibullayevna</i> - ARIFMETIK MASALALAR YECHISH JARAYONIDA O'QUVCHILARNING FIKRLASH QOBILIYATLARINI O'STIRISH.	170-171
<i>O`rinboyeva Dilorom Alijanovna</i> BOSHLANG'ICH SINFDAN MANTIQUIY TOPSHIRIQLAR ASOSIDA MANTIQUIY FIKRLASHGA O'RGATISH YO'LLARI	171-173
<i>O`sarova Muqaddas</i> BOSHLANG'ICH SINFDAN DIDAKTIK O'YINLAR VA ULARNING AHAMIYATI.	173-174
<i>Qarshiyeva Feruza Berdiqulovna</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA GAP BO`LAKLARINI O`RGANISHDA TUSHUNCHALAR TAHLILI METODIDAN FOYDALANISH TEXNOLOGIYASI.	174-175
<i>Qarshiyeva Go`zal Tashkentboyevna</i> - BOSHLANG'ICH SINF O`QUVCHILARINI MEHNATGA AXLOQIY JIHATDAN TAYYORLASH	176-177
<i>Julmatova Manzura Abdulkosimovna</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA IFODALI O`QISH KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH YO`LLARI	177-178
<i>Xazratqulova Nigora Abdurashidovna</i> TAYYORLOV GURUHLARIDA ELEMENTAR MATEMATIK TASAVVURLARNI SHAKLLANTIRISH MAZMUNI	178-179
<i>Dehqonova Gulnora</i> OTA-ONANING BOLA TARBIYASIDAGI O`RNI	179-180
<i>Хужаниязова Феруза Муродовна</i> - БОШЛАНГИЧ СИФДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИНГ	180-182
<i>Inoyatova Dilfuza Hakimovna</i> - BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA ILMIY DUNYOQARASH ELEMENTLARINI SHAKLLANTIRISHDA ONA TILINI O'RGANISHNING	182-183

O'RN	
<i>Ergasheva Xursanoy G'ulomjonovna</i> - XORIJIY DAVLATLARDA BOSHLANG'ICH TA'LIM TIZIMI	184-185
<i>Razakova Zamira Boymurodovna</i> - BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHISINING TA'LIM JARAYONIDAGI PEDAGOGIK MAHORATINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI	185-187
<i>Qo'ziboyeva Zulfiya</i> BOSHLANG'ICH TA'LIMDA INTEGRATSIYALASH – TA'LIM SAMARADORLIGI OMILI SIFATIDA	187-188
<i>Abdurahmonova Dilafruz Muxtarova</i> - BOSHLANG'ICH TA'LIM SAVODXONLIGINI OSHIRISHDA O'QUV-TARBIYA JARAYONINI AKT ORQALI TASHKIL ETISH	189-190
II-ШУЪБА. ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИШ, МАТЕМАТИКА, ТАБИИЙ ЙўНАЛИШДАГИ ФАНЛАРДАН САВОДХОНЛИК ДАРАЖАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ.	
<i>Uralov Azamat Begnarovich</i> - ADABIYOT FANINI O'QITISHDA VIDIO LAVHALARDAN FOYDALANISH	190-191
<i>Kozim Eshquvvatov</i> - TA'LIM JARAYONIDA INNAVATSION YONDASHUV DARS SAMARADORLIGINING OMILI	191
<i>Natalya D. Kim</i> - TO THE QUESTION OF IMPLEMENTING INDEPENDENT WORK IN A FOREIGN LANGUAGE	192-194
<i>X.M.Тожибоева</i> - ЎҚУВЧИЛАРДА «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ»ГА ҚАРШИ ОБЪЕКТИВ НУҚТАИ НАЗАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЛГОР ТАЖРИБАЛАР	194-196
<i>Abdunazar Salomov</i> - МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ИНТЕРФАОЛ ТА'LIM VA UNI AMALIYOTDA QO'LLASH	196-197
<i>Ниязов Ф, Саидқулов С</i> МЕТОДЫ ОРГАНИЗАЦИИ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ	198-199
<i>А.Х.Махмудов, М.Х. Абелкасимова</i> - ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА МАГИСТРСКОЙ ПОДГОТОВКИ НА ОСНОВЕ КОМПЕТЕНТНОСТНОГО ПОДХОДА	199-200
<i>Ҳ.И.Уразбаев</i> - ТИЛ ПОРТФОЛИОСИ ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ СИФАТИДА ВА УНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚўЛЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	201-202
<i>Shodiyeva M.J</i> - MALAKA OSHIRISH JARAYONIDA O'QITUVCHILARNI O'QUVCHILARNING O'QISH SAVODXONLIGINI VAHOLASH SOHASIDAGI XALQARO LOYIHALARNI AMALGA OSHIRISHGA YO'NALTIRISH	202-205
<i>У.К.Сотволдиев</i> ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР	205-206
<i>Низамов А.Б, Рўзиматов Ж.</i> - ПЕДАГОГЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МОДЕЛИ	206-208
<i>М.А.Сотволдиева</i> ПЕДАГОГЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ	208-209
<i>С.Э Нигматова., У.Нурумбетова., Г.Б. Абдиева</i> - КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИДА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-МЕТОДИК МАЖМУА ОРҚАЛИ ЎҚУВЧИЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	210-211
<i>Б.Арзымбетова</i> - ФИЗИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТНИ ЎСТИРИШ ОРҚАЛИ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЎҚИТУВЧИНИНГ РОЛИ	211-212
<i>Қодиров Рахмон Каримович</i> - БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН - ЯНГИЧА ЁНДАШУВ	212-213
<i>Мамарахимов Шухрат Уралович, Абдурасулова Шоира Кушаковна, Мансурова Дилфуза Бакировна</i> БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЙўНАЛИШИНИНГ МАХСУС СИРТҚИ ТАЪЛИМИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ.	214-215
<i>Юлдашев Ш.Ш, Тўрабекова Н., Атаева З</i> - БОШЛАНҒИЧ SINIF ЎҚУВЧИЛАРИ ОНГИДА ИННОВАЦИОН ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	214-215
<i>S.Xo'janazarova</i> - GEOGRAFIYA FANINI O'QITISHDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH AVFZALLIKLARI	216-219
<i>N.Shamsiddinov, O.Yusopov</i> - UCHBURCHAK ICHIDAGI IXTIYORIY NUQTADAN UCHBURCHAK UCHLARIGACHA BO'LGAN MASOFAGA KO'RA ELEMENTLARINI TOPISH	219-222
<i>Mamatliyeva Gulnoza</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING NAZORAT ISHLARIDA UCHRAYDIGAN IMLOVIY XATOLARNING TURLARI VA ULARNI BARTARAF ETISH YO'LLARI	222-224
<i>Mamatkulova Nigora Sherbekovna, Erbekova Gulchehra Sherbekovna</i> - BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH DARSALARIDA ADABIY NUTQIY KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA ILG'OR PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	224-225
<i>Djumoboyeva Yanglish Egamnazarovna</i> - GRAFIK OBYEKTAR VA ULARNI KOMPYUTERDA	226-227

TASVIRLASH USULLARI	
<i>А.Б.Низамов</i> - ТЕКСТОВАЯ ЗАДАЧА В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ И ПРОЦЕСС ЕЕ РЕШЕНИЯ	227-229
<i>Yuldashev Shuxrat Shakirovich, Elabatova Shoxsanam, Qo'shnazarova N</i> TEKNOLOGIYA DARSLARINI TASHKIL ETISHDA INNOVATSION TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI	229-230
<i>Чориева Наргиза Анваровна</i> - МАКТАБ ВА ОИЛА ҲАМКОРЛИГИДА ЎҚУВЧИЛАРДА МАЪНАВИЙ - АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	231-232
<i>Sirojiddin Abdulkarimov</i> - UMUMTA'LIM MUASSASALARINING MILLIY REYTINGINI ANIQLASH METODIKASI HAMDA REYTING DOIRASIDA MATEMATIKA FANI BO'YICHA NATIJALAR TAHLILI	232-234
<i>Yunusova Navbahor, Pulatova Zulfiya</i> - BIOLOGIYA DARSLARIDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISH	235-236
<i>Ne'matova Nozik Ismoilovna, Ashurova Orzigul Shuhrat qizi</i> - BOSHLANG'ICH SINFLARDA MATEMATIKA DARSLARIDA GEOMETRIYA ELEMENTLARINING O'ZIGA XOS JOZIBASI	236-238
<i>Юлдашев Ш.Ш, Абдухамидов А., Хайитбоев З</i> БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ДАРСЛАРИНИ ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ	238-239
<i>А.Б.Низамов</i> - ПОНЯТИЕ АЛГОРИТМА	239-240
<i>Турсунова Ж.А.</i> - ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В ПРЕПОДАВАНИИ БИОЛОГИИ	241-242
<i>Ubaydullayeva Nafisa Olimovna</i> - BIOLOGIYA FANINI O'QITISHDA ILG'OR XORIJIY TAJRIBALAR	242-244
<i>Uralova Gavhar</i> - SO'Z TURKUMLARI HAQIDA FIKRLAR	244-245
<i>Usmanova Adina Abdulhatovna</i> - TABIIY VA ANIQ FANLARINI O'QITISHDA FANLARARO INTEGRATSIYADAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI	245-246
<i>Sh.I.BRAGIMOVA</i> - BIOLOGIYA FANINI O'QITISHDA VIRTUAL LABORATORIYALARDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI	246-247
<i>Юнусметова Насиба</i> - СОВРЕМЕННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ ИСТОРИИ И ОБЩЕСТВОЗНАНИЯ КАК СПОСОБ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОБУЧЕНИЯ	247-248
<i>Шодмоналиева Мухайё Баҳодировна, Қўшақова Гўзалой Зокировна</i> ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МАТЕМАТИКА ФАНИДАН САВОДХОНЛИК ДАРАЖАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН МЕТОДЛАРНИ ҚўЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ	248-249
<i>Адилова Маъмурахон Сотволдиевна, Мамажоновна Наргиза Ариповна</i> - РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАРНИНГ ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ҚўЛЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ	250-251
<i>Қ.Зулунов</i> - ТАРИХ ФАНИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ МАЛАКА ОШИРИШДАН Кейинги ФАОЛИЯТИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ ОМИЛЛАРИ	251-253
<i>Mahkatova Barno Ibragimovna</i> - ODAMNING IJTIMOIIY MAVJUDOT SIFATIDA SHAXSGA AYLANISHI UCHUN IJTIMOIIY MUHIT SHAROITLARI VA TARBIYANING O'RNI	255-257
<i>Kurbanov Abduraxmon</i> - MASOFAVIY TA'LIM KURSLARINI TASHKIL ETISHDA MOODLE TIZIMINING AHAMIYATI.	257-258
<i>Rajabova Lola Raxmatullayevna</i> - O'QUVCHILAR NUTQINI BOYITISHDA MAQOLLARDAN FOYDALANISH	258-259
<i>H.T.Qurbonova</i> - MATEMATIKA DARSLARIDA INTERFAOL TA'LIM USULLARIDAN FOYDALANISH	259-261
<i>Mohidil Nizomova</i> - NOTIQLIK SAN'ATI	261-262
<i>Ш.Ш.Юлдашев, Хонимкулова Г., Маъмирова М., Сафоева М.</i> – ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР	262-263
<i>Бекмирзаев М.Х.</i> - ЗООЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР ХУСУСИДА	264
<i>Ганиева.Н.Х.</i> - ФИЗИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ ПОДРАСТАЮЩЕГО ПОКОЛЕНИЯ	265-266
<i>Р.Казак</i> - КИМЕ ФАНИДАН УЙ ТАЖРИБАЛАРИ – ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАБИЙ-	266-268

ИЛМИЙ САВОДҲОНЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИДИР	
<i>Ochilova Muyassar Alisher qizi</i> - BIOLOGIYA FANINI O'QITISHDA INTERAKTIV DOSKADAN FOYDALANISH	268-269
<i>M.A. Турдимуродова</i> - БИОЛОГИЯ ФАНИДАН МАЪРУЗА ДАРСЛАРИ ЖАРАЁНИДА АУДИТОРИЯНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ҲАҚИДА	269-270
<i>Аминов Истам Барноевич, Рахимов Собир Зиядуллаевич</i> ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МУЛЬТИМЕДИЙНЫХ ТЕХНОЛОГИИ ДЛЯ АКТИВИЗАЦИИ ПОЗНАВАТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ ГУМАНИТАРНЫХ ФАКУЛЬТЕТОВ	271-273
<i>Саломова Раъно Вассиевна</i> - ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ	273-274
<i>Р.Н.Маматқулова</i> - ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ (ЭАТР)НИНГ ЎРНИ	274-276
<i>Машарипова Шоира</i> - ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ КАК СРЕДСТВО САМОРАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ	276-278
<i>Намазова Манзура Ураковна, Эсонова Ойбахор</i> - ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	278-280
<i>Surayyo Qodirova</i> - ADABIYOT DARSLARIDA O'QUVCHILAR NUTQIY SAVODXONLIGINI OSHIRISHNING ANAMIYATI	280-281
<i>И.В. Синкевич</i> - ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ В НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЕ КАК СРЕДСТВО ПОВЫШЕНИЯ МОБИЛЬНОСТИ ЛИЧНОСТИ	281-282
<i>FAYZIQULOVA DIYORA</i> XALQARO VAHOLASH DASTURIGA TAYYORLASH BUGUNGI DAVR TALABI	282-284
<i>Qaraqulova Mamlakat Xudoyqulovna</i> - BOSHLANG`ICH SINIF O`QISH DARSLARIDA MUAMMOLI TA`LIM TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH YO`LLARI.	284-285
<i>N.X.G`aniyeva, J.Yaxyojev</i> - MULTIMEDIYA VOSITALARIDAN JISMONIY MADANIYAT DARSLARIDA FOYDALANISHNING AXAMIYATI	285-286
<i>Ў.И.Холмурзаев</i> ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАБИИЙ-ИЛМИЙ САВОДҲОНЛИГИНИ ОШИРИШДА КИМЁ ЎҚУВ ФАНИДАН АМАЛИЙ МАЗМУНДАГИ, ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН МУСТАҚИЛ ИШЛАРНИНГ РОЛИ	286-287
<i>S.Xakimova va D.G`aniyeva</i> УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА БИОЛОГИЯ ФАНИДАН ЎҚУВЧИЛАРНИ МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ ЖАРАЁНИДА ТАЯНЧ БЕЛГИЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	288-289
<i>Yo`ldasheva Viloyat</i> BIOLOGIYA TA`LIMIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARNI QO`LLASHNING AMALIY ANAMIYATI	289-290
<i>Ф. Батирова</i> - ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АКТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.	290-291
<i>Р.Казақов</i> КИМЁ ФАНИДАН УЙ ТАЖРИБАЛАРИ – ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАБИИЙ-ИЛМИЙ САВОДҲОНЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛИДИР	291-293
<i>Феруза Мирзақулова</i> , ҚУРАМА ВА ҚУРАМАЛИКЛАР ҲАҚИДА	293-294
<i>Халматова Насиба Бозорбоевна, Каримов Алишер</i> - ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ	294-296
<i>Халматова Насиба Бозорбоевна, Д.Исломов</i> - ДАРС ЖАРАЁНИДА КИЧИК ГУРУҲЛАРДА ИШЛАШ МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ	296-297
<i>Раҳмонова Насибaxon Юсуфжон қизи</i> - ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ЗАМОНАВИЙ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ	298-299
<i>Хонкелова Гулнора Амалдиковна</i> - РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА БИОЛОГИК ТАЪЛИМНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	399-300
<i>Юлдошева Уғилой Рабимкуловна</i> ТАЪЛИМГА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУРАТИ	301-302
<i>Абдуллаева Шахноза Мамарасуловна</i> - МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҲОЯСИ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎРНИ.	303-304
<i>Raxmonov Jonibek Rustamovich</i> - BIOLOGIYA FANINI O'QITISHDA "ASSESSMENT" VA "VEEN DIAGRAMMASI" METODLARIDAN FOYDALANISH	304-306
<i>M.A. Турдимуродова</i> - БИОЛОГИЯ ФАНИДАН МАЪРУЗА ДАРСЛАРИ ЖАРАЁНИДА АУДИТОРИЯНИ ФАОЛЛАШТИРИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ҲАҚИДА	306-307
<i>Нуралиева Наргиза</i> - ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР	307-308
<i>Yaxshilikova Gulnora Berdikulovna</i> - O'QISH TURLARI VA ULARDAN FOYDALANISH TEXNOLOGIYASI	309-310

<i>Matanazarova Soxiba</i> -МАТЕМАТИКА DARSLARIDA ZAMONAVIY INNOVATSION USULLARIDAN FOYDALANISH	310-311
<i>Джаббарова Фароғат Мангитовна</i> -SAVOD O'RGATISH DAVRIDA O'QUVCHILARNI O'QISH VA YOZISHGA O'RGATISH MASALALARI	311-313
<i>Rustanova Dilorom Boboqulovna</i> - TARBIYA JARAYONIDA SHAXSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIM TECHNOLOGIYASINING AFZALLIKLARI	313-315
<i>Нодира Файзиева</i> - “БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС” ТАМОЙИЛИНИНГ АСОСИ ИЛМ-МАЪРИФАТ	315-318
<i>Абдуалимова Нафиса Маҳмудовна</i> - ЎҚУВЧИЛАР ОНГИДА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”НИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УНГА ҚАРШИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ.	318-319
<i>Jamalova Shahnoza</i> - XXI ASRDA ILM-FAN TARAQQIYOTINING RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI VA ULARDA INNOVATSIYALARNING TUTGAN O'RNI.	319-320
<i>O'rolova Fotima Xoliqulovna</i> O'QUVCHILAR TAFAKKURINI O'STIRISHDA MANTIQUIY MASALALARDAN FOYDALANISH YO'LLARI	320-321
<i>Mustafaqulova Zulxumor Tajiqulovna</i> -O'ZBEK TILI - MILLATNING BEBAHO BOYLIGI.	321-322
<i>Qaraqulova Mamlakat Xudoyqulovna</i> - BOSHLANG'ICH SINFI O'QISH DARSLARIDA MUAMMOLI TA'LIM TECHNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH YO'LLARI	322-323
<i>Narbutayeva Zarnigor Maxammadqulovna</i> - INTERACTIVE GAMES IN TEACHING ENGLISH IN PRESCHOOL EDUCATION	323-324
<i>Sheraliyeva Sevara Boysunovna</i> - BIOLOGIYA DARSLARIDA INTEGRALLASHGAN TA'LIMNING AHAMIYATI	324-326
<i>Shodmonqulova E'tibor</i> -GLOBAL ILMIY JARAYONDA INTEGRATSION TA'LIMNI RIVOJLANTIRISH USULLARI	326-328
<i>Sanaddinova Nazira</i> - DIDAKTIK - TA'LIMYIY RESURSLARNING AHAMIYATI VA ULARNING DARSLARGA TATBIQI	328-330
<i>Abdug'afforova Muborak</i> - MUHAMMAD YUSUF IJODIDA BADIYYAT	330-331
III-ШЎБА. ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ЖОРИЙ ЭТИШ БЎЙИЧА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШ ВА УНИНГ АСОСИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ УЧУН ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ.	
<i>Н.М.Кенжабоева, О.Б.Бердиева</i> - ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИДА САМАРАЛИ ИШТИРОК ЭТИШЛАРИ УЧУН БОШЛАНГИЧ СИНИФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ РЕПРОДУКТИВ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	331-332
<i>Чориев Рузимурот Кунграатович</i> -ДУАЛЬНАЯ СИСТЕМА ОБУЧЕНИЯ	332-334
<i>Mirbaratov Olimjon Yaxyoeyevich</i> - PIRLS XALQARO TADQIQOTIDA MAMLAKATIMIZNING ISHTIROKINING TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISHDAGI AHAMIYATI	334-335
<i>O.Berdiyeva</i> - XALQ TA'LIM XODIMLARINI QAYTA TAYYORLASH VA ULARNING MALAKASINI OSHIRISH HUDUDYIY MARKAZLARIDA TA'LIM TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHDA ILG'OR XORIJY TAJRIBALAR: “ERASMUS+” LOYIHASINING TA'LIM TIZIMINING AHAMIYATI	335-337
<i>M.V.Muhiddinova</i> - MORPHOLOGICAL PROPERTIES OF LOCAL NAMES AND THEIR TEACHING (on the example of the Korean language)	337-339
<i>Индира Рустамовна</i> ТЕМИРБУЛАТОВА - КОРЕЙС ТИЛИДАГИ ДИСКУРС МАРКЕРИНИНГ ХУСУСИЯТИ	339-342
<i>Г.Д. Юнусова</i> КОРЕЙС ТИЛИДА КЎМАКЧИ ФЕЪЛЛАРИНИНГ РАВИШЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ	342-343
<i>Xalqazarova Nodira</i> TIMSS DASTURINI AMALDA QO'LLASH	343-345
<i>У.Қ.Утанов, О.Х.Қосимова</i> -ТАЪЛИМ СИФАТИНИ БАҲОЛАШДА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	345-347
<i>Niyozov Muhammad Vaxronovich, Yuldashev Ulmasbek Abdubanapovich</i> - TA'LIM JARAYONIDA VEB-XIZMATLARNING O'RNI	347-349
<i>D.Z.Baxritdinova Qashqadaryo</i> PIRLS XALQARO VAHOLASH DASTURINING BOSHLANG'ICH SINFLARDA TUTGAN O'RNI	349-350
<i>Исаков Азимжон Юсубжанович</i> - ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА АМАЛИЁТ ДАВРИНИНГ TUTGAN ЎРНИ	351-353
<i>Artikova Nargiz Shuxratovna</i> - SINFDAN TASHQARI O'QISH DARSLARIDA PIRLS DASTURI	353-354

MATERIALLARIDAN FOYDALANISH	
<i>Avalboyeva Robiya Abdusattarovna-</i> TIMSS DASTURIDA G'AZAL VA UNING TAHLILI	354-355
<i>B.Xurramov, Z.Shukurova-</i> XALQORA BAHOLASH TADQIQOTLARIGA MO'LJALLANGAN, O'QUVCHILARNI MANTIQUIY FIKRLASHISHINI OSHIRISHGA DOIR TEST TOPSHIRIQLARINI TUZISHDA KOMPYUTER AMALIY DASTURLARIDAN FOYDALANISH AHAMIYATI	355-359
<i>Safarova Mohidil Axmadovna</i> BOSHLANG'ICH TA'LIMDA SINFDAN TASHQARI O'QISH DARSLARI VA PIRLS BAHOLASH DASTURINING AHAMIYATI	359-360
<i>Г.Б. Абдиева., О.Х. Алламова., М.М. Турсунбаева-</i> ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ЁНДОШУВЛАР АСОСИДА QR-kodли ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	361-362
<i>G'ulomova Gulsanamxon G'ulom qizi-</i> KIMYO FANINING O'QITISHDA XALQARO TAJRIBALARDAN FOYDALANISH MUAMMO VA YECHIMLAR	362-365
<i>Ismailov Sh. Bekchanova Sh</i> PISA TADQIQOTIDA MATEMATIK SAVODXONLIKNI BAHOLASH: "QADAMLAR" TOPSHIRIG'INING TAHLILI	365-367
<i>M.A. Kuychiyeva va L.Hakimova</i> -TA'LIM TIZIMIDA TABIIY YO'NALISHDAGI FANLARDAN SAVODXONLIK DARAJASINI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATSION METODLARNI ISHLAB CHIQUVCHILAR VA AMALIYOTGA JORIY ETISH	367-368
<i>Shaxmurodova D.A</i> O'QISH DARSLARI ORQALI O'QUVCHILARINI PIRLS XALQARO BAHOLASH DASTURLARIGA TAYYORLASHNING METODIK MATERIALLARI	368-371
<i>Sattarova Gulbahor Mamatkarimovna</i> O'QUVCHILARNI XALQARO BAHOLASH DASTURLARIDA ISHTIROK ETISHLARIGA PSIXOLOGIK TAYYORLASH OMILLARI	372-373
<i>QARSHIBOEVA KOMILA ALIMKULOVNA-</i> O'QISH DARSLARIDA O'QUVCHILARNING OG'ZAKI VA YOZMA NUTQINI O'STIRISH, ULARDA O'QISH FANI BILAN BOG'LIQ TAYANCH VA FANGA OID KOMPETENSIYALARNI SHAKLLANTIRISH YO'LLARI	373-375
<i>S.M.Rasulova</i> PIRLS -- BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING O'QISH SAVODXONLIGINI OSHIRISHDAGI AHAMIYATI	375-377
<i>Tolipova Tursuntosh, Asadova Fotima</i> STEAM TEXNOLOGIYASI – KELAJAK TA'LIMI	377-378
<i>Tashbayeva Umida Amanovna-</i> STEAM TA'LIMI NIMA?	379-380
<i>To'qliyeva Mathuba Boqiyevna</i> O'QUVCHILARNING O'QISH DARSLARI VOSITASIDA KITOBXONLIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHDA PIRLS XALQARO TADQIQOTLARNING AHAMIYATI	380-382
<i>Бобоева Зиннат-</i> МАТЕМАТИКА ҲАМДА ФИЗИКА ФАНЛАРИНИ ИНТЕГРАЛЛАШНИНГ АЙРИМ ЙЎЛЛАРИ	382-384
<i>X.S.Beknazarova</i> BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING O'QISH SAVODXONLIGINI ANIQLASHDA PIRLS TADQIQOTINING O'RNI	384-385
<i>Yakubova Samida Abdugarimovna</i> TA'LIM TIZIMINI MODERNIZATSIYALASH JARAYONLARIDA ILG'OR TAJRIBALARNI O'RGANISH VA OMMALASHTIRISHNING MAZMUNDORLIGI	386-387
<i>X.A.Янгибоев А.Тўйчиев-</i> КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДОШУВ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИНТЕГРАТИВ МАЛАКАВИЙ АМАЛЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	387-389
<i>Z.T.Choriyeva</i> -BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINING TABIIY FANLAR BO'YICHA SAVODXONLIGINI ANIQLASHDA TIMSS TOPSHIRIQLARIDAN FOYDALANISH	389-391
<i>A.P.Ботиров</i> ЎҚУВЧИЛАРНИ ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИДА САМАРАЛИ ИШТИРОК ЭТИШЛАРИДА ТАБАҚАЛИ ВА ПСИХОЛОГИК ЁНДАШУВНИНГ АҲАМИЯТИ.	391-392
<i>М.Бобоқулова ва Д.Ҳамидова-</i> ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИНГ АҲАМИЯТИ	392-393
<i>Имомов Мусурмон-</i> МАШИНАСОЗЛИК КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	393-394
<i>Куватова Нозима Бахтиёревна-</i> ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	394-396
<i>Шарофаддинов Шихназар Анварович,</i> ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИ-РАҲБАР ШАХСИГА НИСБАТАН ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	396-398
<i>Shermatova Zuhraxon Asqarovna</i> INFORMATIKA FANINI HOZIRGI KUNDAGI O'RNI VA AHAMIYATI. PISA XALQARO TA'LIM SIFATINING BAHOLASHDAGI O'RNI	399-400
<i>Atayeva Baxrinisa Abduvaxidovna</i> PIRLS TADQIQOTLARIGA TAYYORLASHDA "MATN TAHLILI" METODIDAN FOYDALANISH SAMARASI.	400-401
<i>Boboqulova Dilorom Erbo'tayevna</i> -INTEGRATSIYALASHGAN DARSLAR ORQALI O'QUVCHILAR BILIM SIFATINI OSHIRISH	401-403

<i>Буронова Севара Ойбековна</i> ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОХАТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ МАЗМУНИ, СИФАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ	403-405
<i>Нуралиева Наргиза</i> - РИВОЖЛАНГАН ДАВЛАТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	405-406
<i>Жамалатдин Утепбергенев, Дамезул Сейтова, Еркинай Убаева</i> - ОЙНИНГ ЭНГ БИЛИМДОН СИНФИ	407-409
<i>Юлдашева Саида Олимжоновна, Маширапова Одинахон Қосимовна</i> - ЎҚУВЧИЛАРГА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ОРҚАЛИ ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ	410-411
IV-ШЎЪБА. ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАРНИ ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ДАСТУРЛАРИДА САМАРАЛИ ИШТИРОК ЭТИШЛАРИГА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ.	
<i>Хамдамова Махзуна Турсуновна</i> ЁШЛАРДА РАҲБАРЛИККА ХОС ҚОБИЛИЯТЛАР ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ	411-413
<i>Uralov Azamat Begnarovich</i> - МА'НАВИЯТ – ТАРБИЯНИНГ НЕГИЗИ	413-415
<i>Исмоилов Элдор Ҳаким ўғли</i> - ЁШ АВЛОДНИНГ ЮКСАК БИЛИМ ВА ТАФАККУР СОҲИБИ БЎЛИШИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИНГ ЎРНИ	415-416
<i>Matatqulova Mavjuda Shakirovna</i> - INTEGRATSIYA VA ENEYJEYZERLAR	417-418
<i>Abdurahimova Dilbar Abdurahmonovna</i> CHIZMACHILIK DARSLARIDAI ILG'OR TAJRIBALARNI O'RGANISH VA OMMALASHTIRISHDAGI UZVIYLIK	418-419
<i>Berdibekova Mutabar</i> - USING ENGLISH IN CLASS	419-420
<i>Abdusattorov Abduvosil Abdumuxtor</i> - Motivating and engaging students in reading	420-422
<i>Egamberdiyeva Gulasal</i> USING VOCABULARY GAMES IN ENGLISH LESSONS	422-424
<i>Хазраткулова Дилноза Намазбаевна</i> ЧИЗМАЧИЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	424-425
<i>G'ofurova Havasxon Ne'matjonovna</i> - КИТОВ –INSON TAFAKKURINING QANOTI	426-428
<i>N.X.G'aniyeva , Z.Sharipov</i> - JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARINING MALAKASINI O'SHIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISHNING O'RNi	428-429
<i>Qoraboyev Safarali Musurmonqul o'g'li</i> - RANGTASVIR KOMPOZITSIYASI MASHG'ULOTLARINI OLIV BORISHDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	429-430
<i>Rasulova Dilafruz Sobirjanovna</i> - KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI O'QUVCHILAR PSIXIKASI	430-431
<i>Бойматов Нуриддинжон Мирзақулович, Акрамова Равшаной</i> КАСБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ БИЛИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ	432-433
<i>Д.Ибрагимова, О. Тошмуродов</i> ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	433-434
<i>ДИБРАГИМОВА, Ф.Саидов</i> ЎҚУВЧИЛАРГА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ	434-435
<i>Икромжон Абдураимов</i> - ТАЪЛИМДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ЎРНИ	436
<i>Бойматов Нуриддинжон Мирзақулович, Янгибоев Хуриш</i> ИНТЕГРАТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УСЛУБЛАРИ.	437
<i>Н.Ш. Юсупова</i> - МЕТОДИКА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРОСТРАНСТВЕННОЙ, ВРЕМЕННОЙ И СИЛОВОЙ ТОЧНОСТИ ДВИЖЕНИЙ	437-438
<i>Г.Тулепова</i> - АЖДОДЛАРИМИЗ БОЛАЛАРДА ИЖТИМОИЙ СОҒЛОМ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИДА	439-440
<i>Юнусова Хуришда Сахибжановна</i> - ТАСВИРИЙ САНЪАТ ФАНИ ТЎГАРАКЛАРИНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ	440-441
<i>Намазова М.У , Жумақулова Маърифат Хусниддиновна</i> - УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ БОСҚИЧЛАРИ ЎРТАСИДАГИ УЗВИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА УСТОЗ – ШОГИРДЛИК МАСАЛАСИ	441-443
<i>Atayeva Gavhar</i> - BOSHLANG'ICH SINFLARDA AMALIY FANLARNI O'QITISHDA INTEGRATSION TA'LIM.	443-445

<i>D.M.Tagayeva</i> PISA XALQARO BAHOLASH DASTURI YORDAMIDA, O'ZBEKISTONDA TA'LIM SIFATINI BAHOLASHNING YANGICHA MONITORING TIZIMINI SHAKILLANTIRISH	445-446
<i>Abdurahimova Dilbar Abdurahmonovna</i> CHIZMACHILIK DARSLARIDAI ILG'OR TAJRIBALARNI O'RGANISH VA OMMALASHTIRISHDAGI UZVIYLIK	446-447
<i>Abdusattorov Abduvosil Abdumuxtor o'g'li-</i> MOTIVATING AND ENGAGING STUDENTS IN READING	447-449
<i>Ibragimov Ulug'bek Muradilloevich-</i> CAD/CAM/CAE TIZIMLARINI O'QUV JARAYONIGA QO'LLASH TAJRIBASI VA AHAMIYATI	449-450
<i>A.Jonibekov-</i> TA'LIM SIFATI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA XALQARO TAJRIBALARDAN FOYDALANISH: MUAMMO VA YECHIMLAR	451-452
<i>Абдурахманова Дилфуза Бахрамовна-</i> ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ	452-453
<i>Каримова Гулнора Хайдаркуловна-</i> ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАМИНЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА	454-455
<i>Кубаева Каромат Тошнўлатовна-</i> БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМДА ЎЙИНЛАР ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАР ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	455-456
<i>Мусурмонова Нигора Джумаевна-</i> БОШЛАНГИЧ СИНФДА УНЛИ ВА УНДОШ ТОВУШЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ УСУЛЛАРИ.	456-458
<i>Рустамова Дилором Бобоқуловна-</i> TARBİYA JARAYONIDA SHAXSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIM TECHNOLOGIYASINING AFZALLIKLARI	458-460
<i>Қодиров У.Д, Ҳожибоев И.И-</i> ЎҚИТУВЧИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ	460-462
<i>Sabirova N.E</i> O'QUVCHILARNI XALQARO BAHOLASH DASTURLARIGA TAYYORLASHDA INTERFAOL METODLARNING O'RNI	463-466
<i>Shamsheddinova Nodira Baxreddinovna-</i> ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИНИНГ ТАРИХИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛЛАРИ	466-467
<i>Atadjanova Y.D</i> ONA TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNI XALQARO BAHOLASH DASTURLARIGA TAYYORLASH.	467-469
<i>Karshiyeva D-</i> МАЛАКА ОШИРИШ ЖАРАЁНИДА МАКТАБ МАТЕМАТИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ДАРСЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА.	469-470
<i>P.Суванов-</i> ТАРИХ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	470-472
<i>Б.К.Норкулова-</i> УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРИДА МАТЕМАТИКА ФАНИДАН САВОДХОНЛИК ДАРАЖАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ	473-474
<i>Mingboyeva Shoira</i> BOSHLANG'ICH SINFLARDA MEHNAT TALIMINING MAQSAD VA VAZIFALARI	474-475
<i>Ulug'murodova Xolbuvi</i> O'QUVCHILARINI MUSTAQIL FIKRLASHGA O'RGATISH	475-476
<i>Абдуллаева Ирода</i> МТТ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ НУТҚИНИ ЎСТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР	476-477
<i>Гулмуродова Паризод</i> МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ЎЙИНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	478-479
<i>Худойбердиева Наргиза Бозорбоева</i> -ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎҚУВЧИЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ	479-480